



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ФИЛОЛОГИЯНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**

ISBN 978-9943-4889-2-2



9 789943 488922

Жиззах - 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

**“ФИЛОЛОГИЯНИНГ
УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ”
МАВЗУСИДАГИ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
(1-5-шубалар)**

ЖИЗЗАХ-2021

уўк: 821.512.133
КБК: 83.3(5Ў)

Мазкур тўплам Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида 2021 йил 25 ноябрь кунини Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқаро ва Республика илмий ва илмий-техник анжуманлар режасига киритилган Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультети, ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси томонидан ташкиллаштирилган “Филологиянинг умумназарий масалалари” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари асосида тайёрланди.

Тўплам адабиётшунос олимлар, изланиш олиб бораётган ёш тадқиқотчилар ва ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳамда магистрлар учун мўлжалланган.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

ЖДПИ доценти, ф.ф. номзоди **Нодира Соатова Исомиддиновна**
ЖДПИ доценти, ф.ф. номзоди **Сурайё Эшонқулова Исомиддиновна**

Бош муҳаррир:

Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани, ф.ф.номзоди
доц. в.б. **Сунатулла Сойипов**

Масъул муҳаррир:

Ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси мудирини, ф.ф. докторини, проф.в.б.
Шоира Дониярова

Тақризчилар:

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудирини, ф.ф. докторини,
проф. в.б. **Усмонжон Қосимов**

Ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси доценти в.б., ф.ф.ф.д.
(PhD) **Дилнавоз Салимова**

Ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.ф.д.
(PhD) **Паризод Туропова**

Ушбу тўплам Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти Илмий-техник кенгаши (4-сонли баённомаси, 30 ноябрь 2021 йил) қарорини асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-4235-3-8

© Жиззах ДПИ, 2021

**I. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ
МУАММОЛАРИ**

*Шуъба раиси: Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди Юлдуз Каримова*

*Котиби: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта
ўқитувчи Мурод Жўраев*

**БАДИИЙ ТАЛҚИНДА ШАХСНИНГ ТИРИКЛАЙ ЎЛИШ
ИЗТИРОБЛАРИ**

*Дониярова Шоира Хурсановна,
ЖДПИ Ўзбек адабиёти кафедраси мудири,
профессор в.б., филология фанлари доктори*

Кейинги давр насрида, хусусан, романларида шаклий янгиланиш билан бир қаторда бадиий ғояни тасвирлаш услуби ҳам янгича поэтик қиёфада кўрина бошлади. Энди ёстикдек - ёстикдек келадиган романлар ўрнини шаклан қисса жанрига яқин турадиган асарлар, яъни роман жанрининг замонавий кўринишлари эгаллади ва бу романлар тадқиқотлар майдонида турли муаммолар доирасида ўрганилди.

Бундай романлар мазмун-мундарижаси, шаклий қурилиши, ифода йўсинининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уларда жаҳон романчилиги тажрибаларини эсга туширувчи жиҳатлар кўзга ташланиб, ўзига хос замон ва макон тушунчалари қоришиб, ўнг билан туш айқаш-уйқаш келади. Воқеа-ҳодисалар реал ҳаётда эмас, хаёлпараст қаҳрамоннинг хаёлида, онг остида кечади. Асарда у дунё билан бу дунё орасидаги чегаралар йўқолиб, тириклар билан ўликлар ўзаро мулоқотлар қилишади. Бироқ юзаки қараганда мантиксизликдек кўринган бу тасвирлар асарни синчиклаб ўқиганда маълум маънода мантиқий фалсафа, изчил дард, теран маъно борлигини кўрсатади.

Назар Эшонқулнинг “Ўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” асари ҳам тасвирдаги янгиллиги, фалсафий мушоҳадаларга бойлиги ва теран миллий руҳ билан суғорилганлиги боис бугунги кун ўқувчисининг диққат эътиборини тортмоқда.

Маълумки, баъзан истиқлол даври романчилиги мажбуран жаҳон романчилиги билан қиёсий ўрганилмоқда ва уларга жаҳон адабиётининг андазалари асосида яратилган деган фикрлар билдирилмоқда. Қолаверса, катта мактаб тажрибалари натижасида яратилган асарларга «абсурд», «полифоник», «модерн» каби терминларни мажбуран ёпиштириб тадқиқотлар майдонига олиб чиқмоқдалар.

Шунингдек, бу борада адабиётшунос олим У. Норматов реализм бошқа ижодий - фалсафий оқим ва йўналишларни, жумладан, абсурдга хос тасвир ва талқинни ҳам ўз бағрига жо эта олади. 90-йиллар ўзбек насридаги изланишлар бу фикрни тасдиқлашини эътироф этади.

Бир томондан юқоридаги фикри билан абсурдни бадиий асар таҳлилида қўллашда зукко олим анчайин ҳақ. Чунки бадиий асар қаҳрамони руҳиятида, характерида ёки ҳаётида абсурдлик унсурларини кузатиш мумкин. Буни

бемаъни ҳаёт тарзида яшаб ўтган қаҳрамон тақдирига нисбатан қўллаш ҳам ўринлидир. Шу ўринда Назар Эшонқулнинг “Ғўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романини келтириш мумкин. Асар қаҳрамонининг номланишиёқ китобхонни ўзига тортади. Бундай биргина бош ҳарф билан берилган номланиш адибнинг қисса ва ҳикояларида ҳам кузатилади. Чунки, бизнингча ёзувчининг бадиий нияти қаҳрамонни қандай номланиши эмас балки, қандай ном остида бўлмасин инсоннинг шахслиги масаласи туради. Истаган бош ҳарфни қўйиш мумкин бўлган қаҳрамонлар тақдирини бир-бирига сира ўхшамайди.

Асар қаҳрамони Н.нинг ҳаёти орқали нафақат шахс фожиаси, балки жамият фожиаси акс эттирилган. Инсон бўлиб яшашнинг мезонлари унга қимматга тушади. Шу сабаб атрофидаги инсонларнинг худбинлиги уни тириклайин ўлдиради. Аввалига қаҳрамон адашиб “ўлдига” чиқарилади. Вақт ўтиши билан унинг сохта ўлими ҳақиқатга айланиб боради. Адиб бунинг учун инсон қадрдан кўра қоғозбозликнинг қадрланганлигига, кимнингдир ҳаёти ва бахтидан кўра кимгадир кўр-кўрона сиғиниш устуворлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Шу орқали ижтимоий жамиятдаги тузум, қонун-қоидалар, меъёрий ҳужжатбозлик иллатларини фош этади. Шу сабаб ўз тириклигини исботлаш учун идорама-идора сарсон-саргардан бўлиб юрган инсон образи типиклаштирилган. Бундай иллатлар бир аср давомидаги тузум эканлигини қоронғи ва зах ертўлалардаги архив материалларининг ноаниқлиги, аслида йўқ бўлган баённомаларнинг талаблари, бу идоралардаги кишиларнинг бир-биридан совуқ боқишлари, аслида уларнинг ўлик ёки тирик эканлигини аниқлашга бўлган уринишларни адиб совуққонлик билан тасвирлайди.

Қандайдир корхонанинг оддийгина бир ишчисини ўта махфий ташкилотлар томонидан таъқиб этилиши, унинг ҳаётдаги инсон шаъни, кадр - қимматининг оёқ ости қилиниши воқеалари ривожда, биз узоқ йиллар маҳкум қилинган шўро тузуми ҳукмронлигини кузатишимиз мумкин. Чунки маълумки, миллатнинг асл фарзандлари ҳам жисман, ҳам руҳан йўқ қилингани, уларнинг доимий таъқиб остига олинганлиги сир эмас. Асар қаҳрамони Н. ҳам ҳеч нарсани англамаган ҳолда кимлардир томонидан доимий кузатувда ва назоратда яшайди. Баъзан уларга қарши қилинган ҳаракат учун огоҳлантириш олади. Ўзини тирик эканлигини исботлашга бўлган умиди борган сари саробга айланади.

Ўйлаб кўрадиган бўлсак, узоқ йиллар ҳукмронлик қилган шўро сиёсати қанчадан -қанча миллатдошларимизни тириклай ўлдига чиқаргани, ҳатто уларни жисман йўқ қилганлиги, ўлимидан сўнг ҳам доимий таъқиб қилганлиги сир эмас. Ёзувчи мана шу ҳаётини ҳақиқатни янги бир услубда бадиий ҳақиқатга айлантирган. Яна бир ўринда “ўлдига” чиқарган шахснинг, яъни асар қаҳрамони Н.нинг энг ишонган, яқин дўст деб билганлари асар охирида унинг бошига ана шу аянчли кунларни солган кишилар эканлиги кўрсатилган. Адиб бу ишоралар билан қатағон қилинган миллатимизнинг асл фарзандлари ҳам ўзлари ишонган, дўст деб билганлари томонидан сотилгани, гувоҳлик бериш орқали отилгани, қамалгани ҳақида айтмоқчи бўлади.

Ёзувчи асарда ташкилот томонидан берилган уйда жон сақлаб юрган, очликдан тинка-мадори қуриган, борган сари тушкунлик гирдорига кириб бораётган шахснинг охириги илинжини ҳам тортиб олинишини тасвирлаш орқали, асар қаҳрамони Нни ўлимга маҳкум этади.

Романнинг илк саҳифаларида тасвирланган воқеаларда катта фалсафий маъно мужассам. Унда кўринадики, раҳбар ҳузурига чақирилган кишининг ҳаяжони, атрофидаги бир ташкилотда ишлайдиган таниш ва нотаниш кишиларнинг унга бўлган муносабати, шов-шувлар исқанжасида қолган шахснинг орзулари кўрсатилади. Бироқ раҳбарнинг ҳузурига кириш ёлғон бўлиб чиққанда эса атрофини қуршаб олган оломоннинг муносабати, одамларнинг олчоқлиги, иккиюзламачилик каби тасвирлари ишонарли тарзда берилган.

Ҳўш, асардаги раҳбар ким? деган савол туғилади. Бунчалар сирли, салобатли шахс аслида борми? Бор бўлса, уни ким кўрган, қандай одам бўлган, нега аниқ чизгиларда берилмаган? Китобхон бу саволларга ҳам асар сўнгида жавоб олади. Бу раҳбар шўро сиёсати, у шахс эмас, балки тузумдир. Шу сабаб унга инсон кўр-кўрона бўйсунган ва кўрққан. Чунки шўро сиёсати номидан қанчадан-қанча ёвузликлар қилингани сир эмас. Адиб мана шу жамиятнинг инсонга бўлган муносабатини кўрсатган.

Назар Эшонқул асарда хужжатсиз ишга кириши, кимлигини исботлаши, жамиятдаги ўрнини талаб қилиши, оддий инсон сифатида яшаши ҳам мумкин бўлмаган шахс қисматини ҳаяжонли тасвирларда ифодалайди.

Асарда лўли аёл нутқи тасвири орқали ҳам бошига тушган кулфатларга унинг мағрурлиги ва бўйсунмаслиги айтилади. Натижада К. шифохонасига келиб қолади. Шифокор эса унга ўз ҳузурига нега келиб қолиш сабабини шундай ифодалайди. “Сизнинг муаммонгиздан менинг хабарим бор. Албатта, тақдир ҳукмига бўйсунмиш ўрнига терговчининг муассасасини безовта қилишингиз, бунинг устига тартиб ва қонунларга шубҳа билан қарашингиз туфайли сизни менга жўнатишган бўлишса керак” [1].

Ёзувчи профессор образи орқали шифохонадаги касалларни таништирар экан, “Мени хўрлашяпти, менга адолатсизлик қилишяпти”[1] деган фикрга келишларининг асл сабабларини изоҳлаб беради. Унингча, сиёсий ўйинларга бўйсунмаганларни, озодлик истаганларни “булар жинни” деб таништириш орқали шўро сиёсати қирдикорларига бўйсунмаганларни атрофдагиларга ҳам, ўзларига ҳам рухий касаллар сифатида тушунтирадиган ва ишонтирадиган сиёсий ўйинлар ҳақида фикр юритади.

Назар Эшонқулнинг ушбу асарини сўзма- сўз, жумлама-жумла таҳлил қилиш мумкин. Чунки романда адабий методлар таъсири сезилса-да, аммо адабий таъсирдан кўра кўпроқ бадиий талқин кучлироқ намоён бўлади.

Бугунги кун адабиётшунослигида бадиий асарнинг қиммати унда тасвирланган ҳаёт ва инсоннинг янгича концепцияси ҳамда бадиий талқини ифодаси ушбу романда ҳам ўзига хос услубда ифодаланган. Альбер Камю «санъат воқеликка бўйсунмайди, аксинча, воқелик ўзига хос бир тарздаги санъат талабларига бўйсунди», – деганда ҳақдир [2]. Шу боис ҳам ёзувчи

қайси муҳитни, қандай даврни, қайси миллат вакилининг ҳаётини кўрсатса ўзи кўрган, кузатган, ўзи англаган ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга ишонарли тарзда айлантира олади. Бу борада «Дунёни бадиий идрок этиш қобилияти инсон шахси-камolini фавқулодда юксак мақомларга кўтаради. Ижодкор жўн одам эмас, унинг бадиий олами, бадиий нуқтаи назари бутун жамият, қолаверса, инсоният менталитетини тарбия қилишга, уларнинг сифат даражасини кўтаришга хизмат қилади», [3] - дейди Х. Дўстмуҳаммад.

Шундай экан, ҳар бир миллатнинг ўтмишини, унинг оғир кунларини тасвирлаш учун ҳам миллатнинг ўзига хос жиҳатлари ёрқин кўзга ташланиши катта аҳамиятга эгадир. Назар Эшонқул ижодида ҳам миллат дарди, миллат руҳ ва миллий қаҳрамон тасвири ишонарли тарзда, ҳаққоний чизилишини кузатар эканмиз, энг аввало, унинг романида ҳам рамзийлик пардасига ўралган миллий дардни, теран фалсафий мушоҳадани, диний ва дунёвий дунёқарашни, миллий ва умуминсоний қадриятларни, миллат кишисининг ижтимоий – ҳаётдаги ўрнини ҳамда миллат кишисининг характерини ўзига хос тарзда тасвирлашга эътибор берилганлигини кузатиш мумкин. Шу сабаб адибнинг ушбу романи рамзлар тасвирида инсон қисмати ва фожиаларидан ҳикоя қиладиган ўзига хос услубда тириклай ўлган одамнинг изтиробларини бадиий талқин қила олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Назар Эшонқул. Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви. –Т.: 2018. Б.127.
2. Назаров Б. Жаҳон адабиёти.1998. январ. 31- бет.
3. Дўстмуҳаммад Х. Ёзувчи шахси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2001. 2 март.
4. Ўрунова Сабоҳат. Истиклол ва адабий қаҳрамон // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. 1- сон. 45 - бет.
5. Шарофиддинов О. Модернизм жўн ҳодиса эмас // Ўзбекистон адабиёти санъати. 2000. 29 сентябрь.
6. Қўшжонов М. Бадииятнинг олмос жилолари // Халқ сўзи. 2002. 20 сентябрь.
7. Ҳамдамов У . Бадиий тафаккур тадрижи // Янги аср авлоди, 2002. 50-б.

ABDULLA QƏDİRİ VƏ AZƏRBAYCAN

Ülvi Almaz BİNNƏTOVA

Filologiya elmləri doktoru, professor

AMEA Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat

İstitutunun “Azərbaycan-Türkmənistan-

Özbəkistan ədəbi əlaqələri” şöbəsinin müdiri

XX əsr cığatay (özbək) nəsrinin banisi, tanınmış satirik, dramaturq və publisist Abdulla Qədirinin ədəbi irsi çox zəngin və milli ədəbi xəzinənin ən dəyərli incilərindəndir.

Abdulla Qədiri 1894-cü ildə Daşkənddə varlı tacir olan Qədir kişinin ailəsində doğulmuşdur. Yazıçının atası Qədir kişi 102 il ömür yaşamışdır. Abdulla Qədiri uşaq olarkən atası müflisləşmiş və sonra o, bağçılıqla-üzümçülüklə məşğul olmağa başlamışdır. Oğlunu təhsilli, ziyalı görmək istəyirdi. Ona görə də Abdullanı əvvəlcə mədrəsəyə (köhnə müsəlman məktəbinə), sonra isə yerli rus-özbək məktəbinə qoymuşdu. Bu məktəbdə Abdulla rus dilini öyrənmiş, sonralar bu imkan ona rus ədəbiyyatı ilə yaxından tanış olmağa kömək etmişdi. İbtidai təhsilini başa vurduqdan sonra o, müstəqil həyata qədəm qoymuş, Daşkənddə bir varlının-mülkədarın yanında mirzəliyə (katibliyə) başlamışdır. Beləliklə, qeyd edək ki, onun uşaqlıq və yeniyetməlik dövrü tacirlər, varlı və kasıb təbəqələr, peşəkar sənətkarlar, daim bir yerdə məskunlaşaraq xırda alış-veriş edən alverçilər və torpaqsız kəndlilər arasında keçmişdir. Gördüyü bu insanların həyat tərzi, yaşam dünyası, eləcə də şəhər mühiti onun – gələcək yazıçının dünyagörüşünün formalaşmasında mühüm rol oynamışdır.

Bunlar əsas verir deyək ki, o, öz xalqını eşitdikləri və yaxud oxuduğu kitablar vasitəsilə yox, məhz gördükləri, müşahidələri əsasında daha yaxından tanımışdır. Nəvainin, Lütfinin, Muqiminin, Fitrətin, Çolpanın və digər özbək klassiklərinin əsərlərini maraqla mütaliə etmiş və milli ədəbiyyatın tarixinə yaxından bələd olmuşdur.

XX əsrin əvvəllərində Asiyanın, Avropanın bir hissəsini inqilab dalğası bürümüşdü. Belə bir dövrdə özbək yaradıcıları, millətçi ziyalılar da milli-azadlıq mübarizəsinə qoşulmuşdu. Təbii ki, Azərbaycanda baş verən ədəbi hadisələr, "Molla Nəsrəddin", Mirzə Cəlil, Sabir kimi nəhəng satirik - inqilabçı demokratların yaradıcılıqları özbək ədəbi həyatına böyük təsir etmişdir. Bu təsir Abdulla Qədirinin də yaradıcılığında yan keçməmişdi. Özbəkistanda millətçilik ideyalarının təbliğində, yayılmasında vətənsəvər, millətsevər ziyalılar fəallıq göstərirdilər. Dini xurafat, mövhumat əleyhinə mübarizə genişlənir, yeni təhsil sistemi, dünyəvi biliklərə yiyələnmək, savad almaq uğrunda təbliğat getdikcə güclənirdi. Abdulla Qədiri ərəb və fars dillərinə yiyələnmək üçün yeni üsullu mədrəsədə-müsəlman seminariyasında təhsilini davam etdirir. Buradakı təhsil proqramında milli burjuaziya tələbləri əks olunurdu, onun ideoloqları cədidçilər adlanırdı. "Cədid" - ərəb sözü olub, "yeni" anlamını verir.

Bütün Rusiyanı, Azərbaycanı, Türküstan ellərini bürümüş inqilabçı-demokratlar hərəkatının aparıcı ideyalarını Özbəkistan həyatında da cədidizm nümayəndələri həyata keçirməyə cəhd edirdilər. Cədidçilər, feodal tənəkkürünün ləğvinə, xurafat yönümlü dini məktəblərin köklü islahatı, islamın yüksək dini elm səviyyəsində tədrisi lehinə çıxışlar edirdilər.

Sovet ideologiyasında qeyd edilir ki, cədidçilər Türkiyə pantürkistlərinə meyl edir, tatar və Azərbaycan pantürkistləri ilə əlaqə saxlayır, xalq kütlələrini inqilabi çıxışlardan çəkindirirdilər. Müəyyən proqramı, rəhbərlik mərkəzi və nizamnaməsi olmayan cədidçilər Türküstan və Buxaradakı leqal nəşrlər ətrafında, yeni üsullu məktəblərdə, xeyriyyə cəmiyyətlərində və s. yerlərdə toplaşırdılar. Bəzən cədidçilərə demokratik ziyalılar da qoşulurdu, lakin onların siyasi cəhətdən cədidçilərlə yaxınlığı yox idi. Məsələn, H.H.Niyazini, S.Aynini, A.Qədirini və başqalarını göstərmək olar. Adları qeyd olunan və olunmayan o dövr yaradıcılarının ümdə vəzifəsi xalqın

gözünü açmaq - maarifləndirmək, elmə-ədəbiyyata marağı gücləndirmək və beləliklə, xalqının dünyaya baxışını zənginləşdirmək idi. Hər kəs öz sözü, qələmi ilə bu ideyalarını həyata keçirmək əzmində idi. Bunun adını isə nə qoyurlarsa qoysunlar, Abdulla Qədirinin gənclik yaradıcılıq dövrü məhz belə zamana təsadüf etmişdir. Yuxarıda qeyd etdiyimiz kimi, o, elə bir ailədə, əhatədə doğulub böyümüşdü ki, kifayət qədər formalaşmış dünyagörüşü var idi. Həyatın hər üzünü görmüş və təfəkküründə saf-çürük etməyi bacarırdı. Abdulla Qədirinin "Millətimə", "Bizim vəziyyət" şeirləri məhz bu ruhdan doğmuşdur. "Əxlaqsız" (1915) adlı nəsr əsəri 1916-cı ildə "Türküstan vilayətinin qəzeti"ndə dərc olunmuşdu. Bu əsərdə yazıçı mülkədar oğlu Saqdullanın timsalında gənc ticarətçilərin nöqsanlarını, onların əxlaqsız, məhvə məhkum həyat tərzlərini açıb göstərərək ifşa etmişdir.

Elə həmin illərdə yazdığı "Bədbəxt adaxlı" dramında isə yazıçı israfçılığı, bəd-xərcliyi ifşa etmişdir. Əsərdə mülkədarın yanında işləyən kasıb gəncin faciəli taleyi təsvir olunur. Bu gənc adaxlıdır, öz məsrəfinə uyğun olmayan böyük toy ziyafəti təşkil edir, bununla borca düşür və borcunu ödəyə bilmədiyi üçün özünü öldürür.

Əsər əldə olunan afişaya görə, yazıldığı tarixdə yerli teatr xadimləri tərəfindən səhnələşdirilibmiş.

Yazıcının qələmə aldığı mövzular onun həyatda tez-tez gördüyü və şahidi olduğu hadisələrdir. Abdulla Qədiri Özbəkistanda nəşr olunan ilk satirik jurnalın - "Müştüm" ("Yumruq") jurnalının banilərindən və fəal müəlliflərindən biri olmuşdur. O, gördüklərini gah satirik yolla, gah da faciə şəklində qələmə almışdır. Sovet hökuməti Özbəkistanda qurulandan sonra cədidizm aradan götürüldü. Lakin milli azadlıq mübarizəsi, vətənsəverlik, millətçilik duyğusu elə bir şeydir ki, onun başqa adı olmur. Müxtəlif cərəyanlar, təşkilatlar, siyasi quruluşlar ötüb keçə bilər, amma qanla, təfəkkürlə doğulan millətçilik duyğuları ölməzdir. İllahdakı hürlüksevər türk soylarından olub Turan məfkurəsinə, Türküstan idealına tapınanlar nəslindən olasan.

İnqilablar, cəmiyyət dəyişiklikləri Abdulla Qədirinin dünyagörüşündə böyük dönüş yaratmışdır. O, mətbuatda çox tez-tez dərc olunurdu. 1919-22-ci illərdə yazdığı felyetonlarını, hekayələrini "İştirakiyun" ("Kommunist") və "Qızıl bayraq" qəzetlərində, "İnqilab" jurnalında çap etdirirdi. 1922-ci ildə "İnqilab" jurnalında "Mənim atam bolşevikdir" əsəri dərc olunmuşdur. 1923-cü ildə isə "Müştüm" dərgisində çalışmağa başlamışdı. Hekayələrini, felyetonlarını, məqalələrini "Culqunbay", "Dunbul", "Ciyən", "Sovrunbay", "Ovsar", "Dumbulnisə" və başqa gizli imzalarla nəşr etdirən Abdulla Qədiri alverçiləri, kəndxudaları, ikiüzlü çinovnikləri, bürokratları, qadın azadlığı əleyhinə olanları, maarifçiliyin düşmənlərini tənqid atəşinə tutur, xalqını yeni günə, işıqlı, ziyalı sabaha çağırırdı. O, öz yazıçı, ziyalı təfəkküründən doğan bu arzularını qələmə almağa çalışırdı. Buna görə də onun satirik janra müraciət etməsi, bu janrda yazmağı bacarması daha uğurlu cəhd idi. Çünki az sözlə böyük məna, böyük mətləblər açırdı. Yumorla, gülüslə eybləri göstərmək, oxucu əhatəsini genişləndirmək digər ölkələrin də ədəbi üsullarından biri idi. Onun xalq aforizmlərinə, özbək folkloruna müraciət etməsi təbii hisslərdən doğurdu.

"Mənim tərcümeyi-halım" hekayələr silsiləsindən olan "Kalvayı Məhzum", "İnadçıl Taşpulat nədən danışır" və "ğarvon xala nədən danışır" hekayələrində yazıçı

öz obrazlarını satirik dillə ifşa edir. Yazıçı istər Kalvayı Məhzumun, istərsə də işsiz, gücsüz, avara Taşpulatin – qəhrəmanlarının daxili dünyasını satirik-psixoloji təhlil vasitəsilə açıb tökür. Satirik hekayələrində obrazlarını psixoloji cəhətdən son dərəcə güclü təsvir edən müəllif bir yazıçı kimi özü də qələmini möhkəmləndirir. Real həyatdan götürdüyü obrazlarını bədii ifadələrlə oxucusuna tam şəkildə açır. Bütün bunlar, əlbəttə, yüksək yazıçı təxəyyülündən, qabiliyyətindən, istedadından irəli gəlsə də, eyni zamanda, onun həyatı gözəl dərk etmə, insan xarakterini olduğu kimi təhlil etmə bacarığındandır. Təbii ki, bədii yaradıcılıq xalq qəlbinə, xalq ruhuna yaxın olmalıdır. Oxucu əsəri oxuyarkən, əhatəsini, lap özünü, yaşadığı cəmiyyəti, hökm edən qanun-qaydaları, haqsızlıqları, narazılıqları orada görsün və qəlbinə doğma-həmdəm, həmfikir sansın, sirdaş bilsin. Abdulla Qədiri 1924-25-ci illərdə Moskvada B.Y.Bryusov adına Ali Bədii Ədəbiyyat İnstitutunda təhsilini mükəmməlləşdirmişdir. Satirik fikirləri ilə qələmini möhkəmləndirən yazıçı "Ötən günlər" adlı romanını 1922-ci ildən hissə-hissə çalışdığı "İnqilab" jurnalında dərc etdirirdi. Bu əsərini Abdulla Qədiri 1925-ci ildə ayrıca kitab şəklində çapdan buraxdırmışdı. Əsər 3 hissədən ibarətdir. Birinci hissə 23, ikinci hissə 17, üçüncü isə 16 hekayətdən (cəmi 56 hekayət) ibarətdir. Burada XIX əsrin I yarısında özbək xalqının həyatı təsvir edilmişdir. Əsərin başlanğıcında yazıçı "Müəllifdən" adlı giriş sözündə qeyd edir ki, "biz yeni əsrə qədəm qoymuşuq və bütün ölkəni yeni yolla getməyə çağırıram. Yazıçılar müxtəlif janrlarda - roman, hekayə və şeir olsun, yeni yaradıcılıq nümunələri yaratmaq əzminə dolublar. Öz dövrümüzün "Tahir və Zöhrə"sini, "Fərhad və gərin"ini, "Bəhram Gur"unu və "Dörd dərviş"ini yazmalı, yaratmalıyıq. Bu mənada "Ötən günlər" romanı ilk cəhddir. İstənilən işdə ilk addımda zəiflik, çatışmamazlıq olur. Təcrübə artdıqca həmin çatışmazlıqlar görünür, dolğunlaşdırmağa çalışırsan. Bu fikri bəyənərək, amma təcrübəsizliyimə də qulaq asmayaraq, gücümü sınağa can atdım. Deyirlər ki, nəyi isə yeni başlayırsansa, keçmişinə nəzər sal, onda uğur qazanmaq mümkündür. Ona görə də mən keçmişdən, yenicə ötən günlərimizdən, axırıncı xanlıq dövrünün – tariximizin çirkin və qara günlərindən yazmağa başladım" [4, s.6].

1928-ci ildə Azərnəşrdə nəşr olunan "Ötən günlər" kitabının giriş hissəsində əsəri ilk dəfə Azərbaycan dilinə tərcümə edən, milliyyətçə özbək olan, amma Bakıda yaşayıb - yaradan Xəlid Səid Xocayev yazmışdır: "İndiki Özbəkistan Cümhuriyyəti Türkünstan ölkəsinin ən zəngin qismindən təşkil edilmişdir. Buradakı xalq inqilaba qədər başqa millətlər kimi Rusiya çarlığı, Rusiya kapitalist yumruğu altında hüquqdan məhrum bir halda yaşamışdır. Zəhmətkeşlər, kəndçilər əski xanlıqlar dövründə nə qədər elmdən, mədəniyyətdən məhrum halda yaşamışdırlarsa, çarlıq dövründə də eyni halda qalmışlar. İnqilaba qədər Türkünstan xalqının (tam mənasiyla) mətbuatı yox idi. Olan mətbuat da çar hökumətinin təşviqatçısı idi. Özbək ədəbiyyatı tarixində birinci olaraq həyatı, tarixi roman - özbək ictimaiyyətini, özbək xalqının yaşayışını özündə əks etdirən bir əsər yazılmışdır və bununla da özbək ədəbiyyatında yeni bir dövr açılmış oldu. Əsərin müəllifi Özbəkistanın mahir yazıçılarından olan Abdulla Qədiri (Culqunbay) zəmanənin adamlarındandır, ancaq proletar ideolojisi ilə hələ ki, yoğrulmamış, proletar dünyasına qarışmamış ziyalılardandır. O, mədrəsədə oxumuş, bir neçə zaman qulluqçu sifətilə ticarət işlərilə məşğul olmuş, inqilabdan

sonra “Müşüm” jurnalında “Xəlvət məxsüm”, “Taşbulax Təcən” imzaları altında nəşr olunan yazıları ilə mətbuat aləmində tanınmışdır. Ancaq yenə milli ruhdakı ziyalıların sırasındadır. “Ötən günlər”in qiyməti keçmiş xanlar dövründəki qanlı faciələri, başkəsmələri, hakimiyyət uğrunda çarpışmaları təsvir etməsindədir. Mühərrir bu əsərdə keçmiş, unudulmuş günləri gözümüzün qabağında canlandırır. Əsər nəfis özbək ədəbiyyatının birinci romanlarından sayılır: əsərdə bir tərəfdən özbək həyatı, qadınların, qızların yaşayışı, onların yumşaq təbiətləri, sədaqətləri, şirin ədaları təsvir edilərkən, ikinci tərəfdən də onların kişilərin təhəqqümü altında qul kimi ömür sürdükləri, ailə içindəki çarpışmaları nəfis surətdə göstərilir. Romanın zəif cəhətləri də vardır. Azərbaycancaya çevirdikcə belə yerlər mümkün olduqca qısaldılmış, əsəri mahir qələmlə yazılmış bir roman siqlətinə salmağa çalışılmışdır. ...Əsərin üslubu özbəklərin səciyyələrini tamamilə əks etdirir. Uslub təmkinli, ... qəhrəman ən təhlükəli dəqiqələrdə belə vüqarını itirməz, qanlı mücadilələrdən sonra belə soyuqqanlılığı saxlar. Sırrını kimsəyə söyləməz. Qəhrəman özbək xalqının bütün səciyyələrini özündə toplayan bir özbəkdir. Əsər realist, bəzi yerdə də naturalistcəsinə yazılmışdır. Buna görə də “realist məsləki özbək ədəbiyyatına bu əsər ilə girir” demək olur. Abdulla Qədri özbəklərin Mirzə Fətəlisi sayıla bilər. Bu roman Özbəkistanda hər savadlı vətəndaş tərəfindən sevilə-sevilə oxunmaqdadır. Özbəkistan nəşriyyat dairəsi tərəfindən üç dəfə çap edilmişdir. Özbəkistan və Azərbaycan əməkçilərini bir-birilərinin həyat və yaşayışları ilə tanışdırmaq üçün bu əsərin nəşri lazım bilindi. Özbəkistan Quralar bayrağı altında mədəni tərəqqidə çox irəli getmişdir. Bununla bərabər özbək xalqının həyatı ilə tanış olmaqda bu roman bir neçə yollar açacaqdır” [4, s.3-4].

Tarixi roman janrında əsər yazılması özbək ədəbiyyatında yenilik idi. Romanın ilk fəslində əsərin qəhrəmanı Atabəy Mərgilan şəhərində tacir oğlanlarla görüşür. Söhbət əsasında gənc tacirlər ailə məsələlərindən danışmağa başlayırlar. Atabəy ümumilikdə qəbul olunmuş dədə-baba adətinə zidd olaraq, ailə qurarkən iki gəncin sevgisini əsas götürür. Nikah bağlayan gənclər ata-analarının dedikləri ilə yox, öz istəklərini həyata keçirməlidirlər. Evlənen gənc aldığı qızı qul yox, sevgilisi, əzizi kimi qəbul etməlidir. Ancaq bu şərtlər daxilində ailə həyatında xoşbəxtlik hökm sürə bilər. Elə cəmiyyətdə də belədir. Əgər qarşılıqlı münasibət, düzgünlük yoxdursa, ailə həyatında da, cəmiyyətdə də xoşbəxtlik tapmaq çətindir. Müəllif sonralar yazdı ki, “Ötən günlər”i yazarkən qarşımda həmişə oxucularımı hiss etmişəm. Ona görə də var gücümə çalışmışam ki, yeni həyat xalqının qəlbinə yatsın, ona ürəkdən bağlansın [3].

Bu əsərdə iki gəncin Atabəy və Gümüşün faciəli məhəbbətləri nəql olunur, feodal dövrünün, epoxasının başa çatması yazıçı dili ilə bildirilir. Roman qəhrəmanları üsyankardırlar, amma tək də deyillər. Onların macəralı taleyi ilə müəllif feodal xanlıqlar quruluşunu dağıldığını açıb göstərmişdir. Romanda ziddiyyətin mərkəzində - ata və gənc oğul Atabəyin - arasındakı söhbət dayanır. Ata oğlunu, - adət-ənənəyə uyğun olaraq, köhnə ailə ənənəsinə, patriarxal quruluşun adətlərinə görə, tanımadığı, sevmədiyi bir qızla evləndirmək istəyir. Oğul Atabəy isə bir başqasını – Gümüşü sevir. Atabəy və onun sevdiyi Gümüş obrazları özbək ədəbiyyatında yeni hadisədir. Atabəy-varlı ailənin övladı, təhsilli, həyatı dərk edən,

düzgünlüyə qətiyyətlə can atan bir gəncdir. Sevimli Gümüşünə yaraşır. O da yaxşı tərbiyə almış, təhsilli, təbii hissiyatı güclü, gözəl və qaynar təbiətli bir qızıdır. O da Atabəyi dərin məhəbbətlə sevir. Amma bu istək onun bədbəxtçiliyidir, çünki köhnə adətlərə görə, onun hiss və fikirlərini dinləyən, ona qulaq asan yoxdur. Öz xarakterinə, daxili dünyasının gözəlliyinə və alicənablılığına görə Gümüş anası Aftab xanıma borcludur. O da özbək qadınlарına xas olan xeyirxah arzularını həyata keçirmək məqsədindədir. Aftab xanım ağıllı, sakit təbiətli, sevimli ana, həqiqətsevər insan və bacarıqlı evdar qadınıdır. Bütün bunlarla belə, Aftab ana köhnə adətlərin əsiridir - o, ərinin bütün tapşırıqlarını canı-dildən yerinə yetirir, onun təsirindən asılıdır və onun bütün fikirləri ilə hesablaşmalıdır.

Bu əsərin aktuallığı və müasirliyi ondan ibarətdir ki, yazıçı öz xalqının ağır, tarixi keçmişini təsvir etməyinin əhəmiyyətini başa düşür, bunları mərkəzi xəttə saxlayaraq yalnız uzaq tarixi xatırlamaq yox, xalqının tarixi taleyinin inkişafına, tərəqqisinə, irəliyə doğru getməsinə çalışmışdır. Abdulla Qədiri tarixi mövzuya müraciət edərkən yazıçı kimi onun əsas yaradıcılıq məharəti ondan ibarət olmuşdur ki, o, öz xalqının dözümlüyünü, əməksevərliyini, qəhrəmanlıq tarixini, xalqının öz azadlığı və müstəqilliyi uğrunda mübarizəsini açıb göstərməyi bacarmış və elə bu keyfiyyətlərlə də müasir dövrdə qarşıya çıxan problemləri həll etməyin mümkünlüyünü oxucusuna açıqlamışdır.

Abdulla Qədirinin 1928-ci ildə yazdığı ikinci romanı "Mehrab əqrəbi" (Xudayarxan və Mirzələrin həyatından tarixi roman) əsəridir. Əsər ilk dəfə 1929-cu ildə Daşkənddə nəşr olunmuşdur. Abdulla Qədiri (Culqunbay) əsərin giriş hissəsində "Romanın mövzusu barədə" başlıqlı qeydində (Daşkənd. 05. 02. 1928-ci il) yazmışdır: "Türküstan feodallarının axırncı nümayəndəsi Xudayarxanın öz ehtirasları yolunda dehqanların və yoxsul sinfinin mənafeyini qurban verməsi, məmləkətin gəlin-qızlarını xan hərəmxanasının kənizinə çevirməsi, buna qarşı çıxanlara isə amansız divan tutması – romanın əsas mövzudur. Xudayarın bu yolda birinci istinadgahı olan üləmaları, onların əhvalı - ruiyyəsinə, əxlaqını, mədrəsə və ailə həyatını, zalımlıqlarını son dərəcə kiçik bir kitabın imkanı daxilində qələmə alıram. Bunlar mənim romanımın mənfə qəhrəmanlarıdır. Bu qara qüvvələrin qarşısında məzlum sinfin nümayəndələri ruhanilərə, xan üsuli – idarəsinə qarşı səsinə ucaldan əxlaqlı və bir-birini müdafiə etməyə hazır olan vicdanlı zəhmət adamları, yoxsullar dayağıdır. Mən romanın müsbət qəhrəmanlarını təsvir edəndə əlbəttə, onları olduqları kimi qələmə almağa çalışmış, heç nəyi şişirtməmiş, tarixi həqiqəti təhrif etməmişəm. Onların xana və onun nökrələrinə münasibətləri, xan zülmünə qarşı etirazları əlbət ki, kortəbii olmuşdur, bunu başqa cür göstərmək, hadisəni şişirtmək düzgün olmaz və kitabın dəyərini aşağı salardı. İki sinfin - hakim və məhkum sinflərin ziddiyyətlərini təsvir etməyə, zamanın tarixi və etnoqrafik əlamətlərini verməyə, xan hərəmxanasını və arvadlarını, zənci qadınlарını, özbəklərin məişətini, xalqın özünəməxsus yumorunu, satira meylini, özbək qadınlарının istedadını, onların öz hiss və düşüncələrini şairanə tərzdə ifadə etmək bacarıqlarını hazırcavabların yarışını göstərməyə çalışmışam. Bundan əlavə romanda bir çox başqa şeylər də vardır ki, bunlar oxucunun diqqətindən yayınmayacaqdır" [12, s.194].

Bu əsərdə müəllifin qeyd etdiyi kimi, Türkünstan dünyasının iki əsrlik sosial və mənəvi həyatı olduğu kimi - realistik üslubda əks olunmuşdur. Türkünstanın real tarixi həyatı güclü yazıçı müşahidəsi ilə hərtərəfli şəkildə açılıb göstərilmişdir. Tarixi həqiqətlər - baş vermiş hadisələr və qəhrəmanın xarakteri çox səmimi, aydın şəkildə təsvir edilmişdir. İnsanın şəxsiyyət azadlığı, fikir müstəqilliyi, gənclərin saf məhəbbəti bədii təsvir və ifadələrlə müəllif qələmində uğurlu işlənmişdir. Abdulla Qədiri “Mehrab əqrəbi”ndə xalqın feodal həyat tərzini, hökm sahiblərinin iç xüsusiyyətlərini, dini rəhbərlərin fitvasını, feodal qanunlarının yazılmış və yazılmamış ziddiyyətlərini, xalq adət - ənənələrini, el tənə - qınağını olduğu kimi təsvir etməsi özbək nəsrinin bədii imkanlarının geniş olmasına sübutdur. Əsərin əsas xüsusiyyətlərindən biri müəllifin özbək xalqının tarixi, milli düşüncə və həyat tərzini, dövrün koloritini, qəhrəmanın xarakterik xüsusiyyətlərini olduğu kimi aydın və düzgün təsvir etməsidir. Məhz bu novatorluğu ilə o, ilk özbək tarixi nəsrinin banisi kimi nüfuz qazanmışdır. Real ənənələrə söykənərək psixoloji təhlillə qəhrəmanın mənəvi dünyasının zənginliyinə varmış, onun xarakterindəki dinamik inkişafı göstərməyə müvəffəq olmuşdur. Bütün bu deyilən - yazılan məsələləri yazıçı təmtəraqsız şəkildə qəhrəmanları - Ənvər və Rəna adlı obrazlarının taleləri timsalında olduğu kimi göstərmişdir. Rəna - dini təhsillə yanaşı, gərəq mütəfəkkirlərini oxuyub öyrənən, poeziyanı könül rübabı bilən, hərdən özü də şeiriyət dünyasından misrələr düzüb-qoşan, həyatı dərk edən, yüksək əxlaq, mənəviyyət sahibi olan gözəl qızıdır. O, əsərin digər qəhrəmanı olan Ənvəri dərin məhəbbətlə sevir. Ənvər isə dostluqda sədaqətli, xeyirxah, həqiqəti sevən bir gəncdir. Rəna incə qəlb ilə Ənvəri məhz belə olduğu - təsvir etdiyimiz kimi görür və ona qəlbən bağlanır. Ənvər ağır həyat təzi keçirsə də, amma ağılı, fərasəti, istedadı, qabiliyyəti, əməksevərliyi ilə özünə mövqə qazana bilir - o, əsərin digər qəhrəmanı Xudayar xanın sarayında mirzə, az keçməmiş isə baş mirzə olur. Ənvər saray mühitində, zalım, qəddar, zülmkar, iyrənc nəfslil Xudayar xanın saray mühitində xarakterini dəyişmişir. Əksinə, xalqının ağrı – acılarına şərik olur, insani münasibətdə xeyirxahlığını, alicənablığını qoruyur, ləyaqətli, şərefli insanların haqqını müdafiə edir. Xan üsul – idarəsinə baş əyməyən, onun yazılmamış qanunlarını tanımayan Ənvər saray fitnəkarlığının qurbanına çevrilir. Sevdii Rənaya xan elçi göndərir. Lakin o, bu haqsızlığa dözmür və biri - birini sevən gənclər - Ənvər və Rəna baş alıb qaçirlar - öz sevgilərini qorumaq, məhəbbət dünyalarını qurmaq, yaşatmaq üçün.

Əsər, ümumiyyətlə, çox maraqlı təsir bağışlayır. Real həyat nağılıdır. Zülmkarlar ilə ağıllı insanlar mübarizəsi – həyat mücadiləsinin bir səhifəsidir. Müəllif bu səhifəni böyük ustalıqla yazmağa nail olmuşdur ki, əsər öz üslubu və əhəmiyyətli təsiri ilə aktuallığını indiyəcən saxlaya bilmişdir. “Mehrab əqrəbi” əsəri Y.Məmmədov tərəfindən Azərbaycan dilinə tərcümə olunaraq 1970-cı ildə “Gənclik” nəşriyyatında nəfis şəkildə nəşr olunmuşdur. Kitabda “Abdulla Qədiri” adlı məqalədə yazıçı haqqında qısa bioqrafik məlumat yazılmışdır.

Abdulla Qədirin romanları – nəsr yaradıcılığı özbək sovet ədəbiyyatında yox, o vaxtkı SSRİ-nin bütün xalqlarının ədəbiyyat aləmində böyük şöhrət qazanmış və milli ədəbi xəzinənin ən qiymətli əsərlərindən nümunələr kimi dəyərləndirilmişdir. Ümumiyyətlə, Həmzə Niyazinin dramlarında, Abdulla Qədirinin romanlarında,

Aybək, Kamil Yaşen, Abdulla Qəhharın əsərlərində faciəli hadisələr və ziddiyyətlər, mürəkkəb həyat lövhələri, xalqın ağır yaşayışı dərin və bədii ifadələrlə təsvir edilmişdir. Abdulla Qədri, Abdulla Qəhhar, Aybək və bu janrın digər görkəmli nümayəndələrinin romanlarındakı novatorluq, günün problemlərini açıb göstərmə cəhdi, həyati hadisələrlə süjetlərin qurulması, müxtəlif üsulların fərqlənməsi yeni milli ədəbiyyatın inkişafında böyük hadisə idi.

Tarixi mövzularla yaradıcılıq təcrübəsini zənginləşdirən görkəmli yazıçı Abdulla Qədri növbəti irihəcmli əsərini "Abid Kətmən" povestini müasir mövzuya - 30-cu illərdə Özbəkistanda kənd təsərrüfatında kollektivləşmə məsələlərinə həsr etmişdir. Ümumiyyətlə, o, bu mövzuda xeyli oçerk və hekayələr dərc etdirmişdir. "Abid Kətmən" povesti 1934-cü ildə nəşr olunmuşdur. Müəllif bu əsərdə inqilaba qədərki qışlaqlarla (kəndlərlə) kollektivləşmə dövrünün qışlaqları arasındakı ziddiyyətli məqamları göstərmişdir. Povestdə "Çetan" adlı kolxozun yaradılma tarixi, bu işdə ortabab kəndli Abidin fəaliyyəti qələmə alınmışdır. Bundan başqa, əsərdə yadda qalan obrazlardan biri kimi kolxoz quruluşunda fəal iştirak edən Berdi Tatar və molla Xətib, molla Möhsün kimi mənfi tipləri göstərmək olar. Mənfi obrazları yazıçı ustalıqla satirik səpkidə işləmişdir.

"Girvanlı Mollabay ağa" oçerki ədəbi aləmdə böyük əks-səda ilə qarşılanmışdı, ədib, eləcə də digər hekayə və oçerkləri ilə özbək ədəbiyyatı tarixinə böyük xəzinə bəxş etmişdir. Özbək ədəbiyyatşünas alimi İzzət Sultanov yazır ki, "Abdulla Qədri özbək ədəbiyyatına ildirəm kimi daxil oldu, sanki gur Şimşək işığı idi, – hamının diqqətini özünə cəlb etdi". Qazax yazıçısı Muxtar Ayezov bu sözlərin təsdiqi kimi qeyd edir ki, "bizim gənclik Abdulla Qədirinin romanlarından bəhrələnirdi. Onun insan xarakterini ustalıqla təsvir etməsinə heyran olurduq, insanın coşqun hissələrini bizə çatdırırdı və öz qəhrəmanlarını bizə dərinləndirirdi" [12, s.197]. Özbək ədəbiyyatında roman janrının banisi kimi məşhurlaşan Abdulla Qədirinin əsərləri – yaradıcılığı şərqin bir çox, eləcə də keçmiş SSRİ-nin bütün respublikalarında yayıldı və sevildi.

Bu əsərlərin başlıca cəhətlərindən biri də qoyulan problemin mürəkkəbliyi və geniş əhatədə dərin təhlilidir. Abdulla Qədiridən sonra bir çox özbək yazıçıları əməkçi insanların yeni-yeni tərəflərini açmış, özbək nəsrinə böyük nüfuz qazandırmışdır. Aybəkin romanlarındakı dərin lirizm, Əsqəd Muxtarın yaradıcılığında daxili drammatizm, Səid Əhmədin gülüş dolu yumoru, Həmid Qulamın ziddiyyətli, dramatik təsvir üslubu və obyektivliyi, Adil Yaqubovun psixoloji drammatizmi, şöhrətin ictimai-publisist məzmunlu təhlilləri, Rəhmət Feyzinin sənədli publisistikası, Mirmöhsünün əyləncəli süjetləri, Pirimgül Qədirovun mənəvi-psixoloji təhlili imkan verir deyək ki, özbək romanı böyük inkişafa nail olmuşdur. "Bizim gələcək nəsillərə əmanətimiz ədəbiyyat nəzəriyyəsinə və onun tarixinə sahib olmaq, klassikləri öyrətməkdir" [12, s.198] – bu qeydlər yazıçının vətəndaş ehtiramı ilə gəncliyə qayğıkeşliyidir.

Nəvai, Həməzə, Aybək, Abdulla Qədri, Qafur Qulam, Zülfüyyə, Kamil Yaşen və digər özbək yazıçıları və şairləri bir çox ölkələrdə geniş oxucu kütləsi qazanmış, hətta yaradıcılıqları haqqında tədqiqat materialları yazılmış, nəşr olunmuşdur [12, s.198]. Abdulla Qədri dünya klassiklərinin yaradıcılığına yaxından bələd idi. O, rus

ədəbiyatının klassik nümunələrini özbək dilinə çevirməklə yanaşı, rusca-özbəkçə lüğətin müəllifidir. Professor İzzət Sultanovun yazdığına görə, Abdulla Qədirinin yaradıcılıq dövründən çox illər ötüb. Özbək ədəbiyyatı böyük və məhsuldar bir dövr yaşamışdır. Özbək əsərləri şöhrət qazanaraq dünyanın çox ölkələrinə yayılmışdır. Amma A.Qədirinin real həyatdan götürərək yazdığı tarixi romanları özbək nəsri tarixində dərin iz qoymuş və öz bədii dəyərini hələ də itirməmişdir.

Abdulla Qədirinin "Ötən günlər" tarixi romanı nəşr olunduğu vaxtdan böyük şöhrət qazanmış və o vaxtkı SSRİ-nin bütün respublikalarında, xarici ölkələrdə bu əsər tərcümə olunaraq yayılmışdır. Əsərdə, əvvəldə də qeyd etdiyimiz kimi, özbək xalqının milli xüsusiyyətləri, adət-ənənəsi, keçmişi barədə maraqlı məlumatlar əldə etmək mümkündür.

"Ötən günlər"i Xalid Səid Xocayevdən sonra yazıçı İshaq İbrahimov yenidən tərcümə edərək 1960 ("Uşaqgəncnəşr"), 1979 və 1987-ci illərdə ("Gənclik") nəşriyyatında çapdan buraxmışdır. Son hər üç buraxılışa tərcüməçi "Abdulla Qədiri" adlı giriş sözü əvəzinə yazıçı haqqında qısa bioqrafik məlumat da yazmışdır.

Özbək ədəbiyyatşünasları, tənqidçiləri, tədqiqatçıları Abdulla Qədirinin həyat və yaradıcılığına diqqətlə yanaşmış, haqqında kifayət qədər çoxlu məqalələr, elmi-tədqiqat materialları yazmış, kitablar nəşr etdirmişlər. Bu sırada özbək professoru İzzət Sultanovun adını xüsusilə qeyd etmək istərdim. "Özbək ədəbiyyatı tarixi" adlı 3 cildlik dərslikdə də Abdulla Qədirinin həyat və yaradıcılığına xüsusi yer ayrılmış və yüksək dəyərləndirilmişdir. Özbək nəsrinin görkəmli nümayəndələri Abdulla Qədiri, Abdulla Qəhhar, Aybək kimi nasirlərin yaradıcılıq təcrübəsində olduğu kimi, müasir özbək nəsri də şifahi xalq ədəbiyyatı, folklor janrının fəlsəfi ideyaları ilə sıx bağlıdır. Abdulla Qədirinin hər iki şöhrətli əsəri Azərbaycan dilinə tərcümə olunaraq dəfələrlə nəşr olunsa da, təəssüf ki, hələlik ədəbiyyatşünaslığımızın özbək ədəbiyyatı fəslində görkəmli yazıçının həyat və yaradıcılığını tam əhatə edən tədqiqat və təhlillər azdır.

İSTİFADƏ OLUNAN ƏDƏBİYYAT:

1. Almaz Ülvi Binnətova. Azərbaycan - özbək (cığatay) ədəbi əlaqələri (dövrələr, simalar, janrlar, təmayüllər). –Bakı, Qartal, 2008. –334 səh.
2. Almaz Ülvi Binnətova. Özbək ədəbiyyatı (ədəbi portret cizgiləri, araşdırmalar, müsahibələr, yol qeydləri). –Bakı, "Elm və təhsil". 2016. –316 səh. [səh.62-83].
3. Xəlilov Pənah. SSRİ xalqları ədəbiyyatı. II hissə. –Bakı, Maarif, 1977. –360 səh.
4. Qədiri Abdulla. Ötən günlər (tərc.ed. X.S.Xocayev). –Bakı, Azərnəşr, 1928. – 234 s.
5. Qədiri Abdulla. Ötən günlər (tərc.ed. X.S.Xocayev). –Bakı, Azərnəşr, 1929. –101 s.
6. Qədiri Abdulla. Ötən günlər (tərc.ed. İ.İbrahimov). –Bakı, Uşaqgəncnəşr, 1960. – 391 s.
7. Qədiri Abdulla. Ötən günlər (tərc.ed. İ.İbrahimov). –Bakı, Gənclik, 1979. –342 s.
8. Qədiri Abdulla. Ötən günlər (tərc.ed. İ.İbrahimov). –Bakı, Gənclik, 1987. –336 s.
9. Qədiri Abdulla. Mehrab əqrəbi (tərc.ed. Y.Məmmədov). –Bakı, Gənclik, 1970. – 264 s.

10. Qədiri Abdulla. Ötən günlər / tərc.ed. X.S.Xocayev. –Bakı, Azərnəşr, 1928. – 234 səh.
11. Karim B. Abdulla Qodiriy: tanqid, taxlil va talqin. –T.: Fan, 2006. –232 bet.
12. Назаров Р. Узбекский роман и современность. –Т.: 1975.
13. Кадыри Абдулла. Минувшие дни (предис. И. Султанов). –Т.: Худ. лит., 1958.
14. Кадыри Абдулла. Алтарь следа скарпиона. (предис. Л. Климович). –М., Худ. лит, 1964.
15. История узбекской советской литературы. (V т. 1917-1985). –Т.: Фан, 1988. – 250 с.
16. Страницы Азербайджанско-узбекских литературных взаимосвязей (сборник). –Баку, Елм, 1985. –276 стр.

РОМАН СТИЛИСТИКАСИДА САЖЪЛАНИШ

*Пардаева Зулфия Жўраевна,
ЖДПИ профессори, филология фанлари доктори*

Роман поэтикасида ғоявий-бадий мазмун, сюжет ва композиция, шунингдек, стилистика мантикий узвийликда роман жанр аниқловчилари вазифасини бажаради. Романнинг бадий матн поэтикаси таҳлили роман стилистикасида хос бўлган барча бадий компонентлар таҳлилидир.

Поэтик нутқ стилистикаси (В.Виноградов) роман стилистикаси курилишининг асосий йўлларида бири бўлиб, «Отамдан қолган далалар» стилистикасида синкретик (синкретик - бир неча услубларнинг уйғунлиги; дискретик - ҳар бир услубни алоҳида таҳлил этиш йўли) услуб намоён бўлар экан, поэтик нутқ романий эканлигини аниқлаш учун роман стилистикасини дискретик йўл билан таҳлилга жалб этиш керак. Таҳлил жараёнида асарда Т.Муроднинг муайян поэтикаси юзага келгани, бу поэтиканинг ўзига хослиги биринчи навбатда ёзувчи индивидуал услуби орқали намоён бўлганини англаб етамиз. Умуман, адиб ижодида ҳикоядан қиссага, қиссадан романга йўналтирилган услуб динамикаси унинг услуби тадрижини ҳам билдиради. «Тоғай Муроднинг илк қиссасидаёқ бўртиб кўринган ва унинг ижодий такомилда қудратли бир қанот бўлиб хизмат қилган бу миллийлик ва ҳаётийлик ёш адибнинг кейинги асарларида янада чуқурлаша боради [4, 5-б.], - деб ёзади адабиётшунос У.Қосимов.

Тоғай Мурод поэтикасининг индивидуал хусусиятини таъминловчи бадий компонент бу - баён стилистикаси. «Тоғай Мурод адабиётга тутаб эмас, ёниб кирди. Қиссалари - соф миллий Ўзбек қиссалари. Бундай асар яратиш учун адиб рассомдек рангларни бир-биридан фарқ қиладиган, бастакордек товушларни тиниқ эшитадиган бўлиши керак Назаримда, Тоғай Мурод қисса битмайди, назаримда бор овози билан қўшиқ айтади. Бу қўшиқда авж пардалар бор, хонишлар бор, савт бор» [2, 4-б.]. Худди шундай «Қаҳрамонлар тақдири сизни бутунлай чулғаб олади, қалбингизда ёруғ бир ҳамдардлик ҳислари уйғониб, уларнинг ўксик дилларига малҳам бўлгингиз келади, гўё юракларни

ўртовчи латиф ва ҳазин бир куй тинглагандек бўласиз, кўнглингиз аллақандай ғубордан фориг бўлгандек равшан тортади» [4, б-б.], - деб С.Аҳмад хулосасига ҳамоҳанг хулосани У.Қосимов ҳам билдиради.

Тоғай Мурод ижод йўли ёзувчи поэтикасининг шаклланиши, унинг ички динамикаси, тадрижи нуқтаи назаридан тадқиқ этилар экан, унинг кичик насрий жанрдан йирик полотноларга қадар юксалган ижодида ҳар бир жанр мукамал даражада талқин этилганига амин бўламиз. Инсон руҳий-эстетик оламини бойитувчи, уларни илоҳий бир поклик ва маънавий баркамоллик сари бошловчи поэтик кўтаринкилик, кўшиқ каби жозибадор тасвир ва гўзал талқинлар Тоғай Мурод тафаккури, тили ва услубининг асосий хусусиятини ташкил этади.

Роман мутолааси жараёнида Т.Муродга хос анъанавий талқин услуби теранлашиб, яхлит бир баён - роман стилистик услуби шаклланиши намоён бўлади. Ёзувчи романда бутун умр далада кетмон чошиб, серкуёш юртида елкаси офтоб кўрмаган, кут-баракот юртида косаси оқармаган бободехқон сиймосини Деҳқонкул тимсолида очиб берар экан, нафақат қахрамон рамз сифатида юксалгани, балки романга хос барча бадиий компонентлар рамз даражасида талқин этилгани – ёзувчи ижодининг роман жанридаги тадрижий муваффақиятини таъминлайди.

Ёзувчи маҳорати асар стилистикасида намоён бўлади. «Стилист ёзувчи» таърифини нафақат Достоевский, Пруст ёки Маркеса, балки бадиий сўз маҳоратини намоён қила олган А.Қодирий ва Ойбекка нисбатан ҳам қўлласа бўлади.

«Отамдан қолган далалар»да [3] ҳам стилистика ўзига хос намоён бўлган. Роман поэтикасида лирик проза, эркин проза, насрий сажъ унсурлари ўзаро уйғунлашиб кетган.

Бу романий синкретик стилистикасини юзага келтиради, романий синкретик стилистика таҳлилини дискретик (ҳар бир услуб алоҳида) йўл билан амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Миллий адабиётимизда адабий жанрлар ривожиди, шу жумладан, романчилигимизда ҳам анъаналарга бой халқ оғзаки ижодининг таъсири сезилиб туради. Сўзлар моҳиятидаги фалсафий теранлик, шаклдош жилвадорлик, хулосалардаги мантиқий мушоҳада, кичик тасвирлардан катта умумлашмалар чиқариш бадиий прозамизнинг поэтик ўзига хослигини таъминловчи компонентлардир.

Ўзбек насри тадрижини илмий таҳлил қилган адабиётшунос Б.Саримсоқов қуйидаги наср турларини кўрсатади:

I. Орий наср (эркин проза).

II. Муражжаз наср (ваззли проза).

Адабиётшунос шунингдек, ҳозирги замон ўзбек прозасида ваззли прозанинг уч хил кўриниши мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтади:

1. Соф ваззли проза (Ў.Умарбеков. «Муҳаббат кўшиғи», «Гайдук қизи», «Чўпон Васил ва унинг фарзандлари», «Қирқ қиз» ва б.).

2. Оқ шеърнинг туғилиши. (Ў.Умарбеков ижоди тимсолида).

3. Насрий шеър [2, 78-б.].

Юқорида кўрсатиб ўтилган насрий шеър талқини муаммоларига эътиборини қаратган адабиётшунос «Бизнингча, насрий шеър вазнли насрнинг қобилини ёриб чиқиб, «эркин» наср ва шеърга хос хусусиятларга эга бўлди. Насрий шеърда ҳам шеърга хос, ҳам насрга хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: а) маълум вазнга ва изчил қофияга эга бўлмаслик; б) тасвирда рамзийликнинг устунлиги ва фикрий умумлашманинг кучлилиги; в) эмоциянинг баландлиги ва риторик оборотларнинг кўплиги; г) гап бўлақларининг семантик интонация жиҳатдан нисбий мустақиллиги ва нутқ темпининг ранг-баранглиги, ўзига хос ритмик структура ва паузаларнинг кўплиги [2, 9-б.].

Адабиётшуноснинг «Насрий шеърдаги фикр ва эмоция ҳар қандай «қофияланган сўзлар қутичаси»дагидан баланд туради», - деган таърифи адабий баҳсларда юзага келадиган «насрий шеър фикрнинг шеър даражасига ўсиб етилмаганлиги натижасида юзага келади», деган фикрларга нисбатан билдирилган илмий асосланган эътироз деб қабул қиламиз.

Адабиётшунос насрий шеър шаклланишини вазнли насрнинг анъанавий шаклий ифодадан фойдаланиш тамойили бўйича такомиллашганини таҳлил этиш билан бирга, вазнли насрнинг «янги шаклий ифодалар кашф этиш» тамойилига атрофлича муносабат билдиради.

Вазнли наср турлари ичида насрий сажънинг ҳам бугунги кун прозамизда маълум ўрни бор. «Отамдан қолган далалар»да ҳам вазнли наср унсурлари мавжуд. Чунончи:

«Бобомиз ҳовлиси Фарғонада бўлади.

Даласи Фарғона адоғида бўлади». [3, 5-б.]

Ушбу фасл бир неча туркумларга бўлинади: 1 туркум 11 ҳижоли, тенг вазнли, тенг 2 цезурали, қофияланган сажъ (яъни сажъи мутарраф). Бунда қофия моҳияти Фарғонада - адоғида эвфоник жарангдорликда намоён бўлади. «бўлади» такрор шаклида бўлса-да ушбу ўринда «Фарғонада бўлади», «адоғида бўлади» ибораларида қофиядаги аллитерация «бўлади» такрорларида ассонанс билан алмашинади. Бу услуб прозаик матнда эмоционал ҳиссиёт юзага келишига таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, «бўлади» такрори бадий сўзнинг эстетик таъсирчанликни юзага келтирувчи лексик-морфологик параллелизм вазифасини ҳам ўтайди. Ички қофия ритмик-синтактик параллелизм орқали насрий сажъланишни юзага келтиради.

Кейинги ўринда:

«Бобомиз даласи олдидан бир ариқ сув оқади.

Сув гавҳар зилол-гавҳар зилол сув бўлади.

Сув эгилмиш толлар мажнун - мажнун солланади.

Ариқ ўнгида шаҳардан келажак йўл бўлади» [3, 5-б.].

Даласи олдидан «сув оқади», «сув бўлади, йўл бўлади», икки ички сажъланиш «сув бўлади», «йўл бўлади» лексик морфологик параллелизм вазифасини бажаради.

“Сув гавҳар зилол-гавҳар зилол сув бўлади” да ритмик-синтактик параллелизмда мантикий урғу биринчи ифодада «сувга», гавҳар зилол эканлигини таъкидлаш учун, иккинчи ифодада мантикий урғу «гавҳар зилол» сув эканлигини таъкидлаш маъносида келади.

«Йўл ариқ ёқалаб ўтади. Йўл мажнунтол соялаб ўтади» да ҳам «ёқалаб» ва «соялаб» ритмик-синтактик параллелизмлар насрий сажъланишни таъминлайди. [3, 5-б.]

Роман стилистикасида сажъ услубини кўплаб учратиш мумкин:

«Йўл ариқ ёқалаб ўтади. Йўл мажнунтол соялаб ўтади». - Сажъи мутавозин (вазндош сажъ);

«Ҳаминқадар тала-тўп бўлади. Ҳаминқадар дўқ-зуғум бўлади» [3, 34-б.] - Сажъи мутавозин (вазндош сажъ).

«Донадор дала намдор дала бўлади» [3, 80-б.] - Сажъи мутарраф (қофияли сажъ).

«Далаларим қафтдай-қафтдай кўчди. Далаларим муштдай-муштдай кўчди. Далаларим тошдай-тошдай кўчди» [3, 93-б.]. - Сажъи мутарраф (қофияли сажъ).

Роман стилистикаси ритмик таҳлили матнда асосан сажънинг мутавозин тури қўлланилгани, бунга сабаб уни «қўллаш анча осон ва табиий характерга эга...»лиги, айти пайтда, «сажъи мутавозин қўлланилган насрнинг тушунилиши осон»лигидир. [2, 18-б.]

Роман стилистикасида сажънинг қўлланилиши поэтик нутқ ритмикасида оҳангдорлик, жилакорлик юзага келишига сабаб бўлади:

«Тулки қизига тўй берди. Кун қиялаб-қиялаб нур тўкди. Кун сариқ-сариқ нур тўкди.

Кун бетини кўриб бўлмади. Кун нурига қараб бўлмади.

Олам илиқ-илиқ бўлди. Олам сариқ-сариқ бўлди.

Ҳавода оппоқ-оппоқ бир нималар учди. Ҳавола-ҳавола учди. Айлана-айлана учди. Бурала-бурала учди». [3, 105-б.]

Ушбу келтирилган лавҳада «кўриб бўлмади», «қараб бўлмади», «илиқ-илиқ бўлди» – «сариқ-сариқ бўлди», «ҳавола-ҳавола учди» – айлана-айлана учди», «бурала-бурала учди» ифодалари поэтик нутқда ритмик интонацияни ошириш билан бирга, поэтик фикрни конкретлаштиради, тасвирнинг жонли ва ёрқин бўлишига хизмат қилувчи ритмик-синтактик параллелизмларни юзага келтиради.

Романда романий стилистикани юзага келтирувчи компонентлар таҳлили сажъ усулини қўллаш поэтик нутқнинг эмоционаллиги, жарангдорлигини таъминлайди, ўзига хос ритмик характерга эга бўлган ритмик прозани юзага келтиради.

«Отамдан қолган далалар»нинг стилистикасида айрим бўлақлар сажъланиб, ҳар бир ифода нисбатан бир-бирига тенг ритмик-синтактик бўлақларга бўлиниб кетади. Бундай сажъланиш натижасида поэтик нутқ оҳангдош ва изчил ритмга эга бўлади. Ёзувчи маҳорати шундаки, роман стилистикасида сажъ усулини қўллаш орқали нафақат поэтик нутқ ифодадорлигини оширади, шу билан бирга, қаҳрамон руҳий ҳолатини

ифодалайди. Қаҳрамон табиатидан, унинг ҳатто ўз қора меҳнатидан ҳам завқлана билиш хусусиятини очиб бериш ва сажъ услуби оҳангдорлик даражасини ошириш учун хизмат қилувчи сўз санъати бўлиб қолмаслиги учун талқинда лирик прозага мурожаат этади.

Романнинг эстетик архитектуроникасининг яна бир бадиий хусусиятларидан бири – лирик проза унсурларининг намоён бўлишидир:

«Чўлпон юлдуз пойида қулоқ қоқади. Чўлпон юлдуз пойида сажда этади».
[3, 5-б.]

Лирик кайфият, эмоционал кўтаринкилик, қаҳрамоннинг табиат билан уйғунлиги китобхон қалбида ҳам гўзал туйғуларни уйғотади. Соф лиризм руҳидаги насрий матн ўзидан олдинги ўринларда келган ритмик поэтик матнни моҳиятан тўлдиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Саид Аҳмад. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. –Т.: Фан, 1978. Эпитет ўрнида. 4-бет.
2. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. –Т.: Фан, 1978. 152 б. 18-бет.
3. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар: Роман. –Т.: Шарқ, 1994. - 272 б.
4. Қосимов У. Ҳозирги замон ўзбек адабиётида Тоғай Мурод ижоди. –Т.: Ёзувчи, 1997. 5-бет.

БУХОРО ТАРИХИГА БАҒИШЛАНГАН ШЕЪРЛАР ҲАҚИДА

*Ахмедова Шоира Нематовна,
БухДУ профессори, ф.ф. доктори*

Истеъдодли шоира Ибодат Ражабова юрагида юртига севгиси кучли ижодкор эканлигини унинг шеърлари ёрқин кўрсата олади. Ўзбекистон Қаҳрамони, йирик мунаққид И.Ғафуров бухоролик шоира И.Ражабованинг “Қуш киприги” шеърий тўпламидаги битиклар ҳақида: “Билмасдан бу шеърларга баногоҳ кафтингизни боссангиз, кафтингиз куяди. Билмасдан бу шеърларга кўзингизни суртсангиз, кўзингизга рўёлар басма- бас кўринади. Улардан икки саҳро оралиғидаги зумрад воҳанинг туш ўртасидаги фақат шу ерларда бўладиган ҳарорати кўтарилади.

Бу ҳовур майсиз ва май косаси бўлмаса ҳам, маст қилади. Ўзингизни қадим пирлар даврасида уларнинг рақсу самоларига маҳлиё бўлиб тургандек сезасиз”,-деб ёзган эди. Бу самимий мулоҳазалар, албатта, китобхонда қизиқиш уйғотади. Шу билан бирга шеършунос мунаққид шоира қалбини, китобнинг бош меҳварини чуқур англагани кўринади.

Ватан, юрт ишқи кучли инсонлар қалбига бу каби шеърлар яқин бўлади, уларнинг ҳис-туйғулари ичига сингиб кета олади. Айниқса, тарихий мавзудаги шеърлар эътиборни тортади. Шоира ўтмиш саҳифаларини варақлар экан, “эшиқларнинг занжирини масжидга чорлайди, уларга чопон кийдириб, юрт шаънини кўриқлайдиган аскарга” айлантиради. Ўзидай содда шеърлари

“қуёшга ноз қилиб, шамсия тутади, “Бухоро гужумлари таяммум қилади”. Шоира шамоллардан этик сўрайди, ёмғир теради. Бундай оҳорли ташбеҳлар тўпламда жуда кўп. Шунинг учун у шеър ёзса, “қоқигулнинг сутлари ёғ-ёғ бўлади, оқ теракнинг гулларига намоз қўнади, “борлиқ гул сутидан ажиб либос кияди”.

Ибодат Ражабова шеърларининг ўзига хослигини таъминлаган бир фазилат шуки, у кўпинча, жонлантириш санъатидан унумли фойдаланади. Унинг шеърларида “йўллар итаради”, “эшик киришга қўймайди”, “сукут аччиқ шароб пиширади”, “кул эса чўмичини ялайди”. Лирик қаҳрамон деразага кўзингни арт, остонага “кўп ўтирма”, занжирга “шартигни буз” деб мурожаат қилар экан, ўзлигини англаб етишга интилади.

*Нилуфар гулидан ҳижоб тутаман,
Рухларнинг сочидан яқтак тикаман.
Машаққат ичидан тавбага етиб,
Ўзимдан ўтсам, бас, Сенга етаман.*

Бундай бетакрор ташбеҳлар, тимсоллар орқали шоира Сизни ўтмишга, тарих қатларида яширинган доноликка, ўзликни англашга яқинлаштиради.

Шоира кўпчилик шеърларида тарихий шахслар, тарихий обидаларга мурожаат қилиш орқали ўқувчини буюк мозий ҳақида ўйлашга, мулоҳаза юритишга чорлайди. «Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қироати», «Робия Авлиё икрори», «Тўмарис», «Мансур Халлож», «Зебинисонинг «Девони ғазалиёти»га битик», «Рудакийни соғиниб» «Анжир Фағнавий ояти», «Абу Ҳафс Кабир фалсафаси», «Арк остонаси юзида катиба», «Чорминор» каби шеърлар фикримизга далил бўла олади. Уларда лирик қаҳрамон «елкасида Пирларнинг лаб изи» қалъалар деворини қаричлаб чиқади, қалқонлар кўксини узоқ силайди». «Баҳоуддин Нақшбанд қабртошига битик»дан:

*Кунлар хомуш ўтиб кетар,
Мислар бўлмоқчи тилла.
Туринг, ахир, Сизсиз эрта
Дунёни босар ҳийла.*

Шу тарзда шоира аксар шеърлари билан буюк инсонлар руҳига мурожаат қилиб, ўқувчини ҳам огоҳликка, уйғонишга, ҳаётга теран кўз билан қарашга ундайди. «Ғамларнинг ёғини сочига суртади». Шу ўринда истеъдодли шоир Шавкат Раҳмоннинг бир шеърдаги «бахт сўзини элимдан кейин айтаман» сўзлари ёдга тушади. Яна бир ёрқин мисол: «Зебинисо қабртошига битик»дан:

*Туринг, Нисом кўп ётдингиз,
Уйқу шароби ширин.
Йўл кўрсатинг, Пирларимнинг,
Пойига бош қўяйин.*

Шоира севган ва кўп истифода этган сўз ва иборалардан бири бу сут; гул сути, қуш сути: “гул сутига айланди қоним”, “қоқигулнинг кўпайди сути”, “камалакдан сут ичган маҳал”, “чирмовиқ сутидан ёлларин ёғлаб”, сен сутнинг суягин топдингу, қуш сутининг расмини чиздим, бу сўз унга шу қадар яқинки, ҳатто қариган чоғида ҳам атрофида ўтирган шеъри «гул сутидан чой дамлаб»

беришига ишонади. Шу билан бирга баъзида: «мен сутнинг сувига айлансам», «кўл кафтимни сут-ла суғордим» каби мисралар китобхонга эриш ҳам туюлади.

И.Ражабова Бухоро тарихини, ўтмишини чуқур билади. Шунинг учун исёнкор руҳда тарихга мурожаат қилишдан чарчамайди: Абу Ҳафсни уйғотмасак, Осмонга ким бўлар тиргак, деб ёзади. Шунинг учун Минорнинг саждагоҳи сифатида Бухоро осмонини кўради. Соғинчхаста юрагини Бухоронинг дийдори ҳаким бўлиб тузатади.

Шоира шеърларининг ўзига хослигини намоён этадиган яна бир хусусият шуки, аксар шеърларида янги, ҳозиргача бирор бир ижодкорда учрамайдиган сўзлар ва иборалар жуда кўп учрайди, улар тўпламга янада ўзгача тароват бағишлаган: сувкўза, соғинчхаста, мумфарш, шарбатхум, ҳафтқалам, найшакар, ғамкамон, сувялпиз, ҳақдон, жунуншамол, Бухорбелбоғ, майкўза, гулсарбанд, сувхум, сувқалампир. Ёки бетакрор ўхшатишлар: «куз -карвонга қўшилган бўта», «тўкилган барг оҳорий чопон», «дийдорингиз хабари - олтин» кабилар.

Шоиранинг баъзи шеърлари ўзидай содда: соддалиқни ҳам образли тарзда ифодалашга ҳаракат қилади: «Ота» шеърида «Алам қилар бугун ҳовлидан, Яктак кийиб чиқмади сахар» мисралари учрайди. Отасидан ажралган лирик қаҳрамон ҳолати, отасиз уйнинг кўркисизлиги ана шундай жимжимасиз сатрларда ёрқин тасвирланади.

Аммо баъзи шеърларини бугунги ўқувчи англаб етиши қийиндай туюлади, баъзи мавҳум образли иборалар, ташбеҳ ва ўхшатишлар (Келинг, Сизга суз пиширдим. Ҳафтжўшдан олтин қозон, ёки «чақмоқларни пишириб егин» каби), ҳаддан зиёд кўпайиб кетмадими деб ўйланиб қолади киши. Ёки «таппиши дил - дилдан бохабар», таппиш – аёллар кўксига осиб юрадиган тилла тақинчоқ, буни бухоролик ўқувчилар тушунади, аммо бошқалар тушуниши қийинроқ, бундай сўзларга изоҳ бериш керак эдими?. Албатта, китобхон дидини ўстиришимиз керак. Бундай шеърларнинг маъзини биз бугунги ўқувчи учун шарҳлаб беришимиз мумкин, аммо келажакда, тафаккури ўсиб, шаклланиб бораётган янги авлод бу тизмаларни кўлдан қўймай ўқишига ишончимиз комил.

«Варазруд гулоби» деб номланган тўплам «Қуш киприги»нинг мантиқий давомидир. Бу тўплам ҳам юрт тарихи, Бухоро, унинг пирлари, буюклари ҳақида сўзлайди. «Варазруд - бу Алп Тегин асос солган ватаннинг номи. Гулоб эса меҳр тимсолида ишлатилган. Демак, китобнинг номи «Ватан меҳри» дейилади “Сўзбоши”да. Ҳақиқатан ҳам китобни ўқир экансиз, шоирнинг Ватанга, унинг тарихи бўлган меҳри сизнинг ҳам қалбингизга кўчиб ўтгандай бўлади.

Шоира Она ҳақидаги шеър билан тўпламни бошлайди, мунис ва мушфиқ Она образини чизар экан, уни «Қалбим чокларини улагувчи» онам дея таърифлайди. «Она» шеърида «Ҳассасини шамол артган» она тимсолини яратар экан, онасиз ҳовлини ўртасидан йиртилган байроққа ўхшатади. «Суврат» шеърида «Тупроққа бош қўйгандан бери, Кўп юмшоқфеъл бўлгандай замин», «Ҳузурига майса илдизи, ер остидан қилади сафар» сингари оҳорли мисраларда Онасидан айрилган ва уни соғинган лирик қаҳрамоннинг ҳолатини табиий тасвирлайди.

*Онамнинг кўзлари юмилди,
Осмондан тўкилди хокистар.
Ҳассакаш сафларини тўлдирди,
Гулсафсар, гулсафсар, гулсафсар.*

«Онам яна тушимга кирди», «Она, сизни қишлоқ соғинди» каби шеърларни ўқир экансиз, кўз олдингизда мунис ва муштипар оналарнинг самимий, меҳрга тўла қиёфаси гавдаланади, шу билан бирга онани қўмсаб, сарҳовузнинг кўприккача чиқиши, «тўйга кияр камзулларининг хомуш туриши» сингари бетакрор, оҳорли ўзига хос мисралар И.Ражабова шеъриятининг ўзига хослигини таъминлаган, бундай ташбеҳлар, ўхшатишлар (онасиз уйда қалдирғочнинг обидийда қилиши -булар жуда кўп) бошқа ижодкорларда учрамаслиги билан эътиборни тортади. Она образига шоира бошқа шеърларида ҳам кўп мурожаат қилади.

Тўпламдан “Пайкоир” деб номланган тарихий, лирик дoston ўрин олган бўлиб, 22 савтдан иборат. Достонда Бухоронинг узок тарихи, тарихий кентлар, қишлоқлар (Мутфаре, Қалъаи Миришкор, Хирмантиҳий, Варахша, Кўлмири), тарихий шахслар, элга машҳур авлиёлар (Хожа Ориф, Хожа Порсо, Хожа Уббон, Ҳасан Шовре, Хожа Байкоирий, Вануфаҳий, Ас-Жожаний, Хожа Шиконий, Хожа Буввак, Абдуллоҳ ал-Авданий, Хожа Хайроҳарий) номлари тез-тез тилга олинади. Шу билан бирга шоира улар ҳақидаги тарихий манбаларга (М: Ас-Самонийнинг “Насабнома”си, “Рашаҳот”) таянган ҳолда тарихга юзланади. Бу, биринчидан, ўқувчини юрт тарихи билан ошно этса, иккинчидан, унинг қалбида шу кўхна юртга, аждодларига бўлган фахр ҳиссини уйғотади.

Достоннинг композицияси ҳам ўзига хос: баъзи савтлар қисқа: масалан, “Дастурхонни юракка ёзинг” деб мурожаат қилинган “Хўжа Байкоирий муҳрига ёзув” шеъри 3 тўртликдан иборат , 12-савт 3 қисмдан иборат, ундан 12 қаторлик алоҳида шеър, “Си пир”, “Си пирий бор” каби шеърлар ўрин олган, баъзи савтлар ичидан алоҳида ҳикматлар ўрин олган. 15-савтда “Зандана 7 аср урушида” номли шеърни ўқисангиз, кулоғингиз остида қиличларнинг жаранги эшитилгандай бўлади, лирик қаҳрамон Миришкор қалъасининг остонасини “қалқон олиб кел” деб Аршга юборади, бешикни ҳам “Энди сен ҳам чиқ!” дея жангга ундайди:

*Тегирмон тошларин йўлга чиқ дедим,
Кўприкка бақирдим: ”Бошингни кўтар”.
Эшиклар занжирин масжидга чорлаб,
Жуфт чопон кийдирдим: ”Бўласан, аскар”.*

Аслида савт - мусиқий атама, мумтоз мусиқанинг мотиви, овознинг, садонинг алмашиб туриши, мумтоз оҳанглар; “Фарҳанги забони тоҷики”да **савт** - I [صوت] а 1. садо, овоз 2. яке аз оҳангҳои шашмақом II [سوط] ” деб берилган. Шундан келиб чиқиб қарасак, шоира савтларини, тарихий дostonни ўқир экансиз, тарихнинг, жангларнинг, буюк ўтмишимизнинг савтлари, тарих мусиқаси алмашиб туриб, кўз ўнгингизда намоён бўлади. 20-савтнинг 7-ҳикмати:

*Ўтмишига бугуни пайванд,
Бугунини чорлар эрта- нур!
Хурбахтлилик шаробин ичиб,
Устунлари қиляпти хузур...*

*Бир насимваши тонглар отаяпти
Оҳордаги гулоҳордаин*

мисралари билан яқунланади. Шоира бу билан юртнинг Ватаннинг порлоқ истиқболига китобхонни ҳам чорлаб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Nematovna A. S., Saidburkhonovna K. N., Bekmurodovna K. O. Methodology and skills problems //Journal of Contemporary Issues in Business & Government. - 2021. –Т., 27. - №. 5.
2. Saidburhonovna K. N., Ne'matovna A. S. Style and skill: Critic's artistic ability //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. - 2019. –Т. 8. - №. 9 S3. - С. 1245-1250.
3. Qodirova N. S. Problems Of Style And Creative Individuality In Literature //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. - 2021. - Т. 25. - №. 2. - С. 254-260.
4. Sharipova L. Literary yor-yor //Scientific Bulletin of Namangan State University. - 2019. - Т. 1. - №. 4. - С. 218-222.
5. Давронова Ш. Г. Абдулла Қодирий анъаналари ва истиқлол даври ўзбек романчилиги //Международный журнал искусство слова. - 2021. - Т. 4. - №

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО ЯЗЫКА В РЕГИОНАХ РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН

*Баяндина С.Ж. Казахский университет международных
отношений и мировых языков имени Абылай хана, д.ф.н., проф.,
зав.кафедрой Теоретического и прикладного языковедения*

Языковая политика представляет собой совокупность идеологических принципов и практических мероприятий по решению языковых проблем в социуме, в государстве. В области языковой политики идеологические принципы и практические мероприятия взаимозависимы и неразделимы. Языковая политика является составной частью национальной политики, она в основных чертах зависит от общих принципов последней.

По мнению Ю.Д. Дешериева, особой сложностью отличается языковая политика в многонациональном государстве, так как в этом случае она должна учитывать такие факторы, как 1) многоязычие, 2) своеобразие национального состава и межнациональных отношений, 3) роль отдельных языков и их носителей в общественной жизни [1].

Языковая политика зависит от политического устройства социума. Это наглядно видно при сравнении двух полярных типов политических систем: 1) открытого (демократического и либерального) и закрытого (тоталитарного или закрытого) общества. В многоязычном социуме для языковой политики открытого типа общества характерны а) стремление уменьшить политизированность задач и методов языковой политики, б) равноправие этносов и языков, в) этноязыковой плюрализм и полицентризм (или децентрализация), г) «человеческий масштаб критериев ценности. В закрытом обществе с этническим двуязычием (или многоязычием) языковую политику отличает а) стремление усилить государственно-политический характер языковой политики, б) привилегированное положение одного этноса и языка, в) склонность к централизму и унитаризму, г) «государственный (или национально-государственный) масштаб оценок [2,206-208].

Языковая политика относится к категориям, связанным сознательным воздействием общества на язык и осуществление ее в многонациональном и однонациональном государстве, имеет свои особенности. Она может быть нацелена на подавление языков или, наоборот, развитию национальных языков.

История функционирования казахского языка как языка коренной нации и государственного языка является очень сложной. В судьбе казахского языка можно отметить и сужение его общественных функций во время Советской власти и их расширение в суверенном Казахстане.

Функционирование казахского языка на современном этапе его развития определено законодательно. Статус казахского языка как государственного закреплен в Основном законе РК - Конституции Республики Казахстан.

Государственный язык – «основной компонент социально-коммуникативной системы определенного государства, наделенный официальным статусом и являющийся обязательным к использованию всем населением на всей ее территории» [3, 36].

Закон «О языках в Республике Казахстан» предусматривает правовую защиту языков. В статье 23 говорится о том, что «государственный и все другие языки в Республике Казахстан находятся под защитой государства. Государственные органы создают необходимые условия для функционирования и развития этих языков». В рамках этой статьи «развитие языков обеспечивается государственной программой, предусматривающей приоритетность государственного языка и поэтапный переход делопроизводства на казахский язык». Кроме этого, здесь сказано, что «перечень профессий, специальностей и должностей, для которых необходимо знание государственного языка в определенном объеме и в соответствии с квалификационными требованиями, устанавливается законами Республики Казахстан». Создание терминологической и ономастической комиссий и, при необходимости, других структур осуществляется правительством Республики Казахстан.

Правовая защита языков предусматривает также ответственность за нарушение законодательства о языках, компетенцию уполномоченного органа,

компетенцию ономастической комиссии, компетенцию местного исполнительного органа области (города республиканского значения, столицы), компетенцию местного исполнительного органа района (города областного значения), обеспечение исполнения Закона «О языках в Республике Казахстан» [4].

Определение стратегических целей и задач языкового строительства, а в Республике Казахстан, основных направлений и механизмов их реализации отражены в Государственных программах функционирования и развития языков в Республике Казахстан.

Языковая политика суверенного Казахстана направлена на сохранение и развитие языков через расширение их социальных функций, в том числе и в Мнение о том, что вопросы развития языка нужно решать на региональном уровне, не ново; имеются традиционные предпосылки для решения данных проблем.

Общая языковая ситуация в Казахстане, описание её состояния в различные периоды рассматривались в работах ведущих социолингвистов Б.Хасанулы [5], Э.Д.Сулейменовой [6], Сулейменовой Э.Д., Смагуловой Ж.С., [7], З.К.Ахметжановой [8], М.М.Копыленко, С.Т.Саиной [9] Баяндиной С.Ж. [10], языковые проблемы в различных регионах исследовались в работах А.М.Абасилова [11], К.М.Текжанова [12], Б.К.Курмановой [13].

Социолингвистическое изучение языковой ситуации в Казахстане, в различных частях его огромной территории, их группировка в регионы и создание на ее основе региональных механизмов развития языка требует подробного исследования.

Мы используем термин «аймак» (регион) в значении «социолингвистическая зона» с целью консолидации различных сформировавшихся языковых ситуаций на территории страны для осознанного начала и создания необходимого механизма контроля за процессом развития языков внутри Казахстана.

Социолингвистической зоной» мы считаем крупное территориальное деление, исторически образованное под влиянием специфических географических, экономических, геополитических, демографических, социальных, лингвистических и других факторов, состоящее из областных администраций, со сходными типами языковой ситуации и расположенных географически недалеко друг от друга.

Это следующие зоны:

1. Южная зона. В неё входят Алматинская, Жамбыльская, Туркестанская, Кызылординская области.
2. Западная зона. В неё входят Актюбинская, Атырауская, Западно-Казахстанская и Мангыстауская области.
3. Северная зона. В неё входят Акмолинская, Костанайская, Павлодарская, Северо-Казахстанская области.
4. Центральная зона. В неё входит Карагандинская область.
5. Восточная зона. В неё входит Восточно-Казахстанская область.

Наряду с перечисленными зонами отдельно должна рассматриваться с лингвистической точки зрения языковая ситуация в городах республиканского значения Астане, Алматы и Шымкенте.

Региональный подход к вопросу развития языка, в том числе поэтапного внедрения и развития казахского языка согласно его статусу государственного языка, является верным. Необходимо конкретно изучить языковую ситуацию в каждом регионе с учетом объективных и субъективных факторов в качестве основного принципа, сформировать региональные программы развития языков. И начинать эту работу необходимо с результатов подобных лингвистических исследований. При изучении языковой ситуации необходимо учитывать исторический, географический, политический, экономический, демографический, миграционный, культурный и др. факторы.

Проблема развития языка - забота общая для всех казахстанцев, а социолингвистическое изучение языковой ситуации республики позволит разработать действенный механизм реализации функционирования и развития по сферам жизни и регионам .

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. –М.: Наука, 1977.
2. Мечковская Н.Б. Общее языкознание. Структурная и социальная типология языков. Учебное пособие для студентов филологических и лингвистических специальностей. - 2 изд. –М.:Флинта: Наука, 2001.
3. Конституция Республики Казахстан. –Алматы: Қазақстан, 2000.
4. Закон РК «О языках в Республике Казахстан». –Астана: ИКФ «Фолиант», 2000.
5. Хасанов Б.Х.Социально-лингвистические проблемы функционирования казахского языка в Республике Казахстан. АДД. – Алма-Ата, 1992.;
6. Хасанулы Б. Языки народов Казахстана: от стратегии молчания к стратегии развития (социопсихолингвистические аспекты). –Алматы: Арда, 2007. – 384 с.
7. Сулейменова Э.Д. Очерк языковой политики и языковой ситуации Казахстане //Russian Language Journal, Vol. 59, 2009
Сулейменова Э. Д. , Смагулова Ж. С. Языковая ситуация и языковое планирование в Казахстане / под общ. Ред. Сулейменовой Э. Д. –Алматы: Каз. Ун-т, 2005. –344 с.
8. Ахметжанова, З.К. Типология билингвизма и полилингвизма в Казахстане. –Алматы: КазУМО и МЯ им. Абылай хана, 2005. –408 с. – С.19-25.
9. Копыленко М.М., Саина С.Т. Функционирование русского языка в различных слоях казахского населения. –Алма-Ата : Наука, 1982. –111 с.
10. Баяндина С.Ж. Функции языка в контексте современного языкознания. – Алматы, 2004. –248.
11. Абасилов А.М. Мемлекеттік тілдің Қазақстан Республикасының солтүстік аймағындағы қызметі: социолингвистикалық проблемалары, оларды шешу жолдары. Фил. ғыл. канд. автореф. –Алматы: КИЦ «АВС», 1998.

12. Текжанов К.М. Региональное функционирование государственного языка (на примере Павлодарского Прииртышья). Автореф. канд. дисс. – Алматы: ТОО «Жания-полиграф», 2005.
13. Курманова Б.К. Социально-лингвистические проблемы функционирования государственного языка в Западном регионе Республики Казахстан. Автореф. канд. дисс. – Алматы: ТОО «Жания-полиграф», 2002.

ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДИДА ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ ВА ТАЛМИХ

*Эрмухамедов Абдусамад Норматович,
Академик Б.Ғафуров номидаги Хўжанд
давлат университети доценти, ф.ф. номзоди*

Эркин Воҳидов – ўз овози, сози ва услубига эга шоир. Унинг услубига мумтозийлик, тарихийлик ва миллийлик зеб бағишлайди. Умуман, тарихга турли хил нуқтаи назардан ёндашиш мумкин. Халқ тарихининг бадий андазасини ёки машҳур тарихий шахс ҳаётини, боринги, бирор тарихий воқеани бадий ифодага буркаб ёзиш мумкин. Эркин Воҳидов эса тарихдан бугуннинг чуқур маънавий илдиз ва ирмоқларини қидиради. Бошқача айтганда, тарихни тарихга, инсон қисмати ва тақдирига хизмат қилдиради. Янада муҳими, тарихга чуқур кириб борилган сайин у фуқаронинг ўзлигини англаш, ўз-ўзини маънавий таниш, қалб кўзини очишга интилади. Пировард натижада, тарих ва инсоният такомиленинг зиналари чуқур бадий кашф қилинади. Айниқса, Эркин Воҳидовнинг ижоди айни камолот даврида ҳаётимизнинг маданий-маърифий тарихи, ўзига хослиги, миллий қадриятларни кўтаринки пардада тараннум этиш тақозоси ўз-ўзидан пайдо бўлди. Хусусан, жамият миллий аслиятдан, қадриятдан, улуғ маънавий-маърифий дунёсидан йироқлашиб, ҳатто узилиб қолаётганини англашиш учун, аввало, миллий ўзликни уйғотиш, имон-этиқод, фахр-ифтихор туйғусини оёққа турғизиш тақозо қилинди. Бунинг учун мозийга, маданият ва маънавият тарихига, миллий қадриятга теранроқ, босимроқ мурожаат қилиш, ундан бугунги миллий тафаккур ва миллий ғояни шакллантириш ижтимоий бурч ва шарафли вазифага айланди. Эркин Воҳидов аксарият бадий юқдор талмихларининг тарихий ўтмиш ва қадриятларидан келиб чиқиши шу боис.

Тарихийлик тамойилига «Ўзбекистон», «Ўзбегим» шеърларида янада устуворроқ, янада чуқур ва теранроқ амал қилинган. Талмихлар воситасида ўзбек халқи тарихининг гоҳ зулмат, гоҳ рўё кунлари, осойишта ва жангу жадаллари, фараҳбахш онлари ифодаланган. Шоир миллий «мен»ни англаш, миллий қасос, армон, нафрат ва муҳаббат туйғусини тарих тили ва унинг муҳим воқеалари билан боғлайди. Шоир ҳар бир фикр ва талқин учун тарихни гувоҳликка чақиради.

Шундай қилиб, ўзбек халқи тарихи шеърый сатрларда гоҳ туғёнга, гоҳ алёрга солиб қуйланган. Зиддиятларга тўла долғали тарих, илм-фан ва қадрият

тарихи бирдай замонавий тарихга муқояса қилинади. Икки тарих фикр тарозисининг икки палласига қўйилади, ўлчанади, холисона баҳога келинади.

Шоир гоҳ тарих, гоҳ инсон тақдири, гоҳ табиат гўзаллиги ҳақида сўз юритмасин миллий мазмун, факт, ифода воситалари ва тимсолларга ўринли таянади. Шу боис у – ҳақиқий маънода миллий шоир. Ундаги ҳақиқий миллийлик эса чинакам маънодаги халқчиллик ва бетакрор услубни устуворлаштиради. Биргина талмиҳ силсиласи Эркин Воҳидов шеърятининг ҳақиқий миллийлиги ва халқчиллигини тайин этади. У халқнинг узок тарихи борасида сўз юритмоқчи бўлса, Урхун хати, Афросиёб обидалари, Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, Амир Алишер Навоий ва тарихнинг бошқа йирик сиймолари, воқеалари далил-дастак, фикрнинг тадрижи тасдиғи учун ифодага кўчирилади. Режадаги ғоявий ният ва бадиий фикр, асрий орзу аъмол ва ҳаёт ҳақиқатлари бирма-бир бадиий тафаккур элагидан ўтказилади ва ундан чуқур моҳият ахтарилади. Натижада яхлит фалсафий-бадиий тафаккур юзага келади. Шу маънода «Ўзбекистон» шеърдаги талмиҳлар сирасини шундайгина келтирсак, ўзбек халқининг суронли тарихи, илм-фан ва маданияти, қадрияти ҳақида тўлиқ ва тизимли тасаввур беради. Чунончи: «Тўмарисдек она Кайхисрав бошин, қон тўла саночга солган чоғда», «Спитамен камон тутиб дастада, Мароқандни сақлаб турганда узок», «Кўкрак очиб қаҳ-қаҳ урганда Широқ», «Искандарни мажруҳ қилган камоним», «Алжабр устодин тукқанча еринг», «Илминг юксалгунча Беруний қадар», «То Алишер қадар етгунча шеъринг», «Фарғоний чиқарган аниқ ҳисоблар», «Тебранса не ажаб Тошкент замини», «Бу ерга кўмилган миллиард китоблар... таралдинг «Алқонун», «Сайдона» бўлиб», «Алпомиш сингари ўғлон тиладинг», «Тиладинг Гўрўғли сингари сардор», «Барчиннинг кўксида қолган армоним», «Барнодек, Анбардек дили сўзоним», «Умид қаламида «Қуёш шаҳри»ни ҳали ёзмаганда Компонелла ҳам», «Сенга ошно бўлди Пушкин каби зот», «Лекин ободлигинг бўлди Ҳапалак», «Невада «Аврора» бонг урди охир», «Фарб уфқи не учун ҳар кеч лоларанг», «Унда ётар сенинг минглаб ўзбегинг», «Лек тарих ёдидан чикмагай зинҳор, Мирзачўлга ариқ очган Фарҳодлар», «У шонли қирқ беш кун кўшиқдай яшар». Шеърдаги талмиҳлар силсиласида тарих доволари ниҳоят аниқ, ёрқин ўз ифодасини топган.

60-йилларнинг ўрталарида катта Ватан ва кичик Ватан тушунчалари ҳар бир миллат ватанпарварлик туйғусининг бош ғоясини ташкил қилди. Масалан, ўзбекистонлик ўзини «ўзбек», дейишидан кўра «совет фуқароси», «башар фарзанди» дейиши фахрлироқ эди. Миллатнинг «мен»и йўқолиб, «биз» - умумийлик қарор топиши лозим эди. Буни зукколик билан идрок этган Эркин Воҳидов «Ўзбегим» шеърда ўзини, яъни лирик қаҳрамонини «буюк юрт», «башар фарзанди» деб атаган. Бу фикр кейинги йилларда янада аниқроқ ифодага кўчган. «Ватан боғ, мен унда битта гул», «Ватан куз, мен унда битта мужгон» каби тимсолларда катта ва кичик Ватан тушунчаси ўз ифодасини ёрқин топган. Ватанни катта-кичикка бўлиш кичик халқ тарихи ва қадриятини катта халқ тарихи ва қадриятига сингдириб юбориш эди. Сингдириб юборилди

ҳам. Ана шу баҳслар Эркин Воҳидовни «Ўзбегим» шеърини ёзишга ундади. Ундан Ватанни катта-кичикка бўлиш ҳам, ўзбекнинг доврўғини жаҳонга кенг ёйиш ҳам, ўзликни берган давронга қасида ўқиш ҳам четлаб ўтилмаган. Шу билан бирга шоир ўзбек халқи тарихига, айниқса бугунги тарихига қуруқдан-қуруқ мадҳу сано айтишдан ўзини жилла бўлса-да, тия олди.

Шеърдаги ҳар бир поэтик чизги ва талмиҳ ўзбек халқи тарихига инкор этиб бўлмас даражадаги далил-дастак. Ўзга шоирлар Ўзбекистон тарихининг қабарик тимсоли, гўзаллиги, бойлиги, ўтмиш ва бутунининг муҳим воқеасини тасвир чизигига нишон қилиб олса, Эркин Воҳидов эса унинг ҳақида яхлит ва мукамал тасаввур бериш учун унинг минг йиллик тарихини ифодага тортади. У тарихнинг икир-чикирларини эслатиб ўтирмайди. Балки унинг фожиавий ва шуқухли тарихига юксакликдан туриб баҳо беради. Бош мақсад ўзбек халқи гарчандки, суронли, долғали ҳаёт босқичини босиб ўтса-да, башарият қадриятига салмоқли бир ғишт қўйган улуғ халқ эканини эътироф этишдан иборат. Унинг минг йиллик салтанати ва долғали тарихи ҳақида ҳақ гапни айтиш. Фикрлашда тарихийлик ўсиб боради. Натижада, ўзбек халқининг гоҳ аянчли, гоҳ шарафли тарихи кўз ўнгимизда юксак бадий чизгиларда гавдаланади.

Эркин Воҳидов ўзбек халқи тарихининг ҳар бир соҳаси, йўналиш ва воқеалари ҳақида фикр юритганда, унинг далили учун шу жабҳага оид тушунчалар билан боғлиқ талмиҳлар келтиради. Ўзбек халқи қадимданок ўз уруғи (тархон), ёзуви (урхун хати), пойтахти (Афросиёб), дини (зардушт), сўнг инсонийлик динига (Ислом) эга: Халқ ўз тарихининг илк кунлариданок душманларга аёвсиз тиғу қалқон бўлган (Қайсари Рум, Чингиз, Боту), рақибларига бошини эгмаган (Муқанна, Сарбадор бўлиб), илм осмонига нарвон қўйган (Мирзо Улуғбек), шеърят мулкига султон (Мир Алишер Навоий): бироқ шуқухли шеъри тарихнинг тазйиқига дуч келган (Бобур, Машраб, Нодира, Фурқат, Муқимий). Умуман олганда, талмиҳлар замирида миллий ўзликка хослик ва унинг тарихи ётадики, бу ўз навбатида шоир ижодий услуби, ўзбек халқи тарихи ҳақида янгича тамойилда бадий фикрлашдан далолат беради.

Қисқаси, унинг тимсолу талмиҳлари миллий бўёқдорлиги, поэтик фикрни моддийлаштириб, бадий талқин қилиш ўзига хос ва бетакрордир. Эркин Воҳидовда талмиҳ келтириш ғайришуурий ҳолат эмас, балки у айтилмоқчи бўлган фикрга қўшимча салмоқли маъно жилоларини қўшиш, бўрттириш, бадий комилликка эришиш. Тасдиқни кўпроқ тасдиқлаш, инкорни жиддийроқ инкор этишга қаратилади. Миллийлик, мумтозийлик, фикрлашда тарихийлик Эркин Воҳидовга хос талмиҳ яратиш маҳорат ва услубий равия ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов А., Оқилов М. Бадий санъатларни ўрганиш методологияси. - Ленинобод: 1990. –314-б.
2. Воҳидов Э. Сайланма. Икки жилдлик. 1-жилд. –Т.: Шарқ, 2000. –415 б.
3. Воҳидов Э. Сайланма. Икки жилдлик. 2-жилд. –Т.: Шарқ, 2001. –351 б.

4. Зеҳний Т. Санъати суҳан. – Душанбе: Ирфон, 1979. 6- бю.
5. Мирҳайдаров Ҳ. Шеърят фасоҳати. – Хўжанд: Давлат, 1997. – 65-б.

“НАЪМАТАК” ШЕЪРИНИНГ ОНТОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

*Дилрабо Қувватова Ҳабибовна,
БухДУ профессори, ф.ф. доктори*

Лирик матн ўзига хос жозиб қудратга эга. Уни ўқиш, таҳлил этиш, сатрлар қатидаги маъноларни излаб топиш асосида мангу асар сифатидаги моҳияти ойдинлашади. Матнни онтологик нуқтаи назардан таҳлил қилишда айни шу жиҳатига эътибор қаратилади. Онтология илми бадий асар яшовчанлигини таҳлил этиш орқали ижодкорнинг истеъдодини, санъаткорлик даражасини белгилашга ёрдам беради. Абдулла Қодирий романларининг, Чўлпон, Ойбек шеърларининг яшовчанлиги, мангу асар тарзидаги моҳияти айнан шу усулда юзага чиқади. “Танқид ва талқин юксак даражадаги китобхонликдир. Бадий матнни ўқиш ва унинг замирида ётган адабий маънони англаш учун, - деб ёзади адабиётшунос А.Расулов, - шундай юксак мақомдаги “профессионал китобхонлик” зарурлиги ҳақида ўз вақтида француз маърифатчилари ҳам ёзишганди” (2;11). Ҳақиқатан ҳам бадий матнни илмий жиҳатдан англашда, тўғри талқин этишда, аввало, унинг яшовчанлигини белгиловчи омилларни белгилаш зарур. Матнга онтологик ёндашув асосида буни амалга ошириш мумкин. Онтология - “яшаш илми”. Шарқ мусулмон адабиётида бундай илм, шубҳасиз, мавжуд бўлган. Бу илм бадий асар табиатини ҳам муқаддас китобларнинг яшовчанлик моҳиятини қамраб олган. Ю.Борев бадий асар тўқимасидаги яшовчанлик омили бўлган олти қатламни санайди: “мен” ва “мен”, “мен” ва “сен”, “мен” ва “биз”, “мен” - “биз ҳаммамиз”, “мен” - “ҳамма ёқ”, “мен” - “ўзимиз” барпо этган борлик, “мен” - “умум борлик” (2;20). Бинобарин, ҳар бир омил ўзининг мазмун-моҳиятига эга. Бадий матн таҳлил қилинаётганда ана шу мезонларга риоя этилади. Адабий матннинг яшовчанлигини белгилаш нафақат ёзувчи ёки шоирга, балки мунаққидга ҳам боғлиқдир. А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Чўлпоннинг “Гўзал”, Ойбекнинг “Наъматак” шеърларини ана шу эстетик мезонлар асосида талқин этиш асар матнини чуқурроқ англаш имконини беради. Хусусан, ”Ўткан кунлар”ни таҳлил қилишда “мен” ва “миллат” га таяниб иш кўрилса, адиб яратган бадий образларнинг умуминсоний моҳияти ёрқинлашади. Бундай усулларни исталган бадий асар матнини ўрганишда қўллаш мумкин

“Наъматак” шеъри нафақат Ойбек ижодининг, балки XX аср ўзбек шеърятининг бетакрор намунасидир. Шу маънода шеърни ҳар гал ўқиганда янги-янги маъно қирралари намоён бўлади. Бинобарин, бу хусусият асарнинг яшовчанлик хусусиятини белгилаб беради. Ойбек шеърларини янгича талқин этган адабиётшунос А.Сабирдинов шоир ижодига хос мусиқийлик, тасвирийлик, миллий жозоба сингари фазилатларни қатор шеърлар (“Ой нурининг мавжлари”, “Баҳор келди – кумушранг кимхоб”, “Орқангдан йиғлаб

қолдим”) мисолида ёритиб беради. (3,4). “Ойбек шеърларида, - деб ёзади адабиётшунос, - табиат бетакрор ранглари ва оний ҳолатлари билан акс этиб, олам, умр, абадийлик ва инсоннинг шу азалий ҳодисалардаги ўрни масалаларини ифодалашга хизмат қилади”. “Наъматак” шеърига ҳам айнан шу мезон нуктаи назаридан ёндашиш сатрлар қатидаги маъноларни топишга ёрдам беради. Шу асосда шоирнинг табиат, аниқроғи, наъматак поэтик образини яратишдаги санъаткорлиги ойдинлашади. Шеър сатрлари бағридаги ботиний маънолар фикримизни тасдиқлайди.

*Нафис чайқалади бир туп наъматак
Юксакда, шамолнинг беланчагида,
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида...*

Шеърнинг дастлабки бандидаёқ Ойбекнинг бадий сўзга эътибор билан қараши ёрқин кўзга ташланади. Бунда “шамол беланчаги”, “бир сават оқ гул”, “ўшшайган қоя” каби бадий топилмалар метафорик мазмунга эга бўлиб, поэтик тимсол - наъматакнинг моҳиятини очишга ёрдам беради. Бинобарин, ўшшайган қоя Ойбек яшаган тузумни ўзида ифода этади. “Ўшшаймоқ” феъли инсонга нисбатан ишлатилиб, ундаги салбий ҳолат ва хусусиятни ифода этади. Бунда шоир “ўшшайиш”ни тоғга кўчиради ва ўзига хос ташхис яратади. Наъматак эса рамзий маънода Ойбекнинг ўзидир. Чунки “мустабид тузум ва ижодкор қисматини Ойбек наъматакда кўрган” (Д.Қуронов). Ҳақиқатан, адабиётшунос ўринли таъкидлаганидай: “Қатағон шароитида ижод қилаётган шоир билан ваҳший қоялар орасида қуёшга оппоқ гул узатганча нафис чайқалаётган наъматак (Ойбек) орасида ўхшашликлар” мавжуд. Бу ўхшашлик кўпроқ бўғиқ муҳитда ижод қилаётган шоирнинг, демак, зоҳирий маънода шамолнинг эсиши беланчакка монанд, наъматакнинг шакли саватга ўхшайди, бўртиб турган қояларнинг туришида ҳам ўшшайишга яқин бир инсоний ҳолат мужассам.

*Пойида йиғлайди кумуш қор юм-юм..
Нафис чайқалади бир туп наъматак.*

Дастлабки сатрдаги поэтик фикр ҳам теран мазмунга эга. Қояда ўсган наъматакнинг “пойида кумуш қорнинг юм-юм йиғлаши” - қорларнинг эриши табиат баҳорининг келганига ишорадир. Шамол ёрдамида муз бўлаклари сувга айланади. Уларнинг йилтираши эса инжуни эсга солади. Демак, “кумуш қорнинг юм-юм йиғлаши”, “шамол инжулари” ана шу асосда ўзига хос бир мантиқий занжирни вужудга келтиради. Айни шуларни “тирик сўз” дейиш мумкин. Рамзий маънода “кумуш қорнинг юм юм йиғлаши” яна биқик муҳитдаги ижодкорни кўз олдимизда намоён этади.

*Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди:
Юксакда рақс этар бир туп наъматак,
Қуёшга бир сават гул тўтиб хурсанд!*

Шеърнинг ҳар бир мисраси “тирик сўз” сифатида яшовчанлик касб этади. “Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди” шоирнинг хулосавий фикри, наъматакка нисбатан қўлланган оҳорли ташбеҳдир. Наъматак гуллари ваҳший қояларга

хусн бағишлайди. Шу билан бирга наъматак озодлик, эрк тимсоли сифатида ваҳший қояларни ҳам писанд қилмай, кўкка бўй чўзмокда. Шеърнинг тагматнида шоир ифодаламоқчи бўлган асосий мақсад, ният ёрқин кўзга ташланади.

Нозик наъматакнинг ҳаёт учун кураши, тошларни ёриб, ёруғлик сари интилиши, айна пайтда унинг куёшга бўй чўзиб туриши Ойбекка хос маҳорат билан тасвирланган. Айна шу мисралар ташбеҳ ва ташхис билан зийнатланган. Инсонга хос бўлган хурсандлик хусусияти гуллаган наъматакка кўчирилган. Бунда ҳам ўзига хос уйғунлик, мутаносиблик мавжуд. Шу асосда наъматак поэтик тимсол даражасига кўтарилган. Ю.Борев таъкидлаганидай, “мен” - шоирнинг ўткир нигоҳи, “биз барпо этган борлик” эса табиатнинг бир бўлаги бўлган наъматакдир. Наъматакка хос хусусиятларни мантиқий изчилликда бадий ифодалаш орқали мўъжизакор табиат, лирик қаҳрамон руҳиятидаги турли тўлғамлар ифода этилмокда. Бу “Наъматак” шеърининг “мангу асар” сифатидаги моҳиятини белгилаб беради.

Умуман, поэтик фикрни таъсирчан ифода этишда Ойбек бадий тимсолларни, табиий ташбеҳларни маҳорат билан қўллаганки, улар ўзининг бетакрорлиги, сержилолиги билан шеърхонлар қалбини забт этади. Ҳатто баҳорий ранглар, бадий образ, тафсил ва воситалар, аввало, табиат гўзаллигини ифода этса, рамзий маънода эркак интилаётган ижодкор образини акс эттиради. Бадий матндаги зоҳирий ва ботиний маънолар шеърнинг яшовчанлик хусусиятларини белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ойбек. Асарлар. 10 жилдлик, 1-жилд. –Т.: Бадий адабиёт, 1968. 243-бет.
2. Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси.
3. ДДА. –Т.: 2005.
4. Сабирдинов А. Ойбек шеърларида тасвирийлик// Тил ва адабиёт таълими. 2000. 1-сон, 32-38-б.
5. Сабирдинов А. Ойбек шеърларининг миллий жозибаси// Гулистон. 2002. 1-сон, 28-б.

Қўшма сўз – микросинтактик муносабатлар объекти сифатида

*Туробов Абдурайим Маликович,
СамДЧТИ, профессори в.б.*

Қўшма сўзнинг лингвистик табиати ҳақида мулоҳаза билдирганида Э.Бенвенист “Энг кичик бирликларнинг қўшилиши микросинтаксисдир. Қўшма отнинг ҳар бир тури синтактик жиҳатдан мустақил гапнинг қайсидир турининг ўзгариши сифатида ўрганилиши керак. Қўшма сўз синтактик жиҳатдан эркин бўлган жумланинг трансформацияси”, дейди [1; 241]. Е.С.Кубрякова бундай фикр генератив грамматика вакиллари томонидан ҳам айтилганини қайд этади

ва қуйидаги мисолларни келтиради: а chimney-sweep-трубочист. Ne sweeps chimneys [2; 230]. Бундай вазиятда ясама сўз мустақил гапда эга ва кесим муносабати орқали ифодаланиши мумкин бўлган бутун бир синтактик воқеликни камраб олади. Аммо бу билан ясама сўз ва жумла мақомидаги синтактик структурани мазмуний жиҳатдан мутлақо муштарак ҳодисалар тарзида талқин этиб бўлмайди. Уларнинг мазмуний муштараклигини нисбий тушунмоқ лозим. Чунки жумла (гап) предикативлик ифодалаши ва шу боис воқеликка муносабат билдириши орқали ясама сўздан фарқ қилади. Бошқача айтганда, жумланинг лингвистик мақомини ўрганиш катта синтаксиснинг вазифаси ҳисобланади.

“Қўшма сўз” атамаси сўзнинг морфемик таркибини билдиради ва бир нечта лексик асосга эга бўлган сўзларга нисбатан қўлланилади. Бошқача қилиб айтганда, бу статик, тавсифловчи тушунчадир. Бундан фарқли ўлароқ, сўз таркиби тилнинг динамик ифодасини билдирувчи тушунчадир.

Бу икки ёки ундан ортиқ сўзларни (аниқроғи, уларнинг асосларини) бир сўзда бирлаштириб сўз ясаиш ҳодисасини назарда тутати.

Шу тарзда тузилган мураккаб сўз кейинги сўз яшаш учун асос бўлиши мумкинлиги сабабли, ясалган сўзлар мураккаб сўзлар бўлгани учун сўз бирикмаси ҳодисасига бевосита боғлиқ эмас.

Масалан, *кўзойнак* сўзи мураккаб сўздир, чунки у иккита тўлиқ қийматли лексик компонентни (*кўз ва ойна*) ўз ичига олади, лекин бу ҳолда уни сўз ясаиш маҳсулоти эмас, *кўзойнак* мураккаб сўздан пайдо бўлгани учун, қўшимча ҳосила деривацияси деб ҳисоблаш керак.

Қўшма сўзлар, бирламчи ёки иккиламчи табиатидан қатъи назар, анъанавий тарзда сўз ясаиши бўлимида ўрганилади, бу ерда предмет морфофонологик (товушларнинг тушиши, алмашилиши, урғунинг силжиши ва бошқалар), грамматик (от, феъл, олмош ва бошқалар) ва мураккаб сўз компонентлари ўртасидаги семантик муносабатлар (тобе, композиция) ўрганилади.

Бунда мураккаб отлар, мураккаб сифатлар ва ҳоказолар алоҳида кўриб чиқилади. Ҳар бир гап бўлаги доирасида мураккаб сўзларни ташкил этувчи негизларнинг, биринчи навбатда, иккинчи компонентининг грамматик хусусиятлари нуктаи назаридан таҳлил қилинади. Ўзак ёки аффиксал морфема “от асосини ўз ичига олган компонент”, “феъл ўзагини ўз ичига олган асосий компонентли қўшимча” ва бошқалар. Шунинг учун ўзбек олимлари томонидан амалга оширилган ушбу тавсифловчи ёндашув бирикма ва кейинги деривацион жараён билан боғлиқ.

Мураккаб сўзларнинг қабул қилинган соф деривацион талқини уларнинг биринчи компонентлари ўртасида: *сугориш қудуги, сугориш тизими, сув омбори, сув қушлари, сув ўтлари, сувни муҳофаза қилиш, сув идиши* ва бошқалар ўртасида семантик фарқлар кўринмайди, уларда сув сўзи бир хил маънода қўлланилган. Сўз ясаиши нуктаи назаридан сув компоненти турли хил маъноларга эга ва мураккаб сўзларнинг иккинчи компонентлари билан турлича боғлиқ (бутун мураккаб сўзнинг нутқнинг у ёки бу қисмига

тегишлилигидан ва категорик семантикадан қатъи назар) ҳаракат номи, объекти, жойи ва бошқалар)ни ифодалаши мумкин. У ҳаракат предметини (*сугориши қудуғи, сугориши тизими*), тўғридан-тўғри ҳаракат объектини (*сув омбори*), билвосита ҳаракат объектини (*сув ўтказмайдиган, сув ўтказадиган*), ҳаракат жойи (*сув қушлари, сув ўтлари*) бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, грамматикада мотивация тушунчаси (мотивация қилувчи сўз) доимо мавжуд бўлиб, у мураккаб сўзнинг асосий компоненти деб аталадиган кўрсаткич сифатида ҳам статик равишда тушунилади.

Масалан, *эрта баҳорги* бирлиги учун - *баҳорги* сифатдоши кўмакчи вазифасини бажармоқда, *кўп қиррали* сўзи учун - *қиррали* сифати, *уч қисмли* сўзи учун - *қисмли* сифати ва бошқалар.

Бундай ҳолатда ушбу сўзларнинг биринчи таркибий қисмларининг маъноси иккинчи қисмдаги сўзга нисбатан мутлақо ноаниқ бўлиб қолмоқда: *эрта ва баҳорни, кўп ва қирралини, уч ва қисмли* сўзларининг орасида қандай семантик боғлиқлик мавжуд?

Кўриниб турибдики, уларнинг боғланиши бу мураккаб сўзлардан ташқарида жойлашган бўлиб, у ҳақиқий туртки берувчи иборалар *эрта баҳорнинг бутунлай шаффоф бўлиши* каби синтактик ва семантик муносабатларини давом эттиради, *уч қисмли, кўп қиррали* каби бирликлардан мураккаб турғун сифатли сўз бирикмалари ҳосил бўлади.

Грамматик асарларимизда, баъзи дарсликларимизда, мураккаб сўзларга бағишланган кўплаб махсус ишларда бўлгани каби, ҳар қандай икки қисмнинг тўғридан-тўғри қўшилишини сўз ясалиши сифатида тан олиними мутлақо асоссиздир; бундай сўзларнинг морфем луғатда мустақил сўз сифатида кўрсатилмагани “сифатларнинг қўшимчали-мураккаб тури” ясалганлигидан далолат беради.

Масалан, *қиргоқ ёнида* иккинчи қисми мустақил сўз бўлмагани учун, *қиргоқда* сўзига тенг келади, *чап қиргоғида* дейилганда сўз бирикмасининг мураккаб тури ҳосил бўлади. Бир қўшимчани бошқаси билан алмаштириш орқали сўз бирикмаси ҳосил бўлмайди, *чап қиргоқ* қўшилмасида кейинги ўзгаришлар билан *чап ва қиргоқ* сўзларини қўшиш билан эмас, балки *чап қиргоқ* иборасидан ҳосила сифатида - бундай сўзда мураккаб сўз ясалиши йўқ деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб, биз бу ерда сўзнинг тўғридан-тўғри англатган маъноси ҳақида эмас, балки сўз бирикмасининг ҳосил бўлиши турғунлашишини кўраемиз. Масалан: *бир бўгинли* (*бир + бўгиндан эмас, балки бир бўгиндан*), *ўтган йил* (*охирги + йиллик эмас, балки ўтган йил*), *кўп болали* (*кўп + болалардан эмас, балки кўп болалардан*), *битта номли* (*битта + номлидан эмас, балки битта номдан*) ва бошқалар фикримиз далили бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, ясама сўз билан мазмуний жиҳатдан нисбий муштарак бўлган сўз бирикмаси ёхуд гап (жумла) ўртасида вужудга келувчи мазмуний мутаносиблик пресуппозиция ҳодисаси воқеланишидан далолат беради. Масала тавсифига бу тахлит ёндашиш нафақат тил ёки нутқнинг систем характери нуқтаи назаридан, балки когнитив - прагматик жиҳатдан ҳам ўта

аҳамиятлидир, зеро, ясама сўз колипидаги ҳосила структуранинг мазмуний жихатларини тўғри идрок этиш инсоннинг тил ва нутқ ҳодисалари хусусидаги билими даражаси билан бевосита боғлиқдир [3; 28].

Дарҳақиқат, муайян мазмуний ифоданинг гап (жумла) воситасида берилишида пропозитив маъно муҳим аҳамият касб этади. Чунки пропозиция инсон билими даражасининг минимал шу билан бирга, зарурий компонентини тақозо этади [4; 10]. Ясама сўз эса семантик жихатдан инвариант характерли бўлган ана шу маъно ифодасини ўзида акс эттиради ва бу орқали когнитив тилшуносликнинг ҳам текширув объекти бўла олади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бенвенист Э. Общая лингвистика. –М., 1974.С.241.
2. Кубрякова Е.С. Теория номинации и словообразование // Языковая номинация. –М., 1977. С.230.
3. Смирнова Г.А. Операторное порождение слов на основе аппликативной грамматики / Проблемы структурной лингвистики. 1972. –М., 1973. С.28.
4. Олешков М.Ю. Дискурсивные категории в коммуникативном процессе (опыт лингвопрагматического анализа) // Филологические науки, 2006, № 4. –С.10.

ГЕНДЕРНЫЕ СТЕРЕОТИПЫ И СЕКСИЗМ В ЯЗЫКЕ

**Ахмедшина Фания Авзаловна,
доктор исторических наук,
профессор Джизакского государственного
педагогического института, Узбекистан,**

С появлением особого направления в языкознании феминистской лингвистики или феминистской критики языка бурно развиваются изучение разных стратегий речевого поведения мужчин и женщин. Начала положила работа Р. Лакофф «Язык и место женщины», в которой обоснована наличие в языке гендерной асимметрии и ущербное положение женщины в картине мира, воспроизводимой в языке [1].

Многими феминистками язык стал рассматриваться как мощный инструмент патриархата, направленный против женщин. Так, австралийский ученый, писатель феминистка Дейл Спендер утверждает, что английский язык — это язык, «созданный мужчинами» и способствующий угнетению женщин. Она утверждает, что в патриархальных обществах мужчины контролируют язык, и это работает в их пользу. «Язык помогает сформировать границы нашей реальности. Это наше средство упорядочивания, классификации и управления миром». «Там, где мужчины воспринимают себя как доминирующий пол, непослушные женщины, которые не могут соответствовать своей подчиненной роли, называются ненормальными, беспорядочными, невротичными или фригидными» [2].

«Некоторые женщины опасаются – и не без основания, что любое упоминание гендерных различий будет воспринято как намек, что отличаются именно женщины – отклоняются от стандарта, которому соответствует любой мужчина. То, что характерно для мужчин, воспринимается как норма, а то, что характерно для женщин, как отклонение от нормы. А от понятия «другой» до понятия «худший» только один, возможно неизбежный, шаг». «если обнаруживается, что женские и мужские стили общения отличаются, именно женщинам обычно предлагают измениться». «Социолингвистический подход,.. показывает, что многие разногласия возникают из-за того, что мальчики и девочки растут в весьма разных культурах, поэтому общение между женщинами и мужчинами является межкультурной коммуникацией» [3].

Спендер на основе широкого анализа фактических данных показала взаимосвязь искусственного языка с экономическим детерминизмом в угнетении женщин в обществе. Она, как и Дебора Таннен подчеркивает, что английский язык носит андроцентрический характер, что в нем превалирует «мужская» лексика, отражающая патриархатность языка, способствующая подчеркиванию подчиненной роли женщин или вовсе делающая их невидимыми. При семантическом анализе 517 лексических единиц выяснилось, что слова, обозначающие мужчину, превысили слова, обозначающие женщину, в три раза. Однако количество слов женского рода с негативными коннотациями оказалось больше подобных слов мужского рода на 20%. Негативная оценка прослеживается и в некоторых идиоматических выражениях. Когда о мальчике или мужчине говорят: "он бегаёт (думает, дерётся) как девочка (женщина)", то это равносильно оскорблению, если о женском поле говорят типа "она бегаёт (говорит, думает) как мужчина" характеризуется положительно [4].

Исследования показывают, что сексистские тенденции в языке имеют универсальный характер. При этом отмечают всеобщие закономерности их проявления, к которым в первую очередь относится восприятие мужского начала как общественной нормы, а женского - как отклонения от нее. Исключение «женского» из лингвистического репертуара социума приводит к восприятию женской личности как второстепенной, не имеющей самостоятельного значения, несущественной. В целом, усилия, предпринятые представителями феминисткой критики языка по вопросам его реформирования, можно разделить по двум основным направлениям: замена сексистских слов и понятий гендерно нейтральными, создание позитивного имиджа восприятия женственности и женщины в языке [5].

А.П. Нильсен в словаре Вебстера обнаружила 517 названий профессий с признаками двух родов, 385 с признаками только мужского рода и 132 с признаками женского рода. Объяснение этой диспропорции исследовательница видит в исторически сложившихся особенностях разделения профессиональной деятельности, где мужчинам принадлежит неоспоримое первенство. Кроме того, мужчины дали названия многим профессиям, которые теперь используются в языке, именно поэтому на пять мужских профессий приходится

одна женская. В исследовании, проведенном известной феминистской лингвисткой Д. Камерон, было замечено, что в английском языке существует 220 слов, характеризующую женщину лекого поведения, тогда как для мужчин их зарегистрировано в 10 раз меньше [5]. Феминистская лингвистика оказала сильное влияние на осуществление изменений языковой нормы, на языковую политику государств, гендерно-нейтральные формы обращения. Усилия, предпринятые представителями феминистской критики языка по вопросам его реформирования, можно разделить по двум основным направлениям: замена сексистских слов и понятий гендерно нейтральными, создание позитивного имиджа восприятия женственности и женщины в языке [6].

1970-е годы стали периодом активных гендерных преобразований в языковой политике и практике США. В 1970 году Мэри Рич Кей организовала в Калифорнийском университете первый семинар по проблемам языка и пола, а затем в 1975 году по материалам этого семинара выпустила книгу под названием «Мужской/женский язык.» На английском языке с 1976 года издается специальный журнал Женщины и язык, где печатается вся новейшая информация по международным и междисциплинарным исследованиям в области феминистской критики языка. Своей главной целью представители феминистской лингвистики видят критику патриархатного сознания в языке и языковую реформу, направленную на устранение ущербности представления образа женщины в языке и сексистских асимметрий, существующих в языке и речи [7]. В США правительственные учреждения, бизнес-структуры, школы вносили изменения в свои деловые документы и бланки, чтобы включить в них лексику, относящуюся и к мужчинам, и к женщинам. Разные комитеты диагностировали учебники, газеты и журналы на предмет наличия в них гендерно-проблематичных языковых моделей. Другой страной, значительно преуспевшей в гендерном лингвистическом реформировании, является Австралия. Уже в 1976 году учебный центр в Канберре опубликовал «Руководство по устранению сексистской направленности в учебных материалах и продукции средств массовой информации». В 1983 году даже австралийский национальный гимн был подвергнут тендерной экспертизе, в результате которой его первая строка «Australian sons let us rejoice» («Радуйтесь, сыны Австралии!») была заменена гендерно-инклюзивной «Australians all let us rejoice» («Радуйся, вся Австралия!») [8].

21 февраля 1990 года Комитет министров Совета Европы принял «Рекомендации об устранении сексизма из языка», который содержал признание взаимосвязи между языком и социальными установками в обществе и призыв к СМИ пользоваться свободным от сексизма языком. В Германии при Бундестаге с 1990 по 1993 год действовала специально созданная рабочая группа под названием «Язык права». В период с 1990 по 1995 год появились директивы по антисексистскому использованию немецкого языка не только в большинстве немецких федеральных земель, но и в Австрии, Швейцарии и Лихтенштейне. В 1990 году Австрийской федеральной канцелярией были приняты директивы о гендерном языковом равенстве в федеральном праве [9].

В рамках ЮНЕСКО вопрос о гендерном языковом равенстве был впервые поставлен в 1987 году на 24-й Генеральной конференции этой организации, а уже на 25-й конференции в 1989 году была принята резолюция о недопустимости гендерно-дискриминационных моделей в языке, впоследствии дополненная новыми поправками на 26-й и 28-й конференциях [5].

В июле 1998 года Организация Объединенных Наций (ООН) издала директиву относительно гендерной корректности в ее официальном языке. В январе 2003 года был опубликован документ Комитета по правам женщин и равных возможностей Европарламента, в котором подчеркивалась необходимость принятия мер для преодоления лингвистического сексизма как явления, препятствующего достижению паритета женщин и мужчин. Таким образом, проблема лингвистической дискриминации по признаку пола была признана глобальной проблемой, требующей универсального, комплексного решения. Исследования, проведенные на материале английского языка в США, Новой Зеландии, Австралии и Канаде и немецкого языка в Западной Германии продемонстрировали существенные изменения в гендерном общественном сознании и повышение гендерной чувствительности общества, произошедшие в пореформенный период [8].

Устранение сексизма в языке считается одним из важнейших средств ликвидации неравенства между женщинами и мужчинами и преодоления дискриминации в отношении женщин. В Узбекистане проблемы лингвистического сексизма как явления, препятствующего достижению паритета женщин и мужчин, гендерно-чувствительная реформа языка с учетом гендерных и национально-культурных особенностей еще недостаточно изучены. Это требует, принимая во внимание ее значимость, расширить тематику изучения лингвистического аспекта гендерного равенства.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. R. Lakoff. Language and Woman's Place .New York, Harper, 1975.
2. Дейл Спендер - Dale Spender Дейл Спендер - https://ru.abcdef.wiki/wiki/Dale_Spender
3. Дебора Таннен. Ты просто меня не понимаешь: Женщины и мужчины в диалоге. Перевод с английского О. А. Васьковой. <https://litresp.ru/chitat/ru/%D0%90/antologiya/gender-i-yazik/4>
4. Изменения, направленные против сексизма английского языка <https://articlekz.com/article/31479>
5. Гендерная проблематика в языкознании <https://www.stud24.ru/literature/gendernaya-problematika-v-yazykoznanii/233780-685492-page4.html>
6. Реформирование языка. Новые гендерные политики https://studopedia.su/13_18731_reformirovanie-yazika-novie-gendernie-politiki.html
7. Поплевко А. В. Надольская Е. П. **ГЕНДЕРНОЕ РАЗЛИЧИЕ МУЖСКОЙ И ЖЕНСКОЙ**

РЕЧИ <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/164715/1/%D0%9F%D0%BE%D0%98.PDF>

8. Толстокорова А.В. Гендерно-чувствительная реформа языка как элемент глобальной социальной политики: опыт международного женского движения <https://cyberleninka.ru/article/n/genderno-chuvstvitelnaya-reforma-yazyka-kak-element-globalnoy-sotsialnoy-politiki-opyt-mezhdunarodnogo-zhenskogo-dvizheniya>
9. Н.А. Антропова, К вопросу гендерно-корректного употребления немецкого языка <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-genderno-korrektного-upotrebleniya-nemetskogo-yazyka>

ТАРИХИЙ РОМАНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИДА ОДИЛ ЁҚУБОВ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ

*Раҳимов Зокир Азимович,
ФарДУ доценти, филология фанлари номзоди*

Ижодий жараён тақозосига кўра салкам бир асрлик тарихга эга бўлган романчилигимиз тараққиёти йиллар давомида шаклланиб, поэтик янгилади келмоқда. Шу жиҳатдан, истеъдодли адиб Одил Ёқубовнинг тарихий романчилик тараққиётида ҳам ўзига хос маҳоратини алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим. Адибнинг “Кўхна дунё”, “Улуғбек хазинаси” романидаги талқинлар узок ўтмиш воқелигидан ўқувчини хабардор қилиш билан бу тарихий романларда тасвир усулининг ўзига хос ифодасини кузатамиз.

“Улуғбек хазинаси” романида оддий халқ вакиллари, қаҳрамонлар портретини унчалик батафсил чизмасдан, бир-икки характерли белгилар орқали яратган бўлса, аксинча, “Кўхна дунё” романида қаҳрамонлар портретини анча мукамал тасвирлашга ҳаракат қилади. Романда қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши билан ички дунёсини диалектик бирликда тасвирлаб, бир қатор тўлақонли характерлар яратишга, уларнинг рухий-маънавий оламини теран бадиий талқин этишга эришган.

“Кўхна дунё” романида Абул Ҳасанак, шоир Унсурий, вазир Али Ғариб сингари сарой амалдорлари ва Пири Букрий каби савдогарлар табақаси вакиллари алоҳида ўрин эгаллайди. Улар улуғ алломалар Беруний ва Ибн Синолар билан ҳамоҳанг ҳолда бизни ўз замонасининг жирканч илдизларидан огоҳ этишга бўйсундирилган. Улар характерида олимларни умуман менсимаслик, донишмандларга муносабатда фақат ўз фойдасини, манфаатини кўзлаш, бу йўлда ҳар қандай тубанликлардан қайтмаслик хусусиятлари устунлик қилади. Ана шундай сарой амалдорлари ўз характер мантиқидан келиб чиқиб, ҳақиқий Ибн Сино ўрнига сохтасини бошлаб келишдан, унинг жирканч ишларига шерик бўлишдан ҳам қайтмайдилар. Асарда худди шундай феъл-атворга эга бўлган Пири Букрий умр бўйи улуғ аллома Берунийга озор беради, унинг севгилиси Райҳонабонуга тажовуз қилади ҳамда олимнинг кадрдон жорияси Садафбидан маҳрум қилади.

Асарда ана шундай тубанликлар эгаси бўлган кишиларга яқин турувчи Абу Шилқим ибн Шахвоний бутунлай бошқача қараш соҳиби сифатида кўринади. Бу образ ёрдамида ёзувчи гўё Абу Али ибн Сино образини иккилантиргандек бўлади ва шу билан ўз даврида бу улуғ олим қиёфасида турли шахслар бўлганлиги ҳақидаги халқ ривоятлари, афсоналарига таянади. Абу Шилқим ибн Шахвоний романда дастлаб улуғ олимга ҳасад қилади, унинг ютуқларини, халқ орасидаги обрў-эътиборини кўра олмайди, кейинчалик ўз ташқи қиёфасининг Абу Али ибн Синога ўхшашлигидан фойдаланиб, унинг мўътабар номини ўзи учун бир ниқобга ва битмас-туганмас бойлик манбаига айлантиради. Абу Шилқим ибн Шахвонийнинг ёвуз кирдикорлари асарда ҳаққоний ва ишонарли тасвирланган. У буюк ҳаким номини ниқоб қилиб, минг-минглаб кишиларни алдайди, мустабид шоҳ Маҳмуд Ғазнавий олдида катта обрўга эга бўлади ва оқибатда ибн Синони чексиз таҳқирлаб, саройдан ҳайдатиб юборади. Шуниси муҳимки, Абу Шилқимнинг риёкорликка асосланган бу хатти-ҳаракатлари ва умуман турли хил алдов ва макр-ҳийла асосига қурилган ҳаёт йўли, шаҳарлар бўйлаб кезишлари, гоҳ бойлигини қаерга қўйишини билмай қолиши, гоҳ бор-будидан айрилиб ҳақиқий гадога айланиши романда жуда кизиқарли ва таъсирли эпизодларда ўз аксини топган. Асарнинг ютуқлари, ундаги кўп овозлилиқ (полифония) ҳақида яна кўпгина фикрларни айтиш мумкин. Лекин бу романнинг асосий камчиликларидан бири қаҳрамонлар нутқининг индивидуаллашмаганлигида, кўпгина олимлар, донишмандлар, сарой амалдорлари бир хил оҳанг ва услубда сўзлашларида кўринади. Тўғри, бу асар ҳам мазмундор тилда ёзилган, бу жиҳатдан биз академик М.Қўшжоновнинг қуйидаги фикрларида асосли қарашлар мавжуд: “Одил Ёқубов ҳаёт билан ҳамнафас ёзувчи. У гоҳ узоқ, гоҳ яқин ўтмишга, гоҳ ҳозирги кун мавзусига муурожаат қилади ва ҳар хил замонга хизмат этадиган ғояларни кўтариб чиқиб, шу орқали ҳаётга ўзининг санъаткорона муносабатини билдиради” [1, 302-бет].

Ҳақли равишда эътироф этилганидек, адибнинг ҳар бир асари ўқувчи қалбини изтиробга олади, уни фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундайди. Аслини олганда, адибнинг “Кўҳна дунё” романида ҳам тарих ҳақиқати ўз давридаёқ жуда гўзал талқин этилган. Асарда қаҳрамонлар нутқининг мукамал даражада индивидуаллаштирилишига ҳаракат қилган. Фикримизни асослаш мақсадида асардан Маҳмуд Ғазнавий, ибн Сино ва Беруний монологларига тегишли бўлган қуйидаги парчаларни қиёслаб кўрайлик:

Маҳмуд Ғазнавий нутқи: “Эй, яратган эгам!.. Наҳот бу мажусийлар тириклайин ўтда қуйиб кетадики, аммо тиз чўкмайди? Кўшиқ айтиб тириклайин ёнғувчи элни биринчи кўришим бу!..” [2, 214-бет].

Абу Али ибн Синонинг ички монологи: “Ё раб! Телба тақдирнинг не ўйини бу? Ёшлиқ биродари Шокалон бу мусофир юртларда мешкобчилик қилиб юрган бўлса!..” [2, 247-бет].

Беруний нутқи: “Ё парвардигор! Бу инсоф, бу афсус-надоматларни бу ғофил бандангнинг кўнглига ўтгиз-қирқ йил муқаддам солсанг бўлмасмиди? Эл бошига мислсиз офат келтирган жангу жадаллар, илм аҳлига қилган хўрлик ва таҳқирлардан аввал инсофга келтирсанг бўлмасмиди? Нечун фақат умрининг

сўнгида, кўзига Азроил алайҳиссалом кўринганда инсофу адолатга келтирдинг бу қаҳри қаттиқ бандангни?..” [2, 198-бет].

Юқорида биз келтирган парчалардан шу нарса маълум бўладики, турли характердаги уч қаҳрамон – Махмуд Ғазнавий ҳам, Абу Али ибн Сино ҳам, Беруний ҳам ўз сўзларини Аллоҳга мурожаат билан бошлайдилар, бир-бирига яқин хитоблар, риторик сўроқлар билан қалбларига мурожаат қиладилар. Бунинг замирида ҳаётни, инсонни англашга ҳаракат сезилиб туради.

Маликул Шароб, Бобо Хурмо, Шокалон, имом Исмоил Ғозий, карматийлар каби персонажлар асарда меҳнаткаш халқ вакиллари сифатида иштирок этади. Оддий халқ вакиллариининг зулмга нисбатан исёнкорлик руҳи романнинг илк саҳифалариданоқ бўртиб кўзга ташланади. Маликул Шароб, яъни Қутлуғқадам майхонаси тасвири билан бошланган роман охирига келиб, Маликул Шаробнинг карматийлар деб ном олган меҳнаткаш халқ табақаси билан алоқаси борлиги аён бўлади. Оддий халқ вакиллариининг Абу Али ибн Сино, Беруний каби буюк олимларга муносабатида ҳам ёзувчи ўша давр талабидан келиб чиқиб, адолат тарозисини тўғри белгилайди, яъни Берунийнинг карматийлар ҳақида ёзган рисоласини Абдусамад Аввал ўзиники деб эълон қилади ва дорга осилади, шу билан улуғ олим Берунийни ўлимдан сақлаб қолади. Ёки роман охирига келиб, Ибн Сино саройдан қувилиб, жуда хавфли вазиятга тушиб қолганида карматийлар вакили Маликул Шароб уни қутқаради ва мамлакатдан узоққа олиб кетади. Ёзувчи ана шундай тасвир йўли билан “фақат меҳнаткаш халқ вакилларига олимни, инсонни қадрлаш, асраб-авайлаш туйғуси хосдир, чинакам гуманизм, адолат машъали халқ кўлидадир”, деган муҳим ижтимоий-фалсафий ғояни бадиий жиҳатдан асослашга муваффақ бўлган.

Ёзувчи Одил Ёқубовнинг бу тарихий романи шу кунгача ўзбек адабиётида яратилган бошқа тарихий романлардан ана шу услубий хусусияти билан ажралиб туради. Романнинг ана шундай хусусиятларидан келиб чиқиб, истеъдодли адабиётшунос олим Санжар Содик шундай ёзади: “Асарнинг бутун моҳиятидан, руҳидан аён бўлишича, унда илм-маърифатнинг, олимнинг, демакки, инсоннинг қадр-қиммати ҳамда уларга адолатли муносабат муаммоси кўтариб чиқилган” [3, 5-бет]. Чунки бу асар ўзбек адабиётида тарихий роман жанри доирасини кенгайтди, услубий ранг-барангликни, полифоник тасвир хусусиятини таъминлади ҳамда халқимиз онгини, маънавий оламини янада бойитишга хизмат қилди.

Ёзувчи Одил Ёқубов “Диёнат”, “Оққушлар, оппоқ қушлар”, “Адолат манзили” каби романларида, асосан, маънавий-ахлоқий муаммолар: адолат, диёнат, инсон шаъни, инсоф, ор-номус каби масалалар асосий ўрин тутди. Проф. У.Норматов тўғри таъкидлаганидек, “Диёнат, имон-эътиқод худди муҳаббат мавзуи каби сўз санъатининг қадимий ва боқий муаммоларидан. Ҳар бир давр уни янгилайди, янгича мезонлар билан баҳолашни тақозо этади” [4,110-бет]. Дарҳақиқат, ҳақли таъкидланганидек, қайси мавзуда қалам тебратмасин, адиб инсонни, унинг буюклигини, фазилатларини, ботиний оламидаги зиддиятларни талқин этишга интиланган эди.

Ҳар бир адиб, жумладан, Одил Ёқубов ҳам бу мавзунини ёритишга ўзича ёндашади. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, бурч, диёнат, виждон муаммосининг ўзи бадиий адабиётда бирдан-бир мақсад эмас. Бутун бир давр ҳақиқатини ёритиш, муҳим ижтимоий масалаларни кўтариш инсон қалби бадиий талқин этишга қаратилгандагина муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қўшжонов М. Сайланма. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Адабий портретлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1982. –384 б.
2. Ёқубов О. Кўҳна дунё. Роман. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. –336 б.
3. Содик С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. –Т.: Шарқ, 2005. –320 б.
4. Норматов У. Ижод сеҳри. –Т.: Шарқ, 2007. –352 б.

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

*Рахимжанов Масрур Нугманович,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг катта ўқитувчиси, ф.ф.ф.доктори, PhD*

Мустақиллик йилларида ҳужжатчилик ҳамда давлат бошқарувини ўзбек тилида юритиш масаласига жиддий эътибор берилди. Она тилимиз қадрини тиклаш йўлидаги муҳим ҳодиса бўлган “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши ва ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъатнинг барча соҳаларини республика давлат тилида ривожлантириш ва идора, ташкилот, корхоналарнинг давлат тилида иш юритиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб беришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850 рақамли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мазкур фикрлар янада аниқ ифодаланиб, унда “давлат тилини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш; илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш; замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш; давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш” [1] каби масалалар мунтазам бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалар сифатида белгиланган. Айни шу жиҳатлар ўзбек тилида мукамал ҳужжатчиликни, иш юритиш терминологиясини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб зарурати эканлигини кўрсатади.

Ўзбек ҳужжатчилиги ва унинг терминологияси узоқ тарихимизнинг илк даврларидаёқ пайдо бўлиб, ўзига хос анъаналар, ўзига хос шакл ва услубларда ривожланиб келгани, туркий тилнинг расмий доиралардаги мавқеи қардош халқлар тилларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатганлиги ҳақида сўз юритилган.

XVI асргача ҳужжатлар икки услубда:

1) араб ёзувидаги, услуби ва лексикаси ўзига хос ҳужжатлар;

2) уйғур хатидаги, услуби ва лексикаси ўзига хос ҳужжатлар шаклида ривожланган.

Ҳар иккала услуб ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Чунончи, уйғур ёзувидаги расмий матнлар ўзлашган сўзларнинг озлиги, соф туркий сўзлардан фойдаланилганлиги билан характерланади: раият, фуқаро ўрнида эл, киши; котиб ўрнида битигчи қўлланган, сана ҳам туркий ҳисоб билан берилган. Туркий расмий услубнинг юзага келиши ва такомилени махсус тадқиқ этган Қ. Омоновнинг фикрига кўра, ўрта асрларда мўғул, форс, хитой, рус тилларида битилган ҳужжатларнинг матн компонентлари шаклланишига туркий ҳужжатчилик самарали таъсир кўрсатган. Тилшунос бу фикрини асослашда айнан ҳужжатларнинг унвон қисмида қўлланувчи “сўзим” ёки “сўзимиз” жумласига таянади. Мўғулча ҳужжатларда қўлланган “уги ману” бирикмаси Чингизхон даврида давлат маҳкама ишларида етакчи ишларни бажарган туркий халқлар томонидан киритилган. Ўрта асрларда битилган форсча ёрлиқлар унвонининг андазаси ҳам туркий ҳужжатчиликдан ўзлаштирилган бўлиб, улар туркий тилда қўлланган шаклда берилган. Туркий ҳужжатчилик анъанаси ўрта аср рус давлат маҳкамачилигига ҳам таъсир этиб, рус князлари 1492 йилдан эътиборан ўз ҳужжатларида туркий унвонларга хос бўлган сўзим шаклини “слово мое” шаклида қўллай бошлаганлар. [2;91-92.]

Кейинги асрларда араб ва форс-тожик тилларининг жамият ҳаётига, жумладан, давлатнинг идора ишларига ҳам таъсири кучайганини кўрамиз. XIX асргача ҳам ўзига хос иш юритиш тизими ва бир қатор ҳужжат турлари шаклланган бўлиб, Ўрта Осиёда қуйидаги ҳужжатлар амалда бўлган: ариза, ёрлиқ, васиқа, пайза / байза, фармон, фатво, дархонлиқ / тархонлиқ, васиятнома, иноятнома каби. XX асрнинг бошларида, хусусан, 20-30-йилларида мамлакатимизда ҳужжатчилик бевосита ўзбек тилида юритилмади: бу соҳадаги асосий йўналиш рус тилидан нусха кўчиришдан иборат бўлиб қолди. Бошқа соҳалар каби иш юритиш соҳасида ҳам тўғридан-тўғри рус тилидан кўплаб сўзлар қабул қилинди. Ўша даврларда нафақат арабча ва форсча сўзлар, балки соф ўзбекча сўзлар ҳам русча-байналмилал сўзлар билан алмаштирилди: таътил - отпуска, фаол - актив, тажриба - практика, буйруқ - приказ, вазир - министр, жарима - штраф каби. Замонавий иш юритиш (ҳужжатчилик) терминологиясига 80-йиллар охиридагина, хусусан, мамлакатимизда “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин ва республикамиз мустақиллиги йилларида алоҳида эътибор берилган ва жиддий ўрганила бошлаган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги сўзлар асосида тузилган изоҳли луғатда [3 (келтирилган мисоллар, уларнинг саҳифалари ва транскрипцияси шу луғат асосида кўрсатилди)] иш юритишга алоқадор бўлган 120 дан ортиқ сўз-терминни аниқладик. “Девону луғотит турк”дан фарқли равишда, бу сўз-терминлар орасида 35 та арабча ва 3 та форсча сўз учради. Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн”, “Муншаот”, “Вақфия” ва бошқа

асарларида учровчи иш юритишга оид терминлар орасида арабча ва форсча сўзлар миқдори янада ошганлигини кўрамиз. “Бобурнома”нинг тили бўйича яратилган иккита изоҳли луғатни [4] ўрганиш натижасида унда иш юритишга доир 160 тадан ортиқ сўз-термин, жумладан, 80 та арабча, 24 та форсча, 6 та мўғулча ва 2 та ҳиндча сўз қўлланганини аниқладик. Бундан ташқари, арзадошт, иноятнома, мулкгирлик, офтобачи каби араб, форс, туркий тиллар элементлари қўшилувидан ҳосил қилинган гибрид терминлар ҳам учрайди.

Ўзбек тилида сўз яшашнинг учта ҳолати қайд этилган.

Шу фикрга асосланиб, соҳага оид ясама терминларни учга бўлдик:

1) асли ўзбекча сўзлардан ўзбекча қўшимчалар ёрдамида ясалган терминлар: бирлашма, битирувчи, бошлиқ, бошқарма, бузғунчилик, буйрук, буюртмачи, бўлим, бўшамок, қатнашчи, қўлланма;

2) ўзлашма сўз + ўзбекча восита шаклида ясалган терминлар. Бу ўз навбатида, бир неча турга бўлинади: тожикча сўз + ўзбекча қўшимча ёрдамида ясалган терминлар: гувоҳлик, ногиронлик, огоҳлантириш; арабча сўз + ўзбекча қўшимча ёрдамида ясалган терминлар: вазирлик, ворислик, жабрланувчи, ижрочи, имзосиз (хат), иқтисодчи, кафиллик, маслаҳатчи, мустақиллик, назоратчи каби; байналмилал сўзлардан ўзбекча қўшимчалар ёрдамида ясалган терминлар: архивчи, биржачи, лаборантлик, агентлик каби;

3) бошқа тиллардан ўтган аффикслар ёрдамида ўз ва ўзлашган сўзлардан ясалган терминлар: архившунос, акциядор, маълумотнома, билдиришнома, далолатнома, ишончнома, йўриқнома каби. Ташқи манба - чет тиллардан сўз ўзлаштириш бўлиб, арабча, форс-тожикча ва русча-байналмилал сўзлар ўзлашган қатламнинг асосини ташкил этади. Ҳозирги ўзбек тили иш юритиш терминологиясида арабча ва форсча-тожикча сўзлар салмоқли ўрин тутди. Масалан, баён, вакил, васият, далолат, далил, даъво, идора каби арабча сўзлар; бозор, гаров, гувоҳ, даромад, девон, зиён, нарх каби форс-тожикча сўзлар ҳозирги иш юритишда фаол қўлланади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олиниши натижасида янгича иш бошқариш усули жорий этилди ва бу, ўз навбатида, ўзбек тилига янгича иш бошқаришга оид ҳорижий сўзларнинг кириб келишига сабаб бўлди: ведомость, гарантия, директива, консультация, контроль, метрика, протокол, рапорт каби. Бу сўзларни ҳамма вақт ҳам рус тилидан ўзлашган дейиш тўғри бўлмайди. Иш юритиш соҳасига ўзлашган сўзларнинг аксарияти байналмилал бўлиб, ўзбек тилига рус тили орқали юнон, лотин, француз, инглиз, итальян, немис, поляк тилларидан ўзлашган. Масалан, юнон тилидан: базис, библиография, картотека, кафедра, метод; лотин тилидан: акциз, архив, аттестат, аукцион, дебитор, инвалид, нотариус, пенсия ва ҳоказо [5]. Иш юритиш соҳасида рус тилидан калькаланган терминлар салмоқли қисмини ташкил этади. Калька тилда мавжуд бўлмаган тушунчаларни тилда мавжуд бўлган бирликлар воситасида ифодалаш имконини беради. Бу ҳолат эса тилимизда ҳорижий сўзларнинг ҳаддан ортиб кетиш хавфининг олдини олади. Иш юритиш соҳасида вақтинчалик иш (временная работа), иш юритиш (делопроизводство), меҳнат дафтарчаси (трудова́я книжка), меҳнат шартномаси

(трудовой договор) каби бирикма терминлар тўлиқ калька ва академик таътил (академический отпуск), кадрлар бошқармаси (управление кадрами) каби бирикма терминларлар ярим калька шаклида ҳосил қилинган. Тўлиқ калькаларни тўлалигича ўз, ички имкониятлар асосида ясалган дейиш мумкин, чунки бу бирикмалар тўлиғича ўзбек тилининг ўз имкониятлари билан ҳосил қилинган. Охириги йилларда электрон иш юритишнинг жорий қилиниши ва ривожланиши муносабати билан соҳага кўплаб бирикма терминлар кириб келди: электрон ҳужжат, электрон хат, электрон имзо, электрон ҳужжат юритиш, электрон ҳужжат айланиши ва ҳоказо.

1. Иш юритиш терминологиясининг тарихий тараққиётини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин: а) араб ва форс-тожик тилларининг таъсири анча кучли бўлган XII - XIX асрлар; б) шўролар тил сиёсати туфайли соҳа терминологияси русча ва байналмилал сўзлар таъсири ва тазйиқи остида бўлган XX аср; в) ўзбек тили иш юритиш терминологияси қайта шаклланган ва терминлар бир қадар барқарорлашган истиқлол даври. Бу даврлардаги иш юритиш терминологияси асосан луғавий бирликлар билангина ўзаро фарқланади.

2. Ўтган асрнинг 20-йилларидан сўнг республикамизда ҳужжатчилик ва иш юритиш терминологияси ўзбек тили негизида ривожлантирилмади, бу соҳадаги асосий жараён рус тилидан нусха кўчиришдан, рус тилидаги ҳужжатларга тақлид қилишдан иборат бўлиб қолди. Шу билан бирга, 20 - 30-йиллар мобайнида соҳага алоқадор нафақат арабча ва форсча сўзлар, балки соф ўзбекча сўзлар ҳам русча ва байналмилал терминларга алмаштирилди. Шундай қилиб, ўзбек тилида ҳужжатчилик ва унинг терминологиясини янгидан шакллантириш ва янада такомиллаштириш ишлари ҳақиқий маънода мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейингина бошланди.

3. Ўзбек тили иш юритиш терминологияси термин ясалиши ва услубий жиҳатлардан бир қатор ўзига хос лингвистик хусусиятларга эгаллиги билан бошқа соҳа терминологияларидан ажралиб туради. Масалан, ушбу терминосистемада бир асосдангина иборат терминлар билан бир қаторда кўплаб ясама ва бирикма терминлар мавжуд. Ясама терминлар бу соҳа терминологиясининг асосий қисмини ташкил этади.

4. Ҳар қандай терминологик тизим каби иш юритиш терминологияси ҳам ривожланиб борар экан, унда эскирган, терминологик талабларга жавоб бера олмайдиган терминлар истеъмолдан чиқиб боради, уларнинг ўрнига янгилари пайдо бўлади. Бу жараён узлуксиз давом этади, синонимия ва вариантлик соҳа терминологиясининг доимий ҳамроҳи бўлиб қолаверади. Шундай экан, иш юритиш терминологиясини даврий равишда чуқур илмий таҳлил қилиш асосида, тушунча ва термин мутаносиблигини сақлаган ҳолда тартибга солиб туриш керак бўлади.

5. Терминологик тизимларда, жумладан, иш юритиш терминологиясида ҳам синонимлар бир тушунча доирасидаги маъно жиҳатдан муайян даражада фарқ қилувчи ҳар хил сўзлар бўлса, дублетлар айнан бир тушунчани атовчи ҳар хил сўзлардир. Вариантлик эса битта терминнинг

ўзгарган, ўзаро фарқ қилувчи бир неча вариантга эга бўлишидир. Бу ходиса сўз-терминларда, асосан, турли ясовчи кўшимчалар қўшилишидан, бирикма терминларда эса ё терминларнинг компонентлари ўзгариши ёки терминэлемент таркибидаги кўшимчалар ўзгариши натижасида ҳосил бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850 рақамли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони //Халқ сўзи, 2019 йил 22 октябрь.
2. Омонов Қ. Эски туркий расмий матнлар дипломатикасининг кўшни мамлакатлар ҳужжатчилигига таъсири // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. - №6. - Б. 91-92.
3. Dadaboyev N., Xolmuradova M. “Qutadg‘u bilig”dagi so‘zlarning o‘zbekcha, ruscha va inglizcha izohli lug‘ati. –Т.: Navro‘z, 2018 (келтирилган мисоллар, уларнинг саҳифалари ва транскрипцияси шу луғат асосида кўрсатилди).
4. Назарова Х. Заҳриддин Муҳаммад Бобир асарлари учун қисқача луғат. - Тошкент: Фан, 1972; Исҳоқов Ф. “Бобурнома” учун қисқача изоҳли луғат. - Андижон: Андижон нашриёт-матбаа ОАЖ, 2008.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008.

БАДИИЙ ТАФАККУР РИВОЖИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ

*Давлатова Адиба Раҳматовна,
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институти доценти, ф. ф. номзоди*

Инсон боласи доимо ўзини ўраб турган муҳитни тадқиқ қилишни, ўрганишни ва моҳиятини англашни яхши кўради. Айниқса, мубҳам ёки ақл ва идрок кўпинча ожизлик қиладиган жиҳатларга қизиқиши табиий. Шу боис бўлса керакки, минг йиллик оғзаки мерос замирида рух, туш, ғайб, хуллас, космогоник илмлар сирини очишга бўлган интилишларни кузатамиз. Демак, халқ оғзаки ижоди дастлаб, олам ва одам синоатлари инкишофига ҳайрат ўлароқ майдонга келган десак, иккинчидан, бадииятга руҳан эҳтиёжмандлик сабабли поэтик тафаккур тарзини ҳам шакллантирди. Дунё ва ўзбек халқ оғзаки ижоди мотивларни кузатадиган бўлсак, барчасида узвий боғлиқлик, мазмунан яқинликни кўриш мумкин. Ёзма адабиёт пайдо бўлгунга қадар яратилган халқ ижоди жаҳон бадиий тафаккурининг тарихий асоси десак асло хато бўлмайди. Халқона ижоднинг дастлабки тамойиллари, қатъий анъанавий шакллари, турлари ва қисман баъзи образлари кейинги бадиий тафаккур тарзига таъсир кўрсатди. Матал, мақол, эртак, масал, кўшиқ жанридаги асарларда яхшиликка интилиш, ёмонликнинг муқаррар жазосини кўрсатиш, ростгўйликни тарғиб

этиш, табиат ва жониворларга шафқатли бўлиш ғоялари ўз ифодасини топган. Бу каби ижтимоий ва эстетик идеал кейинги ёзма адабиёт намуналарида турли жанр ва образларда ҳам намоён бўлди. Халқ оғзаки ижоди намуналарига хос мавзулар, эртак, дoston, кўшиқ, афсона жанрлари мотив ҳамда сюжетлари, энг аввало, муайян миллат психологияси, тафаккур тарзи ва менталитетини ифодаловчи восита ҳамдир.

Қолаверса, халқ оғзаки ижоди намуналарининг лейтмотиви, бадиияти, шакл ва мазмуни кишида бадий тафаккурни шакллантириши билан ҳам аҳамиятлидир. Аниқроқ қилиб айтсак, ижодга иқтидори бўлган шахсларда ўз қобилиятини кашф этишига туртки бўлиши мумкин. Бунга Ғарб ва Шарқ, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам мисоллар кўп. Ўзбек халқининг ўзлиги, миллатнинг вужудга келиши, орзу-армонларини акс эттирган сюжет ва халқ қаҳрамонларининг типик образлари кейинги давр бадий адабиётига салмоқли таъсир кўрсатди.

Яъни халқ оғзаки ижоди таъсирида юқорида таъкидлаганимиз ҳиссиётлар асосан рухий жараён бўлиб, айрим шахсларда рухий-ижодий баркамоллик касб этади. Масалан, Пушкин, Ҳамид Олимжон шахсияти ва ижоди фикримизга мисолдир. Бўлажак ижодкорлар руҳияти, мантиқий ва ижодий тафаккур қобилиятини ривожлантиришга айнан ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар билан танишувнинг ўрни беқиёс бўлган. Яъни ,энг аввало, образли тафаккур қилишни, руҳиятида туғилган ҳиссиётни бадий шакл асосида намоён эта олиш қобилиятини ўстиради. Қолаверса, халқ оғзаки ижоди намуналаридаги қисқа, лўнда фикрлар, қофиядошлик бўлажак ижодкорда рифмаларни ўз ўрнида қўллаш олиш салоҳиятини ҳам пайдо қилади. Ҳамид Олимжон дostonларидаги қуйма сатрлар, шеърларидаги халқона образлар замонавий шеърятимизда халқ оғзаки ижоди оҳанглариининг давомийлигига яққол мисолдир.

Ижодкор гўёки рассом ўлароқ, болалик хотираларини эртакнамо манзара тасвири уйғунлигида катта маҳорат билан тасвирлайди. Асарларидаги сюжет чизиқлари ўта нозиклик ва халқ оғзаки ижоди мотивлари ҳайрати билан тўлиб-тошган. “Болалик кунларимда, Уйқусиз тунларимда”. Бу каби бошланмалар асосан эртакларга хос. Ўтмишга экскурс қилиш учун дастлабки эскиздир. Кўп эртак ва чўпчаклар, сирли учар отлар, парилар тасвири, ботирларнинг ов ва жанг сафарлари - буларнинг барчасини қарийб ҳамма қаламкашлар поэтик тафаккурига пойдевор бўлган, десак янглишмаймиз. Демак, қадимий ўзанлардан, теран томирлардан илҳомланиш барча замонавий муаллифлар ижодига ҳам хос хусусиятлардан биридир. Бу ҳолат у ёки бу ижодкор асарларининг мазмунини ташкил этмаслиги мумкин, лекин унинг элементлари ёрқин намоён бўлган шеър, ҳикоя ва қиссалар мавжуд. Бундай унсурларга эртак ёки дostonга хос сюжетларнинг бўлаклари, бошланмалар -синтактик конструкциялар кабиларни киритишимиз мумкин.

Қолаверса, иқтидор ва машаққатли меҳнат, матн устида тинимсиз изланишлар юксак асарларнинг туғилишига замин тайёрлайди. Шоир ёки ёзувчи дастлаб, халқ оғзаки ижоди, кейинчалик мумтоз сўз санъати билан чуқур танишуви натижасида ўз услуби ва йўлини топа боради.

Аксарият юксак ижод вакиллари тарихий йўлига назар ташлайдиган бўлсак, ижтимоий муҳитга биринчи ўринда эътибор қаратилади. Лекин бизнинг назаримизда, эътирофдан кўра, кўпроқ ўша муҳит билан чиқиша олмаслик, ундан норозилик кайфияти ҳақиқий ижодкорни ёхуд СЎЗни кашф этади. Тўғри, шоир адабиёт оламига кириб келган кезларда, унинг ҳаётий тажрибаси ёхуд ижодий тайёргарлиги етарли бўлмагандир, лекин истеъдод эгаларининг ўзига хос савқи табиийси, яна ҳам аниқроқ айтганда, “пайғомлар”ни қабул қилишга тайёр очик қалб кўзини инкор қилиб бўлмайди.

XX аср ўзбек адабиёти ижод оламига ўз сўзи, овози билан бетакрор, фавкуллода истеъдодга эга бўлган бир гуруҳ шоир ва адибларни маънавиятимиз ривожига учун энг зарур вақтда тақдим этди. Миллий адабиётимизнинг фидойиларидан бўлган Абдулҳамид Чўлпон ва Фитратлар бошлаб берган янги тизим, самимий мисралар, инсон қалби манзараси инкишофини мақсад қилган сатрларга эга вазн кейинги шеърият табиатини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

XX асрнинг ўрталари ўзбек лирикаси давр шеъриятида алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, сохтакорлик, куруқ шиорбозлик давом этаётган тарихий бир шароитда инсон кўнгли, қалбида кечаётган инжа туйғуларни айта олиш улкан ҳодиса эди.

Абдулла Орипов мана шундай шоирлар сирасига киради. У шеърият билан бирга ўсди, улғайди. Худди туйғулари камол топиб, чўнглашиб боргани каби адабиётга қараши, унинг масалаларига муайян муносабати ҳам шаклланиб борди. Ҳар бир одам ўзига хос индивидуал қобилият ва интеллект соҳиби. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Одам маълум соҳада муайян натижага эришиши учун албатта илмий ва амалий мактабларни ўтамоғи лозим. Абдулла Орипов мана шу мактабни улуғ устозларга маънавий шогирдликка тушиш, қолаверса, ҳаёт тажрибаси ёрдамида ўтади. Лекин шеърларда халқона оҳанглар, тасвирдаги халқчиллик, инсон ва жамиятнинг азалий орзуси барибир қайсидир нуқталарда сақланиб қолаверади. Масалан, “Қасам дара” каби фожеий, “Ҳангома” (Абдулла Орипов ижодидан) сингари ҳажвий асарларда бу нозик чизиқларни пайқаш қийин эмас. Айрим ўринларда лирик қаҳрамоннинг ҳолатини тасвирлашда бундай жиҳатларни кузатиш мумкин. Абдулла Орипов “Чўпон” шеърида кенг далалар, най навоси ва сурув сурудида “Алпомиш” дostonига хос кайфиятни уйғота олади. Ўзбек замини, ўзбек миллати шу кичик асарда йирик планда тасвирланади. “*Саргаймасин сен севган чаман, қуримасин сен ичган булоқ*” дея фақатгина она юрт бағрида ҳақиқий илҳомга эришишини, шодликка тўлишини ёзади. “Одамлар” шеърида эса ўзбекона руҳнинг, тантиликнинг, саховат ва жавонмардликнинг ёрқин намунасини кўрсатади. Ўзбекчиликнинг ёзилмаган олтин қондасидан бири меҳмонни атои худо деб билишдир. Шеърда ҳам кўноқ ва мезбон образларининг хатти-ҳаракатида кимлигидан қатъи назар Одамга илтифот кўрсатиш миллатимизга хос анъана сифатида талқин этилган. Шеър финали ғоятда гўзал. Шоир ҳар қандай таъма ва чекловдан холи меҳмондўстликни улуғлайди. Асардан шундай хулоса

чиқариш мумкин: бу менинг ўзлимиз, миллийлигим, халқимнинг сиймоси ва ҳоказо.

Олам ва одам муносабатларини, уйғунлигини, яхлитлигини ўрганишда энг дастлабки уринишлар халқ ижодиётининг мундарижасини ташкил этади. Бу каби ибтидоий, нодир ва ўз навбатида баъзан фалсафий асосига эга манбалар билан кенг танишиш бадиий тафаккурнинг ривожига муҳим рол ўйнайди. Тафаккур фалсафа, мантиқ, психология соҳаларининг ўрганиш объекти бўлиш билан бир қаторда адабиётшунослик учун ҳам хос мавзулардан саналади. Чунки ижод лабораторияси, ёзувчи бадиий тафаккури ва унинг инъикоси доим мунаққидларни қизиқтириб келган.

Америкалик психолог Ф. Беррон эллик олтидан иборат ёзувчи ватандошлари гуруҳини тестлар ёрдамида текшириб, айнан ижодкорлар орасида ҳиссиёт ва сезги жуда ривожланганини ва рационалликдан устун бўлишини исботлайди. Яъни 56 та субъектнинг 50 нафари “интуитив шахслар” (89%) бўлиб чиқди. Бадиий ижоддан узок бўлган одамлардан таркиб топган бошқа гуруҳда эса ҳиссий билиш уч барабар кам чиққан (25%). [1;46] Демак, энг аввало илоҳийдан берилган истеъдод, ўтмиш адабий мерос билан тўйинган дунёқараш ижодкор бадиий тафаккурининг теран илдизи ҳисобланади.

Яна бошқа бир америкалик психолог Д. Гилфорд эса олтига рассом устида тажриба олиб борган бўлиб, қобилиятнинг ижод жараёнида намоён бўлишини таъкидлайди. Буларга эса қуйидигиларни киритади: фикрлаш равшанлиги, ўхшашлик ҳамда қарама-қаршилиқлар, экспрессивлик, мослашувчанлик ва керакли контурларни бадиий шаклда бериш қобилияти ва бошқалар [2;63].

Шоирнинг туғилиши, ҳаёт ва ижтимоий синовлар қуршовида товланиши, ўзлигини топиши ва ўқувчилари қалбидан жой олиши - буларнинг барчаси ижодкор бадиий тафаккури деган тушунча асосида бирлашади. Айниқса, бўлажак шоир қалбида уйғонган илҳом оташи таъсирида дунёни дастлаб рангин кўриши, одамларнинг самимийлигига ишонишини ижодкорнинг ҳасби ҳолидан билиб олиш мумкин. Лекин кейинчалик ишонганлари томонидан етадиган кескин зарбалар, парда ортидаги яширин ҳаёт, ниқоб остидаги кутилмаган ҳақиқатлар ,албатта, унинг тафаккурига таъсир кўрсатади. Рухиятида уйғонган симпатия ва антипатиялар образли, символистик шаклларни келтириб чиқаради. Бу эса ижодкор томонидан кутилмаган етук асарларни, бетакрор образларнинг пайдо бўлишига туртки бўлади. Шоир ёки ёзувчи атрофидаги ҳақиқатларни кузатар экан, ҳали ҳам исмсиз, тушунарсиз, яширин дунёни тобора чуқурроқ билишга, ундаги жараёнларни, инсонлардаги хусусиятларни кашф этиш эҳтиёжини майдонга келтиради. “Илоҳий комедия”, “Фауст”, “Уста ва Маргарита” сингари асарларнинг яралиши, кейинчалик, бадиий адабиётда шекспирона назар, дантеёна танқид сингари қарашларининг келиб чиқиши фикримиз мисолидир.

Шундай қилиб, ижодкорлик, хусусан, бадиий ижод тафаккури такомиллаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Илмий тажрибалар билан англаниши қийин вазиятларни, ҳолатларни етук санъаткор бадиий образлар воситасида оддий, равон тушунтира олиши мумкин. Юксак ижодкорлик

қобилияти ҳаммага ҳам берилмаган, лекин фольклор намуналари, миф ва афсоналар, яхшиликка етакловчи эртақлар, одамзоднинг азалий идеаллари куйланган кўшиқлар, мақол, маталлар билан мунтазам танишиб бориш тафаккур тарзига таъсир қилиши айна ҳақиқат.

*Бешик-бешик тўлқинлар той-той бўлиб чопарди,
Кумуш ёлли қоялар соясини ёпарди [3;23].*

Гарчи ушбу мисралар ёш шоирнинг муҳаббат мавзусидаги илк шеърларидан бўлса-да, лекин унда ўзбек миллати сўзлашув лексикасига хос атрибутларни, болаликда тинглаган эртақ ва афсоналарининг замонавийлик билан қоришқ жихатларини кўришимиз мумкин. Асар контекстида шоирнинг ўзи ҳам бунга ишора қилиб ўтади.

*У сеҳрли сув қизи! Ой нурида оппоқ қор,
Тирилдими қаршимда афсоналар ё қатор [4;24].*

Шоир шеър финалида сув париси тимсолида ошиқ қизнинг безовта руҳига мурожаат қилар экан, ундан саргашталиқдан чекинишни сўрайди. Воқеабанд шеър сирли афсоналарнинг назмий талқини каби таассурот қолдиради. Абдулла Орипов тўртликларидаги фалсафий хулоса, мақолларнинг ўзига хос бадиий тасвири, ўзбек характерининг бетакрор ифодаси аслида юксак истеъдоднинг халқ даҳоси билан уйғун намоён бўлиши билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Борев Ю. Психология художественного творчества. –М., 1999.
2. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1-жилд. Адабиёт ва санъат, – Т.: 2000.

Фольклор дискурси ҳақида

*Абдувахабова Махина Азатовна,
ЎзДЖТУ доценти, ф.ф.ф.доктори (PhD)*

Фольклор тушунчасига изоҳ берар эканмиз, 1987 йилда ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган Халқ оғзаки ижодини ўрганиш бўйича халқаро қўмита томонидан таклиф қилинган таърифга юзланамиз: “Фольклор-ижтимоий анъаналарга йўналтирилган жамоат ва шахсларнинг яратиш имконияти, яъни жамоанинг ўз маданий ва ижтимоий ўзига хослиги ҳисобланади. Фольклор матнларидаги маданий-ижтимоий меъёрлар ва қадриятлар оғзаки равишда тақлид ёки бошқа усуллар (тил, адабиёт, мусиқа, рақс, ўйинлар, мифология, маросимлар, тикувчилик, меъморчилик) билан етказилади [1; 9].

Бугунги кунда тадқиқотларда “фольклор дискурси” тушунчаси тез-тез учраб туришига қарамай, унинг мукамал тавсифи муаммоси ҳали ҳал қилинмаган, фақатгина дискурсининг прагматик таҳлили билан боғлиқ бир қатор индивидуал кузатувлар амалга оширилган ҳолос. Бизнинг наздимизда,

фольклор дискурси ижтимоий-маданий вазият, тарихий шароитлар билан шартланган жамоавий нутқ фаолиятининг ўзига хос тури сифатида талқин қилинади. Ушбу нутқ фаолиятининг таркибий қисми- бу эстетик жиҳатдан қайта ишланган, жамоат эҳтиёжларини қондирадиган ва жамиятни барқарорлаштирадиган жамоавий билимларни акс эттирадиган анъанавий матндир. Фольклор дискурси махсус таълимот бўлиб, у инсон фаолиятининг турли соҳаларига хизмат қиладиган бир қатор коммуникатив вазиятларда амалга оширилади. Фольклор дискурсида коммуникантлар бир ижтимоий ҳамжамият вакили сифатида ҳаракат қилади, жамоавий таркибда бир қатор жинслар, мақомлар, касбий жиҳатдан аниқланган гуруҳлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири коммуникатив вазиятда белгиланган ролни бажаради. Шуниси эътиборлики, фольклор дискурсида коммуникаторлар турли жанрларда турфа ролларни ижро этадилар, турли позицияларни эгаллайдилар, масалан, асосан, маросим жанрларида бир социумга мансуб коммуникантлар ўзаро тенг бўлмаган фаол мавқени эгаллайди, афсун жанрида эса коммуникантларнинг мавқеи тенг бўлмайди, балки сакрал билимларга эга бўлган сеҳргар ғайритабиий кучлар ва адресат, ўртасида воситачилик қилиш орқали фаол позицияни; адресат эса табиийки етарли билим ва малакага эга бўлмаслик оқибатида пассив мавқени эгаллайди [4; 386]. Ҳар қандай жамият вакиллари фольклорни онгли равишда миллий ғоянинг манбаи деб ҳисоблайди, уни сақлаб қолиш ва тарғиб қилиш керак бўлган маданий мероснинг таркибий қисми сифатида тушунади.

Фольклор дискурсининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотни турли хил усуллар орқали олиш мумкин: коммуникантлар билан суҳбатлар, матнни таҳлил қилиш, психоллингвистик эксперимент. Барча ҳолатларда, аввало, коммуникантларнинг шахсиятига мурожаат қилинади. Коммуникантларнинг фольклорик шахсиятига хос бўлган нарса, аввало, қадриятларни жамоавий тарзда етказишдир. Анъанавий ва замонавий фольклоршуносликда фольклор шахси матнларда ўзини “бошқалар учун”[3] сифатида намоён қилади, коллектив номидан гапиради ва жамоавий анъаналарга бўйсунганини таъминлайди.

Фольклор дискурси шахсий ва институционал нутқларнинг мураккаб аралашмаси бўлганлиги сабабли унинг иштирокчилари ҳам жамоавий ва шахсий вазифаларни бажарадилар.

Адресант (сўзловчи).

Фольклор дискурсидаги адресант - бу маълум бир жамиятга мансублигини амалда кўрсатувчи субъект. Фольклор дискурсидаги адресант мураккаб тузилишга эга: муаллиф-маърузачи (матннинг яратувчиси)-субъект. Ушбу триадада марказий ўринни сўзловчи эгаллайди. У фольклор дискурсида кўпшанли бўлиб, у бир вақтнинг ўзида “репродуктор”, муаллиф ва интерпретатор ҳам бўлиши мумкин. Бир томондан, фольклор анъаналари матнларни кўпайтиришга эмас, балки уларни турли хил вариантларда бўлса ҳам сақлашга қаратилган, шунинг учун сўзловчи (маърузаси) кўпинча

интерпретатор ёки ҳикоянавис, кўшиқчи- матн репродуктори бўлиб хизмат қилади.

Халқ оғзаки ижодидаги “сўзловчи- муаллиф” муносабатининг ўзига хос хусусияти аввало, фольклор дискурсида сўзловчи тўғридан-тўғри матннинг муаллифи бўла олмайди. С.Б.Адоньеванинг фикрича, “берилган нутқ ҳодидаси муаллифи актор бўлиб, у ҳақиқий нутқ акти орқали амалга ошириладиган ижтимоий ҳаракат учун жавобгардир” [2; 56]. Бизнинг фикримизча, жанрга қараб сўзловчи турлича, масалан, жамоанинг ҳаммуаллифи сифатида фольклор “асари”нинг яратилишида иштирок этиши мумкин. Табиийки, анъанавий матнларда айтувчи нарраторлик мақомини мерос қилиб олади, ушбу мерос у туғилиб ўсгунга қадар мавжуд эди, ушбу матнга ўзгартиришлар киритиш ҳамда алоҳида қирраларга урғу бериш конкрет коммуникатив жараёнларга боғлиқ. “Сўзловчи-субъект” (“муаллиф-айтувчи-субъект” триадасининг бир қисми сифатида) фольклорда ўзига хос хусусиятга эга, яъни субъект бу коллективдир, у тингловчи (китобхон) халқ. Шу билан бирга, матнни танлашда айтувчи нафақат коллектив билимларнинг етказувчиси сифатида фаолият кўрсатади, балки ўз муносабатини ҳам билдиради. Бунда нарраторнинг миқдорий хусусияти муҳим аҳамиятга эга, масалан, фольклоршуносликда якка ижро этиладиган жанрлар (эртақлар, частушкалар), жамоавий жанрлар (ўйин ва меҳнат кўшиқлари), якка ва хор ижрочилигини ўз ичига олган жанрлар (лирик кўшиқлар, балладалар), бунда айтувчининг роли ҳар бир жанрга қараб ўзгаради. Агар якка жанрларни ижро этишда сўзловчи биргаликда ижод қилиб, матнни кўпайтиришда максимал эркинликка эга бўлади, бунда жамоавий ижро ундан энг аниқ (информатив эмас) перформатив ҳолатларда яратишни талаб этади [5].

Фольклор матнларида **адресат** социум аъзолари ҳисобланади. Адресатнинг ҳам дискурсив, жанр шартига кўра (жамоавий/якка ижро) турли хусусиятларга эга. Адресатлар белгиланган жой, жанрга қараб, миқдор жиҳатдан фарқланиши мумкин. Масалан, лирик кўшиқларни ижро этишда тингловчининг вазифаси айтувчи бошдан кечирган ҳиссий ҳолатни бошдан кечиришдир; топишмоқни тахмин қилиш пайтида эса тингловчи ҳам завқланиб, ҳам жавобни топишда ўз маданияти кодлаган билимларини синовдан ўтказиши. Албатта, матн яратишда ёки уни кўпайтиришда айтувчи асосий эътиборни тингловчининг ёши, жинси ва ижтимоий хусусиятларига қаратади, бунда адресат “бошқарувчи” позициясини эгаллайди. Фольклор дискурси жамоавий тафаккур ва жамоавий кадрятларни ўзида акс этади.

Дискурсни шакллантирувчи тушунчалар концептлар бўлиб, улар фольклор дискурси концептсферасини ташкил қилади. Фольклор дискурсининг асосий концептларидан севги, меҳнат, оила ва бошқалар базавий концептлар бўлиб, уларни таркибан чеклаган. Натурфактлар, денгиз, қирғоқ, уй каби артефактлар нодискурсив концептлар бўлиб, ўзаро дискурс концептларига таъсир ўтказиши. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, фольклор дискурси онгимизда тарихан шаклланган, доимий равишда янгиланиб турадиган ҳамда фольклор

санъати деб номланган нутқий фаолият тури тушунилади. Фольклор дискурси фольклор матнлари тўпламидан иборат. У оғзаки ва ёзма шаклларга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Brunvand J.H., Brooke D.A., Vandergriff J. Being a Folklorist: Plenary Address to the Missouri Folklore Society. *Missouri Folklore Society Journal*. Columbia, Missouri: The Missouri Folklore Society.
2. Адоньева С.Б. Прагматика фольклора. СПб: Изд-во С.-Петербур. ун-та: Амформа, 2004.- С. 56.
3. Никитина С.Е. Устная народная культура и языковое сознание. –М., 1993.
4. Пелипенко А.А. Проблемы изучения культурного наследия в условиях глобализации, 2006. –С. 382-404.
5. Путилов Б.Н. Фольклор и народная культура. СПб., 1994.

**АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ШЕЪРИЯТИДА ЯҚИН
ЎТМИШГА МУНОСАБАТ
("Монолог" шеъри мисолида)**

*Абдуллоев Олимжон Нусратиллоевич
Академик Бобожон Гафуров номидаги Хўжанд
давлат университети доценти, ф. ф.номзоди,*

Бутун ижоди она халқи учун манба бўладиган ҳар қандай шоир она тили ва адабиётидан ташқари бошқа илмлардан ҳам чуқур хабардор бўлмоғи лозим. Айнан ана шу билимлар шоирнинг шеърлар қатига рамзлар воситасида ҳақиқатни сингдириши учун асос бўлади. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, Абдулла Орипов шеърларидаги фалсафий мушоҳадалар, ибратли тамсиллар шоирнинг бошқа илмлардан ҳам чуқур хабардорлигидан, халқининг урфу одатларини, қадриятларини, динини чин кўнгилдан эҳтиром қилганлигидан ҳамда ўта билимдон ва доно инсон бўлганлигидан далолат беради.

Бир пайтлар мустабид тузумнинг сиёсати натижасида худосизлик таълимоти авжига чиққан, худога ишонадиганларга қолоқ инсонлар сифатида қараладиган даврда Абдулла Орипов ҳақида “Абдулла Орипов шеърларида имон сўзи кўп учрайди. Нима, Абдулла Орипов худога ишонадими?” қабилидаги савол берилганлиги ва халқимизнинг зукко шоири ўзининг донолиги боис бу саволга муносиб жавоб бериб, вазиятдан чиқа олганлиги бор ҳақиқат.

Ҳар бир шоир шеърида ҳасби ҳоллик: ўтмишда кўрганлари, ҳозир ҳис этаётганлари ва келажак ҳақидаги қарашлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топади. Буни биз бевосита Абдулла Ориповнинг истиқлол даврида, яна ҳам аниқроғи, 2015-2016 йилларда яратган шеърларини ўз ичига олган “Эверест ва уммон” шеърий тўпламидаги шеърлар мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Тўплам шоирнинг 74-75 ёшларда эканлигида яратилганлигини назарда тутсак, бунда унинг ҳаёт, одамлар, муайян касб соҳиблари ҳақидаги фикр-

мулоҳазалари, хулосалари ва яқин ўтмишга, яъни собиқ шўролар даврига муносабати ифодаланганлигини кузатишимиз мумкин.

Мавзу нуқтаи назаридан биз шоирнинг айнан яқин ўтмишга муносабати ифодаланган шеърларига тўхталиб ўтмоқчимиз ва улардан бири “Монолог” шеъри мисолида фикрларимизни айтмоқчимиз. Китобда шу мавзуга доир шеърлар бир талай. “Монолог” [1; 38], “Қишлоқ зиёлилари” [1; 39], “Ўзи йўқ одам” [1; 46], “Кўрқув” [1; 49], “Ҳаётга қайтиш” [1; 55], “Шоир қисмати” [1; 60], “Огоҳлик” [1; 74], “Айланар тегирмон тоши...” [1; 77], “Дарслик тузувчи” [1; 89], “Тадбир” [1; 90], “Алдов” [1; 94], “Соғуний” [1; 138], “Имон” [1; 139], “Кўприк” [1; 143], “Уммон қошида” [1; 165], “Уммон бўйидаги ўйлар” [1; 233], “Аср фожиаси” [1; 257], “Башорат” [1; 259], “Замонлар” [1; 301] ва бошқа шеърларини бунга мисол қилишимиз мумкин.

Мазкур шеърларда шоирнинг яқин ўтмишга (собиқ шўролар даврига) муносабати, ўша давр инжиқликларига нисбатан муросасизлиги, шу муросасизликни лирик қахрамон номидан ўқувчига етказиш, ўша давр одамларининг характеридаги бузуқликларни инъикос эттириш ва айни дамдаги хулосалари, шу хулосалар асосида янги авлодга айтган тарбиявий фикрлари ўз ифодасини топган.

Кузатишларимизни буюк шоирнинг “Монолог” шеъри воситасида давом эттирсак:

*Мен узоқ даврлар қароқчи бўлдим,
Шу йўлда тобланди ақл ва юрак.
Ўзимдан ўтганин мен ўзим билдим,
Сен нега қароқчи бўлмогинг керак [1; 38].*

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қароқчи атамасига “йўлтўсар, босқинчи, зўрлик билан босиб олиш, босқинчилик” [3; 556] каби изоҳлар берилган.

Шоир айтаётган қароқчи шуми? Йўқ, шоирнинг маҳорати шундаки, ушбу иборага янги, ижобий маъно юклаган. Ушбу мисрадаги қароқчи сўзини ҳам салбий, ҳам ижобий маънода тушуниш мумкин. Бу сўз(қароқчи)ни лирик қахрамон ёхуд кўпчиликка нисбатан ҳам қўлланган деб тушуниш мумкин. Маълумки қароқчилар ўзлаштирган нарсаларини бошқаларнинг кўзидан пана, топиш қийин бўлган жойларда сақлайдилар. Собиқ шўролар даврида миллат душманлари бўлган қароқчилар миллатни ҳам моддий, ҳам маънавий бойликларидан айирдилар. Айни пайтда миллатпарварлар ўша бойликларни уйларининг деворлари орасига, поллар тагига, ертўлаларга яширдилар, қаровчи, асровчи бўлдилар. Ёдлаб олиб қалбларида, кўнгилларида сақладилар. Қалбларида хавотир, аммо Худога бўлган умид ва ишонч билан бошларига тушажак кўргиликларга тайёр турдилар. Шу йўлда уларнинг ақллари ва юраклари тобланди, ўзларидан ўтганини ўзлари билдилар, ҳис қилдилар. Шоир шуни таъкидлар экан, энди мустақиллик шарофати билан салбий маънодаги қароқчилик даври тугаганлигини, яширилган моддий ва маънавий бойликларни бемалол ошкор қилиш мумкинлигини айтмоқда. Шу боис, гарчанд лирик

қахрамон “Мен узоқ даврлар қароқчи бўлдим”, деб тан олаётган бўлса-да, уни ёмон кўрмаймиз, унинг яхши одам бўлганлигини ҳис этамиз.

*Мен ёпиқ кўрғонда яшадим кўрқиб,
Нажот деворига тирмашдим узоқ.
Сен нега дунёга қарайсан ҳурқиб,
Нега сен бўлишинг керакдир кўрқоқ?* [1; 38.]

Шоир ёпиқ кўрғонда яшаганлигини таъкидламоқда. Хўш, ёпиқ кўрғон нима? Шоир ёпиқ кўрғон образи орқали нимани ифодаламоқда? Ёпиқ кўрғон - таркибида бўлган халқларни бутун дунёдан узиб қўйган шўролар давлати. Таркибидаги бир давлатни (давлат деб айтиш мумкин бўлса) бошқа давлат учун хом ашё базасига айлантирган мустабид давлат. Ушбу давлат нафақат одамларнинг ўзини, ҳатто уларнинг фикрларини, фикрлашларини ҳам исканжага олган эди. Тузумдаги барчанинг бир хил фикрлашини хоҳларди. Инсон муайян ҳудудда яшайвериши мумкин. Бироқ унинг фикрлаши, айтадиган сўзлари қолипга солинса, эркин фикрлай ва гапира олмаса, энди унда кўрқув пайдо бўлади. Тақиқланган сўзни айтиб қўйишдан кўрқув, мустақил бўлишни айтишдан кўрқув, озодликка интилишдан, Худога ишонишни айтишдан, миллатпарварларнинг ноҳақ жазоланганлигини, бой бўлишнинг ёмон эмаслигини, кулоқ қилинганларнинг ҳам оддий бир инсон бўлганликларини ошкор этишдан кўрқув.

Нажот девори нима? Бу қандай образ? Нажот девори - озодлик, озод фикр, озод эътиқод, озод амал. Шоир бошидан ўтказганларини, ҳис этганларини айтар экан, истиқлол фарзандларига хуркмаслик, кўрқмаслик кераклиги тўғрисида хитоб қилмоқда. Зеро, юрт озод бўлган, озод юрт миллатпарвар ва юртпарвар раҳбарлар бошчилигида тобора обод бўлиб бормоқда. Янги авлод эса озод ва обод юртнинг бўлажак соҳиблари.

*Қасамхўр дунёда кун кўрмоқ учун
Айтмаган ёлғоним қолмади бирор.
Сен-чи ҳийлакорлик қиласан нечун,
Сенга ўтрик айтиши нимага даркор* [1; 38].

Қасамхўр дунё қайси дунё? Яна ўша - лирик қахрамон муайян муддат яшаган мустабид давлат. Одамларни кулоқ, бадарға, қамоқ ва отув йўллари билан қалбларига кўрқинч солиб, тирик қолиш учун қасамхўрлик қилишга, ҳийла ишлатишга, ёлғон гапиришга мажбур қилган шўролар тузуми. У даврлар ўтиб кетди, эй янги авлод, энди қасамга, ҳийлага, ёлғон(ўтрик)га ҳожат йўқ демоқда доно шоир.

*Дуч келган кимсага қилдим хушомад,
Оёгин яладим мушукдай ҳатто.
Эгилди бир замон тик бўлган қомат,
Бу ҳолни сенга ҳеч кўрмасман раво* [1; 38].

Агар камгина лирик чекиниш қилиб, ўтмишга назар солсак, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз “Бобурнома”сида ўзининг ютуқлари билан бирга камчиликларини, қилган хатоларини, ноўрин ҳиссиётларини ҳам яширмай ёзган. Рус халқининг севимли ёзувчиси Лев Толстой ҳам ўз

“Иқрорнома”сида бажарган салбий амалларига ўқувчи олдида ошкора иқрор бўлган. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, ушбу мўъжаз шеърни шоирнинг умри охирларида ёзган иқрорномаларидан бири дейиш ҳам мумкин. Гарчанд фикрлар лирик қаҳрамон тилидан айтилаётган бўлса ҳам, бу фикрлар ўша даврдаги қалби тоза айрим одамларнинг юрагидан чиқаётган ўйлар ва надомат ҳислари дейиш мумкин. Айнан ана шу надомат кейинги авлодни ўзи кўрган қора кунларни кўрмасликка, ўзи бажарган нохуш ишларни бажармасликка чорлайди. Янги авлодга буни раво кўрмайди. Ана шу пушаймонлик кейинги мисраларни ёзишга чорлайди.

Энди сен боболар шавкатига боқ,

Актёрдек сохтакор шавқларга тўлма.

Мен ҳаёт қўлида бўлдим ўйинчоқ,

Бахтсиз яшаб ўтдим, сен бахтсиз бўлма [1; 38].

Ўша пайтлар Ибн Сино, Беруний каби алломалар ижоди юзаки ўрганилар, миллатимиз фахри бўлган Амир Темурни дарсликларда Темурланг (чўлоқ Темур) деб ўқитилар, Навоий ва Бобурнинг динга дахлдор ижод намуналари беркитилар, Шайбоний, Ҳусайний, Амирий каби инсонларни шоҳ бўлганликлари учунгина (гўё бу уларнинг айбидай) ижодлари ўрганилмас, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Аллоҳёр, Ҳувайдо каби шоирлар ўз ижодларида Аллоҳга ҳамду сано айтганликлари, пайғамбарларни улуғлаганлари боис мистик шоирлар сифатида қораланар, Имом Бухорий, Алихонтўра Соғунийларнинг дин ва миллат йўлида чеккан заҳматлари яширилар эди. Энди-чи? Энди юрт озод, фикрлар эркин. Аждодлардан бемалол фахрланиб ижод намуналарини хоҳлаганча ўрганиш, уларнинг шавкатини оламга ёйиш мумкин.

Лирик қаҳрамон худди актёрлар каби сохта шавқларга тўлди, ўз даври ҳаёти қўлида ўйинчоқ бўлди, кўнгил хоҳлагани каби миллат ва юрт қайғуси билан яшай олмаслик, гапира олмаслик - бахтсизлик. Шоир янги авлодга “сен бахтсиз бўлма” дер экан, Ватан, миллат қайғуси билан яшашга, шу билан бахт топишга чорлайди.

Шеърни кузатар эканмиз, унда шоирнинг бадий маҳорати ҳам яққол намоён бўлганлигини кўриш мумкин. Биринчидан, шоир сўзларга янги, залварли маъноларни юклай олган. Буни қароқчи, ёпик кўрғон, нажот девори каби сўз ва сўз бирикмаларида кузатиш мумкин. Иккинчидан, шоир шеърда талмиҳ, сифатлаш, ташбиҳ, синекдоха, тақсир каби бадий санъатлардан унумли фойдаланган. “Ёпик кўрғон” ва “нажот девори” сўзларида яширин талмиҳ [2; 23] мавжуд. “Ёпик кўрғон” собиқ шўролар давлатига ишора бўлса, “нажот девори” воситасида озодлик учун курашганлар меҳнати ўз аксини топган. “Қасамхўр дунё” сўз бирикмасида сифатлаш ва синекдоха (бунда бутун орқали қисм ифодаланган (қасамхўр дунё - шўролар давлати) санъатларидан фойдаланилган бўлса, “Дуч келган кимсага қилдим хушомад, Оёғин яладим мушукдай ҳатто” мисраларида ташбиҳ [2; 3] ва тақсир [2; 11] санъатларини кузатиш мумкин.

Мавзу юзасидан ушбу шеърни ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Шеърдаги “ёпиқ кўрғон”, “қасамхўр дунё”, “актёрдек сохтакор” иборалари шоирнинг яқин ўтмишга муносабатини очиқ кўрсатади.
2. Шеър шаклан ва мазмунан мукаммал.
3. Шоир сўзларга янги маънолар юклаган ва сўзларнинг залварини оширган.
4. Шеърда иқрор, надомат ва насиҳат ўз ўрнида қўлланганлиги боис унинг таъсирчанлиги ошган.
5. Шоир турли бадий санъатлардан унумли фойдаланган.
6. Мисраларда гарчанд истиқлол сўзи бўлмаса ҳам шоир маҳорати ва айтилган насиҳатлар воситасида ундаги фикрлар янги авлодга қаратилганлигини англаш мумкин.
7. Шеър юксак тарбиявий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Орипов А. Эверест ва уммон: Шеърлар. – Т.: O‘zbekiston, 2017. - Б. 392.
2. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. –Т.: 2001. –Б. 72.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. З.М.Маъруфов таҳрири остида. –М: Рус тили, 1981. –Б. 718.

ЎЗБЕК ТИЛИДА -МА АФФИКСИНИНГ ФАОЛЛАШУВИГА ДОИР

*Усманов Абдижаббор Норбўтаевич,
ЖДПИ доценти, ф.ф.номзоди*

Кўпчилик тилшунослар жаҳонда уч ярим мингдан ортиқ (айрим тилшунослар ҳатто олти мингга яқин) тил бор деб ҳисоблайди [1. 6-б.].

Ҳар бир тилда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам морфоролик, яъни ўзакка сўз ясовчи қўшимча қўшиш йўли билан сўз яшаш маҳсулдор усуллардан биридир. Шуниси ҳам борки, тиллар ўз бисотидаги барча сўз ясовчи элементлардан бир хил даражада фойдаланавермайди. Бунга кўра, у ёки бу тилда фаол бўлмаган сўз ясовчи қўшимчалар борлиги қайд этилади. Ўзбек тилимизни -ўзбек тилини олиб кўрайлик. Маълум бўлишича, ўзбек тилида 402 та қўшимча мавжуд экан [2. 149-б.]

Тарихий манбаларга, хусусан, М.Кошғарийнинг “Девон”ига мурожаат этар эканмиз, унда -ма аффикси билан ясалган от туркумига оид айрим лексик бирликлар ясалганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Мисолларга мурожаат этайлик: экма-унинг тоқиси-балка (ДЛТ,41), жалма-пахтали тўн (ДЛТ,109), икама-бир турли чолғу (ДЛТ,96), орма-ўрма (ДЛТ,198), сузма-сузма (ДЛТ,236), тутма-сандиқ (ДЛТ,286) ужма-тут дарахти (ДЛТ,299), тизма-боғич (ДЛТ, И,268) ва бошқалар.

Бошқа манбаларда ҳам -ма аффикси ёрдамида от туркумига кирувчи айрим терминлар мавжудлигини қуйидаги мисоллар тасдиқлайди: қовурма, босма, осма, сурма, учма, секиратма. [3. 70-71-б.]

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўзбек тилининг айрим шеваларида

-ма аффикси ниҳоятда фаолдир. Масалан, Хоразм шеваларида унинг иштирокида юзлаб лексемалар ясалган ва ясашиб келмоқда: ўтиришма, гўмма, дагма, дапма, доғрама, салма, чўғма, алашма, аплама, салма, андиратма, дақма, доғрама, моқрама, зағама, шарлама [4.] кабилар ана шулар жумласидандир.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги, фан ва техникадаги улкан ўзгаришлар ўзбек тилининг бошқа аффиксилари катори, -ма аффиксининг ҳам фаоллашиб кетувига сабаб бўлди. А.Бердалиев ўзининг мақоласида -ма аффикси ўзбек тилида баббаравар от ва сифат ясаб келишини ва фаол аффикслардан бири эканлигини қайд этган [5. 73-76].

Э.Бегматов ўзининг монографиясида -ма аффикси ўзбек илмий терминологиясида анча фаоллашган дейди ва қуйидагиларни мисол қилиб келтиради: бирикма, бошқарма, бўлинма, бўлма, тортма, айирма, кесма, ўхшатма, кенгашма, кўникма, босма [6. 139-б.] ва б. Бундай маълумот -ма аффиксининг қанчалик фаоллашганлигини яққол кўрсатиб бера олади. Аввало, “Ўзбек тилининг чаппа луғати” [7. 21-24-б.] га мурожаат этайлик. Ҳисоб-китобларга қараганда, мазкур луғатда -ма аффикси билан ясалган 396 та лексик бирликлар қайд этилган. Тўпланган материалларимиз эса бу рақамнинг қарийб уч ҳисса кўпроқ эканлигини тасдиқлайди. Чунки бу луғатга мослама, устунқўйма, туташма, юритма, гидроюритма, пневмоюритма, узатма, алмаштирма, гидробошқарма, илашма, контрюритма, қўшилма, зичлама каби кўплаб лексик бирликлар кирмай қолган. Мазкур аффиксининг қатор терминологик системаларда фаоллашганлигини атамашунос Р.Дониёров ҳам алоҳида қайд этган эди [8. 93-б].

Энди -ма аффиксининг ҳар иккала функциясини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз:

1. Шуни айтиш керакки, от ясовчи -ма аффикси илгари асосан овқат номлари (димлама, қайнатма, сузма, кўмма, ёрма, қотирма, қирқма); айрим касаллик номлари (терлама, қичима, ич кетма, оқма, туғма, иситма)ни ясаб келган бўлса, ҳозирги вақтда ўнлаб соҳаларга оид терминлар ясаб келмоқда. Мана шулардан айримларини келтириб ўтамиз:

Математикага оид терминлар: чизма, уринма, кўпайтма, танлама, тенглама, бўлинма, айирма;

Физикага оид терминлар: юқори молекуляр бирикма, тўлқинтенглама, гелиоэнергетик қурилма;

Доришуносликка оид терминлар: суркама, дамлама, ялама, тўйма, сепма, бўғма, тошма, қайнатма, сузма;

Химияга оид терминлар: эритма, аралма, қотишма, суюқланма, чўкма, илдирма, ялама [9. 35-б] ва бошқалар.

А.Ҳожиев -ма аффиксининг қуйидаги маъноларни билдирувчи отлар ясашини қайд этган:

1. Фелдан англашилган иш-ҳаракатнинг номини, атамасини билдирувчи от ясайди: отишма, ёзишма, бошлама, эслатма каби;

2. Феълдан англашилган ҳаракат билан характерланадиган (шу ҳақиқатга асосланадиган, шу йўсинда бўладиган ва ҳ.к.) нарсани билдирувчи от ясайди: иситма, терлама, қичима, оқма, бўлинма, тўкма, тортма каби;

3. Феълдан англашилган иш-ҳаракат натижасида, унинг маҳсули сифатида юзага келадиган нарсани билдирувчи от ясайди: чўкма, уюшма, қурилма, қотишма, чизма, жамғарма, топилма каби;

4. Феълдан англашилган иш-ҳаракат учун мўлжалланган, шунга белгиланган нарсани билдирувчи от ясайди: кўргазма, тиркама, қоплама, қўлланма, тўшама, босма каби [10. 69-б].

Биз тўплаган материаллар ўзбек тилидаги, юқорида келтирилган 4 пунктдаги маъноларни билдирувчи отлар ясабини кўрсатади.

Шуни ҳам айтиш керакки, -ма аффиксининг юқорида кўрсатилган маъноли от ясашдаги фаоллик даражаси, маҳсулдорлиги бир хилда эмас. Масалан, биринчи пунктда кўрсатилган от-терминларни бошқа пунктдаги ясалишларга нисбатан анча кам миқдорни ташкил этади. Шунингдек, айрим пунктдаги термин ясалиши маълум соҳада кам учраса, бошқа соҳада аксинча, яъни бундай ясама терминлар анчагина миқдорни ташкил этади. Масалан, иккинчи пунктда кўрсатилган ясама терминлар медицина соҳасида кўп қўлланилади: иситма, қичима, терлама, тошма, сарғайма, суртма, сепма, ялама каби.

Умуман, далиллар шуни кўрсатадики, -ма аффикси ёрдамида ҳосил қилинган турли соҳага оид терминлар шу аффиксининг умумадабий тилдаги маъно ва вазифасига мос ҳолда, тўғри яратилипти, лекин шу билан бирга, ундан нотўғри фойдаланиш, шу аффиксининг умумадабий тилдаги маъно ва вазифасига мос келмайдиган от-термин ясалиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, бевосита кимнингдир ёхуд ниманингдир ёрдами билан ҳаракатга келтириладиган айрим машина ва механизмлар ёки уларнинг бўлак ҳамда қисмлари номлари ҳам -ма аффикси ёрдамида ясаб келинаётганлиги ҳолати учраб туради. Узатма, юритма, гидроюритма, гидроузатма, контрюритма, охирги узатма, карданли узатма кабилар шулар жумласидандир.

Далиллар нарса-қурол номларини ясашда -гич аффиксининг ниҳоятда фаоллашиб кетганини исботлайди. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мазкур аффикс ёрдамида асбоб-қурол ифодаловчи асли ўзбекча, форс-тожикча, арабча ҳамда русча-интернационал ўзбек-негизлардан кўплаб сўз ва атамалар ясаиб келмоқда. Бу гаплар она тилимизда нарса-қурол номларини ясаб келаётган -ма аффиксига ҳам тўла таалуқлидир. Ниҳоят яна шуни таъкидлаш лозимки, бу аффиксиларнинг фаоллашувида техникага оид атамаларнинг чет тиллардан киришини таъсири каттадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Usmonov, A. (2021). ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТДА ЖАҲОН ТИЛЛАРИНИНГ МУАММОЛАРИ. *Журнал инновации в начальном образовании*, 1(Архив№ 2).

2. Usmonov, A. (2021). ЎЗБЕК ТИЛИДА ШАХС ОТИ ЯСОВЧИ АФФИКСИНИНГ ФАОЛАШУВИ. *Журнал инновации в начальном образовании, 1*(Архив№ 2).
3. Абдурахманов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. 70-71-б.
4. Мисоллар куйидаги манбалардан олинди: Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. –Т.: 1961.
5. Ўзбек тили шевалари луғати. –Т.: 1971.
6. Жуманазаров Ю. Ўзбек тили жанубий Хоразм (Ўғуз) диалектининг синтактик қурилиши. –Т.: 1976.
7. Бердалиев А. Отва сифат ясовчи -ма аффикси ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. 1969, №6, 73-76-б.
8. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: 1985. 139-б.
9. Қўнғуров Р., Тихонов А. Ўзбек тилининг чаппа луғати. –Самарқанд: 1968. 21-24-б.
10. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. –Т.: 1977. 93-б.
11. Икромов И.М. Узбекаская кулинарная лексика. –Т.: 1989.
12. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясаши. –Т.: 1989. 69-б.

Шартли қисқартма

1. ДЛТ- Қашғорий М. Девони луғатит турк. I-III жилдлар. –Т.: 1960-1963.

БАРДАВОМ АДАБИЙ МУШТАРАКЛИК

*Матяқубова Мадина Хабибуллаевна,
Огаҳий ижод мактабининг олий тоифали
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, филология
фанлари номзоди*

Хоразм – инсоният бадиий тафаккури тарихида ўзига хос ўрин тутди. Бу табаррук заминда яшаб ижод этган сўз дарғалари эса ўзбек адабиёти тарихининг деярли барча босқичларида юқори нуфузга эга бўлганлар. Гарчи Хоразм адиблари Навоийгача бўлган давр адабиётида ҳам ўз тақомилига эга бўлса-да, Навоийдан кейинги давр, айниқса, XIX асрда адабиёт ва маданият соҳасида самарали давр бўлган десак, янглишмаймиз. Бу давр маданий-адабий юксалишнинг юқори босқичи бўлиб, унинг марказида турган Мунис, Огаҳийлар яратган адабий мактаб кейинги давр бадиий ижод соҳасининг юксалишига сабаб бўлди. Навоийдан илҳомланиб, шоир ижод устахонасида сайқалланиб, адабиёт, маданият ривожига салмоқли ҳисса қўшган Мунис, Огаҳий ва уларнинг адабий мактабидан баҳраманд бўлган бошқа шоирлар олам ва одам, жамият ва шахс, инсон ва унинг эрки, тақдири муаммоларини ўрганар экан, уни тафаккур маҳсули билан боғлайдилар.

Ўз ҳаётларининг маъносини халққа хизмат этишдек буюк хизматга бахшида қилган мутафаккирлар кудратли ижтимоий қурол- бадий сўз воситасида воқеликни тўғри ва холис акс эттириб, борлиқ ва ҳаёт ҳақидаги ўз қарашларини маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида зоҳирий ва ботиний жилолари билан гўзал тарзда бадий тасвирлаганлар. Жумладан, Шермуҳаммад Авазбий ўғли Мунис ўзининг олам ва одам ҳақидаги қарашларини баён қилишда сўз, назм – шеърят ва унинг ҳаётдаги ўрни, моҳиятини фалсафий асослаб ҳазрат Навийнинг:

*Олибман тахти фармонимга осон,
Черик тортмай Хитодин то Хуросон-*

байтига монанд :

*Шеър ул тиги дудамдурким, жаҳонни фатҳ этар,
Чекмайин лашикар гар олса илгига ҳар подшоҳ-*

матълали ғазалида фикрини давом қилдириб шундай ёзади:

*Шеър ул маҳкам иморатдурки, сели ҳодисот,
Айламас ҳар неча бўлса тунд, бурёдин табоҳ.
Балки шеър афзалдурур фарзанддинким, шеърни,
Насли боқидин бақолигдур, дер аҳли интибоҳ.*

Шоирнинг наздича, маъноли сўз, яъни яхши шеър улугъ неъмат, маҳкам иморат, ҳатто киши фарзандидан ҳам аълодир, зеро у шоир номини мангуликка дахлдор қилувчи бебаҳо нақшдир.

“...дил сўз назми” билан “тил тийғи тортиб, маони мулкини олган” Огаҳий ҳам худди шу фалсафий фикрни янада ривожлантириб, яхши сўзнинг боқийлиги ҳақида қитъа жанридаги шеърларининг бирида шундай ёзади :

*Киши неча иморат қилса бунёд,
Ва ёхуд ҳаддин афзун қўйса авлод.
Тутиб бўлмас бирисидин бақо кўз,
Қолур боқий жаҳон ичра магар сўз.*

Мунис ижодининг шаклланишида Шарқ мумтоз адабиёти буюклари, айниқса, Алишер Навоийнинг ўрни беқиёс. Шоирнинг “манга” радибли ғазалининг ўзиёқ фикримизни исботлайди. Мунис шеърда ўн тўртта забардаст шоирларнинг номини фахр билан тилга олади ва ҳар бирининг ўзига таъсирини завқ билан ифодалайди. Шоир, айниқса ўзининг шоир сифатида камолга етишида “Навоийни дастгир” деб билди ва “Мунисга маоний йўлида пир” шоирга алоҳида меҳр қўйиб: “Навоий руҳи ҳомийдир манга” дея эътироф қилади ва иқтидорининг шаклланиши, энг яхши асарларининг муваффақиятини ҳазрат Навоийдан ўрганиш, илҳомланиш ҳосиласи, деб билди:

*Журъат айлаб Навоийга татаббуъ айладим,
Сафҳа узра хома сурдим истаб онинг ҳимматин-*

Мунис 1815 йилда “...маони жаннати”, яъни Навоийнинг халқ орасида “Чор девон” номи билан машҳур бўлган “Хазойин ул- маоний” девонидан таъсирланиб, ўзининг 8446 байт (16892 мисра)дан иборат шеърларини жамлаб, “Мунис-ул-ушшоқ” (“Ошиқлар дўсти”) номи билан девон тартиб беради. Мунис девонига кирган шеърларида ижтимоий фикрнинг тараққиётига чуқур

таъсир кўрсатиб, қалами воситасида назм дурларини маъно нозикликлари билан нақш қилиб, зийнатлади.

Мунис ўз девонини бежиз “Мунис ул-ушшоқ” деб атамаган. Лирик қаҳрамоннинг нозик туйғулари, ҳижрон дардию қалб армонларини ўзига хос гўзал талқинда тараннум қилган шоир ўзини “ишқ аро” элга-ошиқларга “қибланома” деб билади:

*Ҳамиша бошим урармен йўлинг сари санамо,
Магарки, ишқ аро бўлмиш мен элга қибланома.*

У ишқ-муҳаббат билан боғлиқ ҳиссиётларни ҳақиқий ошиқ сифатида бор таровати ва жилоси билан ёниб куйлайди, чунки ошиқ учун маъшуқанинг васли “равзаи ризвондан ортуқ”. Аммо бемехр ёр севги ва садоқатда тенгсиз ошиқнинг ҳолига бепарво, ҳажр ўтида куйдиради.

Ҳажр аро бежон ошиқ эса холи забунлигига қарамай маъшуқасининг васлидан умидвор, уни кўкдаги қуёш деб билади, ундан меҳр-шафқат кутади:

*Сенки жонлар жонисан, сенсиз ўлукман ҳажр аро,
Кел равон бир дам ҳазин жонимни маъво айлагил.*

*Заррадек Мунис юзинг ҳажрида нопайдо эрур,
Эй қуёшим, оч жамолинг они пайдо айлагил.*

Маълумки, дунёвий адабиётда ишқ-муҳаббат етакчи мавзу сифатида инсонни улуғлаш ва олий мартабага етаклашда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, муҳаббат тикандан гул пайдо қилиб, гўзалликлар яратишга қодир. Севги - муҳаббат бор жойда ҳеч қачон ёвузлик, ёмонлик бўлмайди, чунки ишқ билан ёнган қалб фақатгина яхшилик, эзгуликка хизмат қилади. Ишқ-муҳаббат инсон руҳини тозалаб, маънавий оламини бойитади.

Огаҳий ҳақида гап кетганда шубҳасиз ҳазрат Навоий ва Мунисларнинг ижоди ва тажрибалари шоир учун чинакам ижод сўқмоғи, улуғ рағбат ва етук манба вазифасини ўтаган. Шарқ мумтоз адабиётининг барча сиру синоатларини мукаммал эгаллаган Огаҳий сўз заргарларининг, жумладан Алишер Навоий ва Мунисларнинг адабий анъаналарини нафақат давом қилдирди, балки уни янада такомиллаштиришга самарали улуш қўша олди.

Огаҳий ажодларимиздан бебаҳо мерос бўлган ишқ-муҳаббатни ҳароратли ошиқ сифатида зоҳирий ва ботиний жилолари билан қалбдан чуқур ҳис қилди. Зеро, шоир ўз девони дебчасида : “...ишқ кўча девонаси ва дард хайлининг ҳамдам ва ҳамхонаси, тун-кун ишқ ўтининг мубталоси, балову дард элининг ошноси, муҳаббат ичра дам урғон вафодин – вале айрилмаган бир дам балодин...”,-деб бежиз таъкидламаган. Айни вақтда ўз ашъорларининг ишқ аҳлига, маънавий баркамол инсонларга чинакам малҳам, миллатни, инсонларни огоҳликка даъват этувчи тумор бўлишини кўзлаган сўз санъаткори ўз девонини шу боис “Таъвиз ул-ошиқин” (“Ошиқлар тумори”), деб номлаган бўлса не ажаб.

*Огаҳий ҳолини гар ишқ ичра билмоқ истасанг,
Чаими ибрат бирла дардангиз девонимга боқ.*

Шоирнинг лирик қаҳрамони – ошиқ учун ишқ-муҳаббат энг соф , энг улуғ ва муқаддас туйғулар оламидир. Шоир инсон ва унинг юксак инжа туйғуси-

мухаббатни авж пардаларда бор маҳорати билан тараннум қилади:

*Адабгоҳи мақоми қурб андоқ келди олийким,
Ҳам ул ёнга оча олмас малойик болупар густоҳю*

*Агар одам эсанг сайр эт бу гулишанда адаб бирла,
Қадам ҳар сори қўйма ул сифатким гову хар густоҳ-*

байтларида ошиқ қалбини, унинг маънавий-ахлоқий оламини, руҳиятини яққол ифодалаш учун шаффоф фалсафий гўзал фикр билдиради. Шоирнинг наздича, севги шу қадар тоза ва соф туйғуки, ҳатто ўша давр кишилари учун энг пок бўлган малойиклар-фаришталар ҳам бу йўлда беадаблик билан қанот қоқа олмас экан. Нафсининг қулига айланган таркидунёчи зоҳид , хўкиз, эшакдай қўпол ва ҳайвонсифат кишилар каби бундай олижаноб туйғудан бебахра бўлиб, бу муқаддас туйғуни ҳис қилолмайди. Аммо ҳаётдаги ижтимоий тенгсизликнинг асоси бўлган моддий бойлик ва мансаб-мартаба маъшуқанинг қалб кўзини кўр қилиб қўйган. Шоир-ошиқ ғариб, қашшоқлиги боис маъшуқа бой-бадавлат кишилар билан улфат . Шоир лирик қаҳрамонининг қалби самимий севгига лиммо-лим бўлишига қарамай , маъшуқа моддий манфаат учун ўз озодлигини, хурлик нафосатини мол-дунёга алмашган:

*Дедим : бўлмиш менга кам нақд лутфинг ўзгадин невчун,
Деди : сен бой эурсан ганжи маъни гавҳари бирла.
Дедим : қайси киши комига етгай базми васлингдин,
Деди : ондоқ кишиким моли вофирдур зари бирла .*

Мунис ва Огаҳий инсоннинг бахт-саодати ҳақида қайғурар эканлар, ҳаётдаги ижтимоий тенгсизликнинг сабабини дунёнинг нотекис тузилиши ва унинг “каж”(тескари)лигида деб биладилар. Бу эса ўз-ўзидан замона иллатларидан шикоят мотивининг юзага келишига сабаб бўлди.

Мутаффақирлар жамиятни, ҳаётни кузатар эканлар, Мунис тескари айланувчи фалакдан шикоят қилиб, ижтимоий ҳақсизликка, яшаётган тузумининг ноҳақ қонун-қоидаларига, ҳаётга бўлган норозилигини шундай ифодалайди:

*Эй фалак, мунча недур айламак изҳори ситам,
Урубон ҳар нафас эл бағрига юз ништари гам.*

Шоирнинг дунёдан, ҳаётдан яхшилик кутган , эзгулик истаган лирик қаҳрамони чархикажрафторнинг телба тескарилиги боис надомат чекади. Шоирнинг фикрича, дунё тескари қурилганлиги боис бевафо фалак аҳли вафо бошига офат тошини ёғдириб, жуда кўп жабру жафо билан вафосизлик қилади.

Огаҳий ижодида бу мавзу янада кескинлашади. Шоир дунёнинг каж (тескари)лиги ҳақида фалсафий фикр юритади. Мунис “чархи дун”нинг фақат кажрафторлигидан шикоят билан кифояланса, Огаҳий уни кескин ва муросасиз тарзда талқин қилади. Шоир жасурлик билан ўз даври муҳитига ҳаққоний баҳо беради ва дунёни “гардуни дун ” (пасткаш дунё), “даври каж” (тескари айланувчи фалак), “гунбази даввор” (бевафо даврон) каби иборалар билан тасвирлаб, ўз замонасининг тартиб-қоидалари устидан кескин норозилигини баён қилади:

*Хароб ўлсун илоҳи гунбази даввор чархи дун,
Ки дойим даври каждур, таври шуму, ҳайъати вожун.*

*Онинг кажравлиги таъсиридиндур бу жаҳон ичра,
Жафо аҳли ҳамиша хурраму аҳли вафо маҳзун.*

Дунё каж тузилганлиги сабаб турмуш нотекис бўлиб, “жафо аҳли ҳамиша хурраму аҳли вафо маҳзун” дея надомат чекади.

*То кажлик ила кирди фалак давронга,
Ҳамма доно нон гадосидур нодонга .
Тузлик ила айланса эрди гар даврон,
Нодон юзи тушмагай эрди бир нонга.*

Огаҳий ижодидан бундай руҳдаги шеърларни кўплаб келтириш мумкин:
*Комига етган киши, тонг йўқ, жаҳондин топмасанг,
Ким бу олам, Огаҳий, қўҳна ҳасратхонадур.*

Ёки :

*Даҳр уйи бунёдким, сув узрадур маҳкам эмас,
Онда кирган эл хавотирдан амон бир дам эмас.*

Бундай оташин ва дадил айтилган мисралар Огаҳийнинг ўз даврига, нотекис ҳаётга, дунёга нисбатан чиқарган айбномаси сифатида жаранг беради. Шоир чиркин ва ярамас дунёнинг кирдикорларини фош қилар экан, мавжуд тизим билан мурасага келиша олмайдиган исёнкор лирик қаҳрамон тимсолини яратади.

Мунис инсон шон-шухрати ерга урилиб, меҳнаткаш халқ оммасига нисбатан зулмининг кучайган даврида истибдодга қарши ўлароқ халқ, маданият ва маърифатнинг тараққиёти учун курашди. Мутафаккир ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашларининг негизини инсон ва унинг ақлий камолоти ташкил қилади.

Замона қабоҳатларининг гувоҳи бўлган мутафаккир шоир ҳаётни яхшилаш, мамлакатни тараққиёт йўлига олиб чиқиш учун илм-фанни юксалтириш, хунар эгаллаш , маънавият ва маърифатга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлайди.

Мунис ўз салафлари сингари илм- маърифатга ахлоқий тус берар экан, таълим-тарбия инсонни камолга етказиб, жамиятни тараққиётга етакловчи восита деб билади.

Шоир жамиятда юз бераётган ҳар қандай зулм, адолатсизлик, тенгсизлик, жаҳолатни маърифатсизлик ва саводсизлик оқибати деб билади . Мутафаккирнинг фикрича, билим олиш шоҳу гадога бирдай тенг бўлиб, билимли киши, жамиятнинг ривожига таъсир кўрсатади ва инсониятга фойда келтиради . Ўз даврида кишиларни илми-урфонга чорлаган шоир:

*Аҳли дониш бирла ҳар дам айлангиз базми китоб,
Жамъи нодонлар била изҳори улфат қилмангиз.-*

деб ўғит қилади.

Шоир наздича, билим мамлакат тараққиётининг пойдевори бўлса, илмли шахс жамият ривожининг устунидир. Айни вақтда илм ўрганишда

хуснихатнинг ҳам ўрни катталиги ҳақида фикр юритар экан, ёзувнинг жамиятдаги роли ҳақида “Саводи таълим” рисоласида шундай ёзади :

*Сўз махзанининг нишонаси ҳам,
Маъни дурининг хазонаси ҳам.
Ҳар сўзки, кўнгилдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса бўлғой эрди нобуд.*

Ўз даврида ноёб илмий-назарий характерга эга бўлган мазкур рисола бугунги мустақиллик даврида ҳам катта нуфузга эгаллиги билан қимматлидир.

Мунис инсон умрининг ўлчовли бўлиб, уни беҳуда ўтказмаслик, айниқса ёшлиқни ғанимат билиш, билим олиб, ҳунар эгаллаш зарурлиги ҳақида шундай фикр юритади ва кишиларни маърифатга чорлайди:

*Камол касбида Мунис шитоб қилки эрур,
Ҳаёт фурсатиким бедаранг фасли шабоб.*

Ҳаёт фалсафасини чуқур англаган шоир инсонга бир марта бахш этилган умрни беҳуда ўтказмаслик, молу дунёга майл қўймай, шону шуҳратга берилмай, мансабидан керилмай ҳаётдан баҳра олиш, хайрли ва савобли ишлари , эзгу амаллар билан кишиларга наф келтириш, ўзидан яхши ном қолдириш лозимлигини таъкидлайди.

Мутафаккир шоир турмуш ва умрдан мақсад моддий бойлик тўплаб, ундан керилиш, молу-дунё тўплаб “хайвон каби”семириш, фақат нафсини ўйлаб , ўз манфаати учун йўлдан озишни қоралайди. Бундай жоҳил ва баднафс кишилар бугунми , эртами қуртларга ем бўлишини ички бир жирканиш билан ифода қилади. Шунингдек, молу-мулкка ҳирс қўйиш ҳою ҳавасга берилиш маънавий тубанлик, хайвоний ва шайтоний қувват белгиси сифатида ўткир ҳажв тифига нишон қилинади:

*Кўп ебон хайвон киби танни семиртирмоқ надур,
Ким бу кун ё тонгладур айлар тановул они қурт.*

Муниснинг наздича, инсоннинг кадр-қиммати унинг молу-дунёси, амали билан эмас, балки касб-кори билан кишиларга келтирган фойдаси, инсонийлиги билан ўлчанади:

*Фурур этма аслинга, қил касби фазл,
Эрур мўтаъбарроқ насабдан ҳасаб.*

Огаҳий ҳам мутафаккир шоир Муниснинг илму-маърифат ҳақидаги қарашларини тадрижий ривожлантиради. Шоирнинг фалсафий- ахлоқий қарашлари негизида инсоннинг дунёни англаш, камолотга эришишида илмнинг, таълим-тарбиянинг ўрни беқиёс эканлигини далилловчи ижод намуналари катта ўрин тутаяди. Шоирнинг эътирофича, илм-маърифатга эришишидан мақсад – олам сирларини билиш асносида жаҳолатдан қутулиш, эзгу ишлар қилиб, икки дунё саодатини эгаллаш.

Огаҳий қайси мавзуда ижод қилмасин барча ашъорларида инсоннинг бахти-саодати , иқболи ҳақида қайғуради ва инсоннинг жамият ҳамда маънавий ҳаётдаги ўрни, яшашдан мақсад-муроди ҳақида ўзининг фалсафий қарашларини ифода қилади.

Шоирнинг фикрича, илм инсонга берилган маънавий бойлик, уни

юксакликка кўтарувчи, инсонийликка даъват қилувчи муҳим манбадир. Зеро, билимли киши ўзининг ақли ва тафақури билан халқ орасида обрў-нуфузга эга бўлиб, икки дунё саодатига эришади, аксинча кимда ким жаҳолат билан илмсиз қолса икки дунёсидан ҳам Мосуво бўлишини таъкидлайди:

*Илм андоқ ганжи нофиъидур бани одамгаким,
Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анго.
Касби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила,
Икки олам обрўси бўлгуси барбод анго.*

Огаҳий инсондаги маънавий бойликни моддий бойликдан устун қўяди. Шоирнинг фикрича, инсонни ҳайвондан фарқловчи хусусиятлардан асосийси илму-маърифатдир.

*Одамидур илму дониш бирла одам, йўқ эса,
Жумлаи ҳайвонгадур яксон қаду, рухсори лаб.*

Яна бир шеърда кескин илмсиз, молу –дунёга ҳирс қўйган нодон одам ҳўкиз ва эшакдан фарқ қилмайди, деган фикрни илгари суради:

*Мол жамъ ўлса не тонг нодондаким,
Юк кўтармак гов ила хардин гараз.*

“Ҳазин кўнглимға саҳбои ” деб бошланувчи ғазалининг мақтасида фалсафий фикрни янада ривожлантириб, молу мулк ўткинчи, илму ҳикмат воситасида қилинган эзгу ишу амалларигина абадийликка дахлдордир деган асосли ғояни илгари суради:

*Чу эрмасдур жаҳоннинг эътибору иззати боқий,
Насиб эт хаста кўнглимға, илоҳи, неъматин ирфон.*

Шунингдек, шоир куйидаги рубойида инсоннинг камолатга етишишида илму маърифатнинг аҳамияти, билим олишдан мақсад жаҳолатдан ёқутулиш ва эзгу ниятларни рўёбга чиқаришдан иборат деган фикрни асослаб, маърифатни инсонийлик билан чамбарчас боғлайди.

*Эй келди фунуну илм таслим санга,
Қилмоқ манга лозим ўлди таъзим санга.
Гарчи йўқ эди қувват аёқимда, вале,
Келдим бош ила олғоли таълим санга.*

Огаҳий илму маърифат ва унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, шоирнинг “Ул малак сиймоки, борча илм бўлмиш ёд анго” деб бошланувчи ғазалидаги илм учун яралган лирик қаҳрамони бошқа илм олувчиларга мутлақо ўхшамайди, чунки “Қилғоли илму калом ҳикмат ашколин ҳал, Ҳаддин афзунроқ берубдир Тангри истеъдод анга”. Ана сизга истеъдоду, ана сизга илмпарварлик. Эртаю кеч дарс, сабоқ билан шуғулланганлиги боис“...борча илм бўлмиш ёд анго”, “ илму ладундин тобибдур баҳра”. Шу боис ҳатто “Ҳар каломи рамзидин ҳайратдадур устод анго”. Мутафаккирнинг наздида,

*Олим улдурким шариятдан тажовуз қилмаса,
Гар тажовуж қилса, билгил, пешадур илҳод анго.*

Шоирнинг фикрича , илмнинг қадрига етмайдиган, ҳақиқий олимлар

ҳақида ғамхўрлик қилмайдиган жамият таназзулга учрайди.

Огаҳий барча фанларни мукамал эгаллагаш инсонни улуғлаши баробарида чинакам инсонийликка, инсонпарварлик тамойиллари, одамийлик шеваидан баҳраманд бўлишга даъват қилади.

Бири :

Назмингга тартиб бер, Мунис, ғаму шўриш била,

Айлансун ишқ аҳли ўртанмакни андин иктисоб-

деса, яна бири :

Огаҳий дилсўз назмингни эшитса аҳли ишқ,

Бўйнига таъвиздек айларлар ашъорингни банд -

дея инсонларнинг маънавий олами ҳақида қайғурган устоз-шогирд шоирлар ўз асарларининг “дард аҳлига” малҳам, “ишқ аҳлига” ҳамдам ва тумор бўлишини истаб истадилар.

Илму маърифат, ахлоқ-одоб ҳар бир жамиятнинг маънавий қиёфасини белгилар экан, жамият ва инсон манфаатларига жиддий эътибор қаратилаётган, маънавий комиллик даражаси тобора такомиллашишга жиддий эътибор қаратилаётган бугунги дориломон кунларимизда Мунис, Огаҳий ва шунга ўхшаш аҳли шуаро ва аҳли фузалонинг ўз замонасида аҳли жоҳ олдида қадр топмаганига қарамай “сўзига дури маънини мунтазам” қилишдан чарчамаган бук ажодларимизниг “покиза гавҳар сўзлари” қалбимизни поклаб, руҳиятимизга шаффофлик баҳшида қилиб, ўзлигимизни англашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шеърларида инсон ва унинг турли фаолияти, орзу истаклари, мақсад ва интилишларини гоҳ қувноқ, гоҳ маҳзун, гоҳ аниқ, гоҳ умумлашма шаклда ифода қилиб, сўзнинг сеҳри, қудрати, кучи, жозибаси ва маъно товланишлари асносида китобхонни ўйлашга, мушоҳада юритишга, эстетик завқланишга ундаган маънавият дарғалари юбилейларининг кенг нишонланиши мустақил юртимизда илм-фан, санъат, адабиёт, маънавиятнинг юксалиши ва эртанги кунимизга бўлган ишончнинг ортишидан нишонадир.

Ажодларимиздан мерос қолган маънавий бойлик орқали ҳаёт неъматларидан оқилона фойдаланиш, инсонийликни улуғлаш, фақат инсонларга хос муқаддас туйғу – ишқнинг зоҳирий ва ботиний жилolari орқали ҳаётдан лаззатланиш, мангуликка дахлдорлик каби умумбашарий ғоялар тарғиботи ҳар бир ўзини инсон деб таниган киши учун чинакам маънавий озуқа ва боқий мерос бўлиб, бугунги дориломон кунларимизга шукроналик туйғуларини, миллий ғурурни ошириш қувончини баҳшида қилиши, шубҳасиз.

KOSHKI YORIMNI UYQUDA BIR KO'RSAM EDI!

*Eshonkulova Surayyo Isomiddinovna,
JDPI dotsenti, filologiya fanlari nomzodi
Axtamova Zarina Avaz qizi,
JDPI 2-kurs talabasi*

Nodiraning adabiy merosi o'z g'oyaviy-badiiy ahamiyati nuqtayi nazaridan mumtoz she'riyatning go'zal namunalaridandir. Nodiraning zamondoshi Abdunabi Xotif o'z dostonida Nodiraning hayoti va ijtimoiy faoliyati haqida shunday yozadi: *“Asar yozishdan maqsadim Nodiraning oqila, fahmli, ilm va so'zning qadriga yetadigan donishmand ayol ekanligini ko'rsatishdir...”* [5].

Darhaqiqat, o'zbek va fors-tojik tillarida yaratgan 10 ming misraga yaqin lirik merosiga ega Nodira mumtoz adabiyot an'analarini qunt va ixlos bilan davom ettirib, mumtoz she'riyatning mavjud hamma janrlarida qalam tebratgan.

Nodira muxammaslari maqolamizning tadqiqot manbayi bo'lganligi sababli uning ilk namunalari qachon yaratilgan, qaysi shoir g'azaliga bog'langan, va qaysi manbalarda mujassam degan savollarni cheklab o'tolmaymiz, albatta. Ma'lumki, har bir ijod sohibining dastlabki ijodini aniqlash ancha ma'suliyatli ish bo'lib, jiddiy ilmiy tekshirish olib borishni talab qiladi.

Muxammas – musammat [2] janrining eng ommaviy, yetakchi, mahsuldor, har bir bandi besh misradan iborat go'zal va o'qishli she'riy shakllaridan hisoblanadi. Musammat – o'zbek mumtoz adabiyotida g'azaldan keyingi faol janrlardan biri. Atama sifatida ilk bor Kaykovusning “Qobusnoma” asarida uchraydi. Janrni o'rganishga bo'lgan qiziqish XI asrdan boshlangan.

Ma'lumki, o'zbek adabiyotida Hofiz Xorazmiy ijodi bilan boshlangan muxammas yaratish an'anasi Alisher Navoiy, Bobur, Mashrab, Nodira, Uvaysiy, Furqat, Zavqiy, Muqimiy kabi shoirlar she'riyatida davom ettirildi [4;60].

Nodiraning 1962 yilda Namanganda topilgan mukammal devoni shoironing merosini to'liq qamrab olgan, deyish mumkin. Bunda shoira yozgan debocha mukammal berilgan. Devonda shoironing “Nodira” taxallusi bilan yozgan 180 she'ri jamlangan (shulardan 136 tasi o'zbek tilida, 44 tasi tojik tilida). Jumladan, 11ta muxammas, 2 ta musaddas, 1ta musamman, 1 ta tarji'band, 1 ta tarkibband va 1 ta firoqnoma ham bor.

Demak, yuqorida qayd etilgan shoironing “Nodira” taxallusi bilan yozgan devonida 11ta muxammasi bizga ma'lum. Nodira o'z ustozini deb bilgan Navoiy, Fuzuliy, Bedil g'azallariga muxammaslar bog'lagan, ularni fikr-u g'oyalarini rivojlantirgan.

Shoira asarlarida mumtoz she'riyatimiz shart va talablarini mukammal o'zlashtirganligi, o'ziga xos izlanishlar qilganligi, yangiliklar yaratishga intilganligi sezilib turadi. Bu jihatdan uning muxammaslari alohida diqqatga molik. Nodiraning quyidagi ta'bi xud (mustaqil) muxammasi tahliliga e'tiborimizni qarataylik:

*Kelg'il, ey nola, sanga oh ila imdod qilay,
Ofiyat xirmanini bir yo'li barbod qilay,
Man etib nolani tarki rahi faryod qilay,*

*Tobakay hajr-u firoq ofatidin dod qilay,
Emdi o'zni necha kun sabr ila mo'tod qilay.*

Vafo va sadoqat timsoli bo'lmish Nodiraning ushbu muxammasi ishqiy mavzuda bitilgan bo'lib, unda hijron iztiroblari tasviri asosiy o'rin tutadi. Muxammasda turkiy so'z ("*qilay*") radifga olingan. Shoira muxammasni birinchi misrasidanoq nola – qayg'uni ifodalovchi baland tovushdagi yig'iga murojaat qilib, qalbdagi iztirobli ohiga ko'mak qilmoqchiligini izhor etadi. Salomatlik, eson-omonlik, bardamlik, yaxshi kayfiyatini befoyda sahifa kabi shamolga uchirishini, nafaqat xarob-u vayron etishini, balki nolasini man etib, nihoyatda tirik jonning chidab bo'lmaydigan ruhiy azob, alam ta'sirida o'zini tutolmay dod solishini aytadi. Eng yaqin, sevimli kishidan judo bo'lgan, undan ayrilgan va bu tufayli tortiladigan ruhiy azob, ayriliq, judolik, hijronga, boshga kulfat soluvchi, uni halokatga olib keluvchi baxtsizlikdan dod solishi tokaygacha davom etajagini aytib, kun sayin azob-u uqubati oshayotganligidan zorlanadi. Va endi o'zni necha kunlardan beri sabr bilan ayriliq azobini yengishi kerakligini aytadi.

Muxammasning birinchi bandidanoq umr yo'ldoshi va hamfikir ustози Umarxonning fojiali vafoti Nodira ko'ngliga, hayotiga katta zarba bo'lgani, uning she'riyatida mahzunlik kuchayganligini o'quvchi sezishi qiyin emas. Demak, lirik qahramonning alam ta'sirida o'zini tutolmaydigan darajada dod solishini hisobga olsak, ushbu muxammas Umarxonning vafotidan so'ng ko'p vaqt o'tmay yozilgan.

Muxammas Nodiraning suyakli yori Amir Umarxonga bag'ishlangan deyish mumkin, ammo lirik qahramon buni ochiq oydin oshkor qilmagan. Bunda shoiraning badiiy mahorati nechog'lik yuqori ekanligidan dalolat. Ya'ni she'r an'anaviy, oshiqning yor sog'inchi ifodalangan ishqiy muxammas tarzda qabul qilinaveradi. Shu o'rinda olima Iqboloy Adizovning quyidagi iqtibosi fikrimizni isbotlaydi: "*Nodira she'riyatini faqat Sayyid Umarxondan ayriliq izhorlari deb baholasak, biryoqlama tushungan bo'lamiz. Chunki shoira she'riyatining ildizi chuqur. Ma'no-mohiyati juda teran*" [1;148-150].

*Manga gohe xabari mohi tamomimni desang,
Yorg'a dardu g'ami subh ila shomimni desang,
Ul parivashg'a duo birla salomimni desang,
Yor ko'yida basharteki payomimni desang,
Bu qafasdin seni, ey jon qushi, ozod qilay.*

Muxammasning ikkinchi bandida esa shoira "*jon qushi*"ga murojaat etib, uni qafasdan ozod etishga tayyor ekanligini bildiradi. Sharti shuki, o'zining oxir- oqibat intiho topgan mukammal oyi tog'risida xabarini yetkazsa, ozor, alam, havoning dimligi, jazirama kabi qalbidagi tongdan shomgacha bo'lgan hasratini yoriga etkazsa, shuningdek, paridek juda go'zal xushro'yi uchun Xudoga yolvorib, unga iltijo qilib, yaxshi, ezgu tilaklar va xavfsizlik tilashini yetkazsa. Yor ko'yida xabarini yetkazsa bas, ruhini "*jon qushi*" kabi uchurishga roziligini bildiradi. Mumtoz adabiyotda "*jon qushi*" – bu ko'ngil, qalb, ruh. Agar yuqoridagi maqsadlariga erishsa, u o'limga rozi. Ushbu misralar Sharq ayollariga xos fidoyi vafodorlik, sadoqat, izzat-ikrom namunasi bo'lib tasavvurimizni boyitadi, tafakkurimizni kengaytiradi.

Adl-u insofda Jamshid najodim sen eding,

*Fikr-u andisha, xayolim birla yodim sen eding,
Rost aytay sababi rushdu rashodim sen eding,
Ey dilorom, bu olamda murodim sen eding,
Aylab olamni faromush, seni yod qilay.*

Bilamizki, Jamshid adolat va odillikda toj kiygan afsonaviy podshoh. Shoira ushbu misralarda yorining qanchalik odil va halol ekanligini, Jamshid kabi ulug‘, xalqning najotkori ekanligini mahorat bilan qalamga olgan. Yori uchun olamni unutib, faqat yorini tinmay yod etadi. Rostini so‘zlasa, rushti rashodi, olamdagi maqsadi o‘sha dilorom ekanligini ta’kidlaydi. U ayriliq, hijron azoblaridan qutqaruvchi yagona ilinj ekanligini mardonavor tan oladi.

*Yana bir marta g‘am shomida mohimni ko‘rib,
Hajr dardini desam pushti panohimni ko‘rib,
Rahmi kelgaymu bu ahvolimni tabohimni ko‘rib,
Javrlarkim menga charx ayladi, shohimni ko‘rib
Bosh yalang aylab, inonini tutib dod qilay.*

Kun botayotgan kishi kabi alamda yana bir marotaba hasratli oyini ko‘rishni o‘tinadi. Lirik qahramon yori tomonidan tashlab ketilganligi tufayli ozor yetdi desa, uning himoyachisi ekan. Ishongani uni ko‘rsa, ma’shuqaning ahvoliga rahm aylarmi? Ammo falak, dunyo unga javr ayladi. Boshi ochiqligi tufayli jilovini, tizginini tutib dod solishidan uning boshqa chorasi yo‘q.

*Soqiyo, ranji xumor o‘rtadi, keltur manga may,
To‘ldurub necha qadahni tuta ko‘r paydarpay,
Hajr dardi bila hikmat yo‘lini qildim tay,
Sabrdur dardi dilim chorasi, yo‘qsa tokay,
Notavon jonima bedod uza bedod qilay.*

Mashaqqat, g‘am-alamdan karaxtlik ila boshi og‘rigani uchun sharob quyuvchidan may keltirishini so‘raydi. Bir necha qadahlarni to‘ldirib, unga to‘xtovsiz tutishini aytadi, zora azobini unutsa. Ko‘ngilga yetgan ozori bilan lirik qahramon kezib aylanib bildiki, bandasi uchun tagini anglash qiyin bo‘lgan, yashirin bir ma’no, yashirin bir sabab, hikmat, sir bor ekan. Falakning zulmi, qahri, shafqatsizligidan do‘stlar, omoni yo‘q, aslo omoni yo‘q degan tasavvufiy-falsafiy fikr bildiradi. Nodira zamondoshlariga taqdirdan qochib bo‘lmasligini uqtiradi. Bandasining falak gardishi oldida ojiz ekanligini, yozuqidagilarning barida esa hikmat borligiga ishora qiladi.

*Necha kunlarki menga bor edi lutfu karaming,
Surmayi chashmi jahondin edi gardi qadaming
Farzdur emdi menga tavfi dari muhtaraming,
Bog‘lab ixlos ila ehromi harami haraming,
Ashkdin rohilau xuni jigar zod qilay.*

Necha kunlar menga iltifot, marhamat etmoqda eding. Orzu-umiding, xatti-harakating, amaling g‘uborsiz, jahonda nuqsonsiz eding. Endi hamma musulmonlar bajarishi qat’iy buyurilgan amallar kabi seni hurmat va ehtiromga sazovor etish, muqaddas, aziz joyingni ixlos bilan asrash lozimligini uqtirish bilan ma’shuqani ma’shuqiga bo‘lgan sadoqatini izhor etadi. Kitobat

san'atida "zod" harfi inson ko'ziga qiyos qilinadi. Ko'zlarini jigar qonidek bo'lguncha ko'z yoshlarini to'kib, uni yod qilishini tasvirlagan.

*To jahon mulkini sultoni eding davlat ila,
Benavolarg'a karam aylar eding shafqat ila,
Xalq sendin hama xushnud edi bu odat ila,
Shod qilg'ay seni ruhingni Xudo rahmat ila ,
Men ham ehson ila el xotirini shod qilay.*

Ushbu band orqali biz lirik qahramoning suyuqli yori yuqori cho'qqiga ko'tarilganligini bemalol ko'rishimiz mumkin. Dunyo ne'matlarini egasi, sultoni eding, shavqat ila navosizlarga muruvvat aylar eding. Ushbu odating uchun xalq doimo sendan hamma vaqt xursand va minnatdor edi. Alloh seni ruhingni shod qilsin. Men esa seni el yod etganligi uchun ehson qilay, - dedi.

*Mustamandeki duo birla seni yod etkay,
Rahmati birla Xudovandi jahon shod etkay,
Anbiyo ruhi sening joningga imdod etkay,
Oxirat mulkini to Haq senga obod etkay
Mulk vayronalarin adl ila obod qilay.*

Keyingi bandlarda ham yorning tasviri an'anaviy tarzda davom ettirilgan. Mustaman duolar ila yorning yod etilishi, Allohing rahmati ila jahonni shod etilishi, payg'ambar ruhi uning joniga madad berishi, Haqiqatni sevuvchi Alloh oxiratda uni mukofotlashiga qat'iy ishonch-e'tiqod bilan tasvir etadi. O'zi esa yorning ana shunday go'zal fazilatlari uchun adolat ila uning boshlagan ishini davom ettirishini, xalqiga g'amxo'rlik qilishini ta'kidlaydi.

*Sarvi gul pirahani sen kabi paydo ermas,
Sen kabi sarv ila gul dikashu zebo ermas,
Bu chaman gullari manzuri tomosho ermas,
Ko'zima qaddu yuzingdek chamanoro ermas,
Necha andishayi sarvu gulu shamshod qilay.*

Tik o'sadigan sarv daraxtining guli ham senga o'xshay olmas, senga tenglasha olmas. Sarv daraxti ham, gul ham sen kabi yoqimli emas, gulbog'chadagi asl gullar ham senchalik qalbga yaqin emas, qaddi-qomating, istarali yuzingni tomoshosi ham chamandagi turfa gullar tomoshosidan ustun emas deb yorning tashqi ko'rinishini go'zal tashbehlar orqali tasvirlagan.

*Vasl bazmi aro jomi mayi sarshor qani,
Ol ila mendin ayirdi falaki sifla sani,
Poradur gul kabi egnimda junun pirahani,
Otashi dardu firoqu sharari hajr mani,
O'rtada qaysi birini senga bunyod qilay.*

Quyidagi bandda esa yorning vasliga erishish amri mahol, chunki beshavqat falak qirmizdek xushsurat yoridan uni ayirganini, gulning gul barglari to'kilib ketayotgani kabi egnidagi majnunlik libosi pora-pora bo'lganligini, qalbni ezuvchi, yondiruvchi darddan, ayriliqdan endi u hijronga ega. Yoridan ushbu holatlarni qaysi birini, yori uchun sehrigar kabi paydo qilishini so'raydi.

Yorsiz mushkul ekan mehnati hijron chekmak,

*Vasl umidi bila ranji farovon chekmak,
Nay kabi bo'ldi ishim nolayu afg'on chekmak,
Men menu ko'hi g'aming kullasida jon chekmak,
Necha Shirinni vafo tog'ida Farhod qilay.*

Lirik qahramon yorsiz mushkul holatda, chidab bo'lmas hijronda qolganligi, uni visoliga erishish maqsadida farovonligidan kechib ranji alam chekkanligi, mungli kuy taratuvchi nay kabi afg'on-u nolalar etganligi, ma'shuqa nafaqat o'zi, balki uning iztiroblariga Ko'hi tog'i ham g'amdan joni chiqar darajada. Farhod kabi vafo tog'ida bir necha Shirinlarni chin sadoqat bilan kutishga qodiriligini his qilish qiyin emas.

*Sham sar to qadam o'rtadi fano o'rgandim,
Ko'ribon qatrayi shabnamni hayo o'rgandim,
Gulu bulbul so'zidin bargu navo o'rgandim,
Ostoning itidin ramzi vafo o'rgandim,
Emdi bir necha mahal xizmati ustod qilay.*

Nur, yoruq'lik tarqatuvchi sham boshdan to oxirigacha erishidan dunyoning ilmni, Tongdagi yaproqlar ustida hosil bo'ladigan mayda suv tomchilari bo'lmish shabnamdan hayoni, gulga oshiq bo'lgan bulbuldan navo kabi nazm yozishni, ostonadagi vafo ramzi bo'lgan itdan vafoni o'rganganligini mamnunlik ila ta'kidlaydi. Endi esa ma'shuqa o'rgangan ilmni o'rgata olish darajasidagi ustoz maqomiga erishgan. Yorini qadrini, hayotni qadrini bilgan, tushungan sifatida gavdalanadi.

*Koshki uyquda bir ko'rsam edi yorimni,
Yig'lasam bilgay edi holi dili zorimni,
Dard ahli uyqusin Komila guftorimni,
Yozibon ko'kda quyosh lavhini ash'orimni,
Nasxi mashqi qalami Moniyu Behzod qilay [3;310-312].*

Suyukli yorini koshki uyqusida bir zum bo'lsa ham ko'rsa, holini, qalbdagi iztirobli zorini unga bildira olsa edi. Ahir u dard ahli kabi kechalarni uyqusizlikda o'tkazayotganligi tufayli osmondagi Quyoshning peshtoqida she'rlarini yozib qo'yish darajasiga erishgan. Bunday mashqlarni ko'rgan Moniylik dinini asoschisi, rassomlik cho'qqisini egallagan Moniy ham, buyuk musavvir naqqosh Behzod ham qoyil qolgan bo'lardi deb faxrlanadi.

Nodira badiiy san'atlardan unumli foydalangan. Nodiraning ushbu muxammasida talmeh, nido, tashbeh, mubolag'a, tazod, tanosub, faxriya kabi bir qancha she'riy san'at turlarini uchratamiz. Muxammasda *Jamshid, jom, anbiyo, ko'hi tog'i, Farhod va Shirin, Moniy va Behzod* kabi talmeh san'atidan mahorat bilan qo'llanilgan. Lirik qahramon to'g'ridan to'g'ri *nola, jon qushi, dilorom, soqiyoga* murojaat qilib, g'am-anduhlarini oshkor etadi va bu orqali u nido san'atini yuzaga keltirgan. Shuningdek, muxammasni tahlil qilish jarayonida nur bilan zulmat, ruhiy asos bilan moddiy asos, yaxshilik bilan yomonlik o'rtasidagi o'zaro kurashni e'tirof etgan din asoschisi Moniy hamda buyuk naqqosh va rassom Behzod orqali shoira o'zining ash'orlari ular kabi xattotlikda yuqori o'rinlarga chiqishini aytib o'tishi bilan faxriya san'atini yuzaga keltirgan.

Qofiyalanishi aaaaa, bbbba, vvvva tartibga ega bo'lgan shoiraaning ushbu muxammasi nafaqat mazmun-mohiyatan mukammal, balki shakliy jihatdan ham tugal. Muxammasda quyidagi qofiyadosh so'zlardan o'rinli foydalangan:

- 1) *imdot, barbod, faryod, dod, mo'tod;*
- 2) *tamomimni, shomimni, salomimni, payomimni;*
- 3) *najodim, yodim, rashodim, murodim;*
- 4) *mohimni, panohimni, tabohimni, shohimni;*
- 5) *may, paydarpay, tay, tokay; karaming, qadaming, muhtaraming, haraming;*
- 6) *davlat, shafqat, odat, rahmat; yod, shod, obod;*
- 7) *paydo, zebo, tomosho, chamanoro;*
- 8) *qani, sani, pirahani, mani;*
- 9) *hijron, farovon, afg'on, jon; fano, hayo, navo, vafo;*
- 10) *yorimni, zorimni, guftorimni, ash'orimni.*

Bu esa muxammasni musiqaviyligini ta'minlangan.

Xulosa qilib aytganda, Nodira o'z ijodi orqali zamondoshlari ko'ngliga dunyo, hayotning mohiyati borasidagi o'zi anglab yetgan haqiqatlarni sindirishga ehtiyoj sezgan. Olam va odamning mazmuni, o'zaro munosabati, bir-biriga g'animat ekanligi xususidagi falsafiy xulosalarni oshkor etgan. Natijada, asarlari teran mazmunli o'ziga xos irfoniy maktab darajasida. Zamondoshlariga hayot ne'matlarini g'animat bilishga, undan bahramand bo'lishga da'vat etgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Adizova Iqboloy. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi (XVI-XIX asr I yarmi). O'quv qo'llanma. –T.: Fan, 2006. –B. 240.
2. **Musammat** – har bandi uch (musallas), to'rt (murabba'), besh (muxammas), olti (musaddas), yeti (musabba'), sakkiz (musamman), to'qqiz (mustasne' yoki tasne') va o'n (muashshar yoki mashru') baytdan iborat bo'lgan lirik she'r turi.
3. Nodira-Komila. Devon. –T.: Xalq merosi, 2001. –B.354.
4. Xalliyeva Gulnoza. Ogahiy masammatlari. Monografiya. –T.: Mumtoz so'z, 2019. –B. 159.
5. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Nodira>

TOG'AY MURODNING “OTAMDAN QOLGAN DALALAR” ROMANIDA QO'LLANGAN IBORALARNING XUSUSIYATLARI

**Almamatova Shahnoza Tursunqulovna,
JDPI dotsenti, f.f.nomzodi.,
Abdullayeva Maftuna Abdurasul qizi
JDPI magistranti**

O'zbek adabiyoti taraqqiyotiga munosib hissa qo'shgan, uning rivojida beistisno katta iz qoldirgan iste'dodli yozuvchi Tog'ay Murod kitobxon xotirasida hamisha o'qib o'rganishga chanqoq ijodkor, hayotning ko'plar e'tibor bermaydigan ichki tomonlarini bilishga, kuzatishga doimiy ravishda harakat qilayotgan navqiron adib,

shu orqali adabiyotda o'z so'zini aytishga jiddiy kirishgan, o'z yo'li, o'z uslubini tinmay shakllantirayotgan izlanuvchan nosir sifatida qolgan Tog'ay Murodning "Otamdan qolgan dalalar" romanida qo'llangan iboralarning rang-barangligini ko'rib, ularning asar g'oyasini, obrazlarning xarakterini ochib berishdagi o'rni beqiyos ekanligining guvohi bo'lamiz. Yozuvchi Tog'ay Murod roman oxiridagi ilovasida "Men o'zbek xalqiga haykal qo'yaman!" - deb bejizga yozmagan edi. Ushbu roman bilan xalqimizga chindan ham katta haykal qo'ydi. Yozuvchi o'z asari tilining tabiiyligini ta'minlash uchun ham Surxon vohasi shevalari, so'zlashuv nutqi shakllari, xalq iboralaridan mahorat bilan foydalangan. Asar juda sodda tilda, haqiqiy dehqon tilidan bayon etilgani tufayli ham unda qo'llangan jaydari so'zlar, birikmalar va iboralar o'quvchini tezda o'ziga rom etadi. Tog'ay Murod asar qahramoni Dehqonqulning sodda, do'lvor xarakteriga mos iboralarni topib qo'llaydi. Yozuvchi qahramonlari tilidan iboralarni ishlatganida, ularning ichki dunyosini, boshqalarga munosabatini ham hisobga oladi. Shuning uchun ham Dehqonqulning onasi uni koyir ekan og'ir so'zlar bilan qarg'amaydi, balki: "Onamiz ketimdan tosh otib qoladi. - Ha, oshingni yeyin sen tentakni, oshgingangni yeyin![1;28]- deydi".

Maktab direktorining nutqidagi ibora esa o'z o'quvchisini odam o'rnida ko'rmaydigan, o'ta qo'pol, bemehr bir kimsa, qahri qattiq odamligidan darak beradi:

"Jasadingni qara! Jasadingdan eshak hurkadi! O'l-e, shu kuningga-e!"[3;54]. Aslida xalq "haybatidan ot hurkadi" deydigan iborani uning tilidan "Jasadingdan eshak hurkadi" deb ishlatadi. Tog'ay Murod asarlari iboralarini o'rganish xalq orasida keng qo'llanilayotgan, ammo hali badiiy adabiyotga, adabiy tilga kirib kelmagan iboralarni aniqlash, ular asosida badiiy asar tili iboralari lug'atini yaratish imkonini beradi. Tog'ay Murodning asarlarida milliy ruh, qadimiy an'ana va marosimlar, unutilish arafasida turgan qadriyatlarni yoritish alohida o'rin tutadi. Milliy qadriyatlarimiz kitobxon qalbiga birinchi navbatda tilimiz orqali jo bo'ladi. Romanda Surxon vohasining so'lim qir-adirlari, tanti va mehnatsevar odamlari hayoti, tog'-u toshlarining betakror manzaralari tasvirlanadi. Tabiat manzaralarini qahramonlar xarakter-holati, kechinmalari bilan uzviy bog'liq holda tasvirlash - adib asarlariga xos yetakchi xususiyatdir. Asarda tabiat o'zgarishlari qahramonlar kayfiyatiga qarab o'zgacha uslubda ifodalangan. Masalan: "Tulki qiziga to'y berdi. Kun qiyalab-qiyalab nur to'kdi. Kun sariq-sariq nur to'kdi. Kun betini ko'rib bo'lmadi. Kun nuriga qarab bo'lmadi. Olam iliq-ilik bo'ldi. Olam sariq-sariq bo'ldi. Havoda oppoq-oppoq bir nimalar uchdi. Havola-havola uchdi. Aylana-aylana uchdi. Burala-burala uchdi.

Osmon misoli un elaklamish-un elaklamish bo'ldi. Oppoq bulutlar orasidan kun to'kilib-to'kilib turdi"[3;105].

"Tulki qiziga to'y berdi" [3;45-46]. Ushbu jumlaning adib o'zi o'ylab topmagan. Bu ota-bobolarimizdan qolgan ibora. Bunday holat osmonda yirik-yirik qor parchalari o'ynoqlab ko'rinish berganda, quyosh zangori tus olsa ham, o'z tarovatini yo'qotmay turgan payt bo'ladi. Shu manzaraga qarab dehqonlar "Tulki qiziga to'y berdi" deyishadi. "Otamdan qolgan dalalar" romani tilining o'ziga xosligi yana shundan iboratki, ko'p hollarda asarning ta'sir kuchini oshirish niyatida adib so'zlarni takror-takror qo'llaydi. Masalan: "Yormazorda muhtasham masjid-madrasa bo'ladi.

Oqposhsho mo‘min-mazlumni ana shu Yormazor masjid-madrasa qoshida to‘dalaydi. Mo‘min-mazlum mung‘ayib-mung‘ayib turadi. Mo‘min-mazlum birov-birovini ko‘ksiga yig‘laydi. Mo‘min-mazlum uzun kun ana shunday turadi” [1;15]. Ushbu misolda yettita gap, o‘ttiz uchta so‘z bo‘lib, ularda “mo‘min-mazlum” sifati olti marta takrorlanib kelgan, ya’ni har bitta gapda shu sifat qayta-qayta qo‘llanilgan. “Yormazor”, “bir-birovi”, “yig‘laydi” kabi so‘zlar ikki martadan qo‘llanilgan.

Tog‘ay Murod romanlari adibning, qolaversa, milliy adabiyotimizning shunchaki navbatdagi namunalari emas. XX asr, aniqrog‘i, salkam bir asr davom etgan istibdod nihoyasida maydonga kelgan “Otamdan qolgan dalalar” bilan “Bu dunyoda o‘lib bo‘lmaydi” romanlari o‘sha asr intihosida o‘lkada yuz bergan milliy uyg‘onish natijasida boshlangan millatning bir necha avlod asl o‘g‘lonlari - yorqin iste’dodlar qalbini olov bo‘lib o‘rtagan nido bo‘lib yangraydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. “MEN QAYTIB KELAMAN” Tog‘ay Murod zamondoshlari xotirasida. To‘plovchi: Ma’suma Ahmedova. –T.: 2008.
2. T.Murod Otamdan qolgan dalalar. –T.: 1994.
3. O‘rozov A. T.Murodning “Otamdan qolgan dalalar” asarining til xususiyatlari haqida // Til va adabiyot ta’limi. 2009. 5-son, 45-47-b.

ПРАГМАТИК АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ: АДАБИЙ ВОСИТА ТАЪСИРИДАГИ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАР ТАДҚИҚИ МАСАЛАСИГА ДОИР

*Эшқобилов Абдували Казакович,
СамГИИЯ ўқитувчиси, ф.ф.ф.д. (PhD)*

Рус олимларининг фикрларига кўра, адабий матн ва унинг адресанти ўртасидаги муносабатларни ўрганиш сўнгги йилларда энг кўп “топталган ёлғизоёқ сўқмоққа айланди” [3]. Аммо халқаро миқёсдаги тадқиқотлар етарли даражадалиги ва ҳатто кўплигига қарамасдан, Ўзбекистонда адабиётшунослик прагматикаси алоҳида фан сифатида ўрганилмасдан эътироф этилмай келинаётир. Зеро, соҳага оид тадқиқотлар етарли эмас, бармоқ билан санарлидир. Бундан ташқари, прагматик адабиётшунослик соҳасининг шаклланиш тарихи, ўрганиш предмети ва соҳалари ҳам ҳали ҳамон батафсил ва яхлит тарзда баён этилмаган. Ҳолбуки, ҳозирда бадий мулоқот ёки коммуникация прагматикаси улкан ҳажмдаги ва фанлараро рефлексиядан иборат. Шу сабабли халқаро миқёсда ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижасида жамланган мавжуд маълумотлар асосида, прагматик адабиётшунослик фанининг таркибий қисмларини қуйидаги соҳалар ташкил этиши эътироф қилинади [4]: 1) мутолаа феноменологияси; 2) адабий восита таъсиридаги хатти-ҳаракатларни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар; 3) бадий рецепцияларнинг тадрижий тарихи; 4) ҳикоячиликнинг прагматик назарияси.

Биз прагматик адабиётшуносликнинг назарий асосларига бағишланган ишларимизда мутолаа феноменологияси ҳодисасининг назарий жиҳатларига тўхталганмиз.

Ушбу мақоламиз прагматик адабиёт соҳасининг таркибий қисмларидан яна бири бўлган адабий восита таъсиридаги хатти-ҳаракатлар назарияси таҳлилига бағишланади. Бу масалани ёритишда мутолаа муаммосига маънони англаш жараёни нуқтаи назаридан эмас, яъни муаллиф ёзувининг ёки ўқиладиган нарсанинг маънисини тушуниш ҳодисаси сифатида эмас, балки ўқувчи-китобхоннинг мутолаа ҳодисаси ҳосиласи ёки натижасидан фойдаланиши нуқтаи назаридан ёндашилади. Бу муаммо жаҳон адабиётшунослиги, умуман маданиятшунослигида бир қатор семиотик, психологик, феноменологик ва ижтимоий йўналишдаги тадқиқотларнинг диққат марказида туриб келган. Бу тадқиқотларнинг бевосита предмети бўлиб, немис адабиётшуноси Герман Мейернинг таърифи билан айтганимизда “иктибосларга йўналтирилган ҳаёт” («das zitathafte Leben») хизмат қилади, яъни бадиий адабиётда тасвирланган реал хатти-ҳаракатлардан ўзлаштирилган моделлар ва тактика, айтилган илмий ўрганишларнинг диққат марказида туради. Тадқиқотларга хос бундай ёндашув немис рецептив эстетикаси доирасида олдинроқ маълум эди: Изер китобхонни актёр деб атаса, Яусс мутолаа давомида ўзлаштирилган тажриба ўқувчини “қундалик ҳаётидаги иримлар ва мажбурий хатти-ҳаракатлардан” озод қилиши тўғрисида ёзиб, у (мутолаа-А.Э) “армон бўлиб қолган имкониятдан дарак беради, янги орзу-истаклар, даъволар, мақсадлар шарофати билан ижтимоий фаолиятнинг ўйин маконини кенгайтиради ва бу билан истиқболдаги тажриба учун йўл очади” [3, 80] дея таъкидлайди.

Афсуски, миллий ўзбек адабиётшунослигида бадиий адабиётнинг таълим-тарбияга таъсири педагогикага доир тадқиқотларнинг тор мавзусига айлантирилиб, мафкуралаштирилган ғоявий қарашлар таъсирида бўлиши баробарида, бир неча ўн йилликлар мобайнида изчил комплятив қайтариқлар, ғализ такрорлар баёнидан нари ўтолмади. Ҳолбуки, олимларимиз, аллақачонлар илғор Ғарб ва рус адабиётшунослиги вакиллари томонидан илгари сурилган назарий қарашлардан бохабар эдилар. Бироқ, мавзуга юзаки ва перманент тарзда давр талаби нуқтаи назаридан ёндашиш, замонасозлик оқибатидаги эътиборсизлик, илмий концепциялардан кўр-кўрона юз буриш, етакчи ғояларни эътироф этмаслик, илмий-ижодий ўзлаштирмаслик, ўрганмаслик ва ёхуд оддий илмий нигилизм оқибатида, нафақат адабий эстетика, балки умуман ижтимоий гуманитар соҳанинг бир қатор аспектида палапартишликлар, илмий ноизчиллик кузатилди. Фикримиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун, мавзудан қисман чекинсақ-да, адабиётшуносликка доир бир мисол келтириб ўтамыз: АҚШ назарийчилари ўтган асрларнинг ўрталаридан адабий компаративистика соҳасига тубдан янгича принципларни жорий этишга интилишган ва интилишмоқда. Бу принципларнинг моҳияти ўша пайтда Рене Уеллек томонидан “Адабиёт назарияси” (1949) китобида баён қилинган эди. Р.Уеллек ҳаммуаллифи Остин Уоррен билан биргаликда ҳамкасбларини бадиий

адабиётни бир бутун ҳолича, ҳудди инсониятнинг ялпи мавжудлиги каби, транснационал-миллатлараро уйғунликда, умумяхлитлик позициясидан ўрганишга чақиришган. Методологик жиҳатдан бу назариянинг моҳияти турли миллий минтақалардаги муайян тарихий-адабий жараёнларни ўрганишни рад этиш ва асосий эътиборни бевосита алоқаларсиз ўхшашликни ва типологик аналогияларни, уларнинг объектив сабабларини аниқламасдан, ўрганишдан иборат.

Кейинчалик 50 - 60- йилларда Уэллек АҚШда ва бошқа мамлакатларда ўтказилган компаративистларнинг конгресларида “позивитивизмга қарши исён” чақириғи билан чиқишлар қилади. Бундан унинг асосий мақсади тарихийликка ва “ташқи танқидга” мойил бўлган француз мактаби принципларини рад этувчи олимларни бирлаштириш эди. Ўзининг оппонентларига Уэллек 1965 йилда Америка компаративистлари Ассоциацияси йиғилишида қилган маърузасида жавоб беради. (“Қиёсий адабиётшуносликнинг бугуни” номли маърузаси “Компаративная литература” журналида чоп этилган).

Олимнинг фикрига кўра, у ўзини “янги танқидчилик” ёки антиисторизм-тарихийликни рад этувчилар тарафдори ҳисобламайди, балки санъат бутун инсониятга хизмат қилишини ҳоҳлайди. Унинг асосий мақсади адабиётшуносларни “адабиётни туб вазифасини англаш , тушунтириш ва сақлашга” қайтаришдан иборат. Шу сабабли ҳам у адабиёт ва адабиётшуносликнинг таназулга бошловчи концепцияларнинг тарқатилишига қарши чиқади. Бироқ бу декларациялардан фарқли ўлароқ, Уэллек танлаган стратегия - жаҳон бадиий меросининг қиёсий таҳлилини унификациялаш, бадиий ижод ва адабиёт ҳақидаги фаннинг гуманизмдан йироқлаштирувчи структуралистик концепцияларни ва методларини изланишига олиб келди.

Бундай ҳолатда компаративистика мактаблари ўта мавҳум, метаназарий тўғарақларга айланиб, “танқидни танқид” соҳасига айланиб қолади ва бу ерда яратилган схоластик концепциялар адабиётшуносликни нафақат жадвал ўзгараётган даврдан, балки адабиётнинг ўзидан ҳам узоқлаштиради. Афсуски, биз юқорида таъкидлаганимиздек, Рене Уэллек ва унинг ҳаммуаллифи Остин Уоррен номлари ва асосий асари сўнгги йилларда ўзбек адабиётшунослигига доир аксарият илмий тадқиқотларда, монографияларда механик тарзда тилга олиниб таъкидланиб ўтилсада, аксарият ҳолларда, олимнинг юқорида биз кўрсатиб ўтган қиёсий адабиётшунослик борасидаги фикрлари моҳияти инобатга олинмайди ёки етарлича баҳоланмайди ёки умуман ўрганилмасдан эътибордан четда қолдирилади.

Мавзуимизга қайтсак, рус адабиётшунослигида адабий таъсир марказда турадиган хатти-ҳаракатни ўрганишга алоҳида эътибор берилиши, семиотикага хос ёндашувлар доирасида кузатилади, бунга мисол тариқасида, аввало, Ю.М.Лотманнинг илмий ижодини кўрсатмоқ лозим. Олим ўз асарларида, маданий кодлашган хатти-ҳаракат феноменини “адабий ҳаракат” деб номлайди. Бундай ҳодисанинг XVIII асрнинг биринчи ярмидан

XIX аср ўрталари (40-60 йилларигача) ва XX аср бошигача кенг тарқалганлигини таҳлил қилар экан, Лотман бу даврлар учун онгли тарзда муайян сюжет қонуниятларига мувофиқ равишда “хатти-ҳаракатга бирон бир матн сифатида қараш” хос бўлганлигини таъкидлайди [7, 262]. Шахсий биографиясига нисбатан бўлган бундай эстетик муносабат бевосита бадиий адабиётни “хаётий хулқ-атвор, ҳаракатнинг моделлари ва дастурлари соҳаси сифатида” [7, 279] идрок этилишининг шартига айланиб, воқеабанд сюжетларни хаёт қуришнинг намунаси қилиб қўйди.

XX аср охирида инсоний хатти-ҳаракатлар борасида семиотик ёндашувнинг моҳиятига урғу берилиши Америка адабиётшунослигининг янги тарихийлик-историзм йўналишида кузатилади. Бу йўналишга хос машҳур концепциялардан бири хаётнинг текстуаллиги концепциясидир. Ушбу концепциянинг моҳияти адабиёт ва реаллик ўртасидаги турли-туман шакллардаги ўзаро муносабатлар доир бўлиб, жумладан, бадиий матннинг реал хаётга айланиш шакллари ҳам тегишли. Сўнгги фикр борасида гап кетганида ўқувчининг кўпинча амалиётда ўқиган матнга хос бўлган фикрларни амалга ошириши, уларга амал қилиши ва бунинг натижасида ўз хатти-ҳаракати ҳамда ўз борлигини ўзгартириши назарда тутилади. Бу концепцияга кўра, индивидуал турмуш адабий нарративни рўёбга чиқарилиши қабилда талқин этилади. Янги тарих концепциясининг асосчиларидан бири С.Гринблат бу аспектни “шахснинг ўз-ўзини шакллантиришини” фавқулодда ҳодисаси сифатида Ренессанс маданияти материаллари асосида ўрганади. Бу даврда “шахс шаклланиши - бу бошқариладиган, сунъий жараён эканлигини англаш кучайган”, “инсон хаёти сунъий шакллантирилган тажрибага тўла” [8; 34; 38]. Бу олимнинг фикрига кўра, айнан адабиёт инсон ўз шахсий хаётини талқин этишда ва тажрибасини шакллантиришда фойдаланадиган моделлар жамланмасини тақдим этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:


1. Венедиктова Т.Д. Актуальная метафорика чтения: (попытка описания) // Новое лит. обозрение. 2007. № 5. С. 468-478. Ўзбек тилида нашр қилинмаган манбалардан олинган барча иқтибослар ўзимиз томонимиздан таржима қилинган – А.Э.
2. Ингарден Р. Схематичность художественного произведения / пер. с пол. // Ингарден Р. Очерки по философии литературы. Благовещенск, 1999. С. 40-71.
3. Яусс Х.-Р. История литературы как провокация литературоведения / пер. с нем. // Новое лит. обозрение. 1995. № 2. С. 34-84.
4. Изер В. Процесс чтения: феноменологический подход // Современная литературная теория: антология / сост., пер. и примеч. И.В. Кабановой. М., 2004. С. 201-224.
5. Iser W. Der Leservorgang // Rezeptionsästhetik: Theorie und Praxis. München, 1993. S. 253- 276.

6. Рикер П. Герменевтика и метод социальных наук // Рикер П. Герменевтика. Этика. Политика. Московские лекции и интервью / пер. с фр.

**ТЕРМИН ВА ТИЛДАГИ БОШҚА ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР
ТАЛҚИНИ МАСАЛАСИ**

*Суюнов Баходир Турдиевич,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
2-курс докторанти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Ўзбек тилининг лексик қатламида терминлар билан бир қаторда бошқа лексик бирликлар - сўзлар, атамалар ва реалиялар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси тил бирликлари сифатида сўзга келиб, қуйидагича шаклда боғланади:



Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳамда илмий-техник ўзгаришлар даврида жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ ҳолда, янги-янги сўз ва тушунчалар

юзага келмоқда. Булар эса, ўз навбатида тилимизда янги терминларни ҳам юзага келтиради. Илгаридан ишлатилиб келинаётган қатор лексемалар янги маъно касб этмоқда.

Ўзбек тилидаги сўз, атама, реалия, истилоҳ ва термин тушунчаларини уларнинг маъно ҳамда вазифаларига кўра ўзаро фарқлаш лозим. Аммо сўз, атама ва терминлар аралаш ҳолда, яъни бирининг ўрнига иккинчиси ишлатилаверади. Натижада, табиий равишда, тилимизда ғализлик ва муаммолар келиб чиқади. Ҳатто, “термин”, “терминология” кабилар “атама”, “атамашунослик” лексемалари билан алмаштириб қўлланиладиган бўлди, “атама”, “атамашунослик” каби тушунчаларнинг соф миллий характерга эга эканлиги эътиборга олинмайди. Чунки, “атама” дейилганда, ономастика (топонимия, антропонимия, ойконимия)га алоқадор лексик бирликлар ҳам тушунилади.

Терминларнинг умумистеъмордаги сўзлардан фарқли жиҳати шундаки, уларнинг қўлланилиш доираси чегараланган бўлади. Тилда терминлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, аксинча заруратга қараб юзага келади ёки яратилади. Шунингдек, оддий сўздан фарқли равишда, терминнинг маъноси контекстга боғлиқ бўлмайди.

Кейинги йилларда қатор муаллифлар томонидан терминга берилган таърифларда унинг муайян фан соҳасига оид тушунчаларнинг ифодаси бўлган сўз ва сўз бирикмаси эканлиги таъкидланган [3;90]; [10;104].

Маълумки, муайян касб-ҳунар ёки мутахассисликка эга бўлган кишилар, кўпинча, у ёки бу соҳанинг ўзига хос специфик терминлари билан иш кўради. Масалан, иқтисодчиларнинг ёзма ёки оғзаки нутқида *маркетинг, картель, клиринг, товар обороти, рента* каби тор доирадагина қўлланиладиган терминларнинг ишлатилиши, табиий ҳолдир. Бу хилдаги терминлар иқтисодиётдан узоқроқ бирор касб эгасининг нутқида ишлатилмайди. Шу билан биргаликда, иқтисодиёт соҳасининг бир қатор атамалари ҳам борки, улар мазкур тил эгаларининг деярли барча нутқида баб-баравар ишлатилаверади. Масалан, *бозор, мол, савдо, савдо-сотуқ, пул, харидор, бозорчи, олиб сотар, чайқовчи* кабилар шулар жумласидандир.

“Фан илмийликни, аниқликни, мантиқийликни талаб қилар экан, бу талаблар, биринчи навбатда, бевосита термин билан боғланади. Чунки термин илмийлиги, аниқлиги билан муайян фанга оидлиги, кўп маънолилиқ хусусиятига эга эмаслиги (моносемантиклиги), қўлланилиш доираси чегараланганлиги, ижобий ёки салбий бўёққа (эмоционал-экспрессивлик, коннотацияга) эга эмаслиги кабилар билан бошқа гуруҳ сўзларидан, тематик майдонлардан фарқ қилади ва ажралиб туради. Терминлар шу нуқтаи назардан, муस्ताқил ҳисобланади” [7; 21-23].

Шу ўринда айрим терминлар ва уларнинг муқобили (эквивленти) сифатида берилаётган сўзлар ҳақида ҳам муносабат билдирамиз.

Хусусан, *система* термини салмоқчилиги, илмий жиҳатдан чуқур мазмунга эгаллиги, дунё миқёсида қўлланилиши, айниқса фанда фаоллиги, илмий нутққа ҳам, илмий-оммабоп нутққа ҳам хослиги билан ажралиб туради. У

терминология соҳасининг, терминологик лексиканинг энг етакчи, энг муҳим ва энг фаол терминларидан бири ҳисобланади ва илмий тушунчани ташийди. Шунга кўра, у аниқликка эга. Ушбу терминнинг мантиқий “юки”ни кўтариш, ташиш учун мажбуран қўлланаётган *тизим* сўзининг *система* ўрнида қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Биринчидан, *тизим* сўзида, унинг моҳиятида илмийлик белгиси, тушунчаси йўқ. Иккинчидан, бу сўз термин эмас ва термин бўла олмайди. Учинчидан, айна сўз мазмунан ноаниқ ва мавҳум. Тўртинчидан, *тизим* сўзи умумистеъмолда, кундалик нутқда кам ишлатилувчи, асосан сўзлашув нутқга оид бўлган сўздир. *Тизим* сўзи луғатларда “Ип, сим ва шу кабиларга терилган нарса, шода. Бир тизим марварид. Бир тизим маржон. Бир тизим помидор қоқи. Бир тизим қалампир” [4;301] маъноларида изоҳланган.

Масалан, Қуёш системаси, Ер системаси, фалсафий система, педагогик система, тарбия системаси ва ҳоказо. Система “Барқарор (қатъий) муносабатлар билан ўзаро боғланган тил элементлари (бирикмалари)нинг ички уюшган мажмуи” [9;77]. Масалан, лексик система, сўз ясалиш системаси, сўз туркумлари системаси, келишиқлар системаси, грамматик система ва бошқалар.

Маълум бўладики, *система* терминига хос қисм ва бутун муносабати, улар орасидаги узвийлик, диалектик боғлиқлик, илмий услубга хослик, аниқлик, кенг маънодаги фанга оидлик *тизим* сўзида йўқ.

Тизим сўзининг ўзига хос қўлланиш доираси бўлиб, у сўзлашув нутқида оидлиги, тилимизнинг луғат таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллаганлиги, миллийлиги, ўз ўрнида турли шаклларда – ясалишларда ижтимоий вазифа бажариши билан алоҳида ўрин тутади.

Юқоридагиларга кўра, *тизим* сўзининг система термини ўрнида қўлланилиши сунъий, мажбурий бўлиб, бу юзаки ва шаклан ўзбекчалаштириш бўлиб, моҳиятан ва мазмунан талабга жавоб бермайди. Айна жараён амалиётда ўзини оқламайди, аксинча ноаниқликни, ғализликни келтириб чиқаради.

Қиёсланг: *тил тизими, унлилар тизими, замонавий педагогик технологиялар тизими, Қуёш тизими, Ер тизими, даволаш тизими, ўқув тизими* ва бошқалар.

Шундай фикрни *объектив, структура, диагноз, реализация, программа, технология, криминал, цитата, экспресс, стадион, ассоциация, актив, цивилизация, база, мониторинг* каби терминлар ва уларнинг муқобили сифатида берилаётган сўзларга нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Хусусан, сўз тилнинг кичик семантик бирликларидан бири бўлиб, у тилдаги бошқа лексик бирликларни ҳам ўз ичига олади, яъни термин ҳам, атама ҳам, реалия ҳам аслида сўздир. Шу сабабли тилимизда кўпинча уларни ўзаро алмаштириб қўллаш юз беради. Аммо, юқорида таъкидланганидек, термин, сўз ва атама тушунчаларининг ҳар бири ўзига хос ва алоҳида хусусиятга эга.

Қуйида ана шундай ўзаро фарқловчи хусусиятларни санаб ўтамиз:

Сўз, *атама* – кенг ва умумий; *термин* – тор ва хусусий; сўз, *атама* – нисбатан мавҳум ва абстракт; *термин* – аниқ ва конкрет; сўз, *атама* – илмийлик тушунчаси (семаси)га эга эмас; *термин* – илмийлик тушунчаси

(семаси)га эга; *атама* – фаол эмас; *термин* – фаол ва ҳаракатчан; *сўз* – эмоционаллик ва экспрессивликка эга; *термин* – эмоционаллик ва экспрессивликка эга эмас; *сўз* – жамиятга, турли соҳа вакилларига хос; *термин* – фанга ва фан вакилларига хос; *сўз* – ўзаро алоқа қуроли; *термин* – фан қуроли; *сўз* – келиб чиқишига кўра бирламчи; *термин* – келиб чиқишига кўра иккиламчи. У жамият тараққиётининг муайян даврида муайян фан тараққиёти билан юзага келади.

Сўз – лексикада ўрганилади ва лексикологиянинг текшириш объекти ҳисобланади. *Термин* – терминологик лексикага оид *сўз* сифатида терминологияда ўрганилади ва бошқалар.

“*Сўз* – кўчма маънода ишлатилади; *термин* ва *атама* - кўчма маънода ишлатилмайди. Баъзан *бўри*, *тулки қуён* каби ёввойи ҳайвонларнинг номлари ҳам *сўз*, ҳам *атама* бўлгани ҳолда, уларнинг кўчма маънода келиши *атама* ҳисобланмайди. Демак, ҳар қандай *атама сўз*, лекин ҳар қандай *сўз атама* эмас. Масалан, *атама – термин – истилоҳ сўзларидан* биргина *атама сўзи атама* ҳисобланади. Шунингдек, *талаба – студент – толиб сўзларидан* фақатгина *талаба сўзи атамадир*. Худди шундай *шалкдош сўзлар* – омонимлар, *маънодош сўзлар* – синонимлар, *зид маъноли сўзлар* – антонимлар *сўзларининг* биринчилари *атамалар* ҳисобланади. Иккинчилари тилдаги терминлардир” [6;41].

Дунё тилларида бўлганидек, ўзбек тилида ҳам терминларни турли *атамалар* ва *реалиялар* билан аралаш ҳолда, яъни бирининг ўрнида иккинчисини қўллаш кузатилади. Баъзи манбаларда терминларни *реалия* деб талқин қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Шу боис, *атамалар* билан *реалияларнинг* ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиб беришга қаратилган илмий изланишлар ҳам мавжуд.

“*Термин* – миллий, тарихий, маҳаллий бўёқларга эга эмас ва одатда номинатив вазифани бажаради. Реалиялар эса ўзида маҳаллий, миллий колоритни акс эттириб, бадий ифода воситаси сифатида ҳам фойдаланиладиган, маълум бир халқ тилига хос *сўздир*. Терминдан эса муайян бир миллатга мансубликни талаб қилиш мумкин эмас. У ифодалаган предмет ёки тушунча турли алоқалар воситасида бошқа тилларга осонгина ўтиши мумкин” [1;97].

Атамаларнинг *реалиялардан* фарқ қилувчи жиҳатлари болгар олимлари С.Влахов, С.Флоринларнинг илмий тадқиқотларида қуйидагича изоҳланган:


“Шундай *реалиялар* мавжудки, уларни бир пайтнинг ўзида ҳам *реалия*, ҳам *термин*, деб аташ мумкин, ҳатто “*термин-реалия*” деган *атама* ҳам бор. Бироқ, улар ўртасида маълум маънода фарқлар ҳам бор. Масалан, *реалия* ҳам эквивалентсиз лексика ҳисобланса-да, *термин* каби таржима тилида ҳар қандай контекст ичида изоҳланавермайди. Масалан, *уикенд*, *грин-холл* терминлари ўзлашган *сўзлар* сифатида “дам олиш”, “ҳордиқ”, “томошахона”, “ўйинхона” *сўзлари* билан изоҳланиши мумкин” [2;31].

Хулоса. Юқорида зикр этилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таҳлиллар асосида қуйидагича хулосаларга келинди:

Биринчидан, тилдаги термин, сўз, атама, истилоҳ ва реалия тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш олиш тилшуносликда муҳим илмий аҳамият касб этади. Хусусан, сўз тилнинг кичик семантик бирликларидан ҳисобланади ва у термин, атама, истилоҳ, реалия каби тил бирликларини ҳам ўз ичига олади, яъни термин ҳам, атама ҳам, реалия ҳам аслида сўз ёки сўз бирикмасидир.

Тилдаги сўз, атама ва реалиялар асосан умуммиллий хусусиятга эга, терминлар эса асосан халқаро аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, бу тушунчаларни ўзаро фарқлашда уларнинг қўлланилиш доираси ҳамда фаол ишлатилишидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, тилдаги сўзлар, шунингдек лексик бирликлар захираси инсоният ҳаёти, давр талаблари билан биргаликда ривожланади ва такомиллашиб боради. Натижада, тилнинг луғат сатҳида мавжуд бўлган айрим сўз ёки тушунчалар ўзаро муомалада фаоллашади, бошқалари эса, аксинча сусаяди ва барҳам топади ёки тарихий эскирган сўзга айланиб қолади ва муомалада ишлатилмайди. Ушбу жараёнларни куйидагича тасвирлаш мумкин:



Бир сўз, дастлаб, бирор халқнинг тилида пайдо бўлиб, сўнгра фаоллашиб, халқаро терминга айланиши ҳам мумкин. Бунга ўзбек тилидаги спорт соҳасига оид бўлган “кураш”, “чаппа”, “ёнбош”, “чала”, “ҳалол” каби сўзлар ҳаётий мисол бўла олади. Ушбу сўзлар, аввало, ўзбек халқининг тилида пайдо бўлиб, бугунги кунда халқаро спорт термини сифатида дунё бўйлаб ишлатилмоқда. Демак, тилда умумисеъмолдаги сўзлар, термин, атама ва реалияларнинг, айни пайтда, бирининг иккинчисига ўтиши, тараққий этиши рўй бериб туради.

Учинчидан, ҳар бир фан ёки соҳанинг ривожланиш даражаси мазкур соҳа терминологиясининг қай даражада тараққий этганлиги ёки тартибга солинганлиги билан белгиланади. Бирор соҳада фойдаланиладиган терминнинг

маъноси ва ифода шакли аниқ бўлмас экан, шу соҳада турли ноаниқликлар ва муаммолар келиб чиқаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бахронова Д. Хорижий сўз ва терминлардан фойдаланишда меъёр ва миллий-ассоциатив фикрлаш муаммолари. –Т.: 2011.
2. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. - Москва, 1986.
3. Даниленко В.П. Русская терминология. –М., 1977
4. Кондаков Н.И. Логический словарь. –М., 1971.
5. Маҳкамов.Н. Терминологик тамойиллар ва халқаро терминэлементлар. // Хорижий сўз ва терминлардан фойдаланишда меъёр ва миллий-ассоциатив фикрлаш муаммолари. Тошкент, 2011.
6. Ражабов Н. Она тили. – Т.: Фан, 1999.
7. Расулов Р. Термин хусусиятлари // СамДУ Ахборотномаси. 2005. 2-сон.
8. Эшмўминов. А. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси. Филол. ф. бўйича ф.д.(PhD) дисс. автореф. –Қарши, 2019.
9. Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. –Т.: 1996.
10. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: 2002.

АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ПУБЛИЦИСТИКАНИНГ ТАРИХАН МУШТАРАКЛИГИ МАСАЛАСИ

*Қосимов Шохрух Бегалиевич,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети катта ўқитувчиси*

Бадиий адабиёт башарият қонун-қоидалари, инсон руҳий кечинмалари, тафаккур жараёнларини ифода этиши билан бошқа соҳалардан ажралиб туради. Шу билан бир қаторда одамлар руҳияти ва дунёқарашида содир бўлаётган ўзгаришлар ҳам давр адабиётининг табиатини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, шоир ва ёзувчилар онгида пайдо бўлган янгиликлар жамият ривожига ҳам таъсир қилиши табиий ҳолдир. Масалан, Европа классик адабий мактаблари, тилшунослик мактаблари кабилар адабиётшунослик, тилшунослик ва давр ижтимоий ҳаётида ижобий из қолдирди. Шунингдек, жадид зиёлиларимиз олиб борган ҳаракатлар ҳам адабий, маданий, ижтимоий, сиёсий жараёнда миллий уйғониш деган жараёнга замин ҳозирлади. Уларнинг нафақат бадиий адабиёт ва адабиётшунослик, балки публицистикага олиб кирган янгиликлари ҳам беқиёс аҳамият касб этади.

Европа ҳамжамияти ва бадиий ҳаётида модернизм шаклланаётган бир даврда миллий адибларимиз ҳам барча жабҳаларда янгиликлар қилдилар. XIX аср охири XX аср бошларида етишиб чиққан зиёлилар ўзларидан олдинги қотиб қолган қарашларни, эскилик, жаҳолат ва қолоқликни инкор қилдилар. Жамият тараққиёти, инсон озодлиги ва маърифати учун турли усул ва шаклларни, янги

йўналишларни қидирдилар ва ҳаётга дадил олиб кирдилар. Улар мураккаб тарихий шароитда миллий тикланиш ва юксалиш учун ижоднинг барча жабҳаларида фаолият олиб бордилар. Ҳаракат кўпгина зиёлиларнинг ижодий салоҳияти, бадиий маҳорати ва ижтимоий фаоллигини намоён этишда минбар вазифасини ўтади.

Шунингдек, миллий журналистика ва публицистикага ҳам айнан шу даврларда тамал тоши қўйилди. Маълумки, жадидларнинг миллий уйғониш концепцияси мавжуд воқеликни ижобий томонга ўзгартириш, маҳаллий кадрларни замонавий билимлар билан шакллантириш, адабий жараёни янгилаш, янги тур ва жанрларнинг ўзбек адабиётига олиб кириш кабиларни ҳам ўз ичига олади. Бу каби ёндашув учун фақатгина адабиёт майдони тор эди, шунинг учун ҳам замонавий публицистика имкониятларидан кенг фойдаланилди. Турли миллий нашрларнинг йўлга қўйилиши, уларда адабиёт масалаларининг ёритилиши билан бир қаторда, маърифатга чорлов руҳи тез фурсатда ижтимоий самарасини берди ва матбуотда эълон қилинган мақолалар ҳам жамоатчилик фикрини тез фурсатда уйғотишга, халқни жадидчилик маслага билан яқинроқ танишишга, қайсидир маънода ҳаракат иштирокчисига айланишига туртки бўлди. Масалан, Ойбек болалик хотираларини эслаганда, Тавалло, Мунаввар қориларнинг ижоди билан бир қаторда маъруза ва мақолаларини ҳам ўша давр ёшлари онгига таъсирини илиқ сўзлар билан ифодалайди. Демак, адабиёт ва публицистика миллий журналистикамиз тарихида ҳам муштараклик касб этади. Миллий уйғониш (жадид) адабиёти XIX аср охирида юзага келган мазкур ҳаракат ғояларининг адабий-бадиий ифодаси эди. Лекин гап шундаки, у жадидчиликнинг шунчаки бир кўргазмаси (иллюстрацияси) бўлиб қолмади, чинакам адабиётга айланди. У янги адабиётни бошлаб берди. Авжи тараққийси 1915-1925 йилларга тўғри келди [1;2].

XIX аср охири XX аср бошларидаги публицистик асарларда ўша даврнинг миллий ва маданий, сиёсий, ижтимоий, маърифий масалалари қаламга олинди. Бадиий адабиётдан фарқли ўлароқ, публицистиканинг имкониятларини теран англаган жадид зиёлилари матбуотнинг кенг кўламини яхши англаган эдилар. Бу давр публицистикаси учун муҳим хусусият - жаҳолат ва мустамлакачилик зулмидан эзилаётган замондошларни уйғотиш, миллат йўлида бирлик ва ҳамфикрлик ғоясини шакллантириш, миллий ўзликни ривожлантиришга ёрдамлашиш, одамларда эртанги кунга ишонч ва масъулият билан қарашни шакллантиришдан иборат эди. Шунинг учун ҳам Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Фитрат, Чўлпон адабиётшунослик ва маърифий мавзулардаги мақолаларини газета ва журналларда нашр эттириб бордилар. Ўз даври жароҳатига малҳам излаш, жаҳолат ва илмсизликдан, алалоқибат, мустамлакачиликдан қутулиш учун шундай йўл зарур эди. Улар публицист ва журналист сифатида адабий анъаналар бағрида пайдо бўлган адабиётни, янги жанр ва мазмундаги лирик, драматик асарлар, театр заруриятини тарғиб қилдилар. Одамларнинг маънавий юксалишида, ижтимоий фаолияти ва дунёқарашининг ўсишида ҳар икки омил муҳим восита бўлиб хизмат қилди. Бу эса оммавий резонансни келтириб чиқарди, яъни жадид

адабиёти ва жадидчилик ҳаракати деган катта воқелик содир бўлди, кечинмалари ҳам ижтимоий маънога тўйина борди. Бу ҳолатни Вадуд Маҳмуд ҳам алоҳида таъкидлаб, “...бизда янги адабиёт – боришидан кўринадурки, “санъат- ҳаёт учун” деган шиорни тутгандир. Чунки манзума ва мансур асарларнинг ҳар қайсисида жамиятнинг тақомули таъкиб қилинадир ва ғояси кўрсатиладир. Шунинг учун-да у жамиятнинг хато ва саҳвларидан баҳс қиладир ва тузатишини истайдир. Демак, бу кунги адабиётимиз жамиятимизнинг ислоҳи учун хизмат қиладир”- деб ёзган эди [2;82-83].

Бу давр билан танишиш, “бир томондан XVIII аср Европа маърифатчиларининг асарлари араб ва форс тилларига таржима қилина бошлагани ва иккинчи томондан, Туркия, Россия ва Европа мамлакатлари ўқув юртларида мусулмон аҳоли вакилларининг таҳсил олиши натижасида Европа маърифатчилик ғоялари бизнинг ҳудудимизга кириб кела бошлагани ва жадидчилик ғояларининг шаклланишига муайян таъсир ўтказганини аниқлаш имконини беради” [3;10].

Бадиий адабиёт аслида муайян миллат бағрида бўлиб, умуминсоний қадриятларни куйлаш, башарият тараққиётига хизмат қилишдир. Алишер Навоий, Толстой, Гёте, Достоевский, Тагор ва бошқа кўплаб ижодкорлар инсоннинг руҳий, маънавий, ахлоқий дунёсини ўрганишга бўлган асарлари билан жаҳоний аҳамият касб этганлар. Жадидлар ўз навбатида мана шундай асарларни таржима қилиш ва китобхонларга етказишни ҳам журналистиканинг муқим шарти сифатида қабул қилдилар. Шундай қилиб, умуминсоний аҳамият касб этган сара асарлар ва уларга муносабат янги адабиётшунослик илмига ҳам асос бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 2007.
2. Саидов У. Европа маърифатчилиги ва миллий уйғониш. –Т.: Академия, 2004.
3. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Т.: Маънавият, 2002.

МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА “ҚОБУСНОМА”АСАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

*Жумаева Салима Чўяновна,
ҚарДУ доценти, ф.ф.номзоди*

Янги давр таълим-тарбия масаласига янгича ёндашув муаммосини кун тартибига қўймоқда. Давлатимиз раҳбари узлуксиз таълимни ташкил этишда унинг жаҳон талаблари даражасида бўлиши ҳамда юксак маънавият заминиди курилишига катта аҳамият бериш кераклигини таъкидлар экан, “...кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини

яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгилаш...”, “...Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтариш” [1;3,5], ҳаётга жорий этиш ва унинг механизмини ишлаб чиқиш нақадар муҳимлигига эътиборни қаратди. Бу талаблардан келиб чиқиб, ёшларимизнинг муайян ихтисосликлар бўйича чуқурлаштирилган билимларни эгаллаши, мустақил ва ижодий фикрлаш салоҳиятига эга бўлган шахс даражасига кўтарилишлари, ўз фикрларини изчил тарзда ёзма ва оғзаки баён эта олишлари, билимларини мунтазам равишда янгилаб, бойитиб, мустаҳкамлаб боришларига эришмоғимиз лозим.

Шарқ халқлари орасида қадим-қадимдан тўғри сўзлаш ва фикрни чиройли ифодалаш масалаларига катта эътибор қаратилган. Тил қоидаларига тўла амал қилган ҳолда сўзлаш ва ёзиш билан боғлиқ фан “илми балоға” деб, чиройли, ёқимли сўзлаш ва ёзишни ўргатадиган фан соҳаси эса, “илми фасоҳат” деб аталган. Албатта, бирор фикрни оддий сўзлар билан шунчаки соддагина ифода қилиш билан уни бадий бўёқлар, гўзал ташбеҳлар, ранг-баранг образлар, жозибатор вазн ва оҳангдош қофиялар воситасида ифодалаш ўртасида катта фарқ бор. Сўз санъаткорларининг асарларида талқин қилинган умумбашарий ғоялар юксак бадийликда ифодалангани учун ҳам мангуликка дахлдор бўлиб келмоқда. Шу маънода, ўқувчилар нутқини ўстириш, уларнинг бадий сўз қатидаги маъноларни илғаш салоҳиятини кучайтириш, бадий асарни ўқиш асносида ундаги руҳият қатламларини ҳис этиш ва ижодий ўзлаштиришга эришиш она тили ва адабиёт таълимидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Зеро, бадий адабиётда битмас-туганмас маърифий, ахлоқий-маънавий, бадий-эстетик имкониятлар мавжуд бўлиб, улар ўқувчи шахсининг шаклланиши, такомили ва камолга етишувида жуда катта таъсир кўрсата олади. Умумий ўрта таълим босқичларида буюк алломалар ижодини ўрганиш ўқувчиларни мустақил ва эркин фикр юритишга, уларнинг дарс машғулотидаги фаолликларини оширишга эришишни таъминлайди. Таҳлилимиздаги дурдона асар - Кайковуснинг “Қобуснома” китоби нафақат аҳли дин орасида, балки, дунёвий илм соҳиблари, кенг миқёсдаги аҳли жамоа орасида ҳам улкан аҳамиятга эга. Кайковус ўз даврида муҳим илмий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бир қанча асарлар ёзган. Машҳур ахлоқ тарғиботчиси мазкур асарни ўз ҳаётий кузатишлари асосида 1082-1083 милодий, 475 ҳижрий йилида, яъни 62 ёшида яратган.

“Қобуснома”- жаҳон адабиётининг энг гўзал намуналаридан бири саналади. “Қобуснома”ни Машриқ маликлари-ю, мочинлар беги, яна қанча-қанча билимли, заковатли кишилар бир-бирларига ҳадя сифатида улашишган. Бугина эмас, уни хазинасининг энг қимматбаҳо дуру жавоҳирлари сақланадиган хонасига яширишган. Уларнинг мақсади бу китобни авлодлардан авлодларга тугал етказиш, нодон кимсалар қўлига тушиб қолишидан асрашга қаратилган. Шарқ оламида “Насихатнома” сифатида машҳур бўлган “Қобуснома”нинг асосий ғояси “Қуръон” суралари, Муҳаммад (с.а.в.)нинг кўрсатмаларини ифодаловчи ҳадислар, ҳикматли ҳикоялар билан уйғунлашиб

кетган. Асар “Парвардигори оламини танимоқ зикрида”, “Пайғамбарларнинг хилқати зикрида” каби боблар билан бошланади.

Таъкидлаш жоизки, узлуксиз таълим жараёнида “Қобуснома” асарининг ўрганилиши мустақиллигимиз билан боғлиқдир. Айниқса, бошланғич синфларда адиб асарларига мурожаат қилиш мустақилликкача бўлган даврда учрамайди. Бунга мустақилликдан кейин имкониятлар эшиги очилди. Умумий ўрта таълимнинг бошланғич синфларида Кайковуснинг “Қобуснома” китобидан муайян фаслларни ўрганиш кўзда тутилган. Жумладан, учинчи синфда асарнинг “Ота-онани ҳурматлаш ҳақида”, тўртинчи синфда эса “Ота ва она ҳақини билмак зикрида”даги матнлари берилган. Бу мувоуларни ўрганиш учун Давлат таълим стандартига асосан ҳар бир мавзу учун бир соатдан вақт ажратилган.

“Миллат тарбияси ҳамма замонларда ҳам энг долзарб масала бўлиб келган. Шарқ мутафаккирлари фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериб келганлар” [2;5]. “Қобуснома”нинг бешинчи бобида муаллиф ота-она фарзанди учун ҳамма нарсага тайёр туришини таъкидлаб, айни замонда ота-онанинг кўнглини ранжитмасликка, уларни ҳурмат қилиш ва ширин сўзлари ила муносабатда бўлишга ундайди: “Эй фарзанд, билгилким, ақл юзасидан фарзанд ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким унинг асли ота ва онадур. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман деб кўнглингга келтурмағил, билғилки, улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадурлар.

Ҳар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдин холи бўлмағусидир. Ота-она фармонбардордур. Бу фармонбардорликда ҳам иш бўлғай ва ҳам фармон бўлғай. Ота-онанинг иши сени парвариш қилмоқдур ва сенга яхшилик ўргатмоқдур. Эй фарзанд, шул вақдин ота-онанингни сағал ҳам ранжитмағил.

Айтишларича, амирал мўъминин Алидан сўрадиларки, “Фарзандда ота-онанинг ҳақи қанчадур?” Ҳазрат Али деди: “Ҳақ таоло бу адабни Расулнинг ота-онаси ўлумида кўргузди. Нединким, бу ҳазрат ота-онасининг ҳаётлик айёмин топса эрди, уларни ўзидан илгари тутмоқ, уларнинг ҳақини билмоқ ва уларга фарзандлик юзидан тавозеъ кўргузмак вожиб бўлар эрди”. Бас, ота-онанинг ҳақиға дин нуқтаи назаридан риоя қилмасанг ҳам ақл юзидан мурувват юзидан риоя қил ва кўрғил: ота-она аслида сени жон ва дил била парвариш қилмишлар. Агар улар ҳақида камчиликлар қилсанг, тақсир кўргузсанг, сен ҳеч яхшиликка сазовор эмасдурсан, нединким ҳар киши аслини яхшилиғин билмаса, ўзганинг ҳам яхшилиғин билмағусидир. Ўз фарзандини сенинг ҳақингда қандай бўлишини тиласанг, сен ҳам ота-онанинг ҳақида шундай бўлғил, нединким, сен ота-онанингга нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур. Дарахтни ҳар қанча тарбият қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ бўлур. Она-онага иззат ва ҳурматни қанча кўп қилсанг, уларнинг дуоси шунча тезроқ мустажоб бўлур. Зинҳор мерос олмоқ ҳирси била ота-онанинг ўлимин тиламағилки, уларнинг ризқи билан сенинг ризқинг етишур. Ота-онанинг ўлимини тиламағил, чунки ота-она ўлмай юрсалар ҳам ризқинг

етишаверади, нединким, ризқ мақсумдур [4;279] ва азоб-уқубат билан зиёда бўлмағусидир” [3;37-38].

Кайковус фарзанди аржумандига тўғрисўзлик, мулойимлик, беҳуда сўзламаслик, кишиларга яхшилик қилиш, ёмон одамлар билан юрмасликни уқтиради. Адиб мағрурликни, такаббурликни қоралайди. Унинг фикрича, тарбиядан мақсад инсонни эзгу ишлар учун яроқли шахс қилиб етиштиришдир: “Ҳоли-аҳволи сендин яхшироқ бўлгон кишиларга қарамағил, холи-аҳволи сендан ёмонроқ бўлгон кишиларга қарағил” [3;38].

“Қобуснома”нинг олтинчи бобида муаллиф ғоят ибратли ва мулоҳазали фикрларни илгари суради: “Барча ҳунардин сўз ҳунари яхшироқдир, нединким, ҳамма маҳлуқотдин одам яхшироқ яралди... Ҳеч қачон кўп гапирма. Жуда оз сўзла. Туман сўз тугунини битта сўз билан ёзиб юбор, яъни, оз сўзларга кўпроқ маъно сиғдириш пайдан бўлгин. Чунки:

*Киши сўз туфайли бўлади малик,
Ортиқ сўз бу бошни этади эгик.*

Ортиқча айтилган сўз киши кўнглига малол. Аммо сўзламаслик ҳам мумкин эмас. Бу ҳолда соқов деган номни орттириб олиш мумкин. Шунга кўра ўртача йўриқ тутиш лозим. Йўриқни ўртача тутган одам кут- иқболга эришади. Тилнинг келтирадиган нафи жуда кўп. Уларни ғофиллик қилиб қўлдан чиқармаслик керак. Тил гоҳо мақталса, гоҳо сўкишга мойил бўлади. Шунинг учун қачон ва қанча сўзласанг ҳам билиб гапир. Гапирган гапинг кўр одамлар учун кўз бўлсин. Назар солиб қарасанг, билимсиз одам кўзи кўр кишига ўхшайди. Унинг кўзини очиш учун билимдан ҳисса бериш лозим” [3;39-40].

Инсондан қоладиган энг яхши мерос – эзгу амал ва эзгу сўз. Унга амал қилганлар, минг-минг фойда ва нафлар олади, дейди доно халқимиз. Асарнинг еттинчи “Сухандонлик била баланд мартабали бўлмоқ зикрида”деб номланувчи бобида Кайковус фарзандига мурожаат қилар экан, қуйидагиларни ёзади: “Киши сухандон ва сухангўй бўлмоғи керак. Аммо, эй фарзанд, сен сухангўй (нотик) бўлғил ва лекин дуруғгўй (ёлғончи) бўлмағил. Ростгўйликда ўзинг шуҳрат қозонғил, токим бирор вақт зарурат юзасидин ёлғон сўз десанг, қабул қилғайлар. Ҳар сўз десанг ҳам рост дегил ва лекин номақбул ростлиғни сўзлама. Демак, номақбул ростни дейишдан парҳез қил, чунки ростга ўхшаган дуруғ дуруғга ўхшаган ростдин яхшидур. Сухангўй киши шу бўлғайки, ул ҳар сўзни деса, халққа маъқул бўлғай ва халқ ҳам ҳа сўз деса, унга маъқул бўлғай. Бундай кишила оқиллар қаторига киргай, йўқ эрса, ул инсон суратида мавжуд бўлган бир ҳайвондур. Сўзни бағоят улуғ билгил, сўз осмондин келмас ва ул ҳар нарса эрмасдур. Ҳар сўзни андиша билан бошлағил, токи айтгон сўзингдин пушаймон бўлмағайсан” [3; 48].

Кайковуснинг наздида сўз илоҳий неъмат – сўзнинг мўъжизали кудрати беқиёс: “... Нединким кишининг мартабасини сўз била билурлар. Аммо сўзнинг мартабасини киши била билмаслар. Чунки ҳар кишининг аҳволи ўз сўзининг остида пинҳондур, яъни бир сўзни бир иборат била айтса бўлур, эшитгон кишининг ундан кўнгли тира бўлғай ва яна ўшал сўзни бир иборат била айтса бўлурким, эшитгон кишининг жони ундан роҳатда бўлғай” [3;52]. Муаллиф яна

бир ўринда “... дағал сўз киши бошига офат. Ҳасадли сўз кишининг қизил рангини сомонга айлантиради, деган таъкидни келтиради.

Нутқий маҳорат билим орқали ўз рўёбини кўрсатади. Билимсиз кишилар - доноларнинг душмани. Билимсиз доимо доноларга хорлик тилайди. Бу улар кўнглининг туб-тубига чўкиб ётган ҳасад аломати:

*“...Киши фарқи бордир кишидан азим,
Билимдан бу фарқ деб уқтирар сўзим.*

Сўзни бағоят улуғ билгил, ундан баҳра ол. Сўз осмондан келмас ва ул хор нарса эмасдур. Ҳар бир сўзники билсанг, жойини ўтказмай айтгил, вақтини зое қилмагил, йўқ эрса донишға ситам қилғайсан, дейди аллома:

*Яшил кўкдан инди бу бўз ерга сўз,
Сўз билан инсонда ёруғ бўлди кўз.
Киши кўнгли гўё туби йўқ денгиз,
Билим бор тубида, у инжу тенгсиз.
Билимли билимин қилмаса баён,
Билими ёришмас ўтса ҳам замон
Уқув билан олди оламни олган,
Эл-юртнинг дилига билим йўл солган” [3;53].*

Хулоса қилиб айтганда, “Қобуснома” асарининг тарбиявий аҳамияти беқиёс. Унда талқин қилинган юксак умуминсоний ғоялар мангуликка дахлдор. Зеро, унинг муаллифи ўз замонасининг илғор фикрли зиёлиси бўлганлиги сабабли илм-фан, билим ва заковатга алоҳида эътибор билан ёндашади. Ўзида ҳикмат дурдоналарини жамлаган мазкур асар мухлисининг кўлидан маҳкам тутади ва уни эзгу йўлга бошлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир! (“Ўқитувчи ва мураббийлар куни”га бағишланган тантанали маросимдаги нутқи) // Халқ сўзи, 2020 йил 1 октябрь.
2. Кайковус. Қобуснома. Нашрга тайёрловчилар С.Долимов, У Долимов.–Т.: Ўқитувчи, 2006.
3. Долимов У. Шарқ педагогикасининг қомуси.(Сўзбоши)“Қобуснома”. –Т.: Ўқитувчи, 2006.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1994.

ВТОРИЧНЫЕ ТЕКСТЫ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ

З. Х. Ибадильдина

*к. филол. н., доцент кафедры теоретического и прикладного
языковедения КазУМОиМЯ им. Абылай хана, Алматы, Казахстан*

Сегодня мировое образовательное пространство в целом нацелено на подготовку специалистов, способных ориентироваться в больших информационных потоках и быть готовыми к восприятию, освоению и продуцированию информации, к использованию ее в профессиональных целях. Особо актуальной становится проблема формирования культуры научной речи специалиста новой формации.

Жанровая компетенция, т.е. владение научными жанрами, является основополагающей для решения коммуникативных задач в любой профессиональной сфере [1]. Владение научными жанрами предполагает и умение создавать вторичные тексты.

С 60-х гг. XX века в теории научной информации встречается термин «вторичный текст», который использовался для обозначения документа, созданного в результате аналитико-синтетической обработки первичного текста. В теории информации к подобным вторичным текстам относили аннотации и рефераты. В лингвистической науке термин «вторичный текст» стал использоваться значительно позднее, в связи с развитием лингвистики текста, которая была ориентирована на решение проблемы типологии текстов. Термин был предложен М.В. Вербицкой в 1983 году. М.В. Вербицкая, определяя вторичные тексты как особые «художественно-речевые явления», подчеркивает, что «термин «вторичный» не имеет оценочной окраски, он говорит лишь о том, что произведение не может быть до конца понято и оценено без обращения к его «второму плану», что эстетика произведения имеет особый характер» [2, с.4]. В последующие годы термин прочно вошёл в филологический обиход, и появилось множество работ по решению проблем, связанных с этим понятием.

Известно, что умение создавать текст научного стиля следует начинать с обучения созданию вторичных текстов. В «Словаре русского языка» С.И. Ожегова дается следующее определение понятию «вторичный». Вторичный - отражающий вторую ступень развития чего-нибудь [3, с.88]. Существует широкое и узкое значение термина «вторичный текст». В самом широком понимании вторичный текст - это любой текст, который возник на основе другого. Если рассматривать «вторичные тексты» в широком понимании этого термина, то возникает проблема дифференциации вторичных текстов от текстов первичных. Создание вторичного текста предполагает не только сохранение первичного текста в сжатой форме, но и образование нового текста на основе исходного, оригинального. Вторичные научные тексты, как правило, содержат конечные результаты определенной переработки первичных научных текстов. К первичным научным текстам обычно относят: научную статью,

научные тезисы, монографию, диссертацию и др. В текстах указанных жанров точно, логично, аргументированно и беспристрастно сообщаются теоретические сведения из какой-либо области знания, результаты научных исследований излагаются с помощью терминов и специальных слов. Язык отличается сложным синтаксисом.

Таким образом, вторичный текст — это текст, образованный (или преобразованный) на основе первичного, с помощью определённых механизмов и сохраняющий основную мысль исходного текста.

Основы научно-исследовательской работы студенты с казахским языком обучения КазУМОиМЯ имени Абылай хана получают на практических занятиях по русскому языку. При изучении тем по научному стилю речи студенты знакомятся прежде всего с общей характеристикой и особенностями, жанрами научного стиля, структурой и языковыми средствами оформления первичных и вторичных научных текстов.

Очень часто при создании вторичных текстов возникают определенные сложности, что обусловлено рядом причин: незнанием законов жанра того или иного вторичного текста, неумением правильно использовать языковые и речевые средства, уместные в соответствующих текстах и т.д.

Для развития у студентов навыков написания вторичных научных текстов необходимо комплексное систематическое обучение на каждом занятии. Данные умения формируются в системе поэтапного усвоения. На первом этапе следует познакомить студентов с понятиями «первичный научный текст» и «вторичный научный текст», их стилистическими особенностями, жанрами, выделяемыми в рамках этих понятий. Конечным звеном является объяснение алгоритма работы над построением того или иного жанра вторичного научного текста.

На данном этапе первоначально должно быть сформировано умение производить компрессию источника научной информации. Необходимо освоить различные способы сокращения текста, выделения в нем главной и второстепенной информации, переформулированные с использованием авторских речевых средств

Общеизвестно, что компрессия — это основной вид переработки текста. На основе определенных операций с текстом-источником, первичным научным текстом можно построить тексты новых научных жанров - конспекты, аннотации, тезисы, рефераты, резюме. Для этого необходимо четкое понимание содержания текста, понимание смысловой связи частей текста между собой, а также умение выделить главную и второстепенную информацию, воспроизводить информацию текста по плану в письменной форме. Компрессия (сжатие) основана на раскрытии смысловой структуры текста-первоисточника и выделении в нем основной информации. Можно считать, что вторичный текст — текст, созданный в результате компрессии текста-первоисточника, т.е. первичного текста.

Из всех видов компрессии научного текста студентами в их научно-исследовательских работах чаще других используются реферирование и

аннотирование научных работ. Аннотация по своему объему значительно короче, чем реферативное изложение. Аннотация обычно состоит из двух частей: в первой формулируется основная тема книги, статьи; а во второй - перечисляются основные положения. Сущность аннотирования и реферирования заключается в максимальном сокращении объема источника информации при сохранении его основного содержания, но принципиально различными способами. Аннотация лишь перечисляет вопросы, которые освещены в первоисточнике, не раскрывая самого содержания этих вопросов. Аннотация отвечает на вопрос: «О чем говорится в первичном тексте?» Реферат же не только перечисляет все эти вопросы, но и сообщает существенное содержание каждого из них. Таким образом, основное отличие аннотации от реферата состоит в том, что аннотация дает представление только о главной теме и перечне вопросов, затрагиваемых в тексте первоисточника, а по реферату можно составить мнение о содержании, о самой сути, излагаемой в оригинале.

При составлении аннотации используются различные речевые стандарты, список которых можно обсудить со студентами. Например: *Статья (работа) опубликована напечатана) в журнале... Статья посвящена вопросу (теме, проблеме...). Статья представляет собой обобщение (обзор, изложение). Автор ставит (освещает) следующие проблемы..., говорит о следующих проблемах..., касается следующих вопросов... В статье рассматривается (затрагивается, обобщается...), говорится (о чем?), дается оценка, анализ, обобщение (чего?) и т.п.*

После теоретической подготовки можно переходить к упражнениям, направленным на тренировку построения различных форм вторичных высказываний. Одной из основных трудностей, с которой сталкиваются студенты при написании вторичных научных текстов - это трансформация текста оригинала. Зачастую студенты не могут выделить основную мысль в тексте, абзаце, предложении, из-за чего в дальнейшем происходит нарушение структуры письменного высказывания. Чтобы снять предполагаемые трудности, логично обратиться к приему переработки фразы. Этот прием избавляет студентов от привычки переписывать текст «вслепую», помогает перейти к осмысленному изложению фактов текста первоисточника от имени нового автора. Прием переработки фразы может осуществляться несколькими способами: 1) *Операции по синонимичным эквивалентам.* 2) *Варьирование грамматических конструкций.* 3) *Вычленение главного, игнорируя незначительное.* 4) *Объединение нескольких предложений в одно связное целое.* 5) *Упрощение сложных конструкций и фраз с целью облегчения восприятия.*

Создание вторичных текстов базируется на развитии целого ряда коммуникативных умений: умения читать; осознавать коммуникативную задачу при создании вторичного текста; создавать тексты определенных жанровых форм с использованием характерных для выбранного жанра средств языка и речи. В результате студент приобретает навыки самостоятельной обработки научной информации разного объема. Умение создавать вторичные

тексты носит общенаучный характер, так как реализуется в процессе изучения всех дисциплин вузовской программы и приобретает особую актуальность в связи с необходимостью ориентироваться в быстро расширяющемся информационном пространстве.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Колесникова Н.И. Профессиональная коммуникативная компетенция студента нефилологического вуза// Русская речь в современном вузе: материалы Пятой междунар. науч.-практ. интернет-конф. 20 нояб. 2008. 20 янв. 2009 г., Орел ГТУ. –Орел, 2009. –С.101-104.
2. Вербицкая М.В. Теория вторичных текстов: На материале современного английского языка: Автореф. дисс. д-ра филол. Наук. –М., 2000. - 47 с.
3. Ожегов С.И. Словарь русского языка Под ред. чл.-корр. АН СССР Н.Ю.Шведовой. - 20-е изд., стереотип. –М.: Рус. яз.,1988. –С.88.

КО‘CHIRMA GAPLARDA GENDER XUSUSIYATLARI

Siddiqova Shoxida Isoqovna
JDPI katta o‘qituvchisi, f. f.f. d (PhD)

Tilshunoslikda keyingi yillarda sintaksis bo‘yicha olib borilgan tadqiqotlarda an’anaga ko‘ra o‘zga gapli qurilmalarning ko‘rinishlari qayd etiladi. Ammo ayrim tadqiqotlarda, bu doiraga qo‘shimcha ravishda tematik, bilateral, chog‘ishtirma va aralash turdagi o‘zga gaplarni ham kiritilmoqda. O‘zga gapning qayd etilgan har bir ko‘rinishi kommunikatsiya jarayonida bajaradigan vazifasi, o‘zganing gapini bayon etish xarakteri hamda sintaktik vazifasiga ko‘ra farqlanadi.

O‘zbek tilshunosligida o‘zga gapning sintaktik tabiati shundaki, ular gaplarning o‘ziga xos xususiyatlarini namoyon qiladi. So‘zlovchi yoki yozuvchi o‘z kommunikativ maqsadini amalga oshirishda birgina o‘z nutqi, ya’ni hikoyachilik bilan chegaralanib qolmaydi. U o‘z oldiga qo‘yilgan maqsad va matn mazmunidan kelib chiqib o‘rni bilan gapning turli ko‘rinishlariga ham murojaat qiladi. Tilimizda o‘zga gapli qurilmalarning o‘ziga xos mustaqilligi ularning tarkibi, tuzilishi, kommunikatsiya jarayonida qanday vazifani bajarish uchun xoslanganligi, qanday ohangda aytilishida ko‘rinadi.

O‘zga gap badiiy matnning asosiy lingvopoetik kategoriyalaridan biri bo‘lib, hikoya qilishda bir syujet chizig‘i asosida harakat qiluvchi muallif va personaj kommunikativ maqsadining o‘zaro tutashishi asosida shakllanadi va o‘ziga xos lingvopragmatik belgilar jamlanmasiga egaligiga ko‘ra ajralib turadi. Shunisi xarakterliki, o‘zganing nutqini boshqa bir tinglovchiga yetkazayotgan muallifning nutqi o‘zining ifoda uslubini, ohangi, nutq ob’ektiga bo‘lgan munosabatini saqlab qoladi. Ko‘chirma gaplarda muallif nutqi matn mazmuni bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, tinglovchiga yetkazilayotgan gap mazmuniga holat, maqsad va sabab bilan bog‘liq holatlarga aniqlik kiritib turadi.

Tilning ijtimoiy vazifalari, ya'ni kishilar orasidagi nutq orqali amalga oshadigan aloqani ta'minlashga xizmat qilishi, nutqning og'zaki yoki yozma shakli orqali tinglovchi va o'quvchiga turli ma'lumotlarni yetkazishi hamda so'zlovchi yoki yozuvchining ko'zlagan maqsadi, nutqiy faoliyat amalga oshayotgan vaziyat va munosabatdan kelib chiqib, badiiy-estetik ta'sir etishi tildagi mavjud boshqa birliklar qatori o'zga gaplarning ham tanlanishi va o'rinli qo'llanishiga bog'liq bo'ladi. Badiiy-estetik ta'sir etish maqsadiga bo'ysundirilgan o'zga gaplarning nutqiy faoliyatda muhim uslubiy vosita sifatida ishtirok etishi va turli funksional-semantik, lingvopoetik imkoniyatlarini namoyon etishi bevosita badiiy matn bilan bog'liq kuzatishlar olib borishni taqozo qiladi.

Tilimizda turli ma'no nozikliklarining hosil bo'lishida muallif nutqi ham ahamiyatlidir. "...Badiiy asar tilining qiziqarli, ta'sirchan bo'lishi til birliklarining to'g'ri tanlanishi, matn mazmuniga mos kelishi muallif-hikoyachi nutqiga bog'liq. Muallif-hikoyachi nutqida voqelikni tashqaridan kuzatish, tasvirlanayotgan voqea-hodisalarga o'z munosabatini oshkora yoki yashirin bildirish tarzi sezilib turadi..." [1]

So'zlovchi fikr ifodalash jarayonida birgina o'z nutqi, ya'ni hikoyachilik bilan chegaralanib qolmaydi. U o'z kommunikativ maqsadi, nutq jarayoni, suhbat mavzusi, mavjud badiiy yoki nobadiiy ifoda imkoniyatidan kelib chiqib, o'rni bilan boshqalarning gaplaridan ham foydalanadi. O'zga gap termini ostida tushuniluvchi boshqalarning gapi so'zlovchi yoki yozuvchi nutqiga kiritilgan yangi, semantik-struktur jihatdan shakllangan, stilistik yoki lingvopoetik qimmatga ega bo'lgan nutqiy parchalardir. Tilimizda o'zga gap ishtirokidagi qurilmalarning o'ziga xosligi ularning tarkibi, tuzilishi, kommunikatsiya jarayonida qanday vazifani bajarish uchun xoslanganligi, lingvopoetik qimmati, hatto prosodiyasi nutqning shakliga ham bog'liq. Og'zaki va yozma nutqda so'zlovchi va yozuvchining fikr ifodalash imkoniyatlari cheksiz. So'zlovchi yoki yozuvchining kommunikativ maqsadi, nutqiy vaziyat, nolisoniy omillarga bog'liq holda o'zga nutqini berishning yo'llari ham turlicha bo'ladi. So'zlovchining kommunikativ maqsadi qanday bo'lishiga qarab gapning turli ko'rinishlari yuzaga keladi.

O'zga gap muammosi turli tilshunosliklarda turli vaqtlardan beri o'rganib kelinadi. Shu o'rinda yodda tutish lozimki, ko'chirma gapli qo'shma gaplarda muallif gapi gapning umumiy mazmuni voqelanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Muallif nutqida o'zga shaxs nutqining voqelanish holati, sababi, maqsadi kabilar o'z aksini topadi. Muallif gapining gap sintaktik tuzilishida tutgan mavqei ko'chirma gap bilan deyarli bir xil bo'ladi. Chunki bu ikki komponent yaxlitligidagina so'zlovchi kommunikativ maqsadi amalga oshiriladi [2].

Ko'chirma gap gender xususiyatlarga ham ega. Gender – bu ijtimoiy yoki ijtimoiy madaniy jinsga oidlik belgisi hisoblanib, u lisoniy kategoriya emas, ammo uning mazmuni lisoniy pragmatik maqsad, harakat va munosabatlarni tahlil qilish orqali ochilishi mumkin. Bunda so'z orqali suhbatdoshning jinsiga, madaniyatiga, ijtimoiy mavqesiga, psixologik xususiyatlariga doir pragmatik ahborotlar oydinlashadi va u nutq faoliyatining turli aspektlarini o'rganuvchi matn pragmatikasi bilan chambarchas bog'liqdir... Matnda yoki suhbatdoshlar muloqotida ikki jinsga mansub kishilar nutqining leksik semantik maydonining aniqlanishi nutqning gender xususiyatlari muallif-so'zlovchi (adresat), tinglovchi, kitobxon (adresant) nutqidagi

gender (jinsga oid lisoniy birliklar) xususiyatlarining pragmatik maqsad, harakat, munosabat sifatida ayollar va erkaklar nutqining bir til va qiyoslanib o'rganilayotgan tillar doirasida tadqiq qilish imkoniyatlarini beradi. Kundalik turmush tajribasidan biz aynan turli jins vakillarining o'zaro munosabatlaridan - gender belgilarini, erkak yoki ayol diqqatini qanday tortish usullarini, ular bilan muloqot qilish usullarini bilib olamiz. Shunday qilib so'zlovchi nutqidagi pragmatik munosabatlar unga javob qaytaruvchi tinglovchida ham muayyan tarzda ijobiy, salbiy pragmatik munosabatlarda o'z ifodasini topadi. Bunday munosabatlarni o'rganish shaxs genderini pragmatik tahlil qilishda keng imkoniyatlarni ochishi mumkin [3].

Ko'chirma gaplarning qo'llanishida erkaklar va ayollar nutqi ham o'zaro farqlanadi. Ma'lumki, kommunikatsiya jarayoni o'ta murakkab bo'lib, uning qanday amalga oshishi muloqotchilar tomonidan til birliklarining to'g'ri tanlanishiga bog'liq. Shunday ekan, muloqot jarayonida ishtirok etuvchi har bir til birligi, u fonetik, leksik, frazeologik yoki grammatik birlik bo'ladimi, bundan qat'iy nazar, muayyan uslubiy vazifani bajaradi. Til birliklarining nutqiy vaziyatga mos kelishi hamda so'zlovchi ko'zlagan maqsadiga erishishida ishtiroki nutqning emotsional-ekspressivligini ta'minlaydi. Til birliklarining, shu jumladan, munosabat ifodalashda faol qo'llaniluvchi olmoshlarning muomalaga kiritilishi aholining milliy-tarixiy turmush va tafakkur tarzidan, xalq an'analari va urf-odatlar bilan chambarchas bog'liq. Erkaklar nutqiga xos bo'lgan qat'iylik, ma'lum darajada o'ziga xos dag'allik, cho'rtkesarlik, xotin-qizlar nutqiga xos bo'lgan soddalik, shirinso'zlik, xushmuomalalik, ta'sirchanlik kabi xususiyatlar kishilar o'rtasidagi munosabatlarning me'yorlaridan hisoblanadi.

Muloqotga kirishuvchi ayollar nutqida qo'llanilgan ko'chirma gaplar aksariyat hollarda haqorat, tahdid, tanbeh ma'nolariga ega bo'ladi. Ayollar nutqida his-hayajon ifodalovchi undov so'zlar matnda ishtirok etuvchi ko'chirma gap orqali ko'zlangan maqsadning yuzaga chiqishiga ko'maklashadi. Masalan, quyidagi parcha ishtirokchilarining o'zaro munosabati asosida ko'chirma gapning nutqiy vaziyatdagi o'rnini aniqlashga harakat qilamiz:

O'g'lini boshini quchoqlab olib, qaltiroq tovushda:

- Unday demang!-dedi u zaif va alamli tovushda.-Unday deb bolani buz mang. Hali tirik yekanman, hech kimga urishga yo'l qo'ymayman, yeshityapsizmi?! Yo'l qo'ymayman... Hech kimga kaltaklatib ham qo'ymayman...Men o'lganimdan keyin urasiz bularni...

- Oho!-dedi Ne'mat uzunning xotini, butun qishloq yeshitsin deganday qo'llarini beliga qo'yib, gavdasini likillatib, battar shang'illay boshladi.-Oho, hali men oppoqman ham dersiz, hali bolani ham sen tug'ding dersiz?

Matnda ifodalangan nutq ishtirokchilarining har ikkalasi ham ayol jinsiga mansub. Birining ijtimoiy hayotda egallab turgan mavqei, oilaviy sharoiti suhbatdoshnikidan ancha past. Ana shundan kelib chiqib uning nutqi yalinish xarakteriga ega, tinglovchiga bergan tanbehi ham kuchsiz darajada aks etgan. Muloqotning ikkinchi ishtirokchisi nutqi esa undan tubdan farq qiladi. Uning odob-axloq me'yorlariga birday rioya qilavermasligi, tashqi belgilarda ham, ya'ni gavda va qo'l harakatlarida sezilib turadi. Aslida uning maqsadi tinglovchiga tanbeh berish

bo'lsa-da, fikrlarida haqorat nutqiga xos xususiyatlar bo'rtib turadi va yangi nutqiy vaziyatning yuzaga kelishiga zamin yaratgan. Matn muallifi ana shu jihatlarni e'tiborga olgan holda ko'chirma gap tarkibida kelishi odat tusiga kirgan "dedi" so'zini qo'llashdan qochadi va nutqiy vaziyatga mos bo'lgan "zaif va alamli tovushda dedi", "shang'illay boshladi" kabi ko'rinishlardan foydalangan.

Umuman olganda, "O'zga gap" tushunchasi ostida qaraluvchi ko'chirma gaplar nutqning turli ko'rinishlarida tutgan o'rnini belgilash, ularning lisoniy, badiiy-estetik xususiyatlarini aniqlash nutq faoliyati, gender xususiyatlari, muloqot jarayoni, uning bosqichlari to'g'risida fikr yuritishni taqozo qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Yo'ldoshev M. Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. –T.: 2007. – B.37.
2. Siddiqova Sh. O'zga gap sintaksisi va lingvopoetikasi. Dis. –T.: 2019. –B.17.
3. Ko'chiboev A. Matn pragmatikasi. –Samarqand: 2015. –B.40.

**ЗУЛФИЯ ШЕЪРИЯТИДА МОДАЛ СЎЗЛАРНИНГ
ЛИНГВОСТИЛИСТИК КЎРИНИШЛАРИ**

*Абдувалиева Зиетой Норкўзиевна,
ЖДПИ катта ўқитувчиси
Алибекова Зилола Абдулхаитовна
ЖДПИ ўқитувчиси*

Зулфия ижодининг сеҳри олами жуда ҳам бекиёс. Сабаби, Зулфия ижоди камалакдек сержило ранглардан иборат. Шеър инсоннинг кўнглида кечаётган жараёнларни акс эттиради. Шоиранинг ижодиёти, бадиятига назар ташласак, уларнинг ҳар бири ҳисларимизни гоҳ мунгли, гоҳида эса бахтли аллайди.

Ўзбек тилшунослигида модал сўзлар, уларнинг тил тузулишидаги ўрни, ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилган.

Аммо модал сўзлар гапда камчиликни ташкил этганлиги сабабли кўпинча эътибордан четда қолиб кетмоқда. Шуни англаш лозимки, тилда кераксиз ёки иккинчи даражали ҳодисаларнинг бўлиши мумкин эмас. Шуларни ҳисобга оладиган бўлсак, модал сўзларнинг тилдаги ўрни, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари, синтаксис таркибида тутган ўрни, уларнинг маъно гуруҳлари, модал маъно ифодалаш йўллари ва бошқа хусусиятларини тадқиқ этиш тилшунослигимизнинг олдидаги вазифалардан биридир. Айниқса, модал сўзларнинг шеърятда қўлланилишини ўрганиш, янги фикр ва хулосаларни юзага келишига асос бўлади, деб ўйлаймиз. Шундай фикрларни инобатга олган ҳолда шоира Зулфия асарларида қўлланилган модал сўзлар ҳақида айрим фикр-мулоҳазаларни билдирмоқчимиз.

Маълумки, модаллик гапнинг асосий бирлиги, гап семантикасининг энг муҳим қисмларидан биридир. Ўзбек тилида модалликни таъминлашда қуйидаги воситалариштирок этиши мумкин: майл, замон, шахс қўшимчалари, алоҳида гап қурилмалари, юкламалар, сўз тартиби, интопация, юклама вазифасидаги сўроқ олмошлари, ундалмалар, кириш сўз ва гаплар.

Модаллик категорияси кенг тармоқли бутунлик сифатида ўз таркибида турли сатхларга оид birlikларни бир умумий тушунча модаллик атрофида бирлашишини ҳосил қилади. Модаллик ҳосил қилувчи воситалар ўз вазифасини гап ичида намоён қилади. Гапдан ташқарида модаллик белгиларини ифодамай олмайди.

Масалан: *Кундан - кун саҳарга ортар соғинчим,
Наҳот ҳаёт шомин яқинлиги бу?
Салқин оромида йўқолар тинчим,
Демак, шафақ мен - чун ёлқинлиги - бу!
Йўқ, урушининг номи ҳам ўчсин,
Менинг ўғлим керак ҳаётга.
Истамайман, унинг дудлари,
Кўнсин лаби узра қанотга.*

Шоира Зулфиянинг “Саҳар мен билан...” шеърида ҳамда “Ўғлим, сира бўлмайди уруш” шеърларида келтирилган “Наҳот” модал сўз ҳайронлик, “Демак” модал сўзи эса тасдиқни ифодаловчи модал сўзлардир. Кейинги мисрада келтирилган “Йўқ” модалсўзи эса мавжуд эмаслик тушунчасини ифодалаган.

Шоира Зулфия “Юлдузлар алласи...” шеърида шундай мисралар келтирилган унда фақат модал сўзининг маъноси ажратиб кўрсатиш,

*Фақат у юлдузнинг билсанг борлигин,
Юлдузим деб билса кимдир сени ҳам.
Дард, андуҳ, масофа йўқолиб секин,
Юлдузлар алласи биласан малҳам...
Майли, олсин бир дам қалбим дардини,
Бир дам осойишта мен ҳам олай тин.
Ахир у тақдирнинг қамчи зарбини
Савол бермасданоқ англайди сокин...*

“Кенгашда, сўзлардан зерикканда ...” номли шеърида “Майли” модал сўзида мавжудлик, тасдиқни ифодаловчи модал сўзлар ҳам ўрганилаётган асар тилида, асосан, персонажлар нутқида фаол қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. Улар қаҳрамонларнинг ўзига хос нутқларини яратишда фаол хизмат қилган.

*Тангри берган чипқонни ёрмоқ
Бандасига эмасдир раво.
Кўксиди бурч экан шишмоқ,
Хўп қоврилиб бўлганман адо.*

Шоира Зулфия “Илтижо” шеърида келтирилган мисрадаги “Хўп” сўзи мавжудлик, тасдиқ маъносини ифодалаб келган модал маъносида эмас, балки ҳаётда жуда кўп қайғули кунларни кўрганлигини ифодалаб келмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Расулов И. Ўзбек тилида модал сўзлар. –Т.: Фан, 1978.
2. Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабиёт тили. –Т.: Мумтоз сўз, 2010.
3. Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик, 1-жилд, –Т.: Акад.нашр, 2012.

ERKIN VOHIDOV DOSTONLARIDA FRAZEOLGIK BIRLIK LARNING QO‘LLANISHI

*Adizova Nilufar Istamovna,
BuxDU o‘qituvchisi*

Har bir millat o‘zining milliy tili, madaniyati, o‘ziga xos hayot tarzi hamda qarashlari bilan boshqa bir millatdan ajralib turadi. Milliy madaniyat taraqqiyotida esa badiiy adabiyotning, tilning o‘rni beqiyosdir. Badiiy adabiyot inson kechinmalari ifodachisi, ma’naviy kamol topishining muhim omili sifatida muayyan ijodkor maqsadini amalga oshirish, ijtimoiy voqelikni aks ettirish, shu bilan birga, ma’naviy taraqqiyot uchun xizmat qiladi. Har bir ijodkor o‘z ijodi orqali tilning boy imkoniyatlarini o‘ziga xos tarzda aks ettiradi. So‘zning bemisl qudratini namoyon etadi, uni betakror ifoda birliklari bilan boyitishga hissa qo‘shadi. Xalq tilini qo‘llashi, yangi topilmalar asosida uning boyligini, go‘zalligini oshirishi orqali ona tilining jozibasini namoyon etadi hamda shu millat vakillarini tilini sevishga, uni ardoqlashga, uning cheksiz imkoniyatlaridan foydalanishga undaydi.

Haqiqatan ham, tilimiz zamirida xalqimizning ming-minglab yillar mobaynida davom etib kelayotgan an‘analari mujassam. Ularni anglash uchun ajdodlarimiz tomonidan yaratib qoldirilgan bebaho ma’naviyat durdonalari, ilmiy zaxiralar mazmunini chuqur o‘rganmoq, ularni asrab-avaylamoq zarur. Kelajak avlodni tilimizda aks etgan so‘zlarning rang-barang jilolanuvchi ma’no qirralari bilan yaqindan tanishtirish, ularni asrash, taraqqiy toptirishga hissa qo‘shish, ularni nutqda qo‘llash mahoratini oshirib borish ona tilimiz boqiyiligini ta’minlashning muhim omilidir. Frazelogizmlar muayyan bir millatning madaniyati, mentalitetini namoyon etuvchi qimmatli lisoniy va nutqiy boyligi sanaladi. Ularda muayyan til egalarining udumlari, ma’naviy va axloqiy qarashlari, tasavvurlari – obrazli fikr tarzi namoyon bo‘ladi. Shu bilan bir qatorda xalq tilining jonli ifodasi sifatida badiiy adabiyotda ham muhim ahamiyat kasb etadi. Ikki yoki undan ortiq so‘zning qotib qolib, nutqda tayyor holda ishlatiladigan bog‘lanishi barqaror, turg‘un bog‘lanishni tashkil qiladi. Qo‘shma so‘z, so‘z birikmasi va gap erkin bog‘lanishi asosida nutq jarayonida yuzaga chiqishi bilan barqaror birikmalardan farq qiladi. Shunga ko‘ra, qismlari qat’iy bir qolipga kirib, tarkibining barqarorligi bilan ajralib turadigan, ko‘chma ma’no anglatib, gapda butunligicha bir bo‘lak vazifasida keladigan, yaxlit

qo‘llanish xususiyatiga ega, tayyor holda mavjud, obrazli, jozibali, ma’no jihatdan yaxlitlangan so‘zlar bog‘lanmasi frazeologik birikma (barqaror birikma, ibora, turg‘un birikma) deyiladi. Ularga bir leksema sifatida lug‘aviy birlik deb qaraladi va uning tarkibini o‘zgartirib bo‘lmaydi, [3,191]. Iboralar lisoniy hodisa sifatida tilda tayyor holda mavjud bo‘ladi. Ibora tarkibidagi so‘zlar mustaqil ma’no ifodalamaydi, ko‘chma ma’noga asoslangan bo‘ladi. Iboraning ma’no tarkibi frazeologik (atash semasi) va qo‘shimcha ma’no (ifoda semasi) dan iborat bo‘lib, ular Erkin Vohidov dostonlarida ham syujet mazmunining obrazli, ta’sirchan aks etishiga hissa qo‘shadi:

Nigohim hayratdan yo‘qotib qo‘nim

Moviy cheksizlikda suzib yuribdi. (shoshib qolmoq ma’nosi fodalangan);

Bu yurtga tig‘ olib kirgan har battol

Tig‘ning zarbasidan qaddi bukilgan, (mag‘lub bo‘lmoq);

Ey sen, buyuk shahar,

Muzaffar poytaxt!

Shohi jahonlarni tuproqqa qording, (zafar qozonmoq, yengmoq ma’nosida qo‘l.);

Ammo menga yasab shunday yuksak taxt

Jahon shohi qilib boshga ko‘tarding. (asrab-avaylamoq, ulug‘lamoq);

Yoshlarning tili bir derlar hamisha,

Ayniqsa safarda...

Bu gap-ku ayon, (bir xil fikr bildirmoq, gapni bir joyga qo‘ymoq)

(“Quyosh maskani” dostonidan).

Gohi yelkasiga ko‘tardi to‘lqin,

Goh esa muzdek suv quydi boshimdan. (kutilmagan mashaqqatga duch kelmoq);

Otajon! Men axir qutlug bu so‘zni

Yigirma yil olmadim tilga,

Yigirma yil saqladim dilda, (aytmadim);

Siz uning bag‘rini Pora qilmaysiz

Otalar xokini Saqlab muborak. (ozor bermaslik);

Rustam aytib berdi: Ataka payti

Tizzasidan olib ketgan emish o‘q...(yo‘qotmoq, ayrilmoq);

Bir-birovga tikildi Bir so‘z demay to‘rt juft ko‘z.

Shu qarashning o‘zida Aytilgandi barcha so‘z. (qaramoq);

Granata portladi

Tilga kirdi avtomat, (otila boshlamoq, ishga kirishmoq);

(“Nido” dostonidan).

Derdi: fido bo‘lsin Jonim xalqimga.

Bu kun kelib goldi joni halqumga. (o‘lar holga yetmoq, bezor bo‘lib ketmoq);

Ha, shahrim tillarda Doston bo‘ladi.

Qrimga qochganlar Qaytib keladi, (mashhur bo‘lmoq, dong‘i taralmoq);

(“Palatkada yozilgan doston”dan).

*Tebranadi Ohista to 'lqin,
 Moviy dengiz tilga kiradi.
 So 'ylab g 'amli o 'tmish ertagin,
 Qoyalarga boshin uradi... (1.ovoz chiqarmoq, 2.urilmoq);
 Qomatining bandasi sarvlar
 Boshi uzra tashlardi soya,
 Mayingina shildirab suvlar
 So 'ylar edi Qizga hikoya... (salqin qilmoq, soyasi tushmoq);
 Senga maktub yozmas edim ham,
 Qizga ishqdan so 'z ochmoq order, (gapirmoq);
 Qaradi-yu Lol qoldi cho 'pon,
 Tosh ortiga oldi o 'zini, (yashirindi);
 O 'sha kundan Uning xayolin
 Band ayladi shu oftob siymo, (o 'yلامasdan turolmaydigan bo 'lib qolmoq);
 Suv bo 'yida o 'ltirgan cha u
 Uzoq qoldi boshdan uchib hush.
 Yig 'lay-yig 'lay uxlab qoldi-yu,
 Ko 'rdi shu kun Ajoyib bir tush, (qattiq xafa bo 'lmoq);
 O 'qidi-yu, Tinchin yo 'qotib,
 Majnun kabi yugurdi har yon, (xotirjamlikni yo 'qotmoq, behalovat bo 'lib qolmoq);
 "Mening ko 'nglimni olgan Barno yigit qaydadir.
 Yuragimga o 't solgan Tanho yigit qaydadir.
 O 'sha barno yigitga Shohi ro 'mol tikkanman,
 O 'sha tanho yigitga Jonni nisor etganman..." (1.sevib qolmoq; 2. o 'zini fido qilmoq);
 Quyosh bilan el ko 'tardi bosh,
 To 'yxona ham Uyg 'ondi tongda.
 Uyg 'ondi-yu, qo 'zg 'aldi faryod,
 Barcha chopdi Dengizga tomon, (barcha birdan harakatga tushdi, uyg 'ondi);
 Tik qoyaga keldi-yu cho 'pon,
 Oq yelkandan uzmay ko 'zini
 Faryod deya so 'nggi bor giryon
 Qoyalarga otdi o 'zini.
 Barcha qoldi quyi egib bosh,
 Butun borliq Egdi boshini, (1.uzoq tikilmoq, 2.gunohkordek his qilmoq);
 Ko 'zlari o 't, o 'zi qop-qora
 Zangi kelar, Xon amrin kutib
 Xalqa taqqan qulog 'in tutib,
 Tiz cho 'kkan cha o 'ltiradi jim, (bo 'yni egilgan ko 'yi o 'tirmoq);
 -Qayg 'urma, xon, Ko 'ngling bo 'lsin to 'q.
 Senga sodiq qul Ali bobo Farmoningni etmoqda ado, (xotirjam bo 'lmoq);
 ("Orzu chashmasi" dostonidan).*

Komil: Tort tomoning qibla, institutdan

Haydalding, Fikratboy. (haydamoq, xohlagan tomonga ketishga ruxsat bermoq);

Komil: Mushkuling oson bo'ldi, o'rtoq. Rektor boshingni silash uchun chaqirmaydi. (1.muammoni hal etmoq, 2.noxushlikka ishora);

Muftiy: Qadamlariga hasanot. (xush ko'rmoq-mulozamat);

Elchi: Bu nizo dunyoning o'ziday bitmas-tuganmasdir...Ular hech qachon bir bosh bo'lib birlashmagan... (noahillik);

Elchi: Siz chet ellikni mehmon deb siylaysiz. Bizning udumda muhojir- xoja, yurt egasi demakdir. (e'zozlamoq);

Sharqaviy: Muhtaram shahzodam! Sizni shunday atashga ijozat bering. Biz bobongiz-ulug' podshoh Said Muzaffar Zako, aslan Said Ashrafxon izlarini ko'zga surtgani bu aziz tuproqqa keldik. (ulug'lamoq, ardoqlamoq);

Sharqaviy: Oyog'ingizga yiqilib, iltijo qilishga tayyormiz. Xaloskorimiz bo'ling. (yolvormoq);

Diplomat: Ayb o'zimizdan o'tdi Tomdan tarasha tushganday, sen podshoh bo'lasan, desa yosh talaba dovdirab qoladi-da! *Yotig'i bilan gaplashish,* tushuntirish kerak edi, (1.to'satdan; 2. bamaylixotir).

(“Taxt va baxt” dostonidan)

Nazrul Islom Hind xalqining

Zardobini yutardi.

Nazrul Islom o'z qalbini

Bayroq qilib ko'tardi, (qayg'usini chekardi, tashvishlanardi)

Ko'rgilik bu dedi hindu,

Taqdir dedi musulmon.

Lekin zo'rlar zulmiga u

Tan bermadi hech qachon, (ko'njadi);

Bosh ko'tarmas erlar, Isyon-

Ayollar ham qilmasdi.

Chunki ular eri qachon

O'lishini bilmasdi, (isyon qilmoq, ko'tarilmoq);

Keltirdilar Bolta... Kunda...

Bas, tafsilot ne kerak...

Bechoraning ochiq qolgan

Ko'zlarini yumdilar.

Mozoriga O'zi bilan

Qilichini ko'mdilar, (armon bilan vafot etgan kishining ko'zlari ochiq qolishiga ishora);

Tilga kirar Firdavsiy ham:

“La'nat, -deydi, -taqdirga.

Rustam, Zolni tanib olam

O'zim qoldim Tahqirga...” (gapirmoq, so'zlamog)

(“Ruhlar isyoni” dan)

Muallif dostonlarida yuqorida keltirilgan iboralar bilan bir qatorda, nutqimizni bezashda doimiy qo'llanadigan iboralar ham talaygina: “*joni uzildi*”, “*jon qildi fido*”, “*qildi ko'ksini qalqon*”, “*yengil tashlaysan qadam*”, “*quloq solmoq*”, “*uzmay ko'zini*”, “*tinchin yo'qotib*”, “*ko'ngli g'ash bo'lmoq*”, “*bosh qo'yib yotmoq*”, “*qil ustida*”, “*o't yonib yotibdi*”, “*bag'ri keng*”, “*poyonsiz suv o'rtasida suvga zor bo'lib yashamoq*”, “*og'zini ochib o'tirmoq*”.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Saidova M., Qo'ziyeva U. Lingvokulturologiya. Namangan-2017.
2. Xudoyberganova D. Matnning antroposentrik tadqiqi. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Fan, –T.: 2013.
3. Mengliyev B. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Toshkent. Tafakkur bo'stoni. 2018.
4. Vohidov E. Dostonlar. G'.G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti. –T.: 1973.
5. Adizova N.I. Ona tili umummillat mulkidir. journal.buxdu.uz. –Buxoro: 2020.
6. Adizova N.I. Erkin Vohidov-inson kechmishlarining mohir kuychisi. Journal Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. –T.: 2021.

“RUSTAMXON” DOSTONINING MATN TAHLILIDA STATISTIK USULNI QO'LLASH HAQIDA

*Xamdanova Xanifaxon Shukurillayevna,
Jizzax politexnika instituti katta o'qituvchi*

So'nggi yillarda o'zbek lingvofolkloristik lug'atchiligida zamonaviy kompyuter dasturlaridan samarali foydalanish borasida samarali ishlar amalga oshirilmoqda. Ishni yengillashtirish va aniqlashtirish uchun kompyuter dasturlaridan unumli foydalanish muhimdir. Chunki dostonlar xalq tomonidan yaratilib, ular har xil dialekt vakillari tomonidan ijro etilishini hisobga olsak, asar tilini o'rganishda ma'lum qiyinchiliklar yuzaga keladi, bu esa ishda ma'lum kamchiliklar bo'lishiga olib keladi. Dostonlar tilini o'rgangan olim G. Jumanazarova shu kabi kamchiliklarning sabablarini quyidagicha ko'rsatadi: birinchidan, dostonni yozib olgan kishilar u qanday aytilsa, shu holicha yozib olish prinsipiga amal qilishmagan, asar muallifining qipchoq, yoki bo'lmasa, o'g'iz dialekti vakili ekanligiga e'tibor berishmagan va matnni mumkin qadar o'zbek adabiy tiliga yaqinlashtirishga urinishgan. Natijada doston aytish uslubiga xos bo'lgan orfografik me'yorlar buzilgan. Ikkinchidan, o'zbek xalq dostonlarining barchasi bir kishi tomonidan emas, balki bir necha kishilar tomonidan yozib olingan. Ularning ma'lum qismi dostonni qanday eshitgan va qabul qilgan bo'lsa, shu holicha qog'ozga tushirishga uringan. Bu esa matnni yozib olishda orfografik me'yornlarning buzilishiga olib kelgan. Uchinchidan, bu borada bir necha

fikr-mulohazalar o'rtaga tashlangan bo'lsa ham, dostonlarning aniq bir transkripsiya asosida yozib olinmaganligi kamchiliklarga yo'l qo'yilishiga sabab bo'lgan.

Ko'rinadiki, xalq dostonlarini yozib oluvchilar nihoyatda qiyin sharoitda ish olib borishgan. Ularning o'ziga bog'liq bo'lgan va bo'lmagan sabablarga ko'ra yozma matnlarda noqisliklar yuzaga kelgan.

Xullas, hali hozirgacha dostonlarni yozib olishning yagona tamoyili - mezonlari prinsipi yo'qligi, tabiiy ravishda, dostonlar yozma matni ustida leksikografik-statistik tadqiqotlar olib borishni qiyinlashtiradi, matn variantlarida har xilliklar paydo qiladi [Jumanazarova G.U, 2011;72].

Bu muammolarga biz ham tadqiqotni olib borish jarayonida, ya'ni "Rustamxon" matnini statistik va leksikografik tahlil etayotganimizda ham duch keldik.

Doston matnini statistik va leksikografik tadqiq etishga kirishishdan avval bizning oldimizda "Undagi ayrim elementlarning yozilishida bir xillikka erishish masalasini hal qilish kerakmi? Ularni yozib olingan shevalarga moslash, butun bir doston matnini qaytadan tahrir qilishga hojat bormi?" degan qator savollar paydo bo'ldi. Bu o'rinda alohida ta'kidlash zarurki, gap bu masalani hal etishning, matnni qayta tahrir etishning qiyinchiligida emas. Agar ish shu tartibda qayta amalga oshirilsa, vaziyat yana ham chigallashadi, matndagi sun'iyliklar yana ham ko'payadi, degan mulohazaga keldik.

G.Jumanazarovanning ta'kidlaganidek, agar ma'lum bir til birligining doston kuylovchisi talaffuziga mos bo'lmagan, buzilgan holda qayd etilgani so'zning mazmuniga jiddiy putur etkazgan bo'lsa, bu boshqa gap. Bunday bo'lmagan taqdirda so'z shakllariga o'zboshimchalik bilan o'zgartishlar kiritishga hojat yo'q, degan fikrdamiz. Vaziyatdan chiqishning boshqa yo'li bor. Ma'lum bir so'z turli shakllarda ifodalangan bo'lsa, ularning barchasi lug'atlarda shu holicha aks ettirilaveradi. Tadqiqotchi ularni bir so'zning turli ko'rinishlari va variantlari sifatida qarab, tanqidiy munosabatda bo'lib, o'z kuzatishlarini olib boraveradi. [Jumanazarova G.U, 2011;72]. Mazkur mulohazaga asosan, biz ham Fozil Yo'ldosh o'g'lidan "Rustamxon" qanday yozib olingan bo'lsa, shu holicha zamonaviy kompyuter xotirasiga kiritish va tegishli dasturlar asosida tegishli lug'atlar tartib berishni ma'qul, deb hisobladik. Shunday qilib, dastlab, nashr etilgan nusxa asosida "Rustamxon" dostonining elektron varianti yaratildi va hech bir o'zgarishlarsiz kompyuter xotirasiga kiritildi. So'ngra esa lingvostatistikada «harfiy zanjir» termini bilan nomlanadigan ikki bo'shliq («Δ») orasidagi bir butunlik dasturlashda asos qilib olindi. Boshqacha aytganda, matndagi har qanday ikki bo'shliq orasida joylashgan til elementi bir so'z sifatida e'tirof etildi. Ular qanday shaklda mavjud bo'lsa, shu holicha, o'zgartirilmasdan qayd qilinishi belgilab qo'yildi.

Doston matnidagi til birliklarini bu tarzda qayd etishning o'z qulayliklari va notugal jihatlari bor, albatta. Qulayligi shundaki, matnga o'zboshimchalik bilan o'zgartirishlar kiritilmaydi, asl holat saqlanib qoladi. Buning natijasida mazkur matnda adabiy me'yorga amal qilinganlik darajasini yoki dialektal xususiyatlarning saqlab qolinganligini, binobarin, aynan shu matn uchun xarakterli bo'lgan til elementlarini aniqlash mumkin bo'ladi. Shuning barobarida, har bir doston uslubiga xos bo'lgan holatlarni belgilash, bir so'zning turli shakllarini qiyoslash imkoni

tugʻiladi. Lekin juft soʻzlarni bemaolol qayd etish mumkin boʻlgani holda, ajratib yoziladigan qoʻshma soʻzlarni yaxlit birlik sifatida olish imkonining yoʻqligi bu jarayonning jiddiy kamchiliklaridan biri boʻlib qolmoqda. Omonim vaziyatidagi elementlarni farqlash va ajratish ham tadqiqotchining zimmasiga turadi.

Endi bu oʻrinda, bizning oldimizda “Matn tahlilida statistik usulni qoʻllash yoki matn asosida tuzilgan turli xarakterdagi lugʻatlardan foydalanishning afzalliklari nimada” degan masalaga aniqlik kiritishimizga toʻgʻri keldi.

Har qanday lingvistik tadqiqotda mazmun talqini birlamchi hisoblanar ekan, statistik tahlillar hech qachon yetakchilik qila olmaydi. Ammo tajriba bu usulsiz amalga oshirilgan tadqiqotlarning bir tomonlamaligini, xulosalarning asosli boʻlmayotganligini koʻrsatmoqda.

Xoʻsh, unda statistik metodning afzalligi nimada koʻrinadi? Matn statistikasi tahliliga bugun kompyuter texnologiyalarining kirib kelganligi lingvistik tadqiqotlarda oʻziga xos inqilob deyish mumkin. Bu esa matn tahlilida juda katta qulayliklar tugʻdirmoqda. Muayyan til birligining matnda uchrash chastotasi haqida faktlarni keltirish va ularni qiyosiy tahlil etish masalaning bir tomoni boʻlsa, ikkinchi tomondan, tahlil obyekti qilib olingan til birligining yaxlit matnda qoʻllanishi haqida aniq tasavvurga ega boʻlish imkonini bermoqda. Istalgan bir soʻz, masalan, *bosh* soʻzining “Rustamxon” dostonida qoʻllanish xususiyatlarini oʻrganishga zarurat tugʻildi, deylik. Kompyuter bu soʻzning doston matnida 40 soʻzshakli holatida 121 marta uchrashini aniqlab beradi: *bosh*, *bosh-oyoq*, *boshdan-oyogʻigacha*, *boshdi*, *boshi*, *boshiga*, *boshidan*, *boshim*, *boshima*, *boshimga*, *boshimda*, *boshimdan*, *boshimizga*, *boshimni*, *boshin*, *boshing*, *boshingda*, *boshingdan*, *boshingni*, *boshida*, *boshini*, *boshla*, *boshlab*, *boshladim*, *boshlasin*, *boshqar*, *boshqarar*, *boshqargin*, *boshqarib*, *boshchi*, *boshchimiz*, *boshchim*, *boshchimisan*, *boshchisi* kabi [Rustamxon,1998;98]. Shu tarzda u soʻz, birikma yoki qoʻshimchali element tarkibida boʻlishidan qatʼi nazar, muayyan bir til birligining shu matndagi qoʻllanish chastotasi haqida aniq tasavvur beradi va boshqa til elementlarining qoʻllanish chastotasi tizimda tutgan oʻrnini ham belgilashga koʻmaklashadi. Lekin biz uchun muhimi bu emas.

Kompyuter *bosh* soʻzi qoʻllangan 123 holatni mikromatn shaklida bir joyga toʻplab beradi. Masalan, *Kunduz men turaman shohlik shavkatda*, / *Oqshom gʻam tortaman*, *boshim* kulfatda / *Vafosi yoʻq bunday shohlik davlatdan* / *Boshim* olib ketay bundan, *albatta* (352); *Gunohkorni men aytaman sizlarga*, / *Hayallamay tandan boshin* yulinglar! (365); *Haydab borib*, *Huroyimning boshini* kesib, *Mansurning doriga tortinglar*; *podshoning xotini deb andisha qilmanglar!* - *dedi* (365-366); *Bilmam qayerlarga olib boradi*, / *Boshing* kesib seni nobud qiladi (367); *Haydab borib bizlar Mansur doriga*, / *Boshin* kesib ani, *dorga tortamiz* (368); *Nasib etsa jallodlarga borarman*, / *Ularning boshini* bogʻday cholarman... (374); *Rustam bu soʻzni eshitib*, oʻzini roslab, *boshini* koʻtarib, tiklab / [Sultonxonning] betiga qaradi (379); *Enamni izlab Mansur dorga boraman*, / *Etishsam jallodning boshin* olaman, / *Qonxoʻrlarga qora kunni solaman!* (380); *Sultonxon otning boshini* burib, ogʻzi angrayib, burni tangrayib, *Rustamning keyinidan qarab turdi* (380); *Kelgin beri endi dorning ostiga*, / *Kesib boshing* dorga tortmoqlik darkor! (385); *Podsholar*

gunohkorning boshini kesib dorga tortsa, hammasida ham o'zining surilgan dori bor (386); Olib qo'liga po'latdi, / Jallodning boshini kesdi (387), Ajdaharga ko'rsatayin ishimni: / Yo'lingda berayin aziz boshimni (399); Tortinmayin ajdaharga borayin, / Ajdaharning tandan boshin yulayin!(399); Boshdan-oyog'igacha ko'kmak, qo'lidagi tayog'igacha ko'kmak (402).

Shunday qilib, *bosh* so'zi ishtirok etgan mikromatnlar bir joyga to'plangach, «Rustamxon» matnidagi bu so'z yuzasidan amalga oshirilgan har qanday lingvistik tahlil to'laqonli va ishonarli chiqadi. So'zning misra tarkibi va qofiya tizimidagi o'rni, so'zning tovush tarkibi va ohangdorlikni ta'minlashdagi vazifasi, mikromatnda anglatgan semantik-stilistik ottenkalari, denotativ va konnotativ ma'nolari xususida batafsil tahlillarni amalga oshirish mumkin bo'ladi.

S.Rizayev o'zining bir ilmiy maqolasida A.Qahhorning «Sinchalak» asari matni chastotali lug'atini tuzish jarayonida bir martadan qo'llangan so'zlar miqdor jihatdan ko'pligini aniqlaydi va «har qanday chastotali lug'atda bir martadan uchragan so'zlar (so'zshakllar) ko'p uchraganligi bilan xarakterlanadi», degan xulosani bayon etadi,[Rizayev S, 2008;94]. Shunga yaqin fikrlar olimning Hamza Hakimzoda Niyoziy «Devon»i tili leksikasining statistik tuzilishi yuzasidan olib borgan kuzatishlarida ham aytilgan [Rizayev S,1989:75]. Bu holatni tadqiqotimiz tahliliga jalb etilgan «Rustamxon» dostoni matni uchun ham xos ekanligini ta'kidlaymiz.

Shuningdek, S.Rizayevning «O'zbek tilining lingvostatistik tadqiqi» [Rizayev S, 2008]. mavzusida yozgan doktorlik dissertatsiyasidan ham foydali mulohazalarni olishimiz mumkin. Masalan, tadqiqotning «Leksik statistika» deb nomlangan beshinchi bobida so'z va so'zshakllarning morfematik strukturasi, morfemalarning o'rinishuvi va fonologik strukturasi borasida kelajakda amalga oshirilishi lozim bo'lgan masalalarning o'rtaga tashlangan. Unda shartli ravishda so'z (so'zshakl) larning morfematik tuzilishi lingvostatistik tadqiq etilgan. Turli janrlarda yaratilgan badiiy matnlarning leksikasi, leksik statistikaga xos bo'lgan xususiyatlar, turli qatlamga oid so'zlarning qo'llanish chastotasi borasida mulohazalar bayon etilgan. Lingvistik aspektda so'zlarning funksional uslublararo qo'llanish chastotasi nuqtayi nazaridan morfem statistika yaratilishi masalasi o'rtaga qo'yilgan. So'zshakllar tarkibidagi morfemalarning umumiy statistik tuzilishi haligacha maxsus tadqiq etilmaganiga ishora qilib o'tilgan. Bu kabi fikrlar bizning tadqiqotimiz uchun ham yo'l-yo'riq bo'ladigan darajada muhimdir. Demak, kelajakda so'zlarni morfemalarga ajratish imkoniyatga ega bo'lgan maxsus kompyuter dasturlari yaratilishiga umid bog'lasa bo'ladi.

S.Rizayev xuddi mana shu tartibda badiiy matnlarning lingvostatistik manzarasini yaratish, shu matnlar asosida turli xarakterdagi lug'atlar yaratishgina badiiy asar tili va uslubi borasida olib borilayotgan tadqiqotlarni bir tomonlamalikdan qutqaradi, kuzatishlarni mukammal asosga qo'yadi va pirovard natijada ona tilimizning boyligi ko'lamini belgishda muhim vosita vazifasini o'taydi, deb hisoblaydi.

S.Rizayevning mulohazalaridan shu narsa anglashiladiki, kelajakda barcha funksional uslublar va ularning janrlari yo'nalishlarida elektron matnlarning, ular asosida chastotali lug'atlarning yaratilishi o'zbek lingvistik bankining yaratilishiga,

lingvistik tadqiqotlarning yangi metodik asoslarga qo'yilishiga, leksikografik ishlarning jadallashishiga va mukammallashishiga, qiyosiy, kvantativ-tipologik, informatsion-statistik hamda stilistik tadqiqotlarning keng quloch yoyishiga olib keladi. Zamonaviy texnik vositalarning, xususan, kompyuterning lingvistik tadqiqotlar jarayonidagi olamshumul imkoniyatlari ko'rsatib berilgan, til materialini tahlil etishning zamonaviy metodlari o'rta tashlangan, ilk bor o'zbek matnlarida harflarning qo'llanish chastotasi va entropiyasi ishlab chiqilgan mazkur dissertatsion ish esa bu borada bizning tadqiqotimizdagi ikkinchi bobga, unda qo'yilgan masalalarning yechimiga, ushbu risolada ko'tarilayotgan mulohazalar va vazifalarga ilmiy-nazariy asos va amaliy manba bo'lib xizmat qila oladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Жуманазарова Г.У. Ўзбек халқ достонлари матнининг лингвостатистик таҳлили, –Т.: Тафаккур, 2011, –72 б.
2. Рустамхон. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони /Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли, ёзиб олувчи: Маҳмуд Зарифов. –Т.: Шарқ, 1998.
3. Ризаев С. Ўзбек тили машина фондининг яратилишига доир / Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. IV. –Т.: ЎзМУ, 2008,
4. Ризаев С. Статистическая структура лексики языка «Дивана» Хамзы Хаким-заде Ниязи (частотный словарь и конкорданс). –Т.: ФАН, 1989.
5. Ризаев С.А. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи. Докторлик диссертацияси. –Т.: 2008.

**СОБИР АБДУЛЛА, ЧАРХИЙ ВА ҲАБИБИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА ТАСВИР
ВА ТАЛҚИН МАСАЛАЛАРИ**

*Ҳайдарова Гулҳаё Аҳмадалиевна,
Кўқон давлат педагогика институти тадқиқотчиси*

XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган ташвиқий характердаги хитоба шеърлар ўрнини кўнгил кечинмалари тасвирланган лирика эгаллай бошлаган. Шу сабаб бу давр ғазалларида образли тафаккур устуворлашди ва бу даврдан бошлаб лирик асарларни баҳолашда ижодий индивидуаллик масалалари, шоирнинг оламни қай тарзда тасаввур қилиши, ўз хиссиётларини қай йўсинда ифодалаб бера олишига эътибор қаратила бошланди. Масалан, Собир Абдулланинг “Дард неча хилу дори давоси яна бошқа...”, “Инжима ҳар кимсадин, эй дил, ёшур элдан ғаминг...”, “Тонг андалиби мунча фиғон айламасангчи...”, “Кел, эй ноз офарин, юз ғамзаву нозу фироқ айлаб...”, “Саҳар мен куйласам, ул дилрабо сори сабо элтар...”, “Ҳамиша эй кўнгил, бўл менга ҳамроҳ...” деб бошланувчи ўттизга яқин ғазаллари, Чархийнинг “Дилда пайдо бўлса гар чин иштиёк...”, “Мунча ҳам кўнглимни севган ёри шўх...”, “Жонон кўриб жамолинг кўнглим баҳор дерман...”, “Тонг чоғи сарвинозим аста қиёлаб ўтди...”, “Баҳор келди

мавсумларнинг таннози...”, “Эй юзи нур силсилаи офтоб...” каби матлаъли кўплаб ғазаллари ва Ҳабибийнинг “Баҳрасизлар бирла ўтган умру фурсатлар абас...”, “Мени нозик табиат нозанин ёр аржуманд айлар...”, “Талабим-то абадий шафқатингиз...”, “Сенингдек нодири даврон топилмас...”, “Нозанинлар ичра, эй жоно, ўзингсан ёлғизим...”, “Ташна бўлдим васлингизга ошиқи шайдо каби...” каби қирққа яқин ғазалларида лирик қаҳрамон ички дунёсини кўрсатишга интилиш, табиат гўзаллиги ва ёр чиройини омухта қилиб тасвирлаш, ва энг муҳими, давр муаммоларидан кўра, ошиқ руҳий ҳолатининг мураккаб ҳолатларигача ифодалаш жараёнларини кузатиш мумкин. Бирок, шоир юксак истездод эгаси бўлса, ўзининг қарашларини ва даврга ҳаққоний муносабатини сўз аталмиш қоғозга ўраб ифодалай олган. Масалан, Чархийнинг айнан қатағон йилларида ёзилган

Бир нафаслик тинч ҳаётим энг улуғ фурсат менга,

Ҳар минут завқи – қувончим, бахт ҳар соат менга.

Ёр сочидек узун тунларда хобим ким десун,

Васл оқшомида кўз юммак эмас роҳат менга [4; 414] - матлаъли ғазали бир қарашда ҳижрондан қийналган ошиқнинг дил нолаларига ўхшаш таассурот қолдиради. Байтлар синчиклаб таҳлил қилинса, “коса тагида нимкоса” борлигини илғаб олиш мумкин. Лирик қаҳрамон учун бир нафас бўлса ҳам юрак ҳовучламай тинч яшаш ҳаётдаги энг улуғ фурсатдир. Унинг учун бу фурсатнинг ҳар миноти худди бахтли соатлар кабидир, ёр сочидек узун тунларда ҳам ва ҳаттоки, висол оқшомларидаги тунлар ҳам асло роҳат эмаслигининг бош сабаби ҳам нотинч, таҳликали йиллар бўлиб, шоир XX аср ижтимоий-сиёсий муҳитининг жонли тасвирини китобхон кўз олдига келтириши учун ўз исёнларини байтлар орасига яшириб қўйишга уринади.

Юқорида таъкидланганидек, даврнинг муҳим, долзарб масалаларини акс эттиришда шеърят ҳар доим фаол позицияда бўлган. Зеро, “Лирикада очиб берилган инсоннинг ички дунёси унинг ўзини ҳам, ундаги кайфиятни ҳам туғдирган ҳаёт шароитларини тасаввур қилишга имкон беради” [2; 478]. Лирик турлар ичидаги ғазал инсоннинг ҳис-туйғулари билан бирга ижтимоий ҳаёт муаммоларини ҳам қамраб олади. Унинг лирик қаҳрамони умумлашма образ бўлиб, воқелик, асосан, унинг кечинмалари билан ёритилади. Кейинги даврнинг воқеабанд ғазалларида аниқ шахслар образи кўзга ташланиб туради. Шоир мана шу образлар воситасида ҳаётнинг у ёки бу жихатларини бадиий ифодалайди. Собир Абдулла, Чархий ва Ҳабибий ғазалларида Лутфий, Жомий, Алишер Навоий, Муқимий, Фурқат, Қуддус Муҳаммадий, Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Мукаррама Турғунбоева каби тарихий шахслар образлари қўлланилиб, улар ёрдамида ижтимоий ва адабий муҳитнинг қоришиқ кўриниши шоир тафаккуридаги жараёнлар ҳақида хабар беради. Аҳамиятлиси шуки, ҳар учала ижодкорнинг адабий меросида деярли бир хил тарихий шахслар тимсоли гавдалантирилган бўлиб, бу ҳолатни шоирларнинг бир адабий ҳаёт вакили эканлиги ва ўзаро ижодий мулоқотда бўлганлиги билан изоҳлаш ўринли. Масалан, Чархийда:

Истаб бутун ҳақиқат, чекдинг азоб ва меҳнат

Энди етиб бу фаросат ёдлар замон, Муқимий [5;29].

Собир Абдуллада:

*Санъатимиз Мукаррами саҳнада сола ўйнади,
Таъриф-у тавсифи билан мадҳ-у рисола ўйнад [3;63].*

Ҳабибийда:

*Чекди кўп заҳмат Муқимий, Фурқатий бечоралар,
Қаро қилди бахтини бир неча бағри қоралар [6;358].*

Ҳабибийнинг 1945-йил яратилган “Берлин фатҳининг тарихи” сарлавҳали ғазалида воқеълик иккинчи жаҳон уруши воқеаларини тезис сифатида баён этишга қаратилган. Шеърнинг матлаъси ватанни мадҳ этиш билан бошланади:

*Жаҳонда бормиким бизнинг Ватандек ашрафу ақдас,
Гўзал, бир хушҳаво, тупроғи, боғу гулшани наврас.*

Кейинги байтдан асосий қисмга ўтилади:

*Вафо расмин бузиб, андишайи хом бирла макр айлаб,
Босиб олмоқ учун от қўйди бирдан тўдайи нокас.
Элим сар-сар каби юрди, югурди тор-мор этди,
Тўзиб тоқат қилолмай, қочди душман мисли хору хас.
Шошилмай, тўхтамай сурдик, зафар бизларга ёр бўлди,
Бу шўришлик уруш охир бориб Берлинда бўлди бас.*

Китобхон кўз ўнгида уруш манзараси бутун даҳшати билан намоён бўла бошлайди. Хулоса қисмда эса шоирнинг умумий қарашлари кўринади:

*Бўлиб даҳшатли жанглар, ўтди сонсиз давру давронлар,
Бунингдек фатҳу нусрат кўрмаган бу гумбази атлас.
Ҳабибий, офарин деб, тан бериб сўрсанг неча оқил,
Деди тарихи фатҳин (мард совет байроғи) бўй эгмас.*

Ғазал мақтаъсида Ҳабибий “мард совет байроғи” бирикмасида тарих санъатини ҳосил қилган. Ажратиб кўрсатилган “мард совет байроғи” бирлиги ёрдамида Ҳабибий мумтоз адабиётдаги тарих санъати қоидаларига мувофиқ 1945-йил санасини чиқарган. Шоирнинг биргина йил билан ҳам II жаҳон урушининг якунланиш йилини, ҳам Берлин фатҳининг тарихини, ҳам айнан шу муносабат билан ёзилган ғазалнинг “туғилиши” йилини ифодалай олгани унинг нақадар ҳозиржавоб ва зукко эканлигини исботлайди.

1931 йилда ёзилган “Йигитлик” сарлавҳали ғазали иккинчи байтининг биринчи мисрасида шоир атрофдаги сиёсий-ижтимоий ҳаётдан олган хулосаларини шўро ҳукуматини мадҳ этгандек бўлиб айтади:

*Жаҳолат зулматида кўп замон беҳуда умр ўтди,
Оғир гафлатда қолганмиз билимсизлик бало келди [6;285].*

Ғазалга, умуман, бадий асарга қўйилган ном асардаги ғояни англашга ёрдам берувчи калит сўз ҳисобланади, бу калом мазмунга етакловчи кўприк вазифасини ҳам бажариши шубҳасиз. Ғазал номи “Йигитлик” деб номланган бўлса-да фақатгина матлаъда йигитлик ҳақида сўз боради, ғазалнинг қолган қисмлар эса шоирнинг замон тўғрисидаги фикр- мулоҳазаларидан иборат. Бу мулоҳазалар шўро ҳукуматини алқаб ёзилган бўлса-да иккинчи байт синчиклаб таҳлил қилинганда шеър мазмунига бутунлай тескари маъно англашилади.

Шеър ёзилган йилларда қатор ўзбек маърифатпарварларига ҳукумат томонидан маънавий тазйиқ ўтказила бошланган эди. Бундай мулоҳазалари билан шоир ижтимоий вазиятни тўла англаб, Сталиннинг қатағон сиёсатини худди олдиндан башорат қилгандек бўлади.

Ғазалнинг қолган барча байтлари ижтимоий тузумга хайрихоҳлик билдириш сифатида кўринса-да, зийрак китобхон буни сезиб туради:

*Қурилди қай куни аҳкоми шўро ўсди маълумот,
Саводсизлик касалларга маорифдан даво келди.
Кўринди маърифат хуришиди, нури бўлди элга ом,
Ҳама касб этди бир-бир давримиз даври сафо келди.
Ятиму камбағаллар соҳиби фазлу ҳунар бўлди,
Билур ўз қадрини ким душману ким ошино келди.
Олур ҳар ким ҳуқуқни, бўлса ғайрат ўз кучи бирла,
Ҳалол меҳнат билан олганча олса ким раво келди.
Очилди ҳикмату санъат қапуси, бўлдик бахтиёр,
Ҳабибийдек неча бебахтларга муддао келди [6; 285].*

Собир Абдулланинг ижодида “устида” радибли бешта ғазал мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси алоҳида-алоҳида мавзуларда ёзилгани билан диққатга сазовор. Мумтоз адабиётимиз тарихидан маълумки, Лутфий, Алишер Навоий, Огаҳий каби шоирлар “устина” радибли ўнлаб ғазаллар ёзганлар. Профессор А.Ҳайитметовнинг маълумотига кўра, 1940 йил Собир Абдулла Уйғун билан ҳамкорликда Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девонидаги шеърлардан “Чор девон” номли янги тўплам тузишган [7;58]. Бу ҳамкорликдан сўнг, Собир Абдулланинг мумтоз асарларга янада муҳаббати ортган. Шундан сўнг, адабий устозлар таъсирида бирин-кетин “устида” радибли ғазаллар пайдо бўлган:

*Сабза ранг кўйлакдаги қизни кўриб тоғ устида,
Лола очилмиш дедим зангори япроқ устида [3;19].*

Ёр таърифи акс эттирилган мазкур ғазал Навоийнинг шундай радибли ғазали таъсирида ёзилган бўлиб, ундаги ёр сиймоси, ғоя, вазн, қофия ва радиблар ҳам анъанавийдир. Таъсирланиш Навоийнинг айнан куйидаги ғазалидан бўлган деб айтиш мумкин:

*Нилдин беҳол холинг лаъли сероб устина,
Тухми райҳон тушти гўё шарбати ноб устина [1;565].*

Навоийнинг ғазалида таърифланган ёр сиймоси, унинг қоши, сочи, юздаги холи тасвирига Собир Абдулла эргашган бўлса-да, айнан такрорлашдан қочган, янгилик киритишга интиланган. Унинг ғазалидаги ёр сабза ранг кийимда ва тоғ устида жойлашган бўлиб, ўхшатишлар шоирнинг ҳаётий тасаввурлари натижасидир. Масалан; тоғ устидаги сабза ранг кўйлакдаги қиз зангори япроқ устида очилиб турган лолага, оппоқ юзидаги хол эса қаймоқ устида турган седонага, юзидаги қатра-қатра марваридлар (яъни, тер томчилари) янги узилган кулчага қиёсланади. Демак, шоирнинг ўзига хослиги шундаки, анъанавий ёр тасвирини ўз тасаввури билан янада бойитди, янгилади. Бу тасвир жараёнида

тамсил, хусни таълил каби шеърӣ санъатларни ҳам қўллаб, ғазал бадииятини янада бойитишга эришган:

*Оқ юзида нуқталар эрмаски, дерлар ҳол ани,
Бир-икки сидонаким, широба қаймоғ устида.
Марваридлар қатра-қатра, оразий раҳшониди,
Тер эрур, янги узилган кулча-ширдоғ устида.*

Тасвир давомида ёрнинг тоққа чиқиш саҳнаси бор. Унинг тоққа чиқишдан мақсади лолага доғ солиш, лекин билмайдики, лола кўкси ўзи юз доғ, гўзал ёрни кўриб эса, яна доғ устига доғ бўлади:

*Тогга чиқмоқдан муроди, лолани доғ айламак,
Билмагайким, лола кўкси доғ, юз доғ устида.
Жонга қасд айлаб турар ул икки шаҳлоси кўринг,
Ғамза-ю нозу тағофил, бирла қийноғ устида.*

Доғ қўйиб Собирни бунда, кетди бепарво йироқ,

Ўт олур, гар турмаса, бўлганда доғ, ёғ устида – мақтасида шоир *хусни таълил* санъатини қўллаб, ғазални яқунлайди. Яъни ёрнинг бепарво ҳолда йироқ кетганидан лирик қаҳрамон-шоирнинг қалби доғ бўлди, кейинги фикр эса ғазалга бироз ёпишмагандек тасаввур уйғотади ўқувчида. Ёрнинг ошиқ қалбини доғлаб кетиши билан ёғни доғ қилаётганда, яъни, қиздираётганда тепасида турмаса ўт олиши – бу икки ҳодиса ўртасида боғлиқлик кузатилмайди. Ғазалнинг ёзилиш санаси 1940 йил эканини ҳисобга олсак, шоирнинг 35 ёшида яратган мазкур асарда бироз камчилик учраши табиий ҳол бўлиб, бу ғазал ёрдамида шоир ижодий такомилени кузатиш имконига ҳам эга бўлишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XX аср ўзбек ғазалиётининг вакиллари бўлган Собир Абдулла, Чархий ва Ҳабибий каби ижодкорлар воқеликни тасвирлар экан, мумтоз адабий анъаналарни давом эттиришга интилади. Ўз даври мафкураси таъсирида замоннинг долзарб воқеаларини ёритиш фониди ижодкорнинг юксак тафаккури бугунги кун китобхони билан “ижодий мулоқот”га киришади. Келажак китобхони ғазалларидаги яширин маъноларни тўла англаб олишига ишониб, байтлар қатига ўз исёнларини, хулосаларини, замон воқеаларига ижодий муносабатини яшира олади. Бундан ташқари, ҳар учала ижодкор ғазалларида Алишер Навоийнинг тасвир маҳоратидан таъсирланиб, анъаналарни давом эттиришга интилиб, ўзига хос тарзда воқеликни акс эттира олган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ғаройиб ус-сиғар. –Т.:Фан, 1988.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Т.:Ўзбекистон, 2002.
3. Собир Абдулла. Девон. –Т: Бадиий адабиёт, 1965.
4. Чархий. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.
5. Чархий. Қиёлаб ўтди. –Т.: Akademnashr, 2010.
6. Ҳабибий. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980.

7. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. –Т.: Ўқитувчи, 1997.

НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ТИКИШ-БИЧИШГА ОИД ЛЕКСИКАЛАР

Махаммадиев Хуршид Лутфуллаевич
Жиззах давлат педагогика институти тадқиқотчиси

Маълумки, тикиш-бичишга оид иш қуроллари инсониятнинг ибтидоий даврларига бориб тақалади. Инсон ўзининг тараққиёти давомида моддий қизиқишларини акс эттирган ҳолда, ҳаёт учун зарур , тикиш-бичишга оид иш қуролларини яратиб келди. Улар инсоннинг ўзи сингари босиб ўтилган давр мобайнида такомиллашиб борди. Бу воситаларнинг кўпи одамнинг бутун умри давомида ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келди. Инсон фойдаланадиган ҳамма нарсалар ўз мазмун-моҳияти, бирор мақсадга мўлжалланганлиги, бажарадиган вазифасига алоқадор тарзда муайян номга эга бўлди. Бу лексик бирликлар тарихи, ўзбек тили луғат фондидаги ўрни, улар бизга бурунги ёзма манбалар орқали етиб келган, аксарияти ҳозирги ўзбек тилида айнан ёки муайян ўзгаришда қўлланиб келмоқда.

Ушбу мақолада Алишер Навоий ижодининг гулгожи бўлган “Ҳамса” дostonларида, шунингдек, айрим бошқа асарларида учрайдиган тикиш-бичишга оид қуроллар номлари, уларнинг лексик-семантик хусусиятлари тўғрисида фикр юритамиз. Зеро, аллома бадий мероси лексикасини ўрганиш бу давр адабий тилига хос хусусиятлар, луғавий сатҳ тараққиёти, лексик бирликлар семантикасини ёритишда аҳамиятлидир.

Маълумки, Навоий асарлари лексикаси ҳам тарихий-этимологик жиҳатдан ўз қатлам ва ўзлашган қатламга мансуб. Асар лексикасининг асосини ўз қатлам ташкил қилади. Шунингдек, арабий, форсий ўзлашмалар ҳам тилимиз луғат заҳирасини бойитган. Бу ҳолат тикиш-бичишга оид қуроллар лексикасида ҳам акс этган. Уларни маълум гуруҳларга ажратган ҳолда кўриб чиқамиз.

Тикиш-бичишга оид иш қуроллари лексикаси

ИГНА - игна:

Гарчи синук игна ҳаққунноссдур,

Бағринг аро ханжари олмосдур.

[Алишер Навоий. 7-ж., 1991; 130].

Маълумки, “Ҳайрат ул-аброр”нинг 3-мақолоти “Салотин боби” - султонлар ҳақида. Навоий бу ўринда меҳнат қуроли номини қўллар экан, унинг воситасида султонларни огоҳликка даъват этади. Шоир эътиқодича, бир кишининг бир синиқ игнасига хиёнат қилган бўлсанг, яъни инсонларнинг ҳаққи бўлган синиқ игнани олган бўлсанг, нариги дунёда у бағринга олмос ханжар бўлиб қадалади.

Ҳазрат Навоий бутун ижодида сўз (тил)ни нафақат чексиз бир лисоний хазина, балки илоҳий бир мўъжиза, деб билади. “Лайли ва Мажнун” дostonининг 5-боби ҳам сўз таърифи, Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавий мадҳини ўз ичига олади. Навоий дастлаб сўзга таъриф берар экан,

уни энг ажойиб гавҳар, мавж урган денгизга, айтиб совимайдиган тарона, олиб бўшамайдиган хазинага ўхшатади:

*Эй сўз, не бало ажаб гуҳарсен,
Гавҳар неки, баҳру мавжварсен...
Айтиб совумас тарона сен сен,
Олиб қурумас хизона сен сен.*

Бу туганмас сўз бойлиги чексизлиги игна учи билан бир томчидан сув олаверган билан денгиз суви камаймаганига ўхшайди:

*Игна учи бирла жазб этиб нам,
Ким баҳр суйини айлагай кам.*
[Алишер Навоий. 9-ж., 1992; 28].

Куйидаги сатрларда эса **игна** лексемаси иштирокида шоир ажойиб бир фразеологик бирликдан фойдаланган:

*Анингдек тоғ сори туттилар йўл
Ки, игна солса ерга тушмагай ул.
Тамошога қўюб эл ул сифат юз
Ки, касратдин кўрунмай тоғ ила туз.*
[Алишер Навоий. 8-ж., 1991; 283].

Фарҳоднинг Ширин юртида бунёд этган мўъжизакор ишларини томоша қилишга йўл олган одамлар кўплигидан гўёки “игна солса ерга тушмагай”. Тилимиздаги бу қадимий фразема ҳозирда ҳам “Игна ташласанг, ерга тушмайди” шаклида деярли ўзгаришсиз яшаб келмоқда.

Йирик тилшунос Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да **игна** сўзи анча батафсил изоҳланган. Хусусан:

ИГНА - “тикиш учун хизмат қиладиган боши найзали, охири кўзли метал асбоб”. Бу от асли қадимги туркий тилдаги “ёпиштириб, зич тикилган” маъносини англатган **йиги** сифатидан (Девон, III, 32) - **нә** қўшимчаси билан ясалган: **йиги+нә**. Кейинроқ ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **йигинә** > **йигнә**; сўз бошидаги **й** талаффуз қилинмай қўйган: **игнә**. Сўзлашув нутқида **йигнә** сўзи таркибидаги **г** ундошини **й** ундошига алмаштириб **йийнә** шаклида, бу сўз бошидаги **й** ундошини **н** ундошига алмаштириб **нийнә** шаклида, бу сўз таркибидаги **й** ундошини ташлаб **нинә** шаклида ишлатиш ҳам мумкин; **игнә** сўзи таркибидаги **г** ундоши **й** ундошига алмаштирилиб **ийнә** шаклида ҳам ишлатилади [Раҳматуллаев Ш. I ж., 2000; 108].

Бу тикув курули номи туркий тилларнинг деярли барчасида учраши сир эмас.

Игна сўзининг яна бир туркийча синоними **бичак** ҳам қўлланганки, бу сўз буюк шоир давридаёқ нодир бўлиб қолган эди. Негаки, уни биз фақат бир ўринда - “Ғарайибус-сиғар”га кирган бир ғазалдагина учратдик холос:

*Ярамни тиккали бошинг уза бичакми экин,
Бичакда риштаи жонимму ё ипакму экин.*
[Алишер Навоий. 3-ж., 1988; 357].

Ярамни тиккани бошим узра бичами (игнами) экан, бичак (игна)даги жоним ипими ёки ипакми экан.

“Навоий асарлари луғати”да *бичак* - *игна*, *сўзон* деб кўрсатилган. [Навоий асарлари луғати, 1972; 121].

Шу ғазалнинг иккинчи байтида ҳам яна бир бичиш-тикиш асбоби номи учрайди:

*Кўз асру тиктим анинг ўймоғига, билманким,
Кўзум оқиму экин анда, ё сўнгакму экин?*

Буни ҳозирги тилда шундай ифодалаш мумкин: *Унинг ўймоғига кўп кўз тикдим, лекин ўймоқ ўрнидаги кўзим оқими ё суякми эканини била олмадим.*

Ўймоқ сўзи Навоий асарлари учун тузилган изоҳли луғатлардан ўрин олмаган. Бу сўз ҳозирда ҳам айрим ўзбек шеваларида ишлатилади. Луғатларда Хоразм ва Туркистон шеваларида **оймақ** - **ўймоқ** сўзи ҳозирги адабий тилига форс-тожик тилидан кириб ўрнашган **ангишвона** эканлиги қайд қилинган. [Ўзбек халқ шевалари луғати, 1971; 200].

Ўймоқ (ангишвона) - тикишда қўлни игна тешишидан ҳимоя қилиш ва игнани қалин материалдан итариб ўтказиш учун бармоққа кийиладиган қалпоқча. Ўймоқлар қадим замонларда ишлатилиб келган. Улар суяк, ёғоч ва металлдан ясалган. Навоий келтирган мисрадаги **ўймоқ** суякдан эканлиги англашилади.

Машҳур Севортъяннинг асарида *оймақ* бироз фонетик фарқланиш билан қирим-татар, қорақалпоқ, кабардин-болқор, қозоқ, нўғай, ўзбек, уйғур, турк, озарбайжон, қирғиз, олтой, бошқирд тилларида (диалектларида) учраши, асосан, ангишвона (русча *наперсток*) маъносини билдириши қайд этилган. Олим бу сўзнинг этимологияси тўғрисида сўз юритиб, *тешиш*, *тешик очиш*, *кавак қилиш*, *чуқур қилиш* маъноларини англаган **о:й-** / **ой-** феълидан **-моқ** кўшимчаси билан ясалганини кўрсатади. Аммо Л.Лигетининг туркий тилларнинг кўпчилигида йўқолиб кетган *тикмоқ* маъносидаги **о:й-** / **ой-** феълига этибор қаратгани билан ҳисоблашиш кераклигини ҳам ёзади. [Севортъян, 1974 г. –С.434].

Қайд этиш керакки, Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да **ўймоқ** сўзининг фақат “кичик чуқур, чуқурча” маъноси ва унинг келиб чиқиши изоҳланган [Раҳматуллаев Ш. I ж., 2000; 474]. Негадир олим Севортъянга ҳавола бергани ҳолда тикиш қуролини англаган **ўймоқ** оти тўғрисида фикр билдирмаган.

БИЙИЗ - бигиз.

Навоийнинг машҳур “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида бу этикдўзлик асбоби **бийиз** шаклида учрайди: “Ва «ёйий» мисол уч ҳаракатдан ортуқ топилмас: бийзки сорт «кадуд»дер ва бизки «мо» ва «нахну» маъниси биладур ва **бийзки** «дарафш» дерлар” [Алишер Навоий. 16-ж., 2000; 15].

Кўринадики, туркий тилдаги *бийз* сорт (тожик) тилида *дарафш* сўзи билан ифодаланар экан. Бизнингча, Навоий асарлари нашрларида кирилл ёзувидаги матнда берилганидек *бийз* эмас, **й** ундошидан кейинги қисқа **и** унлисини ҳам

ифодалаб, *бийиз* ёзилиши тўғрироқ. *Бийиз* ҳозирда тилимизда *бигиз* шаклида қўлланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдли. 7-жилд. –Т.: Фан, 1991.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдли. 9-жилд. –Т.: Фан, 1992.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдли. 8-жилд. –Т.: Фан, 1991.
4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. 1-ж. –Т.: Университет, 2000.
5. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдли. 3-жилд. –Т.: Фан, 1989.
6. Навоий асарлари луғати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.
7. Ўзбек халқ шевалари луғати /Масъул муҳаррир: Ш.Шоабдурахмонов. –Т.: Фан, 1971.
8. Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков: Общетюркские и межтюркские основы на гласные / АН СССР. Ин-т языкознания. –М.: Наука, 1974. -768 с.
9. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдли. 16-жилд. –Т.: Фан, 2000.
10. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдли. 4-жилд. –Т.: Фан, 1990.
11. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдли. 14-жилд. –Т.: Фан, 1998.
12. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдли. 10-жилд. –Т.: Фан, 1992.
13. Д. Юсупова, Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). –Т.: Академнашр, 2013.
14. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдли. 2-жилд. –Т.: Фан, 1987.
15. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. III жилд. –Т.: Фан, 1984.
16. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдли. 6-жилд. –Т.: Фан, 1990.
17. Тенешев Э., Благова Г. и др. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Лексика. –М.: Наука, 2001. –С. 399.
18. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони / Девону луғотит турк. Уч томлик. 1-том. –Т.: ЎзФА нашриёти, 1960.
19. Примов А. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асаридаги маиший лексикага оид сўзлар ҳақида . //Im sarchashmalari. –Urganch: 2020. 1-сон, 142-143 б.

ЎЗБЕК ТИЛИ ФОНЕТИКАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

Исломов Дилшод Шомуродович
БухДУ докторанти
Хайруллаева Умида Асқар қизи
БухДУ талабаси

Юртимизнинг кун сайин ҳар жабҳада ривожланиб бораётгани, илм-фан соҳасида ҳам илмий тадқиқот ишларини олиб бориш кераклигини тақозо қилмоқда. Жумладан муҳтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистонни қуришда ва ўта ривожланган давлатлар қаторидан жой олишда фақатгина илм ва таълим орқали эришилади” деган фикрлари, қолаверса, сўнгги 5 йилда ўзбек тилимизга берилётган эътибор ва имкониятлар бу тилни янада кўпроқ илмий тадқиқ қилиш кераклигини кўрсатмоқда. Шу омилларни инобатга олиб ўзбек тили фоностилистикаси устида илмий изланишлар олиб боришга қарор қилдик.

Ўзбек тилшунослигининг бугунги кунга келиб эришиётган ютуқлари билан бирга, ҳали илмий тадқиқотга муҳтож кўпгина соҳалар ҳам мавжуд. Бунга фонология ва морфонология, интонология ва стилистика, тил матншунослиги каби соҳалар ҳозиргача етарли ўрганилмаганлиги мисол бўла олади. Шуларни инобатга олиб илмий тадқиқот ишимизнинг мақсади: ўзбек тили фоностилистикасидаги мавжуд муаммолар ва тадқиқ қилинмаган бўлимларини ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш ва янгилигини аниқлашдан иборатдир. Барча тиллар фонологиясининг пайдо бўлиши нафақат тилшуносликда, балки барча ижтимоий фанларнинг ривожланишида катта бурилиш ясади. Машҳур француз олими К. Леви-Строснинг «Фонология ижтимоий фанларга нисбатан қанчалик янгиловчилик хизматини бажарган бўлса, хусусан, ядро физикаси ҳам барча аниқ фанларга нисбатан шунчалик хизмат қилган» деган фикрлари бунга мисол бўлади. Олимнинг фикрича фонология ҳам барча етакчи фанлар қаторига кира олишининг сабаби аниқ фанлар физикасиз ривожлана олмаслигидек, ижтимоий фанлар ҳам фонологиясиз ҳеч қандай ютуққа эриша олмайди. Бунга мисол қилиб, ундаги оппозиция (қарама-қаршилиқ), корреляция (бир турдаги бир неча оппозицияларнинг мажмуаси), интеграция (бир бутун бўлиб бирлашув) ва нейтрализация (оппозициянинг маълум ҳолатда йўқолиши) каби соҳалар фақат тилшуносликда эмас, бошқа ижтимоий фанларда ҳам, хусусан, мантик, фалсафа, тарих, антропология ва бошқаларда ҳам қўлланиб келинаётганлигини кўрсатиш мумкин. Ўз навбатида, фонема, аллофон ва архифонема тушунчалари эса, фалсафадаги умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик категорияларини ва диалектик қарама-қаршилиқ қонуниятини эслатади. Эндиликда «фонология етакчи фанларнинг классик намунасидир» десак муболаға бўлмайди. Таниқли файласуф ва тилшунос А. Ф. Лосевнинг фикрича, ҳозирги тилшуносликда барча фанларда қўлланивчи умумий илмий категорияларни аниқлаш ва уларнинг бутун бир системадаги турли жиҳатларини, кўпинча бир-бирига

қарама-қарши бўлган томонларини диалектик илмий қараш асосида чуқур ўрганиш зарур. Шу жумладан, В. К. Журавлёвнинг “Тилни система сифатида ўрганишнинг асосий маркази фонология ҳисобланади” деган фикри бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, ўзбек тилшунос олими А.А.Абдуазизовнинг “Фонология ҳозирги даврда биология, психология, адабиётшунослик, антропология, фалсафа, мантик, социология ва бошқа фанларда янги ғояларнинг вужудга келишида «Намунавий фан» («Наука - эталон») бўлиб хизмат қилмоқда” деган фикрлари фонологияга нисбатан берилган юқори баҳо эканлигини ҳамда фонологиянинг ўзига хос кўплаб хусусиятларини ҳам айнан юқоридаги олимларнинг фикрларидан билсак бўлади. Фонологиядаги баъзи хусусиятларнинг табиати бошқа фанлардаги турли ходисалар билан умумий қонуниятларга эга бўлишини машҳур фонологлар Н. С. Трубецкой ва Р.Якобсон ҳам қайд этган эдилар. Улар филологиянинг барча соҳалари, маданият, адабиётшунослик, музика назарияси, антропология ва этнографияга доир асарлар ҳам ёзганлар. Хусусан, улуг тилшунос Р. Якобсон буюк физик Нильс Бор билан биргаликда физика ва лингвистиканинг умумий жихатлари ҳақида семинар ташкил этган эдилар. Улардан бири товушнинг физик жихатига, иккинчиси товушнинг тилдаги аҳамиятига эътибор бериб, умумий қонуниятларни кашф этганлар.

Ўзбек тилида ундош фонемалар сони (25 та), унли фонемалар сони (6 та) га қараганда тўрт марта ортиқ. Шу сабабли ундошлар унлиларга қараганда анча кўпроқ қўлланади ва уларнинг фарқланиш кучи ва фонологик оппозицияларининг функционал хизмати ҳам анча ортиқ. Бинобарин, ўзбек тилида ундошлар унлиларга қараганда кўпроқ информацион ва фарқланиш белгиларига эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. D.Sh.Islomov. (2021). The Definition of The Concepts of «Phoneme» and «Phonostylistics». Middle European Scientific Bulletin, 9. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.9.204>
2. D.Sh.Islomov. (2021). Phonetics and Phonology. Middle European Scientific Bulletin, 11. Retrieved from <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/470>
3. Islomov, D. (2021). THE ROLE OF PHONOSTYLISTIC UNITS AND PHONEMES IN THE PROCESS OF TEACHING FRENCH TO ADULTS IN THE ANALYSIS OF EXAMPLES. Конференции, 1(1). <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.971>
4. ISLOMOV, D. Sh, and GA JAHONGIROVA. "THE ROLE OF PHONOSTYLISTICS AND PHONOSTYLISTIC UNITS IN TEACHING FRENCH AT HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS." E-Conference Globe. 2021.
5. Д.Ш. Исломов. “Поэтические формы как культуроведческий компонент при обучении иностранному языку». Статьи в Академии Наука. Мысль: электронный периодический журнал, 2015. URL:

- <https://cyberleninka.ru/article/n/poeticheskie-formy-kak-kulturovedcheskiy-komponent-pri-obuchenii-inostrannomu-yazyku> (дата обращения: 13.03.2021).
6. Д Исламов, НВ Ванцова, ТМ Хусяинов - “Возможности использования проектной методики при преподавании иностранных языков” Наука. Мысль: электронный периодический журнал, 2016. 6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vozmozhnosti-ispolzovaniya-proektnoy-metodiki-pri-prepodavanii-inostrannyh-yazykov> (дата обращения: 13.03.2021).
 7. Mr. Babayev Otabek Abdikarimovich. (2020). THE TRUE VALUES OF THE MAVLONO JALOLIDDIN MUHAMMAD RUMIY’S PHILOSOPHY IN RUSSIAN TRANSLATIONS. International Journal on Orange Technologies, 2(12), 68-71. <https://doi.org/10.31149/ijot.v2i12.1091>
 8. Ruslan Rajabmurodovich Radjabov. (2021). THE FRENCH FUTURE: MODALITY IN ENGLISH. Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL), 2(06), 60-67. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/W4Q8A>.
 9. RADJABOV, R. R., & TOSHPULATOVA, N. (2021, March). SCIENTIFIC AND THEORETICAL VIEWS ON VITICULTURE AND ITS ROLE IN THE WORLD COMMUNITY. In E-Conference Globe (pp. 23-27).
 10. RADJABOV, R. R., & MAKHMUDOVA, S. (2021, March). THE ROLE OF ART OF TRANSLATION IN THE DEVELOPMENT OF WESTERN AND EASTERN LINGUISTICS. In E-Conference Globe (pp. 310-315).

HALIMA XUDOYBERDIYEVA SHE’RIYATINING SINTAKTIK XUSUSIYATLARI TAHLILI

*Eshniyozova Gulhayo Hamroqul qizi,
Navoiy davlat pedagogika instituti mustaqil tadqiqotchisi*

Badiiy nutqning ta’sirchanligini ta’minlashda sintaktik usuldan keng foydalaniladi. Halima Xudoyberdiyeva she’rlarida badiiy uslub individualligini ta’minlashda sintaktik vositalardan ham mahorat bilan foydalana olgan. Sintaktik parallelizm, emotsional gap, ritorik so’roq gap, inversiya, ellipsis, gradatsiya, antiteza, o’xshatish kabilar shular jumlasidandir. Sanalgan sintaktik vositalar she’riy nutq ta’sirchanligini boyitish bilan birga ma’noni kuchaytirishga, fikrning batafsil, atroflicha ifodalanishiga, tasvir obyekt bilan bog’liq ma’lumotlar fondining kengayib borishiga yetarlicha xizmat qilgan.

Sintaktik parallelizm. Badiiy matnda, shuningdek, uning bir ko‘rinishi bo‘lgan she’riyatda sintaktik jihatdan bir xil shakllangan gaplar ko‘p qo‘llaniladiki, ular she’r ta’sirchanligini oshirishga xizmat qiladi. Tilshunoslikda bunday qurilmalar parallelizm atamasi ostida o‘rganiladi. Parallelizm (yunoncha, parallelos-yonma-yon boruvchi) yonma-yon gaplar, sintagmalarning bir xil sintaktik qurilishga ega bo‘lishi. Shoira Halima Xudoyberdiyeva she’riyatida sintaktik parallelizmlarning go‘zal namunalarini ko‘plab uchratish mumkin. Jumladan,

*Dunyoning borligi - Siz borligingiz,
Dunyoning torligi - Siz torligingiz,
“Men bilan qiynalib ketding” dedingiz,
Qiynalib yashamoq- yozug‘im mening!*

(“Mening yozug‘im” she‘ridan).

Mazkur banddagi sintaktik parallelizm Dunyoning borligi - Siz borligingiz, “Dunyoning torligi - Siz torligingiz” milliy mentalitetimiz bilan bog‘liq kuchli mantiqqa ishora qiladi. Odatda, haqiqiy o‘zbek ayollari turmush o‘rtog‘ini “ko‘z ochib ko‘rganim” deb qabul qiladi va (yostiqdoshi bilan bog‘liq) boshiga har neki sinov-sinoat tushsa ham, undan voz kechib o‘ziga “qulay sharoit” yaratish haqida o‘ylamaydi hatto. Bunday xayolga bormoqning o‘zi sadoqatli ayol vijdonini kirlaydi go‘yo.

Emotsional gaplar. So‘zlovchining o‘ta xursandlik yoki o‘ta xafalik holatlarini yoki qahramonning his-hayajonini, voqea-hodisaga emotsional munosabatini ifodalovchi gaplar emotsional gaplar hisoblanadi. Emotsional gaplar tarkibida maxsus ijobiy va salbiy bo‘yoqdor so‘zlar (chehra, o‘ktam, nozik, tabassum qilmoq, turq, qo‘pol, ramaqijon, irshaymoq kabi) mavjud bo‘ladi. O‘sha so‘zlar orqali qahramon ruhiyatida kechayotgan sevinish, qo‘rquv, g‘azab kabi psixologik jarayonlarni hamda ijodkorning tasvir obyektiga nisbatan subyektiv munosabatini bilib olamiz.

Shoira Halima Xudoyberdiyeva she‘rlarida his-tuyg‘u ifodalovchi undovlarga kamroq murojaat etadi. Ularning o‘rnida undalmalarni, to‘g‘ridan to‘g‘ri murojaat shakllarini ko‘proq qo‘llaydi. Masalan, “Vatan! Sening yigirma million Daryoyingni urush quritdi. Oqdi shuncha daryolarda qon, Shuncha dardni yuraging yutdi”. (“Vatan” she‘ridan) Onaginam! Dorilamon kunlar keldi, shafaqlari ol, Qayon borsang, shaylanishlar va sozlashlar tor, Olcha gulin ko‘zlaringga surtasan behol “Bu kunlarga yetganlar bor, yetmaganlar bor” (“Dorilamon kunlar keldi” she‘ridan);

“O, mening qattiq jonim! Ishonamanki, Sen chidab berasan bu talablarga jim. (“Yuragimda barglar shiviri” she‘ridan)”, Otaginam! Siz ketdingiz, qoldi ketmon-u, paxta, Paymonangiz shuncha erta to‘lishini bilmabman (“Oq olmalar pishganda” she‘ridan).

Ijodkor asarlarining hech biri “she‘rning joni bo‘lgan” emotsional o‘rinlardan xoli emas.

Ritorik so‘roq gaplar ham badiiy matnning emotsional-ekspressivligini ta‘minlovchi uslubiy vositalardan hisoblanishi sir emas. Tasdiq va inkor mazmuniga ega bo‘lgan, tinglovchidan javob talab qilmaydigan gaplar ritorik so‘roq gap deyiladi. Ba‘zan ritorik so‘roq gaplar tarkibida nahotki, axir so‘zlari keladi. Ular nutqqa ko‘tarinki ruh bag‘ishlaydi va tasdiqning kuchli emotsiya bilan ta‘kidlanishi uchun xizmat qiladi. Bunday gap shakllari qahramonning hayratlanishini, quvonchini, ajablanishini, shubha va gumonsirashini, g‘azab va nafratini ifodalashda juda qo‘l keladi. Ichki va tashqi nutqda, monologik va dialogik nutqlarda keng qo‘llaniladi.

Hovlingizda yotsa kimdir jon talashib, Siz uning og‘ziga suv tomizgan damlar, Men kuylay beraymi o‘z uyimda qo‘shiq? Oqibat, oqibat shumi, ey odamlar! (“Oqibat” she‘ridan)

Payt poylamay, shodmon keling, tortib qo‘shin – Xolis keling bag‘rin ochib kutmasmi, xalq. Bir qushchaga zavol bo‘lmay safga qo‘shing, Soyangizga salom berib o‘tmasmi xalq... (“Burgutlarim” she‘ridan)

Inversiya deb gap bo‘laklarining o‘rin almashinishi, yoki gap bo‘laklari joylashish tartibining ma‘lum bir maqsad bilan o‘zgarishi hodisasiga aytiladi. Inversiya, odatda, og‘zaki nutqqa xos xususiyat. Badiiy matnda qahramonlar nutqini jonli nutqqa yaqinlashtirishda, ularning tilini individuallashtirishda mazkur usuldan foydalaniladi. Ayniqsa, she‘riyatda ifodalilikni, ohangdorlikni va ta‘sirchanlikni ta‘minlovchi muhim uslubiy vosita sifatida ko‘p ishlatiladi.

Ijodkorning “Tog‘lardagi jayronidir O‘zbekning”, “Izlang meni”, “Men qalbinga aylaيمان savol”, “Baxt keladi bizlarni izlab”, “O‘chgan o‘tni yondirma qayta”, “Umr oti chopag‘on juda”, “Seni kimlar qilmaydi talash” kabi o‘nlab she‘rlari sarlavhalarida ham inversiya hodisasini kuzatishimiz mumkin.

Ellipsis (yun. “elleipsis” - tushish, tushirilish) deb nutqiy aloqa jarayonida gap bo‘laklarining muayyan maqsad bilan tushirilishi hodisasiga aytiladi. Bunday tushirilish tildagi lingvistik iqtisod - lisoniy tejamkorlik tamoyili asosida amalga oshiriladi. Masalan:

1) Inson aslan buyuk, aslan bechora... (Misraning “Inson aslan buyuk” qismiga nisbatan olinganda uning “aslan bechora” qismida inson so‘zi ellipsisga uchragan,);

2) Siz topmishim, yo‘qotmishimmas, (Siz topmishim, siz yo‘qotmishimmas)

Sor lochinim, ojiz qushimmas. (Siz sor lochinim, siz ojiz qushimmas)

Siz dunyoda rost deb tutganim -

Tutolmagan yolg‘on tushimmas. (Siz tutolmagan yolg‘on tushimmas)

Bandning to‘rt o‘rnida sen olmoshi o‘rnida hurmat, ardoq, o‘zbek ayoliga xos andisha yuzasidan qo‘llanilgan siz so‘zi ellipsisini kuzatamiz.

Gradatsiya (lot. “gradation” - zinapoya, bosqichma-bosqich kuchaytirish)- nutq parchalaridan biri ikkinchisining ma‘nosini kuchaytirib borishdan iborat uslubiy jarayon. Badiiy adabiyotda holatlarni, tuyg‘u va kechinmalarni qiyoslashda, hishayajonlar junbushini to‘liq ifodalashda gradatsiya usulidan foydalaniladi. Halima Xudoyberdiyevaning “Turon” she‘ri boshdan oxir ko‘tariluvchi (klimaks) gradatsiyaga asoslangan:

O‘ngimda ruhimga o‘q otgan fikr,

Ko‘nglimga bir yorug‘ cho‘g‘ otgan fikr.

Uyqumda qonimni uyg‘otgan fikr:

“Turklikning muqaddas o‘chog‘i Turon”.

Antiteza (“antithesis” - qarama-qarshi qo‘yish, zidlash) deb mantiqiy jihatdan qiyoslanuvchi fikr, tushuncha, sezgi va timsollarni qarama-qarshi qo‘yish, zidlash hodisasiga aytiladi. Voqea-hodisalar mohiyatidagi ziddiyatni ochish uchun asosan, badiiy nutqda zid ma‘noli qo‘shimchalar, zidlovchi bog‘lovchilar, so‘z va iboralardan foydalaniladi. Zidlash, asosan, bog‘langan va bog‘lovchisiz qo‘shma gap shakllarida kuzatiladi. Badiiy matnni lisoniy jihatdan tahlil qilishda zidlantirishdan yozuvchining ko‘zda tutgan maqsadi nima ekanligini aniqlash talab qilinadi. Ijodkorning mahorati zidlantirilayotgan voqeliklar uchun tanlangan ifoda materialida yanada aniq ko‘rinadi. Masalan:

*Vatan jim turadi, ammo u haqda
Tog‘dan tushib kelgan tosh so‘z aytadi.
Vatan jim turadi, bayrog‘i yonib
Boshidagi tug‘i aytadi so‘zni*

(“Vatan jim turadi” she’ridan).

She’riyat nafis tuyg‘ular ifodasidir. Bu turning qanchalar nafis, chiroyli tug‘ilishi shoir mahoratiga bog‘liq. Mahorat juda zarur, lekin u she’r bilan birga bir butunlikda tug‘ilishi, tabiiy nutqni buzmasligi zarur. She’riy musiqa, tovushlar ohangdoshligi badiiy zaiflikni yashirishga emas, balki she’rdagi shakl va mazmun uyg‘unligi hamda musiqiyiligini ta’minlashga xizmat qilishi lozim. Mahorat va iste’dod bir-birini to‘ldirib kelishi taqozosi she’riyatning bosh talablaridan biridirki, Halima Xudoyberdiyeva she’riyati ularga “labbay” deb javob beradi, deb aytishga to‘la haqlimiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш. ва б. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: XXI аср авлоди, 2001.
2. Қўчқортюев И. Бадий нутқ стилистикаси. –Т., 1975.
3. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. –Т.: Фан, 1977.
4. Қодиров П. Тил ва эл. –Тошкент: Фафур Гулом, 2005.
5. Раҳимжонов Н., Ҳамидова М. Ҳалима Худойбердиева лирикаси. –Т., 2004.
6. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1993.
7. www.referat.uz
8. www.ziyounet.uz

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМА СИФАТИДА

*Абдуллаев Акмал Амирович,
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институти таянч докторанти*

Дунё тилшунослигида топонимларни халқнинг миллий онги, этногенези ва тарихи, маданияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш ономастик тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Дунё тилшунослигининг замонавий йўналишларидан бўлган лингвокультурология – маданиятшунослик ва тилшунослик фанлари ўртасида юзага келган фанлараро фан бўлиб, тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлиги, маданий факторларнинг тилда акс этилишини ўрганади [1; 83]. Лингвокультурологик кўламда тил макон ва замон сатҳларида маданий билимларни вербаллаштирувчи, сақловчи ва узатувчи восита сифатида талқин этилади [2; 118, 3; 97, 4; 30, 5; 67]. В.В.Воробьёвнинг таърифлашича,

лингвокультурология синтезлашган типга мансуб мураккаб илмий йўналиш бўлиб, тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқ муносабатини тизимли методлар ёрдамида тил бирликларида акс этишини тадқиқ этадиган фандир [4; 32]. Лингвокультурологиянинг фан сифатида шаклланиши ва унинг асосий ҳолатлари ҳақида гапирилганда, деярли барча тадқиқотчилар бу назариянинг илдизи немис тилшуноси В.Ф. Гумбольдтга бориб тақалишини таъкидлайдилар. Жумладан, В. фон Гумбольдт: “Миллатим тилининг чегараси менинг дунёқарашимни белгилайди”, - деб таъкидлаган [6; 194].

Лингвокультурология фанининг асосий тушунчаларидан бири бу лингвокультуремадир. Ушбу атама фанга В.В.Воробьев томонидан киритилган. Лингвокультурема сатҳлараро бирлик бўлиб, ўз ичига шакл ва маънони олади. Унинг асосий хусусиятларидан бири бу - унинг маъносида даврлар ва ижтимоий воқеликлар фонида мужассамлашган маданий ахборотдир. Лингвокультурема ўз семантикасида (маъносида) маданиятнинг бирор бўлагини акс этирувчи тил ёки нутқ бирлигидир. Сўздан фарқли равишда лингвокультурема ўз таркибига нафақат тил (лисоний аҳамият касб этадиган), балки маданият (тилдан ташқари маданий маънолар) сегментларини ҳам олади.

Рус тилшуноси В.А.Маслова лингвокультуремаларни 9 хил турга ажратади: 1) тилнинг эквивалентсиз луғат қатлами, яъни реалиялар (миллий либослар, таомлар, маросим ва байрамлар, анъаналар); 2) мифологемалар – архетиплар, афсонавий қаҳрамонлар, образлар, маросим ва удумлар, ритуаллар; 3) тилнинг паремиологик фонди (мақоллар, маталлар ва ҳикматли сўзларни); 4) тилнинг фразеологик фонди; 5) эталонлар, стереотиплар, символлар; 6) метафора ва образлар); 7) тилларнинг стилистик қатламлари (адабий/ноадабий ва ҳ к.); 8) нутқий ахлоқ ва феъл-атвор; 9) нутқ этикети-расмий ва норасмий мулоқот [5; 54]. Топонимлар, жумладан, этнотопонимлар лингвокультурема, яъни маданий белгиланган лисоний бирлик сифатида талқин қилиниши мумкин, чунки улар ўзининг семантикасида маълум бир халқга тегишли бўлган турли хил рамзий маънолар, диний қарашлар ва ривоятлар, халқ тарихини акс этадилар.

Мазкур мақолада тадқиқ этилаётган Тошкент вилоятига тааллуқли бўлган этнотопонимларни биз лингвокультурема сифатида талқин этамиз. Сабаби, этнотопонимлар маданий белгиланган лисоний бирлик бўлиб, ўз семантикасида кўплаб тарихий воқеалар, этногенезис, этник анъаналар, рамзлар, образлар, мифологемаларни акс этади. Бу эса, ўз навбатида, этнотопонимларнинг ҳар бир тилда ўз тарихий-этимологик, миллий-маданий талқинига эга эканлигидан далолат беради. Этнотопонимларнинг этник маданий хусусиятларини ундаги ўзига хос рамзлар, диний ва мифологик қарашлар, маданий қадриятларнинг акс этишида кўриш мумкин.

Масалан, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги топонимлар орасида ранг компонентли топонимлар мавжуд: *Оқтош*, *Қорамозор*, *Қорабулоқ*, *Оқсув*, *Оқ тахта* ва *Қора тахта*, *Қизилсув* ва ҳоказо. Ранг компонентли топонимлар орасида “оқ” компонентли топонимлар нисбатан кўп ва кенг қўлланилади. Бунинг сабаби эса оқ рангининг ўзбек лингвомаданиятида

алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ва бир қатор рамзий маъноларга эгаллиги билан изоҳланади. Оқ ранги қадимдан поклик, беғуборлик, нафислик, сокинлик, тотувлик, тинчлик, дўстлик, бундан ташқари, улуғлик ва катталиқ каби рамзларни англатган. Шунинг учун ҳам, ўзбек лингвомаданиятида узоқ йўлдан олдин “оқ йўл” тилаги билдирилади, оқ кабутар эса тинчлик рамзи ҳисобланади. Бизнинг кузатувларимизга кўра, “оқ” ранг компоненти кўпинча гидронимлар ва оронимлар таркибида қўлланади ва “шаффоф, тоза, пок, катта, улуғ” маъносини ифодалайди. Бундан ташқари, оқ ва қора ранглари яхши ва ёмон сўзларининг рамзий лексикони сифатида ҳам ишлатилади. Масалан: *Оқсув* “тоза, шаффоф сув”; *Оқтош* “катта, улуғ, баланд тоғ мавзеси” маъноларини англатади. Мисол учун, Қорамозор қишлоғи – Оқсоқота қирғоғидаги энг катта аҳоли масканларидан бири. Унда қадимги аждодларимиз саклар, парнлар яшаган. Ҳозирги Паркент туманининг Сўқоқ ва Заркент ҳамда Ёттикентдаги бошқа қишлоқлар билан Омонйўл ва Ёмонйўл деб аталган йўллар билан боғланган. Қишлоқнинг бундай деб аталишига сабаб бу ердаги қабристоннинг катталиги бўлган. Бу атамадаги “қора” сўзи “катта” маъносида ишлатилган. Қорабулоқ ҳам русча таржимада “чёрный родник” эмас “большой родник” маъносида шундай аталади.

Бу ҳудуддаги кўпгина этнотопонимлар ўз маъноларида мазкур ҳудудда бўлиб ўтган турли тарихий жараёнларни акс эттиради. Бу ерда яшаётган турли хил элатлар ва уруғларнинг номига қўйилган топонимлар бунга ёрқин мисол бўла олади: *Қораманас, Уймовут, Қипчоқ, Жалоир, Аранчи ва бошқалар*. Баъзи топонимлар номи ушбу ҳудудда содир бўлган ижтимоий воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ. Жумладан, Бўстонликдаги “Қоранқул” қишлоғининг тарихий-этимологияси бу ерда қадимда бўлган катта бозор билан боғлиқ. Буюк ипак йўлининг Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғидан ўтган йўналишида жойлашган бу мавзеда катта бозор бўлган ва бу бозорда катта кул савдоси амалга оширилган. “Қора минг кул сотилган жой”, кейин эса “Қоранқул” деб номланиб кетган. Албатта, бу этимология аҳолининг ривояти билан боғлиқ ва илмий асосга эга эмас.

Ушбу ареалдаги бир қатор топонимлар ўз маъносида диний ва мифологик қарашларни ҳам акс этади. Масалан, Бўстонликдаги “Нанай” қишлоғининг тарихи ва этимологиясига бироз тўхталамиз. Бу манзил Пском дарёсининг чап қирғоғида жойлашган ва ва жуда қадим замонлардан бери аҳоли гавжум яшаб келаётган масканлардан бири бўлган. Бир гуруҳ олимлар унинг номи қадимий Месопотамия (Шумер)да ҳурмати жуда баланд бўлган ҳосилдорлик маъбудаси ва тирик мавжудотларнинг волидаси ҳисобланган нанайя шарафига қўйилган, деган тахминни олға суришган. Аҳоли орасида эса унинг номланишининг учта нақли авлоддан-авлодга ўтиб келади. Биринчисига кўра, атама шу ҳудудларда ўсадиган ва дориворлик хислати кучли бўлган “нана” ўсимлигига нисбат бериб танланган. Иккинчи нақл тарафдорлари эса, қишлоқ тожикларнинг қадимги эътиқодига кўра Нона деб аталган ва “покиза”, “гўзал” маъносини билдирувчи маъбудаси шарафига шундай номланган, деб ҳисоблайдилар. Яна бир гуруҳ эса қишлоқнинг номи тожикча сўзлар - “нон” ва “ҳай”, яъни “нон бор”

сўзларининг брикишидан келиб чиққан, дейишади ва буни қуйидагича асослашади. Эмишки, ушбу масканнинг биринчи одамлари дарёнинг туубидан омочга ўхшаган нарса топишибди, у билан ер ҳайдашиб, бугдой экиб, ҳосилини йиғиштириб олишибди ва ундан нон ёпишиб, энди нонимиз бор, деб айтишибди ва шу тариқа қишлоқнинг номи шундай аталиб кетибди. Баъзи илмий фаразларга кўра, ушбу қишлоқ қадимда шаҳар бўлган ва бу мавзе номининг яна битта нақли лотинча “нона” – тўққиз рақам билан боғлиқ. Чунки у ушбу ҳудудда қадимда шаклланган Шохжувор, Ланкет, Ардланкет, Сижжак, Ғазалкент, Хўжакент, Чимбойлиқ, Кулбосган шаҳарларидан кейин, ҳақиқатан ҳам, туман ҳудудидаги қадим шаҳарлардан тўққизинчиси бўлиб чиқади. Бу рўйхатдан у ҳақда унча маълумотлар етарли бўлмаган Кулбосганни чиқариб ташлаганда ҳам, унинг ўрнига Баркушни қўшса, Нанай барибир тўққизинчи бўлиб қолаверади. Лотинча бу сўз бу ерда қандай пайдо бўлди, деб ажабланишга ҳожат йўқ. Чунки Нанай шаклланаётган пайтда бу тил жаҳон халқларининг бир-бирлари билан алоқа қилиб турадиган тил вазифасини бажараётган эди ва Буюк ипак йўли шаҳобчаси орқали бу ҳудудга ҳам етиб келган бўлса ажаб эмас.

Этнонимлар ҳар бир даврда маълум бир ҳудудда яшаб келаётган этник гуруҳлар ҳақида маълумот берувчи лисоний бирлик саналади. Этнотопонимлар эса элат ва қавмлар яшаб келган жойлар, ҳудудларни муайянлаштириш ва аниқлашга хизмат қилади. Айтиш мумкинки, вилоят ҳудудида кўплаб этнотопонимлар мавжуд. Улар турли даврларда, турлича шароитлар асосида пайдо бўлиб, бугунги кунга қадар тилимизда фаол қўлланиб келинмоқда. Демак, миллат номлари асосида шаклланган этнотопонимлар тарихий муҳит, шарт-шароит ҳақида ахборот тасҳисҳ билан бир қаторда, миллат лексикасига ҳам ўз таъсирини ўтказади ва маҳаллий аҳолини этник таркибини ифодаловчи номлар – этнонимлар жамият тараққиёти таъсирида йўқолиб борса-да, аҳоли манзилларининг махсус атоқли номи сифатида топонимик лексиконда сақланиб қолади [7; 74].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, республикамизнинг бошқа ҳудудлари каби Тошкент вилояти топонимларининг номланишида ҳам ўзига хос этник маъно ва мазмун мавжуд бўлиб, унда ушбу ҳудудда қадимдан яшаб келаётган халқнинг турмуш тарзи, узоқ даврлардан шаклланиб келаётган анъаналари ва этномаданияти, касб-кори, меҳнат характери ва мазкур ҳудуднинг жўғрофий тузилиши билан боғлиқ тушунчалар ўз ифодасини топган. Тошкент вилояти топонимларини лингвомаданий мероснинг таркибий қисми сифатида комплекс таҳлил қилиниши эса ушбу ҳудудда кўпдан бери яшаб келаётган халқнинг этнос сифатида шаклланиш тарихи, этник тафаккурининг тараққиёт қонуниятлари ва мазкур ареалга оид топонимик атамаларнинг тарихий шаклланишига доир ўзига хос лисоний қурилмаларни аниқлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аноркулов С. И. // Немис ва ўзбек топонимлари лингвокультурема сифатида. Хорижий филология. №4, 2019, 83-б.
2. Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка. 4 изд., стер. –М.: Флинта-Наука, 2014. –288 с.
3. Вежбицкая А. Понимание культур через посредство ключевых слов. –М.: Языки славянской культуры, 2001. – 288 с.
4. Воробьев В. В. Лингвокультурология (теория и методы) –М.: Академия, 2008. –331 с.
5. Маслова В. А. Лингвокультурология. –М.: Академия, 2007. –208 с.
6. Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. Пер. с нем./Под общ.ред. Рамишвили Г. В.: –М.: Прогресс, 1984. –400 с.
7. Kilichev V. E., Safarova M. Z. // Xalq va millat nomlari asosida shakllangan etnotoponimlar. Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti. №2, 2019. 74-b.

МАТОНАТДА НАЗИРИ ЙЎҚ ЭДИ

*Неъматова Санура Мустафакуловна,
ЖДПИ ўқитувчиси*

Ўзбекистон давлатининг мустақиллик давридаги тараққиёти ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча қирраларида бўлгани каби маданий-маърифий соҳаларда ҳам тарихий ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Қадимий меросимиз илдизларини кўрсатиш ўтмишдаги бой анъаналарни, миллий қадрият ва маънавий бойликларимизни янги жамият қурилишига татбиқ этиш бугунги ҳаётимизнинг бош вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг: “...биз халқимизнинг маънавий камол топишида маданият намояндаларининг улкан хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз” [1], деган сўзлари, назаримизда, тўлалигича қалам аҳлига ҳам даҳлдордир.

Қадимий, биз авлодлар учун қадрли булган турк заминининг ғурури саналган буюк шахслар, улуғ саркардалар, элу юрти учун жонини фидо қилган ватанпарвар боболаримиз яшаб ўтган. Шундай улуғ, жасур, мард боболаримиздан Амир Темури, Жалололдин Мангуберди, Атилла, Искандар Зулқарнайн ва бошқаларни айтиш мумкин. Жумладан, Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам ана шундай қаҳрамон, шижоатли подшолардан бири бўлган. Бобурнинг шижоати, фавқулодда истеъдоди, салоҳияти ва қаҳрамонлиги чет эл олимлари томонидан эътироф этилган. Масалан, рус олими Веселовский Бобурни Юлий Цезардан устун қўйган.

Бобурнинг ниҳоятда бақувватлиги, чапдастлиги, шижоатлилиги унинг озгина қўшин билан ўз аскарларидан ўн баравар кўп душмани устидан ғолиб чиқишини таъминлаган. У бир ўринда: “Етти от чарчагунча урушдим, чарчаган отлар ўрнига янги, чарчамаган отларни пешкаш қилар, мен уларга сачраб (сакраб) миниб урушни давом эттирдим”, деган эди. У яна бир куни

қўшинлар сувдан ўтишга журъат қилмай турганда, қаттиқ совуқ бўлишига қарамай, отдан тушиб, ечиниб, етти марта шўнғиганлигини айтади. Бобурнинг бу фидойилигини кўрган қўшинлар сувдан кўркмай тезда ўтиб кетишади.

“Бобурнома”нинг милодий 1528 йилги воқеаларида шундай дейилади: “Сешанба куни, ўрда тўғриси сабзалиқ орол бор экандур, кема била ўтуб ул оролни сайр қилиб... кемага кирдим. Отлиқ сайр қилурда дарё ёқасида ғофил борилғон жарнинг усти била ўттим. От дарё қилғон жарнинг устига чикқач жар учти, мен филҳол сакраб, ўзимни ёқоға солдим, от ҳам ўчмади. Агар мен отнинг устида бўлсам эди, ғолиб бу эдиким, от била ўк учгай эдим. Ушбу куни Ганг дарёсини қўл солиб ўттим”.

Кўриниб турибдики, Бобур чўкиб кетаётган жардан сакраб ҳам ўзини, ҳам отини сақлаб қолган.

Бобур Мовароуннахрдан Ҳиндистонгача ҳудудларда қанча дарё бўлса, ҳаммасидан сузиб ўтган. Табиат инжиқликларини, қор ва ёмғирларини, қаҳратон совуқ, жазирама иссиқларни писанд қилмаган. Қийинчиликларга дуч келганида ўзи биринчи бўлиб ўрнақ кўрсатган.

Масалан, Бобур Султон Ҳусайн Бойқаро вафоти муносабати билан фотиҳа ўқиш учун Ҳиротга боради. Мирзолар билан учрашади. Шайбонийларга қарши улар билан биргаликда бир иш қила олмаслигини англаб, қаҳратон қишда Ҳиротдан Қобул сари тоғ орқали йўлга чиқади. Йўлда адашиб, қаттиқ совуқ, қор ва бўрон гирдобида азоб чекади. У шундай пайтда ҳам олдинга ўтиб, қорни тешиб, оз-оздан йўл очиб боради. Ҳамроҳлари ташқарида қолганида у иссиқ, пана жойда ўтиришни истамайди. Унинг бу мардлиги ҳазрати Умар, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валийлар ҳимматини эслатади.

Бобур форсий тилдаги «Дўст билан биргаликда ўлим тўйдир» деган мақолни такрорлаб турган. У жангларда ҳам қалқонсиз, муҳофазасиз олдинда борган. Ҳиндистонни забт этишда Панипат жанги алоҳида ўрин тутди. Бу жангда Бобур ўн минг аскар билан Иброҳим Лўдийнинг юз минглик қўшинига қарши туради. (Бу ўринда киши ишониши қийин, лекин воқеликда содир бўлиб, қизиқ бир воқеани эслаш мумкин: "Тилшуносликка кириш" ўқув фанидан имтиҳон қабул қилаётган доцентнинг: "Тил нима?" - деб берган саволига талаба ўз тилига ишора қилиб: "Мана бу,"- деб жавоб беради. Доцент бундан табиийки, ғазабланади ва масала катта мунозарага айланади Пировард оқибатда, ҳакамлар талабанинг ҳақлиги ҳақида якуний хулосага келишди - жавоб саволга монанд, жавоб - саволнинг акс садоси!). Ана шундай кучлар нисбати тенгсиз бўлган жангда ҳам Бобурнинг шахсий шижоати, саркардалиқ салоҳияти жуда кўл келган. У жангда ғалаба қозонган. Мардликни қарангки, Иброҳим Лўдийни «қалин ўликлар ичидан топдириб, шаҳона дафн қилдирдим» дейди.

Бобурнинг жисмонан ўта бақувват бўлганини шундан ҳам биламизки, у кечки машқ пайтида юз килолик вазндаги паҳлавонлардан икки нафарини икки елкасига миндириб чопар экан. Унинг бошқа инсонларда кам учрайдиган яна бир мардлиги шуки, у навқирон, соғлом бир пайтда ўғли Ҳумоюннинг сихат

топиши учун ўз жонини тасаддуқ қилади. «Бобурнома»да бундай ўринларни жуда кўплаб учратиш мумкин.

Демак, Бобурнинг сийрати ва тийнати, сўзи ва амали бир эканлиги, тасавуридаги комил инсон ҳақидаги таърифларга тўла мос келади. Зеро, инсоннинг сўзи ва амали бир эмас экан, унда маънавият ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас. Сўзи билан иши бир-бирига мутаносиб келиши – бу маънавият ва диёнатнинг асосидир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур қариндошларга, хусусан, фарзандларига ўта меҳрибон эди, улардан ҳатто жонини ҳам аямас эди. Бу таърифнинг исботи учун қуйидаги фавқулодда ёрқин ва ибратомиз бир мисол келтирамиз. Маълумки Бобур Ҳиндистон забт этгач, Ҳиндистоннинг катта вилоятларидан бўлган Санбалга катта ўғли Ҳумоюнни ҳоким қилиб жўнатган эди. Ҳумоюн у ерда оғир касал бўлиб қолади. Бу ҳақда шундай ёзилади.

“Ва Муҳаммад Ҳумоюн Санбалғаким, анинг жойгири эрди, рухсат берилди. Олти ойгача анда эли: зоҳиран, ани ер ва суйи хуш ёкмади. Иситма тутар экандур, бора бора узоққа тортар. Тоноки биз эшиттук, фармон берилдиким, Дехлиға келтуруб. Дехлидин кемаға солиб келтурсунларким, ҳакими ҳозиклар кўруб, дардиға даво қилсунлар. Бир неча кунда дарё йўли билан келтурдилар ва табиблар ҳар неча дору дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абулқосим ким, улуғ киши эрди, арзға еткурдиким, ушмундоқ дардларға дармон будурким, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ керак. Тоинки тенгри таоло сихҳат бергай. Менинг кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюн (нинг) мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, худой қабул қилсун. Хожа Халифа, ўзга муқарраблардин арзға тетурдиларким, Муҳаммад Ҳумоюн сихҳат топар, сиз бу сўзи нечун тилингизга келтурасиз. Ғараз будурким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўшал олмоским, Иброҳимни урушида тушуб эрди.

Муҳаммад Ҳумоюнга иноят қилиб эрдингиз, тасаддуқ қилмоқ керак. Тилга келдиким, Дунё моли анинг эвазига нечук бўлғай, мен анинг фидоси қилур менким, ҳол анга мушқил бўлибтур... Ва андин ўтубтурким, мен анинг бетоқатлиғини тоқат келтургаймен, Ўшал ҳолатта кириб, уч қатла бошидан ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳар не дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сихҳат бўлуб кўпти. Мен нохуш бўлиб йиқилдим. Аъёни давлат ва аркони мамлакатни чорлаб, байъат қўлларини Ҳумоюнни қўлиға бериб, жойнишинлиғиға ва валиахдлиғиға насб қилдим. Ва тахтни анга топшурдум”. Неча минг йиллик дунё халқлари тарихи ва адабиётида ҳам ўхшаши йўқ бу унутилмас ҳаётий лавҳадан матндан равшан бўладиким, Бобур катта фарзанди Ҳумоюннинг хасталиғига жуда қаттиқ бетоқатликда қолади. Аркони давлат ходимларидан бўлган халифанинг бундай касалга қимматли нарсалардан тасаддуқ қилса бўлади деган маслаҳатига ҳам эътибор бермайди. Ҳумоюннинг энг яхши кўрган кишиси, яхшироқ нимарсаси мен, деб ўзининг жонини Ҳумоюн учун тасаддуқ қилади. Натижада Ҳумоюн дарддан енгил бўлади ва Ҳумоюн оёққа туради. Бобур эса оғир беҳол бўлиб, ҳушидан кетади ва йиқилади. Бу ҳолат мардлик ва қариндошлар, фарзандлар учун

фидойиликнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. “Оламари не ғаму ситамлар кўрмаган” Бобур чет элларда ўзининг кишиларига, айниқса, фарзандларига суяниб қолган эди. Шунинг учун ҳам Ҳумоюннинг бетоблигига чидаб тура олмайди. Унинг тезроқ сихат топишини жуда истайди ва Оллоҳдан астойдил илтижо қилиб сўрайди. Энг қимматли нарсалар, ҳатто салкам бир мамлакат хирожига тенг келадиган бебаҳо олмос ҳам бунга тасаддуқ бўлиши мумкин эмаслигини ўйлаб, ўз жонини тасаддуқ қилишни афзал деб билади ва бунга мардларча рози бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Ватанни севган ҳар бир шахс Бобур жасоратини ўрганиши, унга ҳавас қилиши керак. Зотан Бобур мардлик ва матонатда назири йўқ подшоҳ эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятнинг ривожланиши — халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017. 4-август.
2. Hasanov S. Zahiriddin Muhammad Bobur. —Т.: 2011. 12-bet.
3. Jahon adabiyoti. 2018. 2-son.
4. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. —Т.: Халқ мероси, 2002. 247-б.
5. Бобурнома. 2016.

MATNING LINGVOPRAGMATIK TAHLILIDA OLMOSHLARNING TUTGAN O‘RNI

*Ashirov Odilbek Maxsudovich,
Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti,
“O‘zbek tilshunosligi” kafedrasida stajyor-o‘qituvchisi*

XX asr boshlaridan jahon tilshunosligida tilga semiotik nuqtai nazardan yondashuv avj ola boshladi. Tilshunoslik tarixida inson nutqiy faoliyati bilan bog‘liq masalalarni o‘rganish ilmiy-nazariy ahamiyatga ega bo‘ldi. Sababi nutqiy faoliyat bilan bog‘liq masalalar lisoniy ta‘limotning asosini tashkil etadi. Nutqda insonning fikri bilan birga uning ruhiy olami ham o‘z ifodasini topadi. Shu bois insonning obyektiv olamdagi ijtimoiy faoliyati in‘ikosi bo‘lgan uning harakatdagi “jonli” nutqini o‘rganish nafaqat nazariy tilshunoslik uchun emas, balki u bilan bog‘liq rivojlanayotgan psixolingvistika, ijtimoiy lingvistika, lingvomadaniyat, kommunikativ tilshunoslik uchun ham muhim ekanligi anglab yetildi. Natijada bu jarayon bilan qiziqish xorijiy tilshunoslikda til va nutq farqlanishiga va taraqqiyotiga ta‘sir qiladi.

Malumki, falsafada pragmatizm oqimi mavjud bo‘lib, u XIX - XX asrlarni o‘z ichiga oladi. Aksincha, XX asrning 20-30-yillarda pragmatizm g‘oyalari keng targ‘ib qilindi.

Obyektiv borliqdagi ma'lum narsa va hodisalarni, belgi-xususiyatlarni atash xususiyatiga ega bo'lgan so'zlarni indikativ (ishora qiluvchi) so'zlar, bunday xususiyatlarga ega bo'lmagan so'zlar esa indikativ bo'lmagan so'zlarga ajratamiz.

Sistem-struktur tilshunoslikda indikativ deskriptiv so'zlar, atash, nomlash xususiyatlarga ega bo'lmagan so'zlarni deskriptiv bo'lmagan so'zlar deb ko'rsatadi.

Demak, gap tarkibidagi deskriptiv so'zlarni konkret nutq vaziyati bilan bog'lamsa ham, qaysi denotativ (atash) ma'noda ekanligini, obyektiv borliqdagi nimani nolab kelayotganligini aniqlash imkoniyati mavjud bo'ladi, ammo deskriptiv bo'lmagan so'zlarda bularni aniqlash mumkin emas. Deskriptiv bo'lmagan so'zlarga olmoshlar, atoqli otlar va yordamchi so'zlar kiritiladi. Ularning konkret ma'nosi faqat kontekstda va ma'lum nutq vaziyatida oydinlashadi. Nutqiy vaziyat, kontekst bilan uzviy bog'liq bo'lgan ana shunday ma'nolar va bu ma'nolarni ifodalovchi vositalar lingvistik pragmatikaning o'rganish obyekti sanaladi. **Nutqiy akt, indikativ bo'lmagan so'zlar, kontekst, nutq vaziyati, so'zlovchi shaxsi** kabilar lingvistik pragmatikaning markaziy tushunchalari sanaladi.

Ma'lumki jumla ichida deskriptiv bo'lmagan so'zlar (olmosh, atoqli ot kabi) mavjud bo'lib, ularning ma'nolarini ochish presupozitsiya bilan bog'liqdir. Bunday so'zlarni to'g'ri qo'llashda kontekstual vaziyat muhim sanaladi. Jumla orqali ifodalangan propozitsiyani to'g'ri anglash uchun nutq ishtirokchilarining barchasi kontekstual vaziyatdan xabardor bo'lishlari zarur. Shundagina nutq sub'ekti tomonidan bayon qilingan jumla tarkibidagi **deskriptiv bo'lmagan** so'zlar qanday nutqiy akti yuzaga chiqarish uchun xizmat qilayotganligi oydinlashadi. Deyktik elementlarni tasdiqlashda ular boshqa to'liq ma'no ifoda etuvchi so'zlarga qiyoslanadi, so'ngra ularning kontekstdagi bajarayotgan vazifasi tahlil qilinadi. Bunda to'liq ma'no ifodalovchi so'zlar jumladagi propozitsiyaning asosini tashkil etsa, unda qatnashgan deyktik elementlar (*olmosh yoki atoqli otlar*) propozitsiya ichida harakat qilib, nutq sub'ektitining yashirin maqsadlari haqida xabar berish vazifasini bajaradi. Deyktik elementlarning nutqda qo'llanishi propozitsiya tarkibini kuchaytirish, muallifning ichki maqsadi bilan bog'liq biror axborotga ishora qilish vazifasini bajarishdan iboratdir. Bunday so'zlarga **sen, men, hatto, faqat, singari, naqadar, qanchadir, nihoyatda** kabi so'zlar, aniqrog'i olmoshlar kiradi. Mana shunday so'zlar ishtirok etgan kontekstlar tahlili bilan lingvistik pragmatika shug'ullanadi. [3. 253]

Matnning pragmatik tahlilida olmoshlar (*ichi bo'sh so'zlar*) va atoqli otlar o'zining pragmatik funksiyasiga ega bo'lib, matn ichida ma'lum nutqiy vaziyati bilan aloqada ma'no ottenkalari bilan to'ldiriladi.

Olmoshlarining qaysi so'z turkumi o'rnida ishlatilganligi matn tarkibida oydinlashadi. Lekin olmoshlar boshqa so'z turkumlari qatori mustaqil bo'lmasa ham, so'zlarni turkumlarga ajratish tamoyillariga ko'ra ular ham mustaqil savolga javob bo'ladi, o'zlari alohida gap bo'lagi vazifasini bajaradilar.

Demak, olmosh turkumiga mansub so'zlarning semantik tabiati ularning nutq vaziyati bilan uzviy aloqador ekanligini ko'rsatadi. Shu bois pragmalingvistikada matn tahlilida ularning o'rni alohidadir [1: 42-45].

Shuningdek, olmosh turkumiga xos so'zlar indeksal belgilar sifatida deyktik elementlar hisoblanadi va

ularga xos denotatni kontekstsiz aniqlab bo'lmaydi. Faqat nutqiy vaziyatni to'liq qamrab olgan nutqiy akt ko'rinishlaridagina deytik elementlar denotatini ochish uchun xizmat qiladi. Professor N. Mahmudovning ta'kidlashicha, deytik belgilarning mohiyati shundan iboratki, ular mazmunni - voqea, belgi, narsalarni bevosita ifodalamaydi, balki ularga ishora, havola qiladi, shunga ko'ra, ularni mazmunan kuchsiz, ichi bo'sh so'zlar sifatida qarash mumkin". Olmosh va nisbiy so'zlar, atoqli otlar deysis belgilar bo'lib, kontekstda ular havola bo'lak sifatida vazifa bajaradi [2:18].

Olmoshlarga xos eng xarakterli xususiyat shundaki, ularni indeksial belgi-havola bo'lak sifatida yo'l ko'rsatuvchi so'zlar deb ham atash mumkin.

Olmoshlar havola bo'lak sifatida matnda bajarayotgan vazifasiga ko'ra quyidagicha tasnifiy belgilardan iborat bo'ladi:

1. Matn qismlari o'rtasidagi o'zaro sintagmatik munosabatlarni ta'minlaydi;
2. Matnning avvalgi qismlariga ishora qilish vazifasini bajaradi. Bunda kontekstual munosabatlarni ta'minlaydi;
3. Olmoshlarning konkret tagma'nolari nutq vaziyatida aniq bo'ladi.
4. Olmoshlar matnda shakily-semantik yo'nalishni yuzaga keltiradi. Shakily-semantik tushunchasi matndagi so'zning mazmunan noto'liq bo'lsa ham, shaklan barcha grammatik talablarga javob berishini ko'rsatadi: *Siz **shuni** bilib qo'yingki, dushman hech qachon yurtimizga bostirib kirolmaydi.* Bosh gapdagi **shuni** olmoshining ma'nosi keying ergash gap orqali to'ldiriladi. Ya'ni, siz hech qachon dushmanning yurtimizga kirolmaydiganligini bilib qo'ying kabi.

Olmoshlarning birinchi darajali vazifasi so'zlovchi, tinglovchi va kuzatuvchi shaxs ma'nolarini ifodalash bilan xarakterlanadi. Har qanday nutqda nutq subyeksi, nutq adresati hamda nutq predmeti xususidagi ichki semantik ottenka ko'rsatkichlari sezilib turadi.

Gumon olmoshlari noma'lumlikni – so'zlovchi shaxs, subyeksi avval o'rganilmagan yoki tushuntirib berolmaydigan narsa-hodisa tushunchasini bildiradi. Gumon olmoshlaridan faol qo'llanadiganlaridan bir **qandaydir** olmoshi bo'lib, unda mavxumlik, noma'lumlikning ayrim jihatlari ro'yobga chiqadi. Masalan: *Qoshlari bir-biriga tutashgan, qisilgan ko'zlari to'rda surat bo'lib qolgan Fazilatga qadalgan, lunjlari botib ketgan qoramtir yuzida g'azab emas, yo'q, **qandaydir** cheksiz bir olam muhrlangan.*(O.Y).

Mazkur matn tarkibidagi **qandaydir** gumon olmoshi juda ham cheksiz, poyonsiz g'am-alam bilan to'lgan qahramon ichki dunyosini ochishga vosita bo'lgan.

Ba'zan "qandaydir" gumon olmoshi ortiqchadek ko'rinadi. Agar biz uni tushirib qoldirib ishlatsak, matn tarkibida uning o'rni zarur ekanligini ko'ramiz. Qiyoslaylik: *Kecha osmonda qandaydir noma'lum jism uchib tushdi // kecha kechqurun osmondan noma'lum jism uchib tushdi kabi.*

Mazkur gaplarni bir-biriga qiyoslasak shu narsa ma'lum bo'ladiki, "qandaydir" gumon olmoshining matn tarkibida qo'llanishi shu gap tarkibida ifodalanayotgan noma'lum ma'noning kuchli, ta'sirchan bo'lishini ta'minlaydi.

Shunga ko'ra gumon olmoshining funksional-semantik xususiyatlari o'rganilayotganda ularni matn tarkibidagi boshqa til birliklari bilan o'zaro

uyg'unligini aniqlash, shu asosda qandaydir, nimadir, qachondir, qayerdadir, kimdir singari olmoshlar anglatgan semantik-uslubiy ottenkalarni mikromatn qurshovida belgilash lozim bo'ladi. Bu albatta, matn tarkibidagi tagma'nolarni aniqlashda yordam beradi.

Lekin shuni ham alohida ta'kidlash kerakki, barcha gumon olmoshlari hamma vaqt ham funksional-uslubiy jihatdan kutilgan natija beravermaydi. Masalan: *Men ko'chadan nimadir topib oldim* gapida **nimadir** olmoshi oddiygina noma'lumlik ma'nosini ifodalashga xizmat qiladi.

Shunisi ma'lumki, noaniqlik gumon ma'nosini bildiruvchi kimdir, nimadir, qandaydir, qaysidir, qayoqqadir, qachondir kabi olmoshlariga kelishik, egalik va ko'plik qo'shimchalari -dir kesimlik qo'shimchasidan oldin qo'shiladi. Bu esa matndagi gumon ma'nosining kuchli tarzda ta'kidlashga xizmat qiladi. Masalan: qayerdadir bo'shliq paydo bo'ldimi, hech shubhasiz, uni albatta kimdir to'ldirishga harakat qiladi.

O'zbek tilida gumon olmoshi ba'zan so'roq olmoshlariga "ham" yordamchisini qo'shish orqali ham hosil qilinadi. Bu yordamchi so'z o'zgartuvchi qo'shimchalar yoki ko'makchilardan keyin ham qo'shib keladi. Masalan: Tolibjon *nima bilan ham* o'z fikrini isbotlamochi bo'ldi, lekin uddasidan chiqolmadi. (S.A).

Xullas, gumon olmoshlari ishtirok etgan matnlarda matn pragmatikasi bilan bog'liq turli tagma'nolarni aniqlash mumkin ekan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Hakimov M. O'zbek pragmalingsvistikasi asoslari. –T.: Akademnashr, 2013.
2. Mahmudov N. Ergash gaplarning tabiati va tahlili masalasi//O'zbek tili va adabiyoti. 1991. 3-son.
3. Saparov Sh. Pragmalingsvistika. Samarqand DUTU. –T.: 2008.
4. <http://ziyonet.uz>
5. <http://library.uz>

“ҚАЙНОНА” ВА “КЕЛИН” ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ ХУСУСИДА

*Рахимжанов Масрур Нугманович,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг катта ўқитувчиси, ф. ф. ф. доктори, PhD
Олимова Донохон Давлат қизи,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг 1- ўқув курси курсанти*

Тилнинг луғат таркибида шундай қатламлар борки, улар қардош тиллар, шеваларнинг ички тараққиёт қонунлари асосида бирдай ривожланади. Бу хил қатламни ташкил этувчи сўзлар авлоддан-авлодга мерос тарзида ўтади (1). Мана шундай лексик қатламлардан бири қариндош-уруғ номларидир. Агар биз энг қадимги ёзма манбаларга мурожаат қилсак, ҳозирги туркий тилларда ҳамда

уларнинг шеваларида учрайдиган қариндошлик номларидан энг асосийлари шу манбаларда мавжуд эканлигини кўрамиз.

Масалан, ата, апа, (катта қариндош), ака, еча (ота ёки онанинг онаси), ечу, эр, ини, келин, қатун, қиз, ўғил каби номлар жуда узок даврлар оша бизга етиб келган (2).

Уруғ ва қабилалар ўртасида юз берган бирлашиш, ажрашиш жараёнлари элат, халқ ва миллатларнинг ташкил топиши, уларга хос тилнинг ҳам дифференциация ва интеграция ходисаларини бошдан кечиришига сабаб бўлди. Натижада бир уруғ, қабила ёки элат тилидаги қариндошликни ифодаловчи бир ёки бир неча ном ўрнини иккинчи уруғ, қабила, элат (янги бирлашмада етакчи бўлиб турган) тилига оид шу маънони билдирадиган ном эгаллайди ва қўлланиш доираси кенгаяди, аксинча, бошқа тилга оид сўзнинг ишлатилиш доираси тораяди, бора-бора истеъмождан чиқиб кетади. Бу хилдаги қариндошлик номлари туркий тиллар тарихига оид манбаларда кўплаб учрайди. VIII асрга доир Ўрхун ёдномаларида бг (она), йегин (жиян), йотаз (завжа) лексемалари ишлатилган.

«Девону луғотит турк»да фарзанд тушунчаси ганч/канч, кенжа бола - аштал, кундош - куни, куда - тунур, ака - ичи, опа (эгачи) лексемалари орқали ифода қилинган (3). Лекин юқорида тилга олинган номлардан баъзилари бошқаси билан алмашган, айримларининг маъноси ўзгарган. Буларнинг барчаси тарихий тараққиёт билан боғлиқ. Ўзбек адабий тили ва унинг шева ҳамда диалектлари қариндошликни ифодаловчи терминларга бойлиги ва ранг-баранглиги билан бошқа туркий тиллардан ажралиб туради. Шуниси ҳам борки, уларнинг бир қисми умумдиалектал, баъзилари маълум бир шева, диалектга хос бўлиб, адабий тилга ўзлашиб кетолмаган.

Ўзбек тилининг шева ва диалектларида қариндошлик терминларининг нақадар бойлигини А.Ишаев томонидан эълон қилинган ишда ҳам кўриш мумкин (4). Мана шу ишга ва ҳозирги ўзбек адабий тилидаги фактларга назар солинса, она тилимизда қариндошликни ифодаловчи терминларнинг хали бир қолипга тушмаганлиги, яъни бир термин бир неча қариндошлик маъносини ифодалаши ёки муайян терминларнинг жинс, ёш нуқтаи назаридан фарқланмай қўлланаётганига тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Энди ўзбек ва қардош туркий тиллардаги аёлларга хос бўлган қариндошлик терминларининг этимологияси хусусида айрим фикрларимизни баён қиламиз.

Қайнона термини синхрония нуқтаи назаридан туб деб қаралса-да, диахрония нуқтаи назаридан унинг қайин ва она қисмларидан иборатлиги маълум бўлади. Қадимги уйғур тилида қай сўзи «терс» маъносини ифодалаган. Олтой тилида қай «орқага қайтмоқ;» (обратиться назад), чуваш тилида қай феъли «орқага қайтмоқ» (идти обратно), қирғиз, ўзбек, қозоқ, татар ва бошқа баъзи туркий тилларда «қайт», «қайтмоқ» (вернуться) маъносида ишлатилади.

Демак, қайин терминининг ўзаги қай- дир. Келин ва куёвга янги онанинг қайтиши (эга бўлиш маъносида) қайнона, аканинг қайтиши қайниака, опанинг мавжудлиги қайниспа, янги сингилнинг пайдо бўлиши қайнисингил, укага эга

бўлиш қайни-ука терминларининг вужудга келишига туртки берган. Қайин термини -и эгалик қўшимчаси қўшилганда, бу лексема қайни шаклида ёзилади ва ўқилади. Айтиш мумкинки, лексема таркибидаги -ин сўз ясовчи қўшимча: қай + ин.

Бошқа туркий тилларнинг луғат қатламини кўздан кечирарканмиз, кабардин-балқар тилида мазкур термин қайин ана (тёща, свекровь), туркман тилида гаайын эне (свекровь и тёща), бурят-мўғул тилида хадам ежы (тёща), қалмиқ тилида ҳам эк шаклида эканлиги маълум бўлди.

1981 йили нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни кўздан кечирарканмиз, мазкур лексемага шундай таъриф берилганининг гувоҳи бўламиз: «Қайин она (зрнинг онаси унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг онаси унинг эрига нисбатан). Фотиҳа ўқилиб, куёв қайнонага узр айтди. (А.Қодирий. Ўтган кунлар).

Ҳозирги кунда туб лексема деб қаралаётган бир қатор қариндошлик терминлари борки, уларнинг илдизлари ўрганилганда бу луғавий бирликларнинг ҳам ясама эканлиги маълум бўлади.

Жумладан, келин лексемаси кел- феълига -ин ясовчи қўшимчаси қўшилишидан ҳосил бўлган. Ўрхун-Энасой битиклари тилини тадқиқ қилган В.В.Радлов ва П.М.Мелиоранскийлар келин лексемаси кел - феълига -ин сўз ясовчи қўшимчасини қўшиш орқали ясалганини таъкидлайдилар. Шу билан бирга, Ўрхун-Энасой ёдномалари тилида, қирғиз, ўзбек, уйғур тилларида келин, туркман тилида гелин «сноха приходящая или тот, кто приходит в дом мужа» маъносини билдиради (5).

Мазкур термин кабардин-балқар ва нўғай тилида келин, қалмиқ тилида келен шаклида ифода қилинади. Туркман тили тарихи бўйича тадқиқодлар олиб борган З.Муҳамедова «Исследования по истории туркменского языка XI - XIV веков» номли китобида келин лексемаси ҳақида шундай ёзади: Келин – «невестка», «ўғилнинг хотини», «келин», човдур диалектида жарангсиз ундош билан талаффуз қилинади: келин. Салир шевасида кел апа келин апа -тётушка. Ҳозирги туркман адабий тилида гелинеже - жена старшего брата (6). Л.Покровскаянинг мазкур термин бўйича фикрлари қуйидагича: гелин - гел + ин «приходит» (7).

Л.Покровскаянинг тадқиқотидан ҳам кўришиб турибдики, келин лексемаси кел- феълига -ин қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил бўлган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам қатор лексемаларнинг -ин аффикси ёрдамида ясалганини сезиш қийин эмас: эк + ин, ёғ + ин каби.

Юқорида айтилган фикрларга кўра, қариндош-уруғ ва яқинликка оид терминлар тилнинг ички тараққиёт қонунлари асосида ривожланадиган, тилларнинг яқинлиги ва қариндошлигини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган, авдоддан-авлодга мерос тариқасида ўтадиган барқарор лексик қатлам ҳиссбланади. Хул оса ўрнида айтиш мумкинки, тилдаги қариндошликни ифодаловчи терминларнинг келиб чиқиши, этимонини аниқлаш тилшунослик фани олдида турган вазифалардандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Клоусон Дж. Лексикостатистическая оценка алтайской теории // Вопросы языкознания. 1969. - №5.
2. Айдаров Г. Язык орхонских памятников VIII - IX веков. -М., 1971.
3. Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Индекс-луғат. -Т.,
4. 1967.
5. Ишаев А. Ўзбек шеваларидаги қариндошлик терминлари // Ўзбек
6. халқ шевалари луғати. -Тошкент, 1971.
7. Радлов В.В. Die Alttrukischen schriften. - СПб., 1897. -С.59.
8. Мухамедова З. Исследования по истории туркменского языка. -Ашхабад, 1972.
9. Покровская Л. Термины родства в тюркских языках. -М., 1961.

ТИЛНИНГ СЕРҚИРРАЛИГИ ҲАҚИДА

*Ҳамроева Нафиса Низомиддиновна,
Бухоро давлат университети ўқитувчиси*

Борлиқда (табиатда ва жамиятда) ўрин олган, бизнинг сезгиларимизга таъсир эта оладиган, ўрганилиши-ю тавсифланиши мумкин бўлган ҳар бир мавжудот ва воқеа/ҳодиса табиатан ва моҳиятан серқиррадир. Серқирралик борлиқдаги мавжудотлар ва ҳодисаларнинг умумий зотий (онтологик, табиий, илоҳий...) хусусиятидир. Серқирраликнинг боиси шундаки, истаган фалсафий нарса борлиқдаги турли-туман нарса ва ҳодисалар билан ранг-баранг муносабатларда туради ҳамда айни бир нарса хилма-хил муносабатдошларининг ҳар бир тури билан ўзининг алоҳида бир қиррасини намоён қилади. Шу маънода **тил** деган борлиқ ҳодисасининг ўзи ҳам, **унинг вазифалари** ҳам серқиррадир. Табиийки, биз бунда тил сўзининг о м о н и м и я с и ни мутлақо назарда тутмаймиз.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ТИЛ II сифатда луғатнинг IV-жилд 91-бетда алоҳида ажратилиб, бош маъноси “1.*Кишилар ўртасида, жамиятда ўзаро фикр алмашишининг муҳим воситаси; тилшуносликнинг асосий ўрганиш объекти*” сифатида кўрсатилади. Ваҳоланки, мазкур луғат бу сўзда юқорида келтирилган бош маънодан ташқари яна 7 маънони санаб ўтадики, уларнинг ҳар бирининг борлиқдаги доминантаси алоҳида мустақил бир бутунликдир. Шунинг учун “*Тил нима?*” деб сўрашдан олдин обдон ўйлаш зарур - сўраётган шахс “*тил*” деганда нимани назарда тутаётгани саволда у ўз аксини топиши керак. Акс ҳолда савол мавҳум, яъни ўринсиз ва нотўғри бўлади. Шунинг учун “*Тил нима?*”- деб сўрашдан олдин обдон ўйлаш, тилнинг қайси жиҳати қизиқтираётганлигини саволда аниқ акс эттириш зарурлигини унутмаслик керак.

Туркийшунослик баҳодири (академик А.Самойлович ва Б.Аталайларнинг бутун дунё тан олган таъбири), XI асрнинг серқирра буюк қомусий олими - Махмуд ибн Хусайн ибн Муҳаммад Кошғарий халқ тилини билиш кишини шу

қавмга яқинлатиради, бу тил соҳибларининг ҳурмат-у марҳаматига сазовор қилади, деган фикрни шундай баён қилади: “уларга /туркларга/ яқин бўлиш учун энг асосий йўл - уларнинг тилида сўзлашдир”. Бу билан у бир тилда сўзловчилар бир-бирига руҳан ва маънан яқин деган ғояни илгари суради. Асарининг жуда кўп жойларида туркийшунослик баҳодури тилнинг халқ турмуши, тажрибаси ва онгининг инъикоси ва хазинаси эканлигини алоҳида уқдиради [1, 43].

Тилнинг серқирралиги ва жамиятда турли-туман вазифаларни бажариши ҳақида Мир Алишер Навоий ҳам “Хамса” дostonларининг муқаддимасида, “Маҳбубул кулуб”да ва, хусусан, тилшуносликка бағишланган маҳсул асарлари -“Муҳокаматул луғатайн”да жуда қимматли фикрларни баён қилган. Жумладан, мутафаккир дастлаб Қуръони каримнинг 55-сураси (“Аррахмон”) 3-ояти каримаси мазмунининг ўзбек тилида:

Чун кун фаякун саҳфасига бўлди тироз,

Қилгон ани нутқ ила баридин мумтоз.

(Тавсифи: *Ҳақ яратиш фаолиятини намойиш этди ва инсонни барча махлуқотдан нутқ билан устун қилди.*) назмий баёнидан сўнг Қуръони Каримнинг *алламал адама асмаъа куллаҳо* (2-сура 27-оят) (*Одамга барча нарсаларнинг исмини ўргатди*) ояти каримасига ҳавола бериб, тил инсонга буюк илоҳий неъмат эканлигини алоҳида таъкидлайди [2, 512].

Муосир ўзбек филологи академик А. Рустамов илмий-бадиий услубда ёзилган “Сўз хусусида сўз” асарида тилнинг серқирралиги баёнида алоҳида тўхталди [3, 12]. Олим тилнинг моҳиятан ижтимоий-руҳий ҳодиса эканлигини кенг шарҳлаб, унинг фақат товуш томони табиий ҳодисалар билан алоқадорлигини таъкидлайди. Тилнинг қатор вазифалари сифатида унинг онг-тафаккур маҳсулини шакллантириш, (қолипга солиш) каби когнитив/гносеолигик (билиш, ўрганиш ва ўргатиш жараёнлари билан алоқадор), жамият аъзолари тажрибаларини йиғиш ва тизимга солиш, келгуси авлодларга етказиш каби маърифий, инсон руҳий ҳолати-кечинмалари, ҳис-туйғуларини ифодалаш каби руҳий-ифодавий (аффектив), энг муҳими кишилар орасида фикр алмашиш (ахборот узатиш ва қабул қилиш) каби коммуникатив вазифалари (функциялари) илмий-бадиий шаклда шарҳланади.

Бу ихчам тавсифдан кўриниб турибдики, тилга серқирра, кўп томонли ҳодисадир. Кўп вазифали ижтимоий-руҳий воқелик сифатида ёндашиш узоқ тарихга ва анча бой анъанага эга. Шунинг учун ҳозирги кунда Ғарбий Европа фанига илмий ҳаволалар билан тилнинг 6 асосий вазифасини (функциясини) ажратиш ва тавсифлаш ўзбек фани тарихи учун том янгилик эмас - улар мумтозларимиз томонидан Европа олимларидан анча олдинроқ очиб тавсифланган, лекин XIX-XX асрларда тарихий илдизларимиздан узилганлигимиз сабабли биз уларни унуттаёзган эдик.

Замонавий тилшуносликда тил - серқирра, кўп томонли, кўп вазифали (функцияли) ижтимоий-руҳий-этник ҳодиса сифатида талқин этилади, шунинг учун Европа илмида тилга хилма-хил таърифлар берилган. Жумладан, Владимир Звегинцев ўзининг “Очерки по общему языкознанию” китобида

тилнинг 21 машхур олим таъкидлаб ўтган хилма-хил таърифларини келтиради [5, 384]. Табиийки, Владимир Звегинцевнинг мазкур китобида келтирилган тилнинг 25 хил таърифи фанимизда тилшунослик тадқиқи манбаига нисбатан мавжуд бўлган таърифларнинг барчаси эмас.

Шу асосда Владимир Звегинцев томонидан келтирилган рўйхат ва бизнинг унга изоҳимиз асосида бир ҳақиқатни тўла тан олишимиз керак бўлади: тилнинг серкирралиги мутлақ бўлиб, унга берилган ва бериладиган чексиз таърифларнинг барчаси нисбийдир - яъни уларнинг ҳеч бириси мутлақ нотўғри ҳамда тилга нисбатан ғирт тухмат ҳам, мутлақ тўғри ва мутлақ ҳақиқат (яъни тилнинг тўлиқ таърифини, табиатини очиб бера оладиган) ҳам эмас; ҳар бир таъриф тилнинг (тадқиқотчи диққат марказида турган) бир қиррасинигина очиб беради. Шунинг учун субстанциаллик (диалектика) нуқтайи назаридан шу таърифларда муносабат (қайси жиҳат ва ҳолларда унинг асослилиги, тўғри эканлиги) кўрсатилганда, масала талқини ҳеч бир мунозарага ўрин қолдирмас эди. Афсуски, таърифларда мана шу муносабат (resp. диалектиклик, нисбийлик) йўқ ва улар, табиийки, мутлақ - бу ҳукмни шакллантирган тадқиқотчи, тилни мана шундай тушунади ва изоҳлайди деган хаёлга олиб келади. Ўз-ўзидан англашилиб турадики, бундай мутлақ таъриф бошқа нуқтайи назарда турган (яъни тилнинг бошқа қиррасига диққат қаратаётган) бошқа тадқиқотчига нотўғридек туюлади, унинг эътирозларига сабаб бўлади. Ваҳоланки, мутлақ таърифни шакллантирган тадқиқотчи ҳам мутлақ ҳақ, ёки мутлақ ноҳақ эмас, бу ҳукмни мутлақ рад этиб, унга зид (қарама-қарши) ҳукмни шакллантирган ўрганувчи ҳам; улардан ҳар бири ўз “кўрганини” (яъни тадқиқ усули/методи/манбага ёндашиш мавқеи/ нуқтайи назари... манбанинг қайси қиррасини чуқурроқ ўрганишга имкон берадиган бўлса, шу қиррасини, томонини) тавсифлади ва шу асосда тилга таъриф берди, лекин шу жараёнда катта мантиқий хатога йўл қўйди- бўлакни (яъни манбанинг бир томони, қирраси, хусусиятини) бутун билан (манбанинг ўзи билан) тенглаштирди.

Тилшуносликда тилнинг вазифалари ҳақида хилма-хил фикрлар баён қилинган. Жумладан, Ғарб тилшунослигида Владимир Аврориннинг “Тилнинг вазифавий томонини ўрганиш масалалари”, Карл Булернинг “Тилнинг қурилиш қолипи”, Юнус Дешериевнинг “Ижтимоий тилшунослик”, Алексей Леонтевнинг “Тил, нутқ, нутқ фаолияти”, Наталя Слюсарёванинг “Тилнинг вазифалари тушунчасининг методологик аҳамияти”, ва “Тилнинг вазифалари”, Юрий Степановнинг “Тилнинг семиотик қурилиши (тилнинг уч вазифаси ва уч турли воситалар тизими)”, Роман Якобсоннинг “Тилшунослик ва поэтика”, “Тилнинг алоқа-аралашувнинг бошқа воситаларига муносабати”, Борис Норманнинг “Тилшунослик асослар” китобининг “Тилнинг вазифалари” деб номланган махсус катта боби кабиларнинг ишларида бу масала махсус тадқиқ манбаи бўлди. Умуман, бу масала тилшунослик бўйича ҳар бир ўқув қўлланмасида, тил ҳақида умумий монографик тадқиқотларда, албатта, олинади ва муаллиф бу ҳақдан ўз фикрини баён қилишга мажбур.

Ўзбек тилшунослигида миллий истиқлолдан - миллий тил ва миллий онг-у тафаккур муносабатларининг тадқиқига коммунистик мафкура қўйган сунъий

говлар олиб ташлангач – Т. Бушуй, Н.Махмудов, Ҳ. Неъматов, А.Нурмонов, Р. Расулов, Ш.Сафаров каби олимларнинг асарларида бу масала махсус тадқиқ манбаи бўлди, анча ойдинлашди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кошғарий Махмуд. Девону луғотит турк. Уч томлик. 1-том.Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. –Т.:Ўз.ФА, 1960.
2. Навоий А. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлтк. Ўнинчи жилд. –Т.: НМИУ, 2011.
3. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Т.: Ёш гвардия,1987.
4. Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлил асослари. Ўқув қўлланма. –Самарқанд, 2007. –40 б.
5. Звегинцев В. “Очерки по общему языкознанию. –М.: Из-во Московского университета, 1962.
6. Nizomiddinova, Khamroeva Nafisa. "Compliment as one of the forms of Phatic Communication." Middle European Scientific Bulle.

Лисоний қиймат ва уни тиклашга доир

*Рахимжанов Масрур Нугманович,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг катта ўқитувчиси, ф. ф. ф. доктори, PhD.,
Мамажоновна Ойгул Омонжон қизи,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг 1-ўқув курси курсанти*

Тилнинг функционал доираси ўта кенг бўлиб, улардан икkitаси асосий роль ўйнайди:

- 1) аташ-номлаш;
- 2) муносабатни ифодалаш.

Аташ-номлаш жараёни асосида борлиқнинг онгдаги миллий тасвири ётади. Миллий тасвир миллий онг, у асосда шаклланган миллий дунёқараш, миллий менталитет асосида ҳосил қилинади. Албатта, илк эмпирик тасаввур ва таассуротлар фаол сезги ҳамда ҳислар ёрдамида вужудга келганлиги каби, тушунчанинг замирида ҳам сезги ва ҳислар маҳсули ётади.

Аташ-номлаш ҳодисасининг миллийлиги сезги ва ҳисларнинггина маҳсули бўлиб қолмай, унда муносабат ҳам катта аҳамиятга эга. Муносабат эса асосий диққатнинг аталмишни номловчи субъект учун аҳамияти ва қиймати билан белгиланади. Ушбу аҳамиятлилик тил бирликларининг лисоний қийматини муайянлаштиради. Аташ-номлаш жараёнининг миллий менталитет ва аҳамиятлилик билан боғланиши тилшуносларни қадимдан қизиқтириб келади. Бу эса фанда қиёсий-тарихий йўналишнинг шаклланишига асос бўлди. Туркий ва форсий сўзларнинг лисоний қиймати масаласи билан қизиққан мутафаккир Алишер Навоий мазкур тиллардаги фарқларни айрим лисоний эпизодлар

асосида равшан тушунтириб берган. Олимнинг қарашлари языковая значимость термини остида Ф. де Соссюр таълимотида ривожлантирилди. Олим тил бирлигининг лисоний қиймати унинг бошқа тиллардаги муқобили семантик структурасига қиёсланиши асосида очилишини таъкидлади [2;31-274.]. Масалан, баран (рус.), sheep (ингл.) сўзларининг лисоний қийматини аниқлар экан, у сўзларни қиёслаш натижасида бошқа бир тил учун «ортиб қолган» маъновий парчани шу сўзнинг тилдаги лисоний қиймати сифатида баҳолайди.

Ўсимлик номларини ифодаловчи лексемаларнинг системавий хусусиятлари ва бадиий нутқда воқеланиши масалаларини илмий тадқиқ қилган Г.Неъматова лисоний қиймат тушунчасини ўзбек тилшунослигига олиб кираркан, уни лексеманинг семантик структураси, семемик тузилишидан қидиради. Олима ўзбек тилидаги ўсимлик номларида «ўсимлик» ва «мева» бир лисоний қиймат бўлиб, икки семемик парча эканлигини таъкидлайди[3].

Б.Менглиев тил бирликларининг лисоний қиймати масаласига фалсафий моҳият ва ҳодиса категориялари кўзгусида муносабатда бўлиб, фонетик, морфемик, лексик ва синтактик бирликларнинг лисоний қийматини уларнинг парадигматик «фарқ»лари сифатида талқин қилиш тарафдори ва [4] тиклашда фақат лисоний омилларга таянади. Олим ўзбек тилидаги [акс] лексемасининг лисоний қийматини унинг семемалари умумлашмаси замиридаги семантик «моҳият»дан излайди: «Акс оти икки генетик боғлиқ мустақил семемадан ташкил топган бўлиб, уларни:

S1 - нарса/предмет ёки шахснинг ярқироқ нарсадаги кўринишини атовчи нарса-буюм оти;

S2- муайян борлиқ ҳодисаларига тескари ҳодисаларни ифодаловчи белги оти деб таърифлаш мумкин.

Лексеманинг умумий лисоний қийматини «муайян борлиқ парчасининг бирор нарсадаги тескари тажаллиси ёки унга зид турувчи нарса» тарзида тиклаш мумкин [4].

Кўринадики, мавжуд тадқиқотларда тил бирликларининг лисоний қиймати масаласи унинг қайси тил бирлигига хослиги нуқтаи назаридан икки кўринишга эга:

- 1) лисоний қиймат фақат лексемаларга хос;
- 2) лисоний қиймат барча тил бирликларига хос.

Тил бирлигининг лисоний қийматини тиклаш эса турли муқобил ёндашувлар, яъни:

- а) тиллараро фарқлар;
- б) парадигматик фарқлар;
- в) лисоний бирликнинг оралиқ маъноларини умумлаштириш ва лисоний сатҳлар ҳамкорлиги тамойили асосида амалга оширилиши мумкин.

Саналган тадқиқотларда лисоний қиймат тил бирликларининг ижгимоийлашган ва барқарор ҳолатларидан изланади. Бироқ коммуникация жараёнида лисоний бирлик моҳиятининг шахе ва прагматик омиллар билан қоришуви натижасида воқеланадиган окказионал маъноларида унинг ғайриодатий хусусиятлари ҳам юзага чиқади. Масалан, ўз олмошининг Бу нима

ўзи? гапидаги таажжуб, таъкид-кучайтириш юкламасига хос маънолар синтезини ифодалаши қанчалик инсоний ва прагматик омиллар қуршовида юзага чиқаётган бўлмасин, унда бирликнинг лисоний моҳиятига хос элементлар асосида ушбу окказионал маъно воқеланиши ва ташқи омиллар унга фақат қувват бахш этувчи воситалар мақомида бўлаётганлиги аниқ. Демак, олмошларнинг бошқа типларига нисбатан ушбу бирликнинг прагматик тўйинишининг ўзига хослигини ҳам унинг лисоний қиймати юқорилиги билан белгилаш мумкин.

Лисоний қийматнинг аниқланиш мезони сифатида нутқий омилларни четга суриб қўйиш, лисоний қийматни «тил ўзида» тамойили асосида антропопрагматик омиллардан холи талқин этишга интилиш масала моҳиятини тўла қамраб олишга монелик қилади. Нутқий ҳамкорлик тамойили асосида, турли табиатли бирликларнинг ўзаро муносабатидан келиб чиққан ҳолда лисоний воқеликни баҳолаш талқин мукамаллигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тил бирлиги қийматини аниқлашда лисон ва нутқий сатҳни яхлитликда олиш, лисоний ва нолисоний омилларни бир бутун мажмуа сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Индекс-луғат. –Т.: 1967.
2. Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики // Труды по языкознанию. Пер. с франц. – М., 1977. –С. 31-274 .
3. Неъматова Г. Ўзбектилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадий қўлланилиши: Филол. фан. номз...дисс. автореф. –Т.: 1998.
4. Менглиев Б. Тил яхлит система сифатида. –Т.: Ниҳол, 2010.
5. Блягоз З.У. Роль русского и адыгейского языков в общественной жизни // Язык и общество. –М.: Наука, 1968. –С.255.
6. Дешериев Ю.Д. Закономерности развития литературных языков народов СССР в советскую эпоху (Развитие общественных функций литературных языков). –М.: Наука, 1976. –С.432.

ЭВФЕМИЗМ ВА ФРАЗЕОЛОГИЗМ ДИХОТОМИЯСИ

*Рабиева Моҳидил Ғайратовна,
БухДУ ўқитувчиси*

Дж.Эйтонинг энг машҳур «Dictionary of Euphemisms» эвфемизмлар луғати таҳлили шуни кўрсатдики, луғатларда кўрсатиб ўтилган эвфемизмларнинг аксарияти фразеологизмлардир. Уларни фразеологик эвфемизмлар деб номлашимиз мумкин.

Фразеологик эвфемизмлар тадқиқот учун қизиқ бўлган мавзулардан бири бўлиб, тил лексикасининг ички тузилмаси сифатида – тилни амалда қўллашни реал кўрсатиб беради. Эвфемизмлар тилни ижтимоий контекстда қўллаш

соҳасига тегишли, у жамият тафаккурининг акси, жамият томонидан яратилади ва шаклланади. Эвфемизмлар аниқ функционал тавсифларга эга: улар сўзловчининг нутқ диди, ахлоқий ва этик қадриятлари уларга тўғридан тўғри номлашни бошқа сўз билан алмаштириш заруриятини келтириб чиқарувчи ҳолат ва контекстларда қўлланилади. Ҳозирги кунда улар “камуфляж” мақсадларда, яъни сиёсий дискурсада маълум бир ҳодисанинг асл моҳиятини беркитиш учун ҳам қўлланилади. Эвфемизмлар ушбу жамиятда ушбу замонда мавжуд бўлган маълум бир стереотипларни кўрсаткичи сифатида хизмат қилади. Кўпинча бир ижтимоий шароитда тўғридан тўғри номланган нарса, бошқа ўзгарган шароитларда ва бошқа давр шароитида эвфемистик иборалар талаб қилади. Структура ва семантика нуқтаи назаридан фразеологик эвфемизмлар эркин бирикмалардан фарқли ўлароқ ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Фразеологик эвфемизмлар компонентлари ўзгаришларга учрайди, семантик бутунлик уларга хос бўлган хусусиятдир.

Фразеологик эвфемизмлар ўзида ҳам фразеологизмлар, ҳам эвфемизмларга хос хусусиятларни мужассам қилган мураккаб лингвистик бирликдир. Фразеологик бирликларга мавжуд сўзга янги маъно юклаш, барқарорлик (лексик ҳамда грамматик), контекстуал маъно ўзгариш имкониятига эгалик, образлилиқ каби хусусиятлар хос бўлса, табулашган ёки ахлоқий меъёрларга тўғри келмайдиган денотатларни юмшатиш ҳамда ниқоблаш функциялари ёрдамида номақбул сўзга мажозий маъно юклаш эса эвфемизмларнинг табиатини очиб беради.

Эвфемизмлардан фойдаланишнинг бир қанча сабаблари бор: хурофот, ижтимоий ва ахлоқий таъқиқлар, нохуш янгиликларни юмшатиш зарурати, психологик жиҳатдан зиён келтириши мумкин бўлган сўзларнинг зарарини камайтириш мақсадида “илмий” атамалардан фойдаланиш. Айнан шундай сабаблар фразеологик эвфемизмларнинг пайдо бўлиши учун ҳам характерлидир.

Аввало, фразеологик эвфемизмлар улар билдирган тушунчалар нуқтаи назаридан ўрганилади. Иккинчидан, фразеологик эвфемизмларнинг битта синонимик гуруҳи турли хил синоним турлари нуқтаи назаридан ўрганилади. Уларнинг семантикаси нуқтаи назаридан фразеологик эвфемизмлар бир неча гуруҳга бўлиниши мумкин, улардан энг муҳимларини кўриб ўтаемиз:

1. Ўлим ва у билан боғлиқ бўлган барча нарсалар: e.g. “to breath one’s last (one’s last breath)”, “to depart this life”, “to pay one’s debt to nature”, “to go to one’s last home”, “to go the way of all flesh”, “to kick the bucket”, “to hop the twig”, “to join the majority”, “to be no more”, “god’s acre”, etc.:

The next day, his parents were flown to new mexico by special army plane, and they stayed at their son’s bedside, until he breathed his last.

(R.Lapp. “Atoms and People”).

He did not talk to them; they had already been told exactly what each of them was to do, and who was to do what in case the first-chice man *kicked the bucket* or was otherwise out. (S.Heym. “The Crusaders”).

2. Ижтимоий нуқсонлар, жинойтлар, иллатлар ва уларнинг оқибатларини билдирувчи эвфемизмлар, e.g. “*three sheets in (to) the wind*”, “*in one’s cups*”, “*send somebody to glory*”, “*send somebody to kingdom-come*”, “*the Duke of Exeter’s daughter*”, *shoot (sling, throw) the bull*”, “*kiss the cup*”, “*have (take) a drop*”, “*have one too many*”, “*have had a few*”, etc.:

...he is a good unconscious spy on Brass, and tells, *in his cups*, all that he sees and hears.

(Ch.Dickens. “The Old Curiosity Shop”).

‘Did you have a chance to say a few words to the Governor tonight, Luke?’ he asked anxiously. ‘Sure, I was over there *shooting the breeze* with him just a few minutes ago’.

(E.O’Connor. “The Last Hurrah”).

Ахлоқий тамойиллар ушбу катта гуруҳ фразеологик эвфемизмларининг яралишига асос бўлади. Ижтимоий ёвузликлар ва инсонга хос иллатлар ҳар доим фразеологик эвфемизмлар пайдо бўлиши учун бой манба бўлиб келган.

3. Камбағалликни, оғир молиявий аҳволни ифодаловчи эвфемизмлар, e.g. “*be in Queer Street*”, “*live from hand to mouth*”, “*not to have a shirt to one’s back*”, “*not <to have> a penny to bless oneself with*”; “*without a penny to one’s name*”, “*keep body and soul together*”, *make <both, two> ends meet*”:

Brown came to see me yesterday, and from what he told me, the poor chap doesn’t seem to *have a shirt to his back*. He has been out of employment for over a year now! (SPI).

One of his guests, a writer of poetical drama, was a man who three months after he had earned a thousand pound, never *had a penny with which to bless himself*’.

(J.K.Jerome. “Paul Kelter”).

Камбағаллик ёқимсиз ва исталмаган ҳодиса, айниқса инглиз жамиятида. Баъзи бир эвфемик ибораларни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, дастлаб камбағал инсонлар ўзларининг молиявий аҳволларини яшириш мақсадида бу каби фразеологик эвфемизмлардан фойдаланишган.

4. Ақлий ва жисмоний нуқсонларни ифодаловчи эвфемизмлар, e.g. “*be out (take, leave) of one’s senses*”, “*be off one’s nut*”, “*go nuts*”, “*soft (touched, weak) in the head*”, “*a strange bird*”, *a weird (strange) customer*”, *a weird (strange) card (duck)*”, etc.:

Woman, you’ve gone too far! You’re *out of your senses*!

(D.Carter. “Fatherless Sons”).

‘He said he didn’t want to see you...’ Babbit reared over him. The attendant hastily changed to a coaxing. ‘You can come back and try tomorrow. Probably the poor guy *is off his nut*’.

(S.Lewis. “Babbit”).

Рухий ва жисмоний нуқсонлар ачиниш, баъзида нафрат туйғусини келтириб чиқаради. Уларни номлаш учун жуда кўп фразеологик эвфемизмлар пайдо бўлганлиги бежизга эмас.

5. Физиологик жараёнларни ва инсон танасининг ҳолатини тавсифловчи эвфемизмлар, e.g. “*pay a call*”, “*a call of nature*”, “*in the straw*”, “*in a (the)*

family way”, “*in nature’s garb*”, “*not a stitch on*”, “*in a state of nature*”, “*in one’s skin*”, etc.:

The tall dark girl came to see Doctor Reefy because she was *in the family way* and had become frightened.

(Sh.Anderson. “Winesburg, Ohio”).

Angelina. Your friend, the bald man, the one who calls for you, where is he?

Philip. He is at the moment responding to *a call of nature*.

(I.Shaw. “The Gentle People”).

The little bay was so sheltered that we could bathe *without a stitch to our backs*. (DEI).

Шуниси эътиборга лойиқки, полисемантик фразеологик бирлик “ *not (without) a stitch to one’s back*” иккала маънода ҳам фразеологик эвфемизмдир: 1. absolutely naked; 2. very poor.

6. Жинсий соҳа билан боғлиқ эвфемизмлар, e.g. “*a lady of easy virtue*”, “*a light (easy) woman*”, “*a real battleaxe*”, “*a house of ill fame*”, “*make love*” (*in the second meaning*):

In my bedroom we would pass the hours *making love* or talking and only too often quarrelling.

(Gr.Green. “The Comedians”).

It is entirely populated by crooks, stock-exchange jugglers, corrupt policemen, and ... *ladies of easy virtue*.

(J.Lindsay. “All on the Never-Never”).

Фразеологик эвфемизмлар бир сўзли эвфемизмларга қараганда кўпроқ қўлланилиб, улар кенг семантик имконияти билан характерланади. Фразеологик эвфемизмлар эвфемистик қайта номлашнинг ифодали усули ҳисобланади, яққол намоён бўлувчи баҳолаш, экспрессив ва функционал-стилистик компонентлари билан фарқ қилади, тил соҳибининг умуммиллий қадриятлар тизимига нисбатан эмоционал-баҳолаш муносабатини янада мажозий тарзда намоён қилиш учун хизмат қилади. Жамиятнинг маданий-тарихий тажрибасини акс эттиради, жамиятда ўрнашиши мумкин ёки таъқиқланган тушунчалар, бошқа бир ном талаб қилувчи ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлар дунёнинг миллий кўринишини шакллантирувчи воситалар сифатида кўрилиши мумкин.

Фразеологик эвфемизмларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, фразеологизмни ташкил қилувчи турли хил лексик компонентларни умумий белги функцияси бўлиб, ифода этилаётган ҳодисага бутунлик билан йўналтирилганликни амалга оширади. Шунингдек, фразеологизмнинг ўзига хослиги маданий компонентлари турмуш тарзи характери, ижтимоий юкни ўзида мужассам қилган аспектлар орқали намоён бўлишидадир. Фразеологизм асосида ётувчи мажозий метафора халқ маданиятининг турли хил объект ва ҳодисалари билан аналогия ўтказишга имкон беради.

Фразеологик эвфемизмларнинг қўлланилиши таҳлили шуни кўрсатдики, фразеологик эвфемизмларни тўғридан тўғри номлашни алмаштириш характери асосида 2 га ажратишимиз мумкин:

- турмуш билан боғлиқ фразеологик эвфемизмлар
- ижтимоий фразеологик эвфемизмлар.

Турмуш билан боғлиқ фразеологик эвфемизмлар инсон учун муҳим бўлган мавзуларни табулаштириш даврига бориб тақалади, бунда ушбу эвфемизмларни қўллашни асосий мақсади нутқдаги нохушликни ахлоқий-этик жиҳатдан юмшатиш бўлган. *Economically challenged (poor), bun in the oven (pregnancy), big-boned (overweight), split (divorce), between jobs (unemployed), senior (old), in the family way.* Олдинги замонда кўп инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган эпидемик касалликлар ҳозирги даврга келиб, замонавий тиббиёт назорати остига олинган: *"a prolonged disease "(cancer)," cardiac incident ", " cloudiness "(new growth), communicable disease (instead of venereal disease).*

Турмуш билан боғлиқ бўлган эвфемизмлар нутқни ахлоқий жиҳатдан юмшатиш, ушбу жамиятда тўғридан тўғри номлаш нохушликни келтириб чиқарувчи кўпол номлар. Ушбу гуруҳ эвфемизмларига жинслар, инсонлар ўртасидаги муносабатлар, оила, уй, касаллик, ўлим ва бошқалар киради.

Ушбу типдаги фразеологик эвфемизмлар инсон ҳаётини интим, оилавий соҳада ва ҳар кунги фаолият соҳасида тасвирлайди.

Ижтимоий фразеологик эвфемизмларга сиёсат, дипломатия ва ҳарбий соҳа билан боғлиқ бўлган эвфемизмларни мисол қилишимиз мумкин. Ушбу эвфемизмлар асосан публицистик матнларда кўп учрайди, улар машҳур бўлган ҳаракат, сўз ва ибораларни маъносини камуфляж қилиш воситасида, бошқа юмшоқроқ ифодалар орқали маълумотни етказиб берадилар.

Ижтимоий фразеологик эвфемизмлар борлиқни безаб кўрсатиб, салбий ҳаракат ёки ҳодисаларни тасвирлашни юмшатиш мақсадида қўлланилади. Ижтимоий эвфемизмлар нутқда политкоррект эвфемизмлар кўринишида мавжуд бўлади. Политкоррект эвфемизмлар суҳбатдошни хафа қилиб қўйиш кўркуви ёки ушбу ҳолатдаги сўзлашув нормаларига амал қилиш заруратидан юзага келади. Масалан, «conflict», «casualties», «military assets», «sensitive goods» (weapons), «pacification», «antipersonnel weapon», «operations» (warfare), «collateral damage», «device», «inoperative combat personnel», «body count», «neutralization», «air support», «incursion», «misadventure», «coalition forces», «to liquidate», «precision bombing», «engagement» (battle), «misuse of artillery» (bombardment), «rescue mission» (invasion), «forces» (troops), «nuclear crisis».

Х.Маджитов, эвфемистик фразеологизмларда айтилаётган предметнинг ижобий характеристикаси, мулойимлик, хушмуомалалик ва бошқаларнинг эмоционал муносабатлари ифода этилади, деб таъкидлайди. Фразеологик бирликлар мақол, топишмоқ, ҳикматли сўзлар сингари халқнинг тажрибаси, дунёқарашини ифодалаб келади.

Эвфемистик фразеологизмларнинг стилистик имкониятлари кенг бўлиб, улар ёрдамида бадиий асар тили чиройли ва бўёқдор бўлади. Масалан, *Back in the Long Gallery some of the women went upstairs to powder their noses'*. (N. Mitford, 1949).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Косимова Н.Ф. ГРАММАТИЧЕСКИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ В ПЕРЕВОДЕ КАК ПРОЯВЛЕНИЕ МЕЖЪЯЗЫКОВОЙ АСИММЕТРИИ // World science. 2015. №4 (4)
2. G‘ayratovna, R. . M. . (2021). Semantics of euphemistic and dysphemic units. Middle European Scientific Bulletin, 12, 243-246.
3. 3 Haydarov, Anvar Askarovich and Navruzova, Nigina Hamidovna (2021) "STYLISTIC FEATURES OF INTONATION," Scientific reports of Bukhara State University: Vol. 5: Iss. 1 , Article 2.DOI: 10.52297/2181-1466/2021/5/1/2
4. <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol5/iss1/2>.
5. Ruziyeva N. (2020). FACE CONCEPT IN THE CATEGORY OF POLITENESS. European Journal of Humanities and Educational Advancements, 1(4), 15-20.
6. Ruziyeva Nilufar Xafizovna (2021).The category of politeness in different linguocultural traditions. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL 11 (2), 1667-1675
7. Mehmonova Yulduz. (2021). LEXICO-GRAMMATICAL PARTS OF SPEECH EXPRESSING THE INDEFINITENESS OF THE SUBJECT. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 7(1), 323-327.
8. Bakhtiyorovna, I. F. (2021). Translation of linguocultural peculiarities in hafiza kochkarova’s translations. Middle European Scientific Bulletin, 12, 247-249.
9. Olimova, D. Z. (2021). Transfer of modality in translation (modal verbs and their equivalents, modal words). Middle European Scientific Bulletin, 12, 220-22.
10. Abdikarimovich, Mr B. O. "The True Values of the Mavlono Jaloliddin Muhammad Rumi's Philosophy in Russian Translations." International Journal on Orange Technologies, vol. 2, no. 12, 31 Dec. 2020, pp. 68-71, doi:10.
11. Imamkulova Sitara Anvarovna. (2021). Cognitive Interpretation of Degrees of Intensification. *Middle European Scientific Bulletin*, 11(1).

**“МАХБУБ УЛ-ҚУЛУБ” АСАРИДА СЎЗ ҚУДРАТИ ВА НУТҚ ОДОБИ
МАСАЛАЛАРИ ТАЛҚИНИ**

*Холиқов Азамат Бахриддинович,
Қарши ДУ ўқитувчиси*

Алишер Навоий асарларида бадий сўз санъати ҳақида жуда кўп мулоҳазалар билдирилган. Улар шоирнинг махсус илмий манбалари ҳамда бадий асарлари таркибида учрайди. Жумладан, “Хазойинул-маоний” ва “Хамса” муқаддимасида, “Ҳайрату-л-аброр” ва “Саббаъи сайёр” дostonлари таркибида бундай мулоҳазаларни кўплаб учратамиз. Шунингдек, “Назм ул-жавоҳир”, “Арбаин” сингари асарларида ҳам бадий сўз санъатига оид тўртликлар мавжуд [1;63-64]. Сўзга эътиқод, сўзга берилган таърифу тавсифлар, сўзнинг тарихий хизматига айтилган шарафлар чексиздир. Улуғ

Алишер Навоий таърифида “сўз башар юлдузининг сипехри, инсон зотининг жавҳари” сифатида улуғланади:

*Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин.
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.*

Сўзга бундай эътибор берилишига сабаб – сўз Яратганнинг буюк мўъжизаси, дунёнинг ибтидосидир. “Назм ул-жавоҳир” асарида инсоннинг шарифлиги сўз билан эканлиги уқтирилади. Сўз инсонга истеъдод сифатида берилган экан, сўзни таниш истеъдоди ҳам фақат инсонларга берилган. Бунинг учун шоир сўзнинг тузук қоидаларини яхши ўзлаштириш, сўзга буюк неъмат сифатида қараш лозимлигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, сўзнинг тарихий-маданий, маънавий хизмати беқиёс. Лекин тилнинг имкониятлари нутқ орқали, нутқ жараёнида очилади. Нутқ бўлмас экан, тилнинг чексиз имкониятлари юзага чиқмай қолаверади. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида тил ва нутқ муносабатини шундай изоҳлайди: “Тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса, тилнинг офатидир” [1;64]. Демак, тил нутқ учун қурол сифатида хизмат қиларкан. Унинг куч-қудрати нутқ жараёнида намоён бўлар экан. Агар тил ўқ бўлса, нутқ камондир. Ўқнинг қудрати камоннинг мустаҳкамлигига ҳам боғлиқ. Камон қанчалик мустаҳкам бўлса, мўлжалга бехато урадиган бўлса, тилнинг, яъни ўқнинг қудрати шунчалик яққолроқ намоён бўлади.

Ғарб донишмандларидан Р.Эмирсоннинг таъкидлашича, “Нутқ – қудратли куч: у ишонтиради, ундайди, мажбур этади” [2;77]. Бу ўринда нутқнинг шундай фазилати таъкидланаяптики, у, биринчи навбатда, ишонтириш санъатидир. Қадимги Римда нотиклик санъати ҳарбий саркардалик санъати билан тенглаштирилган. Бу бежиз эмас. Шунингдек, теурийлар салтанатида Алишер Навоийнинг таъсир доираси ва даражаси ҳар қандай ҳарбий саркардадан ҳам устун бўлган. Султон Хусайн Бойқаронинг ўзи улуғ шоирни махсус рисоласида таърифлаб “Сўз соҳибқирони”? деб атаган эди.

Сўзнинг сеҳрига, қудратига, саркарда бажара олмайдиган вазифани сўз соҳибқирони уддалаганлигига бир ҳикоятни мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳикоят мазмунига кўра Хусайн Бойқаро узоқда шикор билан машғул экан. Саройда малика оғир бетоб ётган экан. Кунлардан бир куни малика ҳаётдан кўз юмибди. Аммо подшоҳга ўлим хабарини етказишга ҳеч ким журъат этолмабди. Шунда сарой аёнлари сўз саркардаси Навоийга мурожаат қилишибди. “Шоҳга шум хабарни етказган киши, шубҳасиз, жазога маҳкум бўлади. Мушкулни фақат сизнинг тадбиркорлигингиз, суҳандонлигингиз осон қилиши мумкин”, дейишибди. Шунда Навоий бир сатр шеър ёзиб берибди. Уни чопар орқали Хусайн Бойқарога етказишибди. Подшоҳ ўқибди:

“Сарвигулнинг соясида сўлди гул, нетмоқ керак?”

Хусайн Бойқаро дарҳол мисранинг мазмунини тушунибди. Ҳеч бир талвасага тушмасдан, вазминлик билан шеърий саволга шеърий жавоб ёзибди: “Сарвидин тобут ясаб, гулдин кафан этмоқ керак!”

Сарой аҳли чопар келтирган хатни ўқиб, сўзнинг қудратига қойил қолишибди, дафн маросимига киришишибди.

Навоий ўз даврининг буюк мутафаккири, сўз устаси бўлиш билан бирга, кишиларга яхши сўз билан таъсир эта билиш санъатини ниҳоятда кадрловчи, улуғловчи, бундай санъат усталарига эътибор қилиб, эҳтиром кўрсатувчи шахс ҳам эди. Шоир омма ўртасида яхши нутқнинг таъсири ва тарбиясини ҳам чуқур ҳис этади. Нотиқликдаги яхши ва ёмон томонларни кўра билиш ва уларни фарқлай олишга чақиради, нотиқлик санъатининг буюк қудратига алоҳида эътибор беради. Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг “Насихат аҳли ва воизлар зикрида” деб номланувчи 24-фаслида ваъз ва воизлик санъатига ўз муносабатини билдиради. Унинг фикрича, воиз қўйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

1. Воизнинг сўзлари таъсирчан ва фойдали бўлмоғи лозим. Воиз керакки “коламуллоҳ” сўз айтса.

2. Ваъз тингловчи учун янгилик билимлар ва ўзгаришлар хабарчиси бўлмоғи лозим. “Ваъз бир муршид ва огоҳ ишидур ва анинг насиҳатин қабул этган мақбул кишидур”.

3. Воизнинг ўзи бирор соҳани эгаллаган бўлиши ва ундан сўнг ваъз орқали кишиларга таъсир этиши лозим.

4. Воиз олим ва билимдон, ҳар нарсадан хабардор кишидур. “Воизким, бўлғай олим ва муттақийнинг насиҳатидин чиққан шақий”.

5. Воизнинг сўзи билан иши бир бўлмоғи лозим. Акс ҳолда нутқнинг таъсири бўлмайди. “Улки буюриб ўзи қилмағай, ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай” [1;83].

Алишер Навоий нотиқликда қисқалик ва равшанликни ёқлайди. Бу жиҳатдан унинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридаги 60 - танбеҳи ўринлидир. “Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар” - дейди. У тутуруқсиз гап билан кишиларнинг ғашига тегувчиларни ақли паст, носоғлом кишилардир, деб баҳолайди. “Улким, димоғида ҳабт – сўзида йўқ рабт (кимнинг димоғида иллат бўлса, сўзида боғланиш йўқ). Димоғи саҳиҳ - гуфтори фасиҳ (мия соғлом бўлса, гап-сўз ҳам ёқими ва хатосиз бўлур). “Сўзи ҳисобсиз-ўзи ихтисобсиз (бошвоқсиз). Сўзида паришонлик, ўзида пушаймонлик” [4;123].

Алишер Навоий сўзнинг ҳашамдорлигидан кўра, ҳаққонийлигини кадрлайди. Фикринг халқ учун фойдали ва тушунарли бўлсин десанг, содда тилда гапир, дейди: “Сўзки фасоҳат зеваридин музайян эмасдир, анга чинлик зевари басдур. Ёлғончи ҳар неча сўзида фасиҳроқ, сўзи қабихроқ. Чинсўз нечаким бетакалуф, қойилғи иборат соддалиғидин йўқ таассуф” [4;124]. Алишер Навоий яхши сўзли, эл учун фойдали нотиқларга ён босади. Уларнинг хизматини масжид имомларининг қилаётган ишларидан юқори қўяди. Шу туфайли улар учун имомларга нисбатан анча кўп маблағ ажратишни тавсия этади: “Воизга йиллик нақди беш юз олтун, буғдой ўн юк. Имомга масжиди жомеъда хатиб бўлиб, мактабдаги тутғай, йиллик нақди икки юз олтун, буғдой ўн юк”. [1;83]

Алишер Навоийнинг тил ва нутқ, нутқ одоби, нутқ маданияти, нутқ санъати ҳақида айтган фикрларида қадимий туркий халқларнинг нутқ маданияти борасидаги бой ва ноёб мероси маҳорат билан умумлаштирилган:

1. “Тилни, сўзни қадрла, уни ҳурмат қил: Донау дур сўзини афсона бил, Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил” [4;58].

2. “Яхши сўзли олиш (нутқ) – санъатдир, ноёб ҳунардир. Уни эгаллашга интилгин: Эрдин сўз ҳунар, энчдин бўз ҳунар” [5;31].

3. “Инсоннинг одоб ахлоқини белгилайдиган омиллардан бири унинг сўзи, нутқидир:

*Сувнинг мазаси муз била,
Ошнинг мазаси туз била,
Одам яхшилиги сўз била”* [3;79].

4. “Кишининг сўзи (нутқи) унинг ақлий камолотидан дарак беради” [5;32].

5. “Сўзлаганда дилинг билан тилинг бир бўлсин, чунки дилдаги тилга чиқади” [3;63].

6. “Сўзлаганда ўйлаб сўзла, тушуниб, билиб гапир: Сўзни кўнглунгда пишқармагунча тилга келтурма, Ҳарнаким кўнглунгда бўлса тил сурма” [1;363-364].

7. “Хушмуомала, ширинсўз бўл. Тилинг билан кишиларга озор берма” [3;62].

8. “Чин, тўғри сўзла, нутқингда ҳалол бўл. Ёлғон сўз бахтсизлик келтиради. Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар... сўзки фасоҳат зеваридин муаян эмасдур, анга чинлик зевари басдур. Ёлғончи ҳар неча сўзида фасихроқ, сўзи қабих” [3;63].

*“Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бари чин ҳам дегулук эмас.
Киши чинда сўз зебо, дурур,
Неча мухтасар бўлса авло дурур”* [3;83].

9. “Яхши, эзгу сўз (нутқ) кишига обрў, бахт келтиради. Эзгу сўзли бўл” [3;43].

10. “Тилдан туҳмат учун фойдаланма. Туҳматчидан қоч, ундан нафратлан:

Бировким ёлғон сўзни бировга боғлағай, ўз қаро бўлғон юзин ёғлағай. Кабира гуноҳдур – оз сўз ҳамки ўтрукдур, захра гуноҳдур - оз сўз ҳамки ўтрукдур, захри мухликдур - агарчи миқдори ўксукдур” [3;61].

*Эл айбини айтурга бировким узотир тил,
Ўз айбини фош айлагали тил узотур бил* [3;69].

11. “Тилингни тий. Кўп сўз, эзма ва вайсақи бўлма. Бу зарарлидир. Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни кўп эшитурдин қайтма. Оз деган оз янчилур, оз эган оз йиқилур” [3;82].

12. “Сўзлаганда шароитни, суҳбатдошингни ҳисобга ол, беўрин сўз айтма... “...Золим ва бедард суҳбатида нукта сурма” [4;84].

13. “Бўш оғиз бўлма, суҳбат сирларини сақлашга ўрган: Қайси мажлисдаким эшитсанг сўз, Билгил ул сўз санга омонатдур, Гар ани ўзга эрга нақл этсанг,

Ул омонатга бу хиёнатдур” [4;57].

14.“Гапирганда қайтариклардан қоч, чунки улар фикрнинг таъсирини сусайтиради” [4;58].

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида сўз кудрати ва нутқ одоби масалаларига юксак маҳорат билан ёндашган. Халқ қалби ва руҳини ифодалашда бадий сўзнинг кудратига алоҳида эътибор қаратган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.:Ўқитувчи,1976.
2. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Ё.Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. –Т.:Ўқитувчи, 1992.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ўн тўртинчи том: Маҳбуб ул-қулуб. –Т.: Фан, 1998.
4. Маҳбуб ул-қулуб // Насрий баён муаллифи И.Махсумов. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983.
5. Ўринбоев Б., А.Солиев. Нотиклик маҳорати. –Т.:Ўқитувчи, 1984.

SHOYIM BO‘TAYEVNING “SHOX” ROMANIDA KOMPOSITSION VOSITALAR IFODASI

*Djurakulova Elmira Suyunovna,
SamDU mustaqil tadqiqotchisi*

Badiiy asar tarkibidagi o‘ziga xos talqinlar bilan bir qatorda uning badiiy yaxlitligini ta’minlovchi unsurlar ham mavjuddir. Asar kompozitsiyasi – badiiy ijodning jiddiy yondashishni talab qiladigan muhim nazariy masalalardan biridir. Inson o‘z ijodiy faoliyatining barcha sohasida kompozitsiya to‘g‘risidagi muayyan prinsiplarga amal qilishi ham bejiz emas. Kishilar bunga ko‘p vaqt o‘rnashib qolgan an’analar asosida, ongli ravishda, ba’zan esa go‘zallik tuyg‘usi ta’sirida beixtiyor amal qiladilar. Aristotelning fikricha “Har bir jism uning mohiyati bilan belgilanadi” [1, 23-bet].

Mustaqillik yillari arafasida o‘zbek adabiyotida jiddiy o‘zgarishlar vujudga keldi. O‘zbek millatining fikrlash tarzida, olamni estetik idrok etish va tasvirlash maromida tub evrilishlar yuz berganligi barchaga ma’lum. Bu xususiyatni roman janrining taraqqiyotda ham kuzatish mumkin. Istiqlol davri adabiyoti jiddiy o‘zgarishlarga asos bo‘ldi. Chunki ijodkor olam va odam haqidagi qarashlarni teranroq anglay boshladi. Istiqlol adabiyoti xilma-xil, turfa xil ohangdagi badiiy asarlarni maydonga keltirdi. Unda turli-tuman ijobiy tajribalar qilish, turli “izm” lar izidan bora olish imkoniyati mavjudligi namoyon bo‘ldi. Bu davr adabiyoti tipik odamni emas, balki alohida o‘ziga xos va betakror odamni - tipni tasvir etmoqda. O‘quvchi hammaga o‘xshamagan, alohida odamni tushunish mobaynida o‘zgani anglay boshladi.

Go'zallik ko'proq asar strukturasiida ko'zga tashlanib, asarning tuzilishi esa kompozitsiyaga taalluqlidir. Badiiy ijodda kompozitsiya prinsiplari ayniqsa muhimdir. Shoyim Bo'tayevning "Shox" romani ham o'ziga xos kompozitsion yaxlitlikka ega bo'lib, roman strukturasi badiiy mukammallikka olib chiqqan. Asarga nazar tashlar ekanmiz, romanni uch qism, o'n uch bob va xotimadan iborat ekanligini ko'ramiz. Har bir qism ma'lum boblarni o'z tarkibiga oladi. Romanga "Egri shox, to'g'ri shox, ahli turfahol" [2,3-bet] buyuk ijodkor Gyotening "Faust" idagi misra epigraf qilib olingan.

Badiiy asar tarkibidan o'rin olgan epigraf o'ziga xos ma'lum bir badiiy vazifani bajaradi. Shu jihatdan qaraydigan bo'lsak, iste'dodli adib Abdulla Qahhorning ko'pgina asarlarida bu holatni kuzatish mumkin. Badiiy asarlar tarkibidan o'rin olgan epigraf ma'lum bir g'oyani ifodalashga xizmat qildi. Adabiyotshunos T. Boboyev qayd qilganidek: "Epigraf qisqa, sodda, ammo aforistik ruhda bo'ladi. U asar g'oyasini ishonarli qilib ochishda muallifga qo'l keladi. Epigraf o'z vazifasiga ko'ra asar nomiga o'xshab ketadi - ularning har ikkalasi ham asarga g'oyaviy-emotsional ruh baxsh etadi, asar mavzusi va g'oyasini aniqlashga ko'mak beradi" [3,146-bet]. Qayd qilinganidek, epigraf badiiy asarining mazmuniga yoki biror qismida ifodalanayotgan voqealar bilan uzviy bog'liq bo'lishi, tabiiydir.

Asardagi kompozitsion vositalarning o'rinli ifodalanishi badiiy g'oyani yuzaga chiqarish bilan bir qatorda, turfa xil xarakterlarni yoritishga asos bo'lgan. Kompozitsiya-asarda ijodkor diqqat markazining asosiy nuqtaga qaratishga, asar g'oyasining muvofiqligi va aniqligini, shunga nisbatan asardagi katta va kichik qismlar hamda obrazlarning joy-joyiga qo'yilishi va ularning tasvir me'yor va maqsadga muvofiqligini o'zaro uzviy bog'laydigan badiiy unsurdir.

Darhaqiqat, asardagi kompozitsion vositalarning o'rinli ifodalanishi badiiy yaxlitlikni yuzaga chiqaradi va asar g'oyasini namoyon qiladi. Epigrafda keltirilgan tushunchalar bilan asardan kelib chiqqadigan mulohazalar o'rtasidagi dialektik aloqani kuzatamiz.

Badiiy asar to'qimasida shunday unsurlar ham borki, ularni ba'zi adabiyotshunoslar asarning sujetdan tashqari unsurlari "kompozitsion vositalar" deb yuritishadi. Aslida bunday vositalar kompozitsion vositalarni tashkil etadi. Badiiy asar tarkibidagi kompozitsion vositalarga asar sarlavhasi, epigraf, lirik kirish, lirik chekinish, xotima, qisqartma epizod, peyaj, uy-joy, jihoz-buyumlar tasviri, qoliplash kabi unsurlarni kiritishimiz mumkin.

Adabiyot inson ruhi va qalbining tarjimoni va ayni chog'da tarbiyachisi sanaladi. Shu bois ham inson ma'naviy-axloqiy hayoti shaxs kamolotida doimiy ravishda adabiyotga tayanilgan va adabiyotdan foydalanilgan. Romaniy tafakkur tizimidagi o'zgarishlar nasrimizga ham sezilarli ta'sirini ko'rsatdi. Keyingi davr romanlarining eng xarakterli xususiyati shaxs erki, botiniy olamidagi ziddiyatlar, imon va e'tiqod, olam va odam o'rtasidagi ziddiyatlarni haqqoniy aks ettirilishi bilan alohida ajralib turadi. Demak, adabiyot shaxs tarbiyasida bosh omil ekan, unda o'z-o'zidan har bir xalqqa xos milliy g'oyalar, milliy ruh aks etishi tabiiy. Romandagi obrazlar tizimi shu darajada murakkab xarakterga egaki, uni kitobxon hazm qilishi juda og'irdir. Ammo an'anaviy talqindan, noan'anaviy talqin sari

siljiyotgan bugungi adabiyotimiz betakror obrazlar olamiga qarab siljiyatganidan darak beradi.

Roman sujetidagi qahramonlar iztirobi, ularning o'zlikni anglash yo'lidagi murakkab hayot yo'lini bosib o'tishi ham mahorat bilan talqin etilganligini ta'kidlash joizdir.

Adabiyotshunos Qozoqboy Yo'ldoshev qayd qilganidek: "Aslida esa, chinakam badiiy asar maishiy turmushni yaxshilash yo'llarini ko'rsatish uchun emas, balki kishini uning adoqsiz muammolaridan chalg'itish, odamni, bir zum bo'lsa-da, ovutish uchun yaratiladi... Yana bir jihati shuki, adabiyot, obyektiv ravishda, odam hayotini yengillatishga emas, balki murakkablashtirishga xizmat qiladi. Usiz ham turmush tashvishlariga ko'milib yotgan odam adabiy asarlardagi o'ziga daxli yo'q kishilar taqdiri bilan tanishadi va ularni deb iztirob chekadi" [4,226-bet].

"Shox" romanida turfa xil xarakterlarning shakllanishida makon va zamonning, uy-joy, atrofdagi jihozlarning, badiiy detallarning o'rni beqiyos ekanligini anglay boshlaymiz. "Hotam Qulmuhammadga mashinani yo'ldan olib tushishni tayinlab, yana ketib qolmang-a, degan gapni ikki uch aytib, o'zi portfelini ko'targanicha qiyamalikdan enib ketdi... Endi ana shu oxirgi hisobdagidan uzumzorda ishlashgan odamlarga qanchadan tegar ekan? Uzumlarni terib berishgan xotin-xalajlarga ham pul yozarmikan? Qutilarni sozlovchi ustalarga-chi?" [2, 42-bet]. Talqinda qayd etilgan tasvirlardan anglashiladiki, portfel o'ziga xos ma'no ifodalaydi. Uning zamirida, oddiy odamlarning hayotiga, mehnatiga bog'liq tushunchalar mujassamlashganligini guvohi bo'lamiz. Asardagi Hotam xarakteridagi xususiyatlar, davr voqealariga hamohang tarzda o'zgarib boradi. Uning qalbini boylik orttirish, "ko'zini esa yog' bosa boshlagan" damlarda barcha-barcha narsalarni unuta boshlaydi. Onasi bilan bo'lgan muloqotda bu holat yana-da, teran fikrlar, talqinlar asosida ochib beriladi. Ammo asta-sekinlik bilan o'tgan hayotini unuta boshlaydi, endi esa yana-da, nafsi hakalak otadiki, buning oxiri voy bo'lishini unitib ham qo'yadi: "darvozaning o'zi sirtidan odmigina ko'ringani bilan darvozaxona juda hashamatli, gumbaz shakldagi baland shiftda ulkan billur qandil osilib turiardi. Ganchiqor bilan bezatilgan devorlarning har joy-har joyi ochiq qoldirilib, turli-tuman manzaralar chizilgandi. Tog'dan oqib tushayotgan sharsharalar, kiyik quvib ketayotgan bo'ri, adirlar shu qadar tiniq va jonli tasvirlanganki, darvozadan kirgan kishi beixtiyor qandaydir noma'lum o'lkaga qadam qo'yganday bo'lardi. So'rining uch tomoni qalin-qalin turkman gilamlari bilan to'silgan, faqat qabulga kelgan odamlarni ko'rsa bo'ladigan tomonigina ochiq edi" [2,57-bet].

Keltirilgan tasvirdagi turli uy-joy jihozlarining o'ziyoq, ularning hayot tarzidan darak beradi. Ularning bu darajaga etishida faqat halol mehnatining mahsuli emasligini kitobxon juda yaxshi ilg'ab oladi. Badiiy asardagi kompozitsion vositalar asarining o'ziga xos qirralarini ochishga xizmat qiladi. Qayd qilingan talqinlarda esa, qahramonlarning hayot tarzi, ularning ma'naviy dunyoqarashi, moddiy hayoti haqida tushunchalarni kitobxon qalbida uyg'onishiga asos bo'ladi: "Uy-joy tasviri, xuddi tabiat manzaralaridek, asarning umumiy g'oyaviy mazmunini yoki uning ayrim jihatlarini kengaytirishga va chuqurlashtirishga, qahramonlarni konkretlashtirishga, ularga tabiiylik, jonlilik, haqqoniylik baxsh etishga ko'maklashadi" [3,152-bet].

Nazariy mulohazalarga tayangan holda, romandagi uy-joy talqinlari asar qahramonlarining o‘ziga xos xarakter qirralarini ochishga xizmat qilishini ham alohida ta’kidlash lozim. Shu o‘rinda Larisa Ziganshinaning uy-joyi haqidagi badiiy talqinlarga ham diqqatimizni qaratadigan bo‘lsak, uning butun qiyofasi bilan bir qatorda ruhiy-ma’naviy olami, xarakter xususiyatlari haqidagi ma’lum bir tasavvurlarimizni shakllanishiga xizmat qiladi. Bu tushunchalar zamiridagi mulohazalardan shuni anglash mumkinki, muallif faqat uning o‘ziga xos xarakterini emas, ma’lum bir muhitning ham qiyofasini ochish uchun xizmat qildirganligi bilan izohlanadi: “Yo‘lak keng, parket polga yumshoq gilam to‘shalgandi. Kiyim ilgichlar, poyabzal qo‘yiladigan kursilar bejirim edi. Kattakon toshoyna yo‘lakni bezab turardi. Devorlarda har xil suratlar. Zalga kiraverishdagi eshik oldida qo‘yilgan sun’iy daraxtning tuvagi, tuvakdagi tuproq, tuvak qo‘yilgan kursi ham plastmassadan yasalgan edi” [2,84].

Talqinlarga nazar tashlar ekanmiz, Larisaning o‘ziga xos hayot yo‘li, uning go‘zal va bejirim hovlisi, hayot tarzining yaxshiligidan dalolat berib turardi. Uning bejirim kiyinishi ham juda xonalarga hamohonglik kasb etardi. Hotam va Qulmahmud ikkisi ham bunday hayot tarzidan lol qoladiki, buning asosida birgina rus ayolining shunday hayot kechirishgina emas, moddiylikning yuqori ekanligi ularni hayron qoldiradi.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, badiiy kompozitsiyaning o‘ziga xos tamoyillari, vositalarining ham badiiy funksiyasi mavjudligini, uning o‘rin olishi va asar g‘oyasiga hamohang kelishi ijodkordan katta mahorat talab qiliadi. Ana shunday mahoratni adib romanga singdira olgan. Shu o‘rinda, keyingi yillar g‘arb adabiyotshunosligida asar kompozitsiyasi haqidagi qarashlardagi o‘zgarishlar, uning sabablari, kompozitsion vositalarga yangicha yondoshish tamoyillarini keyingi maqolalarimizda alohida qayd qilib o‘tamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Aristotel. Poetika. –T., Adabiyot va san’at, 1980. –128 b.
2. Bo‘tayev Sh. Shox. Roman. –T.: Milliy kutubxona, 2006. –332-b.
3. Boboyev T. Adabiyotshunoslik asoslari. –T.: O‘zbekiston, 2002. –560-b.
4. Yo‘ldoshev Q. Anglashning uzun yo‘li. Qarang: Mustaqillik davri adabiyoti. Adabiy-tanqidiy maqolalar. –T.: G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. –288-b.

SINTAKTIK KONSTRUKSIYADAGI KOMPONENTLARNING O‘ZIGA XOS JOYLASHUVI BILAN FARQLANUVCHI FIGURALAR INVERSIYA

*Ibragimov Abdurahim Rashidovich,
JDPI katta o‘qituvchi*

“Gap bo‘laklarining o‘rin almashinishi, yoki gap bo‘laklari joylashishi tartibining ma’lum bir maqsad bilan o‘zgarish hodisasiga aytiladi. Inversiya og‘zaki

nutqqa xos xususiyat. Badiiy matnda qahramonlar nutqini jonli nutqqa yaqinlashtirishda, ularning tilini individuallashtirishda mazkur usuldan foydalaniladi” [61].

Nutqning eng muhim kommunikativ birligi gap. Gaplar bir soʻzdan, yoki oʻzaro bogʻlangan bir necha soʻzdan tuziladi. Gap boʻlaklarining maʼlum grammatik formada shakllangan boʻlishi oʻzbek tilining oʻziga xos xususiyatlaridan biridir. Odatda, tartibga koʻra kesim gapning oxirida keladi. Uning oʻrin almashtirilishi esa, albatta, qandaydir emotsionallik ottenkasini keltirib chiqaradi. Tilda hech qanday sabab va maqsadsiz umumiy qoidadan chekinish hodisasi boʻlmaganidek, gapda odatdagi tartibning oʻzgarishi ham tasodifiy hodisa emas. U nutqning taʼsirchanligi, ekspressivligi, emotsionalligi kabi maʼnolarni ifodalash uchun maxsus qoʻllanadi. Inversiya oʻzbek tilida til taraqqiyotining keyingi bosqichlarida davr talabi, sharoit taqazosi bilan tugʻilgan hodisadir. Inversiya hodisasida emotsionallik bilan intonatsiya birga boʻlishi kerak. Gap boʻlaklarining, oʻrnini istalgancha almashtirish mumkin boʻlavermaydi. Oʻrin almashtirishning ham oʻziga xos imkon doirasi, qonun-qoidasi bor. Bu qoidalarni suʼistemol qilish esa jumlaning gʻalizligiga, stilistik xatoliklarga olib keladi.

Inversiya odatda bir gap boʻlagi doirasida yuz beradi. Lekin u oʻz navbatida boshqa boʻlakning ham oʻrnidan siljishiga sabab boʻladi” [2:88].

“U qoʻlida kattagina tugun bilan lip etib, ichkari kirdi. –Tishsh! - dedi barmogʻini labiga bosib. - Bir minutga kirdim. Eshikni berkiting.

Bu zamonning odamlarini bilasiz-ku, ogʻzi bilan yuradi. Kavshandozda turib, tugunni uzatdi. Olsangiz-chi, qoʻlim uzilib ketdi”.

Gap grammatik qurilishga koʻra “Qoʻlim uzilib ketdi. Tugunni olsangiz-chi” tarzida yozilishi kerak. Ammo yozuvchi qahramon holatini oʻquvchi koʻz oldida aniq gavdalantirish, jonlantirish uchun inversiyadan foydalangan. Qahramon oʻz holatini bir ogʻiz olsangiz-chi soʻzi orqali koʻrsata olgan. Qoʻlidagi ogʻir yukdan tezroq xalos boʻlish uchun avval, buyruq maʼnosidagi feʼlni, soʻng oʻz ahvoli (qoʻli uzilib ketgani, charchagani)ni aytgan.

“Aksiga yurib, xuddi oʻsha kuni tong otmasdan Umar zakunchi eshikni zarda bilan savalab uygʻotdi.

-Marsh omborga! Bugun bir vagon kartoshka joʻnatamiz”.

Gap asliga koʻra omborga marsh tarzida yozilishi kerak. Ammo gap shoshilinch harakatni ifodalagani uchun inversiya hodisasi sodir boʻlgan. Gapdan asosiy maqsad tezroq bajartirish. Yaʼni uyqudagilarni tezroq uygʻotish uchun avval “marsh” soʻzi, soʻng qayerligi aytilgan. Gapni yanayam toʻliqroq tahlil qiladigan boʻlsak, “Bugun bir vagon kartoshka joʻnatamiz. Frontga yangi yil sovgʻamiz shu boʻladi. Endi omborga marsh” tarzida boʻlishi kerak. Yozuvchi voqeani oʻquvchi koʻz oldida aniq gavdalantirish uchun ushbu sintaktik figuradan foydalangan.

-“Qora amma”, ichingizda nima bor? U yarq etib, boshini koʻtarib qaradi. - Dard bor, bolam, akangning dardi”.

Quyidagi gaplar ham xuddi shu figuraga misol boʻla oladi.

“Badaniga endi issiq o‘tgan bobom rohati buzilganidan g‘ashi kelib ijirg‘andi. - Shu oq soqolam g‘irt ahmoq odam-da! Nima ishi bor ekan, yarim kechada! - shunday dedi-yu, baribir sandaldan sug‘urilib chiqdi.

Hozir ham arava tomonga yugurgan edim, dadam jahli chiqib baqirib berdi.

-Borma, u yoqqa! Nimagayam ilakishib qoldim shu xotinga? Qurmagur o‘ziyam boshqachada”.

“Bitta iltimos, “A - 1” armaturam panelni mantaj qilish mumkin, deb yozib bering... o‘z qo‘lingiz bilan...”. Mana, o‘tiribmiz, dasturxon to‘rida! Hovlimiz mash‘ala bo‘lib ketgan. Stollar noz-ne‘matlarning ko‘pligidan belangi bo‘lib qolgan, o‘ng yonboshimda Nargizxon”...

“Ammam ko‘zlarini chaqchaytirdi. Sen xohlasang, kelin xohlasa kim qo‘yibdi u kishiga oyoq tirashni”.

Bazmga bordi - bo‘ldi-da! Xotin-xalaj ichida nima bor ho‘kizday yigitga!

-Do‘xtir bo‘lmoqchi, singling! Toshkentga boradi o‘zing bosh bo‘lasan-da!

Yozuvchi fikrini grammatik gap qurilishiga asosan bayon qilishidan chekinishning boisi kitobxonni voqea jarayoniga olib kirishni ko‘zlaganidir.

Parallelizm

Badiiy matnda sintaktik jihatdan bir xil shakllangan gaplar ko‘p qo‘llaniladi. Tilshunoslikda bunday qurilmalar parallelizm atamasi ostida o‘rganiladi. Parallelizm (yunoncha parallelos – yonma-yon boruvchi) yonma-yon gaplar, sintagmalarning bir xil sintaktik qurilishiga ega bo‘lishi. Parallel birliklarning asosiy vazifasi fikrga izoh berishi va eng muhimi, unga tinglovchini to‘la ishontira olishidan iborat”[3:76].

Sintaktik parallelizm til uslubiy vositalarining boyish manbalaridan biri bo‘lib, poetik nutqda ko‘p qo‘llanadigan, eng mahsuldor va ta‘sirchan sintaktik birlik hisoblanadi. Bir xil shakllangan gaplar badiiy nutq ta‘sirchanligini boyitish uchun ma‘noni kuchaytirishga va fikrning batafsil - atroflicha ifodalanishiga, tasvir ob‘yekti bilan bog‘liq ma‘lumotlar fondining kengayib borishiga xizmat qiladi”[4:73].

“Shanba oqshomida Bo‘ston qishlog‘ida ajib bir joziba kashf etdi. Bu oqshom oy ham erta chiqdi. To‘lib, qipqizarib, yashnab-yashnab chiqdi”.

Bu misolda oyning to‘rt xil harakati bir xil shakllangan gaplarda ifodalangan. 1. Erta chiqdi. 2. To‘lib chiqdi. 3. Qip-qizarib chiqdi. 4. Yashnab-yashnab chiqdi.

“O‘zi ham bilintirmay uf tortib qo‘ydi. Ko‘krakka talpingan Shavkatning qo‘ng‘ir sochlarini siladi. U jimgina, to‘yib-to‘yib emar, ko‘zlarini suzib turar, ammo qoshlari chimirilib ketgan edi”.

Misoldan parallelizm harakatlar soni to‘rtta.

1. Jimgina emishi.
2. To‘yib-to‘yib emishi.
3. Ko‘zlarini suzib turishi.
4. Qoshlarini chimirib turishi.

“Vokzal gavjum, maydonchadagi skameykalar to‘lib ketgan. Birov chamadonga, yonboshlab mudrar, birov papiros tutatib, hayol surib o‘tirar boshqalar do‘kondan kitob tanlar edi”.

Misolda vokzaldagi odamlarning to‘rt xil harakati bir xil shakllangan gaplarda ifodalangan. 1. yonboshlab mudrar, 2. papiros tutatar. 3. xayol surib o‘tirar. 4. do‘kondan kitob tanlar.

Bir zamonning o‘zida bir makondagi odamlarning harakati ifodasini shu gap misolida ko‘rib turibmiz va shunga o‘xshash bir qator misollarni ko‘rib chiqamiz.

“Osmonda bahor quyoshi erkanib jilmayadi. Ko‘chaning ikki betidagi bargak chiqargan tollar hozirgina sochini yuvib, oftobda quritayotgan qizdek tamonno qiladi. Qushlar oshiyon qurishi tovushida chug‘urlaydi. Yo‘l chetida qip-qizil qizg‘aldoqlar gilamdek tovlanadi. Ko‘klam shabadasida mastona bosh chayqaydi. Qizg‘aldoqlar orasida onda-sonda ko‘zga chalanib qolayotgan chuchmomolar olamga munis mo‘ralab qaraydi”.

“Ko‘kintir teplavoz qator-qator vagonlarni tortib, Alvasti ko‘prik ustidan o‘ta boshladi. Po‘lat izlar zirillar, g‘ildiraklar quloqni qomatga keltirib taraqlar, yo‘l chetidagi qovjiragan o‘tlar shiddat bilan silkinar edi”.

Takror

Ilmiy adabiyotlarda alliteratsiya, anafara, epifara, rifma, pllanazm, naforat kabilar takrorning turli xil ko‘rinishi sifatida talqin qilinadi. Ekspressivlik, emotsionallikni ifodalashda gapning takrorlanishi alohida o‘ziga xos nutq formasidir. Badiiy asar mualliflari tasvirlayotgan voqea-hodisaga o‘quvchining diqqatini tortish, uni bo‘rttirib ko‘rsatishi uchun badiiy adabiyotlarda tovush va tovushlar so‘z va so‘zlar yig‘indisini, gaplarni takror qo‘llab, urg‘uni kuchaytiradi, nutqqa keskinlik kiritadi. O‘zbek tilida takroriy gaplarning grammatik qurilishi, shu bilan birga uning ekspressiv stilistik funksiyasini o‘rganish katta nazariy va praktik ahamiyatga egadir. Takroriy gaplar grammatik va prosodik kategoriyalarning qo‘shiluvidan hosil bo‘ladi. Bunday gap-gaplar matnlarda ham keng qo‘llaniladi” [5]

“Birinchi gapda qo‘llangan ayrim affikslar, so‘z, so‘z birikmasi yoki gaplarning keyingi komponentlar tarkibida takroran qo‘llanishi orqali matn shakllantirilishi mumkin. Takror usulidan aytilayotgan fikrni alohida ta’kidlash, tasdiqlash, kengroq, batafsilroq, ifodalash maqsadida foydalaniladi. Takror yordamida nutqning ta’sirchanligi ortadi. Takrorning qo‘llanishi shu so‘zni nima uchun takrorlagan”, “gapning sintaktik sturukturasiga qanday ta’sir qilgan savollarini qo‘yishimiz mumkin”.

“- Iyye, Muborak bo‘lsin! Nechta tug‘di? - ikkita rais, ikkita. “boyagi rus xotin temir simyog‘ochga behol suyangancha hiqqillab yig‘layapti.

-Sasha, Sashenka!

-Suv! Suv opke!

Shu payt quv-quv yo‘talayotgan o‘g‘ilchasini ko‘tarib, Potma kelin kirib keldi. - Voy, aylanay, yaxshiyam uyda ekansiz, o‘qing siz o‘qing! - dedim suyinib”.

“Bundan chiqdi, Kimsan akamdan xat kelgan! Bundan chiqdi u xatimi olgan! Bundan chiqdi...”

O‘zingizni bosing, ovsinjon! - dedi o‘ziyam yig‘lab. - Adashgan ovsin, pochtagi adashgan. Etni tirnoqdan ayirmoqchimisan! - dedi dadam. - Boradi! - men aytdimmi, boradi!

-Munavvar! Meni kechir, Munavvar! Sensiz o‘lib qolaman, Munavvar! O‘lib qolaman.

Yerni mushtlagancha qichqirdi.

-Bormayman!

-Shunaqa qilmagin. O‘zing yaxshisan-ku, Robi ketaylik. - Bormayman! - Alam ustida dodlab yubordim. Bormayman, dada! Dadajon...

Munavvarning qo‘llarini kecha oyog‘imga yopishib, shimimning pochasini silagan, erkalab sochini taragan qo‘llarini adyo‘l tagidan tortib chiqqardim-u yuzimga bosgancha muk tushdim. - Obket, Munavvar! Meniyam obket, obke-ye-yet!

-Hoy dadasi bola qo‘rqadi! - Ona daxshat ichida erining titray boshlagan qo‘llariga yopishdi. - Qo‘ying... Qo‘yinglar...

-Tegma, ketsin! - hayqirdi otasi turgan yerida yaproqday qaltirab. - El-yurt oldida sharmanda qilgandan ko‘ra, yo‘qolib ketsin!

“Dadil bo‘l, Qo‘sha” dedim-u, eshikni shahd bilan ochdim. “Pari hayol surib o‘tirgan ekanmi, o‘lay agar tanimadim. Qo‘ng‘iroqday ovozlaringdan akang aylansin! Muncha shirinsan! Muncha chiroylisan! Muncha chiroylisan! Nargizxon muncha baxtlisan, Qo‘zivoyim!

Ayting! - dedi xirillab.

-hozirgi ashullani ayting!

-yana qaytaraymi?

-qaytaring dedi u alamli ovoz bilan. Yuz marta qaytaring. Ming marta qaytaring!

Yuzim og‘riganidan emas, kulgum qistaganidan ko‘chaga otildim. - To‘xta, yer yutkur! To‘xta juvonmarg!

Yuzimga qaynoq nafasi urilganini payqadim-u, qo‘rqib ketdim. - Keting dedim yulqinib, Keting! Dodlayman, hozir dodlayman.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Yo‘ldoshev M., Yadgarov Q. Badiiy matnning lisoniy tahlili. –T., 2007, 61-b.
2. Abdullayev A. O‘zbek tilida ekspressivlikning ifodalanishi. –T.: Fan, 1983. 88-b.
3. Yo‘ldoshev M., Yadgarov Q. Badiiy matnning lisoniy tahlili. –T., 2007, 76- b.
4. Shukurov R. Sintaktik parallelizmning uslubiy vazifalari // O‘TA. 2004. № 2, 73-b.
5. Qo‘ng‘urov R va boshqalar. Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari. –T.: O‘qituvchi, 1992.

FRAZEOLOGIK CHATISHMAALARNING TILIMIZDAGI XUSUSIYATLARI

*Abdujalilova Feruza Shadiyarovna
JDPI o‘qituvchisi*

Har bir til o‘zining ozmi-ko‘pmi tarixiga ega bo‘ladi. Jumladan, o‘zbek tili ham o‘zining boy tarixiga ega bo‘lgan tillar sirasiga kiradi. O‘zbek tilshunosligining

frazeologiya sohasiga nazar tashlasak, uning shakllanish va rivojlanishi zabardast olim Sh. Raxmatullaev nomi bilan bog‘liqligiga amin bo‘lamiz. Shu bilan bir qatorda tilshunos olimlar Y. D.Pinxasov, M.Husainovlar ham o‘zbek frazeologiyasining rivojlanishiga o‘z hissalarini qo‘shganlar. (1:456)

Iboralar tarkibida so‘zlarning ma’nolari bilan ibora ifoda etgan ma’no o‘rtasida hech qanday leksik aloqa sezilmagan frazeologizmlar frazeologik chatishmalar deyiladi. Frazeologik chatishmalar qismlarining ko‘chma ma’nosi asosida kelib chiqadi va natijada bu ko‘chma ma’nolik hozirgi zamonaviy til nuqtai nazaridan tushunarsiz bo‘lib qoldi. Frazeologik chatishmalarning obrazlilik faqatgina tarixiy tahlil yordamida ochilishi mumkin. Masalan: “temirni qizig‘ida bosmoq” iborasi fikrimizning yaqqol dalilidir.

Shunday qilib, frazeologik chatishmalarda asl va ko‘chma ma’nolar o‘rtasida aloqa umuman yo‘qolgan bo‘lib, ko‘chma ma’no ular uchun xos bo‘ladi. Aynan mana shu sababli frazeologik chatishmalarni boshqa tilga tarjima qilish ancha-muncha qiyinchilik keltirib chiqaradi. Frazeologik chatishmalar bir qator o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lib, ular quyidagilar:

1. Ular tarkibidagi so‘zlar chatishmadan tashqari hech qayerda uchramaydi;
2. Chatishmalar tarkibiga arxaizmlar kirishi mumkin;
3. Ular sintaksis jihatdan qismlarga bo‘linmaydi;
4. Ko‘p hollarda qismlarining o‘rnini almashtirib bo‘lmaydi;
5. Ularda turg‘unlik xususiyati saqlangan, tarkibiga qo‘shimcha so‘zlarni qabul qilmaydi.

O‘zining mustaqil leksik, (lug‘aviy) ma’nosini yo‘qotib, frazeologik chatishma tarkibiga kiruvchi so‘zlar, murakkab leksik birikma qismlariga aylanadi va ma’nosi alohida so‘zga tenglashadi. Shuning uchun frazeologik chatishmalar alohida so‘zga sinonimik kirisha oladi.(2:654)

M.Xusainov frazeologizmlar tasnifiga to‘rtinchi guruhni -ideomalarni kiritdi. O‘zbek frazeologiyasining ilmiy asosda chuqur o‘rganilishi va takomillashuvida Sh.Raxmatullaevning xizmati beqiyos bo‘ldi. U o‘zining qator tadqiqotlari bilan o‘zbek frazeologiyasiga asos soldi. Olim o‘zbek frazeologizmlar doirasini ancha toraytirdi va faqat ko‘chma ma’noga asoslangan barqoror birliklarnigina frazeologizmlar tarkibiga kiritdi [3:231].

O‘zbek tilshunos olimlari ham frazeologizmlarni keng talqin qilishda V.V.Vinogradovning qarashlaridan ancha chetga chiqa boshlandi [4:12]. Natijada frazeologizmlar tarkibiga faqat ko‘chma ma’noli barqoror birikmalarnigina emas, balki tilda oldindan birikma holda mavjud bo‘lib, nutqqa tayyor holda olib kiriladigan barcha barqoror birikmalar kiritila boshlandi. Natijada maqol, matal, hikmatli so‘zlar ham frazeologizmlar sifatida qarala boshlandi. Shu tariqa frazeologizmlarni tor hamda keng ma’noda tushunish yuzaga keldi.

Frazeologizm so‘z singari shakl va mazmunning dialektik birligi sifatida mavjud bo‘ladi. Frazeologizmlarning shakli uning tashqi tomoni, ko‘rinishi bo‘lib, ifoda plani esa, komponent tarkibi, struktual qurilishi yoki material asosi deb yuritiladi. Frazeologizmning mazmuni esa uning ichki tuzilishi yoki semantikasidir [5:456].

Bizga shunisi ma'lumki, so'nggi yillarda frazeologiya sohasida ko'zga ko'rinarli katta va salmoqli ishlar qilindi. Frazeologizmlarga oid ishlarning maqsadlari qatorida semantik, leksik-semantik, morfologik va sintaktik munosabatlar tahlil qilindi. Hozirgi vaqtda frazeologizmlarda kamida oltita sinf mavjud bo'lib, ular quyidagilar:

1. Ularning har biri o'zida frazeologik tarkibning "o'zagini"-idiomani namoyon etadi.
2. Murakkab tur ma'nosiga ega bo'lgan frazeologizm til sistemasining leksik-semantik birligi bilan o'zining strukturasi ko'ra bevosita ta'sir ko'rsatadigan frazeologik birikmadir.
3. Maqol va matallar bir vaqtning o'zida ham to'g'ridan-to'g'ri, ham qochirim, kinoya ma'nosiga ega bo'lgan birliklar.
4. Nutq qolipiga ega birlik.
5. Turli xil rodga taalluqli iboralar v.b. [5:56].

Demak, yuqoridagilarni jamlasak, quyidagi fikr kelib chiqadi. Frazeologizm deganda, turg'un va aks ettiruvchi, alohida tus beriladigan, bir necha komponentlardan tashkil topgan, bo'linadigan va butun ma'nolarga ega bo'lgan, boshqa so'zlar bilan muvofiq keladigan til birliklari tushuniladi.

Xulosa qilib aytganda, frazeologik chatishmalar tilning ta'sirchanligini oshiribgina qolmay, undagi leksik-semantik ma'nolarni ochib berishda bir vosita hisoblanadi. O'ylaymizki, bu kabi ishlarning ko'payishi kelajakda frazeologiya sohasida ko'plab ilmiy qirralarning yuzaga kelishida turtki vazifasini bajaradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Delija B. N. Phraseologie S.: 1975, S. 418.
2. Хусаинов М. Фразеология розы писательницы Айдын, АКД, Самарканд, 1989. 24-б.
3. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фразеологизмларининг боғлашуви. – Т.: Комуслар бош тахририяти, 1992. 6-б.
4. <https://ziyo.net.uz/frazeologiya/uz/896055>
5. <https://google.uz/frazeolgiya/uz/094090>

БАДИИЙ АСАР ТАҲЛИЛИДА САРЛАВҲАЛАРНИНГ ЎРНИ

*Худайназарова Дилора Гулмуродовна,
ЖДПИ ўқитувчиси*

Бадиий асар тилини таҳлил қилиш жараёнида сарлавҳалар алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг ўз сабаблари бор. Биринчидан, сарлавҳаларга тасодифий сўзлар тушмайди. Агар муаллиф ҳақиқатдан ҳам нодир истеъдод эгаси бўлса, унинг яратган асари чинаккам бадииятнинг нодир дурдонаси саналса, бундай асарлардаги бирор қисмининг, жумладан, сарлавҳанинг ҳам тасодифий бўлиши мумкин эмас. Иккинчидан, адиб ўз асарига ном қўйишда, унинг муайян қисмларини ажратиш ва уларни алоҳида номлашда бадиий-

эстетик вазифаларни ҳал этишни кўзлайди. Учинчидан, сарлавҳани кўпинча китобнинг ихчамлаштирилган мазмуни деган қараш мавжудлигини эътиборга оладиган бўлсак, унинг ўқувчи қизиқиш ва эътиборини тортишдаги ўрни ҳамда аҳамиятини ҳис этиш қийин кечмайди.

Биз сарлавҳа ҳақида гапирар эканмиз, унинг таърифи, моҳияти ва педагогик жараёнда ундан фойдаланишнинг йўллари, қолаверса, унинг ижтимоий-педагогик, адабий-эстетик аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтишимиз зарур. Сарлавҳа ҳақида «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да шундай таъриф берилган:

«1. Китоб, асар, мақола ва ш.к.нинг номи». Мана шу номларнинг тасодифий бўлмаслиги яхши маълум. Ҳар бир сарлавҳа остида ёзувчи ёки адибнинг муайян бадиий-эстетик мақсад ва вазифалари мужассамлашган бўлади. Таҳлил жараёнида мана шу мақсад ва вазифаларнинг «қайта кашф этилиши»га ҳам, унинг воситасида матн мазмунини англаб етишга ҳам, қолаверса, бу жараёнларнинг воситаси билан ўқувчиларнинг фикрлаш ва мустақил фаолият кўрсатиш жараёнини фаоллаштиришга ҳам интилиш жоиз бўлади.

Ёзувчи Тоҳир Малик «Меҳробдан чаён» романининг сарлавҳаси ҳақида шундай мулоҳаза юритади: «Баъзан хаёлимизга «Иккинчи романнинг номини «Меҳробдан чиққан чаён» деб аниқлаштириб ёзсалар бўлмасмиди?» деган фикр ҳам келиши мумкин. Сиртдан қараганда тил қоидаларига кўра келишикларда хато борга ўхшайди. Асардаги неча юз минглаб жумлаларнинг бир-иккисида чиқиш келишиги билан ўрин-пайт келишиги чалкашиб қолган бўлиши мумкин. Аммо асар номида бундай камчиликка йўл қўйилиши эҳтимолдан узоқ. Чунки ёзувчи учун энг қийин ишлардан бири - асарга ном топиш бўлади. Кўп ўйланади, бир неча марта ўзгартирилади. Кам ҳолларда асар номи рамзий маъноларни ўзида яширган бўлади...

«Меҳробдан чаён» эса булардан фарқли ўлароқ, рамзий маънога эга. Биласизки, масжид – Тангрининг уйи – покиза жой. Меҳроб эса бу уйнинг яна-да покизароқ жойи, нопок оёқнинг қўйилмоғи мумкин эмас. Буни инсонга кўчирсак, инсондаги меҳроб – унинг қалби эмасми? Анварнинг меҳробидаги чаёнлар кимлар эди? Анвар буларнинг чаён эканликларини билмадимиз экан? Романнинг номи бир тилсим бўлса, унинг очқич калити баён этилмиш воқеалардир» .

Таниқли тилшунос олимлар М. Миртожиев ва Н. Маҳмудов Х. Султоннинг «Умр эса ўтмоқда» ҳикояси сарлавҳаси ҳақида тўхтаб шундай ёзишади: «Ёзувчининг, айниқса, турмуш ташвишлари ва умрнинг ўктам мазмуни ҳақида чуқур самимият билан ҳикоя қилинган «Умр эса ўтмоқда» асари умуман бадиият, хусусан, бадиий сўз маҳорати жиҳатидан унинг чинакам муваффақиятидир. Ҳикоянинг сарлавҳасидаги *эса* ёрдамчи сўзига диққат қилинса, бу сўзга ёзувчи жуда катта поэтик юк қўйганлигини, ҳикоядаги асосий ғоя ана шу ёрдамчи сўз билан алоҳида таъкидланганлигини дарҳол сезиш мумкин...Айтиш мумкинки, сарлавҳанинг ўзиёқ китобхонни ҳикоянинг, ҳикоядаги воқеаларнинг руҳига олиб киради, аслида, ҳар қандай сарлавҳа ҳам ана шундай ўткир бўлиши керак».

Муҳими шундаки, сарлавҳалар таҳлили билан боғлиқ бўлган ижодий ишлар фақат бадиий асар сарлавҳасининг мувофиқ-номувофиқлигини аниқлашга қаратилиб қолмасдан, ўқувчининг сўз маъносини англаш, ҳис этиш кўникма ва малакаларининг ортишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши керак. Бунинг замиридаги энг кутилган натижа эса ўқувчининг нутқий кўникмаси онгли асосга қурилиб, амалий кўрсаткичга эга бўлиши лозим.

Сарлавҳалар таҳлили орқали ўқувчиларнинг мустақил мулоҳаза ва мушоҳада қила олиш имкониятлари кенгаяди, уларда мантиқий фикрлаш кўникмалари ўсади, ривожланади. Уларда моҳият, сабаб ва оқибатли боғланишларни англаш, идрок этиш, ҳодисалар моҳиятини таҳлил қилиш (анализ) ҳамда алоҳида қисмларнинг ягона бир ҳодисанинг таркибий қисмлари сифатида тасаввур этиб, уларни бирлаштира олиш (синтез) қобилиятлари шаклланади. Мунтазам машқлар жараёнида эса бу қобилиятлар камол топиб, одатдаги кўникма ва малакаларга айланади.

Ўқувчиларининг сарлавҳа устидаги мустақил-ижодий ишлашлари натижасида ниҳоятда муҳим дидактик, педагогик ва методик мақсадлар амалга ошади. Уларни умумий тарзда шундай умумлаштириш мумкин:

1. Сарлавҳаларни мустақил, алоҳида таҳлил қилиш натижасида асарнинг мазмун ва моҳияти пухта ўзлаштирилади.

2. Бу жараёнда бадиий асарнинг алоҳида қисмлари билан унинг яхлитлиги орасидаги мантиқий боғланиш аниқроқ тасаввур этилади.

3. Сарлавҳанинг атрофлича таҳлил қилиниши, унинг асар мазмунига алоқадорлигининг «исбот қилиниши» ўқувчининг тафаккурига, айниқса, унинг хотирасига кучли таъсир ўтказиши. Бунинг оқибатида ўқувчининг ўзи қўлга киритган билим унинг хотирасида барқарор ҳолда жуда узоқ муддатларда ҳам ўчиб кетмайдиган даражага етади.

4. Муҳокама жараёни бутун синфни қамраб олганлиги, ҳар бир ўқувчининг бошқаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил фикр айтиш имконияти уларнинг ижтимоий фаоллашувини таъминлайди. Бу ҳолат синфдаги барча ўқувчиларга бир хил шароит ва бир хил имкониятдан фойдаланишдаги тенглик асосида ўзини кўрсатишга, ўз индивидуал томонларини намоён этишга имкон беради.

5. Сарлавҳани таҳлил қилиш баҳонасида ўқувчилар асар моҳиятини ўзлаштиради, унинг таркибий қисмларга ажралиши ҳамда яхлит ҳолдаги мазмун ва моҳиятини ёрқинроқ тасаввур этиш имконини беради. Буларнинг барчаси эса унинг сўзда мужассамлашган эстетик таъсирини англаш ва ҳис этишга замин яратади.

6. Мазкур жараёнлар ўқувчидан ўз нуқтаи назарини, мулоҳазаларини ифодалашни, баён этишни талаб этади. Демак, ўқувчи мана шу жараёнларда ихтиёрсиз ҳолда ўз нутқининг бойиши, унинг мантиқли ва асосли бўлиши устида ҳам бош қотиради. Буларнинг барчаси унинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқининг шаклланиши ва ривожланишига замин яратади. Бир сўз билан айтиладиган бўлса, ўқувчининг сўз бойлиги ортади.

7. Ўқувчилар сўз маъносини ҳис этишга ўрганади, уларда зукколик хислатлари тарбияланади.

Демак, бу усуллардан амалиётда фойдаланиш ўқувчиларнинг онгли фаолиятларига ижобий таъсир кўрсатади, дарс самарадорлигини оширади, энг муҳими, амалий натижалар, яъни ўқувчиларнинг билим ва кўникма ҳамда малакаларининг ижобий кўрсаткичларга эришишига муҳим омил бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. –Т.П. С-Ў. –М.: Рус тили, 1981 йил 23-б.
2. Тоҳир Малик Ибрат мактаби // Адабиёт. Бадиият. Абадият. Хотиралар, бадиалар, мақолалар / Нашрга тайёрловчи Х.Қодирий. –Т.: Янги аср авлоди, 2004. 87-б.
3. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. –Т.: Ўзбекистон, 1992. 104-105- б.

САККОКИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА ТАРИХИЙ ОБРАЗЛАР ТАСВИРИ

*Исроилов Ғайрат Жойзоқ ўғли,
ЖДПИ ўқитувчиси*

Саккокий шеърлятида диний тушунчалар билан боғлиқ тарзда талқин этилган тарихий шахслар образлари мавжуд бўлиб, бу уни ғазалларини бадиий жиҳатдан етук, тасвирлаш воситалари пишиқ, тилини жозибали бўлишга асос вазифасини ўтаган. Шоир ғазалларини ўрганимизда, уларда Исо алайҳиссалом, Хизр, Фарҳод, Сулаймон, Лайли, Мажнун ва бошқа шунга ўхшаш кўпдан-кўп тарихий шахслар ҳамда адабий қаҳрамонларга оид ривоят ва маълумотларга ишорат қилиб, лирик қаҳрамон характер хусусиятларига хос хилма-хил сифат ва фазилятларни бетакрор бадиият тасвирланганини кўраимиз.

Мумтоз шеърлятимизда диний тушунчалар билан боғлиқ тарзда талқин этилган тарихий шахслар образларидан бири Исо алайҳиссалом образидир. Маълумки, ҳазрати Исо барча пайғамбарларга ўхшаб ота-онадан эмас, танҳо она, яъни Биби Марямдан таваллуд топган, бу ҳақида Алишер Навоийнинг ёзишича: “Муқаррардурким, Исо (а.с.)нинг атоси йўқтур. Марям Жаброил (а.с.)нинг нафаси била ҳомила бўлди ва туғурур вақтда Байтулмуқаддасдин чиқиб, қироғроқ ерда вазъи ҳамл қилди. Халқ бу ишни билиб, бориб ул ҳолни кўруб, ирик сўзлар айта бошладилар. Юқорироқ битилибтурким. Исо (а.с.) не навъ жавоблар берди. Андин сўнг эл мутаажжиб бўлуб, сўз айта олмай қайттилар. Марямни, Ҳабиб Нажжорким, холазодаси эрди, Исо (а.с.) била олиб Дамашққа борди. Исо (а.с.) ўн уч ёшағунча анда маош қилди. Анда ҳам Исо (а.с.)нинг мўъжизоти кўб зоҳир бўлди” [1; 589-590].

Шу ўринда, Исо Масих бадиий тимсоли Шарқ шеърлятида қандай адабий қонуниятларга асосланиб ўз ғоявий-бадиий ифодасини топган деган ўринли савол туғилади? Чунончи, Исо алайҳиссалом бадиий тимсоли мумтоз

шеърятимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаганлиги тасодифий бўлмай, унинг мўъжизакорлиги, айниқса, ўликни тирилтириши, дил ва руҳ уйғоклиги, кўнгул эркинлиги рамзи каби хислатлари, бизнингча ижоддорларни ўзига тортиб, қайта-қайта мурожаат этишларига сабаб бўлган.

Ислон ва Куръон мавзуси ўзбек адабиётида тарихий шахслар образи талқинининг ўзак моҳиятини ташкил этган. Ислоний адабиётда тарихий шахслар образи иймон, эътиқод, эзгу амаллар, инсоннинг Яратган олдида масъуллиги каби мезонлар асосида тасвирланган. Шу боис ҳам, ягона Ислон маданияти худудларида туркий халқлар адабиёти бой анъаналари жиҳатидан муҳим ўрин тутган ва ўзга адабиётларга ҳам таъсир ўтказган [3;62].

Саккокий ҳам ўз ғазалларида Масиҳо (Исо) ҳақидаги диний афсоналардан фойдаланиб, ошиқ ва ёр муносабати баёнида жуда гўзал манзаралар яратган. Шоир ғазалларида ёр-масиҳодам. Унинг зулфи, нортек янгоқинг ошиқни бемор қилади. Бирок дами (нафаси) унга шифо беради:

*Нортек янгоқинг фурқати ичра кўнгулу жон,
Ул куйди жудоу бу жудо, бизни унутма.
Исо дамнинг бор асари ҳар нафасингда,
Жон дардина, эй хулқи даво, бизни унутма* [5;236].

Кўриниб турибдики, шоир илоҳий ишқ ҳамда инсоннинг инсонга бўлган самимий севгисини ёнма-ён қўйиб куйлайди ва шарафлайди. Шоирнинг тасвирида ёр-гўзал, латофатли ва дилрабо. Унинг ҳусн-жамоли ой ва кўёшдан, чаманзор гулларида ҳам зиёда, ёрнинг қомастига на сарв ва на санобар, унинг оғзига на pista ва на ғунча, лабига на лаъл ва на ёқут, кўзига на оҳу ва на нарғис, зулфига на сунбул ва на райҳон тенглаша олади.

*Оймудур юзунг, ёхуд хуршеди тобон, эй санам,
Бор анингтек шуъласи кўзларни бекор айлади..
Эй Масиҳодам бегим, бир дам била бергил шифо,
Шева бирла кўзларинг жонимни бемор айлади* [5;278].

Саккокий маъшуқанинг қошу кўзлари, киприкларини, айни пайтда ноз-карашмаларини тасвирлар экан, ошиқ учун ниҳоятда тотли азоблардир. Маъшуқадан жабр тортиш ошиқ учун лаззатли дамлардир. Бундай тасвирлар шоир ғазалларида илоҳий ишқ билан мажозий ишқни бир ўзанга бирлашишига сабаб бўлади. Баъзи ғазалларида, шоир тазод санъатидан унумли фойдаланиб, дилбар ҳаётини манзара яратганлигини ҳам кўришимиз мумкин:

*Ғам менинг зотимга вожиб бўлди, бўлмас мумтаниъ
Ўзга ҳамд этма, жафо кўтрурга имкон қолмади.
Чунким ул Исо нафас қасд этти, Саккокий, сенга
Дарди дил бирла ўлардин ўзга дармон қолмади* [5;250].

Ишқ ошиқ учун туганмас дард, аммо ошиқ бу дарднинг туганмаслигини истайди. Ошиқ маъшуқага этишиш учун ҳар қандай жабру жафоларга ҳам тайёр. Шу билан бирга, ёр ошиққа ҳаёт ва умид, шодлик ва қувноқлик бағишлайди:

*Мени ўлтурди кўзи, эрни ҳимоя қилмади,
Иклик ўлди гўйиё, Исо риоят қилмади.*

*Наргиси бир гамза бирла қутқорур жондин мени,
Мунча ишимни не бўлди, ул кифоят қилмади [5;247].*

Шоир ғазалларидаги Лайли ва Мажнун қандай образ, тарихий шахси? Шу хусусида баъзи маълумотларни келтирамиз. Барчамизга яхши маълумки, “Лайли ва Мажнун” кўп асрлик тарихга эга. Унинг куртаклари, академик И.Ю.Крачковский таъкидлаганидек [4;31-67], VII асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади. Айрим араб манбаларининг маълумотларига кўра Мажнун тарихий шахс бўлиб, бани Омир қабиласидан чиққан, асл номи Қайс ибн Мулаввах (ёки Қайс Муод). Баъзи манбаларда Махдий ибн Муод, ал-Бухтурий ибн ал-Жаъд каби номлар билан ҳам зикр этилган. Қайс Лайли деган қизни севган, ўз севгиси ва хижрон аламлари ҳақида мунгли шеърлар битган. Шундай қайдлар, жумладан, IX асрда яшаган ибн Қутайбанинг (889 йилда вафот этган) “Китоб уш-шеър ваш-шуаро” асарида ҳам мавжуд. Лекин бошқа бир қатор манбалар бу маълумотларни рад этади. Масалан, VIII аср ва IX асрнинг бошларида яшаган баъзи араб тарихчилари, жумладан, (764 йилда вафот этган) араб олими Авон ибн Ҳаким ал-Қалбий ҳам, (819 йилда вафот этган) араб тарихчиси Ҳишом ал-Қалбий ҳам Мажнун тарихий шахс эмас, унинг номи мажозийдир, шеърлар эса ўз яқин қариндошларидан бирининг қизига ошиқ бўлган уммавийлар хонадонига мансуб бир йигитга мансуб бўлиб, у ўз номини ошкор этмаслик учун Мажнун тахаллусини қўллаган, дейди. Демак, Мажнуннинг тарихий шахслиги масаласи мунозарали. Лекин VII асрнинг иккинчи ярмидаёқ араб поэзиясида Мажнун тахаллуси зикр этилган кўпгина мунгли шеърлар вужудга келган.

XII асрда Абу Бакр ал-Волибий деган киши Мажнун номига нисбат берилган шеърларни девон қилиб тузади, уларга шарҳлар беради ҳамда шеърларни Мажнун ҳақидаги ривоятларнинг сюжетида киритади. Алишер Навоийгача бўлган даврда туркий тилда яратилган “Лайли ва Мажнун” дostonлари тўғрисида турк адабиётшуноси Огоҳ Сирри Левенд маълумот берган [2;30]. Гулшаҳрий Фаридуддин Аттор асарига назира тарзида ёзган “Мантиқ ут-тайр”ида Мажнун воқеасини Ҳудхуд тилидан келтиради.

Саккокий ҳам Лайли ва Мажнун образларига ғазалларида бир неча марта мурожаат этган. Шоир ғазалларида севикли ёр ҳажри билан боғлиқ туйғуларини Лайли ва Мажнун тақдирига қиёсан тасвирлар экан, улар қиссаси бизнинг муҳаббат олдида эскирди, дейди:

*Девоналиққа солди мени зулфунгу кўзунг,
Бўлди магар бу йўлда менга ҳақ ҳидояти.
Биздин эшитсун эмди жаҳон тоза қиссалар,
Чун кўҳна бўлди Лайлию Мажнун ҳикояти [5;267].*

Шоирнинг бир неча ғазалларида бадий асарлар персонажига айланган Лайли ва Мажнун тақдиридан кўра реал ҳаётдаги кишилар қисмати тасвирлангандек туюлади. Жумладан, қуйидаги мисраларда:

*Нетонг бўлса агар Лайли зулфунга Мажнун,
Пари юзингга бўлур ҳоли кўрса девона [5;234].*

Шеърда ортикча бадий бўёқлар учрамайди. Унда шоира лирик қаҳрамон руҳий ҳолати, кечинмаларини ўз замондоши, халқ орасида маълум ва машҳур бўлган инсон тақдири билан боғлиқ ҳолда ифодалайди:

*Эй сенинг зулфунгга Лайлитек туман минг бандалар,
Ҳолиё даврон бизнингдур, кечти Мажнун навбати [5;270].*

Маълумки, чин маънодаги ошиқлик барчага ҳам берилмайди. Реал ҳаётда ҳам бирор кишига қаттиқ боғланган ошиқ ўзлигини унутади. Уларнинг руҳий ҳолатини атрофдагилар қабул қилиши маҳол. Уни телба, девона деб ҳисоблайдилар:

*Лайли мизожин сақлабон Мажнун бормас тизина,
Чун берса телба келди теб, албатта завго бўлгуси [5;269].*

Мажнун тақдири бунинг исботидир. У Лайли ишқида тоғларда сарсон кезиб, ҳайвонлар орасида яшайди:

*Сабо зулфин таоюрда саҳарда солса сунбулни,
Бўлуб Мажнун бикин шайдо, паришон ҳол бўлур Лайли [5;264].*

Юқоридаги байтда шоира тасвирлаган ошиқ Мажнунга қиёсланган, яъни оқил эдим, ёрсиз девона бўлдим, фироқ мени Мажнун шиор этди, дейди:

*Кўзларингиз оҳуни ҳар дам жигар хун айлади,
Мушк ҳидлиқ зулфингиз Лайлини Мажнун айлади [5;275].*

Мазкур мисолда лирик қаҳрамон ёри кўзини оху кўзидан ҳам гўзалроқ эканлигини, мушк ҳидлиқ зулфи эса Лайлини ҳам Мажнун айлади, дея тасвирлаб, муболаға санъатидан моҳирона фойдаланган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Саккокий ўз ғазалларида Масихо (Исо) Лайлини ҳам Мажнун ҳақидаги диний афсоналардан фойдаланиб, ошиқ ва ёр муносабати баёнида жуда гўзал манзаралар яратган. Башарият ахлоқий тафаккур хазинасига улкан ҳисса қўшган Саккокий ғазалларини ўрганиб, улардан ўқувчилар маънавиятини шакллантириш ва такомиллаштиришда унумли фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 томлик. 8-жилд. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2011. –Б. 589-590.
2. Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони. –Т.: Фан, 1970. –Б. 30.
3. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1993. –Б. 62.
4. Крачковский. И.Ю. Ранняя история повести о Меджнуне и Лейле а арабской литературе // Алишер Навои. Сб.статей. АН СССР, –М. –Л.: 1946. – С. 31-67.
5. Ҳаёт васфи. Саккокий. Ғазаллар, қасида. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1988.

TARIXDAN ANGLANGAN O'ZLIK

*Axmedova Shoxista Saydiyevna,
JDPI o'qituvchisi*

Omon Matjon XX asr o'zbek she'riyatida o'z izini qoldirgan, o'z so'zini aytgan shoirlardan biri. Uning she'rlari va dostonlari adabiyotimiz xazinasidan munosib joy topgan. U shoir sifatida dastlabki she'rlari bilanoq shoirlik uchun eng zarur sifatga - o'ziga xoslikka ega ekanini namoyon qildi. O.Matjon ham, asosan, boshqa shoirlar singari Vatan haqida, tarixiy siymolar to'g'risida inson va uning hayoti haqida kuyladi. Yaxshi she'r m yozish iste'dodni, uni maromiga yetkazib o'qiy olish esa chinakam san'atkorlikni talab etadi.

- Omon akaga buning ikkalasi ham nasib etgan. Ayniqsa, she'rni o'zi o'qiganda bu hol yaqqol seziladi: satrlarni bo'lib-bo'lib nozik joylarini ohista zalvorli joylarini esa jaranglatib o'qiganda she'rning qirralari billurday yaraqlab ketadi. Jozibasi esa bo'rtib ko'rinadi, tagma'nolari jilolanib ochiladi - deb ta'kidlaydi muxbir Safo Olloyor o'z suhbatlaridan birida. [1;29]

Zeroki she'r yozish, she'rni mahorat bilan o'qish va she'rda tarixiy qahramon siymosini yaratish shoirdan alohida bir iste'dodni talab qiladi. Ayniqsa, shoirning To'rabekxonim, Najmiddin Kubro, Al-Xorazmiy, Yassaviy hazratlari, Xoja Ahror Valiy va "Haqqush qichqirig'i" to'plamidagi tarixiy shaxslar tasviri inson tafakkuriga bitilgan madhiya desak mubolag'a bo'lmaydi.

Ijodkorning XX asrda yozilgan tarixiy afsonalari va lirik qahramon yaratishdagi mahorati O.Sharafiddinov tabiri bilan aytganda, sizib yotgan ijod bulog'ining ko'zini ochib yuborganday bo'ldi. [2;54] Zero, shoirning quyidagi she'rida...

Xorazmda tog'lar yo'q emas, bor!

Xorazm tog'lari

vohani tongda quyoshdan to'sib qo'ymaslik uchun...

odamlar qiyofasida yashashadi!

Xorazmiy,

Beruniy,

Shayx Najmiddin Kubro,

Zamaxshariy,

Pahlavon Mahmud,

Ogahiy,

Hojixon,

Komiljon...[3;67]

Shoir ulug' tarixiy shaxslarning badiiy obrazlarini yaratishning o'ziga xos murakkabliklari nozik jihatlarini o'zgacha uslub bilan aks ettirgan. Tanqidchi Ozod Sharafiddinov Haqqush hikmatlarida keltirilgan tarixiy obrazlarni shunday ta'riflaydi: Undagi afsonalar, inoqlik, do'stlik, adolat, vijdoniylik el-u yurtga fidoyilik, Vatanga sadoqat kabi yuksak ma'naviy fazilatlarini; xudbinlik, vijdonsizlik, loqaydlik, xiyonat kabi illatlarni yuksak badiiy saviyada ochib beradi.

Yuqoridagi mulohazalardan ayon bo'lib turibdiki, Omon Matjonning chuqur gumanistik pafos bilan sug'orilgan kitoblari bugungi adabiyotimizni boyitadi,

ruhiyatimizga yangi ruhlar baxsh etadi kitobxonlarni esa mangu yo'qolmaydigan ma'naviy durdonalar olamiga olib kiradi.

O. Matjonning Al-Xorazmiyga bag'ishlab "Al-Xorazmiyning Vizantiyadagi Efest g'origa sayohati" she'riy asarida, olimning yashagan davri va fan olamidagi izlanishlari o'ziga xos tasvirlangan. Xorazmiy Efest g'orining sirliligi haqida ko'p eshitgandi, shuning uchun Vizantiya shahridan o'tayotgan karvondan tushib, g'orni izlab topadi. Lekin g'orga bir Shayx uni kirgizmay rosa qarshilik ko'rsatib, olomoni yig'ib olimni o'ldirmoqchi bo'ladi

*Shayx! Bu yerga meni tanim qayg'usi emas,
Mag'rur ruhim, umid, imon yetaklab keldi!
To bilayin, "Quron"dagi ta'rif dalilin:
Bunda rostdan, "Xudo-yolg'iz" deya ishongan
Norasida yigitchalar, necha zamonkim,
Xuddi Jannat uyqusida tinch yoturmilar?!
Vujudlari tirik emish, yurak teparmish!
Axir inson tanasining o'zi to'ymas g'or,
Bular esa necha yillar g'orda nihondir!
Yo'l ber menga![4;158]*

Bizga qadimdan yaxshi ma'lumki, diniy ilmlar dunyoviy ilmlardan ustun bo'lganligi Shayx va Xorazmiy aytishuvida yaqqol namoyon bo'lgan. Shundan so'ng olim ustalik bilan Bag'dodiy tillalarni xalqqa berib g'orga kiradi va u yerda allaqanday maxluqlar qanotlarini patillatib uchib ketganini, juda ko'p odam suyaklarini ko'rib lol qoladi. Birdan orqa tomondan allanima guldiraydi, shunday burilsa g'orning og'zini odamlar yopayotgandi:

*Hoy, bu nima qilganlaring! Mana, chiqyapman!
Keragi yo'q bu lahmning menga sirayam!
O'zlariga buyursin! Shayx, qo'ysinlar! Qaytdim...*

Lekin johil odamlar g'orning og'zini yopib, mangu zulmatga uni giriftor qilishadi. Xorazmiy ming afsus-nadomat bilan paypaslab bir toshning ustiga o'tirib, shunday deydi:

*Endi bildim bunda ko'plar topgan qismatni!
Yurak yutib yo shahd etib kim kirar bo'lsa,
Mana, shunday, orqasidan yo'lni ko'mishgan!*

Juda ko'plab mutafakkirlarimiz ilm yo'lida qiyinchiliklarga uchrab halok ham bo'lgan, sababi ko'rolmaydigan johil kimsalar ularni shunaqa qismatga mahkum etgan:

*Ammo juda xunuk ish bu: chiqa olmasam,
Men ham manovi fidoyi va jannati jonlar
Sirasiga qo'shilaman- o'lik jon! Lekin,
Uyquda deb o'ylasalar meni ham -yomon!*

Bizning nazdimizda, sirli g'or - bu ilm ummoni, inson suyaklari esa ilm yo'lida jismi vafot etib, ruhi abadiy tirik bo'lgan fidoyilardir. Bizning ajdodlarimiz juda buyuk insonlar bo'lgan, zero aytishadi-ku, adolatsiz jamiyat kuchli insonlarni tarbiyalaydi, kuchli shaxslar mustaqil davlatni barpo qilishda tamal toshini qo'yadi,

mustaqil davlat esa kuchsiz odamlarni ulg'aytiradi. Shuning uchun mustaqil diyorda yashab ajdodlarimizga mos bo'lmayotganimiz ba'zan kishini o'yga toldiradi.

Shoirga tarixiy obrazlarni yaratishda asosan, nimalarga e'tibor berdingiz deb savol berishganda, adib quyidagicha javob bergan: Navoiy, Ogahiy g'azallariga muxammas bog'laganman, ammo Mashrab haqida yozishdan doim qo'rqqanman. Chunki u - avliyo. Uni yozish uchun inson qandaydir o'zga xos holatga kirmog'i kerak... Tushda cho'qmor bilan quvib qolmasa, yozishga jur'at qilsa bo'ladi. Avliyolar bilan hazillashib bo'lmaydi.

Xuddi shunday ulug' insonlar bor. Ular haqida yozishing uchun yo u zot tushingda ayon bo'lishi yo o'zing ruhan tayyor bo'lishing kerak. Bular to'g'risida yozishda ma'lum diniy tasavvufiy qoidalarni o'tab poklanib, tozalanib keyin qo'l urmoq kerak. Irimiyam an'anasiyam shu. [5;457]

Umuman olganda, chinakam san'atning sehr-u jodusi shundaki, unda har gap azaliy umumbashariy haqiqatlar yangi-yangi hayotiy vaziyatlarda bir-biriga o'xshamaydigan insoniy xarakterlar, insoniy taqdiralar orqali ochiladi va buning oqibatida eski haqiqatlar kitobxonga har gal yangiday tuyiladi, qalbni yangidan larzaga soladi, yangi hayajonlar to'lqinini ko'zlaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. <https://www.gazeta.uz.2020/10/29.Y>
2. O.Sharafiddinov. Haqiqatga sadoqat / Adabiy-tanqidiy maqolalar. Adabiyot va san'at, –T.:1989. 332-b.
3. O.Matjon. Iymon yog'dusi. Saylanma. Adabiyot va san'at, –T.: 1995. 138-b.
4. O.Sharafiddinov. Haqiqatga sadoqat / Adabiy-tanqidiy maqolalar. Adabiyot va san'at, –T.:1989. 335-b
5. O.Matjon. Daraxtlar va giyohlar. –T.:1984.

СТИЛИСТИК ФИГУРАЛАРНИНГ БАДИИЙ НУТҚ ШАКЛАНИШИДАГИ ЎРНИ ҲАҚИДА

*Султонова Вазира Неъматовна,
ЖДПИ ўқитувчиси*

Ҳар бир бадиий асар ўзига хос томонлари билан бошқасидан фарқ қилади. Бу фарқ асарнинг барча компонентлари, жумладан, асар тили, бадиий нутққа ҳам тааллуқлидир.

Ўзбек филологиясида бадиий асар тили юзасидан жуда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, лекин уларда баъзи бир масалаларга кенг тўхталиб ўтилмаган. Масалан, поэтик ёки бадиий нутқ синтаксисига алоҳида олинган жанр, алоҳида олинган адиб ижоди ёки алоҳида бир давр ижодиёти мисолида ёндашилмаган. Албатта, поэтик синтаксис масаласини ёритиш учун ўзбек адабиётшунослигида қисман бўлса-да, етарли маълумотлар бор. Бундай маълумотларни биз, асосан, дарслик ва ўқув қўлланмаларида учратамиз, лекин бу маълумотлар айнан дарслик ва қўлланмалар доирасидадир. Алоҳида бир

давр ижодиёти ёки алоҳида олинган адиб ижоди мисолида эса поэтик синтаксис юзасидан олиб борилган илмий тадқиқот деярли йўқ.

Поэтик нутқ синтаксис, унинг энг муҳим ҳодисаси бўлган поэтик восита – стилистик фигуралар тўғрисидаги бирмунча кенг маълумотлар рус адабиётшунослигида, хусусан, Л.И.Тимофеев, Б.В.Томашевский, В.П.Григорьев, Ю.Н.Тынянов, Г.О.Винокур, Г.Л.Абрамович ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. Юқорида номлари қайд этилган олимлар тил, шеърий нутқ, индивидуал услуб масалалари бўйича фикр юритиб, ўз кузатишларини алоҳида ижодкорлар (Пушкин, Батюшков, Хлебников, Тютчев, Сумароков, Карамзин, Маяковский ва бошқалар) асарларини ёки маълум бир давр ижодиётини таҳлил қилиш орқали асослаб берганлар.

Сўнги даврларда ўзбек филология илмида ҳам поэтик синтаксига боғлиқ тадқиқотлар бирмунча жонланди. Ушбу соҳани ўрганиш муаммолари, поэтик (стилистик) фигураларнинг шеърий нутқдаги ўрни, уларнинг алоҳида олинган бадиий асарлар мисолидаги таҳлили масаласида бир қанча илмий мақолалар эълон қилинди.

Линвопоэтик ҳодиса сифатида поэтик синтаксис тилдаги одатий нутқ кўриниши, грамматик қурилиш, гап бўлаклари тартибидан кескин фарқ қилади. Шу билан биргаликда поэтикада сўз танлаш ва уларни қўллай билиш ҳам ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос нутқи, ифода услуби мавжудлигини билдиради, яъни ҳар бир адиб поэтик синтаксиси ўзига хос синтактик қурилишга эга бўлади.

Яна бир муҳим масалага ҳам эътибор қаратмоқ лозимки, ҳар бир давр адабиёти ўзига хос, бошқа даврлардан фарқланиб турвчи қонуниятлар асосида шаклланган ва ривожланган. Ушбу ҳолат поэтик синтаксисни даврлаштириш асосида ўрганишни тақозо қилади. Тадқиқотларни мумтоз поэтик синтаксис, ҳозирги поэтик синтаксис, фольклор поэтик синтаксиси тарзида даврлаштириб ёки маълум категория асосида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шунингдек, поэтик синтаксис шаклланишидаги муҳим стилистик восита – поэтик фигуралар қўлланиши ҳам хилма хилдирки, ушбу воситаларнинг қайси давр адабиётида қай даражада қўлланганлигини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Стилистик фигураларнинг қўлланишига мисоллар келтирилганда замонавий шеъриятга кўпроқ мурожаат қиламиз. Лекин ушбу воситалардан мумтоз адабиётимизда ҳам кенг фойдаланилганки, буни англаш учун мумтоз шеърий асарларни янада изчиллик билан таҳлил этиш зарур. Шу ўринда поэтик фигуралардан энжамбеман (анжамбеман)нинг (фр. “enjambement”-“кўчириш”) қўлланишига эътибор қаратиб ўтсак. Ушбу воситанинг кенг қўлланишига сабаб шуки, поэтик фикр, лирик кечинма мураккаблиги туфайли байтдаги шеърий мисралар мустақиллиги йўқолади, биринчи мисрада бошланган поэтик фикр иккинчи мисрада якунланади.

Энжамбеман, яъни поэтик (фикрий ёки синтактик) кўчув мумтоз шеъриятимиз даҳолари – Алишер Навоий, Атоий, Лутфий, Бобур, Огаҳий, Фурқат ва бошқалар ижодида маҳсус поэтик ифода сифатида қўлланган ҳамда

тадқиқот учун ниҳоятда бой манба бўлиб хизмат қилади. Қуйида унинг турли (позицион) кўринишларига мисоллар келтириб ўтамиз.

*Сувда эрмас меҳр акси, // балки дарё жонига,
Солгон ўтлар хаста жоним оҳи оташнокидур.*

(Навоий)

*Гар жони бирла ошиқ эмасдур недин, // камар,
Нозик белингни қучмоқ учун бозлади хиёл.*

(Ҳофиз Хоразмий)

*Дунёда ошиққа маъшуқи жафони, эй санам,
Қилди кўп, // лекин ҳамиша хўю одат қилмади.*

(Саққокий)

*Атоийни ўша бемор кўзлар,
Тутиб турлар // давосиз дардисарда.*

(Атоий)

*Раҳм қилгил бандага, эй, шоҳ, //ул тенгри учун,
Ким этар бизни гадо ул сизни султон айлаган.*

(Лутфий)

*Мен сенга демонки, тарки ишқ эт, лекин,
Андоқ қилким, //сўнгра пушаймон бўлма.*

(Бобур)

*Ул алифдек қоматингни ҳасрати,
Дол янглиз айлади //қаддим дуто.*

(Фурқат)

*Заҳри ҳажрини берур ҳар дам менга бу, //васлининг,
Нўшики инъом этар бисёр мандин ўзгага.*

(Огаҳий)

Юқоридаги каби мисолларни мумтоз шеърятимиз намуналаридан кўплаб келтиришимиз мумкин. Яна бир эътиборли жиҳат; чуқурроқ қаралса, ушбу мисолларда инверсия ёки бошқа хил поэтик фигуралар ҳам қўлланганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, энжамбеманнинг ҳам турли кўринишлари мавжудлигини юқоридаги мисоллар кўрсатиб турибди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мумтоз поэтик синтаксисда стилистик фигураларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Демак, уларнинг қўлланишини ҳар бир шеърый жанр хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ўрганиб чиқиш зарур бўлади.

HAMID OLIMJON IJODIDA XALQ OG‘ZAKI IJODINING O‘RNI

*Ashirmatova Nargiza Inombayevna,
Abdurashidova Iroda O‘ktam qizi,
Hamid Olimjon va Zulfiya nomidagi
ijod maktabi o‘qituvchilari*

H.Olimjon hayotda va ijodda xalq baxshilariga, umuman, folklorga alohida mehr-muhabbat va samimiy hurmat bilan qaradi. Buni biz Fozil shoirga bag‘ishlangan “Kuychining xayoli”, Abdulla shoir Nurali o‘g‘liga atalgan “Do‘mbiraning maqtovi” she’rlarida, “Oygul bilan Baxtiyor”, “Semurg‘ yoki Parizod va Bunyod”, “Ikki qizning hikoyasi” kabi ertak dostonlarida yaqqol ko‘ramiz. Shu o‘rinda ta’kidlash joizki, shoir folklor bilimdoni sifatida o‘z ijodida o‘zbek xalq ertaklari va dostonlariga xos bo‘lgan ko‘pgina xalqona uslublarni qo‘llaydi. Natijada har qanday kitobxon bunday asarlar folklorga xos bo‘lgan oddiy motiv yoki syujet, kuchli fantastika, ehtiros va lirizm ruhi bilan sug‘orilgan shoh asarlarga aylanganligini sezadi. Bulardan tashqari, shoirning “Shodiyona”, “Yigitlarni frontga jo‘natish”, “Xat” va “Bo‘l omon”, “Qishloq qizi” kabi she’rlari ham folklor ruhi bilan chuqur sug‘orilgan ajoyib asarlar sifatida adabiyotimiz sahifalaridan munosib joy oldi. Ularni o‘qiganda har bir she’riyat shaydosi, yagona umumiy xususiyat xalqona ifoda usuli birlashib turganligiga guvoh bo‘ladi.

Hamid Olimjon “Zaynab va Omon”dagi

Kokillari uning tol-tol

Lablarida bitgan qora xol,

Bu dunyoga arziguday bor...

- kabi liriknafas misralarni “Alpomish”dagi *Kokillaring eshilgandir tol-tol, Har toluga bersa yetmas dunyo mol,* - singari epik tasvirdan ijodiy foydalanligini alohida ta’kidlash lozim. Bunday misollarni shoir ijodidan juda ham ko‘plab keltirish mumkin. Xalq og‘zaki ijodiyotining yozma adabiyot vakillari ijodiga ta’siri turli ko‘rinishlarda namoyon bo‘ladi.

H.Olimjonning ”O‘zbekiston” she’rida esa quyidagi misralar bor:

Qorli tog‘lar turar boshida,

Gul vodiylar yashnar qoshida.

Chor-atrofga yoyilgan gilam.

Aslo yo‘qdir bundayin ko‘klam.

Chavandozlar bordir bu elda,

Bahor chog‘i pishqirgan selda.

Arg‘umoqlar qo‘shig‘i bordir,

Bu shundayin ajib diyordir.

Dalasida o‘smas tikonlar,

Cho‘llarida chopmas ilonlar,

Qush uchsa-da, kuymas qanoti,

Odam o‘tsa qurimas zoti.

Bunda bulbul kitob o‘qiydi,

Bunda kurtlar ipak to‘qiydi,

*Bunda ari keltiradi bol,
Bunda qushlar topadi iqbol.
Kuychilari o'qiydi yalla,
Juvonlari aytadi alla,
Pazandasi yopadi shirmon,
Qarilari kutadi mehmon.*

Parchaga e'tibor bilan nazar tashlansa, ta'rifning ko'pgina mushtarak tomonlarini anglab olish qiyin emas, jumladan, dostondagi ta'rifda Xorazmning yozu qishlarining o'ziga xos tarovati kuylansa, shoir misralarida diyorimizning ko'klam fasli madh etiladi. Dostondagi elning qariyalari, qiz va yigitlari haqidagi ta'rif she'rda yanada aniqroq tarzda o'z aksini topadi. Dostonda bedovlar, qushlar g'urur bilan tasvirga olinsa, she'rda ham arg'umoqlar, bulbullar ta'rifi yuksak ko'tarinkilik bilan talqin etiladi. Dostonda hatto cho'llarning bag'rida bebaho boyliklar yashiringani kuylansa, she'rda ham ushbu masalalarga asosiy e'tibor qaratadi. Har ikkala she'rning bag'rida yashiringan yuqoridagi asosiy detallar ulardagi asosiy mundarijaning o'zaro ancha yaqinligini har jihatdan isbotlaydi. Albatta, H.Olimjon she'ridagi ta'riflar keng qamrovli va zamonaviy bo'lib, she'r esa o'zi yaratilgan davr bilan uzviy bog'langan, badiiy barkamol asardir. Biroq bu she'rning paydo bo'lishida "Yusuf va Ahmad" dostonidagi Xorazm ta'rifining muayyan ta'siri bo'lishi mumkin. Chunki H.Olimjon xonadonida ko'plab baxshilar tez-tez bo'lishib, Mulla Azim bilan suhbatlashib, dostonlar kuylaganlar, qissaxonlik qilganlar. H.Olimjon esa "Yusuf va Ahmad"ning qo'lyozmasini o'qigan bo'lishi mumkin. Qolaversa, ushbu doston Fozil shoir repertuarida bo'lganligi bizga ma'lum. Binobarin, dostondagi el-yurt ta'rifi H.Olimjonda O'zbekiston ta'rifi bilan aloqador fikrning tug'ilishiga sababchi bo'lib shoirning ilhom manbayi sifatida xizmat qilganligi, shubhasizdir.

Xullas, H.Olimjon bolalik chog'laridanoq folklorga alohida mehr bilan qaragan bo'lsa, umr bo'yi xalq shoirlari bilan hamnafas, hamdard, hamkor va ijodiy aloqada bo'ldi. Ularning dostonlaridan ijodiy ravishda katta mahorat bilan foydalana oldi. Bularning hammasi "Hamid Olimjon va folklor" mavzusining turli qirralarini tashkil etadi. Xalq og'zaki badiiy ijodiyotiga xos mazmun va shakl komponentlaridan foydalanish yozma adabiyotni asosiy omillaridan biri. Zotan, iste'dod xalq hayotidan, uning ma'naviy-psixologik va milliy-mahalliy ruhidan ayri holda barkamol bo'lolmaydi. Binobarin, "shoir bo'lib tug'ilish kerak bo'lsa, u taqdirda xalqchil ham bo'lib tug'ilish kerak" (V.G. Belinskiy). Hamid Olimjon V.G. Belinskiy orzu qilgan shoirlardan edi. Uning shavq va sururga to'la she'riyati teran xalqchil hamdir. Shoirning badiiy ijodda xalqchilikning o'zagini tashkil etuvchi folklorlarga murojaati masalasi o'zbek adabiyotshunoslarining birtalay ishlaridan o'rin olganligi ilmiy jamoatchilikka ma'lum. Bu ishlarda shoirning xalq og'zaki poetik ijodiyoti namunalariga murojaat etishida kelib chiqadigan umumiy prinsiplar aniqlangan va folklor H.Olimjon asarlariga xos xalqchilik xususiyatining markaziy nuqtasi ekanligi haqidagi xulosaga kelingan.

Bundan H.Olimjon she'ri xalq termalariga taqliddan iborat ekan, degan xulosa kelib chiqmaydi, albatta. Aytib o'tilganidek, H.Olimjon o'z oldiga qo'ygan g'oyaviy-

estetik maqsaddan kelib chiqib, original mazmuni she'rxonga yetkazishda xalq termalarining shakl imkoniyatlaridan keng foydalana olgan.

Demak, Hamid Olimjon o'z ijodida, ayniqsa she'riyatida xalq tilining eng ta'sirchan formalarini topib, ulardan mahorat bilan foydalangan, faol ishlatmaydigan jonli til faktlarini estetik hodisaga aylantira bilgan.

H.Olimjon she'riyatida xalq og'zaki ijodidan foydalanish usullarini kuzatish jarayonida ularning yana bir tomoni ko'zga tashlanadi. Bu - folklorning eng uvoq ko'rinishlaridan bo'lgan, kichik janrlari bo'lmish maqol va matallardan foydalanishdir. Bu usul yuqorida ko'rib o'tilgan folklorona shakl elementlaridan yoki birorta motivdan foydalanishdan hiyla farq qiladi. Masalan, shoirning "baxt to'g'risida" she'rini olaylik. Xalq orasida "har kim o'z rizqini yer", "Har kim taqdir qilinganini oshar" kabi maqollar mavjud. Folklor xazinasidagi boshqa yuzlab maqollar singari bularda ham chuqur mazmun sodda va lo'nda ifodalangan. A.Oripov mana shu maqollar mazmunidan kelib chiqib "Dunyoni qizg'anma" she'rini yaratdi. Bizningcha, bundan yarim asr muqaddam "Baxt to'g'risida" she'rining yozilishiga ham maqollar mazmuni turtki bo'lishi mumkin. Negaki, H.Olimjon qalbida o'zining nurli toleyidan shodumonlik hislari to'lib-toshgan edi. Bu hislar, asosan, xalqning yaqin o'tmishidagi qora kunlari bilan bugungi baxtli taqdiri va porloq kelajagi haqidagi mushohadalar assotsiatsiyasidir.

Falsafiy mushohadalarning badiiy-estetik hodisaga aylanishi, muayyan mantiq ipiga tuzilishi uchun esa qandaydir sabab kerak bo'ladi. "Baxt to'g'risida" she'ri qaynoq poetik ehtirolarning yuqoridagi maqollar mazmuni ta'sirida tugal ifodasini topgan ko'rinishidir.

Demak, H.Olimjon lirik asarlarida folklorga murojaat etish, asosan, xalqona poetik shakllar, folklor asarlaridan o'zlashtirilgan motivlar, shuningdek, maqol va matallardan foydalanish orqali amalga oshgan ekan. Zotan, Homil Yoqubovdek ustoz "shoir lirikasiga folklor obrazlarning urug'larini sochib, avaylab parvarish qilib yangi zaminda qaytadan o'stirdi", deb yozganida to'la haq edi, deb o'ylaymiz.

Xulosa qilib aytganda, folklor H.Olimjon lirikasiga teran falsafiylik, jo'shqin optimizm va jozibador o'ynoqilik baxsh etuvchi badiiy fakt bo'lib xizmat qilgan. Novator shoirning lirik she'rlariga xos ana shu an'anani biz bugungi kunda o'zbek she'riyatining E.Vohidov, A.Oripov, O.Matjon, H.Xudoyberdiyeva, U.Azim va boshqa vakillari ijodida yana bir bor kuzatamiz. Demak, H.Olimjon o'zbek she'riyatining tongotarida asriy og'zaki ijod namunalari bilan omuxtalashtirishda muhim hissa qo'shgan, bunday ijodiy jarayon hozirgi she'riyatimizda ham o'zgacha uslubda hamon davom etmoqda, deyish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Sharafiddinov O. Talant va mas'uliyat / O'zbekiston madaniyati. 1962.7-avgust.
2. Azimov Sarvar. Hamid Olimjon abadiyati. –T.: 1967.
3. Mamajonov S. Shoir dunyosi. –T.: Adabiyot va san'at, 1974. –224 b.
4. Mamajonov S. Teranlik. –T.: 1987. 91-b.
5. Karimov N. Hamid Olimjon. Shoir hayoti va ijodidan lavhalar. –T.: 1985. 248-b.

OGAHIYNING “TA’VIZ UL-OSHIQIN” DEVONIDAGI
GO’ZALLIKLAR

*Karimova Gulchehra Hazratqulovna,
Abdullayeva Gulmira Norpo‘latovna
Hamid Olimjon va Zulfiya nomidagi
ijod maktabi o‘qituvchilari*

Muhammad Rizo Ogahiy o‘z ijodining salmog‘i bilan Navoiy va Boburdan keyingi o‘zbek adabiyotining eng iste’dodli, sermahsul namoyandasi bo‘lib, xilma-xil janrlarga mansub boy she’riyati, katta iste’dod mevasi bo‘lgan o‘nlab tarjimalari hamda tarixiy asarlari bilan adabiyotimiz tarixida o‘ziga xos o‘rin tutadi. Ogahiy o‘zidan avval ijod etgan shoirlarning, ayniqsa, adabiyotimizning so‘nmas quyoshi Navoiyning ijodiy bo‘stonidan ta’lim va ilhom oldi. Buni shoirning o‘zi:

*Ogahiy, kim topgay erdi sozi nazmingdin navo,
Bahra gar yo‘ktur Navoiyning navosidin senga,-*

deya faxr-u iftixor ila tilga olgan.

Ogahiy ijodining gultoji sanalgan “Ta’viz ul -oshiqin” devonining badiiy xususiyatlari, tasviriy vositalarini o‘rganar ekanmiz, devon tarkibida mumtoz adabiyotimizda mavjud she’riy janrlarning qariyb hammasi shoir ijodiy dunyosida yal-yal yonganiga guvoh bo‘lamiz. Ogahiy boshqa shoirlarda uchramaydigan, yoki kam uchraydigan badiiy-tasvir vositalardan mohirona foydalangan. Odatda, shoirlar fors-tojik adabiyotidan turkiy adabiyotimizga kirib kelgan “chist”- nima, “on”-u deya tarjima qilinadigan 4-6 yoki undan ham ko‘proq misralik badiiy janrida biror so‘z yoki fikrni yashirin shaklda ifodalab, uni topish uchun o‘quvchini o‘ylashga, fikrlashga va tegishli xulosalar chiqarishga undaganlar. She’riyatning bu go‘zal janri chiston deb atalgan. Shoir ijodida chiston oddiy so‘z o‘yini bo‘lib qolmay, balki muhim bir ijtimoiy ahamiyatga xizmat qiladigan ma’noni ham anglatadi. Masalan, quyidagi chistonda shoir oyog‘i bitta, boshi oltita va qanoti saksonta bo‘lgan qush to‘g‘risida fikr yuritib, uning “zamon ahli aro” oti bor, ammo o‘zi “yo‘qliq oshiyoni”da maskan tutganini uqtiradi:

*Ul na yanglig‘ turfa qushkim, oltidur oning boshi,
Turfaroq bu kim oyoq birdur, qanot sakson anglo.
Garchi oning bu zamon ahli aro bordur oti,
Lek yo‘qlig‘ oshiyoni ichradur maskan anglo.*

Bu chistonda “Vafo- “ degan so‘z yashiringan bo‘lib, bu bir necha son (6,80 va 1) orqali ifodalangan. Binobarin, Ogahiy bu chistonda o‘z zamonasida “vafo” so‘zi ishlatilsa-da, aslida “vafo” yo‘qligini aytmoqchi bo‘lgan. Vafo-so‘zidagi harflarning (-6, -80, -1) abjad hisobi orqali kelib chiqqan yig‘indisidan chistonda savol tarzida qo‘yilgan so‘z kelib chiqadi.

Adabiyotimizda she’riyatning “musoviyat tarafayn” (gorizontal va vertikal tarafdan o‘qilganda ham so‘zlarning barobar kelishi- masnu she’r) ning go‘zal namunasini Z.M.Bobur ijodida kuzatamiz. “Ta’viz ul oshiqin” devonidan o‘rin olgan ushbu parcha Ogahiy ham she’riyatning ana shu janrini yaxshi bilganidan dalolat beradi:

Ul sho‘xki	Ochildi	xat-u	ruxsori
Ochildi	Rayohinda	yuzi	gulnori
Xat-u	Yuzi	Besabr-u qarori	manman
Ruxsori	Gulnori	Manman	zori

Bu parchaning to‘rtala misrasini ham odatdagicha o‘qiganda qanday ma’no anglashilsa, so‘zlarni yuqoridan pastga qarab o‘qiganda ham shu shakl va ma’no aynan takrorlanib keladi.

Ogahiy o‘zbek she’riyati xazinasiga munosib hissa qo‘shgan atoqli shoir bo‘lish bilan birga, iste’dodli tarjimon va mohir tarixnavis sifatida ham madaniyatimiz tarixida alohida nom qoldirgan ijodkordir. U Sharqning atoqli ijodkorlari yaratgan 19 ta kitobni o‘zbek tiliga o‘girib, xalqimizning ma’naviy-ma’rifati taraqqiyotiga ulkan hissa qo‘shdi. “Ta’vizul oshiqin” devoni debochasida u o‘zining tarjima asarlarini birma-bir ko‘rsatib o‘tgan:”faqirning turkiy tili birla tarjima qilgan kitoblari: “Ravzat us-safo”ning ikkinchi daftaridin chaxor eri izomning voqeasi, uchinchi daftari va “Nodirnoma” va “Zubdat ul-hikoyat” va “Miftoh ut-tolibin” va “Axloqi Muhsiniy” va “Vasfiy” va “Nasihatonoma”i Kaykovus va “Salamonu Absol”i Jomiy va “Guliston”i Sa’diy va “Bahoriston”i Jomiy va “Ravzat us-safo”i Nosiriyning birinchi daftari va “Daloyil ul-hayrat” shahrikim, rum turkiysidan chig‘atoy tiliga o‘kazildi va “Tazkirai Muqimxoniy” va “Taqoboti Akbarshohiy” va “Haft paykar”i Nizomiy va «Hisht behishti»i Xisraviy va “Yusuf-Zulayho”i Jomiykim, manzum bo‘ldi va “Shohi gado”i Hiloliykim manzum bo‘ldi». Ogahiy tarjima qilgan kitoblarning 9 tasi badiiy, 6 tasi tarixiy va 4 tasi axloqiy yoki falsafiy-axloqiy xarakterdagi asarlardir. Ogahiy bajargan ijodiy ishning ko‘lami xam, saviyasi ham kishini hayratga soladigan darajada ulug‘dir. Adabiyot tarixiga hech bir adib tarjima sohasida bunchalik katta mahsul yaratgan emas. Muhammadrizo Ogahiy tarjimasidagi asarlar Sharq adabiyotining nodir namunalari hisoblanadi. Nizomiy, Xusrav Dehlaviy, Sa’diy, Jomiylarning har biri fors-tojik adabiyoti tarixida alohida nom qozongan o‘ziga xos she’riyat olamini yaratgan ulkan ijodkor bo‘lib, ularning nomi o‘zbek xalqi orasida ko‘p asrlardan beri mashhur va ma’lum edi.

Muhammad Rizo Ogahiy yetuk shoir, tarixchi, mohir tarjimon, davlat arbobi sifatida biz- yosh avlodga bitmas, bebaho xazina qoldirgan. Bizning vazifamiz bu javohirotlar sandig‘idan bahramand bo‘lish, tafakkurimizda sayqallashdan iboratdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Rahim Vohidov, Husniddin Eshonqulov. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi. O‘quv qo‘llanma. –T.: O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi, 2006. –528 b.
2. Komil Avaz. Muhammadrizo Ogahiy // Jahon adabiyoti. 2009. 10-son.
3. www.tafakkur.net

**ABDUQAYUM YO‘LDOSHEVNING “TIMSOHNING KO‘Z YOSHLARI”
QISSASIDA YANGI INSON KONSEPSIYASI**

*Gulandom Qodirova Yolqinjon qizi,
FarDU 2-bosqich magistranti*

Milliy tafakkurda yalpi yangilanish boshlangandan beri ko‘pchilik tomonidan anglab yetilgan va tan olingan haqiqatlardan biri shu bo‘ldiki, odamning eng kichigi, eng ko‘rimsizi, eng g‘aribi, eng noshudi ham odamdir, Yaratganning xalifasi va shu bois azizdir. Binobarin, badiiy adabiyot mayda odamning ulkan va chigal ichki dunyosidagi cheksiz-chegarasiz xilma-xillikni tasvirlab berishi kerak. Bir qator nasriy asarlarda sirdan qaraganda, ko‘zga tashlanib turadigan jihat yo‘q, barcha qatori, biroq ichki dunyosida iztirob va alamlar, ruhiy ezilishlar mavjud bo‘lgan “mayda” odamlarning his-tuyg‘ulari mahorat bilan aks ettirilgan.

Inson konsepsiyasi degani bu – mustaqil jamiyat va uning harakatlantiruvchi kuchi hisoblangan yangi shaxs konsepsiyasi demakdir. Shu boisdan ham bugungi kunda ma‘naviy-axloqiy masalalar qissalar psixologizmini belgilab bermoqda. Qolaversa ulardagi konflikt ko‘rinishlari ham ichki kolliziya turida, ya‘ni ko‘proq shaxsning o‘zini-o‘zi anglab yetishi, shaxsiyatidagi qusurlar bilan kurashishi singari muammolarni tashkil etmoqda. Ma‘lumki, har bir davr adabiyoti o‘z qahramonlarining falsafiy-estetik dunyosi bilan bir-biridan farq qiladi. Shu ma‘noda mustaqillik davri qissachiligi qahramonlarining badiiy-estetik dunyosi, ma‘naviy-axloqiy izlanishlari, intellektual dunyosining o‘rganilishi, ilmiy-nazariy umumlashmasini kutayotgan dolzarb masalalaridan hisoblanadi. Bugungi qissachiligimizdagi muhim fazilatlardan biri adiblarimizning shirin yolg‘ondan uzoqlashib, hayotning konkret va real muammolari xususida mulohazakorlikka berilganida ko‘zga tashlanadi.

Qissachiligimizning hozirgi shakllanish yo‘sinlari mahzun o‘ychanlikka, mulohazakorlikka yo‘g‘rilib bormoqda. Buning natijasi o‘laroq shaxs, inson, ayol psixologiyasining jamiyat, tabiat voqea-hodisalari bilan omuxta badiiy-falsafiy tadqiq etish tamoyili kuchayib bormoqda. Qissa qahramonlarining esa ko‘ngil deb atalgan buyuk mamalakat sirlarini o‘qishda, ma‘nolarini anglashda hissiy intellektualligining mavqei ortib bormoqda. Shu bilan birgalikda, mustaqillik davri nasrida ma‘naviy dunyosi quruqshagan, risoladagi odamlarday fikrlash va o‘zgalarni tuyish saodatidan mahrum bo‘lgan ma‘naviyatsiz kimsalarni tasvirlash mahorati ham shakllanib bormoqda. Ana shunday yozuvchilarimiz qatorida Abduqayum Yo‘ldoshev qissalari salaflari ijodiy tajribalari bilan birgalikda boshqalarnikiga o‘xshamagan o‘ziga xos badiiy tafakkur tarzi va poetik tasvir uslubi bilan namoyon bo‘ladi.

Abduqayum Yo‘ldoshevning “Timsohning ko‘z yoshlari” qissasi 2001-yilda “Yoshlik” jurnalida e‘lon qilingan. “Asar bugunning belgilari quyuc aks etganligi bilan ajralib turadi. Qissada ismi tabiatiga o‘xshash Munis timsoli o‘ziga xos chizgilar bilan ishlangan. Qissaning o‘quvchi e‘tiborini tortadigan dastlabki jihati uning yumorga yo‘g‘rilganidir. Agar yozuvchi fojeiy hodisani yumor asosida bayon etsa, bu uslubiy yo‘nalishni kengroq, chuqurroq ochish lozim. Hajv a) yumor va b) satiradan iborat. Hikoyachining voqelikka va personajlarga munosabati hajviy.

Ammo asar hajviy yoʻnalishda emas. U kulgi tugʻdirmaydi. Qissa shunday ruhda boshlanib, shunday ohanglarda yakun topadiki, alaloqibat, oʻquvchida kulgidan koʻra yigʻiga moyillik uygʻonadi. Hikoyachi muallifning har bir hodisa, har bir ifoda zamirida yashirinishi mumkin boʻlgan tag maʼnoga ishora qilaverishi oʻquvchini soʻz tagidan soʻz qidirishga majbur etadi. Ushbu qissada hammaga, har narsaga va avvalo, oʻziga tanqidiy munosabatda boʻladigan, ammo aytishga ham arzimaydigan zigʻirday manfaati sabab qissadagi fojiviy voqealarga aralashmagan gʻoyat ishchan hikoyachi-korrektor; bekorchilikdan boshqa ishi yoʻq, uchragan yigit-qizni toleʼnomaga qarab bir-biriga yaqinlashtirishga tiyiqsiz ravishda intiladigan befahm Salomat opa; yalqovligi, omadsizligi, qobiliyatsizligi sabab ishi yurishmagan va buning alamini ojiz, himoyasiz odamlardan olib rohatlanadigan Posbonboy obrazlari juda katta dard bilan ishlangan” [5;127].

Asarda yozuvchi ikki xil ayol obrazini yaratadi. Ular ikkalasi bir xonada ishlaydilar, bir havodan nafas oladilar. Salomat opa Munisaga “onalik” qilmoqchi boʻladi. Uni oʻzicha kashf qilib olgan tush taʼbirlariga ishontirib, hayotini butunlay izdan chiqarib yuboradi. Asar qahramoni hisoblangan Munisa obrazi esa oʻzida kamsuqumlik va oddiylik, soddalik va ishonuvchanlik sifatlarini oʻzida jamlaganligi bilan oʻquvchi eʼtiborini tortadi. “Ayol psixologiyasini aniq tasvirlash u yoqda tursin, chuqurroq anglab yetishning oʻzi oliy matematikaning oʻn nomaʼlumli tenglamasini yechishday gap! Ayol ruhiyati koʻpincha goʻzal va shaffof bahor bulutiga oʻxshaydi yarim soatdan keyin qayoqqa suzishini oʻzi ham bilmaydi” [2;75]. Yuqoridagi fikrlardan anglashiladiki, ayol kishini tushunish va u bilan yashash uchun har narsaga tayyor turmoq lozim. Salomat opa oz oʻylari, munajjimlar bashorati, tush taʼbirlari orqali hammaga “yoʻl” koʻrsatuvchi vazifasini bajaradi. Asarda shunday “yoʻl”dan biri Munisaga ham koʻrsatiladi, aniqrogʻi asl fojea shu yerdan boshlanadi. “Mening oʻzim ham kechasi timsohni koʻrib chiqqanmanu, ertasi kuni pochchangizni uchratib qolganda hech bir oʻylab oʻtirmasdan shartta etagiga yopishib olganman-qoʻyganman”[4;9]. Salomat opa uchun tush, uning taʼbiri muhim. U koʻrgan tushining taʼbiriga qarab ish tutadi. Goʻyo shu timsoh Munisaning tushiga kirsayu, u turmushga chiqsa... Biroq Munisa bu “buyurtma” qilingan tushni koʻrmas, opaga yoq deb javob berish nihoyatda qiyin edi. Astoydil yigʻilasang soʻqir koʻzdan ham yosh chiqadi deb, bekorga aytishmagan. Oʻsha qaysar timsoh qizning tushiga kiradi. Voqelar tilsimi shu yerdan rivojlanadi. Salomat opa obrazi mohiyat eʼtibori bilan mantiqsizligi, beʼmaniligi tufayli har qanday dashnomlarga loyiq gʻalati shaxs. Uning jamiyatda xudbin boʻlib yashashlari yozuvchi tomonidan har tomonlama tadqiq etiladi.

Qissada ezilgan ayolning psixologiyasi, uning oʻz davriga yarasha fikrlash tarzi real tasvirlangan. Salomat opa obrazi ijobiy va salbiy holda tasvirlanadi.

Sinkretiklik, yaʼni xarakterlardagi ijobiy va salbiy belgilarni bir-biridan ajratmay, ularni oʻzaro uygʻun va aralashib ketgan holda tasvirlash folklor asarlaridagi xalq qahramonlari tasvirining spetsifikasini tashkil etadi [1;139]. Asarda Salomat opa obrazi sinkretik shaklda namoyon boʻladi. Bu xarakterning ijobiy va salbiy qirralari, sifatleri birmuncha aralash holda namoyon boʻladi. Asarda hikoyachi korrektor zamonamizning ijobiy va peshqadam gʻoyalarini tashuvchi qahramon. U

sodir bo'layotgan voqealarning passiv kuzatuvchisigina emas, balki uning aktiv ishtirokchisidir. Hikoyachi Salomat opa kamchiliklariga o'z munosabatlarini bildirmay tura olmaydi. Inson tabiati, holatidagi ko'rinishlarini asl holda tasvirlash ma'qul, aksincha, inson tabiati tashqaridan bo'ladigan zo'ravonliklarni o'zlashtira olmaydi. Ayolni amazonga aylantirish uchun beqiyos qiynov-azoblaridan o'tiladi. Inson tabiatini o'zgartirishga har qancha tirishmasinlar, ayol ayolligidan voz kechmaydi. Turmush qurish, nasl qoldirishga intiladi [3;316]. Salomat opa obrazi orqali yozuvchi ayol kishini jamiyatdagi o'rni, ayniqsa, oiladagi muhim vazifalarini eslatib o'tadi. Biroq, oila ishlari - tashvishlari uning turmush o'rtog'i zimmasida. Uning oilasida biror marta janjal bo'lmagan, rashk tuyg'usi ular uchun begona. Oilada na erning o'rni bor, na ayolning. Shuning uchun bo'lsa kerak, Salomat opa xarakterida ijobiy fazilatlar va salbiy unsurlar parallel holda tasvirlanadi. Xarakter mohiyatini to'g'ri belgilagan yozuvchigina qahramondagi ichki ziddiyatni ishonarli tasvirlay oladi. Xarakter mohiyatining aniq belgilanganligini qahramondagi harakat, fe'l-atvor, gap-so'z, tashqi ko'rinishi aro birlikning vujudga kelishida sezish mumkin. Ya'ni psixologik belgilarning bexato tasvirida xarakter mohiyati ochiladi [3;186].

Psixologik belgilar portret tasvirida aniq ko'rinadi. Mohir san'atkor qahramonning portreti orqali uning qalbini chuqur yoritadi. Bu qissada mohir san'atkorlik vazifasini yozuvchi hikoyachi - korrektorga topshiradi. Hikoyachi Munisaning portreti orqali uning qalbidagi tuyg'ularni chuqurroq yoritadi. U Munisa portretini chizishda va xarakterini ochishda o'ziga xos usuldan foydalanadi. "...Ingichka barmoqlari shu qadar nozik ediki, qalamni sal qattiqroq qissa bas, ular duv to'kilib tushadigandek edi... Faqat qizning katta-katta ko'zlari odamga juda samimiy fikri ojizimcha, andakkina g'ussa aralash mayinlik bilan boqardiki, o'lay agar, salgina fahm farosatdan qisilmagan istalgan erkak qarshisida ma'suma ishonuvchan bir qushcha turganini darhol his qilar - qo'yar, inchunun, aynan ushbu taassurot tufayli Munisaga nisbatan yomonroq xayolga borish imkoniyati deyarli yo'qqa chiqardi" [4;6].

Munisa o'zining kamtarligi, kamsuqumliligi va ishchanligi, issiq istarasi bilan ishxonadagilarning mehrini qozonadi, u kattalarni hurmat qiladi. 28-30 yoshlar chamasidagi Munisa nihoyatda, dardga vazmin, oilaparvar, ichidagini tashiga chiqarmaydigan, atrofdagilardan ayb axtarmaydigan, hammasini taqdir izmiga tashlab "mayda" insonlar qo'lida qo'g'irchoq bo'layotganiga qaramay unga qarshilik ko'rsata olmaydigan obraz. Asarda Munisaning qalb tug'yonlari tilga olinmaydi. Biroq hikoyachi uning tashqi qiyofasidan xursandligi, xijolat totayotgani, xafaligi haqida fikr yuritadi. Munisa go'yo dard uchun, xo'rlanish uchun tug'ilganday. U hech qachon Posbondan ham, Salomat opadan ham nolimaydi. Uning katta aybi nolimasligi, muteligidir. Munisa kamtarin, xoksor tortinchoq qiz. U xudbin, hamma narsadan shaxsiy manfaatlarini ustun qo'yadigan kishilarning qurboniga aylandi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLA RO'YXATI:

1. Адабий тур ва жанрлар. 1-том. –Т.: Фан, 1991.
2. Ҳошимов Ў. Саккизинчи мўъжиза. –Т.: Мумтоз сўз, 2009
3. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. –Т.: Шарқ, 2007.

4. Йўлдошев А. Тимсоҳнинг кўз ёшлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2003.
5. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т.: Янги авлод, 2006.

ABDURAHMON JOMIYNING ADABIY- ESTETIK QARASHLARI

Shuxratjonova Nigora Shuxratjon qizi,

JDPI magistranti

Ilmiy rahbar: N.I.Soatova, JDPI dotsenti, f.f.nomzodi

Adabiyot olamida o‘z so‘ziga, o‘z o‘ringa ega bo‘lgan buyuk mutafakkir Abdurahmon Jomiyning adabiy-estetik qarashlari xususida to‘xtalar ekanmiz, uning birgina “Bahoriston” asarida ta’lim-tarbiya oid qarashlarida buning yorqin ifodasini ko‘ramiz.

Ma’lumki, shoir o‘zidan oldin o‘tgan mutafakkirning insonparvarlik an’analarini davom ettirib, yaxshilikni, shafqatlikni, olijanoblilikni inson hayotining oliy nuqtasi deb hisoblaydi va insondagi bu xislatlarni o‘z ijodida ulug‘laydi. Hazrati Jomiyning fikricha inson o‘zining himmatlilik bilan barhayotdir. Inson vafot etsa, uning yaxshi nomi asrlar davomida yashaydi. Shunga ko‘ra, u jamiyatda tutgan mavqeidan qat’iy nazar, hayoti davomida yoshlarda saxovatlilik fazilatini tarbiyalamog‘i lozim. Shuningdek, haqiqiy saxovatlik foydali harakat, ish bilan tasdiqlanishi zarur. Haqiqiy saxovatlik inson bo‘lish uchun esa, avvalo ilmi bo‘lishi kerak. Chunki ilm inson uchun hayotiga yo‘l ochuvchi va uni o‘z maqsadiga erishtiruvchi omildir. Shu bois har bir inson yoshlikdan chuqur ilm egallash kerak. Chunki, ilm insonga hamma narsani oson va puxta anglab olishga yordam beradi. Shoir e’tiroficha:

*Eng zarur bilimni qunt bilan o‘rgan,
Zarur bo‘lmaganin axtarib yurma.
Zarurini hosil qilgandan keyin,
Unga amal qilmay umr o‘tkurma [1;15].*

Jomiy o‘z adabiy-estetik qarashlarida kishilarni adolat, xushmuomalalik va dono so‘z bilan zulmkorlarga ta’sir etishga da’vat etadi:

*Agar chiqsa adolatning quyoshi,
Taralgay har tomon nuri ziyosi,
Agar zulm etsa zolim, bu sitamdan
Jahon bo‘lgay qaro, yo‘q intihosi[1;22].*

Yuqoridagi misralarda qilingan nasihat da’vat garchi shohyarga qaratilgan bo‘lsa ham, har bir ish va holatda tadbir va aql bilan ish tutish, do‘stlarga yaqinroq bo‘lish, yomonlik qilishdan saqlanish, adolatli bo‘lish har bir insonga qarata qilingan xitobdir.

Jomiy manmanlik, kekkayishlarni qoralaydi, g‘ururlikni nodonlikning belgisi deb biladi. Inson hatto, boshqalardan biror sifati bilan yuqori darajali bo‘lsa ham, kamtar bo‘lishi kerak.

*Kunlaring o‘tarkan terib dur-hikmat,
Kunlaring to‘liqtsir bo‘lsa hur mehnat [2;46].*

Yoki:

*Yaxshiliklar bir xonaga jam,
Qamtarliqpar uning kaliti.
Yomonliklar boshqa xonada,
Uni ochar manmanlik iti.
Ehtiyot bo'l toyib ketmagil.
Shundan kelar yuzing shuviti [1;11],- deydi Jomiy.*

Jomiy manmanlik nodonlik belgisi ekanligini uqtirib, yoshlarni bu illatlardan xoli, pok bo'lishga undaydi. Jomiy to'g'ri so'zlikni inson uchun zaruriy eng yaxshi xususiyat hisoblaydi, izhor etiladigan fikr so'z va harakat bilan uzviy birlikda bo'lmog'i kerak. Shoirning ta'kidlashicha, dilkashlik, shirinso'zlik, ochiq chehralik va quvnoqlik kishilarga yaxshi, yoqimli kayfiyat baxsh etadi:

*So'z aytsang rostlikni aytgil odat,
Qidirma rostliqdan yaxshiroq ziynat.
Rostliqdan yaxshiroq ziynatni qachon,
Qayda ko'rdi ekan biror bnlimdond [2;25].*

Jomiy she'riyatida xasislikni, o'g'rilikni keskin qoralaydi, oqilona yashash, ortiqcha boylilikni muhtojlarga berish, qanoatli bo'lish g'oyalaryni olg'a suradi. Jomiy deydi:

*Harna kirs qimmatli mard qo'liga,
Sochar do'stlar oyog'iga barchasin,
O'zi o'lgach, dushmanlari bo'lishar,
Xasis kishi terib yiqqan narsasin [1;13].*

Do'st tanlash, do'stlikning samimiyligi haqidagi fikrlarida Jomiy odamlarning o'zaro munosabatlariga e'tibor berganini ko'ramiz. Ulug' mutafakkir do'stlarning do'stligi haqida:

*Dil agar nogahon g'amga uchrasang,
G'amxo'r do'sting bo'lsa, u g'am emasdir.
Kulfat kuni sodiq do'stlaring kerak,
Baxtli kunda do'stlar hech kam emasdir.*

Jomiy ilmlarni egallashda tajribaga alohida e'tibor beradi, hayotda foydalanilmagan ilmni jonsiz, keraksiz ilm hisoblaydi. U ta'lim oldiga esh avlodni jamiyatga, odamlarga foydali xizmat qiladigan qilib etishtirishni asosiy vazifa qilib qo'yadi.

Jomiycha, kitob o'tmish donishmand avlodlar bilan o'z davri yoshlari o'rtasida vosita, insonga eng yaqin do'st, erta tongdagi yog'du, ustoz va murabbiydir. Jomiyning bu fikri shu jihatdan muhimki, shoir kitobni bilimning manbai, ineoniyat donishmandligi xazinasini deyish bilan birga, donishmandlar o'z asarlarini hayotiy tajriba va kishilar ijodi mevasi sifatida kelgusi avlodlar uchun qoldirganliklarini aytadi. Shu sababli ham yoshlarda kitobga muhabbat, uni o'qishga qiziqish tarbiyalanishi kerak.

O'z ijodiy faoliyatida insonni ulug'lagan, insoniylikni kuylagan Abdurahmon Jomiyning inson, yosh avlod tarbiyasi haqida bayon etgan fikr, g'oyalari inson hayotida bugunda ham muhim ahamiyatga ega.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Abdurahmon Jomiy. Bahoriston. –Т.: Yosh gvardiyai, 1979.
2. Hikmatlar guldastasi. –Т.: Adabiyot va san’at, 1982.

“САБЪАИ САЙЁР”ДА САФАР МОТИВИ

*Каримова Шаҳноза Олтибой қизи,
ЖДПИ магистранти
Илмий раҳбар: Зухра Мамадалиева,
ЖДПИ доцент, ф.ф.номзоди*

Инсон ҳаётида сафар, сайёҳат муҳим аҳамиятга эга ҳодисалар сирасига киради. Тарихда умрини сайру сайёҳатга бағишлаган шахслар бўлишган, улар ҳаётини хатарга қўйиб янги ва нотаниш эллар, маданиятлар билан танишганлар, ўз эсталикларини турли сафарномаларда иншо этганлар. Демак, мусилмон кишига фарз бўлган сафар мажбурияти атрофга, ўзга юртлар ва бегона кишилар ҳаётига ибрат назари билан қараш бўлган экан.

Сафар ва мусофир (сафар қилувчи) ҳақидаги хадисларда ҳам саёҳат улуғланганлигини кўришимиз мумкин. Зеро, мусофирга садақа беришнинг савоб аталиши, дуоиси шаксиз мустажоб бўладиган олти турдаги кишилар сирасига мусофирларнинг ҳам киритилиши пайғамбар саҳобаларининг дин йўлидаги сафарга, яъни мессионерликка чорлаш бўлибгина қолмай, илм йўлида ёки “Қуръони карим” тавсия қилган ибрат олиш учун сафар қилишга ҳам даъват этади.

Маълумки, Шарқ маънавияти ва маданиятида сафар ҳодисаси муҳим аҳамиятга молик ҳисобланган. Саёҳатни табибу шифокорлар турли жисмоний ва руҳий хасталикларнинг давоси сифатида беморларга тавсия этишган, сафарга шоиру донишмандлар рамзий маънода қараб, инсонни ўзлигига олиб боровчи йўл, дея баҳолашган.

Муаззам Шарқ адабиёти даҳолари сингари Алишер Навоий ижодида ҳам сафар мотиви муҳим ўрин тутди. Айниқса “Хамса” дostonларини мутоалаа этар эканмиз, бунга ишончимиз комил бўлади. Улуғ мутафаккир “Маҳбуб ул-қулуб”да сафар ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради:

“Арзи сокин қайда ва сипехри даввор қайда ва туроби мутамаккин қайда ва кавкаби сайёр қайда?!

Ул бири сукундин хоксорлар пойандози бўлди ва бу бири таҳаррукдин сарафрозлар сарафрози”. [Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 14-том. Тошкент: Фан, 1998. - Б.90].

Яъни Навоий сафар қилувчи сайёҳни баланд осмон ва ундаги сайёраларга, уйдан чиқмайдиган муқим кишини эса турғун ер ва ундаги тупроққа ўхшатиб, ул бири, яъни ер ва тупроқни турғунликдан хокисор бўлганлигини, бу бири, яъни осмон ва сайёраларни ҳаракат сабабли юксакликка эришганини айтади.

“Сабъаи сайёр” дostonи, унинг номидан ҳам маълумки, сафар мадҳ этилган асосий дoston ҳисобланади. Дoston бош қаҳрамони Баҳром Монийни

сафарда кўради ва ундан севгилиси Дилором ҳақидаги хабарни айнан мана шу сафарда эшитади. Айнан сафарда - ов чоғи севгилисини йўқотган Баҳромга саломатлиги яхшилаш учун етти мусофир ҳикоят айтиб беришади. Достонда тасвирланган ҳар бир ҳикоятда ҳам, албатта, сафар амалга ошади. [Бу ҳақда қаранг: Алишер Навоий. Сабаи сайёр. Тошкент: Фан, 1992.]

“Сабаи сайёр”даги ҳинд мулкидан келган сайёҳдан тингланган биринчи ҳикоятда Баҳром Дилоромга борар йўл - сабр ва саъй-ҳаракатдан дарак топади. Ундаги сайёҳнинг “Ахий ва Фаррух ҳақидаги” ҳикоятдан мақсад йўлида бору йўғидан кечиш, тинимсиз саъй-ҳаракат ва айни пайтда тақдирга ризолик, фақирлик тимсоли (“қора палос”)ни кўрамиз. Ундаги ҳикоят қаҳрамонлари Ахий ҳам, Фаррух ҳам ёр йўлида қанча саъй-ҳаракат қилишмасин, уларда тақдирга таҳаммул, муҳтожлик ва кимсасизликни тақдир синови дея мамнуният билан қабул қилиш туйғулари каби ҳақиқий ошиқ ва соликка хос бўлган сифатларни кўрамиз. Ҳикоятни тинглаган Баҳромнинг қалбида Дилором ишқига талаб яна кучаяди ва айни пайтда, тақдирга таҳаммул туйғулари ҳам ривожланади.

“Сабаи сайёр”даги иккинчи қаср олтинранг бўлиб, ундаги барча жиҳозлару, қаср соҳибаси бўлмиш Рум гўзалининг либоси ҳам заъфароний тусда бўлади. Ушбу кеча ҳикоят айтувчи сайёҳ шоҳга Зайд захҳоб ҳақидаги ҳикоятни айтиб беради. Унга кўра бир мамлакатда подшоҳнинг Зайд исмли хос заргари бор эди. У шоҳга турли хушомадлар қилиб, олтин тахт ясаб беришни таклиф этади. Бу антиқа тахтнинг ўзи юрар зина ва яна аллақанча ғаройиботлари мавжуд бўлади. Бироқ подшоҳ Зайднинг душманларидан тахт олтиндан бўлмай, кумушдан ясалганлигини, фақат унга олтин суви югуртирилганлигини билиб қолади ва Зайдни зиндонбанд қилади. Ҳийлакор Зайд зиндондан чиқиш йўлини ҳам эплайди ва ўз юртидан қочиб, Фаранг диёрига боради. Ундаги бир бутхонада олтин бутларни кўргач, ўзини бутпараст қилиб кўрсатади. Маҳаллий аҳолининг эътиборини қозониб, машҳур руҳоний бўлиб олган Зайд икки ҳамроҳи билан барча бутларни кемага ортиб, ўз юртига олиб келади ва ўз шоҳига инъом этади. Демак, Саъд ўз ишининг нотўғрилигини тушуниш ва уни тўғрилаш учун сафар бир восита бўлган.

Достондаги Баҳромга ҳикоя айтувчи учинчи сайёҳ ҳикояси бу - Шаҳрисабз шаҳри билан боғлиқдир. Унда тасвирланишича, бир саҳий савдогарнинг Саъд исмли меҳмоннавоз ўғли бўлади. У худди Фарҳод сингари барча хунарда моҳир бўлиб етишади. Қизиқарлиси шундаки, нафақат қаҳрамонлар, балки ҳикоя сюжети ҳам “Фарҳод ва Ширин”га жуда ўхшайди. Бир куни савдогарнинг саройига яшил либос кийган икки мусофир келиб, меҳмон бўлишади. Саъд уларни ҳам одатдагидай яхши кутиб олгач ажойиб-ғаройиб ҳикояларни сўзлаб беришларини сўрайди. Меҳмонлар юртлари томонда Китвар номли ажойиб ўлка борлигини, унда бир бутхона мавжуд бўлиб, унда бир кеча тунаган киши ўз тақдирини, келажагини билиб олишини айтишади. Бу сирга қизиққан Саъд улар билан Шаҳрисабзга йўл олади ва ўша бутхонага кириб, бир кеча тунайди. Унинг тушида бир куш учиб чиқиб, “Сенга Шарқ куёшидай гўзал насиб қилади” дейди. Иккинчиси эса, “Сени дев асир қилиб, икки оёғингга занжир

солади” дейди. Тушининг таъбирини билиш учун Саъд кишиларнинг тушини таъбирловчи пирнинг хузурига боради. Пайлакус ҳаким номи билан аталадиган бу зот “Фарҳод ва Ширин”даги Сукрот ҳакимга ўхшайди. Пир Саъднинг тушини таъбирлабгина қолмасдан, Сукрот Фарҳодга ёрдам бергани каби, у ҳам йигитга ёрдам беради. У парининг қасри уч қават кўрғон билан ўралганлигини, биринчи қаватда Қатрон деган девсифат занги туришини, уни куч билан енгиб бўлмаслигини айтади ва Саъдга муҳра-мунчоқ беради. “Уни оғзингга сол ва Қатрон дев билан олишаётганингда унга қарата туфла”, деб ўргатади.

Иккинчи кўрғонда эса Исо нафасли устоз бўлиб, унинг саволларига жавоб бериш керак бўларкан. Учинчи кўрғонда сеҳр мавжуд бўлиб, унинг сирини ечиш талаб этиларкан. Пайлакус ҳаким бир мактуб ёзиб бериб, ўша олим унинг шогирди эканлигини, ушбу хатни кўрсатса, Саъдга яхши муомала қилиб, сеҳрни ечиш йўлини ҳам ўргатишини айтади. Бу кўрғонларда Навоий маърифатга етиш учун солиқда жоиз деб билган уч сифатни қайд этиб, уларнинг биринчиси, нафсни енгитдир, дейди. Маълумки, талаб ва ишқ водийлари аро ўтган солиқнинг нафси йўқ бўла боради, лекин у Навоийнинг фикрича, маърифат водийсида буткул маҳв этилиши керак. Шундан кейин ақл (Исонафасли олим) ўз савол-жавоблари билан солиқни йўлдан қайтармоқчи бўлади. Зеро, Имом Ғаззолий айтганидек, илми зоҳир тасаввуф йўлидаги ҳижобдир. [Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимиёи саодат. Туркий. - Тошкент: Адолат, 2005. - Б.57-60].

Ёхуд ақл Оллоҳни англашга ожизлиги учун солиқни йўлдан чалғитиши мумкин. Лекин солиқ Пирнинг раҳнамолиги билан нафсни мағлуб этгач, ақлнинг ўзи унга Ҳаққа етказувчи жумбоқнинг сирини ечишни ўргатади. Шуни ҳам эътироф этиш жоизки, ушбу қасрда ҳамма буюм, шунингдек, Баҳромнинг либослари ҳам яшил рангда бўлади. Бу солиқнинг Илоҳ маърифатига яқинлашаётганлигидан нишонадир. Демак, бу ўринда сафар тасаввуф йўлига кириш ва пирдан сабоқ олиш учун восита сифатида тасвирланмоқда.

“Сабъаи сайёр”даги тўртинчи сайёҳ айтиб берган ҳикоятда ҳам эҳтиёжсизлик мадҳ этилади. Воқеа зоҳиран Масъуд исмли йигитнинг таъриф-тавсифсиз сахийлиги ва бошига тушган мусибатларга сабр-бардоши ҳақида бўлса-да, асл маъноси солиқнинг бу водийдаги ҳолати тўғрисидадир. У бир танимаган меҳмонига бекиёс совғалар бериши билан бирга бошига мусибат тушган онда тасодифан подшоҳ саройига бориб қолади. Иттифоқо, ўша меҳмонининг подшо эканлигини билса-да, ундан бирор нима тама қилмайди. Билдирмасдан подшо хузуридан чиқиб кетмоқчи бўлади. Эътибор қаратадиган бўлсак, Навоийнинг қаҳрамони Масъуд эҳтиёжсизлик билан бирга футувват қоидаларини ҳам бажарган. Кўрамизки, бу таълимот айнан нақшбандийликда ёқланиши ва Навоийнинг табиатига яқинлиги сабабли унинг талаблари ҳикоят қаҳрамонлари руҳиятига сингдирилган эди. Бу ҳақда қаранг: [Кошифий Ҳусайн воиз. Футувватномаи султоний. Форс-тожик тилидан Н. Комилов таржимаси. – Тошкент: А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1994].

Бу ҳикоятдан мавзумизга алоқадор хулоса чиқарсак, сафар Масъуддаги сахийлик ва жавонмардлик сифатларини синади. Унинг бу сифатлари асл

сифатлар бўлиб, қаҳрамоннинг бадавлатлигига алоқадор эмас экан. Зеро, Навоийнинг наздида энг сахий киши қаноатли инсондир.

Достондаги бешинчи иқлимдан келган мусофир ҳикояти “Меҳр ва Сухайл” ҳақида бўлади. Унда Жобир зиндонига тушиб қолган Сухайл исмли шаҳзодани севгилиси Меҳр кутқариб олиши тасвирланади. Ушбу ҳикоятдаги сафар орқали севишганларнинг муҳаббатлари чин эканлиги синалади, улар ўз севгиларига жасорат ва содоқат-вафо орқали эришадилар.

“Сабъаи сайёр” достонидаги олтинчи ҳикоят Муқбил исмли тақводор ва покиза йигитнинг бир кимсасиз оролга тушиб қолиши ва ундаги бир чашмага чўмганида кўрган ғалати воқеалари ҳақида ҳикоя қилинади. Чашмадан бош кўтарган йигит ўзини ажойиб бир боғ ичидаги ҳовузда кўради. Боғнинг соҳиби бир гўзал маҳбуба бўлиб, у йигитга кўп илтифотлар кўрсатади, қадаҳ тўлдириб, май узатади. Маст бўлиб ухлаб қолган йигит эртаси куни ювиниб олиш учун ҳалиги ҳовузга тушадию, ўзини яна ўша аввалги чашма бошида кўради. Ўзи кўрган ҳовузу боғ ҳам сандал дарахтидан ясалган тахту гўзал қиз ҳам кўздан йўқолганди. Муқбил бу ҳолатдан ҳайратга тушади. Кўрган воқеалари тушидами ё ҳушида содир бўлганлигини англай олмай ҳайрон бўлади. Оқибат, покдомонлиги туфайли бир подшонинг меҳрига сазовор бўлган йигит унинг қизига уйлангач, худди ўша боғ, ҳовуз ва тахтни, ҳаммадан ажабланарлиси, ўша қизни кўргач, яна ҳуши бошидан учади. Ва бунинг сабабини хотинидан сўрайди. Малика бу жинлар шоҳининг иши эканлигини айтиб беради. Қизга ошиқ бўлган жинлар шоҳи унинг сиймосини денгиз остидаги қасрда акс эттирган экан, Муқбил ўша сиймони кўриб, унга ошиқ бўлган ва бу ҳолдан ҳайратга тушган экан. Ушбу ҳикоятда сафар Муқбилнинг инсон сифатида шаклланишига, қалбидаги тақво, қаноат туйғуларининг акс этишига сабаб бўлади.

“Сабъаи сайёр” достонида еттинчи қасрдаги ҳикоятда сўз юритади. Унда ҳажр ва изтиробда ўртанган Баҳром севгилиси Дилоромдан хабар топади. Хоразмлик сайёҳдан эшитишича, у Хоразмда соғ-саломат, лекин Баҳромга азбаройи садоқати туфайли ўзини ўлган ҳисоблаб, кафанга монанд оппоқ либос кийиб юрар, кундузлари ноиложликдан соз чалиб, элни хушнуд қилса-да, ўзининг чеҳраси очилмас, тунлари эса кўзда ёш билан Тангрига тоат-ибодат қиларкан. Баҳром ҳам ёрига етиш учун етти қаср аро покланиб, у ҳам кафанга монанд оппоқ либос кийган эди. Демак, достондаги сафарлар рамзий маънода бўлиб, улар Баҳромнинг ёмон ахлоқдан яхши ахлоққа бўлган сафари билан боғлиқ экан.

Ҳикоят қаҳрамонлари сайру сайёҳат орқали ўз мақсадларига эришадилар. Сайёҳатчилардан ҳикоят эшитган Баҳром ҳам рамзий равишда ўзлигига сафар уюштиради. Ўз-ўзини тарбиялаб, камолот касб этади. Бу билан Навоий сайёраларнинг тинимсиз ҳаракатига, шу билан биргаликда инсоннинг ўз мақсадига етиш йўлидаги ҳаракатига ишора қилиб, мақсадга етиш учун инсон саъй-кўшиш қилмоғи даркор, деган фикрни яна бир бор олға суради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мақоламиз юзасидан қуйидагича хулосаларга келдик:

1. “Сабъаи сайёр” достони бошдан-оёқ сафар хақидаги дoston бўлиб, ундаги бош қахрамон баҳром маъшуқаси Дилоромнинг хабарини сафардан топади ва уни сафарда (овда) йўқотади. Уни хабарини эшитгач, маъшуқасини кутиб олиш учун ҳам сафарга чиқади ва мақсади мана шу сафар орқали амалга ошади.

2. Достондаги етти ҳикоят сайёҳлар томондан айтилади ва бу ҳикоятларнинг барчасида сафар амалга оширалади. Ҳикоят қахрамонлари сайру сайёҳат орқали ўз мақсадларига эришадилар. Сайёҳатчилардан ҳикоят эшитган Баҳром ҳам рамзий равишда ўзлигига сафар уюштиради. Ўз-ўзини тарбиялаб, камолот касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. –Т.: Фан, 1992.
2. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 14-том. –Т.: Фан, 1998.
3. Кошифий Ҳусайн воиз.Футувватномаи султоний. Форс-тожик тилидан Н. Комилов таржимаси. –Т.: Халқ мероси, 1994.
4. Ғазолий Абу Ҳомид. Кимиёи саодат. Туркий. –Т.: Адолат, 2005.

MURODXON DOSTONI SYUJETI

Tursunqulov Nurali Shuhrat o'g'li,

JDPI 2-kurs magistranti

Ilmiy rahbar: Abbos Tursunqulov, JDPI dotsenti, f.f.nomzodi

Xalq og‘zaki ijodining muhabbat sozini chaldirib, ishq mayidan ho‘platgan eposlaridan biri „Murodxon“ dostonidir. Ushbu dostonda; devlar, parilar, yog‘ochdan yasalgan uchar otlar, yuz pardasini ochsa, nuridan kechasi shahar ahli “olgan-olib, sotgan-sotib”[1; 170] bozor qiladigan pari obrazlari ishtirok etgan bo‘lishiga qaramay, bu doston na fantastik, na sehrlil dostonlar sirasiga kiradi, balki, “Murodxon” dostoni romanik eposining ishqiy romanik tipiga mansub bo‘lib”. [2; 33-59] dostonning syujeti va obrazlar tahlili uning romantik doston ekanligini ko‘rsatadi. Doston o‘ziga xos syujet liniyasiga ega. Syujet (frans. Predmet, “asosga qo‘yilgan narsa”) Izzat Sulton ta’biri bilan aytganda “asarda hikoya qilinayotgan voqea”. “asar mazmuniga asos bo‘lgan kichik yoki katta voqea” [3; 179]

Doston Oqtosh podshosining o‘limi bilan boshlanadi. Unda davlat qushining uch marta uchirilishi va uchovida ham Avvalxon cho‘ponning o‘g‘li boshiga qo‘nishi, ota-bobolardan qolgan udumga amal qilgan holda xalq Murodxonni podsho qilib ko‘tarishi, Murodxon podshoh bo‘lib endi singlisi va onasi bilan davron suraman deganda oti-yu manzil-makoni noma‘lum bo‘lgan pariga uchraydi, oshiq bo‘lib, uning ortidan yurt kezadi. Sarguzashtlari davomida Ko‘kquduq podshosi Oqilaxon bilan tanishib, undan ko‘p izzat ko‘rishi, yorining ismi Orzigul, yurti Guliston ekanligini, Orzigulni ko‘p beklarni halok qilgan „juda zo‘rabor“ Asfar dev qo‘riqlashini bilishi, Asfar devni yengib va u bilan do‘stlashib falang otda Orzigulni olib-qochib kelishi, Ortidan kelgan o‘n ikki minglik Guliston xoni Qironshoh

lashkarlarini yengishi, Qironshoh „qoyil bo‘p” oq fotiha berishi va Oqtosh yurtiga omon-eson yetib kelib murod maqsadiga yetishi voqealari juda qiziqarli, eposga xos rang-barang, badiiy bo‘yoqdor, emotsiyalarga boy tasvirlangan.

Romantik dostonlarga xos sarguzashtlar Murodxonning Orzigulni izlab yo‘lga chiqishi bilan boshlanadi Dostonda Murodxonning yo‘l azob-uqubatlarini boshidan kechirishi, do‘st-dushmanga yo‘liqishi, ular bilan hadiksirab, rostlab-yolg‘onlab gaplashishi o‘ta hayotiyli, haqiqatga mos kelishi bilan ajralib turadi.

Dostonda har qanday yovuzlik, mashaqqat, xiyonat, adolatsizlik, sof muhabbat oldida bosh egishi g‘oyasi bilan bir qatorda ishq oldida kim bo‘lsa ham ojiz qolishi g‘oyasi ilgari suriladi. Ov qilib yurgan Murodxonning ko‘zi chinorning ostida cho‘milib turgan pariga tushdi:

*Qanday bo‘ldi ovda mening ishim-deb,
Nega bu davr oldi qushim?- deb,
Ko‘rinmayin qoldi, qancha kishim?-deb,
“Chu”-deydi, bedovga shiddat qiladi.
Yashin tashlab tulpar ketib boradi,
Davr olgan qush ko‘kda shunday qaradi,
Aylanib u bir chinorga qo‘nadi.
Qushim qo‘ndi, dedi davlatli shunqor,
Ko‘rinmaydi keyin qolgan amaldor,
Yaqqinlab yetishdi shundayin qaysar,
Ko‘ziga ko‘rindi gul yuzli dilbar,
Chinorning ostida shunday chashma bor,
Chashmada cho‘milib turgan gajakdor,
Barkamol shundayin oyim turadi,
Jamoli oftobni xira qiladi,
Shunday parizodni Murod ko‘radi,
Ko‘rgan vaqtda qaddi-bo‘yi bukildi,
Ko‘zdan Yoshi munchoq-munchoq to‘kildi,
Jamolini ko‘rib shunday dilbarning,
Ot ustidan behush bo‘lib yiqildi [1; 96-97].*

Badiiy asarda oshiqning mashuqani ko‘rib, uning oyjamoliga mahliyo bo‘lib hushdan ketish motivi nafaqat “Murodxon” dostonida, balki, mumtoz yozma adabiyotda, xususan, ulug‘shoirimiz Nizomiddin Mir Alisher Navoiy hazratlarining, Layli va Majnun” asarida ham mahorat bilan tasvirlangan:

*Shod o‘ldi jamolidin shabiston
Andoqki bahordin guliston*

*Lekin bu bahori zindagoniy
Bir naxliya ayladi xazoni*

*Yo‘q ko‘kka tutoshti sarbasr o‘t
Boshtin ayog‘ o‘ldi ul shajar o‘t*

*Yo shulaki har biriga yeti
El bargi xazon tasavvur etti*

*Ya'ni ko'rubon oni Qays mahzun
Ruxsori qildi qahrabogun*

*Ham chehrasi rangi qahrabodek
Ham ko'ngluda qo'zg'alon sabodek*

*Har dam yiqilurg'a jismi moyil
Husn dog'i lahza-lahza zoyil*

*Topib anga jismi notavon sa'f
Ko'nglida dog'i zamon-zamon za'f*

*Tag'yirnazir ko'zga holi
Ko'zga neki hardam o'zga holi*

*Chun zo'r keturdi ishqibebok
Avval qadah oldi hushini pok*

*Bal may isi birla mast bo'ldi
G'ay haylig'a zeri dast bo'ldi*

*Ko'p sa'y o'ziga qildi hamdast
To bo'madi yerga soyadek past [4; 70-71]*

Doston qahramonlarining bunday ruhiy holatini ularning ojizligiga, zaifligiga, kuchsizligiga yo'ymaslik kerak. Baxshilar bunday adabiy motivdan o'rinli foydalangan holda kuchli ta'sirchanlikni yuzaga keltiradilar, tinglovchini hayajonda ushlab turadilar. Albatta, bu jarayonlar pahlavonlarni bechorahol ko'rsatib izza qilish uchun emas, balki, ular uchratgan sanamlar bu dunyodagi eng go'zal hurliqolar ekanligini, ularni ko'rgan manaman degan tog'larni talqon qilib, devlarni yakson qilib alplikka da'vo qilgan botirlar ham aql-hushidan ayrilib, tanasidan quvvati qochib, aqli shoshib yiqilishiga ishora qilishgan. „Layli va Majnun“ dostonidan farqli o'laroq „Murodxon“ dostonida bu hol ikki o'rinda takrorlangan.

O'zbek xalqida qadim-qadimdan ayollarga ehtirom, hurmat, qadr, e'tirof, mehr-muhabbat, e'zoz yuqori turadi. Dostonning bosh g'oyasi ham sevgi-muhabbatdir. Asarda bu tuyg'u nafaqat oshiq-mashuq o'rtasidagi ilohiy jarayonlar inikosi, balki, vatanga, singilga, onaga el-u xalqqa bo'lgan munosabatlarning mevasi hamdir.

*Bolam deb bo'taday bo'zlab qolmasin,
O'rtangan o'tlarga jonin salmasin,
Qanday bo'lsa, munlig' singlim bilmasin,
Men kelgancha ko'nclin so'rab turinglar,
Qariya enamga rahbar bo'linglar [1; 114].*

Murodixon dostonida mentalitetimizga xos bo'lgan milliy qadriyatlarimizdan biri bo'lmish mehmondo'stlik bir necha o'rinlarda ulug'lanadi. Kelgan mehmonni yuvib-tarab, taom berib, ko'nglini olib, yaxshi sarupolar kiydirish sharqona odob-axloq, fe'l-atvorni ko'rsatuvchi omildir. Chunki „mezbenni bir kuni mehmon qutqarishi“ga sharqliklar chin dildan ishonishadi. Shunday oliyjanob hislatlarni Ko'kquduq yurtining egasi Oqilaxon obrazida ham uchratishimiz mumkin. Oqilaxonning mehmonni qadrlashi, e'zozlashi, moli tugul jonini ham tortiq qilib yuborishga tayyorligida yaqqol ko'rinadi; “Murodixonning ... ko'nglini xushlab, ko'shliga boshlab olib borib, ostigayaxshi paloslar tashlab, xizmatda turdilar. Oqilaxon ... Murodixonning oldiga kelib, qo'l uzatib ko'rishib, so'rashib, dasturxon yozib, har turli taomlardan tortib, ko'p siyladi.

...Murodixonning oldiga pista, rusta, bodom, har xil alvonda noz-ne'mat narsalardan tortib, ziyofat ustiga ziyofat, asal ustiga sharob berib, oltin kosalarga sharob quyib, maylisni qizitib o'tira berdi. Murodixon xursand bo'ldi. Hammasi zarli-zarbof kiyimlardan kiyib, Murodixonga jilvalar qilib, ko'nglini olib, nozlar bilan gapira berdi ...Shu xilda vaqtixushlik bilan oqshomni o'tkazib, Oqilxon ertalab mehmon bilan tanishadi, uni maqsadi yo'lida xizmat qilishiga va'da berib, o'z mamlakatini mehmonga ko'rsatadi.

“Oqilaxon shahrining yarmini Murodixonga ko'rsatib, past ko'cha, tor ko'cha, rost ko'cha – barini ko'rsatib, guliston chorbog'lariga iyartib, shunday dumog'ni chog' qilib, shul kechani o'tkardi. Shul kecha o'tdi, xo'p yaxshi qildi xizmatdi, oqshom yotdi. Tong otdi. Kun choshkua haddiga etdi. Shunda Oqilxon qirquin kanizlariga buyurdi: - Qora qashqa tulporni egarlab olib kelinglar! - dedi. ... Bu qirquin qizlar hammasi jam bo'lib, otning oldiga bordi. Yalang'ochlab, qashlab, supurib-sidirib, ...otning ustiga tilla, zarli-zarbof abzallarni solib, turli po'pak-tillalarni taqib, otni bezab, tilla yuganlarni urib, har xil kashtali tillaning suvini yugirtgan davirlarni solib, tilla egarni otning beliga urib, yaxshilab, hamma anjom-abzallarni urib, bezab bo'lib otning jilovini hammasi ushlab, bu tulpor otni o'rtaiga olib, etaklab, sozlab bora berdi... Shunda Murodixon bu otni ko'rib, vaqti xush bo'lib, dumog'i chog' bo'ldi.

Shunda Oqilxon xazinasini ochdirib, podsholik dag'dag'a bilan turli sarpolar olib kelib, yaxshi sarpo - bosh oyoq kiyimlardan Murodixonga yoptirdi. Safarning kamchilik asboblaridan Murodixonga berib, har nima yovga kerak bo'lsa, hammasini tayyorlab, qo'lga yaxshi tilla dastli qamchin, yaxshi ispixon shamshirlarni ham berdi” [1; 152].

Insonning insonga ko'rsatgan mehr-oqibati, g'amxo'rliqi, oliyjanoblighi, mehribonligi tahsinga loyiq. Ammo quyida ko'radiganimiz odam zotidan bo'lmagan “jondor” Asfar devning odam bilan do'st tutinishi unga bergan va'dasida so'ngi damgacha turishi, Murodixonga ehtirom ko'rsatib ot sovg'a qilishi, sarupolar berib kuzatib qolishi betakrordir;

“Murodixonga dev bir tulpar ot berdi.-Do'stlikning nishoni shu, do'stim, bu otni senga berdim, minib ket!-dedi.

Dev Murodga yaxshi sarpolar berdi. Yaroq turgan manzilga olib kirdi.-Bizdan senga nishona o'zing yaxshi po'lar asboblardan tanlab ol...

Dev shohning qiziga ham mehribonlik qildi.-senga darkor bo'lar.-deb durri-javhar, qimmatbaho toshlardan berdi

Asfar dev Murodxon bilan Orzigul oyimni boshlab bir yerto'la uyga olib kirib: Bu mening xazinam. Yo'lda kerak bo'lar, sen do'stim, uylanib xotin olib borayotibsan. Bulardan ham ol! Senga sepi-sirriq bo'ladi, qarindosh-urug'laring kelar, shunda sovg'a qilib beraverasizlar!-deb ko'p yoqut, tilla uzuk, marjon, la'l-durlarni ko'rsatdi. "Olinglar sizlarning yurtlaringda bulardan kam bo'ladi,"-dedi" [1; 215].

Ma'lumki, xalq og'zaki ijod namunalari ota-bobolarimizning orzu-umidlari, o'y-hayollari mahsuli sifatida maydonga keladi. Folklorshunos olimlar so'zi bilan aytganda "Epos xalq hayotini obyektiv-bayoniy harakterda tasvirlovchi keng ko'lamli, ko'p tarmoqli asardir. Unda o'tmishdagi ulkan burilishlar keskin o'zgarishlar aks etadi [5; 10]. Atoqli baxshi Fozil Yo'ldosh tilidan yozib olingan ushbu romantik dostonda ham xalqning boshqa xalqlar bilan o'zaro mehmondo'st, oqibatli, tinch-totuv umrguzaronlik qilib, Murodxonday murodtalab yigitlarni orzusiga Orzigulday parilarni murodiga yetkazib, ularning baxtlarini ko'rib ko'ngillari taskin topgan bo'lsa ne tong!

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbek xalq dostonlari. II tomlik, II tom. –T.: Fan, 1957.
2. Obidova M. "Rustamxon" turkumidagi dostonlar. –T.: Fan, 1982.
3. Sulton I. Adabiyot nazariyasi. –T.: O'qituvchi, 1986.
4. Navoiy A. Layli va Majnun dostoni. –T.: G'afur G'ulom, 2018.
5. Sayimov B., Mo'minov G. O'zbek xalq ijodi bo'yicha tadqiqotlar. 7-tom. O'zbek folklorining epik janrlari. –T.: Fan, 1981.

“QISASI RABG‘UZIY” ASARIDA XABAR JANRI

*Hamdamov Ulug‘bek Hasan o‘g‘li,
O‘zbekiston Milliy universiteti magistranti*

Turkiy xalqlar tarixi, madaniyati, ilmiy-ma'rifiy va madaniy hayotining rivojlanishini o'rganishda Oltin O'rda davri adabiy manbalarini tadqiq etish muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu davrga mansub nodir va mo'tabar manbalardan biri, shubhasiz, Nosiruddin Burhoniddun o'g'li Rabg'uziyning "Qisasi Rabg'uziy" asaridir. "Qisasi Rabg'uziy" asari o'zbek nasrining ilk namunasi sifatida ahamiyatga ega. Ushbu asarning e'tiborga molik jihatlaridan yana biri shuki, turkiy adabiyotda uchraydigan naql, xabar, savol-javob, latifa, nukta kabi kichik janrlarni ilk bora shu asarda uchratishimiz mumkin. Aytib o'tish joizki, yuqorida sanalgan adabiy shakllarning barchasini ham janr sifatida e'tirof etib bo'lmaydi. Chunki turkiy adabiyotda janr kategoriyasi to'la shakllangan va aniq xulosalangan barqaror kategoriya emas. Turkiy adabiyotdagina emas, balki umuman adabiyotshunoslikda janr kategoriyasi haqida gapirganda konkret bir xulosaga kelish qiyin. Chunki tarixiy

kategoriya sifatida adabiy janrlar sistemasi doimiy o'zgarishda, harakatda yashaydi. Bu progress davomida yangi janrlar vujudga keladi, rivojlanadi yoki iste'moldan chiqib ketadi. Ijod jarayoni mobaynida janrlarda shakliy va mazmuniy o'zgarishlar kuzatiladi. Har bir davr adabiyotidagi janrlar tizimi adabiy an'analarning davomi va adabiy aloqalar natijasi o'laroq yanada rang-barang tus oladi, faol janrlar bilan bir qatorda an'anaviy va xorijiy adabiyotlardan o'zlashgan janrlar ham iste'molda bo'ladi. Demak, har bir davr adabiyotining janrlar tizimini sinxroniya/diaxroniya aspektlarida o'rganish taqozo etiladi [4.76]. Aytilganlarning bari janr nazariyasini ishlab chiqishda qiyinchilik tug'diradi. Shu vajdan turkiy adabiyotda janrlar haqida umumiy xulosa chiqarishda ehtiyotkorlik bilan fikr yuritish darkor. Turkiy adabiyotdagi ba'zi janrlar haqida so'z yuritganda hozirgi janrlar haqidagi tasavvurlardan biroz chekinishga to'g'ri keladi. Aks holda, qadimgi turkiy adabiyotdagi janrlarning paydo bo'lishi va o'ziga xosligini, ilk klassik davrdagi adabiy janrlardan farqlarini ko'rsatish imkoni bo'lmaydi [7.55].

“Qisasi Rabg‘uziy” asarida eng ko‘p uchraydigan adabiy shakllardan biri xabar janridir. Xabarni janr sifatida belgilashdan avval uning istilohiy ma‘nolariga diqqat qilsak maqsadga muvofiq bo‘ladi. “Xabar” deganda ongimizda qandaydir “voqea-hodisa, narsa-predmet yoki shaxs haqida axborot, ma‘lumot” tushunchasi paydo bo‘ladi. Aslini olganda ham shunday. “Xabar” istilohi haqida “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da “XABAR [a. - darak, axborot, ma‘lumot; ovoza; kesim (tlsh.)] 1. Biror kimsa, narsa yoki hodisa haqidagi axborot, darak, bildirish. 2. Yangilik. 3. Kundalik matbuot, radio va televideniye vositasida olingan axborot, ma‘lumot; maqola” degan ta‘rifga duch kelamiz [8.326]. Rabg‘uziy asarida xabar janri “xabarda andoq kelur”, “xabarda kelurki” epik qolipidagi boshlanmalar bilan boshlanadigan parchalar ko‘rinishida uchraydi. Bunday qolipdagi boshlanmalar bilan boshlanuvchi parchalardan muayyan bir fikrni, voqeani kengroq yoritish, ma‘lum voqeani manbaga tayanib dalilini keltirib isbotlash yoki qissa qahramoniga xos sifatlarni bayon qilish maqsadida asarda unumli foydalanilgan. Xuddi shu mazmundagi va “Qisasi Rabg‘uziy”dagi kabi muayyan qolipli boshlanmalarga ega parchalar Mahmud Qoshg‘ariyning “Devoni lug‘otit-turk” asarida ham uchraydi. “Devonu lug‘otit-turk”da “sav” atamasi turkiy xalqlardagi bir nechta janr va tushunchalarning nomini ifodalagan. Masalan, sav - otalar so‘zi; sav - qissa. Qadimgi voqealardan xabar berish; sav - hikoya. Biror voqeani aytib berish; sav - risola, xat, kichik kitobcha; sav - so‘z, nutq. Tilimizda uchraydigan “sovchi” istilohining tarixi ham “sav” so‘zi bilan bog‘liq. Sav - ilgarigi xabarlar, yangiliklarni yetkazuvchi nabiy - payg‘ambarga nisbatan savchi istilohi qo‘llanilgan [5.168]. Chunki u bir qancha xabarlar eshittiradi, yozilgan narsalarni yetkazadi. Devonda “Otalar so‘zi” iborasi sav atamasi bilan ham ifodalangan. “Savda shundag‘ kelir” [5.168] ko‘rinishidagi boshlanma “Qisasi Rabg‘uziy”dagi “xabarda shundoq kelur” boshlanmasi bilan deyarli bir xil mazmun kasb etadi. Savning bosh ma‘nosi xabar, voqeyilik, yangilikdir, demak, biror voqeyilik aks etgan adabiy janr, kitob yoki og‘zaki nutq sav deb yuritiladi. Rabg‘uziy ham biror bir voqelikni dalillash, uni kengroq yoritish uchun o‘zidan oldingi ma‘lumotlardan, manbalardan namunalarni xabar tariqasida keltiradi. Xabar janriga xos bo‘lgan xuddi shunday holatni Farididdin

Attorning “Tazkirat ul-avliyo” asarida ham uchratamiz. “Tazkirat ul-avliyo”da ham “xabarda kelibdiki” ko‘rinishidagi boshlanmaga duch kelamiz [1.27]. Ushbu asardagi xabarlar mohiyatan “Qisasi Rabg‘uziy” va Qoshg‘ariy “Devon”idan ayro emas. Attor keltirgan xabarlarda muayyan bir avliyoning fazilati, sifati yoki u bilan bog‘liq biror voqea bayon qilinadi.

“Qisasi Rabg‘uziy”dagi “Odam alayhissalom” qissasida ana shunday boshlanmalar bilan boshlanadigan beshta parcha mavjud. Shulardan biriga diqqat qilamiz: “... Odam Havvoni o‘zindan yaratilg‘ani ko‘rdi ersa sevukluki Odam ko‘nglunga tushdi. Havvo g‘oyat ko‘rkluk erdi. Xabarda andog‘ kelur, izi azza va jalla ko‘rkni yuz ulush qildi. To‘qson to‘quzni Havvog‘a berdi. Bir ulushni qamug‘ olamlig‘larg‘a berdi. Ul bir ulushni yana o‘n ulush qildi. To‘quzin Yusufg‘a, bir ulushni olamlig‘larg‘a berdi” [2.19]. Parchadan ma‘lum bo‘ladiki, Havvoning “g‘oyat ko‘rkluk” ekanligini dalillash uchun Rabg‘uziy bitta xabar keltiradi. Bu xabarda Havvoning g‘oyatda go‘zal qilib yaratilganligi bayon qilinadi. Rabg‘uziy “xabarda kelur” deya bayon qilganda, ma‘lum bir sujetni hikoya qilmaydi, balki qissa qahramonlarining fe‘l-atvori va doimiy a‘moliga oid qisqa dalillarni keltiradi. Umuman, xabar janri asosiy sujet chizig‘idagi ma‘lum voqealar va detallarga aniqlik kiritish uchun qo‘llangani ayon bo‘ladi. Rabg‘uziy xabarda ko‘proq tarixiylik tamoyiliga urg‘u qaratadiki, bu jihat keltirilayotgan xabarlarning aniq bir manbaga ega ekanligidan dalolat beradi.

“Xabarda kelur, Muso yalavoch har kunda bani Isroilni yig‘ib, minbarg‘a oshib majlis tutar erdi, va‘z va nasihat aytur erdi. Qorunma oltun piyola chiqarub Muso o‘trusunda qo‘yub, o‘lturub xamr ichar erdi. Muso tahammul qilib turar erdi” [3.12].

“Qorun alayhila‘na” qissasidan keltirilgan ushbu xabar shu jihati bilan e‘tiborliki, unda qissa qahramoniga xos sifatlar haqida qisqacha xabar keltiriladi. Ya‘ni xabarda Qorunning ochko‘z va badnafsligi, molparastligi hamda Muso alayhissalomning sabrli ekanligi bayon qilinadi. Shu bilan birga bu xabar qissadagi voqealar aniq va ishonchli ekanligini ta‘kidlash uchun ham keltirilgan. So‘ngra xabar janridagi voqa hikoyatda batafsil bayon qilinadi.

Qissalardagi qaysidir payg‘ambarning fazilati yoki a‘moliga oid biror voqea ham xabar janri orqali beriladi. Bundan tashqari tilga olingan payg‘ambar bilan bog‘liq g‘aroyib hodisotlar yoki qaysidir payg‘ambarga xos mo‘jizaviy holatlar bayoni ham xabar orqali keltiriladi. Natijada esa qissalar bosh qahramoni hisoblangan payg‘ambarlar haqida to‘laqonli tasavvur paydo bo‘ladi. Masalan, Nuh payg‘ambar haqidagi qissada Avj ibn Unuq haqida bir xabar keltiriladi: “Avj ibn Unuq to‘fonda halok bo‘lmadi. Aning uchunkim, dayyor jumlasindin ermas erdi. Dayyor – evluk – barqilig‘ temak bo‘lur. Avjning evi – barqi yo‘q erdi, tengizlar atog‘inda turur erdi. To‘fon suyi tizinga oshmadi” [2.41]. Ushbu xabar to‘fon voqeasi sodir bo‘lishidan oldin beriladi. Mazkur xabardan oldin odamlar haq yo‘liga kirmay qo‘yganligi, shu sababli ularga farzandlar berilmaganligiyu jamiki odamlarning halok bo‘lishi voqealari keltiriladi. To‘fon esa odamlarning ana shu yomonligi evaziga jazo tariqasida yuboriladi. Rabg‘uziy to‘fon voqearini hikoya qilishdan oldin Avj ibn Unuq to‘fonda halok bo‘lmagani va buning sababi uning xoksorligi - jamiki insoniyatdan farqi boshpanasi yo‘qligida deb izohlovchi xabarni bayon qiladi.

Ko‘rinib turibdiki, “Qisasi Rabg‘uziy” tarkibidagi xabar adabiy janri alohida ahamiyatga ega. Mazkur asardagi xabarlar alohida, bir-biridan ajralib qolgan emas, balki qissa qahramonining ma’lum qirralarini to‘laqonli ochib berish uchun xizmat qilgan. Qolaversa, xabar janriga oid parchalar hikoyat janrida ko‘tarilgan g‘oyani ochishga xizmat qiladigan bir vositadir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. –Т.: Фафур Фулом, 2013.
2. Рабғузий, Носириддин Бурхонуддин. Қисаси Рабғузий. I китоб. –Т.: Ёзувчи, 1991.
3. Рабғузий, Носириддин Бурхонуддин. Қисаси Рабғузий. II китоб. –Т.: Ёзувчи, 1991.
4. Quronov D. va boshq. Adabiyotshunoslik lug‘ati. –Т.: Akademnashr, 2013
5. Qoshg‘ariy M. Turkiy so‘zlar devoni. Devonu lug‘otit turk. III tom. –Т.: Fan, 1963.
6. Rahmonov N. O‘zbek adabiy tarixi (Eng qadimgi davrlardan XV asrning birinchi yarmigacha). –Т.: Sano-standart, 2016.
7. Rahmonov N. Ruhiyatdagi nur murodi. –Т.: Xalq merosi, 2002.
8. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. A.Madvaliyev tahriri ostida. 5 jildlik. –Т.: Fan, 2021.

BADIIY ASARDA DAVR VA SHAXS RUHIYATI MASALASI

(Tog‘ay Murod ijodi misolida)

Usanov Davlat Alimovich,

JDPI 1-kurs magistranti

Ilmiy rahbar: N.I.Soatova, JDPI dotsenti, f.f.n

Mamlakatimizda ro‘y berayotgan o‘zgarishlar tom ma’noda, Vatanimiz yuksalishi uchun yuz berishi ayni haqiqat. Mana shu kabi jarayonlar, voqea-hodisalarda har bir inson, o‘zini shu yurt farzandi hisoblagan shaxs o‘zining munosib hissasini qo‘shishi taajjubli holat emas. Bunda inson ruhiyatida bitta yurt, bitta xalq, birlashish - yagona rivojlanish yo‘li ekanligi aks etadi. Asarlarda yoritiluvchi jarayon va unda ishtirok etuvchi shaxslar ruhiyati davr mavzusga qarab ochib berilishi ayon haqiqat. Xususan, fikrimiz dalili sifatida yozuvchi Tog‘ay Murodning “Bu dunyoda o‘lib bo‘lmaydi” asarini olishimiz mumkin. Romanda turli mavzular ochib beriladi: Vatan, qahramonlik, nafs, mustahkam iroda. Asar boshlanmasidagi Botir firqaning o‘y-kechinmalari, ruhiyat o‘zgarishlari, har o‘zbek otasi kabi farzand uchun qayg‘urish asar oxirida rizolik bilan tugaydi. Azaldan a‘yonki, kimdir jon kuydirib boshladimi, sening ruhingda pasayish ro‘y beradi. Xayolot dunyo loyqaradi. Yana bir mavzu borki, bu bizning sovet davridagi bo‘ysinuvchan nigohlarimiz, bo‘ysinuvchan iroda, ruhimiz. Bu asarda har detal ramz hisoblanadi. Nomiga qurilgan binolar, tashqi tarafi bejirim, ichi mo‘rt uylar, hamma bitta soxta quruvchiga ko‘r-ko‘rona ergashish, uni dohiy deb bilish. Bu ramz shundayki, mustaqillikka intilgan xalq va tobora qulab

borayotgan tizim. Bu tizim bo‘yin egishga boshlovchi, bu tizim qulluq va qullikka yetaklovchi tizim edi. Bir rivoyat bor: qadimda bir hukmdor sinash uchun olomonni maydonga to‘plabdi. Yarim murojaat, yarim buyruq ohangda: yaqin kunlarda yer suvingni tortib olishga to‘g‘ri keladi,- debdi. Uch - to‘rt kundan keyin hukmdor yana to‘plabdi: -Bundan buyon hammang er-xotin bitta ko‘rpa ichida yotasanlar! Olomon bu safar ham indamay uy-uyiga jo‘nabdi. Hukmdor bo‘g‘ilib, ko‘p o‘tmay odamlarni yana to‘plabdi: -Ertaga hammangni shu dorga osaman! Taajjubki, olomon odatdagiday indamay tarqayotgan emish! Faqat birgina kishi botinib-botinmay hukmdorga yuzlanibdi: - Onhazrat... arqonni o‘zimiz keltiraylikmi yo berishadimi?! (21) Rivoyat kim uchun? Butun umr qullikka mahkum insonlar haqida bu rivoyat. Bizning ruhiyat bunday dekadent ruhiyat emas. Shu sababli bu asarda yozuvchi turli xil sujetlarni bitta mavzu tegrasida zanjirga bog‘laydi. Asar bosh qahramoni Botir firqa asosiy mavzu masalasida ko‘riladi. Yozuvchining Botir firqasi boshqa asarlardagi qahramonlar, ya’ni Soat G‘aniyev, Umar zakunchi kabi qahramonlardan tubdan farq qiladi. Botir firqa zamon odami, siyosiy jarayonlar ichida yurib ko‘zi pishgan inson bo‘lib gavdalanadi. Unda musulmonlarga xos bo‘lgan urf-odat, rasm-rusumlar ham bor, fikrlari ham qotib qolmagan, biroq siyosiy vaziyat tufayli ko‘p odatlarni esdan chiqarishga harakat qilgan shaxs. SSSR davri ko‘plab ziyolilarda bo‘lgan vaziyat oddiy oiladan chiqqan Botir qo‘shchi kabi oddiy insonlarni chetlab o‘tmadi. Biz uni dastlabki tasvirda ko‘rganimizdek, Qoqir qulni chevarasi, Xolmat malayni nevarasi. Eson xizmatkorni bolasi deb tasvirlaydi. Yozuvchi so‘z o‘yinlari ustasi. U bunday tasvirlashni XIX asrning o‘rtalariga taqagan holda mustamlaka qilingan vaqtimiz boshlanmasi qullik boshlanganligini bildirib o‘tadi. Botir Qo‘shchi kabi oddiy xalq vakillarini katta qilib ko‘rsatadi. Ana endi masalani ikkinchi tomoniga o‘tsak, Botir firqada umrining oxirigacha o‘zbek mentaliteti, diniy qarashlari tark etmadi. Axir, o‘zi bo‘lmaydi, yosh paytidan boshlab to qarigan chog‘igacha “Qizil” mafkura bilan yashash. Shunday bo‘lsa-da, u o‘z fikrini, odamiyligini asar davomida bildirib turadi. Buni biz ochlikka qarshi kurashuvchilar chuqurga o‘likni tashlagan vaqti firqaning ichidan zil ketishi, ovoz chiqarib aytolmasa ham, duoyi fотиha qilib qo‘yishidan bilishimiz mumkin. “Qizil”larning yurtimizda ziyoli qatlamni yo‘qotish rejasi sal qolganda ish berishini yozuvchi gap bilan bo‘lmasa ham, qahramonlar ruhiyati orqali ochib beradi. Bunga misol qilib aytganda, bir kattaroq mansabli kishi vafot etganda, sovet kishisi bidat-xurofotga ishonmasin, deya janoza o‘qilmay dafn qilinganda, qaltirab ketadi va ichida fотиha o‘qiydi. Eng qizig‘i shundaki, o‘qiyotgan duolari ko‘p joyi esga kelmaydi, shunday bo‘lsa ham, ovoz chiqarmay o‘qiyveradi. Mana shu voqeadan bilamizki, sekinlik bilan o‘z mafkuramiz, mentalitetimizdan chekinib borayotgan edik. “Taxlanib yotmish jasadlarni ko‘rdi: biri Ashir momo, biri Chori bobo bo‘ldi. Beixtiyor qo‘llarini ko‘tardi. Marhumlar haqqiga duo o‘qimoqchi bo‘ldi. Birdan esini yig‘ib oldi. Firqa ekanligini, tepasida NKVDchilar turganini o‘yladi. “Xayriyat, qo‘llarimni ko‘targanimni ko‘rmadi”. Ichida fотиha o‘qidi, ichida qur‘on o‘qidi. (27-bet) Yagona qahramon ruhiyati o‘zgarishi butun bir jamiyat o‘zgarishi talqinida olingan. Qanday baxtki, bu muammolar girdobida o‘zbek xalqi sinmadi. Atoqli yozuvchimiz Abdulla Qodiriy ham o‘zining “O‘tkan kunlar” asarida xuddi shu ishlar albatta bo‘lishini aytib

o'tgan edi. "Men ko' b umrimni shu yurtning tinchlig'i va fuqaroning osoyishi uchun sarf qilib, o'zimga azobdan boshqa hech bir qanoat hosil qilolmadim. Ittifoqni ne el ekanini bilmagan, yolg'iz o'z manfaati shaxsiyasi yo'lida bir-birini yeb, ichkan mansabparast, dunyoparast va shuhratparast muttahamlar Turkiston tuprog'idan yo'qolmay turib, bizning odam bo'lishimizg'a aqlim yetmay qoldi. Biz shu holda ketadigan, bir- birimizning tegimizga suv quyadirg'an bo'lsaq yaqindirki, o'rus istibdodi o'zining iflos oyog'i bilan Turkistonimizni bulg'atar va biz bo'lsaq o'z qo'limiz bilan kelgusi naslimizning bo'ynig'a o'rus bo'yindirig'ini kiydirgan bo'larmiz. O'z naslini o'z qo'li bilan kofir qo'lig'a tutqin qilib topshirquchi - biz ko'r va aqlsiz otalarg'a xudoning la'nati albatta tushar, o'g'lim!"(176) Botir firqa ko'p voqealarni ko'rdi, guvohi bo'ldi. U ko'rgan butun bir jarayon ko'z o'ngida quladi. Omon Muxtor va boshqa yozuvchilarning qahramonlari kabi Botir firqa ham o'zligini anglab yetdi. U ishongan jamiyat, mafkura endi yo'q. yangi jamiyat qurayotganlar esa uning yodida turli xil qing'ir ishlar bilan esda qolgan. Shu hodisalarni ko'rgan Botir firqa endi o'zgardi. Fahmladi. Quruvchilarning hammasi ham hur fikr, yurt uchun emas, ko'pchilik mansab uchun, o'z manfaati uchun yugurayotganlar ekan. Demak, hali o'lishga erta, bunaqa hayotni yashab o'lib bo'lmaydi. "Bu dunyoda o'lib bo'lmaydi".

Haq rostki, shunchaki hayot kechirish mumkin emas. Sovet davri shafqatsiz turmush tarzi o'zbek mentalitetiga to'g'ri kelmaydi. Bizning o'z yo'limiz bor. Har birimiz bu hayotni munosib yashab o'tmog'imiz zarur.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Tog'ay Murod. Bu Dunyoda o'lib bo'lmaydi. –T., 2018. 27-b.
2. Omon Muxtor. Ffu. –T.: Sharq NMIU, 1997. 21-b.
3. Abdulla Qodiriy. O'tkan kunlar. –T.: 2008. 176-b.
4. Ziyouz.com
5. Saviya.uz
6. [Xurshid Davron kutubxonasi](#)

QANOAT XAZINASI

*Ahmadova Shohsanam Sodiq qizi,
JDPI magistranti*

Qone tilanmas farzona, qanoat tuganmas xizona

A.Navoiy

Qanoat – borida-yu yo'g'ida shukr qilmoq. Qanoat - dunyo noz -ne'matlari-yu boyliklaridan o'z ko'ngil mahzanini ortiq ko'rmoq. Qanoat- taqdiri azalga rizolik.

Qanoat... Shu birgina istilohning mazmun-mohiyatini anglab yetish, uni to'la ifoda eta olish har kimga ham nasib etavermaydi. So'z mulkinging sultoni hazrat Mir Alisher Navoiy o'zining asarlari orqali ko'pgina diniy, tasavvufiy, axloqiy istilohlar qatorida qanoat tushunchasiga ta'rif beradi. Allomaning qanoat haqidagi mulohazalari "Xamsa"ning besh dostoni ("Hayrat ul-abror"ning beshinchi maqolati

qanoat zikrida deb nomlangan), “Lison ut-tayr”, “Nazm ul- javohir”, “Arbain”, “Mahbub ul qulub” (2-qism 4-bob hamda 3-qismining 70,115,127-tanbehlari), ko‘pgina g‘azal va qit‘alarida o‘z ifodasini topgan. Jumladan, “Qanoat zikrida ” deb nomlangan “Mahbub ul qulub” asarining 2- qism 4-bobida Navoiy qanoatni suvi tugamas chashmaga, hurmat mevalarini beruvchi daraxtga yoxud o‘zi og‘ir bo‘lsa-da, oxir manzili farahbaxsh bo‘lgan yo‘lga qiyos etadi.

Chindan ham qanoatli insonning hech narsadan kami bo‘lmaydi, hamisha atrofda qilarga mehr ulashgani bois el orasida hurmat qozonadi. Bu yo‘lda turli jabr-sitamlanga duch kelsa-da, shayton hiylasi-yu nafs qutqusiga qarshi kurashishiga to‘g‘ri kelsa-da, erishajagi jannatdir.

Ma‘lumki, Alisher Navoiyning ijodi islomiy ruhdagi adabiyotga mansub. “Mahbub ul qulub” asari ham shunday xarakterga ega. Ushbu asarda yigirmadan ortiq Qur‘oni karim oyatlari hamda hadisi sharifdan namunalar keltirilganligi fikrimizning yorqin dalilidir. Shuning uchun bo‘lsa kerak asardagi har bir fikrni Qur‘on oyatlari yoxud hadisi qudsiylar orqali dalillash mumkin. Jumladan, Navoiyning qanoat haqidagi yuqorida keltirilgan fikrlariga mos ravishda, Qur‘oni karimda shunday oyat keltiriladi: “Alloh (o‘zi) xohlagan kishilarining rizqini keng va (xohlagan kishilarning rizqini) tang qilur” [6;252] yoxud “Biz , albatta, sabr etganlarni o‘zlari qilib o‘tgan go‘zal amallari barobaridagi mukofot bilan taqdirlaymiz” [6;278]. Hadisi sharifda esa shunday deyiladi: “Abdulloh ibn amr (r. a): “Kimki musulmon bo‘lib, kifoya qilgudek rizqlangan bo‘lsa va Alloh taolo o‘sha bergan rizqiga qanoatli etib qo‘ygan bo‘lsa, batahqiq o‘sha kishi najot topibdi”.

Navoiy qanoatli hamda mol-dunyo yig‘ishga ruju qo‘ygan insonlar haqida shunday deydi: “Shoh uldurkim olmag‘ay va bergay. Gado uldurkim, sochmagay va tergay. Ulkim qanoat mo‘tod bo‘ldi – shoh va gado taraddudidin ozod bo‘ldi” [1;196]. Ushbu ta‘rifdan anglashimiz mumkinki, ijodkor qanoat qiluvchi insonni hech kimdan olmasa-da, barchaga beruvchi shoh deb, nafi yo‘lida xasislik qilib hech kimga bermay, faqat o‘zi uchungina yig‘ib-teruvchi insonlarni esa gado deb biladi.

Bu haqda Toho surasida shunday deyiladi: “Siz (kofirlardan ayrim) toifalarni sinashimiz uchun bahramand qilgan dunyo hayoti go‘zalliklaridan iborat narsalarga ko‘zingizni termultirmang, Robbingizning rizqi yaxshiroq va boqiyroqdir” [6;321]. Qudsiy hadisda esa quyidagicha ta‘kidlanadi: “Abu Hurayra: Rasululloh aytganlar: “Bir bandaiki dunyoga hirs qo‘ymasa, ya’ni oxiratni dunyodan avval qo‘ysa yoki hojatidan ortiqroq mol jamlamasa, Alloh taolo uning qalbida hikmatni o‘stiradi, tilda hikmatni gapirtiradi va qalb dunyoning ayblarini sezadi va dunyoning dardini va davosini ham ko‘rgazadi va nihoyat Alloh taolo dunyoning ofat- balolaridan sog‘-salomat chiqarib, jannatiga kirgizadi ”.

Shuni ta‘kidlab o‘tish joizki, Navoiy ushbu fikrlarining tasdig‘i o‘laroq qanoat bobida barchamizga o‘rnak bo‘la oluvchi hayot kechirdi. Uning el-yurt obodligi yo‘lida o‘z mablag‘idan qanchadan qancha bino-yu imoratlar, ariqlar qurdirganligi, Kamoliddin Behzoddek yosh iste‘dodlarga homiylik qilganligi yoxud shohning eng yaqin kishisi bo‘lsa-da, oddiy insonlardek hayot kechirganligi fikrimizning yorqin dalilidir. Balki, Navoiy shu yo‘l bilan haqiqiy shohlikka erishgan bo‘lsa, ne tong!

“Mahbub ul qulub”ning ushbu bobida qanoat fazilatiga qarama-qarshi tama illati keltiriladi: “Qanoatda nechakim, farog‘bol, aksi tamada razolat va nakol” [2;196]. Ya’ni, qanoatda qancha rohat va farog‘at bo‘lsa, uning aksi bo‘lgan tamada shuncha razillik va uqubat bor. Bu illatdan yiroq bo‘lishning foydalari haqida so‘z yuritar ekan ijodkor quyidagi ruboiy orqali fikrini yanada aniqlashtiradi:

*Har kimki, qanoat taraf nisbati bor
Barcha el aro tavoze-u izzati bor,
Ulkim tama-u hirs bila ulfati bor,
Yaxshi- yomon ichra zillat-u nakbati bor.*[1;197]

Ya’ni kimki qanoatli bo‘lsa, el aro izzatga erishadi, nafs-u hirs ila do‘st bo‘lgan inson esa yaxshi-yomon ichra xor-u nahs ko‘rinadi.

Shayx Shoh Ziyoratgohiy haqidagi hikoyat yuqoridagi fikrlarning tasdiqidir. Mazkur hikoyatda ilohiy sirlarni anglab yetgan Shayx Shoh Ziyoratgohiy qanoat ila yashab, qolgan umrini toat-ibodatga baxsh etishga qaror qiladi va o‘zi ekin ekib kun ko‘ra boshlaydi. Turli nazr-u niyozlarni, hatto podshohlikning unga taklif etgan suyurg‘ollarini ham rad etadi. Shunday qanoati tufayli Shayx Allohning “azza man qanaa” (qanoat qilgan aziz bo‘ladi) hukmi asosida ulug‘ martabaga erishadi. Endi Shayx Shohni ko‘rib uning duosini olish uchun Hirot mansabdorlari, diniy ulamolari Ziyoratgoh qasbasiga uch shar‘iy yo‘l yurib keladigan bo‘lishgan edi. Shayxning qo‘llari teggan narsani ham aziz bilib, ko‘zlariga surar, bundan oxiratda najot bo‘lishiga-da ishonadigan bo‘ldilar.

Mazkur hikoyatda ilgari surilgan g‘oya zamon va makon tanlamas hikmat desak, hech mubolag‘a bo‘lmaydi. Negaki, har qaysi jamiyatda moddiyatga berilgan, nafsiga qul insonlar hamisha topiladi. Zakot-u hayitlik hadyalari neligini bilmaydigan “boy”larimiz bor ekanligi ham hech kimga sir emas.

Demak, Navoiy har qaysi jamiyatning “og‘riq tishlari”dan bo‘lgan “olg‘uvchi g‘aniylar”ini tama (hirs, ochko‘zlik) dan yiroq bo‘lib, qanoat sari yuzlanmoqqa chorlamoqda. Boisi, ijodkor ta’kidlaganidek, “Tama nomus uyini kuydiruvchidirki, laimliq va razolatqa kamol andin, odamiylik va insoniyatqa zavol andin. Izzat xirmonini uchirguvchi, viqor shamin o‘chirguvchi ham u” [1;196]. Ze’ro payg‘ambarimiz (s.a.v) ta’kidlaganlaridek, “Boylik molning ko‘pligi bilan emas, balki (chin) boylik nafsning boyligidir”[7;265]

Alloma ushbu fazilat haqida fikr yuritar ekan, tansixatlikning o‘zi ham Allohga shukrona keltirib yashashga bois bo‘lishini ta’kidlaydi: “Kafshsizlikdin malul bo‘lmag‘il, ayog‘sizlarg‘a boqib shukur qil” [5;98]. Yoxud “Badoe ul-vasat” devonining 41-qit‘asida shunday deydi:

*Ulki, iflosdin ayog‘inda
Kafsh yo‘li azmi chog‘i yo‘qtur oning,
Shukr qildik boqib birav sori,
Ki yururg‘a ayog‘i yo‘qtur oning.*

Bandalarning shukr qilishi hamda uning mukofoti haqida Qur’oni karimda shunday marhamat qilinadi: “Agar insonga o‘z tomonimizdan rohatni torttirib, so‘ngra uni undan tortib olsak, u, albatta, noumid va noshukr bo‘lur. Agar unga yetgan qiyinchiliklardan so‘ng ne’mat torttirsak, albatta: “Mendan yomonliklar ketdi”

deydi. Albatta, u xursanddir va faxrlanuvchidir. Ammo sabr qilganlar va solih amallar qilganlarga – ana o‘shalarga mag‘firat va katta ajr bor” [6;197]. Imom Muslim va Imom Ahmad shunday rivoyat qiladilar: “Rasululloh (s.a.v) shunday dedilar: “Agar mo‘minga xursandchilik yetsa, shukr qiladi. Bu unga xayrlidir. Agar unga biror zarar yetsa, sabr qiladi. Bu ham unga xayrlidir”.

Xulosa o‘rnida shuni aytish joizki, har bir inson taqdir sinovlari oldida gangib qolmasligi, shukronalik uchun sabablarni ko‘ra bilishi, taqdiri azalga qanoat hosil qilishi lozimki, shundagina inson nafaqat bu foniq dunyoda, balki boqiy dunyoda ham aziz va mukarram bo‘ladi. Zero, shoir ta’kidlaganidek,

Xorlig‘lar boshi tama bilgil

Doimo “azza man qanaa” (hadisi sharifdan) bilgil. [1;264]

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Alisher Navoiy. Mahbub ul-qulub. –T.: Yangi asr avlodi, 2019.
2. Alisher Navoiy. Mahbub ul qulub. Hozirgi o‘zbek tiliga tabdil. Sano-standart, 2018.
3. Alisher Navoiyning asarlari tilining izohli lug‘ati. to‘rt tomlik. –T.: Fan, 1983.
4. Alisher Navoiy. Arbain. –T.: Meros, 1991.
5. Alisher Navoiy. Qit‘alar, fardlar, ruboiylar tuyuqlar. –T.: G‘afur G‘ulom, 1968.
6. Qur‘oni karim va o‘zbek tilidagi ma’nolar tarjimai. –T.: HILOL-NASHR, 2018.
7. Al-adab al-mufrad. Imom Ismoil al-Buxoriy. –T.: Qomuslar bosh tahririyati, 1997.

UNDOV SO‘ZLARINING BADIY MATNLARDA ISHLATILISHI

To‘ymurodova Ruxsorabonu Rasul qizi,

BuxDU talabasi

Ilmiy rahbar: Salixova Nodira Nurullayevna,

BuxDU katta o‘qituvchisi

Avvalo, undov so‘zlar tilimizda bevosita kishilarning his -hayajonini, buyruq-xitob, haydash, chaqirish ma’nolarini ifodalashda alohida ahamiyatga ega.Undov so‘zlar intonatsiya jihatidan juda ham rang-barang hisoblanadi. Tilimizda shunday so‘zlar mavjudki ular his-hayajon va buyruq-xitob ma’nolarini bildirib, gap bo‘laklari bilan grammatik jihatdan bog‘lanmaydigan so‘zlar sifatida undov so‘zlarga kiritamiz. Nutqimizda undovlar garchand his-hayajon va haydash-chaqirish kabi ma’nolarni ifodalasa- da, his-hayajon va haydash -chaqirish ma’nolarida kelmasligi ham mumkin. Undovlarda morfologik xususiyatlar mavjud emas, bu so‘zlarni biz morfologik usul bilan yasay olmaymiz.Shunga qaramay tilimizda undovlarni takrorlash va juftlash orqali ayrim undovlarni o‘z nutqimizda hosil qilishimiz mumkin: ehhe, voy-bo‘y, voy-voy, e-ha, e-voh misolidagi so‘zlar kabi. Undovlar so‘zlarda urg‘u va ohangning roli kuchli hisoblanadi.Bunga sabab shundaki so‘zlar

ma'lum ohang bilan aytilsagina his-hayajonni ifodalay olishi mumkin. Masalan, oddiy tarzda o deb talaffuz qilganimizda tovush ifodalashimiz mumkin.

-O'o', qashqirdan tug'ilgan qashqircha!-dedi titroq bosib.(O.Yoqubov "Muzqaymoq" hikoyasi 395-bet).

Bu gapdagi o' tovushida kuchli his-hayajon ma'nosi mavjud, shu boisdan u "g'azab" ma'nolarini bildiradi.

Biz tilshunoslikda undov so'zlarni ma'no xususiyatiga ko'ra ikki xil: his-hayajon undovlari, buyruq-xitob undovlariga ajratamiz. His-hayajon undovlari turli his- tuyg'ularni, kechinmalarni bildiradi: Misol uchun quyidagi undov so'zlarni aytishimiz mumkin: o, oh, e, eh, uh, ey, voy, dod, he, a, obbo, ha, o'ho', ehe, attang, vodarig', rahmat, salom, ofarin, balli, barakallo kabilar. Bu xildagi undovlarning his-tuyg'u bildirishida ohang eng muhim rol o'ynaydi.

His-hayajon undovlari quyidagi ma'nolarni ifodalaydi:

1. Shodlik, xursandchilik ma'nolarini ifodalaydi.

O'ho', zo'r-ku. Egasi kim ekan? (O'.Umarbekov "Qiyomat qarz" hikoyasi 427 - bet)

-Obbo, azamat-ey! To'rt yarim sotih kelib qoladi. (S.Ahmad "Sobiq" hikoyasi 374-bet)

2. Xafalikni, charchoqni, og'ir ruhiy qiyinchilikni ifodalaydi.

Evo! U ko'pdan beri shahzodadan qo'rqib yurgani bejiz emas ekan. (O.Yoqubov "Ulug'bek xazinasini" romani 399-bet)

3. Ta'kid va taajjublanish ma'nolarini ifodalaydi.

Eh, Aziz, Aziz! Hech kim qilmagan ishni qilaman, deb ko'krak mushtlab kattaketmay qo'yaqol! (O'.Umarbekov "Qiyomat qarz" hikoyasi 426 bet)

E, tavba! Nima va'da bergan ekan, hayronman! (O'. Umarbekov "Qiyomat qarz" hikoyasi 425 -bet)

4. Urf-odat ma'nolarini ifodalaydi.

Jindek mizg'ib olganingdan keyin idoraga chiqasan, xayr. (S.Ahmad "Sobiq" hikoyasi 373-bet)

Buyruq-xitob undovlari asosan hayvonlar va qushlarni chaqirish, haydash, harakatlantirish yoki harakatdan to'xtatish uchun ishlatiladi: beh-beh, bah-bah, tu-tu-tu, chu, ish, pisht, xi-xi, tur, (itni), chigi-chigi, ho'sh-ho'sh, kisht-kisht.

Buyruq-xitob undovlarining ayrimlari insonga nisbatan ham ishlatiladi. Bunday holda undovlar nom o'rnida ishlatilib, murojatni ifodalaydi: hoy, ey, hey, kabi. Masalan:

Ey jiyan, ana shunday zamon bu. (S.Ahmad "Ufq" romani 364-bet)

O'zbek adabiyotining nasr ustasi bo'lgan A.Qahhorning "O'g'ri" hikoyasida:

"O! Ho'kiz yo'q, Og'il ko'cha tomondan teshilgan"

- deya keltirilgan jumla yoki O'tkir Hoshimovning "Dunyoning ishlari" asarida "Yuragim shiv etib, onamning pinjiga kirdim. Ishqilib boshqa yulduz uchmasin!"

- misollari bilan yaqqol namoyondir. His -hayajon so'zlar badiiy matnlarda ishtirok etayotgan asar qahramonlarining bevosita ichki hissiyotlarini namoyon etishda, shuningdek, kitobxonni bu munosabat bilan yanada to'liqlashtirishda, badiiy asarlarda alohida o'ringa ega hisoblanadi.

Roman, doston yoki hikoya yaratishda yozuvchilar asar ishtirokchilarining yoshi, amali nuqtayi nazaridan kelib chiqqan holda undov soʻzlardan oʻrinli foydalanadilar. Xususan, oʻzidan katta yoshdagilarga murojaat qilinganda yoki maʼlum lavozimni egallagan shaxslarga „bundan tashqari, buyruq soʻzlardan foydalanishda kichik yoshdagi shaxslar kattalarga" Hoy!" deya murojaat etmasligi kerak. A. Qodiriyning "Oʻtkan kunlar" romanida Otabek va Hasanalining munosabati yuqoridagi fikrlarning dalilidir. Otabek garchi yosh va amaldor oilada dunyoga kelib ulgʻaygan boʻlsada, aslida oʻzining xizmatkori boʻlgan yoshi katta Hasanaliga hech qachon buyruq ohangida gapirmagan. Bu bilan u har bir kitobxonga buyruq xitob soʻzlarning oʻz oʻrnida ishlatilishi kerakligiga ishora qilmoqda.

Xullas, undov soʻzlardan badiiy matnlarda oʻrinli foydalanish zarur. His-hayajon yoki buyruq-xitobni ifodalovchi soʻzlar badiiy asar tilida alohida ahamiyatga ega boʻlganligi sabab asar mazmunini chuqur anglab tahlil etgan holda asarning maʼno mohiyatini kitobxonga asl holicha badiiy maqsadni yetkazib berishdan iboratdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR ROʻYXATI:

1. Ona tili fanidan umumiy oʻrta taʼlim maktabining oʻquv dasturi: Uzviylashtirilgan Davlat taʼlim standartlari va oʻquv dasturlari. –T.: 2010.
2. Imamkulova Sitora Anvarovna. (2021). Cognitive Interpretation of Degrees of Intensification. *Middle European Scientific Bulletin*, 11(1). Retrieved from <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/469>
3. Mehmonova Yulduz. (2021). LEXICO-GRAMMATICAL PARTS OF SPEECH EXPRESSING THE INDEFINITENESS OF THE SUBJECT. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 7(1), 323-327.
4. Narzullayeva Firuza. "English Phraseological Units With Somatic Components". *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, Vol. 1, no. 1, Oct. 2020, pp. 29-31, <http://cajipc.centralasianstudies.org/index.php/CAJLPC/article/view/50>.
5. D.Sh.Islomov. (2021). The Definition of The Concepts of «Phoneme» and «Phonostylistics». *Middle European Scientific Bulletin*, 9.
6. Ruziyeva N. (2020). FACE CONCEPT IN THE CATEGORY OF POLITENESS. *European Journal of Humanities and Educational Advancements*, 1(4), 15-20.
7. Ruziyeva Nilufar Xafizovna (2021). The category of politeness in different linguocultural traditions. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL* 11 (2), 1667-1675
8. Olimova D. Z (2020) The effectiveness of implementation of ICT in learning process . *European Scholar Journal (ESJ)* Vol.1 No. 4. Pp. 9-11.
9. Mr. Babayev Otabek Abdikarimovich. (2020). THE TRUE VALUES OF THE MAVLONO JALOLIDDIN MUHAMMAD RUMIY'S PHILOSOPHY IN RUSSIAN TRANSLATIONS. *International Journal on Orange Technologies*, 2(12), 68-71.

10. Djalolov F. F. “To the problems of complete assimilation of educational materials at schools” European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA) Vol. 1 No. 4, December 2020.p.55-5
11. Nurullayevna, S. N. (2021). The techniques of explicit grammar instruction. Middle European Scientific Bulletin, 12, 281-284.
12. Salikhova Nodira Nurullayevna. (2020). THE KEY OF EFFECTIVE COMMUNICATION IS PRONUNCIATION. European Journal of Humanities and Educational Advancements, 1(4), 5-7.
13. Bakhtiyorovna, I. F. (2021). Translation of linguocultural peculiarities in hafiza kochkarova’s translations. Middle European Scientific Bulletin, 12, 247-249.
14. Irgasheva Feruza Bakhtiyorovna. (2021). INTEGRATION OF LANGUAGE AND CULTURE INTO THE TRANSLATION PROCESS . CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE, 2(1), 32-34.

BETAKROR O‘ZLIK VA SHE‘RIYAT

*Baxtiyorova Rayxona Abdumannob qizi,
Toshkent viloyati Chirchiq davlat
pedagogika instituti talabasi
Ilmiy rahbar: f.f.n. Xolikova Nodira Djoxongirovna*

Adabiyot butun bir millatning o‘tmishini, bugununi va kelajagini ko‘rstguvchi ko‘zgu. “Adabiyot, san’at va madaniyat yashasa, millat va xalq, butun insoniyat bezavol yashaydi”. Ana shu ulkan maydonda oz mudat bo‘lsa-da o‘zining bemisl hissasini qo‘shgan shoirlarimizdan biri Usmon Nosirdir. Ko‘kda uchgan yulduz juda tez so‘nishiga qaramasdan ortidan yorqin nur qoldiradi, bu nur esa insonlar xotirasiga, ongiga muhrlanib estetik zavq bag‘ishlaydi. Usmon Nosir O‘zbekiston osmonida xuddi o‘sha yulduzlar kabi parvoz qildi va asarlarini barchamizning xotiramizga va yuraklarimizga muhrlab ketdi. Usmon Nosir shaxsiyati va she‘riyati haqida ko‘lab adiblar o‘zlarining iliq fikirlarini bildirishgan.

O‘zbekiston xalq shoiri Abdulla Oripov Usmon Nosir haqida shunday deydi: “Usmon Nosir deganda biz kimni tushunamiz? U shunday iste’dod egasiki, bamisoli tekkan joyini kuydirguvchi olovdir. Usmon Nosir ulug‘ va abadiy she‘riyatning diydasidan oqib ulgurmagan shabnamdir. U hali qahqahaga aylanmay lablarimizda manguga qotib qolgan nim tabassumdir. Uning she‘rlari ko‘z kabi tirik, jonli, tutquch bermasdir.

Biz Usmon Nosirni qadrlaymiz. Chunki u she‘riyatning tabarruk, muqaddas dargohida anvoyi bir chaman, sira xazon bo‘lmaydigan mo‘jiza bog‘ yaratib ketdi” – Abdulla Oripov bildirgan ushbu ta’rifni dalillash maqsadida shoir tilidan aytilgan ushbu misrani keltiramiz:

*Olovdek lovullab dil yonur,
Baxtliman janglarga yarasam.*

Shoir dastlabki jumlada dilining olovdek lovullab yonishini aytadi, bu Usmon Nosirning naqadar jo‘shqin, bitmas-tuganmas shijoat sohibi ekanining yaqqol

dalilidir. Shuning uchun ham Abdulla Oripov Usmon Nosirga “Bamisoli tekkan joyini kuydirguvchi olovdir”, deya ta’rif beradi. Ushbu she’rning ikkinchi misrasida esa Usmon Nosirning yurtiga, xalqiga, jamiyatga, insoniyatga naf’i, foydasi tegadigan bo’lsa, hattoki janglarga kirishni ham baxt deb sanaydi. Bu ham shoirning yuksak insoniy fazilatlarining yorqin ifodasidir. Fikrimiz davomi sifatida shoirning “Yurak” she’riga, o’z yuragiga murojaatiga e’tibor qaratamiz:

*Itoat et!
Agar sendan
Vatan rozi emas bo’lsa,
Yoril, chaqmoqqa aylan sen,
Yoril! Mayli, tamom o’lsam!*

Bu she’rda Usmon Nosir hamisha erki o’zida bo’lgan yuragining jilovini o’z qo’liga oladi va itoat etishga undaydi, buning birdan bir sababi mavjud, u ham bo’lsa vatan rizolidir. Agarda vatan rozi bo’lmasa, yorilib, garchi bu uning o’limiga sabab bo’lsa-da, chaqmoqqa aylanishiga rozi ekanligini ta’kidlaydi. O’ylab ko’rilsa, shoir nega yuragini chaqmoqqa aylanishini xohlaydi, nega yulduzga yoki shamolga emas, aynan chaqmoqqa? Chunki chaqmoq yarq etgan mo’jiza hisoblanadi. Usmon Nosir ham insonlar xotirasida xuddi o’sha chaqmoqdek qolishni istaganligi anglashiladi. Shoirning istagi, shak-shubhasiz, amalga oshganligi esa hammamizga ma’lum.

Usmon Nodir she’riyatimizga shamoldek kirib keldi. Balki bo’ronday. U shunday to’polon va to’lqin bilan keldiki, uncha-muncha she’riy uslub va ijodni to’s-to’s qilib yubordi. U haqida o’zimizda “O’zbekning Lermontovi”, Moskva gazetalarida “sharqda Pushkin paydo bo’di” deb yozishadi. Turob To’laning Usmon Nosirga bergan ushbu ta’rifida shoirning ijod olamiga naqadar shijoat va shiddat bilan kirib kelganligi o’z aksini topadi. O’tkir Rashid ta’biri bilan aytganda, “Usmon Nosirning adabiyotda paydo bo’lishi hammaning e’tiborini tortdi. Uning ijod maydoniga kirib kelishi mislsiz kuchi bilan hammani o’ziga jalb qilgan notanish bir pahlavonning maydonga kirib kelishiga o’xshardi. Ha u ijod maydoniga yosh va kichkina jussasi bilan keldi-yu judda katta yuk ko’tardi”. Taniqli o’zbek shoirasi Mukarrama Murodova “Men - davrning kichik parchasi” maqolasida Usmon Nosir to’g’risida quyidagi fikrlarni bildiradi: “O’zbek she’riyatining bahor faslida chaqmoqdek yarqirab, “hayot uchun biz go’yo ko’kdan otilgan yulduz” deb erkalagan shoir Usmon Nosirning ijodiy parvozi tariximizning “qanoti kuygan”, “umr tepasida musht tuygan” davriga to’g’ri keladi. Shoir “So’zla tarix – chol” she’rida bor haqiqatni “sochlari oqargan... tarix so’ylasin” degan edi.

Darhaqiqat, tarixga ya’ni Usmon Nosir hayoti va ijodiga nazar tashlasak, Usmon Nosir 1912-yil 13-noyabirda Namangan shahrining “Chuqurko’cha” dahasida dunyoga keladi. Otasi Mamatxo’ja u go’dakligidayoq vafot etadi. Usmon Nosir esa haqiqiy otalik mehrini Nosirjon ismli ikkinchi otasidan topadi. Nosir ota Usmon Nosirni o’z bolasidan ham ziyodroq yaxshi ko’rar edi. Bunga dalil sifatida shoirning jiyani Nodira Rashidova o’z maqolasida quydagilarni aytadi: “Naql qilishlaricha, Usmonning o’gay amakisi Abdurahmon Masodiqov judda qattiqqo’l bo’lib, unga ko’p ozor berarkan. Nosir ota bosmachilarga qarshi kurashib yurgani uchun Qo’qonga ahyon-ahyonda kelardi. Agar Usmon uyda bo’lmasa, uni ko’rgani o’sha

kuniyoq internatga borarkan. Mana shunday kunlardan birida Namangandan kelgan Nosir ota Xolambibiga osh damlatib, izvoshga qizlari Rohatxon va Inobatxonlarni o'tqazib, Usmon o'qiyotgan internatga boradi... Shunday qilib, qizlari bilan ko'rgani kelgan Nosir ota Usmonni qorong'u xonada dars qilayotganini ko'rib, yuragi achishadi. Shundan so'ng Usmonning o'qituvchisidan ruxsat so'rab, uni uyiga olib ketmoqchi bo'ladi. Xullas u imkoni boricha ko'nglini ko'tarishga harakat qiladi. Ammo uning akasi Abdurahmon aka Usmonni ko'p koyir edi. Balki o'sha alamlar oqibatida Usmonning quyidagi satrlari yaratilgandir:

*Otam o'ldi, men sarson bo'ldim,
Shum yetim, deb so'kdilar meni.
Ajab kunga muftalo bo'ldim,
Ko'chalarga quvdilar meni...
O'sha kun dilimda hayot
(Og'ir g'amni unutib bo'lmas!)
Tur! - dedilar, - tur, yetimcha zot!
Ilojim yo'q, turmasam birpas.*

Ko'p yillar o'tib, Abdurahmon ota 1966-yili 101 yashida vafot etgach, uning yostig'i qatidan ikki dona surat chiqadi. Biri 1943-yil frontda halok bo'lgan o'g'li Alijonniki, biri esa Usmonniki edi..."

Nodira Rashidova quyidagi maqolasida yana shunday ma'lumotlarni keltiradi: "Nosir otaga: "Usmon sizga o'gay o'g'il, undan ariza orqali voz keching. Siz inqilobga ko'p xizmat qilgan odamsiz. Hukumat sizni qo'llab-quvvatlaydi, ish beradi", deb maslahat beruvchilar ko'p bo'di. Lekin Nosir ota o'g'lining nomini sotmadi, uning begunohligiga umrining oxirigacha ishondi. O'g'li bilan, uning halolligi bilan hamisha faxrlandi. Hatto o'sha og'ir yillarda ham Usmonning nomini himoya qildi". Usmon Nosir ana shunday ota qo'lida tarbiyalanadi. O'rta maktabda va Samarqandagi O'zbekiston dorulfununida o'qib yurgan yillaridayoq u shoir Usmon Nosir bo'lib tanildi. 30-yillarda uning she'rlarini kitobxonlar intiqlik bilan kutishadigan bo'lishdi. 20 yoshida unga zamondoshlari "tabiatan shoir", "tug'ma shoir" deb ta'rif berishardi.

Usmon Nosir 18 yoshidan 24 yoshigacha bo'lgan davrda ijod qiladi va shu qisqa vaqt oralig'ida "Quyosh bilan suhbat", "Safarbar satrlar", "Traktorobod", "yurak", "Mehrim" nomli 5 ta she'rlar to'plami, "Norbo'ta" va "Naqshon" nomli 2 ta doston, "Atlas", "Zafar", "So'nggi kun", "Dushman" nomli 4 ta drama yozib qoldiradi. Bundan tashqari Usmon Nosirning matbuot yuzini ko'rmagan ko'plab asarlari yo'qolib ketganligi haqida ma'lumotlar mavjud. Usmon Nosir hayoti og'ir zamonlarga to'g'ri kelgan bo'sa-da, uning she'rlarida hayotidan rozilik, shukronalik yaqqol sezilib turadi. Masalan, "Yoshlik" she'rida:

*Yoshligimning tarozisi beposangi,
Bir pallasi bahor toshi bilan og'ir.
Sevinchim ko'p, shodligim zo'r ... tilim biyron,
Qaysi umr shunday yoshlik ko'rdi axir.*

She'rdan aytilganidek, yoshlik tarozisi kengroq ma'noda tushunilsa, umr tarozisining bir pallasi "bahor toshi" bilan og'ir bo'ladigan bo'lsa, ma'lumki, ikkinchi

tomonini unga qilingan nohaqliklar va iztiroblar yuki bosadi. Shoir tarozining ikkinchi tomonini unutib, “Sevinchim ko‘p, shodligim zo‘r... tilim biyron”, deya hayotdan roziligini aytib, shukrona keltiradi va “qaysi umr shunday yoshlik ko‘rdi axir”, deya o‘z fikrini isbotlaydi. Usmon Nosir she‘rlari barmoq vaznida yozilgan bo‘lib, shoir barcha she‘riy san‘atlardan mohirona foydalanadi. Usmon Nosirning “Nil va Rim”, “Monolog”, “Yur, tog‘larga chiqaylik”, “Yurganmisiz birga oy bilan”, “Oydin kechalar...”, “Bolalaigim”, “Oq yuvib oq tarab...” nomli she‘rlari ulkan poetik mo‘jiza sanalib, bashariyatni goh kulishga, gohida esa yig‘lashga majbur qiladi. Ba‘zan iztiroblar olamiga cho‘ktirsa, ba‘zan o‘yga toldirib, o‘zi bilan uzoqlarga olib ketadi.

Fikrimiz songida bir qarashda shoirning bashoratidek tuyulgan, “Bog‘im” she‘ridan parcha keltiramiz:

*Bargdek uzilib ketsam,
Unutmas meni bog‘im.
Ishimni hurmat qilur,
Gullardan haykal qurur.
She‘rlarim yangrab qolur,
Ming yillardan keyin ham.
Unutmas meni bog‘im”.*

Darhaqiqat, shoir she‘rida ta‘kidlaganidek, uni hech birimiz unutmadik. Mustaqilligimizdan keyin shoir xotirasini mustahkamlash maqsadida ijodiy uchrashuvlar, xotira kechalari o‘tkazilib kelinmoqda. Nodira Rashidova asari asosida O‘zbek milliy akademik teatrida rejissor Murot Azimov tomonidan “Usmon Nosir” spektakli sahnalashtirildi. Usmon Nosir she‘riyatidagi betakror o‘zlik undagi jozibadopriqlikda va isyonkor ruhda yaqqol namoyon bo‘lgan. Uning she‘rlari xalqimiz qalbida barhayotdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Mirziyoyev Sh. M. Xabar.uz elektron sayti.
2. Oripov A. Adabiyot metodi. Qo‘llanma. –T., 2018
3. Usmon Nosir. Sayqal.zn.uz elektron sayti.
4. Usmon Nosir. Kh-davron.uz eelektron sayti.
5. O‘tkir Rashid. Adabiyot 8- sinflar uchun darslik majmua 2-qism. –T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2014. 29-bet.
6. Murodova M. Men – davrning kichik parchasi. ziyouz.uz elektron sayti // Fitna san‘ati. 2- kitob, –T.: Fan, 1993.
7. Rashidova N. Men hayotga qaytishim kerak. ziyouz.com elektron sayti // Yoshlik, 1988. 9- son.
8. Usmon Nosir. Adabiyot. 5-sinf uchun darslik. 2-qism. –T., 2015.

ERKIN VOHIDOV SHE'RIYATIDA MA'NODOSH SO'ZLARNING QO'LLANILISHI

*Ne'matova Mavluda Yaxyo qizi,
JDPI talabasi*

*Ilmiy rahbar: Sindorov Lutfulla Kurolovich,
JDPI o'qituvchisi, f.f.d.(PhD)*

XX asr o'zbek adabiyoti juda katta taraqqiyot bosqichini bosib o'tdi. Asrlar davomida shakllanib, taraqqiy etib kelgan she'riyat o'tgan asrning 60-yillariga kelib, yana bir bor yuksalish jarayonini o'z boshidan kechirdi. Bu davrga kelib adabiyotda, xususan, she'riyatda yangicha talqinlar, tuyg'ular ifodasi teranlasha boshladi. Ushbu jarayonda iste'dodli shoir Erkin Vohidovning o'ziga xos o'rni mavjud. She'rda ma'nodosh so'zlarning qo'llanilishi faqatgina ma'noni kuchaytiribgina qolmay, mazmuni o'quvchilarga yetkazib berishda qulay imkoniyat ham yaratadi. Shakli bir xil bo'lsa ham, ma'nosi bir-biriga yaqin so'zlar sinonimlar deyiladi. Bir ma'noning bir necha so'z shakllari orqali berilishi sinonimlarni yuzaga keltiradi. So'zlarning o'zaro sinonim munosabatda bo'lishi sinonimiya hodisasi deyiladi [1; 92]. Sinonimlar gapdagi takrorga yo'l qo'ymaydi. O'rinsiz takror nutqqa zarar yetkazadi. Sinonimlar badiiy uslub vositasi bo'lib, adabiy tilni boyitish manbalaridandir [Xolmonova Z.T. Tilshunoslikka kirish. Toshkent, 2007, -B. 117.]. Shoir bitta so'zni tanlarkan, uni takrorlamaslik uchun boshqa ma'nosidan mohirona foydalanadi. Uning "Ishq savdosi" saylanmasidan o'rin olgan "Xayrli kech" she'ri fikrimizga dalil bo'la oladi. Shoir tilak, niyat so'zlarini tanlash orqali tasvirda milliy ruhni olib chiqishga erishgan:

*Tilak qadrin bilar odamlar ,
Yaxshi niyat qilar odamlar.
Do 'stga tungi orom oldidan
Xayrli kech tilar odamlar [2;13].*

She'rning keyingi misralarida E.Vohidov ma'nodosh so'zlarni ketma-ket qo'llab ma'no ta'sirchanligini oshirgan. Uning ijodida ikki yoki undan ortiq ma'nodosh so'zlarni aynan bir o'rinda aniq maqsadga yo'naltirilgan holda qo'llash holatlari ko'p uchraydi. Shu bilan bir qatorda, misrada frazeologik ma'nodoshlikning betakror namunasiga duch kelamiz. Frazeologik sinonimiya bir necha frazemaning bitta frazeologik ma'no atrofida birlashishidir. Frazeologik sinonimlarda uslubiy bo'yoq, odatda, bo'rtib turadi. Aslida, frazeologik birliklar xuddi shu maqsadda – voqelikni nomlashda uni o'tkir baholab berish uchun, shu voqelikka ijobiy yoki salbiy munosabat ifodalash uchun yaratiladi, shuning uchun ular nutqning ta'sirchan, obrazli bo'lishini ta'minlovchi muhim uslubiy vosita sanaladi. [3; 222.].

*Xayrli kech - hikmatli istak,
Bu istakni buyurmish yurak.
Xayrli kech - farahli tuning
Osoyishta, tinch bo'lsin, demak... [Jamolxonov H. Hozirgi*

o'zbek adabiy tili, - T.: 2005. - B. 222.]

Erkin Vohidov “Ona tuproq” she’rida *qutlug’, muqaddas, mo’tabar, tabarruk* kabi ma’nodosh so‘zlarni qo‘llab, Vatanning qadrlı maskan ekanligini ta’kidlab o‘tadi:

*Nega inson yerni qutlug’ der,
Tuproqni ham sanar muqaddas?
Yo‘q mo‘tabar emas asli yer,
Tuproq o‘zi tabarruk emas.
Dastlab o‘sha yer uzra odam
To‘kkanida halol manglay ter,
Gavhar undi ona tuproqdan,
Qutlug’ bo‘ldi muazzam bu yer [2;14.]*

Shoir “Qizaloq” she’rida qo‘g‘irchoq o‘ynayotgan qizcha hayotning zahmatini, ona buyuk zot ekanligini, mushfiq onalikning mashaqqatini bilmay turib bo‘yniga olayotganligini tasvirlaydi. E.Vohidov o‘quvchiga mana shunday oliy tuyg‘uni anglatmoqchidek bo‘ladi:

*Halitdan onalik mehr-shafqatin
Dilingga soldingmi, erka qizaloq?
Tatib ko‘rmay hali hayot zahmatin,
Mushfiq onalikning bor mashaqqatin
Bo‘yningga oldingmi, erka qizaloq [2;22.]*

Alibek Rustamov “So‘z xususida so‘z” kitobida E.Vohidovning yetuk asarlarida uchraydigan *olam, fazo, borliq, dunyo* so‘zlari ma’no mazmunini yoritib berishga intiladi: *Olam* so‘zining ma’nosini aniqlash uchun uni *koinot, jahon, dunyo* so‘zlari bilan qiyoslashimiz kerak bo‘ladi. Moddiy va sezish mumkin bo‘lgan tabiiy mavjudotning hammasi koinotga kiradi. *Fazo* ham muhit sifatida koinot tarkibidadir. *Koinot*ning asl lug‘aviy ma’nosi *bo‘luvchi*, ya’ni vujudga keluvchi narsalardir. *Dunyo* deganda inson hayoti bilan bog‘liq tabiiy va sun‘iy mavjudot tushuniladi. Shuning uchun, *dunyo* so‘zi boylik, mol-u mulk ma’nosida ham qo‘llanadi. *Jahon* so‘zida *koinot* bilan *dunyo*ga xos xususiylik yo‘q va u *olam* so‘zining eng yaqin ma’nodoshi sifatida ham qo‘llanadi. *Olam* so‘zining o‘ziga xos tomoni shundaki, u faqat moddiy mavjudot emas, ma’naviyatga nisbatan ham qo‘llanadi. Undan tashqari, *olam* so‘zi borliqning azaliy va abadiy jihatini ham o‘z ichiga oladi [4;83.].

Shoir “Go‘zallik” she’rida borliq, olam, dunyo singari ma’nodosh so‘zlarni qo‘llab, go‘zallikni olam va odam bog‘liqligida deb biladi:

*Mulki borliq ichra bir mahal
Ko‘rksizgina olam yaralgan.
Bermoq uchun dunyoga sayqal
Olam aro odam yaralgan [2;29.]*

Shoirning badiiy til mahorati uning leksik ma’nodoshlikdan tasvir tiniqligi, badiiy barkamollik, nazarda tutilayotgan asosiy g‘oyaga urg‘u berishlikni qo‘llaganligi yaqqol ko‘zga tashlanadi. Satrlar sof samimiyat bilan sug‘orilgan, desam aslo mubolag‘a bo‘lmas.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Xolmonova Z.T. Tilshunoslikka kirish. –T., 2007. –177 b.
2. Erkin Vohidov. Saylanma. 1-jild. Ishq savdosi, –T.: Sharq, 2000. –243 b.
3. Jamolxonov H. Hozirgi o‘zbek adabiy tili: Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. – T.: Talqin, 2005. –272 b.
4. Rustamov A. So‘z xususida so‘z. –T.: EXTREMUM PRESS, 2010. –135 b.

ADABIYOT – O‘ZLIKNI ANGLASH MANBAYI

Mustafoyev Islom Xolboy o‘g‘li,
JDPI talabasi

Ilmiy rahbar: Qurbonova Gulbahor Safarovna

Hayot qiyinchiliklaridan toliqqan, lekin kurashishdan, mehnat qilishdan to‘xtamaydigan bir sodda, ko‘ngilchan, imkoni bo‘lsa o‘zgalardan yordamini ayamaydigan qishloqi yigit-Yo‘lchi “Qutlug‘ qon” romanining bosh qahramonidir. Uning oilasi nonni zo‘rg‘a topib yeydigan oila. Yo‘lchi shuning uchun ham 1-2 so‘m pul topib oilasiga non-tuz olib bormoq uchun Mirzakarimboy tog‘asinikiga ishchi bo‘lib keldi. Lekin barcha ishchi va kambag‘allar qatori uning ham omadi kelmadi, orzulari chil-chil bo‘ldi. Aslida yurtdagi har bir kambag‘al oilaning, yigitlarning hayoti shunday edi va boylarning ularga munosabati ham bir xil edi. Mana Oybek bizga nima demoqchi: Oybek obrazlarni umumlashma obraz sifatida yaratib butun xalq hayotini va ma‘rifatsizlik oqibati nimalarga olib kelganini ko‘rsatmoqchi. Ko‘ring biz o‘sha vaqtlarda kim edik, biz qanday edik, Oybek ko‘zimizga oyna tutdi. Oybek bizga buni shunchaki so‘zlab bermadi, badiiy obrazlar nutqi va amali bilan ko‘rsatdi. Oybekning obraz yaratish mahoratini qarang u asarida salbiy xarakterdagi obrazlarining tasvirini yaratar ekan o‘quvchi uni salbiy obraz sifatida qabul qilmaydi, lekin asarni o‘qish davomida jarayondan bilib oladi. Misol uchun: Mirzakarimboy tasvirini olsak, “qordek oppoq ko‘ylakli, oq soqolli bir tutamgina chol”. Bu tasvir o‘quvchida salbiy fikr uyg‘otmaydi. Buni Cho‘lponning obraz tasvirini yaratish mahorati bilan taqqoslasak, Cho‘lpon salbiy obrazlariga bergan birinchi tasviridan o‘quvchida salbiy fikr uyg‘onadi. Misol uchun “Kecha va Kunduz” romanida mingboshining tasviri berilishidan o‘quvchida salbiy obraz ekanligi haqida tushuncha paydo bo‘ladi.

Oybek bu romanining bosh qahramonlariga tasvir berar ekan unchalik ko‘p to‘xtalmaydi, balki boshqa epizodik obrazlar nutqida aytirib o‘tib ketgan. Misol uchun Yo‘lchining tasviri kam va oddiy berilgan va yo‘lda choyxonachi, aravakash, Gulnor va Nuriniso tilidan Yo‘lchiga tariflar berib o‘tadi.

Oybek romanda xalqimiz tarixidagi eng qora va ayanchli kunlarini ko‘rsatib berish uchun bir qancha badiiy obrazlar va sahnalar, voqealar, jarayonlar, suhbatlar yaratadi. Mirzakarimboyi olsak, boy-badavlat odam, nisbatan aqlli va vaziyatga qarab ish ko‘radi, “Chor devon”ni, Yassaviy hikmatlarini o‘qiydi, savdo biznesi bilan shug‘ullanadi, xonlardek to‘y qiladi, lekin nochorlarga yordam qilmaydi, yetimning haqqini yeydi, ishchilarni ishlatib pulini bermasdan ko‘chaga haydaydi. U o‘sha

vaqtdagi hamma boylarning biri edi. Bizning boylarimiz shunday edi. Ma'rifatsizlik oqibati edi bu.

Endi Hakimboyvachchanning uyidagi ziyofatda mulla, eshon, jadidchi va boyvachchalar suhbatida xalqimiz ishongan, din sofligi va halollik, imon, diyonat tarafdori bo'lishi kerak bo'lgan mulla va eshonlarimizning asl qiyofasi ochib berilgan: ichkilik ichadi, maishat qiladi, qimor o'ynaydi, odamlar haqqini yeydi va boshqa qallobliklar ham qiladi. Bu borada Yormat tilidan ham bir qancha ayblari aytib o'tiladi. Jadidlarning umumlashma obrazi sifatida kiritilgan Abdishukur qo'lidan kelgan barcha ishlarni qildi: gazeta, teatr, jadid maktablarini targ'ib qildi, lekin xalqimiz boylari ilmsizligidan buni tushunmadi. Misol qilib olsak, Abdishukur ularga biz birlashmasak, ilm o'rganmasak, milliy moliyamizni, boshqaruvimizni qo'lga olmasak, o'zga millat oyog'i ostida toptalamiz mazmunidagi gaplariga bir mullaning "bizning tuprog'imizda ne-ne buyuk insonlar xoki yotibdi, avliyo va faylasuflar ruhi shu yerda, bizni himoya qiladi" kabi gaplarini eshitsangiz bir tomondan kulgingiz keladi, bir tomondan yig'lagingiz keladi. Axir ular o'lib ketishgan, harakatni biz qilishimiz kerak deydigan odam yo'q. Bu insonlar qo'lida Qur'on qiroat qiladiyu, amalida shaytonning ishi.

Oybekning sevgi, muhabbat tuyg'ularini tasvirlashini qarang: Sirli va masofadan paydo bo'lgan muhabbat. Bu boshqalarda kam uchraydigan muhabbatdir. Shaxsan menga bu muhabbatning sofligi yoqadi. Yo'lchi Nurinisoga ko'ngil qo'ymadi, garchi shuncha harakat va ishlarga qaramasdan. Chunki uning qalbiga ilk muhabbat urug'larini Gulnor tashlagan edi. Gulnor ortiqcha harakat qilmadi, o'zini ko'rsatmadi, Nuridek suykalmadi. Shunday bo'lsada ular bir-birlarini ruhi bilan sevgan edilar. Asar so'ngida Yo'lchi taqdiri fojea bilan tugadi. Vatan yo'lida halok bo'lganlar ruhi hamisha tirikdir va mana shu ruhi bilan birga ularning muhabbati ham abadiydir. Chunki haqiqiy oshiqqlar urib turgan yuragi bilan emas, balki ruhi bilan sevadi. Ruh esa abadiy yashaydi.

BIR ASAR TAHLILI XUSUSIDA

*Ergasheva Aziza Anvar qizi,
JDPI talabasi*

Ilmiy rahbar: f.f.d. Shoira Doniyarova Xursanovna

Yurtimiz mustaqillikka erishgandan so'ng nafaqat boshqa sohalar, shuningdek adabiyotimiz ham yangi bosqichga ko'tarildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning "... biz xalqimizning ma'naviy kamol topishida madaniyat namoyondalarining ulkan xizmatlari borligini doimo minnatdorlik bilan e'tirof etamiz", -degan so'zlari alohida ahamiyat kasb etadi [1;55]. Shu bilan bir qatorda mustaqillik ham adabiyotimiz sahnasiga yangicha ko'rinish, yangicha tafakkur olib kirdi. Endilikda o'zgargan va o'zgartirilgan tafakkur, hayot tarzi, mehnat va mehnatkashlar munosabati badiiy adabiyotda yangicha talqin etila boshladi. Bunga Luqmon Bo'rixonning "Begonalar yurmas bu yerda" romanini yaqqol misol qilib olishimiz mumkin. Asarda endigina o'z erkini qo'lga kiritgan xalq, mamlakatning boshidan o'tkazayogan sinovlari, bu sinovlarda jonbozlik ko'rsatgan shaxslar va

ayrim jamiyatimizni yemiruvchi illatlar aks etgan. Shuningdek, romanda xalqimizga xos milliylik, fidoyilik, jonkuyarlik va haqiqatparvarlik ham aks ettirilgan. Milliylikni belgilaydigan asosiy xususiyat inson ruhiyatidir. Ruhiyati kuchli odam to'g'ri yo'ldan toymaydi, e'tiqodidan qaytmaydi va o'z fikrini turli tanqidlardan to'la himoya qila oladi. Shuningdek "...milliylik millatga xos: oila muqaddasligi, ota-onaga, kattalarga hurmat ruhining ustunligi, jamoa bo'lib ishlash, jamoatga hurmat – e'tiborning ahamiyati, ayol zotiga ehtirom, sabr-bardosh va mehnatsevarlik, halollik va mehr-muhabbat kabi xususiyatlarda o'z ifodasini topadi" [2;543]. Asarimiz qahramoni bo'lmish Shahriyor Eshbekovich Xolyorovda ushbu xususiyatlar to'la jam bo'lgan. Xolyorovda rahbarlarga xos boshqaruvchanlik, intiluvchanlik va jamoa bilan ishlash ko'nikmasi mavjud. Asar boshiga e'tiborimizni qaratadigan bo'lsak, Shahriyorning otasi Eshbek Xolyorov ko'p yillik qattiqqo'l, haqiqatgo'y rais olamdan o'tishidan oldin o'g'liga shunday vasiyat qiladi: "Davlatning arziyas chaqasi ham so'rovli, hech qachon davlatning puliga tegmagin. Davlat mulkini, xalq rizq-ro'zini ko'z qorachig'iday asrash kerak. O'g'lim, doimo ezgulikka xizmat qilgin, kam bo'lmasan!".

Ushbu misralar orqali asarning mazmunini qisqacha anglashimiz mumkin. Demak, Shahriyor Xolyorov umri davomida faqat davlat uchun, xalq uchun halol xizmat qiladi, hech qachon davlat mulkiga xiyonat qilmaydi. Umuman olganda, adabiyotshunos Qozoqboy Yo'ldoshev ta'kidlaganday "...mehnat qilishni maqsad emas, balki odamlilik va odamiylik vositasi deb biladigan, o'ylab ishlaydigan, ishlab yashaydigan fikr kishisi" hisoblanadi [3;67]. Bu ta'riflardan anglaymizki, Xolyorov xuddi ish uchun tug'ilgandek, yashash uchun emas, balki ishlash uchun yashayotgandek go'yo. Qahramon xarob, jar yoqasiga kelib qolgan korxonaning qaddini rostlaydi, tadbirkorlik faoliyatini olib boradi. Bularning barchasi, albatta, osonlikcha amalga oshmaydi, buning uchun qahramon sabr-toqati va aql-zakovatini ishga solib barcha qiyinchilik va muammolarni chetlab o'tadi. Chunki Shahriyor Eshbekovich har bir ishni toza va puxta amalga oshiradigan, ishiga mas'uliyatli xodimdir. Asarda qahramon tilidan quyidagi fikrlar keltirilgan: "Bizning oh-u zorimizga, ko'z yosh-u quvonchlarimizga zarracha e'tibor bermay hayot shiddat bilan o'z yo'lida davom etmoqda. U o'zining qaysarligi, shafqatsizligi bilan yashashga, kurashishga, yaratish-yashnatishga chorlamoqda! Bizningcha, aqli teran, qalbi uyg'oq har bir inson bu chorlovga munosib javob berishi kerak! Asar qahramoni Shahriyor Xolyorov bu chorlovga munosib javob bera oldi. Jamiyatimiz endi istiqbolga erishib taraqqiyot ostonasiga qadam qo'yayotgan bir paytda qarindosh – urug'chilik, tanish- bilishchilik, poraxo'rlik kabi illatlar rivojlanishning yo'liga to'g'anoq bo'ladi. Asarda har qanday arzimagan ish uchun ham yuqori tabaqa vakillari ochiqdan ochiq "qo'lning kirini" talab qilishadi, turli xil tuhmatlar bilan asossiz tekshiruv komissiyalarini jo'natishadi. Ammo qahramon bu berk ko'chaga kirmaydi, ikkiyuzlamachilikning, poraxo'rlikning ostonalarini chetlab o'tadi. Shu sabab ham turli muammolarga duch keladi, bir qancha mansab egalarining siquviga duch keladi. Shahriyor Eshbekovich mansabdor shaxsning, avvalo, ko'zi to'q bo'lishi kerakligini, agar moddiy boyligi yetarli bo'lsa ham ko'zi och bo'lsa, shaxs hokimiyat tepasiga kelsa bundan boshqalar jabr chekishi haqida fikrlarini aytib o'tadi.

Bu asrlardan beri xalqimizni qiynab kelayotgan jamiyatimizning kemtik jihatidir. Adib mahorati kichik, ahamiyatsiz tuyulgan qirralardan ham “eng oliy darajada ma’nodorlik” kashf etadi [4;543].

Xolyorov rahbar etib tayinlangan korxonaning barcha xodimlari begona emas, sobiq rahbarning qarindoshlari-yu tanishlari hisoblanishadi. Ayni shu sababli ham ulkan korxonaga tanazzulga yuz tutgandi. Pavel Annenkov o‘zining “Million dollarlik xatolar” kitobida qarindosh–urug‘chilikning oqibatlarini to‘g‘risida quyidagicha fikrlarni keltiradi: “Balki, muvaffaqiyatli oilaviy kompaniyalar ham bor-ku dersiz. Ha shunday. Lekin statistika va mening kuzatishlarimga ko‘ra qarindoshlar tortishuvi sababli vayron bo‘lgan muvaffaqiyatsiz kompaniyalar muvaffaqiyotga erishganlaridan ko‘ra yuz barobar ko‘proqdir” [5;45]. Bu fikrlarni Luqmon Bo‘rixon ham ushbu asari orqali isbotlaydi. Shuningdek, asarni o‘qish davomida qahramonning san‘atga, adabiyotga, musiqaga oshnoligini ko‘rishimiz mumkin. Oshno bo‘lib ham qolmay san‘atni tushuna bilishini ham anglaymiz. Shu bilan bir qatorda qahramon xursandchilik damlarini, siqilgan, g‘amgin paytlarini musiqa tinglash bilan yoki kishini o‘yga soladigan suratlarini tamosho qilish bilan o‘tkazardi, ulardan ruhiy ozuqa olardi. Shuningdek, Xolyorov tadbirkor bo‘lishiga qaramasdan, tumani uchun maxsus futbol terma jamoasini ham tashkil qilib, yuqori darajalarga erishadi. Demak, Xolyorovda qaysi sohada bo‘lmasin, rahbarlarga xos favqulodda boshqaruvchanlik, jamoa bilan ishlash va qaysarlik kabi xususiyatlar mujassamlashgan. Umuman olganda, asar shavq bilan o‘qiladi, asar kompozitsion jihatdan yaxshi shakllangan, asarni o‘qishni boshlaganimizdan to so‘nggi nuqtaga qadar kitobxon yangi-yangi mazmun qirralarini kashf etib boradi.

Asarni o‘qishda kitobxoniga aqliy yoxud ruhiy toliqish, zerikish kabi hislar yot bo‘ladi. “Adabiy talqin nafaqat davr, ijtimoiy shart – sharoit, hayotda mavjud voqea – hodisa, xarakter va holatlar, yozuvchi tasviriga ko‘chgan situatsiya va konfliktlarga bog‘liq, balki birinchi navbatda bu xarakter, holat – kayfiyat, konfliktlarni badiiy obrazlarda gavdalantiruvchi, hayotning original badiiy kartinasini yaratuvchi inson – san‘atkorga bog‘liq”, - deb yozadi adabiyotshunos O‘.Nosirov [6;89]. Adabiy asarlar mazmunining salmog‘i asarning o‘z davri bilan aloqadorligi, xalq hayotiga qanchalik yaqinligi bilan, shuningdek bu voqealarni qay darajada badiiy mahorat bilan tasvirlab berish bilan izohlanadi. Asar sodda, xalq tilida yozilgan bo‘lib, bunda muallif “tunkus, ilkis” kabi shevaga xos so‘zlarni ko‘p marotaba qo‘llaydi. Bu orqali asar qahramonining qaysi hududga mansubligini anglaymiz.

Xullas, Luqmon Bo‘rixonning “Begonalar yurmas bu yerdan” romanini yozuvchi mahurat bilan yozgan, bevosita asarni o‘qigan kitobxon romanni mushohada qilishga tushadi, asardan zavq olib, o‘ziga tegishli xulosalar chiqaradi. Asarning ta’sir kuchi ham shulardan iboratdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Mirziyoyev Sh.M. Adabiyot va san‘at, madaniyatning rivojlanish – xalqimiz ma’naviy olamini yuksaltirish mustahkam poydevordir // Xalq so‘zi, 2017. 4-avgust.
2. <http://library.ziyonet.uz/>

3. Begonalar yurmas bu yerda / Luqmon Bo‘rixon. –Т., 2019. 282-b.
4. <http://library.ziyonet.uz/>
5. Million dollarlik xatolar / Pavel Annenkov.140-b.
6. Nosirov O‘. Ijodkor shaxs, badiiy uslub, avtor tizimi. –Т., 1981. 175–b.

**АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР
ВАЗИФАЛАРИ**

Шуъба раиси: филология фанлари номзоди, доцент Зухра Мамадалиева

*Котиби: Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси
Гулбаҳор Қурбонова*

**БАДИЙ АНДИЖОНИЙ ВА УНИНГ ФИЛОЛОГИЯГА ОИД АСАРЛАРИ
ХУСУСИДА**

*Жўраев Жалолиддин Аминжонович
ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти етакчи илмий
ходими, филология фанлари доктори*

Шахсияти ва ижодий мероси етарли даражада ўрганилмаган ўрта асрларда ватанимиздан етишиб чиққан адиб ва олимлардан бири Юсуф Бадиий Андижонийдир. Юсуф Бадиийнинг ёшлиги Андижонда, йигитлик даври Самарқандда ва умрининг охири Сарахсда ўтган. Шу боис манбаларда уни баъзан андижонлик, баъзан самарқандлик, баъзан эса сарахслик деб қайд қилиш ҳолатлари учрайди. Жумладан, Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Ҳазрат Навоийнинг ёзишича: “Мавлоно Юсуф – “Бадиий” тахаллус қилур эрди. Ул ҳам Андижондиндур. Мавлоно Сафой била бўлур эрди. Фақир таҳсил учун Самарқандга борғонда, ул Андижондин келди ва анда фақир била бўлур эрди. Сиғарисин жиҳатидин шеърида хомлик бўлса, фақир ислоҳ қилур эрдим. Бот бузургманиш ва мутасаввиф йигит бўлди ва Хуросонга келиб кўп салоҳиятлар ҳам касб қилди. Фақирдин ўзга киши анинг шеърида сўз айта олмас эрди. Ушбу жиҳатидин шўхлар ани Юсуф Сафой дерлар эрди. Ул тағайюр жиҳатидин беҳол бўлур эрди. Аммо яхши суҳбати бор эрди ва кўпрак синф шеърни яхши айтур эрди ва аруз билур эрди. Бу матлаъ анингдурким”, деб асарларидан намуна ҳавола қилади ва Сарахсда вафот этганини қайд қилади [1].

Хондамир “Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар” асарининг “Салтанат ва давлат шарафи Ҳазрат Султон Ҳусайн Мирзога замондош бўлган саййид, нақиб, машойих, уламо ва фузало зикрида” бўлимига юзланамиз: “Мавлоно Юсуф Бадиий - Андижон вилоятидан. Кичик ёшлигида у ердан Самарқандга бориб илм-фан ўрганган. Мансур хоқоннинг адолатли замонида Мовароуннахр ўлкасидан Ҳиротга ташриф буюриб, Амир Алишернинг меҳрибонлиги сояси остида ором топди. Аруз илми, саноеъ ва бадоеъ, муаммо фанидан соҳиби вуқуф эди. Муаммо қоидалари баёнида бир фойдали рисола ёзди. Бу матлаъ унинг ўша манзумоти жумласидан. Байт:

*Шундай обу ҳаволи кўчанг бўлса манзилгоҳ,
На Хизр суви керак, на нафаси Рухуллоҳ.*

Мавлоно Юсуф Бадиий 897 йилда Сарахсда вафот қилди ва Шайх Лукмоннинг файзли мозорида дафт этилди” [2-77-78].

Айни даврда яратилган учинчи манба “Бобурнома”га мурожаат қиламиз. Бобур асарида 911/1505-06 йиллар баёнида Султон Ҳусайн Мирзо хусусида сўз юритиб, “Шуародин” зикрида “... Яна Юсуф Бадиий эди, Фарғона вилоятидиндур, қасидани ёмон айтмас экандур” дея қисқа хабар берган [3;139].

Юсуф Бадиий Андийжоний ҳаёти ва ижодий меросига оид маълумотлар, Алоуддавла Ҳусайн Қазвинийнинг “Нафоис ул-маосир” асарида ҳам мавжуд. Жумладан, муаллиф: Бадиий. Мавлоно зодаи Самарқанддур. Ниҳоятдин хуштабъ кишидур ва ширин сўзлукдир ва таърих илми ва муаммо ва ғариба илмлардин баҳраманд. Даканда шахри(да) Хайбарда сокиндур ва муҳолифнинг вужуди била мазҳабда истеъдодининг баландлиги учун ул жамоа анга дўстлик ва муҳаббат мақомидадурлар. Онинг шеърларидиндур” деб ёзади ва бир байт шеърини кўрсатган [4; 33б-34а варақлар].

Шоир ижоди юзасидан Б.В.Норик ҳам изланишлар олиб борган. Жумладан, Алишер Навоий ва Хондамир асаридаги Бадиийнинг муаммо жанрига оид рисола ёзгани, девон тартиб берганида оид маълумотлар тафсилотини баён қилади. Булар билан бирга Қатъий Ҳиравийнинг “Мажмаъ уш-шуарои Жаҳонгирий” тазкирасида ғазалининг мавжудлигини айтиб, тўлиқ матнини берган [5;137-138].

Мавлоно Муҳаммад Абдулғаниҳон Муфарраҳободийнинг “Тазкират уш-шуаро”сида Юсуф Андижоний тўғрисида: “Мулло Муҳаммад Юсуф - Амир Алишер “Мажолис ун-нафоис”да унинг аҳволини зикр қилган. Муаммода рисола битган” деб, Султон Ҳусайн мирзо замонида яшагани ва 897/1491-92 йилда Сарахсда вафот этганини қайд қилинган [6;26].

Википедияларнинг “Юсуф Бадиий Андижоний-Самарқандий” моддасидаги маълумотларга кўра шоир девонининг қўлёзма нусхаси ҳозирда Эрондаги “Китобхонаи мадрасаи фуқаҳо” фондидда “Девони Бадиийи Андижоний-Самарқандий” сақланади [7].

Манбаларда берилганлардан Юсуф Бадиийнинг шеърят билан бирга адабиётшунослик ва луғат соҳасига оид асарлари борлиги маълум бўлади.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Юсуф Бадиий Андижонийнинг муаммо рисоласининг иккита қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Улар 2893/IV ва 9005/VI рақамлари остила сақланади. 2893/IV рақамли нусха қўлёзманинг 136б-140а-варақларидан ўрин олган. Картотекада *رساله معمای بدیعی - چهل اسم* (Бадиийнинг “Муаммо рисоласи”, 40 исмга) тарзида кўрсатилган. Асар муаммо жанрига оид бошқа рисоалар билан бирга бир жилдда китобат қилинган. Тадқиқотчининг аниқлашича, Бадиий асари кирган қисмининг қоғози ва хат услуби бошқаларга ўхшамайди. Рисола ўртача катталиқдаги гўзал насталиқ хатида кўчирилган. Китоб кейинчалик номаълум киши томонидан бир мавзуга оид асарлар билан бирга бир ерга жамланган. 136а-варақда қора қалам билан номаълум киши томонидан майда араб ёзувида *معمای بدیعی بقلم مؤلف* (Бадиий муаммоси. Муаллиф қалами билан ёзилган) сўзлари битилган. Буни асар ниҳоясидаги:

و الحمد لله على الاتمام و الصلواه على نبيه عليه السلام. حرره الفقير بدیعی.

Мазмуни: “Тугагани учун Аллоҳга ҳамд ва наби алайҳиссаломга салавот бўлсин. Фақир Бадиий ёзди”[8;140а-варақ] ишоралари ҳам тасдиқлайди.

Асар басмала, ҳамдала, наът, сабаби таълиф, асосий қисм ва хотимадан таркиб топган. Сабаби таълифда айтилишича, муаллиф кишида малолликка сабаб бўладиган муаммо таърифи, амаллар баёни кабилардан холи бўлган, фақат муаммо юзасидан тасаввур ҳосил қила оладиган қирқ муаммони келтиришни мақсад қилганлигини зикр этган (1366-137а). Шундан кейин қайд қилинган каби турли номларга ёзилган муаммолар берилган. Рисолада келтирилган мисолларнинг ечими кўрсатилмай, зарур ўринларда қисқа изоҳ бериш билан чекланилган. Шундай бўлса-да, мисоллар бошқа рисодаларда бўлганидек интиқод, таҳлил, таркиб, табдил каби тасҳилий (енгиллаштириш) амаллари гуруҳига кирган қоидалар билан бошланган. Ҳошияда келтирилган мисол қайси қоидага тўғри келиши қизил рангда қайд қилиб борилган.

Қўлёзманинг муаллиф қўли ва ҳуснихат билан кўчирилганлигини эътиборга олсак, у маҳоратли хаттот ҳам бўлган деб хулоса қилишимиз мумкин.

“Рисолаи муаммо”нинг иккинчи нусхаси 9005/VI ҳам ўша қўлёзманинг 1306-134а-варақларидан ўрин олган. Иккала нусха матни бир хилда. Фақат ушбу нусхада биринчи нусхадаги каби келтирилган мисоллар қайси қоидага тўғри келиши ҳошияда ёки матн ичида кўрсатилмаган. Шунингдек, ушбу нусха ким томонидан кўчирилгани ҳам номаълум. Институт каталогига چهل اسم معمايى (Муаммо, қирқ исмга) деган қайд бор. Бизнингча, иккинчи нусха муаллифи томонидан кўчирилган нусхага асосланган. Зеро, икки нусхани қиёслаганда айрим камчиликларнинг бирдек такрорланишини кўрамиз.

“Муаммо жанрининг илк намуналарини XIII аср бошларида ижод қилган қаламкашларнинг асарларида учратиш мумкин. Мазкур асрнинг иккинчи ярмига келиб бу жанрга қизиқувчиларнинг сони ортган. Ўз навбатида муаммо жанри қоидалари тўғрисида тушунча берувчи рисодаларга эҳтиёж сезила бошлаган. Ана шундай эҳтиёжга кўра ёзилган асарлар сирасига Шарафиддин Али Яздий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Сайфий Бухорий, Жунуний кабиларларнинг рисодаларини киритиш мумкин. Мазкур рисодалар муаммо қоидаларини назарий ёки амалий жиҳатларини ёритишни мақсад қилганлигига қараб бир-биридан фарқланади. Шундай бўлса-да, уларнинг барчасида муаммо қоидалари осондан бошланиб қийинига қараб ўтиш асносида тушунтирилган. Турли даврларда яратилган рисодаларда қоидалар баъзан учта йирик гуруҳга, баъзида тўртта гуруҳга ажратилган. Бу билан бирга муаммо қоидаларининг сони ҳам турли муаллифлар томонидан турли хил кўрсатилган. Жумладан, Шарафиддин Али Яздий муаммо қоидаларини аъмоли тасҳилий, аъмоли таҳсилий, аъмоли такмилий деб номланган уч гуруҳга бўлади.

Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи муаммои кабир”, “Рисолаи муаммои мутавассит” ва “Рисолаи муаммо манзум” асарларида муаммо қоидалари учта-тасҳилий, таҳсилий ва такмилий гуруҳларига бўлинади. “Рисолаи муаммои сағир”да тўртта гуруҳга ажратилган: тасҳилий, таҳсилий, такмилий ва тазъилий.

Сайфий Бухорий муаммо қоидаларини гуруҳланмасдан қирқта қоида тарзида кўрсатади. Алишер Навоий ҳам қоидаларни учга бўлинган. Мавлоно Жунуний Бадахший муаммо амалларини юқорида кўрсатилганлардан фарқли тарзда лафзий ва зеҳний деб номланган гуруҳларига бўлиниши тўғри деб ҳисоблаган.

Ҳозиргача маълум бўлган рисолалар асосида муаммо амалларини қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) Аъмоли тасҳилий: интиқод, таҳлил, таркиб, табдил. 2) Аъмоли таҳсилий: тансис ва таҳсис, тасмия, талмиҳ, тародиф ва иштирок, киноят, тасҳиф, истиора ва ташбиҳ, ҳисоб. 3) Аъмоли тақмилий: таълиф, исқот, қалб. 4) Аъмоли таъзилий: таҳрик ва таскин, ташдид ва таҳфиф, мадд ва қаср, изҳор ва асрор, маъруф ва мажҳул, таъриб ва таъжим” [9;76-7]. Юқорида қайд қилганимиздек, Бадиий муаммо амалларини интиқод, таҳлил, таркиб, табдил каби (тасҳилий-енгиллаштириш) амаллар баёни билан бошлаб, тасҳилий, таҳсилик ва тақмилий гуруҳларига ажратган.

ЎЗРФА Шарқшунослик институтида “Рисолаи муаммо”дан ташқари Бадиий таҳаллусли муаллиф томонидан тартиб берилган форс тилидаги тажнислар луғати ҳам мавжуд. Асарнинг ҳеч қаерида муаллиф томонидан унинг номланишига ишора йўқ. Шу сабабли луғат қўлёзмалари картотекада “Тажнис ул-луғот” (11518/VI, 10455/XIV, 11807/II), “Рисолаи луғот” (1380/II), “Се луғоти Бадиий” (10088/VII), “Қасида дар ҳалли луғот” (3223/II), “Саласа се луғат” (9987/II), “Манзум дар баёни луғот” (8574), “Назму-л-салоса фи-л-луғата” (3809/II), “Назму-л-саласот” (4818/III), “Луғот” (5250/III) номлари билан қайд қилинган. Луғат ёзилиши бир хил, уч хил шаклда ўқиладиган сўзлар асосида тузилган. Асарда 100 фикрада учтадан тажнис (жинсдош - омоним) сўз берилиб, уларнинг маънолари очиб борилган. Луғатни мазмун-моҳиятига қараб “Тажнис ул-луғот” номи билан илмий истифодага киритилса, тўғри бўлади. Асар назмда битилган. Дастлабки тадқиқот натижаларига кўра, мазкур қўлёзма нусхаларда бир сўзнинг ўрнига бошқасини қўллаш, баъзи байт ёки мисранинг ўринини алмаштириш каби айрим матний тафовутларнинг борлиги билинади. Фарқлар юзасидан фикр билдириш алоҳида мавзу бўлганлиги сабабли ушбу мақола доирасида тўхталиб ўтирмадик.

Луғатнинг муаллифи Бадиий экани хотимада қуйидача қайд қилинган:

این چنین لفظ بدیعی را بدیعی نظم کرد
تا بود در روزگار از وی همی نام و نشان

هست در وادی عرفان تشنه ز آب مغفرت
ساز سیرایش الهی ای آله انس و جان

Мазмуни:

*Бундай бадий сўзни Бадий назм айлади,
То ундан дунёда ному нишон бўлиб қолгай.*

*Ирфон водийсида маърифат сувига ташна бўлган бор,
Эй инсон ва жоннинг Илоҳи, ташналикни қондирувчи*

(бу китобни) илоҳий қил.

“Собрание восточных рукописей” каталогининг 11-жилдида Бадиий луғатининг ўнга яқин қўлёзмасининг тавсифи берилган. Биринчи тавсифда асар Бадиий Табризийга тегишли бўлиши мумкин деган тахмин айтиб ўтилган [10; 157-159].

Бадиий Табризий ва Бадиий Андижонийларнинг асарлари бошқа-бошқа эканлигини далилловчи маълумотлар ҳам бор. Эрон Миллий кутубхонасида Бадиий Табризийнинг асари “Ал-луғата мусаллас” (اللغة المثلثة) деб номланиши, араб тилида эканлиги ва 380076 рақам остида сақланиши зикр қилинган [11]. Бадиий Андижонийнинг асари эса “سامانه كتابخانه و اسناد رقومی ملی” фондида “Мусалласоти манзум” номи билан кўрсатилиб, 9571-5 рақами билан сақланади ва унинг матни биз сўз юритаётган рисола матни билан бир хил. Шундай қилиб, “Тажнис ул-луғат”нинг муаллифи Юсуф Бадиий Андижоний эканлигига шубҳа қолмайди.

Келтирилганлардан Бадиийнинг исми Мулло ёки Мавлоно Муҳаммад Юсуф Андижоний экани, XV-XVI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшагани аниқ бўлади. Шунингдек, шоир девон тартиб бергани, қасида жанрида ҳам асарлари биргани ойдинлашади. Булар билан бирда у муаммо жанрига бағишланган рисола ва тажнислар луғатининг муаллифидир.

Хулоса қилиб айтганда, Мавлоно Муҳаммад Юсуф Бадиий Андижоний ҳаёти ва ижодий меросининг монографик тадқиқ этилиши келгусида ўрта асрлар Мовароуннаҳр ва Хуросон адабий алоқалари, мазкур даврда ватанимиздан етишиб чиққан олимларнинг адабиёт назарияси, луғатшунослик каби соҳалар ривожига қўшган улуши, девон тузиш анъанаси, девонларга кирган шеърий жанр ва мавзулар кўлами юзасидан олиб борилажак тадқиқотларда умумлашмалар билдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис, МАТ. 13-жилд. –Т.: Фан, 1997.
2. Гиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. –Т.: Ўзбекистон, 2013. –Б. 77-78.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: Шарқ НМАК, 2002. –Б. 139.
4. Алоуддавла Ҳусайн Қазвиний. Нафоис ул-маосир. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фонди. 848-рақами қўлёзма. 33б-34а варақлар.
5. Норик Б.В. Библиографический словарь среднеазиатской поэзии. –М.: Издательский дом Марджани, 2011. –С. 137-138.
6. Мавлоно Муҳаммад Абдулғанихан Муфарраҳободий. Тазкират уш-шуаро. -Алигарх: Алигарх институти нашриёти босмаҳонаси, 1916. –Б. 26.
7. www.eshia.ir; www.howza.net; www.rasekhoon.net
8. Бадиий. Рисолаи муаммо. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди. 2893/IV рақамли қўлёзма. 140а-варақ.
9. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. –Т.: Ўзбекистон, 2014. –Б. 76-77.
10. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. -Ташкент: Фан, 1967. –С. 157-159.

11. <http://dl.nlai.ir/UI/Search/BasicSearch.aspx?PageNo=1>

РАВЗАТ УШ-ШУҲАДО ДОСТОНИНИНГ ҚУРУМИ

*Сунатулла Сойинов Норматович,
ЖДПИ Ўзбек тили ва адабиёти факультети
декани, филология фанлари номзоди*

XVIII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган Собир Сайқалий ўзбек адабиёти тарихида муносиб ўрин эгаллайди. У ўз даврининг тараққийпарвар ижодкорларидан бири бўлиб, ўзбек шеърини ва айниқса, достончилигининг энг илғор анъаналарини давом эттирган. Унинг энг нуфузли асарларидан бири “Равзат уш-шуҳадо” достонидир. Ушбу достон асосан пайғамбарлар тарихига бағишланган.

“Равзат уш-шуҳадо” достонининг кириш қисми 74 байт (148 мисра) дан иборат бўлиб, у анъанавий ҳамд (17 байт), наът (20 байт), чорёрлар мадҳи (14 байт), муножот (23 байт)дан ташкил топган.

Асар муқаддимасидан кейин достоннинг анбиёлар баёни бобларига ўтилади. Дастлаб Одам алайҳиссалом қиссаси ҳикоя қилинади. Бу боб «Қиссаи Ҳазрати Абу-л-Башар Одам сафийуллоҳу салавотуллоҳи ва саломуху» деб номланган бўлиб, у 94 байт (188 мисра)дан иборат. Собир Сайқалий Одам алайҳиссалом ривоятига ўтишдан аввал дарду ғам Одам Ато яратилмасдан олдинроқ Бани башар тақдирини битилгани, хусусан, дашти Қарбалодаги хунрезлик оқибатида Имом Ҳусайн шаҳид бўлажаги азалдан ёзилгани ҳақида тўхталади. Сўнгра Оллоҳ таъолонинг қудрати билан Одам Атонинг жисми хокдан яратилиб, унга жон ато қилинган ва биҳиштдан унга макон берилиб, улуғлангани баён этилади. Кейинги мисраларда Одам Атони Иблис алайҳиллаъна йўлдан уриб, унинг Момо Ҳавво билан бирга жаннатдан қувилишига сабаб бўлгани ва минг пушаймонлардан сўнг уларнинг тавбалари Оллоҳ таъолонинг лутфу инояти билан қабул бўлгани зикр қилинади. Одам Ато ва Момо Ҳавво икки юз йилдан сўнг бир-бирларини излаб топгани, сўнгра икки ўғил, Қобил ва Ҳобил ва икки қиз туғилгани баён этилади.

Одам Ато ўғилларига қизларини никоҳлайди. Қобилга Иқлима исмли қизи ақд қилинади. Шайтоннинг васвасаси билан Ҳобилнинг хотинига эга бўлмоқ мақсадида Қобил Ҳобилни ўлдириб, унинг жасадини ерга кўмади. Ҳайбдан Одам Атога жудоликка сабр этмоқ хитоби келади. Шундан сўнг Собир Сайқалий Имом Ҳусайннинг шаҳид кетганини бу аза билан боғлаб, воқеаларга хулоса ясайди ва кейинги 19 байт (38 мисра)дан иборат бобда ҳазрати Жаброил алайҳиссаломнинг ҳазрати Имом Ҳусайннинг олий шаҳодатидан хабар бергани тўғрисидаги «Канз ул-ғаройиб» асаридан келтирилган қисса билан таништиради. Унда Жаброил алайҳиссалом тилидан Имом Ҳусайннинг муборак бошлари жудо қилиниши баёни берилади ва ушбу боб ғазал билан хотималанади.

Кейинги боб «Қиссаи Нух набийуллоҳу алайҳиссалоту вассалом» деб

номланган бўлиб, у 45 байт (90 мисра) дан иборат. Бу бобда 950 йил умр кўрган Нух пайғамбарнинг қавмини исломга даъват этиш асносида не-не балову қазолар, тошбўронлар остида бошлари ёрилиб, азиятлар чеккани, Оллоҳ таъолодан қавмига балолар ёғилишини сўрагани ва шу боис Нух тўфони остида кофирларнинг қирилгани тафсилоти берилади. Мазкур боб ҳам Муҳаммад пайғамбарнинг суюкли набиралари шаҳодати баёни билан яқунланади.

Навбатдаги боб «Қиссаи хазрати Иброҳим халилур-рахмон салавотуллоҳи алайҳи васаллам» деб номланган. У 60 байт (120 мисра)дан иборат бўлиб, ғазал билан ниҳояланади. Бу боб Иброҳим Халилуллоҳнинг Намруд томонидан кўп қийноқларга солингани ва Тангри таъолонинг амри билан бу ҳолдан омон чиққани тасвири билан бошланади. Иброҳим халилуллоҳнинг Исмоил алайҳиссаломни қурбонликка келтириши ҳақидаги ривоят ҳам шу бобда келтирилган. Унда Жаброил алайҳиссалом Тангри таъоло буйруғига биноан жаннатдан қурбонлик учун бир қўй юборади. Бу боб ҳам Карбалодаги воқеалар тизимида боғлиқ ривоят билан яқунланади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Собир Сайқалий бу дostonда анбиёлар тарихини баён қилар экан, Имом Ҳасан билан Имом Ҳусайннинг фожиали ҳалокатларини мазкур воқеалар билан чамбарчас боғлайди ва уни асар композициясига моҳирлик билан сингдириб юборади. Бу орқали эса шоир дostonнинг мазмун билан шакл мутаносиблигига, яхлитлигига эришади.

Кейинги боб «Сураи Юсуф алайҳиссалоту вассаломнинг нозил бўлганининг сабаблари» деб номланган бўлиб, у 33 байт (66 мисра)дан иборат. Бу бобда Қуръони Каримдаги Юсуф алайҳиссалом қиссасининг Жаброил алайҳиссалом воситасида Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлгани ва ундаги рамзий ишоралар ҳақида сўз юритилади. Қуйидаги мисралар ҳам фикримизни тасдиқлайди:

*Басе бу қиссага аҳсан деди ҳей,
Тасалли икки шаҳзодага бўлгай.
Булар ҳам чун Ҳасан бирла Ҳусайн бас,
Бу қисса маънисин билса керак кас.
Икки турлук бу қисса ибтилоси,
Бири Яъқуб бири Юсуф балоси.
Жудолигда куюб Яъқуб бўлиб кул,
Ки бўлди сокин, байт ул-ҳазан ул.
Кўриб Юсуф, болойи гоҳи зиндон,
Неча йил қул бўлуб, ул моҳи канъон.
Онинг учун бу сўзлар муштаракдир,
Баён айлай, эшит қайси даракдур [2.18].*

Сўнгра «Юсуф алайҳиссалом қиссаси» баён этилади. Бу қисса 9 бобдан иборат бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 503 байт (1006 мисра)ни ташкил этган. Қисса Юсуфнинг оғалари томонидан унинг чоҳга ташланиб хўрланганлиги тафсилоти билан бошланади. Яъқуб алайҳиссалом эса дарахтда ўтириб, Юсуфнинг фироқида нолалар чекади.

Яҳудо акаларидан яширин ҳолда чоҳ бошига келиб, Юсуф билан

сўзлашади. Биродарлари бундан хабар топиб, Яхудони ўзлари билан олиб, Юсуфнинг либосини қонга бўяб, Яъқуб алайҳиссалом ҳузурига борадилар ва укасини бўрилар еб кетганини айтиб алдайдилар. Юсуф акалари томонидан Молик ибн Зарга етти носира дирҳамга пулланади.

Ушбу боб хотимасида ҳам Собир Сайқалий қисса ичида қисса усулида Ҳазрати Имом Ҳусайн разияллоҳу анҳунинг хаворижлар томонидан шаҳид қилингани ҳақида ҳикоя қилади. Хусусан, асарда бу ҳақда шундай мисоллар келтирилган:

*Дедилар: Ҳусайн ўлган сўнг бас,
Буюрди, ул Умар Саъд отли нокас.
Кесиб олиб, шаҳидлар бошларини,
Алам айланглар найзаларини.
Муборак танлари майдонда қолди,
Замин титраб, замон ларзона қолди.
Яна амр айлади, ул дам Умар Саъд,
Ҳусайннинг аҳли байтин анда мин баъд.
Шаҳидлар ўртасидин ўтқаринглар,
Яна қолгон юракларинг ёринглар.
Хаорижлар кўчириб, ул ҳарамни,
Неча гулдастау боғи эрамни.
Жунадилар, олиб суйи майдон,
Ўшал майдон аро қонлар тўкилган [2.39].*

Имом Ҳусайн разияллоҳу анҳу қиссасидан сўнг Собир Сайқалий Юсуф алайҳиссалом ривоятларини баён қилишда давом этади.

Миср азизи Юсуфни Зулайхо хизматига буюради. Зулайхо унга кўнгили бериб, изҳори муҳаббат қилади. Юсуф ғайри шаръий амални рад қилганидан сўнг Зулайхо уни зиндонга солдиради. Юсуфнинг зиндондаги ҳолатини шоир қуйидагича тасвирлайди:

*Деюрлар: етти йил ул Юсуфи пок,
Ки ул зиндон аро етти босиб хок.
Фироқ ўтига куюб, ул дилафруз,
Ки йиғлар эрди, тинмай кеча-кундуз.
Ки то ҳаттоки, зиндон аҳли дил танг,
Бўлиб Юсуф била айлар эди, танг.
Дер эрдилар, дам олмасин аё қул,
Кеча-кундуз қилурсан, мунча гулгул.
Бизам сенингдек гирифтори баломиз,
Зан ва фарзанд роҳатидин жудомиз.
Санинг ноланг қилур бир ёндин афкор,
Кел энди йиғлама сан мунча бисёр [2.45].*

Юсуф ва Зулайхо қиссаси Юсуф алайҳиссаломнинг зиндондан отаси Яъқуб алайҳиссаломга хабар юборгани билан яқунланади. Собир Сайқалий «Юсуф ва Зулайхо» қиссасини мухтасар тарзда ҳикоя қилади. Тафсилотга берилмаганининг сабабларини қуйидагича изоҳлайди:

*Худо ўз лутфидин айлаб сарафроз,
Ота бирла ўгилни қўшқучи боз.
Бу қисса шарҳидур оламга машҳур,
Билай десанг қиссасларни бориб кўр.
Мани мискинга йўқдур иститоат,
Қиссасни назм этарга бо ниҳоят.
Ёзай назм этиб, ҳар ибтилосин,
Муродим сўзласам карбалодин [2.46].*

Бу дебочанинг ниҳоясида Собир Сайқалий яна Имом Ҳусайннинг Карбалода шаҳид бўлган воқеасига мурожаат этади ва уни асарнинг ички мантиғига маҳорат билан боғлайди. Муаллиф инсон умрининг бебақолиги ва бу дунёдаги ишларни иложи борича тезроқ ниҳоялаш зарурати ҳақида ўзига насиҳат қилиб, қиссани якунламоқ мавриди келганига ишора этади.

Шундай қилиб, Собир Сайқалий «Юсуф ва Зулайҳо» қиссасининг Шарқ халқлари орасида кенг тарқалганини назарда тутиб, тафсилотга берилишни лозим топмай, бунга қизиққанларнинг қиссаларга мурожаат этишини тавсия қилади.

Маълумки, бу мавзуда яратилган дostonлар «Қуръон»даги «Юсуф» сурасига асосланади. Бу ҳақидаги ривоятларда Яъқуб пайғамбарнинг ўғли ҳуснда ва ақлда тенги йўқ Юсуф оғалари томонидан сотилгач, Мисрга келиб қолади. Хожасининг хотини Зулайхонинг муҳаббатини рад этган Юсуф шу сабабли зиндонга ташланади. Кўп ўтмай, Фиръавн ўзининг ваҳимали тушларини йўйдириш учун уни зиндондан озод этади. Бу тушлар яқин орада мамлакат ва халқ бошига келаётган қахатчиликдан далолат беришини Юсуф алайҳиссалом олдиндан башорат қилади. Юсуфнинг таъбири тўғри чиққач, Фиръавн салтанатни унга топширади. Юсуф нафақат Миср, бошқа мамлакатларни ҳам очарчиликдан сақлаб қолади. Очарчиликдан нажот истаб Мисрга йўл олганлар қаторида Юсуфнинг қавм-қариндошлари ва оғалари ҳам бор эдилар. Юсуф оғаларининг гуноҳларидан кечади. Уларни Канъон (Ливан)дан Мисрга кўчириб келтиради.

Мазкур ривоят асосида Фирдавсий, Рабғузий, Дурбек, Абдурахмон Жомий ва бошқа ижодкорлар назмда ва насрда асарлар яратган.

“Равзат уш-шуҳадо” дostonининг кейинги боби 174 байт (348 мисра) шеърдан таркиб топган бўлиб, унда ҳазрати Айюб алайҳиссалом ҳақидаги ривоят баён қилинади.

Айюб алайҳиссалом икки ўғил фарзанд кўриб, 40 йил шоду хуррамликда яшаган. Унинг 400 қули, 40 дан ортиқ боғу бўстони ва саноксиз молу дунёси бўлган. Кунларнинг бирида тўфон кўтарилиб, кучли сел ёғиб, унинг бор молу дунёсидан, боғу бўстонидан асар ҳам қолмайди. Айюб алайҳиссалом бошига ҳар қанча ғаму андуҳ келса, ҳаммаси Тангри таъолодан эканлигини англаб, ҳамиша Оллоҳ таъолонинг зикрида бўлиб, сабр-тоқат қилади. Офат устига офат, ғаму андуҳ устига янги-янги балолар келса ҳам Айюб алайҳиссаломнинг иродасини синдира олмайди. Кунлардан бир кун меҳмондорчилик вақтида Айюбнинг барча фарзандлари уй қулаб тушиши натижасида ҳалок бўладилар.

Айюб фалакнинг бу кирдикорларига ҳам сабр-тоқат қилиб, кўзларидан бир томчи ҳам ёш оқизмай, Оллоҳ таъолога шукрлар қилишда давом этади. Шундай балолардан яна бири шуки, Айюб алайҳиссаломнинг бутун вужудига кўрт ёпишади. Бу ҳалокатни шоир қуйидагича тасвирлайди:

*Ки эрди бу балоким тўрт минг қурт,
Муборак жисмини айлар эди қут.
Ер эрдилар, тамом аъзоларини,
Ки уч узвидин ўзга жойларини,
Икки кўзи ила тил ва юрак бас,
Ул кас эрди, сунгак ила ки раг бас [2.51].*

Шу ҳолатда ҳам Айюб фарёду нола қилмасдан ўзини Оллоҳ таъоло ҳукмига топшириб, сабр-тоқатнинг юксак намунасини кўрсатади, Яратганнинг зикру ёди билан машғул бўлади.

Демак, дostonдан келтирилган иқтибослардан ҳам кўриниб турибдики, “Равзат уш-шуҳадо” дostonинининг композицион тузилиши ўзига хос хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Шундай экан, унда муаллиф Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайннинг фожиали қисмати бадий талқин этишда пайғамбарлар тарихидан ўринли ҳамда асосли фойдаланган.

Шунингдек, дostonда маърифат ва жаҳолат, ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги кураш Қобил ва Ҳобил воқеасидан бошланган, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайннинг фожиали тақдири инсон табиатидаги хунрезликка мойиллик туйғуси билан боғлиқ экани Одам алайҳиссаломдан Муҳаммад алайҳиссаломгача бўлган пайғамбарлар кечмиши мисолида ёрқин ифодасини топган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Собир Сайқалий Ҳисорий. Равзат уш-шуҳадо. –Т.: Мовароуннаҳр, 2004 (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифлари Сайфиддин Сайфуллоҳ, Довуд Хунзикер). –Б. 4, 6, 18, 39.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ҚўЛЛанилган Поэтик ДЕТАЛЛАР

*Жўраев Жамолиддин Аминжонович,
ЖДПИ доценти, ф.ф.номзоди*

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан

қарамаса, ¹ - дея таъкидлаган эди, Республикамизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият -енгилмас куч” асарида.

Сўнгги йилларда Алишер Навоий асарларини матний, фалсафий, лисоний ва бадий жихатдан ўрганиш бўйича бир қанча ишлар қилинган бўлса-да, шоир ижодининг услубий ўзига хослигини кўрсатувчи лингвистик омилларни тадқиқ этиш эндигина бошланди. Чунончи, шоир асарларидаги иш қуролли номлари бевосита бадий услуб билан боғлиқ ҳолда ўрганиш навоийшуносликнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, Алишер Навоийнинг сўз қўллаш санъатини теран тадқиқ этишнинг кенг имкониятларини очади.

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг асарлари нафақат бадий, балки мислсиз маънавий, лисоний бойлик ҳамдир. Бу бойликнинг таркибий қисмларида иш қуроллари ва асбобларига оид сўзлар ҳам мавжуд.

Маълумки, иш қуроллари ва асбоб номлари араб тили грамматикаси қоидада **مفعّل** “мифъал”, **مفعلة** “мифъалат”, **مفعّال** “мифъол” қолипидан ҳосил қилинади. Масалан, аслида “барода”-эговламоқ феълени “мифъал қолипидан айтилса “мибрад”-эгов сўзи ясалади ёки “тароқа”-тақиллатмоқ феълени “мифъалат” вазнида айтилса “митрақат” - болға сўзи ясалади. Алишер Навоий ғазалларида ҳам ана шундай қолипда ясалган иш қуроллари номлари ишлатилганлигини кузатишимиз мумкин.

Ройиҳаи жаннати аъло ҳам ул,

Партави *мисбоҳи* тажалло ҳам ул. [6:63]

Байтидаги **مصباح** “мисбоҳ” аслида “сабаҳа”- тонгда келмоқ, эрталаб турмоқ феълдан олинган бўлиб, бу ерда чироқ маъносини билдиради.

Лаълинг ул ўтки, кўнгул *мижмар* анга,

Ё кўнгул дуржу лабинг гавҳар анга. [5:11]

Байтдаги **مجمر** “мижмар” - “жаммара” феълдан олинган бўлиб, ёниб турган кўмир чўғида қовуриш маъносини билдиради. “Мижмар”- манқал, манқалдон, кабоб қўра, тутатқи солинадиган идиш, исириқдон каби маъноларини билдиради.

Оразинг ҳуснин фузун қилган ҳилолий қош эрур,

Ёхуд ул ой шамъини ёрутқали *минқош* эрур [4:120].

Бу байтдаги **منقاش** “минқош”- “нақаша” ўймакорлик усули билан нақш солмоқ феълдан олинган бўлиб, “минқош” эса наққошнинг кескичи, кесиш (йўниш) асбоби; ҳайкалтарош қалами; тош болта, тош пичоқ каби иш қуроли маъноларни билдиради.

Бўлди чу *мистар* хатиға туз рақам,

Бошини олмас рақамдин қалам [6: 180].

Ушбу байтдаги **مسطر** “мистар”- “сатара” феълдан олиниб, сатр, чизик чизмоқ феълдан олиниб, байтдаги “мистар” - чизғич маъносида.

Жилваи ҳусн ўлғали зоҳир анга,

Бўлди бу *миръот* мазохир анга [6:15].

Байтдаги *مرات* “миръот”- “роъа” кўрмоқ, сезмоқ, пайкамоқ, феълидан олиниб, “миръот”- ойна, кўзгу; софлик, тозалик, кўнгил каби мажозий маъноларни ҳам ифодалайди.

Камоли кудратингдин хирад ул навъ бўлуб лол,
Ки ҳайратдин ҳамиша қилиб исбаъни *мисвок* [2: 278].

مسواك “Мисвок” - “сака” (савк) тозалаш, артиш феълидан олинган. Байтдаги мисвок тиш тозалайдиган (бўйи бир қарич, йўғонлиги бармоқча, пўстлоқли ёғоч) асбоб маъносида.

Икки бармоқки тутар сиймни *микроз* киби,
Фақр торин доғи қатъ этгучидур ул *микроз* [2: 237].

Байтдаги *مقراض* “микроз”- “қороза” кесмоқ, ўткирламоқ, чархламоқ маъноларини англатувчи феълдан олиниб, микроз бу ерда қайчи маъносида келган.

Фикрати *мизони* бўлуб хамсасанж,
“Хамса” дема, балки дегил панж ганж [6:41].

Бу байтдаги *ميزان* “мизон”- “вазана” тарозида ўлчамоқ, таққосламоқ феълидан олиниб, мизон эса тарози маъносини ифодайди.

Хазина калидин бу бир келтуруб,
Яна қалъа *мифтоҳин* ул топшуруб [8:177].

Байтдаги *مفتاح* “мифтоҳ” - “фатаҳа” очмоқ феълидан олинган, “мифтоҳ” эса калит маъносини билдиради.

Мунингдек тийр ила ҳар бодбони,
Сиреҳри атласу *миҳвар* нишони [7:169].

Байтдаги *محوار* “миҳвар” - айланадиган нарсаларнинг ўқи, ер ўқи, ғилдирак ўқи, ўзак, мағиз каби маъноларни билдиради.

Кет фараҳким, ғамни, меҳнат тошин олиб, кўнглума
Юз туман *мисмор* бирла устувор этти фироқ [3:209].

Байтдаги *مسمار* “мисмор”- “самора” михламоқ, қоқмоқ феълидан олиниб, мих, қозик, пона каби иш қуроллари маъносини ифодалайди.

Инжуни олсалар муфарриҳ учун,
Минг бўлур бир дирамга бир *мисқол* [9: 6].

Байтдаги *منقال* “мисқол”- “сақала” оғир бўлмоқ, юк бўлиб тушмоқ феълидан олинган, оғирлик ўлчови (тахминан 4, 68гр) тарози тоши маъносини билдиради.

Бир кун қаламни *михбарадин* чиқардим [10: 121].

Жумладаги *مخبره* “михбара” - хибрун сиёҳ сўзидан олиниб бу ерда сиёҳдон маъносини ифодалайди.

Эй Навоий, топти мутриб созидин кўнглум наво,
Гўйиё жон риштасиға тегди *мизроби* анинг [4:211].

Байтдаги *مضراب* “мизроб”- “зараба” урмоқ феълидан олинган бўлиб, камонча, камон; муסיқа чолғуси камончаси; чалғи (юнг титадиган камалаксимон асбоб) маъносини билдиради.

Юқоридаги мисоллардан кўришимиз мумикинки, Алишер Навоий асарларида иш қуроллари номларига оид сўзлар кўп қўлланган бўлиб, улар шоирнинг бадий нияти билан боғлиқ ҳолда турли хил луғавий-маъновий ва

услубий-семантик функцияларни бажарган. Бадиий контекст доирасида қўлланган ҳар бир иш қуроли номлари муайян семантик функцияни адо этувчи поэтик деталь ҳисобланади.

Хулоса шуки, буюк аллома, шоир Ҳазрат Алишер Навоий асарларида иш қуроллари номлари туркий, форсий тиллар билан бирга арабча мифъал қолипида ҳам ҳосил қилинган. Бундай сўзларнинг қўлланиши шоир асарлари бадиияти, бўёқдорлигини янада оширган ва ўқувчи учун қизиқарли бўлишини мукаммал таъминлаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: 2008.
2. Алишер Навоий. Йигирма томлик. Иккинчи жилд. Наводир ун-ниҳоя. –Т.: 1987.
3. Алишер Навоий. Йигирма томлик. Учинчи том. Хазойин ул-маоний. Фаройиб ус-сиғар. –Т: Фан, 1988.
4. Алишер Навоий. Йигирма томлик. Тўртинчи том. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. –Т.: Фан, 1989.
5. Алишер Навоий. Йигирма томлик. Олтинчи том. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. –Т.: Фан, 1990.
6. Алишер Навоий. Йигирма томлик. Еттинчи том. Ҳайратул-аброр. –Т.: Фан, 1991.
7. Алишер Навоий. Йигирма томлик. Фарход ва Ширин. –Т.: Фан, 1992.
8. 8.Алишер Навоий. Йигирма томлик. Ўн биринчи том. Садди Искандарий. –Т.: Фан, 1993.
9. Алишер Навоий. Йигирма томлик. Ўн олтинчи жилд. Муҳокамат ул-луғатайн. –Т.: 2000.
10. 10.Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. –Т.: Фан, 1992.
11. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1997. –Б. 147.

ФУТУВВАТНОМАЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

*Жасурбек Маҳмудов Хусинович,
ЎзМУ доценти, филология фанлари номзоди*

Футувват сўзи асли арабча сўз бўлиб, йигитлик даври ва йигитлик даврига мос ҳаракатлар деган маъноларни англатади. "Фатий" калимасидан келиб чиққан бу сўз аслида йигит маъносини, гоҳида хизматкор ёки ҳамроҳ маъноларида Қуръони каримда бир неча бор зикр этилган. Доктор Муҳаммад Риёз ўз тадқиқотида “фатий калимаси бирлик, иккилик ва кўплик шаклларида саккиз маротаба Қуръони каримда келтирилган [1] деса, туркиялик олим Рахшон Гурел унинг йигирма бир ўринда зикр этилганини ёзади. Бизнинг тадқиқотимизнинг Қуръони каримда фатийлик ва ахийлик бўлимида мазкур оятларга мурожаат этдик ҳамда юқорида иккита тадқиқотчи тўхталмаган

жиҳатларга, яъни ахийлик калимасининг қўлланишига алоҳида эътибор қаратдик.

Қуръон нозил бўлмасдан илгари ҳам араб жоҳилият адабиётида бу калима истифода этилган. Айни шу жиҳатлари билан футувват калимаси янги сўзлардан бири бўлиб, (давомий калималардан бири бўлиб), Қуръони каримда ва араб жоҳилият адабиётида кўзга ташланмайди [2].

Форс тилида "фатий" ва "футувват сўзларининг синоними жавонмард ва жавонмардлик истилоҳлари қўлланилади ҳамда мазкур калималар араб тилидаги адабиётларда ҳам учрайди. "Фатий" сўзи махсус истилоҳ (термин, атама) сифатида исломдан олдин ҳам араб орасида қўлланилган. Улар ушбу лақаб билан ақидаларига содиқ, ахлоқда, инсонийликда ва яхши фазилатларда комилликка эришган ёки лоақал (араблар жуда қадрлайдиган) иккита олийжаноб сифатга, яъни саховат ва шижоатга эга бўлган шахсни аташган. Мазкур фатий инсон саховат ва мурувватда шундай даражага етганки, ўзи агар қарздор ва фақирлик остида қолган бўлса ҳам бошқалардан мурувватини аямаган кишидир. Шижоатда эса шундай даражага етсаки, жангу жадалда то охирги имкони қолгунича жанг қилса ва азиз жонини ҳам бошқалар учун фидо қилса[3]. Жоҳилият даврида жуда машҳуру маъруф бўлган шижоатли фатийлардан сифатида Антара бин Шаддод бўлиб, Умару бин Абдудлар бўлишган ва ҳар иккаласа исломий жанглар асносида Шоҳимардон - Ҳазрат Али (карамаллоҳу важҳаҳе) томонидан ўлдирилган.

Жоҳилият даврида шуҳрат қозонган жавонмардлар сирасига Ҳотам Тоийни ҳам намуна қилиб келтириш мумкин [4]. Лекин у ҳақдаги ривоятларнинг кўпчилиги тарихий афсонавий тарздаги ҳикоятлардан иборатдир. Албатта у арабларнинг қадимий адабиётидаги фатийларнинг бир наъмунасидир. Зеро у ҳам сахий, ҳам жангжўй, ҳам бошқаларга ўзини бағишлаган инсон бўлган. Унга ва унинг оиласига тегишли бўлган ҳикоятлар форс адабиётида ҳам ўз аксини топган. Чунончи Ҳотам Тоийнинг бир нечта жавонмардлик ҳаракатларидан Шайх Саъдийнинг "Бўстон" асарида назм риштасига терган:

А) Ҳотам Тоийнинг жавонмардлиги, караму-саховати ҳақида халқ Рум султониغا кўп таъришлаган ва хабар беришган:

*Ки ҳамтои у дар карам мард нист,
Чу асбаш ба жавлону навард нист.*

(Караму саховатда унга тенг келадиган киши йўқдир. Оти каби жавлон қилишда ва жангда тенги йўқ эди.

Рум султони бу хабарнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш мақсадида бир кишини Ҳотам яшаётган маконга жўнатади, токт уни кўриб унга ўзининг машҳур отини ҳадя қилишни таклиф қилишни маслаҳат беради. Қачонки элчи Ҳотамникига кириб борганида уни кутиб олиш учун чиқади ва меҳмон учун тайёргарлиги бўлмагани учун, ўзининг севимли отини сўйиб ва ундан таом тайёрлайди ва меҳмонга тартади. Қачонки Рум султонининг элчиси мазкур от ҳақидаги хабардан огоҳ бўлгач, жуда хафа бўлди ва бу хабарни Рум султониغا етказишди. Султон Ҳотамтойнинг бу воқеъасидан хабар топди:

Хабар шўд ба Рум аз жавонмарди Тай,

Ҳезор офарин гўфт бар табъи вай.

(Тойнинг жавонмарлигидан Румга хабар бўлди. Унинг табиатига минг офарин айтишди).

Ҳотами Тайй ҳақидаги иккинчи ҳикоя: Яман подшоҳи Ҳотамнинг жавонмарлиги ва шуҳратидан унга нисбатан ҳасад ва адоватда эди. Натижада у бир кишини Ҳотамни ўлдириб келишга юборади. Мазкур киши йўлни йўқотиб қўйиб, билмасдан тунаш учун Ҳотам Тайнинг ўзидан бошпана сўрайди. Уни танимагандан сўнг барча мақсадини унга айтиб берибди. Буни эшитган Ҳотам ўзини таништиради ва бошини олишга рухсат беради. Буни кўрган мазкур суиқасдчи уялиб кетади ва орқасига қайтади.

Учинчи ҳикоя: Ҳотамнинг қизи ҳам отаси каби яхши хислатга эга эди. Мусулмонлар билан ғазотда у асирга тушиб қолади. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) уни асирликдан қўйиб юборишга изн беради. Буни эшитган қиз, агар дўстларининг қутилишига рухсат берилмаса ўзи ҳам кетмаслигини айтади. Яъни бу таклифни дўстларини ҳам озод қилиш шарти билан қабул қилади:

Мурувват набинам раҳойе зи банд,

Ба танҳо ва ёронам андар каманд[5].

(Ўзим бандиликдан қутилиб, дўстларимнинг банди бўлиб қолишини мурувватдан деб билмайман)

Ахлоқ ва одоб қоида ва меъёрлари жоҳилият даврида араблар орасида бошқа йўсинда бўлган. Бинобарин, фатийлар мазкур даврда амалга оширган барча ишларини, масалан, шаробхўрлик сингари ислом келганидан кейин таъқиқланган ишлар ислом келганидан сўнг давом эттира олмадилар. Бу амаллар нафақат исломдан олдинги футувватни исломдан кейингиси билан фарқлаб қўяди, балки бошқа қавмлар ва миллатлар футуввати олдида ҳам ислом футувватини мумтоз ва ёрқин эканини кўрсатади[6]. Зеро, бошқа юрт фатийлари (рицарлар, халқ қаҳрамонлари) ўз ғалабаларини асосан шаробхўрлик билан нишонлашган. Бу эса исломдан кейинги футувват қоидаларига умуман мос келмайдиган, таъқиқланган амал ҳисобланган.

Футувват ёки жавонмардлик диний, сўфиёна ва ижтимоий бир истилоҳ сифатида махсус тариқатнинг номидир. Бу маслак ҳар бир ислом давлатида тасаввуфдан кейин кенгроқ шаклда ривож топган, ёйилган тариқат ҳисобланган [7]. Бу маслак ахлоқ нормалари доирасида ривожланди ва ислом тасаввуфи фаолиятини янада кучайишига ҳисса қўшди. Ижтимоий жиҳатдан эса ҳам ситамдийда ва жабр кўрган халққа ёрдам бериш мақсадида уюшган ташкилот сифатида ҳам сиёсий майдонда ўзини намоён этди ва бир қатор давлатларнинг сиёсий инқилобларига ҳам сабабчи бўлди.

Исломнинг дастлабки асрларида футувват тасаввуфга жуда яқин ва ўхшаш бўлган. Баъзи бир махсус одоб ва удумларни ҳисобга олмаганда ташқи жиҳатдан уларнинг ўртасида фарқ йўқдек эди. Шу сабабдан ҳам тарих саҳнасида кўпчилик сўфийлар ва орифларнинг ушбу маслакка содиқ бўлганларини, унга интилганларини, шунингдек жамиятнинг инсонпарвар кишилари ва хизматчилари унга мойил бўлганини кўриш мумкин.

Унинг моҳияти ва қандай бўлганлигини янада ойдинлаштириш мақсадида куйида бир нечта форсий футувватномалардан мисоллар келтириб ўтамиз. Мулла Ҳусайн Воиз Кошифий Сабзаворийнинг “Футувватномаи султония” асарида шундай келтирилади: “Футувват илмининг мавзуси инсондир ва шу жиҳатданки мақтовга лойиқ сифатлар ва гўзал хулқларни шакллантириш ҳамда қабих ва разил хулқлардан узоқлашишни ўргатади... Футувватнинг учта мартабаси бордир; биринчиси саховатки, ҳар нимаики бўлса халқдан аямагай. Иккинчиси сафо бўлиб, кўксини кибру гинадан пок ва озода сақлагай. Охирги мартабаси вафо бўлиб, Ҳақдан ҳам, халқ ҳам узоқлашмагай. Футувват илми шариф ва мўътабар илмлардан бўлиб, тавҳид ва тасаввуф илмининг бир бўлагидир” [8].

Асарда яна шундай ўқиймиз: “Жавонмардлик икки сифат устига қурилган: бири дўстларга фойда келтириш бўлиб, ундан сахийлик ҳосил бўлади. Иккинчиси душманларга зарар келтириш бўлиб, бу шижоат бўлишининг сабабидир.... Футувватнинг “фе” ҳарфи фанога далилдир, токи бу йўлга кирган солиқ ўз сифатларидан фоний (озод, маҳв) бўлсин, зеро разил сифатлар билан у боқий бўла олмайди. Биринчи “те”си тажридга далилдир. Футувватнинг “вов”и вафога далилдир. Яъни зоҳир ва ботин одобларини асрашга далилдир. Охирги “те”си Оллоҳдан ўзга барча нарсани тарк этишга далилдир [9].

Шайх Шаҳобиддин Умар Сухравардий (632 ҳиж.) ўзининг “Футувватнома”сида футувватнинг ўн икки рукнини куйидаги тартибда санаб ўтади: жинсий шаҳватдан тийилиш, қорин-ошқозон шаҳватидан тийилиш, тилни тийиш, кўриш ва эшитишни тийиш, қўл ва оёқни тийиш, хирсу аёлларга ҳавас қилишдан тийилиш, саховат, карам, тавозе, авф, вуслат, яқинлик ва ҳақиқатга интилиш мақомида йўқлик ва хушёрлик. Шайх юқоридаги ҳар бир рукнга изоҳ бериб, ўзининг бошқа бир “Футувватнома”сида шундай ёзади:

Муфти фатво ёзса, ҳеч бир киши эътироз билдира олмайди. Ваҳоланки, фатво ва футувват сўзларининг ўзаги бир хил. Шу жиҳатдан футувват аҳлидан бўлган киши адлу инсофга ҳам худди шундай эътиборда бўлиши лозим.

Футувват соҳиби саховат ва муруватга бел боғлаган ва кўлини очган одам баҳоли қудрат ҳеч нарсага қийналмаслиги, дариф тутмаслиги ва модомики дастурхони очиқ экан хонақоҳ одатига кўра, футувватхона одати ҳам хонақоҳ каби бўлади, зероки футувват соҳиби ҳам худди касб эгасидек бўлади ва у ҳам хонақоҳни бино қилувчидир. Ҳар бир келувчи ва эшитган футувват тақясидан ўз насибасини олиб кетиши ҳамда у ердаги таому шаробдан, кийим-кечакдан, илму ҳилмдан, ҳикмату маърифатдан ва шунга ўхшаш неъматлардан каму кўп бўлсин, ўз қудратига қараб халқни баҳраманд қилиши лозим [10].”

Абдураззоқ Кошонийнинг “Тухфатул-ихфон” асарида (ваф. 736 х.) ҳам “Футувват ҳақиқатининг баёни” сарлавҳаси остида куйидагиларни ўқиймиз:

“Футувват фитрат (табиий) нурунинг ёришиши ва унинг ёруғлиги зулмат устидан қоплаб олишидан иборат бўлиб, натижада нафснинг барча фазилатлари намоён бўлади ва разилликлар йўқолиб кетади. Худди инсон фитрати (табиати) каби ҳар вақт ернинг офатларидан ва нафс даъволаридан, жанжалларидан саломатлик топади ҳамда табиий ёпинғичлар пардасидан ва жисмоний

алойиклар қайдидан халос қилади. Соф ва нурли қилади ҳамда бахтга ва камолатга чанқоқ бўлади, натижада паст нарсаларни сидириб ташлайди, разил васфлардан ва ёмон хулқлардан узоқлашади, баъзи ловозимотларни эътироз қилади, дунёвий... деворидан ҳамда ғзабга ва шахватга тўла либосларни четга улоқтиради. Ўткинчи ишларда олийҳимматлилик кўрсатиб, карамлилик ва олийлилик олийжаноблик фазилатлари томон юз буради ҳамда таъбида, характерида бўлган камолот ва фазилатларини намоён қилишга интиқ ва иштиёқманд бўлади". Мазкур манбада яна шундай келтирилади: "Футувват тамойилининг асл ва асосий жиҳати шуки, худди ёмон нафси тарк қилиш сингари разилликлардан узоқлашишдир. Нафси тарк қилиш осон ишлардан бири бўлган ва қачонки нафс разилатини тарк қилиш ақл заковат туфайли озодлик топса, мушкулотлардан пок бўлган фазилатлар ва чиройли сабр ҳосил бўлади. Оллоҳ таоло марҳамат қилади: "Ҳамда гўзал (нарс)ни тасдиқ этса, бас, унга осон (йўл)ни муяссар қилурмиз" [11].

Шамсиддин Муҳаммад Омилий (ваф. 753 ҳиж.)нинг "Нафойис ул-фунун фий аройис ул-уйун" асарининг футувват бўлимидаги анчагина маълумотлар Кошонийнинг "Тухфат ул-ихвон" асаридан олинган бўлса-да, унда ҳам ушбу мавзуга бағишланган баъзи янгиликларни олиш мумкин: "(Футувват бу) инсоний фитрат нурунинг маърифат ҳолатида намоён бўлиши асносида нафсоний зулматни босиб олиши ҳамда халойиқ фазилатларини фаришталар хулқига мубаддал қилиш ва разолатларни маҳв қилишга айтилади.

Фатий истилоҳи тил юзасидан ёш йигит деган маънони, моҳият жиҳатидан табиий хислатнинг (фитрат) комилликка эришган. Бинобарин бандада кибру ҳаво устунлик қилар экан ва башарият кудуратлари унда зоҳир бўлар экан, худди (ҳеч нарсанинг фарқига бормайдиган) гўдак боладек бўлади. Агар у ўз мақомида тараққий топса, табиий фитрат ундан нафсоний маразлар ва офатларни ҳамда шайтоний разилликлардан тозаласа, ундай киши гўё ёш йигит каби бўлади ва унда инсонийлик маъноси қувват олиб, камолотга етишади. Ҳаракатларида фазилатлар ҳосил бўла бошлайди, худди ёш йигитда жисмоний қувватлар, баданида комиллик асари кўрингани каби. Жавонмардни кўнгил соҳиби деб ҳам аташади. Зеро инсон фитрати камолотга эришса, уни соҳиби дил деб аташади. Шу сабабдан Худои таоло марҳамат қилади: "Из жаъа раббаху биқолбин салим", яъни "Оллоҳни қўйиб сохта илоҳларни истайсизларми..." [12].

Ибн ал-Меъмор Ҳанбалий (ваф. 642 ҳиж.) ҳам шундай ёзади: "Футувват диний хислатлардан бир хислатдир" [13].

Мир Саййид Али Ҳамадоний (ваф. 786 ҳиж.) ҳам ўзининг "Рисолаи футувватия"сида айтади: "Футувват солиқлар мақомидан бир мақом, фақр бўлагидан бир бўлак ва валийликдан бир қисмдир" [14].

Хулоса қилиб айтганда, дастлабки футувват ҳақидаги фикрлар араб тилидаги адабиётларда пайдо бўлган. Кейин эса форс тилидаги манбаларда жавонмардлик тарзида келтирилган. Туркий тилда алоҳида футувватнома деб аталувчи асарлар бўлмаган; туркий тилдаги футувватномалар бу ахлоқий асарлардир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қуръони карим. Нисо сураси, 123-оят; Юсуф сураси, 30, 36, 62-оятлар; Қаҳф сураси, 10, 13, 63-оятлар; Анбиё сураси, 60-оят.
2. Китоб ал-футувва Ибн ал-Меъмор, 130-138 сах., Адабиёт факультети журнали, 2-сон, 4-йил, 76-сах.
3. Китоб ал-футувва Ибн ал-Меъмор, 5-сах; Луғатномаи Деххудо, 79-сон, 59-сах. Баъзилар жангдаги қакшатқич зарбаларга дош бериш, қийинчиликларига чидаш фатийликнинг учинчи хусусияти деб ҳисоблайдилар. Бироқ шижоат маъносининг ўзи айни шу маънони ҳам берадики, бу фазилатни алоҳида санаб ўтиришнинг ҳожати йўқдир. Яна қаранг: Ваҳид, 7-сон, ҳижрий шамсий 1347 йил, 626-саҳифа.
4. Ҳотам бин Абдуллоҳ бин Саъид Тоъий, сахийликда, ҳикматда, жавонмардлик ва шеъриятда шухрат қозонган шахс. Вафоти тахминан 575 йиллар атрофида содир бўлган. (Саъдийдан Жомийгача, Устод Ҳикмат хошиялари, 535 сах.
5. Бўстон. Иккинчи бўлим. 284- 287 сах, Саъдий куллиётидан; Яна Қаранг: Араб адабиёти тарихи. Профессор Никольсон, 85-87 сах, Ҳотам Тоийнинг жавонмардлиги тўғрисида. Қаранг: Бу ҳақда Жуё Табризий (ҳиж.қам. 1118 вафот этган) бир маснавий ёзган. Жуё девони. 119-205 сах.
6. Китоб ал-футувват соҳиби, 178 саҳифада келтирадики, улар томонидан қилинган ҳар бир исломдан узоқ иш натижасида уларнинг исломий футувватдан чиқишига сабаб бўлади. Аллома Ибн Жавзий "Талбиси иблис" асарида (421 сах, Миср нашри, 1928 йил милодий) да бир фатий томонидан шундай нақл қилинади: "Ал-футувва ла язни ва ла якзиба ва яҳфаул-ҳарам ва ла яҳтака сатара амрата" ва Европалик жавонмардлар учун. Қаранг: Webster's New International Dictionary p. 471 and Encyclopaedia Of Religion and Ethics Vol. III pp. 565-567.
7. Саййид Нафисий. Сарчашмаи тасаввуф дар Эрон. 134 сах.
8. Мулло Ҳусайн Воиз Кошифий Сабзаворий. Футувватномаи Султоний. Ҳусайн Воиз Кошифий Сабзаворий. Доктор Маҳжуб сўзбошиси билан, 5-сах. Форс тилидан профессор Н.Комилов тарж.
9. Ўша асар, 22-28 сах. Форс тилидан профессор Н.Комилов тарж.
10. Расойили жавонмардон (Жавонмардларнинг рисолалари) 98, 104, 125-сах.
11. Ал-лайл" сураси, 6-7-оятлар.
12. "Ас-софот" сураси, 86-оят, Ҳазрат Иброҳим а.с. ҳақида айтилган.
13. Китоб ал-футувва ибн ал-Меъмор. 139-сах.
14. Рисолаи футувватия Мир Саййид Али Ҳамадоний.

**ХУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙНИНГ ЎҒЛИ ФАХРИДДИН АЛИЙ САФИЙ
ВА УНИНГ ҲАЁТИ, ФАОЛИЯТИ, ИЛМИЙ-АДАБИЙ МЕРОСИ**

*Умурзоқов Баҳриддин Сафарович
Тошкент давлат шарқшунослик университети
кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.ф.доктори (PhD)*

Алишер Навоийнинг ҳомийлиги, хос эътибори натижасида баракали ижод қилганлардан бири Савзаворлик Хусайн Воиз Кошифий ва унинг ўғли Алий Сафийдир. Алишер Навоийнинг беғараз моддий ва маънавий ёрдами сабаб Кошифийлар оиласи номи абадиятга муҳрланди, десак асло муболаға бўлмайди.

Адабиётшунослик фанида ҳозиргача Хусайн Воиз Кошифий ва Мавлоно Фахриддин Алий Сафий Ҳиравий ҳаётлари ва ижодлари ҳақида биронта ҳам махсус тадқиқот йўқ. Фақатгина Алий Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (Ҳаёт булоғидан томчилар) асарининг тошбосма-литографик нашрларидан тарихчи олимларимиз ва адабиётшуносларимиз ўз илмий тадқиқотларида истифода қилишган [1;5;6;7;8;9;10;11;12;13;14]. Аммо “Рашаҳот” асарининг тошбосма ва литографик нашрлари билан асарнинг кўлөзма нусхалари ўртасида жиддий фарқлар, ўзгаришлар мавжуд.

Навоийдан юксак эътибор ва эҳтиром кўрган Кошифийлар оиласининг улуғи, шубҳасиз, Хусайн Воиз Кошифийдир. Аввало бу аллома ҳақида қисқача сўз юритсак.

Алломанинг тўлиқ номи: Мавлоно Камолуддин Хусайн ибн Алий Воиз Кошифий Сабзаворий Ҳиравий (ваф. 910 /1504). Воиз Кошифий ўз даврининг етук қомусий олими бўлиб, катта шон-шуҳратга эга бўлишига қарамасдан, бизда унинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида батафсил маълумот берувчи биронта ҳам махсус йирик монография яратилмаган.

Навоий Хусайн Воиз Кошифийга таъриф берар экан, бундай деб ёзган: “Мавлоно Хусайн Воиз - “Кошифий” таҳаллус қилур, Сабзаворликдур. Йигирма йилга яқин борким, шаҳрдадур ва Мавлоно зу фунун-у рангин ва пуркор воқеъ бўлубдур. Оз фан бўлғайким, дахли бўлмагай. Хусусан, ваъз, иншо ва (илми) нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсисида матааййин (алоҳида, тайин -У.Б.) ва машҳур ишлари бордур...” [3. 132]

Навоий Хусайн Кошифийнинг аллома эканини, деярли барча фанлардан чуқур бохабар зотлигини, айниқса, иншо (наsr) ва илми нужум, яъни фалакиёт (астрономия -У.Б.) илмларида ғоят истеъдодли олимлигини эътироф этган.

Навоий Кошифийнинг муфассирлигига (Қуръон илмлари билимдон эканига -У.Б.) алоҳида тўхталган. Навоий Кошифийнинг “Тафсир”и ҳақида бундай деб ёзган: “Мавлононинг тафсири “Жавоҳир ат-тафсир” дур, “ал-Бақара” сурасини бир мужаллад битибдурким, (бу суранинг ўзи -У.Б.) юз жузъ бўлғай” (3. 124)

Бугунги кунимизгача “Тафсир-и Хусайний” номи билан маълум ва машҳур бўлиб келган мазкур “Мавоҳиб-и Алийя” асарининг эллиқдан ошиқ нусхалари ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлөзмалар

хазинасида, шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари кутубхонаси фондида мавжуд. Булар ичида муаллиф, яъни Кошифийнинг дастхати билан ҳижр. 899 санада/ мел.1493 йилда кўчирилган, безакли, хушхат нусхаси, айниқса, ғоят нодир асар ҳисобланади (18:429)

Мазкур манбани ўрганиш асносида биз шундай хулосага келдикки, бу қўлёзма нусхани Воиз Кошифий ўз муборак қўли билан махсус қилқаламда ёзиб тугатгач, Ҳазрат Навоийга эҳтиром ила ҳадя айлаган. Зотан, ушбу “Тафсир”нинг асл номи, яъни “Мавоҳиб-и Алийя” (Ҳазрат Алишерга тухфа) шунга ишора қилмоқда.

Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийнинг тафсирдан ташқари, ҳадис, адабиёт, тарих, риёзиёт, кимё фанларига оид қирқдан ошиқ катта ҳажмли илмий-адабий асарлари бор. Мана шунинг учун ҳам Навоий Воиз Кошифий ҳақида “оз фан бўлмайким, дахли бўлмағай” деб ёзган эди (3:124-125).

“Рашаҳот”даги маълумотга асосланиб, айтишимиз мумкинки, Ҳазрат Навоий ва Ҳусайн Воиз Кошифий дўстлиги, ижодий ҳамкорлиги қирқ йилдан ортиқроқ бир даврни ўз ичига олади. Бу икки истеъдод соҳиби ўртасидаги беғараз, самимий дўстлик ҳамда ижодий ҳамкорлик таҳсинга лойиқ бўлган ва ажойиб самаралар берган.

Навоий тазкиранавис ва шоир сифатида эътироф этган Кошифийларнинг яна бир вакили борки, бу Фахруддин Алий Сафийдир.

Алий Сафий ўз асарлари муқаддимасида ўзини куйидагича таништирган: “Фахруддин Алий ибн Ҳусайн ал-Воиз ал-Кошифий - у “Сафий” тахаллуси билан танилгандир” [19. 14]. Маълум бўлмоқдаки, Алий Сафий Ҳирот илмий ва адабий мактабининг етук намояндаси бўлган Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғлидир.

“Сафий” тахаллусини шоирга Мавлоно Абдурахмон Жомий берганлиги нақл қилинган. Аслида Фахруддин Алий ўзига “Зиё(уддин)” деб тахаллус танлаган ва бу ҳақда Абдурахмон Жомийга айтганида, Жомий бундай жавоб қилган: “Сен Зиё тахаллусингни ўғлимга бергин - уни Зиёуддин деб атаимиз, ўзингга эса “Сафий” деб тахаллус қўйгил!”

Шу кундан бошлаб Фахруддин Алий ёзган асарларига “Сафий” деб тахаллус қўя бошлайди [19.9].

Алий Сафийнинг яшаб ижод этган жойи, вафот этган ва дафн қилинган ери Ҳирот бўлгани учун “Фахруддин Алий Сафий *ал-Ҳиравий*” деб ҳам аталган (15). Унинг таваллуд санаси ҳақида эронлик тарихчи олимлар ва тазкиранавислар аниқ маълумот айтишмаган [15.2]. Эронлик тадқиқотчи Аҳмад Гулчин Маъоний эса “Латоиф ал-тавойиф”га бағишланган тадқиқотида Алий Сафийнинг туғилган санасини тахминий йўл билан аниқлашга ҳаракат қилган [15.3].

Алий Сафий ҳижр. 867 сана/ 1471 йилда Сабзавор шаҳрида туғилган (19). У ўз таваллуд йили ҳақида “Рашаҳот” асарида бундай деб ёзган: “Хизмати волидим (яъни, Ҳусайн Воиз Кошифий - Б.У) алайҳи-р-рахма айтур эрдиларким, “Сен жумъа кечаси жумоду-л-аввал ойининг йигирма бирламчисида саккиз юз олтмиш еттида мутаваллид бўлдинг...” [19.9]

Алий Сафийнинг, ҳақиқатан, Сабзаворда туғилганига “Рашаҳот”даги куйидаги маълумот асос бўла олади: “Мен биринчи марта Самарқандга келиб, Ҳазрати Эшон (яъни, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор -У.Б.) билан учрашиш шарафига муяссар бўлганимда, ул зот мендан: “Эй, йигит! Қаерликсан?” деб сўрадилар. Мен: “Туғилган ерим Сабзавор, аммо Ҳирийда (Ҳирот шаҳрида -У.Б.) нашъу намо топибдурман”, деб жавоб бердим” [19.9].

Алишер Навоий “Мажолис ан-нафоис” номли асарида Алий Сафий ҳақида бундай ёзган: “Ул бағоят дарвешваш ва фоний, дардмандшева йигитдур. Ҳиротдан Самарқандга Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор суҳбатига мушарраф бўлур учун борди ва андоқ дерларким, онда қабул шарафин топиб, иршод ва талқин саодатига сарафроз бўлуб, яна Хуросонга келди...” [3.132].

Алий Сафий илк сабоқни замонасининг етук олимларидан бири бўлган отасидан олганлиги шубҳасиз. Шунингдек, Ҳирот мадрасаларида илм таҳсил қилганлиги ҳам аниқ. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа Ҳирот олимлари, шоирлари билан мулоқотда бўлганини унинг “Латойиф ат-тавойиф” (“Ажойиб лутф сўзлар”) номли асаридан ҳам билиб олиш мумкин. Мазкур асарда Ҳиротнинг таниқли олимлари, шоирлари ўртасида бўлиб ўтган қизиқ ҳикоялар, нуктадонлик, яъни топқирлик, заковат билан ўзаро айтилган латиф сўзлар ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, Алий Сафий 1484 йили Мовароуннаҳрга келади. У Қаршида Хожа Аҳрор билан учрашиш бахтига муяссар бўлади ва тўрт ой давомида ул зотнинг хизматида бўлади. 1487 йилда у яна Самарқандга келиб, энди саккиз ой Хожа Аҳрор хизматида бўлади. Алий Сафий Хожа Аҳрор ва ул зотнинг ўғилларидан кўп илтифотлар кўради.

Алий Сафий Хожа Аҳрордан эшитган сўзларни ёзиб боради. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор вафотидан кейин ёзиб олган нарсаларини жамлаб, бир китоб қилишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Бироқ замоннинг турли воқеа-ҳодисалари, замона нотинчлиги боис бу орзусини тўлиқ амалга ошира олмайди. Ниҳоят, 1503 йили, яъни Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор вафотидан 16 йил ўтиб, мазкур китобини ёзиб тугатишга муваффақ бўлади ва китобига “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (“Ҳаёт булоғидан томчилар”) деб ном кўяди. “Ажойиб тасодифлардан бири шулки, - деб ёзган эди муаллиф, - китобнинг номи унинг ёзилиш тарихини (абжад ҳисоби бўйича - Б.У.) ифодалайдиган бўлиб чикди” [19.16].

Фахруддин Алий Сафий Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ёлғиз фарзандидир. Тарихчилар ва тазкиранависларнинг бу ҳақдаги фикрлари бир хил [15.3].

Эронлик тарихнавислар ва тадқиқотчиларнинг асарларида Мавлоно Жомий ва Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий божа бўлишган, деган қараш бор [15.4]. Тарихчи олим Б.Аҳмедов эса “(Ҳусайн Воиз) Кошифий Абдурахмон Жомийнинг қайин инисидир”, деб ёзган [5.202]. Ўз тадқиқотимиз асосида бу қарашларнинг хато эканига қатъий амин бўлдик. Чунки Фахруддин Алий Сафий “Рашаҳот” асарида Мавлоно Жомий таржима-и ҳолини баён қилар экан, бундай деб ёзган: “Ушбу сатрлар муаллифига (яъни, Алий Сафийга - Б.У.) тўққиз юз тўртинчи сана шаббон ойида Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруху

ҳазратларининг катта ўғли Хожаи Калон хизматига киришлик ва ул зотга домод бўлишлик насиб бўлди. Ва (Мавлоно Хожаи Калон - Б.У.) мени бандаликка (яъни, муридликка, шогирдликка - Б.У.) қабул қилдилар. Шунда падарим алайхир-рахма (яъни, Мавлоно Хусайн Воиз Кошифий - Б.У.) дедиларки, “шул воқеъаки, бундан қирқ йил олдин (туш -Б.У.) кўрган эдим, мана шу соатда воқеъ бўлди, ўз таъбирини топди...”

Алий Сафий Мавлоно Жомий таржимаи холи баёни охирида яна куйидагиларни ёзган: “Махфий қолмасинким, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддуса сирруҳунинг валади бузрукворлари Ҳазрати Хожаи Калоннинг икки қизлари бор эди. Бирига Мавлоно Жомий уйланган эдилар, иккинчи қизлари эса мен билан никоҳланди. Ва (қуйидаги мисралар -У.Б.) мана шу маънода айтилди: Қитъа.

*Ду кавкаби шараф аз буржи Саъд миллату дин,
Тулуъ карду бар омад ба сони дур зи садаф.
Аз он яке ба зиё гаит байти орифи Жом,
Аз ин ҳазиз ва боли Сафий шуд авжи шараф”.*

Мазмуни:

*Икки шараф юлдузи миллат ва диннинг бахтиёрлик буржидан,
Дур садафдан чиққани каби нур сочиб чиқди.
Улардан бири Жом орифи уйининг нури бўлди,
Бу насибадан Сафийнинг қаноти шараф чўққисига етди [19.212].*

Демак, Абдурахмон Жомий Мавлоно Хусайн Воиз Кошифий билан эмас, балки унинг ўғли Алий Сафий билан божа бўлган.

“Риёз ал-уламо” муаллифи ёзишча, Мавлоно Кошифий Ҳирот ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида шиъа ва рофизий фирқаларига мансуб деб танилган эди. Сабзавор ва бошқа шаҳарларда эса у шийъа мазҳаби мансуби деб гумон қилинган ва бунга ишонишган [15.5]. Аслида эса, Мавлоно Хусайн Воиз Кошифий ва ул зотнинг ўғли Алий Сафий Аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқоди ва ҳанафий мазҳабига мансуб эдилар. Бунга уларнинг ёзган адабий асарлари, илмий мерослари яққол мисолдир.

Отасининг вафотидан кейин Ҳиротнинг катта жомеъсидаги ваъз, хитобат иши Алий Сафийга қолди. “Ҳабиб ас-сияр” муаллифи Мавлоно Хондамир бу ҳақда куйидаги маълумотларни берган: “929 ҳижр. сана (мел. 1522 йил) Мавлоно Камолуддин Хусайннинг фарзанди аржуманди Мавлоно Фахруддин Алий отаси ўрнига қоими мақом (ўринбосар - Б.У.) бўлди. Жумъа сабоҳи у Ҳирот жомеъсида - бу жомеъ барча файз оладиган муборак бир ердир - халққа насиҳат айлар, барчани Ҳаққа даъват этур эди. Ғоят хуш, балиғ, чиройлик нутқ қилур ва бу хитоб-иршоди билан кўнгилларга сурур бахш қилур эди...”

“Тухфа-и Сомий” асарига ишланган миниатюра (митти, кичик сурат -У.Б.) “Мавлоно Фахруддин Алий Сафийнинг ваъз мажлиси” деб номланган [15.40]. Бу сурат Фахруддин Алий Сафийнинг Ҳирот илмий муҳитида ўзига хос мавқе эгаси бўлганига далолат қилади.

Мавлоно Жомийнинг, кейинроқ Алишер Навоийнинг вафотидан сўнг илм-фан, адабиёт ва санъат барқ уриб гуллаган Ҳиротдан файз-у барака кўтарилди.

Ҳижрий 938 сана Рамазон ойининг 29-куни (мел. 1531 йил) Убайдуллоҳхон ўз лашкари билан Ҳирот ташқарисига келди ва бу шаҳарни қамал қилди. Сув, озиқ-овқат каби шаҳар халқи учун келадиган ёрдам йўлини батамом тўсиб қўйди. Аҳвол кундан-кун ёмонлашади. Иш шунга бориб етадики, халқ ит ва мушук гўшти ейишга тушди. Айна сананинг рабийбул-аввал ойининг 14-куни Шох Тахмасб Ҳирот халқига ёрдамга келди. Убайдуллоҳхон чекинди ва Ҳирот қамалдан озод бўлди.

Алий Сафий “Латойиф ат-тавойиф” асари дебочасида ёзишча, у 939 ҳижрий сананинг (мел. 1532 йил) охирида Ҳирот қамалидан кейин турли қийинчилик ва бало-уқубатлардан узоқ бўлиш мақсадида Ғуржистонга –Шох Муҳаммад Сайфулмулк хизматига борган [15.2].

Шох Муҳаммад Сайфулмулк Алий Сафийга ҳурмат кўрсатади. Шу боис у кўп таҳликалардан омон қолган. Чунки бу давр суннийлар ва шиъалар тортишувлари авж олган бир давр эди.

Алий Сафий ўзига кўрсатилган иззату ҳурматдан хурсанд бўлиб, Шох Муҳаммадни мактаб бир қасида ёзади. Шоир мазкур қасидасида азоб-уқубатлардан қандай омон қолганига алоҳида урғу берган. Аммо Алий Сафийнинг хотиржамлиги узоққа бормайди.

Ўша йили Шох Тахмасб Сафавий Ғуржистонга ўз амирларини қўшин билан юборди. Улар шаҳарни қўлга киритадилар. Шох Тахмасбнинг ўзи эса Машҳадга юриш қилади.

Ғуржистон ўт-олов, уруш чангалида қолган кунлар Алий Сафий бу шаҳардан қочади ва Ҳиротга қараб йўл олади. Бу йўлчилик Алий Сафийга оғир бўлган. У охириги бир йил мобайнида бошидан ўтказган азоб-уқубатлар таъсирида йўлда - Ҳирот яқинида вафот этади. Бу ҳақда “Анвор ал-қудсийа” асарида маълумот берилган: “У (яъни, Алий Сафий - Б.У.) Ҳирот ташқарисида вафот этди. Унинг (муборак) жасади Ҳирот шаҳри ичига олиб кирилди ва дафн қилинди. Бу воқеа ҳижрий 939 (мел. 1532) санада содир бўлди” [4.137].

Эронлик тадқиқотчи Аҳмад Гулчин Маъоний фикрига кўра, Фаҳруддин Алий Сафий бу вақтда олтмиш уч ёшда бўлган. “Рашаҳот”даги маълумотларга асосланадиган бўлсак, Алий Сафий бу вақтда етмиш уч ёшда бўлган. Алломанинг қабри Ҳирот шаҳридаги Ихтиёриддин қалъаси атрофида, отаси Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий қабри яқинида жойлашган [4.137].

Фаҳруддин Алий Сафийнинг фарзанди бор ё йўқлиги ҳақида бирон-бир маълумот тополмадик. Эронлик тадқиқотчилар ҳам бу ҳақда ёзишмаган.

Фаҳруддин Алий Сафий “Сафий” таҳаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Унинг “Лайли ва Мажнун” вазнида “Маҳмуд ва Аёз” номли шеърий манзумаси (достони), шунингдек, “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (“Ҳаёт булоғидан томчилар”) асарида қасидалари, ўндан ортиқ рубоийлари, китъалари ва байтлари мавжуд.

Қуйидаги асарлар Алий Сафий қаламига мансуб асарлар сифатида эътироф этилган: “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (“Ҳаёт булоғидан томчилар”), “Латойиф ат-тавойиф” (“Ажойиб лутф сўзлар”), “Анис ал-орифийн” (“Ориф зотларнинг ҳамроҳи”), “Ҳирз ал-амон мин фитан ал-замон” (“Замона фитналаридан халос бўлиш учун омонлик чоралари”), “Фарасномаи Сафий” (“Сафийнинг от

ҳақидаги достони”), “Одоб ал-асҳоб” (“Биродарлик одоби / Биродарлар учун одобнома китоби”), “Лавоих ал-қамар” (“Ойнинг кўринишлари ҳақида”), “Манзума-и Маҳмуд ва Аёз” (“Маҳмуд ва Аёз ҳақида шеърӣй достон”), “Луғат-и Алий Сафӣй” (“Алий Сафӣйнинг луғати/сўзлиги”).[19.12].

Яқинда Ҳирот шоирлари шеърлари асосида тузилган баёзлар тўпламини тадқиқи асносида Алий Сафӣй қаламига мансуб бир ғазалга дуч келдик. №1023 инв. рақам остида сақланаётган “Мажмуъа-и баёз”нинг 140а-140б варақ ҳошиясида “Ғазал-и Мавлоно Фаҳруддин Алий мутахаллас ба-Сафӣй” сарлавҳаси остида шоирнинг ғазали келтирилган бўлиб, ғазал қуйидаги мисралар билан бошланган:

*Илоҳо, дар диёр-и меҳнатам ҳашият паноҳе деҳ,
Зи дарду доғ-и ишқам тоғ-у тахт подшоҳе деҳ.*

Мазкур ғазал Алий Сафӣйнинг “Девон”идан олинганлиги аниқ. Галдаги муҳим вазифамиз иждокорнинг ана ўша “Девон”ини топишдан иборат бўлмоқда.

ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг Асосий ва проф. Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзма фондларида Алий Сафӣй асарларининг ўнлаб қўлёзма нусхалари ва тошбосма нашрлари сақланади.

Уларни ўзаро қиёслаганимизда, шу нарсага қатъий амин бўлдики, Алий Сафӣй асарларининг қўлёзма нусхалари мухтасарлиги, матни тўлиқ эканлиги билан ўша асарнинг литографик нашрларидан фарқ қилади. Тошбосма нашрларда чалкаш ўринлар талайгина учрайди. Айниқса, Алий Сафӣйнинг “Рашаҳот” асарининг нодир қўлёзмалари адабий манбашунослик хусусиятлари ва матншунослик жиҳатидан ҳануз яхлит ва изчил ўрганилган эмас.

Назаримизда мумтоз адабиётимиз асарларини тадқиқ ва тўғри талқин эта олишимиз учун адабий манбани матний тадқиқ этишнинг устувор вазифаларига фақат иждокор асари матни тадқиқи ва таҳлили билан кифояланмасдан, балки иждокорнинг ҳаёти, фаолиятига алоқадор барча маълумотларни ҳам изчил, чуқур ўрганишимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев И. Нақшбандия – оламшумул таълимот // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Т.: 1993. № 9-10. –Б. 55-58.
2. Али Сафӣй. Рашаҳот. Лакҳнав, 1890.
3. Алишер Навоӣй. Мажолисун нафоис. Асарлар. Ўн беш жилдлик. Ж. 12. / Нашрга тайёрловчи: С.Ғаниева. 1966.
4. Анвор ал-қудсийа фи манокиб ас-содоти ан-Нақшбандийа. Миср, 1344/1925.
5. Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI - XVII вв. (Письменные памятники) / Отв. ред. У.И.Каримов. –Т.: 1985.
6. Бабаджанов Б.М. Политическая деятельность шейхов накшбандийа в Мавераннахре (перв. пол. XVI в.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. –Т.: 1996.

7. Бобохонов Ш., Абдулазиз Мансур. Нақшбандия тариқатига оид қўлёмалар фихристи. –Т.: 1993.
8. Болдырев А.И. Ещё раз к вопросу о Ходжа Ахраре / Духовенство и политекая жизнь на ближнем и среднем востоке в период феодализма. – М.: 1982.
9. Валихўжаев Б. Хожа Ахрор тарихи. –Т.: 1993.
10. Веселовский Н.И. Памятник Ходжи Ахрара в Самарканде / Восточные заметки. –Санкт-Петербург: 1895.
11. Вяткин В. А. Изъ биографии Ходжи Ахрара. (Перепечатано из № 147. «Туркистанские ведомосты», за 1904 г.
12. Казаков Б. Анонимное житие Ходжи Ахрара. –М.: 1984.
13. Казаков Б. Сыновья Ходжи Ахрара и последние Тимуриды. –М.: 1982.
14. Каримов Э. Э. Роль, место и социальные позиции духовенство Мавераннахра в XV в.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. –Т.: 1990.
15. Мавлоно Фахруддин Али Сафий. Латойиф ал-тавойиф / Нашрга тайёрловчи: Аҳмад Гулчин Маъоний. Техрон, 1373 /1953.
16. Навоий замондошлари хотирасида / Тўпловчи: Б.Аҳмедов. –Т.: 1985.
17. Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. –Т.: 1984.
18. Тафсири Баҳр. Қўлёзма тафсир китоблар асосида Қуръони карим оятларининг маънолари, тафсирлари ва таъвиллари. Қуръони карим китобларининг қўлёзма китоблар фихристи. Монография / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи: Б.Умурзоқов. –Т.: 2010.
19. Фахруддин Али Сафий. Рашаот айн ал-хаёт (Обихаёт томчилари): тарихий-маърифий асар / Таржимон: Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад (XIX аср). Жорий алифбодаги ёзувга табдил қилиб, нашрга тайёрлаганлар ва кириш сўз муаллифлари: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умурзоқ. Сўнг сўз муаллифи ва масъул муҳаррир: Б. Умурзоқов. –Т.: 2004.

МУЛЛА ШАМСИДДИН ШАВҚИЙНИНГ “ТАРИХИ ШАВҚИЙ” АСАРИ

*Қўлдашев Шерали Темиралиевич,
ЎзКФА ШИ катта илмий ходим
тарих фанлари номзоди, доцент*

Мулла Шамсиддин Шавқий Намангоний(1805-1887)нинг нафис лирик шеърлари, реалистик асосдаги эпик асарлари адабиётимиз тарихида залворли қиймат ва мавқега эга [6;124]. Мазкур асарлар шоирнинг халқ учун, адабиётимиз тарихи ва тараққиёти учун қилган катта хизматларидир. Ишқ-муҳаббат, меҳру вафо, маҳбуба гўзаллиги ва фазилатлари, хижрон дарди, турли кечинма ва армонлар, инсоний ҳис-туйғулар шоир ғазалларида эҳтирос билан куйланади.

Шамсиддин Шавқийнинг шеърлари иккита девони дасхат шаклида бизгача етиб келган. Биринчи девон ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёмалар

ҳазинасида “Девони Шавқий” номи билан 1872-рақам остида сақланади. Қўлёзма 114 варак, яъни 228 бетдан иборат. Мазкур қўлёзманинг нахзац қисмида “Девон Шавқий” мусҳаф Одилжон ибн Носир Намангон шаҳри 1966 сана” деб ёзилган. Ушбу китобимизда мазкур қўлёзмани “Девони Шавқий - 1” деб белгиладик. Иккинчи девон Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Калвак қишлоғида истиқомат қилувчи Шавқийнинг эвараси Исмоилжон хожи Лутфиддинов (1968 йилда туғилган) хонадонида сақланиб қолган. Ушбу қўлёзмани “Девони Шавқий - 2” деб белгиладик. Ушбу қўлёзманинг ҳажми 26,5x16 см. 68 варакдан, яъни 136 бетдан иборат. Қўлёзмада 1 та бодомсимон нусхали, 8 та катта, 7 кичик юмалоқ муҳр босилган. Қўлёзма китоб қилиб тикилмаган. Сочма ҳолатда сақланиб келинган. Катта муҳрда 28^a, 29^a, 30^a, 31^a, 31^b, 34^a, 35^b, 52^a варакларда “Гарчи Шавқи баъмасият бандаст рожий аз раҳмати Худост 1299” - (Гарчи Шавқий маъсиятни қули бўлса ҳам Худони раҳматидан умидвордир. 1299/1881/82). деган ёзув туширилган. Бодомсимон нусхали муҳр ичида 37^a варакда ва кичик доирали муҳрда 62^b варакда “Шавқие муттеъ” (Итоаткор Шавқий), деган ёзув туширилган. Кичик муҳрда 41^b, варакда иккита “Мулла Муҳаммад Йўлдош Аллоҳни фақирни бандаларни ҳақирни” деган ёзув туширилган.

“Девони Шавқий - 2” Қўқон қоғозига насх хати билан Қўқон қоғозига кўчирилган. Шеърлар ҳар саҳифага 12-38 қатордан жойлаштирилган. Девонда алифбо тартибига риоя қилинмаган. Қўлёзма мувоқаланмаган. Девонга жами 3000 мисрадан ортиқ ўзбек ва форс тилидаги шеърлар киритилган. “Девони Шавқий - 1”да Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олиниши билан боғлиқ дoston мавжуд. Мазкур дoston Заки Валидий Тўғон томонидан тилга олинган *تاريخ شوقى* “Тарихи Шавқий” асарининг айнан ўзи бўлса керак. Чунки Заки Валидийга кўра Шавқий мазкур асарида Россия империяси босқинчиларига нафрат билан қараганлигини баён этган [3;86-109]. Дарҳақиқат “Девони Шавқий - 2”да айнан шу мазмунни ифодаловчи сатрлар дебоча сифатида келтирилган.

Россия империяси босқинидан сўнг шаклланган тарихий шароит, сиёсий тузум ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда сўз юритар экан Шавқий хон замонида мусулмончилик обод бўлганлигини таъкидлайди.

*Мусулмонлиг маҳалда мулкимиз обод эди чандон,
Мусулмон кишвари ичра бор эди ҳам мусулмон хон.
Мусулмонлиг иши тутмоқ эди бизларга кўп осон.
Мусулмонда ҳукумат борида комил иймон эрди,
Ўрус фармониға кирдик бу ишлар кўп ёмон ўлди.*

Шавқийнинг замондоши Муҳаммад Азиз Марғилоний “Тарихи Азизий” асарида ҳам ўша даврдаги аҳолининг иқтисодий аҳволи, маънавий-маданий турмуш тарзи борасида қизиқ маълумотларни келтиради. Бизнингча унинг бу ёзганлари Шавқийнинг сўзларига айнан мос келади: “Хўқанд хонларининг вақтида Фарғона аҳли орасида пул оз эди ва нарх арзончилик эди. Ёз фаслида бир ароба ҳандалак икки ярим тангадан то 5 тангагача (Аъробий – сахройи араб.) ва бир ароба қовун - ўзи урганжий эди, бизнинг чораккоримиз уч ярим тангага

сотганини мен биламан. Бир катта саватдаги ўрик уч мирий ва бир танга эди” [4;79].

Хонлик замонида тож-тахт учун кураш қанчалик фожеаларга тўла бўлмасин, ҳар ҳолда ҳаёт бир дақиқа ҳам тўхтаб қолмаган. Дехқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик, табобат ривож топган. Таълим-тарбия, маиший маданият, кишилар ўртасидаги қариндош-уруғчилик анъаналари, оила қуриш маданияти исломий ақида ва амаллар асосида олиб борилган. “Беш қўл баробар эмас” деганларидек, юрт яхшидан ҳам, ёмондан ҳам, чакқондан ҳам, ландовурдан ҳам, инсофлидан ҳам, инсофсиздан ҳам, диёнатлидан ҳам, виждонсиздан ҳам, сахийдан ҳам, ўғри-муттаҳамдан ҳам холи бўлган эмас [1;5-6].

“Девони Шавқий - 2”да ушбу дostonнинг тўлиқ қисми сақланмаган. Сақланиб қолган қисми 400 мисрадан иборат. Шавқий авлодларини айтишларича девоннинг кўп қисми ўғирлаб кетилган.

Тарихдан маълумки, 1875 йили Худоёрхон тахтни ташлаб Тошкентга қочгандан кейин Абдурахмон офтобачи Худоёрхоннинг тўнғич ўғли Насриддинбекни (1850-1882) хон деб эълон қилиб тахтга ўтқизган ва 1875 йилнинг 7 августида Россия империяси мустамлакачиларига қарши ғазавот эълон қилади ва халқ озодлик ҳаракатини бошлаб юборади. 1875 йил 23 августида Маҳрам калъаси остонасида руслар билан Абдурахмон офтобачининг кўшини ўртасида қаттиқ жанг бўлади. Қўқонликлар мағлубиятга учрайди. Туркистон ҳарбий генерал-губернатори К. П. Кауфман кўзғолончиларни бирин-кетин тор-мор этиб, Қўқон, Марғилон ва Ўшни босиб олади. 1875 йил 22 сентябрда Кауфман Марғилон шаҳрига Насриддинхонни таклиф қилиб, аҳоли учун жуда оғир бўлган 22 моддадан иборат битимга имзо чектиради. Бунга биноан Қўқон хонлигига қарашли Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги барча ерлар, шаҳар ва қишлоқлар Туркистон генерал-губернаторлиги ихтиёрига ўтган. Бу ҳақда Шамсиддин Шавқий куйидаги мисраларни битган эди:

*Губернатур Хўжанд ичра кириб келди ўзини маҳкам,
Пароканда йиғилгонларга етди андуҳ беҳад ғам.
Ўрис чиқди уришга бош экан эди гўбернатур.
Уруш майдони соз ўлди қани жанг қилғали шотир,
Кўруб олди йақога ўзларин лоф ургучи ботир.
Ривожу кетти ислом аҳлини жаъм ўлмади хотир,
Мусулмонларга кулфат гайридинлар камрон ўлди.
Мадад еткурмади офтобачий жанг ахли кўб шаити,
Йироқ ерда урушмасдин ўшал тургонча қошди.
Ўрис саллоти бостурди мусулмон жойидин ошди,
Қочиб дарёга солди ўзларин дарё тўлиб-тошти.
Зафар топти ўруслар қочдилар андин мусулмонлар,
Ҳама мўмин бошига тушти ул кун шуур афгонлар.
Мисоли сув каби оқти уруш ерда қизил қонлар,
Эшитгач ваҳми бирла қолмадий ҳеч кимда дармонлар*

Ҳама эл зор йиғлаб ишлари оху-физон ўлди.

Асрлар давомида маънавий покиза ҳаёт кечириб келган, фарз ва суннат амалларига қатъий амал қилган, қадимий, анъанавий оила мустаҳкамлигига эга маҳаллий халқнинг турмушига фахш нарсаларнинг олиб кирилиши Фарғона уламоларида, хусусан Шамсиддин Шавқийдек буюк тарихчида катта нафрат уйғотганлигини қуйидаги мисралардан кўриш мумкин:

*Даруго кишвар Фарғона бизга кўп зиён ўлди,
Муслмондин ҳукумат кетгали беҳад ёмон ўлди.
Тушуб мўминга кулфат гайри динлар комрон ўлди,
Шариат боғин гулзориға бод хазон ўлди.*

“Тарихи Шавқий”да Чор мустамлакачилари халқ орасида катта обрўга эга Хўжа Муҳиддин, Боқихон, Хўжа Раҳматилло, Саримсоқ хўжа, Низомиддин, Хўжа Юнус, Баҳодурхон сингари шахсларни йирик мансабларга тайин қилганликлари айтилади:

*Бўлдилар ушбу етти тан мумтоз,
Шояд ўлса маърифат ҳукми соз.
Шаръи ҳукмга ҳоким ўлса муайин,
Топқай андин ривож шаръидин,
Хоҳиш айлаб бу етти донони,
Марду бо журъат таваннони.
Рус шоҳи бериб буларга амал,
Шаръи ижросини қилурга жадал.*

Шавқий мазкур зотларга таъриф берар экан ибрат тарзида икки араб ҳикоятини келтиради. Мазкур ҳикоят Мавлоно Хусайн Воиз Кошифийнинг (1440-1507) “Ахлоқи муҳсиний” асарида қуйидаги нақл қилинган:

“Халифа Маъмун (813-833 замонида бир аъробий бор эдиким, саҳрода шўр ерда туғилиб ўсган эди. Қишлоқда қудуқнинг бемаза сувидан бошқа сувни кўрмаган эди. Бир пайт аъробий яшаган қабилада қаҳатчилик бошланди. Ҳамма егулик ахтариб ҳар тарафга кета бошлади. Аъробий ҳам бола-чақасини қолдириб, иш кидириб Бағдод томонга равона бўлди. Йўлда кўрдик, бир жойда ёмғир суви тўпланиб кўлмак бўлиб қолибди. Ичиб кўрган эди, ниҳоятда тотли кўринди. Чунки ўз қишлоғидаги сув кўлмак сувдан ҳам бемаза эди. Ўзига дедик: “Бундай ширин сув жаннатда бўлади деб эшитган эдим. Аллоҳу таоло бечора ва мискин эканлигимга раҳми келиб, бу сувни менга ато қилибдур”, - деди.

- Бу сувдан бир оз олиб, Бағдод халифасига олиб борсам, менга кўп эҳсон қилса керак. Шу билан мен ва аҳли аёлим қаҳат балосидан омон қолсак ажаб эмас, - деб мешга сувдан олди. Бағдод томонга равона бўлди. Бағдодга бир оз масофа қолганда кўрдик, халифа шикорга чиқибди. Дарҳол халифанинг олдида борди ва халифага дуоғўйликка мутаважжих бўлди.

Халифа сўрадики: “Эй аъробий, қаердан бўлурсан ва не иш билан борурсан?”, - деди.

Аъробий: “Мен фалон бодиядан бўлурман. Қаҳат балоси туфайли бола-чакам оғир аҳволда қолдилар. Шунинг учун сизнинг олдингизга келаётурман.

Лекин қурук қўл билан келганим йўқ. Тухфа олиб келдим. Бундай тухфани ҳеч ким кўрган эмас”, - деди.

Халифа: “Тухфангни кўрсат”, - деди. Аъробий мешни суви билан берди ва “Бундай ширин сувни ер юзида ҳеч ким ичган эмас. Бу жаннатнинг суви. Буни менга Худойим раҳм қилиб ато қилди. Сизга олиб келишимдан мақсадим, шу туфайли менга эҳсон қилсангиз, бола чақам билан қаҳатчиликдан эсон-омон чиқиб олсак”, - деди.

Халифа сувни ичиб кўрди, билдики оддий кўлмак сув экан. Лекин ҳеч кимга билдирмади. Аъробийга минг динор беришни буюрди ва “Сен шу ердан уйингга қайтгин. Бағдодга ўтишинга сенга руҳсат йўқ”, деди. Вазирлардан бири сўрадиким: “Эй халифа ҳикмат надурки, у сувдан ҳеч кимга ичурмадингиз ва аъробийни шу ердан изига қайтардингиз?”.

Маъмун деди: “Ул сув кўп ноҳуш ва бемаза экан. Аъробий ўз бодиясида ичиб юрган сувнинг олдида бу сув ширин туюлган. Шунинг учун бу сувни жаннат суви деб хаёл қилиб, менга тортиқ қилган. Сизлар у сувнинг қандайлигини билиб, аъробийни маломат қилар эдингиз. Аъробий бу ишдан шармисор бўлур эди. Ва агар уни бу ердан қайтармасам, Бағдод томонга юриб, Дажла дарёсини кўриб, сувига таҳорат қилиб, ўзи олиб келган сув қанчалик бемаза эканини билиб, ҳижолат бўлар эди. Мен шарм қилдимки, бир бечора мухтож одам менинг ҳузуримга умид билан келсаю, ҳижолат билан ноумид қайтиб кетса” [2].

“Тарихи Шавқий”да бу ҳикоятнинг хулосаси ўзгача талқинда берилган:

*Шоҳ деди ушбу эл экан нодон,
Пасту-баландни кўрмаган чандон.
Маскан эркан буларга об шўр,
Ушбу сувга булар экан мағрур.
Сафар айлаб экан бу икки ёр,
Анга ёмғир суви бўлиб дучор.
Ўз хаёлларини ўзга хол айлаб,
Ани жаннат суви хаёл айлаб.
Озгуруб ани бу хаёл хом,
Салтанат кишварига солмиш ком.
Бор йўлингда деганда ҳикмат бор,
Жорий сувларга бўлмасун дучор.
Гарчи гарқ ўлсалар жаҳолатга,
Қолмасун фош бўлиб ҳижолатга.
Бўлсун ўз эътиқоди бирла равон,
Жаҳли қолсун ўз ўрнида пинҳон.*

Яъни Чор мустамлакачилари ёмғир сувини жаннат суви деб фаҳм қилган икки араб янглиқ халқни зулм исканжасида ушлаб туришларини адолатли бошқарув деб тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Паст-баландни кўрмаган авом халқ эса бунга ишонишдан бошқа чора топмадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулғофур Исматий. Зафарномаи Худоёрхон // Нашрга тайёрловчилар ва сўзбоши муаллифлари: Сафоева Э., Остонакулов И. –Т.: 2003. Нашриёт кўрсатилмаган.
2. Ахлоқи муҳсиний туркий. Порцев матбасида чоп этилган. Йили кўрсатилмаган.
3. Валидов А. З. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. –Петроград, т. XXIII. 1915. 86-109.
4. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. –Т.: Маънавият, 1999.
5. Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. –Н.: Наманган, 2007.

**МУЛЛО АБДУЛЛОҲ УСМАТИЙ ВА “ШАРҲ УЛ-ИЛЁС” АСАРИ
ҚЎЛЁЗМА ҲАҚИДА**

*Жўраев Жалолiddин Аминжонович,
ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти етакчи илмий
ходим, филология фанлари доктори,
Хасанова Садокат Саидбековна,
Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги
328-мактаб ўқитувчиси
Олимжонов Искандар Жамолiddин ўғли,
ЖДПИ талабаси*

Мулло Абдуллоҳ Усматийнинг тўлиқ исми Мулло Абдуллоҳ Усматий ибн Муҳаммад Юсуф Халифа бўлиб, фақиҳ ва хаттотдир. Ҳозирда фанга Мулло Абдуллоҳ Усматий томонидан кўчирилган “Шарҳул Илёс” асари қўлёмаси маълум. “Шарҳ ул-Илёс” Туркиянинг Излик шаҳарида яшаб ижод қилган Илёс ибн Туман ал-Оқсарой Румий (779/1378 йил) томонидан яратилган[2;230-231]. Асарнинг ўзбек тилидаги таржима нусхаси Ўзр ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймон фондида ҳам мавжуд [2]. Шарҳнинг Мулло Абдуллоҳ Усматий томонидан кўчирилган қўлёмаси ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида 321-рақами остида сақланади. Асар араб тилида. Қўлёмасида 1331/1912-13 йилда кўчирилган. Гўзал нақшли муқовага эга. У ромбсимон гуллар билан зийнатланган. Муқованинг марказида ўйиб ишланган нақш ҳам мавжуд. Муқоваси қалин яшил рангли чармдан ишланган. Қўлёмаси 21x25 см. ўлчамли, 165 варақдан иборат. Муқованинг ички томонига абри баҳор қоғози ёпиштирилган. Матн сариқ шилдирак Қўқон қоғозига қора сиёҳ билан 19,8x17,5 см. ўлчамда, 13 қатордан настаълиқ хатида кўчирилган. Пойгирлари изчил кўйиб борилган. Асар 16-саҳифада كتاب الطهارة “Таҳорат китоби” бошланади:

هي مصدر طهر الشيء بالفتح و الضم خلاف النجس و قد جاء الكتاب تسعة و اربعون و قدم كتاب الطهارة لان الصلوة امم فروع الاسلام و اول الفريضة بعد الايمان

Бу бобда намоз ўқишдан олдин покланиш, яъни ювиниб баданни тозалаш қоидалари – фарз, суннат ва вожибатлари тўлиқ баён қилинади, Таҳорат қилишнинг таяммум ҳолатига ҳам тўхтаб ўтилади. Асарнинг навбатдаги боби намоз ўқиш қоидаларига бағишланган бўлиб, 16а-54а-варақларда жойлашган. Сўнгра куйидаги боблар келади: “Закот китоби” (54а-64б), كتاب الصوم - “Никоҳ китоби” (64б-69б), كتاب النكاح - “Ҳаж китоби” (69б-83а), كتاب الحج - “Ризо китоби” (83а-95б), كتاب الرضاع - “Ризо китоби” (Эмизиш қоидалари китоби) (83а-95б), كتاب الطلاق - “Талоқ китоби” (96б-133а), كتاب العتاق - “Атақ китоби” (95б-96б), كتاب الولاء - “Вало китоби” (Дўстлик, ишонч, ёрдам китоби) (133а-140б), كتاب المكاتب - “Макотиб китоби” (Келишув китоби) (140б-141б), كتاب الايمان - “Аён китоби” (141б-144а), كتاب الايمان - “Аён китоби” (144а-162б). Қўлёзма колофонда бу китоб “Шарҳул Илёс” асаридан кўчирилган нусха экани, уни илм толибларининг энг аҳқори Мулла Абдуллоҳ Усматий ибн Муҳаммад Юсуф халифа (Оллоҳ уларнинг гуноҳу нуқсонларини кечирсин) кўчирганлиги ҳақида қайд келади:


Матн:

تمت هذه النسخة الشريفة المتبركة اعني شرح الالياس بيد احقر الطلاب ملا عبد الله اوسمتى ابن محمد يوسف خليفه غفر الله ذنوبها و ستر عيوبها امين و رب العالمين سنة 1331 و رحمارم رسع الاول


“Таммат ҳазих ин-нусхат иш-шарифатил мутабаррика аъний “Шарҳул Илёс” бияди аҳқарит - туллаби Мулла Абдуллоҳ Усматий ибн Муҳаммад Юсуф халифа ғафар Аллоҳу зунубихимо ва уюбаҳима Омин ва Раббул-оламин.

Таржимаси: Ушбу “Шарҳул Илёс” номли табаррук китоб илми толибларнинг энг фақиру ҳақири Муҳаммад Юсуф халифа ўғли Мулла Абдуллоҳ Усматий қўли билан ёзилган нусхаси 1331 йил Рабиъ ул-аввал ойининг тўртинчи/1913 йил 10 февраль (душанба) куни ўз якунига етди. Парвардигори олам ҳар иккаласининг гуноҳларини кечириб, айбларини яширсин! Омин ва Рабб ул-оламин.

Қўлёзма асосида хулоса қилганда, Мулло Абдулло Усматий ибн Муҳаммад Юсуф Халифа тахминан XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошларида яшаган, араб тили ва фикҳий илмларни яхши билган илм толиби бўлган, “Шарҳул Илёс” асарини мударрис, уламо, фақиҳларнинг тавсияларига кўра мадраса дарслиги ва толиби илм эҳтиёжлари учун кўчирган дейиш мумкин.



Мулло Абдулло Усматий ибн Муҳаммад Юсуф Халифа томонидан кўчирилган “Шархул Илос” асарининг унвони. ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фонди 321-рақамли қўлёзма.



Мулло Абдулло Усматий ибн Муҳаммад Юсуф Халифа томонидан кўчирилган “Шарҳул Илёс” асарининг колофони.

**Абул Фатҳ Алоиддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид ал-Ўсмандий
ас-Самарқандий**

Фикҳ олимларидан бўлиб, 552/1157 йили вафот этган. “Шарҳ ал-Жомеъ ал-Кабир” (“Жомеъ ал-кабир”нинг шарҳи”) асарининг муаллифи. Ушбу шарҳ машҳур имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг (189/804 вафот этган) “Жомеъ ал-кабир” (“Катта тўплам”) номли китобига ёзилган. Бизга қадар асарнинг фақат биринчи жилди етиб келган [3;23-24].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Собрание Восточных Рукописей. IV том. –Т.: Фан, 1957. –С. 230-231.
2. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, Ҳамид Сулаймон фонди. Инв.2976
3. Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандлик олимлар. –Т.: Фан, 1969. – Б. 23-24.

**BERUNIYNING “QADIMGI XALQLARDAN QOLGAN YODGORLIKLAR”
ASARINING ADABIYOTIMIZDAGI O‘RNI**

*Rasulova Rayxon Baxritdinovna,
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti o‘qituvchisi
Jumanazarova Umidaxon Rustambekovna,
Toshkent Viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti talabasi*

Bugungi kunda buyuk allomalarimizning juda ko‘plab buyuk asarlari, jumladan, badiiy, tarixiy, falsafiy, didaktik asarlari o‘zbek olimlarimiz tomonidan barmoq bilan sanarli darajada o‘rganilyapti. Bu esa juda achinarli holat desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Negaki bunday asarlarimizda biz uchun kerak bo‘lgan ma’lumot va isbotlangan faktlar talaygina. Ushbu asarlar nainki o‘zbek adabiyoti, balki tarix uchun ham bebaho xazina desam adashmayman. Mana shunday asarlar qatoriga Ibn Sinoning " Hay Ibn Yaqzon", Rashididdin Hamadoniyning "Jome ut-tavorix", Beruniyning "Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar" va boshqa ko‘plab asarlarni misol qilib keltirish mumkin. Bular to‘g‘risida yetarlicha ma’lumotlarga ega bo‘lmas ekanmiz yosh avlodga yetkazishda turli qiyinchiliklarga duch kelaveramiz. To‘g‘ri izlanishlar yetarlicha dermiz, ammo eng xorijlik olimlar tomonidan o‘rganilgan. Oliy ta’lim dasturlariga kiritilganligi bois juda ko‘p talabalarda asarlarni o‘rganishda muammolarga duch kelganliklarini kuzatdim. Ushbu muammolarni bartaraf etish uchun bunday ilmiy izlanishlarni ko‘paytirishimiz lozim. Shunga ko‘ra Abu Rayxon Beruniyning "Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar" asari haqida o‘z izlanishlarimni bayon qilaman. Sharqda ilk Uyg‘onish davrining qomusiy olimlaridan biri Abu Rayhon Muhammad ibn Ahmad Al-Beruniy (973, 4-sentyabr - 1048, 11-dekabr) umumjahon tabiiy-ilmiy va ijtimoiy fanlar rivojiga katta ta’sir ko‘rsatgan buyuk aql-zakovat sohibidir. Uning dunyoqarashi X asrning ikkinchi yarmi va XI asrning boshida Markaziy Osiyoda rivojlangan feodalizm qaror topayotgan g‘oyat murakkab, jo‘shqin voqealarga boy tarixiy vaziyatda shakllandi. Birinchi ustoz bo‘lmish Abu Nasr Mansur ibn Ali ibn Iroq uni Evklid geometriyasi va Ptolemey

asarlari bilan tanishtiradi. Ibn Iroq unga Xorazmning turli shaharlaridagi madrasalarda va mashhur ustozlaridan ta'lim olishga yaqindan yordam bergan. Shuningdek, Abu Rayhon Beruniyning tabiiy-ilmiy va ma'rifiy-pedagogik hamda psixologik qarashlarining shakllanishida qomusiy olimlardan Muhammad al-Xorazmiy (780-850), Abu Abbos Ahmad Farg'oniy (IX asr), Marvoziy (IX asr), Javhariy (IX asr), Abu Nasr Forobiy (870-950), Abul Vafo Buzxoniy (840-938), Abu Said as-Sijiy (951-1024) hamda yunon olimlaridan Fales, Pifagor, Arximed, Galen, Gippokrat, Evklid, Ptolemey, Platon, Aristotel', hind olimi Bramagupta va boshqalarning asarlari ta'lim va tarbiya maktabi vazifasini o'tadi. Beruniy bu olimlarning asarlarini o'qib bilish uchun yoshligidanoq arab, fors, yunon, sanskrit, yahudiy tillarini puxta o'rgandi. Astronomiya, astrologiya, falsafa, matematika, fizika, geodeziya, geologiya, farmakognoziya, mineralogiya, tarix, adabiyotshunoslik, tarjimonlik, lug'atshunoslik kabi sohalarida juda ko'p tadqiqotlar olib borib, badiiy asarlar yaratib buyuk samaralarga erishdi. Mahmud G'aznaviyning o'g'li Mas'ud davrida Beruniy o'zining falakiyot va fizikaga oid mashhur "Qonuni Mas'ud" asarini yozib, uni Mas'ud nomiga bag'ishlaydi. Shuningdek, olim ana shu davrda yaratilgan "Joylar chegaralarini aniqlash uchun turar joylarning masofalarini belgilash" ("Geodeziya") asarida Quyosh va Oyning tutilish sabablarini, joylarning jo'g'rofik kengliklarini aniqlash yo'llarini tushuntirib beradi. "Javohirlarni bilish va umumiy kitob" ("Mineralogiya") asarida qimmatbaho tosh va minerallarni, ularning xossa va xususiyatlarini, solishtirma og'irligi, qattqlik darajasi, rangi, tiniqligi va boshqa fizik xossalarni bayon qilgan. "Saydana" ("Farmakognoziya") asarida Beruniy qadimgi yunon va o'rta asr Sharqi, Markaziy Osiyo, Eron, Hindiston va arab mamlakatlarining madaniyat tarixini tadqiq qilish ishiga ham ulkan hissa qo'shdi. Olimning eng mashhur asarlaridan biri «Osor ul-boqiya» («Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar»)dir. Beruniy 150 dan ziyod bebaho asarlar yozib qoldirdi. Ulardan bizgacha 30 dan ortiq asar yetib kelgan, xolos. Abu Rayhon Beruniyning birinchi yirik asari "Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar" hisoblanadi. Asarning arabcha nomi "Al osor al-boqiya an al-qurun al-xoliya" bo'lib, Yevropada "Xronologiya", o'zbek sharqshunosligida "Osor al-boqiya" nomi bilan mashhurdir. Ma'lumotlarga qaraganda Beruniy bu kitobni Jurjonda muhojirlik davrida yoza boshlagan va o'sha yerda tamomlagan. Bu vaqtda olim endigina 27 yoshga kirgan edi. "Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar" asarida Beruniy fanning hamma sohalariga qiziquvchi buyuk olim ekanligini yana bir bor ko'rsatdi va unga bu asari juda katta shuhrat keltirdi. Hatto bugungi kunga kelib ham, ushbu kitob O'rta Osiy xalqlari, ularning madaniyati va tarixini o'rganishda juda muhim ahamiyatga egadir. Beruniy turli xalqlarning kelib chiqishi, ya'ni etnogenezi va etnik tarixiga oid ham diqqatga sazovor fikr-mulohazalar bildirgan. Shuningdek, asarda qadim xalqlarning taqvim tizimi hamda alohida kunlari haqida ham juda qiziqarli ma'lumotlar keltirib o'tilgan. Beruniy o'z asarida xalqlar etnografiyasi, yil taqvimlari haqida yozar ekan, har bir oy va unda nishonlanadigan Hayit, Navro'z hamda turli bayram kunlari to'g'risida to'xtalib o'tadi. Jumladan, olim xalqlarning bayramlari sabablarini turli vaqtlarda kelib chiqqan afsona va rivoyatlari orqali misollar keltirish yo'li bilan tushuntirishga harakat qiladi. Uning yozishicha yilning birinchi oyi farvardin moh

hisoblanib, ushbu oying birinchi kuni Navro'z bayrami nishonlanadi. Olim Navro'z haqida yozar ekan eronliklar orasida ushbu kun bilan bog'liq turli afsonalar mavjudligini, u o'z asarida faqat haqiqatga yaqin deb bilganlari keltirib o'tayotganini ta'kidlaydi. "Aytishlaricha," - yozadi olim,- "shu kuni Xudo quyi olamni yaratib, unga yaratilgan ilk odam - Qayumarsni podshoh qilgan" Ba'zi afsonalarga qaraganda esa Navro'z Xudo maxluqotni yaratgan 6 kunning birinchisidir. Hashviyaliklar afsonalariga ko'ra Sulaymon ibn Dovud uzugini yo'qotib shoxligi qo'lidan ketdi. 40 kundan o'tgandan keyingina uzugi o'z qo'lga qaytib keladi. Bu bilan birga unga ravnaqi, sehri ham qaytadi. Butun odamzod yig'ilib, uni qutlab "Navro'z muborak" - "Yangi kun keldi", - deganlar. Va shundan boshlab bu kun Navro'z deb ataldi. Sulaymon shamolga buyurdi, shamol uni ko'tarib osmonga uchdi. Qarshisidan qaldirg'och chiqib uyamni bosib o'tma, ichida tuxumlarim bor bor,dedi. Sulaymon Qaldirg'ochga rahmi kelib uning uyasini aylanib o'tdi. Shamol uni yerga qo'ygach, qaldirg'och minnatdorchilik sifatida tumshug'ida suv keltirib unga suv sepdi hamda chigirtkaning bir oyog'ini hadya qildi. Olim fikricha eronliklar Navro'zda arg'imchoqlar uchishgani, havoga varraklar uchirishgani, bir birlariga shakar hadya qilishlarining sababi mana shu afsona bilan bog'liq bo'lishi ham mumkin. "Afsungarlar davom etadi Beruniy - "Navro'z kuni tong otganda birov gap gapirishdan oldin 3 qoshiq asal yalab, uch bo'lak (xushbo'y) mum tutatsa, bu ko'p kasalliklarga shifo bo'ladi",- degan fikrlarni bildiradi. Bayram va marosimlar to'g'risida yozar ekan, Xorazmliklarning hayitlari ikki xil bo'lganligini, ya'ni birinchisi, tabiat voqea hodisalari bilan bog'liqlari: yil boshi bayrami, gulxanda isinish bayrami, yog'liq non yeyish kuni, Mina kechasi kabilar, ikkinchisi esa Islom dini kirib kelgunga qadar o'tkazilgan diniy marosimlar: arvohtar uchun qablarga ovqat qo'yish marosimi va shu kabilar to'g'risida ma'lumotlar bergan. Beruniyning shaxsan o'zi ham hayitlarni ikki guruhga bo'lish lozimligini yozib o'tgan: bular diniy va dunyoviy hayitlar. Olim dunyoviy hayitlarni mukarram hayitlar deb ataydi. Manbalarga ko'ra, ushbu hayit kunlari podshoh va raislar o'zlari uchun marosimlar o'tkazganlar hamda ular orqali nafslarini sevintirishga, ruhlarini shodlantirishga erishganlar, maqtov va madhga sazovor bo'lganlar, o'z xalqlarining muhabbatini jalb qilganlar, duolar olganlar. Bu kunlarni nishonlash oddiy xalq uchun ham bir marosimga aylangan. Ana shu hayitlar faqir va kambag'allar fikricha hayotlarining torligini kenglikka aylantiruvchi, umid va orzularini yuzaga chiqaruvchi, halokatga yaqinlashganlarida ularni xatar va balodan qutqaruvchi sabablarning biri bo'lgan. Diniy hayitlarga kelganda, ularni davlatning shariat arboblari, imomlari, faqihlari va dindorlari keltirib chiqarganlar, deydi Beruniy. Bunday bayramlarni ijro etishdan maqsad yuqorida sanab o'tilgan sabablarga o'xshash, lekin bu asosan oxirat kuni uchun o'tkazilgan. Beruniy shu kabi hikoyalarda turli urf-odat va marosimlarning kelib chiqish negizini ko'rsatib bergan. Hikoyalarni saralashda qayd etganimizdek eng ishonchli va tarixiy manbalarda isbotlanganlarinigina asarda kiritgan. Ya'ni har bir hikoyani ham diniy, ham ilmiy jihatdan taqqoslab o'rganib chiqqan desak mubolag'a bo'lmaydi. Asarda urf- odat va an'analardan tashqari didaktik ruhdagi rivoyatlarni ham uchratishimiz mumkin. Bunga misol qilib "Ochni to'yg'az", "Yomonning kasofati" va boshqa hikoyalarni misol qila olamiz."Ochni to'yg'az"

hikoyasi quyidagicha: "Xalifa Umar ibn Abdulaziz o'g'li Abdullohning ming dirhamga bir qimmatbaho toshni sotib olganini eshitib, o'g'liga xat yozibdi: "Menga yetib kelgan xabarga qaraganda, bir uzuk olibsan. Senga nasihatim shu, darhol o'shani sotib, uning qiymatiga mingta ochning qornini to'yg'az. O'zingga bo'lsa kumushdan uzuk qildir, uning ko'zi ham o'zidan bo'lsin". Abdulloh otasi aytganday qilibdi." Bu hikoya mazmunida eng qimmatbaho mol-dunyo ham bir miskin odamning ko'nglini ko'targandagi va unga g'amxo'rlik qilgandagi savobni bermaydi deyilmoqda. Ya'ni yuqorida ta'kidlaganimizdek Beruniy diniy jihatdan ham rivoyatlarni o'rganib asarga kiritgan. Ya'ni islomda erkaklar kumush uzuk taqadilar. Xalqimizda "Kim bir bechoraga bir yaxshilik qilsa, Alloh unga o'n chandon ortiq qilib qaytarar." degan gap bor. Ochlarga taom bermoqlik ham juda katta savob bo'lishini juda yaxshi bilamiz. Yana bu hikoyada Xalifa Umarning xalqini o'ylashi, hatto eng qimmatbaho bo'lgan narsalardan ham ko'ra xalqining g'ami bilan yashashi hikoyaning asosini tashkil etadi. Yana shunday bir ibratli hikoyalardan biri bu "Yomonning kasofati" hikoyatidir. Bu hikoya ham didaktik, ya'ni tarbiyaviy ruh bilan sug'orilgan. "Yomonning kasofati" hikoyati quyidagicha: Bir kishi, ittifoqo, o'zi tanimagan bir guruh bilan hamroh bo'lib qoldi. Bu kimsalar qaroqchilar bo'lib, bir qishloqni bosib, xarob qilib qaytayotgan edilar. U kishi o'g'rilar bilan birga biroz yo'l bosgach, qasoskorlar yetib kelib, ularni qo'lga oldi. Bu kishi garchi o'g'rilarga sherik bo'lmasa ham, ularga qo'shilgani uchun azobga duchor bo'ldi. Xalqimizda bir maqol bor "Qozonga yaqin yursang qorasi yuqadi, yomonga yaqin yursang balosi yuqadi." Yuqoridagi hikoyada aynan maqolning isbotini ko'ramiz desak mubolag'a bo'lmaydi. Bu asrlar osha sinalgan narsa. Hikoyaning mazmunidan shuni anglash mumkinki, hamroh tanlashda hech qachon adashmaslik lozim. Ya'ni uni sinab, yaxshilab bilib bo'lgandan so'nggina birgalikda safar qilish eng yaxshi usullardan biri. Axir aytishadi-ku "Sinalmagan otning sirtidan o'tma" deb. Bu ayni haqiqat. Yomon odamning kasofati doim tegadi. Asosiy g'oya esa "Yaxshiga yondosh, yomondan qoch" maqolida o'z aksini topgan. Abu Rayxon Beruniyning "Osor ul-boqiya" asari tarkibidagi afsona va rivoyatlar ma'lum bir tarixiy voqeani dalillash yoki rad qilish uchun emas, zotan, bu asarning yozilish sabablarini ko'rsatadi, ammo amalda oshirish nihoyatda murakkab bo'lganini yozadi. Ayniqsa, qadimgi xalqlar va ularning yil hisoblari haqidagi rivoyatlar chalkashib ketgani, yolg'on afsonalar va asossiz ma'lumotlarga to'lib- toshib ketganini ta'kidlaydi. Ayni paytda, Beruniy rivoyat va afsonalarning haqiqiylikni ajratib, saralab olish uchun imkon boricha harakat qiladi. Beruniyning bu tamoyili ham tarixiylik, ham haqqoniylikka asoslanganini sezish qiyin emas. Yolg'on va soxta rivoyatlar qadimgi Sharq xalqlarining hisoblari haqidagi aniq ilmiy xulosalarga xalaqit berishi, ayniqsa, yolg'on xulosalarga olib kelishi haqida yozadi. Beruniyning asosiy maqsadi turli xalqlardagi yil hisobiga aniqlik kiritish, ularda ilgari tadqiqotchilar yo'qolgan kamchiliklarni tuzatish edi. Beruniy yil hisobi uchun rivoyat va afsonalar, hikoyatlarning nihoyatda muhim dalil ekaniga ishonadi, ularga suyanadi, ishonchsiz, shubhali rivoyatlar va afsonalarni rad qiladi. Uning rivoyat va afsonalarni tanlashda o'zi tayangan asoslangan usul haqida shunday yozadi: "Men tutgan yo'l va belgilangan usul oson emas, balki uzoq va qiyin yo'l. Xabar va rivoyatlarga

ko'plab kirib qolgan yolg'on so'zlarning hammasi ham ravshan emas. Boshqa dalillar bo'lmaganda ba'zilarining yolg'onligini bilib bo'lmadi. Odamlar hozir ham, o'tgan zamonlarda ham shunday tabiiy hodisalarga duch kelgan, agar o'shanday hodisalar uzoq zamonlarda yuz bergan deb hikoya qilinsa, albatta, biz unga ishonmasdik. Xalqlardan biriga tegishli xabarlarining hammasini aniqlab bilishga inson umri kifoya qilmaydi-yu, hamma millatlar haqidagi xabarlarni bilishga qanday kifoya etsin?! Bu mumkin emas!". Ushbu asarda ilmning ulug'lanishi haqidagi rivoyatlarni ham uchratishimiz mumkin. Xususan qadimda ilmga juda katta e'tibor qaratishgan. Har bir ilmni o'rganish uchun o'sha davrda asosiy talablardan biri qilib tinimsiz mehnat va sabr-qanoatni qo'yishgan. Ilmni muqaddas deb bilishgan. Buning yorqin misolini quyidagi "Suqrotning javobi" parchasida ko'rishimiz mumkin: "Qadimgi yunonlarda teriga yozish odati bo'lmagan edi. Keltirilishicha, Suqrot dan bu haqda so'rashganda: "Ilmni tirik kishilar qalblaridan o'lik qo'ylarning terilariga ko'chirmayman", -degan ekan". Beruniyning rivoyat va afsonalarga bunday yondashuvidan o'zining pozitsiyasini aniqlashtiradi: u mazkur asarida nafaqat etnograf tarixchi, balki adabiyotshunos olim sifatida namoyon bo'ladi. Dunyo xalqlari adabiy jarayonidan yaxshi xabardor, o'z davridagi va o'zidan oldingi adabiy jarayonning qonuniyatlarini biladi. Rivoyat va afsonalar xalqqa yaqin adabiy janri bolgani uchun ham Beruniyning diqqatini ko'proq tortgan. Beruniy o'z davriga yaqin bo'lgan rivoyatlarga murojaat etish tarafdori bo'lgan. Xo'sh nima uchun? Negaki rivoyatlar zamondan uzoqlashgani sari asliyatdan, haqiqiylikidan uzoqlashadi. Beruniy bu hodisaning qonuniyat ekanini adabiyotshunos sifatida yaxshi biladi. Beruniyning afsonalarni saralab olish tamoyilini quyidagicha bayon qiladi: "Ish shu yo'ldan boradigan bo'lgach, u rivoyatlarning davrimizga eng yaqin va eng mashhurini, so'ngra yaqinroq va mashhurrog'ini olishimiz lozim. Ularning ba'zilarini o'z arboblardan qabul qilib, tuzatish mumkin bo'lganini tuzatamiz, boshqalarini o'z holicha qoldiramiz. Shunda biz keltirgan rivoyatlar haqiqatni qidiruvchi va hikmatni sevuvchining boshqa rivoyatlar ustida ish yurgizishga yordamchi va bizga muyassar bo'lmagan narsalarga erishish uchun yo'lovchi bo'ladi. Biz xudoning xohishi va yordami bilan shunday qildik". Ko'ryapmizki, Beruniy rivoyat va afsonalarni tanlash metodlarini ishlab chiqib bizga taqdim qilmoqda. Bu metod esa yana bir bor tarixiylik prinsipi badiiy asarni tanlash, o'rganish va undan foydalanishga alohida e'tiborni tortadi. Abu Rayhon Beruniy rivoyatni haqiqatni qidiruvchi deb ataydi. Beruniy bu gapi bilan rivoyatlarning asardagi o'rniga baho beradi. Beruniy uchun tarixiylik tamoyili bilan haqiqatni qidiruvchi rivoyat bitta vosita, bu rivoyatlar ma'lum bir voqelikni yoki detalni isbotlash uchun keltirilgan yagona dalil. Rivoyatlar boshqalar uchun yo'l ko'rsatuvchi ekanini Beruniy ta'kidlar ekan, bundan rivoyatlarning tarbiyaviy ahamiyatiga ham ishora qilganini anglash mumkin. Ayni paytda rivoyatlar ilmiy tafakkur, fikr-qarashlar va xulosalar uchun muhim zamindir. Ammo bunda ham Beruniy tarixiylik tamoyilidan chekinmaydi, chunki tarixiylik tamoyili ishonchlilik va haqqoniylikning isboti. Beruniy asarining boshidayoq adabiy jarayonning, xususan, rivoyatlarning ijtimoiy, ma'naviy hayot uchun nihoyatda ishonchli omil ekanini ham dalillaydi. Beruniy rivoyatlarni asariga kiritganda, albatta, saralash tamoyiliga ham rioya qiladi. Shu bois rivoyatlarga tanqidiy nuqtai nazardan

yondashadi. O‘zi tanlagan tamoyillar asosida o‘zidan oldin o‘tgan olimlarning tarixiy asarlarini qo‘rqmasdan tanqid qiladi. Uning saralash tamoyili shundan iborat ediki, manbalarni tahlil qilganda, rostday ko‘ringan, lekin isbotsiz rivoyatlarni o‘zi tekshirib ko‘rmaguncha ularga ishonmaydi. Beruniyning zukko va sinchkov adabiyotshunos, tarixchi ekanligi mana shu asarida yaqqol namoyon bo‘ladi. Buning ustiga, Beruniy har bir manbaga, dalilga xolis qaraydi. Uning uchun diniy aqidalar to‘siq emas, uning uchun aqlning va bilimdonlikning o‘zi kifoya emas. Beruniyning o‘z oldiga qo‘ygan vazifasi va amal qilgan tamoyili shuki, u dalillarni saralab olish va qiyoslash yo‘lidan ketadi va buni quyidagicha izohlaydi: “...mendan so‘ralgan narsaga yetkazuvchi vositalarning eng muhimi – qadimgi millatlar haqidagi rivoyatlar, o‘tmish avlodlar to‘g‘risidagi xabarlarini bilishdir, chunki bularning ko‘pchiligi u millatlar avlodidan va ularning rasm-u rusum va qoidalaridan iboratdir. Aqliy dalil keltirish, kuzatilganlarga qiyos qilish yo‘li bilan u xabarlarini bilib bo‘lmaydi. Buni faqat “kitob ahllari” va turli din arboblari, e‘tiqodlarga amal qiluvchi har bir maslak va ishonch egalariga ergashish, ularning tushunchalarini hamisha asos tutish bilan bilinadi. So‘ngra buni ko‘pchilik kishilarning tabiatini pastkashlashtiradigan yomon axloqdan, haqiqatni ko‘rishga imkon bermaydigan omillardan o‘zni tozalagandan keyin, ularning isbot uchun keltirgan so‘z va e‘tiqodlarini bir-biriga solishtirish bilan bilinadi. Ana shu aytib o‘tganim haqiqiy maqsadga yetkazuvchi eng yaxshi yo‘l va bunga dog‘ tushiruvchi shak-shubhani yuvib tashlash uchun eng kuchli yordamchidir. Garchi qattiq urinib zo‘r mashaqqat cheksak ham, o‘shandan boshqa yo‘l bilan maqsadga erisholmaymiz” (Beruniy. 40-b.). Beruniy bu asarni yaratayotgan vaqtda har bir voqea-hodisa haqidagi afsonlarga xolis baho berish va ishonchli bo‘lgan hamda dalil va isbotlari aniq bo‘lganlarinigina qabul qilganligini asarida keltirilgan ushbu gaplaridan ham bilish mumkin: «... Shubhani aniq, noma‘lumni ma‘lumga qo‘shish biz yurgan yo‘lga loyiq emas». «Qiyos qilinuvchi narsa bilan qiyos uchun olinuvchi narsa orasini, isbotlanuvchi narsa bilan isbot orasini birlashtiruvchi bir sabab bo‘lmasa, u dalil va misollar qabul etilmaydi». Umuman, Abu Rayhon Beruniyning “Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar”, “Mineralogiya” asarlarida keltirilgan afsonalar, rivoyatlar, hikoyatlar XI asrdagi adabiy janrlar va adabiyotshunoslik haqida to‘laqonli tasavvur beradi. Beruniy har bir detalga alohida e‘tibor bilan to‘xtalib ham ilmiy, ham adabiy asar yaratishga erishadi. Ushbu asarni har gal qayta va qayta o‘qigan kitobxon o‘zi uchun ko‘proq yangilik topib boraveradi. Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, Beruniy asarlari qadimgi xalqlar, shu jumladan, o‘zbek xalqi, uning qadimgi madaniyati va etnografiyasini o‘rganishda muhim manba bo‘lib xizmat qiladi. Qolaversa, “Osor al boqiya” uzoq o‘tmish tariximizning buyuk yodgorligi hisoblanib, bugungi kun kitobxonini, albatta, tanishib chiqishi va ilm ahli tomonidan yanada chuqurroq o‘rganilishi lozim bo‘lgan manbalardan biri hisoblanadi. Yanada chuqurroq o‘rgana boshlasak, bundan ham ko‘p bo‘lgan muhim ma‘lumotlatni o‘zimiz uchun topa olishimiz, shubhasiz. O‘rganish ishlari ko‘payaversa, talabalarga ham bu mavzularning mohiyatini ochib berish oson kechadi.

FOYDALANI FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Abdullayev H.D. O‘zbek adabiyoti tarixi. O‘quv qo‘llanma. –T.: Cho‘lpon nomidagi NMIU, 2019. –152 b.
2. Nasimxon RAHMONOV. O‘zbek adabiyoti tarixi (Eng qadimgi davrlardan XV asrning birinchi yarmigacha). O‘quv qo‘llanma. –T.: Sano-standart, 2017. –556 bet.
3. www.ziyouz.com

“ТАЗКИРАИ ШУАРО” ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИДА “АСАРНИНГ ЁЗИЛИШ САБАБИ” ҚИЁСИ

*Дўстова Сурайё Савроновна,
ЖДПИ катта ўқитувчиси*

Ҳасанмурод Муҳаммад Амин ўғли шоирнинг тўлиқ исми, Лаффасий унинг адабий тахаллусидир. У Хивада “1880 йил, яъни ҳижрий 1299 ҳижрийда моҳи шаволнинг бирланчи намоз жума кунининг тилуиндин бир соат муқаддам таваллуд топиб, ота тарбиясида камолга етишиб, эски диний мактабларда ўқиб, хат саводли бўлгач, диний мадраса ичра бирон хизматда бўлган ҳолда анчагина хизмат натижасида ул Лаффасий тахаллус қилиб “Камкор ул ушшоқ” исмлиқ бир девон асар тасниф қиладур” [3.103а].

Лаффасий тарих илмига қизиққанлиги сабабли “Гулшани саодат”, “Хива воқеалари”, “Хоразм тарихий материаллари”, “Хива осори атиқа тарихлари”, “Хоразм мамлакати ва ҳудудлари” номли асарларини ёзиб қолдирган бўлса, лирик шоир сифатида “Комкор-ул-ушшоқ” девони ва “Меҳр-муҳаббат” номли шеърини достони, тазкиранавис сифатида эса “Тазкираи шуаро” асарини мерос қолдирган.

Ҳасанмурод Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро” асари Хива адабий муҳити доирасида ижод қилган олтмишга яқин қаламкашларнинг ҳаётини йўли ва ижодий мероси тўғрисида бошқа ёндош манбаларда мавжуд бўлмаган қимматли маълумотларни қамраб олганлиги билан аҳамиятга эга.

Асарнинг қўлёзмалари Ватанимизнинг турли қўлёзмалар фондларида сақланиб келинмоқда. Ҳозирда биз тазкиранинг тўртта қўлёзма нусхасини асосий манбалар сифатида қиёсий аспектда тадқиқ этмоқдамиз. Тадқиқотимиз объекти сифатида олинган “Тазкираи шуаро”нинг ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 9494, 11499, 12561 рақамли қўлёзма нусхалари ва ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейидаги 213 рақамли қўлёзма нусхаси турли йилларда кўчирилган.

Тазкиранинг қўлёзма нусхаларини ўрганишимиз жараёнида асарнинг ёзилиш сабабида ҳам фарқлар борлигининг гувоҳи бўлдик. 11499 рақамли қўлёзма ва Бобожонов нашри ҳамда Анвар Отабоев

нусхаларида дебоча, сўз боши йуқ, асар Муниснинг ҳаёти ва ижодидан бошланиб кетган. 12561 ва №9494 рақамли кўлёзма нусхаларда эса бир хил дебоча (ҳамд) келган. Сўнгра асарнинг ёзилиш сабаби 12561 рақамли кўлёзмада 26 байт назм орқали қуйидагича бошланган:

*Тушуб бошимга бир кун онча савдо,
Ёғибон дамбадам минг турли завго [3.5a].*

12561 рақамли нусхадаги назмда берилган адибнинг кўлёмани ёзишдан мақсади 213 рақамли кўлёмда ҳам айнан мавжуд, бироқ у 26 байт эмас, балки 28 байтдан иборат. 213 рақамли кўлёманинг бошида берилган бир байт 12561 рақамли нусхада берилмаган:

ايا دوست صادق سيزكه حاليم
گى سيزكه ديوركه يوق مجاليم [4.16]

Шунингдек, охирида берилган бир байтдан аввалги байт ҳам 12561 рақамли кўлёмда нусхада берилмаган:

منى محزون كونكل افكار دورمن
غمى كلفت بيله هم يار دورمن [4.26]

Бу асарнинг назмда берилган ёзилиш сабаби С. Самандарованинг “XX аср ўзбек тазкиралари”[1.13.15]номли диссертациясининг 13-15-бет ва 53-54-бетларида ҳамда “Лаффасий тазкираси ва унинг кўлёмалари”[2.26] рисоласининг 26-бетида 213 рақамли кўлёмда нусхадан кирилл ёзувига ўгирилган ҳолатда берилган, бироқ юқорида берилган байтлар ҳақида ҳеч бир нарса ёзилмаган

213 кўлёмда нусхадан С.Самандарова кирилл ёзувига ўгирганда баъзи сўзлар хато ўқилган:

С. Самандаровада:

*Аё, дўсти содиқ, сизга ҳолим
Ки, сизга айурга йўқ мажолим (13-53-бет)*

213 кўлёмда:

ايا دوست صادق سيزكه حاليم
گى سيزكه ديوركه يوق مجاليم [4.16]

С. Самандаровада:

*Бу кун айла китоб онча шеърлар,
Ки, шеърлар санга ёри бўлурлар.(14-54-бет)*

213да ва №12561да:

بو كون ايلا كتابت آنچه شيعر لار
كى شعرا لار سنكا يارى بولور لار [4.2a , 3. 56].

С. Самандаровада:

*Бу Хоразм ичра ўткан онча шоир,
Ки жаъм айла аларни санга моҳир (54-бет)*

213 ва №12561да:

بو خوارزم اجرا اوتكان آنچه شاعر
كى جمع ايله آلارنى سنكه ماهر [4.26 , 3.56]

С. Самандаровада:

Аларни бир китоб айла сан

Бериб равнақ аларга он қадар сан. (54-бет)

213 ва 12561да:

Оларни бир китобат айлагил сан

Бериб равнақ оларга он қадар сан [4.2б, 3.5б]

آلارنى بر كتابت ايله كيل سن

[4.2б, 3.5б] بريب رونق آلا رغه آنقدر سن

Олима С. Самандарова бизнингча, 213 қўлёзма нусхани ўқиб кўрмаган ёки хато ўқиган бўлиши мумкин. 12561 қўлёзма нусхани эса умуман кўрмаган, ваҳоланки, диссертация ёзилган вақтда 12561 қўлёзма нусха Шарқшунослик институтида бўлган. 9494 қўлёзма нусхада эса дебодадан сўнг бу тазкирани ёзишдан мақсад, ёзишни ким таклиф этганлиги ҳақида, Лаффасий томонидан ”Хоразм диёрининг Хива давлат музейининг директори Кваркиянким, асли Озарбойжонлидур. Ул киши бир куни ман фақир шикаста кўнгулни чақириб, мурувват ва марҳаматлар қилиб дедик: ”Эй биродар ва эй дилхаста, замона адабиётчиларининг гавҳарисанким, ҳозирда санинг фаҳму идрок ва фаросатлиғ замиринг хушдур. Чунончи хонлиғ даврида ўткан адабиётчи шоирларнинг таржимаи ҳолларидин нуктадонлиғ қилиб, аларнинг ҳолларидин бир тўплам вужудга келтуруб китобат қилсанг, сандин бир ёдгор ва нишона бўлуб қолар эди. То ким замон адабиёт суювчилари манфаатланиб сани ва мани ҳам ёд этиб турарлар”, деб амр қилиб маслаҳат берган сабабли, гарчи қудратим етмаса ҳам онинг илтимосин рад қила билмай, иқтидорим етканча Хивада ўткан шоирларнинг баъзи бир қардошлар ва қарт кишиларнинг ёрдамлари билан, ҳамда Хоразм тарихшуносларининг маълумотлариға суяниб, ушбу тўпламға Хива шоир ва адабиётчиларининг аҳволлари деб тасмия бердим... [5.2а]”, деб ёзилган ва бу берилган маълумотлар бошқа бирорта қўлёзмада йўқлиги билан аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб айтганда, “Тазкираи шуаро” қўлёзма нусхаларини ўрганишимиз жараёнида асарнинг ёзилиш сабабидаги фарқлар шуни курсатдики, аввало, муаллиф дастлабки қўлёзмага кейинчалик баъзи қўшимча ва тузатишлар киритган. Иккинчидан, мазкур қўлёзмалар кейинчалик котиблар томонидан кўчирилганда айрим қисқартиришларга йўл қўйилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Самандарова С. XX аср ўзбек тазкиралари. 13-15, 53-54-бетлар.
2. Самандаров С. Лаффасий тазкираси ва унинг қўлёзмалари. 26-бет.

3. ЎзР ФА Шарқшунослик институти 12561 рақамли қўлёзма нусха, 5а,103 а варақлар.
4. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи 213 рақамли қўлёзма нусха 1б , 2б варақлар.
5. ЎзР ФА Шарқшунослик институти 9494 рақамли қўлёзма 2а варақ.
6. https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4818
7. https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4819
8. https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4836
9. https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2375

IBN SINONING “HAYY BIN YAQZON” ASARIDAGI FALSAFIY QARASHLAR VA MAJOZIY TIMSOLLAR TAVSIFI

*Rasulova Rayxon Baxritdinovna,
Chirchiq davlat pedagogika instituti o‘qituvchisi
Jovliyeva Yulduz Abdivasi qizi,
Chirchiq davlat pedagogika instituti talabasi*

Markaziy Osiyo ko‘p asrlik ilm-fan va madaniyat beshigi bo‘lib, jahonga ko‘plab ilm sohiblarini yetkazib berdi. Bu ulug‘ darg‘alar iste‘dodi va buyuk zakovati bilan ona vatanimiz dovrug‘ini dunyoga tanitgan. Ularning boy ilmiy merosi hali hanuz chuqur o‘rganilmoqda va jahonni lol etmoqda. Ular Al-Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali Ibn Sino, Imom al-Buxoriy, Ahmad al-Farg‘oniy, Abu Nasr Forobiy va shu kabi allomalar nomlarini yana va yana davom ettirishimiz mumkin. Ularning durdona asarlari esa bizga qoldirgan beqiyos ilmiy boylikdir. Biz yoshlarning vazifamiz yuqorida nomi zikr etilgan qomusiy allomalarimiz asarlarini chuqur o‘rganish, tahlil etish va uni hayotimizda dasturil amal qilib foydalanishdir.

Shunday qomusiy allomalardan biri Abu Ali Ibn Sinodir. U o‘z davrida Sharq va Ovro‘pada “Shayx ur-rais”, “Olimlar boshlig‘i”, “ Tabiblar podshohi” kabi eng buyuk nomlarga sazovor bo‘lgan. G‘arbda Ibn Sino „Avitsena" nomi bilan mashhur. Uyg‘onish davri miniatura va suratlarida Ibn Sino mashhur qadimgi yunon olimlari Aristotel, Galen, Gippokrat, Ptolemey, Evklid bilan bir qatorda tasvirlangan. Bu mutafakkirning qay darajada buyukligining yana bir isbotidir.

Ibn Sino asarlarining umumiy soni 450 dan oshadi, lekin bizgacha faqat 160 ga yaqin asari yetib kelgan, xolos. Ko‘p risolalari shaharma-shahar ko‘chib yurish, feodal yurishlar, saroy to‘polonlari, turli falokatlar tufayli yo‘qolib ketgan. Asarlarining katta qismini tibbiyotga doir asarlar tashkil etadi. Ammo men allomaning tibbiyotga emas adabiyotga doir asarlari va faoliyatiga to‘xtalmoqchiman. Chunki Ibn Sino tabibgina bo‘lib qolmay ulug‘ qomusiy olim, adabiyotga salmoqli hissa qo‘shgan buyuk siymo. Shu bilan birga ma‘rifatparvar shoir hamdir. G‘azal va ruboiylarida ilmga, fanga intilish, ilmiy yo‘lda og‘ishmay kamolot hosil qilish, vijdonli, halol bo‘lish, insoniylikni saqlash kabilar haqida so‘z boradi.

*Uzoqdan o‘qrayib, menga qilurlar necha g‘avg‘olar,
Men ersam ilm derman, tunlarim bedor o‘tar bir-bir.*

*Agar bunday adovat o'rniga bo'lsaydi odil ko'z,
Ko'rardi ishlarimda ul yomon o'rniga xo'b tadbir.*

Yuqoridagi qit'a Shoislom Shomammedov tarjimasini bo'lib, unda Ibn Sino o'z faoliyatini qoralagan tuban shaxslarga ishora qiladi. Haqiqatdan ham ba'zi zamondoshlari Ibn Sinoni o'ta qattiq tanqid qilgan va hatto ba'zilari uni sehrigar deb atashgan. Fikrimizga dalil sifatida Ziyovuddin Said Yahyoning "Zanjinayi hikmat", Imom G'azzoliyning "Tahofat ul-falosifa" kabi tanqidiy asarlarni va Ibn Sino asarlarining Bag'dod xalifasi tomonidan kuydirilishini keltirishimiz mumkin.

Ibn Sino fors va arab tillarida ijod qilgan. U fors tilida ruboiy janrini boshlab bergan. Jumladan bunga misol qilib quyidagi ruboiyni keltirishimiz mumkin:

*Zulfiing sanamim, agarda larzor bo'lur,
El ichra bahoyi anbar arzon bo'lur.
Gar zulming aro yuzing namoyon bo'lur,
Nur tong bila tunga teng farovon bo'lur.*

Buyuk mutafakkirning falsafa va adabiyot sohalariga bag'ishlangan asarlari Sharq va G'arbning juda ko'p atoqli kishilariga samarali ta'sir ko'rsatadi va shu bilan birga qator olim va adiblar Ibn Sino hayoti va faoliyati to'g'risida asarlar yaratadi. Bunga misol qilib Qayum Nosiriyning tatar tilidagi qissa-ertagi-"Abugolitsina" yaratilishini keltirish mumkin.

"Yusuf qissasi", "Hayy bin Yaqzon", "Salomon va Ibsol", "Fann ash-she'r", „Risalat at-tayr" kabilar Ibn Sinoning adabiyotga oid asarlaridir. Men yuqoridagi asarlardan "Hayy bin Yaqzon" risolasiga to'xtalmoqchiman. „Hayy bin Yaqzon" asari X-XII asrlar O'rta Osiyodagi badiiy nasrning yuksak namunasi. "Hayy bin Yaqzon" ramziy-majoziy uslubda yaratilgan bo'lib, asarda bosh qahramon Ibn Sinoning o'zi va uning suhbatdoshi Hayy ibn Yaqzon ya'ni Uyg'oq o'g'li Tirik. Asarda bosh qahramon vujudiga do'stlari ya'ni sezgi a'zolari bilan sayohatga chiqadi va aqlga ro'baro keladi. Asarda aql timsolidagi nuroniy cholga quyidagicha ta'rif beriladi:

Yoshi ham anchaga borib qartayib qolgan lekin o'zi hali barvasta, tetik suyaklari ham susaymagan, hech bir a'zosi bo'shshagan va xullas soch oqarishidan boshqa qarilik nishonasi bo'lmagan bir chol.

Darhaqiqat, aql aslo qarimaydi aksincha yildan yilga hayotiy tajriba tufayli boyib, sayqallanib boradi. Aql insondagi ruhiy barkamollikni takomillashtirib, undagi ma'naviy kemtiklikni to'ldiradi. U Shu sababli asarda chol o'zini "...ismim Tirik, nasabimga kelsak Uyg'oq o'g'liman" deydi. Ya'ni asar nomi ham shundan kelib chiqqan deya olamiz -Hayy bin Yaqzon(Uyg'oq o'g'li Tirik).

Aql tarozisida o'lchanmagan har qanday bilim - deb yozadi Ibn Sino-chin bo'lolmaydi, demak u haqiqiy bilim emas. O'rta asrlarda Markaziy Osiyo falsafasida aql nazariyasi juda muhim o'rin egallaydi. Asar davomida aql o'z holatidan quyidagicha xabar beradi:

"Hunarim jahon tevaragini sayohat qilish va hatto olamning hamma tomonlaridan xabardor bo'lish. Shu sayohatlarida yuzimni otam tomonga qaratganman. U tirikdir. Men barcha ilmlar kalitini undan olganman".

Bunda ota sifatida komillik ta'riflanadi ya'ni ilm olishdan maqsad kamolatga erishish. Komillik insonning har taraflama ya'ni ham ma'nan, ham jismonan yetuklikka erishishidir. Komillikka erishish barcha davr adabiyotida ham asosiy mavzu bo'lgan. Alisher Navoiy ham o'zining quyidagi qit'asida kamolatga yetishishning ahamiyatini quyidagicha ifodalaydi:

*Kamol et kasbkim olam uyidin,
Sanga farz o'lmag'ay g'amnok chiqmoq.
Jahondin notamom o'tmak biayni,
Erur hammomdin nopok chiqmoq.*

Alloh inson uchun yaratgan barcha fazilatlar va ezguliklarni o'ziga kasb qilib olmagan, yuqtirmagan kishi tiriklik olamidani boshi quyi solinganicha chiqib ketadi, chunki dunyodan notamom, ya'ni komillikka erishmay o'tish xuddi hammomga kirib yuvinmay chiqib ketish bilan barobar. Komillikka intilish insonning hayotdagi eng oliy maqsadi bo'lmog'i lozim. Buyuk mutafakkirlarimiz ham bu maqsad yo'lida intilganlar. Ular qatoriga Ibn Sinoni ham kiritishimiz mumkin. U komillikka erishish yo'lini o'z asarlarida yuksak mahorat bilan tasvirlaydi.

“Hayy bin Yaqzon” ning farosat ilmi to'g'risida aytgan fikrlari ham juda diqqatga sazovor. „Farosat ilmi foydasi naqd bo'lgan ilmlardandir. Sen bu ilmni bilib olish olsang, u senga kishilarning o'zlari yashirib yurgan fe'l-atvorlarini bildiradi. Agar senga farosatning tuzatuvchi qo'li tegsa, sen juda o'tkir bo'lib ketasan” - deyiladi asarda. Farosat ilmi hozirda falsafadagi mantiq istilohiga to'g'ri kelib, mantiq-to'g'ri tafakkur yuritish, dalil keltirish va xulosa chiqarishni o'rganuvchi fan.

Mantiq, - deb yozadi Ibn Sino-insonga shunday bir qoida beradiki, bu qoida yordamida inson xulosa chiqarishda xatolardan saqlanadi. Mantiq yordamida inson haqiqiy bilimni yolg'ondan ajratadi. Yuqoridagi farosat ilmi to'g'risidagi fikrlar Ibn Sinoning teran fikrli faylasuf ham bo'lganidan dalolat beradi.

Asarda “O'ng tomonda turgan do'sting seni yo'ldan urishga juda chog'langan. Nasihat va yumshoqlik uni to'xtatolmaydi”- deya g'azabga ta'rif beriladi. Bundan tashqari u quruq o'tinga tushgan o'tga, bosib kelayotgan selga va qasd olayotgan sherga ham o'xshatiladi. Bu ta'riflar asarning nafaqat ma'no-mazmun jihatdan balki badiiy-estetik jihatdan ham nihoyatda boy ekanini ko'rsatadi.

“Ochofat, butun vujudi bilan shahvatga berilgan kishi . Uning qornini tuproqdan boshqa hech narsa to'ydirolmaydi”-deb insondagi istak-xohish ta'riflanadi. Asarda istak ochiqtirib keyin axlatga qo'yib yuborilgan to'ng'izga o'xshatiladi. Garchand asarda “o'ng tarfdagi do'stlaring”, “chap tarfdagi do'stlaring”, “oldinda turgan do'stlaring” deb do'st so'zi qo'llansada aslida ular insonning eng katta dushmani bo'lmish g'azab, istak, nafs kabi illatlar nazarda tutilgan. Agar inson o'z xohish-istaklariga erk bersa, o'z nafsiga qul bo'lsa uni yovvoyi hayvondan farqi qolmaydi. Nafs deb atalmish yovuz kuch insonni doim yo'ldan adashtirib, uni har ko'ygga soladi.

Xulosa qilib shuni aytishim mumkinki, “Hayy bin Yaqzon” asarining yosh avlod tarbiyasidagi ahamiyati beqiyos bo'lib, u yoshlarni ilm olishga, komillikka intilishga chorlaydi. Asarda inson o'zidagi kamchilik va illatlari ya'ni o'z nafi ustidan hukmron bo'lishi, nafs insonni emas balki aql nafsni boshqarishi g'oyasi ilgari

surilgan. Zero nafs ustidan g'alaba qozonish orqaligina chinakam kamolotga erishish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Nasimxon Rahmonov. O'zbek adabiyoti tarixi. o'quv qo'llanma. –T.: 2017.
2. Sharafjon Sariyev. Adabiyot fanidan yaxlit o'quv-didaktik majmua. Sharq, -T: 2014.
3. Ma'naviyat yulduzlari. –T.: Xalq merosi, 1999.
4. Saviya.uz
5. www.ziyouz.com kutubxonasi

“ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ТИПИДАГИ ДОСТОНЛАР ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

*Жўраев Камолiddин Аминжонович
ЖДПИ стажёр-тадқиқотчиси*

Ўзбек халқи китоблари жавонида Алишер Навоий достонлари асосида ёзилган асарлар анчагина. Жумладан, Мир Махдум томонидан китобот қилиниб нашрга тайёрланган “Насри хамсаи беназир”, Махзун яратган “Қиссаи шаҳзода Фарҳод ва Ширин”, Умар Боқий томонидан насрий баён қилинган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” Фозил Йўлдош ўғлининг “Лайли ва Мажнун” достони ва Носирхожа вадади Мансурхожаларнинг “Лайли ва Мажнун” Носирхожа вадади Мансурхожаларнинг “Лайли ва Мажнун” достонлари шундай асарлардандир.

Носирхожа валади Мансурхожанинг “Лайли ва Мажнун” достони Оллоҳга хамд, Муҳаммад Расулulloҳга насрий наът билан бошланади. У Оллоҳнинг фармонича белига хизмат камарини боғлаб “тариқи ишқ бирла оташи муҳаббатда ўртаниб, кўнглун холис қилмоқ, ҳаммадин беҳроқ” савоб иш қилиш мақсадида мазкур достонни насру назм билан тартибга беришга киришади.

Бошқа шу типдаги достонлар каби Носирхожанинг достонида ҳам арабларнинг Саййид Бани Омир деган қабила бошлиғининг фарзанди йўқлиги сабабли авлиё ва анбиёлар руҳига назру ниёзлар қилиб, Оллоҳдан бир ўғил фарзанд беришини тилайди. Унинг муножоти Оллоҳ томонидан қабул қилиниб, бир ўғул фарзанд ато қилади. Саййид Бани Омир бошни саждага қўйиб, Ҳақга шукру санони бисёр қилиб, хешу таборни йиғиб, ўғлини отини Қайс қўяди.

Фозил шоир достонида ҳам Қайс ва Лайли мактабда болалик чоғида танишадилар. Уларнинг севгиси халқ орасида машҳур бўлиб, маломатга қоладилар. Қайс бу маломатларга чидолмасдан тоғу тошларга чиқиб кетади ва ҳайвонлар билан дўстлашади. Халқ орасида икки ёшнинг шаънига атаб турли хил “афсоналар” тўқишади. Лайлининг оиласи маломатлардан қутилиш учун бошқа жойга кўчиб кетадилар. Қайс Лайлининг манзилида қолган қўтир ити билан дўстлашади.

Алишер Навоий достонида Лайли ибн Саломга узатилишини эшитиб, унда ўзининг хуқуқини химоя қилиш ибн Саломга розилик бермаслик учун курашга тайёрланади. Унинг образида активлик ҳолатини кўрамиз. Ўзини ёки ибн Саломни ўлдириш учун захар ва ханжар олади. Бу тасвир Мансурхожа достонида ибн Салом Боғдоддан келиб, Лайли сайр қилиб юрган боғда уни учратиб, севиб қолганлиги ва Лайлининг оиласига совчи юбориб, улар ўртасидаги келишув ҳикоя қилинади. Шу ўринда Мансурхожа достонидаги бу эпизод, бошқа дostonларда турлича талқин қилинади. Ибн Салом Навоий достонида ишратпараст, бойвачча, ўз манфаати йўлида турли хил қинғир ишларни қилишга қодир киши сифатида кўрсатилса, Мансурхожа достонида у маърифатпарвар, олижаноб киши сифатида кўринади. Ибн Салом Лайли билан турмуш қурган бўлса-да, Лайлининг тааддиси билан яқинлашмайди. Ибн Салом билан Лайли етти йил турмуш қурган бўлсалар-да, Лайли ҳеч қачон ўзини камситишига йўл бермаган. Навоий достонида бунақа тасвир учрамайди.

Навоий достонида Навфал бир қабила бошлиғи сифатида айтилиб, у овда юрган пайтида Мажнунни кўриб қолади. Мажнуннинг саргузаштини билгандан кейин унинг аҳволига ачиниб, Лайлининг отасига элчи юбориб, қизини Мажнунга беришни, агар бермаса, урушиб бўлса ҳам тортиб олишини айтади. Агар унга эришолмаса, ўз қизини бериши ҳақида ваъда қилади.

Носирхожа валади Мансурхожа достонида Навфал шоҳ тимсолида берилиб, унда ҳам Навоийдаги сингари Лайлининг отасига киши юбориб қизини беришни сўрайди. Бермаса, уруш қилиши ҳам айтади. Воқеа ривожини давомида Навфал Лайлининг отаси қабиласидан рад жавобини олгач, улар ўртасида уруш бўлади. Шу уруш пайтида Мажнун Лайлининг отаси қабиласига омад тиласа, Лайли Навфал шоҳга омад тилайди. Уруш Навфалнинг фойдасига ҳал бўлади. Лайлининг отаси ва қабиладошлари қиличларини бўйнига осиб Навфалга таслим бўладилар. Улар Навфалга “Агар зўрлик билан қизимизни жиннига берадиган бўлсанг, биз сендан норози бўламиз. Ахир Мажнун жиннику, бир кун келиб Лайлини ўлдириб қўйиши мумкин”,-деганларида Навфал уларнинг фикрини мақуллаб, “Қизингни хоҳлаган кишингга беришинг мумкин”,-деб жавоб беради. Лайлининг отаси ўз қабиласи обрўйини сақлаб қолиш ва қизини Мажнунга бермаслик учун Боғдодлик Абдуссаломнинг ўғли ибн Саломга узатади. Бу дostonда Навфалнинг ўз қизини Мажнунга бериш ҳақида сўз юритилмаган.

Алишер Навоий достонида Навфал ҳақида ўз қизини мажбурлаб бўлса-да, Мажнунга никоҳлаб беради. Никоҳ кечаси Навфалнинг қизи ўз севгилиси борлигини Мажнунга айтганда, Мажнун “Ундай бўлса, севганинг билан қўша қаригин”, - деб гўшангадан саҳрога чиқиб кетади. Бундай тасвир Мансурхожа достонида учрамайди.

Алишер Навоий достонида ибн Салом никоҳ кечаси кўп ичиб хафақон касаллиги тутиб қолганлиги сабабли Лайли уйдан чиқиб саҳрода Мажнун билан учрашадилар.

Носирхожа валади Мансурхожа достонида эса, ибн Салом етти йилгача Лайлининг олдида кирмасдан, охирида уни оғир касалликка дучор

бўлганлигини билиб ота-онасининг уйига олиб бориб ташлайди. Бундай тасвир Навоий достонида йўқ. Айтилган каби фарқлар Носирхожа достонида кўплаб учрайди.

Фозил Йўлдош достонида Мажнун Навфал қизига бахт тилаб саҳрога чиқиб кетади. Фозил Йўлдош достонида Ҳаким ўғлининг касаллиги тутганлиги туфайли, унинг қариндош уруғлари тўйдан кейин Лайлидан ҳам воз кечиб ўз юртларига қайтади. Натижада, Қайсининг ота-онаси алам хасратда дунёда ўтганлиги ҳақида ҳикоя қилиниб, Лайлининг ота-онаси илгарги шаштидан қайтиб, Қизини Қайсга никоҳлаб берадилар. Улар мурод-мақсадларига етадилар. Буни шоир қуйидагича тасвирлайди:... Азоб укубати бариси кетди, Лайли-Мажнун шуйтиб мақсадга етди. Охир Лайлини Мажнун олибди, Бу дунёда даврон суриб қолибди..[4;106]

Алишер Навоий достонида Лайлига қабиладош Зайд образи ҳам киртилган. Бундан ташқари достонда Лайли ва Мажнун характери очувчи қатор тасвирлар билан бирга маиший ҳаёт лавҳалари, маросимлар, расм-русм, урф, одатлар ҳам достонда ўз аксини топган. Навоий ҳар бир янги детал, тасвир орқали ўзи яшаган замин ва замон воқеаларига муносабат билдиради. Масалан, бир ўринда Лайлининг кўз ёшини Жайхун (Амударё) га ўхшатади. Достондаги бундай тасвир Навоий достонини ўзига хос белгиларини кўрсатиш билан бирга, миллийлик қийматини ҳам оширади. Шунинг учун ҳам Навоийнинг достони юксак даражадаги шеъринг роман даражасига кўтарилган.

Носирхожа валади Мансурхожа достонида Зайд Навфалшоҳнинг ходими сифатида берилган. У Лайли билан Мажнун ўртасидаги хабарни бир-бирига етказиб туради.

Фозил Йўлдош достонида Мажнун чўпон Зайднинг ёрдами билан қўй терисини ёпиниб, Лайлининг манзилига борганлиги ва улар бир-бирига арзи ҳол қилганлиги баён қилинади.

Алишер Навоий достонида Лайлининг вафотидан кейин ибн Салом ҳақида бошқа маълумот берилмайди, Мансурхожа достонида эса Мажнун кунларнинг бирида нотаниш кишига дучор келади. У ўзини ибн Салом деб таништиради, Лайлининг қабрини зиёрат қилишга келганлигини айтади. Мажнун ибн Салом билан бирга Лайли қабрини зиёрат қилиб дуо, фотиҳа ўқийдилар. Мажнун Лайли шаънига шеърлар ўқийди. Ибн Салом Мажнун айтган шеърларни ёд олиб уни тўплаш мақсадида ўз юртига қайтади. Бундай тасвир Навоий достонида йўқ.

Алишер Навоий достони сўнгида:

*Сўгин нечаким узоттим охир,
Йиғлай-йиғлай туготдим охир* [4;108].

деб шоир икки ошиқ-машуқнинг аҳволига қайғуруб сўз юритган бўлса, Мансурхожа достонида Лайли вафотидан кейин Мажнун унинг қабри устида жон беради. Мажнунни қариндошлари Лайлининг қабри ёнди дафн этадилар. Ислом дини ақидасига кўра, қабрда Мажнунни Мункир-Накр кириб сўроқ қилади. Мажнуннинг ошиқона берган жавоблари уларни қаноатлантиради.

Натижада, Оллоҳ Мажнун билан Лайлини руҳларини Жаннатда учраштиради, улар мурод-мақсадларига етадилар.

Алишер Навоий достонида Мажнун Лайлини севиб қолганлигидаги гап эл орасига тарқагандан кейин, Лайлининг отасининг қистови билан қўл-оёғини занжирбанд қиладилар. Мажнун бир неча кун Лайлининг оташин ишқида тутқун ҳолда азоб чекади. Ҳар томонга ўзини ташлаб темир кишандан қутилишга ҳаракат қилади. У озод бўлгач яна сахрога чиқиб кетади. Алишер Навоий мана шу кичкина тафсилот орқали адолатни ҳамиша банд ичида сақлаб бўлмаслигини кўрсатади. Банддан озод бўлган Мажнун ўзини ўраб турган муҳитдан норози бўлиб, жамиятдан узоқлашади. Романтик методнинг бу хусусияти тўғрисида А.Ҳайитметов шундай: “Романтик адабиётнинг энг муҳим хусусиятларидан бири, унда мавжуд тарихий муҳитни инкор этишнинг бошқа давр адабиётларидагига нисбатан энг кескин формага киришидир ... Шунинг учун мавжуд муҳитни инкор этиш романтик адабиёт ғоявий моҳиятининг энг муҳим томонини ташкил этади, деса ҳам бўлади. Бунинг конкрет бадий ифодасини эса биз романтик санъаткорлар ижодида, шахс ва муҳит ўртасидаги муносабатда кўрамиз. Шахс, яъни асарнинг асосий ижобий қаҳрамонлари ўзлари яшаётган муҳит билан келишолмайдилар. Чунки, улар яшаётган муҳит ижтимоий тузум уларнинг ҳаётий ва юксак талабларига асло жавоб бера олмайди. Натижада, шахс ва муҳит ўртасида ҳеч келиштириб бўлмайдиган конфликт юзага келиб, асар қаҳрамони у билан курашиб, ўзини ҳалок қилади ёки бу ярамас муҳит дастидан бир ёққа бош олиб чиқиб кетади”, - деган эди [4;112].

Шу нуқтайи назардан қараганда Навоий достонинг бош қаҳрамони Мажнун уйдан бош олиб чиқиб кетиши мантикий асосга эгадир. Чунки, у соппа-соғ бўлгани ҳолда атрофидагилар “Мажнун” деб уни ҳақорат қилганлар. Иккинчидан, уни ноҳақдан бандга, кишанга соладилар, таъна тошини отадилар:

Ўз ҳолида кўрмайин саломат,

Эл ҳар саридин қилиб маломат [1;177] -деб бошланади.

Мажнуннинг бундай ҳолига ачинган шоир уни ваҳшийлар билан “дўст - унс” тутинишини маъқул топади. Мажнуннинг жамиятдан, одамлардан узоқлашиб кетиши уни ўзига ҳос мавжуд тузумга қарши исёнидир. Бундай муҳитнинг адалатсизлиги, шафқатсизлигига чидолмаган Мажнуннинг фӣғони қуйидагича бошланади:

Ким: “Бўлмаса неткай эрди будум,

Ё бўлса эди адам вужудум [1;177].

Умид ва орзу билан ёнган ёшлар мақсад сари қанчалик урунмасинлар мавжуд тузум ва адолатсизлик уларнинг қовушишларига йўл бермайди.

Навоий ўз достонида юқоридагидек, фожиали воқеани баён қилар экан, тасвирдаги ҳар бир тафсилотни аниқ ва ишонарли бўлишига ҳаракат қилган. Шоир қаламининг ўткирлиги шундаки, у мавжуд тузумдаги адолатсизлик ва қарама-қаршилиқни Лайли ва Мажнун саргузашти орқали тасвирлар экан, уни ўқиган китобхон бундай жамиятда ижтимоий тенгсизлик уни асосий сабабчиси ёшлар ва илғор кучларнинг, турмуш ва ҳаёт ходиса воқеаларга янғича

муносабатда бўлишларида деб кўрсатади. Бундай тасвирлар Лайли билан боғлиқ бўлган воқеа-ҳодисаларда ҳам ўз аксини топган.

Мансурхожа достонида Мажнунни Лайли билан боғлиқ бўлган воқеалари эл орасида машҳур бўлиб кетгандан кейин қариндошлари “Мажнунни занжирбанд қилиб қўйиш керак”, деган маслаҳатни берадилар. Мажнуннинг занжирбанд бўлиши унинг Лайлига бўлган ишқини янада ҳам кучайтиради. Оллоҳнинг инояти билан Мажнун банддан озод бўлади.

Мажнун қоронғу уйда банди ҳолда ётар экан “Эй меҳрибон ёрим, мен бул оҳу надомат, аффонларим санинг учундир. Зулфи тобдоринг учун ва чашми ҳуморинг учун. Мени бу ҳолимдин хешу тоборим ор қилиб мандин юз ўгирдилар. Мени бу ҳолға бўлғаним сани боисингдиндур”, деб Лайли шаънига муҳаммас ўқийди. Буни Мансурхожа достонида муҳаммас шундай бошланади:

*Ишқ йўлида, эй дилрабо, қўйдим қадам сен ёр учун,
Ҳар дам чекиб ман бенаво, оҳи надам сен ёр учун [2].*

Мажнуннинг фарёдига чидолмаган қариндошлар “Эй Саййид ўғлунгизни Маккаи муаззамага олиб борсангиз. Шоядки, Маккаи шарифни хурматидин бу бало муни бошидин дафъ бўлғай” Саййид Бани Омир маслаҳатга биноан аввал ўғлини турли табибу бузрукворларга кўрсатади. Уларнинг давоси таъсир қилмагач Мажнунни Маккаи муаззамага олиб борадилар. Каъбада Мажнуннинг отаси: “Эй кўзимни равшани ва эй юракимни қуввати болам, бу жойидурки, банда тилак тилаб мақсад қилур, бу дарднинг мубталолиғи учун бу паришонликдин халос қилгил!”, деб йиғлагин деса Мажнун хонаи Каъбанинг деворига бош уруб, “Вой Лайли, вой Лайли” деб, фарёд қилиб Оллоҳга шундай деб мурожаат қилади. Ғазал шундай бошланади:

*Баҳаққи зоти покнинг дардимни бисёр қил, ё Раб,
Иложи бўлмасун андоғки ҳамчун зор қил, ё Раб.*

Мансурхожанинг санъаткорлиги шундаки, Мажнуннинг руҳий ҳолатини таъсирлироқ тасвирлаш мақсадида даштга отаси излаб борган пайтдаги ҳолатини: “Эй Каъбам атом, сани ҳоки даргоҳинг мани саждаи мақсудим турур. Мани бу дардимга марҳам охтарма. Чора қилайинки манга тақдирда қисмат шудур”, деб аҳволини қўйидагича баён қилади. Ғазал шундай бошланади:

*Эй қиблагоҳ, ҳукми Худо чуниндур, кўрсатмаса жаббор,
Ўз олдиға йўл бошламоғи ҳар кима қийиндур, қисматда ризодур.*

Мансурхожа достонида Лайли ҳар қанча ҳаракат қилмасин мазкур муҳитдин чиқиб кета олмайди. Натижада, ибн Салом Лайлини отасининг уйига олиб бориб ташлаганлиги сабабли унинг вафотадан Мажнун беҳабар қолади. Навфалнинг қабиладоши Зайд унга хабар беради. Мажнуннинг бу хабарни эшитгандан кейинги ҳолатини Мажнун тилидан “Санго қайдин ситам етти” (35 б-бет) деб бошланувчи ғазали келтирилади. (36 а-бет)

Бу тасвирлар шуни кўрсатадики, Мансурхожа ўз достонида халқ оғзаки ижодига хос тасвирлар орқали Мажнуннинг руҳий ҳолатини аниқ кўрсата олган.

Хулоса шуки, халқ орасидан чиққан шоирлар халқ ижодиётида тайёр сюжет ва қаҳрамонлар саргузаштини ўзларича қайта ишлаб, унга янги рух,

янги мазмун билан бойитганлар. Натижада, оғзаки адабиёт билан ёзма адабиётнинг айрим хусусиятлари бирлашиб, халқнинг руҳига мос бўлган янги асарларни пайдо бўлишига олиб келган. Шундай асарлар сарасига Андалибнинг “Лайли ва Мажнун”, Фозил Йўлдош ўғлининг “Лайли ва Мажнун”, Носирхожа валади Мансурхожанинг “Лайли ва Мажнун” дostonларини кўрсатиш мумкин. Булар шуни кўрсатадики XVIII-XIX асрларда ҳам ёзма адабиёт билан оғзаки адабиёт ўртасида пайдо бўлган халқ шоирлари томонидан яратилган, халқ китоблари руҳидаги асрлар ҳам майдонга келганлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Йигирма томлик. Тўққизинчи том. Лайли ва Мажнун. –Т.: Фан, 1992.
2. Носирхожа валади Мансурхожа. “Лайли ва Мажнун” достони. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида № 159 рақам билан сақланади.
3. Ҳайитметов А. Навоий ижодининг методи масалалар, –Т., Фан, 1963.
4. Фозил Йўлдош. Лайли ва Мажнун (достон), –Т., 1968.

ZARURIY EHTIYOJ!

*Abdurashidova Noila Damin qizi,
JDPI magistranti*

*Til va yozuv. Bu ikki tushuncha bir-biri bilan uzviy bog'liqdir.
Har ikkisi ham xalq hayotida muhim ahamiyatga egaki, ularsiz o'zlikni
anglash, Vatanparvar bo'lish dushvor.*

“Til- millatning ruhidir”. Bu jumlarlar barchamiz uchun juda tanish bo‘lib ulgurgan. Ammo uning mohiyatini hamma ham chuqur his etavermaydi. Biror xalqning tilini o‘rganish o‘sha xalqning ruhiyatiga kirib borish uchun yo‘l ochadi. To‘g‘ri, bu insonning tafakkurini oshiradi, ilm xazinasini boyitadi, ammo bular milliy tilni unutish, o‘z vatanida yashasada xalq tilida suhbatlasha olmaslik evaziga bo‘lmasligi kerak. Rus bosqini davrida ayni shu holat kuzatildi. Chor Rossiyasining yurtimizga bosqini davrida Skobelov nomli bir generali aytgan ekan: “Biror millatni yo‘qotish uchun uni qirg‘in qilish shart emas.

Uning tilini, madaniyatini yo‘qotsang bu xalq o‘z-o‘zidan yo‘q bo‘lib ketadi”.

Rus tilining xalqimiz orasida keng yoyilishi natijasida rus ruhiyati, rus madaniyati yoyila boshladi. Hayriyatki, 1989-yil 21-oktabrda o‘zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi natijasida o‘z tilimizni saqlab qola oldik.

Yozuv – ajdodlar va avlodlarni bir-biri bilan bog‘lovchi, bilim va tajribalarni ulashuvchi eng ajoyib kashfiyot. Millatning millat bo‘lib shakllanishida, rivojlanishida va hamda milliyligini saqlab qolishda til va yozuvning ahamiyati nihoyatda kattadir. Zeroki ular o‘zlarida ulkan ma‘naviy va madaniy xazinani saqlaydi.

Allohga shukrki, tilimizni jar og‘zidan qutqarib qoldik, ammo yozuvimizchi?!

Necha – necha asrlar xalqimiz foydalangan, qanchadan qancha ilmiy, badiiy, falsafiy asarlar yaratilgan eski o‘zbek yozuvi bugun unutildi. Bizlar boy xazinaga ega bo‘lgan tariximizning bu qismidan uzilib qoldik. Bularning barchasi yaqin yuz yil ichida sodir bo‘ldi. Yuz yil avval ota-bobolarimiz bu tilda yozilgan kitoblarni bemalol, hech bir qiyinchiliksiz mutolaa qilar edilar. Ammo hozir biz ularni soha mutaxassislari lotin yozuvida ko‘chirib berishsagina o‘qiy olamiz. Achinarlisi, juda ko‘pchilik holatlarda hatto oliygohlarning “O‘zbek tili va adabiyoti ” fakulteti talabalari ham tabdilga ehtiyoj sezadilar. Bu holat biz tilimizni ham qisman yo‘qotganimizni anglatadi (hozirgi kunda ingliz va rus tillarining ham so‘zlashuv nutqimizda juda ko‘p qo‘llanilishi bizlarni tashvishga solishi kerak).

“O‘zbekistonimizning kitob fondlarida 100 mingdan ziyod qo‘lyozma asarlar saqlanmoqda. Afsuski bu nodir kitoblar hali to‘liq o‘rganilmagan, ular olimlar va o‘z o‘quvchilarini kutib turibdi. Ushbu noyob asarlar bugungi davr o‘rtaga qo‘yayotgan juda ko‘p dolzarb muammolarga javob topish mumkin. Lekin biz ana shunday noyob meros vorislari, shunday boylik egalari bo‘la turib , ularni har tomonlama o‘qish – o‘rganish haqimiz avvalo unib - o‘sib kelayotgan yoshlarimizga, jahon hamjamiyatiga yetkazish bo‘yicha yetarli ish qilmaganimizni ham ochiq tan olish kerak” [1] degan edilar Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev. Darhaqiqat, bu borada hali qilinishi kerak bo‘lgan vazifalar talaygina.

Magistrlk ishim taqozosidan Xiva xonlari sulolasiga mansub bo‘lgan, sermahsul ijodkorlardan biri Sayyid Homid to‘ra ibn Sayyid Muhammadxon Komyob (1862-1926/30) asarlari yuzasidan qilingan ishlarni qidirdim. Ammo, afsuski, tadqiqot ishlari juda kam. Ijodkorning ilmiy biografiyasi yaratilgan, asarlarining matniy tadqiqi amalga oshirilgan .

Taniqli Xiva xoni bo‘lgan Muhammad Rahimxon Feruzning inisi Komyob haqida kam sonli soha mutaxassislorigina xabardor. Vaholanki, uning tarixiy asarlari va esdaliklaridan Vatanimizning diplomatiya, fan, ta‘lim, madaniyat, adabiyot kabi sohalari tarixiga doir qimmatli ma‘lumotlar o‘rin olgan. Afsuslanarlisi, bunday ijodkorlarning ko‘lami anchayin katta.

Komyob devonini nashrga tayyorlagan, “Komyob hayoti va ijodiy merosi manbalari tadqiqi” manografiyasini e‘lon qilingan, bu ijodkorning ijodini o‘rganish bo‘yicha salmoqli ishlarni amalga oshirgan ustozim filologiya fanlari nomzodi, dotsent Jamoliddin Jo‘rayev bu xususda shunday yozadi: “XIX asr va XX yuz yillik boshlari Xorazm adabiy muhitining Munis, Ogahiy, Bayoniy, Avaz O‘tar singari namoyondalari ijodini tadqiq etish yuzasidan adabiyotshunoslikda muayyan yutuqlarga erishilgan bo‘lsa-da, ular bilan zamondosg Asad, Oqil, Sa‘diy, Komyob, Murodiy, Sultoniy, Farrux, Sodiq kabi xon oilasidan yetishib chiqqan ijodkorlar asarlarining qo‘lyozmalari hanuzgacha o‘rganilmagan” [2;3].

2010-yilda “Matnshunoslik davr talablari darajasidami” [3;5] mavzusida yetuk adabiyotshunos olimlar: professor Suyima G‘aniyeva, filologiya fanlari doktorlari Nurboy Jabborov, Nusratullo Jumaxo‘ja, Shodmon Nafasov, filologiya fanlari nomzodlari Qodirjon Ergash, Rashid Zohidov va Qo‘ldosh Pardayevlarning davra suhbatlari bo‘lib o‘tgan edi. Unda matnshunoslikdagi yutuqlar va kamchiliklar

yuzasidan bir qancha fikrlar ilgari surildi, yechimlar izlandi. Mazkur davra suhbatida filologiya fanlari doktori Nusratullo Jumaxo‘ja quyidagi fikrlarni bayon qildi: “Meningcha birinchi navbatda, matnshunoslikning markaziy tashkiliy masalalari to‘g‘risida muhokama yuritib, qat’iy bir to‘xtamga kelib olish zarur. Bular -maxsus matnshunoslik hay’ini tuzish, matnshunoslik jarayonlariga yagona andoziy mexanizm sifatida xizmat qiladigan matn imlosi qoidalarini tuzish, matnlarni takrorlaydigan va chop etadigan mutaxassislar barmoq bilan sanarli darajada oz. Agar ular sarhisob qilinadigan bo‘lsa, bir ikki kishidan nariga o‘tishi ham qiyin. Chunki qolganlari sezilarli darajada faol emas. Ehtimol, bu mavjud matnshunoslarga e’tibor va rag‘bat kamligidandir Aksariyat mumtoz matn nashlarida sohaning qilni qirq yoradigan zahmatkash mutahassislardan foydalanmaslik, aksincha ularni chetlab o‘tishga intilish achinarlidir. Matnshunoslik amaliyotiga mana shunday yondashuv oqibatida bugungacha bironta adibimizning merosini matn sifati va saviyasi jihatidan mukammal darajada chop etilgan, deya olmaymiz”

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Matnshunoslik taraqqiyoti nafaqat badiiy asarlar, balki ilmiy soha taraqqiyoti uchun ham zarurdir. Shu nuqtaiy nazardan bu masalani bugungi kunning dolzarb vazifalari qatoriga kiritish lozimdir. Masalaning yechimi sifatida quyidagilarni keltirish mumkin:

- soha mutaxassislarining ko‘payishini rag‘batlantirish;
- ularning erkin faoliyati uchun barcha sharoitlarni yaratib berish.

Zeroki, qo‘lyozma asarlarning ilmiy- tanqidiy matnini tayyorlash, ularni tadbil qilish boy milliy merosimizni o‘zlashtirish yo‘lidagi zaruriy ehtojdir!

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati va Qonunchilik palatasiga Murojaatnomasi //Xalq so‘zi. –T.: 2017- yil 23-dekabr.
2. J. Jo‘rayev. Komyob hayoti va ijodiy merosi manbalari tadqiqi // Mumtoz so‘z.- 2019. 3-b.
3. O‘zbekiston adabiyoti va san‘ati jurnali. 2010. 5-b.

III ШУЪБА. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ
МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Шуъба раиси: филология фанлари номзоди, доцент Усмонжон Қосимов

Котиби: ўқитувчи Шоҳиста Аҳмедова

ABDULLA QƏDIRI: TƏNQID, TƏHLIL VƏ ŞƏRHLƏR

Almaz Ülvi BİNNƏTOVA

Filologiya elmləri doktoru, professor

AMEA Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat

İstitutunun “Azərbaycan-Türkmənistan-

Özbəkistan ədəbi əlaqələri” şöbəsinin müdiri

2011-ci ilin oktyabrında Daşkənddə ənənəvi olaraq keçirilən Nəvai günlərində Azərbaycan alimləri adına düzənlənən müxtəlif tədbirlərdən aldığımız təəssüratlar unudulmaz anlarla, xatirələrlə yaddaşımıza sanki əbədilik həkk olunurdu (AMEA Nizami adına Ədəbiyyat İnstitutundan professor Nüşabə xanım Araslı və mən dəvət olunmuşduq). Bu sıradan Özbəkistan Milli Universitetinin qonağı olarkən orada Universitetin tanınmış alimi, filologiya elmləri doktoru, Özbəkistan Milli Universitetinin professoru Bahadır Kərimov (Baxodir Karim) özbək elmi-nəzəri fikrində Abdulla Qədiri irsinin ən mükəmməl tədqiqatında bəhs edən kitabını hədiyyə etdi.

Müstəqillik illərində yeni baxışla tədqiqata cəlb etdiyi Abdulla Qədirinin ədəbi şəxsiyyəti və irsindən bəhs edən bu əsər istər elmi-nəzəri baxış cəhətdən, istərsə də tədqiqatçının səlis elmi dili, aydın təfəkkürü, problemə ciddi yanaşması baxımından elə ilk andaca mükəmməl təsirini hiss etdirir. irihəcmli “Abdulla Qədiri: tənqid, təhlil və şərhlər” [11] monoqrafiyası 2006-cı ildə “Fan” (“Elm”) nəşriyyatında (professor U. Hörmətovun məsul redaktorluğu, professor Naim Kərimovun və filologiya elmləri namizədi U. Jurakulovun rəyləri ilə) çapdan buraxılmışdır. Əsər “Giriş”, “Qədiri yaradıcılığına öncəki baxışlar (“Ötən günlər” və 20-30-cu illər mühiti)”, “Ədəbi - tənqidi ziddiyyətlər (“Mehrab əqrəbi”nə münasibət), “Elmi - ədəbi mühit və ədəbi şərhlər”, “Satirik tənqidi yorumları”, “Bədiyyat məsələsi və bəzi nəzəri görüşlərə baxış”, “Bədii estetik təfəkkür yenilikləri və qədirşünaslıq”, “Bioqrafik məlumat və şərhlər”, “Xaricdə qədirşünaslıq”, “Nəticə” və “İstifadə olunan ədəbiyyatlar” kimi 11 bölmə daxilində qruplaşdırılaraq olduqca əhatəli və elmi faktlar zənginliyi ilə dəyərli əhəmiyyətə malikdir.

XX əsr özbək ədəbiyyatı tarixində Abdulla Qədirinin yaradıcılığı, ən başlıcası isə onun “Ötən günlər” və “Mehrab əqrəbi” əsərləri həm müəllifinə, həm də özbək ədəbiyyatına, yenicə yaranan bədii nəsrinə böyük şöhrət qazanmışdır. Bu əsərlərin aktual mövzusu, müəllifin yaradıcılıq üslubu, milli ədəbiyyata gətirdiyi yenilikçi görüşləri, aydın düşüncə tərzini, zəngin bədii-estetik təfəkkürü və eləcə də dövrü mətbuatda dərc etdirdiyi ədəbitənqidi məqalələri imkan yaratmışdır ki, haqqında onlarla kitablar, yüzlərlə ədəbi-tənqidi məqalələr yazılsın. Təsədüfi deyil ki, şərqşünas alim, akademik Bertels özbək nəsrini Abdulla Qədirinin “Ötən günlər”

romanına görə dünya (ingilis, alman, fransız, rus və hind romandan sonra) nəsrinin “altıncı özü də” adlandırmışdır.

A.Qədirinin bədii təxəyyülü, ədəbi-estetik ideali ilə izahlı elmi görüşləri arasındakı münasibət, hökmran siyasətin ədəbi tənqiddə təsiri, yorum və təhlillərdəki vulqar sosiologizm, subyektivizm və başqa bu kimi problemlərin yeni elmi - nəzəri əsasda öyrənilməsi müstəqillik illərimizin vacib məsələlərindən biri kimi qarşıya məqsəd qoyulmuşdur. Mübaliğəsiz deyə bilərik ki, istedadlı alim, təvazökar insan professor Bahadır Kərim işinin öhdəsindən gerçəkdən də layiqincə gəlmişdir.

Çünki XX əsr özbək ədəbiyyatşünaslığında, ümumən əski sovet ittifaqı ədəbiyyatşünaslığında bədii əsərlərin şərh, izahı sovet prinsiplərinə uyğun öyrədilirdi. Ə.Fitrət, Ə.Çolpan, X.Behrudi, A.Qədiri M.Şeyxzadə kimi sənətkarların yaradıcılığı isə nəinki təhrif formada, hətta çox az, digər müttəfiq ölkə ədəbiyyatşünaslığında isə öləri elmibaxışla yazılırdı, ya da üstündən tam sükutla ötürülürdü. Məşum 1937-ci il faciəsində ilk repressiya qurbanlarından biri də Abdulla Qədiri olmuşdur (qeyd etmək yerinə düşər ki, özbək ədəbiyyatının sütunları sayıla biləcək üç böyük təfəkkür sahibi Ə.Fitrət, Ə.Çolpan və A.Qədiri eyni gündə həbs edilmiş, qısa zaman ərzində hər üçü güllələnmişdir).

Əldə etdiyimiz qiymətli tədqiqatlara isnadən deyə bilərik ki, müstəqillik əldə edildikdən sonra özbək ədəbiyyatşünaslığında böyük işlər görülməyə başlamışdır. Xüsusən Azad Kayumov, Tura Mirzoyev, Suyima Qəniyeva, Naim Kərimov, İbrahim Haqqulov, Həmidulla Baltabayev, Bəxtiyar Nəzərov və digər tanınmış, istedadlı ədəbiyyatşünaslar xeyli işlər görməyə müvəffəq olmuşdular. Onlar Əbdürrauf Fitrət, Əbdülhəmid Çolpan, Maqsud Şeyxzadə və bir çox repressiya qurbanları - özbək ədəbiyyatının, ədəbiyyatşünaslığının yaradıcıları olan ziyalılar haqqında fundamental monoqrafiyalar yazdılar və yenə də yazılır. A.Qədiri haqqında yazılmış “Abdulla Qədiri: tənqid, təhlil və şərhlər” adlı əsər də bu sıradan diqqətə çəkilməyə layiqdir.

Müəllif monoqrafiyasında ilk olaraq müstəqillik illərinə cən A.Qədiri yaradıcılığının özbək ədəbiyyatında yeri, özbək ədəbiyyatşünaslığında öyrənilməsi məsələsinə diqqət etmiş, araşdırmaların yekunu olaraq qənaəti belə olmuşdur ki, Qədiri yaradıcılığı məhz sosializm realizm prinsipləri mövqeyində təhlilə cəlb edilmişdir. Bu isə böyük ədibin yaradıcılıq dünyasının bütövlükdə açılmasına maneçilikdən başqa bir şey olmadığına gətirib çıxarmışdır. Müəllif əsərin annotasiya hissəsində xüsusi olaraq qeyd edir ki, “A.Qədirinin həyatı və yaradıcılığının tədqiqinə həsr olunan bu monoqrafiya tam bir əsrlik ən mühüm elmi mənbələr, ədibin qələminə mənsub bədii əsərlər yeni-nöqteyi-nəzərdən öyrənilmişdir. Kitabda XX əsr qədirişünaslığının tarixi və ümumən, özbək ədəbiyyatşünaslığı tarixinin elmi mənzərəsi tam açılmışdır. Xaricdə qədirişünaslıq mövzusunda yazılan bütün əsərlərə diqqət yetirmiş, onlar haqqında müəyyən yekun nəticəyə gəlmişdir. Ən mühümü, müəllif elmi-nəzəri mənbələrə dünya ədəbiyyatşünaslığında olan meyarlar əsasında yanaşmışdır.

“Qədiri yaradıcılığına ilkin baxışlar (“Ötən günlər” və 20-30-cu illər mühiti)” bölməsində ilk olaraq Abdulla Qədirinin 20-ci illərin əvvəllərində yazdığı əsərləri haqqında söz açır. Onun müxtəlif mətbuat orqanlarında dərc olunmuş “Bəxtsiz adaxlı”, “Əxlaqsız”, “Uloqda” kimi əsərləri, bəzi şeirləri, eləcə də həcvi-publisistik -

həcv ustalığı ilə yazdığı kiçik həcmli əsərləri, məqalələri onu xalq arasında tanıtmışdı. Çünki bu əsərlərdə real həyat lövhələri olduqca səlis və məntiqli, aydın və lakonik, hər kəsin gördüyü və müşahidə etdiyi, gündəlik həyatında rastlaşdığı haqsızlıqları, eybəcərlikləri sərrast şəkildə qələmə alınmışdır. A.Qədiri dünya ədəbiyyatında xüsusən Azərbaycanda yaranan ədəbiyyatı mütaliə etmək, onlarla tanış olmaq fürsəti qazana bilmişdir. Ədəbi təsir özünü göstərmişdir. O, Mirzə Cəlilin, "Molla Nəsrəddin"inin, Sabirin Orta Asiya xalqlarının ədəbi-mədəni inkişafına təsirindən danışarkən, bunu xüsusilə qeyd etmişdir: "Orta Asiyada Azərbaycan ədəbiyyatını oxumayan, bilməyən sənətkar yoxdur. Biz həvcçiliyi "Molla Nəsrəddin"dən öyrənməliyik. Mən qələm tutmağı ərəblərdən, qələmlə güldürməyi isə "Molla Nəsrəddin"dən öyrənmişəm" [1,s. 97].

A.Qədirinin ilkin yaradıcılıq ustalığı onun haqqında müxtəlif elmi-ədəbi-tənqidi məqalələrin də yazılmasına imkan yaratmışdı. Abdürrəhman Sədi "Oktyabr inqilabı və özbək ədəbiyyatı", Əli İsmayılzadənin (Əli Yusif kimi tanıgımız Əli İsmayılzadə 1918-ci ildə Fransaya təhsil almağa göndərilən 100 tələbədən biridir, ADR-sı süquta uğrayandan sonra onun da taleyi Özbəkistana bağlanmışdır) "Ədəbiyyat qovğası", Nemət Həkiminin "Özbək ədəbiyyatında tənqid və ədəbi mühakimələr", Vadud Mahmudinin "Bu günkü şeirlərimiz və sənətkarlarımız" kimi məqalələrdə A,Qədiri yaradıcılığında bəhs edilmişdir. Elə bu ərəfədə yazıcının "Ötən günlər" romanı nəşr edildi. Bu əsər istər məzmun, istər sənətkarlıq baxımında nəinki özbək ədəbiyyatında, ümumiyyətlə o dövr ədəbiyyatında zirvə oldu.

Müəllif "Ötən günlər" romanını, ümumilikdə yazıcının 20 - ci illərdə yazdığı əsərləri təhlil etməklə yanaşı, 20-ci illərdən ta müasir dövrümüzə qədər ayrı - ayrı ədəbiyyatşünasların yazıçı haqqında yazdıqları ədəbi-tənqidi məqalələrini nəzərdən keçirərək müqayisəli şəkildə öz mülahizələrini də bildirir.

"Ədəbi-tənqidi ziddiyyətlər ("Mehrab əqrəbi"inə münasibət)" bölməsində isə yazıcının ikinci məşhur romanı - "Mehrab əqrəbi" əsəri və əsər haqqında yazılmış ədəbi -tənqidi fikirlər, qeyd və düşüncələrdən bəhs edilir. Özbək ədəbiyyatşünaslığında "Mehrab əqrəbi" əsərinə münasibət Aybekin "Abdulla Qədirinin yaradıcılıq yolu" əsəri ilə başladığını tədqiqatçı qeyd edir. Eyni zamanda roman haqqında ilk şərh onun nəşr olunduğu zamandan başladığını da diqqətə çəkilir. 1929-cu ildə "Şərq həqiqəti" qəzetində M.Buzrukun "Mehrab əqrəbi" (mövzu sinfi rəngi və görünüşü cəhətdən dəyişdirilmişdir) sərlövhəli məqaləsini ikinci roman haqqında yazılmış ilk ədəbi-tənqidi yazı hesab edə bilərik. O, əsər haqqında fikirlərini rum rəqəmləri ilə işarələyərək 11 hissədə şərh etmişdir: I.Romançılıqda tərcümə. II.Özbək ədəbiyyatında roman. III.Romanın xülasəsi. IV.Şərtlər (burada yaxşı cəhətlərini və "əyər-əskikliklər" deyə iki qism daxilində). V.Məfkurə cəhəti. VI. Düzülüş xətalrı. VII. Qeyri-təbii cəhətləri, VIII.Nöqsanlar. IX.Tiplər. X.Təsiri. XI.Xülasə.

Bax, bu məqalədən başlayaraq ta indiki dövrə qədər Qədirinin adı çəkilən əsəri haqqında yazılmış ədəbi-tənqidi qeyd və düşüncələr tədqiqatın əsas predmeti kimi təhlil olunmuşdur. Kitabda olduqca əhatəli və çoxcəhətli məqamlara toxunulmuşdur və bu da monoqrafiyanı mükəmməl etmişdir. Monoqrafiyada "Elmi-ədəbi mühit və ədəbi izahları", "Satirik tənqidi yorumları", "Bədiyyat məsələsi və bəzi nəzəri

görürlərə baxış”, “Bədii estetik tərakkür yenilikləri və qədirşünaslıq”, “Bioqrafik məlumat və şərhlər”, “Xaricdə qədirşünaslıq”, “Xülasə” və “İstifadə olunan ədəbiyyat” bölmələr daxilində A.Qədinin ədəbi irsi və şəxsiyyəti müstəqillik işığında araşdırılmışdır.

Bahadır Kərimin adı çəkilən monoqrafiyasında ən maraqlı bölmələrdən biri “Xaricdə qədirşünaslıq” mövzudur. Bu bölmədə A.Qədini irsinin dünya şöhrəti qazanmasının səbəbi təbii ki, onun real həyat müşahidələri əsasında sadə dildə qələmə aldığı əsərləridir, xüsusən “Ötən günlər” romanı. Bu əsər haqqında Avropa və Asiyanın tanınmış, məşhur ədəbiyyatşünasları kəsərli və obyektiv müsbət rəylər və mülahizələrini bildirmişlər. Kitabın müəllifi professor Bahadır Kərimdən əsərdə niyə Azərbaycan ədəbiyyatşünaslarının, ümumiyyətlə, Azərbaycan elmi-nəzəri fikrində A.Qədini irsinə münasibət mövzusunda niyə toxunulmadığını maraqlı etdim.

Özbək nəsrinin görkəmli nümayəndələri Abdulla Qədini, Abdulla Qəhhar, Aybək kimi nasirlərin yaradıcılıq təcürbəsində olduğu kimi, müasir özbək nəsrində də şifahi xalq ədəbiyyatı, folklor janrının fəlsəfi ideyaları ilə sıx bağlıdır. Abdulla Qədinin hər iki şöhrətli əsəri Azərbaycan dilinə tərçümə olunaraq dəfələrlə nəşr olunsada, təəssüf ki, hələlik ədəbiyyatşünaslığımızın özbək ədəbiyyatı fəslində görkəmli yazıcının həyat və yaradıcılığını tam əhatə edən tədqiqat və təhlillər azdır.

İSTİFADƏ OLUNAN ƏDƏBİYYAT:

1. Almaz Ülvi Binnətova. Azərbaycan - özbək (cığatay) ədəbi əlaqələri (dövlər, simalar, janrlar, təmayüllər). –Bakı, Qartal, 2008. –334 səh.
2. Almaz Ülvi Binnətova. Özbək ədəbiyyatı (ədəbi portret cizgiləri, araşdırmalar, müsahibələr, yol qeydləri). –Bakı, “Elm və təhsil”. 2016. –316 səh. [səh.62-83]
3. Xəlilov Pənah. SSRİ xalqları ədəbiyyatı. II hissə. –Bakı, Maarif, 1977. –360 səh.
4. Qədini Abdulla. Ötən günlər (tərç.ed. X.S.Xocayev). –Bakı, Azərnəşr, 1928. – 234 s.
5. Qədini Abdulla. Ötən günlər (tərç.ed. X.S.Xocayev). –Bakı, Azərnəşr, 1929. –101 s.
6. Qədini Abdulla. Ötən günlər (tərç.ed. İ.İbrahimov). –Bakı, Uşaqgəncnəşr, 1960. – 391 s.
7. Qədini Abdulla. Ötən günlər (tərç.ed. İ.İbrahimov). –Bakı, Gənclik, 1979. –342 s.
8. Qədini Abdulla. Ötən günlər (tərç.ed. İ.İbrahimov). –Bakı, Gənclik, 1987. –336 s.
9. Qədini Abdulla. Mehrab əqrəbi (tərç.ed. Y.Məmmədov). –Bakı, Gənclik, 1970. – 264 s.
10. Qədini Abdulla. Ötən günlər / tərç.ed. X.S.Xocayev. –Bakı, Azərnəşr, 1928. – 234 səh.
11. Karim B. Abdulla Kodiriy: tankid, taxlil va talkin. –T.: Fan, 2006. –232 bet.
12. Назаров Р. Узбекский роман и современность. –Т., 1975.
13. Кадыри Абдулла. Минувшие дни (предис. И. Султанов). –Т.: Худ. лит., 1958.
14. Кадыри Абдулла. Алтарь следа скарпиона. (предис. Л. Климович). –М.: Худ. Лит., 1964.

15. История узбекской советской литературы. (V т. 1917-1985). –Т.: Фан, 1988. - 250 с.
16. Страницы Азербайджанско-узбекских литературных взаимосвязей (сборник). –Баку, ЕЛМ, 1985. –276 с.

TIL VA ADABIYOT – YUKSAK TAFAKKUR VA KAMOLOT KO‘ZGUSI

Usmon Qosimov,

JDPI professor v.b, filologiya fanlari doktori,

O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi mudiri

Insoniyat tamaddunida xalqimiz tarixi kabi uning adabiyoti ham g‘oyaviy-badiiy yuksakligi bilan alohida o‘rin tutadi. “Bizning havas qilsa arziydigan buyuk tariximiz, ulug‘ ajdodlarimiz, beqiyos boyliklarimiz bor... nasib etsa, havas qilsa arziydigan buyuk kela jagimiz, buyuk adabiyoti miz va san‘atimiz ham” bo‘lishi shubhasiz[1;8]. Adabiyot va estetik tafakkur milliy o‘zlikni anglash va ma‘naviy yuksalishning ham muhim omilidir.

Mustabid sho‘ro davrida boy tariximiz va adabiyotimiz xolisona o‘rganilmasdan, aksincha, bunday harakatlar “o‘tmishni ideallashtirish”, “millatchilik” degan tamg‘alar bilan qoralanib, taqiqlab kelingan. 1917 yil Oktyabr “inqilobigacha bo‘lgan davr o‘zbek adabiyoti xon va beklar uchun yozilgan saroy she‘riyatidan va diniy mazmundagi asarlardan iborat”, [2;515] - deb, butunlay inkor ham etilgan edi. Adabiy merosga nisbatan nigilizm oqibat lari Yassaviy, Navoiy, Bobur, So‘fi Olloyor, shoh va shoir Feruz va Abdulla Qodiriy kabi ulug‘ siymolar shaxsi va ijodiga nisbatan qilingan johilona munosabat va tahqiqlarda yaqqol ko‘rinadi. Turkiston ahlining ulug‘ shayxul mashoyixi” (Navoiy) Yassaviy hikmatlari hukmron mafkura tazyiqi tufayli xolis baholanmadi. “O‘zbek adabiyoti tarixi”, [3;157] “Adabiyot nazariyasi” (1978) darsliklarida ham bu holatlar aks etgan.” Yassaviy “Hikmat”laridagi diniy-mistik traditsiya, tarkidunyo falsafasi Sulaymon Boqirg‘oniy, So‘fi Olloyor, Xaziniy tomonidan davom ettirilgan... diniy-mistik adabiyot hamma vaqt va hamma joyda reaksiya ro‘li o‘ynagan” [4;29]. Bunday adolatsizliklar keyingi davr adabiyoti rivojiga ham to‘siq bo‘lgani tariximizning malomatli faktlari dir. Navoiy kabi klassiklar ijodi ham “fisqu fujur adabiyoti” deb e‘lon qilinganini bugungi kitobxonlar aqliga sig‘dirolmasligi mumkin” [5;51]

30-yillarda adabiyot tarixini izchilik bilan yoritgan, o‘tmishdagi yirik shoirlar faoliyatini ilmiy asosda mukammal ochib bergan biron tadqiqot yo‘q edi (O.Sharafiddinov). Navoiy ijodi va shaxsini mehr bilan o‘rganib, ilmiy asarlar, she‘r-dostonlar va “dilrabo roman” yaratgan Oybek xastalanib qolgani ham mash‘um siyosatning ayanchli bir oqibatidir. Bunday nohaqlik buyuk shoir va mutafakkir Boburning ulkan ijtimoiy-siyosiy faoliyati va beqiyos ijodiga nisbatan ham bo‘lgani ma‘lum. 80-yillar kompartiyaning Bobur shaxsi va ijodiga ko‘rsatgan tazyiq-taqiqlari va P.Qodirovning Boburiylar sulolasiga bag‘ishlangan “Avlodlar dovoni” romani nashrdan to‘xtatib qo‘yilgani ham manfur mafkuraning yana bir siyosiy “nayrangi” edi. Hukmron mafkura siyosati oqibatida ko‘plab adolatsizliklar ro‘y berganini So‘fi

Olloyor shaxsi va merosini ixlos bilan o'rgangan Tog'ay Murodga nisbatan qilingan nohaqlik misolida ham ko'rish mumkin. Tazyiqlarga qaramay, Tog'ay Murod o'ziga xos shijoat bilan hayotiy haqiqatni o'sha davrda ham ayta olgan: "Ko'rasizlar, yaqin qoldi. Odamlar islom ma'rifatiga qaytadi. Har bir uyda Qur'on kitobi osig'liq turadi". Ana shunday diniy ma'rifat va umuminsoniy g'oyalari uchun adib jabrlanadi.

Tog'ay Murodning partiya byurosi vakillariga qarshi mardona qat'iyat va ishonch bilan aytgan so'zlari zamirida qanchalik hayotiy haqiqat ifodalanganini o'sha manfur mafkura siyosatining tazyiq va zug'umlarini boshidan kechirgan yana bir mashhur shoirimiz O'zbekiston Qahramoni Erkin Vohidovning quyidagi dard va armonli xotiralari ham to'la tasdiqlaydi: "Odamlar, ayniqsa, partiya va sovet organlari va mas'ul idoralarida ishlaydigan xodimlar hatto o'z ota-onalari va yaqinlarining janozasi va ta'ziasiga ham borolmay, kasalxonalarda yotib olishga majbur bo'lishgan..." [6;64]

Bular ham- mash'um tuzumning nafaqat adabiy merosimizga, balki ko'p asrlik islomiy va ma'naviy qadriyatlarimizga va xalqimizning milliy va diniy e'tiqod-erkinligiga qarshi qo'llanib kelingan johillarcha va razilona munosabatini ko'rsatuvchi dalillardan biri edi. Aslida esa, Tog'ay Murod ushbu maqolasida So'fi Olloyorning yorqin shaxsi va uning el-yurtlar orasida katta shuhrat qozongani xususida ko'plab asosli fikr va mulohaza larni bayon etgan va o'sha og'ir 80-yillarda o'quvchilarni bu tarixiy siymo shaxsi va ijodi bilan yaqindan tanishtirishga harakat qilgan. Binobarin, islom dini ahkomlarini xalq orasida keng yoygan va Mashrabdek benazir shoir va allomaga hammaslak bo'lgan So'fi Olloyorning tasavvufona tafakkurida va Alloh kalomi bo'lgan muqaddas "Qur'on" ni beqiyos ulug'lashida va uning xalqchil asarlarida ham Imom Buxoriy kabi buyuk ajdodlarimizga xos ibratimiz talqinlarni ko'plab uchratamiz. Allomaning turkiy va forsiy tillarda yaratilgan va elaro keng tarqalgan asarlaridagi purma'no g'oyalari va aqidalari bugun ham milliy istiqloq mafkuramizga va ma'naviyatimizga hamohangligi bilan ham alohida ajralib turadi

Sobiq sho'ro davrida barcha shoir va yozuvchi ijodi faqat "Oktyabr revolyutsiyasining mevasi deb talqin etilar va adabiyotimizdagi hamma asarlar revolyutsiya g'oyalari ta'sirida yozilgan" degan biryoqlama qarashlar soxta shiorlarga aylangan edi. Endilikda bu nuqtai nazarlar tarixiy haqiqatga butunlay zid ekanligi va ular ijod psixologiyasi va ruhiyat jarayonlariga ham mutlaqo muvofiq kelmaydigan qarashlar ekanligi ayon bo'ldi. Bular ham Istiqloq davri ma'naviyatimizdagi jiddiy bir yangilanishdir. Chunonchi, xalq hayoti va ruhiyatni chuqur yoritib bergan "O'tkan kunlar"ni minglab kitobxonlar qo'lma-qo'l o'qiyotgan va o'zining sevinch-minnatdorligini bir-birlariga va hatto yozuvchining o'ziga ham quvonch bilan aytib yurgan kunlarda hech kutilmaganda 1928 yili "Za partiyu" jurnalida o'sha davrdagi partiya va hukumatning ishongan siyosiy vakillaridan bo'lgan M.Sheverdinning mash'um maqolasi chop etilgan. Unda yozuvchi juda katta g'oyaviy xatolarga yo'l qo'ygan deb, romanni butunlay zararli asar deb keskin qoralaydi. Jumladan, u Abdulla Qodiriydek buyuk adibni va uning nodir asari bo'lgan ilk romanini bepisandlik bilan shunday nohaq kamsitadi: "O'zbeklarning birinchi

romani- Qodiriyning romani g'oyaviy jihatdan bizga yotdir...unda eskicha odat, Qur'on, o'tmish..targ'ib qilinadi.." [7; 174].

Bu nafaqat bir adib ijodiga nisbatan, balki butun millatimiz, dinu-e'tiqodimiz va madaniy merosimizga nisbatan g'addor tuzum siyosati va qabohatining manfur bir ko'rinishi edi. 20-30-yillari avj olgan beshafqat mafkuraviy xurujlar keyinchalik ham davom etadi. Chunonchi, akademik Baxtiyor Nazarov tadqiqotida ko'rsatilishicha, Oybekning Ikkinchi jahon urushi va urushdan so'nggi og'ir yillarni aks ettiruvchi asari, jumladan, 1947 yili nashr etilgan "Qizlar" poemasi ham xalq hayotini buzib tasvirlaganlikda va asarda bolshevistik partiyaning tashkilotchilik rahbarlik roli yetarli ko'rsatib berilmaganlikda ayblanadi va dostonni qayta yozish talab qilinadi. Yoki taniqli tanqidchi Rahmon Qo'chqorovning dissertatsiyasida ta'kidlanganidek, Abdulla Qahhorning "Qo'shchinor" (1947) romanida ham xalq hayoti va milliy hamda diniy urf-odatlar haqqoniy tasvirlangan voqea va holatlar ham mash'um tuzum siyosati va mafkurasi tomonidan keskin qoralangan va ularni zararli epizod sifatida asardan chiqarib tashlash talab etilgan edi. Ya'ni romandagi hayotiy voqealar tasviri o'sha davrdagi partiyaning haybarakallachi mafkurachilari tomonidan sovet tuzumi siyosati uchun zararli va xavfli epizodlar sifatida tanqidiy baholangan va ular adibing "siyosiy xatosi" deb talqin etilgan. Ana shunday siyosiy ayblovlar ro'kach qilinib, asar "sotsialistik voqelikni buzib ko'rsatuvchi roman" deb, badnom etilgani va yozuvchini uni qaytadan yozishga majbur qilingani ham adabiyot va tanqidchilik tariximizning hali jamoatchilikka ma'lum bo'lmagan qora sahifalaridan biri bo'lib sanaladi[8; 76].

Ulkan adiblarimiz – Oybek va Qahhor, Shayxzoda va Mirtemirlarning yetuk asarlarining g'oyaviy-badiiy xususiyatlari, xalq hayoti, milliy ruhiyati va diniy urf-odatlarini haqqoniy aks ettirganligi ham xolis o'rganilmagan. Natijada ko'plab yirik asarlarimiz partiyaning siyosiy-mafkuraviy matbuotida ham munosib qadrlanmagan, aksincha, keskin qoralanib, Oybek ham, Abdulla Qahhor ham lenincha bolshevistik partiyaning tashkilotchilik va donolarcha rahnamolik rolini keng miqyosda ko'rsata olmaganlikda va sotsializm g'alabalarini tarannum eta olmaganlikda ayblanganlar. Taassufki, ulug' ijodkorlarimiz hayoti va sog'lig'iga shikast yetkazib, ularning bevaqt o'limlariga ham sabab bo'lgan bunday ayanchli fakt va misollar adabiyotimiz va tariximizda ozmuncha emas.

Nihoyat, Istiqloлга erishganimizdan so'ng tarixiy haqiqat tiklandi va jamiyatimiz ma'naviy hayotida ham tub burilish va ulkan o'zgarishlar davri boshlandi. Badiiy adabiyotimizda ham turli shakl va mazmun o'zgarishlari, mavzular va tasvirlar xilma-xilligi, uslubiy-bayoniy o'ziga xosliklar va inson obrazini yaratishda ijodiy individuallik keng miqyosda namoyon bo'lmoqda. Adabiyot va san'atdagi bu ijobiy o'zgarish va tamoyillar, eng avvalo, badiiy ijodda erkinlik hukm surishi bilan bog'liq umidbaxsh ijodiy jarayonlardir. Keyingi yillar adabiyotida chinakam ijod qilish, haq so'zni va haqiqatni aytish erkinligi namoyon bo'layotganligiga guvoh bo'lyapmiz. Mustaqillik yillarida tarixga, tarixiy shaxslar obraziga, hayot haqiqatiga haqqoniy yondashish an'anasi yetakchilik qilyapti. Binobarin, ijtimoiy tuzumning tubdan o'zgarishi va jamiyat hayotidagi ulkan islohot va evrilishlar badiiy tafakkur saviyasi va mezonlarining yangilanishiga, obrazlar

tizimi va talqinlarida ham jiddiy o'zgarishlar ro'y berishiga kuchli ta'sir ko'rsatdi va natijada rang-barang badiiy asarlar yaratila boshlandi. Jumladan, Tog'ay Murodning "Otamdan qolgan dalalar", "Bu dunyoda o'lib bo'lmaydi" romanlarining yuzaga kelishi ham, eng avvalo, jamiyat hayoti va real voqelikka asoslanganligi bilan kitobxonlar e'tibor ini jalb etadi. Bu asarlarda mustabid sovet tuzumi davridagi bo'g'iq hayot, xususan, salkam bir asr hukmronlik va zo'ravonlik qilib, insonlar dunyoqarashi va tafakkurini cheklab, adabiyot va san'at rivojiga g'ov bo'lib kelgan mash'um kompartiyaning dahshatli siyosati va uning mudhish oqibat lari haqqoniy aks ettirilgan. Adibning "Kundaliklari"dagi qaydlarida ham xalq va millat qayg'u-alamlari ifodalanishi bilan birga, ayni vaqtda, ularda millatparvar ijodkor shaxsning iztirobli o'y-fikrlari va yuksak orzulari ham yorqin aks etganligini ko'ramiz: "Azaldan bizni o'z milliy kurashimiz bor. Ammo sovet tuzumi rahbariyati, hukumati ana shu milliy kurashimizni taqiqlab boshladi... Keyin ko'pkari taqiqlab boshlandi..."

Hayit degan so'zlar taqiqlandi. Navro'z so'zi taqiqlandi. Janoza so'zi taqiqlandi. Namoz, ro'za taqiqlandi. Ko'ngil ko'zg'oldi. Ko'ngil g'alayon qildi. Tuyg'ular to'ldi, tuyg'ular toshdi, tuyg'ular chorladi. Men shunday asar yarat moqchi bo'ldim... "ko'nglimda borini to'kib solaman"[9;109,119].

Tog'ay Murodning "Yosh qalamkashlarga tilaklarim" maqolasida haqiqiy ijodkorning adabiyot va xalq oldidagi muqaddas burchi-vazifasi ta'kidlangan teran fikrlar hech bir vijdonli adibni loqayd qoldirmaydi. "Birodar, men sizni O'zbekiston davlatingiz yo'lidan borsangiz, deymen. Men sizni o'zbek elidan namuna olsangiz, deymen" [10;196] degan so'zlari ulug' adiblarimizning bir vasiyatidek tuyuladi. Ya'ni ular xalqimiz boshidan kechirgan fojialarni unutmaslikka, milliy uyg'onish va tiklanishdan milliy taraqqiyot sari yuksalib borayotgan bugungi yangi O'zbekistonimizning ravnaqi yo'lida buyuk ajdodlarimizday va fidoiy jadidlarimizday sadoqat bilan xizmat qilishga va uning mustaqilligini yuksak qadrlashga da'vat etadi. Behbudiy va Fitrat, Qodiriy va Cho'lpon, Oybek va Qahhorlarga chin ixlos qo'ygan va ularga munosib izdosh bo'la olgan Tog'ay Murod kabi millatparvar adiblarimiz hayoti va ijodining barchamizga ibratli yorqin jihatlari ham, eng avvalo, mana shunda.

FOYDALANILGAN ADABOIYOTLAR RO'YXATI:

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Жаҳон адабиёти. №8. 2017. 8-б.
2. Икрамов А. Избран.соч.в 3т-х.т.2, –Т.:1973. –с.515.
3. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.:Ўқитувчи,1976.157-б.
4. Адабиёт назарияси. –Т.: Фан,1-т.1978. 29-б.
5. И.Султон.Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи,1986. 51-б.
6. Эркин Воҳидов. Изтироб. –Т.: 1992. 64-б.
7. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. –Т.: Фан, 1979. 174 б.
8. Қўчқоров Р. Истеъдод кадри. –Т.: 1089. 76-б.
9. Танланган асарлар. 3 жилд. 109-119-б.

10. Тоғай Мурод. Ёш қаламкашларга тилакларим. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. – Т.: 2001.196-б.

ҚАХҲОР БАХШИНИНГ “АЛИШЕР НАВОИЙ САМАРҚАНДДА” ДОСТОНИ ТАЛҚИНИГА ДОИР

*Жуманазаров Умрзоқ Абдураззоқович,
ЖДПИ профессори, ф.ф.доктори*

Ўтган йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4865 сонли қарори эълон қилинди. Унда ғазал мулкининг султони, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожидида алоҳида ўрин тутганлиги қайд этилди. Улуғ шоир ўзининг шеърӣ ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг бекиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллаганлиги алоҳида таъкидланди.

Сўнгги йилларда Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг ўлмас асарларини юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Улуғ Алишер Навоий ижодини мукамал ўрганиш, миллий ва руҳий қадриятларимизни тиклаш, маънавиятимизни, маърифатимизни ва маданиятимизни юксалтириш омилларидан биридир. Бу серқирра ижодкор фаолияти узоқ асрлардан буён ўрганилиб келинаётгани, халқ ўзининг даҳо ижодкори ҳақида қўшиқлар, ривоятлар, афсоналар, достонлар яратиб бу буюк зотнинг номи ва қилган эзгу ишларини ҳамиша ёдга олиб эъзозлаётгани аён. Навоий ўз асарларини халқ оғзаки ижодидан руҳланиб, уларга асосланиб ёзган бўлса, ўз навбатида халқ бахши шоирлари ҳам Навоий ижодий даҳосидан фойдаланиб бадиий юксак асарлар яратиб келаётгани маълум. Бу ўринда биргина Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган ва нашр этилган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонларини эслаш кифоя.

Алишер Навоий ҳақида яратилган ривоят ва афсоналар асосида дастлаб фольклоршунослар М.Муродов, Т.Мирзаев, З.Хусайиновалар ҳамкорликда тайёрлаган “Доно Алишер” (1968) тўплами нашр этилди. Кейинроқ фольклоршунос М.Жўраев “Эл деса Навоийни” (1990) китобини яратди.

Яратувчи ва бунёдкор халқ Алишер Навоийни қўшиқ ва ривоятларда мадҳ этиб қолмай, у ҳақда достонлар ҳам ижод қилди. Шулардан бири Ўзбекистон Республикаси халқбахшиси Қахҳор Раҳимовдан фольклоршунос А.Эргашев томонида ёзиб олинган “Алишер Навоий Самарқандда” тарихий достонидир.

Қахҳор бахши Алишер Навоий ҳақида дoston яратиш сабабини шундай изоҳлайди:

*Дўмбирани қўлга олдим,
Алишерни қалбга солдим,
Шоир учун куйлаб дoston,
Бир эътиқод қилдим ростдан.*

*Навоийга ҳурматимдан,
Шайдолик, эътиқодимдан,
Шул дostonни айтиб бердим,
Зўр шоирни тушда кўрдим.*

Қахҳор бахши бу дostonни ҳеч кимдан, ҳеч қайси устозидан эшитмаган, балки у улуғ шоир ижодига ихлос қўйгани, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида ҳам Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини яхши ўрганган ва дарс ўтиш жараёнида бу даҳо ижодкорга қайта-қайта мурожаат қилганидан шу дoston яратилган. Бахши халқ эпосидаги эпик ўринлардан унумли ва ўринли фойдалангани ҳолда олдига қўйган мақсадга эришади.

“Алишер Навоий Самарқандда” дostonи: “Аму дарёдан нариёқда, Ҳиндистондан бериёқда, Туркменистоннинг кун чиқиш бетида, Моворауннахрнинг мағрибида, Ҳирот аталмиш шаҳри азим бор эди” мисралари билан бошланади ва Абулқосим вафотидан сўнг тахтга чиққан Абусаиднинг жоҳиллиги, золимлиги эл осойишталиги, юрт ободлигига катта офат келтирганини таърифлашга ўтади. У Ҳусайн Бойқарони ўзига ашаддий рақиб билганидан, унга яқин ҳар бир оилани йўқотишга, оила аъзоларини ваҳшиёна жазолашга киришади:

*Товларни кесинглар ўрта белидан,
Турналар айрилсин учса хилидан,
Номимга қуёш ҳам эгсин бошини,
Шаштима карвонлар кўчсин йўлидан.*

*Денгизни ағдариб сувин қуритинг,
Арчага кўз тайлаб қўлдан қуритинг,
Ҳусайн Бойқаро қочсин дод айлаб,
Уруғу аймоғин ушлаб қуритинг.*

Абусаид айғоқчиларидан Тиловмор унга Алишер номли шоир Ҳусайннинг дўсти экани, Абусаиднинг элга ўтказаетган зулми ҳақида шеърлар ёзаётгани тўғрисида хабар келтиради. Ғазабланган ҳукмдор Алишерни ҳузурига келтириб, савол-жавоб қилади, аммо унинг халқ орасида обрўси баландлигидан ўлдиролмай, чўлу биёбонга ҳайдаб юборишни буюради. Алишерни Ҳиротдан чиқариб юборгач, у яна бир неча кундан сўнг уйига қайтиб келади-да, ухлаб туш кўради. Тушида жаҳонгир Амир Темур намоён бўлиб, уни Самарқандга боришга, у ерда илм олишга ундайди. Бу тушидаги улуғ кароматни сезган ва Абусаиднинг барибир тинчлик бермаслигини билган Алишер кўшниси Нурматнинг ўғли Эрмат билан сафарга отланади.

Самарқандда Алои Шоший муттаасиблик қиладиган мадрасага кириб ўқишини давом эттиради. Илму маърифат равнақ топган бу шаҳри азимда Алишерга Шоший ва Фазлуллоҳ Абулайс раҳнамолик қилишади. Улар Алишерни Самарқанд шаҳри ҳукмдори Аҳмад Ҳожабек билан таништиради ва Навоий тезда саройда ўтказиладиган тадбирларда катта ҳурмат эътибор қозонади. Темурийлар даврининг тенгсиз тарихий ёдгорликлари билан танишиб, маърифат, илм-фаннинг Мирзо Ҳожи Суғдий, Саид Қутб Самарқандий сингари етакчилари билан яқин алоқа ўрнатади.

“Алишер Навоий Самарқандда” достони аввало тарихий асар бўлгани сабабли, тарихий воқелик имкон қадар берилади. Абусаиднинг золимлиги, жаҳолатпарастлиги, Ҳусайн Бойқаро билан тахт учун олиб борган жангу жадаллари, Алишер Навоийнинг Ҳусайин Бойқаро билан мактабдош дўстлиги, бу дўстлик бир умр давом этгани, унинг Самарқандда илм билан шуғуллангани тарихий ҳақиқатдир. Шу тарихий ҳақиқатларни ўзинигина қайд этиш бадий асар бўлмаслигини ҳис этган бахши, бадий тўқималардан, тўқима сюжет чизиқларидан унумли фойдаланади. Алишер Навоий уйининг тинтув қилиниши, Алишернинг Самарқандга жўнаши олдидан ва қайтишда Соҳибқирон Амир Темурни икки бор тушида кўриши, Алишер ва Гулираъно, Алишер ва Асалоӣ муносабатлари, Алишерга Амударё бўйида туркий навкарларнинг ёрдами, Ҳусайин Бойқаронинг Нафисахон ва Дарвешалини ҳимоя қилиши, Ҳиротни қамал қилиб Абусаидни мағлуб этиши кабилар бахши ҳаёлатининг маҳсули ёхуд Алишер Навоий ҳақидаги афсона ва ривоятлардан қайта ишлаб дoston сюжетига киритиш натижасидир.

Айни вақтда дoston воқеалари давомида иштирок этган шахслар ҳам икки туркумга ажралади. Алишер Навоий, Ҳусайин Бойқаро, Абусаид, Дарвешали, Амир Темур, Улуғбек, Умар Шайх, Фазлулло Абулайс, Алоӣ Шоший, Мирзо Ҳожи Суғдий, Саид Қутб Самарқандий, Аҳмад Ҳожабеклар тарихий шахслардир. Уларнинг тарихда қилган эзгу ишлари ёхуд қабихликлари турли тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Иккинчи туркум образлар – Тиловмор, Очилдов, Нурмат аравакаш, Эрмат мерган, Жовкаш жаллод, Рўзи қасами, Гулираъно, Асалоӣ, Берди бобо ва Берди бахши сингарилар тўқима тарзда яратилган бўлиб, воқелаларни у ёхуд бу жиҳатдан асослашга, тарихий образларнинг характер хусусиятларини мукаммаллаштиришга хизмат қилади.

Достондаги икки образ – Амир Темур ва Улуғбек дoston воқеалари тасвирланаётган вақтда жисман бўлмасалар-да, улар руҳан барҳаёт бўлиб, бош қаҳрамонга ҳомийлик қилади. Бу халқимизнинг улуғлар руҳи доим тирикдир, улар эзгу ишларга ҳар қачон кўмакдош, раҳнамо деган қарашларининг, эътиқодларининг кўринишидир. Жаҳон тарихида давлатчилик маданият ва илму фанда юксак ўринни эгаллаган бу икки буюк инсон руҳи Алишер Навоийга ҳам ҳамроҳ бўлиб, уни янги мақсадлар сари йўналтиради. Бу икки образ анъанавий дostonлардаги Хизр, қирқ чилтон, авлиёлар, пирлар бажарган эпик ҳомийлик вазифасини бажаради.

Илк бор Алишернинг тушида Амир Темур шундай намоён бўлади. “Бир шаҳар олтиндай товланиб турган эмиш. Бу шаҳарнинг аркидан елкадор, бургутқабоқ, Алисиёқ, ўрта бўйли, ёши олтмишдан ошган, бироз чарчаган девсифат баҳодир киши чиқиб келаверибди. У Алишербекка тўғри юриб келиб, шундай сўзлаётган эмиш:

*Тириклик чоғимда олам гул эди,
Одамзот жам бўлиб битта эл эди,
Кейинги ёшлардан орзум мўл эди,
Қонхўрлар кўзида хумор йўқ, болам.*

*Илми, санъатни барбод айлади,
Улуғ иморатлар бўйин тайлади,
Сенинг ҳам йўлингни улар бойлади,
Оламда булардай бемор йўқ, болам.*

*Шул сабаб бағримни очайин сенга,
Илму одобинг кўп дур бўлди менга,
Бир муддат кел, қўзим, Самар заминга,
Келмасанг мендаин бедор йўқ, болам.*

*Авлодим ишидан руҳим ҳайрона,
Юрагим чарсиллаб, танам вайрона,
Оқибат айланиб келар даврона,
Бекиниб ётмоқдан самар йўқ болам.*

Болам, Алишербек, сиз Ҳиротда бир муддат ором топмагайсиз, чунки гўнг қовлаётган олапар ит гўнгнинг ичидан гавҳар чиқиб қолса ҳам, уни гўнгга аралаштириб ташқарига чиқаради. Нега деганда, ит гавҳар билан гўнгнинг фарқига бормайди. Абусаид ҳам жаллод билан шоирнинг фарқини билмайди, сиз бундан озор чекасиз. Самарқандга келинг, илм ўрганинг, ижод қилинг, бу ерда мени руҳим парвона бўлгай.” Шундай деб Амир Темур оқсоқланиб изига бурилибди.” Достонда Алишернинг Самарқандга келишига шу туш асосий сабаб сифатида талқин этилади.

Қаҳҳор бахши Алишер Навоийнинг буюк истеъдодини, шеърини қобилиятини, илмий салоҳиятини гоҳ Алои Шоший хонадонига, гоҳ Аҳмад Хожабек саройига мунозараларда, айтишувларда, суҳбатларда кўрсатади. Достонда Алишер Навоийнинг сўзлари, ўқиган шеърлари халқ ҳикматларидан безанган ҳолда таърифланади.

*Олтин кумуш одамзотни бузади,
Ёмон фарзанд отасидан беади,
Гавҳар ушлаб олдирганлар сезади,
Билим нурдур, тилла эса омонат.*

*Билими бор одам мингни кўради,
Юз асрлаб эл ичида юради,*

*Излаганга Худо билим беради,
Билим нурдир, даврон эса омонат.*

Навоий номидан тузилган бундай пурмаъно шеърин мисралар Аҳмад Ҳожабек саройидаги йиғилиш ва мушоираларда мунозарага киришганда, унинг Худо берган таланти, истеъдодини кўрсатади, даврадагиларни ҳайратлантиради. Шу боисдан ўзи ҳам шеърлар ёзадиган, адабиёт ва санъатга, илму маърифатга ошно бўлган ҳукмдор Аҳмад Ҳожабек дейди:

*Юзини фаришта макон айлаган,
Сўзига худойим жаннат бойлаган,
Шунчалар илмни қандай олган бу,
Яратган оламда шуни сийлаган.*

Бундай юксак таърифни замонасининг улуғ олимларидан бўлган, Алишер Навоий ҳам устоз деб қадрлаган Файзулла Абулайс ҳам давом эттиради:

*Шеър ўқиса қаттиқ тошлар эрийди,
Ҳимматидан элга хизр дорийди,
Тафаккури осмон билан баробар,
Ҳар бир сўзи қўй мойидай порийди.*

Бу таърифлар сўз кудратига, шеър сеҳрига, Навоийнинг улкан талантига берилган юксак баҳодир.

“Алишер Навоий Самарқандда” достонида тарихий ва бадиий тўқима, ижобий ва салбий образларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга, феъл-атворга эга тарзда берилади ва улар бош мақсадга - улуғ Алишер Навоий образини мукаммал таърифлашга, унинг йигитлик давридаги тарихий муҳитни кўрсатишга хизмат қилади. Эпосда бадиийлик ва тарихийликнинг уйғунлашиши дostonнинг ўзига хослигини белгилайди. Асарнинг асосий ғояси маърифат ва жаҳолат, эзгулик ва қабохат, диёнат ва хиёнат орасидаги абадул абад давом этган курашни кўрсатган ҳолда, яхшиликни, юртсеварлик, халқпарварлик, табиат ва инсонга муҳаббатни улуғлашдир. Дostonда доимий эпик ўринлар-бошланма, сафарга отланиш, туш кўриш, дуо бериш, меҳмондорчилик, от ҳайдаш, жангга отланиш, мурод мақсадга етиш каби тасвирлар анъанавийликка мос келади. Айни вақтда асарда халқнинг этник ҳаёти, урф-одатлари ва узоқ асрлик педагогик қарашлар ўз ўрнини топган. Жумладан, Алишер Навоийнинг Қўнғирот уруғига мансуб одамлар билан танишиш ҳолати шундай тасвирланади. “Момолар ҳам, боболар ҳам саллани қиёван қилиб ўрар экан. “Шундай салла ўрашнинг сабаби борми?,-деб сўраганда Берди бобожавоб берди: “Ҳа, шоиржон, Қўнғиротлар кўпроқ тоғда, чўлда, ёбонда яшайди. Ажал эса қош билан кўзнинг орасида. Ким билади эртага нима бўлади?. Шу боис аёлларимиз бир умр эрига содиқ бўлиб, ўзи учун ҳам, эри учун ҳам кафанлигини бошига салла қилиб кўтариб юради. Керак бўлганда шарта бўшатиб бераверади. Эркакларнинг салласи эса мусулмонликнинг белгиси ва одамнинг бошини ҳар қандай бош буюмдан афзал сақлайди.” Шу ердаги муҳим бир деталь, Қўнғирот аёллари салласининг асосий вазифаси кафанлик бўлиши назарда тутилганини кўпчилик билмайди. Бу этник ҳолат ва Қўнғиротларнинг олтмиш олти уруққа бўлиниши дostonда яхши ёритилган.

“Алишер Навоий Самарқандда” достонида бахши доимий эпитетлар, ўхшатмалар, жонлантиришлар, муболағалар, хилма хил параллеллизмлар ва турли туман кўчимлардан бахши ўринли фойдаланади. Асарнинг дидактик аҳамияти бир зум назардан қолмайди. Фольклорнинг кичик жанрлари, мақоллар, маталлар, ривоятлардан ўринли фойдалангани ҳолда, улар асар композициясига сингдириб юборилади. Шу ўринда биргина мисолга эътибор берайлик. Самарқанд ҳукмдори Аҳмад Ҳожабек алломаларни, шоирларни синамоқ учун ўтинчи ҳақида ривоятни келтиради ва унинг қуйидаги қисмини изоҳлашни ўтирганлардан талаб қилади:

*Бешта ўғлоним бордир,
Сўзим уларга зардир,
Шундан меҳрим билинар,
Топганим уч бўлинар.*

*Қулоқ солинг арзимга,
Бир бўлакни қарзимга,
Доим бериб борурман,
Шундан роҳат олурман.*

*Разм солинг ноламга,
Бир бўлакни боламга,
Мудом қарзга берурман,
Шундан мағрур турурман.*

*Бир бўлакни ёр билан,
Кўзлари хумор билан,
Баҳам кўриб ютарман,
Қайғу-ғамни отарман.*

*Ўтинчининг сўзини,
Уч бўлакнинг ўзини,
Менга айтиб беринглар,
Кейин даврон сурунлар.*

Бу топишмоқ ривоятнинг жавобини даврадагилардан ҳар ким ҳар хил шарҳлай бошлайди. Улар орасида фақат Алишер Навоий тўғри жавобни қуйидагича баён қилади: “Биринчи бўлак билан марҳумларга, яъни ота онасининг руҳи покларига ҳадя қилиб, уларнинг олдидаги қарзини узиб келар экан. Шу савоб ишдан руҳи тетик, димоғи чоғ. Иккинчи бўлак ўз фарзандларига қарзга бериб борилади ва шу билан уларни бир қадар ўзига боғлаб вояга етказар экан. Бу қарзнинг боиси қариганимда фарзандларим мени боқсин, ўлсам ису чироғимни қилиб турсин, дегани экан. Учинчи бўлак орқали ўз эркаклик бурчини ҳалол бажариб, хотини билан фаровон кишилар миннатисиз яшаётганлигини таъкидлашдир. Алишернинг бу жавобидан сўнг Аҳмад Ҳожабек унинг нуфузини оширади ва тўн ёпади.

Достон воқеалари Алишер Навоийнинг иккинчи марта Амир Темурни тушида кўриши ва Амир Темур хурсанд ҳолда, биров мийиғида кулиб Алишерни кучоғига олиб, пешонасидан ўпиб, елкаларидан силаб: “Болам, мен сендан розиман, Ҳиротга қайтиб бораверсанг ҳам бўлади, менинг кўнглим энди тинчиди, Ҳирот зулмдан озод бўлди, кел, сенга бир дуо берайин”, деб дуо беришидан сўнг Ҳиротга қайтиш воқеалари билан тугайди.

Қаҳҳор бахшининг “Алишер Навоий Самарқандда” достонини тарихий ва оғзаки бадий манбалар асосида чуқурроқ тадқиқ этиш, достондаги ғоявий йўналишлар ва унинг поэтикасини атрофлича ўрганиш, бошқа тарихий достонлар билан қиёсий таҳлил этиш эса кейинги вазифалар силсиласига киради.

O‘ZBEK ADABIYOTINING TURKIYADA O‘RGANILISHI

Dr. Erhan GIRAY

Artvin Cho‘ruh Universiteti Fan-adabiyat Fakulteti Turk tili ve adabiyati Bo‘limi Turkiyada O‘zbek adabiyotining o‘rganilishi O‘zbekistonning mustaqillik yillaridan keyin boshlandi. Shu yillardan boshlab, hozirgi o‘zbek adabiyotining barcha yo‘nalishlari bo‘yicha maqolalar, dissertatsiyalar, kitoblar, ko‘plab ilmiy izlanishlar yaratila boshlandi. Maqolamizning qamrovi, Turkiyada hozirgi O‘zbek adabiyoti bo‘yicha chop etilgan kitoblar bilan aloqador. Shu kitoblar haqidagi ma’lumotlar “Hozirgi O‘zbek Adabiyoti Tarixi”, “She’riyat”, “Hikoya” va “Roman” nomli sarlavholari ostida beriladi.

Hozirgi o‘zbek adabiyot tarixi haqidagi kitoblar

O‘zbekiston mustaqil bo‘lgandan keyin Turkiyada 1993 yilida chop etilgan birinchi tadqiqot “Başlangıçtan Bugüne Kadar Türkiye Dışındaki Türk Edebiyatları Antolojisi (Boshidan Hozirgi Kungacha Turkiyadan Tashqaridagi Turk Adabiyotlari Antologiyasi) deb nomlangan antologiyadir [Kahhar, 2000] Shu antologiyaning 14, 15 va 16. jildlarida, qadimgi O‘zbek adabiyotidan bo‘shlab ko‘plab shoir va yozuvchilarning hayoti va ijodi haqida ma’lumotlar berilgan. Shuningdek, shu shoir va yozuvchilarning asarlaridan namunalar Turkiya Turkchasiga tarjima qilingan.

2001 yilida boshlangan loyiha doirasida “Türk Dünyası Ortak Edebiyatı: Türk Dünyası Edebiyat Tarihi” (Turk Dunyosi Umumiy Adabiyoti: Turk Dunyosi Adabiyoti Tarixi) nomidagi ensiklopediyaning 9. jildida hozirgi O‘zbek adabiyoti davrlarga bo‘lib berilgan. Bu davrlardagi eng mash’hur shoir, yozuvchi va dramaturglarning ijodi batafsil o‘rganilgan [Narmatov&Açık, 2007].

O‘zbek adabiyoti bo‘yicha ko‘p maqola yozgan Fatma Açık, “Özbek Edebiyatı” (O‘zbek Adabiyoti) kitobida O‘zbek mumtoz adabiyoti davridan qisqacha, Milliy uyg‘onish adabiyoti davri shoir va yozuvchilari haqida keng ma’lumot bergan [Açık, 2007].

Turkiyada O‘zbek adabiyoti tarixi bo‘yicha eng keng ma’lumotga ega to‘plam “Yeni Özbek Edebiyatı” (Yangi O‘zbek Adabiyoti) nomli kitobdir. Shu kitobning birinchi bo‘limida O‘zbek Adabiyoti, “Qadimgi yozama yodig‘orliklar Davri”,

“O‘zbek Mumtoz Adabiyoti” va “Yangi O‘zbek Adabiyoti Davri” sarlavhalariga bo‘lingan. Yangi O‘zbek Adabiyoti davri esa “Ma‘rifatchilik Davri”, “Jadid Davri”, “Sho‘ro (Sovet) Davri” va “Mustaqillik Davri” sarlavhalari bilan tadqiq qilinib shu davrlardagi shoir va yozuvchilarning hayoti, asarlari va ijodi haqida batafsil ma‘lumotlar berilgan. Kitobning ikkinchi bo‘limida she‘r, hikoya, qissa, roman va dramatik janrlardan namunalar ilova etilgan. Shu kitob, O‘zbek adabiyotini Turkiyada o‘rganishda va o‘rgatishda muhim, birlamchi manba sifatida olimlarmizning kutubxonasidan o‘rin olgan [Üşenmez, 2013].

O‘zbek adabiyotshunosi Begali Qosimovning “Milliy Uyg‘onish: Jasorat, Ma‘rifat, Fidoyilik” [2002]) nomli asari Turkiya Turkchasiga “Milli Uyanış” nomi bilan tarjima qilindi. Shu asar Turkiyadagi o‘quvchilarga O‘zbek adabiyotining jadid davri va yozuvchilari haqida keng ma‘lumot beradi [Kasimov, 2009].

Uzoq yillar hozirgi O‘zbek adabiyoti bilan ilmiy tadqiqotlar qilgan Şuayip Karakaşning maqolalari “Özbek Edebiyatı Yazıları” (O‘zbek Adabiyoti Yozuvlari) nomli to‘plamda nashr qilindi. Shu kitob Turkiyada hozirgi O‘zbek adabiyotini o‘rganishda muhim manba sifatida alohida o‘rniga ega [Karakaş, 2012].

She‘riyat bo‘yicha Kitoblar

Turkiyada hozirgi O‘zbek she‘riyatini o‘rganilishi “Çağdaş Özbekistan Şiiri Antolojisi” (Hozirgi O‘zbekiston She‘ri Antologiyasi) nomli asar bilan boshlanadi. Shu antologiyada Hamza Hakimzoda Niyoziy, G‘afur G‘ulom, Oybek, Erkin Vohidov, Mirmuhsin, Hamid Olimjon kabi ko‘plab shoirlarning she‘rlaridan namunalar Turkiya Turkchasiga tarjima qilinib chop etilgan [Nasrattinoğlu, 1988].

O‘zbek she‘riyoti va adabiyotining ulkan shoiri Cho‘lponning barcha she‘rlari “Çolpan‘ın Şiirleri” (Cho‘ponning She‘rlari) nomli kitobda qofiya, radif, vazn kabi xususiyatlar, mazmun, til va uslub xususiyatlari batafsil tahlil qilindi. She‘rlar Turkiya Turkchasiga tarjima qilingan [Özbay, 1994].

Yana mashhur O‘zbek shoirlaridan Rauf Parfining she‘riy ijodi “Özbek Şair Rauf Parfi” nomli kitobda shakl, mazmun, til va uslub sarlavhalari bilan tahlil qilindi [Koraş, 2009].

“Çağdaş Özbek Şiiri Seçmeler” (Hozirgi O‘zbek She‘riyoti Tanlangan Asarlar) nomli she‘r to‘plamida ham O‘zbek shoirlarning qisqacha hayoti va asarlari haqida ma‘lumotlar berilib tanlangan she‘rlardan namunalar Turkiya Turkchasiga tarjima qilindi [Yaman, 2015].

O‘zbek adabiyotida Sovet va mustaqillik davrida ijod qilgan taniqli shoir Erkin Vohidovning 442 she‘ri “Erkin Vâhidov‘un Şiirleri Üzerine Dil ve Üslûp Çalışması” (Erkin Vohidovning She‘rlari Bo‘yicha Til va Uslub Tadqiqoti) nomli kitobda til va uslub nuqtayi nazar bilan tahlil qilindi. Shoirning she‘rlari Turkiya Turkchasina tarjima qilindi [Yelok, 2016].

Roman janri bo‘yicha kitoblar

Turkiyada hozirgi O‘zbek romani bo‘yicha ilmiy tadqiqotlarning soni juda oz. Hozirgi O‘zbek adabiyotining asoschisi bo‘lgan Abdulla Qodiriyning hayoti va ijodi bo‘yicha chop etilgan “Abdulla Qodiriy ve Özbek Romanının Doğuşu” (Abdulla Qodiriy va O‘zbek Romanining Tu‘g‘ulishi) nomli kitobda O‘zbek adabiyotining

davrlari haqida ma'lumot berilgandan keyin adibning "O'tgan Kunlar" va "Mehrobdan Chayon" romanlari tahlil qilindi [Merhan, 2008].

Ikkinchi tadqiqot esa Pirimqul Qodirovning ijodi bo'yicha bo'lib, adibning "Uch Ildiz", "Qora Ko'zlar", "Olmas Kamar", "Yulduzli Tunlar", "Humoyun va Akbar", "Ona Lochin Vidosi" romanlari "O'zbek Yazar Pirimkul Kadirov'un Romancılığı" (O'zbek Yozuvchi Pirimqul Qodirovning Romanshunasligi) nomli kitobda roman tahlil usuli bilan tadqiq qilindi [Giray, 2018].

Turkiyada O'zbek adiblarning ko'plab romanlari Turkiya Turkchasiga tarjima qilinadi. Oybekning "Navoiy" romani (Nevaî nomi bilan, 2019); Pirimqul Qodirovning "Yulduzli Tunlar" va "Humoyun va Akbar" romanlari (Son Timurlu nomi bilan, 2009); Odil Yaqubov'ning "Ulug'bek Xazinası" (Uluğbey'in Hazinesi nomi bilan, 2008), "Ko'hna Dunyo" (Köhne Dünya, 2003 va İbni Sina nomi bilan, 2014), Adolat Manzili (Adalet Menzili nomi bilan, 2014) va Muqaddas (Mukaddes nomi bilan, 2018) roman va qissalari; Shukrulla Yusupovning Kafansız Ko'milganlar (Kefensız Gömülenler nomi bilan, 2005 va 2009) romani; Abdulla Qodiriyning O'tgan Kunlar (Geçmiş Günler nomi bilan, 2005) va Mehrobdan Chayon (Mihraptaki Akrep nomi bilan, 2020) romanlari; Nurali Qobulning Unutilgan Sohıllar (Unutulan Sahiller nomi bilan, 1996) romani tarjima qilinib kitobxonlar tomonidan qiziqish bilan o'qildi.

Hikoya janri bo'yicha kitoblar

Songgi yillarda hozirgi O'zbek hikoya janrida Turkiyada ko'plab kitob chop etildi. Umuman shu kitoblarda O'zbek adiblaridan tanlangan hikoyalar Turkiya Turkchasiga tarjima qilinib nashr qilindi. Shu mavzuda "O'zbek Hikâyecılığı ve O'zbek Edebiyatından Seçme Hikâyeler" (O'zbek Hikoyanavisligi va O'zbek Adabiyatidan Tanlangan Hikoyalar) nomli kitob birinchi qatorda turadi. Kitobning kirish qismida O'zbek hikoyanavisligi haqida ma'lumot berilgan. Keyin Sovet davridagi hikoyanavislardan tanlangan o'ttiz hikoyani o'z ichiga oladi [Açık, 2012].

Shunga o'xsash "Çağdaş Özbek Öyküsü" (Zamonaviy O'zbek Hikoyasi) nomli kitob chop etiladi. Shu kitobda ham O'zbek hikoyanavisligi qisqacha izohlanib yigirma yozuvchining hikoyasi Turkiya Turkchasiga tarjima qilindi [Su, 2014].

"Günümüz Özbek Öyküsü" (Künimiz O'zbek Hikoyasi) nomli kitobning so'z boshida mustaqillik davri O'zbek hikoyanavisligining qisqacha tarixi bilan izohlanadi. Keyin O'zbekistonning mustaqillik davri hikoyanavislarning hikoyalari tarjima qilindi [Öztürkçü, 2021].

"Aynı Bağın Gülleri" (Ayni Bog'ning Atırgullari) [Yelok, 2019a] va "Aynı Bağın Bülbülleri" (Ayni Bog'ning Bulbullari) [Yelok, 2019b] hikoya to'plamlarida 1909-2014 yillari orasi O'zbek hikoyanavislarining hikoyalari Turkiya Turkchasiga tarjima qilindi.

O'zbek hikoyanavisligi bo'yicha ilmiy tadqiqot Turkiyada kamroq. Zamonaviy O'zbek hikoyanavisligi tarixi bilan bog'liq "Modern Özbek Edebiyatında Hikâye" (Modern O'zbek Adabiyotida Hikoya) nomli birinchi kitob ahamiyatlidir. Kitobda 1900-1930 orasi O'zbek hikoyanavisligi tafsilotli tadqiq qilinadi. Mazkur yillardagi hikoyalar davrning siyosiy va ijtimoiy sharoitga qarab tushuntiriladi [Yelok, 2019].

Bundan tashqari Abdulla Qahhorning hikoyanavisligi bo'yicha "Abdulla Kahhar'in Hikâyecılığı" nomli ilmiy ish nashr qilindi. Shu tadqiqotda O'zbek

adabiyotining Chexovi deb nom berilgan Qahorning hikoyalari, hikoya tahlil usuli bilan tadqiq qilindi. Hikoyalardagi obraz, voqealar, zamon, peyzaj, g'oya kabi badiiy xususiyatlar batafsil tahlil etib berildi.

“Bağımsızlık Dönemi Özbek Edebiyatı “(Mustaqillik Davri O‘zbek Adabiyoti) nomli kitobda esa she’r, hikoya, roman va drama janridan tarjimalar mavjud [Yuldashev&Özkaya&Baydemir, 2018].

Turkiyada O‘zbek adabiyotiga qiziqish song yillarda kuchayib bormoqda. Lekin shuni aytish kerakki, o‘zbek adabiyotidan badiiy asarlar Turkiya Turkchasiga tarjima qilingani holida, o‘zbek adabiyotshunoslarining ilmiy tadqiqotlarudan juda kam sonli asarlar turkchaga o‘girildi. Umid qilamizki, Turkiya va O‘zbekiston xalqlari o‘rtasidagi ilmiy-ijodiy hamkorliklar ko‘lami kengayib, keyingi yillardagi do‘stona adabiy aloqalarni yanada mustahkamlab boradi. Natijada, o‘zbek-turk adabiy aloqalari borasidagi kamchiliklar asta-asta to‘ldirilib boriladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YHATI:

1. Açık, Fatma (2007), Özbek Edebiyatı, Ankara: Alp Yayınevi.
2. Açık, Fatma (2012), Özbek Hikâyeciliği ve Özbek Edebiyatından Seçme Hikâyeler, Ankara: Kurgan Edebiyat.
3. Kahhar, Tahir vd. (Editörler), (2000), Başlangıçtan Bugüne Kadar Türkiye Dışındaki Türk Edebiyatları Antolojisi, Ankara: Kültür Bakanlığı, C.14,15,16.
4. Baydemir, Hüseyin & Yuldashev, Marufjon & Özkaya, Yılmaz (Editör Kurulu), (2018), Bağımsızlık Dönemi Özbek Edebiyatı (Şiir, Hikâye, Roman, Piyes), Ankara: Bengü Yayınları.
5. Giray, Erhan (2018), Özbek Yazar Pirimkul Kadirov’un Romancılığı, Ankara: Gece Akademi.
6. Giray, Erhan (2021), Abdulla Kahhar’ın Hikâyeciliği, Konya: Çizgi Kitapevi.
7. Kabul, Nur Ali (1996), Unutulan Sahiller (Aktaran: Ahsen Batur), Ankara: Kültür Bakanlığı Yayınları.
8. Kadiri, Abdullah (2005), Ötgen Künler Geçmiş Günler (Aktaran: Ahsen Batur), İstanbul: Selenge Yayınları.
9. Kadiri, Abdullah (2020), Mihraptaki Akrep (Aktarma: Aziz Merhan), İstanbul: Elfene Dünya Yayıncılık.
10. Kadirov, Pirim (2009), Son Timurlu, (Aktaran: Ahsen Batur), İstanbul: İleri Yayınları.
11. Karakaş, Şuayip (2012), Özbek Edebiyatı Yazıları, Ankara: Kurgan Edebiyat.
12. Kasimov, Begali (2009), Milli Uyanış, (Aktaran: Fatma Açık), Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Yayınları.
13. Küçükmehtemetoğlu, Ömer (Ed.), Günümüz Özbek Öyküsü, (Aktaran: Hamza Öztürkçü).
14. Merhan, Aziz (2008), Abdulla Qodiriy ve Özbek Romanının Doğuşu, Ankara: Grafiker Yayıncılık.

15. Narmatov, Umarali & Açıк, Fatma, vd. (2007), Türk Dünyası Ortak Edebiyatı Türk Dünyası Edebiyat Tarihi, (Sadık Tural ed.), Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı Yay., C. 9, s. 453-507.
16. Nasrattinoğlu, İrfan Üver (1988), Çağdaş Özbekistan Şiiri Antolojisi, Ankara: Aşık Ofset.
17. Özbay, Hüseyin (1994), Çolpan'ın Şiirleri (Metin-Aktarma-İnceleme), Ankara: Türk Kültürünü Araştırma Enstitüsü Yayınları.
18. Su, Hüseyin (Ed.) (2014), Çağdaş Özbek Öyküsü, (Aktaran: Ömer Küçükmehtemoğlu), İstanbul: Hece Yayınları.
19. Taşmuhammedoğlu (Aybek), Musa (2019), Nevâyi, (Aktarma- İnceleme: Şuayip Karakaş), İstanbul: Ötüken Neşriyat.
20. Üşenmez, Emek (2013), Yeni Özbek Edebiyatı, Ankara: Akçağ Yayınları.
21. Yakubov, Adil (2008), Uluğbey'in Hazinesi, (Aktaran: Ahsen Batur), İstanbul, Selenge Yayınları.
22. Yakubov, Adil (2018), İbni Sina (Aktaran: Ahsen Batur), İstanbul: İleri Yayınları.
23. Yakubov, Adil (2018), Mukaddes (Aktaran: Ahsen Batur), İstanbul, İleri Yayınları.
24. Yakubov, Adil (2019), Adalet Menzili, (Aktaran: Ahsen Batur), İstanbul: İleri Yayınları.
25. Yaman, Ertuğrul (2015), Çağdaş Özbek Şiiri Seçmeler, Ankara: Akçağ Yayınları.
26. Yelok, Veli Savaş (2016), Erkin Vahidov'un Şiirleri Üzerine Dil ve Üslup Çalışması, Ankara: Bengü Yayınları.
27. Yelok, Veli Savaş (2019), Modern Özbek Edebiyatında Hikâye (1900-1930 Yılları Arası), Ankara: Sonçağ Akademi.
28. Yelok, Veli Savaş (2019b), Aynı Bağın Gülleri, Ankara: Sonçağ Akademi.
29. Yelok, Veli Savaş (2019a), Aynı Bağın Bülbülleri, Ankara: Sonçağ Akademi.
30. Yusufoglu, Şükrullah (2009), Kefensiz Gömülenler (İnceleme-Aktarma: Şuayib Karakaş), Ankara: Berikan Yayınları.

ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ОБРАЗ В ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНОЙ РЕТРОСПЕКТИВЕ

*С.М. Алтыбаева,
Республика Казахстан,
доктор филологических наук, главный научный
сотрудник, ассоциированный профессор*

Для современной казахской литературы характерен интенсивный поиск новых эстетических перспектив, насыщение текста историко-культурными реминисценциями, одновременно поликультурными смыслами. Это закономерно вносит изменения и в поэтику литературного текста. В постмодернистских произведениях (авторы - Тулен Абдиков, Марат Адипбаев,

Аслан Жаксылыков, Дюсенбек Накипов, Дидар Амантай, Мадина Омарова, Хаким Омар и др.) заметна значительная трансформация центральной категории - «художественный образ». С одной стороны, можно обнаружить *тенденцию к деперсонализации* («Демб» Хакима Омара, «Сұлулық», «Суретші» Мадины Омаровой, сатирические рассказы), а с другой - напротив, презентуется *предельный автопсихологизм повествования* («Қыпшақ аруы» Мухтара Магауина, «Созвездия близнецов» Хасена Адипбаева, «Майя», «Мұнара» Айгуль Кемелбаевой и др.). Стоит отметить, что изменение семантики и стилистики образа детерминировано качественной трансформацией и других категорий поэтики: «автор», «нарратор», «сюжет» и др.

В названной повести Магауина автор не просто наблюдатель, но нарратор и активный «участник» событий, всего сюжетного действия. Классический тип автора демонстрирует проза Булата Жандарбекова, Абдижамила Нурпеисова., Тынымбая Нурмаганбетова, Розы Мукановой, Таласбека Асемкулова. Герои и персонажи могут приобретать амплуа «изгоев», двойников, клонов, спутников, вестников, оборотней. Причем в систему образов все чаще появляются животные с неоднозначной семантикой (собаки, кошки, крысы-мутанты и тд), даже вещи могут становятся действующими персонажами (*обкомовские стулья* у Жаксылыкова).

Подобные жанрово-стилевые трансформации отражают отчетливую тенденцию к изменению самой *философии текста*, его концепции и целеполагания. Актуализируется понятие «*философия литературы*», или «литературософия», которое «позволяет осознать сущность литературы, философскую, религиозную и эстетическую программу произведения, и в этом смысле несколько отличается от литературоведения, изучающего внутренние закономерности литературы, и дополняет его» [1, с.8]. Выбор сюжетной логики, включение в повествование образов и мотивов, в том числе в историко-культурной ретроспективе, стилистика произведения решается, исходя из заданной концепции текста.

Особое место в поэтике произведений занимают образы, имеющую четкую историко-культурную и этнокультурную значимость. Они входят в корпус культурных кодов. Выявленные частотные этнокультурные коды [2] казахской литературы (*Жер-ана, Көк-Тенгри, Ұмай, тамга, ауыл, ұлыс, жүз, ру, мушел, тайқазан, киіз үй, би, хан, тақсыр* и др.), отражая традиционный уклад и ментальные представления, выстраивают у читателя соответствующие ассоциации с другими схожими нарративами. Яркие проявляют такие связи персонимы - известные исторические персоналии (Томирис, Чингисхан, Абылай хан, Абылмамбет, Аз Тауке хан, Толе би, Казыбек би, Кабанбай батыр, Жүсіп білге, Кенесары и другие). Фиксируется переход вербального кода в визуальный и обратно, при этом вербальный код «обеспечивает решение задач абстрактной символики, разворачивающихся во времени» (А.Пайвио).

Такие коды, как персонимы, обладая известной информативной и когнитивной емкостью, активизируют одновременно историко-логическое и

образное мышление читателя. Персонимы, гетеротопические детали также являются текстовыми маркерами. Имя Абылай хана, объединившего разрозненные казахские роды и племена в единое Казахское ханство, является знаковым для каждого казаха. В романе «Кабанбай батыр» Кабдеша Жумагулова представлена первичная дескрипция образа Абылай хана: «Внимание всех было теперь обращено на Абылая, устроившегося, подбоченясь на подушках, по правую руку Великого хана (*хан Абыльмамбет - А.С.*). Только недавно вошел он в свое третье *мушел* – всего-то тридцать семь лет. Высокий, стройный, крепкий в кости, да еще в парадном одеянии - красном парчовом чапане, окаймленном коралловыми узорными бусинами, высоком, такого же цвета, что и чапан, головном уборе - *айыр калпак*, он, конечно, выглядел внушительно. Сидел, слушая людей, всё также уставившись в одну точку. Глаза чистые, спокойные и внимательные, невозмутимо испытывающий взгляд – это то, что каждый сразу же подмечал в его облике, и, наверное, не нашелся бы такой, кого не смутил бы этот обжигающий взгляд. Овальное бледноватое лицо, черные усы и борода, да две не разглаживающиеся складки меж густых бровей, придавали его лику и благородство, и строгость» [3, с. 28-29].

Описание внешности, поведения Абылай хана дано в начале романа, тем самым задается камертон дальнейшему повествованию, включающему в себя многочисленные церемониальные, дипломатические, судебные, батальные и иные сцены. Поэтика телесности различных персонажей подчинена общей задаче правдивого отражения исторического события, в котором большую роль сыграла сама личность Абылай хана – хана-объединителя казахской земли.

Царское спокойствие, выдержка, проницательность, дальновидность Абылай хана, воссозданное в первичной физиогномической и психологической презентации, впоследствии будет неоднократно подтверждено в других фрагментах романа, где названные качества его незаурядной личности проявятся во всей полноте.

Такой подход к представлению исторического лица типичен для современной исторической прозы Казахстана. Исторические, квазиисторические персоналии составляют корпус персонимов, нарративно и синестезийно емких. В художественном диалоге времен, сохранении исторической памяти и культурной преемственности персонимы играют важную роль.

Историко-культурный код в литературном тексте – специфический инструмент хранения и преемственной передачи важной информации об истории, духовной и материальной культуре конкретного этноса, группы этносов, конкретного региона, той или иной цивилизации. Иными словами, историко-культурные коды являются «знаками истории и культуры», прямо или косвенно отражающими мировоззрение, миропонимание конкретного этноса.

Исторический жанр, безусловно, один из самых сложных и старейших литературных жанров. Здесь необходимо соблюсти необходимый баланс между

вымыслом, художественным компонентом текста, и исторической достоверностью. Отрефлексированные и закреплённые в историографических трудах многие (но не все) исторические события, организованные в особую «смысловую линию» [4, с.29], в художественном произведении приобретают рельефность, значимость и даже убедительность, ибо, помимо информативной функции, истинно художественное произведение обладает большой «силой эстетического воздействия» [5]. Историко-культурная, этнологическая информативность подобного нарратива, его коммуникативные возможности достаточно объёмны.

Казахская историческая романистика являет собой, наверное, наиболее плодотворное традиционное направление современной казахской литературы. Эстетическая ценность, этнокультурная ориентированность наряду с содержательным документальным нарративом делают ее привлекательной и узнаваемой среди других национальных литератур. Большое историческое время и пространство, в которых действуют многочисленные герои и персонажи, разворачивается в динамичный сюжет, маркируется не только кодами национальной истории, но и инонациональной ориентации. При этом высвечиваются общие глубинные философско-онтологические проблемы бытия человека, этноса в динамике эпох» [2, с.23-26].

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Гейбуллаева Р.М. Сравнительная типология прозы и литературные типы (азербайджанская литература в контексте Запада и Востока): автореф. ... д.филол.н. –Баку, 2004. –50 с.
2. Идеосфера культурного кода Казахстана: литература и масс-медиа = Idiosphere of Kazakhstani cultural code: literature and mass media/Коллективная монография. Коллективная монография. На русс-англ. яз. Под общей редакцией и авторством С. М. Алтыбаевой С.М. –Алматы: Brandbook, 2020. –224 с.
3. Жумадилов К. Кабанбай батыр. –Астана: Аударма, 2004. –192 с.
4. Шмид В. Нарративные уровни «события», «история», «наррация» и «презентация наррации» // Текст. Интертекст. Культура. –М.: Азбуковник. 2001. –С. 25-40.
5. Лотман Ю.М. Семиосфера. Санкт-Петербург: Искусство. 2000. Режим доступа: <http://members.fortunecity.com/slavaaa/ya.html>. Дата обращения: 17.05.2017.

ТАРИХИЙ МУҲИТНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

*Насиров Азимидин Нормаматович,
СамДУ доценти, филология фанлари доктори*

Сўз санъатининг ривожига роман муҳим ўрин тутди. Роман бошқа жанрлардан воқеликни кенг қамровди бадий образлар воситасида орқали

ифодалаши билан ажралиб турувчи эпик турга киради. Романчиликнинг шаклланиши ва тарихи ҳақида жуда кўп монографик тадқиқотлар мавжуд.

Роман жанрининг жаҳон, шу жумладан, ўзбек адабиёти ривожига ўз тарихи бор. У ўз моҳияти ва йўналишига кўра йилдан-йилга ривожланиб ҳаётни, инсон руҳиятини чуқур ва ҳар томонлама бадиий тасвирлаётганини тарихий романнинг ўзидаёқ кўриш мумкин. Жумладан, “Етмишинчи йиллардан кейин ўзбек тарихий романларида асосан уч мавзу, яъни миллий маданият тарихи (О.Ёқубов - “Кўхна дунё”, П.Қодиров - “Юлдузли тунлар”, Ҳамид Ғулом - “Машраб”, Муҳаммад Али “Улуғ салтанат”); тарихий-қаҳрамонлик (М.Қориев - “Спитамен”, Мирмуҳсин - “Темур Малик”); тарихий-инқилобий (Ҳамид Ғулом - “Мангулик”, Ҳудойберди Тўхтабоев - “Қасоскорнинг олтин боши”, Ш.Холмирзаев – “Қил кўприк”) йўналиш кўпроқ кўзга ташланади (такидлар бизники-А.Н) [1, 100].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тарихий асарларни юқоридагидек гуруҳларга бўлиш ўзини унчалик оқламайди. Чунки “миллий маданият тарихи” мавзусида ёзилган, деб ҳисобланган “Юлдузли тунлар”нинг баъзи саҳифаларида Бобурнинг фаолияти “тарихий-қаҳрамонлик” йўналишига киритилган “Спитамен”, “Темур Малик” асарларининг бош қаҳрамонлариникидан кам деб бўлмайди. Спитамен ва Темур Маликнинг тарихий ишларини юқори баҳолаган ҳолда Бобур ҳам тарихимизда маданиятимиз, адабиётимиз, давлатимиз ривожига бетакрор ўринга эга эканлиги аллақачон тан олинган.

И.Султонов, М.Қўшжонов, Э.Каримов, С.Мирвалиев, А.Каттабеков, У.Норматов, Б.Назаров каби ўзбек олимларининг илмий ишларида тарихий роман жанрининг тараққиёти, тарихий факт ва бадиий тўқима, мозий ҳақиқати ва бадиий маҳорат, прототип ва бадиий образ сингари кўпгина назарий масалаларни тадқиқ қилинган ва уларнинг асосли хулосалари тарихий асарлар назариясининг ривожига катта ҳисса бўлди.

Адабиётшунос С.Мирвалиев таъкидлаганидек, ”Тарихий жанр тарихий фактларга суянади. Ҳатто ундаги фантазия ва тўқима ҳам ана шу факт асосига қурилади. Лекин бу деган сўз тарихий жанр фақат қуруқ фактлар йиғиндисидан иборат бўлиши керак деган гап эмас. Ҳар қандай тарихий факт... аниқлигидан қатъий назар, бадиий тўқималарда берилмаса, образлилик билан уйғунлашмаса у ҳеч қачон тарихий-бадиий асар бўлолмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар қандай тарихий воқеа ва факт тарихий асарга материал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Фақат у ёзувчининг моҳир бадиий қалами ва дунёқарашининг чуқурлиги, таланти, маҳорати билангина бадиий асарга айланади” [2, 218].

“Юлдузли тунлар” тарихий-биографик романдир. Чунки унда роман жанрига хос эпиклик, тарихий асарга хос маълум ўтмиш даврдаги шарт-шароит. халқ, мамлакат ҳаёти, тарихий шахс образи орқали ёритилади ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёт йўли асар марказида туради.

Бу эпик асар бадииятининг диққатга сазовор томонларидан бири, унда воқеалар кўлами бош қаҳрамон таржимаи ҳоли миқёси билан чекланмаган.

Аксинча, Бобурнинг ҳаёт йўли мамлакат, халқ тарихига вобаста қилиб, чамбарчас боғлиқ ҳолда ёритилган.

Тўғри, тарихни халқ яратади, лекин айти пайтда, тарихий шароит мамлакатнинг бир аъзоси бўлган шахснинг ҳаётида катта роль ўйнайди ва унга таъсири орқали миллат характери, қарашлари, мафкураси ойдинлашади.

Тарихий шароит тақозаси билан маълум бир даврда мозий саҳнасида халққа йўлбошчилик қиладиган Бобур каби шахслар пайдо бўлади. Улар ўзлари вакил бўлган халқнинг характери, руҳияти, орзу-ўйларини рўёбга чиқаришга интиладилар. Бобур ҳам халқимизнинг XV аср охирларидаги орзуси бўлмиш кучли давлат тузиш, халқни тинч, фаровон яшашини амалга оширишга ҳаракат қилган. Лекин тарихий шароит, унинг натижаси бўлган маълум бир воқеалар унга тўсқинлик қилган.

Маълумки, инсон ҳаётида шароитнинг ўзига хос ўрни бор. Шунинг учун, муҳит тасвири тарихий асарларда бадиият ўлчовларидан бири ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам тарихий асарда - инсон билан унинг характери, шахси, қаҳрамон яшаётган ва ҳаракат этаётган шароит билан боғлиқ эканини кўрамыз. Инсон муҳит таъсири остида ўз характери, имкониятлари доирасида ўзгаради. Мустаҳкам иродали, кучли характерли шахс ўткинчи муҳит таъсирига тўлиқ маънода бўйсунмайди. Муҳитга қаршилик кўрсатиш туйғуси уларда кучли ривожланган бўлади. Баъзи инсонлар эса муҳит таъсирига тушиб, унга бўйсундилар, ўзларига хос оригиналлик ва индивидуалликдан маҳрум бўлиб, муҳит учун ўртача ҳисобланган нормага мослашадилар. Шунинг учун ҳам муҳит тушунчаси бадиий асарда инсонга, инсоншуносликка бориб тақалади.

Пиримқул Қодиров ҳам Бобур яшаган давр тарихини, шароитини узоқ йиллар ўрганган ва бу ҳақида шундай ёзади: “Заҳириддин Муҳаммад Бобур неча асрдан бери халқнинг тилидан тушмай келаётган, унинг дилидан ўзига макон топган ўлмас тарихий сиймолардан биридир. Албатта, унинг фотиҳ, шоҳ ва давлат арбоби сифатида жуда мураккаб ҳаёт кечирганлигини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Тақдири мураккаб кечган Бобурнинг шундай оғир муҳитда истеъдодини бой бермаслиги, инсоний фазилатларни йўқотмаслиги Жавоҳарлал Неру ибораси билан айтганда, дилбар шахс сифатида тарихда ном қолдириши улкан саодатки, бу камдан-кам одамга муяссар бўлади. Мен талабалик йилларимдан бери, қирқ йилдирки, “Бобурнома”ни кўлдан қўймайман. Бобурнинг қадамжоларини бориб кўришга интилдим, Ҳиндистон, Покистон бўйлаб сайр қилдим, шуларнинг ҳаммасидан бугун чиқариш мумкин бўлган хулоса шуки, ҳануз бизга Бобурни жозибали қилиб кўрсатаётган томони унинг олижаноб инсоний фазилатлари ва ноёб истеъдодидир” [3, 2-бет].

Романда тарихий шароитнинг реал тасвири асосий ўринлардан бирини эгаллаб, асар бадииятини белгиловчи мезонлардан бири сифатида намоён бўлади. Адиб “Юлдузли тунлар”да Бобурнинг ҳаётини тўлиқ тасвирламаган, бунга эҳтиёж ҳам сезмаган. У қаҳрамони ҳаётига оид асосий тарихий воқеаларни Бобур характери, қарашларига таъсирини бадиийлаштирган.

Тарихий шароитнинг бундай бадиий талқинига адабиётшунослар муаллифнинг ютуғи деб баҳо берганлар. Жумладан, М.Қўшжоновнинг

фикрича, “Роман Бобур салномаси ҳам эмас, жангномаси ҳам эмас. Бу роман маълум бир даврни изоҳлайдиган руҳномадир. Унда Бобур даври ҳақиқати ўзининг объектив аксини топган... Пиримқул Қодиров романида яратилган бутун образлар борлиғи ва воқеалар тасвирида Бобур давридаги замон руҳини беришга эриша олган” [4, 103-бет].

У. Норматов “Тарихга улуғ ҳурмат” мақоласида “гарчи ёзувчи кенг қамровли, изчил, батафсил хронологик тасвир йўлини тутса-да, асарда ўқувчини толиқтирадиган чўзиқлик йўқ, аксинча, асар материали унинг ҳажмига нисбатан ҳийла кенг экани, ёзувчининг ўй-режалари, дилидаги гаплари учун бир роман ҳажми торлик қилиб қолгани яққол сезилиб турганини... бундай тасвир усулидан кейинги йилларда қатор улкан сўз усталари моҳирона фойдаланаётганларига” [5, 59-бет] эътиборни қаратади.

В. Г. Белинский “ёзувчи тарихий фактларни ёзишдан воз кечади ва уларни ўз мазмунини ташкил қилган хусусий воқеа билан боғланишда қабул қилади; бу орқали у тарихий фактларнинг астарини очиб беради, тарихий шахснинг кабинетига ва ётоғига бизни олиб киради. Унинг уй ҳаёти, оилавий сирларини кўрсатади, уни бизга фақат тарихий кўрик мундирда эмас, балки чопон ва қалпоқ остида ҳам кўрсатиши” [6, 178-бет] лозим эканини таъкидлайди. Ушбу мулоҳазаларга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкин: биринчидан, бизнинг текширишларимиз шуни кўрсатадики, тарихий фактлар ҳеч вақт ёзувчини ўзига банд қилиб қўймаган, балки унга шу фактдан туртки олишга, унинг моҳиятини очишга, давр руҳининг ҳақиқатини бадиий инкишоф этишга олиб келган.

Баъзи бир мунаққидларининг таъкидлашларича, “Юлдузли тунлар”да муаллиф тарихий асарларнинг асосий вазифаси бўлмиш - давр ҳақиқати ва шароитнинг асар қаҳрамонлари ҳаёти, руҳиятига таъсирини асарнинг ҳамма бобларида ҳам бирдай изчил амалга ошира олган деб бўлмайди. Айтайлик, Бобурнинг тахтга ўтирган биринчи куниёқ ўзи истамаган ишни қилиб, бегуноҳ Дарвеш говни қатл эттирганлиги билан боғлиқ ёш қалбнинг изтироблари “Гул ва қуюн” бобида жуда ишонарли ва таъсирчан баён қилинади. Лекин, афсуски, мана шу принцип кейинги бобларда ўзининг изчил тадрижини топмайди. Ёзувчи ҳам ўз қаҳрамони билан бирга даврнинг бўронли воқеалари гирдобига кириб кетади. Ана шу жойда узилган характер тадқиқи то Бобурнинг Ҳиндистондаги ҳаёти тасвирланган бобгача иккинчи планга ўтиб, ўз жойини жангу жадаллар ва саргузаштлар тасвирига бўшатиб беради” [7, 125-бет]. Тўғри, лекин ушбу фикрга қисман қўшилган ҳолда, бизнингча, романнавис шу бобда Бобур баъзан шароит тақозосига кўра, ўз истагига қарши ҳаракат қилишга мажбур бўлганлигини эътиборга олганки, буни эсдан чиқармаслик лозим. Бобур - ҳам шоҳ, ҳам шоир. Унинг ички дунёси жуда ранг-баранг ва айни вақтда мураккаб. Чунки, бир шахс тимсолида ўз даврининг моҳир саркардаси ва жаҳонгирлик, фотиҳлик билан чиқиша олмайдиган гуманист руҳияти мужассамдир. Ҳар бир инсонда туғилганидек унда ҳам ички изтироблар, хурсандликлар, қайғу ва ғалабадан қониқиш ҳислари туғён урган онлар бўлган.

Ёзувчи жанг тасвирларида ҳам Бобурнинг ички оламини, унинг гуманистик қарашларини, ҳамма вақт шароитдан келиб чиқиб ҳаракат қилганини бадиий мукамал тасвирлаганки, бунга роман саҳифалари гувоҳлик беради.

Хуллас, адиб Бобур даврининг бутун мураккабликлари билан талқин этишга, тарихимизнинг энг шиддатли дамларини тарих ҳақиқатидан келиб чиқиб тасвирлашга интиланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. История узбекской литературы. В пятый томах. –Т., Фан, 1994. –380с.
2. Мирвалиев С. Ўзбек романи. –Т., Фан, 1969. –313 б.
3. Қодиров П. Тил, тарих, муҳаббат // Ёшлик. –Т., 1989.№5. 20-40-б.
4. Қўшжонов М. Тарих сабоқлари ҳақида роман // Ўзбекистон маданияти. 1978. 12 декабрь.
5. Норматов У. Ақл ва қалб чироғи. –Т., Адабиёт ва санъат, 1983. –118 б.
6. Беленский В.Г. Танланган асарлар. –Т., Ўздавнашр, 1955. –510 б.
7. Саттаров М., Каттабеков М. Олис юлдузлар жилоси. –Т., Ўқитувчи, 1986. – 264 б.

ЯНГИ НАШР

(Эркин Аъзам. “Танланган асарлар. 5 жилдлик”нинг 2 жилди нашрига тақриз)

*Қўчқорова Марҳабо Худойбергеновна,
ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти
катта илмий ходими, филология фанлари доктори*

Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг “Танланган асарлар. 5 жилдлик”нинг 2 жилди “Шарқ” нашриёти (Эркин Аъзам. Танланган асарлар. 1 жилд. Ҳикоялар. –Тошкент: Шарқ, 2021. –544 б; Шу муаллиф. Танланган асарлар. 2 жилд. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2021. –544 б.) томонидан чоп этилди. Мазкур “Танланган асарлар” адиб ижоди бўйича илк бор нашр қилинди. “Танланган асарлар”нинг 1 жилдига 30 та ҳикоя жамланган. Шунингдек, китобга “Сўзбоши ўрнига узук-юлуқ арзи ҳол” деб изоҳланган “Нов бошида икки момокалоним” номли Муқаддима сўз киритилган. Одатда, “Танланган асарлар”га катта адабиётшунослар “Кириш сўзи”лар ёзишарди. Бу тўпламда эса адибнинг ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳолида у улғайиб-ўсган она юрт – Сурхондарё ва Бойсун, ота-онаси, бувилари, оиласи, болалиги, адабиётга қизиқиши, илк ижодий машқлари, устозлар билан ижодий алоқалари ҳақида батафсил маълумот берилган. Жумладан, таржимаи ҳолда ёзувчининг момолари Жангил биби билан Зиёда биби ҳақидаги ҳаётий ҳикоялар, отаси Нормамат аканинг омон қолиш тарихи жуда қулгили қилиб, кинолар билан ҳикоя қилинади. Беихтиёр ёзувчининг бадиий услубига хос киноя адиб ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳолда ҳам акс этганини кузатдик. Бундай таржимаи ҳолни ўзбек адабиётида фақат Эркин Аъзам ёзди, назаримизда.

Китобнинг 1 жилдидан ёзувчининг ўтган асрда ёзилган ва жамоатчилик орасида машхур бўлган ҳикоялари ўрин олган. Хусусан, “Кечирасиз, ўртоқ муаллим!”, “Эртак билан хайрлашув”, “Шайтончалар кўчаси”, “Кўк эшик”, “Сой бўйи, чимзор”, “Кимларга эшик очасан?”, “Қор босган довон”, “Анойининг жайдари олмаси”, “Пиёда”, “Баҳор”, “Баҳорни қувиб”, “Навоийни ўқиган болалар” ва ҳ.зо.

Жилдликка кирган биринчи ҳикоя “Кечирасиз, ўртоқ муаллим! (Саркаш боланинг кундалигидан саҳифалар)”. Ёзувчининг ўзи эслашича, мазкур ҳикоя шўро даврида “совет педагогикасига тўғри келмайди” деган айб билан нашр этилмаган. Мустақилликдан сўнг, бу асар адибнинг “Эртак билан хайрлашув” ҳикоялар тўпламига киритилиб, илк бор босмадан чиқди. Бу ҳақда китобга ёзилган муқаддима сўзда ҳам ёзилган. Ҳикояда уч дўст Иброҳим, Умар, Акбарнинг ўқувчилик йиллари, адабиёт, алгебра, кимё, биология, тарих, астрономия дарслари ва бу фан ўқитувчилари, уларга қўйилган лақаблар киноя ва қувноқ кулги билан ҳикоя этилади. Совет тузуми даврида ўқувчининг ўқитувчига лақаб қўйиб, уни мазахлаб ёзилган асар чоп этилиши тасаввурга сиғадиган гап эмас эди. Ахир ҳикоя қаҳрамонлари алгебра ўқитувчисига “Квадрат”, биология ўқитувчисига “Ламарг”, тарих ўқитувчисига “Турабадзе” деб лақаб тақашади. Асар композициясида “Ҳикоя ичида ҳикоя” шакли кўзга ташланади. Чунки, асарда “Адабиёт дарси”, “Алгебра дарси”, “Кимё дарси”, “Биология дарси”, “Тарих дарси”, “Астрономия дарси” деб сарлавҳаланган ҳикоячаларда ҳар бир фан ва фан ўқитувчисига, уларнинг дарс ўтиши ҳақида ҳикоячи-қаҳрамон саркаш боланинг киноявий муносабати, киноявий ҳикояси орқали воқеаларни баён этади. Ҳар бир фан дарсидан сўнг, ровий ўқувчи боланинг “Қўнғироқ чалинади - дарс тугайди... ..Кечирасиз, ўртоқ муаллим!..” - деган жумлалари билан яқунланиши ҳам асарга ўзгачароқ бадиий шакл берган. Шўро даврида баҳоланганидек, бу ҳикоя ҳеч ҳам ўқитувчи шаънини булғашга қаратилган эмас. Аксинча, ўқувчилик даври, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари ҳақида ҳаётий воқеаларни ҳикоя этгани билан китобхонга юқумлилик бахш этади. Ахир, ҳар биримизнинг ўқувчилик давримиз шундай ўтган. Қайсидир фан ўқитувчиларини ёқтирмаганмиз, уларнинг қилиғига, юриш-туришига, дарс ўтишига қараб, лақаблар қўйганмиз. Пинҳона ўқитувчиларимизни мазах қилганмиз. Ана шу ҳаётий воқеалар ҳикояга ҳаётийлик ва табиийлик бағишлаган.

Жилдликка кирган ҳикояларнинг ёзилган санасига эътибор берсак, “Кечирасиз, ўртоқ муаллим!” 1968 йилда ёзилган. Шунингдек, китобдан ўрин олган ҳикоялар остига (“Эртак билан хайрлашув”) 1970, (“Шайтончалар кўчаси”) 1971, (“Шаҳардан одам келди”) 1973, (“Бизнинг тоға”) 1994 саналари қўйилган. Тўпламга кирган ҳар бир ҳикоянинг бадиияти, ёзувчи маҳорати, адибнинг ҳикоя жанрига қўшган ҳиссаси, муаллифнинг ўзбек ҳикоячилигида эришган янги бадиий-услубий изланишлари ва янгиликлари ҳақида узундан-узун ёзиш мумкин. Бир тақриз жанрида бу муаммоларни ёритиш имкондан ташқари иш, албатта. Шу ўринда жилдликка киритилган энг сўнгги ҳикоя “Бизнинг тоға”га бир оз тўхталамиз. Таъбир жоиз бўлса, бу ҳикояни Шукур

Холмирзаев бир мақоласида “мумтоз ҳикоя намунаси” деб таърифлаган. Яхшиси, бу ўринда Шукур аканинг ҳикояга берган баҳосидан кўчирма келтирсак: “Энди, Эркинбой, тоға ҳақидаги ҳиконгизни... Кўзимга тик қаранг - “Классик ҳикоя” дегим келади. Ёпирай, Тоғанинг характери қаранг! Қайсарлигини кўринг. Ўз ўлчамидаги ор-номус – унинг инсон сифатида бош хусусияти... Энди асарнинг финалига қаранг. Қандай чиройли яқун! Нечоғлик олийжаноб ҳам экан бу қайсар Тоға! Шуниси зўрки, унинг олийжаноблиги ҳам қайсарлигидан келиб чиқади...” [2;180].

Ҳақиқатан ҳам, Шукур Холмирзаев урғулаб кўрсатганидек, Эркин Аъзамнинг “Бизнинг тоға” ҳикоясида айниқса, Муҳаммад Ғазанфар образи ва унинг ўзига хос миллий характери ниҳоятда тиниқ ишланган. Айтиш лозим, ёзувчи ҳикояда катта бадиий маҳорат билан тасвирлаган тоға ва жиянлар образининг ҳаётий асослари бор. Ҳикояда ёзилганидек, юз билан юзлашиб вафот этган Бобонинг икки аёлдан туғилган ўғиллари Эркин Аъзамга тоға бўлади. Ёзувчи ижодида бот-бот кўзга ташланувчи Тоға-жиянлар образи бежиз маромига етказиб тасвирланмайди. Ҳикояда акс этган тоға-жиянлар образи кейинчалик ёзувчининг “Шажара” драмасига кўчди. Аммо драмада Пакана тоға ва дароз жиян образлари янада ҳажвийлашиб, кулгили вазият пайдо қилишга асос бўлди.

Ҳақиқатан ҳам ёзувчининг Муҳаммад Ғазанфар тоғадек олийжаноб ва қайсар тоғаси ёки Амирдек тадбиркор, удабурон бўласи бор. Ана шу ҳаётий воқеалар, ёзувчининг узоқ йиллар давомида кузатган ва ҳис этган ҳислари Ғазанфар тоға билан Амир жиян образини яратишга туртки берган. Муҳаммад Ғазанфар кайвони одам. Қишлоқнинг каттаю кичиги ундан бирон ишни бемаслаҳат қилмайди, ҳатто эчкисини сотмоқчи бўлса ҳам тоғадан маслаҳат олишади. Ҳамма уни ҳурматлаб, Бобо уни эркалатиб айтганидек, “Муҳаммад Ғазанфар” деб мурожаат қилади. Кайвони Ғазанфар тоғанинг маслаҳатсиз бирор тўй-ҳашам, бирон бир кичикрок тадбир ўтказилмайди. Қишлоқда одат шундай. Агар ўтказилса, ўпка-гина бошланади. Тоға опасининг ўғли Амирга нисбатан “ўғайқараш” қилади, улар ўртасидаги зиддият йиллардир кимўзарга давом этади. Ҳикояда тоға-жиян кимўзарга рақобатлашиб, тоғ устида шийпон қуришади. Бизнесмен, удабурон жиян биринчи бўлиб, тоғ тепасида шийпон қуради. Ҳатто шийпон қурилган тепаликка “Амиртепа” деб, ўзининг исмини беради. Қишлоқ аҳли тилига ҳам “Амиртепа” номи ўрнаша бошлайди. Бунга чидай олмаган тоға ҳикоячи қаҳрамон олимнинг номига атаб, жияннинг шийпонидан ҳам зўрроқ ва беҳроқ, икки қаватли шийпон қуришга бел боғлайди. Шу ишга жуда қаттиқ киришиб кетади.

Амиртепадаги шийпонга ўт тушиб, ёнғин чиқади. Ғазанфар тоға олим жиянга атаб қураётган шийпонни чала қўйиб, Амирнинг шийпонини таъмирлашга, тиклашга киришиб кетади. Иши охирига етай деганида, Ғазанфар тоғанинг тиззадан пастига тўсин тушиб кетиб, оёғи синиб, оёғини тахтакачлашади. Жияннинг улфат жўралари эҳтиётсизлик қилиб, шийпонга ўт кетган бўлсада, Ғазанфар тоға ўзини бу ишга дахлдордек, айбдордек ҳис этади. Ориятли тоға образи ҳикояда ниҳоятда маромига етказиб тасвирланган.

Ғазанфар тоға характеридаги айнан шу оркашлик, олийжаноблик ва қайсарлик, меҳнаткашлик, жонсараклик китобхонни безътибор қолдирмайди. Тоғага танланган исм ҳам жуда антиқа. Эркин Аъзам ҳикояларидаги қаҳрамонлар исми ёдимизга келади. Рамазон, Жаббор Имомов, Бердибой, Салим Қарор, Нажим патриот, Будир полвон, Амир полвон, Манана, Нанана каби.

“Ватанпарвар” ҳикояси қаҳрамонлари Нажим патриот ва Будир полвоннинг Боғболо қишлоғидаги обрўси, одамлар орасидаги ўрни таққосланар экан, аслида ватанпарвар одам бу Амир полвоннинг кенжаси Будир экани ойдинлашади. Ёзувчи мазкур ҳикояда полвонлар оиласи ҳақида қизиқарли воқеани ҳикоя этади. Будир полвон диний обидаларга қирон келиб, бузилган мачитнинг устунини ўз жойига қайтариб олиб бориб қўйиб, ўзининг чинакам ватанпарварлигини намойиш этади. Зеро, “Диний обидаларга қирон келган кезлари фаол даҳрийлардан кимдир мачитни чап қанотидан бошлаб буздирган, ҳафта ўтар-ўтмас, ўтданми, сувданми, ўша фаолнинг оёқ-қўли шол бўлиб қолган; тўғри, дўхтирларнинг муолажасидан сўнг у бирмунча ўзига келган, ҳасса таяниб юрар эди; лекин, тақводорларнинг таъбирича, худонинг масканига қўл кўтарганнинг жазоси шу эмиш”[1.444]. Эркин Аъзамнинг 1985-йилда ёзилган “Ватанпарвар” ҳикоясидаги бундай тасвирлар ва воқеалар ҳикоянинг илк нашрида ҳам бор эдими? Кузатиб турганимиздек, ёзувчи асарларини Мустақилликдан сўнг, чоп этилган “Танланган асарлар”га киритилган асарлар матнини эски нашрлар билан матний жиҳатдан қиёслаб ўрганиш имкони пайдо бўлгани ойдинлашмоқда. Эҳтимол, ёзувчи ушбу янги нашрга асарларини қайтадан таҳрирлаб, тузатишлар ва қўшимча бадиий деталлар билан бойитиб киритган бўлиши мумкин.

“Манана” жанрини эссе-ҳикоя деб белгиласа бўлади. Ҳикоя ёзувчининг Грузия сафаридан олган таассуротлари асосида ёзилган. Бу ҳақда ёзувчининг ўзи биз бўлган оғзаки суҳбатида “Остона” ҳикоясининг таржимаси туфайли Грузияга ёш ижодкорларнинг форумига бориб, қайтиб келгач, шу ҳикояни яратганини айтиб берганди. Янги йил оқшомида бўлиб ўтган тасодифий воқеалар ва қисматлар ҳақида жуда кўп ёзилган. Янги йилда содир бўлган ғаройиб воқеа-ҳодисаларга тўла сюжетлар киносанъатида ҳам кўчган. Беихтиёр “Тақдир ҳазили ёки қушдай енгил бўлинг” мосфильми эсимизга келади. Ҳикоя қаҳрамони Грузияга сафари чоғида гид қиз Манана билан танишиб қолиб, гўзал грузин қизга самимий ва илиқ ҳиссиётларни юрагида туяди. Қаҳрамоннинг ватанга – Тошкентга қайтишида Янги йилнинг кутилмаган тасодифларини бошдан кечиради. Шу куни об-ҳавонинг бузилиши билан самолёт учиши кечиктирилиб, қаҳрамон аэропортда Манананинг синглиси Нанана билан янги йилни кутиб олишга мажбур бўлади. Улар ўртасида ваъдага кўра Манана қаҳрамони кузатиб қўйиши керак эди. Грузин гўзали Манана бетоб бўлиб қолиб, уни кузатишга кела олмай қолади. Ҳикоя қаҳрамонининг Мананага бўлган тоза ҳислари ҳикояда лиризмни таъминлаган. У Тошкентга қайтиб келганида, Манана синглисидан бериб юборган совға-саломларни кўриб, хотинига буларни “Манана” берганини айтади. Беихтиёр Манана бу эркак киши деб изоҳ бериб қўяди. Бу беихтиёр китобхонда енгил кулгини пайдо қилади.

Хуллас, ҳикояда қаҳрамон исмлари билан грузинча кино қаҳрамони Мимоно номлари сўз ўйини сифатида ишлатилади. Яъни Манана-Нанана-Мимино. Мимино... Грузин фильмида намоиш этилган вёртолётини қозикқа боғлаб қўядиган грузин учувчиси Мимино саргузаштлари хаёлга келади. Манана киёфасида грузин аёлларига хос гўзаллик, латофат, дилкашлик, кўнглиочиклик каби инсоний фазилатлар мужассалаштирилган. Манананинг гўзаллигини китобхон ҳикоячи қаҳрамон нигоҳи билан кўради, унинг ҳислари орқали хис этади.

Такриз мақолада адабиётшунослар назаридан, таҳлилидан биров четда қолган ҳикояларга алоҳида тўхталаяпмиз. Ана шундай ҳикоялардан яна бири “Еттинчи тулки”дир. Ҳикоя қаҳрамони механик Самад Термизга автоколонна ташкилотига эҳтиёт қисмларни расмийлаштириш учун бориб, йўлда олтига тулкини кўради. Олтинчи тулки, оёғи жароҳатланиб, юролмай йўл четида ўтирганди. Самад бир оёғи майиб бўлиб қолган тулкини машинасига солиб, қишлоғига қайтади. Бошлиғидан ишни битказиб кела олмагани учун гап эшитиб, яна Термизга йўлга чиқади. Унинг ичида шундай ўй кечади: “Аждаҳонинг комидан бўлса ҳам ундириб келаман бугун! Энди йўлда тулки зоти учраса босиб кетаман, янчиб кетаман!” [1;444]. Демак, ҳикояда Самад ҳақиқатан ҳам ҳаётда кўрган олти тулки жамиятдаги таниш-билишчилик, бюрократизмга рамзий ишорадир. Бир марта сарсон бўлиб, қуруқ қўл билан қайтган ёш механик энди йўлда учраган ҳар қандай тулкини босиб-янчиб ўтишга тайёрлигини ифодалар экан, бу орқали иш жараёнидаги зиддиятлар ва уларни енгиб ўтишда инсон иродасининг доимо синовда эканига рамзий ишора беради.

Адибнинг “Еттинчи тулки” асари Иброҳим Исломовга бағишлов қилинган бўлса, “Сен учун энг зўр одам” ҳикояси эса Саттор Турсунга бағишланган. Инсон ҳаётида дунёда энг кучли, энг идеал одам ота ҳисобланади. “Сен учун энг зўр одам” ҳикояси ота ҳақида ниҳоятда ҳиссий-кечинмали ёзилган ажойиб асардир. Эркин Аъзам ҳикояларида у асаридан бу асарига кўчиб юривчи Акбар ва Амир полвон образларида қайсидир маънода, Акбар образида ёзувчининг ўзини кўрсак, Амир полвон образида адибнинг отаси Нормамат аканинг характери ва кечинмаларини кузатамиз. “Ватанпарвар” ҳикоясида бешта полвон ўғилнинг отасининг исми Амир полвон. “Кечирасиз, ўртоқ муаллим!”да уч дўстнинг бири - Акбар. “Сен учун энг зўр одам” ҳикоясида Амир полвон ва Акбар ота-бола образлари яратилдики, бу образлар асло ўта сунъий, юз фоиз тўқима эмаслигидан далолат беради. Назаримизда, ота ва бола ўртасидаги жуда катта жарлик ҳикояда катта маҳорат билан очилган. Миллий менталитет туфайли аксарият ҳолларда кўпчилик ўзбек оилаларида Ота билан бола ўртасида катта масофа бўлади. Ота-бола очилиб гаплашмайди. Ўзбек оталарининг гунг-гурс феъли-табиати ҳикояда яхши очиб берилган. Аммо иккинчи томондан оиланинг моддий таъминоти учун ўзини доимий равишда масъул деб биладиган ва бемор бўлса ҳам далада пахта қолиб кетяпти деб, касалхонага ётишдан бош тортаётган Амир полвон образи миллионлаб ўзбек оталарининг умумлашма образидир.

Жилдликдан машхур ҳикоя “Анойининг жайдари олмаси” ҳам ўрин олган. Бу ҳикоя асосида “Чантриморэ” номли фильм ҳам ишланган. Ҳикояда маъноси ҳам, мазмуни ҳам нима экани англашилмайдиган, аммо икки дўст Рамазон ва муаллиф ҳикоячининг болалик хотираларидан ёдгорлик бўлган бу сўзлар айтилиши ҳамано ҳар иккисининг қалбига фараҳбахш туйғулар кириб келади. Ҳикояда бу маъно-мазмуни тушунарсиз сўзлар ноёб бадиий топилма бўлган. Қишлоқдаги уруш иштирокчиси, бепарзанд Шоди гаранг доим мактабдан қайтаётган болаларга қараб, “Чантриморэ” деб ҳайқиради. Болалар эса Шоди Гарангнинг ҳайқирғига “Калакамотрэ” деб жавоб қайтаришади. Аслида бу сўзлар Шоди гарангдан мерос эди. Ҳикояда ўзининг рисоладаги одамларга мутлақо ўхшамайдиган, қолипларга сиғмайдиган Рамазон образи ва унинг содда, беғубор характери ўқувчини ўзига мафтун қилади. Эркин Аъзамнинг Рамазон, Кўкалдош, Бердивой каби ғалати образларини адабиётшунос Н.Владимирова “Агзамовские чудачки” деб таърифлаган эди. Рамазон Барнаулга бориб Қизил армия сафида хизмат қилиб қайтади. Унинг эски, устига “Барнаул” деб ёзилган чамадони ва жайдари олмалари Рамазон характерини янада бўрттириб тасвирлашга асос бўлган. Адиб суҳбатларида Муаллиф суҳбатларимиздан бирида Рамазон образининг ҳаётий асоси борлигини бу ҳикоя эканлаштирилгач, ҳаётдаги ҳақиқий Рамазон шу ролда ўзим ўйнасам бўларкан, деган армонларини айтганди. Ёзувчи ҳикояда ёши улғайса ҳам, соддалик ва беғуборликдан айрилган соф одам образини Рамазон киёфасида акс эттиради. Рамазон жайдари олмаларни бозорда текинга таркатади, поездда чайқовчининг ўрнига унинг айбини бўйнига олиб, бир йилга қамалиб кетади. Бор-будини сочиб, талабаларни реторанда овқатлантиради. Рамазон ана шундай кўнгли ҳам, қўли ҳам очик, танти бир одам.

Ҳар икки жилдликка жамланган ҳикоялар ва қиссаларни кузатиб, адиб ижодининг бадиий эволюцияси, образлар динамикаси, ёзувчининг эстетик идеали, муаллифнинг жамият ва ҳаётга эстетик баҳоси, услубини тадрижий равишда баҳолаш имкони пайдо бўлди. Эркин Аъзамнинг “Танланган асарлар” 5 жилдлигининг нашр этилиши тадқиқотчилар учун ҳам жуда катта қулайлик туғдиради.

“Танланган асарлар”нинг 2 жилдига Эркин Аъзамнинг 5 та қиссаси киритилган. Булар: “Отойининг туғилган йили”, “Жавоб”, “Байрамдан бошқа кунлар”, “Пақананинг ошиқ кўнгли”, “Шоирнинг тўйи”. Ҳар икки жилдликка жамланган асарлар китобхонлар учун ҳам, тадқиқотчилар учун ҳам ниҳоятда қадрли асарлар.

Бу жилдга кирган қиссаларда ҳам муаллифнинг ўзига хос бадиий услуби, бетакрор образлари ва муҳими ҳаёлга келмаган сюжетлар ва бадиий тафтишлари китобхонни ҳайратлантиради. Жумладан, шартаки талаба Асқар Шодибеков, ўзини ўзи таҳлил этиб, ўзининг нақадар “кичкина одам” эканлигини ҳис этган Нуриддин Элчиев, романтик қахрамон автобус ҳайдовчиси Бакир, ниқобдорлар тўдасидаги ягона қалби тоза инсон Сафура, бўйидан ҳам, кўнглидан ҳам кўнгли тўлмаётган Пақана, Шўро даврида ноҳақ

сургуни қилиниб, ҳаёти фожиавий якун топган Шоир ва бир қатор киноявий образлар ўқувчи қалбини забт этади.

Хулоса шуки, сеvimли адибимиз Эркин Аъзамнинг “Танланган асарлар. 5 жилдлик”нинг 2 жилди нашр этилиши адабий жамоатчилик учун ҳам, оддий китобхонлар учун ҳам катта тухфа бўлди. Янги нашр барчамизга қутлуғ бўлсин!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аъзам Э. Еттинчи тулки / Танланган асарлар. 1 жилд. –Т.: Шарқ, 2021. –Б. 444
2. Холмирзаев Ш. Ўттиз бешда ҳам... / Эркин Аъзам бадиий олами. –Т.: Турон замин зиё, 2014. –Б. 180.

**АЛИШЕР НАВОИЙ ТАЪБИДА НАФСОНИЙ ШАҲВАТ ВА РУҲИЙ
ЛАЗЗАТГА МАЙЛНИНГ ЧЕКЛАНГАНЛИГИ ХУСУСИДА**

*Ҳошимхонов Мўмин,
ЖДПИ доценти, филология фанлари доктори*

Аввало Машраб фоний – ўткинчи дунёнинг реал инсони, унинг ҳам бошқаларники каби қалби, юраги борлигини унутмаслигимиз керак бўлади.

Мазкур биз фикр юритаётган қисмнинг вазифаси таълим-тарбия, ахлоқий-панд-ўғит, насиҳат-дидактик қарашлар бўлса-да. Машрабнинг бу борада пандомуз, ўғитомуз, насиҳатомуз, ибратомуз ҳаёти унинг яшаш тарзининг ўзи оддий муҳаббат бобида ҳам бани башариятга ҳудди ҳазрат Алишер Навоий каби намуна бўла оладиган севги, муҳаббат тимсоли бўлажак юксак ахлоқий қарашларни тухфа этганлигига гувоҳ бўламиз.

Шу боис мутафаккир шоир оташин муҳаббатини, унинг уйланмаслик сабабларини таҳлил этишдан олдин, ҳазрат Алишер Навоийнинг муҳаббат тарихига, уйланмаганлик сабабларига мухтасар тўхталишни лозим топамиз.

Ҳазрат Алишер Навоий: «Э ишқ, ғариб кимиёсен» дейдилар.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров буюк мутафаккир шоирлар ва бани башарият севгиси ҳақида шу даражада гўзал бир публицистик мақола ёзганки, шу битта кичик асар мазмунида Навоий ва Машраб, Лutfий ва Атоий, Ҳувайдо ва Сарёмий, Муқимий ва бошқа ўнлаб севганлар, севилганлар тақдири, уларнинг илоҳий муҳаббатини, шу муҳаббатлари туфайли инсоният эътиборини қозониш завқини, намуна бўлиш сабабларини тушунтириб уни «муҳаббат маърифати» деб атайди: Ер юзида шу бизнинг кунларимизгача қанча одам болалари ўтган бўлса, бари муҳаббат, севиш, яхши кўришни бошидан кечирган.

Хусусан, Навоийнинг юқоридаги, фавқулудда гўзал сўз-фикридаги ишқ билан, муҳаббат, севги, яхши кўриш орасида ҳатто оддий назар билан солиштириб кўриш мушкул бўлган, олам-олам ўзгачаликлар мавжуд бўлса керак. Навоий тилга олиб таърифлаган ишқ коинот билан битта вужудга

айланган ишқ. У коинот билан бирлик касб этган қалбларда яшайди ва ўз коинотий ҳиссиётлари ва хусусиятларини касб этади. Мажнун, Фарҳод, Вертер, Мишкин ёки реал тарихий нисбатларда эса инсониятнинг энг табиий одамлари бўлмиш хазрати ялавочлар-пайғамбарлар, Худо элчиларининг ишқи-худди мана шундай коинот миқёсларини ўзида ифодалаган ишқдир. Бу ишқ фақат табиий одамлардагина туғилади ва азалий камолот хусусиятига эга бўлади [1].

И. Ғафуров Фарҳоду Ширин, Лайлову Мажнун Илоҳий севгисини, улар фонийликда хур кетганликларини, абадийликда руҳлари бирлашиб кетишлигини, ўткинчи дунёда қовуша олмаганлиги туфайли улар шу ишқ йўлида висолга эриша олмай васл нашъу-наъмосини топа олмагани боис, қавмлар ўйлаб кўриб, уларнинг тобутини битта, қабрини битта, кафанини битта қилиб кўмганлигини ҳикоя қилган. Улар севги ва муҳаббат рамзи эдилар. И. Ғафуров одамзот севгиси ҳақида ёзади: Одамлар борки, висол ишқнинг энг сўнгги нуқтаси, самараси ва ҳосиласи-бош мақсади деб тушунадилар. Уларнинг назарида висолга муяссар бўлиш билан ишқ яқунланади. Ёки янги босқичга киради. У ёғига «проза» бошланади.

Лекин етай деганда етиб бўлмайдиган ишқ-Мажнун, Фарҳод, Вертерлар ишқи ҳам мавжуд.

Етганда сақлаб бўлмайдиган ишқ-Баҳром Гўрлар ишқи-бу бошқа. Унинг висолида ҳамиша аччиқ аламли айрилиқлар ётади. Булар инсониятнинг худога яқинлиги ва яна ҳам тўғрироғи Худо зухуроти эканлигининг бизга маълум қилинган бир сирли белгисидир. Юқоридаги тушунчаларимизни муҳаббат фани деб атаяпмиз [1].

И. Ғафуров муҳаббатга инсон буюк бир қадрият сифатида қарашлигини, Эрих Фромминг «Севиш санъати» китоби бироз ғализроқ таржима қилинганлигини «Искусство любить» деб аталганлигини, аслида «Муҳаббат фани» деб аталиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган: Ер юзида ҳозиргача қанча одам ўтган бўлса, муҳаббат, севги, яхши кўришни ўз қалбига доир тушунган ва амал қилган. Бир миллиард, ўн миллиард, юз миллиард муҳаббат, севги, яхши кўриш амалиёти ҳақида сўз юритиш мумкин. Шунчалар алвон ва ранго-ранг бу ҳиссиёт соҳаси.

Фромм ўша асарида «Муҳаббат амалиёти эътиқод амалиётини талаб қилади», деб ёзади. Дарҳақиқат, эътиқод даражасидаги муҳаббат энг олий муҳаббатдир. Қадим шоирларимиз Ҳаким Ота, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб тош битикларимиздаги, Алп Эр Тўнгамиз тирик достонидаги буюқдан-буюқ ўланларда, Навоийгача ва унинг барча издошларида, Лутфий, Атоий, Машраб, Ҳувайдо, Сарёмий, Муқимийларда худди ана шундай амалиёти эътиқод даражасига кўтарилган ишқ-муҳаббат ҳақида ёзилганлигини кўрамиз. Ҳаким Ота «ҳақ зикрини ҳузур билан айтмиш керак», деганида ва унинг барча гўзал сатрларида эътиқод ва муҳаббатнинг мислсиз чаманлари очилиб ётганлигини кўрамиз. «Ҳузур билан айтиш» бу том маънода муҳаббат билан айтишдир ва шундагина, фақат шундагина Ҳақ билан бирлик туғилади. Ҳақ билан бирлик туғилгандагина одам ўзини, ҳаётдаги ўрнини, вазифасини,

инсонлик бурчини англаб, тушуниб етади. Англаб етиб, ҳаракат қилиш имкониятини топади [1].

И. Ғафуров фикрича, Муҳаммад Ғаззолий «Ихё улумид-дин» китобида: Муҳаббат билишнинг натижаси бўлиши мумкинлигини, чунки инсон ўзи билган нарсасинигина севишлигини, муҳаббат интилувчининг хусусияти эканлигини, инсон муҳаббатини шу тариқа билиш ҳодисаси билан боғлайди. Билиш эса маърифатдир. Бундан мантиқан шундай хулосага келишимиз мумкинки, муҳаббат-фан, илм, санъат, ҳунар, кашф, қандай куч-қудратга эга бўлса, маърифат ҳам шундай куч-қудратга эгадир. Ва янги бир тушунчани юқоридаги тушунчалар қаторига қўшиб қўямиз: муҳаббат маърифати. Бу маърифат устодлар ижоди дунёсида етакчи йўналишга эгадир.

Бобораҳим Машраб ана шундай илоҳий муҳаббат маърифатини инсониятга улашган мутафаккир эди. У илоҳий ишқ висолида сархуш, сармаст эканлигини, ҳаммага жаннатдан жой беришини, унгагина дўзахни танҳо беришини илтижо қилади:

*Ки ҳоло Бурқи Сармастман, манга Дўзахни танҳо бер!
Мудом ҳушёр эмас мастман, манга Дўзахни танҳо бер!*

Кўҳна адиблар ва уларгина эмас, ҳозирги қаламкашлар ҳам севги, яхши кўришни мастлик, куллик, мубталолик, девоналик сингари тушунчалар-ҳолатлардан ажратмай тасвирлайдилар. Минг бир турфа таърифлар, тавсифлар келтирадилар. Мусиқа, фалсафа, поэзия дунёга келишини муҳаббат орқали изоҳлайдилар.

Машраб И.Ғафуров қайд этган ана ўша девоналикни-дарвешликни, гадоликни, қаландарликни, фақирликни, сўфийликни танлаган шеърият яловбардорларидан бири эди.

Шу мазмунни, яъни унинг тасаввуф, дин ва ахлоқ ҳақидаги қарашларида талқинини топган ижтимоий-маънавий ва дидактик фикрларни изоҳлаш билан бирга, унинг шеъриятда ўз салафи бўлган Алишер Навоийнинг севги-муҳаббат бобидаги ҳаёти Машрабга ўрнатилган бўлиши мумкин. Шу ҳолни мухтасар баён этмоқчимиз. Бу хусусда XVI асрда яшаган Зайниддин Восифийнинг «Бадоеул вақое» («Нодир воқеалар») китобида «Алишер Навоий табъида нафсоний шаҳват ва руҳий лаззатга майлнинг чекланганлиги хусусида» мавзусидаги шоирнинг уйланмай, пок яшашидан кўзланган мақсадни, Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Навоий нега уйланмаган?» илмий мақоласини, филология фанлари доктори Шухрат Сирожиддиновнинг «Навоий кимни севган?» тадқиқий мақоласини, тадқиқотчи Ботир Оқбўтаевнинг «Алишер Навоий севгиси адабиётшунослар талқинида» илмий мақоласи, С. Олимнинг «Навоийнинг маъшуқаси ким эди?» тадқиқотидаги фикрларни қисқача таҳлил қилишни лозим топдик.

Зайниддин Восифийнинг ёзишича: «Бу жаноб дунёга келиб, ҳаёт хилъатини кийганларидан буён этакларига шаҳват чиркинни теккизмаганлар, футувват ва жўмардлик ёқаси лаълин тугмасини хотинлар ҳавою ҳавасига туткизмаганлар».

Султон Ҳусайн Бойқаронинг бу гапига замон Билқиси, даврон Зубайдаси Хадича бегим қатъиян: - Бундан чикди жаноби Мир эркаклик хислатидан маҳрум эканлар-да?!

Абдурахмон Жомий Рум вилоятидан келган порсо, художўй кишига аёл билан қовуша олмаган кишиларни: «Бу ерда уларни биз ҳез деб атаймиз» - деган.

Хадичабегимнинг Давлатбахт исмли бир парипайкар, ой юзли чўриси бор эди. Фалак ойи унинг орази, қоши ва пешонасидан рашк қилиб ўзини гоҳ юзга, гоҳ қошга, гоҳида пешонага солиб кўрарди. Осмон офтоби унинг жамоли тобидан девона бўлиб, боши-ю юзини очганча гардун томида юмаларди.

Восифийнинг ёзишича, Навоий ўша парипайкарга майл билдирган, бу махфий сирдан султон Ҳусайн Мирзо, Хадичабегим ва амир Алишергина хабардор бўлган.

Хадичабегим фалак қуёши мағриб саропардасига беркингач, туннинг гулдор мушкин ёпинчиғи устига тортгач, у бемаҳалда Мирни ҳайратга солиб, унинг уйига кириб келган. Қиз ўргатилганидек узундан-узок ҳикоят бошлаб, Навоийга кеч бўлганлигини баҳона қилиб ётиб қолишга розилигини айтган. Мир унга ёнидаги хонадан жой ҳозирлашни буюрган.

Аммо тун ярмида ул сарви раъно хиромон бўлиб Мирнинг хонасига кирди ва деди:

- Эй, олам маҳдуми, одамларнинг нури дийдаси! Баданимдаги ҳар бир мўй занжир каби мени бу томон судрагандек тасаввур қиламан. Бу судраш камина канизакка бўлган иноятингиздандир [1].

Навоий бу такаллуф, найранг иш бермаслигини, унинг мақсадини сири аён эканлигини айтиб, канизак қўлини олиб, тиззаларига қўйдилар...

- Бу мусқаб билан мақсудингиз дуррини теша олишимга иймонингиз комил бўлса керак ва бу калид бирла муродингиз дуржи кулфини очиб мақсуд гавҳарини топа оламан. Шуни билингки, бизда эркаклик хислати бор, қўлимиздан келади, аммо бу ишни қилмаганмиз, қилмагаймиз ҳам.

Бу гаплар Хадичабегим ва Мирзо қулоғига еткач, уларнинг Мирга бўлган эътиқоди юз, балки минг чандон зиёда бўлди... [1]

Афсус ва надомат билан айтамызки, Иззат Султоннинг «Навоийнинг қалб дафтари» илмий-тадқиқот асарида юқоридаги Зайниддин Восифий томонидан келтирилган ишончли манба мутлақо бошқача талқин қилинган. Шунинг учун адабиёт назарияси илмининг улкан билимдони, академик Иззат Султоннинг тадқиқотидан шу ўринни айнан келтирамиз: «Бадоеъул вақое»дан: «Алишер уйланмаган эди. Бунинг сабаблари замонанинг ҳамма кишиларини қизиқтирар эди. Султон Ҳусайн мирзо Алишернинг уйланмаслигига сабаб унинг «Этаги поклиги» ва нафсоний шаҳватга майли йўқлиги, ахлоқий жиҳатдан жуда юксаклиги, илм-фан ва шеърятга берилганлиги, деб ҳисоблар эди. Султоннинг севикли хотини Хадичабегим эса бунинг сабабларини бошқача деб тушунар эди. Ҳақиқатни аниқлаш учун, Хадичабегим ўзининг жуда ҳам гўзал канизакларидан Давлатбахтни Алишернинг уйига юборди. Давлахтбахт турли баҳоналар билан Алишернинг уйида тунаб қолди. Тунда қиз Алишернинг

қўйнига кирди... Давлатбахт эрталаб Хадичабегим олдига жуда хурсанд қайтиб, бутун воқеани айтиб берди. Натижада, султон Ҳусайн Мирзонинг фикри тасдиқ бўлди ва Хадичабегимнинг ҳам Алишерга ҳурмати аввалгидан юз маротаба ортди[2].

«Бадоеул вақое»да эса аслида бошқачароқ тасвирланганлигини юқорида кўрдик, «Тунда қиз Алишернинг қўйнига кирди» деган фикр мулоҳазалидир. Навоийнинг «этаги поклиги» юқорида қайд қилингани ҳолда бу энди ортиқча гаплиги шундоқ кўриниб турибди.

Навоийнинг авлиё, аҳлуллоҳ даражасидаги мақоми тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Этаги пок, шаҳватдан холи Навоий сиймоси Зайниддин Восифий китобида тўғри ёритилган.

Тадқиқотчи Ботир Оқбўтаев Алишер Навоийнинг ишқи илоҳийми ёки гўзал ёрга бўлган ишқми деган фикрни илгари суриб бу хусусида замондошлари Жомий («Юсуф ва Зулайҳо», «Баҳористон», «Хирадномаи Искандар»), Ҳусайний (Ҳусайн Бойқаро «Ошиқлар мажлиси»), Давлатшоҳ Самарқандий («Шоирлар тазкираси»), Хондамир («Яхши хулқлар», «Суюкли хислатлар», «Воқеалар хулосати»), Бобур («Бобурнома»), Зайниддин Восифий («Бадоеул вақое») асарларидаги фикрлар диққатга сазоворлигини билдирган.

Бобур Навоий ҳақида: «эрлик қувватига эга эканлиги, лекин таъбида анча нозиклик борлиги», Восифий эрлик қуввати бўлса-да, ишқини Худо йўлида бахшида этганлиги, Э.Воҳидов «илму шеърда шоҳу султон, лек тақдирга қул» Навоий севгиси хусусида олимлар орасида турлича қарашлар мавжудлигини илгари сурган.

Тадқиқотчи Б.Оқбўтаев Зайниддин Восифийнинг «Бадоеул вақое» китобидаги маълумотлардан хабарсиз ҳолда Навоийда эркаклик хислати бўлмаган деган фикрга чек қўйилганлигини тасдиқлайди: Йирик адабиётшунос Иззат Султон «Навоийнинг қалб дафтари» номли асарида Восифий маълумотларига таяниб, Давлатбахт исмли қизнинг Навоий билан бир кеча бирга бўлганлигини айтиб Навоийда эркаклик хислати бўлмаган деган фикрларга чек қўяди», - дейилган. Навоий тасаввуф тариқатига устози Жомий маслаҳати билан кириб, нафси енгилгани, аёлга Нақшбанддек рағбат қилмасликни ўрганиб, ёлғиз ўтганлигини наҳотки тадқиқотчиларимиз чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрмасдан, унинг эркаклиги бор-йўқлигини исботлашга уринишса, бу қанақа беъманилик. Навоий шахсиятига тухмат қилишдан сақланайлик! (таъкид. М.Ҳ.)

Ҳарами бўлмаган, учта шаръий аҳли аёли бўлган Офокхожага ёки шаҳват томири онгли куйдирилган Машраб шахсиятига озмунча тухмат қилинмадимми яқин ўтмишда.

Мана Навоийнинг Илоҳий ишқига жавоб: Нажмиддин Комилов ўзининг «Тимсоллар тимсоли», «Ахтарин ашк этди-ю», «Эр кўнглида соф ишқ», «Аҳд қилдим» каби мақолаларида ҳамда Иброҳим Ҳаққулнинг «Парим бўлса, учиб қочсам» мақоласида Навоий ишқини тасаввуфий йўналишда таҳлил этадилар [4;30].

С. Олим «Ишқ, ошиқ ва маъшук» илмий рисоласида «Навоийнинг маъшуқаси ким эди?» деган мавзуда фикр юритиб, «Лисон ут-тайр» достонидаги бир байт шоирнинг шахсий ҳаётига боғлаб талқин қилинганини, Навоий ўз ишқини шарҳ айлайдиган бир достон ёзиш нияти борлигини айтган:

*Бир неча кун умрдин топсам амон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон.*

Навоий «ишқим» деганда биз тушунган маънодаги оддий севгини, яъни ўзининг бирон қизга муҳаббатини эмас, аксинча маънавий, яъни кенг маънодаги ишқни, Ҳаққа-Тангрига ишқини кўзда тутган. Навоийнинг фалсафасига кўра ишқнинг ҳақиқийси – Худога муҳаббат экани сир эмас [5;48].

Адабиёт илмининг, хусусан навоийшунослик илмининг етук мутахассислардан бири А.Ҳайитметов «Навоий нега уйланмаган?» тадқиқотида унинг оила қурмагани ва бу турли талқинларга сабаб бўлганлигини Бобур «Бобурнома»да чуқур андух билан: «Ўғил ва қиз ва аҳли аёл йўқ, оламини тавре фард (якка) ва жаридда (ёлғизликда) ўткарди», - деган фикрини келтирганлигини хабар берган.

Навоий ўқувчилик чоғида мактабдоши бўлган қиз ҳақида шеър ёзиб, унинг бадавлат хонадоннинг фарзанди эканлигини, суратию сийрати гўзал бўлиб, шоир уни «Моҳи муаддаб» – «Одобли ой» деб атаганлигини айтган. Уни фақат Навоий эмас, барча мактаб аҳли севганлар. Навоий у билан бирга юрган. У билан муҳаббатли хатлар ёзишган [6;24].

1457-1463 йиллар орасида Машҳаддаги мадрасаларнинг бирида эса ҳиротлик бир қиз билан мактуб ёзишиб турган. Улар бир-бирларини севганлар ва Навоий ўқишни тугатиб Ҳиротга қайтгач, оила қуришга аҳду паймон қилганлар. Кейинроқ Навоий севгилисини бетоб бўлиб қолгани тўғрисида хат олган. Навоий унга кўмак бера олмаётганлигидан ўкинган, шу муносабат билан у шундай сатрларни битган:

*Барча бир сори манга-у ёр заъфи бир сори,
Кош анга сиҳҳат бўлиб, бўлгай тенг юз мунча гам.
Садқа айларга анга лойиқ менга йўқ туҳфае,,
Хаста жоним нақти бордир, элт, эй пайки ҳарам!
Эй Навоий, шарҳу ҳолимни дедим ирсол этай.
Сўзидин ҳам сафҳага ўт тушти, ҳам куйди қалам [6;24].*

Навоий 1463 йили Ҳиротга қайтганда, Ҳирот султон Абу Саид даврида харобаликка юз тутган, тартибсизлик ҳукмрон эди. Навоийлар хонадони аҳволи ёмонлашган, унинг тоғаларининг мол-мулки мусодара қилинган.

Навоий бир рубоийсида «Моҳим» деган кўнглига яқин қизнинг вафот этганини эшитади:

*Ёшунгон эмиш қора булутқа Моҳим,
Гардунни совурмоглиқ эрур дил хоҳим.
Кирмиш қора туфроққа қуёшдек шоҳим,
Невчун қора қилмасун қуёшни оҳим!*

Навоий 1469 йили баҳорда Самарқанддан Ҳиротга қайтади. Ҳусайн Бойқаро саройидан энг юқори мансабни эгаллайди.

Бироқ Хуросондек давлатнинг бош вазири, оила қурмагани диний жиҳатдан ҳам, дунёвий нуқтаи-назардан ҳам кўнгилсиз бир ҳодиса эди. Шунинг учун Навоийнинг уйланиши масаласи билан унинг яқин қариндошлари, ҳатто подшоҳ хонадони аъзолари, хусусан, подшоҳнинг катта хотини-Хадичабегим ҳам шуғулланган.

Навоий-буюк ақл ва заковат эгаси бўлиш билан бирга юксак дид ва таъб эгаси, кўнгли ўта нозик бир инсон.

«Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр»да ёзилишича, 1483 йилда 42 ёшида Навоий уйланиш ҳақида ўйлаган. Достоннинг «Вафо бобида...» деб аталган саккизинчи мақолатда шоирнинг изҳори дили мавжуд. Шахси бизга ноъмалум аёлга сабо орқали мурожаат қилиб, ундан вафодор бўлишни ва Навоийга илтифот кўрсатишни илтижо қилган ва қуйидаги сатрларни битган:

*... Неча висолингни тилаб зор ўлай?
Неча фироқингга гирифтор ўлай?
Бағрим ўлуб кўҳи бало лоласи
Кўздин оқиб ҳар сори парголаси
Жоним ўлуб ҳажринг ила дардманд,
Рағлар ажсалдин анга печон каманд.
Онча сени истабон урдим қадам,
Ким тобингда қадам ўлду адам... [6;24].*

«Хамса»нинг иккинчи достони «Фарҳод ва Ширин»нинг кириш қисмидаги бобларнинг бирида севгилисидан кўнгли қолганлигини ёзади:

Навоий қарилик палласида «Наводир-ун-ниҳоя» девонидаги ғазалларининг бирида йигитлик даврини, унда севгилиси билан бирга бўлган кунларини, айна вақтда уларнинг ўзаро муносабатлари мураккаб кечганини, кўпроқ унинг қайсар ва ўжарлиги туфайли оила қуриш ҳақида бир фикрга кела олмаганликларини хотирлаб, шундай бўлса ҳам биринчи «ёр»ини чуқур самимият билан эслайди. Унинг исми Сезала эди.:

*Бор эди, ул ҳамки бир чоғ, бизга ёре бор эди,
Кули ар ёр ўлмаса, филжумла боре ёр эди.
Васлидин бутқармаса, таскин берур эрди сўруб,
Хаста кўнглим дарди, не ким ҳажридин афғор эди.
Мен агар маҳрум эдим, маҳрам ҳам эрмас эрди ул,
Кўнглум ар озурда эрди, лек миннатдор эди.
Шам агар ёрутмаса, куйдирмаса ҳам яхшидур,
Не улусқа улфат ондин, не менга озор эди.
Гуйиё шукр этмадим ким, онсиз ўлмишиман бу дам,
Ул қуёшимни ёшургон чархи кажрафтор эди... [6;24]*

Адабиётшунос олим Шуҳрат Сироҷиддинов «Навоий кимни севган?» тадқиқотида:

*Ёрдин ҳеч ким манингдак зору маҳжур ўлмасун,
Жумлаи оламда расволиққа машҳур ўлмасун,-*

матлаъли ғазалига асосланиб, Навоий ҳеч бир ерда ўз севгилиси номини тилга олмаганлигини айтган.

Ш. Сирожиддинов «Мажолис ул-ушшоқ» («Ошиқлар мажлиси») номли тазкирада Алишер Навоий ҳаётининг ёритилиши масаласига тўхталиб, яхши хулқда ном чиқарган жувон, яъни турмуш қуриб улгурган аёл назарда тутилгандир.

У маҳваш ишқида: «...шунчалик азобларни бошидан ўтказдиким, уни эшитишга ҳеч кимнинг тоқати йўқ»[7;34] эканлигини келтирган.

Эрта тонгда Мир эшигидан кириб борган ул моҳитобон учун зўр мажлис ясаиб, суҳбат қурган, паришон ва ошуфта ҳолларида унга атаб кўплаб ғазаллар ёзган Навоий унга етишиш орзусини тупроққа олиб кетди.

Ш. Сирожиддинов: «Биз шоирнинг илк девонидаги ишқий ғазалларни «Мажолис ул-ушшоқ» тазкирасидаги тафсилотлар ҳамда Ҳусайн Бойқаронинг таржимаи ҳоли билан қиёслаганимизда, мавзу майдонида султоннинг суюкли хотини Хадичабегимнинг номи қалқиб чиқди.

Зайниддин Восифийнинг «Бадоеул вақое» асаарида Амир Шаҳвали Хадичабегимга кўкалдош бўлганлиги қайд этилган. Кўкалдош лақаби темурийларга яқинликни билдирган. Султон Ҳусайндек аёлларга нисбатан нозиктаб бир ҳукмдорнинг султон Абу Саиднинг ғунчачисига уйланиши ва кўпинча унинг маслаҳати билан иш кўриши эътиборга олинса, подшоҳнинг Хадичага бўлган ишқига биринчи муҳаббат натижаси сифатида қарашга тўғри келади. Аёнки, биринчи муҳаббат инсон қалбида ўчмас из қолдиради. Шу жиҳатдан Ҳусайн ва Алишер ўспиринлик йилларида гўзал чехрали Хадичани севишган бўлсалар ажаб эмас. Албатта, Навоий табиатига кўра ўта эҳтиросли бўлгани учун ҳам қизни қаттиқроқ севган. Бу ўринда Навоийнинг йигитлик даврида ёзилган бир ғазали диққатга сазовордир [7;34]:

*Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга.
Ўқларингдин дам-бадам таскин топар кўнглум ўти,
Бордурур бир қатра су гўёки пар пайкон анга.
Бир диловордир кўнглумким, гам сипоҳи қалбида,
Оҳи новак, този догидур қизил қалқон анга.*

Абулқосим вафотидан сўнг Навоий Машҳадда юрганда ҳам у қизга атаб жуда кўплаб ғазаллар биттади. Абу Саид мирзо Ҳирот тахтига ўтириб, Хуросон нисбатан тинчланган даврда Навоий Ҳиротга қайтади. Бу пайтга келиб балоғатга етган ва тўлин ойдек тўлишган гўзал Хадича Навоийни янада баттарроқ мафтун этганлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Навоийнинг илк девонида ёрдан келган мактублар ҳақида бир неча ғазаллар борки, бу нарса улар ўртасида яқин муносабатлар мавжудлигидан дарак беради [7;35]:

*Ёрдин келмиш менга бир турфа мактуб, эй кўнгул,
Ким эрур ҳар сатри бол ҳар лафзи марғуб, эй кўнгул,
Асру кўп такрор этардим ул париваш номасин,
Бўлмишам эл ичра мажнунлиққа мансуб, эй кўнгул.*

Ш. Сирожиддиновнинг ёзишича, Хадичабегимнинг тенгсиз жамоли сарой аъёнлари ўртасида овоза бўлиб, шу туфайли султон Абу Саид ғайриқонуний

хотин, ғунчачи сифатида ҳарамига киритгандир. Орзулари сароб бўлган Навоийда султон Абу Саидга нисбатан ғазабкор рашк ва ички адоват боис ва Хадичабегимнинг Навоийга бефарқ эмаслигини пайқаган Султон шоирга совуқроқ муомалада бўла бошлаганлиги, уни Самарқандга бош олиб кетишига сабаб бўлгандир. Навоий устози Ҳасан Ардашерга ёзган мактубларида Самарқандга кетишининг асосий сабаблари йигитлик ғурури йўл қўймай айтмаган бўлиши мумкин. Тадқиқотларда Абу Саид Мирзонинг золимлиги, Навоий тоғаларининг қатл эттирилиши, Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг дўстликлари туфайли юз берган, дейилади.

Ҳусайн Бойқаро тахтга ўтиргач, Навоий яхши умидлар билан Ҳиротга қайтади. Хадичабегим ҳам у билан турмуш қуришга рози бўлган бўлса керак. Хадичабегим Ҳусайн Бойқаро хотини ҳисобланиб, ундан бир қизи бор эди. Навоий ҳам Ҳусайн Бойқаронинг Хадичабегимдан умидини уза олмаётганидан ва унга уйланиш режаси борлигидан беҳабар бўлмаган. Шунинг учун ҳам уйига кириб келган маъшуқасини изига қайтариб юборади [7;35].

Ш. Сирожиддинов тадқиқотда тўғри хулоса берган, унинг фикрича Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Машҳаддан қайтиб Самарқандга кетгунича, бошидан ўтказган воқеалар, ишқий кечинмаларини билмаган. Чунки Навоий ва Хадичабегим ўртасида ўтган гапларни бири вазири, иккинчиси хотини бўлгани учун ҳам ундан қаттиқ сир тутишган. Жуда кам боҳабарлар эса Хадичабегимдан ҳайқиқиб бу сирни ичларига ютганлар. Шу сабабли Алишер ва Хадича муносабатлари ҳақида бирор манбада ҳаттоки ишора ҳам йўқ. Бизнингча, бу кейинчалик баъзиларга маълум бўлиб, тилдан-тилга кўчган ва афсонага айланган. «Мажолис ул-ушшоқ» тазкирасидаги воқеаларнинг ҳаққонийлигига келсак, уларнинг ростлигига шубҳа йўқ[7;36]. Бу воқеани султон кексалик йилларда эшитиши ва оғринмай қабул қилган бўлиши мумкин. Султон Ҳусайн халқнинг гап-сўзини ўйламай, Абу Саиднинг ғунчачисига ўйланиб, уни ўзининг энг яқин маҳрами ва сирдошига айлантириши Хадичабегимга бўлган севгиси ёшлиқдан бошланганлигини ва ўша илк муҳаббат туйғулари умрининг охиригача сўнмаганлигини билдиради. Навоий ҳам дўсти учун ўз ишқини қурбон қилганлиги унинг шеър, ғазалларида сезилиб туради. У ҳар куни Хадичабегимни кўрар экан, ишқ олови янада кучаяр ва оқибатда бошқага ўйланиш учун ўзида қувват топа олмас эди:

*Ваҳки, кўнглум гуссаси ҳар лаҳза қасди жон қилур,
 Ҳажрим андуҳи бузуг сатрим уйин вайрон қилур.
 Кўп мададдур ҳажр андуҳида совуғ оҳлар,
 Ким, сингурса мен киби ўзига қасди жон қилур.
 Неча йиллик меҳнатим ишқ ичра билгай ошиқе,
 Ким, ҳадисин ёр ила азёрдин пинҳон қилур.
 Жонни истармен чиқарсам уйидин, кўзларни ҳам,
 Кўнглум ул дамким, хаёлин лаҳзае меҳмон қилур.*

Хадичабегим эса, Бобур айтганидек, «ўзини оқила тутар эди, вале беақл ва пургўй хотин», мол-давлатга берилган, унинг учун ишқ-муҳаббат туйғуси

иккинчи даражали бўлса ҳам, ҳар ҳолда баъзида Навоийга илтифот қилиб кўяр, бу эса Навоий дардининг яна қайталанишига сабаб бўларди.

Иброҳим Ҳаққулнинг «Ғазал гулшани» тўпламида Абдуқодир Ҳайитметовнинг Навоий ишқи хусусида айтган қуйидаги фикрини учратамиз: «Маълумки, севги масаласида Навоийнинг ҳаёти фожеали бўлган. У ўз ёрига эриша олмагач, дунёдан тоқ ўтган. Лекин бу ҳеч вақт Навоийни муҳаббатни қоралашга олиб келмаган. Олим ўз фикрини исботлаш учун ҳазратнинг ушбу ғазалини келтиради:

*Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар,
Нега тортай ҳажр, чун йўқ менда ёр, эй дўстлар.
Айламанг бекаслимни таън, бир кун бор эдинг,
Менда ҳам бир нозанини чобуксувор, эй дўстлар.
Ёрсиз вайронада қон йиғларман охир,
Сиз қилинг ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар».*

У умрини, ишқини Худо васлига етишиш йўлига бахшида қилди. Пировардида, ҳазратнинг орзуси ўзида комил инсон сиймосини яратиш ва мутлоқ руҳ-Ҳақ жамолини кўришга йўналтирди [4;31-31].

Навоий шахсий ҳаётида севгилиси висолига етиша олмаган бўлса ҳам, бутун умри давомида ҳаётни севиб яшади ва ижод қилди.

Бир шеърида унинг:

*Демаким: - Бўлдинг қарию ўтди даври ишқим,
То тирикдурман, манга ишқу муҳаббат чоғидур.*

Ҳусайн Бойқаро подшоҳ эди, бош вазир Навоий унинг дўсти эди. Асосий гап шундаки, Навоийдек улуғ шоир Хадичабегим туфайли Ҳусайн Бойқародек дўстига хиёнат нари турсин, ўртага озгина ғубор тушишини ҳам хоҳламас эди. Шу боис у сир саклашда, ўзининг қалб маънавиятига содиқ қолиб улар иккисига ва ёшликдаги дўстликка садоқатини изҳор қила билди. Хадичабегимнинг канизак Давлатбахтни Навоий уйига юборишида, унга Навоийнинг қўл теккизмаганлиги, аслида Хадичабегимга унинг садоқати эди. Шунинг учун Ҳусайн Бойқаро ва Хадичабегимнинг Навоийга нисбатан минг-минг ҳурмати ошганлиги Навоийдек улуғ зотнинг дўстлик ва муҳаббатга садоқат рамзи эди.

Демак, Навоий севгиси энди Илоҳий мақом ва мартабага кўтарилиб, энг юксак чўққи ва даражага етган эди. Машраб идеали ва қалби ҳам Навоийники каби эди. Асли ҳарамга эмас, Тўтинисо хизмат қилаётган ҳовлига Машрабнинг уч кун шом қоронғусида назар солиши унинг учун баҳона эди, холос. «Мақбули ҳидоят бўлайин деб гуноҳ эттим» дейиши нафсини енгиб, унинг тасаввуфга садоқати, пирига таслимияти эди. Шунинг англай олмаган тасаввуф фалсафасидан беҳабарлар, хали хануз унга (пирга) тош отмоқдалар.

Исматуллоҳ Абдуллоҳ таъкидлаганидек, «Моу маний» иборасидаги «моъун» сўзи арабча «мо» «сув» маъносига эга, «маний» эркаклар уруғи, «моу маний» «уруғ суви». Бу эса «кечтим моуманликдан, манда иллат қолмади» дегани. Ҳаққа етган мутасаввиф, сўфийда ўша иллат қолмайди. Ўта нозик бу

масалада Навоий ва Машрабни тушуниш учун унга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш керак деганимизнинг боиси шулдур.

Ҳар икки улуғ ўзбек шоирнинг башарият олдидаги хизмати, Аллоҳга севгиси, муҳаббати, ишқи илоҳийни юқори тутиши, шахсий оила муносабатидан ҳам устун қўйишида эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Иброҳим Ғафуров. Муҳаббат маърифати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2004ю 10 декабрь.
2. Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақое.
3. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Бадиий адабиёт, –Т.: 1969.
4. Ботир Оқбўтаев. Алишер Навоий севгиси адабиётшунослар талқиниди //Адабиёт кўзгуси. 2000. №5.
5. С.Олим. Ишқ, ошиқ ва маъшук. –Т.: Фан, 1992.
6. Абдуқодир Ҳайитметов . Навоий нега уйланмаган?//Гулистон. 2004. 1 сон.
7. Шуҳрат Сироҷиддинов. Навоий кимни севган? //Ёшлик. 1991. 5 сон.

САДРИДДИН АЙНИЙ – АДАБИЁТШУНОС

*Файзуллоев Бахтиёр Бобожонович,
“Академик Бобожон Ғафуров номидаги
Хўжанд ДУ” ДТМ доценти , ф. ф.номзоди*

Алишер Навоий ўзининг сиёсий ҳаётида ва шахсий турмушида адолат учун, халқ учун ва жамият ахлоқини тузиш учун ҳар қандай қийинчиликлардан қўрқмасдан курашиб келган бўлса, ўзининг “Хамса” сингари ўлмас асарларида ҳам, ўша мақсад ва гояларни илгари суради.

Садриддин Айний

Садриддин Айний ўзбек ва тожик адабиётининг ХХ асрдаги такрорланмас йирик вакилидир. У фақат ёзувчи ва шоир бўлиб қолмасдан забардаст адабиётшунос олим ҳам эди. Устоз Айнийнинг адабиётшунослик фаолиятида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш доимо биринчи ўринда бўлиб келганлигини таниқли навоийшунос устоз Абдуқодир Ҳайитметов ўринли қайд этган эди [6.18-21].

Алишер Навоий меросини Тожикистонда ҳам ХХ асрнинг 20 чи йилларидан бошлаб ўрганишга дастлабки қадамлар қўйилади. Бу ишни биринчи бўлиб, буюк адиб ва таниқли аллома Садриддин Айний бошлаб берган эди. Шу жиҳатдан устоз Айнийни Тожикистондаги навоий-шуносликка тамал тошини қўйган, унинг асосчиси дейиш ҳар жиҳатдан ўринлидир. Садриддин Айнийнинг 1926 - йилда нашр қилинган “*Намунаҳои адабиёти тоҷик*” (“*Тожик адабиёти намуналари*”) номли фундаментал асарида Навоий ҳаёти ва ижодига доир қимматли маълумотларнинг берилиши диққатга сазавор. Устоз

Айнийнинг 1948 йилда нашр қилинган “*Алишер Навоий*” монографиясида собиқ Шўролар даврида биринчилардан бўлиб Навоий асарларига холис илмий баҳо берилганлиги навоийшунос-ликда алоҳида қимматга эга.

Садриддин Айний зуллисонайн адиб сифатида ҳам ўзидан салмоқли мерос қолдира олди. Адибнинг бадиий асарлари қанчалик қимматга эга бўлса, адабиётшуносликка доир фундаментал тадқиқотлари ҳам шунчалик муҳимдир. Буни биргина “Тожиқ адабиёти намуналари” номли тазкира асари мисолида кузатиш мумкин. Тазкира ўтган асрнинг биринчи чорагида яратилган бўлиб, у бугунги кунга қадар ҳам ўз илмий қимматини асраб келмоқда. Тазкира композицион жиҳатдан қуйдагича: муқаддима, уч қисм ва хотимадан ташкил топган бўлиб, унда 250 нафардан ортиқ шоирлар ҳақида маълумот берилганлиги билан аҳамиятли.

Ушбу тазкира мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишда ва тадқиқ этишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Унда ўндан ортиқ зуллисонайн туркигўй шоирлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилганлиги бунинг далилидир. Унда келтирилган туркигўй шоирлар қуйидагилар: Султонхалил ибни Мироншоҳ ибни Амир Темур, Абулқосим Бобурмирози ибни Бойсанқур, Низомиддин Алишери Навоий, Абдуллоҳон-волии Бухоро, Имомқулиҳон-волии Бухоро, Қосимхон ибни Хусравхон, Абдулазизхон-волии Бухоро, Субҳонқулиҳон-волии Бухоро, Бобораҳим Машраби Намангонӣ, Сўфӣ Аллоҳёри Каттақўрғонӣ, Нодираи Андичонӣ, Амир Умархон-волии Фарғона, Мирзоостонақул Дабири Каттақўрғонӣ, Муҳаммадияқуб ибни Амир Дониёл ибни Манғит ва бошқалар.

“Тожиқ адабиёти намуналари” асарининг биринчи қисмида ўз даври адабиёти ва санъати ривожини учун арзирли ҳисса қўшган, девон ҳам тузган темурий шоҳзодаларидан Халил Султон ва Абулқосим Бобур ҳақида алоҳида маълумот берилган [2,72-76]. Уларнинг форсий тилда битилган асарларидан намуналар тақдим этилган.

Шу ўринда қуйдаги мулоҳаза пайдо бўлади. Устоз Айний бадиий ижодга майли бўлган темурий ҳукмдор ва шоҳзодалар орасидан айнан Халил Султон ва Абулқосим Бобурга эътибор қаратишининг боиси нимада эди? Бу ҳол шунчаки тасодиф эмас, албатта. Ўзбек мумтоз адабиёти таърихида алоҳида саҳифани ташкил этган темурийлар даври адабиёти ривожини ва раванқидан Айний домла жуда яхши хабардор эканлиги мазкур тазкира орқали яна бир бор маълум бўлади.

Садриддин Айний забардаст навоийшунос ҳам эди. У мутафаккир шоирнинг адабий ва илмий меросига доир мавжуд манбалардан мукамал маълумотга эга эди. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” (“Гўзал мажлислар”) тазкирасининг еттинчи мажлисида шеърятимиз тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган, шеърини иқтидор эгалари бўлган 22 нафар темурий ҳукмдорлар ҳақида мухтасар маълумот бериб ўтади [4,79-139].

Домла Айний алоҳида эътибор қараган Халил Султон ҳам шу рўйхатда эди. “Тожиқ адабиёти намуналари”-да Халил Султон ҳақида тўхталиб, унинг форсий тилда ёзилган бир рубоийси ва етти байтдан иборат ғазалини келтириб,

уларни Давлатшоҳ тазкирасидан олинганлигини махсус таъкидлайди. Шунингдек, тазкирада Халил Султоннинг вафот этган санаси хусусида ҳам маълумотлар келтирилган.

Халил Султон Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг фарзанди бўлиб, манбаларда қайд этилишича, у ўзининг ҳарбий салоҳияти, шеърий истеъдоди ҳамда зийраклиги билан бобосининг рағбатига сазовор бўлган ҳукмронлардан бири эди. Шунингдек, у шеърият ҳомийси ва таъби назм эгаси бўлиб, бадиий ижод билан ҳам шуғулланган. Унинг девони борлигини Алишер Навоий ўзининг тазкирасида алоҳида қайд этади [4,163].

Аммо бу шоҳзоданинг ҳукмронлик даври қисқа бўлиб 28 ёшида вафот этади. Ўз амирлари томонидан зиндонга ташланади. Унинг шу даврдаги руҳий изтиробни ифодаланган ғазалини зиндондалик вақтида Шохрухга юборилганлигига домла Айний эътибор қаратиб, 7 байтдан иборат тожикча ғазалини тазкирада келтириб ўтади.

“Тожик адабиёти намуналари”да Абулқосим Бобурмирзо ҳақида ҳам маълумот берилиб, унинг 741- ҳижрий йилда Эроннинг Машҳад шаҳрида вафот этганлиги қайд этилиб, сўнг беш байтдан иборат форс-тожик тилида ёзилган ғазали тақдим қилинади.

Амир Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида А.Бобур ҳақида ҳам тўхталиб, уни “*дарवेशваш ва фонӣ сифат*” киши эканлиги билан бирга, унинг тасаввуфга ҳам рағбати баланд бўлиб, шеърий истеъдоди ҳам борлигини алоҳида тилга олган. Тазкирада унинг форсийда битилган битта рубоийсини келтиради. Айнан шу рубоий ҳам устоз Айнийнинг эътиборида бўлган ва “Тожик адабиёти намуналари”-дан ўрин олган.

Тазкирадаги муҳим маълумотлардан яна бири Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ фикрлар бўлиб, унда Навоийнинг туғилган ҳамда вафот этган саналари ҳижрий (844-906) йил ҳисобида кўрсатилиб, сўнг шоирнинг форсийдаги машҳур қасидаларидан бири “Тухфат ул афкор” (“Фикрлар тухфаси”)дан 13 байт келтирилган. Уни ҳам Давлатшоҳ асаридан олинганлиги қайд этилади.

Шу ўринда Айний домла яна бир нуқтага эътибор қаратганлиги кўзга ташланади. Унда шоирнинг номини “Низомиддин Алишери Навой” тарзда берилиши ҳам алоҳида қимматга эгадир [2,79]. Зукко навоийшунос, филология фанлари доктори, профессор Абдусалом Абдуқодиров ўзининг илмий кузатишларида худди шу масалага ҳам ойдинлик киритишга ҳаракат қилган. Яъни таърихий манбаларда таъкидланишича, Хусайн Бойқаро 1472 йилда Навоийни вазирлик вазифасига тайинлаб унга Амир унвонини берган эди [1,122]. Амир сўзи амр этувчи, фармон берувчи маъноларини билдиради. Низомиддини сўзи эса, диннинг қонун-қоидаларини назорат қилувчи деган маънони англатиб, у ҳам Навоийга берилган диний унвон эди. Шунинг ўзиёқ, устоз Айнийнинг Навоий ҳаёти ва ижодига боғлиқ ҳар бир маълумотни масъулият билан синчиклаб ўрганганлигидан гувоҳлик беради.

Садриддин Айний Навоийнинг форсий тилда ёзилган “Тухфат ул- афкор” (“Фикрлар тухфаси”) қасидасига эътибор қаратиши тасоддиф эмас эди. Бу

қасида Навоий ижодида муҳим адабий-эстетик қимматга эга бўлиб, мазкур қасида устози Абдурахмон Жомийга бағишланган бўлиб, етук ижод намуналаридан бири ҳисобланади. Шу билан бирга ушбу асар Жомийнинг “Лужжат ул асрор” (“Сирлар денгизининг туби”) қасидаси таъсирида ёзилган эди. Янада аниқроқроғи, ушбу қасида Амир Хусрав (1253-1325) нинг “Дарёи аброр” (“Яхши кишилар дарёси”) ва Жомийнинг юқорида тилга олинган қасидасига татаббу тарзда яратилганлиги навоийшунос-ликда қайд этилган.

Тазкирада Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”-идан олинган учта рубоий ҳам берилган бўлиб, улардан биринчиси “Инсоф бидех, эй фалонӣ” деб бошланувчи рубоий бўлиб, у устоз Жомийнинг Ҳаж сафардан қайтиши муносабати билан Навоий томонидан табрик сифатида битилган мактуб бўлса, иккинчиси эса унинг яна бир бошқа мактубидан олинганлигига ишора қилинган. Давомида эса Навоийнинг яна форсий тилда ёзилган бир байти келтирилиб, сўнг шоир мактубига алоҳида эътибор қаратади. Бу каби мавжуд далиллар Айнийнинг Навоий меросини атрофлича ўрганганиб тадқиқ этганлигидан гувоҳлик беради.

“Тожиқ адабиёти намуналари” тазкирасининг иккинчи қисми Қўқон хони Амир Умархон ҳақидаги маълумот билан бошланган. Умахоннинг иккита тожиқ тилидаги ғазали тазкирадан жой олган. Сўнг Амирийнинг фаолиятига тўхталиб, Қўқон адабий мухитини ташкил этишдаги ролига баҳо беради. Чунончи, шуаро (шоирлар) ва фузолонинг мураббийси эди, бу даврнинг машҳур шоири унинг тарбияси ва ҳомийлигида камол топди дея ёзади. Устоз Айнийнинг таъкидлашича, Амирий ўзининг қисқа умрида адабиёт ривож ва равнақи учун катта ишларни амалга оширди. Биргина Фазлийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкирасининг дунёга келишида раҳнамолигини таъкидлаш жоиз. Умархон (Амирий) Амир Алишер Навойдан кейин Туркистонда ривож топмаган туркий шеърят Амирий даврида иккинчи марта юқори мавқега эга бўлганлиги алоҳида қайд этадики, бундай муҳим хулосалар ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётида катта аҳамиятга эгадир. Юқоридаги фикрлардан куйидаги хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, Садриддин Айний замонавий форс-тожиқ адабиётининг зукко билимдони бўлиши билан бирга, ўзбек мумтоз ҳамда ҳозирги замон адабиётини ривожига салмоқли ҳисса қўшган алломалар қаторида туради. Шу билан бирга, Тожикистон Республикасида биринчилардан бўлиб, навоийшунослик тамал тошини қўйган таниқли адабиётшунос олим эди.

Иккинчидан, Ўтган асримизнинг йигирманчи йиллар долғали йиллар бўлиб, адабий ҳаётида “сарой адабиёти”, “сарой шоирлари”, “сўфий шоирлар” бизлар учун керакми ёки керак эмасми?,-деган мазмунда баҳсу мунозаралар бўлиб турган бир пайтда устоз Айний 1926-йили яратилган “Тожиқ адабиётидан намуналар” тазкираси билан юқоридаги илмий асосга эга бўлмаган мантиқсиз зарарли қарашларга илмий асосга эга бўлган хулосалари жавоб бера олган эди. Бу ҳол унинг забардаст адабиётшунос олим эканлигини тасдиқловчи далиллардан биридир.

Учинчидан, бугунги кунда дунё миқёсида асарлари қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган таниқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов бундан ярим асир муқаддам эълон қилган “Икки санъаткор” номли мақоласида “Мен Мухтор Авезов билан Садриддин Айнийни доимо ҳурмат қилишимни, уларни севишимни китобхонлар олдида эътироф этмоқчиман. Уларни ҳар иккиласи ҳам нодир ҳодисадир”,-деб ёзганда тамомила ҳақли эди. Бугун бу фикрларнинг нақадар тўғри ва ҳаққоний эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Тўртинчидан, юқоридаги қисқача кузатишимизда тазкирадаги айрим туркигўй шоирлар ижоди хусусидагина айрим мулоҳазалар юритилди. Галдаги вазифа эса тазкирадаги бошқа туркигўй зуллисонайин шоирлар ижоди ва уларга устоз Айнийнинг ҳам олимона ҳам адибона муносабатини тадқиқ этиш ва янги илмий хулосаларга келиш ҳамда ёзувчининг бошқа асарлари бағрида ифода этилган адабий - назарий қарашларини ҳам тизимли бир тарза ўрганиш замонавий айнийшунос-ликнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуқодиров А. Амир Алишер Навоий. –Хучанд: Нури маърифат, 2013.
2. Айний С. Намунаҳои адабиёти тоҷик. –Душанбе: Адиб, 2010.
3. Айний С. Мир Алишери Навоӣ // Куллиёт: иборат аз 15 ҷилд. –Душанбе: Нашриёти давлатии Тоҷикистон, 1963. –Ҷилди 11. Китоби 1. –С. 199-211.
4. Навоӣ А. МАТ (Мукамал асарлар тўплами). 20 томлик.13-том. –Т.: Фан, 1997.
5. Ҷомий А. Баҳористон (Форсийдан Ш. Шомухамедов тарҷимаси). – Т.: Ёзувчи, 1997.
6. Ҳайитметов А. Забардаст навоӣшунос // ЎТА. 2003. 5-сон.
7. Ҳайитметов А. Темрийлар даври ўзбек адабиёти. –Т.: Фан,1996.
8. “Садриддин Айний ва масъалаҳои рушди адабиёти навини тоҷик” (мачмӯаи мақолаҳои конференсияи ҷумҳуриявии илмӣ - назариявӣ, бахшида ба 140-солагии Садриддин Айний. –Хучанд, ДДХ ба номи академик Бобочон Ғафуров, 6 - 7 -уми апрели соли 2018). –Хучанд: Нури маърифат, 2018. – 520 с.

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА АЁЛ ВА ОНА ОБРАЗЛАРИ ТАЛҚИНИ

*Давронова Шохсанам Ғайбуллоевна,
БухДУ доценти, филология фанлари доктори,*

Ўзбек халқининг атоқли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов бетақдор маънавий мероси билан миллий сўз санъатимиз ва жаҳон халқлари адабиёти хазинасини бойитган ижодкордир.

Шоир асарлари хилма-хил мавзулардаги серқирра намуналар бўлиб, ана шундай мавзулардан бири аёллар ва оналарга ҳурмат, эҳтиром масаласидир.

“Онамга хат”, “Аёл”, “Онам вафотига”, “Онажон”, “Она”, “Онамни

эслаб”, “Алишернинг онаси”, “Она деган ном”, “Сени она дедим”, “Она”, “Ўзбек онаси” шеърларида ижодкорнинг дунёдаги энг буюк зот онага, аёлга бўлган тенгсиз эҳтироми, хурмати ифода этилган.

Шоир шеърларида Аёл, Она гўзаллик, нафосат, меҳр-муҳаббат, садоқат тимсоли сифатида гавдаланади.

Шоирнинг онага бағишланган аксарият шеърлари автобиографик характердадир. Бундай шеърлар энг аввало, китобхонни инсон кечинмалари, дарду ҳасратларини куйловчи ҳаётий сатрлар сифатида таъсирлантиради. Шоирнинг лирик қаҳрамони ҳар қандай қайғули, маҳзун ҳолатларида ёки ҳаётида маълум бир ўзгариш юз берган паллаларда онасини эслайди, у билан дардлашади, туйғу ва кечинмаларини изҳор этади. Масалан, “Онамга хат” шеърида шоир инсоннинг шодмон кунларидан кўра бошига ташвиш тушганида онасини кўпроқ эслаши, унга ёниб-куйиб дардларини айтгиси келишини хат орқали баён этади. Шеърнинг лирик қаҳрамони жамият ва шахс муносабатлари доирасида хулоса қилар экан, ҳар қандай ҳолатида ҳам инсоннинг онаси унга ҳақиқий ҳамдард, суянчиқ бўла олиши ҳақидаги ҳақиқатни англатишга ҳаракат қилади. Чиндан, аёл ва она мавзусидаги намуналарда ҳам “Шоир шеърларида туйғу ва фикр қоришиқ ҳолда намоён бўлади” [1.397]. Шеър:

*Яъни, бошимизни доим ҳам
Она бўлиб силамас ҳаёт.* [3.37]

сатрлари билан яқунланади.

Ижодкор ҳаётидаги ғамли воқеа – онасининг вафоти унинг асарларига мунгли бир оҳангни олиб кирди. “Онам вафотига”, “Онажон”, “Кўкда юлдуз учса, ногаҳон”, “Сароб” шеърларида ўзининг онаси тимсоли тасвири орқали шоир онанинг инсон ҳаётидаги ўрни, унинг меҳр-оқибати, мунис ва меҳрибон сиймоси қадрли эканлиги ҳақидаги дардли сатрларини ёзди.

Шоир “Онам вафотига” шеърида:

*Бировлар мотамида оҳу фарёд айлаган эрдим,
Сенинг-чун эй гарибим, ич-ичимдан бўзлагайдурман* [3.104]

деб ёзади.

Шунингдек, унинг “Олти ойким шеър ёзмайман, юрагим зада” (“Сароб”), “Неча кунки, йўқ оромим, келолмайман ҳушимга” (“Онажон”) сатрларида лирик қаҳрамон кайфиятидаги тушкунлик яққол акс этган. Мазкур шеърларда онанинг меҳри, оқибатини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмаслиги бадий асослаб берилган.

Шоир шеърларида лирик қаҳрамон изтироблари, китобхон қалбига кўчади, уларни эътиборсиз, лоқайдлик билан ўқиб бўлмайди. Ижодкор шеърларни ўқиш жараёнида унинг кўнглидан кечган кечинмалар, дард, ҳасратни чинакамига ҳис этиш мумкин.

*Сен отамга пул берибсан,
Ёстигингни остидан,
Айтибсанки, онасизлик,
Келмасин ҳеч уйига,
Сарф қилингиз менга эмас,*

Абдулланинг тўйига... [3.107]

сатрлари орқали мунис, меҳрибон, боласининг тақдири учун куюнчак миллат онасининг ҳақиқий сиймоси гавдалантирилади.

Онанинг сиймосини эсга олиш, унинг меҳрини қўмсаш кайфияти шоирни умрининг сўнгги даврларига қадар тарк этмаганини “Эверест ва уммон” тўпламига киритилган ушбу шеъри асосида ҳам кузатиш мумкин:

*Ҳазрати Хизрга йўлиқсам, албат
Фақат бир нарсани сўрардим, фақат:
Ёмон назарлардан толиқди руҳим,
Онам нигоҳини кўрсатинг ҳазрат [5.10].*

Абдулла Орипов ижодида қиз-жувонларнинг яратувчан, меҳнаткаш ва заҳматкаш халқ вакиллари сифатидаги қиёфаси ёрқин намоён бўлган шеърлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. “Номаълум қиз суратига”, “Ҳабаш қиз”, “Шоира Зулфия опамизга”, “Бахмаллик гилам тўқувчи қизларга”, “Алишернинг онаси” шеърларида ана шундай хусусиятларни кузатамиз.

Шоир ижодида аёлнинг садоқати, вафодорлиги, меҳр муҳаббати, нафосатини улуғловчи шеърлар тарбиявий моҳияти билан катта аҳамиятга эга. Давр фожиалари иродасини букмаган, сабр ва садоқатнинг рамзига айланган, буюкларни тарбиялаган, миллатнинг эртаси учун фидоийлик, жонкуярлик кўрсатган аёллар тимсоли “Аёл”, “Ўзбек онаси”, “Сени она дедим” каби шеърларида ҳам талқин этилади.

Масалан, “Сени она дедим” шеърида шоир она, сингил, севикли ёр тимсоллари ва уларнинг меҳру муҳаббати, ҳаёт синовлари оқибатида чеккан заҳмати ҳақида эслайди. Йўлбарсдай паҳлавон ўғлини жангга жўнатган онани, мунис, жавокаш чехраси, самбитдай вужуди, музқотган далаларда ризқ терган қўллари тасвирланган сингилни ҳамиша садоқат тимсоли бўлиб ёнида турган ёрни тасвирайди ва шундай сатрларни битади:

*Сени ёрим дедим
Турдинг қошимда
Меҳру муҳаббатнинг тимсоли бўлиб.*

Шеъринг яна бир ўрнида эса:

*Мен Шарқлик одамман,
Аёл деган сўз
Менга ҳаёт билан баробар калом,*

- деган сатрларни битади.

Бунда шарқлик инсон учун аёл ҳаё, ор-номус, садоқат, муҳаббат, меҳр, умуман олганда, ҳаёт, тириклик тушунчалари билан тенг кўрилади. Шеърнинг бошқа бир ўрнида эса шоир аёлни қуёшга тенглаштиради:

*Инсон атаб бўлмас ҳеч бир, ҳеч маҳал
Аёлни танимас такаббур бошни.
Ундайин юлдузнинг сўнгани афзал,
Агар тан олмаса сендай қуёшни.*

Шоир талқинича, аёлларнинг чехрасидаги табассум оиласи тинчлиги, фарзандлари омонлиги, юртнинг фаровонлигидан далолатдир.

*Аёл чеҳрасида кўрсанг табассум
Билки, замона тинч, осойиш олам.
Аёлга тиласанг гар толе масъум,
Дунёни оловдан асра, эй, одам!* [4.68].

Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Орипов шеърлярида аёллар, оналар тимсолини бадиий талқин этишга бағишланган асарлар ўқувчининг туйғулари, руҳиятига чуқур таъсир этадиган тарбиявий аҳамиятга эга намуналардир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бегимқулов Д. Шеърляримиз юлдузи. / Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2000. –Б. 390-419.
2. Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1999. –544 б.
3. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2000. –432 б.
4. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Иккинчи жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2001. –496 б.
5. Орипов А. Эверест ва уммон. –Т.: O‘zbekiston, 2018. –392 б.

ТАРИХИЙ АСАРЛАРДА ЭПИЗОДИК ОБРАЗ ЯРАТИШ САНЪАТИ

*Тангиров Абдуҳамит Жуманович,
ЖДПИ доценти, ф.ф.номзоди*

Одатда бадиий асарларда бош қаҳрамондан ташқари қатор эпизодик образлар ёхуд персонажларга ҳам дуч келиш мумкин. Улар орқали ижодкорлар асарнинг бош ғоясини тўлақонли очилишига эришишга, бош қаҳрамон характерини атрофлича очишга ҳаракат қилади. Асар сюжетининг ўқимишли бўлишини таъминлашга интилади.

Эпизодик образларнинг ранг-баранг шакллари яратишда ижодкорларга насрий, драматик асарлардан ташқари ички воқеабандликка асосланган дoston жанри ҳам ниҳоятда қўл келади. Китобхон дoston жанри орқали ҳам ягона асар доирасида ўнлаб эпизодик образларни яратиш имкониятига эга бўладилар. Шу йўл билан асарда ўз олдга қўйган мақсадини тўлақонли бўлишига эришадилар.

Фикрнинг исботи учун тожик шоири Мўмин Қаноатнинг “Сино бешиги” достони ва унда қўлланилган эпизодик образлар билан тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мумкин.

“Сино бешиги” достони тарихий мавзудаги дoston. Асар буюк ҳаким Абу Али ибн Синонинг ҳаёт йўли ва алломалик фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Шу боисдан ҳам асарда ўндан ортиқ турли туман тарихий шахсларнинг эпизодик образлари учрайди. Уларни шартли равишда икки турга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳ: Нуҳ Сомоний, Али Маъмун, Маҳмуд Ғазнавий, Сайида Малика, Мажидуддувла, Шамсуддавла, Самоуддавла, Алоуддавла, Маъсул Ғазнавий каби амирлар ва давлат бошлиқлари.

Иккинчи гуруҳ: Беруний, Абу Наср Ироқий, Абусаҳл Масихий, Абу Убайд Жузжоний, Шайх Майхоний каби олимлар, мутафаккирлар ва диний уламолар.

Шоир мазкур тарихий шахсларнинг эпизодик образларини ҳам бевосита бош қаҳрамон характерини яратишга хизмат қилдиради. Бунга биргина Беруний образининг асарда тутган ўрни билан танишиш орқали тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мумкин. Илк бор Хоразмда учрашиб, танишган бу икки аллома доимо ижодий алоқада бўлганлар. Илм-фан соҳасида баҳс-мунозара олиб борганлар. Шу боис бу икки мутафаккир сиймоси нафақат тарихий манбаларда, балки бадий асарларда доимо бирга талқин этилади. Масалан, Одил Ёқубовнинг “Кўхна дунё” романида улардан бирининг характерига хос хислатларни иккинчиси тўлдира боради. “Сино бешиги” достонида ҳам ушбу анъанага амал қилинган ва эпизодик характерида бўлса-да, Беруний образидан ҳам фойдалиниланган.

Достонда Беруний образи Ибн Синога хос ўткир мушоҳадалик, кучли билмиликни очиш учун хизмат қилган. Бунда шоир Ибн Сино ва Берунийнинг илмий баҳсидан фойдаланган. Беруний турли илмий муаммоларни ўртага ташлайди. Ибн Сино эса ҳар бир муаммонинг ечимини усталик билан топа боради. Шу йўл билан шоир Ибн Синонинг кучли билим соҳиби эканлигини маҳорат билан оча боради.

Асардаги Шайх Абдусайд Майхоний образи эса достонга Ибн Синонинг динга бўлган муносабатини кўрсатиш учун киритилган. Бунинг учун шоир Ҳаким ва Шайхнинг машҳур мулоқотидан фойдаланган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу учрашувдан сўнг машҳур тасаввуф шайхи ва улуғ табобат олими “бир-бирларига тан беришган эди. Ибн Сино ўз шогирдларига: “Мен англаганни Абусаид ҳис айлар”, - деса, Абусаид: “Мен ҳис айлаганни Ибн Сино идрок айлар”, - деган экан. Хуллас, ҳар икки аллома моддий олам ва инсон маънавий дунёсини билишда ақлий-мантикий ва ҳиссий-тимсолий йўлларнинг баравар, тенг ҳуқуқлилигини биринчи бўлиб эътироф этилган эди”.

Афсуски, мазкур диалогда ва бошқа баъзи ўринларда Ибн Синонинг динга бўлган муносабати ўзининг ҳаққоний талқинини топмаган. Баъзи ўринларда турғунлик йилларининг таъсири ўлароқ, буюк Ҳаким даҳрий сифатида тасвирланади. Достонда Ибн Сино хатто Худо билан баҳслашади ва уни фош қилишга ҳаракат қилади. Ҳолбуки, худди шу даврда яратилган ўзбек шоири Абдулла Ориповнинг “Ҳаким ва Ажал” достонида Ибн Синонинг дин булган муносабати ўзининг бирмунча ҳаққоний ифодасини топган. Шоир бу муносабатни чуқурлаштирамайди ҳам (давр бунга имкон бермасди- А.Т.), ўз навбатида, сохталаштирамайди ҳам (тарихий ҳақиқатни бузишни истамайди - А.Т.). Достонда Ҳаким Худога шак келтиришдан доимо чўчийди. Ўзини жуда эҳтиёткор тутди. У Худони барча неъматларининг яратувчиси, деб билади. Ва ҳар заррада унинг аксини кўради:

... Саҳифалар орасидан рўбарўсига

*Чиқар эди турфа савол, нимага? Нечун?
Ўлар бўлса инсон агар тугилмоқ нега?
Наҳот мен ҳам яшайман ўлмоқлик учун.*

*Яратилдан мурод нима? Бундай чоғ Ҳаким
Тавба билан бош эгарди, келтирдим деб шак.
Бандаларга банда ишин буюрдинг токим,
Ҳар заррада ўзинг борсан, ўзинг бор бешак.*

Ҳаким ҳам шак-шубҳасиз Ҳаққа интилади. Лекин у бевосита ҳаётий муаммоларни ечиш орқалигина, қийинчиликларни енгиш йўли билан Ҳаққа етишиш мумкин, деб ҳисоблайди:

*... Гар ажсалга даво топсам етардим ҳаққа,
Ечиларди, - дерди Ҳаким, - барча саволлар.*

Кўриниб турибдики, Шўро даврида ҳам барча ижодкорлар бирдек динга қарши боришмаган, ўша замонларда ҳам А.Ориповдек мард адиблар бўлган.

М.Қаноат ўз достонига Маҳмуд Ғазнавий образини ҳам киритган. Уни Ибн Сино характериға контраст қўйиш орқали бош қаҳрамоннинг характерини очишға ҳаракат қилган. Умуман, шоир достон жанрининг имкониятларини иложи борича унумли фойдаланишға интилган ва бу нарса асарнинг анча мукамал чиқишға олиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, ички воқеабандликка асосланган достон (поэма) жариди ҳам ижодкорлар тмонидан турули туман \пизодик образларға мурожаат қиладилар. Агар асар тарихий мавзуда бўлса бош қаҳрамон фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган бир неча тарихий шахсларнинг образлари яратилади ҳамд улар ҳам бош қаҳрамон характерни еритишға хизмат қилдирилади. Бу жиҳатдан тожик шоири Мўмин Қаноатнинг “Сино бешиги” достонида қўллаилган эпизодик образлар ёрқин мисол бўла олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙҲАТИ:

1. Қаюмов А.Абу Райхон Беруний.Абу Али ибн Сино. –Т., 1987. 99-бет.
2. Қаноат М. Гаҳварои Сино // Садои Шарқ. 1979. -№4.
3. Алибекова Г. Грани художественности. –Баку, 1981.
4. Каттабеков А.Тарихий ҳақиқат ва бадий маҳорат. –Т.,1982.

ADIB IFODA USLUBI VA MAHORATI
(“O‘tkan kunlar” romani misolida)

*Soatova Nodira Isomiddinovna,
 JDPI dotsenti, filologiya fanlari nomzodi
 Muhammadjon O‘razaliev,
 JDPI 2-kurs magistranti*

Adibning badiiy so‘zida betakror joziba mujassam bo‘lgani bois “O‘tkan kunlar”ni necha bor o‘qisa ham, odam to‘ymaydi, qayta mutolaaga ehtiyoj sezaveradi. Roman o‘quvchini zeriktirmaydi. Qayta-qayta o‘qish jarayonida asarning yangidan-yangi qirralari ochiladi. Bir o‘qilganda e‘tiborsiz o‘tilgan epizodlarga boshqa safar diqqat qaratiladi. Bu hol, tabiiyki, adibning obraz yaratish mahoratiga, inson qalbini chuqur anglashiga daxldordir. Zero, ko‘rkam adabiyotdek san‘at dunyosida badiiy so‘z – poetik nutq muhim sanaladi: so‘z vositasida manzara, ruhiyat va obraz chiziladi[3].

Abdulla Qodiriy so‘zida o‘quvchini o‘ziga bog‘lab turadigan, insonni o‘ziga ohangrabodek tortadigan quvvat bor. Buni o‘quvchi sezmasligi mumkin emas. Aynan so‘zning ta’siri bois Kumush o‘lgan sahnada ho‘ng-ho‘ng yig‘laydi kitobxon. Aytmoqchi, bu epizodning o‘zi yig‘lab yozilgan. Demak, adibning titragan, ichikkan, o‘ksigan yuragi shu sahifalarga ko‘chgan. Badiiy ijoddagi bir qonuniyat shuki, mujmal tasavvurlar mujmal ifodalanadi, yig‘lab yozilgan sahifalar yig‘lab o‘qiladi. Chinakam adibning estetik dunyosi, ijodkor qalbi ana shunday sahifalarga muhrlanadi. Har bir badiiy asarni tadqiq etishda aynan uning badiiyligiga ahamiyat qaratiladi. Aynan badiiyat yozuvchi mahoratini ochib berishda katta ahamiyat kasb etadigan unsur hisoblanadi. Yozuvchi tili va ifoda usuli, tilning eng chiroyli, o‘tkir va ixcham ifoda vositalarini tanlab olish va ularni ustalik bilan adabiy tilga olib kirish, ohorli jumlar tuzish, voqea - hodisalarning eng xarakterli tafsillarini topib tasvirlash uning mahoratini ko‘rsatadi.

Zero, “O‘tkan kunlar” tomanida turli toifa insonlar obrazlari asarning yetakchi qahramoni bo‘lgan obrazlarni ochib berish uchun qo‘llanilgan. Abdulla Qodiriy romanda faktlarni haqqoniy ravishda aks ettiradi, shu bilan birga asardagi har bir qahramonga o‘z munosabatini bildiradi va emotsional baho elementlaridan foydalangan holda personajlar, voqealar ustidan hukmni ifodalaydi.

Xo‘sh, endi “O‘tkan kunlar” romanidagi yordamchi obrazlar xususiga to‘xtalsak. Barcha voqealarda to‘la qatnashmasada, yozuvchining g‘oyaviy niyatini to‘laroq ochishga xizmat qiladigan faol obrazlar yordamchi obrazlardir.

Adib bosh qahramonlar qatori yordamchi obrazlarining tashqi qiyofasiga ham katta va jiddiy vazifa yuklaydi: sevimli qahramon va personajlarning zohiriy qiyofasi ijobiylashtiriladi, salbiy personajlarning qiyofasi esa ularning yovuz va badkirdor kishilar ekanini ta’kidlab turadi. Shu sababdan ham bu romandagi salbiy xarakterdagi qahramonlarni tanqidiy ko‘z bilan o‘rganib, ulardagi nuqsonli xislatlarni ko‘rsatib berishni maqsadga muvofiq ko‘rdik. Romanlardagi salbiy personajlarining mudhish basharasi ularning xatti-harakati, psixologik tasviri bilan to‘ldirib mukammallashtirib berilgan.

Fikrimizcha, realistik adabiyotda qahramon ijobiy bo'ladimi, salbiymi, baribir, birinchi navbatda to'laqonli inson bo'lishi kerak, uning har bir harakati, qiligi, so'zlari ham baquvvat ichki mantiqqa ega bo'lmog'i, kitobxonni hech qanday gap - so'zsiz ishontirmog'i lozim. Bu to'g'rida atoqli adabiyotshunos olim Ozod Sharafiddinov shunday deydi: "Agar yozuvchi ijobiy obraz yaratayapman deb, uni maqtab ko'klarga ko'tarsa, faqat ajoyib fazilatlar - u, nodir sifatlarining egasi qilib tasvirlasa, obraz emas, chuchmal siropday me'daga tegadigan farishta mijoz sxema tug'iladi, xolos. Ijobiy qahramon ham salbiy qahramon ham mushtarak badiiyat qonunlari asosida yaratilmog'i kerak" [1;63].

Romanda yordamchi obraz, to'g'rirog'i salbiy qahramon Homid shunday tasvirlanadi: "...uzun bo'yi, qora cho'tir yuzli, chag'ir ko'zli, chuvoq soqol, o'ttuz besh yoshlarda bo'lg'an ko'rimsiz bir kishi edi. Bu yigit yaxshig'ina davlatmand bo'lsa ham, lekin shuhrati nima uchundir boyligi bilan bo'lmay, "Homid xotinboz" deb shuhratlangan, kishilar Homid orqasidan so'zlashkanda uning otig'a taqilg'an laqabni qo'shib aytmasalar, yolg'iz "Homidboy" deyish ila uni tanita olmaydilar"[2;7] tarzida tasvirlanar ekan, yozuvchining bayon uslubi keskin suratda o'zgarganini ko'rishimiz mumkin. Adibning shu so'zlarining o'ziyoq, ko'z o'ngimizda uning qanday odam ekanligini ko'rsatadi. Romanda Homid ikki uylangan bo'lishiga qaramay, yana o'z shahvoniy hirsini yo'lida yana uylanishni maqsad qilib, bu yo'lda har qanday nojo'ya yo'ldan toymaydigan kimsa sifatida ko'z o'ngimizda namoyon bo'ladi. Yoki, uni tashqi ko'rinishini adib quyidagicha tasvirlaydi: "...sariq tanlik, ukking ko'zidek chaqchayib, o'ynab va yonib turg'an qizil ko'zlik, yuziga parchinlang'andek yuza (puchuq) burunlik, manglayi qancha tashqarig'a o'sib chiqq'an bo'lsa, yuzi o'shancha ichkariga ketgan, qisqasi vaqtsizroq yaratilib qolg'an bir maxluq" [2;174]. Shu bilan birga, Otabekning Marg'ilonga kelishi munosabati bilan uni ko'rgani kelgan Rahmat, Homidning o'zaro suhbatida Homidning qiyofasi yozuvchi tomonidan to'laligicha ochib tashlanadi: "-Xotinga muvofiq bo'lish va bo'lmaslikning uncha keragi yo'q, - dedi Homid e'tirozlanib, - xotinlarga "er" degan ismning o'zi kifoya... muvofiq kelmas ekan, muvofiqini olib, xotinni ikki qil! Bunisi ham kelishmasa, uchinchisini ol.. Qamchiningdan qon tomsa, yuzta xotin orasida ham rohatlanib, tiriklik qilolasan! Men bu kungacha ikki xotin o'rtasida turib janjalg'a to'ygunimcha yo'q, ammo xotinni uchta qilishg'a ham o'yim yo'q emas!" [2;10-11].

"O'tkan kunlar" romanida Otabekning ko'z ostiga olib qo'ygan Kumushga uylanganidan g'azablangan "tusidan yirtqichlik, bir gunohsizning ustiga hujumga hozirlangan vahshiylik belgilari" ko'ringan Homid o'zining razil rejasini amalga oshirish uchun qo'rboshinikiga boradi va Otabek, Mirzakarim qutidorga tuhmat qiladi.

Abdulla Qodiriy Homidning xudbin qiyofalarini bir necha ko'rinishda: ko'rolmaslik, hasad qilish oqibatida tuhmat qilish, soxta xatlar uyushtirib, dor tagiga keltirish yoki qamatish tarzda namoyon etgan. Shu bilan birga bu xudbin kimsaning o'zi qazigan go'rga o'zlari yiqilganini adib romanda ishonarli badiiy tasvirlab berishga erishishgan. Natijada, romanda qahramonning o'sha damdagi dramatik holati, ruhiy kechinmalari haqqoniy va ta'sirchan qilib ko'rsatilgan va adibimiz

bunda uning badiiy ifodasiga, qalb dramasi tasviriga, psixologik tahliliga ham alohida e'tibor bergan, bu esa Abdulla Qodiriyning yuksak badiiy mahorati egasi bo'lganliklarini ko'rsatadi.

Xushro'ybibi obrazi: Dadil, mustaqil, o'z baxti va taqdiri uchun kurashadi; shaxsiy manfaatlari yo'lida hech narsadan qaytmaydi, shuningdek birovlarining ko'z yoshlari hisobiga, o'zgalarning baxtiqaroligi evaziga o'z baxtini tiklaydi. Salbiy timsol Xushro'y uchun atayin tanlab ishlatilgan yuqoridagi so'zlar orqali ko'z oldimizda sharq ayoliga yot bo'lgan surbetlik, axloqsizlik kabi ishlardan tap tortmaydigan razil ayol qiyofasi gavdalanadi;

Romanda ichki dunyosi tubanligi bilan tashqi ko'rinishining yoqimsizligi mos tushgan salbiy timsol **Jannat xolani** (Sodiqning onasi) yomonlikdan qaytmaydigan, o'zgalarning baxtsizligi va qayg'usidan kayflanadigan, ona nomiga nomunosib ayol ekanligini anglatish uchun ta'rifida quyidagicha mubolag'a qo'llaniladi: "Ul yerdan bichib olgandek pak – pakana, burni yuzi bilan barobar deyarlik tep-tekis, ko'zi qoqqan qoziq o'rnidek chup – chuqur, og'zi qulog'i bilan qoshiq solishar darajada juda katta, yuzi qirq yillik og'riqlarnikidek sap – sariq... [2;133]. Yoki yana bir o'rinda adib uni "...pakana xotin go'yo onalarning "ziyondosh albasti"laridek xunuk qiyofatda yigitga qarab yugurib kela boshladi" [2;140] deya ta'riflaydi.

Bu gapda go'yo yordamchi so'zi orqali yuzaga kelgan o'xshatishda mubolag'a ustun bo'lib, qiyoslanuvchi sub'yekt (Jannat xola) real fakt asosida qiyoslanmagan, ya'ni pakana xotin salbiy xususiyatlari tufayli ziyon keltiruvchi xayoliy tushuncha - alvastiga o'xshatilgan.

Asar haqida so'z ketganda, yana shuni alohida ta'kidlash joizki, "O'tkan kunlar" romani to'qima qahramonlarning hayotiylik kasb etishi va tarixiy voqealarga uyg'unligi jihatidan ham, mujassamot butunligi va tilidagi nafosati jihatidan ham o'zbek adabiyoti xazinasidagi durdonalar qatoridan o'rin olgandir. "O'tkan kunlar" o'zbek adabiyotida ilk roman bo'lishining o'zi bilanoq ilgari bosilgan katta qadam edi.

Zero, Abdulla Qodiriy romanlarini o'zbek adabiy tilining zamonaviy ko'rinishda shakllanayotgan bir davrda yozdi. Adabiy tilning rutbasi, maqomi yuksalishida adibning xizmati katta bo'ldi. Til millatni birlashtiruvchilik qudratiga ega qadriyatdir. Qodiriyshunos olimlar fikriga e'tibor berilsa, Abdulla Qodiriy toshkentlik bo'la turib o'z romanlarida mahalliy sheva unsurlarini umuman qo'llamaydi. Hatto qahramonlarining nutqini individuallashtirishda ham boshqa badiiy vositalardan foydalanadi. Demak, adib shu zaylda bor mahorati bilan o'zbek adabiy tilining boyligini, o'zbek tilining keng imkoniyatlarini namoyish ham qiladi. Xususan, Abdulla Qodiriy o'z asarida personajlar nutqini xususiylashtirish uchun xilma – xil usullardan foydalanadi. U har bir qahramonning qaysi tabaqaga xos, qaysi kasb egasi ekanligini nazarda tutib, uning tabiatiga mos bo'lgan so'z va iboralar ishlatadi. "Tana buzoqning turqi tuqg'anig'a tamg'a" yoki "...oldidagi ovni ko'rmay, uzoqdagi yovni ko'radi", "Xonning qo'yini boqish uchun, qovoqlarni belga taqish uchun...", "Endi ko'rsam, miltiqning o'qidek, pushti gulning to'qidek kelinim bor ekan" kabi yuzlab xalqona iboralaridagi saj, ritm va latiflik adib asarlari tiliga, qahramonlari nutqiga joziba baxsh etadi.

“Bu bir it!-dedi usta Farfi, -Tomdagi luqmani o‘zi ham yeyolmaydir, boshqag‘a ham yedirmaydir, nax itning o‘zi!” [2;185] Bobolarning muqaddas gavdasi madfun (dafn qilingan) Turkistonimizni to‘ng‘uzxona qilishg‘a hozirlangan biz itlar yaratg‘uchining qahriga, albatta, yo‘liqarmiz [2;295].

Bu jummalarda it so‘zi o‘zining aniq bir narsa ma’nosida qo‘llanmasdan, yomon shaxs, murosa qila olmaydigan, shafqatsiz, ochko‘z odam kabi tushunchalarni anglatish maqsadida ishlatilgan. Itning xususiyatlari: qizg‘anchiqlik, vahshiylik, ochko‘zlik...

Bulardan birinchi gapda itning birinchi belgisi (qizg‘anchiqlik) insonga nisbat berilib, bu majoz orqali asar qahramonlaridan biri Homidning salbiy xususiyatlari, uning dunyoqarashi ro‘y - rost ochib beriladi.

Ikkinchi jumlada esa itning vahshiylik, ochko‘zlik, murosa qila olmaslik belgisi nazarda tutilib, bu allegoriya mansabparast, shuhratparast, mol-dunyoga o‘ch kishilar, bir-birini ko‘rolmaydigan muttaham odamlar kabi tushunchalarni anglatish niyatida qo‘llangan. Yuqoridagi jummalarda salbiy munosabat, ya’ni oddiy so‘zlarning ko‘chma ma’nosi orqali ifodalangan.

“Musulmonsan otangning arvoyi, Homid aka!.. Ey-y, Sodiqcha, san hali nimani ko‘rding-ku, nimangga ishonding, buzoq bo‘g‘uzlang‘andek qilib bir - ikkitani so‘ygan bilan odam bo‘lding, qo‘ydingmi? Gap bilan bo‘lib, zang‘ar, kayf ham tarqab ketdi, qani quy - chi bir - ikkini! [2;194].

Berilgan shu kichik parchaning o‘ziyoq asardagi salbiy obraz- Mutal o‘g‘rining ichki dunyosi, ruhiyati va fe‘l-atvorini haqqoniy ravishda ko‘rsatib beradi;

v) yozuvchi asardagi ayrim qahramonlarning madaniyatsiz, bemehr va dag‘alligini, shafqatsizligini bo‘rttirib ko‘rsatish uchun ularning nutqida vulgarizmlardan foydalanadi: “Itidan bo‘lgan qurbonlikka yaramas, bolalaringdan umidingni uzgan bo‘lsang, itbachchalarini bu uyda qoldir!” [2;285].

“O‘zbek oyim depsinib- depsinib eriga qarab olar edi” [2;104]. Bu matnda muallif O‘zbek oyimdagi hissiy kechinmani holat ifodasi orqali (depsinib - depsinib, gurullab ketdi) namoyon etish bilan uning xarakterini to‘la yoritib beradi. Ya’ni “erining ra‘yi va xohishini, umuman, butun shaxsini ehtirom qilguchi” Oftob oyimga nisbatan O‘zbek oyim, aksincha, eriga o‘tkirliги, shaddodligi, chala - dumbul tabiatlik xotin ekanligini anglatadi.

U (O‘zbek oyim) go‘yo uxlamochi bo‘lgan tovuqdek hurpayib oldi” [2;102].

Otabekning kelganiga ko‘p bo‘lmay, yana Marg‘ilon tomon jo‘nab ketishi O‘zbek oyimni g‘azabga mindiradi. Adib uning bu holatini shunday tasvirlaydi: “Tag‘in O‘zbek oyim rangi o‘chkan, qoni qochqan, tovoqni kosaga, cho‘michni piyolaga urib dodi faryod...” [2;102].

Abdulla Qodiriy xalq og‘zaki ijodi namunalari, xalqning so‘zlashuv uslubiga yaqin so‘z va iboralar, sodda, siqiq, quyma jumlar bilan favqulodda tiniq fikrni ifodalaydi, ayniqsa, o‘xshatish asosiga qurilgan so‘z o‘yinlaridan foydalanib, kishilar xarakteri, xulq-atvori, ko‘rinishi haqida tasavvurni kengaytirish bilan so‘zlovchi va tinglovchi o‘rtasidagi nutqiy vaziyatni til qonuniyatlariga, til qonuniyatlarini tafakkurga, tafakkurni esa xalq dunyoqarashiga bog‘laydi. Masalan: -Nega bu yerda tegirmonchining ishsiz qolgan eshagidek jo‘njayib o‘tiribsan, Sodiq? [2;182].

Yuqoridagi ibora sodda xalq vakilining soʻzlashuv uslubi, begʻaraz hazili, xushchaqchaq tabiatini namoyon etadi: -Sodiq, burningmi, Risolat xolamning rapidasi? [2;182]. Endi bu soʻz oʻyini Sodiq burnining tuzilishi (shakliga), uning yapasqi ekaniga ishoradir. Ehtimol, yozuvchi bu oʻxshatish bilan tandirga kirib-chiqib turadigan rapida (non yopqich) misolida oʻzgalar turmushiga "burnini tiqib koʻradigan kishi" qiyofasini chizmoqchi boʻlgandir? -Jur, Sodiq, jiyanim, basharangmi, doʻlda qolgan tappimi? [2;183].

Bu parcha salbiy timsol Sodiqning yuz tuzilishi, koʻrinishi xususidagi adib chizgilariga monand ravishda kiritiladi va kitobxonda beixtiyor kulgu, zavq uygʻotadi, uning koʻz oldida Sodiqning koʻrinishini namoyon qiladi.

Misollardan koʻrinadiki, Sodiqning yapasqi burni rapidaga, qora choʻtir yuzi doʻlda qolgan tappiga oʻxshatilib, uning joʻralari tilida kulgu ostiga olinadi. Bu bilan adib Sodiqning ichki manfur dunyosi bilan yoqimsiz tashqi koʻrinishini mutanosib ravishda ifoda etadi. Bu uning salbiy obraz chizgisidagi mohir sanʼatkorligidan dalolat beradi. Abdulla Qodiriy ijobiy qahramonlarini tamomila boshqa xarakterdagi vositalar bilan, yaʼni yuksak emotsional boʻyoqli vositalar asosida mehr va ardogʻ bilan tasvirlaydi. U Otabekdagi odamiylik, andisha, kamtarlik kabi fazilatlarni sanab oʻtirmay, buni uning atrofida munosabati, muomalasi asosida namoyon qiladi. Bu, ayniqsa, Otabekning Hasanali ota (quli)ga boʻlgan muomala – munosabatida yaqqol koʻrsatiladi: “-Baʼzi yumushlar buyursam... -Rahmat, ota, boʻlmasa bizga choy qaynatib beringiz-chi”[2;8].

Bu oʻrinda “buyuraman” ifodasi oʻrnida buyursam, “qaynating” soʻzi oʻrnida qaynatib beringiz-chi tarzida soʻzlar tanlanishi bilan zamona begi Otabekning samimiyati, odobi, begʻubor qalb egasi ekani yorqin namoyon etiladi. Otabek maʼnaviy padar darajasidagi bir kishiga buyruq berishga andisha qiladi. Birgina -chi morfologik koʻrsatkichining iltimos maʼnosida qoʻllanilishi bu oʻrinda milliy oʻziga xoslikni ifodalaydi. Chunki uyat, andisha, or - nomus, vijdon tushunchalari Qodiriyning “Oʻtkan kunlar” romani uchun maʼnaviy ustun vazifasini oʻtaydi.

Homidning “qoʻlansa gaplar uchun yaratilgan odam” ekanligi oʻz pochchasi Ziyo shohichi tomonidan aytilgan boʻlsa [2;21], vahshiy, yirtqich tabiatliligi xotinlarining “qoʻrquvi”ga, undan “jirkanishiga” sabab boʻladi. Bu oʻrinda adib “jirkanish”-paralingvistik vositadan mohirlik bilan foydalangan. Bu ifodalar Homid xarakterini yorqin namoyon etadi. Homidning ayol zotiga past nazar bilan qarashi, shafqatsiz munosabatini:

“-Xotinga muvofiq boʻlish va boʻlmasliqning keragi yoʻq... xotinlarga “er” degan ismning oʻzi kifoya... ammo xotin degan erga muvofiq boʻlsa bas” [2;10]. “Qamchiningdan qon tomsa, yuzta xotin oʻrtasida ham rohatlanib tirikchilik qila olasan. Men... ikki xotin oʻrtasida turib janjalga toʻygunimcha yoʻq, ammo xotinni uchta qilishga ham oʻyim yoʻq emas [2;11-12] tarzida koʻrsatgan adib Otabekning ayolga boʻlgan hurmati, eʼzozini: Umidim yulduzi, orzum chechagi, hayotim tiragi Kumushimga!... Man hozir Kumushka ham qanoatlanmay, Oltunbibi deb atamoq fikriga tushdim...

Borligʻim muhabbatingiz alangasi bilan tutashqan... [2;142] tarzida rangin ifodalarda tasvirlaydi.

“O‘tkan kunlar”da personajlarning nutqi ularning ijtimoiy ahvoli, xarakteri, tabiatini namoyon etib turadi. Asarning makrostrukturasida yanada kamroq qatnashadigan shaxslar epizodik obrazlar bo‘lib, ular asosiy qahramon tabiatidagi muhim xususiyatlarni ishonarli yoritishga xizmat qiladilar.

Yuqoridagi misollar romanda haqiqiy o‘zbek xonadoni, hayoti va turmushidagi o‘ziga xos an’analar, oilaviy munosabatlar va qarashlarning aslicha namoyon qilinganini ko‘rsatadi. Yusufbek hoji, Qutidor, Otabek, Kumush, Hasanali, Usta Alim singari qahramonlar timsolida insoniylik, yuksak axloq-odob, tarbiya omillarini ko‘kka ko‘taradi, Musulmonqul, Homid, Jannat, Sodiq kabilardagi fisqu fason, iymonsizlik, badkirdorlik singari illatlarga nafrat tuyg‘usini uyg‘otadi.

Xullas, “O‘tkan kunlar” romani to‘qima qahramonlarning hayotiylik kasb etishi va tarixiy voqealarga uyg‘unligi jihatidan ham, mujassamot butunligi va tilidagi nafosati jihatidan ham o‘zbek adabiyoti xazinasidagi durdonalar qatoridan o‘rin olgandir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Шарафиддинов О. Абдулла Қахқор. Эссе. –Т.: Ёш гвардия, 1998. –Б.63.
2. Қодирий А. Ўткан кунлар. Танланган асарлар. –Т.: Шарқ, 2014.
3. <http://xs.uz/uzkr/post/otkan-kunlar-ibrati>. Б.Карим.

HOZIRGI ADABIY JARAYON VA POETIK USLUB MUAMMOSI

*Suvonova Jumagul Rashidovna,
Samarqand davlat universiteti dotsenti,
Filologiya fanlari nomzodi*

Hozirgi adabiy jarayon XXI asr birinchi yigirma yilligida sarmahsul ijod qilgan shoirlar orasida taniqli shoira Xosiyat Rustamova ham bor. Quvonarlisi shundaki, keyingi davr iordkorlari ijodida ma’lum ma’noda ham adabiy-badiiy, ham ijtimoiy-siyosiy, ham ramziy-tasviriy yangilanish va o‘zgarishlar dunyoga keldi. Misol qilib oladigan bo‘lsak Z.Mirzaeva ijodidagi diniy-ilohiy mavzudagi o‘zgarishlar, H.Ahmedova ijodidagi ijtimoiy-siyosiy mavzudagi o‘zgarishlar, X.Rustamova ijodidagi ruhiy-falsafiy va lirik kechinma borasidagi o‘zgarishlar ana shu davr yangiliklariga yaqqol misol bo‘la oladi.

O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a’zosi Xosiyat Rustamova ijodi va undagi tasviriy hamda badiiy muvaffaqiyatlar alohida ahamiyatga ega. Qaysiki buyumlar oshxona idishlaridan tortib, daraxtlar, yomg‘irlar, shamollar, yoki oddiy holatlar ham jonlanib, harakatlanib davr nafasini ufurishi, ijtimoiy yoki ruhiy tasodif voqeliklarini yuzaga keltira olishi mumkin. O‘quvchi shoira ijod olamiga tashrif buyurar ekan, biz aminmizki, har bir sahifaga ma’lum bir belgi qo‘yilishi, yoki har bir she’rning satrlari aro ingichka chiziqlar tortilishi, yo chetga chizib chiqarilgan chiziqlar davomidan daftar hoshiyasiga yozilgandek, yorqin fikrlar yozilishi tabiiy. Zotan, Xosiyat Rustamova she’rlari mana shunday inson tafakkurini qamrab oladigan tasodiflarga boy. Bunday shoirlar haqida taniqli shoir Erkin Vohidov shunday deydi: ”Shoirni

minglar va millionlar o'qishi shart emas. Shoirlar bo'ladiki, ularni bir kishi yolg'iz o'zi kechasi o'qiydi. Kitobi yostig'ini tagida turadi. Bu - shoir uchun baxt" [2.B.160]. Xosiyat ana shunday shoiralardan. Savol tug'iladi: Hamma taniqli shoirlar bir maromda ijod qilayotgan, klassik adabiyoti, xalq og'zaki ijodi namunalaridan bahramand bo'lib, yoki modern deya nomlangan kimdir tushunib, kimdir tushuna olmaydigan til va uslubda o'z ijodi uchun yangi yo'l va uslub qidirayotgan bir vaqtda nega Xosiyat ularning ortidan yurmadi?! Negaki uning o'z tanlagan yo'li, maqsadi va ko'zlagan manzili bor edi. U jimgina uyga kirib olib, jahon adabiyotiga yuzlandi. Evropa madaniyati, ularning tili va adabiyotini o'rgandi U xuddi o'zi "O'zimga yo'l ochdim..." deb boshlanadigan bir she'rida;

*Endi ohu faryod botmas yurakka,
So'nggi manzilimni ko'ryapman ayon.
Tirmashib chiqyapman osmon-falakka,
Pinhon qudratimni etib namoyon [3.B.38].*

- deganidek, o'zi ko'zlagan manzili tomon xarakatlandi. Tirishib-tirmashib, o'qish va o'rganish orqali yuksaklikka chiqa boshladi. Va, albatta pinhon qudratini namoyon etish, o'zini kashf etishga chog'landi. Avval rus she'riyati Marina Tsvetaeva, Anna Axmatova, Boris Pasternak, A.S. Pushkin, Esenin, keyinchalik Angliya, Frantsiya va nemis she'riyatiga, undan keyin esa Turk, Ozor, Hind ijodiyotiga yuzlandi. Bu izlanishlar shoira o'ylaganidek, uning pinhon qudratini namoyon etish yo'lidagi harakatlar edi, xolos..

She'riyatda ko'z yoshi to'kmoq, yig'lamoq holatining turli tashbehlar yoki badiiy ifoda uslublari mavjudki, biz ularning hammasida ham shoir kechinmalarining intim holatlarini kuzatamiz. Biroq, Xosiyat Rustamova bu holatni shunday obrazlashtiradiki, natijada "Mashinaning orqa o'rindig'ida" deb boshlanadigan she'rida ko'z yoshlar shoir istaklariga bo'ysunmay, ko'cha harakati qoidalarini buzib, qizil chiroqlarga rioya qilmay chopayotgan bebosh bolalar kabi oqa boshlaydi:

*Qizil chiroqlarga qilmas rioya,
Mening ko'zlarimdan oqayotgan yosh [4.B.3].*

-deya, shoira holatni ichkin bir ruhiyatda tasvirlaydi.

"Yashil chiroqlar", "qizil chiroqlar", "paltosining qo'sh qavatli yoqasi", "cho'ntaklariga qo'lini solib", "bir finjon qahva", "jigarrang ro'mol", "so'nggi gugurt cho'p" kabi ko'plab iboralar shoira ijodiga rus yoki evropa adabiyotidan olib kirilgan degan farazlar bor, balki bu to'g'ridir. Biroq shoira ularning har birining zimmasiga yangi ma'no yuklaydi va har birini majburlab, yoqasidan tortib emas, elkasiga qoqib, erkalab, o'z farzandi kabi o'z so'ziga aylantirib, yangi libos kiydirib, yangi vazifa yuklab, yangi fikrni orqalatib olib kiradi. Bu orqali u o'z uslubi, iste'dod va mahorat qirralarini ochib, kengaytirib boradi.

U jimgina uyiga kirib o'tirar ekan, hech kimga bildirmay o'z ijodi tillari bilan bir sirni oshkor qilib qo'yadi. Bu taniqli adabiyotshunos olim Ozod Sharafiddinovning "Jahon adiblari adabiyot haqida" deb nomlangan tarjimalar to'plamidagi Jon Golsuorsi fikrlarining isboti edi. U "Adabiyotda xarakter yaratish" nomli maqolasida, ijodiy individuallik nima? degan savolga javob qidirar ekan, ong osti ombori haqida fikr yuritadi: "...har bir odam bizning nazarimizda limmo-lim

to‘la xumga o‘xshaydi - bu xumda ong osti tajribasi bor, uni ta’sirlarning maxfiy ombori deyish ham mumkin. Bevosita shu odamning o‘zi tomonidan yig‘ilgan yoxud boshqalarning tajribasidan to‘plangan, ko‘z bilan ko‘rilgan, quloq bilan eshitilgan, ta’mi tatib ko‘rilgan, hidi hidlab ko‘rilgan taassurotlar shu maxfiy omborda jamuljam” [5.B.82]. Xosiyat Rustamova izlanar, o‘qir va o‘rganar ekan bu bilan u buyuk faylasuf Jon Golsuorsining ana shu falsafasini tasdiqlab beradi. O‘zining ong osti omborini boyitgan shoira endi undan eng sara so‘zlar va fikrlar taxlamini buzmay olib ishlata boshlaydi:

*Qarayman tashqariga derazam oynasidan,
Kiprigimga osilib halinchak uchar jahon.
Yo xudo ertalabdan qanday ulgurdi ekan,
Kir kabi bulutlarni dorga yoyibdi osmon.
Havoning bir chetidan qushlar o‘ynaydi tortib,
Shamol tog‘larga chiqib do‘pposlaydi qorlarni.
Bir qushcha ham bo‘lolmay men o‘zimni yo‘gotib,
Qolib ketyapman hanuz ortida devorlarning!* [4.B.49].

Yuqoridagi she’rda qo‘llangan “Kiprigimga osilib halinchak uchar jahon”, “Kir kabi bulutlarni dorga yoyibdi osmon”, “Havoning bir chetidan qushlar o‘ynaydi tortib,” ”Shamol tog‘larga chiqib do‘pposlaydi qorlarni” kabi satrlar shoira izlanishlari samarasi bo‘lib, butunlay yangi topilmalar istioralarning, ya’ni o‘xshatishlarning namunasi sifatida obrazlashtiriladi. Albatta, bu voqea tarixda buyuk mutafakkir shoir Mahmud Koshg‘ariy tomonidan ham isbotlangan haqiqatdir. Zotan “Qutadg‘u bilig” asarida ham bejiz “O‘quv qayda bo‘lsa ulug‘lik bo‘lar, Bilim qayda bo‘lsa buyuklik bo‘lar.” deya ochiqlanmagan. Shoira qarashlari o‘zgarib borar ekan, endi u o‘z ijodidagi rus adabiyoti ta’sirini ochiq ifodalay boshlaydi.

*Ishingga ketasan - demay xech nima,
Mayli, och ketsang ket-buzmayman pinak.
Meni ham xonamda kutar Marina,
Meni ham xonamda kutar Pasternak* [3. B.12].

- deydi.

Ijod – ruhiy olamning **ilohiy mo‘jizasidir**. Ruhiy olami yuksalgan ijodkorlar borliqni yangicha, boshqalarga o‘xshamagan til va uslubda badiiy ifodalaydilar. Shuning uchun ham ular o‘z tasavvur olamlariga ega. Shuning uchun ham ular hamisha o‘zining sirli va sehrliligi, osmoni moviy, havosi toza, orzulari yuksak bir dunyoda yashaydilar. Darhaqiqat, endi u boshqalar yurgan yo‘ldan yurish, boshqalar aytgan gapni aytish emas, boshqalar tili va uslubidan farqli o‘ziga xos yo‘l va uslub yaratadi. Shu orqali u o‘z fikrini sirli va sehrliligi bir til bilan ifoda eta boshlaydi.

*Qaysi aql bilan ekdim bu gulni,
Ko‘ra bila turib singan tuvakka* [3. B.8].

Aslida bu satrlardagi ishora gul bilan tuvakning detallashtirilganidek tuyuladi. Biroq, hamma gap bu detallarning o‘zigayoq juda katta yashirin ma’no jamlanganligidadir. Gul daraxt yoki inson sifatida, tuvak esa zamin yoki Ona-Vatan sifatida obrazlashtirilayotganini bir qarashda har qanday kishi ham sezavermaydi.

Shu bilan birga shoira ana shu ikki satrga o‘zi bilan farzandi turumini ham singdirib yuboradi.

*Bugun gul qoshida ko‘rib bulbulni,
Vahima, g‘ulg‘ula tushar yurakka [3;8].*

Endi nima bo‘lishidan qat’iy nazar farzandidek bo‘lib qolgan gul va uning qoshida guldand gulga qo‘nib yurgan bulbulni ko‘rish shoira yuragiga g‘ulg‘ula solishining o‘ziyoq unga daxldorlik tuyg‘usini kuchaytiradi. Zotan, o‘sha gul yoki tuvakka bog‘liq rishtalar, yoki unga nisbatan mehr va muhabbat tuyg‘usi bo‘lmas edi, hech qanday vahima va g‘ulg‘ulaga hojat bo‘lmas edi. Bu birgina satrga shoira bulbulning dil rozi hamisha ham haqiqiy va samimiy bo‘lavermasligi ma‘nosini yashirib, gul timsolidagi farzandiga ziddiyatlariga aldanib qolmasligi, uning qoshida hayotdek xatarli yo‘l turganiga ishora qiladi.

*Nima qilsam ekan?
Ko‘ngil to‘la mung,
Bir yoqda g‘ijimlab turibdi yurak.
Gul esa beparvo o‘sar kundan-kun,
Kundan-kun kichrayib boradi tuvak [3;8].*

Gulning taqdiri, istiqboli, uning baxt-u saodati haqida o‘ylash shoira ko‘nglini dardga to‘ldiradi. Ustiga - ustak g‘ujg‘on aylanayotgan bunday og‘ir fikrlar iskanjasida qolgan yuragi g‘ijimlab turadi. Bunday holat shoira ruhiyatiga qattiq ta’sir qiladi. Uning kayfiyatida mung, jismu jonida og‘riq, qalbida esa og‘ir savollar paydo qiladi. Ammo gul beparvo o‘sib, tuvak esa kundan-kun kichrayib boraveradi. Va bu satrlar orqali odatda bulbulning dil rozi hamisha ham haqiqiy va samimiy bo‘lavermasligiga ishora bor. Agar u oshiqlik holatida bo‘lsa ham, shoirning ichini it tirnaydiki, bu satrlarga ham farzand, ham nomus, ham Vatan masalasi singdirilgan. Albatta, bulbul ishqiga keladigan bo‘lsak, o‘zbek xalq og‘zaki ijodida bunga misol sifatida qanchadan-qancha maqol, matal va masallar bor. Shu o‘rinda uning bevafoqligi nazarda tutiladi go‘yo. Gul timsolida ulg‘ayayotgan o‘smir va u ulg‘aygan sari kichik, siniq tuvakka mengzalayotgan ona va Vatan tushunchasi g‘ariblashib boraveradi. Shoira bu satrlar orqali inson ulg‘aygani sari uning qarashlari ham o‘zgarib boraverishini nazarda tutadi. Darhaqiqat, hamisha xoksor, samimiy, bolajon bo‘lgan Vatanning g‘arib ko‘rinishi unga dard qiladi. Shoir tafakkuridagi Vatan haqidagi ulkan falsafiy tushuncha ulkan bir dardga, og‘riqqa aylanib boraveradi.

*Do‘kondan boshqa bir gultuvak oldim,
Yumshoq bir tuproqdan qorib soldim loy.
Bolajon bo‘ylaring cho‘zilib qoldi,
Ishqilib butunmi sen tug‘ilgan joy. [3;8].*

Ana endi asl ma’noga yaqinlashdik. Aslida ham shoirning maqsadi shu, tagmanoli, ong osti omboridagi gaplarni aytmoq! Albatta, siz ekan gulning tuvagi kichraysa yoki sinsa boshqa bir gultuvak olib, unga tuproq va suv solib, gulni o‘sha tuvakka ko‘chirishingiz mumkin. Biroq gul va tuvak oddiygina gul va oddiygina tuvakdan iborat bo‘lmasa-chi?! U Vatan, u ona va ulg‘ayib kelayotgan o‘smirlikka xos qiyosiy va ramziy ma’no kashf etayotgan bo‘lsa-chi?! U qaerda tug‘ildi? U kimdan tug‘ildi? Shoir o‘zini qiynayotgan tuyg‘ularini, hissiyotlarini shu gul va tuvak

orqali detallashtirayotgan, unga taalluqli barcha kechinmalarini shu gul va tuvak atrofida yig‘ayotgan, umumlashtirayotgan emasmikin?.. To‘g‘ri Vatan va ona tushunchasi abadul-abad insoniyat tarixida yuksak ma‘no kashf etib kelgan uyg‘un tushunchadir. Shoirlarimiz bu tushunchalarning ramziy va qiyosiy ma‘nodagi rangorang topilma va obrazlarini yaratgan. Biroq Xosiyat Rustamova bu tushunchalarning shunday bir qiyosini topadiki, bu topilma o‘z-o‘zidan ong osti ombori sintezidan o‘tib, bir yo‘la hayotiy, tabiiy, ijtimoiy va siyosiy hamda badiiy mazmun kashf eta oldi. Biz bu hodisani “Bolajon bo‘ylaring cho‘zilib qoldi-ishqilib butunmi, sen tug‘ilgan joy?!”-deb bergan savoli orqali tushunib olamiz. Axir u nafaqat Vatan, u har bir ona va uning Vatanga daxldorlik tuyg‘usi haqida to‘xtalib turibdi. Yo‘qsa tug‘ilgan joy ma‘nosi bu qadar nozik ishora bilan ta‘kidlanmas edi. Aslida ham shunday emasmi? Har birimiz bir Vatan emasmi? Har birimiz bir emas bir necha yosh niholni vujudga keltirish, uni ulg‘aytirish tuvagiga qiyoslanayotgan Vatan emasmizmi? Yuqoridagi misralarni qayta-qayta o‘qir ekanmiz ana shu chin ma‘nodagi Vatan tushunchasini ulg‘aytirish, uni katta Vatan tushunchasiga aylantirish va u bilan uyg‘unlashib ketish yoki shunday bir ulg‘ayish va uyg‘unlashishni ramziy ma‘nosini yaratish shoirning asl maqsadi ekanligiga amin bo‘lamiz.

*Biz Vatan haqida o‘ylamaymiz hech,
Ulg‘ayaveramiz kun o‘tgan sayin [3;8].*

Shu bir baytda shoironing barcha kechinmalari oydinlashadi. Kezi kelganda biz o‘z Vatanimiz – onamizga nisbatan naqadar beparvo ekanimiz, uning muammolari, dardlari, iztiroblari bizni e‘tiborimizdan chetda qolishi, o‘zimizning kichik-kichik dardlarimizga o‘ralashib, Onamizni – chin ma‘nodagi Vatanimizni unutib qo‘yishimizga ishora qiladi. Ularning kechinmalarini, bizga daxldor bo‘lgan juda ko‘p narsalarni bolalarcha beparvolik bilan boshdan kechirishimizni qalb ko‘zimizga yaqinroq olib kelib tutadi. Zotan, beparvolik, e‘tiborsizliklar tufayli onamiz va yoki Ona – Vatanimiz ko‘ksida turli jarohatlar, darz ketishlar vujudga kelishi hech birimizga sir emas. Yana shuni ham aytib o‘tish joizki, maqsad, g‘oya-so‘z va uning ortidagi ma‘no, badiiy ifoda shoironing **uslubiy o‘ziga xosligi** mahoratidir.

Biz yuqoridagi she‘rda fikr, tuyg‘u, ohang, tasvir, kechinma, ifoda, harakat, holatning guvohi bo‘lgan bo‘lsak-da, aslida tasviriylik, voqeylik, ijtimoiylik, badiiylik, haqiqiylik, hayotiylik kabi tabiiy vositalardan foydalanish mahoratiga guvoh bo‘lib turibmiz. To‘g‘ri, bu boradagi fikrimizga ko‘pgina hozirgi zamon o‘zbek adabiyoti shoirlari ijodidan misollar keltirishimiz mumkin. A.Qutbiddin, B.Ro‘zimuhammad, Go‘zal Begim, Oydinniso kabi bugungi kun adabiyot namoyandalari borki, ular ham o‘z ijod olamida tillari va tasvirlari bilan boshqa ijodkorlardan farq qiladi. Biroq Xosiyat Rustamova ijodiy faoliyatining yangiligi, uning badiiy tafakkuri, ya‘ni tasavvur olamining kengligi, tasviriy uslubining ravon va mazmunan yuksakligidadir.

Xosiyat Rustamova so‘zni boshqalardan farqli ravishda o‘ziga xos tarzda qo‘llaydi. U So‘z mulkiga bebaho xazina kabi munosabatda bo‘ladi. Bu o‘z o‘rnida uning faqat o‘zigagina tegishli bo‘lgan dardli, jozibali, haqqoniy ruhiy so‘z olamini yaratib beradi. Va shubhasizki, o‘z e‘tiqodi va muhabbati bilan boshqalarni ham so‘z

qadriga etish, unga hurmat va e'tiborga chorlaydi. Shuning uchun ham uning ijodida voqelik hamisha maqsad va g'oyaga xizmat qiladi. Goh tokning novdalari devor ustiga yoki daraxtga o'tirib olib, oyoqlarini chalishtirib, hayotning tasodiflarga boy sirli holatini ifoda etib, oddiy manzara va holatdan mo'jizaviy tasvir va tashbehlar yaratib, o'zining yashirin tasavvurlarini badiiy ifoda etsa:

*Boqib bog'ning rang-u ro'yiga,
Qovushtirar qo'lini behol.
Gunohini olib bo'yniga
Yer chizgancha turar majnuntol.
Qaldirochlar kelib mo'ltirar,
Topolmasdan og'ochlarini.
Daraxtlarda toklar o'ltirar-
Chalishtirib oyoqlarini [6;26].*

Goh bir qafasdagi qushchaga aylanib, uni xijolatga qo'yib, o'zida ham yo'q narsani so'rab qiynaydi:

*Jovdirab qaraysan qafasdan otsam,
Bir hovuch ushoq, don, suv va maysani.
Oldingga tashlayman nimaki topsam-
Ozodlikdan boshqa hamma narsani. – dediradi [3;16].*

Shoira bu misralarda asrlar maboynida barcha elatlar va millatlar uchun doimiy orzu-maqsad manbaiga aylangan, kezi kelganda muammo bo'lib, qanchadan-qancha jangu jadallarga sababchi bo'lgan OZODLIK haqida to'xtaladi. To'xtalganda ham o'zi va qafasdagi qushcha misolida masalaga oydinlik kiritar ekan, uning mohiyatini juda qisqa uslubda, go'zal va mantiqiy tarzda ochib beradi. "She'r-isyon, ibodat, haqiqat va muhabbatdan iborat tug'yon!" She'r haqidagi bu satrni qaerda o'qiganimni eslay olmadim. Uni qachonlardir bir qog'ozga yozib qo'ygan ekanman. Biroq uning ayni haqiqat ekanligiga aminman. Negaki shoira jim sevadi, jim ibodat qiladi va jim isyon qiladi. Yo'qsa OZODLIK haqida bunday so'zsiz, ginasiz, isyonsiz isyonni nima deb qabul qilgan bo'lardingiz?

"Iste'dod – so'z, haqiqat va nafosat tuyg'usi. Haqiqat – she'rning otasi, go'zallik onasi, so'z uning libosidir. Ko'ngil-ilohiy mo'jiza. She'r esa ko'ngil mo'jizasi. Ya'ni mo'jizalarning mo'jizasi Alloh men ikki olamni birgina ko'ngil uchun yaratdim deydi" [8; 26] -deydilar, zamonamizning etuk shoiri Jamol Kamol. Bu gaplar qanchalar donishmandona gaplar. Illo Alloh bergan istedod va ko'ngil birlashgandagina ana shunday mo'jizalar yaraladi. Agar iste'dod bo'lsa-yu ko'ngil bo'lmasa yoki ko'ngil bo'lib iste'dod bo'lmaganda ham uni ifoda etish, ilohiy mo'jizalar yaratish insonga xos xususiyat bo'lmas edi.

"Xosiyat mukammallikning cheksizligini anglagan va ijod ilohiy ish ekanligini tushungan ijodkor,"-deydi, O'zbekiston Xalq shoiri Usmon Azim. Shu tufayli ham uning she'rlari ilohiy ohanglar va ilohiy fikrlarga juda boy bizningcha. Yana shoir U. Azim bitiklariga qaytamiz:"... Men anchadan buyon bunday rost tuyg'uli she'rlarni o'qimagan edim. Yurakdagi og'riqni qog'ozga ko'chirish hammaga ham nasib etavermaydi. Xosiyat bu og'ir ilhomli ishni udda qilgan. U mavzu izlab ko'chaga qaramagan. Yurak cheksiz mavzu ekanligini pokiza iqtidor bilan his etgan. She'r bir

tomchi ko‘z yoshga aylangan yurakdan iborat ekanligini anglagan. Tuyg‘ulari chin va juda chindir. Ularda ichki bir shiddat-shoirlik jo‘shib turibdi,”-deydi [7;3]. Shoiraning “Nojot” nomli to‘plamiga yozgan so‘zbohisida. Zero, shoiraning o‘zi aytganidek:

*Men bir kun ulg‘ayib qaytsam Vatanga!
Ustimda eskirib ketmasmi libos?! [4;107].*

-deganida, shoira haqiqatan ham juda chin tuyg‘ularni ifoda eta olgan. U yuqoridagi satrlarda Vatanga nisbatan qarashlarida oddiygina bitiklar bilan yoziladigan muhabbatnimas, hech kim ayta olmaydigan, hech kim tasavvur qila olmaydigan, hech kim ifoda eta olmaydigan ilohiy va chin ma‘nodagi muhabbatni nazarda tutadi. To‘g‘ri, muhabbat juda qadimiy tuyg‘u. Uning tasviri, ohangi va ifodasi ham juda qadimiydir. Xuddi o‘tmishda ajdodlarimiz yaratgan qissa, doston, romanlardagi kabi. Albatta, qadimiylik va tarixiylik haqida to‘xtaladigan bo‘lsak, zamonlar o‘tishi bilan vatanning ham insonning ham egnidagi libosi eskirishi, to‘kilishi va qayta yangilanishi haqida tasavvurga ega bo‘lish unchalik ham qiyin emas. Biroq, mehrning abadiyligi, muhabbatning manguligi, xuddi inson yuragining tub-tubida yashirib, avaylab, ardoqlab kelayotgan tuyg‘uning abadiyligi bilan barobardir. Bunday tuyg‘ular inson umri, hayoti bilan chambarchas bog‘liq bo‘lgan qadriyatga aylanib ketgan, hech qachon eskirmas, unutilmas tushunchadir. Bu-muhabbat tushunchasidir! Shuning uchun ham shoira:

*Qalbim bu olovga qorishar erib,
Yerni quyosh bilan barobar etdi.
Jonim muhabbatni avaylayverib,
Ustimdagi libos eskirib ketdi [3;87].*

-deydi. Bu satrlar orqali nafaqat hayotda yashash, umrning o‘tishi, sevgi-muhabbati, balki, insonning azaliy orzulari, maqsadi, yurti va xalqiga bo‘lgan buyuk muhabbati ham nazarda tutiladi. Ijodkor buyuk tushunchalarni anglab etgan sari, uning tasviriy ifodasini ham naqadar buyuk bo‘lishi haqida o‘ylaydi va albatta shunday yuksak topilmalar, tashbehlardan foydalanadi. Bu fikrda yana, zamonlar almashinishi, davrlar o‘tishi bilan hamma narsa o‘zgarib borishi, eskirishi, faqat tuyg‘ular abadiyligi tushunchasiga ishora bor. Zotan muallif libosga emas, muhabbatga topinib yashadi. Chunki maqsad muhabbatni yuksaltirib, uni ulg‘aytirib yashamoqdan iborat edi.

Xosiyat Rustamova ijodiga nazar tashlar ekanmiz, uning she‘rlarida nafas olayotgan, goh yugurib, goh uchayotgan, goh daraxtlarda gullab, goh kurtaklarda bo‘rtib turgan yurakni ko‘ramiz. Ular hayotdan, o‘limdan, eru osmondan eng muhimi insonni, tabiatni, vatanni, muhabbatni, tuproqni, suvni sevishdan xabar berib turadi. O‘qishni, anglashni, tinglashni, yozishni, tasvir va tasavvurni ilg‘ashga yordam beradi. Siz ko‘rib turgan, siz yashab turgan hayotni ilohiy, falsafiy, ijtimoiy jixatlarini badiiy ifodalab beradi.

Shoira uslubining o‘ziga xosligi shundan iboratki, unda badiiy tasvir vositalarining, uslubning xususiy hollarining, go‘zal **she‘riy san’atlarning** namunalariga to‘qnash kelamiz:

*Xayr, kunduz!!!
Salom, tun!*

*Uzr kamu ko 'stiga.
Men qulab tushdim bugun
O 'z soyamning ustiga [3;39].*

Yuqoridagi parchada uslubning xususiy hollaridan biri **burilish** (iltifot) ga duch kelamiz. Shoira kunduz bilan xayrlashib, tun bilan salomlashar ekan, birdan fikri o'zgarib,uzr so'rab iltifot ko'rsatadi va o'z xolatidan ma'lumot berib, burilishning go'zal namunasini yaratadi.

Adabiyotda Lafziy san'atlar orasida tajnis (so'z o'yini) laffu nashr(yig'ib tarqatish), saj' (nasriy matndagi qofiya) talmeh (tarixiy nomlardan foydalanish), kinoya, so'rash, undash, qarshilash, qaytish (ruju'), kesish(qati'), istiora, mubolag'a, o'xshatish, sifatlash, jonlantirish kabi uslubning o'ziga xos bezaklari mavjud. Klassik adabiyotda shoirlar tomonidan qo'llangan bunday she'riy bezaklardan biri **laffu nashr** (yig'ib tarqatish) "gullar, bulbullar", "orazing, zulfing" kabi so'zlar orqali qo'llangan bo'lsa bugun bu xolatlar zamonaviy she'riyatda yangicha shakl va mazmun kashf etib, shunday namoyon bo'lmoqda:

Bo'layin xuddi sen xohlagan kabi,
*Bo 'laklab tashlayin jonu tanimni.
Sochim, ko 'zu qoshim,burun, yuz, labim-
Qaytadan terib chiq suyaklarimni [3;119].*

Bu she'rda: "Sochim, ko'zu qoshim, burun, yuz, labim-" hamda "Qaytadan terib chiq suyaklarimni"satrlari **laffu nashr** (yig'ib tarqatish) lafziy san'atiga yorqin misol sifatida ko'zga tashlanmoqda. Shuningdek, shoira ijodida talmeh san'atidan ham unumli foydalanilgan. Uning aksariyat rus, nems,turk, hind shoirlarining tarixiy nomlaridan foydalanib, yozgan she'rlarida **talmeh** san'atining go'zal namunalari yaratiladi.

Jumladan, Istambulga bag'ishlangan"Baland imoratlar..."deb boshlanadigan she'rida:

*Devorda afisha... Bir qiz ko 'ksi qon,
Cho 'k tushib turibdi poyida san 'at.
Sulton Ahmeddagi ming bitta do 'kon,
Qadim Turkiyani sotish bilan band [3;92].*

Yoki," Hanifa ayamga" she'rida:

*Hindcha kuy-qo 'shiqlar chalg 'itar elas,
Maftunkor qizlarning ko 'ylagi-sari.
Va yana Tagordan olaman nafas-
Tirilar bolalik xotiralari [3;75].*

Yuqoridagi she'rlarning ikkalasida ham boshqa mamlakatlarning tarixiy shaxslari nomlarini qo'llab shoira o'z maqsadlari mohiyatiga chuqurroq kirib boradi va ularni ochishda **talmeh** san'atidan unumli foydalanadi. Bu san'at usuli she'riyatda fikrning salmoqdorligini ta'minlash usuli bo'lib, qisqa satrlarda katta poetik manzaralarni idrok etishga undaydi.

O'zini bilmaslikka solish, **so'rash** (tajohuli orif). Shoir o'z xolatini, tuyg'ularini aniq anglatish uchun umidi? bumidi? unaqami? bunaqami? nega unday? nega

bunday? kabi savollarni qatorlashtirib, ular orqali chiroyli yo‘l bilan fikrni ifodalaydi. “Azizim” deb boshlanadigan she’rida:

*Azizim, dunyoning bo‘lgani shumi,
Hayot atalarmi shu dovu daska?
Eslayman, ruhimning tug‘ilgan kuni-
Ancha yuksaklardan qaraydi pastga.
Dunyo kengga o‘xshar.
Havo beaded,
Soya tashlab o‘tar quyoshning aksi.
Orzum ushaldimi?
Murod-u maqsad-
Ko‘rgan-ko‘rishganim shumi hammasi? [6;106].*

Shoira yuqoridagi satrlarda ketma-ket savollar bilan hayotni ta’riflar ekan. Garchi hayot haqida o‘zi kengroq tushunchaga ega bo‘lsada, o‘zini bilmaslikka olib, uni nima va qanaqa ekanligini **so‘rash** san’ati ya’ni tajohuli orif orqali fikrini yanada kengroq ifoda etishga urinadi. Va hayot dahshatlarini chuqurroq ochib beradi.

*Yashin tezligida uchdim – beqanot,
Shunaqa bo‘lar, deb yashash tilsimi.
Azizim, ne kuyga solmadi hayot –
Ruhimning ko‘rinib turgan qismini?! [6;106].*

Albatta inson hayotda juda shoshib yashaganidan umrini qanchalik tez o‘tib ketganini ham sezmay qoladi. Ammo bu hayot insonni ne kuylarga solmaydi deysiz? Aksariyat hollarda u yaxshi odamni yomon qiladi. Sog‘ bo‘lsa xasta qiladi. Yosh bo‘lsa keksaytiradi. Tik qomatini egadi. Burro tillarini susaytiradi. Qora sochlarini oqartirib, tiniq va tekis yuzlariga ajin soladi. Bularni hammasi insonning ruhini ko‘rinib turadigan qismi jismi bo‘lsa, anashu qismida namoyon bo‘ladi. Shoira esa shularning hammasini bitta jumla bilan aytib o‘tadi. Quyidagi to‘rtlik ham **so‘rash** san’atiga munosib namuna bo‘ladi.

*Gunohlarim ko‘pmi shu qadar?
Yo umidlar bo‘lganmi barbod?
Jinoyati og‘ir mahbusday
Meni ushlab turibdi hayot [3;11].*

Undash san’ati ham she’riyatda doimiy uchraydigan uslubning o‘ziga xos bezaklaridan biridir. Shoira tuyg‘ulardagi to‘lqinlarni o‘quvchiga yuqtirmoq uchun bo‘lgan chaqiriq, da’vat va undamaklardan unimli foydalanadi.

*Xo‘rligingiz kelmaydimi
Uyulib tursam,
Bir burchakka yig‘ib qo‘ysam
Jismu jonimni.
Meni ko‘mar shu tuproqning
Ustida kulsam -
Hayot hali o‘lmasimdan
Olsa borimni...
Ketasizmi tunlarimdan*

*Burilib tongga,
Qadamingiz uyingizga
Etganicha to.
Faqat bir so‘z aytib keting
Ikki jahonga -
Men hayotning qaerida
Qilganman xato?*

“Vaqt bo‘ldimi?” deb boshlanadigan yuqoridagi she‘rning birinchi to‘rtligida **so‘rash**, keyingi ikkala bandlarda esa, ham **undash**, ham **so‘rash** san‘atlaridan baravar foydalanilgan. Bu shoiraning she‘riyatdagi xususiy xollar san‘atini qo‘llash mahoratidan dalolat berib turibdi.

Shuningdek, she‘riyatda qarshi ma‘noli fikrlarni ustalik bilan bir-biriga bog‘lash holati, uslubning o‘ziga xos bezaklaridan yana biri **qarshilik** deyiladi. Bu hodisa shoira ijodida tez-tez ko‘zga tashlanib turadi:

*Yo tangrim. Sen menga kuch ber,
Ber chidam –
Xuddi daraxtlarday ko‘tarayin qad.
Ichimga qor yoig‘ib turganida ham,
Men kulib turishim kerak hamma vaqt [3;4].*

Yuqoridagi she‘rda birinchi qatordagi kuchsizlik ma‘nosiga ikkinchi qatordagi kuchlilik ma‘nosi qarshi bog‘lanadi. Uchinchi qatordagi; “Ichimga qor yog‘ib turganida ham,”ma‘nosiga,”Men kulib turishim kerak hamma vaqt” kabi qarshi ma‘nodagi jumla bog‘lanadi. Bu ham **qarshilik**ning go‘zal namunasi sifatida qo‘llanadi. Quyida yana shunday she‘rlaridan birida:

*Men Senga oq so‘zlar
Uzatsam yonib –
Ko‘zlaring gapirar
Qop-qora rangda! - deydi.*

Bu she‘rda ham shoira oq so‘zlarga qora ko‘zlar ma‘nosidagi satrlarni bog‘lab, yana **qarshilik** san‘atidan foydalanadi. O‘z o‘rnida san‘at namunalari ham shoira maqsad va g‘oyasini ilgari surishda, unga ijodiy detal sifatida xizmat qiladi.

She‘riyatda yana **kesish**(qati‘)san‘ati mavjud bo‘lib, unda shoir ba‘zi tuyg‘ular va fikrlarni ifoda etishda anglatmoq uchun so‘zlamoq bexuda ekanligini tushunib qolsa birdan so‘zini kesadi. O‘zini so‘zlash uchun tili ojiz qolganini tuyg‘ular orqali anglatmoqchi bo‘ladi.

“Boshqa hech gapim yo‘q...” deb boshlanuvchi she‘rida:

*Dengizday chayqalib turasan karaxt,
Xayoling bir nafas qolar sovuqda.
Jonim, mendan Senga qolgani faqat,
Faqat uchta nuqta...
Faqat uch... nuqta [3;98].*

- deydi. Zotan shoirda qoldirmoq uchun katta boylik, yuksak ma‘naviy meros hamda ulkan so‘z san‘ati mavjud. Biroq u bularni so‘zda ifoda etishga oshiqmaydi. Hamma fikrlarini ana shu uchta nuqtaga joylab qo‘ya qoladi va so‘zini kesib, **kesish**

(qati') san'atini yaratadi. Negaki uch nuqta davomli ekanini, uning zamiriga qanchadan-qancha fikrlar singib ketganini va ular shoir tilini sukutga solib, diliga jo bo'lganini faqat shoir biladi. Bu bir savol, topishmoqqa o'xshaydi. O'quvchini anglamoqqa, tushunmoqqa chorlaydi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak," Biz bilgan dunyodan go'zalroq, pokroq yana bir dunyo bor. Bu - she'riyat dunyosi. She'r dunyosi. Bu dunyoga bo'ylamay ketish-O'zingni anglamay, yashamay ketishday bir gap". Xosiyat Rustamovaning "Avgust" she'rlar to'plamining annotatsiyasida shunday gaplar keltirilgan. Darhaqiqat, har bir shoir o'z ijod olamida, she'riyat dunyosida butun bo'y-basti bilan gavdalanar ekan, uning ichki dunyosi, orzu-xavaslar, maqsadi, mehr-muhabbati, iymon-e'tiqodi, insof-diyonati bir so'z bilan aytilganda ma'naviy va ma'rifiy qarashlari yorqin namoyon bo'ladi. Bu jihatlar esa shoirning ruhiy o'ziga xosligini belgilab berib, uning ijodiy o'ziga xosligiga asos sifatida xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasining yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi 2017 yil 7 fevraldagi farmoni.
2. Mirziyoev Sh. M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. –T.: O'zbekiston, 2017. –488 b.
3. Erkin Vohidov Shoiru she'ru shuur. –T.: Yosh gvardiya,1987.
4. Xosiyat Rustamova Ishg'ol. –T.: Akademnashr, 2011.
5. Xosiyat Rustamova Avgust. –T.: Yangi asr avlodi, 2008.
6. Ozod Sharafiddinov (tarjimalari) Jahon adiblari adabiyot haqida. –T.: Ma'naviyat, 2010.
7. Xosiyat Rustamova 40:0. –T.: Istiqlol, 2011.
8. Xosiyat Rustamova Najot. –T.: Ma'naviyat, 2003.
9. Umid Ali Ko'ngilga sayr. –T.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017.
10. Matyoqubov A. Hayot va badiiyat. –T.: Adabiyot va san'at, 1985. –B.13-14.

БИР ҒАЗАЛДА КЎНГИЛ ШАРҲИ

(Нодира ғазали мисолида)

*Эшонқулова Сурайё Исомиддиновна,
ЖДПИ доценти,
филология фанлари номзоди*

“Истеъдод шундай бир гавҳарки, у денгиз тубида, садаф ичида ҳам гавҳар, истеъдод шундай бир зилол ирмоқки, унинг ҳар қатрасида дарёларнинг қудрати, уммонларнинг теранлиги бор, истеъдод шундай бир гулки, унинг ҳар бир очилмаган гунчасида чаманларнинг бўйи ва таровати бор” [6]. Дарҳақиқат, истеъдодли ижодкор ўз шеърлари орқали қалбдаги кўнгил оғриқларини, тушунарсиз дил кечинмаларини, руҳиятидаги эврилишларни тафтиш қилади.

Шеърятга ошно қалблар эса бамисоли хазина топган бахтиёрлардир. Яхши шоирни, шу маънода, мўъжизакор шахсият деб айтиш мумкин. У сеҳрли сўз орқали кўнгилларни ҳамиша обод айлайди.

Ёрнинг васли эмас озорсиз,

Гулишан ичра гул топилмас хорсиз [2; 163],

-деб куйлаган муҳаббат маликаси бўлмиш Нодира лирикасини кўздан кечирганимизда, шоира ижодиди ишқ билан бирга лирик қаҳрамоннинг кўнгил тасвири ва талқини ўзгача ифода уйғунлигида тасвирланганлигини шоҳиди бўламыз.

Хўш, кўнгул нима, кўнгилнинг инсон ҳаётидаги ўрни қандай? Бу ҳақида жуда кўп китобларда шарҳлар ёзилган. Аслида, кўнгил туркий шеърятда қадимдан энг кўп мурожаат қилинадиган сўз бўлиб, “*кишининг ҳис-туйғу ва кечинмалари манбаи; юрак, қалб, дил*” [4;457] ёки бошқача қилиб айтганда, “*кўнгил -маънавий борлигига, куч-қувватига, севгининг, нафратнинг, инончининг яхши-ёмон-барча туйғуларнинг бутун борлигига ва ифодасига берилган номдир*” [1;136].

Дарҳақиқат, инсон пайдо бўлибдики, албатта унинг қалби бор, табиийки унда кўнгил бор. Кўнгил торлари шундек нозик-ки, инсон озгина эътибор билан чўққига кўтарилса, унинг руҳияти олий даражага етади. Салгина озорланса хасталанади. Шу боис, халқимизда бежизга “*Кўнгил тошдан қаттиқ – гулдан нозик*” [5;247], “*Кўнгилнинг қолишини – ишшани синиши*” [5;249] дейишмаганлигини шоиранинг ушбу ғазалида кўришимиз мумкин:

Дилбари худкоми ман тарфи кулаҳ бар шикаст,

Жилва дар оина кард маҳ аз сар шикаст [3;136-139].

Насрий баёни: Ўз хоҳиши билан иш қилувчи дилбарим хурсандликдан кулоҳини синдирди (дўпписини яримта қилди), ойинада жилва қилиб, ойнанинг қадрини кетказди.

Шоира лирик қаҳрамони қалбининг ҳукмдори, суянган тоғи томонидан ерга урилган. Чунончи унинг маҳбуби ўз хурсандчилиги учун ўзга ёрга кетар экан, бошидаги тожи бўлган суюклисини (дўпписини) яримта қилди, унинг ҳаётининг нурафшон қилиш билан бирга, маҳбубасини қадрини кетказгани шоиранинг “*Жилва дар оина кард маҳ аз сар шикаст*” каби поэтик ифодасида ёрқин ўз ифодасини топган.

Маълумки, ижодкорлар ўз ғазалларида лирик қаҳрамон руҳий кайфиятини тасвирлаш учун турли бадий воситалардан фойдаланишган. Зеро, бадий тасвир воситасида ифодаланган мазмун натижасида оҳанг ва таъсирчанлик ортганлигини қуйидаги байтлар орқали кўримиз мумкин.

Жавҳари асли чу дошт, рўй зи оина тофт,

Зевари хуби гузошт зуби зевар шикаст.

Насрий баёни: Ўзида асл жавҳар бор бўлгани сабабли у ойинадан юзини ўгирди, у гўзаллик беағидан кечганлиги учун безаклар чиройи синди.

Лирик қаҳрамоннинг изтиробга солган нарса шуки, асл жавҳар деб ҳисоблаган маҳбубининг ундан юз ўгирганлигидир. Шоира лирик қаҳрамонни ойина, гўзаллик беағига ўхшатади ва қаршилантириш санъати орқали лирик

қахрамонининг қалби шикастлангани, чиройи синганлигини дардчил мисраларда тасвирлаб беради.

*Лаъли хушобаи бидошт, донаи якдил гузошт,
Ташнаи он жавҳарам к-ин ҳама жавҳар шикаст.*

Насрий баёни: Лабида бир дона дил гавҳари бор эди, ташлаб кетди, мен ҳамма жавҳарларни синдирган ўша гавҳарнинг ташнасиман.

Байтдан кўриниб турибдики, лирик қахрамон ўзининг ягона дил гавҳар эканлигига урғу берар экан, иккинчи мисрада у маҳбубини ҳам, ўзини ҳам жавҳарга қиёслайди. Ишқ билан ёнган ошиқнинг қалб ҳарорати азобдан ёнар экан, бир зум бўлсада, ёрини севишда тўхтамайди. Маҳбубининг муҳаббати у етказган озорлари билан маҳбубани ташналикда ёндириб кул қилаётгани сатрлар қатида маҳзун жаранглайди.

*Сунбулаш аз гул дамид, кокули нав қад кашид,
Шаҳпари товус рехт, балки саросар шикаст.*

Насрий баёни: Гул юзидан сунбул униб, янги кокиллар қад кўтарди, шунда товуснинг шаҳпарлари тўкилди, балки бошдин-оёқ синди.

Ишқ лирик қахрамон кўнгилида яшар экан, дарду бало, азобу уқубат ҳам унинг кўнгили тубида туриб, унга азоб беради, қийноқларга солади. Маҳбубининг ишқида бошқа маҳбуба борлигидан ишқ маҳбубаси ўзининг шаҳпарлари тўкилиб, балки тамоман яксон бўлганлигини айтиб зорланади.

*То хати сабзу руҳ аз ҳалқаи кокул намуд,
Ҳар ду ба ҳам чун расид, қиммати анбар шикаст.*

Насрий баёни: Унинг сабза хатлари ва юзи-кокили ҳалқасидан кўринди, иккови бир бўлиб келиб, анбар қийматини синдирди.

Лирик қахрамон маҳбубини жонидан ортиқ кўради, уни кутади, лекин унинг бевафолигидан кўнгли вайрон бўлиб, ўзи хасталанади. Унинг ўзга ёрга боқиши, у билан бирга бўлиши, эътибордан четда қолган маҳбубани хаста бўлишига, дардга чалинишига, бир сўз билан айтганда анбари, яъни санобарининг қалб оғриқларидан синишига сабаб бўлганлигига шоира ишора беради.

*Мастии лаълаш дарид жома барандоми ҳур,
Жоми шароби таҳур бар лаби кавсар шикаст.*

Насрий баёни: Лаъли лабининг мастлиги ҳур устидаги кийимни йиртди, покиза шароб жомини кавсарнинг лабини шикастлади.

Лирик қахрамон маҳбубини “лаъли лаб” деб улуғлар экан, унинг ўзга ёр ишқида бўлган мастлиги юрагини ларзага солади, ўкситади, шу боис ўзини ҳурга қиёслаб маҳбубини ҳиёнати кийимларини пора қилганлиги, покиза ишқини дарду ҳасратга тўлдириб, ишқ йўлида унга шафқат қилмай хор этганлигини зорланиб изҳор қилади.

*3-он лабу руҳсора дўш-дошт дил асбоби айи,
Даст заду шамъ кушт, по заду соғар шикаст.*

Насрий баёни: Ўша лабу руҳсор баракатидан дилимда айшу ишрат асбоби бор эди, кўл уриб шамни ўчирди, оёқ билан тепиб жомимни синдирди.

Ғазал матнидан аёнки, лирик қаҳрамонни муҳаббатга тўла кўнглидан ўзга нарсаи йўқ. Уни ёрукликка чиқарадиган, унга лаззат бағишлайдиган, ўксик қалбга оройиш берадиган ишқи, қувончи бугун ундан юз ўгирган, яъниким маҳбуби ўз қўллари билан умид шамини ўчириб, ҳаётини зимистонга айлантирган. Ишқ билан ёнган дилдорни ўз кўнгил уйи бўлган маҳбуби қўллари билан маҳв этилганлиги китобхонни ўйга чўмдиради. Ахир муҳаббат эъзоз-эҳтиромга лойиқ “кўнгил учун ҳамдам” бўлиши керак-ку, ёр унинг ўрнига жафо кўрса, маҳбубасини кўнглини вайрон қилса, бундай ҳолат албатта ўқувчини ҳам ўйга, қийноққа солади.

Оҳ ки наҳли қадаш мева ба агъёр дод,

Чўби жафо ҳар чи дошт дар сани абтар шикаст.

Насрий баёни: Оҳки, унинг қаддиниқ ниҳоли ўзгаларга мева берди, жафо калтагидан ҳар қанча бўлса ҳам уни мениқ бошимда синдирди.

Лирик қаҳрамоннинг ишонган кўнгил боғи ва дил уйиниқ соҳиби ўзга ёр ишқида маст, унга меҳр кўрсатиб турганлигини кўриш, албатта, кўнгли пок маъшукани азоб чекиши, жафо кўриши, ўз севгилиси туфайли бахтдан масрур бўлиши ўрнига, чекаётган ранжу алами байтда шоира томонидан баланд дардчил пардаларда ифода қилинади. Шоира лирик қаҳрамониниқ кўнгил ҳаёти ҳақиқатлари, инсоннинг туйғу дунёси эҳтирос ва истакларини ёрқин бадий буёқларда таъсирчан кўрсатиб беради.

Хотири Макнунаро кард парешон зи ғам,

Чун бути гулфоми фомиў зулфи муанбар шикаст.

Насрий баёни: У гул юзли гўзал хушбўй зулфларини тарқатгач, Макнунаниқ хотирини ғамдан паришон қил.

Лирик қаҳрамоннинг ишқи, оғриқли дарди ҳассос шоираниқ ўзини ҳам бефарқ қолдирмайди. Ғазал матни шарҳидан ҳам кўриниб турибдики, маъшуканиқ кўнгил уйи ишқидан ўзга ҳеч нарсаи йўқ. Унинг вайрон этилиш эса маҳбубани ўлдирса, шоира дунёсини ғам селидан паришон қилади.

Юқоридаги байтлар таҳлилидан кўриниб турибдики, ғазалда “кўнгил” сўзи бевосита иштирок этмаса-да, кўнгилга дахлдор ҳолатлар, кайфият ва кечинмалар берилганки, улардан лирик қаҳрамон руҳиятиниқ кўнгил олами гўзал бадиият билан тасвирланганини кўриш мумкин. Хуллас, ушбу ғазалда шоира ошиқни маъшуқа кўнглига етказган озорлари тасвирини бетакрор мисрларда рангин ва мискин тасвирлаган. Бу эса муаллифниқ инсон руҳиятини яхши билиши, инсон кечинмаларини ўзига хос маҳорат билан тасвирлаши ва буюк сўз устаси эканлигидан далолат.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Solpınarlı A. I. Tasavvuf'tan dilimize decin degimler ve ataso'zleri. –Istanbul, 1977. –s.136.
2. Нодира. Асарлар. Иккинчи жилд. 1-жилд. Девон. (нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи М.Қодирова). –Т.: Бадиий адабиёт, 1968. –Б. 163.
3. Нодира. Асарлар. Иккинчи жилд. 1-китоб. Девон. (нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи М.Қодирова). –Т.: Бадиий адабиёт, 1971. –Б. 136 -139.

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –Б.457.
5. Ўзбек халқ мақоллари. Икки томлик. 1 том. –Т.: 1987. –Б.247; 249.
6. <http://surxontongi.uz/sheriyatga-oshno-kungillar/>

O‘ZBEK SHE’RIYATIDA BADIYLIK VA IJODKOR MAHORATI

*Kabulova Zamira Adilbaeva,
Nukus Davlat Universiteti dotsenti, f.f.f.d (PhD)*

Istiqlol yillariga kelib, ko‘pgina sohalarda bo‘lgani kabi o‘zbek adabiyotida, badiiy ijod olamiga ham bir qator poetik talqindagi yangiliklarni olib keldi. Yangilanish jarani, nafaqat, adabiyotda balki, she’riyatda ham teranqor ko‘zga tshlana boshladi. Qozoqboy Yo‘ldoshev alohida qayd qilib o‘tganidek: “Davr va adabiyot munosabati g‘oyat murakkab muammodir. Chunki zamonning asosiy belgisi uning tinimsiz harakatdaligi, o‘zgarib turishi bo‘lsa, asl adabiyotning bosh xususiyati uning o‘zi yaratgan zamonga qaraganda ko‘proq yashashga intilishi, barqarorroq bo‘lishga urinishidir” [1, 15-bet]. Bu fikrlarning zamirida davr uchun hamohang haqiqat mujassamlashganligini kuzatish mumkin. Shuning uchu yangilanayotgan badiiy adabiyot, mafkuradan xoli bo‘lib, inson qalbidagi istiroblarni talqin eta boshladfiki, bu esa jahon adabiyotidagi etakchi tamoyillarni ham o‘zida mujassamlashtira boshlaganligidan dalolat berar edi.

Badiiy poetik yangilanish, zalvorli muammolarni ko‘tarib chiqish, inson ruhiy olamidagi ziddiyatlarni talqin etish an‘anasini yuksak darajaga chiqara oldi. Buning natijasida salmoqli, o‘zgarishlar bilan to‘la yo‘g‘rilgan adabiyot yuzaga keldiki, bu davr yutuqlarini hech qanday dalillar bilan inkor etib bo‘lmasligini, badiiy adabiyotdagi talqiniy o‘zgarishlar ham asoslaydi. Bu davrga kelib badiiy adabiyot dunyoni tushinish va tushintirish, inson psixologiyasi, xalq saviyasini yuksaltirishga intilishining o‘ziyoq badiiylikni yuksak darajaga olib chiqishga xizmat qildi. Shuning uchun ham, badiiy adabiyot yangilanish bosqichiga qadam qo‘yganligi bilan izohlash mumkin. Avvalombor adabiyotning vazifasi mohiyatan yangilandi. U endi ma’lum bir mafkuraga emas, inson psixologiyasini aks ettira boshladi. Umuman, ijodkor hayotni teranroq anglashga intildi, olam va odam haqida boshqacharoq, falsafiyroq fikrlay boshladilar. Bu yangilanish insonni tasvirlash tamoyillarida ham o‘z aksini namoyon qildi. Endilikda inson badiiy adabiyotda o‘z mohiyatini qaytadan kashf etish orqali, yillar davomida istirob chekib kelayotgan inson qismati, taqdiri haqidagi falsamiy mushohadani ilgari surishga intildi. Insoniyat badiiy adabiyotda bosh qadriyatga aylandi. Yozuvchilar uni o‘z boricha tasvirlashga harakat qildilar. Inson yaratish uchun tuzumning qandaydir manfaatlari bilan hisoblashish shart bo‘lmay qoldi. Inson qanday bo‘lsa, shu holicha ulug‘landi, joyi kelganda qilmishlari mas’ul shaxs sifatida talqin etildi. Inson qanchalik ulug‘lanmasin o‘z hatti-harakatlariga, hatto o‘y-hayollariga javob beradigan mas’uliyatni ham uning zimmasiga yuklay boshladi. Bu esa o‘z navbatida insonni, uning borlig‘ini badiiy kashf etish

imkoniyatlarini bera boshladi. Bir soʻz bilan aytganda istiqloq adabiyoti insonni murakkablashtirdi, noziklashtirdi, bir xil qarashlar tizimi bilan tushinib ham, tushintirib ham boʻlmaydigan bir xilqat ekanligini asosladi va shu jihatdan insonga yondoshildi. Shuning uchun ham asrlar davomida insonni kashf etishning yangi-yangi yoʻllari, poetik talqin usullari yuzga chiqayotganligini alohida qayd etish zarurdir.

“Oʻzbek adabiyotining qator fazilatlarini sanashimiz, tarixiy va zamonaviy qahramonlar xarakterini misol qilib keltirishimiz, yozuvchilarimiz ham mumtoz adabiyotimiz manbalaridan unumli foydalanib, hozirgi ilgʻor jahon adabiyotida paydo boʻlayotgan yangiliklardan emin-erkin bahramand boʻlayotganlarini aytishimiz mumkin. Lekin bizningcha hozirgi oʻzbek adabiyotida realizm adabiyoti ilgʻor prinsiplardan foydalanilayotganligi hamda modern-obsurt, syurrealizm, avangardizm oqimlari, eksistensializm metodiga murojaat etilayotganini taʼkidlash joiz” [2, 20-bet]. Qayd qilinganidek, yillar davomida mafkuraviy tayziqlardan bezgan oʻzbek adabiyoti oʻzining yangilanish tamoyillarini haqli ravishda yuzaga chiqara oldi. Buning zamiridagi talqinlarda insonni borligʻichsha, haqqoniy qiyofasini aks ettirishga intildi. Birinchi navbatda ijod uchun erkin sharoit yaratilganini alohida taʼkidlash kerak. Hayotni aks ettirishga odamlar xarakterini yaratishga erkin munosabat yangi adabiyotning muhim belgisidir. Adabiyotdagi yangilanish jarayonlari haqida toʻxtalganda esa, albatta, mazkur sanʼat sohasining oʻziga xos xususiyatlarini nazarda tutib mulohaza yuritmoq zarur. Masalan: gulzordagi gullarni bugun sugʻorsangiz, ertasiga ertalaboq yashnab-yayrab ketadi, uning yashilligi quyushadi, taʼnasi baquvvat tortadi, gʻunchalaydi, xullas, dabdurustdan yangilanadi. Adabiyotdagi yangilanish jarayoni esa asta-sekin kechadi” [3, 192-bet]. Mustaqillik davri adabiyotining yana bir muhim xususiyati shundan iboratki, bu vaqtga kelib oʻzbek adabiyoti jahon adabiyotining barcha ananalari bilan qiyosiy tahlilga tortildi. Yangicha tamoyillar va oqimlarning taʼsiri sezilarli darajada yuzaga chiqdi. Bugungi adabiyotshunosligimiz oʻrganishga intilayotgan oqimlardan biri modernimizdir. Har bir adabiy oqimning yuzaga chiqish tamoyillari boʻlgani kabi, modernizmning oʻzbek badiiyatidan oʻrin olishi ham bejiz emas edi. “Modernizm” atamasi, haqida oʻziga hos fikrlarning mavjudligini kuzatish mumkin. “Modernizm” (frans. moderne-zamonaviy) – XX asr sanʼati va adabiyotidagi qoʻllanilayotgan turli-tuman norealistik yoʻnalish, oqimlarning umumiy xususiyatlarini oʻzida mujassamlashtirganligi bilan ham alohida ajralib turadi.

Modernist yozuvchilar ijodda anʼanaviy uslub va badiiy shakllardan voz kechib, yangi zamonaviy uslub, shakllarga boʻlgan ehtiyojning vujudga kelishining oʻziga xosligi, bir xillikdan beza boshlagan ijodkor, yangicha tamoyillarni, poetik talqinlarni izlay boshlaydi.

XX asrning soʻngi choragiga kelib, oʻzbek adabiyoti taraqqiyotida jahon adabiyotining nodir durdonalarini yaratgan adiblarning ijodiy taʼsiri sezilarli tarzda yuzaga chiqqanligini ham qlohida qayd etish lozim. Mavjud adabiyot yillar davomida bir xillikdan “zerikkan”ligining belgisidir. Shuning uchun Gabriel Garsiya Marques, Jeyms Joys, Y. Kavabasa, F. Kafka, X. Kortasar, T. Vulf, A.Kamyu, L. Borxes, K. Fuektas singari yozuvchilarning ijodiy anʼanalariga tayanish, undan “oziqlanish”

holatlari ham koʻzga tashlanadi. Badiiy ijod jarayonida dadil izlanishlar olib borayotgan yosh qalamkashlar milliy adabiy anʼanalari zaminida mustahkam turib, jahon adabiyotidagi etakchi tamoyillarni ham oʻzlashtirib borayotganligidan dalolat beradi. Bu esa oʻzbek adabiyoti oʻz “qobigʻida” emas, jahon adabiyotidagi anʼanalardan ham oziqlanayotganligidan dalolatdir.

Oʻzbek adabiyotshunos olimi Ozod Sharafiddinov modern adabiy oqimimhning vujudga kelishini, uning sabablarini quyidagicha izohlaydi: “XIX asr oxiri, XX asr boshlarida jahonda ijtimoiy hayot sohasida taraqqiyot surʼatlari mislsiz tezlashib ketdi. Bu fikrda, qarashlarda ham koʻplab yangicha qarashlar, yangicha fikrlarni vujudga keltirdi. Ular adabiyotda ham insonga yangicha munosabatda boʻlishni taqozo eta boshladi. Boshqacha aytganda, adabiyotda koʻp vaqtlardan beri amal qilib kelgan realizm metodi qay bir jihatdan eskirgandek, yangi mazmunlarni ifodalashga torlik qilib qolayotgandek koʻrindi. Va ayrim sanʼatkorlar zamon talablariga muvofiq ravishda hayotning aks ettirishning yangi yoʻllari, shakllarini izlay boshladilar. Shu tarzda butun jahon boʻylab turli-tuman modernistik, yaʼni zamonaviy oqimlar paydo boʻla boshladi. Albatta bularning ichida samaralilari ham bor edi. Va shunchaki tajriba tariqasida, oʻtkazilgan, lekin amalda katta muvaffaqiyatlarga erishmaganlari ham bor edi” [3, 239-bet].

Yangilananib borayotgansheʼriyatda ham turfa xil ohanglar oʻz ifodasini topmoqda. Bu esa kitobxondan bugungi sheʼriyatni tushunish, anglash ehtiyojini ham yuzaga chiqardi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR ROʻYXATI:

1. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т.: Янги асп авлоди, 2006. – 548 б.
2. Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. –Т.: Шарқ, 2007. – 336 б.
3. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти. –Т.: Фан, 2007. – 342 б

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲИКОЯЛАРИДА ЎХШАТИШНИНГ БАДИИЙ-ЛИСОНИЙ ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

*Алмаматова Шаҳноза Турсункуловна,
ЖДПИ доценти, ф.ф.номзоди*

Инсоният фаолиятига назар ташласак унинг атрофимизни ўраб турган сирли олам, нарса-ҳодисаларни ўзлаштира боргани (бораётгани)нинг гувоҳи бўламиз. Бу, албатта, беминнат, иддоасиз тил воситасида бўлади. Тилимизнинг бутун сир-синоати, салоҳияти жозибадорлиги, нозик тушунча ва ҳистуйғуларни ифодалаш сўзлар воситасида юзага чиқади. Сўзларнинг ташқи, зоҳирий томони - фонетик қурилиши ва тизимида юз берадиган ўзгаришлар қанчалик аҳамиятли бўлса, тил бирликларининг ботиний томони ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Тил бирликларига юклатилган маъно тафовутлари ўхшатиш, қиёслаш, умумлаштиришлар воситасида фарқланади. Бир сўз билан айтганда, бу сирли олам ўхшатиш, қиёслаш воситасида конкрет тушунчаларга айланади.

Ёзма адабиёт-бадий адабиёт адабий тил нормаларига деярлик амал қилади. Шунинг учун ҳам ўхшатишларда ўхшатиш образи билан ўхшатилаётган образ муайян белгини бир-бирларига уйғунлаштирувчи восита - дай, -дек морфемалари ҳисобланади. Ҳикоялардаги ўхшатишларда бу морфемалар фаол қўлланган. Шунингдек, лексик воситалар, синтактик воситалар - сўз бирикмалари ҳам ўхшатиш воситаси бўлиб хизмат қилган.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида ўхшатишнинг бутун бадий-лисоний имкониятлари тўлиқ ишга солинган. Тилимизнинг заргари, улкан сўз санъаткори сифатида яратган ўхшатишлари кучли образлилиги, сўз санъатидан фойдаланиш маҳорати ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради.

Абдулла Қаҳҳор ўхшатишлар воситасида сўзларнинг янги қирраларини очади, унга(сўзга) кўшимча маънолар юклайди. Бу, албатта, ёзувчи ижодий маҳоратининг маҳсули саналади.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида парранда эталони ёрдамида чиройли, ўзига хос яратилган ўхшатишлар анчагина учрайди. Ўхшатишлар морфологик, лексик-семантик воситалар ёрдамида шаклланган.

-дай морфемаси асосида: Ҳали сиз диққат қилмадингиз, кўчанинг бошида туришини кўрсангиз - худди *чўчиган товукдай* бошини силкиб-силкиб атрофга қарайди. [“Ифвогар”, 1-том, 159-бет]. Ифвогарнинг товукқа ўхшатилишида рамзий маъно яширинган, чунки чўчиган товук қаёққа боришини билмасдан у ёқ - бу ёққа олазарак бўлиб қарайверади, лекин на қочиб кетишнинг уддасидан чиқади, на бирон жойга паналашнинг уддасидан чиқади. Ўзининг ҳолатини билдириб қўяди. Ифвогар ҳам худди ўхшатма қилинган товукқа ўхшаб, ифводан бошқа ҳеч нарсага ярамайди. Ёки: Ҳикмат бува *касал мусичадай* бир чеккада қунишиб ўтирар, афтидан, энди унинг учун оламда ҳеч ким, ҳеч нарса қолмаган эди. [“Маҳалла”, 1-том, 307-бет]. Азадор, кампирдан ажраб қолган Ҳикмат буванинг ҳолати ювошлик рамзи бўлган мусича, яна касал мусичага ўхшатиш унинг узоқ йиллар бирга яшаган ҳамдардидан ажраб қолганда ўта тушқунлик ҳолати тасвирланмоқда.

Ёшлари орасида жуда катта фарқ бўлган кишилар орасидаги оилавий аҳдлашув жуда чиройли кулги билан тасвирланади: Келин дарҳақиқат ёш, лекин худди *қизиқчиликка семиргандай* юм-юмалок; эгнида енгсиз қизил кўйлак, бошида *попушакнинг тожигга ўхшаган*, лекин қизил шляпа [“Тўйда аза”, 1-том, 177-бет]. Ёшларига мос бўлмаган ҳаракат, кийинишни попушакнинг тожигга мингзаш орқали ҳажв қилинмоқда. Бу ҳолат халқимиздаги “тенг-тенги билан” деган мақолга айнан мос келади. Лексемалар воситасида яратилган яна бир ўхшатишда аёлларимизнинг эркин фикр юритиши маънавий ўзгариши чиройли ўхшатиш: - Биз ёруғ дунёни кўриш учун туғулганмиз, Турғуной! - деди Мастон. Биз *товуқ эмасмизки*, қандай тухум бостирса шуни очиб чиқсак [“Мастон”, 1-том, 85-бет].

Ҳикоя ёзилган пайтда халқимиз орасида “қиз бола бировнинг хасми” деган мақолга қатъий риоя қилиш ўта кучли бўлган. Давр ўтиши, жамият тараққиёти, одамлар онгининг ўсиши, қизларимизнинг ўқимишли бўлиши ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини англаб етишга олиб келди. Бу чақириқ (Мастоннинг чақириғи -

изоҳ бизники) уларнинг мавжуд тузумга норозилик исёни эди. Дарҳақиқат, қизларнинг бу норозилиги давр ўтиши билан ўз ечимини топди, дорулзамон кунлар ҳам келди.

“Ҳар бир аёл, она ҳеч бўлмаганда энг зарур билимларга болаларининг саволларига жавоб бера оладиган даражада маълумотга эга бўлиши зарур”¹.

Лексик воситалар ёрдамида хотин-қизларнинг ахлоқий фазилатини кўрсатувчи ажойиб ўхшатишлар қилинган. Масалан: Биринчи хил муҳаббатдан гул билан кўз ёши олиб ташланса, чунончи, *парранда муҳаббатидан* фарқ қилмайди[“Хотинлар”, 1-том, 256-бет]. Тилдаги “муҳаббат”ни парранда муҳаббатига ўхшатиш, бир томондан мантиқий асосли бўлса, иккинчи томондан, ҳамма ижодкорлар ҳам қўллаётмайдиган ўхшатишдир.

Парранда эталони билан боғлиқ юқоридаги ўхшатишда бевосита паррандаларнинг ўзлари асос қилиб олинса (парранда муҳаббати), кейинги мисолларда парранда аъзолари воситасида уларга хос белги-хусусиятлар асосида ўхшатишлар яратилган.

Қанот - қуш ва ҳашоратларнинг учиш, парвоз қилиш аъзоси бўлса-да, унинг шахс “парвози” ёки “парвоз”дан йиқилувчи-йиқитувчи каби рамзий маънолари ҳам мавжудки, улардан-қанот эталонидан ижодкор фавқулудда ўхшатишлар яратади. Бундай ўхшатишларнинг бирида ҳаёли руҳий кечинмаларни ифодаласа, иккинчи ўринларда бошқа “қахрамон”нинг қора ниятини кўрсатади. Масалан: Баҳри боргиси келса ҳам, ниманингдир андишасини қилиб турган экан шекилли, бу гапни эшитиб гўё *қанот чиқарди*[“Хотинлар”, 1-том,258-бет]. Мараз бу хабарни (секретарь ўлимини - изоҳ бизники) эшитиб югурганича идорага келди, ўзини урди, сочини юлди, “*қанотим синди*” деб дод солди...[“Ифвогар”, 1-том,157-бет]. У, кўрбошининг *ўнг қанотини синдирди*, унинг вазири Исҳоқ афандини ўлдирди [“Кўр кўзнинг очилиши”, 1-том,72-бет]. Биринчи мисолда Баҳрини боришга иштиёқ қилди, бормоқчи бўлди, у ҳам қўшилди дейиши мумкин эди. Йўқ, Баҳридаги ҳолатни *қанот чиқарди* бирикуви билан ифодаламоқда. Бу халқдаги “учгани қанотим йўқ” бирикувиға аналогия йўли билан ҳосил қилинган. Юриш, югуриш ҳаракатларига нисбатан учиш анча тездир. Демак, Баҳри учиб кетиш даражасига борди кучли эмоционал-экспрессивлик ифодаланмоқда. Ёки, “*ўнг қанотини синдирди*”- Кўрбошининг ҳаракатга келтирувчи кучи қанотларга ўхшатишмоқда. Кўрбоши ҳаракатдан тўхтади, учишдан маҳрум бўлди. Бу ўхшатиш билан Кўрбошини йўқ қилишга тайёрламоқда. Битта ўхшатиш эталони ўқувчини ҳам қизиқтиради, ҳам ўйлашга мажбур қилади.

Уруш йилларининг даҳшати одамларнинг тинка мадорини қуритган, ҳам моддий, ҳам маънавий қийинчиликдан қутулиб, озодликка эришган ҳолати жониворларга ўхшатиладики, бу давр ҳақиқати тимсолидир: Эрталаб қишлоқ аҳолиси (душманлардан тозаланган қишлоқ- изоҳ бизники), баҳор куёшининг дастлабки нуридан *жонланган жониворлар сингари*, ўрмалаб кўчага чиқа бошлади [“Олтин юлдуз”, 1-том, 292-бет].

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар, ҳикоя қахрамонларининг характер-хусусиятларидан келиб чиқиб ҳашоратлар эталони

билан ажойиб ўхшатишлар яратган. Бунда -дай равиш ясовчи ва ўхшатиш оти ясовчи морфемалардан ҳамда лексик воситалардан фойдаланади.

-дай аффикси воситасида:...эллиқ уч йилдан бери меҳр аталмиш улкан туйғу риштасини *пилла қуртидай* бир маромда аста-секин чувиб, бирирининг қалбини ўраб-чулғаб келган... [“Маҳалла”, 1-том, 307-бет] Беозорлик, оилавий муносабат пилла қуртига менгзалса, бошқа бир ўринда воқеалар ривожини ўта даҳшатли бўлгани учун ўта заҳарли ҳашорат қора қуртга ўхшатилади: Чалақзордан катта-кичик дарахтларни йиқитиб, мажақлаб чиққан танк *қора қуртдай* ҳар чоқ заҳар солишга тайёр ҳолда ўрмалаганича Аҳмадҷон пулемёти расчётига томон кела бошлади [“Олтин юлдуз”, 1-том, 121-бет].

Бу ўринда танкнинг ўта заҳарли қора қуртга ўхшатилиши ўз-ўзидан душманники эканлиги сезилиб турибди.

Ёзувчи ўхшатишларини таҳлил қилар эканмиз уларнинг қаҳрамонлар характериға жуда ҳам монанд эканлигининг гувоҳи бўламиз. Бир ўринда ўхшатиш эталонини “кана” қилади. Канадаги хусусиятларни кўз олдимиғза келтирамиз: жуда кўримсиз, ёпишқоқ, сўрувчи, ёпишган жойидан ўлдириб олиш керак, ўта зараркунанда. Кананинг ана шу хусусиятлари билан иғвогарни талқин қилади. Ўйлаб қарасак, ёпишадиган хусусиятли ҳашоратлар, ўсимликлар жуда кўп, лекин ҳеч бири канаға ўхшамайди: Мараз ким нима деса ўшанинг оғзига қарар, бировға дўқ қилиб, бировға ёлворар, ким уни секретарликдан бўшатиш ҳақида гапирса, столға *канадай ёпишиб олиб* дод солар, ўшанақа одамларға сиёсий айблар тақар, оти идораики бор - ҳаммасиға югурар, арз қилар, ариза берар эди [“Иғвогар”, 1-том, 158-бет].

Ҳикояларда пашша, хира пашша, безгак пашша симболи ҳам ажойиб ўхшатишлар яратишға асос бўлган. Ёзувчининг топқирлиги, буюклиги шундаки, ҳар қандай ўхшатиш мантиқий асосға эға. Чунончи, “пашша” эпизоди. Пашша, биринчидан, ўта ифлос жойларда яшовчи ҳашорат, иккинчидан, касалликларнинг микробларини ташувчи, учинчидан, уни ҳамма ўлдиради. Пашшадаги ана шу хусусиятлар ҳикоялар қаҳрамонларига менгзалади: Фақат *пашша гингиллайди*, бемор инқиллайди [“Бемор”, 1-том, 57-бет]. Сукунат ифодаси. Сукунатни пашша бузмоқда. Бу сукунатнинг интиҳосини ўқувчи осонгина англайди. Ёки, ортиқча хатти-ҳаракатни ёқтирмаслик, унга норозилик белгиси сифатида пашша эталони қўлланади: Собирҷон ўзи тажанг бўлиб турган эди, аччиғи келди. **-Безгак пашшаға ўхшаб** гингиллай берманг! - деди, - бу ерга келганлар келин билан куёвни калака қилгани келиптими? [“Тўй”, 1-том, 120-бет].

Хуллас, Абдулла Қаҳҳор ўхшатиш эталони қилиб олган парранда ва ҳашоратлар (товуқ, мусича, попушак, пилла қурти, пашша, кана каби)нинг бир қисми инсонлар учун иқтисодий фойдали бўлса, бир қисми зарар кунандалардир. Парранда ва ҳашоратларнинг ана шу табиий ҳолаттидан, одамларнинг уларға муносабатидан келиб чиқиб яратилган ўхшатишлар орқали тилимизнинг нозик жилоланиши, товланиши ҳамда қудратини намоиш қилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ҳидоят” журнали. 2014. 9-сон, 13-бет.
2. Абдулла Қаҳҳор танланган асарлар 1-том. “Ифвогар”, 159-бет.
3. Абдулла Қаҳҳор танланган асарлар 1-том, “Маҳалла”, 307-бет.
4. Абдулла Қаҳҳор танланган асарлар 1-том, “Тўйда аза”, 1-том, 177-бет.
5. Абдулла Қаҳҳор танланган асарлар 1-том, “Мастон”, 1-том, 85-бет.
6. Абдулла Қаҳҳор танланган асарлар 1-том, “Хотинлар”, 1-том, 256-бет.
7. Абдулла Қаҳҳор танланган асарлар 1-том, “Хотинлар”, 1-том, 258-бет.
8. Абдулла Қаҳҳор танланган асарлар 1-том, “Ифвогар”, 1-том, 157-бет.
9. Абдулла Қаҳҳор танланган асарлар 1-том, “Кўр кўзнинг очилиши”, 72-бет.
10. Абдулла Қаҳҳор танланган асарлар 1-том, “Олтин юлдуз”, 292-бет.
11. Абдулла Қаҳҳор танланган асарлар 1-том, “Олтин юлдуз”, 121-бет.
12. Абдулла Қаҳҳор танланган асарлар 1-том “Тўй”, 120-бет.

**АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА ЛЎЛИ ОБРАЗИНИНГ
БАДИЙ ТАЛҚИНЛАРИ**

*Маърифат Ражабова Бақоевна,
БухДУ доценти, ф. ф. номзоди*

Алишер Навоийнинг назмий ва насрий асарларида турли этник қатлам, ижтимоий тоифага мансуб миллатлар, уларнинг яшаш тарзи билан боғлиқ маълумотларни ҳам учратиш мумкин. Шулардан бири лўлилар образидир. Навоий уларнинг Ҳиндистондан Ажам юртларига келиб қолиш тарихини “Тарихи мулуки ажам” асарида халқнинг Баҳром Гўр номи билан боғлиқ тарихий ривоятлари асосида ёритиб: “Ва тўрт минг уйлук созанда ва гўянда ва раққос ва аҳли тараб Ҳиндистондин кўчуруб олиб келдики, ҳоло бу мамоликда лўлилар алар наслидиндур”, - деб ёзади [6;237].

Шундан келиб чиқиб, Навоийнинг айрим мисраларида лўли ва хинду образлари ёнма-ён келтирилгани намоён бўлади:

*Малоҳат ўлса олур жонни лўлию хинду,
Гар ўлмаса қочурур моҳи ўқчаву Халлук [1;85].*

Шоир кўпинча ҳамма инсонни ҳам Оллоҳ яратгани, шунинг учун улар орасида тафовут қўйиб бўлмаслигини, инсон инсонни камситишга ҳақсизлигини бевосита лўли образи орқали ёритгани аёнлашади:

*Кўнглумни олса малоҳат била тафовути йўқ,
Хитой ўлсуну ё армани ва ё хинду [2;472].
Мен тилаб ҳусн, вале шоҳ тилаб аслу насаб,
Менга лўлий била хинду, анга қўнгиrotу қиёт [3;55].*

Ёки:

*Ким кўнгул сайд этса лўли бўлсаким тут муғтанам,
Айтмон арлот ё барлосдин мирзода топ [2;63].*

Қолаверса, халқ ҳадислардаги “Уч кишининг дуоси ижобатдур: ота-она, мазлум ва мусофирнинг” деб айтилган фикр сабабли лўлиларни ватансиз, мусофир сифатида қараб, имкон қадар уларга хайру эҳсон қилиб, дуосини олишга, рангжитмасликка интилган. Айниқса, уларнинг фолларига ишонч билан қарашган. Лўлилар рақсидан маънавий завқ олишган. Шунинг учун ўз асарларида халқнинг реал турмуш манзараларини акс эттиришга алоҳида эътибор билан қараган Навоий асарларида лўли рақслари тасвирига айрича ишоралар келтириб ўтилган:

*Навоий бўлди лўливаши келмиш анга лўли хуш,
Қани бир жоми лўликаши, лўли тутса бир соғар.
Тамаъ қилма фалақдин ком, ким ханжар қилур ошом
Янги ой шаклидин ҳар шом ул лўлийи бозигар [1;183].*

Лўлилар ўтмишдан ҳозиргача ўз анъанавий маданиятига ниҳоятда садоқатлилиги билан ажралиб турувчи этник қатламдир. Навоий келтирган юқоридаги маълумотлар уларнинг кўпинча кўчиб юргани, халқ орасида турли томошалар кўрсатиш орқали ризқ топганидан далолат беради. Келтирилган байтларда раққос лўли йигитнинг пичоқ сеҳри ва рақси жозибаси таърифланмоқда. Унинг янги ой шаклидаги ханжарни ютиб ўйин кўрсатиши билан боғлиқ маҳорати тасвири асосида халқнинг лўлиларни магик кучга эга инсонлар сифатида тасаввур қилишлари ҳақидаги қарашларини ҳам намоён этиш учун келтирилган.

Алишер Навоий молу мулки йўқ, ҳаётини ўйин-кулги, томоша кўрсатиб ўтказувчи, эртасини эмас, фақат бугунини ўйловчи, шу кун топганини шу кун сарфлайдиган лўлилар образидан кўпинча эртаси учун қайғурмайдиган, ризқи ва эртасини Оллоҳга таваккул қилган кишилар тимсолини яратишда фойдалангани кузатилади. Шунинг учун шоир кўпинча тожу тахт ҳирсига берилган шоҳларга лўли образини мантиқан зид кўяди:

*Гар менингдур ёр лўли бўлса шоҳ этмон ҳавас,
Найлай ул шахники, ҳар лўлига бўлғай ҳамнафас [3;169].*

Навоий яна лўли гўзаллар кўлидан чоғир ичишни, унинг висолига эришишни бахтга тенглаштиради. Мана шу маъноларда шоир лирикасида **лўли, лўливаш, лўлийи бозингар** образлари тез-тез кўзга ташланади. Бунда лўли қиз маъшуқа маъносида келтирилиб, унинг холи, сочи, киприги ҳусн латофат, гўзаллик тимсолида таъриф қилинади. Айрим тасвирларда эса маъшуқанинг холи лўлийи бозингарга ўхшатилади:

*Бир лўлийи бозигар эрур чамбар ичинда
Холингки ўшал ҳалқаи гесу била ўйнар [2;161].*

Шоир маъшуқанинг ияги остидаги ўйноқлаб турган зулфи (соч ҳалқаси) ичидаги холини чамбар ичида ўйнаб, томоша кўрсатаётган лўлийи бозингарга ўхшатган. Холнинг лўлийи бозингарга ўхшатилишида унинг қора рангда эканлиги назарда тутилган. Шунингдек, байтда лўли ўйинларининг бир тури - ҳалқа ичида рақс кўрсатишга ҳам ишора қилинган.

*Эй Навоий, жисм аро жон риштасин тутқил азиз,
Ким бори лўливашим лаъби учун асбоб эрур [1.128].*

Лаъб - ўйин, найранг, кўнгил очиш маъносидаги сўз. У орқали лирик қаҳрамоннинг жон риштаси лўливашнинг ўйин кўрсатувчи асбобига ўхшатишгани англашилмоқда.

*Лўливашимдин айруки, қабримда лоладур,
Ул ўйнагон кеби ёғоч узра пиёладур.
Гулзор ораму лўли этар лаъб тўлганиб,
Ё гул кеби узорида мушкин кулоладур [4;136].*

Ошиқ қабридаги лолар лўлийи бозингарнинг кўлидаги пиёлага, мушкин кулоласи (чамбараланган сочи) гул қаватларига қиёсланган. Лўливашнинг гулзордаги гул каби тўлганиб ўйнаётгани, унинг гул қатлари каби жингалак сочлари таърифланмоқда.

Шоир лирикасида маъшуканинг қотил, жон олувчи сифатида таърифланиши кўп ғазалларида учрайди. Хусусан, шоир гўзал лўливашда шу сифатлар кучлилигини таъкидлаб ёзади:

*Не лўливашдур ул қотил, ки қон тўкмаккадур яксар,
Қиё боқмоқлари – поки, итик мужгонлари – ништар [4;182].*

Навоий жуда кўп ғазалларида маъшуканинг қотиллигига унинг нигоҳини сабаб қилиб кўрсатади. Маъшуқа нигоҳи поки (устара, пичок, ўткир асбоб)га, мижгонлари эса наштарга қиёсланган.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий лўли сингари образи воситасида яратувчи, поклик ва мавсумлик, беғуборлик, бойлик, дунё, ҳаётнинг ўткинчилиги, ризқ ва келажакни, тақдирни Оллоҳга таваккул қилиш сингари ғояларини очишда ўзига хос услубда фойдаланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Навоий А. Бадоеъ ул-бидоя. МАТ. XX жилдлик. I жилд. –Т.: Фан, 1987.
2. Навоий А. Наводир ун-ниҳоя. МАТ. XX жилдлик. II жилд. –Т.: Фан, 1987.
3. Навоий А. Наводир уш-шабоб. МАТ. XX жилдлик. IV жилд. –Т.: Фан, 1989.
4. Навоий А. Бадоеъ ул-васат. МАТ. XX жилдлик. V жилд. –Т.: Фан, 1990.
5. Навоий А. Тарихи мулки ажам. МАТ. XX жилдлик. XVI жилд. –Т.: Фан, 2000. –Б. 237.

БОБОРАҲИМ МАШРАБНИНГ ДИДАКТИК ҚАРАШЛАРИ

*Мўмин Ҳошимхонов,
ЖДПИ доценти,
филология фанлари доктори*

Бобораҳим Машрабнинг дидактик қарашлари ҳақида гап кетганда унинг «Кимки толибдур анинг ганжи ниҳони тавбадур», «Жумлайи мақсудни сан зоти Аллоҳдин тила», «Асли давлат дин эрур, марди гуноҳдин, манки ёнмасман ҳануз», «Ошиқ улдур то дилига сақласа асрорни» ва бошқа шеър

мухаммасларида панд-насихат, ўғит, ахлоқий фикрлар, таълим-тарбиявий ғоялар илгари сурилган.

Машраб илм-фан, ахлоқ йўлига кирган кишининг ички яширин-ниҳони тавбадир дея таълим беради. У инсонларга мурожаат қилиб, тирикликнинг, иймоннинг, бандаларнинг, шоҳу гадонинг маслаги тавба бўлиши зарур дея одамларга панд-насихат қилади. У тавба деган сўзни оғзига олган кишиларда гуноҳ қолмаслигини, инсоннинг қилиб қўйган гуноҳини тавбаси учун Аллоҳ таоло афв этишини, ҳатто Қуръони каримда ҳам Аллоҳ бандалари тавбасини афв этишини айтганлигини, тавба қилмаган киши ҳеч қачон мақсадга етолмаслигини, «Жумлаи шоҳу гадонинг соябони тавбадур» дея ўғит беради.

Машраб тавбани дарёга қиёслаб кишини дарё тубидан дур изловчига ўхшатади, шармандаи шармисор киши тавбаси туфайли покиза бўлади дейди у. Тавба унинг фикрича, инсон гарданидаги гуноҳларини кетказди, Аллоҳга содиқ бандаларгина тавба-тазарру қиладилар дея насихат қилади.

Унинг ўғит беришича, Холиқ тавбасиз, муножотсиз тоат-ибодатни ҳаргиз қабул қилмайди, тавба қилмаганларни Яратган даргоҳида қабул қилмайди, тавбани Аллоҳ ва унинг элчиси Расулуллоҳ мўъминлар учун фарз этди, то жонинг борица Яратган даргоҳида тавба-тазарруда бўл, дейди.

У мусулмонларга панд-насихат қилиб, ҳар соат инсон тавба қилишини уқтиради, инсон борки унинг нуқсони борлигини эслатиб, у истиғфолр айтишини таъкидлайди, бир гуноҳ қилиб қўйсанг Аллоҳга минг бора тавба қил дея маслаҳату ўғит беради:

*Машрабо, ҳар соате сан тавбани такрор қил,
Банда бенуқсон эмасдур, кунда истиғфор қил,
Оби ҳасратдин дидангни ҳар замон хунбор қил,
Бир гуноҳнинг устида тавбангни минг изҳор қил,
Жумлайи шоҳу гадонинг соябони тавбадур [1;496].*

Машрабнинг панд-насихат ҳақидаги қарашларини таҳлил этишда Ж.Юсуповнинг устози Ғайбулла ас-Салом айтиб юрган бир фикрни келтиришни лозим топдик. Чунки тасаввуфда ҳар доим бир нарса таъкидланади: олимнинг фаросатлисидан кўрк: Машраб «жойи келса авлиёликдан фаросатлилик афзалдир», дейдилар. Дарҳақиқат, домламиз раҳматлида фаҳмлаш қобилияти, донолик, юзга қараб ични билишдек ўта ноёб бир фазилат, хислат бор эди. Машрабни шунчалик севардиларки, таҳсил давомида хиргойидан тўхтаб «Машрабни тушуниш учун Машрабнинг дардини, Машрабнинг аламлари марказини топиш керак. Бу марказнинг нақ ўртасида Одам Ато ва Момо Ҳавомизнинг Жаннатдан қувилишлари машмашаси туради», [2;45] дердилар.

Машраб фарзандларга ўғит-насихат қилиб мақсудингни Аллоҳдан тила дейди, сен фоний дунё бандасисан, Шайъанлиллоҳ-(Худо учун бир нарса беринг ёки сўранг) ҳожатингни Яратгандан тила, чунки Аллоҳ бандаларга ваъда қилган, у сўраса мен уни тилақларини адо этаман деган, агар сен унга-Ҳаққа ножоиз иш қилсанг, ҳатто ўқилган намозинг ҳам унинг даргоҳида қабул бўлмайди, шунинг учун сен бутга эмас Каъбага сажда қилиб, мушкулотингни

Аллоҳдан тила, Аллоҳнинг Ягона ва дуоларини қабул қилишини, унинг қарами дарё каби кенг ва сув мўллигини эсингдан чиқарма дея ўғит беради:

*Жумлайи мақсудни сан зоти Аллоҳдин тила,
Сан гадосан, ҳожатингни шайъанлиллоҳдан тила.
Ваъда қилгондирки: Ҳеч мўъминни зоеъ қўймайин,
Онча ҳожатингни сан ажран жамолин тила [2;45].*

Мутафаккир фарзандларга насиҳат қилиб, асли давлат «дин эрур» яъни, исломиятдан хабардор киши, Худодан кўрққан, тўғри йўлдан юрувчидир дейди. Қалбингда, дилингда маъно, илм бўлмаса ўзингни марди бадавлат санама, ҳақиқат талабида бўлаверма дейди.

У Ҳотам Тоий сахийлик рамзи, гарчи сен Ҳотам Тоий каби саховатпешалигинг жаҳонни тутса-да, риёдан йироқ бўл, ўзингни саховатли, сахий деб ҳисоблама дейди. У ҳеч қачон ўзини насл-насаби билан фахрланмаслигини, ҳатто пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) авлодидан бўлса-да, унинг авлодиман дея керилмасликни, «муттақий» (тақводор, парҳезкор) бўлса-да, бу йўлда нафси амморани ўлдиришни, «зиндалик» (тирикликда) бўлмасанг, яъни хушёр бўлиб, тариқат йўлини тутмасанг, ўзингни аҳли тариқат ҳисоблама деб ўғит беради.

Фоний дунёнинг тоат-ибодатини адо этишда Яратган олдида ўзингни заиф ва ожиз, хоксор ва нотавон тут, дилингни чиркинатлардан тоза тутган, аритган ҳолда аҳли тоатман дея кўрма, ўзингни Яратган олдида сомелик билан некбин ҳолда тут дейди.

Ўзингни мухтасиб-шариатга хилоф ишларни текширувчи, бозордаги тош-тарозу ва нархларни назорат қилувчи каби тут, дилингни ғуборлардан тозала, нодонлик билан соҳиб насиҳат санама дейди.

Агарда етти иқлим сенинг фармонингга итоат этиб турса-да, аччиқ бўлса-да, шавкатлиман деб керила кўрма дея насиҳат қилади.

Мустақим (тўғри йўлдан юрувчи) бандаликда шу йўл тўғрилигини гарданингга ол, йўқлик йўлини тутмоқчи бўлсанг: «Сан адам йўлини тутгил, аҳли хизматман дема», дейди.

Фоний дунёда улуғлик сифатларини қабул қил, сен нафсинг билан уруш, унга қарши бор, «То Сиротдин ўтмасанг, аҳли саломатман дема», дейди.

Яратган хузурида, боқий дунёда ҳам сен ўзингни камбағал, мол-мулксиз деб ҳисоблама, беҳиммат деб билма, негаки Яҳёдек пайғамбар шому сахар унинг Яратган ишқи билан мотам тутиб йиғлайди, сен ҳам қалбан кўз ёш тўк, лекин аҳли надомат чекиб, афсусланма деб панд-ўғит беради.

Ғазал охирида Машраб хастадил шоирини ҳолини сўрамоқчи бўлсанг, унинг асрорини, руҳониятидан хабар олмақчи бўлсанг, эй менинг хаста дилимни даволагувчи ҳақим табиб деб у беш кунлик хатарли умр йўлидасан, ўзингни соҳиб каромат санама дея насиҳат қилади:

*Асли давлат дин эрур, марди бадавлатман дема,
Дилда маъни бўлмаса аҳли ҳақиқатман дема.
Мухтасибу нафс бўлсанг, дилни ширкатдин арит,
Сан бу нодонлик билан соҳиб насиҳатман дема.*

*Хастадил Машрабнинг асрорини билсанг, эй ҳақим,
Бул хатарлик йўлдасан, соҳиб кароматман дема [1;54].*

Мутафаккир Машраб ўзини дўзах ўтида ёнишини, бунинг ҳисобига бошқалар ёнмаслигини Аллоҳдан илтижо қилиб сўрайди. Ҳамма ғафлат уйқусидан уйғонганлигини, ўзигина ҳали уйғонмаганлигидан афсус надомат чекади.

Барча Яратган олдида тавбаю тазарруда зор-зор йиғлаб турганлигини, у эса охират аъмолин айтиб ҳануз ундан қутула олмаганидан афсус чекади.

Машраб бандаларини Аллоҳ лутфидан, марҳаматидан умидвор эканлигини, у эса бедаво нафс учун ҳали ҳануз ундан ноумид ҳолда юрганлигини таъкидлаб ўтади.

У Ҳаллоқи олам олдида ҳамма орифу содиқлар панд-насиҳатни олганлигини, у ҳамон панд-насиҳат, ўғит, ибрат олмаганидан афсус чекади. У такаббурлик шайтоний феълли одамларга хослигини, такаббурдан ҳеч қайси замон холи эмаслигини таъкидлайди.

Азозил-Иблисининг номи, шайтон Одам Атога ғурур ва кибр қилиб, Аллоҳнинг амрига бўйсунмаганлиги учун улёйи жаннат мақомидан ерга ҳайдалган. Машраб Азозилнинг саркашлик қилиб Аллоҳнинг амрига бўйсунмаганлиги, итоатсизлиги учун ерга қувилганлигини, ҳатто дунёи давлатни кўп йиққан Қорун ҳам ер қаърига кирганлигини, Аллоҳ бандаси бўлишни истасанг ҳавою ҳирсдан кечишинг, бу дунёнинг ҳою ҳавасларидан узоқда бўлишинг керак деб панд-насиҳат қилади:

*Барчалар ёнди гуноҳдин, манки ёнмасман ҳануз,
Хоби ғафлатдан уёнди, ман уёнмасман ҳануз.
Орифи содиқ ҳама панди насиҳат олдилар,
Барча пандинг олдилар, пандингни олмасман ҳануз.
Банда бўлсанг, Машрабо, кечкил ҳавою ҳирсдин,
Кечди барча ҳирсидин, ҳаргиз кечолмасман ҳануз [1;84].*

Машраб Ҳақ йўлига кирган ошиқни ҳар қандай сир-синоатни ўзида сақлай олишини, бор-йўқни ўзида англай олиши, қачонки инсон хаста бўлсагина ҳақим уни сўраб келишини, у осий банда эканлигини, Аллоҳ даргоҳидан ноумид қилмаслигини, бир гул учун ва минг гул учун ҳам бирдай сув ва парвариш кераклигини, у инсон дилида маърифатдан иймон нури бўлмаса, сўфийлар бир ҳурга буни алмаштириб юборишларини айтади.

Шунинг учун мутафаккир инсон хотирини пок қилиб дунёга берилмаслигини, дилда агар ғубор бўлса, Аллоҳга етишиш мумкин эмаслигини англатади.

Машраб бани одамзотга ва ўз лирик қаҳрамонига муаллиф сифатида фоний дунёда авлиёлардек муаззам комил инсон бўлайин десанг, Ҳаққа фақат тавба қилиб истиғфор айт дея ўғит беради:

*Ошиқ улдур то дилига сақласа асрорни,
Барҳам урса йўлига оламда йўқу борни.
То дилиннга маърифатдин нури иймон бўлмаса,
Сўфилар, бир ҳуга алмашман-дасторни.*

*Авлиёлардек муаззам бўлайин десанг вале,
Маширабо, ҳеч канда қилма дилдин истиғфорни.*

Мутафаккирнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашлари ҳақида хулоса чиқаришда аввало, Шарқда таълим-тарбиявий, ахлоқий-маънавий йўналишда ижод этган Яссавий, Умар Хайём, Кайковус, Фирдавсий, Саъдий, Жомий, Навоий асарларининг Машраб ижодига таъсирини назарда тутмоқ керак.

Бобораҳим Машраб адабий услуби, унинг тили халқ тилига жуда яқин. Буни шундан билса бўладики, у ижодида халқ оғзаки маънавий меросини чуқур ўрганиб, илҳомланган, ундан кўп ўзлаштирган Машраб Ҳофиз ва Саъдий Шерозийлар ижодини яхши билганлиги кўзга ташланади. Хусусан Навоий ва Хондамир шеърияти ва ундаги маънавий-ахлоқий, дидактик ғояларни чуқур билган.

Шарқ тасаввуфий қарашларидаги комил инсон ва унинг сиймоси Машраб асарларига кўчган.

Шуни эътироф этмоқ керакки, аввало Машраб дунёқарашига таъсир этган унинг маънавиятини бойитган омил Маҳдуми Аъзам чевараси бўлган Офокхожа хонадониди таълим-тарбия олиб, камолга етганлигидир. Шу боис у ўз шеърларида тасаввуфна истилоҳлар қўллаган, тасаввуф адабиёти намояндалари ижодига эътиборини қаратган. Шеърларида йирик мутасаввифларнинг номларини тилга олган. У фарзандларга мурожаат қилиб, аввало Яратувчига ҳамд, сано, наът, суруд ўқиган. Сониян ота-онага муҳаббатли бўлишга, уларнинг ўғит насиҳатларини тинглашга, ибратомуз намуна бўладиган жиҳатларини ўзлаштиришга даъват этган.

У яратган шеърият дидактик ва маънавий қарашлари долзарблиги, мазмун-моҳиятининг теран ва фалсафийлиги билан қимматли ва бугунги кун талабига жавоб бера олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Машраб. Девон. 2006.
2. Юсупов Ж. Машраб. Девон. Сўзбоши.

MUHAMMAD ALINING “ULUG‘ SALTANAT” TETRALOGIYASINING BIRINCHI KITOBİ “JAHONGIR MIRZO” ROMANI HAQIDA MULOHAZALAR

*Qo‘yliyeva Gulchehra Nazarqulovna,
f.f.f.doktori (PhD), GulDU dotsenti*

Buyuk lashkarboshi, yetuk sarkarda Amir Temur hayoti va ijodi haqida, qudratli saltanat qurish yo‘lidagi mashaqqatli jangu jadallari, g‘olibona zafarli yurishlari haqida nafaqat o‘zbek adabiyotida, balki dunyoning ko‘plab xalqlari adabiyotlarida keng yoritilgan. Ma‘lumki, Amir Temur va uning avlodlari qadami yetgan sarhadlarda ham san‘at va madaniyat gullab- yashnadi. Shaharlar va kentlar bunyod

bo'ldi. Ilm va din ahli ulug'landi. Ko'plab bunyodkorlik ishlari olib borildi, osmono'par madrasalar va xonaqohlar qurildi. Temuriylar saltanatida ijodkorlar, san'at ahliga hurmat va e'tibor kuchaydi, ularning dovrug'i, ovozasini yetti iqlimga yoyildi. Qadimiy va hamisha navqiron Sharq ilm-ma'rifat ziyosini har doim yer yuziga birday taratib kelganligi insoniyatga ma'lum bo'lsa-da, aynan Temuriylar davrida bu nur va ziyo ko'z qamashtiradigan darajada porladi. Bu davrda yaratilgan ilmiy va badiiy asarlar to hozirgacha dunyo olimlari va kitobxonlarining ko'ngil javonidan joy olib, ezgulikka chorlab kelayotganligi bilan ahamiyatli hisoblanadi. Bir so'z bilan aytganda, tarix sahnasida katta davrni qamragan temuriylar hukmronligi buyuk Uyg'onish davrini davom ettirib, uning yanada gullab-yashnashiga o'zining salmoqli hissasini qo'shish bilan birga, madaniyat va ma'rifatning yuksalishiga katta yo'l ochib berganligiga bugun tarix guvohlik berib turibdi.

O'zbekiston xalq yozuvchisi, Davlat mukofoti laureati Muhammad Ali „Ulug' saltanat“ nomli tetralogiyasida Movaraunnahr va Xuroson tarixida o'chmas iz qoldirgan temuriylar davlati asoschisi, sohibqiron Amir Temur siyosi va uning olib borgan chuqur siyosiyati bilan birgalikda farzandlari, ularning maishiy hayoti haqida roman-tetralogiyasini yaratdi. Bu asarning dunyoga kelishida adibning bir necha yillik mashaqqatli tarixiy, ilmiy izlanishlari mevasi hisoblanadi. „Demak, milliy roman ichki ijodiy tadrij asosida taraqqiy topgan va 1970-1990-yillardayoq mustaqillik davri romanlari rivoji uchun muayyan zamin hozirlangan. Shuning uchun, istiqloq davrida milliy qadriyatlarni qayta idrok etish, voqelikni yangicha talqin qiish poetik ijodning bosh yo'nalishiga aylandi. O'zbek pomanchiligi ichki strukturasi, tasvir usullari sezilarli darajada yangilandi. Janrning an'anaviy shakllari yanada taraqqiy qilib, poetik ifoda imkoniyatlari kengaydi. Talay noan'anaviy ichki shakllari paydo bo'ldi.“ [1.30 -b.]

Ma'lumki, tetralogiya Amir Temurning to'rt nafar og'li Jahongir mirzo, Umarshayx mirzo, Mironshoh mirzo va Shohruh mirzolar nomi bilan atalgan. Lekin asar yaratilishi haqida „Ulug' saltanat“ tetralogiyasiga yozgan so'zboshisi muallifi, akademik B. Nazarov quyidagicha fikr bildiradi: „...adib e'tiborini alohida, maxsus va chuqur ravishda Jahongir, Umarshayx, Mironshoh, Shohruh mirzolar obrazini yaratishga qaratmaydi. Ular bilan chalg'ib qolmaslikka harakat qiladi. Ular tasviriga Amir Temur saltanatida egallagan mavqelariga munosib ravishdagi o'rin ajratish bilan cheklanadi“ [2.10-b.]. Shahzodalarning otasi singari mohir sarkarda hukmfarmonlar bo'lib o'tishgani holda ular bilan bog'liq bo'lgan tarixiy voqea va hodisalar, holatlarning barchasi Amir Temur obrazi tevarak-atrofida namoyon bo'ladi. Shahzodalar esa sohibqiron adolatli siyosatining qatnashchilari va davomchilari qilib tasvirlangan. Roman-tetralogiyada asar qahramonlarining o'ziga xos milliy va ma'naviy olami, ularning asar voqealari tizimida yuritgan faoliyati hamda taqdirining badiiy yechimlarini tarixiy fakt va ma'lumotlar kesimida izchil qiyoslangan.

Tetralogiyaning „Jahongir mirzo“ nomli birinchi kitobida Bo'yoy mavzesida Navro'z bayrami arafasida Amir Temurning Amir Husaynga qarshi yurishi oldidan uning huzuriga o'g'li Jahongir mirzo tashrif qiladi:

–Assalomu alaykum, ey padari buzrukvor! Navro‘z ayyomlari muborak! - dedi endigina o‘n to‘rtini to‘ldirgan durkun shahzoda odob bilan salom berdi va kelib Temurbekning qo‘lini o‘pdi.

–Vaalaykum assalom! O‘zingizga ham muborak bo‘lg‘ay, shahzodam! - deb alik oldi Temurbek. Quchoqlasharkan o‘g‘lining tiniq yuzlariga, endigina sabza urib kelayotgan mo‘ylabiga, yorqin ko‘zlariga mehr bilan tikilib turdi, keyin manglayidan o‘pib qo‘ydi [3.50].

Valiahd shahzodaning dushmanga qarshi katta yurishi oldidan tashrifi sohibqiron ko‘nglini tog‘day yuksaklikka ko‘tardi, o‘g‘lining yosh va navqiron bo‘y-bastidan g‘ururlangan otada go‘yo qanot paydo bo‘lgandek bo‘ldi, bu holatni uning mehr to‘la nigohida jamlanganini ijodkor adib juda mahorat bilan tasvirlagan.

“Muhammad Alining “Ulug‘ saltanat” asarida bu ulug‘ shaxsiyat ilk bor solih farzand, jonkuyar ini, oqibatli og‘a, mehribon ota, sevimli erkak singari qirralari bilan namoyon bo‘ldi...Romanda aks etgan tarixiy haqiqatlar muallifning tasviriy topilmalari bilan uyg‘unlashib, go‘zal badiiy effekt hosil qilgan”, deydi prof. Q. Yo‘ldoshev [4.592-b.]. Yozuvchi bu asarni yozishdan oliy niyati ham sohibqironning olib borgan siyosatini ko‘rsatish bilan birga boshqa yana bir ulug‘ maqsad: oilaviy hayoti, o‘g‘illari – shahzodalar, qizlari taqdiriga bir mehribon ota sifatidagi munosabati, o‘y-xayollari, tushlari, orzu-armonlari, atrofni qurshagan hammaslamlari, ular bilan kechgan turli-tuman, yaxshi-yomon munosabatlari, fe‘l-atvoridagi insonga xos barcha salbiy va ijobiy xislatlarini mahorat bilan yoritish edi.

Tetralogiyadagi obrazlarning hayotiy va yetuk san‘atkorona badiiy tasvirlari adabiyot nazariyasining uslubiy o‘lchovlar mezonida berilgan.

“Sohibqiron beixtiyor dunyoni sandiqqa o‘xshatar ekan, o‘tgan yili Piri, quddisa sirruhi Shayx Shamsiddin Kulolning Balxdan Keshga kelgani yodiga tushdi. Pir Temurbekni duo qilarkan, bir ajoyib naql aytib bergan edi:

- Dunyoning qay yeridadir Isksndar Zulqarnayn zamonlaridami, balki undan ham avvalardanmi, qolg‘on sirli bir sandiq bor ekan. Uni kim topsa, albatta dunyoning tagiga yetar emish. Dunyoda podsholar o‘sha sirli sandiqni topishga urinadilar, lekin hali hech kim topmag‘on. InshoAlloh, o‘zlari topg‘oylar... U sandiqning nomi “Gulshani xazoyin”dir. Umidvormenki, uni topmoq va ochmoq taqdiri azaldan o‘zlariga buyurulg‘ondur...” [3. 44-b.].

Asarda Piri murshid Shamsiddin Kulolning ibratomuz aytgan naqli keltirilib, bu naql Sohibqiron Amir Temurga bir umrlik dars bo‘ldi. Inson sinovli umri davomida qanoat bilan yashashi, eng asosiysi, bu dunyoning o‘tkinchi ekanligini, hech kim dunyoga ustun bo‘lib qololmasligini, qadimgi hikmatlarda bitilganidek, faqat “yaxshi ish, yaxshi xulq, yaxshi amal” bilangina murodga yetish mumkinligini anglayadi. Toki kitobxon ham asardan kerakli, yetarli xulosani o‘zi chiqarib olsin.

“Garchi, asar “Ulug‘ saltanat tarzida nomlansada, saltanatni ulug‘ qilgan omil uni tashkil etgan va tepasida turgan shaxsning buyukligi ekanligi ishonarli ko‘rsatilgan. Chunki aslida mayda odamni saltanat ham ulug‘ qilolmaydi”. [4.594-b.] Inson borki, unda ijobiy fe‘l-atvor bilan birga salbiy fe‘l-atvor yonma-yon bo‘ladi, mukammal insonni topa olmaganimizdek, bor-budi kamchilikdan iborat, butunlay

yomon inson ham hayotda yo'qligi tayin. Inson tiynatidagi murakkabliklar, ziddiyatlar, quvonchli kunlar, to'yu aza asar bosh qahramoni, ulkan tarixiy shaxs Amir Temur obrazidan tortib to saroy xizmatchilarigacha bo'lgan barcha obrazlar hatti harakatida bularni sezish mumkin. Yozuvchi to'rt kitobda ham Amir Temur obrazidagi shariyatparvarlik, og'ir-bosiqlik, mulohazakorlik, kechirimlilik va uzoqni o'ylab ish yuritish kabi ijobiy xislatlar barobarida dushmanga qahrli, sotqinlarga shafqatsiz qilib tasvirlaydi. O'quvchi ko'zi oldida metin irodali, qattiqqo'l inson qiyofasi namoyon bo'ladi:

“Temurbek qaddi-qomati raso, baland bo'yli, keng peshonali, qoshlari quyuq, ko'zlari katta-katta bir yigit edi. Ko'z qarashi mayin, muloyim, asta gapirar, shoshilmas, kuchli o'ktam ovozida kishini o'ziga tortuvchi qandaydir joziba, sehr yashiringandi...”, deya yozuvchi sahibqiron portret tasvirini chizadi. Bu badiiy bo'yoqlar orqali kitobxon ko'zi oldida o'z kuchiga ishongan mard va jasur yurt o'g'lonining mukammal tasvirini to'la-to'kis namoyon qila olgan. [3.42-43-b.]

Yurt og'asining davlat ishlarini boshqarish yo'lida, xoinlarga murosasiz bo'lish barobarida kengashga suyangan, ularning maslahatini olgan, ko'pning fikri bilan qiziqqan :

-Kengash ne qarorga kelsa, shu qarorni ado etmak vazifamdur. Dunyo - odam shaklidagi ilon va chayonlarga to'la oltin sandiqning naq o'zi ekan. Siz to'g'ri dedingiz, ey ahli umaro, so'zingizdan do'stimiz Husaynbekning dushmanlik yo'liga kirg'oni ravshan bo'ldi. Shariat qonuniga binoan, fitnachini daf aylamak vojib sanalur, alal-oqibat savob hisoblanur. Bas, Amir Husaynni gumdon etmak eng avvalgi zaruratdur!...[3.43-b.]

Yurtda kechayotgan siyosiy vaziyatning keskinlashuvi, xalq boshiga og'ir kunlarni solishi, yurt notinchligi mamlakatni to'zg'itib, yurtni behalovat qilishning oldini olish maqsadida mashvarat tuzib, kengash qaroriga muvofiq dushmanga zarba berishga kelishiladi. Sahibqiron Amir Temur o'z orzusiga yetishdi, kengashib ish ko'rish va o'z vaqtida to'g'ri qaror chiqara bilish orqali dushmanga murosasiz bo'ldi, uni yengib, yurt sarhadlaridan quvib chiqardi, bir umrlik orzusi -ulkan ulug' saltanatni barpo qila oldi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Исломжон Ёқубов. Мустақиллик даври ўзбек романлари romanlari поэтикаси. –Т.: Nurafshon business, 2021. –Б. 30.
2. Muhammad Ali. Ulug' saltanat //Tarix va badiiy talqin. So'zboshi. –Т.: Davr Press NMU, 2019. –В. 10.
3. Қозоқбой Йўлдош. Очқич сўз. Тафаккур, –Т.: 2019. –Б. 592, 594.
4. Muhammad Ali. Ulug' saltanat. –Т.: Davr PressNMU, 2019. –В.50,42, 43, 44.

ИЗТИРОБЛАР ЛАЗЗАТИ

*Эшчанова Гулнара Наримановна
Қўқон университети “Таълим”
кафедраси доценти, п.ф.н.*

“Санъаткор яратган бадий матн китобхоннинг жонини киритади. Айни вақтда “дили равшан тортган” китобхон матнга ҳам жон ато қилади - ўзидаги пок руҳни асарга ҳам ўтказиши. Санъатни ҳис этиш, бадиият олами ажойиботларидан завқ-шавқ олиш бетақдор илмдир” [3. 13]. Дарҳақиқат, бадий асар ўқиш шунчаки, бекорчи вақт ўтказиш эмас, балки ўзига хос ажиб бир жараён - идрок захматидир. Мана шу ажиб жараён, яъни бадий асарни идрок этиш замирида китобхон бадий асаридан ҳузурланади, руҳи озикланади, қалби завқланиши илмидан чексиз лаззат олади. Бадий асарни ўқиш асносида асардаги сўз сеҳри намоён бўлади, бадий матндаги воқеалар турли хил тарзда жиллолиниб, таъсирчан қиёфасини намоён эта боради. Ана шундай жозобага эга асарлардан бири Жалон Жовлиевнинг “Қўрқма” романидир. Романни ўқир экан китобхон асар бахш этган руҳ воситасида ўз -ўзини таҳлил қила боради. Менда ҳам шундай бўлганди-ку, бу воқеа мени ҳам бағримни тилкалаган эди-я, буни қаранг, бу воқеаларнинг бари менга қадрдон-ку, дейди. Китобхон романда варақдан-вараққа, воқеадан-воқеага ўтар экан унинг кўз ўнгида ўзининг болалиги, ўсмирлиги, жамиятда ўзи гувоҳ бўлган, аммо эътибор қилмаган воқеалар бир-бир бўй кўрсата боради. Асар воқеалари китобхонга олам-олам завқ берибгина қолмасдан вақти-вақти билан уни шафқатсиз жазолайди. Китобхон болаликнинг беғубор оламидаги бахтдан мамнун сурур билан бирга қалб кемтикчилигини, унинг оғриқларини ҳам ҳис қилади, теварак-атрофдаги воқеаларга бепарво бўлганлиги, ўзлигини йўқотиб, манқуртга айланиб бораётганлигидан юраклари эзилади, вужуди зирқирайди. Асардаги воқеалар қанчалик оғир бўлмасин, қаҳрамон жамиятдаги адолатсизликлар исканжасида қолмасин барибир у ўз истакларини амалга ошиши учун интилади. Ҳаётдан нолимайди, аксинча, ҳаётни севади, ундан завқланади, тушкунлик, умидсизлик унга бегона. Бу бизга машҳур рус рассоми ва шоираси Мария Башкирцованинг “Кундаликлар”ини эслатади. Кундаликларда шундай жумлалар мавжуд “Зулм ва даҳшатли, доимий азобларда мен ҳеч бўлмаганда ҳаётдан шикоят қилмайман; аксинча, мен уни яхши кўраман ва уни яхши деб ҳисоблайман. Ишонинг: ҳамма нарса менга ёқимли ва ёқимли бўлиб туюлади, ҳамма нарса, кўз ёшлар ва азоб-уқубатларгача ... Мен ҳаётни севаман, нима бўлишидан қатъий назар. Мен яшашни хоҳлайман... Бахтни қидириб, ўз бахтсизлигимдан бахтиёрман” [1.48.].

“Қўрқма” романининг қаҳрамони ҳам худди шундай, бахт излаб, ўз бахтсизлигидан, адолат излаб, ўзи кўрган ҳақсизликлардан, азоблардан, разолатлардан роҳатланиб яшайди. Унга бундай роҳатни Ватанга, миллатга бўлган муҳаббати ва тарихий ҳақиқатни излаш, уни тиклашга бўлган умиди берди. У ўзи излаган ҳақиқатдан: ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Германияда таълим олган етмиш нафар талабаларнинг орзусидан, уларнинг

муҳаббатидан илҳомланиб яшайди. Бобосининг армонларини амалга ошириш илинжида талабалар ҳақидаги ҳақиқатни, авлодларини излаб архивларда вақт ўтказди, улар билан ҳаёлан гаплашади. Уларни бугунги талабалар билан қиёслайди, аммо мақсадларида бирлик, уйғунлик тополмай бағри эзилади. Атрофидаги ўзлигини йўқотган одамларнинг қарашлари турмуш тарзидан юраклари пора-пора бўлади.

Аср муаммоси даражасига кўтарилган Оролнинг қуриши ҳам қаҳрамонни азоблайди, бунда ноҳақ қатл қилинган талабалар тақдири билан уйғунликни кўради, улар ҳақидаги маълумотлар Орол сингари йўқликка сингиб кетган бўлишига қарамай, изланишда давом этади. Тушларида Орол бобо билан гаплашади, ундан яна ўз ўзанига қайтишини, ўзи билан бирга етмиш нафар талабани ҳам олиб қайтишини илтижо қилади.

Романнинг яна бир жозибаси шундаки, ундаги воқеалар биз шу кунгача ўқиган романларимиздаги сингари изчиллика эга эмас, воқеалар тарқоқ бўлишига қарамай, китобхонни бездирмайди. Китобхон бу воқеаларни бир тизимга солишни ҳам истамайди, чунки умулаштирувчи воқеалар замиридаги алоҳидалик унга завқ беради. Кучли лиризм билан суғорилган ижодкорнинг ўзига хос ифода услуби, воқеаларни поэтик образлар воситасида ўзига хос эстетик кўламда талқин қилиниши китобхоннинг бадиий туйғуларини ўткирлаштириб, ҳиссиётларини кучайтирганча асарга янада мафтун этиб қўйяди. “Китобхон воқеаларга аралашади, қаҳрамонларни жонлантиради, уларнинг гап сўзларини эшитади, руҳий ҳолатларини юракдан ҳис этади” [3. 18].

Оқибатда китобхон ва қаҳрамон ўзаро бирлашиб кетади. Китобхон романи ўқиётган пайтида ҳақиқий ҳаётдан узилади, фақат қаҳрамоннинг кечинмалари ичида яшай бошлайди.

Қаҳрамон ва китобхон ўрасидаги муносабатларнинг бундай яқинлик кашф этишининг сабаби, оний лаҳзалардаги кечинмалардан фарқли ўлароқ, қарашлар, онг ва руҳият бирлигининг натижасидир. Китобхон асар қаҳрамонига кўшилиб ўз ичи кечинмаларини ҳам таҳлил қила бошлайди. Қаҳрамоннинг ҳис -туйғулари интилишлари китобхоннинг дунёсига айлана боради: у билан биргаликда гоҳ узоқ тарих қарига саёҳат қилса, гоҳ жамиятдаги адолатсизликлардан дили сиёҳ бўлади. Тарих қаридан ва бугундан ўзлигини излайди. Ўзликни топиш учун яна ва яна асарга мурожат қилади. Муродийнинг: “Бирор кимга муҳаббати бўлмаган одамнинг ҳеч нимага, ҳатто Ватанга ҳам садоқати, кучли туйғуси борлигига ишонмайман. Севги юрагингни тўлдиради! Лоқайдлик ва сусликни ўлдиради!... Энг ёмони туйғусизликдир. Ватан туйғусиз одамлар қўлида қолмаслиги кетак. Ватанни каслардан асрамоқ шартдир. Бу йил дипломни ҳимоя қилиб, Мисрга тажриба оширгани Мисрга бораман... Ал-Фарғоний қурган “Нил” устурлобини ўз кўзим билан кўриш истагида ёняпман. Ал-Фарғоний барча замонавий ирригатор ва аграномларнинг устози ҳисобланади. Улкан таракқиётга эришган Оврўпа саноати ўз-ўзидан юксалиб қолмади, замирида бизнинг боболар улуши ҳам улкан. Алар қолдирган илмий китоблар ҳиссаси эса чексиз кучга эга. Буни Оврўпа тан олишга мажбур

бўлмоқда. Аммо ўзимиз беҳабармиз ва ҳатто билмаслигимиздан анлиша ҳам қилиб ўтирмаймиз, юзимиз қизармайди. Биз битта-битта улуғларимизни-да бой бериб, бошма-бош чопиб ташлашларини томоша қиламиз,... Аҳволимиз шу...”, [23.306-307.] деган сўзлари вужудини тилка -пора қилади. Ўз-ўзига “Мен кимман?”, “Менда муҳаббат борми?”, “Менда туйғу борми?”, “Мен кимнинг авлодиман?”, “Мен ўзлигимни қачон, қай пайтда йўқотдим? Нималарга алишдим?” “Шу миллат дардидан дардимиз борми?” [2.371.] каби чексиз саволлар исқанжасида изтироб чекади.

Асарда инсон руҳиятининг рангин қирралари, тоза туйғуларнинг жўшқин жилolari бадиятнинг безавол қонуниятларига йўғрилиб, гўзал эстетик асослар билан сайқаллашганки, оқибатда китобхон ана шу нафосатдан бадиятнинг сирли оламидан завқланади, эстетик жозибадорликдан ҳиссиётлари тўлқинланиб, бадиятнинг ажиб лаззатини туяди. Асар воқеалари китобхоннинг руҳиятига майинлик билан сингиб киради, унинг нозик туйғуларини тебратади, ички кечинмаларини ҳаракатлантиради, ўйлантиради, кулдиради, йиғлатади, ширин хаёллар оғушига ғарқ қилади, аста-секинлик билан асарнинг эстетик жозибаси бутун вужудини қамраб олади, руҳий оламида талотўплар содир этади, ўйлантиради, мушоҳадага чорлайди, хуллас, бетакрор ҳиссиёт, хузур бахш этади.

Адибнинг маҳорати шундаки, у ҳаётнинг шафқатсиз ва айни пайтда табиий-қонуний фалсафасини сатрлар қатига моҳирлик билан сингдириб, бадий-эстетик бўёқларда тасвирлайди. Бу эса чинакам санъат асрларигагина ҳос бўлган хусусият натижасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Башкирцева М. М. К. Мария Башкирцева: дневник. –М.: 2017.
2. Жовлиев Ж. Қўрқма. –Т.: Nihol, 2020.
3. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. –Т.: Фан, 2006.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОРНИНГ ОККАЗИОНАЛ ЎХШАТИШЛАРДАН Фойдаланиш маҳорати

*Алмаматова Шаҳноза Турсункуловна,
ЖизПИ доценти, ф.ф.номзоди*

Сўзларнинг ташқи, зоҳирий томони - фонетик қурилиши ва тизимида юз берадиган ўзгаришлар қанчалик аҳамиятли бўлса, тил бирликларининг ботиний томони ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Тил бирликларига юклатилган маъно тафовутлари ўхшатиш, қиёслаш, умумлаштиришлар воситасида фарқланади. Бир сўз билан айтганда, бу сирли олам ўхшатиш, қиёслаш воситасида конкрет тушунчаларга айланади. Ўхшатишга атама (термин) сифатида луғатларда бир-бирига яқин бўлган бир неча хил таърифлар берилган. Чунончи, “Адабиётшунослик терминлари” луғатида: “нарса, ҳодиса ёки тушунчани маълум умумийликка, ўхшашликка эга бўлган бошқа нарса, ҳодиса ёки

тушунча билан чоғиштириш”, [1] деб кўрсатилса, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да: “Икки нарса ёки воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, бўрттириброк кўрсатиб беришдан иборат бадиий тасвир воситаси, кўчимнинг содда тури” [2] деб изоҳланади.

Дарҳақиқат, инсон ўз билим ва тафаккурини ўхшатишлар воситасида бойитиб боради. Қиёс: “кўзим учди” ибораси учувчи паррандаларга таққослаш, қиёслаш орқали юзага келган. Бу ўринда ҳаракатларда фарқ қилинмоқда, бири динамик ҳаракат бўлса, иккинчиси, статик ҳаракатдир. Ёки шар билан тарвузни ёнма-ён қўйганда тарвузни кўрмаган бола уни шар деб айтади. Шардаги ташқи кўриниш билан тарвуздаги ташқи ўхшашлик бундай деб хулоса чиқаришга асос бўлади. Бундай белгилар ёш бола билимини шакллантиради, шахсий хулосалар чиқариш орқали тафаккури тараққий қила беради.

Демак, инсон ўзининг дастлабки билимларини ўхшатишдан олган ва шу билан жониворлардан фарқланади. Шунинг учун ҳам ўхшатиш илмий, фалсафий, ижтимоий, маънавий-маърифий хулосалар чиқаришда асос вазифасини ўтайди дейиш мумкин. Инсон тафаккури ривожда ўхшатиш ҳадсиз аҳамиятга эга. Бу ҳақда философия луғатида қуйидагича изоҳ берилади: “...инсон онгидаги бир нарсага хос белги, жараён ёки моҳиятини қиёс натижасида бошқа нарсада кўра олиш, тасаввур қилиш қобилияти инсониятнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий тадрижи учун улкан имкониятлар берган (масалан, буғ машинаси, шамол, сув тегирмони, шприц ва бошқаларнинг яратилиши). Шундай экан, ўхшатиш тафаккурнинг янгиликни қидириш ва кашф этиш борасидаги энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Ўхшатишнинг бу хусусияти уни барча фанлар учун зарур категорияга айлантиради.

Предметлар орасидаги ўхшашлик, албатта, айнан, тўлиқ бўлмасдан уларнинг асосий қисмидаги мосликка асосланади. Бунда предмет нарсалардаги нафақат ташқи ўхшашлик, балки моҳияти, ички хусусиятлари ҳам ҳисобга олинмоғи даркор. Худди шунингдек, бирор ҳодисанинг иккинчисига дахлдорлиги, ўхшашлик томонлари ҳам ҳисобга олинади. Демак ўхшатиш орқали бирор ҳолат (ҳодиса)нинг тўғри ёки нотўғри (ёлғон) эканлиги аниқланади, ҳамда тахминий хулосалар чиқарилади. Бунга(бундай хулосалар чиқаришга) қатор талаблар қўйилади:

1. Ўхшатиш муҳим белгиларга ва мумкин қадар, таққосланадиган объектлар умумий хоссаларининг кўпроқ сонига асосланмоғи лозим.

2. Хулоса чиқаришга асос қилиб олинган белгининг объектларда аниқланган умумий белгилар билан алоқаси мумкин қадар маҳкамроқ бўлмоғи лозим.

3. Ўхшатишнинг вазифаси ҳамма муносабатларда эмас, фақат муайян муносабатларда объектларнинг мувофиқ келишини аниқлашдан иборат.

4. Ўхшатишнинг бевосита мақсади объектларнинг ўхшашлигини аниқлашдан иборат бўлганлиги сабабли, у тафовутларни кўрсатмоғи ва бу тафовутларни тадқиқ қилиш билан тўлдирилмоғи лозим [3].

Ўхшатишлар поэтик табиатига кўра, қўлланишига кўра, тузилишига кўра, сезги ва тасаввурлар орқали юзага келишига яна бирқанча турда таснифланади. М.Ёқуббекова ўхшатишларни қиёслаш усулига кўра аналогик ва ассоциатив ўхшатишларга ажратади. Шунингдек, олима ўзбек халқ қўшиқларидаги ўхшатишларни генезис жиҳатдан анъанавий ва фавкуллода ўхшатишларга, тузилишига кўра эса содда, мураккаблашган ва мураккаб ўхшатишларга ажратади [4].

Филология фанлари доктори М.Йўлдошев ўхшатишларнинг таркибидаги ўхшатиш эталонининг оригинал ёки оригинал эмаслигига кўра, анъанавий ва хусусий-муаллиф ўхшатишлари [5]га ажратади. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидаги ўхшатишларга назар ташласак, улардаги ўхшатишлар ана шу таснифга мос келади. Шунинг учун ҳам Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидаги ўхшатишларни келиб чиқиши жиҳатдан: 1) анъанавий, 2) хусусий-муаллиф(фавкуллода) ўхшатишларга ажратиб тадқиқ қилдик.

Нутқимизда анъанавий ўхшатишларнинг кўплаб намуналари учрайди. Аммо, шунга диққатни қаратиш керакки, анъанавий ўхшатиш эталони ўхшатиш асосини ифодалашда бадиий рамз даражасига кўтарилган бўлади. Биз тадқиқ қилган Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилидаги ўхшатишларга эътиборни қаратсак уларнинг анчагина қисмини анъанавий ўхшатишлар ташкил қилади. Асар қаҳрамонлари нутқида воқеалар юз бераётган жой, қаҳрамонлар кайфияти, билим ва маънавий даражаси ҳамда бошқа хусусиятларига қараб: хўрозқанд, кетмон нусха шляпа, лапанглаб кетаётган (тобут), бир ҳовуч суяк, сархона (чилиим), чўлтоқ супурги, тошни тешадиган (ғазаб ўти) кабилар биз тадқиқ қилаётган анъанавий ўхшатишнинг энг фаоли саналади.

Тилимизда учрайдиган, юқорида келтирилган ўхшатишлар Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида қаҳрамонлар характери, дунёқараши, мавжуд воқеа-ҳодисаларни ифодалашда ўзига хос оригиналликни таъминлайди. Бу ўхшатишларда давр руҳи, қаҳрамонлар руҳияти сезилиб туради: Йўл бўйидаги ариқлар *афти буришганича* музлаб қолган, дарахтлар *чўлтоқ супургига* ўхшайди (“Қаравот”, 280-бет). Яқин икки ҳафтадан бери кўз очирмаётган кузак шамоли *яйдок дарахтлар* шоҳида чийиллайди, ғувиллайди (“Даҳшат”, 41-бет). Бўйра одатда тобутга солинадиган бўлганидан, додхонинг кўз олдида одамларнинг *елкасида лапанглаб кетаётган* тобутни келтирди (“Даҳшат”, 42-бет). Гапни айтган Унсину, бошқалар ўтирган жойида *ерга қапишиб кетди* (“Даҳшат”, 44-бет). У каттакон *кетмон нусха* шляпасини стулга қўйиб, бир кучоқ материал билан минбарга чиқди (“Мунофик”, 144-бет). -*Хўрозқандга* ўхшамай ўл!-деди. -Қариган чоғида *хўрозқанд* яламай домла ҳам ўлсин!-деди яна бири (“Тўйда аза”, 177-бет). Мехмон...илжайиб туриб-туриб, тўсатдан: -Думли одамларни кўрганмисиз? - деди. Мехмон гапнинг *сархонасини* янгиламоқчи деган ўйда кулиб қўя қолдим (“Думли одамлар”, 321-бет). Бу матнларда Абдулла Қаҳҳорнинг анъанавий ўхшатишларни қўлланиш мазмун-моҳиятига қараб мутлақо бошқа “янги” эмоционал-экспрессив бўёк берганининг гувоҳи бўламиз. Эътибор беринг, афти буришиш фолклорда салбий қаҳрамон (кўпинча, кампирлар)га нисбатан ишлатилса, уни Абдулла

Қаҳҳорнинг ариқдаги музга нисбат бериши, фақат, унгагина хосдир. Демак, бундай ўхшатишлар халқ тилида(оғзида) йиллар давомида турли ҳолатларда ишлатилиб келинмоқда. Бадиий адабиётда эса ўзига хос услубий гўзаллик, нозиклик билан қўлланишга хизмат қилади ва хизмат қилмоқда.

Фавқулудда (хусусий – муаллиф) ўхшатишлар ижодкорнинг бадиий қаҳрамонлар ҳаракатига муносабати, кузатувчанлиги, нигоҳи, талаблари, маҳорати асосида халқ тилидан юксак даражада фойдалана олган, теран бадиий диднинг маҳсули сифатида юзага келган ўхшатишлардир. Хусусий-муаллиф (фавқулудда) ўхшатишлар деб аташ, анъанавий ўхшатишларга зид қўйилган ҳолда “шахсий, айрим бир шахсга қарашли бўлган (жамоа эмас), алоҳида бир шахсни”[6], яъни халқ ёзувчисиники, ижодкорники, деган маънони англатади. Бу ўхшатишларни ёзма адабиётнинг ҳамма жанрларига тааллуқли дейиш мумкин. Бунинг сабаби: “хусусий муаллиф ўхшатишларини бадиий матнни шунчаки, безовчи, гўзаллаштирувчи восита сифатидагина қараш тўғри бўлмайди. Маҳоратли ижодкор бундай ўхшатишларга бадиий-эстетик зарурияти билан мурожаат қилади. Тасаввур қилиш қийин бўлган тушунчаларни аниқлаштириш, нарса-ҳодиса, ҳаракат-ҳолатларнинг энг нозик жиҳатларини китобхон кўз ўнгида гавдалантириш, тасвирни қуруқ эмас, балки қуюқ бўёқлар билан амалга оширишда ана шундай ўхшатишлар фавқулудда муҳим ҳодисадир” [7].

Агарда Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг матнига шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, фавқулудда ўхшатишлар жуда кўплаб топилади. Ўхшатишларнинг бу тури ўзининг таъсирчанлиги ва ёрқинлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уларда оригиналлик, образлилик, экспрессивлик ҳамisha ёрқин ифодаланган бўлади. Бундай ўхшатишлар ўзларининг жозибadorлиги, ёрқинлиги, таъсирчанлиги, эмоционаллиги, фавқулудда фактлари билан ҳар қандай ўқувчини ҳайратлантиради, ўйлантиради. Чунончи, “Кўр кўзнинг очилиши”ҳикоясидан парча: “Икки оғиз ҳақиқатни сизларга етказиш учун гўштимни танимдан **ранда билан шилиб** ташланса, суякларимни минг бир чиғириқдан ўтказса ҳам менинг орқамда қолганлар севинади” (1-том, 76-бет). Ҳақиқатнинг қиммати қай даражада эканлигини асослаш (кўрсатиш) учун гўштни танасидан рандалаб шилиб олишга тайёр. Бу ўринда ранда билан гўштни шилиш мантиққа тўғри келмайди(фавқулудда ўхшатиш). Ранда қандай жойда ишлатилади-ю, гўшт нима билан шилинади. Оддийгина қилиб, гўштимни шилиб олса ҳам дейиш керак эди. Лекин муаллиф бунга рози эмас. Албатта, ранда билан шилиши керак. Ранда нафақат шилади, у тўғрилайди ҳам. Мана шу ҳолатдан келиб чиқиб, фақат азоб бериш эмас, у азобнинг “орқасида” тўғрилиқка ишора ҳам жуда чиройли айтилмоқда.

Фавқулудда ўхшатишларда -дай, -дек аффикслари ёрдамида ясалган равишлар иштирок этади: Ўнбошининг бошига қандайдир милтиқнинг кундоғи зарб билан тушиб **қовоқдай ёрди** (“кўр кўзнинг очилиши” 1-том,78-бет). Бунга гап уқтириш, **қоронғи уйга кесак отгандек** гап эди (“Думли одамлар” 1-том, 326-бет). Бундай ўхшатишлар аксарият лексик воситалар ёрдамида ифодаланган: Уруш бўлмаганда, мана шу **қалдирғочнинг уясига** ўхшаган

уйлардан, мана *бу бўйинчага* ўхшаган эшиклардан ном-нишон қолмас эди (“Картина” 1-том, 289-бет). Юзини кексаликдан кўра кўпроқ кўргуликлар *ғижимлаб ташлаган* бу чол билан у, ўтган йили баҳорда, гул қўядиган вазасини қадоклаб берганда танишган эди (“Томошабоғ” 1-том, 68-бет) каби.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида кўлланган ўхшатишлар юқорида таъкидланганидек, лексик-семантик ва грамматик бирликлар ёрдамида ҳосил қилинган. Ҳикоялардаги ўхшатиш асосини турли хил предметлар, инсон ва унинг тана аъзолари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси каби ранг-баранг воситалар ташкил қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. –Т.:1967. 262-б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: 2008. 185-б.
3. Философия луғати. Ўзбекистон, –Т.: 1976. 23-24-б.
4. Жуманазарова Г. Халқ дostonларидаги ўхшатишнинг лингвопоэтик имкониятлари. “Тафаккур”нашриёти. –Т.: 2011.13-б.
5. Йўлдошев М.Чўлпон сўзининг сеҳри. Маънавият, –Т.: 2002. 58-б.
6. Словарь иностранных слов. ГИИНС, –М.:1955. 270-б.
7. Йўлдошев М. Юқоридаги асар. 60-б.

“ШОҲИ СЎЗАНА” КОМЕДИЯСИДА ЮМОРИСТИК ХАРАКТЕР

Жўраев Муродулла Алишбоевич
Жиззах ДПИ ўзбек адабиёти кафедраси
катта ўқитувчиси, ф.ф.д. (PhD)

Абдулла Қаҳҳор ўз асарларига доимо чуқур масъулият билан ёндашганлигини адибнинг кўплаб асарларида кузатишимиз мумкин. Ана шундай талабчанлик билан яратилган “Шоҳи сўзана” комедиясида Холнисо ва Ҳамробуви характеридаги ўзига хос жиҳатлар самимий кулги воситасида эстетик танқид остига олинади. Ва шу орқали комедиядаги воқеалар ривожлантирилади, оқибатда асар бошида кўйилган тугун комик конфликтлар жараёнида, характерлар кулгиси орқали ечилади. “Шоҳи сўзана” комедиясидаги кураш, зиддият комик ва такрорланмас хусусиятларга эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Онгида эскича тафаккур мевалари қотиб қолган, қолоқ фикрлаш унсурлари мавжуд, жамиятимиздаги бошқа инсонлар қарашларига зид фикрловчи характер эгалари ўсиб келаётган янги, илғор кучларга тўқнаш келиб, уларга асоссиз ва ноўрин ҳолатда қарши чиқиб, кулгили, комик аҳволга тушиб қолишади. Жамиятдаги юз бераётган янгиликлар моҳиятига тез ва ўз вақтида тушуна олмай, ўзаро зиддиятларга дучор бўладилар. Характерларидаги кулгили жиҳатларини, умуман феъл-атворларини ўзлари англамаган ҳолда ошқор этадилар. Шу тахлит воқеалар давомида характерларнинг ўзаро муносабати натижасида улар янглишиш коллизиясига

тушадилар, аста-секин, кечикиб бўлса ҳам, маънавий нуқсонлари йўқолиб, ўз-ўзларини англаб борадилар.

“Холнисо ва Ҳамробуви бир тарихий давр одамлари. Улар эски ҳаёт қабоҳатларини бир сидра бошларидан ўтказишган. Инқилоб йилларидаги алғов-далғовлар, ҳаётни қайта қуриш қийинчиликлари ва ниҳоят фашизмга қарши умумхалқ кураши – булар ҳаммаси улар онгида турғун, реал дунёқараш яратган. Бундан чекиниш уларнинг ҳаёлларига ҳам келмайди. Ҳатто фарзандларининг ҳаётга янгича муносабатлари ҳам уларни кўп ажаблантира бермайди. Аммо улар ҳамон эски урф-одатлардан тамоман кечиб қўя қолмадилар. Мана шу ҳол бизда кулги уйғотади. Қуда ликка аҳду паймон қилишган Ҳамробуви ва Холнисо буви фарзандларининг фаол меҳнатию, ижтимоий фаолиятига қарши бўлмасалар ҳам кўпроқ битта умид билан банд. Бу ҳам бўлса орзу-ҳавас кўриш, чиройли тўй қилиб келининг борми бор; куёвинг борми, бор дегулик бўлиб эл-юрт орасида обрў қозониш” [1-189].

Асарнинг комиклигини янглишиш дамларининг комик планда, турли хил кулгили вазиятларда кечиши, ижобий персонажларнинг ўз рақибларини уддабуронлик ва меҳрибонлик билан алдаб тўғри йўлга солишлари, улар характеридаги нуқсонларни англаб етишларига кўмаклашишлари заминидаги кураш кулгили, комик ҳолатларни юзага келтирган.

Бош қаҳрамонлар Ҳамробуви ва Холнисо ўз характерларидаги камчилик ва нуқсонларни англаб етмайди, гўёки улар ўта ақли-ю, атрофдагилар эса, ҳеч нарсани англамасликда, ҳаётни тўғри тушунмасликда айблашади. Худди шу маънодаги фикрлаш, тафаккур натижасида турли чигалликлар, англашилмовчиликлар келиб чиқади. Бу эса ўз навбатида атрофдагиларнинг ҳақли кулгисига сабаб бўлади.

Муаллиф характерлараро зиддиятни юзага келтиришда асардаги бошқа персонажлардан биронтасининг тўла маънода салбий моҳиятга эга бўлганлигидан, уларда фақат хунук сифатларнинг зоҳирлигидан, булар натижасида юзага келадиган тўсқинликларнинг нисбатан катта ва зарарли ижтимоий кучга айлана олмаслигидан келиб чиқади. Шунга мос тарзда характерлараро муносабатлар, улар ўртасидаги зиддиятлар ва тўқнашувлар у қадар кескинлаштирилмайди. Аммо муаллиф характерида, феъл-атворида жамият қарашларига зид фикрлаш мавжуд кишилар аҳволи замонавий фикрлайдиган, илғор кишилар қаршида кулгили эканлигини ҳаётий ва ишонарли тарзда кўрсатиб бера олди. Бу жиҳат айрим адабиётшунослар таъкидлаганларидек, комедия конфликтининг камчилиги эмас, аксинча, муаллифнинг юмористик кулги яратишдаги, характерлар комедиясини юзага келтиришдаги ўзига хос бадиий кашфиётидир, десак хато бўлмайди.

Абдулла Қаҳҳор “Шоҳи сўзана”даги Холнисо ва Ҳамробуви образларини ҳамда “Аяжонларим” комедиясидаги Бўстон буви каби бетакрор характерларни индивидуаллаштириш жараёнида ўзбек халқига хос бўлган, жумладан, кекса онахонларимиздаги типик миллий характер хусусиятларининг айрим жиҳатларини жуда катта маҳорат билан умумлаштиради.

Ҳамробуви ҳамда Холнисо ўз фарзандларининг Мирзачўлга боришларига бирданига розилик билдиришмайди. Айниқса, Ҳамробуви қаттиқ қаршилиқ кўрсатади. Иккала қудаларда бир-бирларини тушунмаслик, ҳар қандай янгиликларга шубҳа билан қараш ҳолатлари асар давомида ривожлантириб борилади. Кейинчалик секин-секинлик билан улар фикрларига ишонишиб, уларнинг Мирзачўлга кетишларига розилик билдиришади.

Муаллиф ўз қаҳрамонларининг ички дунёси, характерлари динамикасини жамият ҳаётидаги туб ўзгаришлар, янгиликлар билан боғлиқликда ривожлантириб боради. Бу эса ўз навбатида комедиянинг ҳаётий воқелик билан чамбарчас боғлиқлигини таъминлаган ва таъсир кучини оширган. Ҳамробуви ва Холнисо характери, ички дунёси муаллиф томонидан жонли ҳамда тўлақонли очиб берилган. Чунки мазкур қаҳрамонлар комедиядаги бошқа образларга нисбатан кўпроқ асар сюжетида зиддиятларга дучор қилинади. Бу ҳолат қаҳрамонлар характери динамикасининг тўлақонли чиқишини таъминлаган. Абдулла Қаҳҳор ўз образларининг характеридаги ожиз ва кучли жиҳатларини комедиянинг умумий бадиий ғоясига мос келадиган комик элементлар билан бойитиб боради.

Табиатан очик кўнгил бўлган бу икки аёл жанжаллашиб қолган чоғларида, бир-бирига айб қўйишда сичқондан фил ясашади. Мисол учун, ушбу парчадаги сўз-ибораларнинг миллийлиги ва табиийлигига эътибор беринг:

“Оркестр гумбурлайди. Каттакон тугун кўтарган Ҳамробуви, Холнисо, чамадон кўтарган Омон киради. Буларнинг оғзидан чиққан дастлабки сўзларни музика босиб кетади.

Ҳамробуви- (сўзида давом этиб). Сизнинг гапингизга кириб қизимни, қизгинамни Мирзачўлга юбормасам шу кунлар бошимга тушмас эди. Ўғлингиз мени шармандаю шармисор қилди! Тағин муздикони ортиқча!....

Омон-Жон хола қўйинг энди....

Холнисо-Ким кимни шарманда қилганлиги ҳали маълум эмас, куда! Кўрамиз ҳали....

Омон- Аяжон бир гапдан қолинг.

Холнисо-Менинг ўғлим ёзган хатда бундоқ бало гаплар йўқ эди. Ҳафизанинг хатида ҳам йўқ эдику, ахир!

Салтанат кампирларга ҳайрон бўлиб қарайди.

Ҳамробуви-Жодугар ўғлингиз қизимнинг бошини айлантирганда, нима ёзганини ўзи ҳам билмайди. Мавлоннинг, укагинамнинг хати кўзимни очди.

Холнисо-Яхшининг гапи мой, ёмоннинг гапи лой.

Ҳамробуви-И-и, куда.... йўқ, қўшни, шу гапингизга тағин ўзингиз лойдай бўлиб қолманг!....

Холнисо-Вой куда....

Ҳамробуви-Қуда деманг!....

Холнисо-Вой, қўшни, аввал қизингизни чақиртиринг, гап сўранг, ундан кейин Дехқонбойни чақиртиринг.

Ҳамробуви-Йўқ, мен аввал ўғлингизни чақиртираман, ҳамма гапни бетига шартта-шартта айтаман, ана ундан кейин.... қизимдан гап сўраб ҳам

ўтирмайман, кўлидан етаклайман-у, кетавераман! (Салтанатга) Ҳой, секретарь, станцияга телефон қил, иккита билет деб кўй!” [2-85-87]

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, иккала персонаж ҳам бўлиб ўтган воқелар моҳиятини тўлалигича англаб етмасдан, бўлар-бўлмасга бири-бирига айб кўйишмоқда ва шу орқали ўз навбатида уларнинг характер хусусиятларидаги ўзига хос жиҳатлар ҳам намоён бўлиб қолмоқда. Лекин Ҳамробуви кўшнисига нисбатан андишасизроқ, Холнисо эса овсинига қараганда бироз вазмин ва босиқроқ, андиша билан гапиради, келишишга ҳаракат қилади. Бу кекса онахонларнинг характерларидаги ўзига хос ва мушатарак хусусиятлар уларнинг чинакам ўзбекона нутқи ва сўзлари воситасида ҳам яхши акс этиб туради. Ҳозирги жамиятимизда ҳам шу каби характерга эга инсонлар мавжуд ва уларнинг хатти-ҳаракатлари, ўзбек кайвониларига хос одат-қилиқлари ва сўзлаш оҳанглари ҳам ҳар доим самимий маънода комедиянависларимиз учун кулги объекти вазифасини ўташи шубҳасиз. Абдулла Қаҳҳорнинг “Аяжонларим” номли сўнгги комедиясидаги Бўстон буви характери жиҳатидан “Шоҳи сўзана” комедиясидаги кекса онахонларнинг ҳозирги замондаги образларига маълум даражада ўхшаб кетиши сезилади. Бундай ҳолат бошқа адибларда ҳам учрайди.

Умуман олганда, Абдулла Қаҳҳорнинг биринчи драматик асари “Шоҳи сўзана”да яратилган даврига хос бўлган конфликтсизлик назариясининг баъзи бир чекловлари кўзга ташланса-да, мазкур асар ўзбек комедиянависида бадиий имкониятлари, комик характерларнинг бетакрорлиги, сўз қўлланишдаги услубий жиҳатлари билан ўзига хос ўринга эга ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1988. 189-б.
2. Қаҳҳор Абдулла. Асарлар. 5 жилдлик. 4-жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. 85-87-б.
3. https://uz.wikipedia.org/wiki/Abdulla_Qahhor
4. <https://tafakkur.net/abdulla-qahhor.haqida>

ФИТРАТШУНОСЛИК – ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ЖАДИДШУНОСЛИГИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ СИФАТИДА

*Кенжаев Тўлқин Арабович,
Қарши ДУ катта ўқитувчиси*

Миллий уйғониш даври деб номланган ижтимоий, марифий, маданий, адабий ҳаракат Ўзбекистон тарихида қанчалик муҳим, кенг қамровли, мураккаб ва самарали ҳодиса бўлган бўлса, ушбу ҳаракат таркибида Фитрат фаолияти ҳамда ижоди ҳам шу қадар ўзига хос ўрин тутди. Бу даврга хос ҳар қандай фаолият шакли ҳақида сўз юритилар экан, Фитратни четлаб ўтиб бўлмайди.

Илк ижодини анъанавий тарзда арузий ғазаллар билан бошлаган Фитрат Аҳмад Дониш асарларида кўрина бошлаган янги фикрларни тез илғайди. Садриддин Айний ва бошқа Бухоро янги фикрли ёшлари билан биргаликда ижтимоий ҳаракатларнинг фаол иштирокчисига айланади. Унинг янги руҳдаги асарлари, айниқса, Истанбулда ўқиган (1909 - 1913) даврларида оммалашади [1;350]. Жумладан, “Мунозара” (1909), “Сайҳа” (1911), “Баёноти сайёҳи ҳинди” (1912) каби асарлари янгича тафаккур – жадид адабиётининг илк намуналаридан эди.

Фитрат Туркиядан қайтгандан сўнг дастлаб Бухорода фаолият бошлади. Амирлик таъқибига туфайли Шаҳрисабз ва Каркида жадид усулидаги мактаблар очди. Бухоро жадидларининг сўл раҳбари сифатида фаол ижтимоий ҳаракат олиб бориши билан бирга “Раҳбари нажот”, “Оила”, “Мухтасари тарихи ислом” (1915), “Беғижон”, “Мавлуди шариф”, “Або Муслим”, “Ўқу” (1917) сингари ижтимоий-маиший эсселари, диний-маърифий, драматик асарлари ва дарсликларини ёзди. 1917 йилда бадиий-публицистика билан фаол шуғулланди. “Хуррият” газетасида долзарб ва бадиий пафос билан йўғрилган “Юрт қайғуси” туркумидаги асарлар эълон қилди. 1918- йилда туркий тил масалаларига юз бурди. “Чиғатой гурунги” жамиятини тузди. “Тилимиз” мақоласи, “Она тили” дарслигини (Шокиржон Раҳимий, Қаюм Рамазон билан ҳаммуаллифликда), 1919 йилда “Битим йўллари” деган имло муаммосига бағишланган ўқув кўлланмасини чоп эттирди. 1918-1920-йилларда Тошкентда “Ўғузхон”, “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилолчилари” драмаларини ёзди. 1923-1924-йилларда Москвадаги Лазарев номидаги Шарқ тиллари илмий тадқиқот институтида ишлади. Санкт-Петербург давлат университетида маърузалар қилди. Профессор унвонини олди. Шу йиллари “Абулфайзхон” трагедияси, “Арслон” драмаси, “Шайтоннинг Тангрига исёни” драматик достони, “Бедил” номли фалсафий диалог-эссеси, “Сарф”, “Наҳв” номли тилшунослик асарлари, “Адабиёт қоидалари”, “Аруз ҳақида” каби назарий дарсликларини майдонга келди.

Фитратнинг бадиий илмига лаёқати, илмий масалаларни ҳал этиш салоҳияти “Мунозара”, “Баёноти сайёҳи ҳинди”, “Мухтасари тарихи ислом” асарларидаёқ кўзга ташланган эди. Унинг мударрислик фаолияти давомида чоп этган дарслик ва ўқув кўлланмаларида, кейинчалик ёзилган “Санъатнинг маншаъи”, “Шеър ва шоирлик”, “Адабиёт қоидалари”, “Аруз ҳақида” сингари назарий асарларида юксак даражадаги илмий салоҳияти намоён бўлади. “Энг эски турк адабиёти намуналари”, “Ўзбек адабиёти намуналари” каби манбашунослик, илмий-текстологик ишлари ўзбек адабиётшунослиги илми учун муайян пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Ижтимоий ва адабий жараённинг диққат марказида турган, Чўлпон, Усмон Носир, Боту, Элбек, Отажон Ҳошим, Ҳамид Олимжон, Ойбекдек ўз даврининг катта истеъдодлари олдида устоз мақомида бўлган Фитратнинг 30-йилларга келиб, энг йирик танқид объектига айлангани тасодиф эмас. Бу ҳақда Б.Қосимов шундай ёзади: “1931- йил 25-апрелда ОГПУнинг қарори билан 56 киши судга тотилди. 18 киши отиб ўлдиришга ҳукм қилинди. 1937 йилдан эса оммавий қатағонлар бошланди. “Миллат” ва “Ватан” деганнинг ҳаммаси “Халқ душмани”, “Ватан хоини” сифатида отиб ташланди. Шу тариқа Шўро

ҳукуматининг жадидчилик мафкурасига қарши кураши ушбу мафқурани орадан кўтариш билан чекланмай, унинг вакилларини жисман йўқ қилишгача бориб етди” [1;350]. Бу каби ҳаракатларнинг асл мақсадидан бонг урувчи чиқишлар адабиётшунослик йўсинига таъсир этмай қолмади, албатта. С.Хусайн, Ойбек, О.Шарафиддинов, Ж.Бойбўлатов, Ҳ. Олимжоннинг Фитрат ижодига оид тадқиқотлари мана шундай совет мафқураси билан тўйинган методологик характердаги тадқиқот ва талқинлар эди.

Ҳ. Олимжон “Фитратнинг адабий ижоди тўғрисида” деб номланган тадқиқотида Фитрат шахсияти ва ижоди ўрганишга, унинг моҳиятини очиб беришга қаратади. Муаллиф аввало, жадидчилик ҳаракати ўзбек савдо буржуазияси манфаатларини феодал тузум ичида ҳимоя қилиш, янги ғоя сифатида тарғиб этиш, ижтимоий ҳаёт жабҳаларига татбиқ этишни мақсад қилганлигини таъкидлайди. Иккинчидан, ҳаракат вакиллари, уларнинг ижтимоий келиб чиқиши тўғрисида сўз юритади. Бундаги бош мақсад ҳам жадидчилик намояндаларининг “синфий мансубияти” ҳақида тасаввур бериш эди. Учинчидан, мақолада жадидчилик мафқурасининг ижтимоий-маданий асослари ҳақида гап кетади. Ҳ.Олимжон фикрига кўра, “Тараққий”, “Садойи Туркистон”, “Хуршид”, “Шухрат”, “Тужжор”, “Ойна”, “Турон”, “Бухорои шариф” каби газета-журналлар – вақтли матбуот нашрлари “жадидлар ғоясини ёйиш учун хизмат қилган” [2;27]. Ҳ.Олимжон жадидчилик ҳаракати ҳақидаги шу учта энг муҳим факторни илмий асослагандан кейингина бевосита Фитрат ҳаёт йўли ва ижоди масаласини ёритишга киришади. Бизнингча, Ҳ.Олимжон Фитрат ижтимоий фаолияти ва ижодидаги кескин ўзгаришлар унинг Туркияда таълим олиши билан боғлиқлигини нозик илғаган. Фитрат ҳақидаги гапни айнан унинг Туркиядаги ҳаётидан бошлагани шундан далолат беради. Фитратнинг Туркияда Туркистон ёшларининг сиёсий жамиятларини тизгани, унга бевосита раҳбарлик қилгани ҳақидаги фактларнинг келтирилиши, тадқиқот муаллифининг мўлжални ўта аниқ олганини кўрсатади. Унинг фикрича, Фитрат илк жадидона бадий ижодининг асосларини унинг Туркияда шаклланган ижтимоий қарашлари ташкил этган. “Ҳинд сайёҳининг қиссаси” асари ҳақида: “Сайёҳ Ҳинди” маҳаллий сармоядорларга ёруғ истиқбол йўлларини кўрсатиш мақсадида ёзилган. Фитрат савдогар оиласидан чиққанлиги сабаб бундай ғояларни асарларига сингдириши табиий... “Сайёҳ Ҳинди” бадий асар эмас, балки жадидларнинг ҳужжатидир”, деган фикрни илгари суради [2;28]. Ҳ.Олимжоннинг ушбу тадқиқоти илмий-назарий, ижтимоий-тарихий йўналишда ёзилган. Тадқиқот ўз характери жиҳатидан соф методологик асар дейишга имкон беради. Ж. Бойбўлатовнинг вульгар социологик руҳдаги “Ўзбек адабиётида чигатойчилик” мақоласидан ушбу тадқиқот айнан шу жиҳати билан ажралиб туради. Адабиётшунос Б.Каримов соф социологик ва “вульгар социологик” методларни қиёслаш асносида: “Бадий адабиётни, ижодкор фаолиятини социалистик тузумга, баъзида ижтимоий-иқтисодий омилларга ҳаддан ташқари боғлиқ 30-йиллар адабиётшунослигига хос эди. Бу давр адабиётшунослигида социологик метод бирёқлама қўлланди. Синфий кураш - тарихни ҳаракатга келтирадиган куч,

деган қараш бадий асар мазмунини сайқаллаштириб, анча жўнлаштирди. Ҳар қандай бадий асарга, энг аввало синфлар ўртасидаги тўқнашувлар нуқтаи назаридан ёндашилди. XX аср адабиётшунослик тарихидаги бу ҳодиса “вульгар социологизм” деб номланди (“Вульгар” сўзи лотинча бўлиб, “содда, оддий” деган маънони билдиради)” [3;161]. деган фикрларни илгари суради Албатта, ушбу термин синфий курашлар авж олган собиқ советлар тузумида, айниқса 30-йилларда, ўз луғавий маъносидан анча узоқлашиб кетди. Сотти Ҳусайн, Олим Шарафиддинов, Ж.Бойбўлатов, Уйғун, Отажон Ҳошим, Вил Ўразайлар тадқиқотлари мисолида ўзининг “олий мақоми”га эришди. Б.Каримов бу масала моҳиятига чуқурроқ кириш учун М.Розентал фикрларидан фойдаланади: “Хўш, вульгар социологизмнинг ўзи нима? “Вульгар социологизм-ижтимоий ҳодисаларни сийқа талқин қилишдан иборат бўлиб, бундай талқин қилиш тарихий материализмни бузади, чунки бу ижтимоий тараққиётнинг айрим факторларини, экономикани, сиёсатни, идеологияни бир томонлама бўрттириб кўрсатади. Тор маънода – идеологиянинг синфий шарт-шароитга боғлиқ эканини сийқа тушунтиришдир” [3;161].

Ҳ.Олимжоннинг “Фитратнинг адабий ижоди тўғрисида” мақоласини ҳам тўғридан-тўғри “вульгар социологизм”га мансуб дейиш мумкинми? Бизнингча, Ҳ.Олимжон талқини вульгар социологик талқинлардан қисман фарқ қилади. У жаҳидчилик ҳаракати, жаҳид мафкураси, мафкуранинг ёйилиш усуллари ва йўллари, вакилларининг ижтимоий мавқеи масалаларини тадқиқ этар экан, соф тарихий-ижтимоий тамойилдан келиб чиққан. Тарихий далиллар қандай бўлса, шундайлигича унумли, асосли фойдаланиш йўлидан борган. Жаҳид матбуоти, маорифининг мақсад-моҳиятини тўғри англаган. Фитратга хос жаҳидча дунёқараш, амалий фаолият шаклини асосли кўрсатиш учун унинг Туркиядаги фаол ижтимоий ҳаракатлар таъсирига берилгани, ижтимоий қарашлари оқибати сифатида шеърӣ, насрий ва публицистик ижоди шаклланигани ҳақидаги хулосалари ҳам ҳақиқатга зид эмас. Қолаверса, Фитрат ҳақиқатдан ҳам янги шаклланиб келаётган ўзбек буржуазияси (“савдо сармоясӣ” - Фитрат таъбири) вакили эди. У ростдан ҳам инқилобий социализм мафкурасини ўша пайтларда тасаввур ҳам қилмаган. Англаб етган кезларида эса қабул қила олмаган. Асарлари руҳияти, рамзий қатламларида (“Темур сағанасӣ”, “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Абулфайзхон” асарлари) бу тузумга нисбатан салбий муносабатини акс эттирган. Кўринадики, Ҳ.Олимжон бу нуқтаи назардан ҳам ҳақ. Аммо мана шундай ҳақиқатларни, реал тарихий воқеликни истисносиз баён қилиш, бадий ижодга таъсирини илмий асослаш совет мафкураси деб номланган “жазо машинаси”га ёқилғи қуйиш билан баробар эди. Энг ёмони буни Ҳ.Олимжондек зукко ижодкор, ёш сиёсатшунос жуда яхши билар эди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ҳ.Олимжон танлаган методолгик тамойилига кўра “вульгар социологизмга” мансуб бўлмаса-да, тадқиқотининг мақсад-вазифаси, муаллиф ижтимоий позицияси нуқтаи назаридан шундай ноилмий мафкурага мойил эди. Мустақиллик даврининг илк йилларидаги жаҳидшунослик талқинларидан фарқли ўлароқ бугунги кун адабиётшунослиги

30-йиллар адабиётшунослигида кузатиладиган бу каби нозик ҳолатларни эътибордан қочирмаслиги лозим.

80-йилларнинг иккинчи ярмига қадар фитратшунослик мана шундай кескин муносабатлар таъсирида яшади. 1964-1965-йилларда Фитратнинг советлар диний сиёсатига мувофиқ келадиган “Қиёмат” ҳикояси Тошкент ва Душанбеда нашр қилинди. 1967 йилда эса “Шайтоннинг тангрига исёни” шеърӣ драмаси чоп қилинди. 60-70-йилларда Фитрат ижодий мероси ҳақидаги бундай характердаги қайдларни Т.Собировнинг “Пути развития узбекской советской драматургии” (1968), А.Алиевнинг “Литертарные связи узбекской драматургии” (1975) каби китобларида учратамиз. Шунингдек, адабиёт тарихи, жумладан, Турди Фароғӣ, Мащраб, Бобур, Навоӣ ҳақидаги тадқиқотларда, ўзбек мумтоз адабиётининг умумназарий муаммоларига бағишланган баъзи коллектив тадқиқотларида Фитрат илмий қарашларига юзаки бир муносабатлар учрайди. Профессор Э. Каримовнинг “Ўзбек адабиётида реализм тараққиёти” номли монографияси бир асрлик ўзбек адабиёти материалларини қамраб олиши, уларга реализм методининг тадрижий босқичлари сифатида қараш, таснифий босқичларга бўлиб ўрганиш тамойилининг етакчилиги билан бошқа тадқиқотлардан фарқланиб туради. Монографиянинг бир бўлими Фитрат ижодига бағишланган бўлиб, олим 60-йиллар “шабада”си эсишдан тўхтай бошлаган, 70-йилларнинг турғун ва хатарли шароити гуркираётган бир паллада у ҳақда махсус масала қўйган эди. Бу масала “Маърифатчилик ғоялари ва замон қаҳрамони” деб номланган. Бўлимнинг кириш қисмида: “Фитратнинг инқилобгача бўлган ижоди ҳақида рус адабиётшуноси Л.Климович, тожик тадқиқотчиси Х.Мирзозода, ўзбек олими Ш.Турдиевлар янги изланишлари”да [4;91]. Сўз юритилгани, аммо илмий жамоатчилик бу йирик маърифатпарвар шахсияти ва ижодидадан кам хабардорлигини алоҳида таъкидлайди. Шундан келиб чиқиб, Фитрат ижодини ўрганишни у ҳақдаги биографик маълумотлардан бошлашни маъқул топади.

Биографик метод бадий асарни самарали тадқиқ этиш учун, ижодкор ҳаётини учта биографик қатламга кўра ўрганади. Буларнинг биринчиси ижтимоӣ биография, иккинчиси, маиший биография, учинчиси психологик биография ҳисобланади [5;10-28]. Э.Каримов бу ҳақда шундай ёзади: “Биографик маълумотлар ўқувчига Абдурауф Фитратнинг инқилобгача бўлган ижоди спецификаси, мавзу ва муаммолар кўламини атрофлича тушунишга ёрдам беради” [4;92]. Биографик маълумотлар билан ёндош тарзда Фитратнинг “Мунозара”, “Баёноти сайёҳ Ҳинди” асарларини таҳлил қилар экан, матн замиридан ушбу қаҳрамонлар моҳиятида муаллиф образи тургани ҳақидаги фикр билинб туради. Албатта, Фитрат ижодини жади́дчилик ғоялари, ижтимоӣ қарашларидан ажрати́б, жади́д эмас, маърифатпарвар сифатида тадқиқ этишга мажбур бўлган олим бу ҳақли хулосасини ошкор эта олмайди. Аммо биографик ёндашувнинг ўзиёқ ўқувчини шундай фикрга олиб келади. Э.Каримов “Абдурауф Фитратнинг “Мунозара”си Туркистон маърифатпарварларининг ўзига хос манифестига айланганлиги” [4;102]. таъкидлайди. И.Ғаниев бу ҳақида: “Филология фанлари доктори, профессор

Э.Каримов ва доцент Аҳмад Алиевгина турғунлик йилларида Фитрат ижодининг айрим қирраларини холис ўрганишга журъат этдилар, афсуски уларнинг уринишлари ҳам таъқибга учради”, деб ёзганда тўла ҳақли эди [6;3].

Академик Б.Назаров Фитратнинг “Адабиёт қодалари”, “Шеър ва шоирлик” каби назарий ишларини, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Фирдавсий, Умар Ҳайём, Яссавий, Навоий, Сулаймон Боқирғоний, Турди Фароғий ҳақидаги тадқиқотларини адабиётшунослик методологияси деган илмий муаммо асосида баҳолайди. Масалан, “Шеър ва шоирлик” мақоласини: “Миллий заминда ҳукм суриб келаётган камчиликларни акс эттиришга чақириқ” дея талқин қилади [7;54-55]. “Қиёмат”, “Шайтоннинг Тангрига исёни” каби асарлари устида тўхталиб, Фитрат ижодининг ўша давр адабий-илмий жараёнига мос жиҳатларини ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилади.

Б.Қосимов таъкидлаганидек, ҳақиқатдан ҳам фитратшунослик (жадидшунослик)нинг янги босқичи 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланди. “Ниҳоят, 1985 йил апрел пленуми комфирқанинг XXVII съезди ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётда катта ўзгаришларга сабаб бўлган қайта куриш шиори билан чиққач, Фитрат ижодини объектив ўрганишга йўл очди”, деб ёзади бу ҳақда И.Ғаниев [8;12].

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик даврида миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти масалаларини ўрганиш негизида махсус фитратшунослик деган йўналиш майдонга келди. Фитратшунослик жадидшуносликнинг таркибий қисми сифатида ўзига хос, мустақил илмий-эстетик ҳодиса сифатида баҳоланиши, махсус ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Фитрат ижодидаги бу жиҳатларни комплекс ўрганиш нафақат жадидшунослик ва фитратшунослик масалаларини ёритишда, балки замонавий ўзбек адабиётшунослиги методологик имкониятларини белгилаш учун муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Т.: Маънавият, 2002.
2. Олимжон Ҳ. Фитратнинг адабий ижоди тўғрисида //Совет адабиёти. 1936. - №4-5.
3. Каримов Б. Социологик метод / Рухият алифбоси китобидан. –Т.: Ғафур Ғулом, 2016.
4. Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе. –Т.: Наука, 1975.
5. Жўрақулов У. Биографик метод /Худудсиз жилва китобидан. –Т.: Фан, 2006.
6. Ғаниев И. Фитрат.Эътиқод. Ижод. –Т.: Ғ.Ғулом, 1994.
7. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги: ғоявийлик. Метод. Қаҳрамон. –Т.: Фан, 1979.
8. Ғаниев И. Фитратнинг тругедия яратиш маҳорати. –Т.: Ғ.Ғулом, 1994.

СОҒИНЧ МАВЗУСИ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАВИЙ ПОЭТИК ТУРКУМЛАР

(Миллий уйғониш даври водий шеърляти мисолида)

*Барзиев Ойбек Хабибуллаевич,
Фарғона давлат университети
ўқитувчиси, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти шеърлятида анъанавий поэтик туркумлар сифатида соғинч туйғуси ифодаланган шеърлар ўзига хос аҳамиятга эга. Бу давр шеърляти янги образ ва деталларни қўлга киритганлиги билан характерланади. Айниқса, шеърлий асарларда реалистик образлар кўплаб қўлланилган бўлиб, бу ўша давр адабиётида лирик қахрамоннинг ўзи тубдан янгиланганлигидан далолат беради.

Миллий уйғониш даври Фарғона водийси шоирлари қаламига мансуб бўлган соғинч мавзуси етакчилик қилган лирик асарларда ишқий мавзу ҳам, ижтимоий мавзу ҳам етакчилик қилди. Ўз даврининг ишқий мавзуда битилган шеърлярида асосий ғоя туғилиб ўсган юртидан мосуво бўлган ошиқ кечинмалари, маъшуқасига эришиш йўлидаги чеккан жабр-у жафосини, Ватан озодлиги ва ободлигида деб билган кўнгил эгаси ижтимоий ҳаётга фаол бўлган муносабатда бўлди.

Соғинч мавзусига мурожаат қилган Фарғона водийсининг Мирҳасан Садойи, Ҳайрат Тўрақўрғоний, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Исҳоқхон Ибрат, Ҳамза Ҳакимзода каби шоирлари лирик шеърлярида озодлик тантанасига бўлган ишонч, ҳуррият туйғусининг тезроқ ушалиши ҳақидаги орзу-умидлар баралла очиб берилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давр ижодкорларининг ишқий мавзуда битилган шеърлярида кўпинча лирик қахрамон сифатида шоирнинг ўзи гавдаланган. Даврнинг соғинч мавзуси билан йўғрилган ижтимоий мазмунни ифодалаган лирик асарлярида эса мардикорликка олиш воқеалари акс этган бўлиб, уларда юртнинг ўғлони ёки унинг рафиқаси, ота ёки она каби образлар руҳий ҳолати, орзу-умидлари ёритилган.

Адабиётшунослик илмида Фарғона водийси шоирлари қаламига мансуб бўлган шеърларда соғинч мавзуси етакчилик қилган ишқий мавзудаги лирик асарларни таҳлил доирасига тортиш долзарблик касб этади. Сабаби, айнан поэзия йўналишида мардикорликка олиш воқеалари билан боғлиқ бўлган, соғинч мавзуси етакчилик қилган шеърлар таҳлили кўплаб учрайди. Лекин ишқий мавзуда битилган мазкур мавзудаги шеърларни талқин қилиш етарли тадқиқот объекти бўлиши муқаррар.

Фарғона вилояти Чимён қишлоғидан бўлган Мирҳасан Садойи ғазалида соғинч мавзуси устувор бўлиб, у ишқий мавзуда битилган. Шоир миллий уйғониш даври адабиёти вакилларида аввал, яъни XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод этган бўлса-да, унинг ғазалида анъанавий ошиқ кечинмалари, висол онини қўмсаган лирик қахрамон руҳий ҳолати

намоён бўлган. Қуйидаги байтда миллий уйғониш даври адабиётида сўз қўллаш бобида кўплаб учрайдиган анъанавий поэтик туркумлардан бири – айриликнинг оқибатини “фалакнинг гардиши”дан деб билиш мотивлари учрайди. Шеърятда айрилик сабабини фалакдан деб билиш анъанаси кейинги давр шоирлари ижодига самарали таъсир этди:

*Мани сандин йироқ этган фалакнинг гардиши эрди,
Надур чора бу гамлардин ётиб бемор, соғиндим.*

Лирик қаҳрамон ҳолати ғазалнинг бегона байтида ёрқинроқ гавдаланади:

*Садойи, сан каби йўқдур гирифтори бало бўлгон,
Сани излаб ҳар кўчау бозор, соғиндим [1;214].*

Шоирнинг мазкур ғазалига эргашиш, унинг ғоявий ниятига ҳамоҳанг ёзилган кейинги давр Фарғона водийси адабиёти вакиллари: Ҳайрат Тўрақўрғоний, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Ҳамза Ҳакимзоданинг “Соғиниб” радибли ғазаллари, Исҳоқхон Ибаратнинг “Кўргони келдим соғиниб...” мисраси билан бошланувчи мураббаъсида давом этди. Шу ўринда ўзбек мумтоз адабиётида Жаҳон отин Увайсийнинг “Соғиндим” радибли ҳасби ҳол руҳида ўз фарзандига атаб ёзган машҳур ғазалини ҳам эслаб ўтиш лозим.

Садойи ғазалида қўлланган лирик қаҳрамон ҳолатини ёритишдаги анъанавийлик Наманган адабий муҳити вакили бўлган Ҳайрат Тўрақўрғоний ижодида ҳам учрайди. Шоир ғазалида маъшуқасининг ишқида телба бўлганлини ошкор этади:

*Лаҳза-лаҳза ёдида беҳушликлар юз берур,
Йўқлигининг ақлу идроку баёним соғиниб.*

Байтлардаги мазмун ғазалнинг мақтаъ қисмида кескинлашади ва оқибатда соғинч туфайли лирик қаҳрамон, яъни шоирнинг ўзи девона бўлганлигини ёзади:

*Номалар ёздим неча сўзи дилимни шарҳ этиб,
Ҳайрати девона ўлдим, дебки хоним соғиниб [2;254].*

Мазкур ғазалларда бемор сўзи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у орқали ўша даврда жамиятнинг ўзи “бемор” эканлигига ишора қилинади. Шоир ўзини бемор деб аташи натижасида яшаган даври ва муҳитига ҳам яширин ишора қилган ҳолда уни тезроқ тутқунлик дардидан тузалишини истаган. Бу анъана эса Муқимий ғазалиётида ҳам сақланган бўлиб, унда шоир лирик қаҳрамон сифатида арзи ҳол этади:

*Хаста-ю маъюсу бемор айрилиб гам кунжида,
Мустаҳқиқ пурсиши бисёрдурман соғиниб.*

Шоир ҳам туфайли бемор бўлганлигидан изтироб чекади. Бу лирик қаҳрамон ҳолати ғазаллардаги бир ғоявий йўналишни ифодалаган ҳолда ошиқ кечинмаларидаги анъанавийликни ифода этган. Шоир сўз танлашда замондошлари ижодига эргашади ва ўзининг жамиятнинг тутқунликдан озод бўлишини кутиб бемор бўлган бир аъзоси сифатида кўрсатади. Натижада шоир ғазалида ўзи туғилиб вояга етган диёрнинг озод ва обод кўришни орзулаган ошиқ ҳолида гавдаланиб, ишқий мавзуни ижтимоий мазмун билан уйғун қўллашга эриша олган.

Ғазалнинг мақтаъ қисми соғинч туфайли маъшуқасининг ҳасратларини шеър қилиб битиб, саҳифага такрор ёзганлиги билан тамомланади:

*Ҳасратингни назмини ёзиб Муқимий сафҳага,
Кору борим дам-бадам такрордурман соғиниб* [3;62].

Садойи ғазалида қўллаган “ғамлардан чора излаб маъшуқасини соғинган” ошиқ ҳолати Наманган адабий муҳитининг пешқадам шоири Ибратнинг мураббаъсида ҳам анъанавий усулда давом этади ва у шеърятда сўз танлаш масаласида бир туркумлиликни ифодалаган:

*Дардинг билан дармондаман,
Топкин илож бемораман.
Васлинг билан афтодаман,
Кўргони келдим соғиниб.*

Садойи маъшуқасига соғинч туфайли бемор бўлганлигини айтса, Ибрат ўз дилбаридан чора излаган ҳолда дардига дармон, беморлигига илож топишини сўрайди.

Ибрат ижодидаги мураббаънинг якуний бандида Садойи ғазалининг мақтаъсида учраган сўз қўллашдаги бадий маҳоратдан таъсирланиш сезилади. Садойи маъшуқасини кўча ва бозорлардан излаган бўлса, Ибрат унинг кўйида зор-зор бўлганлигини ёзади:

*Кўйингда дилбар зор-зор,
Шому сабо, лайли наҳор,
Йўқ эмди бизда ихтиёр,
Кўргони келдим соғиниб* [4;32].

Шоир Ҳамза Ҳакимзода 1912 йилда ёзган “Соғиниб” радифли ғазалида ҳам ишқий мавзу етакчилик қилган бўлиб, ундаги ўзига хослик матлабдаёқ лирик қаҳрамон девона бўлганлигини айтиб ўтганлигида кўринади:

*Эй дилрабо, ишқинг била девона бўлдим соғиниб,
Булбул каби тун кечалар гирёна бўлдим соғиниб.*

Ҳамза ғазалида замондошларига ижодий эргашиши у ҳам ўзини лирик қаҳрамон сифатида девона деб аташида муштараклик мавжуд. Ғазал байтларида бу сўзга алоҳида ишора қилинганлиги Фарғона водийси шоирларининг сўз қўллаш маҳоратидаги бир ижодий ниятнинг амалга ошганлигидан дарак беради. Бу ижодий ният ошиқ сифатида эрк ва хурриятга ташна қалб кечинмаларини ошкора қилинганлигида билинади:

*Ташлаб гариб девонани мунча узоғ этдинг сафар,
То келгуча қонлар ютуб, бирёна бўлдим соғиниб.*

Шоир ғазалидаги ўзига хослик - мақтаъда ўзининг шодлигини айтиб ўтиши, маъшуқаси ёнига соғ-саломат қайтганлигидадир. Айнан шу руҳий ҳолат тасвири юқорида номлари зикр этилган шоирлар ижодида кўзга ташланмайди:

*Минг шукрим келдинг бу кун сизҳат-саломат, шодмен,
Айлай Ниҳоний жон фидо, қурбона бўлдим, соғиниб* [5;14].

У ғазали якунида бошқа замондошлари каби сарсон-саргардон бўлганлигини айтмайди, балки ўз-ўзига таскин беради. Мақтаъда ифодаланган лирик қаҳрамоннинг аянчли аҳволини моҳирона усулда ёритган ҳолда соғинч

сабабли “қурбон бўлдим” дея янги поэтик топилмадан унумли фойдаланади. Бу эса шоирнинг бир куни, албатта, соғинч туйғуси барҳам топишига, яъни лирик қахрамоннинг чеккан изтироблари якун топишига бўлган ишонч бўлиб, шу сабабли шукроналик ва шодлик атамаларидан фойдаланади.

Юқоридаги лирик асарлар бўйича қуйдагича хулосалар қилиш мумкин:

биринчидан, Мирҳасан Садоий ижодида учровчи соғинч мавзусини теран ёритишга хизмат қилган сўз ва тафсиллар кейинги давр водий шоирлари ижодига ижобий таъсир этди;

иккинчидан, Ҳайрат Тўрақўрғоний ва Муқимий ижодидаги соғинч мавзуси ижтимоий мазмунни ифодалаганлиги билан ажралиб туради. Сабаби уларда юрт соғинчида ўртанган кўнгил эгаси намоён бўлган.

учинчидан, Исҳоқхон Ибрат ва Ҳамза Ҳакимзода ижодидаги соғинч алангаси ишқий мазмунни ифодалаган бўлса-да, уларда ҳасби ҳоллик - ўз тақдирини баён қилиш мотивлари билан уйғун ҳолда қўлланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Асрлар нидоси . Мумтоз ўзбек адабиётидан намуналар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1982.
2. Асрлар нидоси . Мумтоз ўзбек адабиётидан намуналар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1982.
3. Муқимий. Танланган асарлар. Икки томлик. I том. Лирика / Нашрга тайёрловчи: Каримов Ғ. –Т.: Давлат адабиёт, 1960.
4. Исҳоқхон Тўра Ибрат. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифлари: Долимов У., Жабборов Н. –Т.: Маънавият, 2005.
5. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Танланган асарлар. Биринчи том. Шеърлар. –Т.: Бадиий адабиёт, 1958.

ИДЕЙНЫЕ И ДУХОВНЫЕ ИСКАНИЯ ГЕРОЕВ РОМАНА “БУНТ И СМирЕНИЕ” УЛУГБЕКА ХАМДАМА

*Шукурова Феруза Хидировна
ст. преп. кафедры русской литературы и
методики её преподавания*

Несмотря на то, что в узбекской романистике XX века жанровая форма, способы выражения претерпели множество изменений, человеческая интерпретация долгое время оставалась неизменной. Только к концу века наши творцы освободились от идеологического гнета, связанного с пониманием человека, его изображением. В ряде рассказов и романов, созданных за годы независимости, реалистичный образ изображён с человеческой точки зрения [1;99]. В этих романах есть герои, которые стремятся понять смысл жизни и тайны человеческого сердца, которые то раздавлены, то оттеснены повседневной жизнью, которые постоянно исследуют себя. Такая «внутренняя

активность» в характере главных героев упрочила психологическую основу романа, еще больше усовершенствовала методы и средства психического анализа, привела к появлению объективных установок, теоретических подходов к разным стилям и жанрам литературного процесса.

Сегодняшний литературный процесс, узбекский художественно-эстетический мир сложно представить без творчества Улугбека Хамдама.

Улугбек Хамдам своими романами доказал, что является одним из мастеров искусства раскрытия психологии человека с помощью слов, анализа человека на основе различных философских и психологических критериев.

В этом смысле изучение проблемы художественной психологии в романах писателей, произведения которых вызвали разногласия в области отечественной литературы, сегодня позволяет объективно оценить изменения, происходящие в современном литературном процессе.

Роман «Бунт и смирение» был доведен до русскоязычных читателей в 2003 году в переводе на русский язык Н. Владимировой. Учитывая, что этот роман является одним из произведений, способствующих развитию психологического стиля в узбекской литературе XXI века, мы обращаем внимание на используемые в нем средства психологической интерпретации.

В последние годы узбекские читатели и литературоведы привлекли внимание монографий и сборников научных статей, таких как «Старый Свет и Новое Я» [2;234].

Ну, в чем суть романа «Бунт и смирение», гармония формы и содержания, особенности художественного текста?

Роман «Бунт и смирение» был доведен до сведения читателей в 2003 году в переводе на русский язык Н. Владимировой. Учитывая, что этот роман является одним из произведений, способствующих возникновению многих принципов в узбекской литературе XXI века, мы обращаем внимание на используемые в нем средства психологической интерпретации.

Анализируя психологические методы и инструменты романа «Бунт и смирение», мы убеждаемся, что в сердцах героев живет несколько «я» и что эти «я» вступают в межсознательное общение. Даже без отдельного утверждения понимание необъяснимых событий проявляется через мастерство писателя. Эта работа разделена на главы и имеет два разных значения:

- Сотворение Вселенной, а также Адама и Евы, их изгнание с небес обманом сатаны;
- Это становится понятно, когда люди, живущие в пространстве и времени, совмещают в себе судьбу.

В этом предисловии к роману автор обсуждает создание вселенной на основе стихов Корана. Писатель не отступает от условности художественной действительности, но логично подчеркивает образ души в неповторимом стиле.

Примечательно, что психика человека не упоминается. Но подробности романа указывают на последующие события. «Взгляд из тюремной дыры» главного героя Акбара дает художественные линии таким ситуациям, как конфронтация с самим собой.

«Улугбек Хамдам отражает сильные и слабые стороны человечества с разных точек зрения. В частности, использование положительных записей в сравнительном анализе с ранней историей человечества дало положительные результаты [3;630]. С покаянием, пониманием и послушанием человеческого рода, под руководством слуги на пути истины, божественные и философские мысли выдвигаются в образе Акбара через некоторые волнующие мысли», - М. Пирназарова пишет.

Действительно, комментарии исследователя помогают прояснить широту психики в поэтическом анализе бунта и смирения. Ведь человек всегда страдает духовно, чтобы понять и осознать себя. В жизни есть люди, которые всю жизнь живут в объятиях противоречий. Судьба таких людей художественно описана в «Бунте и смирении».

В романе «Бунт и смирение» авторский голос активен, чем в первом романе «Равновесие», в нем философские наблюдения глубже, его подсознательное мышление более успешно, сущность человеческого бытия, предназначенная богом и указанная в Коране, художественно воспроизведено в стиле, который обеспечивает уникальность романа.

История сотворения Вселенной и Адама, объединяющая композицию романа в единую идею, а также интерпретации изгнания Адама и Евы с небес.

Восстание против судьбы - Восстание против Творца раскрывается через образ главного героя романа Акбара, и невольно вспоминается образ мятежного Радиона Раскольников из М. Достоевского.

В реалистическом романе бунт в духе главного героя полифонического романа «Преступление и наказание», также не был против судьбы, Творца. Разве не цель Раскольников, восстание, приведшее к преступлению, демонстрация своего всемогущества, убившего ростовщицу и ее сестру, не из-за неиспользованных украденных денег или драгоценностей?!

Анализ романов У. Хамдама проясняет важную сторону писателя. Создание образа учителя, воплощающего концептуальную идею в романах У. Хамдама, интерпретируется как идейный учитель Мухаммаджона ака и Юсуфа в романе «Равновесие» и Табиба и Акбара в «Бунте и смирении».

Сходство между двумя образами духовных учителей заключается в том, что они оба живут в одиночестве, вдали от своих семей.

Когда изучаем сюжетные и композиционные формы психологизма в романе «Бунт и смирение», мы видим, что характерной чертой главных героев романа является то, что психологическая коммуникация между ними отражается в композиционной структуре романа.

В романе преобладает лирический принцип типизации главного героя. Психологическое поведение Акбара полностью реалистично обусловлено. Поэтому писатель рисует внутренний мир персонажей через противоречия, напряжения, душевные состояния страдания, тяжелые переживания.

Акбар радуется, когда видит белый снег, чтобы забыть годы тяжелой работы, медитирует и, кажется, забыл о своих грустных моментах. Здесь можно сказать, что каждая деталь, использованная Улугбеком Хамдамом, имеет свою

художественную функцию. Писатель, которому удается раскрыть человеческую психику и тонкости человека, мыслит вселенную в универсальном масштабе, чувствует ее сердцем, что в свою очередь привлекает внимание читателя.

В романе Акбар прошел путь от заключения в тюрьму за непреднамеренный грех и превратил свою жизнь в другой поток из-за собственной слабости. Возможно, это результат загрязненного общества, к которому он принадлежит [4;149].

Говоря об образе, породившем идею романа, мы замечаем, что некоторые из них образуют цепь общения независимо друг от друга, осуществляя межсознательное общение в соответствии со своей психологической функцией. Его можно описать так: Акбар – Садр, Акбар – Заключенные, Турсунбой джонташ – Табиб, Нигина – Табиб, Акбар – Табиб, Искандар – Табиб. В романе созданы психологические портреты более десятка героев.

По истории жанра романа роман можно считать серией открытых романов. Каждый ученик, который верит в правоту судьбы, обязан сказать, что Садр – это оправдание, что Акбар был заключен в тюрьму летом.

Обратите внимание, что в процессе интерпретации романа Садра во второй раз просит Доктор разъяснить действия Акбара. К тому же о нем никогда не вспоминают и не находят в системе новых событий. Как будто он выпал из экипажа.

Фактически, Акбар переезжает из села в город как прелюдия к восстанию, которое разрушило его жизнь и проникло в его душу. Он даже находится в отношениях со своим братом, на пути чистоты между Дианой и его женой Зарифой. Садр присутствует даже в странствующем марше Акбара между городом и селом. Информация о его жизни не имеет статуса в спектакле. Угнетение в груди Садра Акбара продолжает жить в душе Акбара как фактор восстания. Одним из персонажей романа, который служит психологическим орудием, является Турсунбой Джанталаш. Он не имеет ничего общего с Акбаром. Но можно с уверенностью сказать, что он один из персонажей, раскрывающих идею произведения. Его лето - черный труд. Это иронично-гротескный образ узбека. Он духовный брат дяди Мурада Дехконкули. Судьба Турсунбоя вносит ясность в философию Адама, Вселенной и Творца, сформированную в психике, сознании и сознании Доктора. Один конец его совета Акбару идет Турсунбою, а другой - Нигине.

Духовный учитель, Доктор, который в своей судьбе преодолел бунт и в конце концов заступился за Единство Аллаха и Его Создателя, страдает от ошибок человечества, особенно в природе и последствиях феномена клонирования в медицине.

Беседа доктора со своим учеником Акбаром перед смертью примечательна, даже логический вывод, завершающий идею работы: «Все, что начинается, где-то и заканчивается». Но вопрос в том, сможете ли вы сочетать эти две точки – начало и конец – на протяжении всей жизни? Что еще более важно, подходят ли эти две точки в вашем сердце, в вашем мире?!

Если это подходит, если мир, который вы создали, способен на это, тогда вы добьетесь успеха: вы найдете конец, прежде чем умрете ...».

Во второй части романа, главе 13, извинения доктора даны в форме внутреннего монолога. В этом извинении мольба к Аллаху интерпретируется в форме восстания, послушания, мужества, колебаний, руководства и острого психологического диалога в уме и духе главного героя, понимающего Аллаха. На наш взгляд, это тоже отражение художественного мастерства писателя [5;69].

Еще один психологический инструмент, использованный автором в романе, - это письмо. Это была воля его наставника, Доктора, который обеспечил герою душевное спокойствие и поздравил Акбара с его руководством и дал ему статус учителя.

Когда мы изучаем сюжетные и композиционные формы психологизма в романе «Бунт и смирение», мы видим, что характерной чертой главных героев романа является то, что психологическая коммуникация между ними отражается в композиционной структуре романа [6;560].

Литературовед К. Джураев признает, что личность писателя хорошо просматривается в описании событий в «Бунте и смирении». Только мастерство создателя состоит в том, что все образы, которые он создает, разные, одно не похоже на другое, индивидуальное, неповторимое.

Они не лирические герои или прототипы «шаблонов» в поэзии. Но в то же время писатель находится в этих героях, в своем сердце, переживая с ними. В романе «Бунт и смирение» преобладает лирический принцип типизации главного героя. Психологическое поведение Акбара полностью реалистично обусловлено. Поэтому писатель рисует внутренний мир персонажей через противоречия, напряжения, душевные состояния страдания, тяжелые переживания.

Однако это было сделано не для самих героев, а для того, чтобы подчеркнуть накал их идейных и духовных исканий и тот факт, что человеческая природа - это место бесконечных грехов.

Мы знаем, что внутренний мир героев Улугбека Хамдама всегда движется в масштабах двух полюсов, двух противоречивых состояний. Такой комплексный подход к сложностям психики, желание проникнуть глубже возникает через осознание того, что это абсолютно непостижимо.

Узбекский романизм XX века зарождался и развивался на основе народной мудрости, источников устного творчества, национального самосознания, художественных традиций классической литературы.

В узбекском романе периода независимости первостепенное значение имеет изображение серьезных изменений в сознании и психике нации со всей их сложностью и противоречиями. Честь независимости открыла широкие возможности для изучения эстетики и культуры мира.

Практическим проявлением этого является тот факт, что произведения таких философов, как Джойс, А. Камю, Ф. Кафка, достигли узбекского читателя через искусство художественного перевода [7;399].

В то же время независимость, которую наш народ ждал последние сто лет, заложила основу для создания значимых произведений в нашей литературе. В этот период с первых же произведений нового поколения он привлек внимание ученых и критиков и завоевал любовь читателей. Это такие писатели, как Ш. Бутаев, Х. Дустмухаммад, Н. Эшонкуль, Л. Бурихан, Т. Рустам, С. Вафо, У. Хамдам, Зульфия Куролбой кызы.

Романы Улугбека Хамдама «Равновесие» (1997 г.), «Бунт и смирение» (2003 г.), «Сабо и Самандар» (2009 г.) также служат удовлетворению духовных и образовательных потребностей общества. Они отражают отношения между обществом и личностью, противоречие добра и зла, неуравновешенность разума и эмоций.

В романе «Бунт и смирение» универсальные проблемы и ценности художественно отражены через исламско-философские взгляды писателя, философские наблюдения писателя глубокие, межсознательное духовное общение, творчество человека и сущность жизни художественно развиты в уникальном стиль, основанный на Коране;

- в романе, от простого к сложному, от мира индивида до интерпретации общечеловеческих ценностей, психика человека и период, живущий в одушевленном пространстве и времени, художественно выражается через символическую интерпретацию и синкретическое изображение реальной жизни [8;120].

В узбекском романе периода независимости первостепенное значение имеет изображение серьезных изменений в сознании и психике нации со всей их сложностью и противоречиями. Честь независимости открыла широкие возможности для изучения эстетики и культуры мира.

Это заложило основу для создания значимых произведений в нашей литературе. В этот период с первых же произведений нового поколения он привлек внимание ученых, критиков, и завоевал любовь читателей. Это такие писатели, как Ш. Бутаев, Х. Дустмухаммад, Н. Эшонкуль, Л. Бурихан, Т. Рустам, С. Вафо, У. Хамдам, Зульфия Куролбой кызы.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Ахмедова Ш. Мактубот ва адабий танқид. –Т.: Фан, 2005. – 99 б.
2. Адабиёт. Бадиият. Абадият. –Т.: Янги аср авлоди, 2004. –234 б.
3. Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадиият. –Т.: Академия, 2000 . –630 б.
4. Аристотель. Поэтика. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. –149 б.
5. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. –Т.: Маънавият, 2001. –69 б.
6. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –560 б.
7. Борев Ю. Эстетика. Изд. 3. –М.: Политиздат, 1980. –399 с.
8. Болтабоев Ҳ. Қатағон қилинган илм. –Т.: Хазина, 1996. –120 б.

ЭСКИ ТУЗУМ ДАВРИДА МИЛЛИЙ ФАЛСАФИЙ МЕРОСГА НИСБАТАН БИРЁҚЛАМА МУНОСАБАТ ОҚИБАТЛАРИ

*Ғозиев Зиёдиллаҳон Меражевич,
ЖДПИ катта ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жаҳон илм-фани равнақида хисса қўшган улуғ алломалар ҳақида қуйидаги фикрларни келтирган: Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қафқол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб ва бошқа кўплаб даҳолар нафақат ислом, айна пайтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган [1;28].

“Биз она Ўзбекистон истиқлолини, -деган эди. Биринчи президент И.А.Каримов,-унинг шаъну-шавкати қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор” [2;14].

Демак, она Ўзбекистон биз учун меросдир. Унинг сарҳадлари-ю маънавий қадриятларини эъзозлаш сиз ва биз учун қарз ва фарздир. Биз аждодларимиз меросини давом эттирувчилармиз, аждодлар мероси ворисларимиз [3;460].

Мерос моддий, социал, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий қисмлардан иборат бўлади. Маънавий меросимиз турларидан бири фалсафий меросдир. Тарих ёки ҳозирги кунда бўлсин, ҳаётини ахлоқий ва диний муносабатлар мавжуд. Ахлоқий ёки диний муносабатлар тўғрисидаги қарашлар эса ижтимоий фалсафий қарашларимиз тизимида жойлашган. XVII-XVIII асрларда яшаб, ижод қилиб ўтган Сўфи Оллоёрнинг диний ахлоқий таълимоти ҳам ижтимоий фалсафий қарашларнинг таркиб қисмларидир. Ўша даврнинг ҳукмрон, давлатлашган дунёқараши исломий эди. Дунёқараш фалсафийдир. Чунки унда борлиқнинг барча соҳалари қамраб олинади ва охир-оқибат, илоҳий ёки моддий бўлсин, битта субстанцияга боғланади. Шу ҳолатда мантиқий қурилма ҳосил қилинади. Ахлоқ ҳам ижтимоий муносабатларнинг барча-барчасига хос синхретик маданий ҳодисадир. У ижтимоий муносабатларнинг аргументларидан биридир. Чунки ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида кишилар ўртасидаги муносабатлар жамоат иззаси даражасида ҳам ўзининг тартибга солинишини тақозо этади. Шунинг учун ахлоқ ҳам умумижтимоий маънавий маданий ҳодисадир. Шундай экан, ахлоқнинг ҳам, диннинг ҳам, ёки уларнинг туташган нуқталари-диний ахлоқни ижтимоий фалсафа тизимида ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Биз 1991 йил 31 августдан миллий мустақилликка эришдик, 74 йиллик Совет мустамлакачилигидан озод бўлдик. Совет давлати марксизм-ленинизм мафқураси асосида қурилган эди. “Совет халқи партия раҳбарлигида, марксизм-ленинизм байроғи остида социализм қурди”, - дейилади КПСС программасида.

Совет халқи партия раҳбарлигида “марксизм-ленинизм байроғи остида коммунистик жамият қуражак” [4;94]. Бу ғоявий дастурий қоида СССР

Конституциясининг 6-моддасининг иккинчи қисмида қуйидагича расмийлаштирилиб, юридик кучга киритилган эди: “Марксча-ленинча таълимот билан қуролланган Коммунистик партия жамиятни ривожлантиришнинг бош истиқболлини, СССРнинг ички ва ташқи сиёсат йўлини белгилаб беради, совет халқининг буюк бунёдкорлик фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг коммунизм ғалабаси учун курашини планли илмий асосда олиб боради” [5;6].

“СССР” деб аталмиш салтанатнинг ғоявий негизларини марксизм-ленинизм ташкил этар экан, у қуйидаги уч қисмдан иборат эди: марксча-ленинча фалсафа, марксча-ленинча сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм. Бу таълимот тоталитар йўл билан ҳаётга татбиқ этилди, аммо ўзини оқламади. Барча иқтисодий, сиёсий, маънавий ва социал жараёнлар бу таълимот асосида амалга оширилди. Агар кимда-ким бу таълимотга қарши чиқса, антисоветизм баҳонаси остида қатағон қилинди. Бу ҳақда юридик фанлари доктори, профессор Ҳ.Бобоев шундай деган эди: “Ҳамма нарса, шу жумладан, дала, ҳуқуқ, қонун, сиёсат ҳам фақат ягона ўлчов билан ўлчаниши ва ягона усул билан, яъни материалистик нуқтаи назардан ва марксизм-ленинизм таълимотига биноан ўрганилиши керак эди. Унга мос келмайдиган ҳар қандай таълимот ва шу жумладан давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги дунёқараш шафқатсиз танқид қилиниб, “бошқача” фикрловчилар таъқиб остига олинди” [6;3]. Шунинг учун ҳам совет социалистик тузуми тоталитар жамият эди. Ўн тўртта республика, жумладан, Ўзбекистон ССР мустамлака ўлкалар эди. Марксизм-ленинизм ғоялари негизида қурилган социалистик тузум ўзини оқламади.

Нигилистик бир ёқлама ёндашиш демакдир. Бу ёндашишни моҳияти Карл маркснинг 1859 йилда тарихий материализм қоидалари ишлаб чиқилган “Сиёсий иқтисод танқидига доир” асарининг сўз бошисида қуйидаги тартибда берилган ҳам эди: “Кишилар ўз ҳаётларини ижтимоий жиҳатдан ишлаб чиқаришда муайян, зарур, ўзларининг иродаларига боғлиқ бўлмаган муносабатларда-ишлаб чиқариш муносабатларида бўладилар, бу муносабатлар уларнинг моддий ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиётининг муайян босқичига мувофиқ келади. Бу ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳаммаси жамиятнинг иқтисодий структурасини, реал базисни ташкил этади, юридик ва сиёсий устқурма шу реал базис устига қурилади ҳамда ижтимоий онгнинг муайян формалари шу базисга мувофиқ келади. Моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули умуман ҳаётнинг социал, сиёсий ва руҳий процессларига сабабчи бўлади. Кишиларнинг онги уларнинг борлиғини белгиламайди, балки, аксинча уларнинг ижтимоий борлиғи уларнинг онгини белгилайди. Жамиятнинг моддий ишлаб чиқарувчи кучлари ўз тараққиётининг маълум босқичида мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларига ёки-бунинг юридик ифодасигина бўлган-мулкчилик муносабатларига зид бўлиб қолади; улар шу пайтгача мазкур муносабатлар бағрида ривожланиб келган эди. Бу муносабатлар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш формаларидан уларнинг кишанига айланади. Ана шу вақтда социал революция бошланади. Иқтисодий асос ўзгариши билан бутун бир ғоят катта устқурмада ҳам озми-кўпми тезлик билан туб ўзгариш юз беради. Бундай ўзгаришларни текширганда, ҳар вақт ишлаб чиқаришнинг иқтисодий

шароитларидаги моддий ўзгаришни, яъни табиий-илмий аниқлик билан қайд қилинадиган ўзгаришни юридик, сиёсий, диний, бадий, философик, хуллас: идеологик формалардан фарқ қилмоқ зарурдирки, кишилар бу конфликтни ана шу формаларда англайдилар ва уни ҳал қилиш учун курашадилар. Айрим одам ҳақида унинг ўзи тўғрисидаги фикрига қараб хулоса чиқариш мумкин бўлмагани сингари бундай ўзгариш даври тўғрисида ҳам шу даврнинг онгига қараб ҳукм чиқариш мумкин эмас. Аксинча, бу онгнинг сабабини моддий ҳаёт зиддиятларидан, ижтимоий ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида бўлган конфликтдан топмоқ керак. Ҳеч бир ижтимоий формация ўзи етарли даражада имкон бериб ривожлантираётган ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳаммаси ривожланиб етмасдан бурун ҳалок бўлмайди ва янги, юқори ишлаб чиқариш муносабатлари ўзларининг яшашлари учун эски жамиятнинг ўз бағрида моддий шароитлар етилмасдан бурун ҳеч вақт пайдо бўлмайдилар. Шунинг учун инсоният ўз олдига ҳар вақт фақат ўзи ҳал қила оладиган вазифаларни кўяди, чунки чуқурроқ текшириб қараганда ҳар доим шу нарса маълум бўладики, вазифанинг ўзи ҳал қилиш учун моддий шароитлар мавжуд бўлган ёки, ҳеч бўлмаганда, бу шароитлар вужудга келиш процессида бўлган вақтдагина пайдо бўлади. Умуман олганда, осийча тартибдаги, антик, феодал тартибдаги ва ҳозирги замон буржуа тартибдаги ишлаб чиқариш усулларини иқтисодий-ижтимоий формациянинг прогрессив давлари деб айтмоқ мумкин. Буржуа ишлаб чиқариш муносабатлари ижтимоий ишлаб чиқариш процессининг сўнгги антогонистик формасидир...” [7;555-557].

Бу қарашларнинг чекланганлиги тарихни диалектик маданий тушуниш асосида ҳам аниқланган.

Марксизм-ленинизмдаги асосий масала пролетариатни эксплуатациядан озод қилиш эди. К.Маркс ва Ф.Энгельс, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчиликни ижтимоий мулкчиликка айлантириш лозим. Бу пролетар партияси раҳбарлигида пролетар революцияси орқали пролетариат диктатурасини ўрнатиш орқали амалга ошади. Пролетариат диктатураси эксплуататорлар мулкни национализация қилади [8;583].

Гегель идеалистик тушуниш доирасида диалектиканинг асосий қонунларини кашф этди. Ундан ҳам фойдаланамиз. Тарихни материалистик тушуниш доирасида Карл Маркс илк бор жамиятнинг структураси социал, моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий соҳалардан иборатлигини кўрсатиб берди. Лекин жамиятнинг бу қисмларида уларнинг ишлов бериб яратилган қисмлари, яъни маданий қисмларининг белгилувчилик аҳамиятига эътибор берилмади. Бу ҳолат мустақиллик йилларига келиб аниқланди[9]. Ушбу тушуниш доирасида академик Иброҳим Мўминовнинг ташкилотчилиги ва ижодий фаолияти туфайли ижтимоий фанлар бугунги ҳолатга чиқди[10]. Ҳозирги авлод Иброҳим Мўминовнинг бу хизматларидан миннатдор бўлиши керак.

Физика-математика фанлари доктори, профессор Умарбек Абдурахмонов таниқли турк олими доктор-онколог Холуқ Нурбоқий Қуръони каримнинг кўпгина оятларининг бугунги фандаги ютуқлар билан уйғунлиги, ёритилди

[11;144]. Бу илмий ютуқлар инсон дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади.

Юқорида кўрдикки, тарихни материалистик тушунишга мувофиқ, моддий неъматларни ишлаб чиқариш жамият мавжудлиги ва ривожланишининг асосидир. Ундан хусусий мулкчилик, хусусий мулкчиликдан, ҳоким ва тобе синфлар, ҳоким синфлардан уларнинг ҳокимиятлари ва мафкураларининг ҳукмронликлари келтириб чиқарилди.

Ижтимоий мулкчилик эса ҳоким синфлар, уларнинг ҳокимият ва мафкураларининг барҳам топишига олиб келди.

“Марксизм материализмдир”,-деган эди В.И.Ленин,-шундай бўлгани учун у... диннинг ашаддий душманидир” [12;426]. Совет давлати ана шундай материализмга асосланган давлат эди. Атеизм материализм қирраси саналиб келинди. Шунинг учун Совет давлати атеистик давлат эди.

Бугунги кунда постсовет маконида “монистик методологиядан-методологик плюрализмга ўтиш” [13;45] бошланган. Бизда “Ўзбек модели”нинг биринчи тамойили бўйича иқтисод социализм сиёсий иқтисоддан холи қилинди [14]. Ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ҳам эскича, тоталитаризмга олиб борувчи мафкурадан озод қилиш давом этиши керак. Бу ҳақда Республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов шундай деган эди: “Фалсафа илмини, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва кадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган улуғ аجدодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий-умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир” [15;260].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.28.
2. Каримов И.А. Туркистон умумий уйимиз. –Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б. 14.
3. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. –Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б.460.
4. Совет иттифоқи Коммунистик партиясининг программаси. –Т.: Ўзбекистон, 1986. –Б.94.
5. Конституция СССР. –М.: Юридическая литература, 1987. –С.6.
6. Бобоев Ҳ. Амир Темур ва унинг қарашлари. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.3.
7. Маркс К. Сиёсий иқтисод танқидига доир. Сўз боши // К.Маркс ва Ф.Энгельс. Танланган асарлар. 1-том. –Т.: Ўзбекистон, 1980. –Б. 555-557.
8. Карл Маркс ва Фридрих Энгельс. Коммунистик партия манифести. К.Маркс ва Ф.Энгельс. танланган асарлар. 1-том. –Т.: Ўзбекистон, 1980. – Б.138. К.Маркс. И.Вейдеместурга хат. 1852 йил 5 март. // Ўша жойда. – Б.583.
9. Абдухолиқов С. Маданият тарихи ва унинг асосий масаласи. –Т.: Фан, 1993; унинг: Виждон эркинлиги методология муаммолари. –Т.: Фан, 1997.

10. Қаранг: Ғойибов Н. Донишманд. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
11. Қаранг: Абдурахмонов У. Қуръон оятлари мазмуни билан илм-фан орасидаги уйғунлик. –Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017. 156-бетлик. Холу Нурбоқий. Қуръони Каримнинг илмий мўъжизалари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. 144-б.
12. Маркс К., Энгельс Ф., Ленин В.И. дин тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б.426.
13. Тарасов А.Н. Методологические проблемы юридической науки. – Екатеринбург: Изд-во гуманитар. ун-та, 2001. –С.45.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1993.
15. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.260.

BADIIY ADABIYOTDA OBRAZ MASALASI

*Sabirova Zebo Zokirovna,
Jahon tillari universiteti o'qituvchisi*

Ilg'or texnologiyalar asrining egasi bo'lgan bugunning odami eng katta bozor – axborot bozorining quliga aylanib bormoqda. Shaxs, uning jamiyatda tutgan o'rni, butun dunyoga qilayotgan ta'siri, yer sharining qay burchagida bo'lmasin, bir-biriga ijobiy yoki salbiy ta'sir etmasdan qolmayapti. Texnikaning yutuqlari, aniq fanlarning rivojlanishi davlatlar, mintaqalar o'rtasidagi munosabatlarning yaqinlashuviga, ilg'or davlatlar o'zidan keyingi rivojlanayotgan davlatlarning iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy holatidan tortib ma'naviy, psixologik dunyosigacha aralashuvi kuzatilmoqda. Dunyoda bir-biridan o'zish poygasi ketayotganda inson tabiatining tub mohiyatini o'ziga vazifa sanagan adabiyot bu jarayonga – globallashuvga qanday qaraydi, qarayapti? “Butun olam, barcha ranglar, bo'yoqlar va ohanglar, tabiat va hayotning barcha shakllari poeziya hodisasi bo'lishi mumkin. Poeziya bu bashar hayotining tepib turgan yuragi” [1;105], deya e'tirof etilgan she'riyat, uning mohiyati, obrazlar olami globallashuv deb nisbat berilgan davrda ham o'ziga berilgan ushbu ta'rifni saqlab qola olarmikan?

Zamon yangilanishi, olam turfalanishi natijasida odam kayfiyati, tafakkur tarzining hayot barobarida o'zgarib borishi doimiy takrorlanib, qaytalanib turuvchi jarayondir. “Bugun dunyodagi muammo shundaki, “hamma ildiz otib tashlagan va "ildiz otmagan". Bizda qishloqlar va qabilalar dunyosidagi kabi sodiqlik yo'q. Yer shari qishloqqa aylandi. Butun dunyo biznikidir, lekin biz hech qayerga tegishli emasmiz” [3], deydi hind olimi kundan kun ildamlab borayotgan jarayonga nisbat berar ekan. Dunyoning qaysi tomonida bo'lmasin, jamiyatda - kishi hayotida sodir bo'layotgan har qanday o'zgarish, albatta, adabiyotga o'z ta'sirini ko'rsatmasdan qolmaydi va o'z o'rnida, adabiyot buni birinchilar qatorida ilg'aydi, ayniqsa, nazmda ilk kurtaklari namoyon bo'la boshlaydi. Oldingi davrlarda she'riyat dunyoni

o'zgartira oladigan kuchga ega bo'lgani ayni rost, shohlarni taxtdan tushirgan va xalq dardining ifodachisi bo'lgani, nizolarning oldini olgani-yu insonga ertangi kun uchun umid bergani bor gap.

San'atni "obrazlarda fikrlash" deb ta'riflagan faylasuflar va yozuvchilar (Viko, Gegel, Belinskiy va boshqalar) san'atning bir turi bo'lgan adabiyot uchun ham obrazni muhim sanaydilar. She'riyatning ma'no o'lchovini o'rganar ekanmiz, bunda obraz (rus. "aks"), ramz (ar. "imo", "ishora", "imlash". Obrazlilik turi) alohida ta'kidlanishi lozim bo'lgan elementlardir. Garchi bu elementlar bir narsani anglatmasa ham, bir-biriga yaqin ma'no tashiydi. Obraz ifodani narsa, hodisa va insonning muayyan vaziyatdagi holati, o'ziga xos xususiyatlarini yaqqol tasavvur etishga imkon beradigan shoirona ibora, desak bo'ladi. Adabiyot o'zini so'z bilan namoyon etsa, tasavvurini badiiy obraz bilan ifodalaydi. Badiiy obraz san'atning turli sohalarida mavjud bo'lib, uning ma'no ifodalash usullari turlichadir. "Adabiyot va san'atning fikrlash shakli, olam va odamni badiiy idrok etish vositasi, badiiyatning umumiy kategoriyasi" [4;44] hisoblangan badiiy obraz ijodkor tomonidan qayta ishlangan va ma'lum bir maqsad yo'lida badiiy sayqallangan, taroshlangan umumlashma fikr xosilasidir.

Obrazning ta'sirli va ahamiyatli bo'lishi muhim sanalib, xoh she'riyatda, xoh nasrda bo'lsin, u badiiy asarga chuqur ma'no qo'shishi kerak. His-tuyg'u, kechinma, turli ruhiy holat bilan poetik fikr muvofiqligi badiiy adabiyotda obraz yaratishning asosiy shaklidir. Badiiy obraz qalb olamidagi zohiriy va botiniy jarayonlarni asosiy tasvir obyektiga aylantirish, uning fikr va hissiyot tarzini, axloqiy qiyofasini kashf etishda an'anaviylik bilan yangicha yondashuv tamoyillari dadil jipslashtirmoqda. Badiiy obrazning realistik, romantik, xayoliy-fantastik, afsonaviy, ramziy, mifologik, satirik-komik kabi tur xil namoyon bo'lish shakllari mavjud bo'lib, "o'zida aql va hisni uyg'un birlashtiradiki, shu bois obraz ratsional va emotsional birlik sifatida qabul qilinadi" [5;93]. Demak, badiiy obraz ham dunyoni bilish vositasi, ham ijodkorning hissiy munosabatini aks ettirish shaklidir.

Badiiy obrazni tuzilish jihatidan bir vaqtning o'zida ham qolipga solingan, ya'ni o'zgarmas, ham o'zgaruvchan deyish mumkin. Har qanday badiiy obraz muallifning haqiqiy taassurotlarini, ichki olami, fantaziyasini o'ziga qamrab oladi, ammo san'at rivojlanib borishi bilan ushbu tarkibiy qismlar o'rtasidagi munosabatlar o'zgaradi. Buni davrlar nuqtai nazaridan oladigan bo'lsak, Uyg'onish davri adabiyoti obrazlarida asar qahramonlarning ilohiy ishqni birinchi o'ringa olib chiqqanligini ko'rsak, ma'rifatchilik davrida obraz obyektiga asosan "ma'rifat egasi bo'lishga intilgan" kishi, XIX asr realistik adabiyotida esa yozuvchilar voqelikni har tomonlama yoritishga harakat qilindi va buni uddalaydilar. Inson tabiatidagi ziddiyatlarni ochib berishadi va hokazo.

Adabiyot o'zida davrni aks ettiradi, davrga ko'zgu tutadi. Uzoqqa bormaylik, yaqin o'tgan asr – XX asr adabiyotida bosib o'tilgan tarixning har bir davriga xos bo'lgan tamoyillar, xususiyatlarning yangilanganligini, ifoda shakli, obraz tabiatining yangicha bir qiyofada aks etganligini ko'rishimiz mumkin. 20-30-yillar she'riyati haqida gap ketganda "qorishliqlikning ustun kelganligi, bir tomondan Cho'lpondek yetakchi shoirlarning qalami sindirilgan, ovozi pasaytirilib, ko'plab avangard

shoirlarning “fanga yurishi”, sotsiolistik kurashlarga, eskilikni g‘orat etib, yangilikka ovoz berishi kuchayib borayotgan bo‘lsa, boshqa tomondan ayni shu shoirlarning dag‘al ijtimoiy tamg‘adan anchayin holi ko‘ngil poeziyasi - “sof lirikasi” dunyo yuzini ko‘rgan edi” [2;290]. O‘zbek she‘riyatiga simvolizmning ham kirib kelishi ayni shu davr bilan bog‘liq ekanligi adabiyotshunoslar tomonidan ta’kidlangan. Adabiyotda inson va uning kayfiyati aks etgani kabi har bir davrining ham qiyofasi ifodalanadi. 40-yillar she‘riyatida Jahon urushi, uning insoniyatga olib kelgan falokatlari birinchi planga chiqqan bo‘lsa, 50-60-yillar o‘zbek she‘riyatidan to istiqloлга qadar ozodlik sog‘inchi, erk tuyg‘usi, butun o‘zbek xalqi yagona millat va yagona Vatanda mustaqil bo‘lishi oliy maqsadga aylandi. Mustaqillik yillari she‘riyatidagi poetik obrazda bu xususiyatlar teranroq takomillashib, uning badiiy-estetik funksiyasi, yuklatilgan vazifasi kengaydi, u “komil inson” shaxsini har jihatdan yuksaltirish, ma’naviyatini boyitish, kengaytirish, o‘zligini anglash yo‘lida rag‘batlantirishga, badiiy-estetik didini o‘stirishga xizmat qildi, qiladi.

XIX asrda “jahon adabiyoti” atamasi paydo bo‘lgan bo‘lsa, bu tushuncha atrofida Yevropa-yu Osiyo, Amerika – butun yer shari adabiyotining bir-birini tanishi, tushunishi uchun yo‘l hozirlangan edi. Uning zamirida XX asr so‘ngida esa “umuminsoniy adabiyot” tushunchasi shakl olishga ulgurdi, endi adabiyot chin ma’noda butun insoniyatga doir bo‘ldi. Odamiyatning qismatdosh, taqdirdosh ekanligi, agar biron halokat sodir bo‘lsa, kulfatdosh ekanligi ayon bo‘la boshladi. Dunyoning bu burchagida sodir bo‘lgan voqea dunyoning narigi burchagida aks sado beradigan bugungi kunda adabiyot, badiiy obraz hamda uning zimmasidagi ma’no butun insoniyatga xizmat qilishi bilan ahamiyatlidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Белинский В.Г. Адабий орзулар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. –Б.105
2. Ҳамдамов У. Янги ўзбек шеърляти. –Т.: Адиб, 2012.
3. Prof. Shubha Tivari. Globallashuv va she'riyat: Ikki qarama-qarshi kuch!
4. Қуроноу Д. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Академнашр. 2010. 44-б.
5. Quronov D. Adabiyotshunoslik nazariyasi asoslari. –Т.: Akademnashr, 2018. 93-б.
6. Sabirova.Z. Ramziy-poetik obrazning badiiy-estetik yangilanishi // Ilm sarchashmalari. 2021. 5-son. 66-б.

**ЛИТЕРАТУРНО-СТИЛИСТИЧЕСКИЕ ПРИЁМЫ
«ОЧЕЛОВЕЧИВАНИЯ» ОБРАЗА РОБОТА В РАССКАЗАХ АЙЗЕКА
АЗИМОВА**

*Ахмедов Рафаэль Шарифович,
старший преподаватель, Гулистанский
государственный университет*

Писатели, работающие в жанре фантастики, занимают особое место в литературном мире. Они интересны не только своей художественной ценностью, но и тесной связью с науками, в первую очередь - с точными, техническими. Развитие науки и техники, достижения в области космических исследований дают богатый материал и идеи тем, кто хочет писать в этом жанре. Писатели, опираясь на научные достижения и используя воображение, создают все новые и новые произведения. Поэтому сегодня широко известны такие имена, как Э.А.По, Г.Уэллс, Ж.Верн, А.Кларк, А.Азимов, Р.Бредбери, С.Лем, братья А. и Б. Стругацкие, К.Саймак и многие другие. Объектом данного исследования стал цикл рассказов Айзека Азимова «Я, Робот» [1]. Рассказы цикла объединены идеей интеграции роботов в мир людей и дальнейшего их сосуществования. Мы рассматриваем данное произведение с филологической точки зрения, уделяя центральное внимание стилистике и образу робота. В рассказах цикла создаётся достаточно большое количество уникальных образов роботов, которое играет важнейшую роль в выражении темы и идеи произведения. Учитывая этот факт, можно утверждать, что необходимы более глубокие и широкие по охвату исследования этой проблемы на материале научно-фантастической литературы в целом, и на примере цикла рассказов «Я, Робот» Азимова в частности.

Все роботизированные персонажи в рассказах Азимова в основном создаются через описание мышления роботов и психологических основ их поведения. Поведение роботов строго основано на трех правилах робототехники, сформулированных самим Азимовым: 1. Робот не может причинить вред человеку или своим бездействием допустить, чтобы человеку был причинен вред. 2. Робот должен повиноваться всем приказам, которые дает человек, кроме тех случаев, когда эти приказы противоречат Первому Закону. 3. Робот должен заботиться о своей безопасности в той мере, в которой это не противоречит Первому или Второму Законам. Универсальность Законов в том, что в их основе положены важные этические принципы, которые могут быть распределены на самого человека. На наш взгляд, Три закона робототехники явились новшеством в научно-фантастической литературе и изменили восприятие образа робота читателями. Факт существования таких четко сформулированных правил поведения влияет на стандартизацию мышления роботов, и отклонение от этих стандартов приводит к возникновению критических ситуаций. В то же время законы для роботов можно сопоставить с идеальными законами человеческого общества, что в какой-то мере стирает

границу между понятиями «робот» и «человек». В своих рассказах Азимов сравнивает образы робота и человека, находя и отличия, и похожие черты. Создавая образы роботов точно так же, как и образы людей (посредством речевых особенностей, имени, поступков и пр.), писатель работает с этими образами, как с человеческими.

При определении образов робота в цикле рассказов «Я, Робот» использовались некоторые приемы, предложенные специалистом в области научно-фантастической литературы США Г.Хэмпфри [2]. Анализ рассказов цикла показал, что для создания образов он использует следующие способы:

1. *Имена роботов.* Определенный смысл Азимов вкладывает в имена роботов. Легко понять, что имя «Робби» имеет какое-то особое значение или символизм. В данном случае все просто: «Robbie» – это уменьшительно-ласкательное от слова «Robot». В рассказе «Хоровод» имя робота СПД-13 «Спиди» было дано не просто так. Эти модели были окрещены в честь их большой скорости: *...for the SPD models were among the fastest robots turned out by the United States Robot and Mechanical Men Corp* [1, 48]. Имя именно этого робота («Спиди») было взято как намек на его скорость (англ. «speed»), и в уменьшительно-ласкательном оттенке, чтобы придать ему некоторой человечности. Имя КТ-1 «Кьюти» можно перевести как «милашка». И толковать данное имя можно по-разному. Во-первых, имя дали, как и другим роботам, чтобы их немного очеловечить. Во-вторых, можно предположить, что «Кьюти» - саркастическое имя, ведь робот, грубо говоря, ведет себя как своего рода диктатор. В-третьих, имя может ссылаться на особенность робота - он познает себя, у него есть такая тяга, совсем как у маленького миленького ребенка, отсюда и «Cutie» [9]. Имена роботов ДВ-5 «Дейв» и «Эрби» даны им, чтобы очеловечить их образы, как и образы других роботов. Имя «Нестор» с греческого языка - «вернулся домой». Возможна как раз аллюзия на то, что, если бы НС-10 удалось сбежать, он, возможно, попал бы на Землю, по факту, его дом. А так, имя «Нестор» созвучно с его моделью НС-10. Робот «Мозг» получил свое имя, потому что является одним из самых продвинутых искусственных интеллектов и может решить практически любую задачу, даже такую, казалось бы, неразрешимую, как постройка двигателя для гиперпространственных прыжков.

2. *Отношение других персонажей к роботам (слова и поступки).* Азимов описывает роботов посредством отношения к ним других персонажей, в основном - людей. Автор характеризует «Робби» словами членов семьи Вестон. Так, негативно о роботе отзывается миссис Вестон: *It's Gloria and that terrible machine*. В свою очередь, мистер Вестон вступает за Робби и описывает его с лучшей стороны: *And he certainly isn't a terrible machine. He's the best darn robot money can buy and I'm damned sure he set me back half a year's income. He's worth it, though - darn sight cleverer than half my office staff* [1, 19]. Робопсихолог Кэлвин признает в «Несторе» смышленного соперника: *Remember, he's fighting us. He's on his guard. The only way we can catch him is to outsmart him - and, within his limitations, he can think much more quickly than a human being* [1, 158].

3. *Поступки и действия самих роботов.* Очень ярко роботов описывают их действия и поступки. Совершенство «Робби» как робота и его следование Законам робототехники отражается в сцене, где Глория, увидев «Робби», бежит к нему, подвергая свою жизнь опасности. Робот, естественно, спасает девочку: *It was only Robbie that acted immediately and with precision. With metal legs eating up the space between himself and his little mistress he charged down from the opposite direction. Everything then happened at once. With one sweep of an arm, Robbie snatched up Gloria, slackening his speed not one iota, and, consequently, knocking every breath of air out of her ...The tractor intersected Gloria's path half a second after Robbie had...* [1, 35]. На поведение «Спиди» в целом и его поступки, в частности, в данном рассказе сильно повлияли особенные условия, которые получились из-за неточного приказа Донована. «Спиди» ведет себя для робота «неадекватно»: *They were close enough now to notice that Speedy's gait included a peculiar rolling stagger, a noticeable side-to-side lurch... Speedy looked up and saw them. Speedy hopped to a halt and remained standing for a moment with just a tiny, unsteady weave, as though he were swaying in a light wind* [1, 48].

4. *Речь роботов.* С помощью речи роботов Азимов раскрывает их восприятие мира. Так как «Робби» был одним из ранних типов роботов, то он не имел голоса, поэтому невозможно охарактеризовать его речь. Единственное, что он смог сделать - это симитировать счет при игре в прятки с помощью тиканья механизма внутри: *...and from within his body came a steady, resonant ticking* [1, 14]. Кьюти говорит много, его речь рассудительная: *"I have spent these last two days in concentrated introspection," said Cutie, "and the results have been most interesting. I began at the one sure assumption I felt permitted to make. I, myself, exist, because I think"* [1, 66]. По речи можно сказать, что «Дейв» - робот более совершенной модели, ведь его звуковая мембрана была отличного качества, тем самым делало его голос более приятным: *He was equipped with an excellent diaphragm, and the presence of overtones in the sound unit robbed him of much of that metallic flatness that marks the usual robot voice* [1, 86]. Речь робота по имени «Мозг» замечательно развита. В речи его личность полностью раскрывается, он говорит открыто, радостно. Ему действительно нравится общение с людьми, особенно с доктором Келвин: *The Brain's voice was high-pitched and enthusiastic, "Swell, Miss Susan. You're going to ask me something. I can tell. You always have a book in your hand when you're going to ask me something." Dr. Calvin smiled mildly, "Well, you're right, but not just yet. This is going to be a question. It will be so complicated we're going to give it to you in writing. But not just yet; I think I'll talk to you first." "All right. I don't mind talking."* [1, 495].

5. *Описание внешнего вида роботов.* С помощью описания внешности Азимов передает их яркие особенности и их принадлежность к определенному этапу развития робототехники. «Робби» предстает перед нами, как уже отмечалось, металлическим гигантом. Внешний вид «Робби», как и отсутствие голоса, мотивирован тем, что он был одним из ранних роботов. Его туловище было описано следующим образом: *Robbie nodded his head - a small*

parallelepiped with rounded edges and corners attached to a similar but much larger parallelepiped that served as torso by means of a short, flexible stalk – and obediently faced the tree. A thin, metal film descended over his glowing eyes and from within his body came a steady, resonant ticking [1, 14]. Если в предыдущем рассказе «Робби» был одной из первых моделей роботов с позитронным мозгом, то в этом рассказе «Спиди» раскрывается во всей красе. Автор описывает робота так, что нет сомнений - эта модель великолепна, стоит кучу денег и нет даже мысли, чтобы его потерять: *Robot SPD 13 was near enough to be seen in detail now. His graceful, streamlined body threw out blazing highlights as he loped with easy speed across the broken ground. His name was derived from his serial initials, of course, but it was apt, nevertheless, for the SPD models were among the fastest robots turned out by the United States Robot and Mechanical Men Corp [1, 48].*

В заключении отметим, что несмотря на то, что в популярной (так называемой «жанровой») литературе в целом роботы представлены как бездушные машины, лишённые каких-либо личностных качеств, Азимову удалось создать много похожих, но в то же время уникальных образов роботов. Он наделил их индивидуальностью, каждому роботу присуще свое мышление. И в силу тех или иных причин, роботы по-разному реагируют на обстановку. Цикл рассказов Азимова является уникальным ввиду того, что роботы в этих рассказах в некоторой степени уподобляются человеку. Более того, как и многие фантасты своей эпохи, предугадавшие развитие науки, Азимов, в какой-то мере, дал старт кибернетике, называя ее тогда на свой манер «робототехникой», а затем это наименование закрепилось за отдельной наукой, которая и занимается разработкой и созданием роботов.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Asimov I. I, Robot. –London: HarperCollins Publishers, 2020. –600 p.
2. Humphrey G. The Evolution of the Robotic Other in Science Fiction Film and Literature. –Cleveland: Cleveland State University, 2010. –68 p.
3. Mubin O., Wadibhasme K., Jordan P., & Obaid M. Reflecting on the Presence of Science Fiction Robots in Computing Literature // ACM Transactions on Human-Robot Interaction. 2019. Vol. 8(1). –P. 104-130.

ERKIN VOHIDOV IJODI VA DRAMATURGIYA JANRI

*Rasulmuxamedova Dilfuza Zokirovna,
O‘zDJTU katta o‘qituvchisi*

Erkin Vohidov publitsist, dramaturg, dostonnavis sifatida barakali ijod qilgan bo‘lsa-da, avvalo, u lirik shoir sifatida adabiyotga kirib kelgan, xalqimiz qalbidan ham nafis, ham isyonkor she‘rlari orqali joy olgan.

Shoirning ijodi bahs-munozaralar ichida kechdi. Shoir o'z qo'lidagi qurol – she'r, uning tabiati va shoirning el-yurt oldidagi burchi-vazifasi xususida ko'p o'yladi, she'r va shoir haqidagi qarashlarini bayon etdi. Shoirning 4 tomlik “Saylanma”siga kirgan she'rlar bu boradagi fikrlarimizni tasdiqlaydi.

Erkin Vohidov hayotda ham, sahnada ham shoir edi. Hatto yo'l-yo'lakay suhbatlarda ham, yo biron tadbir-anjumanda ham shunchaki jo'n, yengil so'zlamasdi. Har bir so'zni donalab, shoshmasdan, ohangini topib, mag'zini chaqib, marvariddek terib gapirardi. Bu fazilat uning pyesa va dramatik dostonlari orqali teatr sahnasiga ham kirib kelganligi hammaga ayon.

Ustoz shoirni dramaturglar safiga qo'shgan va mashhur qilgan sahna asari “Oltin devor” komediyasidir. Mazkur komediya 1970 yili ilk bor atoqli rejissyor, O'zbekiston xalq artisti Toshxo'ja Xo'jayev tomonidan O'zbek milliy akademik drama teatrida sahnalashtirildi. Qariyb, yarim asr muqaddam sahna yuzini ko'rgan ushbu asar necha yuz martalab o'ynalib, xalqimizga yod bo'lib ketsa-da, hali-hanuz televideniye orqali namoyish etilganda, tomoshabinni ekranga “mixlab” qo'yadi, desak mubolag'a bo'lmas.

Garchi, asar syujeti va kompozitsiyasi sodda, jo'n ko'rinsa-da, qahramonlari sodda, kamtar, kamsuqum, sipo va odamoxunligi bilan tomoshabinlar mehrini qozona oldi. Ayniqsa, asarning tub mohiyatiga singib ketgan xalqona yumor, spektakl jozibasi va muvaffaqiyatining asosiy omillaridan bo'ldi. Albatta, bunda bosh qahramon Mo'min rolining ijrochisi G'ani A'zamovning beqiyos hissasi borligini e'tirof etish lozim.

Spektaklda halollik va ochko'zlik o'rtasida murosasiz kurash ketadi. Bu qarama-qarshi tuyg'ular Mo'minni o'zgaralar bilan emas, o'z-o'zi bilan, o'z vijdoni va shaytoniy nafsi bilan “jang” maydoniga tashlaydi.

Qo'shnisi – Abdusalom bilan Mo'min quda bo'lish harakatida. To'yni bir joyda o'tkazish uchun o'rtadagi devor buziladi. Ittifoqo, devor orasidan bir xumcha tilla chiqadi. Xullas, qo'shnilar talashib-tortishib, tillani bo'lib olishadi. Darhol oraga shayton “aralashadi”, shu bahona qo'shnichilik ham, qudachilik ham barbod bo'lib, o'rtadagi devor qayta tiklanadi. Shu lahzadan, Mo'minning tinchi buziladi, oromi yo'qoladi va tomoshabin voqeaning oxiri nima bo'lishini kutib, miriqib tomosha qiladi.

Erkin Vohidov ilk pesasining bu qadar mashhur bo'lib ketishi sabablari bor, albatta. Eng avvalo, muallif teatr jamoasi bilan baqamti ijod qilgani, repetitsiya jarayonlarida tug'ilgan fikr-mulohaza va takliflarni sabr bilan tinglagani, kezi kelganda erinmay asarga singdira olganini aytish joiz. G'ani A'zamov bilan televidinya orqali bir suhbat yodga tushadi: “Har qanday pesa teatrga to'liq, mukammal holda kelmaydi, - degandi ustoz san'atkor. - Uni sahnaga moslab, pishitadigan rejissyor, qolaversa, aktyorlarning o'zlari. “Oltin devor” ijod jarayonida pishib yetildi. Yangi voqealar, ko'rinishlar kiritildi. Lekin yana nimadir yetishmasdi. Shunda miyamga “Mo'minni uylantirish kerak”, degan fikr keldi. Pyesada Mo'min ham Abdusalomdek yolg'iz edi. Fikrimni muallifga aytdim. Unga ma'qul keldi. Spektaklga Huriniso obrazining kiritilishi voqealarni yanada jonlantirish bilan birga, Mo'minning ichki kechinmalarini to'laroq ochishga ham katta yordam berdi. Shu

zayl sahnada oqsoqol obrazi ham paydo bo'ldi". Erkin Vohidov jamoa fikrini tezda anglab, pesani bir sidra qayta ko'rib chiqdi va uzoq yillar millionlab tomoshabinlar qayta-qayta ko'rib zavqlanishdan zerikmay kelayotgan ajoyib sahna asarini yaratdi.

Oradan o'n yil o'tib, Surxondaryo viloyat musiqali drama teatri repertuarida adibning "Istanbul fojiasi" she'riy dramasi paydo bo'ldi. Bu murakkab asarni rejissyor Ne'mat Pardayev juz'iy o'zgarishlar bilan sahnaga olib chiqdi. Spektaklda muhabbat, nafrat, sadoqat, xiyonat singari insoniy tuyg'ular Vatan tuyg'usi, ona yurt sog'inchi bilan mushtarak holda, ham ijtimoiy, ham lirik-romantik, ham psixologik kontrast bo'yoqlarda talqin qilinadi. Ayniqsa, o'z yurtidan uzoqda, darbadar, muhojir bo'lib kun kechirayotgan kimsalarning ayanchli qismati va iztiroblarini lo'nda, yirik badiiy lavhalarda ifoda etishga jiddiy ahamiyat berilgani sezilib turadi. Bunda asar qahramonlarini gavalantirgan iqtidorli san'atkorlar R.Mamataliyev, T.Ergashev, G.Ravshanova va boshqalarning ijodiy izlanishi samarali bo'lgan. Mazkur asar 1988-yili O'zbek milliy akademik drama teatrida rejissyor, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan san'at arbobi Nosir Otaboyev tomonidan sahnalashtirilib, ko'p yillar namoyish etildi.

E. Vohidov qalamiga mansub yana bir asar 1995-yili Xorazm viloyat musiqali drama teatrida sahna yuzini ko'rdi. Bu safar "Ikkinchi tumor" spektakli tomoshabinlarga havola etildi. Asarni O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan san'at arbobi, rejissyor Mahkam Muhamedov sahnalashtirdi. Ushbu spektaklda na hayotiy, na rahbarlik tajribasiga ega bo'lmagan sohadan mutlaqo yiroq va bexabar kimsani boshliq qilib qo'yish orqali sinov va tajribalar o'tkazish naqadar beo'xshov, tragi-fars oqibatlariga olib kelishi haqida hikoya qilinadi. Rejissyor rassom, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan san'at arbobi O. Ollaberganov bilan birgalikda yangi badiiy-sahnaviy ifoda vositalarini izlab topishga intildi. Bu holat ba'zi o'rinlarda voqealar shartli, xayoliy va ramziy ishoralar orqali talqin qilinishida namoyon bo'ladi. Shuningdek, o'rni bilan Erkin Vohidov she'rlaridan namunalar kiritilgani, yengil hazil, yumor va ba'zan satirik lavhalarning "sachrab" turishi spektaklning emotsional-estetik ta'sirchanligini oshirgan. Albatta, J. Shomurodov, A. Yo'ldoshev, G. Rahimova, Sh. Ramazonova va boshqalarning ijodiy izlanishi ham keng jamoatchilik tomonidan munosib e'tirof etildi.

2005-yilda esa Qashqadaryo viloyat musiqali drama teatrida "O'zbekteatr" birlashmasi loyihasi asosida Erkin Vohidovning "Ruhlar isyoni" dostoni asosida original sahna asari dunyoga keldi. Ma'lumki, "Ruhlar isyoni" o'tgan asr o'zbek adabiyotining eng yorqin namunalaridan bo'lib, unda butun ongli hayoti, ijodi va jismi-jonini xalqining erki va ozodligi uchun kurashga tikkan otashin bengal shoiri Nazrul Islomning jo'shqin, ibratli, ayni paytda ayanchli taqdiri tasvirlanadi. Hur, ozod, mustaqil Vatan tuyg'usi dostonning bosh g'oyasi hisoblanadi. Ushbu spektaklning yaratilish jarayoni o'ziga xos tarixga ega. "Diydor" teatr-studiyasi asoschisi va birinchi rahbari, iqtidorli rejissyor Ergash Masofayev bir necha yil davomida "Ruhlar isyoni" dostoni bo'yicha bir aktyor teatri - monospektakl yaratish ustida ishlagan. Juda ko'p aktyorlarni sinagan, turli tajribalar o'tkazgan, lekin natija bo'lmagan. Shunda rejissyorga, ushbu loyiha bo'yicha professional aktyorlar bilan original spektakl yaratish taklifini beradi. Shu asosda Qashqadaryo teatrida tanlandi.

Rejissyor sahnaga barcha ijodiy xodimlarni chiqardi, yetmaganiga texnik xodimlar, kollej talabalari ham jalb qilindi. Qizg'in ijodiy jarayon boshlandi. Natijada erk va mustaqillik uchun shiddatli kurash, orzu-umidlar, ehtiroslar bilan to'lib-toshgan yorqin, monumental spektakl dunyoga keldi. Teatr jamoasi o'sha lahzalarni halihanuz sog'inib eslashadi. Spektaklning jamoatchilik ko'rigida muallifning o'zi ishtirok etib, shunday degandi: "Ochig'i, men bu dostonni teatrga mo'ljallab yozmagandim - deydi adib.

Bu Erkin Vohidov asarlari asosida sahnalashtirilgan so'nggi, eng yaxshi spektakl bo'lib qoldi... Demak bundan ko'rinadiki, na faqat markaziy teatrlarimiz balki viloyat sahnalarini ham o'z asarlari bilan boyita olgan.

Dramaturgiya janridan tashqari adibning tarjimonlik mahorati ham alohida e'tirovga loyiq.

Vohidov ko'plab xorij ijodkorlari, jumladan, [Aleksandr Blok](#), [Aleksandr Tvardovskiy](#), [Friedrix Sshiller](#), [Iohann Wolfgang von Goete](#), [Lesya Ukrainka](#), [Mixail Svetlov](#), [Muhammad Iqbol](#), [Rasul Hamzatov](#), [Sergey Yesenin](#) hamda [Silva Kaputikyan](#) asallarini o'zbek tiliga tarjima qilgan. Xususan, shoir 1974-yil Goethening „Faust“ asarini o'zbekchaga o'girgan. Shoir Yesenin she'rlarini ayniqsa yuksak mahorat bilan o'zbek tiliga tarjima qilgan. Shu o'rinda ta'kidlash joyizki - adibning o'nlab asarlari dunyoning boshqa tillariga ham mohirona tarjima qilingan.

تاریخینگ دیر مینگ عصرلر ایچره پنهان اوزبیگیم (“Tarixingdir ming asrlar ichra pinhon, o'zbekim”) (2017) ([Afg'onistonda arab yozuvida chop etilgan](#)) [„So'z latofati“](#) (2018)

ارواحلر قوزغلانی (“Arvohlar qo'zg'aloni” (original asar nomi “Ruhlar isyoni”) (2018) (Afg'onistonda arab yozuvida chop etilgan).

Mustaqillikka erishib o'zligini, o'z-begini yaratayotgan xalqimiz esa bunday insonlarni ulug'lashi tabiiy va mantiqiy holdir. Erkin Vohidovning hayot yo'li, yaratgan asarlari va ulardagi yetakchi g'oyalar har bir inson qalbida ezgu fikrlarga yondosh tarzda yashashiga ishonamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YHATI:

1. Erkin Vohidov. “Oltin devor” komediya asari. –T., 1981
2. Dilmurod Quronov “Adabiyot nazariyasi asoslari” –T., 2018
3. www.ziyouz.uz
4. www.ijod.uz

ЭССЕ ЯРАТИШДА МУНАҚҚИД МАҲОРАТИ

*Қодирова Насима Саидбурхоновна,
Бухоро давлат университети ўқитувчиси*

Адабий танқидда кенг кўламлилиги, илмийлик ва бадийликнинг омухталиги, муаллиф “мен”ининг, образли тафаккурнинг етакчилиги билан эссе жанри муҳим ўринга эга. Бу жанрнинг мунаққидга эркин фикр юритиш, турли қолипларга бўйсунмаслик, тахайюлга эрк бериш каби қатор хусусиятлари

борки, шу боис ҳам танқидчилар тез-тез бу жанрга мурожаат этадилар. Эсселар фалсафий, публицистик, адабий-танқидий, тарихий-биографик, соф беллетеристик характерда бўлиши мумкин. Адабий эсселар кўпинча ҳаёт ҳодисаларига оид ижтимоий-руҳий кузатишлар мағзини чақишга йўналтирилган бўлади. Адабий-танқидий йўналишдаги эсселарда эса ижодкор ҳаёти, руҳияти, асарлари билан алоқадор жараёнлар ёритилади [1;146].

Ўзбек адабий танқидида ҳам эссе жанрининг жуда кўплаб намуналари, хилма-хил турларини кўриш мумкин. Хусусан, Н.Каримов, Ш.Холмирзаев, О.Шарафиддинов, И. Гафуровларнинг эсселари кўпчиликка таниш ва адабиётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Эсседа шахсий мулоҳаза муаллиф бадиий ҳофизасининг қуввати, савия сажияси ва доираси, ҳаётини тажрибаси, ҳикматгўйлик маҳорати, тафаккур қобилияти[5;19] аниқ акс этади. Шу сабаб адабиётимизда бу жанр намуналари жуда кўп бўлса-да, улар асло бир-бирини такрорламайди.

Адабиётшунос олим, мунаққид И.Ҳаққул ижодида ҳам эссе жанрининг бир неча намуналари бўлиб, уларнинг аксарияти адабий-танқидий эсселар сирасига киради. Ўзбек адабиёти вакилларига бағишланган “Аҳмад калла”, “Абдулла Қаҳҳор жасорати”, “Илм шукуҳи”, жаҳон адабиёти классикларига бағишланган “Буюк қалб муҳаббати”, “Ҳаёт санъаткори” каби эсселари мунаққид қалби акс этган ижод намуналаридир.

Мунаққиднинг “Аҳмад калла” деб номланган, Аҳмад Донишга бағишланган эссеси кенг қамровли бўлиб, унда улуғ ижодкорнинг фахрли ва машаққатли умр йўли турли манбаларга асосланган ҳолда образли ёритиб берилган. Мунаққид китобхон кўз ўнгида нафақат А.Дониш қиёфасини, балки у яшаган даврнинг мураккаб ва таҳликали манзарасини ҳам жонли гавдалантира олган. Мақола аввалида И.Ҳаққул А.Донишнинг адабиётдаги ўрни, унинг характери, тўғрилиги ҳақида қисқагина умумий тушунча беради. Ва у ҳақида айтилган ҳар бир фикр эссенинг кейинги қисмларида А.Дониш ҳаёт йўли контекстида бирма-бир ўқувчига очиб, кучли эҳтирос билан тасвирлаб берилади. Эсседа мунаққиднинг Аҳмад Донишга муҳаббати яққол акс этган ва эссени ўқиш жараёнида бу муҳаббат китобхонга ҳам юқтирилади.

Эссе Аҳмад Донишга бағишланган, яъни бош қаҳрамон у бўлса-да, эссе қисмларини боғловчи, ҳаракатга келтирувчи етакчи қаҳрамон И.Ҳаққулнинг ўзидир. Мунаққид Дониш ижоди билан танишган йилларини эслар экан, хотираларини жонлантириб, талабалик йиллари, Бухоро сафарлари, устозлари, болалиги ўтган Шофиркон тумани, одамларини ёдга олади. Бу воқеалар мантиқий изчиллик ва юксак бадиийлик воситасида Аҳмад Дониш билан боғлиқ масалаларга уланиб кетадики ўқувчи эссени ўқиш жараёнида асло зерикмайди. Гўзал ташбеҳлар, халқона баён китобхонни ўзига жалб этади. Масалан, мунаққид поездда кетар экан, қалб тўлқинларини шундай тасвирлайди: “Шиддат-ла чопаетган поездда кетиш хотира отлиғ тупорга миниб ёшликка саёҳат қилишга ҳам ўхшайди. Қизиғи шундаки, қачонлардир бўлиб ўтган ва кўпдан буён эсланмаган воқеа-ҳодисалар дафъатан жонланиб, гўё қаршингиздан чиқиб келаверади: бири қувонтиради, бири ўйлатади, яна

бири... Соғинч кўмсашга, кўмсаш армонга йўл берганда эса барибир хўрсиниблар кетасиз...” [8;208].

Аҳмад донишнинг оиласи, унинг қандай қилиб Бухорога келиб қолгани, таълим-тарбияси, меҳнат фаолияти, асарларига доир маълумотлар Донишнинг ўз асарлари, Садриддин Айний, Садри Зиёларнинг маълумотлари асосида бадиий қайта жонлантирилган. Мунаққид Аҳмад Донишнинг ички ва ташқи қиёфасини яратар экан, манбаларда қайд этилган маълумотларни синчиклаб ўргангани сезилиб туради. Дониш хуснихати чиройли бўлгани сабаб котиблик қилгани, котиблик жараёнида Бедилга ошно бўлиши, унинг асарлари таъсирида характерининг шаклланиб боришини жуда ишонарли тасвирлайди. Шунингдек, Дониш ҳаёт концепциясини бутунлай ўзгартириб юборган, бир қариндошининг вафот этиши билан боғлиқ воқеани келтиради, бу воқеа китобхон руҳиятига ҳам таъсир этмай қолмайди. “...у биринчи марта одам умрининг мазмуни, ўткинчилиги борасида жиддий бош қотиради. Шу кундан эътиборан у бақосиз нарсалар, жумладан бойлик тўплаш, хузур-ҳаловатда яшаш майлини дилидан чиқариб ташлайди”[8;213]. Айтиш мумкинки, мунаққид турли илмий далиллар ва ҳаётий воқеаларни бадиий қайта ишлаб, А.Дониш ҳаётининг жонли тарихини ярата олган. Бу жиҳатдан олим эсселари Наим Каримов эсселарига яқинлашади.

Мунаққиднинг ушбу эссесида Аҳмад Донишнинг нафақат адабиёт борасидаги фаолияти, балки бошқа янги қирралари ҳам очиб берилган. Жумладан, эсседа А.Дониш ўқувчи кўз ўнгида ўткир зеҳн ва қобилиятли котиб, халқ учун қайғурадиган адолатпарвар ва зукко сиёсатчи, тўғрилиқни ўзига шиор қилган халқ ҳимоячиси, истеъдодли мунажжим, иқтидорли наққош ва рассом, жонкуяр устоз қиёфасида намоён бўлади.

Эссенинг ўзига хос жиҳатларидан бири - унинг кенг кўламлиги. Ўқувчи уни ўқиш жараёнида А.Дониш билан танишибгина қолмай, унинг ижодини ўрганган олимлар, шоир яшаган даврнинг сиёсий аҳволи, илм аҳлига муносабат ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлади. Эссе кўтаринки оптимистик руҳ ва даъват билан яқунланганки, бу китобхонда фахр ва ифтихор туйғусини шакллантириб, аждодларга муносиб бўлишга ундайди. Эсседа И.Ҳаққулнинг қалб кечинмалари яққол намоён бўлган. Аҳмад Дониш каби ватандоши билан фахрланиш ҳисси асарнинг пафосини кучайтирган, бу Донишнинг ҳаёт тўсиқларини матонат билан енгиб ўтиши, намунали ва шарафли ҳаёти баёнида аксланган бўлса, муаллиф ўзини қийнаган дардларни ҳам эсседа қайд этган. Жумладан, А.Дониш қабрининг қаерда эканлигини билмаслик ёки шундай улуг шахс ҳақида янги давр талаб ва эҳтиёжини ифодалайдиган бирорта махсус тадқиқотнинг йўқлигидан олим қалби изтироб чеккани ёрқин кўринади.

Адабий танқидчилигимиздаги эсселарнинг аксарияти ўзбек адиблари ёки олимларига бағишланган. Эссе “қалбдаги ҳис туйғулар жўшганда, фикр пишиб етилганда бир туртки туфайли қоғозга “сочилади”[5;19]. Иброҳим Ҳаққулнинг буюк рус адиби ҳақида ёзилган “Ҳаёт санъаткори” эссеси айнан шу “туртки” сабабли дунёга келган. Мунаққиднинг қалб туғёнлари, Чеховга муҳаббати,

унинг асарларидан таъсирланиш, у чеккан азоблардан оғриниш кабилар эссенинг ҳар бир саҳифасида ёлқинланган.

Эссега танланган эпиграф ҳам мақолани ўқимасданоқ китобхонни мушоҳадага чорлайди: “Қани эди, барча одамларнинг ғам-ғуссаси меники бўлсайди...” Эссени ўқиш жараёнида бу жумла бекорга келтирилмагани, қаҳрамон характери яратишда “ўқ илдиз, барча фактларни бирлаштирувчи, умумлаштирувчи негиз”(Б.Назаров) бўлганлиги, бу сўзлар Чеховнинг қалб нолалари эканлиги аёнлашади. Мунаққид Чехов асарларини таҳлил этар экан, аввало, уларни бирлаштириб турувчи нуқталарга эътибор қаратади. Бу ҳаётга қалб кўзи билан қараш, асл моҳиятга етиш, ҳаёт қанчалик мураккаб бўлмасин, етук шахс орзусини бой бермаслик. Ушбу ғоялардан танқидчи ҳикояларни таҳлил этишда очқич сифатида фойдаланади. Кўпчилик мунаққидлар биографик метод асосида мавзуга ёндашадилар (М: Н.Каримов эсселари). И.Ҳаққулов услубининг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, у объекти бўлган асар таҳлиллари жараёнида адиб ижодий лабораториясига кириб боради, бадиий матннинг таҳлилидан эссе қаҳрамонининг яъни Чеховнинг ички олами очилиб, унинг ўзига хос образи яратилади.

Эсседа мунаққид Чеховнинг “Ҳасрат” ҳикоясини ўзгача услубда таҳлил этади. Дастлаб асарни ўзининг илк бор ўқиган кезларини хотирлайди. Қаҳрамон тақдирига ачингани, инсоннинг ночор аҳволи мунаққидни ўйлантиради ва асар қаҳрамонининг шу аҳволга тушиши сабабларини қидиради: “Иона - ношуд, нотавон, ташландиқ. Иона - бадбахт, кулфатзода... Буларнинг бариси тўғри, лекин ичдаги унинг одамлик жавҳари қани? Одам сифатида у суянадиган маъни қаёқда? Извошчида булар йўқ. Балки олдиндан бўлмагани боис у шу ҳолга тушгандир”[9;110]. Шу ўринда олим Чеховни қийнаган дардни, уни қалам ушлашга мажбур этган ҳақиқатларни ўқувчига ошкор этади. Китобхон маънавий қашшоқликнинг оқибатларидан сесканиб кетади. Эсседа адибнинг бир нечта ҳикоялари таҳлил этилган. Таҳлиллардан асосий мақсад - китобхон диққатини маънавий юксалиш, ўзликни англашга қаратиш. Бироқ бу қуруқ панд-насихат тарзида бўлмай, теран таҳлиллар асосида танлов китобхоннинг ўзига ҳавола этилади.

И. Ҳаққулов Чехов портретини яратиш жараёнида бир ўринда қадимги “Футувватнома”лардаги жавонмардлик маслаги ғоялари билан мавзунини боғлайди. Адиб фазилятларини шарқ халқлари идеаллари билан қиёслади, қиёслардан аён бўладигани, Чехов ботинида уларнинг аксарияти мужассам. Ушбу таққослашдан мақсад: адибни китобхонга янада яқинлаштириш, у ёритган мавзулар, муаммоларнинг бизга ҳам бегона эмаслиги ҳақида мушоҳадага чорлаш.

Юқорида кўриб ўтилган эсселар бир-бирини такрорламайди, услуби, жилоси, ранги ўзгача. Шундай бўлса-да, уларни бирлаштирувчи нуқталар бор. Бу мунаққид танлаб олган қаҳрамонларининг ҳаёт концепцияси, ҳақгўйлиги, тўғрилиги, чуқур тафаккуридир. Бу қаҳрамон танлашда ҳам танқидчининг ўзига хослигини кўрсатади. Мунаққид эсселари шунчаки адиб ё ижодкорни китобхонга танитиш учун ёзилмаган. Олим ўқувчи диққатини қаратмоқчи

бўлган нарса – уларнинг ибратли ҳаёти, ундан ўрнак олиш. Иброҳим Ҳаққул қаҳрамонларининг ички оламини таҳлил этар экан, уларга инсонийлик, юксак хилқат эканлиги жиҳатидан баҳо беради. Шу сабаб уларга ғарблик ёки шарқликка ажратиб, алоҳида мезонлар асосида ёндашмайди. Масалан, Шекспирга бағишланган эсседа ҳадисларга, дарвешлик маслаги хусусидаги қарашларга, Ибн Арабий, Яссавий ғоялари таҳлилига ёки Аҳмад Дониш ҳақидаги эсседа Чернишевский билан боғлиқ ҳикояга, ғарб олимлари фикрларига дуч келамиз. Мунаққиднинг ҳар бир фикри асосли ва ишонарли баён этилганки, ўқувчида ҳеч қандай эътироз туғдирмайди.

Ҳар бир эссега мавзунини қамраб оладиган эпиграфлар танлаш ҳам мунаққид услубига хос хусусиятлардан биридир. Иброҳим Ҳаққул эсселари ўзининг жонли ва бадиийлиги, мушоҳадаларнинг теранлиги, танланган қаҳрамонларнинг ҳаёти ва фаолияти, ижоди бугунги кун учун ҳам долзарблиги билан аҳамиятлидир. Мунаққид ким ҳақида ёзмасин, у ҳақида янги гап айта олган. Эссе қаҳрамонларини идеаллаштиришдан чекиниб, уларни борича кўрсатишга, китобхонга яқинлаштиришга интилган. Танқидчи эсселари умумлашма мазмунга эга бўлиб, унда айтилган фикр-мулоҳазалар нафақат қаҳрамонга нисбатан, балки барча китобхонларга қарата айтилган ҳаётий мушоҳадалардир.

Хулоса қилиб айтганда, адабиётшунос олимнинг адабий танқид ва унинг жанрларини ривожлантиришдаги хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур. Унинг эссе яратиш маҳорати, услуби ҳақида фикр юритганда, энг аввало, унинг бадиий асарни теран англаб, мазмун-моҳиятини ўқувчига етказишдаги ўзига хослиги кўз олдимизда яққол намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. –Т.: Фан, 2008.
2. Ахмедова Ш. Н. Прогресс портретописания в период глобализации в литературоведении //Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. 2019. – С. 12-14.
3. Akhmedova S. N., Khudoykulova M. Development of Literary Critical Debate Genre. 2021.
4. Akhmedova S. N. Y., Kurbanova A. B. Science: methods of analysis in literary criticism. Nematovna A. S., Saidburkhonovna K. N., Bekmurodovna K. O. Methodology and skills problems //Journal of Contemporary Issues in Business & Government. 2021. –Т.: 27. №. 5.
5. Раҳимжонов Н. Бадиа ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 1983.

XX ASR O‘ZBEK ADABIY TANQIDCHILIGI RIVOJIDA OZOD SHARAFIDDINOV ILMIIY FAOLIYATINING O‘RNI VA AHAMIYATI

*Tulishova Gulzina Ravshanovna
JDPI o‘qituvchisi*

XX asrning 50-60-yillari turg‘unlik davri nomi bilan tarixga kirgan. Shunday bo‘lishiga qaramay, adabiyot va san‘atga har qancha siyosiy-mafkuraviy tazyiqlar bo‘lishidan qat‘iy nazar o‘zbek adabiyoti va tanqidchiligi va o‘zining rivojlanishi yo‘lida davom etdi. Ushbu davr adabiy jarayonda ham, adabiy tanqidchiligida ham hali sotsializm-realizm metodining estetik tamoyillari ta’siri yaqqol sezilib turdi. Buning oqibatida “Odamning toblanishi”, “Shoxida emas bargida”, “Oltin qafas”, “So‘qmoqlar” singari o‘rtamiyona va zaif asarlar yaratildi. Lekin mazkur asarlar qatorida “Yulduzli tunlar”, “Ikki eshik orasi”, “Ulug‘bek xazinasi”, “Ufq”, “Sarbadorlar” kabi badiiy jihatdan yetuk va mukammal asarlarning yaratilganligi o‘zbek adabiyoti badiiy sarhadlari yanada kengayib, rivojlanganligidan dalolat beradi. Darhaqiqat yuqorida ta’kidlangani kabi adabiy jarayon haqida badiiy ijod sohasida yuzaga kelgan o‘ziga xos yutuq va kamchiliklarni tahlil qilish jarayonida o‘zbek adabiy tanqidchiligi ham mahorat jihatdan o‘zining zalvorli rivojlanish yo‘lini bosib o‘tdi. Tanqidchilik maydonida Matyoqub Qo‘shjonov, Ozod Sharafiddinov, Salahiddin Mamajonov, Abduqodir Hayitmetov va ulardan sal keyinroq Umarali Normatov, Naim Karimov, Bahodir Sarimsoqov, Baxtiyor Nazarov, Qozoqboy Yo‘ldoshev, Usmonjon Qosimov kabi ko‘plab iste’dod sohiblari kirib kelishdi. Badiiy ijod jamda badiiy asar tuzilishi bilan bog‘liq nazariy muammolarni tadqiq qilish mazkur davr adabiy tanqidchiligining markaziy tadqiq obyektiga aylandi. Bu borada ayniqsa yozuvchi mahorati va badiiy asar poetikasi tadqiqi masalasida Matyoqub Qo‘shjonov, she’riyat hamda lirika muammolari tahlili borasida Ozod Sharafiddinovlar o‘ziga xos ilmiy maktab yaratishdi. Jumladan Ozod Sharafiddinov chin ma’noda o‘zbek adabiy tanqidchiligi tarixida yangi bir sahifani ochdi. Davr adabiy hayotini chuqur bilish, ijodkor ahlining sermashaqqat dardu quvonchlarini teran his qilish va ularni aks ettirishga intilish Ozod Sharafiddinov ilmiy faoliyatiga kuchli bir qanot baxsh etdi va natijada uning tadqiqotlari ham hayotiylik, ham chuqur xalqchilik kasb etdi. Ozod Sharafiddinov tanqidchilik faoliyati shunday bir mahorat maktabi darajasiga ko‘tarilganki, endi biz XX asrning ikkinchi yarmi o‘zbek poeziyasining murakkab va ziddiyatli taraqqiyot bosqichlarini munaqqidning tadqiqotlari orqali yaqqol ko‘rishimiz mumkin. Ozod Sharafiddinov salmoqli tadqiqotlarning yuzaga kelishi manbalari nimalardan iborat va uning yetuk adabiyotshunos bo‘lib shakllanishida hamda bu darajada buyuk bir munaqqid bo‘lib yetishishida qanday omillar asosiy rol o‘ynagani, shular xususida fikr yuritishdan oldin Ozod Sharafiddinov adabiy-tanqidchilikka kirib kelgan dastlabki davrdagi adabiy hayotni ko‘z oldimizga keltiraylik. Shuni alohida ta’kidlash kerakki, Ozod Sharafiddinov va boshqa munaqqidlarimiz adabiy tanqidchilik maydoniga kirib kelgan davr - XX asrning 50-yillarida butun xalqimiz, madaniyatimiz tarixida eng murakkab hamda ziddiyatli bo‘lgan bir davr edi.

Bu murakkab davrning haqqoniy manzaralari, xalqimiz va millatimiz boshida turgan og‘ir fojialar eng avvalo Fitrat, Abdulla Qodiriy va Cho‘lpon singari iste‘dodli adiblarimiz asarlarida ham o‘zining yorqin ifodasini topgan edi. Afsuski, bu adiblarimizning o‘sha davr haqiqatini butun fojialari bilan aks ettirgan o‘lmas asarlari qadrlanishi yoki to‘g‘ri tushunish o‘rniga so‘nggi yillargacha butunlay qoralanib kelindi.

Ozod Sharafiddinov xuddi mana shunday mustabid tuzumning mafkuraviy hukmronlik va zo‘ravonlik siyosati avj olgan bir paytda adabiy tanqidchilik maydoniga kirib kelgan. O‘sha yillarda Ozod Sharafiddinov kabi adabiyotshunoslarimiz chekiga tushgan bu qismat ham ijodiy, ham salbiy mazmunga ega edi. Ijodiy tomoni shundaki, Ozod Sharafiddinov bevosita ana shu jo‘shqin va murakkab hayot ichida yashardi, obdon pishdi va adabiyot ahliga hamnafas, hamdard bo‘lib, yetuk bir adabiyotshunos sifatida shakllandi.

Bu davrning Ozod Sharafiddinov va unga tengqur bo‘lgan avlod vakillari ijodi hamda faoliyatiga ko‘rsatgan dahshatli, salbiy ta‘siri deganda birinchi navbatda hukmron kommunistik mafkura va uning ijodkor hamda adabiyotshunoslar oldiga qo‘yadigan asossiz va bir tomonlama talablarini nazarda tutamiz.

O‘z faoliyatining dastlabki qadamlaridanoq Ozod Sharafiddinov adabiy tanqidchilik orqali xalqqa va jamiyatga xizmat qilishni o‘zining sharaflı burchi, deb bildi va umrining oxiriga qadar ana shu yuksak e‘tiqodidan chekinmadi. Darhaqiqat Ozod Sharafiddinov butun umri davomida adabiyotga, adabiy tanqidchilikka hamda badiiy asarlardagi go‘zallikni anglashga, badiiy ijod borasidagi mahorat qirralarini ochishga bo‘lgan ishtiyoq va muhabbat bilan yashadi va ijod qildi.

Ozod Sharafiddinovning sadoqatli shogirdi, taniqli adabiyotshunos, ustozimiz Usmonjon Qosimov ta‘kidlaganlaridek: “Ozod Sharafiddinovdek betakror inson va mashhur ijodkorlar haqida yozish qanchalar maroqli bo‘lsa, shunchalar mas‘uliyatli ham. Sababi Ozod Sharafiddinovning nomi nafaqat yurtimizda mashhur, balki qo‘shni va xorijiy mamlakatlardagi ilmiy-adabiy jamoatchilikka ham yaxshi ma‘lum. Mas‘uliyati eng avvalo shundaki, Ozod aka ko‘pso‘zlikni mutlaqo yoqtirmas, maqto‘v va hamdu sanolardan ensasi qotardi. Chunki Shayx Sa‘diy aytganidek, chinakam iste‘dodlar toza mushk misoli atorning ta‘rifu tahsinlariga muhtoj bo‘lmaydi” [1-242].

Biz agar adabiyotimiz tarixi o‘zanida yaqin yuz yilliklarga nazar tashlasak, juda ko‘p sonli qalamkashlarning asarlariga ko‘zimiz tushadi. Ulardan hech birining xizmatlarini sira kamsitmagan holda aytish mumkinki, XX asrning keyingi ellik yili ichida faoliyat ko‘rsatgan adabiyotshunoslar silsilasida Ozod Sharafiddinovning nomi alohida bir cho‘qqi yanglig‘ ko‘zga tashlanib turadi.

Ozod Sharafiddinovning tanqid va adabiyotshunoslik sohasidagi faoliyati o‘zining qamrov ko‘lami bilan, mavzu muammolarining dolzarbligi va ichki yaxlitligi, shuningdek shakl rang-barangligi bilan ham e‘tiborga loyiq, zero munaqqidning Cho‘lpon va Abdulla Qahhor singari atoqli adiblarimiz ijodiga bag‘ishlangan ilmiy tadqiqotlari saviyasi qanchalik yuksak bo‘lsa, uning zamonaviy o‘zbek she‘riyati muammolariga bag‘ishlangan adabiy-tanqidiy maqolalari ham o‘zining chuqur mazmuni va tahlillarining teranligi bilan alohida ajralib turadi.

Yoqorida ta'kidlanganidek, Ozod Sharafiddinovning ilmiy va adabiy-tanqidiy merosining katta bir qismini, shubhasiz uning iste'dodli shoir va betakror yozuvchi Abdulhamid Sulaymon o'g'li Cho'lpon ijodiga bag'ishlangan va butun umri mobaynida izchil davom etgan tadqiqotlarni tashkil etadi. Binobarin, munaqqaidning Cho'lpon ijodi va shaxsini o'rganishdagi ilmiy-adabiy faoliyati shu qadar izchil va mufassal, shu qadar ko'lamli va ahamiyatli uni haqli ravishda Cho'lponshunoslikning tamal toshini qo'yganlardan biri sifatida ham faxr bilan tilga olamiz.

Ozod Sharafiddinovning tanqidchi va adabiyotshunos sifatidagi ibratli jihatlaridan yana biri shundaki, munaqqidning badiiy asar tahlilida eng avvalo matnga suyanishi va asosiy e'tiborni ijodkorning to'la qonli xarakter yaratish hamda tasvirlay olish mahoratini o'rganishga qaratishi tadqiqotchi izlanishlarining samarali bo'lishini ta'minlagan. Bunga ishonch hosil qilish uchun munaqqidning "Birinch mo'jiza" va "Is'tedod jilolari" kabi tadqiqotlarini yoki Oybek, G'afur G'ulom, Shayxzoda hamda Mirtemir kabi ijodkorlar haqidagi adabiy-tanqidiy asarlarini ko'zdan kechirishning o'zi kifoya qiladi.

Umuman olganda, O'zbekiston Qahramoni, yirik adabiyotshunos olim Ozod Sharafiddinov hayotiy faoliyati va adabiy-ilmiy tadqiqotlari bilan XX asr o'zbek adabiy tanqidchiligi hamda madaniyati taraqqiyotida alohida o'rin egallagan kamyob iste'dodlardan biri sifatida kelajak avlod uchun ham ibrat va mahorat maktabi hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Qosimov U. Ozod Sharafiddinov zamondoshlari xotirasida. –T: O'zbekiston, 2007. 242-bet.
2. https://uz.wikipedia.org/wiki/Ozod_Sharafiddinov
3. http://mustaqillik.uz/oz/pages/Ozod_Sharafiddinov
4. <https://arboblar.uz/uz/people/sharafiddinov-ozod>

RAMZIY-MAJOZIY TALQINI XUSUSIYATI

*Bazarov Sobirjon Bektashovich,
Termiz davlat universiteti o'qituvchisi*

Keying yillar adabiyotida chinakam ijod qilish, haq so'zni, haqiqatni aytish erkinligi keng qamrovda rivojlandi. O'zbekiston Qahramoni Abdulla Oripov "Adabiyot va zamon" maqolasida erkin va mustaqil adabiyot haqida quyidagi fikrlarni ilgari surgan edi: "Sho'rolar davrida milliy qadriyatlarimiz, moziydagi qahramonlarimiz qariyb qalamga olinmas, olinganda ham ular sinfiylik va partiyaviylik nuqtai nazaridan tahlil etilar, qoralanardi, xolos. Diniy e'tiqod esa butunlay manfiy tushunchaga aylantirilgan edi. Bir yoqlamalik, yuzakilik adiblarimizni bir xil ovozda, bir xil ohangda kuylashga o'rgatib qo'ygan edi" [1, 5-bet]. Bu mulohazalar zamirida hayot haqiqati mavjudligini inkor etib bo'lmaydi. Davrning murakkab qirralarini u yoki bu darajada talqin etish an'anasi o'sha

davrlarda ham kuzatilar edi, ammo istiqlol arafasi va undan keyingi davr adabiyotida o'ziga xos talqin o'zgarishlari maydonga keldiki, bu esa adabiyotda ramziylik bilan bir qatorda falsafiylikni ham yuksak darajaga ko'tardi. Shu o'rinda adabiyotshunos Ozod Sharafiddinovning fikrlari bilan o'z qarashlarimizni asoslashni lozim topdik: "Istiqlol adabiyoti bu xronologik tushuncha emas. Sodaroq qilib aytsak, istiqloladabiyoti deganda biz faqat 1991-yildan keyin yaratilgan asarlarnigina tushunmasligimiz kerak. Istiqlol adabiyoti Cho'lponlar, Fitratlar ijodidan boshlanganidek, u so'nggi o'n yillikda ham shakllanishda davom etdi. Tabiiyki, bundan keyingi o'n yilliklarda ham takomilda davom etadi" [2, 191-bet].

XX asr boshlarida vujudga kelgan an'analarni keyingi yillarda yanada teranroq talqin etish an'anasining vujudga kelganligiga urg'u berilmoqda. Shuning uchun badiiy talqin zamiridagi falsafiylik ham, ramziylik ham kecha paydo bo'lib qolmagan, uning ildiz va kurtaklari ma'lum bir davrda yuksak darajaga ko'tarilganligini ham unutmasligimiz kerak. Faqat Istiqlol yillarida turfa ohanglarning badiiy talqini yuksalish imkoniyatini shakllantirdi. Asrlar davomidagi an'analarning badiiy adabiyotda, insonning ruhiy-psixologik holatini, istirobu quvonchini kashf etish orqali, ma'naviy-botiniy olamini ramzlarda ifodalash yo'lidan ham bormoqda.

Rus adabiyotshunosi L.S.Biygotskiyning ta'kidlashich: "Har qaysi davr san'at tomonidan saralab olinadigan o'z psixologik gammasiga ega" ekanligini e'tiborga olsak istiqloolgacha shakllangan badiiy an'analarning kashfi yanada teranlashib borayotganligini his etamiz [3,93-bet]. Badiiylik tarkibidagi ramziylik va psixologik talqinlar zamirida inson qismati mavjud bo'ladi. Bu jarayon esa milliylik va umuminsoniylik tushunchalari bilan uzviy bog'lanib ketadi. Umuminsoniy goyalar, muammolarni ovozida mujassamlashtirgan adabiyot shakllana boshladiki, bu esa milliy va jahoniy adabiyotdan oziqlanganligidan dalolat beradi. Adabiyotshunos G.P.Abramovich ta'kidlaganidek: "Xalqchilik sifatidan mahrum bo'lgan asar umuminsoniy ahamiyatga ega bo'lmaydi" [4, 92-93-betlar].

Insoniyat tarixining uzoq davrlar mobaynida yaratilgan badiiy asrlar hech qachon hamma uchun birday tushunarli bo'lmaydi. Shu jihatdan keying yillar badiiy adabiyotida sujet jihatidan murakkab xaraterga ega bo'lgan asarlar maydonga kelmoqda. Ana shunday asarlardan biri Normurod Norqobilovning "Qoraquyun" romanidir. Asarning sarlovhasidanoq, ramziylikni kuzatamiz. Buna inson hayotining murakkab qirralarini, uning o'y-xayollarini, botiniy iztiroblarini juda mukammal tarzda talqin etganligi bilan izohlanadi. Ramzlarga burkanga hayot voqeligi zamirida inson qismati mavjudligini teranroq his eta boshlaymiz. Adib talqinlariga e'tibor qarataylik: "G'uldagi it – Qoraquyun yarim tunga yaqin tin olmay, uzluksiz bir alfozda g'azabkor irillay boshladi. Bu g'ayritabiiy vajohatga to'la sas ovtovda keng keng, og'ir qora po'stinga o'ralganicha, endigina uyqo' to'riga chirmalgan Ermanga shunchaki itning ovozi emas, balki er bag'irlab o'rmalab kelayotgan baloiy azim – qirq ming oyoqli yovuz, dahshatli bir maxluqning sharpa-sadosidek tuyuldi" [5, 3-bet].

Asar qahramoni Ermanning qalb nidosi shu o'rinlarda mujassamlashgan. Uning qalbidagi istirobning vujudga kelishiga ham asosiy sabab, erksizlik, tutqunlik edi.

Erman juda murakkab hayot yo'lini bosib o'tgan inson timsoli. U oddiy cho'pon yigiti bo'lsa-da, uning insoniy fazilatlarining o'zigagina xos jihatlari ham mavjud. Bu esa uminsoniy tamoyillarni yuzaga chiqarishga xizmat qiladi: "Bu safar Ermanni taajjublantirgan narsa – itning maramli va uzluksiz irillashi, ya'nikim haddan tashqari bo'g'ziga zo'r berishi bo'ldi. Ovozida g'azabdan ko'ra qo'msash, sog'inchga o'xshash nimadir borday, sog'ingan narsasiga etishmoqqa monelik qilayotga erksizlikka qarshi tengsiz bir qahr mujassamligini ilg'amasdan qolmadi. Bu qahr g'oyatda dahshatli - yurakka adadsiz qo'rquv solardi" [5, 4-bet].

Romanning o'ziga xos talqin usulida ham biz yuqorida qayd qilingan fikrlarning mavjudligini anglaymiz, his qilamiz. Asarda obyektiv, ya'ni mavjud borliq, voqea va hodisalar, tashqi tasvir, qahramon xatti-harakatlari, uni o'rab turgan muhit va sharoit, zamon va makon endi to'g'ridan-to'g'ri badiiy to'qimaga aylantirilmay, balki ularni inson tasavvuri, shuuriga ta'siri, qahramonning hayotga va olamga munosabatini teranlashtirmoqda. Badiiy qahramon muallif yaratgan xarakter emas, balki o'zini-o'zi "ixtiro" qilgan, o'z tasavvurlari, ong oqimi asosida shakllanayotgan badiiy qahramonga bormoqda. Endi kitobxon qahramon bilan emas, balki uning ma'naviy olami "tafakkuri" bilan muloqotga kirishadigan, uning tafakkur jarayoni bilan bahslashadigan holatlar yuzaga chiqayotganligini ham, alohida ta'kidlab o'tish joizdir.

Bu an'analarning mavjudligini o'tgan davr mobaynida nasr taraqqiyotining taraqqiyotidan dalolat beraishi mumkin. Shuning uchun Isajon Sultonning "Boqiy darbadar" romanida dardli holatlarning, iztirobga to'la kechinmalarining o'ziga xos, yozuvchi uslubi orqali aks ettirilganini qiyoslash mumkin. "Shakllar, qiyofalar, g'oyalar va obrazlar yaratilar ekan, tobora shiddatli tus olib borayotgan zamonaviy dunyo yana yangi ruhiy tayanchga ehtiyoj tuya boshlagan edi. Badiiy asar xayol mahsuli, xayol esa kelajakda ro'y berishi mumkin bo'lgan voqea hodisalarni oldindan jonlantirib ko'rish deganidir. Butun olamda adabiyot yangi yo'l izlay boshladi" [6, 406-407-betlar].

Darhaqiqat, keyingi yillarda adabiyot turfa xil ohanglarda shakllanib, rivojlanib jahon adabiyotida yetakchi tamoyillarini, tasvir usullaridan unumli foydalanilmoqda. "Boqiy darbadar" romanida ham noan'anaviy talqin usulini, ong oqimi xususiyatlarini ramziy xarakterdagi obrazlar tizimi orqali tushunchalar yig'indisi, falsafiy mushohadalar aks etganligini kuzatamiz: "Qatl uchun tepalikda maxsus joy tayyorlab qo'yilgan, mahkumning oyoqlariga, qo'llariga yelkasi aralash zil-zambil kishanlar urilgan bo'lib, zalvoridan juda qiynalib qadam tashlar, hansirab nafas olar, tevarakdagi odamlarning hazil-mazah aralash aytgan so'zlari qulog'iga goh kirib, goh eshitilmay qolar edi. Qizil dengizning chuchuk suvli oqimlari uzra bino bo'lgan oq bulut parchasi ana shu mahkumning boshi uzra soya tashlab kelayotgan edi. Mahkum- bir Muborak Kishi edi. Kim bilsin, balki hozir unga Iloh farishtalari yordamga kelgan-u cho'yan kishanlarning og'irligini balki sezmayotgandir ham? Tevarakdagi olamon "Qani sening xudoying? Nega u senga madad bermayapti?"- deb qichqirar va kular edi. Kulayotgan bu badbaxt olomon orasida bir etikdo'z ham bor edi". Tasvirlardan ko'rinadiki, asarda yaxlit an'anaviy shakldagi obrazlar tizimi mavjud emas. Yuqoridagi parchada Muborak Kishi va etikdo'z obrazlarini kuzatish

mumkin. Mahkunning oyoqlariga, qo'llariga urilgan kishanlar og'irligidan bazo'r qadam tashlardi. Undagi xususiyatlar xuddi oldindan bashorat qilganday taassurot uyg'otardi.

Qayd qilingan har ikki romandagi tasvirlarni keltirishimizga sabab, inson erki, ozodligi, o'zlikni anglash yo'lidagi qarama-qarshiliklarning mavjudligini ramzlar asosida ifodalanganligi bilan izohlashdan iborat edi. Isajon Sultonning "Boqiy darbadar" romanida inson erki, o'zlikni anglashga bo'lgan intilish ifodasi etakchilik qilsa, Normurod Norqobilovning "Qoraqyun" romanida esa tog'lik yigitning tutqunlikdagi azobu iztiroblari, ozodlikka chiqqach esa, qullik chohiga mahkum etgan insondan o'ch olish ilinjidagi kurashlari talqini o'z ifodasini topgan. Ramziylik orqali fikrlashga, mulohaza yuritishga undash an'anasi ko'zga tashlanadi: "ammo shu o'tgan fursat ichida tutqunlar necha-necha bor o'lib tirilmasdi deysiz. O-o, u kunlar dahshatini unitib bo'larkanmi! Qisqasi bandilarning joni, agar o'xshatish joiz bo'lsa, qavm boshlig'i Itolmasning kaftida edi - xohlasa, itlar oyog'i ostiga tashlaydi, xohlasa, omon qoldiradi. Bu qadar bedodlikka qarshi chiquvchi kimsaning o'zi yo'q - xiyol monelik qilgan tutqunning jismu joni tuproqqa qorishib, changi shamolga sovurilishi tayin edi" [6, 6-bet].

Inson tiynatidagi tutqunlik asta-sekinlik bilan uning ruhiy-ma'naviy olamiga o'z ta'sirini o'tkazsa, "Qoraqyun" romanida insonning erki va ozodlikka chiqishi, ammo uning qalbidan o'rin olgan o'ch olish istagida itni tutqunlikda saqlab, unga qarshi qo'yilishi o'z ifodasini topgan. Bu o'rinda tutqunlikdagi inson o'z qismatini, azoblarini unitishga intildi-yu, ammo itning tutqunlikdagi azobini his eta olmaganligi uni fojialar sari etaklaydi.

Xullas, badiiy adabiyot insonni ichki olamini, ruhiy dunyosini talqin etsa-da, uning taqdiri azal hukmidan qutila olmasligi, o'zlikni anglash hayot yo'lini yorituvchi sham chiroq ekanligini anglashga undaydi. Asar sujetidan o'rin olgan obrazlar tizimi, voqealar talqini zamin bilan, undagi real hayot bilan bog'langanligi bilan izohlanadi. Shu jihatdan, roman tarkibidagi obrazlar o'z olami bilan kurashadi, ziddiyatlar to'liqini orqali ularning xarakteri yorqin aks etgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Oripov A. Adabiyot va zamon. Mustaqillik davri adabiyoti. Adabiy-tanqidiy maqolalar, badialar. –T.: G'afur G'lom nomidagi nashriyot-matbaa uyi, 2006. – 288 b.
2. Sharafiddinov O. Ijodni anglash baxti. –T.: Sharq, 2004. –640 b.
3. Viygotskiy L.S. Psixologiya isskustva. –SPb. Azbuka, 2000. –294 b.
4. Abramovich G.P. Vvedenie literaturovedenie. –M., Prosveshenie, 1975. –364 b.
5. Norqobilov N. Qoraqyun. Roman. –T.: O'zbekiston, 2016. –216 b.
6. Rasulov A. Asrlar falsafasi. So'ngiso'z o'rnida. Isajon Sulton. Ozod. Roman va hikoyalar. –T.: Sharq, 2012. –336 b.
7. Isajon Sulton. Boqiy darbadar. Roman. Qissa. Hikoyalar. –T.: 2011. –280 b.

YOZUVCHI MAHORTINI OCHISHDA QIYOSIY TAHLILNING O'RNI

*Qurbonova Gulbahor Safarovna,
JDPI o'qituvchisi*

“Yangilanayotgan milliy pedagogika o‘z oldiga ma’naviyati yuksak shaxslarni shakllantirish maqsadini qo‘ygan ekan, adabiy ta’limda badiiy tahlil hal qiluvchi ahamiyatga ega bo‘lishi shubhasizdir. Malakali badiiy tahlil bo‘lmagan joyda mo‘jizaviy asarning sehri, siri, jozibasi yo‘qqa chiqadi. Chunki uning zamiridagi badiiy va hayotiy ma’no payqalmay qolaveradi” [1;20].

Yuqoridagi fikrdan kelib chiqib, badiiy asar matni bilan ishlash bugungi pedagogning asosiy vazifasi deb hisoblaymiz. Nurali Qobulning badiiy tasvir yaratish mahoratini, uning urush davri voqealarini ayanchli tasvirlashini “Salom, tog‘lar” qissasi orqali o‘rganar ekanmiz, qiyosiy tahlil metodini tanlash maqsadga muvofiqdir. Qissani yaratishda Ch.Aytmatovning “Jamila” qissasidan ta’sirlangan ekan, shuning uchun ham o‘rni bilan ikkala asarni qiyosiy o‘rganish, talabaga qiyoslash, taqqoslash, kerak joyda yozuvchilarning badiiy tasvir yaratish mahoratiga munosabat bildirishida yaqqolroq namoyon qiladi.

Adabiyotshunos olim Suvon Meli shunday fikr bildiradi: “Yonma-yon, yo ost-ust chizilgan ikki chiziq yoki shunday ikki misra tabiiy ravishda qiyos holatini paydo qiladi”.

Badiiy asarga qiyosiy yondashuv – adabiyotshunoslikda keng qo‘llanuvchi tadqiqot usuli. Ushbu usul mohiyati ikki yoki undan ortiq narsa-hodisalarni o‘zaro qiyoslab, ularning o‘xshash hamda farqli tomonlarini, bularni keltirib chiqargan omillarni aniqlash orqali muayyan ilmiy xulosa va umumlashmalar chiqarishdan iboratdir.

Yaratuvchilik qudrati nuqtayi nazaridan qaraganda, tarix tabiatdan keyingi eng ulug‘ o‘rinlardan birida turadi. Tabiat o‘z o‘rmonlari, tog‘larini, vodiylarini, daryo-ko‘llarini qanday betakror yaratgan bo‘lsa, tarix ham turli qit‘alar, xalqlar, davlatlar taqdirini va ularga mansub bo‘lgan yirik shaxslarning tarjimai holini ham shunday betakror va yorqin qilib yaratib qo‘ygan. Asrlar kitobini o‘qiganingiz sari tarix tomonidan hayotiy dramalar, fojialar, sujetlarning alohida yozuvchining fantaziyasi bilan yaratib bo‘lmasligiga ishonch hosil qilasiz. Shu sababli men o‘z fantaziyamdan ko‘ra “tarix fantaziyasi”ga, ya’ni chindan sodir bo‘lgan voqealarga va yashab o‘tgan tarixiy shaxslar taqdiriga asoslandim”, – deydi “Yulduzli tunlar” romani muallifi Pirimqul Qodirov [2;5].

Haqiqatda tarixda bo‘lib o‘tgan voqealar yozuvchilarning badiiy tafakkuriga ta’sir o‘tkazmay qo‘ymaydi. Qaysidir yozuvchi tarixiy haqiqatni badiiy aks ettiradi (masalan, Fitratning “Abulfayzxon”, P.Qodirovning “Yulduzli tunlar”, “Avlodlar dovoni” asarlari kabi), boshqa biri esa tarixda bo‘lib o‘tgan voqealar asosida yangi syujetlar yaratib asarlar yozadi (urush bo‘lgan, urush davrida ko‘plab oilalar boshiga kulfatlar yog‘ilgan va shu voqealar asosida asarlar yaratilgan, masalan “Salom, tog‘lar”, “Jamila”).

Mana shu fikrlar qiyosiy tahlilimiz uchun motiv rolini o‘ynaydi. Demak, tarix fantaziyasiga suyangan yozuvchi urush davri voqealarini qanday badiiylashtirdi?

“Salom, tog‘lar” yozuvchining o‘zi ta’kidlaganidek, Ch.Aytmatovning “Jamila” qissasidan ta’sirlanib yozilgan. Yozuvchining badiiy niyati, g‘oyaviy-badiiy maqsadi esa, menimcha bunday holatda o‘zbek ayoli qanday yo‘l tutishini ko‘rsatib bermoqchi bo‘lgan.

Adabiyotshunos olim A.Rasulov “Janr, sarlavha, konsepsiya (tasvir predmeti salmog‘i) asarning ilk semiotik markazida yarqirab ko‘zga tashlanadi. Ilk semiotik markaz deganda aksariyat hollarda birinchi misra (satr, jumla) tushuniladi.

Ilk jumla (satr, misra) birinchi taassurot asar haqidagi g‘ayrihuuriy anglash manbai” deydi [3;53].

Shu o‘rinda har ikki asarning ilk jumllalariga e’tibor qaratsak: “Salom, tog‘lar” quyidagi jumla bilan boshlangan: “Uyning orqa tomonidagi yaxlit oyna qo‘yilib, atrofi suvalgan xira derazadan qishloq etagidagi ko‘rimsiz qabriston ko‘zga tashlanib turardi” [4;40].

Asar boshlanishidayoq derazasiz, faqat oyna qo‘yilib suvalgan uyda yashovchi oilaning ahvoli “hira deraza” va “qabriston” so‘zlari bilan ma’lum qilinyapti. Bu uy a’zolarini qabriston bilan bog‘lab turuvchi qandaydir voqea borligiga va oxirida fojia bilan tugashiga ham ishora berilyapti. Qissada tasvirlanayotgan makon va zamon ruhini kitobxonga birdan yuqtira olishi bilan e’tiborli. Haqiqatdan, ilk jumlaning o‘ziyoq, muhtaram olimimiz ta’kidlaganidek, qissada tasvirlangan olamning yaxlit bir manzarasini namoyon qilgandek.

“Jamila” qissasida esa ko‘rgazmaga qo‘yilmayotgan surat haqida gap ketgach, “Suratning orqa planida so‘lg‘in kuz osmonining chekkalari oqarib ko‘rinadi” deb aytadi yozuvchi. “So‘lg‘in kuz”dan so‘ng “osmon” va uning “oqarib ko‘rinishi”. Zukko kitobxon shu peyzajdanoq asar qahramoni Jamilaning “so‘lg‘in kuz”dan “oppoq” orzulari sari qadam tashlashini tushunadi

Asarlarning ilk jumlasini, qabriston va so‘lg‘in kuz tasviri, ohangi asar qahramonlarining umri mohiyatidan kitobxonga darak beradi.

Bir kuni pichan o‘rimida, yur desam bo‘ldi, orqamdan ergashib ketaveradi, deb o‘ziga ishonganlarning biri – uzoq qarindoshimizning o‘g‘li Usmon yangamga tegajaklik qilavergan edi, u Usmonning qo‘lini siltab yubordi-da, g‘aram soyasda o‘tigran joyidan turarkan:

- Tur yo‘qol! – deb o‘shqirdi va teskari qarab oldi. – Qo‘llaringdan modabozlik qilishdan boshqa ish kelarmidi.

G‘aram ostida taltayib yotgan Usmon qalin lablarini nafrat bilan burishtirib to‘ng‘illadi:

- Ol-a, mushukning bo‘yi shiftda osig‘liq turgan go‘shiga yetmay, puf sassiq degan ekan... shunga o‘xshab ko‘p noz qilaverma. Ichingda jon-jon deb turibsanu, yana...

Jamila unga yalt etib qaradida:

-Jon-jon deb tursam turgandirman. Lekin peshonamga yozilgani shu ekan, nima qilay. Ey, ahmoq, buning kuladigan joyi bormi? Jon-jon deyish u yoqda tursin, ming yil toq o‘tsam ham senga o‘xshagan shumshuklarga nazarimni solmayman. Ahmoqsan [5;18].

“Jamila” qissasidagi bu holat “Salom, tog‘lar” qissasida ham takrorlanadi. Qissada Zulayhoga begona emas “Jamila”dagi kabi o‘z qarindoshi gap otadi, zo‘ravonlik qilishga harakat qiladi: “- Seni yaxshi ko‘raman, Qorako‘z! Mening uchun sen bir tomonu sendan boshqa butun dunyo bir tomon. Sen esa men bilan gaplashishni ham istamaysan. Nima, mening biror kishini yaxshi ko‘rishga haqqim yo‘qmi? Nima, men iblismanmi? Rahm qil! O‘sha G‘oyibnazardan qayerim kam? Sen meniki bo‘lishing kerak, Qorako‘z! ishonaman, sen meniki bo‘lasan!...

- Kech bo‘ldi, enam meni qidirib yo‘lga chiqqandir. Menga rahming kelmasa ham ammingga rahming kelsin...

Birdan tashlangan Qamariddin Qorako‘zni mahkam quchoqlab oldi. Ikkisi ham yo‘lning o‘ng tomonidagi soylikka zarb bilan ag‘darildi”. [Nurali Qobul. Johillik va qotillik: qissalar. Toshkent, “IJOD-PRESS” nashriyoti, 2017. 89-bet] Uning changalidan qutilgan Zulayho qarindosh – urug‘ni bilarmiding deya yosh to‘kib uyi tomon ketadi.

Shunga o‘xshash bir xil voqealar ikkita sevgi qissasida ham ko‘plab uchraydi. Ana shunday nuqtalarni topa olish, ularning farqli jihatlari, ya‘ni yakunlariga to‘xtalish, yozuvchilar mahoratini solishtirish talabalar tafakkurini shakllantirish, adabiyotshunoslar fikrigagina tayanib qolmasdan o‘zlari yangi fikr, yangi tahlillar keltirishni o‘rgatadi. Bugungi kunda ramziy obrazlar orqali yoritilgan mavzudagi asarlarni tahlil qilishga bo‘lgan qiziqish kuchli, lekin hayotimizda uchrab turishi mumkin bo‘lgan ijtimoiy-axloqiy mavzudagi asarlarning ham tarbiyaviy ahamiyati nechog‘li kuchli ekanligini ham unutmasligimiz lozim.

Adabiyotshunoslik lug‘atida: “San’atkor ifodalamoqchi bo‘lgan fikr badiiy obrazda tugal aytilmaydi (ya‘ni kitobxon og‘ziga chaynab solib qo‘yilmaydi). Badiiy obrazning ayrim chizgilari punktir (uzuq-uzuq chiziq) bilan tortiladi. Ya‘ni san’atkor badiiy obrazda ma‘lum imkoniyatlar yaratadi-da, ularni ro‘yobga chiqarishni o‘quvchiga qoldiradi. Bu xil imkoniyatlar, ayniqsa, “obyektiv tasvir” yo‘sinidan borilgan, yozuvchi xolis kuzatuvchi mavqeyida turgan asarlarda kuchli namoyon bo‘ladi. Garchi asarda tasvirlangan narsa bitta bo‘lsa-da, o‘quvchilar (ijodiy tasavvur imkoniyati, xarakteri, dunyoqarashi va b.ga ko‘ra) turlicha bo‘lgani uchun konkret badiiy obrazlarning ongida turlicha akslanadi, turli xulosalarga olib keladi”, – deyiladi. [D.Quronov va boshq. Adabiyotshunoslik lug‘ati. T.”Akademnashr”. 2010.47-b]

Darhaqiqat, yorqin, ta’sirchan tasvir o‘quvchi xayolotiga qanot bag‘ishlaydi.

Xulosa qilib aytganda, bitta tarixiy fakt –urush va unig oqibatida ko‘plab onalar bolalaridan, farzandlar otalaridan, ayollar turmush o‘rtoqlaridan ajralgani har ikkala yozuvchiga ham o‘zlari tanlagan yo‘nalishda badiiy tasvirlash mahoratlarini yuzaga chiqarish imkonini bergan.

Darhaqiqat, manbalar bag‘ridagi zarralarni ilg‘ash, ular bag‘riga yashiringan sirni topish, badiiy zakovat, aql, his-tuyg‘u uyg‘unligida kitobxon ishonch va hayajon bilan o‘qiydigan tasvirlarni yarata olish, ular o‘rtasida dialektik yaxlitlikni o‘rnata olish yozuvchidan juda katta iqtidor, mehnat talab qiladi. Shunga ko‘ra his qilish, badiiy idrok etish, o‘z qahramonlarining dunyosida yashay olish, ular bilan darddosh

bo'la olish, tasvirda aql va tuyg'u uyg'unligiga erishish san'atkor yozuvchining eng zaruriy fazilatlari ekanligi "Salom, tog'lar"da aniq ko'rinib turibdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Yo'ldosh Q., Yo'ldosh M. Badiiy tahlil asoslari. –T.: Kamalak, 2016.
2. Qodirov P. Muallifdan. Avlodlar dovoni. –T.: Adabiyot va san'at, 1989.
3. Rasulov A. Badiiylik – bezavol yangilik. –T.: Sharq, 2007.
4. Nurali Qobul. Johillik va qotillik: qissalar. –T.: IJOD-PRESS, 2017.
5. Aytmatov Ch. Jamila. Yoshlar nashriyot uyi. –T.: 2018.
6. Quronov D. va boshq. Adabiyotshunoslik lug'ati. –T.: Akademnashr. 2010.

**O'TKIR HOSHIMOVNING "IKKI ESHIK ORASI" ROMANIDA
IJODKOR BADIY MAHORATI**

*Norboyeva Sayyora Baxtiyorovna,
O'z MU Jizzax filiali o'qituvchi*

Badiiy asar shunday bir daraxtka, uning shoxida umumbashariy mevalar yetiladi, ildizi esa milliy zaminda yotadi.

O'tkir Hoshimov.

Borliqda bir-biriga aynan o'xshash bir hodisa mavjud emas. Jumladan, odamlar ham qiyofa-ko'rinishi, fe'l-atvori, qiziqishlari, xatti-harakatlariga ko'ra bir-biridan farqlanadi. Chunki betakrorlik borliqning bosh xususiyati sanaladi. Kishilarning harakati, faoliyati ham ana shu haqiqatni tasdiqlaydi. Odamlar bo'y-basti, ovozi, qobiliyati, irodasi kabi jihatlariga ko'ra bir-biridan ajralib turadi. Hatto bir otaning farzandlari bo'lgan egizaklar ham bir-biriga aynan o'xshamaydi. Yozuvi aynan bir xil bo'lgan insonlarni topishga urinish ham befoyda. Chunki, har bir odamning o'ziga xos "xat"i bo'ladi. Ijodkor uslubini ham ma'lum ma'noda ana shunday "xat" deyish mumkin. Yozuvchi, shoirning "xat"i uning asarlari tilida, qahramonlarining so'zlash tarzida, voqealarning tanlab olinishi va bayon etilishida namoyon bo'ladi. Ijodkorlar asarlarining bunday o'ziga xos bo'lishi, avvalo, borliqning betakror yaratilishi bilan bog'liq bo'lsa, ikkinchidan, shoir, yozuvchi, dramaturglarning hayotiy tajribasi, turmushni kuzatishi, bilim darajasi, didi, saviyasi, dunyoqarashiga asoslanadi. Uchinchidan, bu „xat“da shoir, yozuvchining, qiziqishi, fe'l-atvori, ichki dunyosi akslanadi. Har bir odam o'ziga xos olam bo'lgani singari ijodkorlar ham betakror dunyodir. Ana shu betakror dunyo mavzu tanlashda, hodisalarga yondashishda namoyon bo'ladi. Shuning uchun "uslub-odamdir" deyiladi.

Uslub-ijodkor xayolotining nammoyon bo'lish tarzi ham sanaladi. Yozuvchi, shoir voqealarni, qahramonlarni, ular yashaydigan manzil manzaralarni qanday tasavvur qilsa, shunday ifodalaydi. Demak, ijodkorning o'ziga xos uslubi uning hayot hodisalarini tanlashi, uni xayolidagi olam bilan uyg'unlashtirib, badiiy til vositasida akslantirishidir.

O'tkir Hoshimov asarlari haqida Ibrohim G'afurov "E'tiqod" nomli maqolasida shunday degan: "O'tkir Hoshimovning "Nur borki,soya bor", "Dunyoning ishlari", "Ikki eshik orasi" asarlari xalqimizning peshonasidagi yorug'lik deb hisoblansa arziydi. Milliy idrokimizning birmuncha go'zal buloqlari qaynab turadi". Olim milliy qadriyatlar talqinining adib asarlaridagi badiiy-estetik o'rmini to'g'ri e'tirof etgan. Zero, yozuvchi xalq hayotini, qadriyatlarimizning milliy mohiyatini yaxshi biladi, shuning uchun ham uning asarlarida milliy qadriyatlarning, millat kishisining qadr-qimmatini haqida gap boradi. Shu sabab uning qahramonlari butun bo'y-basti bilan millat kishisining o'ziga xos qiyofasini gavdalandiradi. Yozuvchi asarlari orqali xalqimiz ma'naviyatining tub mohiyatini tashkil etuvchi boqiy qadriyatlarni, insondagi ulug' niyatlar, orzu-armonlarni, ezgulik va yaxshilikka bo'lgan buyuk e'tiqodni mehr-muhabbat va ehtiros bilan hikoya qiladi, ko'z-ko'z qiladi, targ'ib etadi.

Milliy qadriyatlarning tarixiy taqdiri va inson qadr-qimmatining umumbashariy jihatlari milliy ma'naviyatning shakllanishi va taraqqiyotida alohida o'rin tutadi. Qadriyatlar bilan bog'liq muammolar azal-azaldan xalq og'zaki badiiy ijodining epik janrlari namunalari bo'lmish rivoyat, afsona, asotir va ertaklarda, shuningdek, xalq qo'shiqlari va urf-odatlarini, maqol, matal va naqlarda, ibratomuz so'zlarida, xalq hikoyatlariga singdirilgan xalq donishmandligi saboqlarida ham o'z aksini topgan. Milliy qadriyatlarni rivojlantirish va takomillashtirish folklor asarlarining asosiy yo'nalishini tashkil etadi desak, xato bo'lmas.

Inson butun umri davomida o'zining o'tmish ajdodlari zakovati bilan yaratilgan milliy qadriyatlar olamida yashaydi va o'zi ham butun faoliyatini ana shu ma'naviyat durdonalarini yanada rivojlantirish va takomillashtirishga bag'ishlaydi. O'tkir Hoshimovning „Ikki eshik orasi“ romanini o'qir ekanmiz, asarning tili, uning ichki va tashqi bog'lanishi yozuvchining dunyoqarashi, badiiy tasvir vositalarining qo'llanilishida yaqqol ko'zga tashlanadi. Asarda emotsional bunyodkorlik darajasi juda kuchli. Adib o'z asarida o'zbek xalqining o'ziga xos urf-odatlarini va marosimlarini tasvirlar ekan, umumxalq tilida mavjud bo'lgan so'z va frazemalarni ko'plab ishlatadi. Bu esa asarning poetik ko'lamdorligi va voqelik talqinining to'laqonliligini ta'minlashda adib mahoratini ko'rsatadi. Bu holat ijodkorning mahalliy koloritga xos xususiyatlarni ochishida ham qo'l kelgan.

Voqelikning badiiy so'z yordamida obrazli aks ettirilishida yozuvchi xalq tilining bitmas-tuganmas imkoniyatlaridan unumli foydalanadi. Badiiy asarning tili xalq ruhini aks ettiradi. Yozuvchi badiiy tilning barcha poetik imkoniyatlaridan o'rinli foydalangan bo'lib, muallif nutqi va personaj tilini berishda, o'z badiiy mahoratini to'la ko'rsatishda, avvalo, tilimizning so'z boyligiga, xalqona iboralarga asoslangan. Muallif bayonida qo'llanilgan til kitobxonlarni o'ziga tortadigan xususiyatlarga ega bo'lsa, personajlar nutqi bevosita tasvirlanayotgan voqelik mohiyati va qahramonlarning milliy xarakteri talabiga ko'ra qo'llanilgan. Badiiy nutqning bu ikki shakli adibga tasvirlanayotgan davrning iqtisodiy-siyosiy, ma'naviy-axloqiy qiyofalarini, personajning xarakterli belgilarini ochishga yordam bergan. Shu bois ham muallif tili asarda tashkil qiluvchi, boshqaruvchi, adib badiiy niyatini amalga oshiruvchi asosiy vosita hisoblansa, qahramonlar nutqi esa ularning

xarakteridagi muhim belgilarni ko'rsatib, davr hayotini qayta jonlantiruvchi badiiy ko'zgu vazifasini bajaradi. Demak, adib badiiy mahorati badiiy asar tilining ishlanishi bilan bog'liq jihatlarini tahlil qilishda bevosita milliy qadriyatlarni o'zida mujassamlashtirgan xalqona lisoniy birliklarning badiiy matndagi uslubiy-semantik talqinlariga e'tiborni qaratish lozimdir.

Asarda har bir so'z muayyan obraz yaratishga xizmat qilar ekan, xalq tili qahramon xarakteri, qalb dunyosi va tafakkurini oydinlashtiribgina qolmay, balki asarning badiiy qurilishi, ya'ni kompozitsiyasining to'laqonligi va voqealar talqinining davomiyligini ham ta'minlaydi.

“Ikki eshik orasi” romanida inson qalbidagi tuyg'ular fojiasining badiiy tasviri berilgan bo'lib, bu tasvirlar orqali yozuvchi xalq hayotining og'ir damlarini ko'rsatib beradi. Inson qalbidagi tuyg'ular fojiasining badiiy tasvir orqali yozuvchi voqelik talqinidagi dramatismning shakllanishi va kuchaytirilishi uchun zarur bo'lgan uslubiy vositalarni hosil qilgan. Adib o'z qalbidagi inja tuyg'ular tasvirini xalq qarashlari bilan boyitib, o'z kuzatishlari natijasida orttirgan hayotiy tajribalarini badiiy idrok etish orqali olingan xulosalari bilan qo'shib sintez qiladi. Qahramonlar taqdirini badiiy tahlil qilishda foydalanadi. Ba'zan O'tkir Hoshimov bularga ham qanoat qilmay asarda chetdan turib bo'lsa-da, faol aralashib, muallif sifatida nasihatbozlik yoki izohlovchi, tushuntiruvchi avtor-personaj sifatida ham harakatlanadi. Ba'zan esa bevosita asar qahramoni qiyofasiga kirib, uni boshqarishga o'tib oladi.

Yozuvchi asarlarini yaxlit bir badiiy vujud deb tasavvur qiladigan bo'lsak, uning qon tomiridan milliy ruh chashmalari oqib turadi. Bu milliy ruh asarning mazmunidan tortib, qahramon xarakterigacha, ularning o'zaro munosabatlari va xatti-harakatlaridan tortib, adib badiiy niyatini o'zida mujassamlashtirgan yetakchi poetik talqinlarigacha bo'lgan ko'lamda yaqqol ko'zga tashlanib turadi. Yozuvchining o'zi bu borada milliy ruh „Badiiy asarning jonidir“, „Konkret personajning oyog'i esa milliy zaminda turadi“, - deb aytganida ham bir olam mazmun va mohiyatni ifoda etgan. Uning „Dunyoning ishlari“ asaridagi Ona va „Ikki eshik orasi“ dagi Qora amma, Robiya obrazlari milliy qiyofaga ega bo'lgan o'zbek ayolining tipik vakillari timsollari hisoblanadi. Asar markazida urush tufayli, yetmish yillik siyosiy o'yin tufayli juda ko'p azoblarni boshidan kechirgan oddiy ayollarning obrazi turadi. Yozuvchining “Ikki eshik orasi” asaridagi biz tahlilga tortadigan Qora amma obrazining portetini chizar ekan, adib qahramonlar iztiroblari, inson taqdiridagi tuyg'ular fojialari dramatik tasvirining o'ziga xos ko'rinishini hosil qiladi. Adib qahramon qalbidagi og'riqli nuqtani ochiq oshkora qalamga oladiki, o'quvchi hadik va xavotirdan qutulib, mushtipar onaga dardkash bo'lib qoladi. Shu bois, o'zbek folklorining qadimiy janrlaridan biri hisoblangan yig'i-yo'qlovlardan olingan ushbu misralar asardagi dramatik tasvirni kuchaytirishga xizmat qiladi:

*Onasini go'riga tushgan bolam-e,
Onasini dog'da qoldirib ketgan
Kimsanim-e!*

Jon bolam, jonim bolam, – tarzida. Bu tasvirlar o'quvchi vujudini titratib yuboradi. Chunki adib voqea rivoji uchun ishonarli detal sifatida qo'llagan

motamsaro ona obrazining badiiy tasviri endi keyingi voqealarning davomiyligini ta'minlaydi.

Yozuvchining badiiy niyati ona timsolida o'zbekona xarakterni, xalqimizga xos milliy xarakterini ko'rsatuvchi badiiy vositalardan biri bo'lib xizmat qilgan.

Asar qahramoni, avvalo, yozuvchining o'zi. U o'zi yaratgan badiiy obraz, ya'ni qahramonini yuqoriroqdan turib tinimsiz kuzatadi va uning xatti-harakatlarini yosh yozuvchi nigohi bilan boshqarib boradi. Shu sabab ba'zan yosh bola obrazida aslida bu yoshdagi bolalar dunyoqarashiga xos bo'lmagan donishmondona fikrlashlar, kattalarga xos aql-zakovat izlari, borliqqa va hayotiy voqelikka faylasufona baho berish holari ham borligi sezilib qoladi. Hayotga bolalarcha nigoh bilan boqayotgan qahramon dunyoqarashidagi bunday tasavvurlarning kuchayishi aslida o'z personajlarining chetdan turib kuzatayotgan yozuvchining voqealar kechimining muayyan bir nuqtalarida beixtiyor qahramonga aylanib olganligi yoki o'z qahramoni yoniga tushib, uning badiiy hayoti bilan birga yashay boshlaganligi bilan bog'liqdir. Lekin adib bu badiiy usulni ham muayyan badiiy mezonlar ko'lamida qo'llaydi, me'yoridan oshirmaydi.

Yozuvchi uzoq davrlik voqealarni, ko'plab insoniy taqdirnlarni bosh qahramonning bir necha soatlik kechinmalari ichiga jo etadi. Shunisi ham xarakterliki, muallif voqealarga bevosita aralashmaydi, muxtasargina so'z boshidan keyin u bevosita ko'rinmaydi, so'z,ixtiyor butunasiga qahramonlarning o'zlariga beriladi. Qahramonlar esa o'z boshlaridan o'tganlarini o'zlari so'zlashga kirishadilar.

Shu paytga qadar bizda asar voqealarini qahramon tilidan hikoya qilish usuli bor edi. Bunda voqea ko'proq bir, goho ikki personaj tili, nigohi orqali berilar, ba'zan bir necha personaj boshidan o'tganlarini hikoya qilib berar edi va personajlar tilidan hikoya qilingan asarlarda har bir personaj sarguzashti ko'pincha mustaqil, tugal hikoya yoki qissa shaklini olar edi. "Ikki eshik orasida" esa, o'zgacha manzaraga duch kelamiz. Bir-ikki epizodni mustasno qilganda unda alohida mustaqil, tugal sarguzasht yo'q, asarda bir necha sarguzashtlar yondosh holda bir-biriga tutashgan, chirmashgan holda beriladi. O'nga yaqin har xil tabiatli, har xil yoshdagi personaj, buning ustiga ular umr pog'onasining turli bosqichlarida turib sarguzashtlarini hikoya qiladilar. Ko'p o'rinda bir hodisa ikki yoki bir personaj nuqtai nazaridan hikoya qilinadi, baholanadi. Masalan: „Ikki eshik orasi“ romani voqealarining bir uchi 30-yillarning boshlariga, qishloqdagi kolxozlashtirish davri voqealarigiga borib tutasha, ikkinchi uchi 70-yillarning oxiriga kelib taqaladi. Shunday bo'lsa-da, romanning markazida fashizmga qarshi olib borilgan urush davri, urush yillaridagi o'zbek qishlog'i hayoti, urush va inson, urushning kishilar taqdiriga ko'rsatgan chuqur ta'siri ular qismatida, zurriyotida, dilida qoldirgan jarohatlari muammosi turadi. O'sha sinov kezlarida faqat o'z jonini, manfaatini o'ylab, munofiqlik, xiyonat ko'chasiga kirgan ayrim kimsalar qilmishini qahr-g'azab bilan qoralaydi, ma'naviy inqirozini, fojiasini ochadi. Qahramonlar qismati vositasida yozuvchi yashashning ma'nosi, insonning insonlik sha'ni, burchi,mas'uliyati, e'tiqodi masalalarini ko'taradi, kitobxonni ular haqida o'ylashga, bahsga chorlaydi. Qanday yashash va yashamaslik kerak, degan savolga asarning yetakchi falsafasi darajasiga ko'tariladi. Bu o'git personajlardan biri- Orif oqsoqol tomonidan berilgan ikki eshik orasi to'g'risidagi xalqona hikmatda

o‘z yakunini topgan. U deydi: “Bir xil odamlar bor: u eshikdan kirib, bu eshikdan chiqib ketayotganida qo‘lidan kelganicha yaxshilik qiladi. Hayot degan imoratga bitta g‘isht qo‘yib ketadi. Yana bir xillar bor: o‘sha imoratdan aqalli bitta g‘isht o‘g‘irlab ketgisi keladi. O‘g‘irlab-ku, hech qayoqqa borolmaydi, narigi eshik oldiga borganda baribir tashlab ketadi. Ikki orada imoratni buzgani qoladi...” Binobarin, bu roman boshdan-oyoq urushning achchiq saboqlari orqali odamlarni hushyorlikka chorlovchi, umuman urushga qarshi qaratilgan asardir. Romanning muhim ijtimoiy, umuminsoniy, zamonaviy qimmat ham ana shunda.

Xulosa qilib aytganda, “Ikki eshik orasi” romanida ijodkorning badiiy o‘ziga xosligi qahramon tanlashida, qahramonning dunyoqarashida, millat kishisining yashash tarzi va orzu-armonlarini ko‘rinishini kuzatish mumkin. Shu bilan birga, inson tabiatiga singib ketgan milliy qiyofiga ham namayon bo‘ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Karimov I.A. Ilm-u fan mamlakatimiz taraqqiyotiga hizmat qilsin. Asarlar to‘plami. 2-jild. –T.: O‘zbekiston, 1996. –151-b.
2. Abdug‘affor Murodixon. Iste’dod jozibasini. –T.: Fan, 1992. –130 b.
3. Adabiyot ko‘zguisi. Ilmiy to‘plam. 1996. –T.: Adabiyot va san’at, 1996. –181-b.
4. Normatov U. Yetuklik. –T.: Adabiyot va san’at, 1982. –362 b.
5. Normatov U. Yillar, yo‘llar, taqdirlar. “Ikki eshik orasi” romanining 6-nashriga so‘nggi so‘z. –T.: Fan, 1996. –315 bet.
6. G‘afurov I. Parvoz va dalari // “Bir tomchi shudring” to‘plamiga so‘z boshi. –T.: 1970. –B. 3-5
7. Sharafiddinov O. O‘tkir Hoshimov. Adabiy portret. 20-asr o‘zbek adabiyoti tarixi darsligi. –T.: Fan, 1999. –160 b.
8. Rasulov A. Yangi zamon yangi qahramon. –T.: adabiyot va san’at, 1978. –136 b. Tanlangan asarlar. Hoshimov O‘. –T.: 1996. –324 b.

ЭРКИН ВОХИДОВНИНГ “ЎЗБЕГИМ” ҚАСИДАСИДА МАЗМУН ВА БАДИИЙ САНЪАТЛАР УЙҒУНЛИГИ

*Кирйигитова Нигора Зубайдулла қизи,
ЖДПИ стажёр-ўқитувчи*

Қасида арабча сўздан олинган бўлиб, мақсад, ният деган маънони билдиради. “Алишер Навоий сатрлари ” қомусий луғатида таърифланишича, “бирор тарихий шахс ёки воқеага бағишланиб ёзилган шеър тури. Қасида ҳажмат 12 байтдан бир неча юз байтгача бўлиши мумкин. Ғазал сингари а-а, б-а, в-а, г-а тарзида, айрим ҳолларда маснавий сингари қофияланади. Қасидалар мавзусига кўра васф, мадҳ, ҳажв, марсия, муножот ва фалсафий каби турларга бўлинади” [1; 192].

Э.Воҳидов ўз ижоди билан қасидачиликда янги ўзгаришга йўл қўйди. Шоир ижодидан олдин ўзбек адабиётида бир миллат ёки инсониятга аталган мазмунан мадҳ ва фалсафий қасидачиликни бирлаштирган асар яратилмаган

эди. Бу пайтда ёш шоирнинг ўз миллатига атаб қасида битиши ўз даврида, анчагина ҳавфли эди. Бироқ қасидада шунчалик кучли драматик пафос - фахру ифтихор борки, унинг муаллифи бўлган ёш шоир қалбида кўрқув-тахлика эмас, фахру ғурур туйғулари жўш урган дейишимиз мумкин. Бундай ифтихор матлаъданоқ намоён бўлади:

*Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру, оқсоч Тиёншон ўзбегим [2.43].*

Шоир миллати тарихи ҳақида сўз очиб, минг асрлар ичра пинҳонлиги айтмоқда. Дарҳақиқат, ўзбек миллати тарихининг, бошқа кўп миллатлар каби анчагина жумбоқли томонлари бор. Эркин Воҳидов миллат тарихини ҳақли равишда Помир ва Тянь-Шан тоғлари билан бир қаторга қўяди. Қасида матлаъсини ўзиёқ, гарчи бу фикр муболаға санъати асосида шаклланган бўлса-да, ёш шоирнинг миллат тарихи борасида анчагина маълумотга эга эканлигини билдиради.

Иккинчи байтда шоир ўз фикрини исботлашга киришиб, тарихий факртларга мурожаат қилади:

*Сўзласин Афросиёбу, сўзласин Ўрхун хати,
Кўҳна тарих шодасида битта маржон ўзбегим [2.43].*

Афросиёб - Самарқанд яқинида топилган қадимги обида бўлиб, унда деворга нақшланган суратлар топилган. Ўрхун хати эса, маълумки, Турк хоқонлиги хоқонлари ва халқи тарихидан ҳикоя қилади. Демак, ташхис санъатидан фойдаланган эркин Воҳидов халқимиз тарихини кўчманчи туркийлар ва ўтроқ сўғдийларга ҳақли равишда боғламоқда.

*Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Ал-Фароб авлодидан,
Асли насли балки Ўзлуқ, балки Тархон ўзбегим [2.43].*

Талмеҳ санъатига мурожаат қилган шоир “тарихда ҳамма саводсиз бўлган” қабалидаги шўролар ҳукми устивор бўлган бир пайтда юқорида номи келтирилган аждодларимиздан ворислик руҳи билан ҳақли равишда фахрланади.

Бироқ барибир замонга қараб иш юритмаслик ҳам мумкин эмас эди. Шоир навбатдаги байтда миллат тарихининг қора кунларидан сўз юритади:

*Ўтдилар шўрлик бошингдан ўйнатиб шамширларин,
Неча қоон, неча султон, неча минг хон, ўзбегим [2.43].*

Шу ўринда кўз олдимизга янги тарих, хонликлар даврини тасвирлаган “Ўткан кунлар”даги ушбу тасвирлар келса, не ажаб: “Бу кун тонгдан бошлаб, Тошканднинг Самарқанд дарбозаси томонидан бўлган кўқонлиларнинг ҳужумлари ўзлари учун сўнг даражада ҳалокат билан тугалган. Кўқон сипоҳлари эндиги ҳужумгача шикастрехтларини тузатиш, яраларини боғлаш, дамларини олиш учун кўрғон ёнидан қаёққадир, кўшларига кетканлар. Қарамоққагина эмас, сўзлашқа ҳам даҳшат: Камолон дарбозаси билан Самарқандгача бўлган кўрғон остлари (бу икки дарбоза оралари беш юз адим келадир) бошсиз ва иштондан бошқаси туналган инсон гавдалари билан тўлибдир. [3]

Навбатдаги байт босқинчилар ҳақида:

*Ёзди тўрт ёндин асрлар тошинга тийри камон,
Умри қурбон, мулки талон, юрти вайрон ўзбегим(44-б).*

Муболаға санъатидан унумли фойдаланган шоир ўқувчи кўз ўнгига шу биргина байт билан ўзаро қирғин-баротлар этмагандай, келган босқинчиларни форс, юнон, мўғул босқинларини келтиради.

Навбатдаги байтда эса босқинчиларга қарши курашган юртпарварлар мадҳ этилади:

*Давр зулмига ва лекин бир умр бош эгмадинг,
Сен Муқанна, сарбадор - сен, эрксевар қон - ўзбегим! [2.43].*

Айта олиш мумкинки ушбу қасида – битта шеър ёзиш учун шоир қанча тарихий билимга эга бўлган. Ва битта шеърда миллатнинг минг йилдан зиёд ўтмиши кўз ўнгимизда китоб саҳифалари ёки кино ленталаридек жонли тарзда тасвирланмоқда.

Эътибор берадиган бўлсак, қасидада халқ тарихи ҳақида сўз юритилганда тўлқин тизими асосида сўз бормоқда. Яъни, шеър байтлари аро қора ва оқ кунлар, яхши ва ёмон замонлар, қувонч ва қайғу алмашилиб келмоқда:

*Туздию Мирзо Улуғбек Кўрагоний жадвалин,
Сирли осмон тоқиға илк қўйди нарвон ўзбегим [2.43].*

Дарҳақиқат, Мирзо Улуғбекнинг Кўрагоний жадвали нафақат ўз даври, балки кейинги асрлар учун ҳам аҳамиятли бўлган кашфиётлардан эди. Али Қушчи билан Истанбулга олиб борилган бу жадвал Европа астрономияси ривожига ҳам катта туртки бўлди. Байтда талмеҳ билан биргаликда *сирли осмон тоқиға нарвон қўйишлик* ҳолати воситасида икки бор истиора санъатига мурожаат қилинмоқда. Навбатдаги байтда Э.Воҳидов Навоий шахсияти билан фахрланади:

*Мир Алишер наърасиға акс садо берди жаҳон,
Шеърят мулкида бўлди шоҳу султон ўзбегим [2.43].*

Байтдаги Мир Алишер наъраси бирикмаси кўчма маънода бўлиб, “шер наъраси” бирикмасига эътибор берган ҳолда қўлланилмоқда. Навоий хизмати билан туркий тилнинг мавқейининг кўтарилиши, унинг шеърятти ортидан бутун бошли мактаб, Фитрат таъбири билан айтганда, Навоий мактаби шаклланганлигини назарда тутилмоқда.

*Тарихинг битмакка халқим мингта Фирдавсий керак,
Чунки бир бор чеккан оҳинг мингта достон, ўзбегим! [2.43].*

Шонли-шукуҳли кунларидан фахрланган шоир ўзбекнинг қайғули кунларидан оҳ тортади. Шеър пафоси унинг тўлқинсимон услубига мос тарзда кўтарилиб, тушиб туради. Талмеҳ санъатига мурожаат этган ҳолда улуғ тарихчи Фирдавсий ва унинг ўлмас асари “Шоҳнома”ни эслаган ушбу байт билан қасиданинг тарихга мурожаат қилинган қисми, яъни шартли равишда айтадиган бўлсак, биринчи қисми яқунланади.

Иккинчи қисм тўлиқ бугунги кун билан фахрланиш, соф ифтихор туйғуларига бағишланган.

*Ортада қолди кўҳна тарих, отда қолди дард, ситам,
Кетди ваҳминг, битди заҳминг, тонди дармон, ўзбегим (45-б).*

Шоир ўз яшаган даврини улуғлар экан, ваҳминг, захминг сўзлари орқали ички қофияга мурожаат этиб, байт бадий кувватини оширади. Шу ўринда айтиш жоизки, совет даврини улуғлади, деб бизнинг шоирдан ранжишга ҳаққимиз йўқ. Сабаби, у ўз даврининг фарзанди, ўз замонасини энг яхши давр дея тарбияланган авлод вакили эди.

Юқоридаги байтни ўтмиш ва бугун таърифи орасидаги кўприк байт дейиш мумкин. Навбатдаги байт эса бугунги куннинг, аниқроқ айтганда шеърда таърифланган лирик “бугун”нинг таърифи.

Бўлди осмонинг чароғон толе хуршеди билан,

Бўлди асрий тийра шоминг шуълаафшон ўзбегим [2.43].

Байтда чароғон, хуршид, шуълаафшон ҳамда осмон ва хуршид сўзлари орқали икки ўринда таносуб, бўлди сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-садр илал ибтидо турларига мурожаат этилган.

Навбатдаги байтдан бошлаб қасиданинг тўлиқ фахрия қисми бошланади:

Мен Ватанни боғ деб айтсам, сенсан унда битта гул,

Мен Ватанни кўз деб айтсам, битта мужгон ўзбегим [2.43].

Биз бу ўринда Ватанни бутун олам маъносида тушундик. Шу нуқтаи назардан қараганда, бутун олам боғ бўлса, унга ўзбекнинг бир гул эканлиги, агар у кўз бўлса, бир киприк эканлиги, яъни тенглар ичра тенг эканлиги англашалади бу байтда. Балки, шунинг учундир ҳар икки байтдаги ҳар бир сўз бир-бири билан мувозий, яъни тенг бўғинли. Кўриб чиқамиз: мен-мен, Ватанни-Ватанни, боғ-кўз, деб-деб, айтсам-айтсам, сенсан-битта, унда-мужгон, битта гул-ўзбегим. Байтда шу тахлит мувозана санъатининг гўзал намунаси яратилган.

Фахр этарман она халқим кўкрагимни тоғ қилиб,

Кўкрагида тоғ кўтарган танти деҳқон ўзбегим [2.43].

Навбатдаги байтда кўкрагим ва тоғ сўзлари ёрдамида тақрир санъати яратилмоқда. Бу байтда ҳам қизиқ ҳолатни кўришимиз мумкин. Яъни, биринчи сатрда шоир танти деҳқон халқидан фахр этиб, кўкрагини тоғ қилади, яъни ғурурланади. Иккинчи сатрда эса бу ғурурланишнинг сабаби халқнинг кўкрагида тоғ-тоғ хирмонни кўтара оладиган танти деҳқон эканлиги айтилади. Байтда *кўкрагида тоғ кўтарган* бирикмаси ёрдамида халқимизнинг саховати, мардлик-шижоати муболаға санъатига мурожаат этилган ҳолда ифодаланмоқда.

Мен буюк юрт ўғлидирман, мен башар фарзандиман,

Лекин аввал сенга бўлсам содиқ ўғлон ўзбегим [2.43].

Ушбу байтни қасиданинг энг гўзал, шоҳбайтларидан дейиш мумкин. Инсон бутун олам ўғлони, башарият фарзанди бўлиши мумкин, лекин аввало унинг яхшилиги ўз элатига, элига, юртига кўрсатган каромати, теккан фойдаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам шоир халқига қарата “аввал сенга бўлсам содиқ ўғлон” деб мурожаат этади.

Байтда ўғил, ўғлон ва фарзанд сўзлари орқали таносуб, муболаға ва мен сўзининг такроридан тақрир санъатлари яратилган.

Менга Пушкин бир жаҳону, менга Байрон бир жаҳон,

Лек Навоийдек бобом бор, кўксим осмон, ўзбегим [2.43].

Эътибор берадиган бўлсак, Э.Воҳидов қасиданинг тарих ҳақидаги биринчи қисмида тилга олганди. Ўша байтда ҳам фахру ифтихор ва улуғлаш туйғулари бор эди. Шоирнинг яна такрор Навоийга юзланишининг сабаби, уни нафақат ўтмишда, балки бугунги кунда ҳам фахрланишга арзигулик шахс ва ижодкор деб билганлигидадир. Байтда Пушкин, Байрон, Навоий сўзлари орқали талмех, бир жаҳон бирикмаси такроридан эса такрир санъатлари яратилган.

Қайга бормай, бошда дўппим, гоз юрарман фахр этиб,

Олам узра донги кетган Ўзбекистон, ўзбегим [2.43].

Байтда Ўзбекистон ва ўзбегим сўзларининг таносуби орқали Ўзбекистон юрти деганда унинг фидойи халқи ўзбеклар, ўзбек даганда эса унинг жонажон Ватани Ўзбекистон тушунилиши, бу икки тушунчани худди эт билан тирнокдай бир-биридан ажратиб бўлмаслиги назарда тутилмоқда. Одатда, қасида ёзган шоир шеър охирида қасида бағашланувчи объект билан ўзини қандайдир тарзда боғлайди. Ушбу анъанага риоя қилган шоир мақтаъда она халқига қасидани қабул қилишини сўрайди:

Бу қасидам сенга халқим оқ суту туз ҳурмати,

Эркин ўглингман қабул эт, ўзбегим, жон ўзбегим [2.43].

Матаъдаги жон ўзбегим бирикмаси орқали шоир учун миллат жон қадар суюкли эканлиги англашилмоқда. Ўзбегим сўзи орқали пайдо бўлган такрир санъати орқали шоир лирик “мен”идаги қатъият аксланган.

Умуман, ушбу қасидасида шоир ўз бадий ниятини намойиш этиш учун муболаға, талмех, таносуб санъатларидан фойдаланган. Такрир санъати асосий санъат тури саналиб, у шоирнинг лирик “мен”идаги қатъият, фахру ифтихор, шижоат туйғуларини намойиш этиш учун хизмат қилган.

Ушбу асар билан Э.Воҳидов ўзбек қасидачилигини бир поғона юқорига кўтарди, десак янглишмаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2016. 2-жилд. –Б.192.
2. Воҳидов Э. Инсон. –Т.: 2018.
3. Қодирий Абдулла. Ўткан кунлар (роман). www.ziyouz.com кутубхонаси.

БАДИЙ МАТНДА ПРАГМАТИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШ ТУРЛАРИ

*Махмуджонова Фариза Жамшедовна,
СамДЧТИ магистранти*

Абдимурод Кўчибоев бадий матн прагматикасига бағишланган асарида қатор манбаларга таянган ҳолда гапирувчи шахсининг(муаллифнинг) объектга йўналтирилган прагматик муносабатлари нутқда ва матнда аниқ жавоб беришдан қочиш усуллари санаб ўтади: 1) сўзловчи нутқининг аниқ ва яширин мақсадларини; 2)сўзловчининг нутқий тактикасини ва нутқий феъл атвори

турларини; 3) суҳбатлашув жараёнидаги ўзаро ҳамкорлик қилиш қоидаларига риоя қилиш даражасини; 4) сўзловчи билдирган фикрнинг прагматик маъносини (бевосита ифодаланган имплицит фикрдаги шама, кесатик, қочиримларни); 5) гапирувчи шахснинг референциясини; 6) прагматик пресуппозициясини; 7) гапирувчи шахснинг ўзи узатаётган ахборотга муносабатини ифодалаб келади. Гапирувчи (муаллиф) нутқига боғлиқ ҳолда тингловчининг: 1) нутқдан бевосита ёки яширин ифодаланган фикрни англаш қоидалари; 2) узатилган фикрнинг тингловчига таъсир даражаси: эмоционал ҳолатининг ўзгариши, ахборотни баҳолаши, унга ижобий, салбий муносабати, уларнинг жавоб нутқий актида ифодаланиши; 3) жавоб нутқий актида ифодаланувчи рағбатнинг бевосита ёки билвосита ифодаланиши, масалан [3, 47]. В.Н. Комиссаровнинг таъкидлашича, нутқий мулоқотда прагматик муносабатларнинг учта тури иштирок этади. Булар биринчидан, ахборотнинг манбаи (ахборот узатувчи, гапирувчи ёки ёзувчи) орқали ифодалаётган прагматик муносабатлар бўлиб, бундай прагматик муносабат ахборот узатувчининг нияти ва мақсадини, узатилаётган ахборотга шахсий муносабати ва рецепторга нисбатан режалаштирилган таъсирни ўз ичига олади. Прагматик муносабатларнинг иккинчи тури лисоний бирлик ифодалаётган прагматик маънони қамраб олган матнда (фикр, жумла) ўз ифодасини топади. Учинчи тур прагматик муносабат ахборотни қабул қилувчи шахснинг (рецептор, тингловчи, китобхон)матн орқали англаган ахборотга прагматик муносабатидир. Унинг бундай муносабатида ахборотни идрок қилиш жараёни, бу ахборотга ёки унинг узатувчисига муносабати ўз аксини топади [2, 226]. Оғзаки ёки ёзма нутқда вокеланадиган ўзаро фикр алмашув ҳар доим қандайдир мақсадда уюштирилади ва бу жараёнда қандайдир янгилик баён қилинади ёки қабул қилинади, қандайдир тадбир ўтказишни, ўзаро фикр алмашишни ёки оддийгина вақтни ёқимли ўтказишни, нарса ва ҳодисаларга, суҳбатдош фикрига, шахсига муносабат билдириш мақсад қилиб қўйилади. Бундай мақсадни амалга оширилиши суҳбатдошлар томонидан ўз нутқларида лисоний воситалардан унумли ва таъсирли қўллаш, бу орқали суҳбатдошга ўз фикрини ўқтириш, тасдиқлатиш, қизиқтиришга доир муайян нутқий ва муомила қоидаларини шаклланишига олиб келади. Улардан энг муҳимлари қуйидагилардир: 1) мулоқот жараёнида ўзаро ҳамкорлик қоидасига риоя қилиш; 2) дискурсни ташкил қилиш қоидасига риоя қилиш; 3) ахборот алмашув қоидасига риоя қилиш; 4) мулоқотда коммуникантларнинг статус (мақом) ролларини ҳисобга олиш қоидаси. Мулоқотда коммуникантларнинг ижтимоий статусини ҳисобга олиш прагматиканинг хушмуомилалик категориясида ўз аксини топади ва у коммуникантлар орасидаги иеархик ва ноиеархик муносабатларни ифодалайди. Бундай муносабатлар турли ҳалқларда турлича лисоний воситалар орқали ифодаланиши мумкин. Масалан, инглизлар ўз бошлиқларини сэр, немислар геер, французлар monsieur, руслар шеф, ўзбеклар хўжайин, раис бобо, катта, каттакон каби лисоний воситалар орқали ифодалайдилар. Бундай муносабат Ғарбий Европа мамлакатларида шаклланган лорд, граф, графиня, баронесса, виконт, виконтесса сингари авлоддан - авлодга ўтувчи атамаларда ўз

ифодасини топади. Шунингдек, бундай фарқлар хотин-қизларга ҳурмат билан муносабат билдирувчи бирликларда ҳам кузатилади. Масалан, шахснинг социал мавқеси инглизларда леди, французларда мадам, ўзбекларда бегойим, отин каби атамалар орқали ифодаланади. Бундай иреархия ёшга, жинсга, турмуш ва хизмат доирасидаги мавқега ҳам доир бўлиши мумкин. Ноиерархик муносабатлар эса қон-қардошликни, ўзаро яқинликни, ифодаловчи сўзларда кузатилади. Масалан, тоға, хола амма, амаки сўзлари бир пайтнинг ўзида қариндошликни ва бегона кишига хушмуомилалик мурожаат шаклида қўлланилиши мумкин. Азизим, қадрдоним, жонгинам, меҳрибоним каби сўзлар эса, ўзаро яқинликни ифодаловчи ноиерархик муносабатларни билдиради. Бундай муносабатларда сўзловчининг киноя, пичинг, менсинмаслик муносабатлари ҳам ўз ифодасини топади. Муносабатларнинг хушмуомалалик категориясида одоб-ахлоқ, ўзини тутиш, мулозаматлилик, камтарлик, ширин сўзлик сингари қоидаларга риоя қилинади. Кўриб ўтилган юқоридаги қоида ва тамойилларнинг ҳаммаси бадий матнда ва оғзаки нутқда суҳбатдошлар турлича нутқ актларидан, пропозициялардан фойдаланишини кўрсатиб, мулоқт контекстини ҳосил қилади ва прагматик мазмун ва ҳаракатларни ифодалайди. Бундан ташқари, шундай тузилмалар мавжудки, уларнинг прагматик мазмуни доимий, қарийб барча шароитларда бир хил иллокутив кучга эга бўлади ва одатда, бундай тузилмалар таркибида иллокутив феъллар қўлланилади. Нутқий акт назариясида бундай тузилмалар «аниқ перформативлар» деб аталади. Перформативларнинг грамматик тузилиши ҳам ўзига хосдир. Бундай гапларда феъл одатда, биринчи шахс ҳозирги замон шаклида ва ушбу феълнинг биринчи актанти дейктик олмошнинг биринчи шахс бирлиги, иккинчи актанти эса, дейктик олмошнинг иккинчи шахс бирлик ёки кўплиги воситасида ифодаланади. Ушбу қолипда тузилган перформатив намунавий тузилма бўлиб, унинг тўлиқ кўринишда қўлланиши кам учрайдиган ҳолдир. Ўзбек ва рус тиллари грамматик тизими перформатив тузилмаларининг иккала актантини ҳам тушириб қолдириш имкониятини беради: «Прошу не расходиться - Тарқалмасликларингизни сўрайман», Клянусь, что это правда,- Қасам ичаманки, бу ҳақиқат.. Бундан ташқари учинчи актанти, яъни пропозиция ҳам тушиб қолиши мумкин: «Раҳмат», «Табриклаيمان», «Талаб қиламан», «Огоҳлантираман». Нутқ актларига доир тадқиқотлардаги учинчи йўналишда коммуникантлар томонидан нутқий тизилмада қўлланилган фон билимлар ва уларнинг даражаси, прагматик мақсадни амалга оширишдаги таъсири ўрганилади. Прагматикада нутқий актлардаги прагматик мақсад, ҳаракат ва муносабатларни таснифий гуруҳларга ажратиб ҳам ўрганилади. Масалан, Ж.Остин [5] нутқ актларидаги прагматик мақсад, ҳаракат ва муносабатни ифодаловчи лисоний бирликларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишни таклиф қилади: 1.Вердикативлар – ҳукм чиқаришга оид прагматик мақсад, ҳаракат ва муносабатларни ифодаловчи нутқий актлар: Сени айбдор деб ҳисоблайман; Жарима тўлайсан; Огоҳлантираман. 2.Экзерситивлар – буйруқ бериш, мажбур қилиш, маслаҳат бериш, огоҳлантириш мақсадидаги нутқий актлар: «Яхшиси телефон қилма»; «Сени лавозимингдан бўшатаман»; «Чиқиб

кет!»; «Мунофиқдан эҳтиёт бўл!». 3. Комиссивлар-ваъда бериш, мажбурият олишга оид нутқий актлар: «Эртага келишга ваъда бераман»; «Режани албатта бажараман»; «Бурчимни бажаришга қасамёд қиламан»; «Жаримани тўлаш кафолатини бераман»; «Фикрингизни қўллаб қувватлайман!» 4. Беҳабитивлар – жамоада ўзини тутиш, бирор кишига муносабат билдиришга доир нутқий актлар: «Ёрдаминг учун раҳмат»; «Саломат бўлинг!»; «Хафа бўлманг!»; «Ой бориб, омон кел!». 5. Экспозитивлар -ўз фикрини изоҳлашга, тасдиқлашга, тушунтиришга доир нутқий актлар: «Касал эканлигингга гумоним бор»; «Касал бўлишим мумкин»; Қарздорлигингни эслатмоқчиман». Бу тасниф аниқ тамойилларга асосланмаганлиги туфайли тадқиқотчилар томонидан кўп бора танқидга учради. Бошқа бир прагмалингвист олим - Ж. Серль [8] нутқ актлардаги прагматик ҳаракатни беш гуруҳга ажратади ва улар юқоридаги таснифдан анча фарқ қилади: 1. Ассертивлар- ахборотнинг ростлигини ишонтиришни ифодаловчи, тасдиқловчи нутқий актлар: «Мақолани ёзиб тугатдим»; «Поезд соат 10 да жўнайди»; «Жамшид-талаба». 2. Директивлар – буйруқ, савол, илтимос, огоҳлантиришга доир муносабатларни, тингловчини жавоб фаолиятга ундовчи нутқий актлар. 3. Комиссивлар (Ж.Остин ажратган гуруҳга мос келади) 4. Декларативлар – эълон қилишга оид нутқий актлар: «Йиғилишни ёпиқ деб эълон қиламан»; «Сизларни эр-хотин деб эълон қиламан». 5. Декларативлар-табрик, таъзия билдиришга доир муносабатларни ифодаловчи нутқий актлар. Ушбу тасниф ҳам профессор Ш.С.Сафаровнинг фикрича, айрим камчиликлардан холи эмас, аммо у нутқий ҳаракатларнинг асосий хусусиятларини умумлаштириш ва истикболда тасниф меъёрларини янада кенгайтириш, гуруҳларни конкретлаштириш ва тизимлаштириш имкониятини беради. (7, 84 б.) Ш.С.Сафаров ўз тадқиқотида худди шундай кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган тасниф К.Алланга тегишли эканлигини таъкидлайди. У нутқий актларни икки асосий синфини, яъни шахслараро ҳаракатлар ва декларатив ҳаракатларга бўлиб ўрганишни таклиф қилади. У биринчи гуруҳга констатив (тасдиқ, дарак бериш), предикатив (тахмин, башорат қилиш), комиссив (ваъда, таклиф қилмоқ), акнолежмент (табрик қилмоқ, такаллуф, эҳтиром кабилар), директив (илтимос, савол, буйруқ, таъқиб кабилар), авторитативлар (ижозат бермоқ, маслаҳат бермоқ) гуруҳларини киритади. Иккинчи гуруҳга, яъни декларатив ҳаракатларга эффектив (чўқинтириш, уйлантириш, лавозимга тайинлаш,)ва вердиктив (хукм чиқариш) нутқий ҳаркатларни киритади [7, 85]. Тадқиқотчилардан бир гуруҳи ўз таснифларида феъл предикатларининг маъновий хусусиятларига асосландилар. Улар феълларни у ёки бу турдаги иллокутив мақсадни ифодалаш хусусиятларига нисбатан гуруҳларга ажратдилар ва бу гуруҳларни махсус изоҳлашга ҳаракат қилдилар. Ўзбек тилидаги нутқ актларидаги нутқий даъват, хукм феъллари, сукут феъллари, талаффуз феъллари, ифодалов феъллари ҳақида гапириладик, уларнинг нутқ актларидаги иштирокини бошқа тиллар қийслаб ўрганиш, шубҳасиз қизиқарли натижаларга олиб келади. «Прагмалингвистика» китобининг муаллифи Ж.Лия нутқий актлар гуруҳларини ажратишда социоллингвистик кўрсаткичларга таяниб, уларни мулоқот

жараёнида «хушмуомалаликни таъминловчи ва шу муҳитни ўрганиш мақсади билан боғлиқлигига кўра: 1) компититив (буйруқ, савол, талаб, илтимос муносабатларни ифодаловчи нутқ ҳаракатлари); 2) конвивиал – (таклиф, қутлов, табрик, ташаккур изҳори) нутқ актлари; 3) коллаборатив тасдиқ (хабар бериш, эълон қилиш, маълумот бериш каби) 35 нутқий актлар: 4) конфликтив – (тахдид, айблов, сўқиш, қарғиш) каби муносабатларни ифодаловчи нутқий актларига бўлади. Бундан ташқари, нутқий ҳаракат бирликларини структуравий тузилишига кўра ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин. Структуравий хусусиятлардаги фарқларга кўра содда ва кўшма (мураккаб) нутқий ҳаракатлар ажратилади. Содда нутқий ҳаракат нутқий фаолиятнинг энг кичик бирлигидир. Кўшма нутқий акт эса, содда ҳаракатларнинг бирлашишидан ҳосил бўлади. Қисмлар орасидаги тенглик, эргашганлик муносабатлари бўлган кўшма нутқий ҳаракатлар мантиқий ва коммуникатив яхлитликни ташкил қиладилар ва сўзловчи томонидан яхлит бирлик сифатида қўлланилади . Шундай қилиб, нутқий фаолиятнинг умумий фаолият назарияси нуқтаи назардан талқин қилиниши ва шу тарзда нутқий актлар таснифий тамойилларининг ажратилиши матн прагматикасининг тизимий хусусиятга эга эканлигини ва уни яхлит тизим сифатида ўрганиш имкониятларини яратади. Бинобарин, нутқий фаолиятнинг умумий фаолият назарияси нуқтаи назардан прагматик мақсад, ҳаракат, муносабат нуқтаи назардан талқин қилиниши ва нутқий актлар таснифий тамойилларига ажратилиши матн прагматикасининг тизимли хусусиятга эга эканлигини ва уни яхлит тизим сифатида ўрганиш имкониятларини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Богданов В.В Лингвистическая прагматика и ее прикладные аспекты..В. Бондарко, Л.А. Вербицкая и др. Прикладное языкознание. –СПб.: Изд-во С-Петербург. ун-та, 1996. –с.268-275).
2. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение М.: ЭТС, 2004. - 424
3. Кўчибоев А. Матн прагматикаси. Ўқув-услубий қўлланма. Самарқанд,СамДЧТИ нашри, 2015. – с. 123.
4. Лингвистический энциклопедический словарь. –М.: Советская энциклопедия, 1990. –709 с.
5. Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII: Теория речевых актов. –М., 1986.
6. Падучева Е.В. Высказывание и его соотнесенность с действительностью. – М.:1985. –36 с.
7. Сафаров Ш.С.Прагмалингвистика. –Т.: 2008. –285 б.
8. Серль ДЖ. Что такое речевой акт? В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вы п. 17. –М.: Прогресс, 1986. –С.151-169.

МА'RFIY ROMANCHILK TARAQQIYOTI HAQIDA MULOHAZALAR

*Faxritdinova Dilfuza Sayfitdin qizi,
SamDU mustaqil tadqiqotchisi*

O'zbek adabiyotshunosligi va romanchilik taraqqiyotiga katta hissa qo'shgan iste'dodli ijodkorlardan biri Naim Karimovdir. Yozuvchining turli janrdagi asarlari bilan bir qatorda ma'rifiy romanlari o'zbek adabiyotining yirik ijodkorlari hayoti va ijodini o'zida mujassamlashtirgani bilan alohida ajralib turadi.

Jamiyatdagi o'zgarishlar badiiy adabiyotga ham o'z ta'siri ko'rsatdi. Adabiyot turfa xil ohanglarda shakllandi va yuksalib bormoqda. Shu jihatdan mavzu turfa xil shakl va xarakterga ega bo'lgan o'zbek romanchiligi tarkibida ma'rifiy roman tushunchasi maydonga keldi. Bu mavzuning shakllanishi va taraqqiyotida Naim Karimovning roli beqiyosdir. Adabiyotshunoslik bilan bir qatorda badiiy ijod bilan doimiy shug'ullanib kelayotgan adib bir qator badiiy asarlarni maydonga keltirdi. Bularga "Hamid Olimjon", "Cho'lpon", "Maqsud Shayxzoda", "Mirtemir" kabi asarlarni keltirish mumkin.

Yozuvchining bu asarlari o'zbek adabiyotining yirik darg'alaridan bo'lgan ijodkorlarning hayoti, ijodi, o'z davrining shiddatli voqealari zamirida, ularning badiiy siymosini yaratganligini ko'ramiz. Bu obrazlarda mujassamlashgan yetuk iste'dod bilan bir qatorda, ularning o'z davri voqealari silsilasida badiylashtirish jarayonida ruhiy-ma'naviy dunyoqarashini va ijodning murakkab qirralarini badiiy talqin etgan.

Ma'lumki, o'z navbatida har bir jamiyat o'z muammosini yuzaga keltiradi, shunga muvofiq insoniyatning hayotga bo'lgan munosabati ham har bir davrda turfa xil o'zgarishlarga uchraydi. Yetmish yil davomida o'z tili va dinidan, milliy qadriyatlaridan uzoqlasha boshlagan bir vaqtda, mustaqillikning qo'lga kiritilishi hayot va jamiyatdagi o'zgarishlarga jiddiy munosabat bildirish tuyg'usini uyg'otdi. Hayotda, jamiyatda ro'y bergan o'zgarishlar badiiy adabiyotda o'z inikosini topadi. Shu jihatdan jamiyat va inson, inson va insonlar aro, tabiat va shaxs o'rtasidagi qarama-qarshiliklar teranroq badiiy adabiyotda tasvirlanmoqda. Bunda o'ziga xos poetik obrazlarni, inson botiniy olamidagi ziddiyatlarni haqqoniy ko'rsatib berish an'anasi ma'rifiy xarakterdagi asarlarda yanada teranroq o'z aksini topmoqda. Bu esa bunday xarakterdagi asarlarni o'rganish va tahlil etish muammosini yuzaga chiqarmoqda. Mavzu jihatdan turfa xillashayotgan bu janr taraqqiyotida ma'rifiy romanlarning ham bir necha turlarini vujudga keltirmoqda.

Naim Karimovning bu xarakterdagi romanlarida asosan ma'lum bir ijodkorning murakkab hayot tarsi va hayotiy ziddiyatlar, ijodiy jarayonning o'ziga xos qirralarini badiiy talqin etadi. "Cho'lpon" romanida adibning asr boshlaridagi ziddiyatlarga boy bo'lgan hayoti bilan uzviy bog'liq holda, o'z davrining buyuk so'z san'atkori ekanligiga alohida e'tibor qaratgan. Adibning badiiy asarlarining yaratilish tarixi bilan bog'liq holda ayanchli hayot tarzini, ijtimoiy hayotdagi qarama-qarshiliklarni badiiy talqin etadi.

Adabiyotshunos Sanjar Sodiq “Ijodning o‘ttiz lahzasi” nomli adabiy-tanqidiy maqolalar to‘plamida shunday yozadi: “Taniqli adabiyotshunos Naim Karimovning “Cho‘lpon” nomli kitobi ma’rifiy roman rukni ostida bosilib chiqqan bo‘lib, shoir hayoti va ijodi yuzasidan ilgari e‘lon qilingan asarlarning barchasidan o‘zining ko‘plab xususiyatlari bilan ajralib turadi. Kitobning birinchi navbatda ko‘zga tashlanadigan o‘ziga xos tomoni shundaki, unda Cho‘lpon hayoti va ijodi to‘g‘risida qariyb sakson yil davomida nashr etilgan deyarli hamma maqolalar-u risolalardagi dalillar, ma’lumotlar, fikrlar, kuzatishlar, qarashlar hamda xotiralar umumlashtirilib, shoir bosib o‘tgan yo‘lning nihoyatda keng, mufassal manzarasi chizilgan” [1, 182-183-betlar].

Cho‘lpon to‘g‘risidagi haqiqatni tiklashda muallif dalilu xotiralar bilan bir qatorda adabiyotshunoslik tadqiqi uchun suv va havodek zarur hisoblanuvchi ilmiy tahlildan ham ma’lum darajada foydalandi.

Maqsud Shayxzodaning ijtimoiy muhitdagi ziddiyatlarning qurboniga aylanish sabablarini yozuvchi Naim Karimov quyidagicha tasvirlaydi: „GPU xodimlarining aniqlashlaricha, Maqsud Shayxzoda 1927 yili Bokuga borib, u yerdan Istanbulda nashr etilgan „Eni Kavkaz“ jurnalini olib kelgan. U Ozarbayjonning mustamlakaga aylanib, Dog‘istonning esa ruslashib borayotganidan tashvishlanayotganini yashirmagan. Va nima uchundir Bo‘ynoqdagi harbiy qismning son-sanog‘i, ahvoli va milliy tarkibi bilan qiziqqan. Shuningdek, garnizondagi Qozon tatarlari bilan yaqinlashishga harakat qilgan. Garcahd u o‘zining siyosiy qarashlarini ochiq-oydin bayon etmagan bo‘lsa-da, u bilan birga Darbanddan Bo‘ynoqqa kelgan va bilim yurtida o‘qituvchilik qilayotgan Tavfiq Jalol Dog‘istonga mahalliy aholining ruslashib ketishiga yo‘l qo‘ymaslik uchun kelganligini aytgan.

Xullas, 1927 – yilning aprel oyida Qirmidagi “Milliy firqa“ partiyasining Veli Ibraimov boshchiligidagi bir guruh a‘zolari qo‘lga olingach, novbat ularning Bo‘ynoq shahridagi izdoshlariga keladi. O‘sha yilning iyun-iyul oylarida Etxem Fayzi va Mamet Fayzi bilan birga Shayxzoda ham aksil inqilobiy targ‘ibot olib borishda ayblanib, qamoqqa olinadi”.

Bu faktlarda hayot haqiqati mujassamlashgan bo‘lib, erk va ozodlik targ‘ibotchisi bo‘lgan Maqsud Shayxzodaning ham og‘ir qismlarni boshdan kechirishga majbur etadi. Uni xavfli shaxs sifatida „Siyosiy qurilish“ga yuborish to‘g‘risida hukm chiqariladi. Maqsud Shayxzoda bu hukumga qarshi bo‘lganligi uchun uni uch yillik surgunga yuborish haqidagi hukm to‘qqiz oylik qamoqdan so‘ng, Toshkentga surgun muddatini o‘tash uchun keladi. Shundan so‘ng bu o‘lka uning ikkinchi vataniga aylanganligini go‘zal talqinlarda yoritib bergan.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Санжар Содик. Ижоднинг Ўттиз лаҳзаси. Адабий – танқидий мақолалар. – Т.: Шарқ, 2005. – 320.
2. Каримов Н. Мақсуд Шайхзода. Маърифий – биографик роман. –Т.: Шарқ, 2010. –336.

SHAXS BEGONALASHUVI: SABAB VA OQIBATLARNING BADIY TALQINI

(Said Ahmadning “Qorako‘z majnun” hikoyasi misolida)

Danaboyeva Mohigul Baxtmyarova,

JDPI 2-kurs magistranti

Ilmiy rahbar: Yulduz Karimova,

JDPI dotsenti, filologiya fanlari nomzodi

Atoqli ijodkor Said Ahmad adabiyotga o‘tgan asrning 40-yillarida kirib kelgan. Uning “Tortiq” deb nomlangan birinchi kitobi hikoyalar to‘plami bo‘lib, u nashrdan chiqqanida adib hali yigirma yoshga ham to‘lmagan ekan. O‘sha kezlari adabiyotimizning zabardast vakili – ustoz Adulla Qahhor yosh yozuvchining ilk kitobiga javoban “O‘zbekiston adabiyoti va san’ati” jurnalida keskin tanqidiy maqola bilan chiqish qiladi va bu orqali uni yozuvchi zimmasidagi, kitobxon oldidagi og‘ir va sharaflı mas’uliyati haqida chuqurroq o‘ylab ko‘rishga undaydi. Bu esa Said Ahmad ijodining keyingi bosqichlarida, xususan, hikoyachilik janrida to‘laqonli inson obrazini yaratishida o‘zining ijobiy samarasini berdi.

Said Ahmad, avvalo, o‘zining hikoyanavislik mahorati bilan milliy prozamidagi barakaali ijod qilgan adiblarimizdandir. Taniqli munaqqid Ozod Sharafiddinov Said Ahmad hikoyalarining yetakchi xususiyatlari haqida gapirib: *“Bu hikoyalarni jozibali qilgan omillardan biri shundaki, muallif o‘z qahramonlarini dil-dilidan sevadi, ularning go‘zalligi, ma‘naviy kamoloti, ruhiy yuksakligi qarshisida sajda qilishga tayyor va bu tuyg‘ularini hikoyalarida shu darajada teran hamda samimiy ifodalaganki, ular o‘quvchini ham hayajonga soladi, o‘quvchi ham o‘zi sezmaganda holda bu sodda, ochiq ko‘ngil, go‘zal odamlarni sevib qoladi”* [1] – deydi.

Said Ahmadning istiqloq davri hikoyalarining mavzu ko‘lami ayni shu davrda jamiyat va insonlar o‘rtasida sodir bo‘layotgan voqea-hodisalar qamrovida shaxs begonalashuvi va inson qadrining qanday tushunchalar bilan o‘lchanayotgani bilan ahamiyatlidir.

Yozuvchining mustaqillik davrida yaratilgan hikoyalari orasida “Qorako‘z majnun” o‘zining badiiyati jihatdan anchagina puxta ishlanganligi bilan alohida ajralib turadi. Adabiyotshunos olim Qozoqboy Yo‘ldoshev “Yoniq so‘z” asarida hikoyada nasroniy dinini qabul qilgan ilk o‘zbek yigiti timsoli yaratilganligi to‘g‘risida shunday fikrlarni aytib o‘tadi: *“Adabiyotimizda kommunistik mafkurani uyat va nomusdan baland qo‘ygan ashaddiy kommunistlar yoki “Xudoni otib o‘ldiraman”, - deb osmonga miltiqdan o‘q uzgan telba xudosizlar timsoli tasviri bor edi. Lekin ularning bari ham o‘zbeklar orasida yashab, shu millatning musulmonchilik aralashgan urf-odatlariga rioya qilishar edi. Biroq adabiyotimizda astoydil nasroniylikni qabul qilgan, bo‘yniga xoch taqib, cho‘qinadigan o‘zbek timsoli yaratilmagandi”* [2; 46].

Hikoyaning asosiy g‘oyasi ona yurtga sadoqat, ota-onaga muhabbat, milliy qadriyatlarni va diniy e‘tiqodni ulug‘lashdan iborat. Asardagi Bo‘rixon obrazi yozuvchining “Ufq” trilogiyasidagi Tursunboy obrazini yodga soladi. “Ufq”da his qilgan tuyg‘ularimizni aynan ushbu hikoyada ham boshdan kechiramiz. Asar Saodat

ayaning bomdod namozini o'qib, Qur'on tilovat qilayotgan tasviri bilan boshlanadi. Hikoyada syujetni tashkil qiluvchi voqealar ham murakkab emas. Saodat ayaning armiya xizmatiga ketib, ancha yillardan beri begona yurtlarda qolib ketgan o'g'li Bo'rixonning imon-e'tiqodi va itning egasiga bo'lgan sadoqati kontrast usulda juda ta'sirli yoritilgan. Asarning badiiy matni avvalidayoq ziddiyatli poetik manzaralarga muallif ishorasi shunga ko'rsatkichdir: Qur'oni karimdan olingan iqtibos bevosita Bo'rixon taqdiri bilan bog'liq bo'lsa, hadisi sharifdan keltirilgan: *"Jannatga kiradigan o'n nafar hayvondan biri bu- "As'hobi kahf"ning itidir"* [3; 88] jumlasini orqali esa yozuvchining itga - Qorako'z majnunga nisbat berganligini anglaymiz. Hikoya bosh qahramoni Saodat aya obrazi orqali yozuvchi o'zbek ayollariga xos bo'lgan kuyunchaklik, mehribonlik kabi xislatlar, umuman, milliylikni namoyon etuvchi xususiyatlarni mahorat bilan talqin etgan. Uning saharlari turib joynamoz ustida marhum turmush o'rtog'iga Qur'on tilovat qilishi, begona yurtlarda daydib qolib ketgan o'g'liga insof tilashi, baxti chopmagan qizi Qumriga Allohdan baxt so'rab qilgan iltijolarida, haj safariga otlanganlarga nafaqa pulidan yig'ib "Hoji badal" uchun berib yuborganligida diniy e'tiqodi yuksak darajadagi, islomiy aqidalarni o'zining bir umrlik a'moli hisoblagan haqiqiy o'zbek onasi timsolini ko'ramiz.

Bir oydan beri kampirning tushiga o'g'li Bo'rixon kirib, uning halovati yo'qoladi. Yana qancha umri qolgan: xudoga ayon. Ko'zi ochiqligida 32 yildan beri intiqib kutgani- farzandining diydoriga to'ysa, hidlarini tuyib bag'riga bossa, onaizorning so'nggi ilinji shu. Mushtipar ona qizi Qumrining baxtini o'ylab kuyinadi, ayni paytda uni Bo'rixonni intiqlik bilan kutish, ko'rish, hidlariga to'yish, suhbatini olib, yoshlik chog'larini birga yod etish umidi bu hayotda ko'proq ushlab turgandek tuyiladi. Mana shu tuyum asar so'ngida o'z ifodasini topadi. Hattoki o'z otasini bir og'iz so'ramagan kofir farzandning qilmishlaridan Saodat ayaning iztirobi ortadi. Marhum umr yo'ldoshining qadriga ham, o'zining qadriga ham achinadi.

O'g'li armiya xizmatiga chaqirilgandan so'ng o'sha yoqlarda qolib, ketadi: cherkov qo'ng'iroqchisining erdan qaytgan qiziga oshiq bo'lib qoladi. Uning talabiga ko'ra nasroniy dinini qabul qiladi va shundan so'ng qizga uylanadi. To'g'ri, Bo'rixon tilini, dinini, yaqinlarini unutdi, ammo yillar o'tib yana yurtiga, oilasiga qaytishiga nima sabab bo'ldi?! Balki qalbining tub-tubidagi oilaga bo'lgan muhabbat va sog'inch hissidir. Balki yillar davomida ham o'zi ko'ngil qo'yib uylangan ayoli-yu farzandlari-da mana shu bo'shliqni to'ldira olmaganidir?! O'zbek mentalitetida otonaning, aka-singillarning o'rni alohida. Ularsiz hayotimiz hamisha kemptik. Biz har qachon ularga talpinib yashaymiz. Negaki ularning o'rnini hech kim bosa olmaydi. Bo'rixon ham ana shunday jamiyat farzandi edi.

Bo'rixon o'zi tarbiya topgan oilaga, jamiyatga hamda o'zi e'tiqod qilgan dinga begonalashgan. *"Kuzatishlarga qaraganda, begonalashish tuyg'usi bir necha yillarning mahsuli sifatida namoyon bo'ladi va uni keltirib chiqaruvchi omillar, turtkilar xilma-xildir. Bizningcha, bu omillarga turli hayot va faoliyat vaziyatlarida shakllangan pessimistik, optimistik, sentimentalistik tuyg'ular, muvaffaqiyatsizliklar, armon, qo'msash (ma'lum muddatdan so'ng), tanholik tuyg'ulari va boshqalar misol bo'ladi"* [4]. Zero, *"Shaxsni ifodalaydigan muhim jihatlardan ayrimlari ma'lum*

shart-sharoitlar ta'sirida shaxsning o'ziga, tabiatiga zid sifatlarda yuzaga kelishi mumkin. Natijada shaxsiy yaxlitlikda u o'z imkoniyatlarini to'la-to'kis namoyon qila olmaydi. Boshqacha qilib aytganda shaxsning o'z-o'zidan begonalashuvi jarayoni boshlanadi. Shaxsdagi begonalashuv uning o'z shaxsiy qadriyatlaridan sharoit va muhit taqozosi bilan ayrilishini bildiradi" [5].

Dunyodagi har bir ona uchun farzand doimo birinchi o'rinda turadi. Ona o'zidan ham ko'ra ko'proq farzandini suyadi, uning kamoli va baxti uchun jonini fido qiladi. Hikoya bosh qahramoni Saodat aya ham shu yo'lda qurbon bo'ldi, faqat ayro yo'sinda... Ona hech qachon o'z farzandidan voz kechmaydi, deyishadi. Ammo Bo'rixon o'z dinidan qaytganligi uchun onasi undan yuz o'giradi, Ona o'zi dunyoga keltirgan tug'ganidan tonadi. Farzandi Bo'rixonni bo'rining bolasi, uni men emas, bo'ri tuqqan deydi. Ona qanchalik o'z farzandini o'ylamasin, U Haq yo'lining har nedan-da ulug'ligini uqtiradi. Demak, "Hoji ona" bo'lishni istagan Saodat ayaning islomga bo'lgan e'tiqodi o'z farzandiga bo'lgan mehr-muhabbatidan-da ustun qo'yilgan. Bu shunday e'tiqodki, hatto onalik mehridek buyuk tuyg'udan ham ustun Haq rizoligidir. Butun umr sajdaga bosh qo'ygan onaning ko'ngli o'g'li Bo'rixonning kofirga aylanib, xristian dinini qabul qilganidan, iymonidan ayrilganidan chil-chil sinadi, muzga aylanadi. Bu esa uni tamom qiladi. Unga endi bunday kofirning, o'zligini, Vatanini, ota-onasini, tilini, iymon-e'tiqodini, o'tmishini unutgan, rahm-u shafqatdan yiroq bo'lgan manqurt o'g'ilning keragi yo'q. Uning o'tmishi ham endi Saodat ayaga yot. Shu sabab u shu damgacha asrab-avaylab qo'ygan, har kun hidlab ko'ngli taskin topadigan bolasining yoshligidagi kiyimlarini ham yoqib yuboradi. Lekin ona ko'ngli bundan ham taskin topmay, bu ishlar ona qalbini ado qiladi va bandalikni bajo keltiradi.

Xulosa qilib aytganda, hassos yozuvchi Said Ahmadning mazkur hikoyasi sobit e'tiqodni, ma'naviy barkamollik kasb etmoqni maqsad qilayotgan insonlar tiynatini, ba'zan e'tiqod yo'lidan og'ishayotgan, o'zlikdan begonalashayotgan shaxslarning turfa qismatini bo'yoqdor tasvir etgan, hayotni bor surat-u siyrati bilan badiiy aks ettirgan asar sifatida doim kitobxon xalqning ma'naviy maxzanini boyitaveradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ozod Sharafiddinov. Xalq sevgan adib. –T.: Sharq, 2000.
2. Qozoqboy Yo'ldoshev. Yoniq so'z. Adabiy o'ylar. –T.: Yangi asr avlodi, 2006.
3. Said Ahmad. "Qorako'z majnun" hikoyalar to'plami. –T.: Sano-standart, 2016.
4. Cyberleninka.ru F. A. Ibrohimov, I. Sh. Fayziyev "Shaxs ma'naviy-ruhiy begonalashuvining shakllari".
5. <http://n.ziyouz.com>. Shaxs va jamiyat

ZEBUNNISO LIRIKASIGA CHIZGILAR

*Oltmishova Sitora Safar qizi,
JDPI O‘zbek tili va adabiyoti 4-bosqich talabasi,
Ilmiy rahbar: Surayyo Eshonqulova,
JDPI dotsenti filologiya fanlari nomzodi*

Bu ko‘hna dunyoda muazzan sharqdan chiqqan ne-ne mashhura-yu manzura ayollar bo‘lgan. Ularning ijodini xayolan bir marjonga tizadigan bo‘lsak, ular ichida Boburiylar avlodidan bo‘lgan mashhur shoira Zebunniso ijodi gavhardek yonib turadi.

Zebunniso asarlari mazmunini chaqib ko‘rishga urinsak, uning Haq taologa va albatta oddiy xalqqa yaqinligini his qilamiz.

XIX asrda yashagan o‘zbek shoiri Nodir tomonidan Zebunniso ijodiga yuqori baho berilgan. Muallif “Xaft gulshan” asarida Nodira va uning atrofida to‘plangan shoiralarni Zebunnisodek oqila, sadoqatli, fazl-u kamol egasi sifatida ta’riflaydi.

*Yig‘ildi dargohida har qaboyil,
Yig‘ibon har tarafdin necha xotun,
Barisi fazlu donish ichra otun,
Bari Zebunnisodek erdi shoir ...[1;8].*

Bundan ko‘rinib turibdiki, Zebunniso o‘z davrining yetuk, ma’rifatparvar, oqila shoiralariidan bo‘lgan. Zebunniso o‘z ijodi davomida goh sokin, goh sertashvish hayot kechinmalarini tasvirlagan. G‘azallari orqali ishq-muhabbat, mehr va shafqat, vafo va sadoqat hayotning ilhom manbayi ekanligini hamda erk va hurriyat kabi ilg‘or g‘oyalarni tarannum etgan.

Shoira ayol zotining ma’naviy sarbalandligini, vafo va sadoqat haqidagi orzularini o‘zining nozik qalami bilan ifodalay olgan. Shoira qator g‘azallarida yor mavzusini ilhom bilan tarannum etgan.

Shoira lirik qahramon ruhiyatini zo‘r mahorat bilan tasvirlagan. Uni goh ishq giriftori, goh tabiatning maftunkori sifatida gavdalantiradi. Uning lirik qahramoni donishmand, sadoqatli oshiq. Uni eng yuksak sifatlar bilan ulug‘laydi.

Zebunnisoning ta’riflashicha, suyuqli “yor bilan birga bo‘lmagan dam dam emas, yorsiz olam olam emas”dir. O‘z g‘azallarida oshiq va ma’shuqa kayfiyatlarini ifoda etar ekan, ajoyib manzaralar yaratishga erishadi. Buning isboti o‘laroq shoira dunyoviy poeziyasining nodir na’munalaridan biri hisoblanadigan “Inchost” radifli g‘azali niyohatda o‘rinlidir:

*Biyo, ki zulfi qachu chashmi surmaso inchost
Nigohi garmu adoxoi dilrabo inchost.*

Nasriy bayoni:

*Zulfi xalqa-xalqau ko‘zi qaro bu yerdadir,
Boqishi shafqatli-yu, nozikado bu yerdadir [3;26].*

G‘azalning dastlabki baytidanoq, lirik qahramon ma’shuqasini ta’riflash jarayonida yorining go‘zalligiga dunyo go‘zalliklarini ham singdirib yuborgan. O‘zi nozik bo‘lsada, shafqatli, hattoki butun olam unga mahliyo ekanligi zo‘r mahorat bilan kuylagan.

*Qarashma-teg‘u, mija-xancharu, nigax-almos,
Shoxodat ar talabi, Dashti Karbalo inchost.*

Nasriy bayoni:

*Kiprigi-xanjar, karashma-tig‘, ko‘z tashlash-yashin,
Gar shaxid bo‘lmoqchi ersang, Karbalo bu yerdadir.*

Bu baytda qahramon yorga nisbatan “kiprigi-xanjar, karashma-tig‘, ko‘z tashlash-yashin” deya ta’rif berib, birdaniga murojaat tarzda gar o‘lmoqlikni kasb etmoqchi bo‘lsang, Karbalo dashti (balo, qazolar) shu yerda paydo bo‘ladi deya, yorning noziga alohida urg‘u bermoqchi.

*Agar bixisht dixandat firebi kas naxuri,
Qadam zi maykada berun manex, ki cho inchost.*

Nasriy bayoni:

*Bersa ham jannatni, aldanma kishilar so‘ziga,
Bir qadam mayxonadan jilmaki, jo bu yerdadir.*

Oshiqlikni kasb qilganingdan keyin odamlar jannatni beraman desalar ham aldanma, dunyo go‘zalliklarining hammasi shu hayotning o‘zida ekanligini nafaqat o‘ziga, balki atrofdagilarga ham uqtirmoqda. Bu bayt lirik qahramon tafakkur olamining kengligidan ham dalolat beradi.

*Ba tavfi Ka‘ba kucho meravi, dile daryob,
Ki xalq behuda chon mekanad, cho inchost.*

Nasriy bayoni:

*Ka‘baga bormoq na hojatdur, agar dil ovlasang
Behuda yo‘llar kezar bu xalqu, jo bu yerdadir.*

Bu baytda shoira mumtoz adabiyot an‘analariga amal qilib, insonlarga yaxshilik qilishni, faqir yor ko‘nglini olishni Ka‘baga borishdan afzal deb biladi. Boshqalarni ham shunga da’vat etadi.

*Zi poy to sari u xar kucho, ki menigaram,
Karashma domani dil mekashad ki: cho inchost.*

Nasriy bayoni:

*Xusnig‘a boshdin-oyoq boqqanda har bir nuktadin,
Dilni tortib har karashma, derki: jo bu yerdadir.*

Bu misrada lirik qahramon yoriga boshdin oyoq boqqanda o‘z ko‘ngliga qancha qarshi borsa ham, dilni yayratadigan olam go‘zalligi aynan shu yerda ekanligini uqtiradi.

*Kitobxonai olam varaq-varaq chustam,
Xati tu didamu guftam, ki muddao inchost.*

Nasriy bayoni:

*Izladim bir-bir johonda har necha bo‘lsa kitob,
Ko‘rdimu xattingni dedim: muddao bu yerdadir.*

Oshiq bu baytda dunyo kitoblarining ichidan ilohiy ilm izlaganini, oxiri xulosa topolmay barcha muddao Yaratgan tomonidan ma’shuqa husni jamolida ekanligini tushunganligini ta’rif etgan. Bu ham bir o‘ziga xos tasviriylikni keltirib chiqaradi.

*Zakoti xusn agar medixi baroi xudo,
Biyo, ki Zebunniso xamchu man gado inchost.*

Nasriy bayoni:

Istasang husnning zakotini berarga mustaxiq,
Kelki, bu Zebunniso yanglig‘ gado bu yerdadir.

Shoira bu baytda yor jamolidan bahramand bo‘lish joiz bo‘lsa, o‘zini husn zakovatini olishga tayyor turgan gadoga qiyoslaydi.

Shuningdek, Zebunniso ijodida tabiat tasviri orqali insonning orzu-umidlarini, adolat va haqiqatni qaror topishi zo‘r berib kuylangan. Rostlikni, haqqoniylikni targ‘ib qilgan aldanchi firibgarlardan u nafratlangan. “*Bersa ham jannatni, aldanma kishilar so‘ziga*” degan fikrlari tasavvufiy-falsafiy xarakterga ega. Bundan ko‘rinadiki, shoira uchun inson qalbini pokligi, samimiyligi, uning rostgo‘yligi, ezgu amallari uning insoniyligi bilan o‘lchanadi.

“*Duxtari shoham valekin ro‘ba faqr ovardaam*” misralar bilan boshlanuvchi g‘azalidanoq, o‘zini garchi shoira shoh qizi bo‘lsa-da tabiatan kamtar va oliyhimmat bo‘lgani, boylik hamda shon-shuhratlarga qiziqmaganligini bildiradi.

*Duxtari shoham valekin ro‘ba faqr ovardaam,
Zebu zinat bas haminam: nomi man Zebunnisost.*

Nasriy bayoni:

Shoh qizi bo‘lsam-da, qildim faqr yo‘lin ixtiyor,
Bas menga bu zebu ziynatkim otim Zebunniso [2;3].

Ijodining ba‘zi tomonlari Bedil falsafasiga hamohang shoira insonning go‘zalligi keltirgan foydali ishida, mehnatida, qadr-qimmatini uning maqsadida deb biladi. Inson ko‘nglini ovlagan kishi Ka‘baga borib ziyorat qilmoqlik bilan barobardir. Buni tushunmaganlar esa behuda yo‘llarni bosib, kohishlar chekib, inson qalbi bir Ka‘ba misoli ekanlini bilishmas, toza ochiq qalb – Allohning uyi bu yerdadir deb go‘zal ohorli tashbeh orqali fikrini ushbu baytda keltirgan:

*Bu tavfi Ka‘ba kucho meravi, dile daryob,
Ki xalq behuda chon mekanad, cho incho.*

Nasriy bayoni:

Ka‘baga bormoq na hojatdur agar dil ovlasang,
Behuda yo‘llar kezar bu xalqu, jo bu yerdadir [3;26].

Shoira ko‘plab g‘azallarida ishq muhabbat masalasiga to‘xtalib, uni hayotning manbayi deb biladi.

*Garchi man Layli asosam dil chu Machnun dar havost,
Sar ba sahro mezanam, lekin hayo zanchiri post [2;69].*

Nasriy bayoni:

Layli zotidan esam-da, dilda Majnuncho havo,
Tog‘- u tosh kezugum kelur, lekin yo‘lim to‘sgay hayo.

Zebunniso ishq-muhabbat masalasiga takror-takror murojaat qilishi bejiz emas. Shoira Oqilxon Roziy ismli shoirtabiat bolaga ko‘ngil qo‘yadi. Biroq otasi u yigitni o‘ziga kuyov qilishdan or qilib uni qatl ettirgan. Oqilxonning o‘limidan so‘ng Zebunniso qalbida yangi yor uchun o‘rin qolmaydi. Shoira poyoni yetmagan ishqiy dostonini umri davomida kuylab o‘tadi. Zebunniso kamtarlik bilan o‘zi haqida quyidagi misrani yozgan:

Har matoyero xaridor ast dar bozori husn,

Pir shud Zebunniso o'ro xaridore nashud.

Nasriy bayoni:

Husn bozorida har matoga bor xaridor,

Ammo Zebunniso qaridi-yu, unga xaridor topilmadi [3;26].

Shoira ijodining mavzu doiasi kengdir. Uning she'riyatida o'ta kamtarona o'y-xayollarni ham ko'plab uchratishimiz mumkin:

Ba g'ayri sabza nabo 'shad kase mazore maro,

Ki qabrpo 'shi g'aribon hamin giyoh bas ast.

Nasriy bayoni:

Yashil maysadan o'zga hech kim qabrimni yopmasin,

Toki g'ariblar qabrini yopmoq uchun shu giyohning o'zi kifoyadir [3;3].

Shoira g'azallarida shu narsa aniq ko'rinib turadiki, u chindan ham shoirona ta'b egasi bo'lib, dard bilan kuylar, she'rlarida shoirona nazokat hukm suradi.

Xulosa qilib aytganda, shoh qizi boz ustiga aql va idrokda tengsiz yuksak iste'dod sohibasi Zebunniso ijodiga qancha ko'p to'xtalsak oz. Uning she'riyati mazmun jihatdan ham, badiiylik jihatdan ham mukammaldir. Shoira goh ishq-muhabbat, goh mehr-shavqat, goh erk va ozodlik kabi mavzularda xalqona asarlar yaratgan. Zebunniso g'azallarida lirik qahramon tasviri mahorat bilan yoritilgan. Uning lirik qahramoni tasavvufiy dunyoqarash bilan yo'g'rilgan, Islom aqidalari yo'lida tinimsiz jonfidolik ko'rsatadi. Ma'shuqa tasvirida o'ziga xos bo'lgan sharqona ibo-hayo an'analarining yorqin na'munalari uchraydi. Ishq-muhabbat hayotning ilhom manbayi ekanligi zo'r shavq bilan kuylangan. Shu sababli shoira asarlari bugungi kunimiz, ertangi kelajagimiz uchun ham ardoqli va suyuqlikdir. Zebunnisobegim yaratgan asarlar insonlar qalbiga yetib bordi, davrlar sinoviga bardosh bera oldi. G'azallari o'zbek xalqining sevimli qo'shiqlariga aylangan. Hozirgi Xiromiy Nodir, Sobir Abdullo va boshqalar Zebunniso g'azallariga muxammaslar bog'laganlar. Shoira yaratgan ma'naviy meroslar nafaqat yurtimizda qolaversa jamiyki xalqlar orasida ham yuksak o'rinda turadi hamda ardoqlanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Nodir. Xaft gulshan. O'zFASHI. inv.№1801. 8-varaq.
2. Fayziyev F. Temuriy malikalar. M. Muinzoda tarjimasi. –T.: O'zbekiston, 2013.
3. Qodirova M. Zebunniso. M. Muinzoda tarjimasi. –T.: Fan, 1982.

ФАРҲОД МУСАЖОННИНГ ОБРАЗ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Шодиева Гулнора Bahodirovna,

Қарши шаҳар 27-ўрта умумтаълим

мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Инсоният маънавий тафаккури мўъжизаларидан бири бўлган бадий адабиёт инсоннинг олам ва борлиққа ҳиссий-эмоционал муносабати ҳосиласидир. Ҳаётни муаммоларсиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Ҳар қандай муаммони бадий асар мавзуига айлантириш мумкиндек туюлса-да, бу

ишга эътибор берилиши лозим бўлган муҳим жиҳатлар мавжуд. Гап нимани ёзишда эмас, қандай ёзишда! Ҳаётни бадиий сўз орқали акс эттириш жиҳатидан санъат турлари ўртасида умумийлик, ўхшашлик, муштараклик мавжуд бўлса-да, образ яратиш жараёнида санъатнинг ҳар бир тури унинг фақат ўзигагина хос бўлган ифода воситаларидан фойдаланади. Бадиийлик (образлилик)ни юзага чиқаришга қурби етмайдиган, ҳолат ва кайфиятни ифода қила олмайдиган сўзнинг ўзи йўқ, фақат уни топа билиш, ўз ўрнида қўллай билиш лозим. Бундай маҳоратга эга ижодкор "...бутун баҳорни атиги чигитдек келдиган ғўра ичига қамаб бера биледи" [3; 154]. Бундай ифода воситалари, одатда, санъат турининг "ўз тили" деб юритилади.

Адабиётшуносликка оид асарларда "...Образ бадиий тўқима ёрдамида яратилган, эстетик қиймат касб этган инсон ҳаётининг умумлашма ва айни чоғда, аниқ манзарасидир деган қайдлар мавжуд [1; 62-63]. Бинобарин, шу ғоявий ният кўплаб ёзувчиларнинг асарларини мазмунан бир-бирига яқинлаштиради. Лекин асарларда болалар образини яратишда бўлганидек, катталар образини яратишда ҳам ҳар бир адиб ўзлигини намоён этади. Катталар образи асарнинг умуман қайси жойида қатнашишидан қатъи назар, ғоявий-тарбиявий вазифани бажарди. Бу борада болалар адабиётининг истеъдодли вакили Фарҳод Мусажон ижоди алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг ижодий фантазиясида санъат ва адабиёт, жумладан, болалар адабиёти олдидаги муҳим вазифа - даврнинг юксак ахлоқий талабларини бола қалбига, онгига, шуурига сингдира билиш ғоялари етакчи ўринни эгаллайди.

Фарҳод Мусажон замон билан ҳамнафас ижодкор. Бинобарин, адиб асарларидаги замонавийлик ва миллийлик асар мағзига сингдирилган дидактикада, давримиз ахлоқий талабларининг бадиий ифода этилишида кўринади. Зеро, одоб-ахлоқ жамият маънавиятининг ўзаги, инсон камолоти – инсонийлик илмининг кўрсаткичидир. Одоб-ахлоқ – маънавиятнинг амалидир, маънавият эса ўзликни англашдир. Унга ўрганиш, эгаллаш –эндигина шаклланиб келаётган бола қалбига сайқал беришдир. Шунинг учун ҳам адабиёт инсон туйғуларининг ададсиз тўлқинларини эзгулик яратиш ишига сафарбар этади. Болаларга одоб-ахлоқ илмидан сабоқ беради. Бадиий асарнинг ғоявий мазмунини, муаллифнинг ҳаёт ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини, қаҳрамонларнинг ички ҳиссиётларини етказишда болалар адабиёти олдида қатор вазифаларни қўяди. Шу маънода, адиб ҳикояларида иштирок этувчи катта одамлар кичик қаҳрамонлар билан қалбан яқинлиги, дўстона самимияти, тарбиянинг ҳар хил усулларини донолик билан қўллай олиши, бола хулқига ижобий таъсир ўткази олиши билан ажралиб туради. Масалан, унинг "Баджаҳл бобо" [2;26] ҳикоясини олиб кўрайлик. Бу ҳикояни катта гуруҳ болалари ҳам, кичик мактаб ёшидаги болалар ҳам жуда яхши қабул қилишлари мумкин.

Ҳикоянинг асосий қаҳрамонлари – Қудрат ва унинг бобосидир. Қудратнинг дадаси ҳикоянинг боши ва охирида, бувиси эса фақат бир кўринишдагина иштирок этади.

Муаллиф ҳикоядаги бобони меҳнат жараёнида кўрсатади. Бобо ёзги таътилда дадаси томонидан дам олишга олиб келинган невараси Қудрат билан

худди катта одамлар билан гаплашаётгандай суҳбатга чорлайди. Бу муносабат ҳикоя қаҳрамонида бобога нисбатан дастлаб ҳар хил салбий ва ижобий фикр уйғотади. Буни муаллиф бобо ва неvara ўртасида бўлиб ўтган суҳбатлар воситасида ишонарли кўрсата олган. “Қудрат пастаккина тошдевор ёнига ташлаб қўйилган шолчада ўтириб олма тўғраётган бобосига яқинлашди:

- Бобо, сизларнинг уйингизда кичкина болалар йўқми? - деб сўради.

- Йўқ. Болаларимизнинг ҳаммаси катта бўлишгандан кейин сенинг даданга ўхшаб шаҳарга кўчиб кетишган. Биз чолу кампир ёлғиз қолганмиз, - деди бобоси.

- Унда мен ким билан ўйнайман?

- Нима, сен бу эрга ўйнагани келдингми? - дағаллик билан сўради бобоси.

- Ҳа, дам олгани келдим.

- Ие, нима иш қилиб чарчадинг, дам оласан? ” [2;26].

Бобонинг бу сўзларидан, набирасига бўлган муносабатидан китобхоҳ ва мактаб боласининг кўз ўнгида кўрс, тўнг одам гавдаланади. Муаллиф бободаги ана шу кўрсликни яна ҳам кучайтира боради. Айниқса, бобонинг Қудратга қарата айтган, “Дам оладиган одам олдин чарчаши керак”, “бизда текинтомоққа овқат йўқ” каби сўзлари, табиийки, боланинг ихлосини қайтаради.

Болаларнинг ҳам жисман, ҳам руҳан шиддат билан ривожланиши психология илмида исботланган. Шунингдек, болалик даврининг турли босқичларида улар турлича руҳий, жисмоний, интеллектуал хусусиятларга эга бўлишади. Жумладан, бошланғич синф ёшидаги болаларга катталарнинг айтганларига сўзсиз қулоқ осиб, уларга тўлиқ ишониш ва барча жиҳатдан уларга ўхшашга интилиш хос экани педагогика илми ва амалиётида ҳар жиҳатдан исботланган. Фарҳод Мусажоннинг маҳорати шунда кўринадикки, у бобо табиатидаги бу хусусиятлар чин эмас, “ясама” эканлигини ҳикоя давомида аниқ оча боради. Бобо ва неvara ўртасида кескин “қарама- қаршилик” пайдо бўлганлигини сезган буви воқеага аралашади.

“... - Ҳой бағритош, нега болагинамнинг ўтакасини ёрасиз. Сизнинг совуқ ҳазилингизни гўдак нарса тушунармиди?! - гапга аралашди кампир.

- Сен тек тур, қовоғини солди бобоси, - эркакларнинг гапига аралашма” [2;29].

Инсоннинг ўз фикри бўлгандагина бирор воқеа-ходисага муносабат билдиради. Фикр айтиш – ўзликнинг иши. Болада ўзликни шакллантириш, унинг ўз сўзи ва мустақил фикри бўлишига эришиш ўқитувчининг асосий вазифаси.

Ҳикояда “эркаклар” сўзига алоҳида ғоявий вазифа юкланган. Бобосининг баджаҳллиги, қўполлиги учун ёмон кўра бошлаган Қудрат қалбида бу сўз унда иккиланишни уйғота бошлайди. Чунки у бобоси ўзини «”ркаклар қаторига” қўшганидан қувонади.

Ҳикоянинг шу нуқтасидан бошлаб бобога берилаётган тавсиф ижобий тус олади. Бунда эпизодик образ буви ҳам муҳим вазифани бажаради. Қудрат аста-

секин “бобоси юмшоқ гапиришни билмаса ҳам, ёмон одам эмас экан”, деган хулосага келади.

Муаллиф шу сабаблар туфайли Қудратнинг бобоси ҳақидаги аввалги фикрларидан қайта бошлаганини ҳам бадиий асослай олган. У энди бобоси айтганларини қила бошлайди, меҳнатдан қочмайди. Шуниси муҳимки, Фарҳод Мусажон бобо ва набира ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишини шунчаки баён этмай, уни бадиий кўрсатади ва асослайди. Бу ҳикоянинг ечимигача сақланган. Демак, ҳикояда бола бобосидаги маънавий юксакликни, мустаҳкам иродани, илиқ меҳрни ҳис қилади. Бобо ўз хислатлари билан невараси қалбига йўл топади. Унинг тушунчасида бурилиш ясайди, меҳнатга, дам олишга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришга муваффақ бўлади. Ҳикоядаги бобо болаларни тўғри йўлга бошловчи катта одам образидир. Англашиладики, бадиий асар “...(китобхонлар)нинг ҳисларини қўзғатиш, туйғуларимиздаги тўлқинларни уйғотмоқ орқали ҳаяжонлантириш - эстетик таъсирдорлик экан, бадиий образ мағзи тўқ ҳаётӣй, умрибоқӣй бўлгандагина бадиий қимматга эга бўлади; образ яратишга ўтади: ундан ҳаяжонланиб ўрнак оламиз ёки нафратланамиз. Ҳис-туйғуларимизнинг яхшилари (ижобийлари)га “озик” берамиз, ёмонларини етти қават чуқурга кўмамиз” [4;34]. Мазкур ҳикоядаги катталар болалар қалбига йўл топишга, уларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этишга интиладилар ва шу йўл билан болаларда ахлоқӣй фазилатларни ривожлантиришда, меҳнатга, Ватанга, табиатга муҳаббат, жамоага ҳурмат каби ижобий одатларнинг таркиб топишида муҳим вазифани бажарадилар.

Хулоса қилиб айтганда, Фарҳод Мусажон бевосита болаларга бағишланган асарларида бу масалаларга жиддий эътибор беради ва уларни юксак ва нозик дид билан ҳал қилади; ёш китобхонда она Ватанга, дўстга, меҳнатга, ота-онага нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиб, уни жамиятда ўз ўрнини топиб олишга чорлайди. Шунинг учун ҳам адиб асарлари китобхон ўзбек болаларининг асосӣй мутолаа манбаига айланди. Бинобарин, адиб ижодӣй меросининг бадиий, таълимӣй ва тарбиявӣй аҳамияти ҳам ана шу жиҳатлар билан белгилнади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тимофеев Л. Основы теории литературы, –М.: Наука.1971; Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. –Т.: Шарқ. 2002; Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т.:Ўзбекистон, 2002.
2. Мусажон Ф. Боғ кўчамни кўмсайман. –Т.: Ёзувчи, 1996.
3. Абдулла Қаҳҳор. Ҳақ сўзнинг кучи // Асарлар. 5 жилдлик. 5-жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.
4. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. –Т.: Шарқ, 2002.

**ASQAD MUXTOR HIKOYALARIDA
RUHIY EVRILISHLAR TALQINI**

*Nazarova Feruza Sharobiddinovna,
SamDU tadqiqotchisi*

O‘zbek adabiyotidagi mavjud janrlar taraqqiyotiga sezilarli hissa qo‘shgan, tarjima asarlari bilan ham shuhrat qozongan yetuk ijodkorlardan biri Asqad Muxtordir. Adibning har bir asari o‘ziga xos badiiy mukammal asarlar qatoridan o‘rin olishining boisi ham, adibning ijodni, uning mashaqqatini teran va izchil anglaganligi bilan izohlash mumkin. Adibning nasriy asarlarida davr va inson muammosining go‘zal talqinlari etakchilik qilsa, nazmiy asarlarida inson ruhiyatining tuyg‘u va kechinmalarining go‘zal talqinini kuzatish mumkin. Bularning zamirida tinimsiz izlanish va mashaqqatli mehnatni ham, ijod va ijodiy jarayonga muhabbat bilan yondoshish deb qarash mumkin. Ijodkor nasriy asarlarida inson konsepsiyasining badiiy talqiniga jiddiy e‘tibor qaratishi bejiz emas. Har qanday asarda shaxs xarakter qirralari talqin etilar ekan, uning zamirida makon va zamonda harakat etuvchi inson qismati yetakchilik qiladi.

Iste‘dodli adib Asqad Muxtorning “Insonga qulluq qiladurmen” hikoyasida tarixiy shaxslar qiyofasi, ularning ruhiy-ma‘naviy olami juda go‘zal talqin etilgan. Hikoyaning o‘ziga xosligi, unda tarixiy voqelik talqini ufurib turmasa-da, asar qahramonlarining botiniy olamiga singdirib yuborilganki, bu ham ijodkorning badiiy mahoratidan dalolat beradi. Yozuvchi talqinlariga e‘tibor qarataylik: “Quyosh subh yoqasini chok etib, ko‘k maydonida jilva ko‘rguzgach, Sohibqiron Qur‘oni karimni lahv ustiga qo‘ydilar. Kun saraton burjida edi, shiddati beadam. O‘rda sahnida davlatpanohning oq chodirlari shukuhu as‘asa ila charaqlab kunga yuz tutdi” [1, 1-bet]. Talqinlarga nazar tashlar ekanmiz, asar xronotop talqinidan boshlangan. Erta tongdagi vaqt kategoriyasi orqali o‘quvchini diqqatini jalb qilmoqda. Buning zamirida makon va zamonning hamohangligini kuzatamiz. Makon orqali tarixiy hayotni yoki uzoq o‘tmishni qalabga olish baraborida insonni, uning qiyofasini, davrning murakkab ziddiyatlarini talqin uchun asos qilib olgan: “Shu mahal xirgohning ko‘rinishxona yo‘lagida soch-soqoli o‘siq, darvishona xirqa ustidan kumush fo‘ta bog‘lab, unga esa tug‘ro bezagi taqqan bir kimsa paydo bo‘lib, mangu ko‘zlarini erdan olmay, shohona ostonaga qarab o‘taverdi. Chodirning davlatxona qanotida Sohibqironga ko‘rinish bermoq uchun muntazir o‘ltirgan kazoo-kazo saltanat ustunlari, fuzalo-yu ulamo, sipohsolor-u no‘yonlar, xos-u ra‘iyatdan kelgan kalontar-u kadxudolar - biri hayratda, biri g‘azabda, noiloj qarab qoldilar” [1, 1-bet]. Sohibqiron Amir Temurdagi insoniy fazilatlar o‘z davridayoq tarixiy manbalarda asosli qayd etib qoldirilgan. Bu o‘rinda ham, ijodkor Amir Temurning o‘ziga xos fazilatini, insoniylik xususiyatiga ega bo‘lgan shaxslarni ajrata olishi, ular bilan muloqot qilishi, fikr almashishi bejiz emas edi. Ana shundagina xalqning hayoti, ularning turmush darajasi, insoniy fazilatlarini, dushmanning maqsadini ham anglashga harakat qiladi. Natijada, haq va haqsizlikni, adolat va adolatsizlikni o‘z xayollarida anglashga harakat qiladi. Raiyatning turmishi, uning o‘ziga xos hayoti, ulardagi mavjud harakatlarning yuzaga chiqish sabablarini, anglashga intilardi. Bu esa Amir

Temurning hayotdagi o'rnini, saltanatdagi mavqeyini mustahkamlashga xizmat qilar edi. Darvesh bilan Amir Temur uzoq suhbatlashdi, Iso alayhissalomning dunyoga kelishi, davr hukumdorlarining fojialari, qirg'inlari haqidagi afsonaviy xarakterdagi hikoyatlarni tinglar ekan: "Bas qil, mug'anniy. - dedilar Sohibqiron. - Fahmladikkim bizning go'dakligimiz afsonalarig'a shama qilursen" [1,2-bet]. "Devona" bilan suhbatlashar ekan, qalb qaridagi istaklari, orzu armonlari xayolan ko'z o'ngidan birma-bir o'tdi. Hayotning murakkabliklarini, kurashlarning zamiridagi adolatu-adolatsizliklarni yanada, teranroq anglashga intilganligini his etamiz. Devona bilan suhbatlashar ekan, hayotning naqadar murakkabligini, aksincha, inson xarakterining ham murakkabligini yanada teranroq anglay boshlaydi. Albatta, ijodkor bu o'rinlarda, Amir Temurning ruhiyati bilan bir qatordainsoniy fazilatlar egasi ekanligiga urg'u bergan. U atrofidagilar yoki saroy a'yonlarining qutqusiga uchamasligini, adolat va haqiqatni qaror topishiga ishonishini kuzatamiz. Chunki Amir Temurdek buyuk siymo Devonaning gaplaridan hayot haqiqatini teranroq anglar edi: "Baribir el, amir Temur Alloh taoloning barguzidasidur, derlar. Zero, Zuhul ila Mushtariy burjida tavallud topibsenkim, Alloh toborak eru ko'kni shul soatda yaratmishdir. Nujumotning bu holati har sakkiz yuzlikda bir kelurkim, alarning chehrasida nuri ilohiy zuhur o'lnay. Avvalo Iskandari Zulqarnayn, andin so'ngra Muhammad alahissalotu vassalam va dag'i sen, qiblagoh... - Abas bu, nag'masoz! Hisobda g'alat ketding. Avvalo Iskandari sohibqiron kalimai shahodatdin bexabar mushriktur, bizning qatorimizdan emas" [1,2-bet].

Sohibqiron Amir Temur o'zini oddiy insonlar qatorida ko'rishni istaydi. Maqtovlardan ko'klarga ko'tarilgan emas. Uning qalbining qayerlaridadir, hayotiy haqiqatning yuzaga chiqarish naqadar murakkabligini his etib turadi. Undagi insoniylikning zamirida ham adolatsizlikka qarshi kurashishi, u oddiy darvesh bo'lsin, haq so'zini tan olar, to'g'ri so'zlagani uchun ham jazolardan ozod etilardi. Buning zamirida hukumdorlik bilan bir qatorda, el-ulusni, raiyatni shu yo'lga boshlashi, haqiqat uchun kurashlarda toblanishini ko'ramiz. Devonaning har bir so'zini tinglar va o'zicha xulosalar chiqarishga intilar ekan: "- Ha... olam sehirlidur. Sohibqiron. Uning tarixi sening jangu jadallaringdangina iborat emas. Anda ruhiyat, fusunkor afsonayu ilohiy hikmatlar..." mavjudligini qayd qilganda dahshatga tushmaydi. Oddiy suhbatdosh kabi tinglaydi. Bu esa uning qalbidagi istiroblarni qayta jonlanishiga sabab bo'ladi.

Ijodkorning badiiy mahorati ham, Amir Temurning buyuk hukmdorligidan ko'ra uning insoniy fazilatlarini talqiniga alohida diqqat qilganligi bilan izohlash mumkin. Shuning uchun ham, adabiyotshunos Sanjar Sodiqov shunday yozadi: "Asqad Muxtor bilimdon va chuqur o'ylaydigan yozuvchi edi. Shuning uchun u o'z asarlarida umuminsoniy qadriyatlarni e'zozlashga, ya'ni mafkura qoliplarini jinday bo'lsa-da yorib chiqishga uringan" [2,506-507-betlar]. Haqli ravishda ta'kidlanganidek, Asqad Muxtor o'zining murakkab davridayoq, jamiyatning mafkuraviy tayziqlarini, belgilangan qoliplarini chetlab o'tishga intilganligini yaratgan asarlaridagi talqinlar bilan izohlash mumkin. Adibning "Chinor" romanidagi polifonik talqinlar zamiridagi ramziy ma'no ifodasi bilan ham asoslash mumkin. Adibning turfa xil janrdagi asarlari zamirida insonni anglash, uning turfa xil muhitdagi xarakter qirralarining ifodasini

kuzatish mumkin. Biz tahlilga tortgan hikoya zamiridagi shaxs konsepsiyasining o'ziga xos talqinlarida inson qismati, uning ruhiy-ma'naviy olami ifodasi yetakchilik qiladi.

Sohibqiron Amir Temurning Devona bilan suhbatlashar ekan, uning qalbidagi iztiroblari yuzaga chiqa boshlaganligini his etadi. Ammo Devonaga gap uqtirsa-da, uning so'zlariga juda asosli javob berar, har bir bayon qilgan fikrini isbotlab berar edi. Uning notiqligidan ema, odam va olamni teran anglaganligi unga nisbatan hurmatini oshishiga sabab bo'ladi. Sohibqiron anglyadiki, haqiqat barcha narsadan ust, unga qarshi borib bo'lmasligini his etadi. “- Ha... Olam sehlidur. Sohibqiron. Uning tarixi sening jangu jadallaringdangina iborat emas. Anda ruhiyat, fusunkor afsona-yu, ilohiy hikmatlar... - Sening tungi navolaring... - Ore, bari omuxtadurkim...” Bu mulohazalarning asosida sohibqiron Amir Temurning yetuk insoniy fazilati bilan bir qatorda, odam va olamni anglashga bo'lgan intilishini kuzatamiz. Axir, Sohibqironning bir Devona bilan shubatlashishidan mani nedur, - deya, savol berguvchilar ham mavjud edi. Ammo Sohibqiron uning darveshona kiyinishidan emas, aksinch, mulohazalarida olam-olam ma'no borligi uchun u bilan suhbatlashar, mulohazaga kirishardi. Adib bu kabi talqinlar orqali insoniylikni ulug'lashga, insonning qadri uning ilmi bilan, mulohazalari bilan namoyon bo'lishiga urg'u beradi.

Turk olimi Ismoyil Aka o'zining “Buyuk Temur davlati” nomli asarida Sohibqironning o'z davrining o'ta bilimli, fidoiy inson, meribon ota, buyuk millatparvar shaxs ekanligini ta'kidlab shunday yozadi: “mutlaq hokimiyat tushunchasida bo'lgan Temur qurultoy bilan ish yuritishga ahamiyat bermagan. U bir ishni qilishni istarkan, o'zini haqli ko'rsata bilmoq uchun Qur'oni Karimdan oyatlar keltirib, o'z ishining to'g'riligini isbotlar edi. Shundayin bir hukumdor bilan suhbatda ulamoning doim diqqatli, hushyor turishi zarur edi” [3, 111-bet], - deb qayd qilib o'tishida ham, tarixiy asoslar mavjudligini ta'kidlamoqchimiz.

Tahlillar davomida bunday qarashlarni keltirishimizga asosiy sabab, Sohibqiron Amir Temurning o'z davrida ulamolar, buyuk ma'rifatparvarlar, zamonasining yetuk insonlariga juda katta hurmat bilan qaraganligini qayd etib o'tmoqchimiz. Yozuvchi Asqad Muxtor talqinidagi Devona obrazida ham, ma'lum ma'noda tarixiy haqiqat mavjuddir. Adibning bu hikoyasida davr va inson muammosiga yondoshishida o'ziga xos badiiy mahorati namoyon bo'lgan. Ijodkorning nuqtaiy nazari asosida badiiy qahramonning o'ziga xos betakror xarakter qirralari falsafiy talqinlar zamirida o'z ifodasini topgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Asqad Muxtor. Insonga qulluq qiladurmen. Hikoyalar. www.ziyouz.com. kutubxonasi.
2. Sodiq Sanjar. Yangi o'zbek adabiyoti tarixi. Darslik. –T.: O'qituvchi, 2019. – 720 b.
3. Ismoyil Aka. Buyuk Temur davlati (Tohir Qahhor tarjimasi). –T.: Cho'lpon, – 152 b.

ABDULLA ORIPOV SHE'RIYATINING ASOSIY XUSUSIYATLARI

*Karimova Malika Ismat qizi**Abduhamidov Abdulla Turobjon o'g'li**Hamid Olimjon va Zulfiya nomidagi ijod maktabining o'qituvchilari*

Mustaqillik o'zbek xalqiga o'zligini anglash va anglatish, tarixi, madaniyati, xalqona urf-odatlarini va qadriyatlarini tiklash, milliy o'ziga xos xususiyatlarini namoyon etish uchun beqiyos imkoniyatlar, shart-sharoitlar yaratdi. O'zbekistonning Birinchi Prezidenti Islom Karimov ta'kidlaganidek, ...jamiyatning ma'naviy asoslarini yanada rivojlantirishda oilaning ahamiyatini yuksaltirish, har bir oilaning moddiy farovonligini oshirish muammolarini hal etishda davlat va jamiyat tomonidan e'tibor va g'amxo'rlik ko'chaytirilishi zarurligiga alohida e'tibor qaratildi.

Adabiyot har bir davrning ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-axloqiy muammolarini ko'tarib chiqishi va ularga javob izlashiga ko'ra tarbiyaviy ahamiyatga ega. Uning ijtimoiy-ma'rifiy xususiyati, ayniqsa, xalqning milliy ruhini ifodalab berishda ko'rinadi. Tabiiyki, bu jarayonda xalqona poetik tafakkur tarzi ijodkorning adabiy shaxsiyati darajasini namoyon qiladi. Chinakam iste'dod egasi, xalq dilining ulkan tarjimoni Abdulla Oripov ijodida xalqona poetik tafakkur tarzi yetakchilik qiladi.

Abdulla Oripov chinakam xalqning ehtiromi va e'tirofiga sazovor bo'lgan shoirdir. Uning xalq ardog'iga, el-yurt hurmatiga sazovor bo'lishining o'ziy oq ijodkorning she'r va dostonlari xalq ruhi va qalbining ifodasiga aylanganidan darak beradi. Yozuvchilikning maktabi ham, dorilfununi ham bitta. U ham bo'lsa, bir umr hayotning ichida bo'lish, o'z xalqi bilan hamdardu hamnafas bo'lib yashash, haqiqat va adolatga sadoqat bilan xizmat qilishdir. Zero, Abdulla Oripov butun hayoti davomida o'z xalqi bilan hamdardu hamnafas bo'lib yashab, ijod qilayotgan shoirdir. Chunki bu shoir uchun xalq mavhum tushuncha emas, u aniq mazmunga ega. Shoirning Men nechun sevaman O'zbekistonni she'rida aytilganidek, Xalqim, tarix hukmi seni agarda Mangu muzliklarga eltgan bo'lsaydi, Qorliklarni makon etgan bo'lsayding, Mehrim bermasmidim o'sha muzlarga? Mazkur fikrlarda shoir she'riyatining milliy ruhiyatini belgilab beruvchi pafos ufurib turadi.

Abdulla Oripovning inson hayotini, uning orzu-umidlarini yuksak badiiy saviyada ifodalagan, umuminsoniy mohiyatga ega bo'lgan xalqona poetik tafakkur belgilari yaqqol ko'rinib turgan asarlarini maxsus tadqiq etish bugungi adabiyotshunoslik ilmining dolzarb masalalaridan biridir.

Shoir o'z she'rlarida badiiy mazmunga mos shakl tanlaydi. Badiiy ijoddagi xalqona ruh insoniyatning bir necha ming yillik hamrohi bo'lgan xalq og'zaki ijodi motivlari, xalq badiiy tafakkuridagi yetakchi tamoyillar bilan uyg'unlikda idrok etiladi. Ayni shuning o'ziy oq Abdulla Oripov she'riyatini xalqona badiiy tafakkur nuqtai nazaridan alohida o'rganish ehtiyojini maydonga keltiradi. Bu esa, shubhasiz, shoir ijodidagi mazkur muammoning nazariy asoslarini, xalq donishmandligi, hikmatlar xazinasini va uning ildizlarini hamda folklor motivlarini bir butunlikda tadqiq etish masalasini keltirib chiqaradi. Yaxlit bir yaqin o'tmishga aylangan XX asr o'zbek adabiyoti tarixida 60-yillar avlodining alohida o'rni bor. Garchand mustabid tuzumning mafkuraviy zug'umlari badiiy ijod sohasiga o'z ta'sirini o'tkazishda

davom etayotgan bo'lsa ham, bir muddat hukm surgan iliqlik davrida adabiyot maydoniga yangi bir avlod kirib keldi. Bu avlod ijodida milliy o'zlikni anglash, Vatanni e'zozlash, milliy urf-odatlarini targ'ib-tashviq qilish, milliy his-tuyg'ularni tarannum etish tamoyillari yetakchilik qilar edi. Abdulla Oripov, Erkin Vohidov, Rauf Parfi, Halima Xudoyberdiyeva, Omon Matjon kabi shoirlar bu adabiy avlodning yetakchi shoirlari sanaladi. Davrning tabiiy bir ehtiyoji bu avlod zimmasiga an'anaviy she'riyatni yangilash va badiiy tafakkurda teranlashuvdek ulkan bir vazifani yuklagan edi. Ijod ahli xalq diliga yaqinlashdi, xalqning dardu alamlariga sheriklik tuyg'ularini ilgari surdi; ramzlar vositasida o'z millatining tutqunlikdan ozod bo'lishdek ezgu istagini bayon qildi. Bu avlod vakillari ijodida xalqona poetik tafakkurga xos belgilar paydo bo'ldi. Abdulla Oripovning O'zbekiston she'ri, Erkin Vohidovning O'zbekim qasidasi, Omon Matjonning Haqqush qichqirig'i va boshqa shoirlarning qator turkumlari xalqimiz qalbida chuqur iz qoldirdi. Milliy fikr tarbiyasiga o'z ta'sirini o'tkazdi.

Abdulla Oripovning butun ijodi badiiy til mahorati borasidagi ulkan va betakror ibrat maktabidir.

Ta'kidlash lozimki, Abdulla Oripov xalq tilining rango-rang boyliklarini juda katta zavq-shavq va teran ilmiy idrok bilan egallagan. Diqqatga molik biron-bir voqea-hodisadir, urf-odatdir, iboradir, so'zdir adi ularni bevosita xalqning ichidan izlaydi, ularning ma'no qamrovlari, injaliklari, siru sinoatlarini xalq lafzining o'zidan o'rgandi. Voqelikini obrazli tasvirlashda, uni kitobxon ko'zi o'ngida aniq va to'la gavdalantirishda iboralarning o'rni va ahamiyati beqiyosdir. Iboralar, umuman olganda, hayotdagi voqea-hodisalarni kuzatish jarayonida maqbul va nomaqbul harakat-holatlarni baholash, turmush tajribalarini umumlashtirish asosida xalq chiqargan xulosalarning o'ziga xos obrazli ifodalari. Shuning uchun ham iboralar, tilshunos A. Mamatov ta'kidlaganidek, " u yoki bu xalqning yashayotgan joyining tabiati, iqtisodiy tizimi, tarixi, madaniyati, hayot tarzi, og'zaki ijodiyoti, badiiy adabiyoti, san'ati, urf-odati, dini kabilar bilan bog'lanadi"³. Shu bilan birga " turg'un vositalarni badiiy mahsulni barkamollashtiruvchi elementga aylantirish uchun yozuvchi tadqiq etayotgan davrni, vaziyatni, mavzuni, ayni vaqtda kontekstni badiiy jarayonning tutash xalqalari sifatida diqqat markazida tutish kerak".

Har qanday yozuvchi yoki shoirning ijodiy kamolotga erishuvi, eng avvalo, uning milliy g'oya va qadriyatlarga sadoqati hamda ularni o'z ijodida poetik jihatidan nechog'lik mahorat bilan yuksak darajada ifodalay olish imkoniyatiga bog'liq. O'zbekiston Qahramoni, xalq shoiri, Navoiy mukofoti sovrindori Abdulla Oripovning el qalbiga yo'l topib uning mehru muhabbatiga sazovor bo'lganligining ham sababi shunda. Abdulla Oripov ijodi nafaqat o'zbek adabiyotida, balki umumturkiy adabiyot kontekstida o'ziga xos mavqega ega. Mazkur tadqiqot ichida ana shu betakrorlikni, o'ziga xoslikni, shoir mahoratini namoyon qiluvchi, yuzaga chiqaruvchi til vositalarining qay darajada qo'llanganligini yuzaga chiqaruvchi til vositalarining qay darajada tadqiq etishga harakat qilingani uning dolzarbligini ifodalaydi.

Abdulla Oripov she'riyati jamiyatni tutib turgan barcha qonun-qoidalar,

zamondoshlarining muammolari turli obraz va badiiy san'atlar vositasida mohirona aks ettirgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Karimov I.A. 2012 yil vatanimiz taraqqiyotini yangi bosqichga ko'taradigan yil bo'ladi. «Xalq so'zi» gazetasi. 20 yanvar.
2. Afoqova N. Abdulla Oripov lirikasida badiiy san'atlar: Filol.fan.nomzodi...dis. – T.: 1997. –B. 142 .
3. Ashurova G. Abdulla Oripov she'riyatida an'ana va badiiy mahorat (obraz, g'oya va tasvir). Filol.fanlari nomzodi.....diss. avtoref. –T.: 2008. –B. 26.

**МУТАФАККИР МАХДУМИ АЪЗАМ ТАСАВВУФИЙ
ҚАРАШЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ВА УНИ ТАРБИЯЛАШ
МАСАЛАЛАРИ**

*Ғозиев Тоҳирхон Хошимхонов,
Булунгур тумани 65-мактаб ўқитувчиси*

Модомики, Худо ўз жойини, –дейди Махдуми Аъзам инсон қалбидан ихтиёр этган экан, бу қалб ойнасини ҳар хил ғуборлардан тоза тутиш лозим. Хўш, ғуборнинг ўзи нима? У одамга чирмашиб олган ёмон хулқ, ёмон одоб, дилозорлик, манманлик, кибр, адоват, кек сақлаш, харомхўрлик, ўғрилик, каззоблик, ёлғончилик, қиморбозлик, фоҳишабозлик ва бошқа рафторларки, ҳаммасини биргаликда гуноҳ, сўфийлар тилида “оина ғубори”-дейлади. Модомики, Худо шу нарсаларга қарши экан, ҳар бир муслим киши ҳаракат қилиб, шу ғуборлардан ўзини пок этиши керак.

Махдуми Аъзам инсонийлик, одобу ахлоқ, поклик, тозалик тўғрисида айтиб ўтилган рисолаларнинг ҳаммасида кўп ва хўб айтиб кетган. Унинг фалсафасию таълимоти ҳам фақат одобу ахлоқ нуқтаи назаридан яратилган. Бунга унинг қуйидаги байти мисол бўлади:

*Одоб янглиг нурга тўлмиш бу фалак,
Одобдин гуноҳсиз пок келди малак.
Ҳар кимки, соҳиби одоб эрур,
Қариллик пайтида ижоб эрур.*

Хуллас, Махдуми Аъзам ўз мухлисларини, солиқларни ва умуман инсон фарзандини хайрихоҳликка, одамийликка, раҳмдилликка, инсонпарварликка, ҳамжиҳатликка ва буларнинг ҳаммасини асоси-иймонга даъват қилади [1;98-99].

Махдуми Аъзам кишиларга, солиқларга шундай насиҳат қилади: “Билгилки, эй азиз, жамий одамизод фано (йўқлик) шарбатидин ичадилар ва ўлиш юқуни тортадурлар, бу дунё фанолик уйдур. Эй, кўзи уйқуда бўлганлар, уйғонинглар, ўлим остонада турибдур. Эй, одамлар, хушёр бўлингиз ва ҳар нафасни ғанимат билингиз, модомики, вужуд саҳросига қадам қўйибсизми, бу фано дарвозасига киришдир. Шунинг учун вақтни ғанимат билиб яхши

ишларни пеша қилинг, ейиш, ичиш, ухлашни камроқ қилинг. Уйқу бамисоли маргдур, у ғофилликдир. Уйғоқлик бу юракка вафо қилишдур ва юракка вафо қилиш Худоба вафо қилишдур [1'94]...”

Худованд инсонни ниҳоят хатарли йўлларни босиб ўтиш учун юборган. Унинг хатарлилиги шундаки, инсон туғилишидан тортиб сўнги нафасигача қанчадан-қанча азобу укубатлар, ташвишлар, хору зорликулар, камситилишлар, ташнаю беморлик, бечоралигу бағриконликларга дучор бўлади. Лекин бунинг сабабкори одамизотнинг ўзидир, дейди аллома. Худо кишиларни азоб укубатлар учун яратган эмас. балки дунёни обод қилиш, унинг вужуди ва аъмолида ўз жамолини кўриш учун юборган. Инсонга анбиёлари (пайғамбарлари) орқали яшаш йўлини, қонун-қоидасини белгилаб берган ва Махдуми Аъзамнинг таъкидлашича, агар кишилар ўша ақоидлар билан иш тутсалар ҳеч вақт хору зорликка дучор бўлмасликлари керак. Бироқ кишилар кўпинча худобехабарликка йўл қўядилар, унинг истагини бажаришни хохламайдилар, шу сабабдан ҳамма вақт нохушликларга гирифтор бўлиб юрадилар, дея афсусланади аллома. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, кишининг ҳар нафас олиши бу умр хонасидан бир ғиштнинг кўчиб тушуши кабидир. Инсон шундай бечораки, у бамисоли қўлнинг кафтида турган тупроқдир, сал пуфласанг учиб кетади.

*Бечора кас аст одамизод,
Хок аст, ки пуф куни барад бод.*

Яъни:

*Нақадар чорасиз экан бу инсон,
Туфроқ каби, пуф де, учади шу он.*

Хуллас, мавлоно Махдуми Аъзам бу асариди ҳам кишиларни вақтни ғанимат билиб, уни тўғри истифода этишга, покликка, ҳақиқий мақсад йўлида курашишга даъват этади [1;94-9].

Эй толиби содиқ! Билгилким, Ҳақ субҳона ва таолонинг ният ва мақсуди-ушбу нисбати маънавийнинг ривожига ҳамда ўзига муҳаббат изҳор эттиришдир; чунончи, айтибдурларким,-башарнинг (одами зотнинг) яратилишидан мақсад-раббил оламиннинг (Худонинг) муҳаббатига сазовор бўлиши ва ўз муҳаббатини изҳор этишидир.

Байт:

*Мазмуни: Сенинг ишқингдан мақсадим-дарду гаминг кўп бўлишидир,
Бўлмаса бу дунёда егулик нарса оз-ми?*

Эй дарвиши содиқ! Билгилким, инсониятнинг (ҳар кунлик) махсус ибодатидан мақсад, жам бўлиб масжиднинг ҳақини адо этишдир. Буни-зоҳирий ва ботиний (ибодатларнинг) белгиланган жиҳати, деб билиш лозим. Масжиддагиларнинг зоҳирий ибодати баъзи малоикалар каби қиём, қироат рукўъ ва саждадан иборатдир; зероки, айтишларича, малоикаларнинг ҳар бирлари махсус бир ишни бажарадилар; чунончи, уларнинг баъзилари рўкўъда, баъзилари саждада ва шунга ўхшаш ҳолатларда ибодатда турибдилар [2;71-72].

Аммо инсонни жомеънинг (масжиддагиларнинг) ботиний ибодати буткул маърифатдан иборат бўлиб, тафсирчилардан баъзилари маърифат деб

шарҳладилар ва баъзилари эса уни ҳолатидир, -деб баҳо бердиларким, натижада бу ибодат зоҳирий ва ботиний ибодатларга бўлингандир.

Ботиний ибодатдан мақсад шулким, Ҳақ субҳоно ва таолонинг улуғ маърифатига эга бўлишдир: чунончи, Ҳақ субҳоно ва таоло икки сифатдадир: 1) сифати жамолий; 2) сифати жалолоий.

Ибодат қилувчи одам ушбу икки зоҳирий сифатга мушарраф бўлганидек, малоикалар Ҳақ субҳона ва таолонинг жамолий сифатига мушаррафдирлар. Ориф одам шулким, унга буларнинг ҳаммаси аёндир. Лекин, унга Ҳақ субҳона ва таолонинг жамолий сифати сиғмпейди (етишмайди); чунки, инсон икки сифатга эришганлиги жиҳатидан жамоанинг ибодати ҳам шунга (шу фазилатга) мослашгандир.

Малоикаларга ва жамий махлуқотларга нисбатан инсоннинг шарофатга эришганлиги ҳам шу жиҳатдандир.

Байт:

Мазмуни: *Асрор-сирлар бор жойда илм бор*

Рухонийларнинг ибодати ҳам кўндир.

Сен жоннинг ёниши ва кўнгил дардини элтким,

Бу сифатлар у ерда малоикалар маконида кўринмайди [2;71-72].

Нақшбандияга доир манбалар, жумладан, Махдуми Аъзам Даҳбедий Косонийнинг (1461-1542) “Танбият ус-салотин” рисоласида Хожа Аҳрор туфайли тариқат ва давлатдорлар ўртасида юзага келган янги муносабат “ихтилот” сўзи билан ифодаланган. Бу сўз тариқат аҳлининг давлатдорлар билан янги ижобий муносабатини англатиб, борди-келди, мулоқот, суҳбат, машварат, маслаҳат, келишиш, ҳамкорлик ва бошқа шунга ўхшаш маъноларда ишлатилган.

“Танбият ус-салотин”да Хожа Аҳрор вафотидан кейин XVI асрнинг биринчи ярмида Самарқандда нақшбандия тариқатига раҳнамолик қилган Махдуми Аъзам тариқат риожи подшоҳларнинг унга хайрихоҳ муносабатига боғлиқ, деган фикрни таъкидлайди: “Аммо, эй толиби солиқ, шуни билгилки, гар замон подшоҳлари уларга ва уларнинг тариқатига мухлису мўътақид, уларга мадаккор ва ёрдамчи бўлсалар, бу олий тоифа (нақшбандийлар-С.С.) билан шуғилланиб, уни ривожлантира оладилар. Акс ҳолда, жуда мушкул бўлади” [3;14].

Махдуми Аъзам рисолада Хожа Аҳрорнинг подшоҳлар мададисиз тариқат фаолиятини ривожлантириш мумкин эмаслиги ҳақидаги хулосасини изоҳлаб, аксарият одамлар нодонлиги ва жоҳиллиги боис ушбу тоифа завқу ҳолига мункир бўлиб, уларни ҳамиша такфир ва инкор этиб, ташвишга солиб келгнаналар деб ёзади. Аммо подшоҳлар бу тоифага мухлис ва эътиқодманд бўлсалар, мункирлар ҳеч бир зиёнли иш қила олмайди [3;14-15].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Илёсхон Ғозий. Махдуми Аъзам Имом ал-Косоний. Ўзбекистон, -Т.: 1996. 98-99-б.

2. Махдуми Аъзами Дахбеди. Зубдат ус-соликин ва Танбият ус-салотин // Суғдиёна. 1994. 71-72-б.
3. Садри Саъдиев. Тариқатда ўзгариш ясаган муршид // Ҳидоят. 2004. 12-сон. 14-бет.

САФАРНОМА ЖАНРИНИНГ ТУҒИЛИШИ ВА ТАКОМИЛИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

*Неъматова Хулкар Абдулбакиевна,
ЖДПИ мустақил тадқиқотчиси*

Инсон сийратида уни ўраб турган оламни ва одамзодни ўрганишга бўлган қизиқиш, эҳтиёж, ҳаракат бўлмаганида эди, бани башар бугун қўлга киритган ютуқларининг ўндан бирига эришиши ҳам амри маҳол эди. Атроф-оламни ўрганишга иштиёқи аслида унинг ўз-ўзини билишга, ўзини англашга қизиқишидан, эҳтиёжидан туғилади. Шу эҳтиёж, қизиқиш натижаси ўлароқ инсон йўлга чиқади, сафар қилади. Сафар эса билим, англаш, ўрганиш, қиёс, иқдор, эътирофнинг энг қулай усулидир. Шу аснода маърифатли инсонлар ўз таассуротларини оқ қоғозга туширадилар. Илмда бундай битикларнинг жанри бадий публицистикага мансуб бўлган очеркнинг уч туридан бирининг номи билан – йўл очерки, дея белгиланган ёки бундай асарларни сафарнома, саёҳатнома деб аташ ҳам одат тусига кирган. “Саёҳатнома – адабий жанр, йўлчининг сафар давомида кўрган-кечирганлари, ўзга юртларнинг табиати, ижтимоий-маиший турмуши, халқи, урф-одатлари ва бошқа ш.к. Муаллиф мансуб миллат ўқувчилари учун қизиқарли ва фойдали бўлиши мумкин бўлган маълумотлар берувчи асар” [1.265]. Саёҳатнома бадий, илмий ва публицистик характерга эга бўлиб, турли шакл ва жанрларда ёзилиши мумкин. Саёҳат ва сафар атамалари туркий ва форс-тожик адабиётида кенг қўлланади. Луғатларда “саёҳат” сўзи – сафар, сайр қилиш, дам олиш, ҳордиқ чиқариш, дунёни кўриш мақсадиди қилинган сафар маъноларини англатади [2.420]. Жаҳон, жумладан ўзбек адабиётида ҳам саёҳат таассуротлари, тўпланган материаллар кундалик ёки очерк шаклида баён қилинган. Миллий мумтоз адабиётимизда эса саёҳатнома жанри шеърӣ йўлда ёзилганини кўришимиз мумкин.

Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётида нома жанри хат, мактуб шаклида ёзилган бадий асар ҳисобланиб, асосан маснавий усулида қофияланади. Аммо ўрни билан “... мазкур атама (нома-Н.Ҳ.) кенг маънода умуман асарга, аксари ҳолда бирор ҳодиса, шахс ҳаётини атрофлича ёритган бадий, тарихий-сиёсий китоб ва рисоаларга нисбатан ҳам қўлланади. Бунда асарлар таркибидаги “нома” сўзи аксар ҳолларда “ҳақидаги асар” деган мазмунни ифодалайди [3.170].

Демак, саёҳатнома ёки сафарнома сўзи таркибидаги “нома” атамаси яхлит олганда саёҳат, сафар ҳақидаги асар деган маънони билдиради.

Бирор бир жанрнинг пайдо бўлиши фақат адабиётнинг специфик қонуниятлари, ички сабаб ва оқибатлар билан изоҳланмай, балки жамиятда

кечаётган сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий-руҳий жараёнлар ҳам у ёки бу жанрнинг туғилишига, ривожига туртки бўлиши мумкинлиги жаҳон адабий тажрибаларидан маълум. Худди шундай сафарномалар ҳам аксарият ҳолларда диний-руҳоний эҳтиёж, дунёни билиш, таниш, маълум бир даврлар, жамиятлар тарихида фикрий уйғониш, ислоҳот жараёнларининг ҳосиласи ўлароқ туғилган, шаклланган. Рус олимаси Светлана Сботова таъкидлагандек, “Йўл, сафарга рағбат нафақат физик балки метафизикавий мотив сифатида барча буюк динларда учрайди, айти пайтда уларнинг раҳнамолари – Христос, Будда, Магомет (Пайғамбаримиз Муҳаммад Саллаллоҳу алайҳи ва саллам – таъкид бизники, Н.Х.) эса толмас саёҳатчилар бўлиб, ҳеч қачон бир ерда муқим туриб қолган эмаслар. Муқаддас жойларнинг зиёрати учун сафар ғояси барча дунё динларида бор” [4.20].

Рус сайёҳи Афанасий Никитиндан 25 йил олдин, португал сайёҳи Васка де Гамадан 56 йил олдин 1441-1444 йилларда Ҳиндистонга денгиз орқали бориш йўлини биринчи бўлиб босиб ўтган ватандошимиз Абдураззоқ Самарқандий ўз сафарномасини “Оллоҳу таолонинг сўзи: “У (Оллоҳ) сизларни қуруқликда ва денгизда сайр қилдирувчидир”, - дея Юнус сурасининг 22 ояти билан бошлар экан, ... энг билимдон подшоҳ (тангри)нинг (барчани) ожиз қолдирадиган шаклда терилган каломи (Қуръони Карим) да у (сафар) фойдаларининг дурлари ғоят гўзал бир нозиклик билан саранжом топган” [5.112], - деб таъкидлайди.

Жадид сафарномаларининг муаллифларидан бири Бехбудий ўзининг “Қасди сафар”ида: “Денгиз ойнадек шаффоф ва сокин, ҳаво латиф, ялғуз остимизда суву устимизда Бухородур”,-дея таассуротларини бўлишар экан,- “Ердагиларни Сизга мусаххар қилдим – Оллоҳнинг амри ила марокиби баҳрия денгизга жорий бўлур” мазмунидаги оятлар мулоҳаза қилинур” [6.69,70],-деб Қуръони Каримда сафар борасида тайин этилган қоидаларни эслатади.

Имом Бухорийнинг “Ал-жомиъ ас-саҳиҳ” [7.173] ҳадислар тўпламида ҳам “Намозни қаср ўқиш” ҳақидаги боблар қисмининг 4,5,6,11,12,13, “Умранинг вожиблиги ва фазилати” қисмининг 1,14,15,19,20-бобларида сафар билан боғлиқ ҳадислар келтирилган. Уларда сафарнинг зарурати, шукронаси, ҳайрат билан айти пайтда машаққати, масъулияти, қийинчиликлари эслатилган. Сафар заҳматларини бўйнига олиб, йўлга чиққан инсонга Ислолда ибодат амалларини бажариш борасидаги тартиб-қоидалар Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ибратлари мисолида ривоят қилинган. Шунингдек, ислом оламнининг буюк мутафаккирлари Абу Ҳамид Ғаззолийнинг “Саодатга элтувчи илм” [8.173], Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” [9.76] асарларида сафар хусусида қимматли фикрлар айтилган.

Сафарнома жанрининг пайдо бўлиши ва такомилли тадқиқини ўрганган рус олимлари яқдиллик билан рус адабиётида бу жанрнинг паёдо бўлишини Х асрда Қадим Русда христианлик динининг юзага келиши билан боғлайдилар. Дарҳақиқат, Муқаддас Китобларидан бири Библиянинг охириги ва энг муҳим бўлими Инжилда Нажоткор – Исо Масиҳнинг етмиш шогирдини сафарга юбориши билан боғлиқ “Етмиш шогирдининг воизлик сафари” боби бор. Исо Масиҳнинг сафарга отланаётганларга қарата: “Ҳосил мўл, бироқ ишчилар оз,

Ўз ҳосилингни йиғиб-терадиган ишчилар юбор, деб ҳосил эгасига илтижо қилинглр. Боринглр! Сизни бўрилар орасига кўзилардай юбораяпман” [10.165], – деган сўзларида ўзига хос ички маъно бўлиб, унда сафарнинг мақсади билан айна пайтда машаққати ҳам кўрсатилган. Исо Масихнинг кейинги сўзларида эса сафардаги инсоннинг ўзига яраша одоби, кадр-қиммати, муруввати, ори-номуси бўлиши лозимлиги, сафарга чиқишдан мақсад ва муддаони инсон унутмаслиги кераклиги уқтирилади: “Қайси уйга кирсангизлар, аввал бошда: уйингизга тинчлик бўлсин”, деб салом беринглр. Агар у ерда бирор тинчликсевар бўлса, унинг боши саломат бўлади. Бўлмаса, саломингиз сизларга қайтиб келади. Қирган уйда қолинглр, сизларга нимани берсалар, уни еб-ичинглр. Чунки меҳнаткаш ўз меҳнатига яраша тақдирланмоққа муносибдир. Уйма-уй ўтиб юрманглр. Қайси шаҳарга келганингизда, сизларни қабул қилсалар, олдингизга қўйилганни енглр. Ўша ердаги касалларга шифо бериб, уларга : ” Худонинг шоҳлиги сизларга яқинлашди“, деб айтинглр” [10.165], – дейди.

Рус тадқиқотчилари қадимги рус адабиётида сафарнома (хождений) жанрининг илк намунаси сифатида аббат Даниилнинг 1106-107 йилларда Муқаддас ерга (Исо яшаган ва хочга тортилган жой) қилган зиёрати тафсилоти битикларини кўрсатишади. Аббат Даниил ўз сафарномасида Ўрта аср одамларига аввалдан яхши таниш бўлган қаҳрамонликлар тарихини, Библиядаги ривоятларни қайта сўзлаб, асло баёнчиликка, шарҳловчиликка йўл қўймайди. Рус адабиётшунослари ушбу сафарноманинг адабий-бадий қимматини ҳам шунда кўрсатадилар, аксинча, у ўз олдида мифларнинг ҳақиқатдан мавжудлигини, Библияда тасвирланган воқеалар реал тарихий маконда рўй берганлигини исботлаб беришни мақсад қилиб қўяди. Бунинг учун эса аббатдан Исо яшаган ва хочга михланган жойни батафсил тасвирлаб бериш талаб этиларди. Мана шу талаб Аббат Даниилни айна пайтда хушёр саёҳатчига, синчков кузатувчига холис баҳоловчига айлантирди. Шу тариқа аббат Даниил ўзи билмаган ҳолда сафарнома жанрининг илк анъаналарига асос солди. Даниил сафарномасини тадқиқ этган рус адабиётшуноси Панцеров унинг баён йўналишидаги икки характерли жиҳатга эътибор қаратади. Айтиш мумкинки, бу икки жиҳат кейинги яратилган сафарномаларга ҳам хос хусусият сифатида ҳамон яшаб келмоқда. Олим даставвал Даниилнинг баён услубига ундаги “Царьграддан кўрфаз бўйлаб Ўртаер денгизигача 300 чақирим, Мармара оролидаги Петали лиманигача 100 чақирим. Бу Мармара денгизига биринчи орол. Бу ерда бағри кенг лиман ва Эрекли шаҳри бор” [12.htt/] каби географик номлар, худудлар, уларнинг жойлашиш нуқталари ҳақидаги маълумотларнинг аниқлигига эътибор қаратади. Шу билан бирга Панцеров Даниил сафарномасидан қуйидаги: “ Эзгу умидлари амалга ошиб, муқаддас маконга оёқ қўйган кимса кўз ёшларини тиёлмаса керак. Бори Худойимиз Исо Масих, сени севувчи биз осий бандаларингни гуноҳларимизни ўзинг авф этгайсен” [12.htt/] – парчасини таҳлилга тортар экан, шундай ёзади: “Аббат Даниил сафарномасида яна бир сюжет чизиги бор, бу унинг тасвир баёнидаги эҳтирослилик, юксак бир пафоски, бу муқаддас Иерусалим пойида турган инсоннинг (Аббат

Даниилнинг-таъкид бизники, Н.Х.) хайрати ифодаси бўлганлиги учун ҳам ўқувчи уни жонли, табиий қабул қилади” [14. 14].

Панцеров фикрларига эътибор қаратадиган бўлсак, олим аббат Даниил сафарномасининг сюжет чизигини икки йўналишда белгилаяпти.

1. Саёҳат маршрутининг батафсиллиги, шаҳарлар, денгизлар, тоғлар, ороллар, бухталарнинг географик ўринларининг аниқ тасвири;

2. Сафар-зиёрат давомида кўрган-кечирганларига саёҳатчи-муаллифнинг субъектив муносабати, баҳоси.

Хулоса қилиб айтганда, аббат Даниилнинг мана шундай ўзига хос услубдаги саёҳат битикларини XII асрда Қадим Русда ўзга юртлар ҳақида дастлабки сафар хотираларини яратишга бўлган уриниш, дейиш мумкин.

14-15 асрга келиб инсоннинг ўзи эгаллаб турган дунёни ўрганишга бўлган иштиёқи кескин ошди.

Шарқу Ғарбнинг уйғониш даври сайёҳларини иқтисодий-сиёсий, маънавий-руҳоний эҳтиёж, шунингдек, янги мамлакатларни ва шаҳарларни кўриш, ўзга халқларнинг ҳаёти, маиший турмуш тарзини ўрганиш, бегона юртларнинг ўзига хос табиати, ҳайвонат-ўсимлик олами, номаълум маконлар ажойиботларига қизиқиш доимий йўлга, сафарга чорлади.

Сайёҳларнинг қизиқиш доираларининг хилма-хиллиги, мақсад ва вазифаларнинг турличалиги сафар-битикларининг табиатига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Сафарнома муаллифлари энди ўзлари босиб ўтган йўлни, кўрган-кечирган воқеа-ҳодисаларни, алоҳида аҳамият касб этадиган топонимик объектларни тасвирлаб беришга, воқеа ва ҳодисалар баёнини кундалик лавҳаларда акс эттиришга ҳаракат қилдилар, натижада Қадим Русда аббат Даниилнинг зиёрат ҳарактерида яратилган саёҳат битикларига ўхшаш сафарномаларнинг бадий имкониятлари кенгайди, бу эса ўз навбатида саёҳат материалларини қоғозга тушириш жараёнида жанр тамойилларида ҳам кескин ўзгаришларга олиб келди.

Қадимги рус адабиётида XII асрда яратилган зиёрат ҳарактеридаги сафарномаларга очеркка яқин яратилган сифатида қараш мумкин. Йўл очерклари публицистиканинг энг қадимий жанри сифатида дастлабки вақтли матбуот нашрлари билан туғилиб, ривожланиб узок йиллар давомида ўз тадрижида бир қатор жиддий сифат ўзгаришларига дуч келди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Куронов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Академнашр, 2014. 265-б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2007. 420-б.
3. Салаев Ф. Қурбонниёзов Т. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. Янги аср авлоди, 2010. 170-б.
4. Сботова С. В. Рефлексия темы путешествия (пути) в художественно-философской мысли западной Европы и России XVIII-XX вв.

- (Диссертация на соискание ученой степени кандидат культурологии). – Саранск: 2005. –с. 20.
5. А.Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Ҳиндистон сафари достони. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 112-б.
 6. Беруний М. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 2006. 69-70 б.
 7. Ал Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис. 4 китоб. Ал-жомий ас-саҳиҳ. –Т.: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018. 173-б.
 8. Абу Ҳамид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм. –Т.: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018.173-б.
 9. Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи султоний; Ахлоқи муҳсиний. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. 76-б.
 10. Инжил /“Тавротдан ибтидо”/ Забур. Библия таржима қилиш институти. Стокгольм. –Швеция. 1992. 165-б.
 11. **Житие и хождение Даниила, игулина русской земли.** <http://old-russian.chat.ru>
 12. Панцеров К.А. Путевой очерк: эволюция и художественно-публицистические особенности жанра. (Диссертация по соисканию ученой степени кандидата филолог.наук) –Санк-Петербург 2004. 14-15 с.

POETIK IFODANING XALQONA TARZI

*Ochilov Erkin Shukurovich.,
Mavlyanova Shaxnoza Dehqonboyevna
Hamid Olimjon va Zulfiya nomidagi
ijod maktabining o‘qituvchilari*

Har qanday iste‘dodli, milliy shoir badiiy tafakkur vositasida o‘ziga xos san‘atkor ekanini ko‘rsatadi. Tabiiyki, bunday ijodkor asarlarida badiiy tasvir vositalarini mohirona qo‘llash, badiiy tilning tasvir imkoniyatlari, ayniqsa, poetik ifodaning xalqona tarzi yaqqol namoyon bo‘ladi. Qolaversa, muayyan xalqning milliy xususiyatlari mavhum tushuncha emas, balki tilidek o‘ta aniq va individual hodisada reallashadi. Har qanday badiiy asar qaysi millat hayoti haqida hikoya qilsa, qaysi millatga mansub insonning his-tuyg‘ularini ifodalasa, shu xalqning ruhini, an‘analarini, milliy o‘ziga xosligini qabariq holda ifodalashi tabiiydir. Milliy til va xalq ruhi ...har bir asarda betakror tarzda uyg‘unlashadilar va jonli bir vujudni - badiiyatning aniq bir farzandini dunyoga keltiradilar¹. Darhaqiqat, har qanday badiiy asarning sehrli, jozibali, maftunkorligi, o‘z navbatida, badiiy asar tiliga, ruhiyatiga hamda ijodkorning individual uslubiga bog‘liq. Zero, xalq yozuvchisi Pirmqul Qodirov: Har bir tilning qudrati va afzaliyatlari shu tilni yaratgan xalqning o‘zi bilan birga yashasagina rivojlanib, o‘sib boradi. O‘z xalqidan va sarzaminidan uzilib qolgan til tabiiy kuchini, boyligi va go‘zalligini yo‘qota boshlaydi. Demak, el borki,

til bor. Eldan uzilmagan odam tildan ham ayrilmaydi, deb ta'kidlaydi. Ijod ahli go'zal va betakror iboralarni, matal, maqol va rivoyatlarni, albatta, elidan, xalq ichidan topadi; ko'pchilik bir oz e'tiborsiz bo'lgan yoki ustini bir oz chang bosgan noyob durdonalarni qayta yaraqlatib o'z xalqiga taqdim etadi. Natijada, ifodalarning xalqona ekanligi, el diliga yaqinligi uchun tahsinlar eshitadi. Chinakam xalq yozuvchisi, shoiri sifatida shuhrat qozonadi. O'zbek xalqining shunday ehtiromiga sazovor bo'lgan, xalq dilidan, qalbidan o'z she'rlari bilan chuqur o'rin olgan shoirlardan biri shubhasiz Abdulla Oripovdir. Mustabid tuzum davrida ham bu shoir birovlariga taqlid qilishdan, to'ti bo'lishdan orlandi; bulbul kuyini o'z so'zi bilan o'zbekona go'zal tilda kuylashni o'z oldiga maqsad qilib qo'ydi.

O'zbekiston Respublikasining mustaqilligi tufayli milliy tilimizga e'tibor kuchaydi. Ona tilini sevish insonparvarlik belgisi hamda ajdodlarimiz ruhiga cheksiz mehr-muhabbat ramziga aylandi. Har qadamda millatni qadrlash, tilni asrab-avaylash umumxalq ishi, fuqarolarning milliy g'ururini ko'tarish omili bo'lib qoldi. Binobarin, Prezidentimiz Islom Karimov ona tilining ahamiyatini ta'kidlab, shunday degan edi: Jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga, avvalo, ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi. Men bu masalani alohida ta'kidlab aytganim bejiz emas. Ona tili - bu millatning ruhidir. O'z tilini yo'qotgan har qanday millat o'zligidan judo bo'lishi muqarrardir¹. Zero, millat ruhini anglatuvchi yagona dastak ham ona tilidir. Ijodkorlar milliy til taraqqiyotida, uning turli leksik va semantik jihatidan boyishida o'z badiiy asarlari bilan cheksiz ulkan xizmat qilishlari mumkin. Agar jiddiyroq e'tibor berilsa, badiiy asarni poetik tilsiz mutlaqo tasavvur qilib bo'lmaydi. Chunki badiiy adabiyot so'z san'atidir. Bu san'at turining boshqa komponentlarini mutlaqo e'tibordan soqit qilmagan holda ta'kidlash lozimki, ijod ahli badiiy til vositasida muazzam san'at koshonalarini bunyod qiladi. Shu ma'noda Abdulla Oripov yaratgan she'riyatning badiiy tili, tildagi imkoniyatlar, yangiliklar, uslubiy o'ziga xosliklar ustida alohida fikr yuritish foydali bo'ladi, albatta.

Har qanday ijodkor his-tuyg'ularini, voqelikka estetik munosabatini so'z vositasida ifoda qiladi. Badiiy asar tili poetik tafakkurning eng muhim mezonlaridan biri sanaladi. Aslida nazariy jihatdan qaraganda til badiiyati negizida so'zlarni ko'chma ma'noda qo'llanish, lug'at boyligimizda mavjud so'zlarni o'z o'rnida ishlatish, xalqona frazeologik birliklardan unumli foydalanish juda katta ahamiyat kasb etadi.

Abdulla Oripovning mashhur «O'zbekiston» she'rida qaratqich kelishigi qo'shimchasi (-ning) shaklini o'zgartirib, ya'ni «mening» o'riniga «manim» tarzida qo'llashi ham, aynan, she'rning badiiy qiymati oshishiga xizmat qilgan. Ora-orada takrorlanib keladigan «O'zbekiston Vatanim manim» satri o'z orginalligi, shuningdek, shu misradagi ikki so'zning (Vatanim, manim) o'zaro ichki qofiyalanib kelishi kuchli emotsiyani paydo qiladi. Shoir xuddi shu

she'rida: «Balki ustoz Oybekdek to'lib, Yozajaksan yangi bir doston, Balki Habib Abdulla bo'lib, Sahrolarda ochajaksan kon», degan misralar bor. E'tibor qilinsa, adabiy tilga norma-mezonlariga bo'lmagan «-jak» grammatik qo'shimchasi asosan o'g'iz lahjasida keng qo'llanadi. She'riy misrada qo'shimchanning «yozajaksan», «ochajaksan» tarzida anormal qo'llanishi til badiiyatiga xizmat qilgan.

Shu nuqtai nazardan qaraganda oddiy ko‘ringan birgina grammatik qo‘shimcha ham she‘riy asarning badiiy tili masalasida o‘z ahamiyatiga ega, albatta.

O‘zbek adabiy tili shevalarda mavjud so‘zlar vositasida boyib boradi. Ulkan epik asarlarda qahramonlar nutqi shevadagi so‘zlar asosida individuallashtirilsa, ishonchlilik quvvati oshadi. Agar she‘riy misralar tarkibida o‘rinli qo‘llansa, tabiiyki, she‘r xalq qalbidan o‘rin oladi. Shu ma‘noda Abdulla Oripov she‘rlari tilidagi xalq tili elementlari, xususan, shevaga xos so‘zlarning o‘z o‘rnida qo‘llanishi kuzatiladi.

Shoir «Yuzma-yuz» she‘rida yozadi:

Mamontlar to‘dasi chiqdi o‘rmondan,

Shimol ko‘chkiniday vahshiy va sarmast

Va lekin vahshyroq to‘da har yondan

Bostirib keldilar guras va guras (I jild, 60-bet).

Sarmast so‘ziga original qofiya sifatida ishlatilgan guras so‘zi shoir tug‘ilib o‘sgan Qashqadaryo shevasiga xos bo‘lgan so‘z hisoblanadi. Xuddi shu Yuzma-yuz she‘rida shoir xalqini ta‘riflar ekan, uning zahmatkashligini aytib Yelda tinim bordir, unda yo‘q tinim degan g‘oyatda xalqona o‘xshatishni ishlatadi. Keyingi satrida: Shunday ishparastdir u munisginam, deya xalqiga bo‘lgan mehrini ifodalaydi. Ishchanligini, mehnatkashlagini ishparast degan yangi bir o‘zi ijodkor sifatida yasagan so‘z bilan bayon etadi. She‘rning davomida millionlab egatlarga sochilgan o‘zbekning holiga qarab, Rangpar singilginam, o‘ylayman seni, deb yozadi. Boshqa bir o‘rinda: Akaning singilga achinganiday degan bag‘oyat xalqona ta‘birni qo‘llaydi. Munisginam, singilginam, ishparast, rangpar – har holda bu poetik so‘zlar, o‘ziga xos tashbehlar shoir she‘riyatining yuksak til badiiyatini ko‘rsatadigan omillar sanaladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Afoqova N. Abdulla Oripov lirikasida badiiy san‘atlar: Filol.fan.nomzodi...dis. – T.: 1997. –B. 142.
2. Ashurova G. Abdulla Oripov she‘riyatida an‘ana va badiiy mahorat (obraz, g‘oya va tasvir). Filol.fanlari nomzodi.....diss. avtoref. –T.: 2008. –B. 26.

АВТОБИОГРАФИК ДОСТОНЛАРНИНГ АДАБИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ ВА ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ойжон Холтўраева Шохли қизи,
ЖДПИ магистранти*

Ўзбек достончилиги жуда қадимий ва бой меросга эга бўлиб, унда ўзбек халқининг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, кечинмалари, орзу-умидлари акс этирилади. Достонларнинг бизгача етиб келишида бахшиларнинг хизматини алоҳида этироф этмоқ жоиз. Достонлар оғиздан оғизга ўтиб, айтишув кўринишида бахшилар томонидан куйланиб келинган. Ўзбек халқ достончилигининг ўзига хос йўналишларидан бири автобиографик достонлардир.

Автобиографик дostonлар автобиографик образнинг фаоллиги билан бошқа жанрлардан фаркланиб туради. Асарда тасвирланган барча воқеа-ходисалар автобиографик образ атрофида умумлаштирилади, образлар, персонажлар ҳам унинг тушунчасида, максадига мувофиқ шаклланади, портретлаштирилади. Тасвирланадиган ҳаётий ҳақиқат ва бадиий тўқималар, образлар ва персонажлар автобиографик образ томонидан тартиблаштирилади. Шу асосда унинг «мен»и асосий жанрини белгиловчи функция даражасига кўтарилади. Автобиографик дostonлардаги бахшининг «мен»и анъанавий дoston ва термалардаги қахрамонларнинг «мен»идан мазмунан фарқ қилади. Чунки бахшининг «мен»и унинг ўтган ҳаётини тасвирловчи бадиий фигура экан, янги тарихий давр, унинг ўзига хос асосий хусусиятлари билан муайян боғлиқликда ҳаракат қилади. Шу сабабли янги ҳаётдаги ўсиш-ўзгаришларни лиро-эпик кечинмаларда акс эттирувчи «мен»нинг ҳам функцияси ўзгаради, такомиллашади. Янги инсон характерида рўй бераётган ўзгаришларни типик шароитда акс эттириш ва шу асосда мавжуд тарихий даврнинг энг характерли хусусиятларини очиқ бериш унинг асосий функция доирасини белгилайди. Бахшининг «мен»и билан тарих ва шиддатли замона ўртасида муайян таркибий боғлиқлик вужудга келади.

Чигиртка воқеаси билан (1898-1909) Эргаш шоир оиласининг ҳалокати ўртасидаги боғлиқлик, Фозил шоирнинг Кенас ариғини қазигма мажбуран бориши ва унинг қалбида жамиятга қарши норозилик уйғониши мавжуд давр ва бахши «мен»ининг муайян бирлиги ифодасидир. Бу икки бирликнинг (яъни объектив борлик ва субъектив «мен») таркиб топиши ва амалга ошиши жанр табнатиинг такомилдан, жанр хусусиятиниинг янги йўналишидан дарак беради.

Ўзбек халқ бахшилари кексайган чоғида, дostonчиликда бадиий камолот чўққисига кўтарилгач, ўтган кунларини эслаб автобиографик асар яратиш учун ўзларида рухий эҳтиёж сезадилар. Фозил шоирнинг 80 ёшда, Эргаш шоирнинг 60 ёшда, Ислom шоирнинг 77 ёшда, Абдулла шоирнинг 82 ёшда, Саидмурод Панох ўғлининг 80 ёшда ўз таржимаи холларига оид асар яратишлари фикримизнинг исботидир.

Чунки автобиографик асар яратиш учун бахшилардаги кучли қувваи-хофизаниинг ва бекиёс бадиҳагўйликнинг ўзигина етарли эмас. Булардан ташқари, яратиладиган асарнинг бадиий материални бахши ўз бошидан кечириши ва шулар асосида бадиий асар яратиш учун ўзларида рухий эҳтиёж, ижтимоий масъулият сезишлари ҳам зарур. Шу сабабли автобиографик дostonлар учун энг муҳим ҳаётий материал бахшининг ҳаёт йулидир, бу йулнинг ибратли томонларини бошқаларга юктира билиш маҳоратидир.

Бахшилардан ёзиб олинган автобиографик дostonларни танланган объектларнинг қандай эпик кўламда ёрита олишларига ва хикоя қилиш услубларига қараб уч турга ажратиб таҳлил этиш мумкин. Ана шу таҳлил жараёни ҳар бир бахшининг бутун ижодий репертуарига хос ўз «йўл»ини, услубини (Бахшиларга нисбатан қўлланиладиган услуб тушунчаси ёзма адабиёт вакилларига хос услубдан батамом фарқ қилади. Биз бу ўринда бахшилар

услуги хақида кенгрок фикр юритиш имкониятига эга булмаганлигимиз сабабли бахшилар услубининг маълум дostonчилик мактаблари билан муайян боғликлигини айтнш билан чекланамиз.- А. Т.) хам ёритишга имкон беради. Бахшилар ижодида кўзга ташланиб турадиган ижодий унсурлар, ўзларига хос белгилар анъанавий репертуарга нисбатан уларнинг автобиографик дostonларида янада ёркинлашиб, қабариб кўринади. Чунки автобиографик асарлар хар бир бахшининг ижодий эволюцияси, унинг инсон ва бахши булиб шаклланишига таъсир кўрсатган объектив ва субъектив омиллар хақида ҳикоя қилади.

Биринчи турдаги автобиографик дostonларда маълум бир даври ажратиб олинади ва шу давр, имкони борича, тўлиқроқ, ёркинроқ ёритилади. Бу турга биз Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Таржимаи хол» (Эргаш шоир бу дostonини 1927 йилда Ходи Зарифнинг илтимосига кура, ўз кўли билан ёзиб топширган. Шоир кейинчалик 2 қисмини хам аратган. Лекин номаълум сабабларга кўра, у фольклоршунос олимлар кўлига етиб келмагаи. Кейинги изланишлар хам ҳеч бир ижобий натижа бермади.- А. Т.) дostonини киритишимиз мумкин. Бу дostonда тасвирланган воқеалар тахминан шоирнинг 40 ёшларигача бўлган хаётини ўз ичига олади. Лекин мухими унинг ёшида эмас, балки бу давр Эргашни инсон сифатида шакллантиргаи, ижодкор сифатида «оёққа турғазган» ва донғини оширган, шунинг билан бирга ситамкор хаётнинг ёвуз гирдобларига отган, хаётида энг фожиали давр эди. Шоир дostonда хаётининг ана шу даврини тасвирлар экан, мавжуд тузум биографиясини ўз оиласи талқинида очади. Дostonга ўз оила аъзоларининг фожиасини (укалар, икки синглиси, энаси вафоти, вабо касали, очарчилик, ниҳоят, ўзининг дарбадар кезиши) олиб кирар экан, бу дахшатли воқеалар ўқувчи кўз ўнгида давр фожиаси сифатида намоён бўлади. «Таржиман хол» дostonида Кўрғон дostonчилик мактабининг ўтмиш вакиллари хақида хам бой маълумотлар келтирилган. Эргаш шоирнинг беш ота-бобосн (Ёдгор, Уста Лафас, Мулла Тош, Мулла Холмурод, Жуманбулбул) ва чечан бахши бўлиб етишган икки укаси (Абдухалил ва Абдужамил) билан боғлиқ воқеалар, уларнинг дostonчиликлаги ўрни, дoston куйлаш махорати, соз ва сўзга бўлган муносабатлари, умуман дoston куйлаш санъати хақида хам қизиқарли маълумотлар баён килинган. Шу асосда дostonда бахшининг ижодкор оиласи билан боғлиқ биографияси бири иккинчисидан ажралмас холда тасвирланади, ўрни билан баъзи холларда бири иккинчисини тўлдиради ва шу оркали мавжуд тузумнинг биографиясини тўлиқроқ ёритишга имкон яратилади. Дostonда Эргаш шоир ва у мансуб бўлган Кўрғон дostonчилик мактабига хос «чукур лиризм, чиройли тасвирлар, шеърий безаклар, тафсилотларни кенг ва атрофлича ишлаш, нозиклик ва ёкимлилик»[3] хусусиятлари бўртиб туради.

Иккинчи турдаги автобиографик асарларда бахшининг туғилганидан тортиб, то дoston яратилган вақтгача бўлган хаётининг мухим кирралари тасвирланади. Бу типдаги дostonларда бахши хаётида мухим из қолдирган воқеалар нисбатан кенгрок ёритилиб, бошқа даврларни йўл-йўлакай изох тариқасида эслатиб ўтиши мумкин. Бундай дostonларга Фозил шоирнинг

«Кунларим» асарини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Достонда бахшининг 80 ёшгача бўлган ҳаёти тасвир объекти қилиб олинган. Шоирнинг ёшлик даври (тахминан 20 ёшларгача) атрофлича, кенг кўламда тасвирланади. Чунки бу давр Фозил шоир қалбига ўчмас муҳр солган, гудаклигиданок ҳаётнинг зулмкор тўлқинлари уни ҳар томон улоқтирган, халқ дардини ва халқ ғамини куйловчи бахши қилиб шакллантирган, ҳам ситамкор ва жаҳолатли, ҳам тарбиячи ва мураббий бўлган мураккаб бир давр эди. Фозил шоир «Кунларим» достонида антагонистик синфлар ўртасидаги зиддиятни, конфликтни кучайтириш мақсадида айрим ҳолларда ўз ҳаётига оид бўлмаган фактларни ҳам «ўзиники» қилиб тасвирлайди. Достонда тасвирланишича, дин, шариат пешволаридан бири мулла Қорабой исмли қозининг ҳукми билан ҳеч бир асосиз, қуруқ тухмат билан Фозил шоир қамалади. Аслида эса Фозил шоир ҳеч қачон қамалмаган. Лекин халқ ғамини, халқ дардини куйлаган эркпарвар бахшиларининг ҳаёти ўтмишда доим таҳликали эди. Бундай фактлар бошқа халқ бахшилари биографиясида кўплаб учрайди. Масалан, Хўжаназар бахши 1916 йил кўзғолонида иштирок этгани учун жазо отряди томонидан отиб ташланган. Нурмон шоир Намоз ҳақида достон куйлагани учун Каттакўрғон турмасига қамалган. Булардан яхши хабардор бўлган Фозил шоир ўз биографиясида бўлмаган, лекин муайян умумийлик касб эта оладиган фактни «ўзиники» қилиб тасвирлаш орқали достондаги конфликтни кучайтирган, бадийлигини оширган, муҳими, даврнинг тасвирини реаллаштирган.

«Кунларим» достони икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида бахшининг оғир, ситамкор, машаққатли ҳаёти ҳикоя қилинса, иккинчи қисмида Октябрь инқилобининг мазлум халқларни озодликка чиқарганлиги, уларнинг фаровон турмуши ва шу бахтиёр миллионларнинг бири ўзи эканлиги тасвирланади.

Учинчи тур автобиографик достонларда бахшиларнинг ҳаёти умумхалқ ҳаёт тарзи билан шу қадар боғланиб кетадики, натижада уларнинг индивидуал ҳаёт йўли ёрқин кўринмайди. Автобиографик образ эса индивидуал қахрамон сифатида камолга етмай қолади. Ислом шоирнинг “Бахтиёр авлодлар”, Саидмурод Панох ўғлининг “Кунларим” достонлари анашулар жумласидандир. Бу типдаги достонларда автобиографик образнинг ҳаёт йўли мавжуд давр биографиясини ёритиш учун восита бўла олмайди. Аксинча давр тасвирида автобиографик образнинг айрим хиралашган белгилари кўзга ташланади [4].

Автобиографик достонларнинг кўпчилиги бизгача етиб келмаганлиги ҳамда ва улар ҳақида маълумотларнинг камлигига сабаб шундаки, бундай асарлар бахшининг ҳаёти, ижод йўли, дунёқараши, унинг индивидуал хусусиятларини акс эттиргани учун шогирд анъанавий репертуар сингари устоз бахшидан ўзлаштирилмайди, балки шундай асарлар яратиш услуги ўрганилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Адабий мерос. 2-3-сон. –Т.: Ҳ.С.Сулаймонов номидаги Кўлөзмалар институтининг тахрир ва нашриёт бўлими, 1984.

2. Мадаев О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Тошкент. Мумтоз сўз. 2010.
3. Мирзаев Т. Улкан халқ шоири - Булбул тароналари. –Т.: 1973.
4. Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: Фан, 1983.

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИДА ТУШ МОТИВИ ТАЛҚИНИ

*Турсунқулова Юлдуз Раҳматулла қизи,
ЖДПИ 2-курс магистранти
Илмий раҳбар: доцент Зухра Мамадалиева*

Бугун инсоният тафаккури кўплаб масалаларга ечим топди. Илм билан мавҳум бўлган жумбоқлар ечилди. Аммо инсон нега туш кўриши, нега унга ўзи таъсир кўрсата олмаслиги ҳали ҳануз сирлигича қолмоқда. Бунга психологлар туш бу руҳият билан боғлиқ жараён деб баҳо берар экан, шунга амин бўламизки, инсон борлиқнинг энг мукаммал яратиғи, унда ўрганилмаган жиҳатлар ниҳоятда кўпдир. Туш ҳам инсон руҳиятидаги шундай бир жараёнки, бу моддий олам унда ўз аксини топади.

Жаҳон адабиётининг забардаст романнависи Достоевский шундай ёзади: “...Киши бесару самон бўлиб эзилиб юрган чоғларда унинг кўрадиган тушлари ҳам кўпинча беҳад қаварган, тиниқлашган ва ўнгида кўрганга ўхшаган бўлади. Гоҳида одамнинг тушда кўрган нарсалари фавқулодда жуда даҳшатли бўлиб туйилади, лекин тушдаги муҳит ва кечаётган жараёнлар шу қадар ишонса бўладиган, умумий манзарага мос, уни бадий жиҳатдан тўлдирадиган нозик тафсилотларга эга бўладикки, уларни ўнгида шу туш кўрган одамнинг ўзи ҳам, у борингки, Пушкин ёки Тургенев сингари санъаткор бўлган чоғида ҳам тўқиб чиқара билмасди. Шундай тушлар жуда узоқ вақтлар эсда қолади ва жисми урён ва ўзи бир ҳоли сар бўлиб юрган одамга жуда қаттиқ таъсир қилади...” [1. 70-71].

Дарҳақиқат, биз ҳеч ҳам ўйлаб кўрмаган ҳодисалар тушда рўй беради, шу билан бирга тушда ҳамма нарса рўй беришига ишонамиз. Бирор бир бадий асар йўқки, унинг қаҳрамонлари туш кўрмас? Тушнинг бадий адабиётдаги роли қандай? Қаҳрамон руҳияти ва китобхонга у қандай таъсир кўрсатади? Бу каби саволларга жавоб топиш учун биз адабиётнинг муқаддимаси бўлмиш халқ оғзаки ижодига мурожаат этишни лозим топдик. Чунки халқ оғзаки ижодида устун турувчи мифология, рамзда халқнинг руҳияти ўз ифодасини топади. Адибимиз Назар Эшонкул ҳам буни таъкидлаб ўтиб шундай дейди: “Мифлар халқ руҳиятининг рамзлари. Агар биз шу рамзларни шарҳлай олсак, халқнинг "мени" томон улкан сўқмоқ очган бўламиз. Туш ҳам исломгача ва эътиқод даврининг ана шундай рамзийлик белгисига эга бўлган етакчи мотив ҳисобланади” [2].

Халқ оғзаки ижодининг йирик жанри достонларда туш тасвирига кўп бор дуч келамиз. “Алпомиш” бу достонларнинг ичида мавзу жиҳатидан ранг - баранги, дидактик жиҳатдан энг мукаммалидир. Достон бош қаҳрамони Алпомишнинг характерини кашф этишда ҳам анча реалликка, табиийликка

урғу берилганини кўришимиз мумкин. Чунончи, отаси томонидан унинг кўрқоқроқ деб таърифланиши, унашиб кўйилган қизни ўзи хат ёзиб йўқламагунича эсламаслиги, Қалмоқ юртига истар-истамас йўлга чиқиши каби сюжетлар китобхоннинг ёхуд тингловчининг бош қаҳрамонга нисбатан симпатиясини сезиларли камайтиради. Қалмоқ юртига отланган Алпомиш биринчи тунни чилтанлар, яъни ғойибдан юборилган ҳомий кучлар (улар қирқ нафар бўлгани учун форсча қирқ тан – чилтанлар дейилган) манзилида ўтказар экан, Алпомишни Шоҳимардон пирининг муриди эканлигини билгач унинг кўнглини хушлаш мақсадида Барчиннинг руҳини олиб келиб учраштиради:

“...Чилтанлар илми каромат билан Чилбир чўлидан, Ойна кўлидан, Бахмал ўтовда ухлаб ётган еридан, Барчиннинг руҳини олиб келди танидан. Алпомиш мунда ухлаб ётибди, ухлаб ётган еридан бунинг ҳам руҳини танидан олди. Алпомишнинг руҳи билан Барчиннинг руҳини ўртада бир ерга кўйди. Бир коса шароби антаҳур чилтонлардан Барчиннинг руҳига тегди. Барчиннинг руҳи шаробни кўлига олиб, бир ўзи ичгани кўнгли бўлмай, Алпомишнинг руҳига олинг-олинг қилиб, бир сўзни айтиб турган экан:

*Олинг, аллаёр-аллаёр,
Келинг, аллаёр-аллаёр,
Бўлинг, аллаёр-аллаёр.
Коса ушлаб кўлим толди,
Бийнинг қизи маҳтал бўлди,
Кўнглингиз кимдан қолди,
Боқолмай қолдик сабилди,
Хон тўрам сизга не бўлди,
Олинг, аллаёр-аллаёр...*

Барчиннинг руҳидан бу сўзни эшитиб, Алпомишнинг руҳи ҳам бир сўз айтиб турган экан:

*Сенинг кўнглинг бизда бўлса,
Кўнгирут элдан Қалмоқ элга
Келмам, аллаёр-аллаёр.
Мен ҳам Қалмоқ элга бориб,
Душманларнинг додин бериб,
Қалмоқ элда ишлар қилиб,
Мард бўлиб майдонда туриб,
Қилган ишим барча кўриб,
Дўст-у душман қойил бўлиб,
Шул кун шаробинг олиб,
Шунгачайин бийнинг қизи,
Ичмам, аллаёр-аллаёр.
Шул кун бўлса, бўлар даврон,
Ҳозир иш қилмайман пинҳон,
Кўп мени қичама жанон,
Олмам, аллаёр-аллаёр.*

Бу сўзни икковининг руҳи бир-бирига айтди, кечаси файзи саҳар вақтига етди. Чилтонлар Барчиннинг руҳини олиб кетди” [3. 124-125.]

Мазкур парчадан шундай хулосага келиш мумкинки, истар-истамас йўлга отланган Алпомишга ошиқлик етишмаётган эди. Зеро, чин ошиқ ҳеч қандай тўсиқлардан чўчимайди. Барчин эса “Юсуф қиссаси” қаҳрамони Зулайҳо каби Алпомишга ундан зиёда мойил эрди. Етти йилдан бери бир-бирини кўрмаган қаллиқлар тушларида тўқнашар экан, Барчиннинг айни балоғатга етган ҳолатини, латофатини кўрган Алпомишнинг кўнгли хуш бўлиб йўлда жадаллади. Барчин узатган май аслида ишқ майи бўлиб унда қаҳрамонларнинг бир-бирига бўлган муҳаббати бор эди.

Навбатдаги кечада уч қаҳрамон - Алпомиш, Барчин, Қоражон - олдинмакейин туш кўришади: “...Кечаси файзи саҳар вақтига етди, саҳар вақти чўпонларнинг қушхонасида ётиб бир туш кўрди. Излаб бораётган Барчин ёри, бул ҳам бахмал ўтовда ётиб, субҳи содиқ тукқан вақтда бир туш кўрди. Кашал горида, тўқсон қалмоқнинг ичида Қоражон алп ҳам бир туш кўрди.

Аввал Алпомишнинг туши:

Бир Қусармас пири тушида шу сўзларни айтиб билдирди:

Ҳакимбек кирганди ўн тўрт ёшига,

Меҳмон бўлди чўпонларнинг қўшига,

Ул кечаси файзи саҳар бўлганда,

Расули Худони кўрди тушида.

Маст уйқуда ётиб эди бу шунқор,

Ғафлатдан кўзини очди Искандар,

Кўзига кўринди расул пайгамбар,

Бу сўзларни расул пайгамбар айтди:

“Адашган умматим шафқатдорингман,

Таниб қолгин расул пайгамбарингман,

Умматларни мудом йўлга солурман”. [3. 124-125.]

Ҳадиси шарифлардан ҳам шу нарса маълумки, Расули Акрам мўминларнинг тушларига кириб йўл-йўриқ кўрсатади, шайтон фақатгина Муҳаммад [с.а.в] нинг қиёфасига кира олмаслиги келтирилган. Бу сўзларни эшитган Ҳаким шу замон:

“Пайгамбарим, эшитинг оҳ-у зоримни,

Сабил қилмам элда кирдикоримниъ

Ҳали ололмайман Барчин ёримни,

Кўролмадим Шоҳимардон пиримни”.

Алпомиш бу вақтда ўзига ишончи сусайган, иккиланган бир ҳолат эди. Унинг бу руҳиятини ҳисобга олсак бу тушдан олган мотивацияни у ҳеч ким ва ҳеч нарсдан ололмас эди:

“Ғам ема, умматим, - деди пайгамбар,

Остида дулдули, белда зулфиқор,

Жиловида Бобо Қамбар жиловдор,

Ғамингда отланди Шоҳимардон пирлар,

Ғайратингдан бўзлаб кетар қалмоқлар,

*Ҳеч ким бўлмас сенинг билан баробар,
Сенга тақдир қилди Барчин зулфакдор”.*

Достон қахрамони Алпомишнинг бу тушида унинг хислатли, Аллоҳ назари тушган мўмин эканлигини ҳам англаш мумкин. Ислом динида умуман тушга нисбатан анча жиддий муносабатда бўлади. Чунончи, тушга аломат сифатида қаралиши ҳадислардан ҳам маълум. “Қуръони Карим”нинг мукамал тафсирида “Фотиҳа” сурасини шарҳлаш асносида қуйидаги маълумотга дуч келамиз: “...Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоҳу анҳу тушига азон кирган саҳобийдир. Аллоҳ таоло мусулмонларга кунда беш вақт намоз ўқишни фарз қилганида Расулulloҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалари билан одамларни намозга қандай чорлаш тўғрисида маслаҳат солдилар. Ҳар ким ҳар хил фикр айтади, аммо пайғамбар алайҳис-салом бу фикрларни тасдиқламайдилар. Эртаси тонг саҳарда Абдуллоҳ ибн Зайд келиб тушида унга биров азонни таълим берганини Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламга етказиб, ҳозирда ҳам бутун дунёда жорий азон калималарини ўқиб берганида Пайғамбар алайҳиссалом унга Аллоҳ таоло билдирганини айтиб, беш вақт намоз олдида мана шу азонни айтишни буюрадилар...” [4.23] Мусулмон оламида тушга ғайб аломатлари деб жиддий эътибор қиладилар. Расули акрамни тушда кўриш ғоятда улуғ аломатлардан бири эканлиги саҳиҳ ҳадисларда ҳам келтирилган. Барчиннинг кўрган тушида эса рамз, символика кенг берилади. Тушунарсиз, ғаройиб бу тушни Суқсуройдан таъбир қилишини сўрайди:

*Хазон бўлиб боғда гуллар сўлганда,
Жон жасаддан бир беқарор бўлганда,
Зиён ётиб, раҳмат тошар бўлганда,
Раҳмат дарё айни тошиб келганда,
Туш кўрибман файзи саҳар бўлганда.
Қибла бетдан бир ой туриб келади,
Ойнинг гардин тўртта юлдуз олади,
Тушимнинг табири қандай бўлади?
Бу тушни кўргандир мендай муштипар,
Ер юзини тутиб кетди айдаҳор,
Ёмон деманг, яхши жўранг, канизлар.
Келаётир маст туяман айдаҳорлар аралаши,
Ёмон демай, яхши жўранг, канизлар.
Чўлларда кўринди қирқта айдаҳор,
Қирқ айдаҳор бир бургутни кўтарар,
Шул бургут келиб тушиди қошима,
Қанотининг учи тегди бошима.
Бир нечалар ушлаб турди қўлимдан,
Айдаҳорлар тишлаб турди тилимдан,
Қайсар йўлбарс пайдо бўлди кейинимдан,
Қочсам, қўймай маҳкам қисди белимдан,
Ёмон демай яхши жўранг канизлар.*

*Бахмал уйнинг чанггароги ўйилди,
Мендайин ойимнинг зулфи ёйилди,
Орқамдаги чочбовматим туйилди,
Солиб қўйган бул тўшагим жийилди,
Ўйлаб кўрсам, кўрган тушим қийиндир.
Бу тушининг табгири, қизлар, не бўлди?
Ёмон демай яхши жўранг сабилди. [3 136-137.]*

Барчиннинг бу тушини тинглаб Суксурой канизи таъбир қилар экан бу туш символик қаҳрамонларни ўз ичига олганини кўрамиз. Ой – бу расул пайғамбар, тўрт юлдуз – тўрт халифа, аждарҳо – эрлар, маст туялар – ўттиз уч минг саҳоба, қирқ аждарҳо – қирқта Чилтон пирлар, бургут – Бойчибор тулпор, йўлбарс эса Алпомиш эканлигини таъбир қилиб суюнчи сўрайди.

Қоражон тушида Аллоҳнинг изни билан мусулмон бўлади. Достон давомида ўз ака-укаларига қарши курашиб Алпомишга дўстлигини, Аллоҳга эса чин мусулмон банд эканлигини билдирмоқчи бўлади.

Бу уч қаҳрамоннинг тушидан шундай хулосага келиш мумкинки, бу уч қаҳрамон оддий инсон эмас, балки уларнинг тақдири ўз халқи билан боғланган, елкаларида бутун халқ миссияси мавжуд бўлган инсонлардир. Улар кўрган тушлар қаҳрамон руҳиятига ва бевосита тақдирларига таъсир кўрсатади. Ўзига ишонмай турган Алпомишга ишонч уйғотган бўлса, ёрини интиқиб кутган, орномусни ҳар қандай ҳолатда юксак билган Барчинга тақдир бахтидан яхши мужда беради.

Қоражоннинг ҳидоят йўлига бошлаган ҳам ўз кўрган туши сабаб эди. Умуман олганда тушда оптимистик кайфият мавжуд бўлиб, бу китобхон руҳиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади, асар табиийлигини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Достоевский Ф. Жиноят ва жазо. –Т.: Илм-зиё-заковат, 2021.
2. Назар Эшонкул. Мендан менгача. –Т.: Академнашр, 2014.
3. Фозил Йулдош уғли. Алпомиш. –Т.: Янгиюл Полиграф Сервисе, 2019.
4. Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони азим мухтасар тафсири. –Т.: Моварауннаҳр, 2020.

ШОЙИМ БЎТАЕВНИНГ “ШЎРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР” АСАРИДА ОБРАЗ ЯРАТИШ

*Суюнова Дилбар Рустам қизи,
СамДУ 2-курс магистранти*

Ўзбек адабиётида Қисса жанрининг тараққиёти узоқ тарихга бориб тақалади. Аммо ХХ аср адабиётида бу жанрнинг ўзига хос шаклланиш ва тараққий этиш тарихи мавжуд. Аммо 70 йилларнинг сўнги, 80 йилларнинг бошларида ўзбек адабиётига бир қатор ижодкорлар кириб келди, бу адиблар жанрнинг поэтик талқин хусусиятидаги янгиликларни, ўзгаришларни том

маънода юзага чиқара олди. М.М.Дўст, Тоғай Мурод, Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Н.Норқобилов, Ш.Бўтаев каби адиблар ижодиди бу жанрнинг турфа оҳанларда намоён бўлганлигини кузатамиз. Бу давр қиссачилигида инсоний истироблар билан бир қаторда, миллий қадриятлар талқини ҳам етакчилик қила бошлади.

Шу жиҳатдан, истеъдодли адиб Шойим Бўтаев кейинги йилларда бу жанрда салмоқли ижод қилган ёзувчилардан бири ҳисобланади. Шойим Бўтаевнинг “Шўродан қолган одамлар” қиссасида мураккаб ҳаётнинг турфа хил қирралари билан бир қаторда, даврнинг ўзига хос ижтимоий муаммолари талқини ўз ифодасини топган. Асарга назар ташлар эканмиз “Бахтсиз оила” ва “Ота – бола” деб номланган икки қисмдан иборат эканлигини ҳис эта бошлаймиз. Асарда турфа хил характерлар талқини ўқувчи қалбини ларзага солади. Қиссада назоратчи образи етакчилик қилади, умрининг асосий қисмини қамоқхонада назоратчиликда ўтказган ота ўғлининг “Умр бўйи полиз кўриқчисига ўхшаб битта таёқ ушлаб ўтасизми, ота?” - деган ўринли саволи ота қалбини истиробга солмайди, аксинча, ота ва фарзанд ўртасидаги зиддиятларнинг кучайишига сабаб бўлганлигини кузатамиз. Жоҳил амакиси ва тошмехр отасидан ўч олиш мақсадида икки ўртоғи билан амакисининг бузоғини ўғирлаб қамоққа тушган Тошмуроднинг отаси уни ҳимоя қилиш ўрнига, қайтага ич-ичидан севинади. Назоратчи ва унинг укаси ўртасидаги эски душманликнинг касрига ака-уканинг аёллари ва фарзандлари изтироб чекади.

Асардаги воқеалар ривожига назар ташлар эканмиз, оталик, акалик, оила эгаллиги бурчидан ҳам ўзининг ҳукумат олдидаги назоратчилик бурчини устун қўйган маънавий таназзул сари қадам ташлаб бораётган шахс қисмати, унинг фожиалари китобхонда нафрат ҳиссини уйғотаиш билан бир қаторда, маълум бир тизим яратган инсон қиёфасини ҳис эта бошлайди. Назоратчини Суннат ўғридай одам текис йўлга солиб қўйса тўғри бориб келаверадиган, йўналишини ўзгартирмайдиган трамвайга ўхшатганда, жаҳли чиқиши ўрнига қайтага Москва трамвайига ўхшатганлигидан хурсанд бўлган образ кўз ўнгимизда жонланади. Айниқса, мадрасани бузиб қамоқхона қурдирган Чўянбой Қулмоновдай маънавий қашшоқ инсоннинг охир-оқибат хору зорликда вафот этишини кўрамиз. У бамисоли ўзини шўро ҳукуматининг бир устуни ҳисоблайди, ҳаттоки ўзининг Мусаев деб аталадиган фамилиясини Мэлс деб ўзгартириб олади, лекин бу одамларда кулгу уйғотади. Бировдан ҳақ олмайдиган ва ҳақ бермайдиган назоратчининг уйида ҳам бошқа уйлардаги каби “сичқонлар ҳасса суяниб” юрсада у эътибор бермайди. У учун асосий нарса унинг вазифаси, бурчи. У ҳатто муштипар хотинининг сўнгги йўлга кузатишда ҳам ўзининг севимли формасидан кечмайди. Қамоқдан уч кунга рухсат олинган ўғлидан кўзини узмай уни назорат қилади. Лекин унинг қонқонига сингиб кетган шўролар тарбияси, меҳрсизлик, тошмехрлилик ўрнини сўнгги дақиқаларда хотинини қабрга қўйгандан сўнггина, инсоний туйғулар эгаллай бошлайди. “У тўсатдан инграб, чўк тушди... - Ота, юринг, энди-и... Назоратчи чакмоқ ургандай сесканиб тушди. Овозними, овоз эгасининими қидираётгандай атрофга аланглади, ёш болга ўхшаб қолди... Култ этиб ютинди-

да: - Ҳозир-ир, - деди итоатгўйлик билан ва бу сўзни ўзи яна бир бор эшитиб кўришни истаётгандай такрорлади,- Ўозир-ир, ўғлим” [2, 62-бет]. Шу жумла билан тугаган сўздан кейин ўқувчи назоратчига бўлган нафрати ўрнини қандайдар унга нисбатан аччиниш ҳиси эгалайди. Йиллар давомида инсон қалбидаги туйғуларини англамасдан яшашга маҳкум этилган шахс фожиаси таран тасвирларда ўз ифодасини топган. Давр ва бадий қаҳрамон ўртасидаги диалектик бирллик маҳорат билан ифодаланган. Бунинг замирида социал жамиятнинг инсонни, унинг эрки ва қадрини жуда паст ўринларга қўйганлиги билан изоҳланади. Чунки ота болага, фарзанд отага, ака укага қарама қарши қўйилганлиги, шу орқали жамиятни, давр инсонларини фикрсиз, тафаккурсиз тарбиялаш ўйлидан борган иллатлар очиб ташланади.

Назоратчи – Шойим Бўтаев яратган шўролар мафкураси асосида шаклланган, лекин қалбининг туб-тубида инсоний хислатлардан озгина сақланиб қолган ёрқин бадий образлардан биридир. Қиссадаги ука-қайнотасининг тайёр ошига шерик бўлган, ҳасадгўй, бахил, ичиқора, бемехр фожиали тақдир эгаси бўлган инсон образидир. У акаси билан бўлган душманлиги натижасида, акасига бўлган қасдини унинг ўғли, яъни жиянидан олишга интилади. Қайнотасидан қолган битта бузоғини деб, жиянини ҳаётини издан чиқаради. Маҳалла оқсоқоллари ва аёли уни инсофга келтирмоқчи бўлади, ундан ҳатто кўчадаги лўлилар ҳам нафратланиш даражасига боради. Бадиийлик асосидаги аччиқ ва мураккаб тақдирларнинг ҳаёти, фожиалари ўқувчини ҳаётни теранроқ англашга ундайди.

Адабиётшунос Дамин Тўраев қайд қилиб ўтганидек: “Ўзбек бадий насри кейинги йилларда ҳаётини мавзулар, ижодий услуб ранг баранглиги, руҳий ва фалсафий таҳлил, характерлар талқини борасида жиддий янгиланишлар, ўзгаришларни бошдан кечирди” [2, 55-бет].

Дарҳақиқат, асосли таъкидланганидек, инсонни ангалш, давр ва муҳит хислатларини у ёки бу даражада ўз характерига сингдирган бадий образлар оламига янгича ёндошиш ҳолатлари етакчилик қилаётганлигини алоҳида қайд қилиш лозим.

Адибнинг “Шўродан қолган одамлар” қиссасида ҳам руҳий истироблар исканжасидаги Она образи маҳорат билан талқин этилган. Онанинг қалбидаги руҳий истироблар давр етиштирган инсон фожиаси билан узвийликда намоён бўлади. Масалан: Матмуродни суд қилган суд раиси қалбидан кечган ўйлар, болаларини ўлдирмоқчи бўлган эрига ўқлов тушириб ўшқириб қўйган аёл руҳияти, назоратчи кўрган туши бир туп кўкнори экиб, қўлга тушган деҳқон руҳияти ҳам асарда асосли талқин этилган. Қиссадаги буви, кампир, эшак минган қария, ўқитувчи, қамоқхона бошқа эпизодик образлар ака, ука, она кабиларнинг характер қирраларини очишга асосий восита бўлади. Адиб асарларининг қаҳрамонлари ном билан эмас, кўпроқ лақаб билан аталади. Бу ёзувчининг ўзига хос бадий усуллари билан бири эканлигини кўриш мумкин. Қиссадаги ўғил Тошмурод гарчи типик образ бўлмаса-да, ундаги инсоний хислатлар отаси ва амакисиникига қараганда анча баланд эканлигини ҳис этамиз. Умуман олганда, Шойим Бўтаев бу асарида ранг-баранг образлар,

воқеалар, руҳият таҳлилларини ўрин олган. Асарда инсондаги мудроқ қалбни уйғотишга бўлган илинж етакчилик қилади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Бўтаев Ш. Кўчада қолган овоз. Қиссалар, ҳикоялар. –Т., Маънавият, 2005. –248 б.
2. Тўраев Д. Рангин тасвирлар жилоси. Адабий-танқидий мақолалар. –Т., Академнашр, 2014. –200 б.
3. Kadirova N. S. Critical style and genre diversity //Theoretical & Applied Science. 2020. №. 4. –С. 428-433.
4. Qodirova N. S. Some characteristic features, skills and style of the literary critic //Web of Scholar. 2018. Т. 5. №. 2. –С. 32-35.
5. Qodirova N. S. Problems Of Style And Creative Individuality In Literature //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. 2021. Т. 25. №. 2. –С. 254-260.
6. Ҳаққул И. Такдир ва тафаккур. –Т.: Шарқ, 2007.
7. Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадият. –Т.: Тафаккур, 2019.

MUSTAQILLIK DAVRI TARIXIY ROMANLARIDA YANGICHA MILLIY TAFAKKUR

*Shomurodov San’at Dilmurod o‘g‘li,
JDPI 2-kurs magistranti
Ilmiy rahbar: Yulduz Karimova,
JDPI dotsenti, f.f.nomzodi*

Mustaqillik tufayli o‘zbek xalqi hayotining turli jabhalarida yuz bergan ijodiy yangilanishlar, shubhasiz, miliy adabiyotimizda ham o‘z aksini topa boshladi. Endilikda ijodkor – yozuvchilar erkin ijod qilish imkoniyatini qo‘lga kiritdilar. Shuningdek, sotsialistik realizm va boshqa sovet davri mafkuraviy tayziqlaridan xalos bo‘ldilar. Yozuvchi shaxsi endilikda yozajak asarini, qahramonlarini hech qanday andozasiz, qoliplarsiz, tarixiy haqiqatga o‘zining taxayyul imkoniyatlariga suyanib erkin yarata oladigan bo‘ldi. Bu jarayon, shubhasiz, adabiyotning barcha janrlarida bo‘lgani kabi mustaqillik davri tarixiy romanchiligida ham yaqqol ko‘zga tashlandi. Biz sovet davri tarixiy romanchilik maktabiga nazar tashlar ekanmiz tarixiy shaxslar qiyofasini davr mafkurasining ta’siri tufayli ko‘pincha salbiy bo‘yoqlarda va ularning obrazini yaratishda biryoqlamalikka yo‘l qo‘yilganligiga guvoh bo‘lamiz.

Endilikda ijodkor – yozuvchilar ijod erkinligi sharofati bilan buyuk ajdodlarimizning ziddiyatlarga to‘la murakkab hayoti, ona vatan yo‘lidagi buyuk xizmatlari va qahramonliklarini xolis yoritib, ulkan tarixiy haqiqatlari xalqimizga, milliy ma’naviyatimizga qaytarishdek mashaqqatli vazifani ado etishdi. Mustaqillik davri tarixiy romanchiligi xususida Islomjon Yoqubov quyidagicha fikr yuritadi: “Tarixiy romanlarda xalqimizning o‘tmishda kechgan hayoti, bobolarni yuksaltirgan

go'zal ma'naviy fazilatlar yoritilmoqda. Bunday romanlarda umumbashariy qadriyatlar ustuvor estetik mezon bo'lmoqda. Romanlarda jahongirlar va shayx – valiyalar, shoir va allomalar obrazlari yaratildi. Ularning o'ziga xos imon – e'tiqodi, maqsad – maslagi, fikrlash tarzi, ruhiy - psixologik olami estetik tahlil ob'ektiga aylandi. Tarixiy romanlar markaziga ham voqealar emas, balki real insonning hayot konsepsiyasi chiqarilmoqda. Tarix orqali millatning ma'naviy – axloqiy, ijtimoiy – ma'rifiy sifatlari badiiy tadqiq etilmoqda. Bunday romanlar o'zbekning o'zligini anglashi, g'ururini yuksaltirishda muhim o'rin tutmoqda [1; 273-274]. Darhaqiqat mustaqillik davrida yaratilgan Pirimqul Qodirovning "Ona lochin vidosi", Muhammad Alining "Ulug' saltanat", "Sarbadorlar", Omon Muxtorning "Ishq ahli", "Tepalikdagi xaroba", Sa'dulla Siyoyevning "Yassaviyning so'nggi safari", Mirmuhsinning "Mavoraunnahr", Asad Dilmurodning "Mahmud Tarobiy" va boshqa tarixiy romanlarda buyuk ajdodlarimizning obrazlari yangicha qiyofada tasvirlana boshladi. "Xalqimiz tarixida To'maris, Shiroq, Spitamen, Jaloliddin Manguberdi, Temur Malik, Mahmud Tarobiy kabi bosqinchilarga qarshi mardanovor kurash olib borgan va o'z shaxsiy mayllaridan millat taqdirini ustun qo'ygan qahramonlar bor. Yuqoridagi obrazlarning timsolida ozodlik, millat erki va xalqimiz jasorati mujassam. Yozuvchi Asad Dilmurod o'zining tarixiy mavzudagi bir qator hikoyalari, qissa va romanlari, jumladan, "Mahmud Tarobiy", "Fano dashtidagi qush", "Pahlavon Mahmud" asarlari bilan yaxshi tanish. Uning asarlarida xalqimizning olis o'tmishdagi tarixiy voqealar, xalq qahramonlari va mashhur tarixiy shaxslarning shavkatli va shonli hayoti hamda faoliyati, achchiq taqdiri va fojiviy qismatlari hikoya qilinadi" [2; 39]. Bizga ma'lumki, sovet davri adabiy muhitida tarixiy obrazlarni tarixiy muhit va ijtimoiy - siyosiy jarayonlar qurshovida talqin qilishga moyillik ancha kuchli edi va ularning qalb kechinmalari, insoniy tuyg'ulari, ruhiy holati manzaralarini tasvirlash muhim ahamiyat kasb etmas, bir so'z bilan aytganda, ularning shaxsiyati faqat tarixiy obraz sifatida shaxslantiriladi. Masalan, Oybekning "Navoiy", "Bola Alisher", Uyg'un va Izzat Sulton hammualifligidagi "Alisher Navoiy", dramatik asari, hamda Mirkarim Osimning bir qancha tarixiy asarlarida ulug' shoirning millat tarixidagi xizmatlari va turli davrlardagi hayot manzaralari tasvirlangan va qaysidir ma'noda, ulug' shoir siymosi o'zbek xalqining ma'naviy olamiga qaytarishdek muhim ijtimoiy estetik vazifa bajarilgan. Shuningdek Mustaqillik davri adabiyoti namunalarida ham Navoiy shaxsiyati talqiniga yangicha yondashuvlar ko'zga tashlanmoqda. Istiqloq davri tarixiy romanchiligida o'ziga xos o'ringa ega bo'lgan ijodkor Omon Muxtor "Ishq ahli" romanida Navoiy abrazini yoritishda o'ziga xos uslubda yondashib, shoir ma'naviy olamini ochib berishga harakat qiladi. Ushbu romanni tahlilga tortgan adabiyotshunos olimi Shoira Doniyarova romandagi ulug' mutafakkir obrazi haqida quyidagicha fikr bildiradi: "Omon Muxtor ushbu romanda Alisher Navoiyning buyuk ijodkor sifatidagi daholigiga sajda qilish emas, balki jahonshumul asarlar yozgan bu benazir ijodiy salohiyat sohibining qalbini oddiy inson sifatida tushunish, uning ruhiy olamini anglash, xullas, ko'ngil ko'zguna nazar tashlashni maqsad qilgan. U ongli ravishda Alisher Navoiy siymosini tirik inson sifatida ko'rishni va ko'rsatishni istaydi, o'quvchi ko'z o'ngida shoirning ana shunday obrazini gavdalantirishga harakat qiladi." [3; 33]. Shubhasiz, asarni o'qir

ekanmiz yozuvchi ijodkorning asarlari, gʻazallari va hayoti voqealaridan misollar keltirib, ularni badiiy talqin etadi. Xususan, shoir hayotining bahsli nuqtasi hisoblangan Guli obrazi atrofida ham atroflicha toʻxtalib, shoir hayotining bu faslini ilmiy va asosli dalillar orqali ochib berishga harakat qiladi. Yozuvchi talqinicha, Navoiyning yoshlik davrida Guli ismli qizga nisbatan kuchli muhabbati boʻlganligi, unga qaysidir sabablar bilan yetisholmaganligi, agarda ijodkor qalbida kuchli muhabbati boʻlmaganida, mutafakkir ijodida salmoqli oʻrin egallagan ishqiy mavzudagi gʻazallar, yoki “Layli va Majnun” hamda “Farhod va Shirin” ishqiy dostonlari bunchalik darajada mahorat bilan bitilmagan boʻlar edi, degan xulosaga keladi. Shoirning ishqiy mavzudagi gʻazallarini faqatgina Allohga boʻlgan ishq deya talqin qilish ham toʻgʻri emasligini taʼkidlaydi. Ijodkor Navoiy shaxsiyatidan daholik matlabini izlamasdan, uning siz - u biz kabi oddiy inson sifatidagi ruhiy olamini tasvirlaydi. Bu esa Navoiy shaxsiyati talqinida oʻziga xos ijodiy yangilik edi. Mustaqillik davri tarixiy romanchiligining eng sarmahsul nuqtasi temuriylar tarixining yangicha badiiy talqini edi. Chunki sovet davri tarixiy romanchiligida boshlangan bu jarayon taraqqiyotida kemtiklik yaqqol sezilardi, bu ham boʻlsa temuriylar obrazlari talqinida biryoqlamalik hamda koʻproq salbiy ifodaning ustunligi edi. Bu jarayonni ijodkor yozuvchilar qalban his etardilar hamda haq gapni aytish payti kelishni intiqlik bilan kutardilar. Mustaqillik tarixiy romannavislar uchun keng imkoniyatlar eshigini ochdi. Pirimqul Qodirovning “Ona lochin vidosi” , Muhammada Alining “Ulugʻ Saltanat” epopeyasida bir qancha tarixnavis yozuvchilar asarlarida butun boshli temuriy sulolasi vakillarining insoniy va ijtimoiy qiyofasi aks eta boshladi. Mustaqillik davrida temuriy sulolasi vakillarining haqqoniy obrazi aks ettirilgan mustaqillik davridagi ilk tarixiy asar “Ona lochin vidosi” asari hisoblanadi. Hajman unchalik katta boʻlmagan ushbu asarda Amir Temurning Xitoyga yurishi voqealaridan boshlanib buyuk sohibqironning Oʻtrorda vafot etishi, undan keyingi toj-u taxt talashlari, temuriylarning oʻzaro ichki nizolari tavsirlangan chigal tarixiy jarayonlardan tortib, temuriylarning bir muncha tarqoqlashgan mamlakatni Amir Temurning oʻgʻli Shohrux va nevarasi Ulugʻbeklarning mamlakatni yana birlashtirilishidek katta tarixiy voqealardan tortib, Husayn Bayqoro hamda Alisher Navoiylarning hokimyat tepasiga kelishigacha boʻlgan gʻoyat uzun tarixiy, ijtimoiy, siyosiy jarayonlar aks etadi. Ammo bu tarixiy romanda tarix voqealarining xronologik ketma-ketligi emas, balki millat va yurt ravnaqi uchun kurashga bel bogʻlagan Shohrux mirzo, uning umr yoʻldoshi Gavharshodbegim hamda maʼrifatparvar Ulugʻbek mirzo, Alisher Navoiy hamda Husayn Bayqorolarning jiddiyatga toʻla murakkab hayoti manzaralari hamda ularning noqobil avlodlari Abdulatif va Abdusaidlarning qilmishlari mufassal aks ettirilgan. Ushbu asar haqida muallifning oʻzi quyidagicha fikr yuritadi. “Bu roman toj – taxt uchun ketgan jang-u jadallarning shunchaki xronikasi – solnomasidan iborat emas. Yoʻq, bu asar markazida temuriy tojdorlar emas, balki ona lochin – Gavharshodbegim siymosi turadi. “Ona lochin vidosida” dagi Gavharshodbegim shijoati, donishmandligi, iztiroblarga toʻla oʻylari, dil rozlari, bilan tanishganda tarixda shunday tabarruk onaxonlarimiz oʻtganidan koʻnglimiz koʻtariladi. Kezi kelganda aytib oʻtish darkor: 60-70-yillarda yaratilgan ayrim asarlarda, hatto ulkan alloma Maqsud

Shayxzodaning “Mirzo Ulug‘bek” tragediyasida muayyan sabablarga ko‘ra bu buyuk siymo obrazi biryoqlama – o‘ta muttassib ayol tarzida talqin qilingan, uni oqpadar Abdulatifga moyil, buyuk olim Ulug‘bekka esa zid qo‘yilgan edi. Romanda esa bu tarixiy siymoning o‘zgacha qiyofasi ochildi. U ko‘pni ko‘rgan donishmand, tadbirkor, shijoatkor, kayvoni onaxon sifatida gavidalandi. Yoshi bir joyga borib qolgan bu onaxon tahlikali damlarda, qahraton qish chillasida o‘z tinchini qo‘yib, el – yurt, temuriylar saltanati, o‘g‘li Ulug‘bek taqdirini o‘ylab, olis yo‘l yurib, xatarli daryoni kechib o‘tib Samarqandga keladi; saltanat ichidagi o‘zaro nizolarni, nabiralar o‘rtasidagi janjallarni bartaraf etish yo‘llarini axtaradi, behuda qon to‘kilishinining oldini oladi. Ayniqsa, Ona Gavharshodbegim va o‘g‘li shoh Ulug‘bekning orasidagi ajib mehr – muhabbat, cheksiz sadoqat tuyg‘ulari samimiyat va ehtirom bilan ko‘rsatiladi. Bu mehri daryo onaxonning saltanatni saqlab qolish yo‘lidagi jonbozliklari, fidoiylklari bilan tanishib tasonnalar aytasiz”[4;146 -147]. Darhaqiqat, ushbu asarni o‘qir ekansiz temuriylar saltanati kelajagi, uning birligi uchun Shohruх mirzo qanchalik fidoiylk ko‘rsatib mamlakat sarhadlarini mustahkamlab, Temur saltanatini qayta tiklashdek ulkan vazifani bajarган bo‘lsa, Gavharshodbegim ham mamlakatning ma‘naviy muhitida, shahzodalar tarbiyasida, ularning kelajak taqdiri haqida qayg‘urishdek ulkan vazifani bajarishga harakat qiladi. Gavharshodbegim Temuriy shahzodalarning ilm olishi, ma‘rifatli shaxs bo‘lib yetishishida, ularning tarbiyasi bilan shaxsan o‘zi shug‘ullanadi. Temuriy shahzodalarni bir -birlariga qo‘l -qanot bo‘lishi uchun butun borlig‘i bilan harakat qilgan ma‘rifatli shaxs sifatidagi qiyofasi romanda jonli aks ettirilgan. Yozuvchi Muhammad Alining “Ulug‘ Saltanat” epopeyasi o‘zbek xalqi davlatchiligi, madaniyati, tarixida betakror shaxs hisoblangan Amir Temurning Markaziy Osiyoda butun boshli Turon saltanatini tuzishdek ulkan vazifani amalga oshirgan davridan boshlab, ijtimoiy, siyosiy va harbiy faoliyati voqeliklari hamda umrining oxirigacha bo‘lgan hayotiy manzaralari aks ettirilgan yetuk asar hisoblanadi. Yozuvchining romandagi ijodiy yutug‘i haqida adabiyotshunos Matyoqub Qo‘shjanov quyidagicha munosabat bildiradi: “ Amir Temur singari sarkarda haqida har xil yo‘sinda asarlar bitaverish mumkin. Qahramonning hayoti ko‘proq janglar bilan bog‘liq. Shu asnoda u haqdagi asarni jangnoma tizmasi sifatida bitib qo‘ya qolishi mumkin edi. Muhammad Ali boshqacha yo‘l tanladi. Ulug‘ sarkardani u ko‘proq kundalik maishiy hayot, oila, qarindosh-urug‘ va yor do‘stlar muhitida ko‘rsatadi. Farzandlarining tarbiyasi katta bo‘lganda ularning qismati, har xil yo‘sinda ro‘y bergan tashvishlari, ularni uy-joyli qilish, o‘ziga munosib kelin topib uylantirish, farzandlarining boshiga biron ish tushsa, ularga hamnafas bo‘lib, dardiga sherik bo‘lish, hokaza va hokazolar...”[5; 24]. Haqiqatan, ushbu asarda Amir Temur siymosi hayoti jang-u jadallarda o‘tgan qahri qattiq murakkab tarixiy shaxs sifatida talqin etilishi bilan birga, uning oddiy insonlar kabi ruhiy holati, qiyin vaziyatlardagi qalb kechinmalari mahorat bilan yoritilganki, natijada sohibqiron siymosi o‘quvchi ko‘z o‘ngida yaxlit namoyon bo‘ladi. Biz butun borlig‘icha ko‘ra boshlaymiz. Masalan, Amir Temurning yuksak insoniy siymosi Rum sultoni Yildirim Boyazid bilan bo‘lgan munosabatida yaqqol ko‘zga tashlanadi. Sohibqiron ikki turkiy davlat o‘rtasida urush kelib chiqishini aslo xohlamaydi. O‘rtada bir muddat elchilik aloqalari orqali munosabatlarni ijobiy tomonga

o'zgartirishga harakat qiladi. Shunday bo'lsa-da, mag'rur sulton Yildirim Boyazid murosa yo'lini tanlamaydi, oxir - oqibatda buyuk sarkardalar o'rtasida tarixiy jang bo'lib o'tadi. Jangda Sohibqironning qo'li baland kelsa-da, asirga tushgan Rum sultoniga yuksak hurmat ko'rsatib, unga shohlarga xos hurmat ko'rsatadi. Bundan tashqari, sohibqiron ilm kishilariga ham yuksak hurmatda bo'lgan, ularning millati, dini, e'tiqodi, ijtimoiy kelib chiqishidan qat'iy nazar ularning salohiyatini hamisha qadrlagan. Bir so'z bilan aytganda, "Ulug' saltanat" epopeyasida Amir Temur shaxsiyati katta mahorat va mas'uliyat bilan yoritilgan desak, hech mubolag'a bo'lmaydi. Yuqoridagi mulohazalardan so'ng quyidagicha xulosaga keldik:

Birinchidan, mustaqillik davri tarixiy romanchiligida tarixiy shaxslar siymosi turfa yo'sinda talqin qilina boshladi.

Ikkinchidan, tarixiy shaxslarning tarix kechmishidagi hayoti, butun borligicha tarix haqiqatiga zid qo'yilmagan holda tasvirlana boshladi.

Uchinchidan, tarixiy romanchilikda millat va vatan kelajagi uchun kurashgan yurt qahramonlari, ularning o'tmishdagi fidoiyliklari, o'zbek xalqi ma'naviy tafakkuriga qaytarildi. Tarixiy romanlarda millatning mingyilliklar davomida shakllanib kelingan, o'ziga xos milliy – madaniy xususiyatlari o'zbekona ruhda tasvirlana boshladi.

To'rtinchidan, eng muhim jihat buyuk tarixiy shaxslar ijtimoiy qiyofalarini talqin qilish doirasida qolmay, ularning oddiy insonlar sifatidagi fazilatlarini, o'y xayollari, ko'ngil olami manzaralari, qalb kechinmalari, orzu – umidlari kabi insoniy sifatleri ham tasvirlana boshladiki, bu ham bo'lsa mustaqillik davri tarixiy romanlarining yutuqli jihati hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Yoqubov. Mustaqillik davri o'zbek romanlari poetikasi. –T.: Nurafshon business, 2021.
2. Doniyarova Sh. Mustaqillik davri o'zbek romanlarida milliy ruh va qahramon. – T.: Mumtoz so'z, 2011.
3. Karimov N. Yangi o'zbek adabiyoti. –T.: Universitet. 2007.
4. Qo'shjonov M. Yozuvchi kamoloti. Mustaqillik davri adabiyoti. –T.: G'.G'ulom nomidagi nashriyot matbaa ijodiy uyi. 2006.

ISAJON SULTON IJODIGA BIR NAZAR

*Qosimov Mirjalol Haydar o'g'li,
SamDU 1-kurs magistranti*

Istiqlol davri romanlari yangi ohanglar hisobiga boyidi. Uning ifoda tarzi jahonning ilg'or an'analarini o'zlashtirishi va milliy adabiyot tajribalarini davom ettirishi natijasida o'zgacha usullar sintezini barqarorlashtirdi. Ifodaning qabariqligi, tasvirning serqatlamliligi, mazmun, ruhiy holat manzaralarining rang-barangligi bilan insonni badiiy tadqiq etishga an'anaviy usullar (bayon, ifoda etish, ko'rsatish, tasvirlash)ning o'z o'rnini bo'shatib berayotganligi bilan alohidalik kasb etadi.

Xalqimizning azaliy orzusi bo'lgan Mustaqillik juda ko'p jabhalarda bo'lganidek, ma'naviyat sohasida ham katta o'zgarishlarni vujudga keltirdi. Millatimiz hayotida mavjud bo'lgan ma'naviy-axloqiy muammolarga har qachongidan ko'ra ham diqqat-e'tibor kuchaydi.

Istiqlol mafkurasi xalq va jamiyat hayotiga chuqur singib borayotganligining o'ziyoq, badiiylik mezonlaridagi o'zgarlarda namoyon bo'lmoqda. Bugungi kunda globallashuv jarayonida ma'naviy qadriyatlarining hayotiy zarurati oshmoqda. Afsuski, XIX asrdan boshlaboq G'arbiy Yevropa adabiyotidagi ayrim oqimlarda ezgulikka bepisand qarash, jamiyatning axloqiy-estik me'yorlarini oyoqosti qilish kabi noxush hollar uchray boshladi. Bu esa o'z navbatida har qanday axloq-odobni inkor etishgacha borishga bo'lgan urinishlar samarasida vujudga kelgan oqimlar sifatida namoyon bo'la boshladi.

Sharqda esa buyuk an'analarni tadrijiy davom ettirilib, asosan axloqiy, ma'naviy qadriyatlar asosidagi talqinlar etakchilik qilganligini kuzatish mumkin. Bu esa insonning shaxs sifatida kamol topishiga zamin hozirlasa, ikkinchidan, shu mavjud jamiyatning muvozanati odob-axloq, insoniy burch, mehribonlik va shafqat tuyg'ulari bilan ushlab turilar va hozirgacha bu tushuncha bizning butun vujudimizning yashash a'moliga aylanganid ulgurganligi bilan izohlash mumkin. Inson ruhiyatini parvarishlovchi birdan-bir yuksak so'z san'ati vositasida erishilishi, ya'ni badiiy kitob mutolaasi jarayonida qo'lga kiritiladi. Shuning uchun ham badiiy asar o'qish bugungi kunda davlat siyosati darajasiga ko'tarilishi ham bejiz emasligini teranroq anglay boshlaymiz.

O'zining bir qator hikoya va qissalari bilan o'quvchilarini topa bilgan, adabiyotshunoslik ilmi sohasida ham muayyan tadqiqotlar olib borayotgan yozuvchi, shoir, munaqqid binobarin, yangi asr ostonasida adabiyot maydonida shakl va mazmun qamrovi, ma'no-mohiyati bilan badiiy tafakkur olamida turli xil mavzudagi asarlari bilan o'quvchilar qalbidan joy olib ulgurgan ijodkorlardan biri Isajon Sultondir.

Yangilanayotgan badiiy tafakkurga sezilarli hissasini qo'shib kelayotgan Isajon Sulton izlanishlarida buning yorqin ifodasini kuzatamiz. Istiqlol davri adabiyoti shaxsni o'zlikni anglash yo'lidagi turfa xil holatlarni ramziy, majoziy, tasvir orqali aks ettirmoqda. Istiqlolga erishganimizdan keyin yaratilgan ko'pgina asarlardan oliy rutbaga ko'tarilgan, dunyo yaralishining sababi, adoqsiz ilohiy nur bilan yo'g'rilgan inson ruhiyatidagi o'zgarishlarni asar sujetiga singdirganligini adibning bir qator nasriy asarlari misolida kuzatish mumkin.

Bu davr adabiyoti mavzu nuqtai nazaridan ham, badiiy tasvir tamoyillari jihatidan ham biror qolipga solinmagan, tabiiy ravishda taraqqiy qilayotgan estetik hodisa sifatida namoyon bo'layotganligini ham qayd qilib o'tish lozim. Bu esa badiiy adabiyot uchun hayot haqiqatini ko'rsatish bilan bir qatorda inson ruhiy olamidagi ma'naviy evrilishlarni, turfa xil ziddiyatli holatlarni tasvirlash jarayonida namoyon bo'lmoqda: "Qahramonlar qismati, shaxsiyati, ruhiyati tasviri, tahlilidan ko'pdan-ko'p ramziy-simvolik ishoralar, shtrixlar, kinoya-kesatiqlar, yana qandaydir sirli jihatlariga duch kelib xayolga tolasiz, ularning mag'zini chaqishga urinasiz" [1,65-bet], deb qayd etganda adabiyotshunos Umarali Normatov haqli edi.

Shu boisdan ham, Istiqlol adabiyoti xilma – xil, turfa xil ohangdagi badiiy asarlarni maydonga keltirdi. Unda turli tuman ijodiy tajribalar qilish, turli “izm” lar izidan bora olish imkoniyati mavjudligi namoyon bo‘ldi. Bu davr adabiyoti tipik odamni emas, balki alohida o‘ziga xos va betakror odamni tasvir etmoqda. Istiqlol davri adabiyoti munosabatlar adabiyotiga, tuyg‘ular, kechinmalar adabiyotiga aylanib ulgurdi.

Odam anglash qobiliyati sabab olamining sarvari darajasiga ko‘tarildi. Chunki hayot hodisalarini, o‘z fikr-u tuyg‘ularini, o‘zgalarning o‘y-u xayollarini anglab yetish kishini Yaratganni anglash sari olib boradi. «Anglash» tushunchasi zamirida bilishdan tashqari to‘yish holati ham mavjud. Inson hissiy – intellektual faoliyatining oliy ko‘rinishi bo‘lmish san’at hodisalariga tatbiqan ham anglash so‘zini burilishlar sababli hayot kechirish, fikrlash va sezimlar tarzida ro‘y berayotgan shiddatli o‘zgarishlar ruhiga moslashish uchun bugunning odami o‘zini ancha zo‘riqtirishi lozim bo‘ladi. O‘zlik sari eltuvchi uzun yo‘lni bosib o‘tish hech mahal oson bo‘lmagan.

Fikr va ruhning yangilanishi estetik qarashlarning ham tozarishga olib keladi. Insoniyatning zavqi o‘zgarishi bilan azaldan o‘ziga xos bo‘lishga intilib kelgan ijodkorlar badiiy asar doimo undan oldin yaratilganiga o‘xshamaslikka intilish natijasi o‘laroq paydo bo‘ladi. Hikoya janri tarkibidagi o‘zgarishlar turfa xil adabiy yo‘nalishlar, muayyan yo‘alishga xizmat qiluvchi adabiy oqimlar, tabiiyki, hikoya poetikasiga ham yangi yangi uslub o‘zgarishlarni olib kirdi.

Shu jihatdan, Isajon Sultonning ”Qaydasan jannat?” turkumidan o‘rin olgan “Yigirma birinchi asrning sakkiz yashar bolasi”, ”TOD”, ”Ayvon” [2, 145-bet] hikoyalarining strukturasi yoki kompositsoin yaxlitligida ham ijodkorning o‘ziga talqini kuzatish mumkin. Adib hikoyalarida insonni o‘zligini anglash yo‘lidagi harakatlari asosida uning qalb istiroblarini kuzatish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Normatov U. Umidbaxsh tamoyillar. Risola. –T., Ma’naviyat, 2000. –112 b.
2. Isajon Sulton. Boqiy darbadar. Roman. Qissalar. Hikoyalar. –T., O‘zbekiston, 2011. –280 b.

ШАРОФ РАШИДОВ ИЖОДИНИНГ ЧЕКСИЗ ҚИРРАЛАРИ

*Холтўраева Ойжон Шохли қизи,
Шароф Рашидов ёдгорлик музейи филиал мудираси*

“Халқимизнинг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов эл-юртимиз учун фидойи раҳбар, бетакрор ва беназир шахс эди...”

Шавкат Мирзиёев

Шароф Рашидов 1917 йил 6 ноябрда Жиззахда Совунгарлик маҳалласида оддий деҳқон оиласида дунёга келди. Отаси Рашид бобо Ҳалилов дастлаб “Қизил қарвон” (ҳозирда Ҳамроқул Носиров) номидаги жамоа хўжалигида узоқ

йиллар меҳнат қилди ва бу даврда пахтачиликда ишлаб, катта обрў-эътибор қозонган пахтакор эди. Онаси Қўйсиной буви уй бекаси эди. Болаларини тарбияси билан жиддий шуғулланар эди.

Шароф Рашидов ўз билимини мустаҳкамлаш мақсадида 1938 йилда Самарқанд Давлат Дорилфунун институтининг филология факультетига ўқишга кирди. Шароф Рашидов талабалик йилларидаёқ журналистикада қалам тебрата бошлайди. Шароф Рашидов талабалик даврларида кўплаб мақоллар ва шеърлар ёзиб турар эдилар, бунга мисол қилиб ўша пайтларда Самарқандда чиқадиган собиқ “Ленин йўли” газетасининг Алишер Навоий ҳақидаги “Улуғ идеал” мақоласи “Саҳрода сайл” мақоласи, “Ғайрат” мақоллари бунинг ёрқин мисолидир. Шароф Рашидов дорилфунунда ўқиш билан бир қаторда собиқ иттифоқ давридаги “Ленин йўли” газетасида муҳаррир вазифасида ўз иш фаолиятини давом эттирди.

Тинимсиз меҳнат, янгиликка интилиш, ўткир ташкилотчилик қобилияти ижодий ишга интилиш, ходимларга шахсий намуна кўрсатиш хислатлари Шароф Рашидовни заковатли ва истеъдодли муҳаррир даражасига кўтарди. Шароф Рашидов 1949-50 йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раиси этиб тайинланади. Ижодкорларнинг мураббийси бўлди.

1959 йил Шароф Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари деб сайланди. Секретарлик фаолияти давомида ҳам доимо халқ орасида бўлди. Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Тошкент метросини куриш Шароф Рашидов фаолиятининг муҳим қирраларидан бирини ташкил этади. Замонавий ер ости қатнови воситаларини куриш учун кўпдан кўп хизматлари сингди.

Раҳбарлик даврида Шароф Рашидов собиқ иттифоқ делегацияси билан жаҳоннинг кўпгина 33 мамлакатларида хорижий сафарларда бўлди. Жазоир, Чили, Австрия ва бошқа мамлакатлар бунга мисол бўла олади.

Ўз фаолияти давомида сиёсат билан бир қаторда маданият, маориф ишларини юқори чўққиларга кўтарди. Бир қанча маданий-маърифий масканлар вужудга келди.

Шароф Рашидов бадий ижодга 1930-40 йилларнинг охирларида кириб келди. Самарқанд Давлат Дорулфунунининг талабаси бўлган даврида шеърият ва журналистикада қалам тебрата бошлади.

1938 йил собиқ иттифоқ “Ленин йўли” рўзномасининг 8 март сонидида “Санъатинг кулсин” шеъри босилди. Шундан кейин унинг шеърлари матбуот юзини кўра бошлади. Шароф Рашидов шеърларини жамлаб 1945 йил “Қаҳрим” номи остида китобхонларга тақдим этди.

Шароф Рашидов фақат Ўзбекистонликлар эмас, балки Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари иштирок этган кинофестивал ташаббускорларидан бири эди. Бундан ташқари кўпгина бошқа мамлакатлар билан алоқани мустаҳкамлаган ва дўстлик ришталарини боғлаган эди. У шарқнинг ифтихори эди. Шароф Рашидов Ўзбекистоннинг равнақи учун бор кучини аямади. Ўзбекистонни жаҳонга таништиришга, унинг иқтисодини, санъатини, фан-

техника маданиятини ривожлантириш чет мамлакатлар билан бўлган муносабатларни ўрнига қўйиши алоҳида таҳсинга сазовордир.

Шароф Рашидов раҳбарлигида сиёсий учрашувлардан ташқари адабиёт намоёндалари билан ҳам тез-тез мулоқотда бўлиб турар эди. Шароф Рашидов ҳинд халқи билан яқин алоқада бўлиб келган. 1965 йилда Ҳиндистон сафарига бўлган. Сафар чоғи Ҳиндистон халқининг ҳаёти, бой маданияти, санъати ва адабиёти билан танишди.

Кашмир халқининг қадимий севги достони асосида яратилган “Кашмир кўшиғи” асари қарийиб 56 та тилга таржима қилинган. Бу асар “Кашмир афсонаси” номи билан Москва театрида ва Тошкентдаги Навоий номли опера ва балет театрида сахналаштирилди. Шароф Рашидов ижоди ўз вақтида нафақат Ўзбекистонда балки собиқ иттифоқ ва чет мамлакатларда ҳам машҳур бўлган.

«Кашмир кўшиғи» қиссасида афсонавий қаҳрамонлар - асаларилар шоҳи Бамбур, гуллар маликаси «Наргиз» ижобий образлар рамзи бўлса, уларга қарши турувчи Бўрон, зараркунанда Ҳорутлар салбий образ сифатида тасвирланади. Энг қизиғи Бамбур билан Наргиз тарафида кушлар, гуллар, дов-дарахтлар, муаттар ҳидлар, дил ришталари боғланиб туради, уларни ҳимоя қилади. Бўрон билан Ҳорутнинг измида шамол, вабо, изғирин ва чакмоқ каби салбий қиёфалар пайдо бўлади. Муаллиф юксак ҳаёлот парвозида қалам юритар экан, табиатнинг жонланиши, тилга кириши, яшаш учун курашдан иборат ҳаётбахш фаолиятни рамзий маънода қиссага сингдиради. Қиссанинг тили бой, луғати ранг-баранг, услуби ширадор, жилвакор услуб эканлиги, мажоз, сифатлаш, ўхшатишларга бойлиги ўқувчини ўзига мафтун этади.

Шароф Рашидов «Кашмир кўшиғи»ни айнан ижодий кучга тўлган қирқ ёшида ёзган. Адиб ҳаёт вақтида ушбу қисса қайта-қайта нашр қилинган.

Шароф Рашидовнинг «Икки дил достони» аслида киноқисса (кинотсенарий) тарзида ёзилган. Қиссанинг бошида муаллиф қадимги бир китобга мурожаат қилади: “Унинг ҳар бир саҳифаси - ҳуснихат санъатининг ноёб зарҳал нақшлар ва ранго-ранг лавҳалар билан безалган, араб ҳарфлари ёзилган саҳифанинг устида қуйидаги тўнғич сатрлар кўзга ташланади:

*Бир бор экан, бир йўқ экан, бир замонда
Бир Қорашох бўлган экан, ҳинд томонда,
Саройида яшар экан, нурдай тоза,
Момикдай оқ, гулдай нозик бир раққоса.*

-деган сатрлар билан бошланади. Қадимий китобнинг янги саҳифаси очилади. Араб ҳарфлари ёзилган саҳифанинг устида қуйидаги сатрлар намоён бўлади:

*Бу он бошқа, жуда узоқ бир Ватанда
Яшар экан Мудан отлиқ бир созанда,
Нашу нава чаимаси у, шодликка ёр,
Фазлу ҳунар топган ундан шон, ифтиҳор.*

Воқеа давомида Қорашох саройи таърифи келтирилади: Раққоса қиз Комде рақс тушмоқда. Шу пайт саройдаги хизматкорлардан бири айвон эшигини очиб юборади. Узоқ-узоқлардан Мудан чалаётган танбур овози янграйди. Шу кўйда

Комде ва Муданнинг илк учрашуви содир бўлади. Воқеалар давомида Комде билан Муданнинг муҳаббати авж олиб боради, ёвуз кучлар улар муҳаббатига раҳна солмоққа ҳаракат қиладилар. Аммо ҳар қандай ҳолатларда ҳам икки қалб бир - бирига интилиб яшайди ва китобнинг сўнгги саҳифасида қуйидаги сатрлар намоён бўлади.

Мадҳ этилиб вафо аҳли армони,

Шундай тугар икки дилнинг достони.

“Ғолиблар” китобидан кейин 1958 йилда “Бўрондан кучли” асарини ёзган. Бу китобни ҳам ўзбек китобхонлари билан бир қаторда қардош халқ китобхонлари ҳам илиқ кутиб олдилар. Мамлакатимиздаги ва чет эллардаги кўпгина халқларнинг тилларига таржима қилинган. Адабиётнинг олтин хазинасидан муносиб ўрин олган асардир.

1964 йилда “Қудратли тўлқин” асари ёзилган бўлиб, уруш воқеалари акс эттирилган. Унда давримизнинг ижодий мазмуни очилган. Республиканинг ёш ишчилар синфи умумхалқ интилишларининг қудратини ўзида ифодалайди. Ёзувчи уларни алоҳида меҳр билан тасвирлаган. Ш.Рашидов “Қудратли тўлқин” асарида чинакам инсон характери қийин шароитлар ичида, уларни енгиб ўтиш жараёнларида, ёмонликка қарши аёвсиз курашларда шаклланишини кўрсатади, маънавий соғломликни улуғлайди, сохта одамлар билан кураш йўлини ёқлайди.

Шароф Рашидов ижодининг охирги маҳсули сифатида 1978 йилда нашрдан чиқартирилган “Дил амри” китобини кўрсатиш мумкин. “Дил амри” қиссаси ўзбек прозаси учун томомила янги материал асосида ёзилган. Асар тарихи Новгород областининг кичкинагина қишлоғи Берёзовкада кечади. Муаллиф бизни оғир уруш даврига олиб киради, фашизмга қарши кураш йилларида ўзи жанг қилган ерлар билан таништиради. Қон-қардош халқларнинг тақдирлари мамлакатимизда бир-бирига чамбарчас боғланиб кетгани ҳақидаги буюк ғоя қиссанинг бош мазмунини ташкил этади. “Дил амри” қиссаси ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига хизмат қиладиган нодир асардир. Берёзовка қишлоғи билан боғланган кишиларнинг машаққатли ҳаёти ҳақидаги содда ҳикоядир.

Шароф Рашидов бастакорлар билан яқин алоқада бўлган, Шароф Рашидовнинг ўндан ортиқ шеърларига куй басталаниб, куйланган.

Ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам эл-юртимиз манфаатини ўйлаб яшаган Шароф Рашидовнинг буюк хизматлари халқимиз хотирасида абадий сақланиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рашидов А. Акам ҳақида. –Т.: 1992.
2. Норматов М. Халқ фарзанди. Шароф Рашидов ҳақида хотиралар. Ғафур Ғулом, 2017.
3. Раззоқов Ф. Шароф Рашидов: ҳаёт ва мамот. – Т.: Ўзбекистон, 2020.

ABDUQAYUM YO‘LDOSHEVNING “SUNBULANING ILK SHANBASI” QISSASIDA BADIY XARAKTER

*Safarova Dildora Baxtiyorovna,
Samarqand davlat universiteti 2-kurs magistranti*

O‘zbek adabiyotining taraqqiyotiga sezilarli hissa qo‘shib kelayotgan ijodkorlardan biri Abduqayum Yo‘ldoshevdir. Adibning bir qator nasriy asarlari kitobxonlar tomonidan iliq kutib olinganligini qayd qilib o‘tish lozim. Uning hikoya va qissalarida inson taqdiri, ruhiy istiroblari, kechinma va tuyg‘ulari, qishloq hayoti teran badiiy talqin etilgan. Keyingi yillarda yozuvchining “Puankare” hikoyasi ilmiy jamoatchilikda ham katta qiziqish uyg‘otganligini alohida qayd etish lozim. Bu haqida so‘z yuritgan adabiyotshunos olim Damin To‘rayev shunday yozadi: “Yozuvchining “Puankare” nomli hikoyasi 2012-yilda “Jahon adabiyoti” jurnalida e‘lon qilingach, mazkur asar adabiy jamoatchilik tomonidan iliq kutib olinib, unda ilm-fan sohasida faoliyat olib boruvchi zamondoshimiz xarakterining o‘ziga xos betakror milliy talqini, xalqimiz turmushida uchrayotgan muammolarning milliy qobiq doirasidan chiqib, umumbashariy miqyosdagi ijtimoiy muammo darajasiga ko‘tarilgan holatda tasvirlanganligi katta e‘tirofga sazavor bo‘lgan edi” [1, 152-bet].

Darhaqiqat, asosli qayd qilib o‘tilganidek, ijtimoiy muammolar tufayli inson qalbidagi istiroblarning yuzaga chiqishini juda go‘zal talqin qilish bilan bir qatorda, insonning ma‘naviy olamdagi ziddiyatlar talqining ifodasi juda hayotiy chiqqanligini ko‘rish mumkin. Hikoyada inson qismati, uning oilaviy muhit bilan chambarchas bog‘liqligini ham his eta boshlaymiz. Murakkab hayotning turfa xil so‘qmoqlaridan qadam tashlar ekansiz, o‘zingiz anglamagan holda asar qahramoni bilan istirob chekasiz, dardiga dardman bo‘lib borasiz. Shu xususiyatning o‘ziyoq, adib asarlarining kitobxon qalbidan o‘rin olishi bilan izohlanadi.

Abduqayum Yo‘ldoshevning “Sunbulating ilk shanbasi”, “Shoirning muhabbati”, “Ishq sadolari va gadolari”, “Begona shaharning namozshomlari” kabi qissalarida ham inson qismati, uning dardu istiroblari go‘zal satrlarda talqin etilishi bilan bir qatorda, insonni o‘zligini anglashga intilayotganligini kuzatamiz. Adib qissalarida xarakterli xususiyatlardan biri ham hayotga teran nazar solishga intilayotgan badiiy xarakterlar talqinini “Sunbulating ilk shanbasi”da kuzatamiz. Asardagi voqealar rivoji shundan dalolat beradiki, hayotning murakkablaklari biri bilan birgalikda, insonni tushunish, uni anglash, his etish naqadar murakkab ekanligini asardagi obrazlar olami bilan asoslash mumkin. Qissadagi voqealar ikki talaba yigitning bir xonada hayot kechirishi, ularning turfa olam xarakterlarining mavjudligi, ammo ular ma‘lum bir nuqtadagina o‘zaro birikishi, ya‘ni fikrlari, tushunchalarining ba‘zan-ba‘zan hamohang kelishi kabi talqinlar bilan boshlanadi. Shunday bo‘lsa-da, inson xarakter xususiyatlari ham, qalb kechinmalari ham turfa xilligiga alohida urg‘u beradi. Hikoyachi nutqi orqali voqealar rivojlanib borar ekan, uning zamirida har ikki qahramonning xarakter qirralari ochib beriladi. Buning zamirida ularning butunlay o‘za-o‘zga olam ekanligini his eta boshlaymiz.

Yozuvchi talqin qilganidek: “Bir amallab: “Ha, jo‘ra, zo‘r, juda zo‘r”, deyman. O‘z fikrining tasdig‘ini eshitib yanada to‘lqinlanib ketgan, yuz-ko‘zlari battarroq

lovullab yona boshlagan hamxonam yana qog'ozlarni ko'tarib chiqib ketar-ketmas (haynohoy, u quyulib kelgan ko'z yoshlarini yashirish uchun shunday yo'l tutardi), qarshimda endi bemalol yalpayib o'tirib olaganbetbet muallifning "Qo'shningiz anaqaroqmi deyma-a?" deya shahodat barmog'ini chekkasiga nuqtab aylantirishini ko'rmaslik? o'zining shunday emasligidan mamnunlik, huzur tuyg'ulari mana men deb sezilib turgan palag'da ovozni eshitmaslik uchunoq, hech gapdah hech gap yo'q, stolimning barcha tortmalarini birin-ketin qarsillatib ochib-yopishga tushaman" [2, 7-bet].

Ijodkor insonning borlig'ini anglashga harakat etar ekan, uning turfa xil xarakterlar yaratishiga ham o'ziga xos badiiy mahorati sabab bo'ladi. Yuqorida qayd qilingan tasvirlarga nazar tashlar ekanmiz, albatta, bu tushunchaning zamirida ham haqiqat mujassamlashganligini ko'ramiz. Axir, "bir kam dunyo" bo'lgani kabi, insonning ham turfa xil kechinmalari mavjud, ba'zan uning ma'lum qirrasini anglaymiz, ba'zan esa, umuman, anglay olmaymiz. Shuning uchun ham insonni murakkab xilqat ekanligi qayta-qayta ta'kidlanishi ham bejiz emasligini his eta boshlaymiz. Asar qahramonining o'z qarashlari, tushunchalari mavjud bo'lib, hamxonasining yoki kelgan qiziquvchan ijodkorning qarashlari, uning ruhiyatiga sezilarli ta'sir qiladi. Shuning uchun ham, uning qalb istiroblarini faqat hamxonasi ilg'ay olishi mumkin. Insonning botinidagi ziddiyatlar, uning qalbiga ozor bera boshlaydi, shunday holda o'z jahlini bosish uchun, nafratni ham botiniga singdirishga harakat qiladi: "Alhol kutilgan shanba yaqinlashib qolar, men buni hamxonamning hamma narsani butkul unutib, o'zini tamoman jununlik ixtiyoriga tashlaganidan taxminlardim. Hamxonam orziqib kutulgan kun arafasida mening gaplarimni eshitmay qolar, eshitsu-da, anglamas, biron ishga qo'l urolmas, qo'l urgan taqdirida ham boshlashga boshlar-u, shu zahoti tashlab qo'yar, besaranjom ahvolda xonaga kirib chiqaverar, go'yoki bosib kelayotgan tutqonoqning belgilarini oldindan sezayotgan bemor yanglig', juda bezovta, shu bilan birga nedandir hayiqqan, cho'chigan, bir nimaga hoh ishonib, goh ishonmay qolayotgan odam singari garangsib yurardi" [2,9-bet]. Talqinlarga nazar tashlar ekanmiz, insoniy qiyofalar, ammo uning ruhiyatidagi o'zgarishning o'ziga xos sabablari mavjudligini kitobxon voqealar rivojidan anglab oladi.

Ko'rinayabdiki, janr tarkibidagi takomillashuv, inson kechinmalari va o'y-fikrlarini mahorat bilan yuzaga chiqarish an/anasi namoyon bovlmoqda. Shu jihatdan, adib qissalarida hayotiy hodisalar talqini kengayishi bilan bir qatorda, badiiy konfliktning chuqurlashuvi, shaxs botinidagi ziddiyatlarga e'tibor qaratilishi, qahramonning jamiyat bilan o'zaro munosabatiga qiziqishning ortishi, ma'naviy-ruhiy tahlilga bo'lgan moyillikning sezilari darajada etakchilik qilayotganligini ham alohida ta'kidlash lozim. Muallif o'z qahramonining oddiy inson ekanligini, qalbidan qandaydir dardning borligini bo'rttirib ko'rsatar ekan, voqealar rivojiga uning ruhiyati haqida tushuncha beradi.

Ma'lumki, "Har qanday madaniyat milliy ekan, uning milliy xarakteri tilida, dunyoni qanday anglashida o'z ifodasini topadi. Tilda har bir xalqning o'zigagina xos ichki shakl mavjud"ligini angllamoq zarurdir [3,13-bet]. Bunday qarashlarning ilgari surilishiga asosiy sabab ham, roviy nutqining o'ziga xosligi bilan izohlanadi. Agar

asar qahramonlariga nazar tshlasak, alohida ajralib turuvchi xarakter egasi emas, faqat o‘ziga xos xislatlar egasi ekanligini, uning ruhiy istiroblari sabab ham, shu holatga tushushini anglay boshlaymiz. Badiiy qahramon atrof muhiti va hayot haqida fikr bildirar ekan, uning o‘ziga xos xislatlari yanada teranlashadi. Buning zamirida esa, qalb kechinmalari talqini kuchayib boradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. To‘raev D. Ma’naviy olam talqinlari. –T.: Akademnashr, 2020. –288 b.
2. Yo‘ldoshev A. Ishq afsunlari. Qissalar. –T.: Yangi asr avlodi, 2019. –320 b.
3. Maslova V.A. Lingvokulturologiya. –M.: Academia, 2004. –146 s.

**“IKKI ESHIK ORASI” VA “TUSHDA KECHGAN UMRLAR”
ASARLARIDA URUSHNING INSON HAYOTIGA TA’SIRI**

*Nurbekova Sanobar Nurmamatovna,
JDPI 2-kurs magistranti
Ilmiy rahbar: f.f.doktori Sh.Doniyorova*

“Menimcha chinakam badiiy asar yaratish ijodkorga odamlarni hayajonga soladigan, har gal takror o‘qiganda ko‘ngilga zavq bera oladigan asar yaratish uchun, eng avvalo xudo bergan talant- istedod kerak”. O‘zbek xalqining sevimli yozuvchisi O‘.Hoshimovning bu gapini adibning o‘z hayoti va ijodiga nisbatan ham qo‘llash mumkin. Darhaqiqat, o‘zbek adabiyotida o‘zining munosib o‘rniga ega bo‘lgan adib o‘z ijodiy faoliyati davomida buni ko‘rsatib bergan desak adashmagan bo‘lamiz. Shu sababli ham adib 1991-yilda "O‘zbekiston xalq yozuvchisi" unvoni bilan 2001-yilda "Buyuk xizmatlari uchun ordeni bilan taqdirlanadi. Adib chindanda salmoqli ijod qilganligi kitobxonlar tomonidan uning asarlari sevilib o‘qilishida ko‘ramiz. O‘.Hoshimov haqida Umarali Normatovning quyidagi fikrlarini keltirish o‘rinlidir. "Ilk qissasi "Cho‘l havosi" dan tortib "Daftar hoshiyasidagi bitiklar" kitotobiga qadar barcha asarlariga xos mushtarak holat shuki, ular betakror, benazir, sirli musiqiy ohang bilan yozilgan. Muallif qo‘lidagi qalam go‘yoki yozilmaydi , balkim qalami uchidan so‘zlar musiqa singari quyilib keladi; uning hikoya va qissalari she‘rdek , dostondek o‘qiladi, ular hamisha sozda chalingan dilrabo kuydek yangraydi, romanlari, ko‘p ovozli simfoniyani eslatadi..."[1.149-bet].

"Yozuvchining "Ikki eshik orasi" va Tushda kechgan umrlar" asarlarida vujud va jonni birlashtirib shunday ruh tiriltirdiki, natijada minglab kitobxonlarning qalbini egalladi va egallab kelmoqda , hayajonga solmoqda . "Ikki eshik orasi "romanida urush hayotiga ta’sir o‘tkazgan obrazlardan biri Muzaffardir. U asar boshida qurilish brigadasida ishlashi , qurilish boshqarmasining boshlig‘i bilan bahslashib qolib, qo‘l ostidagi ishchilari kam ish haqi olishidan boshlanadi . Xafa bo‘lib uyga qaytib onasi Ra‘noning vafot etganini eshitadi va Farg‘ona tomon yo‘l oladi. Ketayotganda o‘tgan umriga bir nazar soladi. Uning bolalik xotiralari... Kichkina Muzaffar otasi bilan yolg‘iz yashaydi. Birgina qarindoshi "Qora amma"nikiga tez-tez borib turishadi. "Qora amma " kichik uyida cholining chirog‘ini yoqib , urushda bedarak ketgan

o'g'li Kimsanni kutib Robiya bilan yashaydi ." Qora amma " ukasiga Robiyani olib berib ikki insonning yarim baxtini butun qilmoqchi bo'ladi. Asarda qatog'on davri voqiyalari ham kiritilgan. Bu asar qahramoni Robiya obra orqali tasvirlanadi. Robiya otasi bilan No'g'ayqo'rg'onga kelib qoldi. Robiyaning otasi surgun qilingach, Husan dumanikida qolib ketdi. Tutingan akasi Kimsan bilan bir-birlariga ko'ngil qo'yishadi. Tinch kunlarning birida No'g'ayqo'rg'onda Oqsoqol o'rniga yangi rais saylandi - Umar Xo'jayev. Shomurod suygani Ra'noga uylandi. Tezda urush boshlandi va birinchilardan bo'lib Kimsan urushga ketadi .Shomurod ham urushga ketadi. Shundan so'ng Umar zakunchi Ra'noni yo'ldan uradi va u eriga xiyonat qiladi. Bu orada Kimsan bilan Robiya unashtiriladi . Afsuski, ularga to'y qilish nasib etmadi. Kimsan asirlar lagerida halok bo'ldi. Urush tugab Shomurod qaytib keladi. Umar zakunchi bilan Ra'noning sirlari fosh bo'lib, ular Qo'qonga qochib ketdi.

Muzaffar otasining qo'lida juda yosh qolib ketdi. Shuning uchun uni Bashorxon ismli ayol ko'krak suti bilan katta qiladi. Robiya Shomirodga turmushga chiqadi

Muzaffar ulg'ayib Munavvar ismli qizga ko'ngil qo'yadi. Ammo hamma bu sevgiga qarshi chunki ular emikdosh , shirxo'ra bo'lishadi. Munavvar sirdan voqif bo'lib o'z joniga qasd qiladi. Kitobxon ayni shu yerida urushning bor daxshatidan , tugaganiga 20 yildan oshsada kishilar (unda umuman ishtirok etmagan) qismatidan fojiiyalar yasayotganidan larzaga tushadi. Birgina insonning qilgan xatosi qancha odamlarni baxtsiz qiladi, qancha sevgilarni barbod qilishi mumkinligi haqida o'ygatoladi. Bashorxon Munavvarga Muzaffardan boshqasini tanla ertaga to'y qilamiz deganida, Munavvar uni yaxshi ko'rishini aytadi."-Yaxshi ko'rasan! - U cho'kkalab o'tirgancha deraza tomonga qarab osmonga qo'l cho'zdi. -Iloyo o'sha Ra'no buzuq juvonmarg bo'lsin! Iloyo u dunyo-yu bu dunyo xor bo'lsin. Iloyo Umar zakunchi do'zaxga kunda bo'lsin! Shomurod cho'loq bu kunidan battar bo'lsin! [O'tkir Hoshimov, 2021; 539-bet].

Asarning bosh g'oyasi urush va urushdan keyingi yurtimizdagi og'ir hayot, yillar o'tsada urushning insonlarning fojiiyali qismatiga sabab bo'layotganligi yuragingizni o'rtaydi. Urushning dahshati uning necha yillar o'tsada , insonlar hayotiga ko'rsatgan ta'siri haqida ijodkor mahorat bilan yondashadi. Agar urush bo'lmaganda Ra'no Shomurodga hiyonat qilmasdi. Urush bo'lmaganda Muzaffar bilan Munavvar emikdosh bo'lmasdi .Urush bo'lmaganda ular baxtli bo'lishardi. Urush bo'lmaganda Kimsan bilan Robiya birga bo'lishardi. Urush bo'lmaganda Orif oqsoqolning kelinlari o'z yori bilan baxtli yashashardi. Urush bo'lmaganda onalar farzandlarining yo'liga ko'z tikib qiynalmas edi.

O'tkir Hoshimovning kitobxonlar qalbidan joy olgan asarlaridan yana biri bu "Tushda kechgan umrlar" dir. Asar voqealari Rustamning oxirgi kundaligidan boshlanib, so'ngra Qurbonoy xolaning har kungi yumushlari bilan boshlanadi. Asardagi voqealar kuz tasviri bilan boshlanadi va bu bilan yozuvchi qahramonlar taqdiriga ishora qiladi, yakunida ham shu tasvir keltirilgan ."Kuz o'lim to'shagida yotgan bemorga o'xshaydi. Oyoq ostida kasalmand hazonlar ingraydi ...Shuncha urinishlar zoye ketganini tushinib olamga ma'yus boqadi. Yer-ko'kni kafandek oppoq tuman chulg'aydi. Oq zulmatlar orasidan qarg'alarning xosiyatsiz fig'oni eshitiladi" [2. 4-bet].

Bu tasvirlarda qahramonlarning xayotida nohush vaziyatlar bo'lishidan darak beradi. Rustam afg'on urushining qatnashchisi va jabrlanuvchisi . U o'sha urushda qatnashib kantuziyaga uchrab eng achinarlisi bir umrga majruh bo'lib qaytadi. O'.Hoshimov Rustamning kundaligi orqali u Vatani uchun emas sovet hukumatining bosqinchilikdan iborat siyosiy manfaati uchun jang qilganligini, bu ma'nosiz urushning mohiyatini ochib beradi. Iymon e'tiqodli, soddagina Hayriddining o'z tug'ilgan kunida o'ldirilishi. Adib Vatan uchun emas , sovet hukumatining bosqinchilikdan iborat siyosiy manfaati uchun jang qilgan bu manosiz urushning mohiyatini mohirlik bilan ochib bergan.Adibning urush daxshatini ochib berishda qanchalik mohirlik bilan yondashganiga guvoh bo'lasiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Normatov U. Yangi o'zbek adabiyoti. –T: Universitet, 2007.149-b.
2. O'tkir Hoshimov. Ikki eshik orasi. –T: Global books, 2021.

**ЛУҚМОН БЎРИХОННИНГ “ТУН ҚАЪРИДАГИ ШУЪЛА”
ҲИКОЯСИДА БУРЧ МАСАЛАСИ**

*Алиева Севинч Сайфиддин қизи,
ЖДПИ 1-курс магистранти
Илмий раҳбар: Шоира Дониёрова,
ЖДПИ профессори, филология фанлари доктори*

Инсон ҳаёти давомида фақат яхши яшашини ўйлаб эмас, балки инсонларга бирор нафи тегса, яхшилик қилса, ўз касб корига виждонан сидқидилдан меҳр-муҳаббат билан ёндашса, Ватанига, оиласига садоқатли бўлса ва ўзидан сўнг яхши ном қолдира олса биз уни чинакамига яхши инсон дея оламиз.

Мана неча асрлардан бери инсонларнинг виждонига кузгу бўладиган бурч тушунчасини ҳамма ўзича ҳар хил талқин қилиб келади. Аслида ҳам шундай, сабаби ҳар бир инсонда бурч тушунчаси ҳар хил шаклланган, бу оиласи, маҳалласи, Ватани олдидаги бурчини турлича ҳис этишида намоён бўлади. Фалсафада бурч тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: “ Бурч-бу оила ва бошқа шу каби тузилмаларнинг шахс зиммасига қўйган талабларига нисбатан инсоннинг ахлоқий масъулятини, мажбурятини, уларни бажариш ички маънавий зарурият эканлигини англашни ифодалайди”[1].

Луқмон Бўрихоннинг “Тун қаъридаги шуъла” деб номланган ҳикоясида бурч масаласи ҳикоянинг бошидан охиригача бош планга чиқади. Гарчанд, ҳикоянинг ҳеч бир жойида бурч сўзи ишлатилмаса ҳам бу ҳикоядан англашилган ғояда намоён бўлади.

Ҳикояда сафарга чиқишган икки йўловчи, бири ҳикоя қилувчи, бири зобит бўлади. Зобитни ҳар доим тун қоронғусидаги узокдаги ёруғлик албатта эътиборини тортиб туради, сабаби бир вақтлар унинг ҳаётида содир бўлган воқеа ёдига тушаверади.

Ёзги меҳнат таътили давомида тоғ-даштларни тинимсиз кезиб гербарий

тўплашга ботаника-биология ўқитувчиси Акбарни нима ундади, ахир у ҳам ҳамма қатори оиласи даврасида ёки салқин-сўлим жойларда дам олса бўлар эдику, лекин у ўзи айтгандек ҳабашдек қорайиб тоғу-тош кезиб ўқувчилари учун гербарий йиғади. Сабаби, унинг мақсади ботаника дарсларидаги мавзуларни тушунтираётганда ўсимликларни шунчаки таърифини бериш ёки суратини кўрсатиб қуйиш билан чегараланмасдан, ўқувчиларига ўсимликни табиий қурутилган намунасини кўрсатиш билан, сунъийлашиб бораётган шаҳарлик ўқувчиларни ҳақиқий табиатга ошно этишга, сал бўлса ҳам яқинлаштириш эди. Бунда экология, атроф-муҳитни асраш, инсонларни сунъийлашиб кетатойганлигини ҳам сингдириб кетилган. Ўқитувчи тоғлар қуйнида омонатгина кулбада яшайди, бу унинг матонатини кўрсатилса, унга ёрдам, йўл-юрук кўрсатиб, озиқ-овқат билан таминлаб турган Тоғбегини эса ҳақиқий меҳмондўст ўзбек кишиси сифатида талқин этишимиз мумкин.

Ҳикояда икки йўналишда бурч масаласи очиб берилади, биринчи йўналишда биогия ўқитувчиси Акбарнинг фаолийтида кўрган бўлсак, иккинчи йўналишда Зобитнинг ҳарбий топширикни қатгий бажаришида кўринади. Унга Юртимизнинг шарқий чегарасидаги тоғли ҳудудларидаги қуролланган ёд унсурларни топиб, йўқ қилиш вазифаси топширилади ва уни отрад бошлиғи этиб тайинлашади. Шундан бошлаб унинг қалбини бурчи, вазифасини юки қийнай бошлайди. Биринчидан, қалтис йўл тутиб аскарларини ҳалокатга йўликтириб қуйиш бўлса, иккинчи томондан ҳали Ватани учун бирор иш қилмасдан туриб ҳалок бўлишни истамас эди. Аскарлар олдидаги бурчи туфайли тунда ёруғлик таралаётган томонга ўзи боради, кулбани битта ўзи текширади. Сабаби, ҳали аниқланмаган хатарли жойга бориб аскарларини жонини хатарга қуйишни хоҳламайди. Кулбага бориб, Акбар билан бўлган суҳбат уни жуда таъсирлантиради, хатар йўқлигига амин бўлади ва бу воқеа бутун умр қалбида қолади.

Шундан сўнг у қаердаки тунда шуъла кўрса қайси бир юртига фидойи-содик инсон ўз ҳаловатидан кечиб, ўз касб-кори билан машғул бўлиб меҳнат қилмоқда деб ўйлаб қолади. Уларга куч бераётган, меҳнат қилишга ундаётган куч бурчига, касбига содиқлик бўлса ажаб эмас. Ҳикоядан англашилган ҳулосада ҳам шундай эди аслида.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фалсафа қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2004.

MAJOZIYLIK VA BADIYLIKNING DIALEKTI BIRLIGI

*Tog'ayeva Sayyora Nodir qizi,
SamDU 1-kurs magistranti*

O'zbek adabiyotining taraqqiyotida iste'dodli adib Normurod Norqobilovning o'ziga xos o'rnini mavjud. Adibning turfa xiljanrdagi asarlari o'z o'quvchilarini topga,

adabiy tanqidda o'ziga xos tarzda baholangan. Uning asarlaridagi mavzu ko'lamining kengligi, emotsional ta'sir bo'yoqlarga boyligi va nabobat olamining siz-u biz bilmagan o'ziga xos qirralarini hamda sir sinoatini yorqin aks ettirish xususiyati bilan alohida ajralib turadi. Shu nuqtaiy nazardan ham, adib asarlarida oddiy kishilar badiiy qahramon qilib olinsa-da, ularning o'ziga xos xarakter qirralari, ruhiy istiroblari etakchilik qilishi bejiz emas. Ijodkorninmg barcha asarlarida oddiy qishloq hayoti va uning tipik vakili etakchilik qilsa-da, uning zamirida millik va o'zlikni anglashga xizmat qiladigan shaxlarning turfa xil xarakter qirralari talqini o'z ifodasini topgan.

Adabiyotshunos U.Normatov qayd qilganidek: "Badiiyat asosidagi eng asosiy o'zgarish shundan iboratki, san'at, adabiyot, adabiyotshunoslik yakka hokim iskanjasidan xolos bo'ldi, san'at va adabiyotning erkin, xilma-xil falsafiy-estetik o'zanlar bo'ylab rivojlanishi uchun keng yo'l ochildi. Eng muhimi, qadimiy va ilg'or zamonaviy qadriyatlarni ardoqlash, ularni yangi asosda qaror toptirish bosh masalaga aylanmoqda" [1, 3-bet].

Bugungi badiiy adabiyotdagi tasvir usulidagi o'zgarishlar, jahon adabiyotidagi mavjud an'analar ham o'z ta'sirini ko'rsatmoqda. Yozuvchining "Ovul oralagan bo'ri" qissasiga nazar tashlar ekanmiz, qissada yoritilgan Jondor – Cho'ngkallaning umri davomida ishonib, sevib, birga (to'dadan ayro holda yashasada) baxtli umrguzaronlik qilgan juftidan, yupanchidan judo bo'lgan holati va uning qalbida kechgan ziddiyatlar silsilasi jondorning ruhiy olamini, qalb nidosini va juftiga bo'lgan sadoqatini, fvvo yillar shamoli bularning o'rtasiga rahna solganligini qayd etish va juda teran aks ettirilganligi bilan ajralib turadi: "Axir dashtda sanqiganingda, oyog'ing ostida qorning g'irchillashiga nima yetsin. Qorga cho'milishlarni-ku asti qo'yaverasiz. Hozir ayni qorga cho'miladigan havo edi. Biroq u narsa Cho'ngkallaning yuragiga sig'mas, negaki, kutilmaganda u urg'ochi bo'ri Oqyolning izini yo'qotib, qonli xalqobga duch kelib, turardi-da. Qon Oqyolniki, ammo jasaki ko'rinmasdi. Ayni shu narsa Cho'ngkallaning ortiqcha bezovtalanishiga izn bermasdi. Nega deganda, jonivorlar to sherigining jonsiz jasadiga duch kelmaguncha judolikka ishonmaydi" [2, 3-bet].

Tasvirlarda ongsiz jonivorning xuddi odamlar kabi iztirob chekishi, fikrlashi kabi talqinlar asosli ifodasini topgan. To'g'ri, yozuvchi bu o'rinda majoziy obraz orqali insonga xos bo'lgan va bo'lmagan xislatlarni talqin etgan. Qissada insoniyatga xos bo'lgan ba'zi bir xislatlar ham yaqqol ko'zga tashlanadi. Buni biz Salom mergan timsolida ifodalanganligini kuzatamiz. Salom merganni obro', shon-shuhrat va qandaydir mukofatni deya qora tunda jondor poylamoqchiligini yoki shu vahimali tunda xayollar iskanjasida qolib, turli o'y fikrlarni, yozuvchi mahorat bilan tasvirlaydi: "Eng qizig'i, yovvoyi jondor juftini qidiradi, bu borada hatto o'limga tik boqadi. Odamzod esa o'lib ketganing bilan ishi yo'q. Ana, ayoli holing qalay demaydi. To'ng'ib qolmang, deganicha qaytib qorasini ko'rsatgani yo'q. Qo'shnilari miltiq ovozidan ham uyg'onishmaydi. Uyg'onishsa-da, issiq ko'rpadan bosh chiqargisi kelmaydi. Salom mergan bilan necha pullik ishi bor ularning. Ertalab jasadini ko'rishsa-da, bir tuki qilt etmaydi, yo'liga achingan bo'lishadi. Yaqinlari yig'lab siqtashadi... Keyin Salom mergan degan banda o'tganligini hamma unutadi. Yovvoyi bir jondorcha bo'lolmas ekanmiz, yashashdan ne maqsadu, ne mani unda?..."

” [2, 33-34-betlar] kabilarni hayolidan o‘tkazishi ham o‘quvchini mushohadaga tortadi.

Kitobxon o‘yga tolar ekan, insonlar o‘rtasidagi mehrning, odamiylik kabi tushunchalarning asta-sekin yo‘qolib borayotganligini teranroq his etadi, bundan iztirobga tushadi. Xuddi shu kabi o‘y-fikrlar asar davomida Salom merganni tinch qo‘ymaydi. Urg‘ochi bo‘ri Oqyolning qaysarligi, tixirligiga qaramay, o‘z juftini deya tunda mardlarcha ikki bor o‘limga ro‘paro kelgan – Cho‘ngkallani ko‘rgan Salom mergan bo‘rining yo‘liga qopqon qo‘yishni taklif etgan Norqul cholning fikriga qarshi turadi. So‘ng Cho‘ngkalla mard jondor u faqat mardona o‘limga loyiqligini alohida ta’kidlaydi. Bu o‘lim esa faqat miltiq bilan amalga oshirish lozimligini qayd etib o‘zi sezmaganda arloni bo‘ri Cho‘ngkallaga mehr qo‘yadi. Mukofot dardida bo‘lgan va buning uchun jondorni o‘ldirishga shay turgan Salom mergan asar so‘ngida Cho‘ngkallaga bo‘lgan munosabati o‘zgaradi: “Jondorning qishloqqa tikilgan ko‘zlarida yosh qotib qolgandi. Bechoraning yuragi judolikka bardosh berolmagandi. Buni daf‘atan anglab yetgan Salom merganning tomog‘iga yong‘oqdek narsa kelib taqaldi. Egilib jondorning boshini silarkan, chuqur xo‘rsindi. Shunda u mukofot naqdligini o‘yladi. Biroq bundan zig‘rcha quvonmadi. Jondorning yoshli ko‘zlariga qarayolmay, uzoq-uzoqlarga termulib qoldi...”

Yozuvchi Salom mergan obraziga o‘zgacha yondoshgan. Asar boshida mansab, obro‘, shon-shuhratga o‘ch, mukofot dardida tunni tun demay, kuyib pishayotgan shaxs, voqealar so‘ngida esa umuman boshqa shaxsga aylanadi. Uning tosh qalbida hayvonot olamiga nisbatan iliqlik paydo bo‘ladi. Salom merganning xarakterini o‘zgarishiga ham asoslar bor edi, chunki insonlar o‘rtasidagi mehrning yo‘qolishi, ammo nabobat olamidagi o‘zaro mehr uni shunday fikrlashga majbur qilgan. Buni biz arloni bo‘ri Cho‘ngkalla o‘lganidan keyin Norqul chol va Eson polvonlar jondorni tepib, terisini shilmoqchi bo‘lganida bunga qarshi chiqqani, Salom mergan bo‘rini izzatlab ko‘msh kerak, degan so‘zlaridan yanada teranroq his etamiz.

Asrlar davomidagi inson va nabobat olamining uzviy birligi 60-70-yillarga kelib, ularning o‘rnini yovuzlik, vahshiylik egallay boshladiki, bu holatlarga alohida urg‘u bergan Chingiz Aytmatobdek ijodkor ham bosh mavzu qilib olishi bejiz emasligini anglay boshlaymiz. Yozuvchi Normurod Norqobilov arloni bo‘ri Cho‘ngkalla va Salom merganning o‘y-mushohadalari orqali insoniyatda tobora kamayib borayotgan ba’zi bir xislatlarni bir-biriga bo‘lgan mehr-muhabbat, jonkuyarlik, o‘zaro ishonch, odamiylik, samimiylik, insoflilik kabi qator umuminsoniy xislatlar va shu bilan birga tabiatni asrab-avaylash, uni muhofaza qilish, nabobat olamiga mehr qo‘yish hamda uning oldidagi burch va mas’uliyatni yo‘qotmaslik kabi g‘oyalarni ilgari suradi.

Umuman olganda, inson va tabiat, inson va nobobat olamining dialektik birligi insonning dunyoqarashini, uning hayot va tabiatga bo‘lgan munosabatini namoyon etadi. Ikkinchidan esa insonlar o‘rtasidagi mehr-muhabbatni, uning qadr qimmatini yo‘qolib borishi ham bugungi hayotning global muammosiga aylanib ulgurdi. Ana shu jihatlarni badiiy talin etish jarayonida ijodkor o‘ziga xos uslubini namoyon qila olgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Normatov U. Umidbaxsh tamoyillar. –T.:, Ma’naviyat, 2000. – B 112.
2. Norqobilov N. Ovul oralagan bo‘ri. Qissalar. –T.:, Sharq, 2005. – B. 256.

“ШЕЪР БИЛАН ОБУТМА, СЎЗГА СИҒМАЙМАН”

(Бехзод Фазлиддин шеъриятида Дунё, Рух ва Вақт образлари бадиияти)

*Тошнўлатов Муҳаммадқодир,
ЖДПИ талабаси*

*Илмий раҳбар: Ю.А. Каримова,
ЖДПИ доценти, филология фанлари номзоди*

Ўқирманнинг тафаккур туғёнларига, хаёлот мавжларига куч берадиган асл шеърият ижодкорнинг дунёга тиккан теран нигоҳи ҳадсиз сезим нурларидан зиё олганда қалбга офтоб бўлиб, қоғоз юзида кўз очади. Шоирнинг ҳамрози шу қоғоз. Баъзан уни кўнгил сардафтари саҳифаларига сочади. Баъзида шиддаткор туйғулар, гоҳо сокин ҳислар дил торларидан назмнинг сара сатрларини жаранглатади. Юксак руҳ дунёнинг синовлари самараси ўлароқ оний илҳом чақинлари билан кўнгилга ҳароратли сўзни аланга қилади.

Ўткинчи дунёда олий руҳларнинг вақт исканжасидаги боқий муҳорабаси, уларнинг ҳайқириғи баъзан шеърлар бағридан ғалаён қилади. Бу исёнкор, руҳтасвир, дунёсурат шеърият – Бехзод Фазлиддин поэтик оламининг яратиб. Шу жиҳатдан шоир ижодида Дунёнинг, Рухнинг, Вақтнинг бадиий талқинлари салмоқдор.

Истиклол шеъриятининг истиқболли шоирларидан бири Бехзод Фазлиддин лирикасида киши руҳиясига, олам асрорларига, вақтнинг суронларига янгича поэтик тафаккурнинг кўзи билан қараш бор, ҳар назарда шоирона илғай олиш бор. Шоирнинг лирик қахрамонлари қалб кечинмаларини чуқур таҳлил қиладиган, ўзни “мен”нинг саволларига мангу тутадиган (“Мангу савол” шеърида) ва кўнгилда “ишқватан”нинг, “тупроқватан”нинг, севгисўзнинг суратларига қалб оҳоридан сайқал берадиган озурдақалб эгалари. Улар шу қадар мутаассирки, оддийгина ҳодисадан-да юксак поэтик хулоса қила олади. Энг муҳими, улар дунё воқеликларини ўзларининг ҳам кўтаринки кайфияти, ҳам исёнкор руҳияти тарозисига солади. Ҳар икки жиҳатни мазмунга омихта қилади. Бундай фалсафий-идрокий шеъриятдан баҳрамандлик, ҳеч шубҳасиз, шеърхонда руҳий яқинликни уйғотади. Фаранг шоири Жак Брель таъбири билан айтганда, *“Шоир бизни юрак ютиб ботинимизга - руҳиятимиз қаърига назар солишга ва унда сийратимизни ўзимиз тасаввур этгандек эмас, балки аслида ўзимизнинг ким эканимизни аниқ кўришга даъват этади”* [“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2014 йил сони]. Шу боисми, *“Мен шоир Бехзод Фазлиддин манзумаларида кўнглимдаги нотинч фикр-туйғуларга ҳамоҳанг мисралар топдим”* [2].

Тасаввуримизда, шоир дунёни ҳам, унинг англаб бўлмас сирларини ҳам тахайюл олаמידан бадиият тилига кўчиради, ўқувчи кўз ўнгида сўз эмас,

худдики жонли манзара бўй кўрсатади. Шунинг учун бу лирикани “дунёсурат шеърийат” дейишга ҳақлимиз. У бир шеърида ўзини тупроқдан кўра толесиз, дунёга қараганда бахтлироқ санайди, балки қалбининг ёруғлигию оламнинг зулматга чўмганидир бунинг сабаби. Эҳтимол...

*Жоним - азобларга чўмилган япроқ,
Умрим - зулматларда адашган зиё.
Сен мендан юз чандон бахтлисан, Тупроқ,
Мен Сендан юз чандон бахтлиман, Дунё [1; 5].*

Лирик қахрамон сўзларида жоннинг ситамлар, умрнинг қоронғиликлар ичра қолган “япроқ” ёхуд “зиё” эканлиги унинг тупроққа ҳам, дунёга ҳам бегона эмаслигини эслатиш эҳтиёжидан. Шеърнинг кейинги бандларида “армон” (“Менинг ўзим - армон, ҳар сўзим - армон” [1;5])нинг дунёдан кутгани катта, у Гўрўғлию Ҳасанхондай кўрқувбилмас қахрамонларга йўлдош Ғиротларга кўнгилдан умид боғлайди, лекин у негадир ҳалигача ҳадикдан халос эмас:

*Сен берган имконлар беради далда,
Ҳали умидим кўп ғиротларимдан.
Синиб қолмайдими изгиринларда,
Кўрқиб кетаяпман қанотларимдан... [1; 5].*

Ўйлаб қоласан киши, у қандай безовта зотдирки, кўнглидаги иштибоҳлар, зиддиятлар оқими бир зум бўлса-да тўхтамас?! Ҳозиргина “Қанотим синмасмикин?” деб ҳадиксираган жон энди тамомила бошқа дунё. Ундаги шахду шиддатнинг чеки йўқ:

*...Ҳали овозимдан дунё титрайди,
Худойим, инсоф бер журъатларимга [1; 5], -*

дея ёлворади у. Бу унинг дунёни ўйлаганидан. Лирик қахрамоннинг бошқага айтари, феъл-сажияси шу - у “Санъаткор” зотдан олган санъатига ишонади, шу боис унинг овози янгроқ.

“Сўз санъатида парадокслар жуда кўп. Бир қаламкаш ижодида бири-бирига зид фикрлар, туйғулар тўлқинига истаганча дуч келиши мумкин. Бу ҳам, шубҳасиз, ўзига мансуб бўлган муҳит ва шароитнинг ижодкор руҳиятига кўрсатган таъсирига дахлдор” [3; 57]. Айтганимиз боқий зиддиятга тўлган дунёнинг ҳар қадамида юз кўрсатаётган ҳодисани Беҳзод Фазлиддин унинг акси билан “Антоним дунё”да Тирик Рух ва Ўлим ифодаси қадар ёзади. Бунда ўлимгина уни ҳаётнинг бағридан олиши мумкин, чунки Дунёнинг кулгиси ҳам унинг йиғловига зид, у дунёда шунча қаршилар орасидан ўзига тенг деб билган, шекилли, фақат ўлимни зидди деб хаёл қилади (агар у ўлса, дунёнинг антоними нима бўлади?! Шу нарса қизиқ):

*Ўйгонаман, нафсим ухласа,
Мен йиғлайман, дунё кулади.
Қаршилар кўп, Худо хоҳласа,
Антонимим Ўлим бўлади [1; 8].*

“...дунё ва инсоннинг чин моҳиятини англамоққа уринган кишики бор, алалоқибатда тушуниб етадики, одам яратилгандан буён ундан битта буюк

уруш кетаяпти - НАФС муҳорабаси!” [5;102]- дейди адиб Улуғбек Ҳамдам. Рост гап, қалб жанггоҳида нафс мағлуб бўлмас экан, унинг уйғоклиги бекор. Шунинг ифодаси ўлароқ у “нафсим ухласа”, “уйғонаман” деб ишонади, руҳнинг уйғоклигига нафс раҳна солади деб хулоса илинади. Лекин бу балои нафсни қандай енгиб бўларкин? Бизнингча, унинг аъмоллари иймоннинг йўриғидан ўзга йўлга ўтмаса, албатта, ҳаммаси ўз ўрнига етади. Ёхуд шоирнинг наздида дунё акси “Эски ҳақиқат”ини янгилайди:

*Дунё эски, ташвишлар эски,
Навқирондай бу замлар кўҳна.
Қарсак чалиб топамиз таскин,
Ҳаёт ўзи эски бир сахна* [1; 65].

Аввал-бошдан кўҳна дунёнинг қиёси сахна, ҳатто инглиз даҳоси Шекспир ҳам шу фикрда. Лекин сахнада ёзарманнинг идеалинигина кўриш эмас, аксинча асл сурату сийратни англаш, ҳақиқатга етиш керак. Зеро, “... дунёда ҳақиқат бўлмаса, ҳаёт бўлмайди. Қуёш ҳаётни осмондан таъминлаб берса, Ҳақиқат ерда унинг томирини ушлаб туради” [6; 27]. Томошага маҳлиё бўлиб, бўяб-бежалган кўчирмани олқишлаб, ҳайбаракаллачилик қиладиган оломон тасавурида эса ҳақиқатнинг манзилига йўл йўқ - чапак чалиб таскин топиш одатий ечим бўла олмайди. Бойси “маъюс мажнунтол”у хўрсинган чинорлар ҳам дунё ишларидан ўйчан лирик қаҳрамонга яна ўйнинг тизгинини тутқазади:

*Фақат сира қўймас бир ҳол,
Ўйлатади дунё ишлари:
Нигоҳлари маъюс мажнунтол,
Чинорларнинг хўрсинишлари...* [1; 65].

“Сиру синоатлар осмон қадар кенг” [7; 53] “жумбоқли дунё” ишларидан ҳайронлик азалу абад кишига ҳамроҳ. Зеро, “Ҳайрат - тириклигинг ҳақидаги хабар” [8; 182] деганида шоира Фарида Афрўз ҳам ҳақ гапни айтган. Лирик қаҳрамон таҳайюрининг бу нигоҳидан ҳеч нарса четда қолмайди - унга мажнунтолнинг маъюсликка тўла боқишларию азим чинорларнинг хўрсиниқлари аниқ сезилади (улуғвор яратикларга хос мағрурлик ҳам кези келса, дунё ҳасратидан кўз ёш тўкади!). Бир кўнгилда Дунёни англамоққа интилиш бўлса, шунча бўлади-да.

Ёхуд шоир бир шеърда дунёнинг кулгисини “покиза гўдак”ка, унинг “улғаяр” маконини муҳаббатнинг кафтларига қиёс қилади, пок булоқлар сувидан юз чайган дунёнинг тонгни уйғотиши муаззиннинг ёқимли ва беозор овозига ҳамоҳанг бўлади:

*Покиза гўдакдек жилмаяр дунё,
Севгимнинг кафтида улғаяр дунё,
Азондай беозор уйғотиб тонгни,
Муқаддас булоқда юз чаяр дунё* [1; 19].

“Дунё малъундур, Оллоҳ зикридан бошқа дунёдаги бефойда ишлар ҳам малъундур” [9; 323], дейди Навоий ҳазратлари. Ҳақиқатан, ўткинчи хою ҳаваслар ортидан бориб, мўмин бандалар асл муддаони унутар экан, улар ҳам

дунё каби малъун бўлади. Шу вазданми, шоир дунёни руҳнинг жабрига, ғурбатсаройга менжайди, яхшиликнинг савобини ҳам хотирдан кетказмайди:

*Бу дунё - руҳимнинг азоби,
Эзгулик - умримнинг савоби [1; 36].*

Мангулик руҳ ситамига дохил кўнгилнинг манзилини ҳам шоир ўз сўзида мушфиқ она қалби томонда кўрсатади ҳамда у оламни тарк қилиб, мунис она бағрига нажот истаб талпинади, ўз кўнглига йўлбоши бўлади:

*“Йилт” этган зиёга зор кўнглим,
Биз истар дунёлар бор, кўнглим.
Муниса Онамнинг кўнгли бўш,
У бизни кутяпти, юр, кўнглим,
Ёмони бор жойда нетамиз,
Онамнинг кўнглига кетамиз,
Онамнинг кўнглига кетамиз! [1; 37]*

Онанинг қалби томон олам ғамларидан юз ўгириб бораётган лирик қаҳрамон кайфияти, руҳияти акслари бир шеърда шундай ифодага кўчади:

*Узилиб-узилмас ишонч иплари,
Аёвсиз отилар бало тўплари.
Руҳимда эврилиш талотўплари -
Эътиқод аралаш, иймон аралаш [4; 18].*

“Катта истеъдод руҳнинг, руҳ эса шеъриятнинг асл моҳиятини таъминлайди. Руҳ ўсган сайин олий ҳақиқатга - Оллоҳга яқинлашиб боради” [10; 4].

Яратганга яқинлаша бораётган лирик қаҳрамон руҳи бу сафар иймон-эътиқодга назар ташлайди. Яна ўйга толдирар манзара: дунёга, кишиларга ишонмоқ ҳисси шоирнинг лирик қаҳрамонида шу қадар таранг тортиб қолганки, уларга “бало тўплари” ҳам беаёв отилади. “Тағин “ишонч иплари” узилиб қолмасмикин?” Шу сўроқ кишини ўйга солади. Ишончга алоқадор ўлароқ руҳда кечаётган ўзгаришлар ҳам унинг наздида, “эътиқод аралаш, иймон аралаш”. Бу эврилишлар шиддати ҳам иймон-эътиқоддан узоққа бормайди. Негаки аввал эсга олинган ишонч, илоҳий китобларнинг гувоҳлик беришича, иймон фарзининг негизи. Иймон (асли “ишонмоқ” дегани) эса мусулмонликнинг илк аркониدير.

Беҳзод Фазлиддин ўй-тафаккуридаги тўлқинлар, кўнглидаги сезимлар баъзан нафратга қоришади. *“Шу боисдан улар жисмни тобловчи оғриққа, нўртанавор руҳий тўлғоқлар ва шамширдай кескир фикрларга бой” [11; 101].* Зероки, *“Бугунги ўзбек шеърияти марказида турган лирик қаҳрамон замондошимиз қалбида кечаётган ҳис-туйғуларни XXI аср кишининг тафаккур тарзи, руҳий эврилишлари фонида ифода этмоқда. Агар истиқлолгача бўлган давр ўзбек шеъриятида лирик қаҳрамон туйғулари ифодаси орқали унинг қалбини англашга, поэтик тадқиқу таҳлил қилишга интилиш кўзга ташланса, кейинги йилларда яратилаётган лирика намуналари биз кўниккан шакл ва услуб чегараларидан “қалқиб чиқиб”, эътиборимизни турфа манзаралар тасвирига қаратмоқда. Лирик қаҳрамон нигоҳи қадалган*

манзара қатига яширинган маъноларни эса китобхон ўз тафаккур туйғулари, бадиий-эстетик идроки ва фаҳми орқали англаб олиши мумкин [12; 36-37].

*Рухим чинқиради, мендан тонади,
Уйғониб кетади яна орларим.
Бўғзимни куйдириб сўзлар ёнади,
Қачон тугилади менинг шеърларим?* [1; 3].

Рухни кийноққа солган, ор-номусни уйғотган, бўғизни куйдириб алангаланаётган сўзлар юракда шеър бўлмоққа навбат кутади. Лекин ҳар айтилар сўзнинг, ёзилар шеърнинг вақти бор. Ўз вақтида қилинган амал эса хайрлидир. Лирик қаҳрамонга ғам етказиб, қалбни куйдираётган бу руҳнинг талотўплари шеър бўлмоққа тайёр. Фақат “вақти йўқ”, “селдай келади”ган (Усмон Носир сатри) илҳом қалб дарчасини чертса, бас!

Эртанинг ўйини одам бўлмоққа имкон билиб, таскин топаётган шоирнинг лирик қаҳрамони юракнинг минг дарз кетганидан ҳасрат қилади, руҳининг тўйини кутиб яшайди:

*Юрагим минг битта жойидан синди,
Қачон бошланади Рухимнинг тўйи?* [1; 4].

“Рухнинг тўйи” ҳам, бошланмоғини кутиш ҳам фавқулодда ифодага тенг. Шеърхонни “Ўзи руҳнинг тўйи қандай бўлади? Бўлса, қачон бошланади?” деган савол кийнайди. Ўқирман тафаккур сўзига қулоқ тутса, англайдик, “минг битта жойидан син...”ган юрак ўз аслига қайтса, яна эски ҳоличалик ҳислар тўлқинидан титраса, бу тўй бошланади. Лекин бу аслини олганда энди имконсиз, фақат биттагина таскин лирик қаҳрамон кўнглига умид чироғини ёқади – у ҳам бўлса, такрор айтамик, одам қилишга арзигулик эртанинг ўйлари. Зеро, ҳаётда одам бўлмоқ ўй билан яшамоқ, унга имкон топмоқ деганидир.

Шеърятнинг аввал-охир йўриғида кундай кўринар мавзулар ҳар доим бўлиб келган, фақат ифоданинг йўсини ўзгарган, холос. Шоир Бехзод Фазлиддин поэтик оламида қиррадор Рух образининг бир йўли ҳам азалий Ватан мотивига уланиб кетади.

*Йўқ, бундай яшашига кўнолмайди жон,
Сени танимаслик – Рухимга иснод.
Сен деб яшамасам, борлигим ёлгон,
Сен бор, у дунёю бу дунём обод* [1; 14], -

дейди шоир. Лирик қаҳрамоннинг ўзига қўйган талаби қатъий, у ўзига (бу орқали бошқаларга ҳам) шартли қарорлар чиқаради, бунда ўзни аяш ҳам йўқ:

-Ватанни танимаслик - Рухга иснод (ахир, унинг қўлида танитишу танитмаслик, ўзни танитадиган ҳам, Биру бор зотни эслатадиган ҳам Рух);

-уни (Ватанни!) ўйламасдан яшамоқ борликда борликни ёлғонга чиқаради.

Бошқа бир шеърда эса шоир муаззам тоғларга тенглашмоқни, бу орқали, тасаввуримизда, улар каби улкан ғамкўтарар кўнгилни вужудда яратмоқни Тангридан ният қилади - бунга сабабкор ҳам руҳга алоқадор амал - руҳий таҳорат:

Зилол туйғуларда кўксимни чайдим,

*Вужудга шавқ берди руҳий таҳорат.
Чўққилар бошида бир ҳикмат туйдим:
Яратсанг ҳар нени тоғ каби ярат [1; 72].*

Ҳам жисман, ҳам руҳан покланиб чин аъмоллар адо этмоқ мақсад-муддаога кишини қадам-бақадам яқин қилади. Оби раҳмат каби зилол туюмлардан таҳорат олиш эса руҳоний борлиқнинг юксалмоғи ифодасидир.

Сўз аввалида айтганимиздек, Бехзод Фазлиддин лирикасида Дунёю Рух қаторида Вақтнинг бадий талқинлари ҳам хос ифодаларга эга.

“Вақт энг улуг новатордир” [13; 56], - дейди файласуф Ф. Бэкон. Ҳақиқатан, яратишу яралмоқнинг бори - вақтнинг амали. Бу амал ҳеч замон тўхтаган эмас. Унинг учқур отдай, яшин каби тезлиги ҳам бор гап. Фақат *“Кўнгил азоби учун вақт энг зўр даво”* [14; 19] эканини инсон зоти ҳар доим ҳам ўз ўрнида англаб етавермайди. Шундай лирик қаҳрамон тимсолини Бехзод Фазлиддин *“Ҳаёт”* отлиқ шеърда талқин қилади. Шаклан икки бандлик, мазмунан икки зид фикрлик бу шеърда икки хил нуқтаи назарлар бор, хулосалар шундай:

1. Ёшлик суруридан сармаст йигит тасаввурида вақт *“имиллайди”*, ҳеч олға юрмайди, зерикканидан айтган сўзига қаранг: *“Дил юртида сокинлик - пойтахт”*.

*Энди қачон манзилга етдим,
Имиллайди, вақт ўтмайди, вақт [1; 6].*

2. Бу гал лирик қаҳрамон фавқулодда ҳаёт маънисини англаб етган, вақтнинг қадрини, таассуфки, кеч билган *“Йилларимни бой бериб қўйдим, Лаҳзаларда қолиб кетди Бахт”* деб афсус чекаётган киши сиймосида намоён бўлади:

*Мен ўзимни ўлдириб қўйдим,
Тирилишга Вақт етмайди, Вақт! [1; 6].*

Ўлимга хаёлда дуч келибми, вақтни ўнгда тополмаган лирик қаҳрамоннинг тимсоли қуйидаги шеърда Рух ва Бахт билан узилмас учбурчакни яратади:

*Ҳамон довдирайман, Рухимда тўфон,
Мени шу симларга боғлаб қўйган Вақт.
Юрагим жиринглар - жонли телефон,
Эҳтимол, қўнғироқ қилаётган Бахт... [1; 22].*

Етук шоирона ифода бўлган бу сатрларда йилларнинг сўнгсиз ҳасратини чекиб, руҳда тўфон уйғотган, бахтнинг қўнғироғи симларига абадулабад боғлаган вақтнинг тафтини ҳис қилиш мумкин. Вақтнинг образи шунга имкон беради.

*Кўксимга Нур кириб турса, бўлди-да,
Қувиб етолмагай Вақт деган бир ўқ.
Анча ёшман кекса дардлар олдида,
Ҳали севшига ҳам улгурганим йўқ, -*

дея вақтга умид боғлаётган, ҳаётини сурат қилаётган, кўҳна оғир дардлар қаршисида ўзини мурғак билаётган лирик қаҳрамоннинг вақтга муносабати ҳамиша ҳар кўйга солинади.

Шоирнинг замондоши “Умримни шаробдай симиради вақт” [15; 160] деб зорланиб турганда соҳиби қалам вақтдан ўзмироқ бўлишни уйда қилади:

*Ой яна бепарво кўчамдан ўтар,
Шошиб Вақтдан олдин қошингга елдим.
Кўзларингни очгин, пардани кўтар,
Қара, тушларингдан чиқиб мен келдим!* [1; 23]

Вақтнинг тезлигидан учқурроқ ҳаракат фақат хаёлда бор. Бу - инкорсиз ҳақиқат. Шунга боғлиқ бўлиб, унинг вақтдан ўзиб, хаёлот манзилига етмоғи ва кўзнинг дарчаси - “парда” (қовоқ)ни очмоғи айрича эстетик қараш уйғотиши табиий бир ҳол.

Ёки юқорида қайдланган шеърда вақтдан ўтиб кетган “ғолиб” лирик қаҳрамон энди яшамаган онда вақтга имконни бой беради:

*Яна яшамадим - вақтни ютмадим,
Ҳаёнинг олдидан ҳаёсиз ўтдим* [1; 8-9].

Хўш, қандай қилиб нафас ола туриб, яшамаслик мумкин? Бунинг имкони йўқдай, лекин виждоннинг амридан, иймоннинг сўзидан қадам четга чиқдим, демак, шу фурсат ўлик ҳол билан тенг. Асл инсоний фазлу амаллардан мосуволик вақт қаршисида мағлубиятга татийди. Шунингдек, бой берилган имкон, беҳуда ўтган ҳар лазиз фурсат қийматсиз матоҳ каби бўлиб қолади. Зеро, шоирнинг сўзи шундай:

*Кунларим тўкилиб боради,
Кечаги вақт - писта пўчоғи* [1; 40].

Писта пўчоғидай қадрсиз, эрта учун имкон бўлмаган вақтда ҳам бир ҳикмат аён: кечаги кунда қилинган хатолар эртанги кунда қилинажак амалларга ибрат, тўғри хулоса чиқаришга имкон бўлади. Дунё даҳоларининг “Бугунги битта кун эртанги иккита кундан яхшироқ” деган пурҳикмат сўзларида ҳам ҳаётини ҳақиқат ифодаси бор.

Америкалик машҳур ёзувчи Жек Лондон шундай ёзади: **“Вақт! Агар вақт тополмасангиз, инонингки, олам-жаҳон ҳам сизни тинглашга вақт тополмайди”** [16; 220]. Ҳақроқ, бани одам вақтнинг сўзу амалларига бепарво экан, у ҳам шундай эътиборсизликка рўбарў келади. Ҳасратнинг зўридан вақт ҳам тилга кириши ҳеч гап эмас. Беҳзод Фазлидиннинг ушбу шеърда - “Изтироб”да Вақт шундай сўзлайди:

*Вақтга буйруқ берсанг: “Шошма, биродар,
Беҳуда тўкилма, тошма, биродар,
Эртага изимни излаб келсан,
Бу қадар ҳаддингдан ошма, биродар!”* [1; 52]

Вақтнинг айтар сўзлари жуда мулоҳазакор. Бунда фақат унинг ўткинчилигига эмас, билъақ унинг юксак кадр-қимматлигига ҳам ишора бор. Оддийгина бир шеърхон ҳам буни ўқиб, ҳаётини, ўз вақтини тафтиш қилиши бор гап.

Нафсиламрини айтганда, Дунё, Рух ҳамда Вақт шеърят шажарининг ўқилдишларига айланиб кетган Беҳзод Фазлидин лирикасида оламга поэтик нигоҳнинг янги қиррасини, юксак руҳга интилишнинг баъзан шиддаткор,

баъзида сокин ҳаракатини, вақт амрига гоҳ бўйсуниб, гоҳ итоат этмай олға бораётган, ўзини мутгасил тафтиш қиладиган, ғам-андухнинг кучидан “*Шеър билан овутма, сўзга сизмайман*” [1; 68] деб олам-жаҳон манзил қидирадиган, кўнглини тозартишга интиладиган шоир шахсининг тажассумини кўра олдик. Жамики гап-сўзлар қандайдир маддоҳона таҳлилдан ёхуд кўкка кўтаришдан эмас, аксинча бир шоир шахсияти ва шеъриятига бўлган муносабатдан ва энг мухими, холис таъриф эҳтиёжидандир. Боиси Бехзод Фазлиддин ардоқли шоир Усмон Азим сатри билан айтганда, “*Бу оламнинг бор ҳолатини, Рухга аниқ этмоқдаман қайд*” [17; 50] дея мақтанишга ҳақли соҳиби қаламдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Фазлиддин Б. Сен қачон гуллайсан? –Т.: Mehridaryo, 2008. 77 б.
2. Кўчқор Р. Ўжар ҳақиқатлар (*мақола*) // Тафаккур. 2018. 2-сон.
3. Сулаймонов Ш. “Шеърим, яна ўзинг яхшисан...” (*мақола*) // Ёшлик. 2012. 5-сон.
4. Фазлиддин Б. Кўнглингдан ўзгага кулоқ солмагин (*туркум шеърлар*) // Ёшлик. 2012. 7-8-сон.
5. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. –Т.: Янги аср авлоди, 2002.
6. Сатторий Ҳ. Тимсол (*бадиа*)// Ёшлик. 2012. 5-сон.
7. Кўчимов А. Туғдек кўтаргайлар ҳазрат сурурни // Шарқ юлдузи. 2020. 6-сон.
8. Бўтаева Афрўз Ф. Тасбеҳлар. –Т.: Шарқ Принт, 2006.
9. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами (*20 томлик, 16-том*) –Т.: Фан, 2000.
10. Сувонова Ж. Усмон Азим шеъриятида бадиий тафаккур. –Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2012.
11. Йўлдош Қ., Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. –Т.: Kamalak, 2016.
12. Дононова Г. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва лирик қаҳрамон талқини (1990-2000 йиллар шеърияти мисолида) (*Битирув малакавий иш*). Қарши давлат университети, 2012
13. Бэкон Ф. (*Воронцов В. “Тафаккур гулшани”дан*). –Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.
14. Гёте Й. В. Ҳикматлар хазинаси //олмон тилидан М. Акбаров таржимаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2013.
15. Норчаева М. Қидирганим бир яшил таскин // Шарқ юлдузи. 2020. 5-сон.
16. Лондон Ж. Муҳаббат ва матонат (*ҳикоя ва эсселар*). –Т.: O‘zbekiston, 2018.
17. Азим У. Кўнгил. –Т.: Янги аср авлоди, 2019.

ZULFIYA QUROLBOY QIZI ASARLARIDA INSON RUHIYATI
TASVIRI*Eshmurzayeva Barno,
JDPI talabasi**Ilmiy rahbar: f.f.d. (PhD) M.A. Jo'rayev*

“Jahon adabiyoti va estetik tafakkur tarixiga nazar tashlasak, shunday bir haqiqatning guvohi bo‘lamiz: deyarli barcha ulkan adib va olimu mutafakkirlarning ilmiy-adabiy faoliyatida aksariyat hollarda bo‘shroq asarlar bilan ajralib turadigan “dastlabki davr” yoxud “kamolot davri” kabi ijodiy bosqichlarni kuzatish mumkin” [1-243].

Zulfiya Qurolboy qizi asarlarida jamiyatdagi turli qiyofa-dagi insonlar - yaxshi, samimiy, mehribon, xoksor va yoki bunga zid toifadagi qahramonlarning kechinmalari bilan sirdosh bo‘lamiz. Muallifning “Xoliq amaki” hikoyasini olaylik, Xoliq amaki “...umr bo‘yi qora mehnatdan chiqmagan odam... Huzur-halovat neligini bilmagan odam ...Chumchuqqa ham ozor bermagan odam...” [2-Ziyouz.com] Ammo mana shunday beozorlarga o‘z hukmini o‘tkazuvchi axloq kushandalari jamiyatdagi dilozorliklar, insoniylikdan yiroq hislatlarga nisbatan nafs-rat uyg‘otadi. Xoliq amaki yoki xoksorlikdan, ta’bir joiz bo‘lsa qo‘rqqanidan o‘ziga nisbatan qilingan hech bir noinsoflikka javob qaytarmaydi. Avtobusdagi bolalarning joy bermaganiga e’tibor ham qilmadi, biroq “ko‘zoynakli yigit” hurmat qilib joy berganida yosh boladek quvonadi, yuz-ko‘zida samimiy baxtiyorlik porlaydi. Paxta terish mavsumida Narziqul rais topshiriqni bajarmay, shaharga otlanganlarni bekatdan haydab solardi. Xoliq amaki ham bolalariga oyoq kiyim olish uchun bir qop anor ko‘tarib bozorga otlanganida, Narziqul raisga duch keladi. Hech narsadan kam-ko‘sti yo‘q rais Xoliq amakining dardini qayerdanam tushunsin. Qop to‘la anorni yo‘lning o‘rta-siga sochib, gerdayganida ham amakidan sas-sado chiqmadi, “lekin shundan keyin Xoliq amakini bekatda turganini yo bozor-o‘char qilib yurganini ko‘rmadim.” [2- Ziyouz.com] Demak, Xoliq amakida g‘urur anchayin baland. Ammo bezorlik undan-da ustun. Qo‘shnisi Norto‘xta bilan suv talashish voqeasida ham qahramonimiz nohaq kaltak yeydi. “Norto‘xtaning hay-haylashiga qaramasdan, Xoliq amaki suvni o‘zi tomonga burib olaveribdi. Navbat uniki ekan-da. Jahli chiqib ketgan Norto‘xta ketmon dastasi bilan amakining naq yelkasiga tushiribdi. Xoliq amaki “ih” debdi-yu ariq ichiga cho‘kkalab qopti. “Qachondan buyon tiling chiqibqoldi?” deb baqiribdi haligi qo‘shni.” [2- Ziyouz.com] Qahramonimiz ham norozi bo‘ladi. Faqat buni atrofdagilar tushunishmaydi. Andishaning otini qo‘rqoq qo‘yishadi. Qishloqdagi o‘g‘ri bolalar Xoliq amakiga tarsaki tushirga-nida muallif o‘z his-tuyg‘ularini ochiqchasiga bayon etadi: “O‘g‘il bola bo‘lib tug‘ilmaganim rosa alam qilgan. Alam qilsayam naryoq-beryog‘i yo‘q... Men Xoliq amakining haqligiga ishonardim.” [2- Ziyouz.com] Xoliq amaki umrining oxiridagi so‘nggi lahzalarida o‘zidan rozi-rizolik so‘rovchilarga, butun dunyoga qo‘l siltaydi, isyon qiladi. Hamma hayron, amakining o‘lgan-o‘lmaganini hech kim bilmaydi. Aniqlash uchun kasalxonaga olib borishadi. Shifokorlar bunday holatlar bo‘lib turishini, bemor allaqachon vafot etganligini aytishganmish. Nihoyat marhum dafn eti-ladi. Norto‘xtaning tuban inson ekanligiga

yana bir bor guvoh bo‘lamiz: “Emishki, o‘shakuni ...do‘xtirlar Norto‘xta aytganidek, ko‘mib yuboraveringlar, demagan ekan. Norto‘xta boshliq qarindoshlar o‘zaro: Bir kun oldin o‘ldi nima-yu, bir kun keyin nima, bari bir o‘ladi-ku, degan fikrga kelishibdi-da, har xil bahonalar bilan do‘xtirlardan amakining allaqachon o‘lganligi haqida spravka olishgan ekan...” [2- Ziyouz.com] Hikoya yakuni shunday.

Ana endi o‘quvchining ahvolini ko‘ring. Xoliq amakiga achinish bir tomon bo‘lsa, “mehribon qo‘shnilar”ga nisbatan nafrat bir tomon. Muallifning o‘zi ham beixtiyor o‘quvchiga aylanadi; “Agar azroilga jon kerak bo‘lsa, nega Narziqul raisning jonini olmadi. Nega kelib-kelib bir bechorani tanladi?” [2- Ziyouz.com] Zulfiya Qurolboy qizi ijodidagi o‘zgachalik meningcha, u o‘z asarlarida muallif sifatida emas, o‘quvchi sifatida ko‘proq yashaydi.

“Ayol” hikoyasida ham shunday, og‘ir xasta, umrining so‘nggi kunlari, soatlarini yashayotgan Nazokat bu hayotni ayol sifatida tark etishni istaydi. “Yozsiz yil”, “Kasal qush”, Tafakkur”... adibaning shu kabi ko‘pgina asarlarida mehribonlik, achinish kabi his-tuyg‘ular bir-lamchi o‘rinni egallaydi. “Quyosh nega chiqaveradi?”da Tursunoy, “Tafakkur”da Tangriberdi, “Ayol”da Nazokat, “Yozsiziyil”da Buvgul xola va Sobir “Qadimiy qo‘shiq”da Sultonmurod va hokazo obrazlar taqdiri shafqatsiz qismat qurbonlaridir.

Xulosa qilib aytganda, Zulfiya Qurolboy qizi asarlarini o‘qigan har bir inson ruhiyatida o‘zini isloh qilish, o‘z-o‘zini idrok qilish harakati paydo bo‘ladi. Bularning barchasi badiiy adabiyotning bosh vazifasi bo‘lgan “Ezgulikka - muhabbat, yovuzlikka - nafrat” tuyg‘ularini uyg‘otishga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Qosimov U. Mehr va samimiyatga yo‘g‘rilgan ijod. Ozod Sharafiddinov zamondoshlari xotirasida. –T: O‘zbekiston, 2007. 243-b.
2. Zulfiya Qurolboy qizi. “Xoliqamaki” hikoyasi. Ziyouz.com 2021.

TOG‘AY MURODNING “OYDINDA YURGAN ODAMLAR” ASARIDA MAQOL QO‘LLASH MAHORATI

*Yorbulova Dildora Shokir qizi,
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti
O‘zbek tili va adabiyoti yo‘nalishi 2-kurs talabasi
Ilmiy rahbar: Nodira Xolikova*

Xalqimizning xayoliy dunyosi, yuksak tafakkuri ruhida shakllanib kelgan xalq og‘zaki ijodi barchamizga ma‘lum. Xalq og‘zaki ijodining qadimiy namunasi, ommaviy va keng tarqalgan janrlardan biri maqoldir. “Maqol deb, xalqning ijtimoiy-tarixiy, hayotiy-maishiy tajribasi umumlashgan badiiy, obrazli mulohazalardan iborat hikmatli so‘zlarga aytiladi” [1; 124]. Maqol – mantiqiy mushohada namunasi, odob-axloq qoidalarini jamuljam etgan hikmatli so‘zlar yig‘indisi. Ular qadimdan xalq donishmandligi, aql-idroki, fikr-o‘ylarining ifodasidir. Maqollar ta‘lim-tarbiyaviy ahamiyatga ega. Bu janr xalq tushunchasi, hayot tajribalari, mulohazalarining

umumlashma xulosasigina bo‘lib qolmay, haqiqatning obrazli ifodasi, u yoki bu masala ustida chiqarilgan hukm hamdir. Maqol xalq donishmandligi ramzidir. Bu janrda mehnatkash xalq hayotining keng doirada olinishi asosiy o‘rin tutadi. Maqolda insoniyatning ma’naviy qobig‘i keng mushohada etiladi.

Maqol o‘zbek tilida “maqol”, tojiklarda “maqol” (majoziy ma’noda) va zarbulmasal (o‘z ma’nosida), ruslarda poslovitsa, arablarda naql (jonli so‘zlashuvda), turklarda esa “ata” so‘zi bilan yuritiladi. Bu janr barcha xalqlarda beqiyos badiiy qurol vazifasini bajargan. XI asrda Mahmud Koshg‘ariy “Devoni lug‘otit turk” asarida turkiy xalqlarning turmush tarzi, dunyoqarashi, mehnat munosabatining turli xil shakllari, urf-odatlar, qadimiy an‘analari o‘z ifodasini topgan. Qomusiy olim turli urug‘ va qabila vakillaridan maqollar yozib oladi va uni o‘z asarida jamlaydi. Bu materiallar hozirgi o‘zbek adabiy tilining rivojlanishida va til me‘yorlarining takomillashuvida o‘zgacha o‘rin tutadi. Sayqallangan hozirgi o‘zbek adabiyotiga yuzlanadigan bo‘lsak, maqollar badiiy-adabiy muhitda o‘zining yuksak ahamiyatini orttirib bormoqda.

Badiiy asarda mohirona maqol qo‘llash jarayoni asar tilining sodda, ixcham, xalqona bo‘lishiga yordam beradi. Shunday vositalardan samarali foydalangan yozuvchilardan O‘tkir Hoshimov, Abdulla Qahhor, Erkin Vohidov, Said Ahmad, Tog‘ay Murod va ko‘plab misollarni keltirish mumkin.

O‘zbek milliy adabiyotining novator yozuvchisi Tog‘ay Murod o‘z asarlarida folklorga murojaatni ustalik bilan qo‘llaydi. Bu uning xalq og‘zaki ijodidan yaxshigina xabardor ekanligini ko‘rsatadi. Buni xalqona ibora, ta‘bir, maqol va matallar orqali ifodalaydi. Yozuvchi leksemalar fondini xalqning jonli so‘zlashuv tilidan keltirib, tilimizni boyitishga o‘z hissasini qo‘shgan. Bu esa asarning tilini sodda va ravon qilishga yordam bergan. Tog‘ay Murod asarlaridagi butun tushunchalarning ma‘no nozikligi folklorda o‘z aksini topadi. Aynan Tog‘ay Murod asarlari milliylikka yo‘g‘rilganligi bilan ajralib turadi. Unda o‘zbek xalqining unutilib ketayotgan urf-odatlar, yuksak qadriyatlar qalamga olinadi. Yozuvchining asarlaridagi qahramonlar oddiy odamlardir. Mana shu jihatdan boshqa yozuvchilar ijodidan ajralib turadi. Aslini olganda, hamma gap oddiylikda. Mashhur rassom Leanordo da Vinchi aytganidek, “Oddiylik – eng buyuk nafislik”.

Yozuvchining “Oydinda yurgan odamlar” asarida folklorda katta o‘rin tutadigan maqol janri yuksak mahorat bilan tasvirlangan. Muhim jihati shundaki, asardagi maqollar boshqa asarlarda uchramasligi (yoki kam uchrashi) va ularning dialektizm asosida qurilganligidir. Tabiiyki dialektizm bilan sug‘orilgan har bir ijod namunasi omma tomonidan iliq kutib olinadi. Asarda keltirilgan ayrim maqollarga to‘xtalamiz va ularni sharhlaymiz:

1. “Chiroying borida chinoringni top”.

Chiroy - insonga beriladigan tashqi go‘zallikdir. Vaqt o‘tishi bilan esa bu go‘zalikka tabiat o‘z hukmini o‘tkazadi. Go‘zallik bizdan yiroqlashadi. Chinor esa, umrboqiy daraxt. Chinor va chiroy o‘zaro zidlantirilyapti. Maqol mazmuni shundan iboratki, senga bir muddatga chiroy, ya’ni go‘zallik hadya qilinganda bir umrlik chinoringni, suyanuvchi insoningni, qisqa qilib aytganda o‘z juftingni top deyilyapti.

2. “Olisdagi palovdan, yaqindagi sho‘rva yaxshi”.

- Inson tuyg‘ulari ichidagi shukronalik hissi hayot davomida eng kerakli tuyg‘u sanaladi. Ushbu maqolda insonning uzoq masofadagi katta narsalarga tezda qo‘l cho‘zmasligi, ularga sabr bilan erishishi nazarda tutilgan. Ya’ni yaqindan olisga shukronalik tuyg‘usi bilan yetib borish va bu nihoya lazzatli bo‘lishi tasvirlangan;

- Do‘st-yor, birodar barcha yaqinlar mavqeidan, hurmat-e’tiboridan, ijtimoiy kilib chiqishidan qat’i nazar biz uchun muhim kishilardir. Doim yonimizda, og‘ir kunlarda ham biz bilan birga yurgan yaqinlarni e’zozlash, ularni darajasiga qarab tabaqalashtirmaslik va uzoqdagi, ya’ni bizga notanish bo‘lganlardan ehtiyot bo‘lish, ularga ishonchimizni shunchaki berib qo‘ymaslik. Zotan, “Uzoqdagi o‘pkadan, yaqindagi jigar afzaldi”, deydi xalqimiz.

3. Bolali uy xandon, bolasiz uy zindon.

Xalqimiz azaldan bolajon xalq hisoblanadi. Buni biz xalq og‘zaki ijodi namunalarida ko‘p uchratganmiz. Yozuvchi aynan shu jabhalarni maqol orqali ochib bergan. Ota-bobolarimiz bolani farishtaga, u bor uyni esa shod-xurramlikda tasvirlaydi. Farishtali uyda esa baxt-saodat bo‘ladi. Maqol zamirida shu narsa izohlab keltirilgan. Xandon, zindon so‘zlari antiteza usuli orqali o‘zaro qarama-qarshi qo‘yilgan. Bu esa maqolning ta’sir kuchini oshirgan.

4. “Ko‘ngling bilan eshit - quloq aldaydi,
Aqling bilan ko‘r - ko‘z aldaydi”.

Insonda doim ichki hissiyotlar haqqoniy deb e’tirof etiladi. Yozuvchi bu maqolda shu jarayonni qalamga olgan.

a) Kongling bilan eshit - q uloq aldaydi -

agar biz yon-atrofga quloq tutib haqiqatlarni tinglaymiz deb jazm qiladigan bo‘lsak, yanglishishimiz mumkin. Chunki yon-atrof “yomonlik” buyog‘iga burkanishga ulgurgan. Uni biz haqiqat yo‘lida ajratish uchun esa ko‘ngil bilan eshitishimiz lozim. Xalqimizda shunday naql bor - “Ko‘ngil aldamaydi”. Xalqimiz qalb ko‘zi, aql ko‘zi ko‘r bo‘lmasin deydi. Maqolning ikkinchi qismi ham shunga asoslanadi, ya’ni:

b) Aqling bilan ko‘r-ko‘z aldaydi -

biz atrofdagilarni ko‘z bilan ko‘rishimiz mumkin, ammo uning zamiridagi asliy haqiqatlarni ko‘rishga ko‘zimiz ojizlik qiladi. Bu paytda, albatta, alq ko‘zimiz bu jarayonlarni ko‘rishi lozim. Insonda ko‘ngilning qay darajada sof ekanligi va aqliy salohiyatining shakllanishiga ko‘ra uni boshqa insonlardan farqlash mumkin. Ko‘ngil bilan eshitib, aql bilan ko‘rgan insonni esa komillik sari intilayotgan inson deb ta’riflaymiz.

4. “Sabr qilsang, g‘o‘radan holva pishadi”.

Sabr – inson uchun buyuk fazilat hisoblanadi. Ayniqsa, marifatparvar xalqimiz uchun u ma’naviyat tarozisining yuqori o‘lchovidir. Sabr qilish insonning nafsini tiyishi bilan belgilanadi. Yusuf Xos Hojib “Qutadg‘u bilig”da “Sabr qilgan zafar qozonadur”, deb yozgan. Shunday ekan, barcha ezgu narsalarga sabr va qanoat orqali erishamiz. Maqolga izoh bildiradigan bo‘lsak, bilamizki, g‘o‘ra, ya’ni dovuchcha mevaning yetilish davrdagi eng muhim, eng quyi bosqichdir. Holvaga kelsak, mazasi jihatidan o‘rikka, ya’ni pishib yetilgan mevaga o‘xshatilyapti. G‘o‘radan holva

bitishi, dovuchchalik davridan o'rik mevasigacha davr oralig'ida sabr qilish kerak ekanligi va nihoyasi totli bo'lishi aytib o'tilgan.

Yuqordagi maqollar kabi o'ziga xos ohangga ega bo'lgan maqollar yozuvchi ijodida katta ahamiyat kasb etadi. E'tibor bersak, maqollarda tasviriy bo'yoq ustunlik qiladi. Eng muhimi, maqol uslubiyati xalqona va sodda. Bu esa asar tilini tushunishda xatoga yo'l qo'yishimizning oldini oladi. Maqollarning kompozitsion qurilmasi ixcham va lo'nda. Maqollarda xalq hayotidagi mehnat muhiti, yuksak fazilatlar, milliy qadriyatlar asosiy mezonlar qilib tanlangan.

Tog'ay Murod o'z davrida xalqning milliyligini asrab qolishga o'z asarlari bilan katta hissa qo'shgan adibdir, desak mubolag'a bo'lmaydi. Folklor, xususan maqollarning ijodkor asarlaridagi o'rni beqiyos. Xulosa qilib aytganda, yozuvchining tasvirlash mahorati yuksak darajada. Ijodkor maqollarda hayotiy voqea-hodisalar ustidan hukm chiqargan. U maqollar orqali xalqni ilm-ma'rifatga, ma'naviy yuksalishga, ta'limiy-axloqiy qarashlarga chorlaydi. Shaxsiy vaziyatlarni maqol orqali butun bir ommaning hayot nuqtai nazarida ifodalaydi. Maqollarning mazmun ko'lami hayotning barcha jabhalarini qamrab olgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirzayev T., Turdimov Sh., Jo'rayev M., Eshonqulov J., Tilalov B. O'zbek folklori. –T.: Fan, 2020.
2. Safarov O.O'zbek xalq og'zaki ijodi. –T.: Musiqa, 2010.
3. Sharafjon Sariyev. Adabiyot. –T.: Sharq, 2016.
4. <https://amerika.ovozi>
5. <https://uz.denemetr.com>
6. <https://saviya.uz>

XONLIK ZULMIGA QARSHI KO'TARILGAN BOSH

*Dilnoza Sadullayeva Erdoshevna,
Chirchiq davlat pedagogika instituti
O'zbek tili va adabiyoti yo'nalish talabasi*

“Mehrobdan chayon” – o'zbek romanchiligidagi ikkinchi yirik asardir. Romanning o'ziga xos xususiyatlaridan biri shundaki, yozuvchi o'zbek xalqi hayoti va tarixini, davr ranglarini yorqin va sidqidildan ifoda etib bera olgan, qahramonlarning psixologik shakliga muhim hissa qo'shgan, insonning ichki dunyosini ifoda etishning yangi usulini ochgan, qahramonlarning fe'l-atvori o'zgarishini ko'rsatib bergan. Bu asar ikki asr bo'sag'asidagi turkiston jamiyatining ijtimoiy, axloqiy hayoti haqidagi ro'y-rost asar. Abdulla Qodiriy xalqning feodal tuzumdagi hayot tarzining o'ziga xos mohiyatini ochib berishga intilgan, hukmdorlarning ishlarini, fe'l-atvorini, ma'naviy ustozlarini ko'rsatadi. Ushbu ziddiyatlar tantanavor emas, ular qahramonlarning og'ir turmushidan kelib chiqadi. Roman “xon zamonlari” davridagi o'zboshimchaliklarni ko'rsatilishga qaratilgan bo'lsada, unda roman yozilgan davr ruhi kuchli singdirilgan. Asarni “Mehrobdan

chayon” deb atash, ziyoli ulomalarni qahramon qilib tanlashdan murod muqaddas dargoh-sajdagohdan chiqqan, o’sha dargohga nomunosib munofiq, qallob, tuban kimsalarga, hasadgo‘y, e’tiqodsiz kishilarga ishoradir. Romanda Anvar va Ra’noning sevgi sarguzashti, qalb nazokati shoirona tarannum etilgan. Maktabdor Solih mahdumning yumoristik obrazi adabiyotshunoslar tomonidan yozuvchining jiddiy yutug‘i deya hisoblanadi. Asarda Qo‘qon xoni Xudoyorxonning adolatsiz siyosati, insofsiz ulamalar, o’sha davrning og‘ir hayot tarzi, oddiy xalqning ahvoloti haqida so‘z boradi.

“Turkiston feodallarining keying vakili bo‘lgan Xudoyorxonning o‘z xohishi yo‘lida dehqon ommasi va mayda hunarmand-kosib sinfini qurbon qilishi, mamlakat xotin-qizlarini istaganicha tasarruf etishi, bunga qarshi kelguchilar tilasa kim bo‘lmasin, rahmsiz jazo berishi romanning mavzusidir. Xudoyorxonning bu yo‘ldagi birinchi istinodgohi bo‘lgan ulamolar, ularning ichki, tashqi ahvoli, axloqi, madrasa va oila hayoti, ulamoda insoniy his bitkanligi va qolgani ham xabosat pardasi ostida sezilmas darajaga yetkanligi mundarija sig‘dirganga qadar bayon qilinadir.

Albatta, men bu so‘ngi marg‘ub qahramonlarni (manfiy qahramonlarni) o‘zbek tarixing hazmi ko‘targan qadar o‘z holicha olishqa tirishdim. Ularning xon va ulamoga qarshi isyoni tab‘iy-shar‘iydir. Chunki shundan ortig‘i soxta bo‘lishi kitob qadrini tushurar edi. Shu ikki sinf kurashini tasnif qilish vositasida xon harami, xotinlari, qirq qizlar, tarixiy va etnografik lavhalar, o‘zbek hayoti, qiziqchiligi, tanqidchiligi, o‘zbek xotin-qizlari orasidagi iste‘dod, shoirlik, azkiyachilik va yana boshqa ko‘p nuqtalarni qamrab olindi”, -deydi yozuvchi Abdulla Qodiriy.

“Mehrobdan chayon” romanida xonliklar davri zug‘umi muayyan darajada sezilsa ham, adibda goho tarafkashlik mayllari ko‘rinadi. Adib amalda realizm mavqeida turgan tarixiy haqiqatni mumkin qadar haqqoniy ifodalashga intilgan. Romanda muallif yengil hazil-mutoyiba, kulgu-yumor, piching, kinoya-kesatiq, hajv orqali Solih maxdum tabiatiga xos “maqtab bo‘lmaydigan” xususiyatlarni batafsil ko‘rsatadi. Kitobni o‘qishni boshlashimizdanoq maxdumning qiliqlari ta‘bingni xira qiladi. O‘ta razil, qurumsoq, qo‘l ostida 200 tillosi, ikki sandiq saruposi bo‘la turib, har kuni qattiq non yeyishi va oilasiga ham xuddi shunday munosabatini kuzatasiz.

Yozuvchi Solih maxdum, Abdurahmon domla, Shahodat muftiy, Kalonshoh mirzo obrazlari orqali zalolatga ketgan ba‘zi din peshvolarini asl basharasini ochib beradi. Ularning iflos ishlarini bir moziyidan tortib to hozirgi kunigacha tasvirlab, xalqni aldash, laqillatish kabi hunarlarni o‘zlariga kasb qilib olgan ba‘zi domlarning holatiga achinadi. Bu hol bilan jamiyat tobora zalolat botqog‘iga botib ketaverishidan afsuslanadi. Sultonali mirzo, Safar bo‘zchi, Muhammad Rajabbek kabi obrazlar oddiy xalq va hukumat vakillarining insof-diyonati, o‘zbekona samimiyatini ochib beradi. Bunday xususiyatlarning ichki va tashqi ijtimoiy ildizlarini ham ochadi. Ayni paytda maxdumning “hamma nuqsonlarini yuvib ketarlik” fazilatini ham ta‘kidlaydi: “nima bo‘lganda ham maxdum o‘z zamonasining eng oldingi domlalaridan, Qo‘qon aksariyatining savodxon bo‘lishlariga sababchi ustozlardan”. Romandagi Anvar va Ra‘no obrazlari, bir qarashda, romantik qahramonlardek taassurot beradi. Barkamollik, aql-zakovat, do‘stga, sevgiga sadoqat, erk, adolat yo‘lidagi shijoat bobida ular afsona, doston qahramonlarini eslatadi. Bu ikki yosh o‘rtasidagi ishqiy

mulohazalar juda erkin, oralaridagi gap-soʻzlar bir qadar kitobiy, shoirona. Masalaga sinchiklab qaralsa, Anvar va Raʼnodagi favqulodda, kitobiy tuyulgan xislatlar, ularning “gʻayritabiiy” xatti-harakatlari mantiqan va ruhiy jihatdan asoslangan. Ular maktab koʻrgan, yaxshi tarbiya, chuqur bilim olgan, Sharqning yuksak madaniyati, gumanistik gʻoyalarini oʻzlari uchun chin eʼtiqod, bosh maqsad qilib olgan odamlardir. Adib asar personajlari qismati bilan bogʻliq holda muhim tarixiy hodisalar, shaxslar, sarguzashtlar haqida ham maʼlumot beradi. Solih maxdumning kechmishi, ota-bobolari qismati bahonasida keltirilgan Amir Umarxonning kanizi toʻgʻrisidagi hikoya, haq ishlari uchun jabr koʻrgan Sayidxon, mulla Siddiq va Moʻminjonlarning achchiq qismati, Xudoyorxon tarixi toʻgʻrisidagi maʼlumotlar, Ogʻacha oyim sarguzashtlari, xon harami, xotinlari, oʻrdadagi qullar haqida aniq maʼlumotlar asarda salmoqli oʻrin tutadi. Ular bilan tanishganda hujjatli-tarixiy, publistik asar oʻqiyotgandek boʻlasiz. Yozuvchi baʼzan qahramonlari tabiatini, xususan haramdagi qizlar fojiasini hazil-mutoyiba, oʻyin-kulgu orqali ochib beradi. Ammo bu kulguli boʻlib tuyulgan hodisalar zamirida jiddiy insoniy drama va shafqatsiz haqiqat yotadi. Xullas, “Mehrobdan chayon” hayot haqiqatini “orttirmay, kamitmay” oʻz holicha jamiki qirralari, tovushlari bilan gavdalantirgan, xarakterlar olamini, ruhiyatini oʻziga xos ohanglar, boʻyoqlar vositasida kashf etib bergan oʻxshashi yoʻq badiiy obidadir. Asarni oʻqir ekanmiz, undagi xon haramidagi ahvolini koʻrish anchayin achinarli edi. Xon degani bu xohlagancha qizlarni tasarrufiga olib ularning guldek umrini xazon qilish degani emas. Har bir inson oʻz juftini tanlab, baxtli boʻlishga haqli. Ana shunday holatda hech kim bosh koʻtarolmay, hamma boʻyin egib, qarshilik qilolmay qoʻpol aytganda quldek boʻlib, yurganida Raʼno oʻz insoniy haq-huquqlari uchun kurashishga kirishadi. Haqiqiy oʻzbek ayolini jasoratini koʻrsatadi. Har bir kitobxonga savol tugʻulishi mumkin, qizlar ota-onasi yuziga oyoq qoʻyib qochib ketishi jasorat ekanda deb, yoʻq albatta. Raʼno otasini boylikka uchib, xonning qayinotasi boʻlaman degan oʻy-hayollariga, Xudoyorxonning esa ayollarga qoʻygan hirsiga qarshi chiqib, oʻz sevgisi uchun kurashib, haqiqiy jasoratni koʻrsatadi. Raʼnoning hozirgi qizlardan farqi shundaki, u bilimli, aqlli, ziyrak, nasrda ham nazmda ham ijodkor, adabiyotga chin mehr qoʻygan oʻsha davrda yoshlar oʻqishi kerak boʻlgan hatto kattalar oʻqiydigan kitoblarni ham oʻrganib boʻlgani bilan ajralib turar edi. Adabiyotga qiziqqan odamdan hech qachon yomonlik chiqmaydi, shuningdek, Anvar va Raʼno oʻrtasidagi muhabbat ham haqiqiy, chin edi. Ular yana bir-birini toʻyini qilishini ham vaʼda qilgan Solih maxdum bu yerda nomardlik qiladi. Abdurahmonning ayolni oʻziga boʻysundirish istagi va Shohidbekning fitnalariga qaramay, Anvar va Raʼno bir-birini chinakam sevadi va oila qurishga harakat qiladi. Goʻzallik, halollik, olijanoblikka intiluvchi Raʼnoning xalq feʼl-atvoriga xos, ajoyib qiz koʻrinishini namoyon qiladi-samimiy, toza niyatli, maʼnan sodda va ochiq. U Anvarni toza, yorqin sevgi ila begʻaraz va sadoqat bilan yaxshi koʻradi. Anvar - mardlik timsoli, adolatli, cheksiz vijdon egasi. U sofdil, bilimli, zukko yigit ham edi. Yoshligidan Muhammad Rajabbek eʼtiboriga tushib, oxir-oqibat Oʻrdada mirzolik darajasigacha koʻtariladi. Kuyov qilsa orzugulik yigit edi. Ammo hayot uning boshiga juda koʻp sinovlarni soladi. Dushmanlarning

juda ko‘p zarbidan aziyat chekadi. Qancha qiyinchiliklar bo‘lmasin, Anvar o‘z muhabbatiga erishadi. Ra‘no bilan baxtli saodatli umr kechiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Karimov N. Abdulla Qodiriy zamondoshlari. –T.: Akademnashr, 2020.
2. Qodiriy Abdulla. Mehrobdan chayon. –T.: Cho‘lpon. 2017.
3. Qo‘shjonov M. O‘zbekning o‘zligi. –T.: Meriyus, 1994.
4. www.ziyo.uz

ADABIY ASARLARDA DIN SYUJETI

(“Muvozanat” romani misolida)

Meliqulov Shohjahon Mavlonovich,

JDPI talabasi

Ilmiy rahbar: Sohob Boysinov

JDPI katta o‘qituvchisi

“Har qanday din to‘g‘ri bo‘l deydi”

(“Muvozanat”dan)

Inson umri mobaynida ko‘p yaxshi-yomon kunlar ko‘rmoqlig‘iga majbur bo‘ladi. Negaki, shu yorug‘ olamda yashayapti ekan, shu dunyo charxpalagida u bilan birga aylanishga mahkum. Har bir nafas olayotgan jon borki, nimagadir intilib, nimadandir o‘zi uchun kerak bo‘lgan, ehtiyojiga monand bo‘lgan narsasini qidiradi. Atrofida sodir bo‘layotgan voqealardan o‘zi uchun haqiqat, o‘z haq-huquqini axtaradi. Chindan ham, siz anglagan haqiqat o‘zingiz uchun, o‘z taqdiriningizni yaratmog‘ingiz uchun birlamchi, bosh g‘oyangizga aylanadi. Ushbu g‘oya sizning butun kelajak hayotingizni boshqarib boradi. Chunki ong ostiga o‘rnashgan har bir fikr kelajakda o‘z amaliy natijalarini albatta ko‘rsatadi. Xoh yaxshi, xoh yomon bo‘lsin.

Men bu uzundan uzun fikrlarni bejiz keltirmadim. Quyida aytiladigan har bir gapimizda ilgari surilajak g‘oyalar zamiriga bot-bot singdirilaveradi.

“Agar bilsangiz, bu - hayot-mamot masalasi”... Ha, haqiqatan din Amir uchun “Muvozanat” romanidagi aynan e‘tiqodida sobit turishni o‘z majburiyati deb bilgan ushbu personaj uchun hayot-mamot masalasiga aylandi.

Fikrlarim bejiz yuqorida keltirilgan “Har qanday din to‘g‘ri bo‘l deydi” epigrafi bilan boshlanmadi. Quyida Mustaqillik davri adabiyotimizning serqirra, inson ruhiyatining qalamkashi hisoblangan ajoyib adibimiz Ulug‘bek Hamdam ijodi mahsuli bo‘lgan “Muvozanat” romani orqali bizlarga tanish bo‘lgan Amir va u timsolida yoritib berilgan DIN syujeti haqida so‘z yuritimiz.

Asarning bosh qahramoni aslida Yusuf bo‘lsada, biroq uning jonday jigari bo‘lgan Amir obrazini adibning muvaffaqiyat ichidagi muvaffaqiyati deya atash mumkin. Chunki ushbu obraz orqali yoritilgan din tushunchasiga mustaqillikkacha va

mustaqillikka erishgan ilk yillarda xalqimizning qanday munosabat bildirganliklari yaqqol aks ettirilgan.

Barchamizga ma'lumki, sovet davri muhitida diniy qarashlar, dinga munosabat, e'tiqodiy xarakterlar anchayin sustkashlik va qoloqlikka qarab qadam tashladi. Jumladan, adabiyot sohasi ham o'sha davr adabiy qolipi asnosida, bir paytlar Yevropa klassik adabiyotida kiborlarga xushomad yo'sinida yozilgani kabi shaxsga sig'inish, shaxsni ulug'lash kabi g'oyalar bulog'idan sug'orildi. Afsuski, biz tanigan adabiyotimizning o'sha davrda ijod etgan yozuvchi-shoirlarimiz ijodi bo'stonida shu g'oyalar bilan kurtak yozgan yozmishlari ham uchragani barcha adabiyot ixlosmandlariga yot tushuncha emas. Yozuvchimiz ham aynan din syujetini o'z asariga kiritib, nafaqat asar uchun, balki o'zi uchun ham "najot" topadi. E'tibor bering! Nima uchun o'zi uchun najot topdi deyapman. Chunki adib ushbu davr ichida ulg'aygan nihol edi. Muhit bilan rostakamiga tanish, ko'rgan har bir voqeasidan o'ziga xos xulosalar yasab, o'quvchi havolasiga tashlamoqda. O'quvchini ham kerak bo'lsa, hayot muvozanatiga undamoqda.

Yomonlar ham sizga yaxshilik qiladi desam ishonasizmi? Ha ular ham yaxshilik qilishadi. Qanday deysizmi, yomonning sizga qilgan eng katta yaxshiligi shundaki, sizning kimligingizni sizni bilmaydiganlarga bildirishidir. Menimcha, Amirning ham ushbu asarga kiritilishidan asosiy maqsad, Yusuf xarakterining qaysidir jihatini o'quvchi ongida ochib berishga xizmat qiladi. Bu fikrlarim bilan Amirni yomon obraz demayman, biroq uning xislatlarida yaxshilik alomatlarini ham bor deyish qiyin.

Shunday bo'lsada, adibimiz ushbu obraz orqali xalqimiz tasavvuridagi din g'oyasini chinakam ustamonlik bilan ochib berdi. Xususan, asarni g'oyaviy-badiiy jihatdan o'quvchanligini ma'lum darajada oshirdi. Roman hajman bir kitob holda bo'lsada, xuddiki epopeya singari ulkan taassurotlarga boshlaydi. Ushbu asarning siz-u bizni qiziqtirgan jihatlaridan yana biri shu bo'ldiki, asarda bir obraz orqali butun jamiyat kechmishlari to'laqonli aks ettirilgan. Ma'lum darajada ijtimoiy ahvolutimiz haqida yozuvchi o'z peyzajini yaratdi. Shu o'rinda inson xarakterining xilma-xilligi voqealar rivoji bilan harakatga kiradi. Jumladan, Amir hayotini shunday o'zgarishlar daryosida muvozanatsiz to'lqin kabi yoritib boradi. U tafakkur olamidan intim hissiyotlar olamiga batamom sho'ng'ib, chinakam hayot qirg'og'idan anchayin olislab ketdi. Ko'zlari, nafaqat ko'zlari, balki qalban Alloh vasliga yetmoqlik ishtiyoqidan o'zga hech narsani ko'rmay qo'ydi. Hatto unga berilgan allohning eng ulug' ne'mati bo'lgan zurriyotlari taqdirini o'ylash hissi ham uni botiniy olamidan qaytara olmadi. Bu dunyo tashvishlarini esa, xuddiki otasining ko'ksidan itargani kabi uloqtirib tashladi.

Biroq, fikrlarimizdan muddao Amir emas, uning bu olamini unutmaganida, taqvodorlik harakatlarida ham emas. Asardagi din, islom dini syujeti haqida.

Yozuvchining diniy bilimlariga tahsin o'qisangiz arziydi. Ulug'bek Hamdam Yusuf orqali o'sha jamiyat diniy mutaassiblariga, o'zini din peshvosi o'laroq ko'rsatguvchi o'sha davr yulg'ichlariga qarata o'z so'zlarini aytib oldi (Yusufning Amirga o'z diniy qarashlarini aytgan joyi). Hamdam "Dinda o'rta yo'lni tuting" qabilidagi hadisni eslatish orqali o'z nazariyasini ham ta'kidlab o'tadi. Nabiyimiz

Muhammad sallAllohu alayhi vassallam: “Har bir ishda o‘rtahollik lozimdir...” deb aytgan hadisi-muqaddaslari bugungi kunimiz misolidagi Amirlargada aytilgan edi va bu so‘zlar necha asr o‘tsada o‘z tasdig‘ini yo‘qotmadi. Bu fikrlarim bilan dinga, taqvoga mutlaqo qarshi emasman. Aksincha, hozirgi kunimiz muhitida yaratilayotgan ayrim realizmchi adiblarimiz adabiy g‘oyalari zamiriga aynan din mavzusini mazmunliroq qilib yoritib, o‘quvchi - mushtariyning qalbida yangicha ishtiyoq uyg‘otishni o‘z oldilariga maqsad qilib olishsa, yanada maqsadga muvofiqroq bo‘lar edi. Chunki din - har qanday muammoga yechim bo‘la oladigan yakkayu-yagona najotdir.

Din syujetini nafaqat prozaga, balki poeziyaga ham kiritish o‘zining serjiloligini yo‘qotmaydi deb bilaman. Negaki, har qanday o‘zini insonman degan borki bu hayotda o‘z ishlarini, qilgan amallarini sarhisob qilar ekan, avvalo gunoh-u savoblari bilan hisoblashib yashashi lozim deb bilaman. Uning uchun yozuvchilarimiz o‘zlarining yozmishlari ichiga har bir shaxsga o‘ylashi uchun ozgina bo‘lsada turtki bersa, zora ular qilib yurgan gunohlardan tiyilishiga, yoki qayta unday ishlarni qilmasligiga ozgina bo‘lsada sababchi ham bo‘lib qolishlari mumkin. Holbuki, ba’zi bir o‘ldim-kuydimlar muddaosidan ko‘ra ulkanroq taassurot, go‘zalroq ifoda ham kasb etgan bo‘lar edi.

“Jaholat har qanday ulug‘ qadriyatlarni ham mahv etishga qodir” ekan, bugunimizni o‘ylab, ertamizni esdan chiqarmaylik. Insoniyat - Islomiyat - Insofiyat tamoyili asosida ish ko‘rishimiz, hayot kechirishimiz, adabiy mahsullarimizga ham shunday syujetlar, personajlar, qahramonlar mushtarakligida yondashish zarurligi kundan-kun ravshanlasha bormoqda.

Buning uchun esa bugungi kun, yozuvchilarimizga bir qator talablar qo‘yadi. Ularga diniy va dunyoviy tushunchalarning muvozanatini saqlashini hamda to‘g‘ri baho bera olishini ma‘lum darajada kutib qoladi. “Inson o‘zining farqlash xossasini har qanday g‘arazlardan tozalashi va dindan yordam qidirishi lozim” ekan, yozuvchi o‘z qarashlariga hayot va din konfliktini konflikt tarzida emas, balki dinni hayot ichiga kiritib, undan tug‘ilgan xulosani esa o‘quvchi havolasiga qo‘yishi kerak.

Rumiy hazratlari aytganidek: “So‘z – idrok qilishda so‘zga muhtoj bo‘lganlar uchundir”. Asarni adib yozgan so‘z, tuyg‘u va kechinmalari bilan yaxlit holda tushuna olmasmiz, ammo o‘z haqiqatlarimiz bilan, albatta, bog‘lashimiz hamda o‘z qarashlarimiz bilan uning ta’sir ko‘lamini idrok etishimizning o‘zigina o‘quvchi kishiga kifoya qiladi, deya umid qilamiz. “Muvozanat” romanini albatta o‘qishingizni tavsiya etaman, chunki ushbu asarda haqiqiy o‘zbek xalqining o‘tmishi ma‘lum darajadagi go‘zal voqealar rivojida ta’sirli ijro etilgan sahna asaridek o‘z o‘quvchilariga ta’sir eta oladi.

ADABIYOT – O‘ZLIKNI ANGLASH MANBAI

*Mustafoyev Islom Xolboy o‘g‘li,
JDPI talabasi*

Ilmiy rahbar: Qurbonova Gulbahor Safarovna

Hayot qiyinchiliklaridan toliqqan, lekin kurashishdan, mehnat qilishdan to‘xtamaydigan bir sodda, ko‘ngilchan, imkoni bo‘lsa o‘zgalardan yordamini ayamaydigan qishloqi yigit-Yo‘lchi “Qutlug‘ qon” romanining bosh qahramonidir. Uning oilasi nonni zo‘rg‘a topib yeydigan oila. Yo‘lchi shuning uchun ham 1-2 so‘m pul topib oilasiga non-tuz olib bormoq uchun Mirzakarimboy tog‘asinikiga ishchi bo‘lib keldi. Lekin barcha ishchi va kambag‘allar qatori uning ham omadi kelmadi, orzulari chil-chil bo‘ldi. Aslida yurtdagi har bir kambag‘al oilaning, yigitlarning hayoti shunday edi va boylarning ularga munosabati ham bir xil edi. Mana Oybek bizga nima demoqchi: Oybek obrazlarni umumlashma obraz sifatida yaratib butun xalq hayotini va ma‘rifatsizlik oqibati nimalarga olib kelganini ko‘rsatmoqchi. Ko‘ring biz o‘sha vaqtlarda kim edik, biz qanday edik, Oybek ko‘zimizga oyna tutdi. Oybek bizga buni shunchaki so‘zlab bermadi, badiiy obrazlar nutqi va amali bilan ko‘rsatdi. Oybekning obraz yaratish mahoratini qarang u asarida salbiy xarakterdagi obrazlarining tasvirini yaratar ekan o‘quvchi uni salbiy obraz sifatida qabul qilmaydi, lekin asarni o‘qish davomida jarayondan bilib oladi. Misol uchun: Mirzakarimboy tasvirini olsak, “qordek oppoq ko‘ylakli, oq soqolli bir tutamgina chol”. Bu tasvir o‘quvchida salbiy fikr uyg‘otmaydi. Buni Cho‘lponning obraz tasvirini yaratish mahorati bilan taqqoslasak, Cho‘lpon salbiy obrazlariga bergan birinchi tasviridan o‘quvchida salbiy fikr uyg‘onadi. Misol uchun “Kecha va Kunduz” romanida mingboshining tasviri berilishidan o‘quvchida salbiy obraz ekanligi haqida tushuncha paydo bo‘ladi.

Oybek bu romanining bosh qahramonlariga tasvir berar ekan unchalik ko‘p to‘xtalmaydi, balki boshqa epizodik obrazlar nutqida aytirib o‘tib ketgan. Misol uchun Yo‘lchining tasviri kam va oddiy berilgan va yo‘lda choyxonachi, aravakash, Gulnor va Nuriniso tilidan Yo‘lchiga tariflar berib o‘tadi.

Oybek romanda xalqimiz tarixidagi eng qora va ayanchli kunlarini ko‘rsatib berish uchun bir qancha badiiy obrazlar va sahnalar, voqealar, jarayonlar, suhbatlar yaratadi. Mirzakarimboyi olsak, boy-badavlat odam, nisbatan aqlli va vaziyatga qarab ish ko‘radi, “Chor devon”ni , Yassaviy hikmatlarini o‘qiydi, savdo biznesi bilan shug‘ullanadi, xonlardek to‘y qiladi, lekin nochorlarga yordam qilmaydi, yetimning haqqini yeydi, ishchilarni ishlatib pulini bermasdan ko‘chaga haydaydi. U o‘sha vaqtdagi hamma boylarning biri edi. Bizning boylarimiz shunday edi. Ma‘rifatsizlik oqibati edi bu.

Endi Hakimboyvachchaning uyidagi ziyofatda mulla, eshon, jadidchi va boyvachchalar suhbatida xalqimiz ishongan, din sofligi va halollik, iymon, diyonat tarafdori bo‘lishi kerak bo‘lgan mulla va eshonlarimizning asl qiyofasi ochib berilgan: ichkilik ichadi, maishat qiladi, qimor o‘ynaydi, odamlar haqqini yeydi va boshqa qallobliklar ham qiladi. Bu borada Yormat tilidan ham bir qancha ayblari aytib o‘tiladi. Jadidlarning umumlashma obrazi sifatida kiritilgan Abdishukur

qo‘lidan kelgan barcha ishlarni qildi: gazeta, teatr, jadid maktablarini targ‘ib qildi, lekin xalqimiz boylari ilmsizligidan buni tushunmadi. Misol qilib olsak, Abdishukur ularga biz birlashmasak, ilm o‘rganmasak, milliy moliyamizni, boshqaruvimizni qo‘lga olmasak, o‘zga millat oyog‘i ostida toptalamiz mazmunidagi gaplariga bir mullaning “bizning tuprog‘imizda ne-ne buyuk insonlar xoki yotibdi, avliyo va faylasuflar ruhi shu yerda, bizni himoya qiladi” kabi gaplarini eshitsangiz bir tomondan kulgingiz keladi, bir tomondan yig‘lagingiz keladi. Axir ular o‘lib ketishgan, harakatni biz qilishimiz kerak deydigan odam yo‘q. Bu insonlar qo‘lida Qur‘on qiroat qiladiyu, amalida shaytonning ishi.

Oybekning sevgi, muhabbat tuyg‘ularini tasvirlashini qarang: Sirli va masofadan paydo bo‘lgan muhabbat. Bu boshqalarda kam uchraydigan muhabbatdir. Shaxsan menga bu muhabbatning sofligi yoqadi. Yo‘lchi Nurinisoga ko‘ngil qo‘ymadi, garchi shuncha harakat va ishlarga qaramasdan. Chunki uning qalbiga ilk muhabbat urug‘larini Gulnor tashlagan edi. Gulnor ortiqcha harakat qilmadi, o‘zini ko‘rsatmadi, Nuridek suykalmadi. Shunday bo‘lsada ular bir-birlarini ruhi bilan sevgan edilar. Asar so‘ngida Yo‘lchi taqdiri fojea bilan tugadi. Vatan yo‘lida halok bo‘lganlar ruhi hamisha tirikdir va mana shu ruhi bilan birga ularning muhabbati ham abadiydir. Chunki haqiqiy oshiqlar urib turgan yuragi bilan emas, balki ruhi bilan sevadi. Ruh esa abadiy yashaydi.

IV. АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Шуъба раиси: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

доцент в.б. Дилнавоз Салимова

Котиби: катта ўқитувчи Соҳиб Бойсинов

КАФКА ИЖОДИДА ИНСОН ВА ДАВР ФОЖИАСИ

Ҳамдамов Улугбек Абдуваҳобович,

филология фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академияси,

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, “XX аср

ўзбек адабиёти ва ҳозирги адабий жараён” бўлими мудури

Жаҳон адабиётшунослигида “Дунё адабиёти тарихи иккига: Кафкагача ва Кафкадан кейинги даврга бўлинади” деган қараш мавжуд. Бу фикрда муболаға бор, албатта. Лекин мазкур эътироф бежиз Кафкага нисбатан айтилаётгани йўқ: зеро, айнан кафкалардан кейин жаҳон адабиётида кескин бурилиш содир бўлган. Ҳа, Франц Кафка чиндан ҳам жаҳон адабиёти равишига жиддий таъсир кўрсатган, мумтоз мақомга эга улкан ёзувчидир.

Кафка Жойс, Камю, Пруст каби ёзувчилар билан бир қаторда янги, модернистик адабиёт асосчиларидан ҳисобланади. Қарийб бир асрдан бери башарият бадиий-эстетик тафаккур тараққиётида кафкалар чиқиб борган даража ҳали-ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бадиий тафаккурдаги ушбу юксалиш дунё адабиётида Толстой, Достоевский, Чехов каби адиблардан кейинги янги қадам бўлган эди. Кузатишлар, таҳлиллар шуни кўрсатяптики, мана, қарийб юз йилдирки, бадиий-эстетик тафаккур бобида кафкалардан сўнг оламшумул эврилиш содир бўлгани йўқ. Ҳозирги илғор жаҳон адабиёти ҳам қайсидир маъноларда модернистлардан улгу олиб шаклланаётир. Ҳатто постмодернизм, метареализм, метамодернизм каби йўналишлар ҳам Кафка, Камю, Жойс, Пруст каби ёзувчилар пойдеворини кўйган адабий оқимнинг турли-туман ўзанларга тушиб оқишига ўхшайди. Гарчи улар ўртасида муайян тафовутлар бўлса ҳам.

Чехияда туғилган, яҳудий миллатига мансуб, олмон тилида ижод қилган Франц Кафка (1883-1924) ўзининг қисқа ҳаёти мобайнида “Жараён”, “Америка” деган романлар, “Эврилиш”, “Жазо колонияси” каби бир қанча ҳикоялар ҳамда “Отамга мактублар”, “Миленга мактублар” каби эпистоляр жанрдаги хатлари билан адабиёт тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган ёзувчидир. Унинг бадиий асарлари дунёни босиб келаётган фашизм каби хавфдан рамзий йўсинда огоҳлантиради. У бу хавф қаршисида кўрқувга тушади. Кўрқувни адабиётга олиб киради. Мавжуд воқелик олдида оддий инсоннинг ниҳоятда ожиз ва ҳақир ҳолини жуда ёрқин образлар ёрдамида тасвирлайди. Чунончи, “Жазо колонияси” ҳикоясида бир зобит жазо машинасини яратади. Бу машина, аслида, қаҳрамонни ўраб турган мухит. Вақти келиб, яратувчисининг ўзи ҳам ана шу машинага ем бўлади.

Катта ёзувчилар, одатда, ўз даври юзига кўзгу тутадилар. Бу иш қанчалар мушкул бўлишига қарамай, улар кўзгу тутишни урдасидан чиқмагунча

ўлмайдилар. Уларнинг зиммасига давр юклаган миссия ана шундан иборат бўлади. Чунки адабиёт чексиз имконлар оламидир. Катта ёзувчилар буни билишади ҳамда қаловини топиб барибир ўз оловини ёқиб кетадилар. “Олов”да “исиниш”, “овқат пишириб тирикликни таъминлаб” яшаш ёки “бармоқларни куйдириб олгани” етмагандек, эътиборсизлик қилиб “уйига ҳам ўт кетиши”га сабабчи бўлиш ўқувчининг ўзига, унинг умум ва адабий савиясига боғлиқ. Чунки кафкаларни ўқиш осон эмас. Бунинг учун жуда катта маънавий, ҳаётий ва албатта, адабий-эстетик тажриба-тайёргарлик талаб қилинади.

Демак, Кафка ўз даври муаммоларини асарга солади. Шунчаки солмайди, балки рамзлар шаклида солади, улар ўзига хос метамарфозаларга айланади. Бу дегани шуки, Кафка рамзлаштирган давр, жамият ва инсон муаммолари умрбоқийлик касб этади. Бинобарин, Кафка асарлари у яшаган давр инсони муаммолари доирасида қолиб кетмай, балки қарийб бир аср сўнг яшаётган, масалан, биз каби замондош инсон ҳаётига ҳам бирдек дахлдорлик касб этаверади. Натижада турли давр ўқувчиси Кафка асарларидан бино бўлган “кўзгу”га қараб ўзини, ўз даври ва унинг муаммоларини, қувончу ташвишини кўради, мушоҳада қилади, ўзига яраша хулосалар чиқаради. Мана, ҳақиқий, юксак санъат асари қандай бўлади, қандай бўлиши керак!

Кафканинг миллати бошқа (яхудий), бошқа тил (олмон) да ижод қилади, шунингдек, бошқа юрт (Чехия) да яшайди. Кафкани Кафка қилган омиллардан бирини унинг ана шундай аросатда қолгани билан изоҳлашади айрим тадқиқотчилар. Бошқалар эса, Кафканинг отаси билан бутун умрга чўзилган ўта ёмон муносабати, унинг - ёш ва нимжон Кафканинг жисмонан бақувват, дароз отасидан кўрққанлиги, бунинг натижасида у ўзини доимо заиф ҳис қилгани, бетоблиги ва ожизлигидан ҳатто бир неча марта оила қуришга ҳаракат қилиб ҳам уйланишга журъат етолмагани каби ҳаётий сабаблар буюк адибнинг ўз оламига беркиниб олишига сабаб бўлганини айтишади. Устига устак, Кафкани сил касали, уйқусизлик, овқат ҳазм қилишдаги муаммолар доимо қийнаган. Албатта, ҳақиқат буларнинг биттасида эмас, балки ҳаммасида, ҳатто Кафканинг Кафка қилган яна бошқа кўплаб омилларда ҳам мужассамдир. Хусусан, у яшаган зиддиятли давр - яхудий, олмон, чех каби кўплаб миллат вакиллари ўртасидаги тўқнашувлар, у ўқиган китоблар, адибнинг инсон ва жамият ҳақидаги ўйу хаёллари... булар ҳам ижодкорнинг шаклланишида муҳим ўрин тутуди, албатта. Шунинг учун ҳам Кафканинг деярли барча асарлари учун характерли бир жиҳат борки, у ҳам бўлса, ташқи дунё ва олий суд қаршисидаги кўрқувдир. Унинг асарларига ана шу кўрқув бутун “кўч-кўрони” билан кўчиб ўтган. Ўқигани сари ўқувчига ҳам юқади бу кўрқув.

Шу маънода, “Эврилиш” ҳикояси ҳам Кафканинг шахсий ҳаётдаги муваффақиятсизликлари қаршисидаги ўзига хос кўрқувдан тўраган, дейиш мумкин. У бадиий асар сифатида ғоят ғайритабиий сюжетга эга. “Эврилиш”ни қисса ҳам, новелла ҳам, ҳикоя ҳам дейишади. Умуман олганда эса, Кафканинг ҳикоя, новелла жанридаги асарлари ҳам мазмунан романларга тортади. Яъни ҳажмидан қатъий назар, уларда романларнинг юки бор. Жумладан, “Эврилиш”да ҳам. Ҳикоя бугунги кун учун ҳам ғоят аҳамиятли. Унинг

яшовчанлигини таъминлаган куч ҳикоя мазмунининг реалистик тасвирдан рамзий тасвирга кўчирилишида ва бундай метаморфозалар моҳияти кўпгина даврлар (инсонлар) га хос бўлган муштарак фожиани очиб бера олишида, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам асар ҳалигача жиддий адабиёт ўқувчилари кўлидан тушмай келади.

Хўш, нима учун эврилиш дейиляпти? Ким ёки нима эвриляпти?..

Ҳикоя қаҳрамони Грегор Замза бир ширкатда ишлаб, отаси, онаси ва синглисини моддий жиҳатдан таъминлаб келади. Бу - табиий ҳол, албатта. Жаҳон бўйлаб миллионлаб, балки миллиардлаб оилалардаги манзара тахминан шундай. Ҳеч ким, ҳеч бир миллат ёки дин вакили буни эшитиб ёки ўқиб ҳайрон бўлмайди. Оилада ота, у қариса ё ўлса, ўғил оила ташвишларини ўз зиммасига олади. Лекин кутилмаганда ўша боқувчи ўғил касал бўлиб ётиб қолса, ёки Грегор Замзага ўхшаб ажойиб кунларнинг бирида, эрталаб ҳашоратга айланиб уйғонса нима бўлади?

Ғалатими?

Ғалати бўлганда қандоқ!..

Ҳаётда бўлиши мумкин бўлмаган эврилиш. Тўғрими?.. Лекин адабиёт бу – сўз санъати. Санъат эса бадий шартлиликка риоя қилган кўйи ўз манзилига қараб интилади. У бўлиши мумкинми ёки мумкин эмаслиги ҳақида эмас, балки бадий ғояни ўқувчига қай тарзда энг мукамал тарзда етказиб бериш тўғрисида “бош қотиради”. Шунинг учун ҳам адабиётдан жиндек бўлсин хабари бор инсонки бор, Грегор Замзанинг қирқ оёқли ҳашоратга айланиб қолишини қизиқиш билан қарши олади. “Хўш, ёзувчи бундан қандай бадий муддаони кўзлаган экан?” дея асарни ўқишда давом этади. Биз ҳам шундай қиламиз ва Кафка жанобларининг ушбу ғаройиб қаҳрамонига қўшилиб, у билан бирга яқин атрофидаги одамларни, яъни отасию онасини, синглисини, шунингдек, бошлигини диққат билан кузата бошлаймиз.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, инсон бошқа бир инсонга ёрдами тегиб турган пайтдагина кадрлидир, акси ҳолда, у ҳеч ким, ҳатто кераксиз махлуққа саналади. Кераксизми, демак, уни ўз ҳаётларидан супириб ташлаш мумкин, ҳатто шарт!.. Эътибор беринг, бундай ўйлаётганлар, шундай қилаётганлар етти ёт бегона эмас, балки Грегорнинг туғишганлари, жон-жигарлари: отаси, онаси, синглиси... Мана - сизга, Кафка кўзгусига солинган жамият акси! Ҳатто энг яқин ҳисобланган қариндошларнинг касал Грегорга муносабати!.. Кўзгуда кўринганлар ғоят аянчли ва даҳшатли, лекин улар Замза ҳаётидаги аччиқ ҳақиқатдир. Наҳотки, шундай бўлса? Наҳотки, сизнинг, менинг, унинг ҳам яқинлари шундай йўл тутишга қодир бўлишса?!.. Ўзимиз-чи, ўзимиз?! Наҳотки, биз ҳам, – бегонани кўйиб турайлик, севганларимизга, агар улар кераксиз бўлиб қолса, – шундай муносабатда бўлсак?!.. У ҳолда савол туғилади: ким бор бизнинг ичимизда ўзи – инсонми ёки ҳар қандай маънавияту руҳониятдан маҳрум ёвуз махлуқ?!..

Ана, катта ёзувчи деганимиз ўқувчини ана шундай мушоҳадаю мулоҳазалар гирдобига отиб юборади. Натижада, ўқувчи ўйлайди, ўйлайди, ўйлайверади. Мен кимман ёки нимаман? Махлуққа айланиб қолмаслигим учун

нималар қилишим керак?.. Дарвоқе, Грегор Замза эврилиш оқибатида ҳашоратга айланиб қолгани ва у инсонлар жамияти учун, ҳатто ўз оиласи учун ҳам чиқитга чиққанди. Натижада ундан воз кечилади. Мен эса, асарни ўқиган ўқувчиларнинг бири сифатида ўйлайман: ҳозирда дунё жамиятларида бунинг тескари юз бермаяптими, яъни инсонлар бир-бирлари учун ана шундай кераксиз, ҳатто бир-бирларига зарарли (“инсон инсонга бўри”) мавжудодларга айланиб бормаяптими?.. Янги дунё, ҳамма нарса “фойда-зарар” схемаси асосида барпо этилган капиталистик олам муносабатлари инсонни ана шундай ҳашоратлар инига отиб юбормаяптими?.. Шундай келиб чиқадиган бўлсак, аслида, ҳашоратга айланган Грегор эмас, – унинг танаси қирқоёқ холос, ичкараси эса инсон, – балки унинг отасию онаси, синглиси, бошлиғи, қолаверса, унга шундай муносабатда бўлган, бўлаётган жамиятдир. Буларнинг сувратлари инсонники, ичкараси... балки ана шу қирқоёқдир. Зеро, улар Замзанинг ички олами билан мутлақо қизиқишмайди, уларни ҳашоратга айланиб қолган ўғилнинг, аканинг ташқи кўриниши даҳшатга солади. Ахир, Замза ичкарида ҳамон инсон эди, инсон...

Демак, Кафканинг “Эврилиш” асари шунчаки саргузаштнамо, эртакнамо матн бўлмай (гарчанд унда эртақ элементлари бўлса-да), ўқувчини чуқур мушоҳадага чорлайдиган, ўзи ҳақида, жамият ҳақида, яқин атрофидаги инсонлар ҳақида, улар билан ўз муносабати ҳақида жиддий ўйлашга ундайдиган рамзий асар. Шу маънода бундай рамзий асарларни шартли равишда замонавий эртақлар, деса ҳам бўлаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кафка Ф. Эврилиш. –Т.: Янги аср авлоди, 2021.
2. Фромм Э. Душа человека. –М.: Республика, 1992.
3. Қуронов ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Академнашр, 2010.
4. Ҳамдамов У., Қосимов А. Жаҳон адабиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Баркамол фэйз медиа, 2017.

МУМТОЗ АДАБИЙ МАНБАЛАР XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ СОБИТ АСОСИ ВА ВОРИСИ СИФАТИДА

*Тожибоева Муқаддас,
Андижон давлат университети доценти,
филология фанлари доктори*

Ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги тарихи асрлар давомида такомиллашгани боис миллий-маънавий меросимиз, кўхна адабиётимиз, XX аср миллий уйғониш ҳамда жаҳид адабиётида ҳам, бугунги кун адабиётимизда ҳам собит асос вазифасини бажариб келаётир. Мумтоз адабий манбаларга мурожаат унинг мазмун ва шаклий имкониятларидан фойдаланиш орқали шу кун адабиётини юксакликка кўтаришга эришди ва бу ҳаракат ҳозирги адабиёт учун ҳам асқотарли нуқталардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Бу адабий-

тарихий ворислик ўзбек адабиётининг бугуни ва эртаси учун муайян миқёсда мезон бўлишга арзирли ҳолдир.

Ўзбек мумтоз адабиётига ворислик масалалари хусусида сўз юритилганда, унинг аниқ шакллари бўлган жиҳатлар, яъни мумтоз жанрларнинг янги адабиётдаги яшаш “тарзи”, аруз вазни, унинг XX аср бошларидаги ўзгаришлари ҳамда қофия ва бадий санъатлар ҳақидаги қарашлар Фитрат, Чўлпон ва Вадуд Маҳмуд мақолаларида ўз аксини топган.

Абдурауф Фитрат “Форс шоири Умар Хайём” (1929) рисоласида улуғ шоир ва аллома яшаган давр хусусида гапириб, Хайём ижод билан машғул бўлган даврдаги адабий жанрлар, хусусан, *маснавий*, *қасида*, *ғазал*, *рубойи* каби жанрларнинг хос хусусиятларини аниқлайди. Маснавий ҳақида сўз юритар экан, Асадий, Фирдавсий, Дақиқий каби шоирлар бу жанрда “донг қозониб”, Низомий эса форс тилидаги дostonчиликни юқори босқичга кўтарганини айтади. Қасида жанри “сосоний, ғазнавий, хоразмшоҳий саройлари ҳукмдорларини” ҳимоя қилиш руҳида битилганини қайд этади.

Фитрат Саъдий Шерозийни ғазал ва маснавий шаклини ривожлантиришга ҳаракат қилган шоир сифатида эътироф этади, у ҳақда “қасидачиликқа қарши исён байроғини кўтарди... ғазалчилик ва маснавийчиликни илгари бостирмоқ истади”, деб ёзади. Кўринадики, қасида кўхна адабий жанр сифатида мавжуд бўлса, ундан кейинги шеъриятда ғазал ва маснавийга мурожаат этиш орқали жанр имкониятлари кенгайгани ҳақида назарий хулосага келади.

Фитрат қарашларида рубойининг илдизлари миллий адабиётимизда пайдо бўлгани, форс адабиётдаги рубойлар турк шеърларининг таъсирида шаклланигани таъкидланади. Унсурий, Асжадий, Фаррухий, Фирдавсий томонидан уларнинг ҳар бири бир мисрадан айтилган рубойини келтириш орқали улар орасида Унсурийни рубойнависликда бошқалардан юқори эканлигини эътироф этади. Фитрат домла форс шоирлари ва шеърий шакллар ҳақида ёзар экан, *мусаммат*, *қитъа*, *мустаҳзод* каби жанрларни ҳам эътибордан соқит қилмаган ҳолда шоирлар ҳар бир шеърий шаклда бирдай ижод қилмаслиги, бирлари маснавийда, бирлари ғазалчиликда, айримлари қасидачиликда устун эканлигини айтиб, рубойчиликни бутун дунёга танитган бирдан-бир шоир Умар Хайём бўлганига алоҳида урғу беради. Шу ўринда туркий шеъриятда рубойининг ўрни ҳақида сўзлаб, Бобур рубойнависликда улуғ шоирга яқинлашган бирдан бир ижодкор эканини таъкидлайди.

Фитрат адабиётга “фикр, туйғуларимиздаги тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир” [1. 21-22] дея таъриф берган бўлса, шеърга алоҳида эътибор қаратиб, “вазн ва қофияси бўлган ҳар бир сўз тўдасини” шеър деб аташ янглиш эканлигини кўрсатади, форс-тожик адабиётшуносларининг бу борадаги “шеър қофияси, вазни бўлган гапдир” деган таърифига ҳам танқидий муносабатда бўлади.

Фитрат “эски ёзғучиларимиз асарнинг бирлигини сақламоқчи бўлиб, “аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор андоқ ривоят қилурларким” деб ҳикоя қаҳрамонларининг туғилган кунидан бошлаб вафотида қадар бўлиб ўтган во-

қеаларни бир йўсинда тизишликни оқламайди, бу ўқувчиларни “бездиради ва уларнинг миясига оғирлик қилади” деб ҳисоблайди. Чўлпоннинг “Қор кўйнида лола” ҳикояси эски шаклда “Андоқ ривоят қилурларким...” деб бош-ланмагани, муаллиф тўғридан-тўғри воқеалар ичига кириб боргани ўринли эканини тасдиқлайди. Демак, Фитрат талқинидаги шоир Чўлпон шеърятда янгилашишлар тарафдори бўлгани каби насрда ҳам анъанавий ровийликни бевосита воқеалар тасвири билан алмаштириб реалистик услуб тамойилларига яқинлашди.

Фитрат ишқ мавзусида “эски-янги шоирлар” кўп ёзгани, “фикрларнинг бир-бирига ўхшаганлари очиқ кўринадур” дейиш билан бирга бу мавзуда янги шаклда шеърлар ҳам пайдо бўлганлигини қайд этиб, Чўлпоннинг “Кетдингми мангуга ташлаб, Қолдимми қайғуларим-ла?” мисраси билан бошланувчи шеърини бунга мисол қилиб кўрсатади.

Фитрат “услубнинг хусусий ҳоллари” деб белгилаган бадиий санъат турларидан жонлантириш ҳақида “инсондаги даражада тириклиги бўлмаган нарсаларга, жониворларга инсондаги тирикликнинг ҳолларини, сифатларини такмоқдир” деб таъриф беради. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги Мажнунга қайғудош бўлган *гул, булбул, озоч* тасвирини жонлантириш санъатининг “жонли бир ўрнакидир” дея баҳолайди. Жадид шоирларидан Чўлпон ва Элбекдан мисоллар келтириш орқали уларни “жонлантириш санъатининг чиройлик ўрнаклари” эканини таъкидлайди.

“Адабиёт қоидалари”да муаллиф “Сўраш” деб номланган санъатга мумтоз шеърятдан Лутфийнинг “Боқмас менга жанона, ажаб ҳолат эмасму?” деб бошланувчи ғазалини мисол келтириш билан “чинликни йўқотмасдан, кучли туйғуларни англаган”ини эътироф этади. Чўлпоннинг

*“Бир-ики яхши сўз айтдик,
Ҳолимни онглаганингми?”*

-деб бошланувчи шеърини “билмасликка солиш”, яъни тажохули орифонанинг “кучли ўрнаги” сифатида қайд этади. Демак, бу ўринда ҳам мумтоз поэтик санъатларга мурожаатда шоир Чўлпон самарали ижод қилаётгани таъкидланади. Фитрат “қаршилик” санъатига Бобур, Боту, Чўлпондан мисол келтираркан, бу ўринда мумтоз ва замонавий деган айирмаларга бормайди. Балки ушбу санъат мумтоз шеърятда ҳам, замонавий шеърларда ҳам бирдай қўлланила оладиган санъат тури эканлигини ёзади. Бобурнинг “Юз ёмонлиғ кўриб ондин телба бўлдунг, эй кўнгул, Яхшилиқни кўз тутарсан ул паривашдин яна” байтида ҳам, Ботунинг “Ёруғликни севатурған бизнинг тинуқ кўнглимиз, Қачонғача қоронғулар ичра қолар бўғулуб” мисраларида ҳам қаршилик санъати борлигини аниқлайди. Аммо олим “қаршиликнинг энг яхшиси “фикрлар”аро қаршиликдир” деб белгилайди ва бунга мисол қилиб, Чўлпоннинг “Мен ва бошқалар” шеърини ҳамда Бобурнинг “Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур, Мен тавба қилибмену пушаймондурмен” байтини келтиради [1.73]. “Қайтиш” (ружуъ) санъатининг “сўнграғи фикрнинг бурунғи фикрдан кучли бўлиши лозим” бўлишлик талаби билан Навоий шеърятига юзланади. Бунинг давомчиси сифатида Ботунинг

“Йиғлаб турдим, йиғлаб турдим эмас, унда тийрак ўлдим” мисрасини беради. Аммо биринчи мисрадаги фикрдан кейинги фикр кучсизроқ чикса, “қайтишнинг маъноси қолмайди” дея таъкидлайди [1.74].

“Аруз ҳақида” рисоласида “инқилобдан кейин ўзбек совет адабиётида аруз жуда оз ишлатила борди, бунга ижтимоий сабаблар бор эди” дейиш билан арузга танқидий кўз билан қараганликларининг сабабини тушунтириб берди. “Аруз вазни шеър вазнларининг бой ва энг музыкалиларидан бири-дир... аруз системаси шундай бир системаки, уни яхши ўрганган одам шунга мувофиқ янги-янги вазнлар ҳам туза олади... Арузнинг энг жонли, ўйноқи ва энг музыкали вазнлари шу кўл текизилмаган қисмда туради” деб замондош шоирлар шеърларидан намуна олади. “Булардан (яъни аруз вазнидан - Т.М.) фойдаланиш, албатта, фойдали иш. Букун ўзбек совет шоирларидан баъзилари аруз вазнларида муваффақият билан фойдаланмоқдалар” дея Ғафур Ғулом мухаммаси ва Усмон Носирнинг маснавий вазни - мутақорибда ёзган шеърини мисол тариқасида келтиради. Бунинг натижасида Фитрат янги шеърият ҳар “иккала системадан фойдаланишга тиришса бўлур” тарзида хулосага келади [2. 230]. Бу билан “Аруз ҳақида” рисоласи замонавий шоирлар учун амалий дастур ҳам бўлиб хизмат қилиши мумкинлигига ишора қилади. Демак, Фитрат XX аср бошлари жаҳид шеърияти мумтоз анъаналарни давом эттира олиш билан мумтоз адабий жанрлар, бадий санъатлар, аруз вазнини кўллаш борасида фаоллик кўрсатганини таъкидлайди. Чўлпон, Боту, Ғафур Ғулом ва Усмон Носир каби замонасининг пешқадам шоирлари ижодида бу анъаналар давом этаётганлигини асосли мисоллар билан исботлай олди.

Чўлпоннинг мумтоз адабиёт намуналарига муносабати, табиийки, “Ўзбек билим ҳайъати” эътиборига ҳавола қилинган “500 йил” мақоласида очиқ кўринади [3. 47-48]. Муаллиф Навоийнинг ҳижрий-қамарий йил ҳисобида 500 йиллик тантанасини ўтказиш талаби билан мурожаат қилиб, “Навоийнинг босилмаган асарларини топиб, босдиришга лозим кўрилганларини босдириш чорасини кўриш” ва Навоийнинг мукамал таржимаи ҳолини эълон қилинишини талаб қилади. Бошқа бир мақоласи “Шоҳнома”нинг туркча таржумаси”да [3.47-48]. Озарбайжон адиби Алиаскар Собир томонидан нашр қилинган ва Тифлисида “Ғайрат” босмаҳонасида чоп этилган достоннинг “Сухроб” қисми ҳақида сўз юритади ва бу мумтоз достоннинг таржима этилиши янги яратилажак достонларга бир йўлланма бўлиши мумкинлигини эслатади.

Чўлпоннинг мумтоз адабиёт манбаларига муносабати масаласи кескин акс этган мақолаларидан бири “Улуғ ҳинди” асаридир [4.56-58]. Мақолада ёзилишича, “Эски адабиёт билан янги адабиётнинг ўртасида қолғон шарқли ёш чинакам чучмал бир вазиятдир. Эски адабиёт бир ширин, янгиси яна ширин, ғарбники тагин - яна ширин. Қайси биттасига кўпроқ берилсин? Бири биридан ширин ахир!” [4.57] дея мумтоз манбаларнинг қайси бирига мурожаат қилишда “йўлсизлик” ҳолини сўзлаб ўтади. Мумтоз шоирлардаги “бир хил”лик Чўлпонни қониқтирмайди. Аввало, бу ерда бир хил деганда шоир кўпроқ вазн хусусиятини назарда тутган. Қолаверса, мумтоз асарлардаги анъанавий зачин

ва бошланмаларнинг ҳам бир йўсинда экани шоирни мураккаб ҳолга солади ва Шарқу Ғарб ўртасида “олтун кўпрук” яратган Тагор ижодига юзланади. Бундан ташқари татар, озарбойжон, турк насридаги айрим асарларни ҳам санаб ўтаркан, “улар шу қадар озки...” деган хулосага келади. Чўлпон бу ўринда мумтоз адабиётни, айниқса, шеъриятни бутунлай рад қилмайди, балки янги ғарб руҳидаги реалистик насрга ташна эканлигини ёзади. Шунингдек, анъананинг бутунлай йўқ бўлиши тарафдори эмас, балки анъанавийлик билан замонавийлик ўртасига “олтун кўпрук” қурган Тагорни эътироф этмоқчи бўлган. Чўлпоннинг бу қарашлари унинг “Тагўр ва тагўршунослик”, “Тагор кимдир?” [4.58-63] каби мақолаларида янада аниқроқ кўринади. “Тагорнинг энг катта ва Шарқ руҳи билан Ғарб асосини бирлаштирган асари” хусусида гапираркан, шоир уни бир адабий мактаб сингари таништиради. Мумтоз адабиёт вакиласи Жаҳон отин Увайсий ижодига махсус мақола бағишлаган Чўлпон шоиранинг “Карбалоннома”, “Девон”, “Хитой сафари” (Муҳамадалихонга бағишланган) асарларига баҳо бериб, унинг бадиҳагўйликда шуҳрат қозонгани ва бир тўртликда “анорни қандай гўзал ва санъаткорона тасвир қилган”ини таъкидлайди. Бу мақола кўрсатадики, Чўлпон мумтоз адабиётга қарши эмас, аксинча, унинг энг яхши намуналарини қадрлайди. Бироқ мумтоз адабиётга юзланганда, унинг кўр-кўрона тақлидчиси эмас, балки миллий анъаналарни янги заминга пайванд қила оладиган адабий асарлар ёзиш кераклигини уқтиради. Бундай фикрнинг давомини унинг “Базм-чолғу тўдаси” мақоласида ҳам ўқиймиз: “Чинакам бизнинг чолғимиз йўқолиб кетишидан сақланмоғи лозим, куйларимиз унутилиш ва бузулишдан асралмаги даркор. Кўпдан бери даркор бўлган бугун кеч бўлса-да тузулибдир. Яшасун яшнасун, бизнинг кутган тилакларимизни берсун. Бизнинг вазифамиз – ўшаларни тор бурчаклардан кенг майдонларга олиб чиқиш, ўсдириш, парвариш қилиш, тарбия беришдир” [4.108]. Бу сўзлар тамомила мумтоз адабиётга ва унинг юксак адабий тури бўлган шеъриятга ҳам тааллуқлидир. XX аср ўзбек адабиётининг юқори миқёсларга, кенг уфқларга чиқишида ўзбек адабиёти тарихи ҳамда адабиёт назариясини чуқур ўрганиш бу давр адиблари учун бош масалалардан бири бўлди. Ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги тарихи асрлар давомида такомиллашгани боис миллий-маънавий меросимиз, кўҳна адабиётимиз, нафақат XX аср миллий уйғониш ҳамда жадид шеъриятининг, балки бугунги кун адабиётининг ҳам собит асоси ва ворислиги вазифасини бажариб келаётир. Бу адабий-тарихий ворислик ўзбек адабиётининг бугуни ва эртаси учун муайян миқёсда мезон бўлиб хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма. –Т.: –Б.21.
2. Фитрат. Аруз ҳақида / Танланган асарлар. 5-жилд. –Б. 230.
3. Чўлпон. 500 йил / Адабиёт надир. –Т.: Чўлпон, 1994. –Б.47-48.
4. Чўлпон. Улуғ ҳинди / Адабиёт надир. –Т.: Чўлпон, 1994. –Б.56-58.

ЭЛНИ ЭРКА ШОИРЛАРИ

*Ходжиметова Дилором Джурсаевна,
ЖДПИ доценти, филология фанлари номзоди*

Рус шоири Пушкин ўз асарларида ватан, адолат, одамийлик ҳақида куйлаб, 21000 га яқин рус сўзларидан фойдаланган бўлса, бобомиз Навоий меҳр-оқибат, севги-муҳаббат ҳақида қалам тебратиб, 25000 ўзбек сўзларидан асарлар ёзган. Рус адабиётининг тамал тошини Пушкин қўйган бўлса, ўзбек адабиётининг шеърият мулки султони – Алишер Навоийдир. Бу иккала улуғ истеъдод эгалари ўзларининг бетакрор ижодлари билан шеърият ихлосмандлари қалбида чуқур из қолдирган. Сергей Есенин ва Мухаммад Юсуф мана шу ҳар иккала улуғ шоирнинг муносиб давомчилари сифатида кўплаб шоирлар қаторида номларини айтиб ўтишимиз мумкин.

Ер юзидаги ҳар бир миллатни турмуш маданияти, урф – одатлари бири - биридан ажойиб ва қимматлидир. Лекин бир миллатнинг маданияти, бошқа бир миллат маданиятидан устун ёки номукамал деб ҳеч ким айта олмайди. Адабиётнинг беқиёслиги халқлар маданиятини бир-бири билан таққослашда аниқ ва раво кўрилади.

Улуғ рус шоири Сергей Есенин ҳамда таниқли ўзбек шоири Мухаммад Юсуфлар ижодига эътибор қаратмоқчимиз. Улар бири XX асирни бошида Россияда иккинчиси эса XX аср охирларида Ўзбекистонда ижод қилишган бўлсада, улар ижодида яқинлик ва ўхшашликлар мавжуд.

-Улар ҳар иккиси ҳам сўзлардан жудаям устамонлик билан фойдаланишган. Уларнинг шеърларини бир бор ўқиган одам қалбига чуқур сингиб кетганини англайди.

-Шоирлар мавзусида шу қадар оддийлик борки, ўқиётган шеърят ихлосмандлари дарди билан чамбарчас уйғунлашиб кетади. Киши қалбида ажиб ҳислар уйғонади. Шу ўринда М.Юсуфнинг “ВАТАН” шеърига эътибор қаратсак:

*Эй менга эртақлар сўйлаган Замин
Эргашиб изингдан қолмасман сенинг,
Ўзгалар наздида Боғи Эрамнинг
Жийданг япрогига олмасман сенинг.
Ватан, қайда бўлмай, сен хамроҳимсан
Боболарим ётар саждагоҳимсан-*

қуйдаги сатрларга Есениннинг мана бу шеърини ўхшатиш мумкин:

*Гой ты Русь моя родная
Хаты в ризах образа...
Не видать конца и края
Только синь сосет глаза.*

Ушбу жумлалар моҳиятига қарайдиган бўлсак, иккала ижодкор ҳам Ватан мадҳини ўзгача бир эркалик билан тасвирлаб беришган. Шунинг учун ҳам уларга “эрка шоирлар” деб тариф беришимиз мумкин.

Иккала шоир ҳам она юртига улуғ ҳис-туйғуларини инсонга бўлган муҳаббати орқали ифода этадилар. Табиат дунёси билан инсон дунёсини бирлиги бўлинмас бир яхлит деб биладилар. Шундан бўлса керак, улар шеърларида фикрлар эзгулиги, хиссиётлар тўлқинлилиги шеърга битилган фалсафий ўй - хаёллар бирлигида акс эттирилган.

*Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Ҳам оқ ювиб-тарагансан ўзинг бизни.
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.
Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!..*

*Қалқонинг бор, ким қасд қилса гар жонингга,
Алпомишлар руҳи ёр ҳар ўғлонингга.
Асрагаймиз гиёҳинг ҳам ўпиб,
Ёвлар яқин юролмагай кўргонингга.
Адойинг бўлгаймиз сени Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон!*

Шаганэ ты моя, Шаганэ!

*Шаганэ ты моя, Шаганэ!
Потому, что я с севера, что ли,
Я готов рассказать тебе поле,
Про волнистую рожь при луне.
Шаганэ ты моя, Шаганэ.*

*Потому, что я с севера, что ли,
Что луна там огромней в сто раз,
Как бы ни был красив Ширас,
Он не лучше рязанских раздолий.
Потому, что я с севера, что ли.....*

Ҳаётлик пайтларида ҳар иккала шоир ҳам камтар инсонлар бўлишган, шоирлик ҳақида М.Юсуф шундай дейди: «Мен шоирман деган зотдан кўрқинг. Чунки ундан ҳар балони кутиш мумкин. Ҳақиқий шоир ҳеч қачон иддао билан ўзини таништирамайди. Аксинча, уни аллақачон халқ танлаб, сайлаб олган бўлади...

Аслида, шеър ҳам одамдек гап. Унинг юзи, кўзи, қиёфаси ва либоси бор. Баъзи шеърлар сатанг аёллардек ясанган. Пардоз-андозни ҳам жойига қўйган. Уларда биргина етишмовчилик бор, холос. Самимият йўқ.

Шеър нима? Шеър ёзилаверади. Китоблар ҳам босилаверади. Шоир камайса, ана, қанча уддабуронлар бор – китоб камаймайди. Бироқ, ҳақиқий адиб, шоир ҳар йили осмондан чалпақдек ёғилавермайди!»

Шоирлар ўртасидаги яна бир ўкинчли ўхшашлик ижодларининг энг гуллаган вақтида умр деб аталмиш неъматнинг поёнига етганлиги бўлиб қолди.

МАРСИЯ

*Қушдай бўлиб қучоғингдан учиб кетди,
Борса келмас манзилларга у ҳам етди.
Муштоқдирмиз шоирнинг ҳар бир сўзига,
Зор қилиб кетди-ку, шоир изига.*

*Алвон-алвон замон келишин кутиб,
Неки дард учраса қозоғза тўкиб.
Таъна-дашномларни юракка ютиб,
Элим, шоир сени ташлаб кетди-ку?!.....*

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Есенин Сергей. Полн. собр. соч. (Сборники С.А.Есенина и М.Юсуфа). В 7 т. (9-и кн.). –М., 1997. 2002.
2. Сергей Есенин. Собрание сочинений в двух томах. –М.: 1990 Современник, с.35.
3. М.Юсуф. Сайланма. –Т.: Шарк, 2014.–С. 47,270,273.
4. М.Юсуф. Шоир севгиси. –Т.: 2014. – с. 135.
5. М.Юсуф. сборник «Халк бул элим». –Т.: 2009. –с.40.
6. (Критика о данных поэтах)
7. В мире Есенина. Сборник статей. –М.: Дрофа, 1996.
8. Голубкова М.М. Русская литература XX века. –М., 2002. стр. 266.
9. Занковская Л.В. Творчество Сергея Есенина в контексте русской литературы двадцатых годов XX века. –М., 2002.
10. «Звезда востока» литературно-художественный. –Т.: 2014. –С.24-29.
11. Узбек тили ва адабиёти. –Т.: 2014. –с.64-67.
12. Шоир хакида хаэтий хакикатлар. Фаргона, 2014.
13. www.philology.ru
14. www.slovari.ru
15. www.mgu.rusliter.ru
16. www.mail.ru
17. www.moy-yazik.nauod.ru

НЕОМИФОЛОГИЗМ В ЛИТЕРАТУРЕ РУБЕЖА XX-XXI ВЕКОВ (К ПОСТАНОВКЕ ПРОБЛЕМЫ)

*Сыздыкбаев Н.А., к. филол. н., доцент кафедры
теоретического и прикладного языковедения
КазУМОиМЯ им.Абылай хана, Алматы, Казахстан*

Большинство исследователей современной литературы относят к определяющим концептуальным направлениям развития художественных процессов второй половины XX века эстетизацию мифологических моделей и порождаемое ею явление неомифологизма. В.Руднев в «Словаре культуры XX века» определяет неомифологизм как основной принцип прозы XX века [1],

считая, что в рамках именно этой литературной концепции и формируется новационное художественное мышление указанного периода.

Хотя В.Руднев считает неомифологизм прерогативой прежде всего модернистской культуры, анализ современного художественно-прозаического пространства позволяет предположить, что неомифологизм является способом художественного постижения мира и человека как в реалистических, так и в нереалистических направлениях литературы XX столетия. Более того, несмотря на различия свойственные мировоззренческим основам неомифологизма как типа мышления, его эстетическое освоение осуществляется художниками самых различных направлений на основе единых мифопоэтических принципов. Такое единство подходов обусловило разную степень синтезирования классических и нетрадиционных тенденций (способов, приемов, средств) в авторских неомифомоделах в произведениях Х.Мураками, Л.Улицкой, Ч.Айтматова, Р.Сейсенбаева, А.Жаксылыкова, Д.Амантая, О.Мухтара, У.Хамдама, Х.Султанова, Ш.Бутаева и др.

В настоящее время интерес ученых все чаще связывается с такими явлениями, как «неомиф» и «неомифологизм». Неомиф – это авторский миф, созданный писателем как своего рода аналог классического мифа, это результат проекции мифологического мышления на современную жизнь. Закономерным художественным результатом создания неомифа становится неомифологизм, в широком смысле слова – следствие «ремифологизации культуры и литературы» [2, с.28], в более узком смысле – вся совокупность специфических свойств текста, возникающих под влиянием ремифологизации литературы.

Идею создания «новой мифологии», сформулированную еще Ф.Шеллингом и Ф.Шлегелем, впервые воплотил английский поэт Уильям Блэйк («Бракосочетание неба и ада», «Французская революция», «Америка» и др.). Его творчество отразило философские и художественные тенденции переходного периода от эпохи Просвещения к романтизму, а его мифологизм предвосхитил переход от мифологизма к неомифологизму. В своих «пророческих книгах» поэт описывает борьбу за освобождение человека как столкновение грандиозных сил мирового Добра и Зла. Чертами «новой мифологии» отмечены также «Поэмы Оссиана», филигранно стилизованные шотландским поэтом Дж.Макферсоном. Однако концептуальные аспекты «новой мифологии» не нашли должного понимания ни у критики, ни у читателей, так как развитие литературы в то время шло под знаком демифологизации, а основным направлением художественной мысли был реализм.

Р.Барт трактует миф как особую коммуникативную систему, использование которой в архитектонике современных произведений соединяет прошлое и настоящее, способствуя созданию неомифа или авторского мифа. Неомифы представляют собой художественную систему, в которой известным мифологемам (под мифологемой в данном случае понимается деталь или группа деталей, обладающая предельной осязаемостью, презентующая наиболее существенные для мифа понятия и категории (См.: Кереньи К., Юнг

К. Г. Введение в сущность мифологии // Юнг К. Г. Душа и миф: шесть архетипов. — М. — К.: ЗАО «Совершенство» - «Port-Royal», 1997. С. 13.) придается новое художественное и аксиологическое значение. Основной целью неомифов является объяснение новой картины мира. При подобном подходе Барт фактически подтверждает (но уже не с точки зрения психологической, а с точки зрения информационной) мысль об универсальности мифа, его наличии (или его возможности) в разные исторические эпохи. Именно это позволяет ему включить в систему описания мифа и мифологизма современную «политическую» мифологию. Кроме того, утверждая, что «современность является привилегированным полем для мифотворчества» [3, с.22-23], Барт обнаруживает связь между господством современных информационных технологий и, как результат этого, создание и распространение мифа трактует как средство манипулирования массами, навязывания им особого типа мифомышления.

Основаниями неомифологизма как ключевой тенденции литературного процесса XX в. служат: интерес к изучению архаического и классического мифа; использование в архитектонике художественных произведений мифологических сюжетов и мотивов (особенно библейских, коранических и античных); отображение исторических преданий, бытовой мифологии, художественное использование известных и малоизвестных текстов далекого и близкого прошлого; создание интертекстуальности с целью манипулирования циклическим хронотопом.

Отмечая особенности функционирования неомифа, нужно отметить, что его главные персонажи наделены всеми признаками культурных героев — защитников, добытчиков культурных благ, борцов с силами зла и хаоса, упорядочивателей культурного пространства, все они соответствуют мифологическим стандартам.

Если во второй половине XIX в. наблюдается явное ослабление интереса к неомифологизму, то конец XX в. в связи с развитием модернизма, а потом и постмодернизма отмечен оживлением неомифологического сознания художников слова, впитавших культурные ценности не только своей страны, но и общемировые.

Как уже отмечалось, XX в. знаменуется не только обращением писателей к мифологии, но и обусловленной этим процессом активизацией исследований проблемы мифологизма. В работах Лосева, Мелетинского, Фрейденберг, Топорова прослеживается роль мифологизма в развитии современного искусства слова. Развивая методологические принципы, сформировавшиеся еще в работах Потебни, и опираясь на идеи, связанные с категорией внутренней формы слова, современные исследователи продолжают изучение структуры не только древнего, но и современного мифомышления, форм его связи с образной системой языка. Намеченные в исследованиях Потебни возможности синтеза лингвистических и литературоведческих подходов к изучению мифа в XX столетии реализовались широко и продуктивно.

Исследователи по-разному объясняют причины возвращения к мифологизму в литературе XX в. Если для Е.Мелетинского это «средство обновления культуры и человека и инструмент структурирования повествования (с помощью мифологической символики)» [2, с.277-278], то для А.Белого – это «создание нового отношения к действительности путем пересмотра серии забытых мирозерцаний», рассматриваемого как «будущность нового искусства...» [4, с.247].

В.Руднев, как уже было отмечено, считает неомиф существенной характеристикой мышления конца XX в., но не указывает причины и пути его возникновения. Отличительной чертой мифологизма XIX в. по сравнению с неомифологизмом XX в. является принцип «транспонирования», на который указывает Е.Мелетинский [2, с.136]. Он заключается не в изменении самой системы мифологических признаков, но в переносе их в новые пространственно-временные условия. Из этого следует, что неомиф не является новой интерпретацией старого мифа, а представляет «разыгрывание» известного мифа в новых жизненных обстоятельствах.

В модернистской литературе последней трети XX в. неомифологизм предстает не только качеством, определяющим эстетическую значимость содержания, но и совокупностью приемов (поток сознания, эксплицирование подсознания, игра слов), обуславливающих своеобразие творческого метода писателя. В более узком смысле неомифологизм понимается как «совокупность особых стилистических приемов, характерных для исторической и фантастической прозы» [5, с.1-18]. Но как бы ни трактовались мифопорождающие приемы – как композиционные, сюжетные, образные или стилистические, вкрапленные в текст, – они формируют и отмечают художественный мир неомифа, обуславливая адекватный способ его прочтения.

Восстановить в неомифе все качества и свойства архаического мифа не представляется возможным, так как слишком велика историческая дистанция, отделяющая неомиф от древнего мифа, и кардинальны изменения сознания мифотворца. Обращаясь к подсознанию, его глубинным слоям, идентифицируемым с архаическими типами мышления и сознания, к творческому его выражению на языке архетипов, современный мифотворец воспроизводит лишь самые общие закономерности и схемы архаического мышления. Ряд черт классического мифа либо исчезает, либо меняет и структуру, и содержание, и функции. Так, например, «современный неомифологизм отчуждает сакральное в область профанного, а космическое в область авантюрного, как сам неомиф по мере трансформации в эпос» [6, с.101]. Поэтому неомиф на уровне сюжетной организации событий и обращается к некоторому типологическому набору этапов жизни эпического героя или трактует архетип в виде «индивидуации» [6, с.101]. Сохраняя тяготение к архаическому мифу, «неомиф стремится к своеобразному инварианту одногеройности, обращаясь к приему двойничества или разным формам авторского присутствия, представляя автора как «отца всех своих объектов» [6, с.120].

Таким образом, можно отметить, неомифологизм в литературе рубежа XX-XXI веков служит основой выражения идей и мироощущений писателя, воплощаемых не только в собственно мифологизации, но и в символизации художественного мышления; представляет собой средство обобщения литературного материала; играет роль художественного приема, является свойством композиции, раздвигающим пространственно-временные координаты.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Руднев В.П. Словарь культуры XX века. – М.: Аграф, 1997. – 384 с.
2. Мелетинский Е. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – 407 с.
3. Барт Р. Мифология. – М.: Издательство им. Сабашниковых, 1996. – 312 с.
4. Белый А. Символизм как миропонимание. – М.: Республика, 1994. – 528 с.
5. Погребная Я.В. Неомифологизм как тип литературного творчества. Неомифологизм в системе идентифицирующих признаков // Актуальные проблемы современной мифопоэтики: [электронный ресурс] учебное пособие / Я.В.Погребная. 2-е изд. стереотип. – М.: Флинта, 2011. – 177 с.
6. Юнг К.Г. Душа и миф. Шесть архетипов. – М.–К.: ЗАО «Совершенство» – «Port-Royal», 1997. – 384 с.

DISCURSIVE APPROACHES TO POLITENESS

*Ruziyeva Nilufar Xafizovna,
BuxDU o'qituvchisi*

In this article I explored the various approaches to politeness research which have been categorised, or, I would argue, could be categorised, as discursive or post-modern. While some of these theorists would not themselves classify their work as discursive or post-modern, I would suggest that there do seem to be shared characteristics and emphases in their work. This is due partly to the fact that all of them are attempting, in some measure, to go beyond the work of Brown and Levinson (1978/87). I examine the elements which certain theorists such as Geyer (2008), Locher (2004), Christie (2007), Bousfield (2008), Culpeper (2003), Culpeper et al. (2008), Watts (2003), Terkourafi (2001; 2005a; 2005b; 2007), Paramasivam (2007a, 2007b), Haugh (2007) and Arundale (2010) share and those which divide them. In so doing, I hope to map out how discursive or post-modern approaches to the analysis of politeness and impoliteness differ from approaches such as Brown and Levinson's ([1978] 1987) and how such approaches might lead to productive theorising and analysis of politeness and impoliteness. Postmodern approaches to politeness at the moment, in Terkourafi's (2005a: 102) view, seem: "at least in the way they deal with data unable to bring about the paradigm change within politeness studies to which they aspire", but perhaps by drawing attention to some of the ways that theorists have tried to overcome some of these difficulties, it will be possible to map out what a new I would like to thank Jonathan Culpeper in particular for very

helpful comments he made on an earlier draft of this essay and also Bethan Davies for some very perceptive and constructive comments she made on a later draft, particularly in relation to structure theoretical model might consist of. It might also be argued that it is in the very nature of post-modern or discursive theory to explicitly *not* construct an overarching theory, since, many have argued within critical theory, the days of grand narratives are now at an end. Perhaps, what is most indicative of the discursive or post-modern approach is the sense that theorists are still trying to assemble theoretical models by juxtaposing elements from different approaches and methodologies, and this eclecticism is perhaps more suited to the type of contextualised, qualitative analysis favoured by the discursive approach. Whilst Brown and Levinson's work has influenced research work on politeness since its publication, it has nevertheless been criticised by a wide range of theorists, mostly in a spirit of constructive criticism in order to modify or build on it (Sifianou 1992; Spencer-Oatey 2000a, 2000b). However, there have been a number of theorists who have been far more critical and who have argued for a rejection of some elements or all of Brown and Levinson's model. Critics such as Eelen (2001) have focused on a number of different problems with Brown and Levinson's work, most notably their reliance on speech act theory, the model person/individualism, their model of communication, their definition of politeness, their understanding of the role. Discursive theorists of politeness have tried to develop ways of thinking around and in reaction to the problems which these issues have posed for them.

1. Speech Act theory

Brown and Levinson relied on speech act theory to underpin their model of politeness, and this is a theoretical grounding which has been adopted by many politeness researchers. It should, however, be remembered that Brown and Levinson, in the 1987 edition of their work, also found fault with their earlier use of speech act theory, whilst, nevertheless, not suggesting what could be used in its place. Thus, much work on politeness post-Brown and Levinson has focused especially on apologies and requests, assuming that these speech acts have some simple existence in linguistic form. Quantitative analysis of requests, for example, consists of counting the linguistic realisations of requests found in data. Thus for example, Holmes (1995) decides on what constitutes a compliment for the communities that she analyses and then, based on a large data set, counts the number of linguistic realisations of compliments. Compliments may be paid indirectly or by implication. This type of post-Brown and Levinson work does not acknowledge that requests, compliments and apologies can. It should be noted that Eelen (2001) Mills (2003a), and Watts (2003) deal with these criticisms of Brown and Levinson's model at greater length.

In the type of analysis which relies on traditional speech act theory, the former example where speakers apologise using different linguistic realizations would not be counted in the analysis, (thus giving an incomplete view of the way interactants apologise) and in the latter example where the function of politeness markers differs from its conventional surface usage, this would in fact be counted as an apology (giving a false view of the way that interactants draw on politeness resources in order to be insincere, ironic or impolite).

2. Definition of politeness

Brown and Levinson's definition of politeness is largely focused around the notion of mitigation of face threat, and whilst politeness is clearly used to avoid threatening others' face, it is clear that politeness has many different functions. Ide (1989) focusing on discernment/wakimae has drawn attention to the role that politeness plays in acknowledging the role that each individual has been allocated. For example, if an individual uses a particular honorific, they can be seen to be recognising that the particular context and other participants require them to use a certain deferential form; in so doing they are acknowledging their own position and others' positions in relation to them within the social system.

Culpeper (2005, 2007), Bousfield (2007, 2008) Culpeper, Bousfield and Wichmann (2003) and Bousfield and Locher (2007) have theorised impoliteness in a way which disengages it from its association from politeness. By recognising the difference of impoliteness (i.e. that it is not simply the polar opposite of politeness) they have begun the process of analysing impoliteness in and of itself.

3. Definitions of discourse and post-modernism

Discourse and post-modernism are both terms about which there is a great deal of theoretical debate (Mills 1997) Furthermore, to add to the complexity of describing post-modern and discursive approaches to politeness, many of the theorists I refer to in this essay do not themselves consider their work or analytical approach to be post-modern or discourse-oriented. Here, I map out a range of definitions of these terms.

There has been a discursive term in politeness research. By this, I mean that theorists are no longer content to analyse politeness and impoliteness as if they were realised through the use of isolated phrases and sentences. It is clear that politeness and impoliteness are, amongst other things, judgements about linguistic phenomena and judgements are generally constituted over a number of turns or even over much longer stretches of interaction. Furthermore, theorists who take a discursive approach generally are concerned with issues of context. Thus, discursive theorists do not focus on politeness at the level of the phrase or sentence, and do not assume that politeness is in some sense inherent in the words used. Discursive theorists such as Foucault (1972, 1978) and Critical Discourse theorists such as Fairclough (1995) and Wodak and Chilton (2005) have demonstrated that the resources available to interactants are shaped by social forces. By seeing discourse as Foucault does as a system of "regulated practices that account for a number of statements" (Foucault 1972: 80) the discursive theorists need to move to analyse the unspoken rules whereby certain utterances are for example seen as appropriate. Thus, it is important to analyse these discursive constraints on individuals, rather than assuming that interactants necessarily simply make fully conscious decisions about what politeness norms to adhere to. Thus, the focus on discourse has two impacts on theorising, one is a concern with the variability of the function and meaning of elements accordingly to the context, and the other is a wider political concern for the way in which discourse structures the possible range of expression available to individual interactants.

The term post-modern is used in a variety of ways; within the American context often equating with post-structuralism, whereas in Britain it is used to refer to works

by those such as Baudrillard and Lyotard, who have moved beyond post-structuralist theory (theorists such as Foucault, Derrida and Kristeva) and have questioned the very basis on which arguments. By no means all discursive theorists take up this position in relation to discourse, and not everyone focuses so much on institutional constraints on the individual politics can be established.

Bousfield (2008) tries to move beyond the focus on individual utterances by focusing on activity types or discourse roles available to interlocutors, suggesting that the roles which we inhabit or are allocated and the discursive repertoires available to those roles determine in large measure the levels and types of politeness and impoliteness that are used. Discursive theorists tend to view face differently to Brown and Levinson. Indeed, many return to Goffman's more process-oriented view of face, and criticise Brown and Levinson for the static nature of their characterisation. Bousfield (2008: 42) suggests that face is "internally expected and externally realised in interaction, requiring in actuality some fine tuning or outright re-modification/manipulation". Terkourafi (2007: 47) suggests that "there is no faceless communication" arguing that "all linguistic expressions do 'information work' and 'facework' at the same time all the time" Geyer suggests the term 'interactional face' to capture this notion that face is not fixed but achieved within interaction; as she remarks (2008: 51): the analysis based on this conceptualisation will probably not produce a clear categorical understanding of politeness in isolated sentences. Instead, what this notion of face can capture is the moment-by-moment management of multiple faces constructed and displayed in discourse. Arundale (2010) also, in his development of Face Constituting Theory draws on Conversation Analysis to develop a notion of politeness and face as something which is an interactional achievement, rather than an abstracted entity or set of agreed norms. Face in this model particularly becomes a relational phenomenon and not a property of utterances as such.

LIST OF USED LITERATURES:

1. Ruziyeva N. (2020). FACE CONCEPT IN THE CATEGORY OF POLITENESS. European Journal of Humanities and Educational Advancements, 1(4), 15-20.
2. Ruziyeva Nilufar Xafizovna (2021).The category of politeness in different linguocultural traditions. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL 11 (2), 1667-1675
3. G'ayratovna, R.M. . (2021). Semantics of euphemistic and dysphemetic units. Middle European Scientific Bulletin, 12, 243-246.
4. Ruslan Rajabmurodovich Radjabov. (2021). THE FRENCH FUTURE: MODALITY IN ENGLISH. Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL), 2(06), 60-67.
5. Sobirovich, S. R. (2021). Ethymological Doublets Between French Verbs And Their Use. Middle European Scientific Bulletin, 13.
6. Imamkulova Sitora Anvarovna. (2021). Cognitive Interpretation of Degrees of Intensification. Middle European Scientific Bulletin, 11(1).

7. Nurullayevna, S. N. . (2021). The techniques of explicit grammar instruction. Middle European Scientific Bulletin, 12, 281-284.
 8. NarzullayevaFiruza. "English Phraseological Units With Somatic Components". CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE, Vol. 1, no. 1, Oct. 2020, pp. 29-31,
 9. Yulduz, Mehmonova. "Lexico-grammatical Parts of Speech Expressing the Indefiniteness of the Subject." JournalNX, vol. 7, no. 1, 2021, pp. 323-327.
 10. Bakhtiyorovna, I. F. . (2021). Translation of linguocultural peculiarities in hafiza kochkarova's translations. Middle European Scientific Bulletin, 12, 247-249.
- Irgasheva Feruza Bakhtiyorovna. (2021). INTEGRATION OF LANGUAGE AND CULTURE INTO THE TRANSLATION PROCESS . CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE, 2(1), 32-34.

FORSCHA SO‘ZLAR TARKIBIDA QO‘LLANILGAN -AK AFFIKSI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR

*Abdulhamid Abduvaliyev Abdumo‘minovich,
JDPI katta o‘qituvchi*

O‘zbek tilining besh tomlik izohli lug‘atida jami 234 ta forscha -ak qo‘shimchasi yordamida yasalgan forscha-tojikcha so‘zlar mavjud. Bu qo‘shimcha o‘zbekcha so‘zlarda asosan ot so‘z turkimiga tegishli so‘zlarga qo‘shiladi. Forscha so‘zlarda -ak qo‘shimchasi forscha fe’llarga ham qo‘shilib kelgan. Bunday so‘zlar, ya’ni forscha fe’llarga qo‘shilgan so‘zlar 50 dan ortiq so‘zni tashkil etadi. Shuningdek, lug‘ atda *bodbezak* (294), *bodparrak* (295), *bodrezak*, *bodbarak* (297) kabi so‘zlar ham uchraydi. Shundan *bodbezak* (bod+bez+ak) shaklida hosil qilingan bo‘lib, so‘zi *bezidan* “esmoq” va -ak qo‘shimchasi orqali yasalgan bo‘lib “kuchsiz shamol esishi” ma’nosini ifodalaydi. *bodparrak* esa “shamol yordamda aylanadigan kichik parrak yoki ventilyator” ma’nosida ishlatiladi. *Bodrezak* so‘zida esa bod - “shamol”, rez esa “to‘kmoq” ma’nosidagi rextan fe’li yordamida hosil qilingan bo‘lib, “shamol yordamida to‘kiladigan” ma’nolarida qo‘llangan.

O‘zbek tilining izohli lug‘ atida tarkibida -ak affiksi qatnashgan quyidagi so‘zlar berilgan:

- a) otdan kichraytirish va o‘xshatish ma’nosini ifodalovchi ot yasaydi: *bargak*, *ichak*, *yo‘lak*;
- b) otlardan o‘xshatish, holat, tur bildiruvchi sifatlar yasaydi.: *murg‘ ak* (*bola*), *qirmizak* (*olma*), *g‘alvirak* (*yong‘oq*);
- c) yakka yoki takrorlangan taqlidiy so‘zlardan ot yasaydi: *varrak*, *guldurak*, *qarsak*, *bizbizak*, *davdarak* kabilar.

Yuqorida so‘zlarning qaysi ma’noda kelishi haqida to‘g‘ri ma’lumot berilgan. O‘zbekcha so‘zlar bilan kelganda yuqoridagi fikrlarga qo‘shilishimiz mumkin. Ammo o‘zbek tilining izohli lug‘ atida o‘zbekcha so‘zlardan tashqari forscha -ak qo‘shimchasi bilan kelgan so‘zlar mavjud. Chunki fors tilida -ak qo‘shimchasi faqat otlarga qo‘shilibgina qolmay, balki fe’l, sifat va hatto ayrim sifatdoshlarga qo‘shilib;

kichraytirish, “o‘xshatish, kichiklik, kamlik, yetishmaslik, pakanalik” kabi ma’nolarni anglatuvchi ot va sifatlarga doir so‘zlar yasaydi.

Lug‘atda **puxtan-** “pishmoq”, “pishirmoq” fe‘lining hozirga zamon shakliga **-ak** qo‘shimchasi qo‘shilib “oldin pishar, hammadan oldin pishuvchi, bir yoki ikki meva pishishi” haqida ma’lumot beruvchi so‘z sifatida ishlatilgan. Masalan: *jabazak* ayni *javpazak* yoki *jo‘vpazak* so‘zlaridagi *jav-paz-ak* “arpa + pishmoq + kamlik, ozlik ma’nosidagi qo‘shimcha” sxemasida hosil qilingan bo‘lib, “arpa pishig‘ ida pishadigan birinchi meva” ma’nosini ifodalaydi. Chunki qolgan mevalar bug‘ doy pishganda pishadi. Arpa (jav) pishganda pishadigan yagona meva o‘rikdir.

Izohli lug‘ atda forscha *pechidan-* “o‘ramoq, chirmamoq” ma’nosidagi so‘zlarining hozirgi zamon shakli *pech* so‘zi “o‘rash, chirmash” ma’nolarida bir necha so‘z tarkibida ishtirok etgan. Lekin fe‘l turkimiga tegishli so‘z bilan kelgan **-ak** affiksi ot turkimiga tegishli so‘z bilan “meva, o‘t, o‘simliklar” ma’nosini ifodalab keladi. Lug‘ atda *zarpechak* (138), *pechak* (249), *pechakgul* (249), hatto tarkibida o‘zbekcha so‘zlar ham ishtirok etgan *sutpechak* (597) kabi so‘zlar mavjud. Bularning barchasi “chirmashib, o‘raydigan o‘simlik”ka doir so‘zlar bo‘lib, ingichka va boshqa o‘simliklarga o‘rashib o‘sganligi uchun ham “pechak- o‘raydigancha”, chirmashgan ma’nolarida qo‘llaniladi. *Zarpechak* (138) buralib, chirmashib o‘sadigan sarg‘ ish o‘simlik, *pechak* (249) “o‘simlik tanasiga chirmashib o‘sadigan o‘simlik” ma’nosida, *pechak* (249) “o‘ram, koptok, g‘ altak, pechak, handalak” ma’nosida, *pechakgul* (249) “karnaygullar oilasiga mansub o‘simlik ma’nosida, *sutpechak* (598) “poyasi chirmashib o‘sadigan barglari yuraksimon o‘t” ma’nosida, *qo‘ypechak* (402) pechakgullarga mansub, sug‘ oriladigan yerlarda, adirlarda o‘sadigan, qo‘y-mol yeydigan bir yillik yovvoyi chirmovuq o‘t” ma’nosida qo‘llangan. Yuqoridagi so‘zlardan ma’lum bo‘ladiki, *pechak* so‘zi forscha, o‘zbekcha so‘zlar bilan kelgan ot turkumiga oid o‘zbekcha *chirmovuq* ma’nosiga to‘g‘ ri keladi.

Lug‘atda fe‘l turkimiga oid *parridan* -“uchmoq” so‘zining hozirgi zamon shakli “*parr*” so‘zi sermahsul qo‘llangan. “*Par*” so‘zi *bod* va *shamol* so‘zlariga qo‘shilib kelgan. Aslida ham *bod* so‘zi o‘zbek tilidagi *yel* va *shamolga* to‘g‘ ri keladi, lekin *bodparrak* bu “shamolda aylanadigan parrak”, *shamolparrak*ni esa lug‘ atlarda *ventilator* deb berilgan. Aslida *bodparrak* va *shamolparrak* so‘zlari sinonim hisoblanadi.

Paridan- so‘ziga tegishli bo‘lgan *shabparrak* (shapalak), *ko‘rshabparrak* (ko‘rshapalak) so‘zlari ishtirok etgan. *Shabparrak* - “shaparak” kechasi uchadigan qushcha, *ko‘rshabparrak* -“ko‘rshapalak” esa “ko‘zi ko‘r, kechasi uchadigan qushcha” degan ma’noni anglatadi. Garchand so‘zda uchmoq fe‘li ishtirok etgan bo‘lsa-da, ot turkimiga oid qushcha ma’nosida qatnashgan.

Lug‘atda *chin-*, y’ani “ter-” felining hozirgi zamon shakli *chin* so‘ziga **-ak** affiksi qo‘shilib, *chinak* hosil bo‘lgan. Shuningdek, *mo‘ychinak* (667-b) *xazonchinak* (376-b) kabi so‘zlar *chindan* so‘zidan olingan. *Chin* so‘zi omonim so‘z bo‘lib, *Chin* - “Xitoy”, *chin-* “haqiqat” (o‘zbekcha), *chin-* termoq ma’nosida har ikki tilda ham qo‘llanadi. Ozroq narsani tersa *chinak* ma’nosida keladi. Lug‘ atda ikki qo‘shma so‘z, o‘zbekcha *xazonak qilmoq* (376-b.) hamda forscha *xazonchinak* (575-b) so‘zlari bir ma’noda qo‘llangan. *Xazonchinak*ni lug‘ atda “xazon teruvchi”, *xazonak qilmoq*ni

“kuzda yig‘ ishtirib olingan hosil qoldig‘ ini qidirib topib, terib olish” ma’nosida keltirilgan. Aslida *xazonakchinak* so‘zi ham mana shu ma’noda ishlatiladi. *Mo‘ychinak* - esa “kichkinagina soch, qosh tuklarini terish uchun ishlatiladigan qisqich” hisoblanadi. Yuqoridagi fe’l turkumiga tegishli forscha so‘zlarning barchasi o‘zbek tilida ot vazifasida keladi. Bundan boshqa kichiklik ma’nosini bildiruvchi quyidagi fe’l turkumiga doir forscha so‘zlar ham o‘zbek tilida qo‘llaniladi. Masalan: *koftan*-“kovlamoq, qazimoq” so‘zining hozirgi zamon shakli *kovdan* - *kovak* (419-bet), *xo‘rdan* -“yemoq, ichmoq” fe’lining hozirgi zamon negizi *xo‘r*- o‘zagiga boshqa so‘z qo‘shish yordamida *mazaxo‘rak*, *moyxo‘rak*, *loyxo‘rak*, *no‘xatxo‘rak*, *oshxo‘rak* kabi so‘zlar hosil qilingan.

Gazidan - “tishlamoq, chaqmoq” fe’lining hozirgi zamon shakliga kichiklik ma’nosidagi -ak qo‘shimchasi qo‘shilganda *gazak*, ya’ni “sharob ichuvchilarning gazagi (tishlagichcha), ruschada - *zakuska*”, yoki “inson organizmidagi yaraning gazak olishi (shamollashi)” ma’nolarida, *xafagazak* - “yallig‘ lanish, gazak olish (yaraning gazak otishi)” tarzida keladi.

Bundan tashqari -ak qo‘shimchasini olgan yuzdan ortiq ot turkumiga oid so‘zlar mavjud. Bulardan ham -**ak** qo‘shimchasi quyidagicha berilgan. Forscha *bulbulak*, *varrak*, *vahmak* (460-b), *katak*, *kashak*, *kurtak*, *laxtak*, *maymunchak*, *mardumak* kabi juda ko‘p so‘zlar qo‘llangan. Bu qo‘shimchalarning barchasi o‘zbekcha -**cha**, ya’ni kichiklik, pakanalik ma’nolarini anglatuvchi qo‘shimcha bilan sinonim qo‘shimcha sifatida kelganligini ayrim ot turkumiga doir -ak qo‘shimchasini olgan so‘z bir, ikki yoki undan ham ko‘proq ma’nolarni bildirishi mumkin. Masalan: *xar+ak=xarak* so‘zi “eshakcha” degan ma’noni anglatishi bilan birga “taglik poya ya’ni dutor, tanbur kabi cholg‘ u asboblarning ipi yoki simlarini ko‘tarib turish uchun ishlatiladigan tirkak, eshakcha” ma’nosida qo‘llanadi.

Biz yana sinonim ma’noda qo‘llaniladigan *tuxmak* so‘zini ma’nosiga to‘xtalsak, bu so‘z “nasl, avlod, urug‘, urug‘ don yoki eng kichik tuxumcha” ma’nosida qo‘llanilishi mumkin.

Yana -ak qo‘shimchasi orqali bog‘langan so‘zlarning aksariyati meva, sabzavot va asosan o‘simliklarning nomini bildiruvchi so‘zlardir. Masalan: *maymunchak* so‘ziga o‘zbek tili izohli lug‘atida quyidagicha ta’rif berilgan. *Xo‘jag‘at* (maymunjon) “tanasi tikanak bilan qoplangan, yerda cho‘zilib o‘sadigan nordon, qoramtir-qizil, g‘uch mevali ko‘p yillik o‘simlik”dir.

Ot turkumiga tegishli forscha so‘zlarni bir necha guruhga bo‘lib o‘rganish mumkin:

a) Insonlarning kichiklik sifatiga egaligi ma’nosini ifodalovchi so‘zlar. Bunday so‘zlarda insonlarning kichiklik, pakanalik, pastlik, maydalik belgisini bildiruvchi -**ak** qo‘shimchasi bilan yasalgan quyidagi so‘zlar: *javak* (67-bet) - “isirg‘aning quyi qismi”; *jamalak* so‘zi esa 1) qiz bolaning hali uncha o‘smagan, yoyilib ketmaslik uchun paxta-pilik qo‘shib o‘rilgan sochlari; 2) Soxta kokil ma’nosida. Shuningdek, *jevak* (79-b.) “xotin-qizlarning bo‘yniga taqadigan ziynat buyumi” ma’nosida; *kanizak* - “yosh cho‘ri, yosh oqsoch”. Bunday so‘zlar anchagina uchraydi.

b) Daraxtlarning hajm belgisi bildiruvchi so‘zlar: *kundak* (430-b), *kurtak* (436-b), *kamxastak* (312-b), *kaltak* (299-b), *tirmizak* (46-b) va boshqalar.

Lug‘ atda sifat turkumiga doir **-ak** affiksli forscha so‘zlar ishlatilgan. Bunday so‘zlar ham turli ma’nolarda qo‘llanganligini ko‘ramiz. O‘zbekcha so‘zlarda otdan kichraytirish va o‘xshatish ma’nosini ifodalovchi, otlardan o‘xshatish, holat bildiruvchi sifatlar yasaydi: *murg‘ ak, qirmizak* kabi. Lekin forscha so‘zlarda sifatga doir so‘zlardan ham sifat turkumiga oid ma’nolarni ifodalovchi sifatlar yasaydi. Masalan: *sho‘rak - sho‘rtak, tursh - turshak, puch - puchak, shirin - shirinak, xom - xomak, past - pastak* va boshqalar. Chunonchi, *turshak* haqida o‘zbek tilining izohli lug‘ atida “danagi bilan quritilgan o‘rik” ma’nosida keltirilgan, lekin fors tilida ma’no jihatdan bir oz farq qiladi, chunki danagi bilan quritilgan o‘rikni “**qoq**” yoki “**o‘rik qoq**” deb aytiladi. *Tursh* so‘zi nordon, achqimtir bo‘lganligi uchun hali pishishiga biroz vaqtdan oldin yerga tushgan, chala pishgan o‘rikka *turshak* deb ataladi. *Xomak* so‘zi esa hali pishmagan *qovunga* nisbatan ishlatiladi, o‘zbek tilida *sapcha* ham deyiladi. Shunday qilib hozirgi o‘zbek lug‘ atlarida va so‘zlashuv nutqida o‘zbekcha - ak qo‘shimchasi bilan yasalgan so‘z bilan bir qatorda forscha so‘zlar bilan kelgan -ak qo‘shimchalari ham qo‘llangan. Biz bu ishda -ak yordamida yasalgan so‘zlarning ma’nolariga e’ribor berganimizda, har ikki tilda qo‘llangan so‘zlar ma’no jihatdan ko‘p farq qilmaganini ko‘ramiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Древнетюркский словарь. –Л.: Наука, 1969.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд, 2006; 2-жилд, 2007; 3-жилд, 2007; 4-жилд, 2008; 5-жилд, 2008.
3. Фарҳанги забони тоҷики. I. –М.: Советская энциклопедия, 1969. –С.540.
4. Фарҳанги забони тоҷики. II. . –М.: Советская энциклопедия,1969. –С. 774.
5. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili.1-jild. –Т.: Mumtoz so‘z, 2010.

THE POWER OF ARTISTIC THINKING

*Turova Parizod Shavkat qizi,
teacher of JDPI*

The period from the second half of the twentieth century to the end of the century was a period of intense Soviet government policy and world domination. During this time, the government carried out a series of political repressions to strengthen its position and influence in order to keep the people inside the country in fear and confusion. He pursued a policy of exterminating the intelligentsia of the people on various charges. Attempts have been made to reform the literature in order to propagate such policies and inculcate the ideals of the political system in the minds of the people. Proponents of the new political system have repressed the literature of peoples with thousands of years of literary tradition, their noble ideals as "obsolete" and those who refer to such literary works as "counter-revolutionary elements." . Samples of our classic literature have been presented to readers with various abbreviations and misinterpretations. It is forbidden to address historical issues, to

talk about the heritage of the past. Of the works left by our ancestors, only those that fit the policy of the new regime were sought. There is also research to prove that such places exist by force. It is well known that this policy was repeated several times in the 1930s and in the 50s after World War II.

Sharof Rashidov, one of the great figures of Uzbek literature of the 20th century, also lived and worked during this period. It is important to observe the processes of artistic thinking in the works of Sharof Rashidov, to draw conclusions about his views as an ordinary representative of the Uzbek people, both creative and for a long time the first leader of the republic. After all, many of his works as a publicist, prose writer and poet were created as an attitude to the processes taking place and as an expression of their underlying dreams.

A large part of Sharof Rashidov's work consists of literary and journalistic articles. Speaking about Sharof Rashidov's journalism, O. Nosirov, a literary scholar, acknowledged that they undoubtedly reflected the spirit of the time: "First of all, he was a child of the time. The period shaped and perfected his worldview. Party discipline and political responsibility could not be absorbed into the core of journalism." Munaqqid continued: "At the same time, each article clearly calls for new victories, inspires, encourages goodness, passionate partisanship and internationalism, theoretical and practical interpretation, and artistic influence. It should be noted that no matter what topic Sharof Rashidov addresses, of course, he compares the past with the present, and is optimistic about the future. And again, every event, that is, when thinking about a problem, seeks to theoretically substantiate its point of view, relying on the experience of science "[2; 107-109].

As O. Nosirov rightly points out, many of these aspects can be found in Sharof Rashidov's journalism. In particular, a number of his articles contain comments on the political professions of the period. In his article, *The Fiery Singer of the Revolution*, he describes Hamza's work as a tireless advocate of Soviet political ideals: "Hamza's name is our true pride today. His inspiring work deserves a place in the spiritual treasures of multinational Soviet literature ...

It is perhaps a strange coincidence that Hamza's first poems appeared in the press in 1905, at a time when the revolutionary movement in Russia was in full swing. But it is no coincidence that he followed the interests of his people, democracy, freedom and humanism, social justice and national development, and came to the revolution, to Lenin, to the Communist Party, and chose this path firmly.

It was natural and legitimate for anyone who thought about the destiny of the people, their freedom and happiness, and acted in this way.

It is these noble ideals that define Hamza's attitude to the great Russian people, his advanced revolutionary culture, and form the deep internationalism in him " [4; 272].

Post-independence research has shown that Hamza's work was not entirely devoted to Soviet politics, and that many passages in his work were later edited for political purposes [1; 132]. Of course, it does not make sense for a researcher who is talking about Hamza's work to be unaware of his personality and works and to evaluate them from the outside. Of course, Sharof Rashidov expressed his views on

Hamza's fate, beliefs, and the original sources of his works, which are now widely known. In turn, he defended artists like Hamza in this way, feeling responsible for what he said. The careful preservation of the artists from the difficult obstacles of the time has been rebuked by some far-sighted "critics" who have misunderstood such efforts to preserve them [3; 36].

In his article "The Powerful Sources of Socialist Realism," he writes, "Socialist realism is gaining popularity today as an advanced method of literature and art, and is attracting new artists on all continents. In modern times, he has become a true standard-bearer of noble humanitarian ideas. Artists of socialist realism constitute the best, most progressive forces of national cultures, and in their works appear to be true internationalists, advocates of peace and friendship among peoples. In the countries of socialism, they act as chroniclers of the conscience of the rights, the pages of its labor and struggle" [4; 34-35] His works are full of feelings of boundless love for our beautiful Motherland. The reality of a prosperous Uzbekistan, the creative work of workers, peasants and intellectuals - these are the core of the poet's work" [3; 36]. In this way, he encouraged other artists to sing Uzbekistan, like Hamid Olimjon.

The article "Fiction Journalism" highlights the importance of fiction in the Soviet era: Journalistic genres, the pathos of journalism, have had a strong artistic place in the works of all prominent Uzbek writers since the early years of the revolution. We can see the vividly expressed journalistic tendencies in their works in the field of poetry, prose, drama. We see that these works have an inner journalistic pathos. In this regard, the works of such writers as Hamza Hakimzoda Niyazi, Gafur Gulam, Oybek, Hamid Olimjon, Shaykhzoda stand out. " At the same time, it is noteworthy that the article is dominated by more patriotic ideas in the analyzed works of the artists. In this sense, Sharof Rashidov followed in the footsteps of the above-mentioned artists. Poems and epics of young writers such as Halima Khudoiberdiyeva, Gulchehra Juraeva, Etibor Ahunova ... are highly valued" [4; 34-35].

Sharof Rashidov's attitude to national literary and aesthetic ideals, his views on their preservation and polishing are remarkably expressed in his answers to the questions of the correspondent of the magazine "Drujba Narodov". For example, the correspondent said, "Sharof Rashidovich, you said in your answers that the most important condition for raising the content of internationalism is the creation of national characters in literature. What do you think about the relationship between nationalism and internationalism in art? " " Sometimes when we say 'nationalism' and 'internationalism' we seem to contrast the same things. In fact, they are inseparable. No sense in telling you now - I don't wanna ruin the surprise. If it weren't for the nations. There was no desire for international unity, no national identity in the literature of the fraternal peoples, and no talk of interactions" [4, 340].

If we look at the background of the answer, it is clear that the emphasis is on the expression of national ideals based on the creation of a national character. In this way, Sharof Rashidov showed his commitment to the ideals of his people. At the same time, each artist proves with a series of examples that he is an expression of the ideals of the people to which he belongs [4; 341].

In short, Sharof Rashidov's journalistic works, although in connection with his political demands, express ideas on issues such as the creation of literary ideals of the period, how to see the literary ideal, but they are not fully understood. It is not intended to serve the urban system.

Sharof Rashidov was well aware of the literary and aesthetic ideals sung in the works of Hamza and other representatives of Jadid and Enlightenment literature. He studied their worldview and activities in depth. At the same time, in order to preserve their works in their journalistic articles, they took the path of evaluating them from the point of view of the period.

REFERENCES:

1. Амонов Ш.Н. Ҳамза шеърятининг манбалари, матний тадқиқи. Филол. фан. номз. Дисс. –Т., 2010.
2. Носиров Ў. Шароф Рашидов – давр фарзанди. –Тошкент: Фан, 1992.
Рашидов А. Акам ҳақида. –Т.: Фан, 1992.
3. Рашидов Шароф. Асарлар. Тўртинчи жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1982.

AZƏRBAYCAN ƏDƏBİYYATINDA LİRİK POEMA JANRININ İNKİŞAF XÜSUSİYYƏTLƏRİ (NƏBİ XƏZRİ YARADICILIĞI ƏSASINDA)

**İsmayılı Aytac Fizuli qızı
AMEA Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat
İnstitutunun dissertantı**

Poema janrı Azərbaycan ədəbiyyatı tarixində aparıcı janrlardan biridir. Bu janr universal, sənətkarlıq komponentlərini özününküləşdirə bilən, lirik, epik, dramatik növün xüsusiyyətlərini özündə cəmləşdirən formadır. Strukturu, süjet və kompozisiyası etibarlı ilə poema janrı bir sıra özünəməxsus xüsusiyyətlərə malikdir. Azərbaycan poeziyasında 50-ci illərdən etibarən lirik poema öz funksionallığını artırır, janrda yeniləşmə, zənginləşmə prosesi gedir. Yazılan lirik poemalarda insanın mənəvi-əxlaqi dünyası, həyatın dərkə və onun təhlili psixoloji səciyyə daşıyır. Azərbaycan lirik poemalarında psixologizm, insanın hiss və duyğularının tərənnümü aparıcı meyl kimi güclüdür. Bu mətnlərdə ümumi təsvirlərdən daha çox fərdin spesifik keyfiyyətlərinə, onun daxili və özünəməxsus dünyasının açılmasına xidmət edən elementlər üstünlük təşkil edir. “Müasir poemalarımızda lirikləşmə, gerçəkliyin dərkində lirik qəhrəmanın aparıcı mövqeyi, həyata yazıçı müdaxiləsinin güclənməsi, lirik-psixoloji təhlilin üstünlüyü və assosiativ düşüncə tərzini daha qabarıqdır. Fərdə marağın artması, vahiddə ümuminin əlamətlərini tapmaq və ümumiləşdirmək meyilləri lirik “mən”i ön xəttə keçirir və onun həyat haqqında düşüncələrinin müəyyən bir axarda irəliləyişi konkret əsərin formasına, poetik strukturuna yeni don verir” [1:159].

Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında lirik poemanın imkanları, xüsusiyyətləri, yaradıcılıq problemləri, strukturu, inkişaf meyilləri haqqında müxtəlif araşdırmalar aparılmışdır. Məmməd Cəfər Cəfərov, Mir Cəlal Paşayev, Şamil Salmanov, Qasım

Qasımzadə, Yaşar Qarayev, Arif Abdullazadə, Məmməd Arif Dadaşzadə, Şirindil Alışanov, Rafiq Yusifoğlu kimi Azərbaycan ədəbiyyatşünasları poema janrı, onun ideya-bədii keyfiyyətləri, sənətkarlıq xüsusiyyətləri haqqında tədqiqatlar aparmışlar. 1977-ci ildə “Poema: Axtarışlar, Perspektivlər” mövzusunda poema janrı, onun mövzusu, bədii formaları haqqında yaradıcılıq müzakirəsi keçirilmişdir. Müzakirə iştirak edən Yaşar Qarayev isə lirizmlə epizmin vəhdətindən bəhs edərkən demişdir: “Lirik poema - lirikada əriyən və yox olan poema demək deyildir, əksinə lirika poemaya poemanın epik təbiətini qüvvətləndirmək və ona xidmət etmək üçün lazımdır” [3: 96]. Lirizmin üstünlüyü, epizmin, geniş həyat lövhələrinin arxa plana keçməsi təbii hal kimi qəbul edilməlidir. Dövr, zaman, ictimai-siyasi hadisələr poemaya da öz təsirini göstərir. Nəticədə janrın mövzu dairəsi genişlənir, yeni mövzulara müraciət edilir, bədii formada da dəyişikliklər müşahidə olunur.

Azərbaycan ədəbiyyatında Səməd Vurğun ənənələrinin istedadlı davamçısı olan Nəbi Xəzri yaradıcılığı XX əsr Azərbaycan poeziyasında özünəməxsusluğu, fərdi, üslubi sənətkarlıq keyfiyyətləri, qələmə aldığı mövzuları ilə mühüm yer tutur. Milliliklə bəşəriliyin üzvi şəkildə vəhdəti, lirik qəhrəmanın daxili aləmi, təbiətlə insanın əlaqəsi, fikir və duyğuların orijinal ifadə olunması şair poeziyasının əsas əlamətləridir.

Nəbi Xəzri mövzu və problematikası etibarlı ilə bir-birindən fərqlənən, lirik qəhrəmanın hiss və həyacanlarını ön plana çəkən “Sumqayıt səhifələri” (1960), “Günəşin bacısı” (1964), “İki xəzər” (1967), “Ana” (1969), “Şəhidlər və şahidlər” (1975), “Bacı” (1977), “İnam” (1981), “Ömür yoldaşı” (1985), “Salatın” (1991), “Peyğəmbər” (1992) və “Təmiz ürək” (1945-1955), “Kiçik təpə” (1955-1957) başqa poemaların müəllifidir. İnsan və zaman, müasirlik və bəşərlik, qlobal mövzulara müraciət, qəhrəmanın mənəvi-psixoloji aləmini açmaq, ideya dərinliyi şairin poemalarını birləşdirən cəhətlərdir.

Nəbi Xəzri yaradıcılığının, ideya-bədii axtarışlarının, mənə və mündəricəsinin mühüm bir qolunu lirik poemalar təşkil edir. Şairin “Ana”, “Bacı”, “Ömür yoldaşı”, “Kitablar və əzablar”, “İnsan oğlu” poemaları lirik səpkilidir. “Ana”, “Bacı” və “Ömür yoldaşı” lirik poemaları “əbədiyyət poemaları” başlığı altında verilir, trilogiya təşkil edir. Ədəbiyyatda ana mövzusu əbədidir, bu haqda yazılan əsərlər çoxluq təşkil edir. Bu mövzuya həsr olunan əsərlərdə anaya olan sevgi, onun müqəddəsliyi, böyüklüyü tərənnüm olunur. Nəbi Xəzri də bu mövzuya müraciət etmiş, “Ana” poemasını qələmə almışdır. Şair hiss və düşüncələrini, sevincini, kədərini, sevgisini özünəməxsus bir dillə ifadə edir. Sonsuz ana məhəbbətinə, zəhmətinə, qayğıkeşliyinə həsr olunan bu poemanı şair uzunmüddətli həyat müşahidəsi nəticəsində yazmışdır. Ana məhəbbəti ilə qəlbi rıqqətə gələn şair novatorluğu, hadisələrə yanaşma tərzi, canlı və obrazlı dili ilə oxucularının qəlbinə yol tapa bilir. Poemanı oxuyarkən şair qəlbinin narahatlığı hiss olunur. Ana obrazında, ana-xalq, ana-vətən vəhdəti obrazı nəzərə çarpır. O, böyük hünər olan analığı, bu adın ucalığını, əzəmətini hər şeydən üstün tutur, poetik cəhətdən yüksəyə qaldırır.

Nəbi Xəzrinin adlandırdığı ana obrazı təhsil almamışdır, zəhmət adamıdır. İllərin qaranlıqlarında bir evin dayağı olan bu qadın qabarlı, qayğılı əlləri ilə övladlarının gələcəyi üçün çalışır, onları qarşılaşa biləcəyi dərd-bələdan qoruyur.

Təhsil sahəsində övladlarının müəllimi ola bilməsə də, həyat dərində onların ilk müəllimi olur. Xalça toxuyaraq uşaqları üçün əlindən gələni edir, bu yolda gözlərinin nurunu itirir, dünya işığına həsrət qalır. Ana qocalır, xəstələnir yatağa düşür. Şair anaların ölümsüzlüyünü belə ifadə edir:

“Övladlar ayrıldı
öz anasından
Yetimlik üz verdi
şerə, sənətə:

Adlayıb

ölməzlik astanasından

Bir ana qovuşdu əbədiyyətə!” [2: 222].

Lirik-psixoloji üslubda yazılmış “Bacı” poemasının mövzusu Azərbaycan qadının dözümlünə, müharibədən sonrakı yaşantılarına həsr olunub. Şair bu poemanı bacısı Şirinin təmsalında gözü yolda qalan bütün ana-bacılarımıza ithaf edir. “Poemalarında N.Xəzri adətən bir insanın taleyindən, mənəvi hünərindən söhbət açır... Bu ona görə belə olur ki, bir insanın taleyi vasitəsilə N.Xəzri bütöv bir dövr, epoxa, bu dövrün insanların məhrumiyyət və sevincləri haqqında danışmağı bacarır” [4: 105-106]. O, Şirinin itkisi, həsrəti fonunda müharibə dövrü insanların əzablarını, acılarını əks etdirir. Poemada müharibənin dəhşətli səhnələri təsvir olunmur, arxa cəbhədəki insanların mənəvi aləmi açılır, hiss və duyğuları ifadə edilir. İki gəncin toyu ilə şadlığa bürünmüş Xırdalan kəndi səhəri gün müharibənin dəhşətli xəbəri ilə ürəkləri kədərə qərq edir, insanlar öz taleyini unudub yalnız vətənin taleyini düşünürlər.

Poemanın süjetində dərin hissi-mənəvi sarsıntılar keçirən Şirinin sədaqətindən, dözümlündən, ümidlə gözləməsindən bəhs olunur. Şirin yüzlərlə Azərbaycan gəlini kimi müharibədə həyatını itirən yoldaşının ölümünü qəbul edə bilmir, böyük ümidlərlə onun yolunu gözləyir, bir gün gələcəyi xəyalı ilə yaşayır. Şair yaşamağı əbədi bir gözləmək hesab edən vəfalı qadının hisslərinin ülviliyinə, ucalığına, əbədiliyinə inanır:

“Mənim igid bacım,
Qəhrəman bacım.
Gözləmək
Özü də
Qəhrəmanlıqdır!” [2: 234].

Haqqında danışdığımız poemalar avtobioqrafik səciyyəə daşısa da, şair öz taleyini, qayğılarını həyat hadisələri ilə ümumiləşdirir.

Fikir dünyasının zəngin xəzinəsi, ictimai mühit və zamandan irəli gələn hadisələr şairin düzgün mövzu seçiminə şərait yaratmış və seçdiyi mövzuların öhdəsindən uğurla gəlmişdir. Son olaraq deyə bilərik ki, poema janrının incəliklərinə yaxından bələd olan Nəbi Xəzri poemaları üslubu, sənətkarlıq xüsusiyyətləri, sadə və səmimi dili ilə bir-birinə bənzəsə də, mövzusu, forması, ideyası etibarlı ilə bir-birindən fərqlənir. Mövzusu, məzmunu, poetik imkanları, lirik-romantik üslubu, həyata, dünyaya müdrik münasibəti ilə seçilən şairin poemaları tək Azərbaycan ədəbi mühitində tanınmaqla qalmamış, vətən sərhədlərini də aşmışdır.

ƏDƏBIYYAT SIYAHISI:

1. Alişanlı Ş.H. Ədəbi-bədii düşüncələrin sərhədləri. –Bakı: Sabah, 2010, –360 s.
2. Babayev N.Ə. Seçilmiş əsərləri. İki cild. II cild. –Bakı: Lider nəşriyyat, 2004. –264 s.
3. Qarayev Y.V. Seçilmiş əsərləri (5 cild). II cild. –Bakı: “Elm”, 2015. –632 s.
4. Salmanov Ş.M. Poeziya və tənqid. - Bakı: Yazıçı, 1987. –208 s.

**TURLI TILLARDAGI FRAZEOLOGIK BIRIKMALARNI O‘ZBEK TILIGA
TARJIMA QILISH XUSUSIDA**

*Ubaydullayev Xurshid Shavkatovich,
Farg‘ona davlat universiteti o‘qituvchi*

XX asrga qadar “tarjima” so‘zi faqat tarixiy, falsafiy, adabiy va badiiy asarlar o‘girmasiga nisbatan qo‘llanib kelingan. Og‘zaki tarjimonga nisbatan esa turkiy xalqlarda “tilmoch”, nemis tilida “dolmetchen”, ingliz va fransuz tillarida “interpret” atamaları qo‘llanilgan. Tarjima nazariyasi haqida bildirilgan fikrlar ham shu tariqa umumiy ma‘no kasb eta boshlagan. Zamonlar osha tarjimaga bo‘lgan talablar ortib bormoqda. Lekin uning ijodiy xarakteri, qayta yaratish san‘ati ekanligi o‘zgarmaydi.

50-yillarda taniqli tarjimon Ivan Kashkin va tilshunos A.A.Reformatskiyning tarjima nazariyasi xususidagi maqolalari e‘lon qilingandan so‘ng bu sohada bahs-munozaralar boshlanib ketdi. Professor A.A.Reformatskiy “tarjima amaliyoti barcha fanlar uchun xizmat qilsa-da, tarjima nazariyasi mustaqil fan bo‘la olmaydi, balki tilshunoslikning bir bo‘limigina bo‘lishi mumkin”, degan g‘oyani ilgari surgan edi [1].

Dunyo bo‘ylab madaniyatlararo aloqalarning rivojlanishi natijasida vujudga kelgan integratsiya jarayonlari tezlashmoqda. Har qanday tilning lug‘at tarkibi jamiyatning madaniy-iqtisodiy hamda siyosiy hayotidagi muhim o‘zgarishlarni o‘zida aks ettiradi. Til va madaniyatning o‘zaro ta‘sirini o‘rganish alohida dolzarblikka ega.

Erkin birikmalarni tarjima qilish muammo tug‘dirmaydi. Agar erkin birikmalardagi so‘zlardan biri ko‘chma ma‘noda qo‘llansa, uni tarjimada berish qiyinlashadi. Ingliz tilida iboralarning bir nechta turi mavjud bo‘lib, ularning har-birini tarjima qilishda alohida yondashuv talab etiladi. Birinchi turdagi so‘z birikmasi *sifat+ ot* turi. Ularning semantik strukturasi bir-biridan katta farq qiladi.

Bu birikmada qo‘llanilgan otning xususiyatini va sifatini belgilaydi. Ingliz tilidagi *free educational institution* birikmasidagi *free* so‘zi *institution* so‘zi bilan semantic jihatdan bog‘lanmagan, balki ushbu birikmaning tarkibiy qismi bo‘lgan *educational* so‘zining xususiyatini belgilaydi. Demak, tarjimada erkin birikmalarni tashkil etgan sifatlar otning xususiyatlari va sifatidan tashqari u bilan bog‘liq tushunchalarni ham ifodalashi mumkin. Buni ingliz tilidagi *a medical man* va *a stout person* misollarida ham ko‘rishimiz mumkin. Ingliz tilidagi *a stout person* [2] o‘zbek tiliga *to‘ladan kelgan* yoki *semiz odam* deb tarjima qilinadi. Ingliz tilidagi *a medical man* birikmasini o‘zbek tiliga tarjimasi so‘zma-so‘z to‘g‘ri kelmaydi. Bu yerda ikki so‘z bitta ma‘noni ifodalaydi va *shifokor* deb tarjima qilinadi. O‘zbek tilida ham

bunday bitta ma'noni ifodalovchi birikmalarni ko'plab uchratishimiz mumkin. Masalan: *tog' qo'yi, malla sochli, devor soati* va hokazo. Bir otni bir necha sifat aniqlab kelishi mumkin bo'lgan hollar ham uchraydi. Bunda aniqlanmish bo'lib ot kelishi mumkin. Masalan, *temir xotin, ichkari uy kaliti* kabilar.

Ayrim hollarda ingliz tilidagi frazeologik birliklarning bir qismi tasviriy ifoda bilan, ya'ni bir necha so'z yordamida tarjima qilinishi mumkin: *In England e.g. it is even available in drugstores on the bargain counter. A bargain counter* - narxi tushurilgan mollar do'koni - *In England z.B. ist es sogar in Drogerien auf dem Sonderangebotstisch zu bekommen* [3].

Frazeologik birliklarni tarjima qilish erkin birimalarni tarjima qilishdan farq qilib, ularning o'z va ko'chma yoki obrazli turlarini farqlab olish kerak. O'z ma'nosida qo'llangan birliklarni tarjima qilish tarjima normalari prinsiplariga asoslanadi. Eng muhim prinsiplardan biri - tarjima til normalarini unutmaslik kerak. Ko'chma yoki obrazli turg'un birikmalar tarjimasi alohida e'tiborni talab etadi. Bunday iboralarning asosiy xususiyati ularning komponentlari yig'indisidan anglab olish qiyinligi bilan xarakterlanadi. Turg'un birikmalar ma'nosi alohida olingan so'zlardan emas, balki ularning yig'indisidan kelib chiqadi. Obrazga asoslangan turg'un birikmalar matni ifodali hamda stilistik jihatdan bo'yoqdor bo'lishini ta'minlaydi. Tarjimon tarjimada autentiv matnning o'z bo'yoqdorlik aksini topishi uchun tasviriy ifoda vositalarini imkon qadar to'liq saqlab, matnning ifodali va bo'yoqdorligini ta'minlash maqsadida tarjima matnida ham adekvat va obrazli turg'un birikmalarining ekvivalentini topishi darkor.

Frazeologik birliklarni obrazli asosda tarjima qilayotganda, ularni ifoda qilishda aniq namunalar, qoidalar mavjudki, buning 4 xil yo'lini ko'rsatish mumkin:

1. Umumiy obrazlilikni saqlash;
2. Obrazlilikni qisman o'zgartirish;
3. Obrazlilikni umuman o'zgartirish;
4. Obrazlilikdan voz kechish [4, 163].

Odatda universal yoki internatsional obrazlar tarjimada to'liq saqlanadi. Bunday frazeologik birikmalar tarixiy, afsonaviy, diniy, mistik, mifologik va shu kabilarga asoslangan bo'ladi. Masalan, *in the seventh heaven - (wie) im siebenten Himmel sein* [5, 86] - *быть на седьмом небе (от счастья) - yettinchi osmonda*. Bunday frazeologik birikmalar asliyatning tarjima tilidagi ekvivalentlari deb ataladi. Tarjimada to'liq ekvivalentga ega frazeologik birikmalar deyarli hech qanday muammo tug'dirmaydi, chunki ular stilistik hamda pragmatik jihatlardan bir xil qiymatga, ma'noga, ifoda usuli va ta'sir kuchiga ega.

Ba'zan xorijiy tildagi obrazli frazeologik birlikni o'zbek tilidagi muqobili bo'lmasa ham saqlab qolish imkoniyati mavjud. Bunga kalkalash yo'li bilan erishish mumkin. Masalan, *nothing comes out of the sack but what was in it* - *из мешка ничего не выходит, кроме того, что было в нем - qorqda nima bo'lsa, shu chiqadi yoki qozonda bori cho'michga chiqadi* kabi. Bu usul obrazli frazeologik birlikning ma'nosi shaffof bo'lgan taqdirda, ya'ni uni barchaga oson tushunish mumkin bo'lgan holdagina qo'llaniladi. Frazeologik birikmalar tarkibidagi so'zlar ko'chma ma'noda qo'llanilgan bo'lsa-da, uni tarjima qilishda kalkalashdan

foydalanish matni, matndagi ma'lumotni hamda matndagi g'oyani tushunishni yengillashtiradi, tarjima muqobilligini ta'minlaydi. Kalkalash aksariyat hollarda obrazli frazeologik birikmalarni oddiy frazeologik, ya'ni erkin birikmalarga aylantiradi. Bu usuldan qanchalik to'g'ri foydalanilganlik tarjima sifati ko'rsatadi. Aksincha, frazeologik birikma tarkibida qo'llangan so'z ma'nolari shaffof bo'lmasa, kalkalash usulidan foydalanish matnda qo'llangan ko'chma ma'noli so'zlarni qisman, ba'zan esa to'liq mos kelmaslikka olib keladi.

Masalan, ingliz tilidagi *to send somebody to Coventry* - бойкотировать кого-либо; прекратить общение с кем-либо; игнорировать кого-либо (значение выражения предположительно восходит к книге Кларендона (E. H. Clarendon) turg'un frazeologik birligini tushunish uchun undagi so'zlar ma'nosi yoki ma'nolar yig'indisi yetarli bo'lmaydi, chunki bu frazeologik birlik *yubormoq* yoki *Koventri* so'zining ma'nosiga bog'liq emas. Bu iboraning tarjimasini *baykot qilmoq* fe'liga to'g'ri keladi.

Ko'pincha chet tili va tarjima tillarida bir xil fikr ifodalanadi, biroq ular obrazlari bilan bir-biridan farq qiladi. Ularning har ikkisi bir xil ko'chma ma'noga ega bo'lib, bunday obrazlar o'rtasida mavjud ozgina farq hisobga olinmasligi mumkin. Bunda tarjima qilinayotgan frazeologik birlikdagi obraz tarjimada qisman o'zgarishga uchraydi.

Shunday bo'lsa-da tarjima adekvat hisoblanadi: *a fine suit does not make a gentleman* - *Ein feiner Anzug macht keinen Gentleman* - kiyim odamni bezamaydi, *a burnt child dreads the fire* - *Пуганная ворона куста боится* - *sutdan og'zi kuynan qatiqni ham puflab ichadi*. Mazkur misolda ingliz, rus va o'zbek frazeologik birikmalari o'rtasida muqobillik yo'qdek ko'rinadi. Chunki birlikning birorta so'zi bir-biriga to'g'ri kelmaydi, biroq frazeologik birlikda ifodalangan obraz deyarli bir xil - *olovdan va qaynoq narsadan qo'rqish* ma'nosi berilib, turg'un birlikda berilgan ma'no umumlashtirilgan.

Xulosa qilib aytish mumkinki, hozirgi zamon tilshunosligida frazeologik birikmalar yozuvchilarning asarlarida va notiqning nutqida stilistik vosita sifatida juda keng foydalanilmoqda. Chunki u fikrni aniq, to'liq, obrazli ifodalab, nutqqa ifodalilik, emotsionallik va ko'tarinki ruhda bayon qilish uchun xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Tarjima nazariyasi va tanqidi muammolari (davra suhbat) (2014), «O'zbekiston adabiyoti va san'ati» gazetasi, 2014 yil 10-son, <https://www.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/suhbatlar/tarjima-nazariyasi-va-tanqidi-muammolari-davra-suhbati>
2. https://www.google.de/search?ei=EIKvX8TIHd2PwPAPiLi8A0&q=a+stout+person+&oq=a+stout+person+&gs_lcp=CgZwc3ktYWIQAzIGCAAQFhAeMgYIABAWEb4yBggAEBYQHjIGCAAQFhAeMgYIABAWEb4yBggAEBYQHjIGCAAQFhAeMgYIABAWEb4yBggAEBYQHjIGCAAQFhAeOgcIABBHELADUMCJA1jAiQJg_I4CaAFwAngAgAGZAYgBmQGSaQMwLjGYAQCgAQKgAQGqAQdnd3Mtd2l6yAEIwAEB&sclient=psy-ab&ved=0ahUKEwjEkIDTvIHtAhXdBxAIHQgcAt4Q4dUDCA0&uact=5

3. <https://context.reverso.net/%C3%BCbersetzung/englisch-deutsch/bargain+counter>
4. Tarjima nazariyasi: Oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma I.G'ofurov, O.Mo'minov, N.Qambarov. - Toshkent: Tafakkur-Bo'stoni, 2012.
5. Langenscheidt, 1000 deutsche Redensarten, Dr. Heinz Griesbach, Dr. Dora Schulz, Langenscheidt, Berlin und München, 1981.
6. Temeswarer Beiträge zur Germanistik, Roxana Nubert, Mirton Verlag, Temeswar 2014.

INGLIZ TILI IDIOMALARIDA “OT” OBRAZI TAHLILI

*Ochilova Nilufar O'lmasovna,
BuxDU o'qituvchisi*

Tarixdan bizga ma'lumki, ot inson uchun muhim ahamiyatga ega bo'lgan jonzotlardandir. Bu jonivorlar azaldan transport, oziq-ovqat, ishchi kuch sifatida ishlatilgani sir emas. Otning o'rnini shunchalik ahamiyatli bo'lganki, u hatto Yunon mifologiyasida va Bibliyada ham o'z o'rnini topa olgan maxluqotdir. Bugungi kunda har bir tilda xususan, ingliz idiomalarida otning nisbatan ko'proq uchrashi hayratlanarli hol emas, albatta. Avvalo, idiomalardagi ot obrazini tahlil qilishda idioma tarixiga nazar tashlasak.

Barchamizga ma'lumki, idioma frazeologiyaning bir bo'lagi hisoblanadi. Frazeologiya termini esa 16 - asr o'rtalarida ishlatila boshlangan. Xususan, ingliz frazeologiyasi termini 17 - asr boshlarida qo'llanila boshlandi. Biroq, frazeologiya nisbatan yosh fan bo'lib, idiomalarni o'rganishda birinchi yutuq 20 -asrda, aniqrog'i 1980 - 90 - yillarda amalga oshirildi. Idioma - bu individual so'zlardan ajratib bo'lmaydigan o'z ma'nosiga ega bo'lgan so'zlar guruhi (masalan, yomg'irli mushuk va itlar, Troya oti kabi).

Idioma – bu so'zlarning ma'nosiga qarab, bir necha so'zlardan tarkib topgan o'z ma'nosini yo'qotib, ko'chma ma'no yasagan so'zlar guruhi hisoblanadi. Idiomaning eng muhim xususiyatlaridan biri o'zgartirib bo'lmas qolip, iboraning muqim va so'z birikmasi sifatida ishlatilishidir. Idiomaning ishlatilishiga qarab bir necha turlari mavjud. Masalan, Grammatik jihatdan ***be over the moon*** (fe'l+predlogli birikma) – ***juda xursand***, ma'no jihatdan (inson xarakterini ifodalashi) ***You're a pain in the neck*** – ***Sen injiq insonsan***, bitta fe'lning ishlatilishi jihatidan, ***Most politicians on the make*** – ***Siyosatchilarga ishonmayman***.

Idiomaning o'tmishiga nazar tashlasak, ular mifologik (Trojan horse- Troya oti), Bibliyaga oid ham (War horse - jangovor ot) bo'lishi mumkin. Ba'zilar hatto sportga oid atamalardan kelib chiqqan hisoblanadi (Back the wrong horse - saylovda, musobaqada nohaqlik).⁴Idiomalar odatda ko'chma ma'noda ishlatiladi, agar ularning ma'nosi to'g'ri talqin qilinmasa, idiomalarning ishlatilishida tushunmovchiliklar kelib chiqishi mumkin.

Ba'zi idiomalarni tushunish juda oson, hatto inson bu idioma haqidailgari hech ham eshitmagan bo'lsa ham, uning ma'nosidan nima maqsadda ishlatilayotganini

anglash qiyin emas. Masalan, *as strong as a horse* - *ot kabi kuchli* ma'nosi tushunarli va aniq nima demoqchiligini bilsa bo'ladigan iboradir.

Iboralar orqali otning ma'nosi va uning asosiy xususiyatlarini aniqlash va tahlil qilish mumkin. Turli madaniyatlar va turli davrlarning otlar va ulardan foydalanish borasida o'z qarashlari bor edi va otlarning ishlatilishi o'zgargani sari til ham shunga mos ravishda o'zgardi.

Bu tahlil ingliz tilida mavjud bo'lgan va ularning o'zbek tilidagi tarjimalari, muloqotda ishlatiladigan va lug'atlarda aks ettirilgan ot idiomalarining keng doirasini qamrab oladi.

Idiom	O'zbek tilidagi tarjimasi
back the wrong horse	Saylovdagi nohaqlik
a dark horse	Kutilmagan g'alaba
flog a dead horse	Bekorga harakat qilish, biror bir ishning muvaffaqiyatsiz ekanligini bilib ham turib, harakat qilishlik
a one-horse race	O'yin boshidan ma'lum bo'lgan g'olib
(don't) change horses in midstream	Tanazzulga uchrayotgan paytda boshliqni yoki biror bir narsani o'zgartirish yaxshilikka emas
Trojan horse	Troya oti, salbiy ma'noda, ya'ni birovga choh qazish kabi
horse pill	Katta dori, yutishga qiyinlik qiladigan hajmi jihatidan katta dori
work like a horse	Otdek juda ko'p ishlamoq
get back on the horse (that bucked you)	Bir qiyinchilikni yana bir marta boshidan o'tkazmoq

Bu iboralarning yarmi ot poygasidan kelib chiqqan, ya'ni ular ingliz tilidan olingan va o'zbek tiliga tarjima qilingan, chunki ot poygasi O'zbekistonda hech qachon Amerika yoki Angliyadagi kabi mashhur bo'lmagan. O'zbek adabiyotida otlar yaqin do'st, yordamchi tulpor sifatida ko'riladi. G'arbda esa tulporlar, asosan, ish quroli va yoinki ot poyga sportidagi yutuqli lotoreya sifatida qaralgan.

Back the wrong horse yoki **bet on the wrong horse** - bu iboraning genezisi 1600 - yillarga borib taqaladi va ma'nosi esa vaziyatga noto'g'ri baho berish yoki saylovda noaniq natijaga erishishdir. O'zbek maqollarida esa uning _____ boshqa ekvivalenti bor.

A **dark horse** aslida noma'lum otning musobaqada kutilmaganda g'olib chiqishi ma'nosiga aytiladi. Birinchi marta ushbu ibora Benjamin Dizraelining romanida 1831 - yilda ishlatilgan. Shuni ham ta'kidlash kerakki, siyosatda aniqrog'i, noma'lum biroq muvaffaqiyatga erishgan nomzod deb qaraladi. O'zbek tilida esa ushbu ibora yaxshi ot keyin chopadi iborasiga to'g'ri keladi. Ushbu ibora asosan, muvaffaqiyatga

erishmoqchi bo'lgan inson o'z ishini shoshilmay, puxta tayyorlanmaguncha imtihon topshirmaslik ma'nosida ishlatiladi. Umuman olganda, bir ish boshlashdan oldin puxta tayyorgarlik ko'rgachgina muvaffaqiyatga erishishdir.

Flog a dead horse yoki **beat a dead horse** iborasi 1600 - yillarda ma'lum bo'lgan va ayni paytda biror narsaning qadrsizlanishi ma'nosida ishlatiladi. Bugungi kunda, ushbu ibora so'nayotgan umidni, qiziqishni uyg'otish maqsadida ishlatiladi. O'zbek tilida esa **chiqmagan jondan umid, noumid shayton** ma'nosida keladi.

A one-horse race iborasi musobaqada yutishi aniq bo'lgan ishtirokchi va yoinki jamoaga aytiladi. O'zbek tilida esa **yaxshi ot keyin chopadi** iborasiga to'g'ri kelishi mumkin.

(Don't) change horses in midstream yoki **(don't) swap horses in midstream** iborasi 1864- yilda A. Linkolnni Milliy birlashma ligasi uni prezident bo'lish arafasida qo'llaganida ishlatgan va ibora shundan keyin mashhur bo'lgan. Krizis davrida yangi nizomlar qabul qilish yoki yangi rahbar saylash aqlsizlikdir, degan ma'no keib chiqadi. Nazarimizda, ushbu iboraning o'zbek tilidagi ekvivalenti sifatida **yonayotgan olovga kerosin sepma** ma'nosiga to'g'ri kelishi mumkin. Sababi, qiyin vaziyatda yangi qaror qabul qilish ishni, aksincha, yanada chigallashtirishi mumkin.

Trojan horse - ushbu ibora eng mashhur iboralardan desak mubolag'a bo'lmaydi. Idiomaning etimologiyasi Yunonistonga borib taqaladi. Ma'nosi ko'zingga zararsiz ko'ringan narsa, aslida katta talafot keltirishi mumkin tarzida qo'llaniladi. Troya oti aslida yog'ochdan yasalgan tulpor bo'lib, greklar shaharni vayron qilish niyatida yog'och ichiga yashirinishgan va shaharni bosib olishgan. O'zbek maqollarida esa **yaltiragan har narsa oltin bo'lavermaydi** ma'nosida keladi.

Don't look a gift horse in the mouth iborasi sovg'aga nisbatan injiq ma'nosida tarjima qilinadi. O'zbek tilining sovg'aning katta kichigi bo'lmaydi, eng asosiysi chin ko'ngildan berilishi ma'nosidagi iboraga mos kelishi mumkin. Ma'lumotlarga qaraganda, ushbu ibora 4-asrlarda ishlatila boshlangan, biroq 1500- yillarda keng ishlatila boshlangan.

Xulosa qilib aytganda, Ingliz xalq og'zaki ijodining idiomalarida ot obrazining ahamiyati muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. O'zbek xalq og'zaki ijodida ham ot obrazi o'z o'rniga ega jonivorlardandir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Стебих Л. Analysis of horse idioms in English and Croatian language.
2. Sara Keller. All the queen's horses: the reign of the horse in Victorian literature.
3. ziyonet.uz

ФРАНЦУЗ ТИЛИ СТИЛИСТИКАНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ, ФОНЕТИКА БИЛАН БОҒЛИҚ ТОМОНЛАРИ ВА ОЛИМЛАРНИНГ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРИ

*Исломов Дилшод Шомуродович,
БухДУ докторанти
Абдурахмонова Дилноза Олим қизи,
БухДУ талабаси*

Тил – анъанавий белгилар тизими, код бўлиб, унинг ёрдамида хабарлар узатилади. Бу хабарлар икки кенг тоифага таснифланади ва бир неча вазифалари бўлиши мумкин. Биринчиси, фонологик ёки фонематик, иккинчиси, фоностилистик. Биринчи категория вакиллик функциясига – Тробицкой (1939) терминологиясига кўра – ўзига хос, Андре Мартинет (1960) га кўра ёки Роман Жакобсон (1963) га кўра референциал қисқаради. Бу функция моҳиятан товуш шаклига, фонематик ёки просодикага оид бўлиб, оппозицион қийматга ега бўлган муносабатлар мажмуи-Соссюр атамасидан фойдаланиш ҳисобланади. Бу отларни фарқлаш ўзига хос функцияси saute/sol/ de sol /sol/ et il pleut /2/4 de il pleut ? /2 / 4/- иккинчи категория кўшимча маълумот беради. Шундай қилиб, лингвистик маълумот беришда давом етаркан, ёмғир ёғаётган хабар бир вақтнинг ўзида ғазаб, мулойимлик, минтақавий урғу, ёмғир таъсир ва бошқаларни етказиши мумкин. Бу иккинчи хабар, фоностилистик, оғзаки тилининг артикуляцияси томонидан таъминланади. Андре Класс (1963) томонидан тасвирланган силбо-гомеро каби хуштакланган тил деярли тўртта фонемага ва сюжетли кесимга туширилган тил деярли ҳеч қандай ифодали имкониятни тақдим этмайди. Шу каби далилларни кузатиш тилшуносларни ўзига хос функциянинг аҳамиятини ортқча баҳолашга олиб келган бўлиши мумкин. Маълумотлар шуни кўрсатадики, Стилистиканинг туғилиши Чарлз Балли номи билан чамбарчас боғлиқдир. “**Traite stylistique française**”, “**Precis de stylistique française**” каби асарларида у лингвистик интизом сифатида ўйланган стилистика асосларини яратади.

Чарлз Баллининг “Шунинг учун стилистика уюшган тилнинг экспрессион хусусиятларини уларнинг таъсирчан мазмуни нуқтаи назаридан ўргангани, яъни сезгирлик фактларини тил орқали ифодалаш ва тил фактларининг ҳаракати кузатади” деган фикри бу фанга берган баҳонинг нақадар юқори эканлигини кўрсатиб бўлади. Сезгирлик тўғрисида эса олим “Тилда ҳар қандай ғоя таъсирчан вазиятда амалга оширилиши” мумкинлигини таъкидлайди. Бу Чарлз Балли услубининг объекти бўлган тилнинг таъсирчан мазмунидир. Бу сўзнинг эмас, балки тилнинг услубидир деган фикрларни илгари сурган.

Ф. Гадет, Ж. Гардес-Тамин, Г. Молини ва бошқаларнинг фонетика ва фоностилистика бўйича қилган илмий тадқиқотлари ҳозиргача ўз маҳсулини бериб келмоқда. Тўғри, бошқа таърифлар ҳам таклиф қилинган. Л. Спицер учун услуб - бу «тил томонидан тақдим этилган элементларнинг услубий татбиқи». Ж.Марузеау учун услуб – бу «фойдаланувчи ёзадиган ёки гапирадиган, тил тақдим этадиган материалга бўлган муносабат». Аммо бу икки ажойиб филолог

ушбу услуб атамаси таркибидан фақат стилистикага тегишли бўлган нарсаларни сақлаб қолмоқчи бўлганини ким кўрмайди? Биз улар каби қиламиз. Такдимотимизга қулай бўлиши учун, ушбу услуб атамасидан фойдаланиш биз билан содир бўлганда, ҳар доим бу чекланган қиймат билан бўлади.

Стилистика объектлари. - Фикрни ҳар қандай экстеризациялаш, хоҳ нутқ орқали бўлсин, хоҳ ёзиш орқали, мулоқотдир: бу нутқ мавзусининг эмитентлик фаолияти ва қабул қилувчининг қабул қилиш фаолияти. Ушбу алоқа объектив, мутлақо интеллектуал бўлиши мумкин ва ҳақиқат борлигини қайд этиш билан чекланиб қолади. Аммо кўпинча олувчини ҳайратда қолдириш нияти, истаги бор. Биз озми-кўпми онгли равишда маълум бир луғат билан боғлиқ бўлган, гапнинг маълум бир бурилиши ва оғзаки нутқда, маълум бир артикуляция билан, маълум бир интонация билан боғлиқ бўлган сифатли ва микдорий нюансдан фойдаланамиз, улар бирлаштирилган ёки бўлмаган ҳолда бу ёпишқоқликни келтириб чиқаради. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, тилнинг умумий тизими бизга такдим этган материалда биз нафақат ўзимиз ушбу тизимни англаганлигимиз асосида, балки шундай деб ўйлаган тушунчамиз асосида ҳам танлов қиламиз. Шунинг учун стилистик факт бир вақтнинг ўзида лингвистик, психологик ва ижтимоий тартибдир. Шундай қилиб, биз бола билан катта одам, маданий одам билан ўқимаган одам каби гаплашмаймиз. Қабул қилувчининг лингвистик хабардорлигини ҳисобга олиш рол ўйнайдиган ягона омил эмас. Ижтимоий иерархия аралашади, бу бизни ифода услубимизга устувор аҳамият беришга мажбур қилади, биз юқори ёки тенгдошга, бефарқ одамга бир хил тарзда гапирмаймиз. Бу услубий таҳлилнинг асосий принципи бўлади.

Бизнинг вазифамиз – фойдаланувчида унинг мулоқотида максимал самарадорликни таъминлаш учун тилнинг барча соҳаларида қилган танловини изоҳлаш. Кимдир фақат аниқ ифодали воситаларни кўриб чиқишга мойил бўлиши мумкин. Бу ҳақиқатни қашшоқлаштириши ва баъзи ҳолларда уни бузиши мумкин. Кўп ҳолатлар мавжудки, бу ифода фикрнинг орқасида, ярим тоннада ва жуда эҳтиёткор таклиф оҳангида қолади. Ўзингизни экспрессивлик нарса эмас, балки мураккаб ва ўзгарувчан маълумотларнинг натижаси эканлигига ишонтириш учун узок ўйлашингиз шарт эмас.

О. Жезперсеннинг фикрига кўра, табиий бўладими ёки фонетик эволюция жараёнида қўлга киритиладими, товушларнинг экспресив хусусиятлари инкор этилмайди ва бир неча йўналишларга эга бўлиши мумкин. Улар баъзи ҳолларда эшитиш туйғусини (ономатопея) таклид қилиш билан, балки визуал ҳиссиётларни (ҳаракат ва ранг) ва ҳатто ҳиссиётларни келтириб чиқариши мумкин: "Табиий боғланиш баланд товушлар ва тиниқлик билан, карлар ва қоронғулик ўртасида ... у эрда сўзлар ва кайфият ўртасидаги муносабатни кўриш учун бу фақат қисқа қадамдир. Шундай қилиб, инглиз тилида / сл / гуруҳ нафратни ифодалаш учун жавоб беради: ингичка, силлиқ, айёр, И унлиси кичиклик ва нозикликни келтириб чиқаради.

Ўз навбатида, М. Граммонт шундай деб ёзади: "Биз интеллектуал таассуротни сезгир, визуал, эшитиш ва тактил таассуротига айлантирамиз. Бири

ҳислар тартибини бошқача тартибдаги сенсацияларга таржима қилади; паст товушларни, аниқ товушларни, баланд товушларни, баланд товушларни, қурук товушларни, майин товушларни, майин товушларни, жингалак товушларни, қаттиқ товушларни ва бошқаларни ажрата оламиз. Шунинг учун жиддий ғояни жиддий товушлар билан, юмшоқ фикрни юмшоқ товушлар билан таржима қилиш мумкин, яъни у шоирни излаётгани каби таассурот ҳосил қилиш учун унинг оятларида бош товушлари ёки юмшоқ товушларни ўз ичига олган сўзлар тўпланиши мумкин. У шундай қилиб, ўқувчининг онгида ўзи ёқтирган ғоя ва образларни бўлмасдан уйғотади, уларни бир неча дақиқада батафсил баён қилиш керак. Шеърят моҳиятан маслаҳат беради ».

Кейинчалик Граммонт фонемаларни артикуляция нуқтасига кўра таснифлашга ўтади. Унлилар ёруғлик / е, ё, се /, баланд / і ва ў/, ёрқин / а, о, се, а / ва қоронғу / и ва օ / га, унлилар билан бир хил тоифага кирувчи бурун унлиларига бўлинади. Оғзаки ёзишмалар. Улар қуйидагиларни ифодалайдилар: «кескинлик, хоҳ шовқин бўлсин, хоҳ фарёд ёки туйғу бўлсин». аниқ «тинимсиз шовқин ... юмшоқ ва енгил шовқин», «енгил, кувноқ, кулгили фикрлар ...»; кўзни қамаштирадиган «кўзни қамаштирадиган шовқинларнинг ифодаси», «ифода овозларнинг баландлигини тахмин қиладиган» ғоялар ва ҳиссиётлар; қоронғи унли товушлар «карлар шовқини», «жиддий ёки ғамгин ғоялар», олдинги сояларга қўшилган назаллар, улар устун бўлганида, «сустлик, сустлик, сусткашлик, сустлик, бепарволик. »

Ундошлар моҳиятан бир лаҳзали ва узлуксиз бўлинади. Биринчиси, жарангсиз / р, т, к / ёки жарангли / б, д, г / «кескин ва такрорий шовқин» ва киноя, ғазаб, кўзғалиш каби ҳис-туйғуларни ифодалайди. Сониялар бурун унлиларига ўхшаш хусусиятларга эга бўлган ундош бурун товушлари / п, м / га бўлинади; суюқликларда / л, р / (2), улардан бири ликвидликни, силжишни, иккинчисида ғичирлашни ёки гумбирлашни келтириб чиқаради; / ф, в, с, з / ва хириллаш / ш, ж / каби спиртли ичимликларда, улар хириллаш ёки хириллашни ва ҳасад, киноя, нафрат ёки ғазаб туйғуларини билдиради.

Бундан ташқари, лаблар даражасида жойлашган лабланган / р, в / ва лабтиш / ф, в / нинг артикуляция нуқтаси, физиогномиянинг ҳаракати, улар хўрсиниш каби нафрат ва нафратни ифода этишга мослаштириши мумкин деб ўйлашади. ва йиғлаяпти.

Ушбу сўнги фикрдан биз М. Граммонтнинг баъзи ҳолларда фонемаларнинг экспресивлигини улар талаб қиладиган артикуляцион ҳаракатлар билан боғлаганлигини кўрамиз. Ушбу нуқтаи назар бир нечта тилшунослар ёки услуб назариётчилари томонидан ишлаб чиқилган, жумладан, Андре Спире “Plaisir poétique et plaisir musculaire” (1).

Масалан, у шундай ёзади: "« **lubrifier** » (мойлаш) сўзида ёпишқоқ ва силлиқ ҳислар “**ф**” нинг оғзининг қаттиқ деворларига ишқаланиши ва у эрга “**э**” томон силжиган ярим унли бирикмаси натижасида ҳосил бўлади. Яна «мойлаш материалида» янада яққолроқ ифода, у ерда “**й**” фонетикасида эрийди, пардага ўралган ва назализация билан юмшатишган "(2).

П. Гуирауд, Валерининг мавзуидаги сўзлар рўйхатини (яъни унинг ишида энг кўп учрайдиган сўзларни айтишни) ҳисобга олган ҳолда, улар таркибидаги фонемаларга нисбатан, масалан, Б учун ёзувлар: « ombre, sombre, tombeau, bois, bras, bouche, bord, beau, briller, brûler, ténèbres, briser » ва қуйидагиларга эътибор беринг:" sombre ғояси анча устун бўлиб туюлади ... Барча сўзлар аниқ конкрет маънога эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. D.Sh.Islomov. (2021). The Definition of The Concepts of «Phoneme» and «Phonostylistics». Middle European Scientific Bulletin, 9. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.9.204>
2. D.Sh.Islomov. (2021). Phonetics and Phonology. *Middle European Scientific Bulletin*, 11. Retrieved from <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/470>
3. Islomov, D. (2021). THE ROLE OF PHONOSTYLISTIC UNITS AND PHONEMES IN THE PROCESS OF TEACHING FRENCH TO ADULTS IN THE ANALYSIS OF EXAMPLES. Конференции, 1(1). <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.971>
4. ISLOMOV, D. Sh, and GA JAHONGIROVA. "THE ROLE OF PHONOSTYLISTICS AND PHONOSTYLISTIC UNITS IN TEACHING FRENCH AT HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS." E-Conference Globe. 2021.
5. Д.Ш. Исломов. “Поэтические формы как культуроведческий компонент при обучении иностранному языку». Статьи в Академии Наука. Мысль: электронный периодический журнал, 2015. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/poeticheskie-formy-kak-kulturovedcheskiy-komponent-pri-obuchenii-inostrannomu-yazyku> (дата обращения: 13.03.2021).
6. Д. Исламов, Н.В. Ванцова, Т.М. Хусяинов - “Возможности использования проектной методики при преподавании иностранных языков” Наука. Мысль: электронный периодический журнал, 2016. 6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vozmozhnosti-ispolzovaniya-proektnoy-metodiki-pri-prepodavanii-inostrannyh-yazykov> (дата обращения: 13.03.2021).
7. Mr. Babayev Otabek Abdikarimovich. (2020). THE TRUE VALUES OF THE MAVLONO JALOLIDDIN MUHAMMAD RUMIY’S PHILOSOPHY IN RUSSIAN TRANSLATIONS. International Journal on Orange Technologies, 2(12), 68-71. <https://doi.org/10.31149/ijot.v2i12.1091>
8. Ruslan Rajabmurodovich Radjabov. (2021). THE FRENCH FUTURE: MODALITY IN ENGLISH. Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL), 2(06), 60-67. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/W4Q8A>.
9. RADJABOV, R. R., & TOSHPU LATOVA, N. (2021, March). SCIENTIFIC AND THEORETICAL VIEWS ON VITICULTURE AND ITS ROLE IN THE WORLD COMMUNITY. In E-Conference Globe (pp. 23-27).

10. RADJABOV, R. R., & MAKHMUDOVA, S. (2021, March). THE ROLE OF ART OF TRANSLATION IN THE DEVELOPMENT OF WESTERN AND EASTERN LINGUISTICS. In E-Conference Globe (pp. 310-315).

БАДИЙ ТАРЖИМАДА ТАРЖИМОН ЁНДАШУВИ МАСАЛАСИ

*Отабоева Моҳира Аҳмадовна,
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтини таянч докторанти*

Таржима, халқлар ўртасидаги дўстлик кўприги. Усиз инсоният тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Соҳанинг мураккаблиги ва муаммолари ўзи каби қадимий ва муттасил изланишни талаб қилади. Зеро, дунё таржимачилигида шундай таржимонлар борки, уларнинг номи асл асар ёки ёзувчи номи билан ёнма-ён қўйилади. Боиси улар нафақат асарни чинакамига ўз тилларида “қайта жонлантиришган”, балки муаллифнинг ижодий лабораториясини тадқиқ ҳам қилишади. Эҳтимол, айти шу жиҳат уларнинг таржималаридаги пухталиқни таъминлаган.

Хорижий тилни билиб, бу тилдаги ноёб, классик асарларни тушиниб ўқишнинг ўзи кишига завқ беради, уни ўз она тилига ўгириш эса бу завқни бошқалар билан баҳам кўриш демак. Таниқли таржимон, адабиётшунос, Англия ва Америка болалар адабиёти тадқиқотчиси, филология фанлари доктори Нина Демурова умрини ана шундай машаққатли ижодий касбга бағишлаб, бундан ҳаёт завқини туя олган ижодкорлардан. Таржимон инглиз тилидан Г.К.Честертон, Э.А.По, Ч.Диккенс, Ж.Макдональд, Ф.Х.Бернетт, Ж.М.Барри, Б.Поттер, А.Гарнер, Р.К.Нарайана сингари кўплаб машҳур ёзувчилар асарларини рус тилига ўгирган бўлишига қарамай, унинг фаолиятини дунё классик асарларидан саналмиш “Алиса Мўъжизалар мамлакатига” ва “Алиса Кўзгуорти ўлкасида” эртаклари муаллифи Люис Кэрролл билан боғлашади. Бу, албатта, бежиз эмас. Н.Демурова нафақат бу икки машҳур эртакли рус тилига таржима қилган, балки Кэрролл ижодининг асосий тадқиқотчиси ва уни рус адабий жараёнига, китобхонларига таништирган олима ҳамдир.

Демурова фаолиятининг бошиданок таржимада ўз йўли ва усулини аниқ билган. Маълум бўлишича, “Питер Пен” Демуровагача икки марта (Борис Заходер ва Ирина Томакова) рус тилига ўгирилган, иккала таржима ҳам эркин усулда бўлган. Демурова эса таржиманинг бу усулидан мутлоқо қониқмайди ва асарни аслиятга имкон қадар яқин тарзда адекват таржима қилади. Дарҳақиқат, рус таржимачилик мактабида болаларга аталган асарларни ўгириш бўйича катта тажриба тўпланган. Айнан, Кэрролл эртаклари ҳам Демуровагача ҳам бир неча марта ўгирилган. Илк бор асар 1879 йилда “Соня в царстве дива” номи билан ижодий (перерасказ - қайта ҳикоя қилиш тарзида) таржима қилинган, афсуски, таржимон ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Ундан сўнг А.Рождественская (1908), В.Набоков (1923), Н. Демурова (1966), Борис Заходер (1971), В.Орла (1988), Л.Яхнина (1991), Д.Ермолович каби ўнга яқин

таржималар қилинган. Албатта, бир асарни бир неча мутаржимлар томонидан ўгирилиши таржима амалиётида кўп учрайдиган ҳодиса. Бироқ бу таржимоннинг асар олдидаги масъулиятини ошириб, унинг ўз услубини топишига туртки ҳам бўлишини унутмаслик керак.

“Бу таржималарни ўқиб, – деб ёзади Демурова ўзининг Кэрролл ҳақидаги очеркида, - Рус китобхони кўз ўнгида муаллиф ғалати, телбанамо бўлиб гавдаланадигандек, назаримда. Бу қандай адолатсизлик. Умидсизликдан иккала асарни таржима қилишга рози бўлдим”. Демуровагача эртақлар эркин усулда (ўша даврда айниқса болалар адабиётидан таржималарда бундай усул оммалашган эди) яъни мутлақо “руслаштирилиб” ўгирилган. Натижада, Алиса Соняга, оқсоч Мэри-Энн - Марфушага, Чешир – мушуги эса Сибирнинг ғайриоддий махлуқига айланган. Кэрролл эртагини фақат болалар учун деб ўйлаган яна бир таржимон Рождественская уни фақат кичик китобхонларга мўлжаллаб ўгирган. Оқибатда болалар нутқида мослаш учун таржима матни ҳам, шеърлар ҳам анча соддалаштирилган. Эркин таржима йўлидан борган таниқли ёзувчи ва таржимон В.Набоков эса асарга рус боласининг ва, ҳатто, рус фольклори руҳиятини сингдиришга уринган. Бу ҳақида мутаржим бир интервюсида шундай муносабат билдирган эди:

“Илк таржимадан кейин А.Н. Рождественская, П.Соловьёваларнинг ажойиб таржималари, В.Набоковнинг ўзига хос қизиқарли таржимаси чиқди, аммо бу ишларнинг барида рус тилига кўпроқ урғу берилгани боис уларда “губерня”, “Сибир мушуги” каби атамалар учрайди. Аммо муваффақиятсиз чиққан сўзма-сўз таржималар ҳам бор. А.П. Оленич-Гнененконинг таржимаси 1940 ва 1960 йиллари икки марта нашр этилди, ўша пайтларда бу энг оммабоп таржима эди. Бироқ айрим ўринлар бу таржима алжирашни эслатади. Масалан, Кўзгу ортидаги пашша Алисадан: “Сизларда қандай ҳашаротлар бор?” дея сўрайди, Алиса эса капалак (Butterfly)ни айтади. Шунда пашшанинг “Шуям ҳашаротми, дея энсаси қотиб. Бизда Bread-and-Butterfly бор” дейди. Гнененко бунини “нонли капалак” деб бериб сўз ўйинини чиппакка чиқарган” [1;6].

Демурова бошқа таржимонлардан фарқли равишда Кэрролл эртақларидаги мураккабликларни аслият тили билан боғлайди ва айни шу жиҳатни инобатга олмай қилинган таржималардан кўнгли тўлмайди. Ўзининг тажрибаси ҳақида эса “1966 йилиёқ Д.Г.Орловской билан асар таржимасига киришаётиб олдимизда турган қийинчилик ва масалаларни англаганмиз. Биз Керролл эртақларидаги дам ўйноқи ва шўх, дам инжа, лирик ва фалсафий руҳиятни, шунингдек, муаллифнинг ўзига хос – вазмин, аниқ ортикча “жимжимадан” холи (фақат автор олдида “киноя” ёки “эксценриктик” мақсад қўйиб шу ёсинда ёзган ҳолатларни ҳисобга олмаганда) бироқ жўшқин ва маъноли нутқини етказиб беришимиз керак эди” [2; 5], дея аниқ позициясини белгилаб олган.

1967 йили Демурованинг таржимасида (эртақ шеърлари эса ҳаммуаллифликда ўгирилган) иккала эртақ дунё юзини кўрди. Аввалги таржималардан бунинг фарқи нафақат ўгириш усулида эди, балки мутаржим Кэрроллшунослардан Мартин Гарднернинг асарга изоҳини ҳам қўшиб таржима қилади ва нашр этилади. Бу билан энди рус китобхони Кэрроллни бошқа

томондан кашф қилишига эришади. Оксфордлик математик, мантиқшунос, файласуфнинг эртақлари фақат болалар учун эмаслигини кўрсатади. Мазкур таржима изоҳларга қўшиб, хорижлик кэрроллшуносларнинг илмий мақолалари, шунингдек, таржимоннинг ҳам тадқиқотлари билан бойитилиб, 1978 ва 1990 йиллари қайта нашр қилинган.

Мутаржим 2013 йил Нью-Йорк Таймс журнаliga берган интервьюсида ўз таржимасининг ўзига хослиги ҳақида тўхталиб, жумладан, “Мен доим муаллиф услубини сақлашга ҳаракат қиламан. Яхнин жуда кўпол таржима қилган дейиш мумкин: у кулгули бўлишни ўйлаб Кэрролга мос бўлмаган ўзининг ҳазилларини қўшган. Заходернинг эса “октябрлик-пионер”ча оҳанг сезилади. Менимча, буларнинг мутлоқо кераги йўқ. Муаллифнинг услуби, унинг гап қурилишлари ва унинг оҳангини акс эттиришни истагандим”, дейди. Айни фикрни Демурованинг таржимадаги усули сифатида қабул қилиш мумкин.

Ўз даврида рус таржимачилик танқидида Демурованинг таржимасидаги услуб борасида бироз салбий ёндашувлар ҳам бўлган. Масалан, “Таржимон алманахи”да адабиётшунос А.Борисенко унинг таржималарида “табиийлик ва енгилликдан мураккабликка, таржима маромини бузилишига қараб йўналганини” таъкидлаб, фикрини Алисанинг кўз ёши кўлида танишган ғаройиб жониворлар номларининг (жониворлар номлари Алиса Лиделлнинг опа-сингиллари исмларидан келиб чиққан) таржимада авайлаб сақлангани, бироқ улар изоҳсиз ўқилса таъсирли чиқмаслигини айтади. Яъни Демурова таржимасининг нашридаги изоҳлар ва шарҳлар чигалликка сабаб бўлишини уқтиришади. Бироқ мутаржим бу фикрга қўшилмайди айни асарни тушуниш учун муаллифнинг биографик деталлари ғоятда катта аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Демурованинг мазкур ёндашувини ҳам таржимадаги усули дейиш мумкин. “Менимча, бу китобнинг ўзидан ташқари ёзувчи ва шу асарга боғлиқ барча тафсилотлар ҳақида ёзиш керак. Камина доим муаллифлар ҳақидаги биография, хотира ва мақолаларни ўқийман. Уларда асардаги кўп деталларнинг изоҳларини уқасиз” деганди мутаржим яна бир интервьюсида. Дарҳақиқат, унинг бу изланишлари “: Очерк жизни и творчества”, “Июльский полдень золотой”, “Основные даты жизни и творчества Л. Кэрролла”, “О переводе сказок Кэрролла”, “Картинки и разговоры. Беседы о Льюисе Кэрролле” каби илмий монография ҳамда илмий мақолалар ёзади.

Устоз таржимон Ғ. Саломов ҳар қандай таржима бу – интерпретация [3;110], дея мутаржимнинг муаллиф ва асарни қанчалик тушуниши таржиманинг муваффақиятини белгилашда муҳим эканига ҳамда ҳар бир таржимада мутаржим билими, асарни тушуниш йўсини акс этишига ишора қилади. Дарҳақиқат, етук ва оригинал ҳар қандай асарнинг моҳияти ва ғоясини англаш учун ёзувчи ижодий лабораториясидан бохабар бўлиш керак. Демурова бу таржиманинг сифатини оширишдаги талаблардан бири ва шу йўсинда “асарнинг иккинчи ва ҳатто учинчи бир томони қайта кашф этилади. Буларнинг барини шарҳга кўчириш албатта шарт эмас. Афсуски, асар ва унинг муаллифи билан боғлиқ маълумотларни ҳамма таржимонлар ҳам ўрганавермайди ” дейди. Унинг бу фикрлари устоз таржимон Ғайбулла Саломовнинг “Таржима

қилинаётган авторнинг дунёқараши-ю, синфий мавқеидан тортиб, мактаб, ақида, мавзу, ғоя, материал, давр тақозоси билан унинг қандай, қай йўсинда қалам тебратганини инобатга олган ҳолда, турли-туман услуб жилваларини акс эттиришга мажбур бўлади таржимон”, деган тўхтамларини ёдга солади [4; 55].

Касбга бундай масъулият ва муҳаббат мутаржимнинг муаллиф томон отилаётган ҳар қандай “тошга” бефарқ бўлишига ҳам йўл қўймайди. Зеро, у энди Кэрролл асарлари тақдирига ўзини дахлдор деб билади ва ҳамон муаллиф ҳаёт ва ижод йўлини ўрганайди. Шу боисдан “Мен Кэрролл билан кўп шуғулланганман – унинг мактублари, кундаликлари, дўстлари, ҳамкасблари ва болаларнинг у ҳақидаги хотиралари билан танишганман. Натижада, менда ўзига хос ёзувчи ва инсон образи шаклланган. Мен у ҳақида айтиб беришни ва уни ҳимоя қилишни истайман. Бизда ҳозир кенг қамровли, хусусан, педофилликда айбаш урфда. Ана шу ҳужумлардан бу айбловларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган Кэрролни ҳимоя қилишни истардим”, дея жой кўйдиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Демурова Н.М. О переводе сказок Кэрролла. –М.: Наука, 1991. Калашникова Е. «Все произведения я переводила с удовольствием» Русский Журнал (15 Марта 2002). –Интервью Н. Демуровой.
2. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. Ўқитувчи, 1978.
3. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983.

THE IMPORTANCE OF CULTURE IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES

*Bozorboyeva Sanobar Sharifjonovna
Student of Foreign languages faculty
Bukhara state university*

Culture, conveyed from one generation to another, defines the identity of a society and distinguishes it from other societies. Nostrand defines culture as the "ground of meaning", the codes of behavior and characteristics of a society. Brooks defines culture as “the sum of all the learned and shared elements that characterize a societal group.” “Language is a vital constituent of culture”. Robinett concurs with the view that culture and language cannot be separated. The culture of a society is significantly reflected through its language. Only with a language are societies able to transmit their own cultures, beliefs and ways of life to others and shape their own lives with different cultures to which they are exposed. Brooks argues that language is the most advanced element of culture. Since language emerges from societal interactions, L2 learners cannot truly learn the language without acquiring knowledge about its culture and native speakers. As mentioned earlier, learning about another culture is now one of the core objectives in the foreign language classroom.

When teaching a foreign language, we must first arouse students' interest in the life and culture of a foreign country. We need to develop children's basic

communication skills in a foreign language and the ability to use a foreign language to express their thoughts and feelings in achieving their goals. First we need to determine the exact organic sequence. It is important that each lesson is divided into separate parts. We know that mostly kindergarten and school children have more playful and good memories. And it's important to get them interested in the lesson and get their attention first. In English lessons, it is possible to organize a variety of activities during the fast and hot months, mainly with little movement of the child. And it helps the child to stay fast through the actions they perform in the words they have memorized. In such cases, the teaching process is not boring, but rather increases the need of students for the lesson. When games are organized, if children's attention is focused on their favorite heroes, animals, things they like, their initiative in the learning process will increase and they will begin to approach each organized word separately. It is especially important not to bore the student during the lesson. It is important to work with the student individually to be able to monitor the child's attention to the lesson. The above tasks are very important so that everything studied reaches the organizer. Motivating students at the beginning of the lesson to make each subject easier and easier for students to understand in English will also increase their interest. are given. Inspired by their little abilities, they achieve their goals faster than we expected. It is necessary to support the student spiritually, to give him the freedom to express his opinion during the lesson. Sharing children's brief thoughts on the topic to be covered at the beginning of the topic will ensure the student's enthusiasm for the lesson.

Repetition in a variety of ways during the lesson strengthens the child's memory so that everything that is organized in English remains in the student's memory quickly. Repetition is the mother of knowledge. When teaching the alphabet to preschoolers in English, letters can also be taught through actions in different directions. For example, firstly, children can be given the alphabet spoons to form the ability to listen regularly, and secondly, the letters can be explained through moons in the example of fruits and animals. In this way, we ensure that the child organizes the topic easily and quickly in 3 different ways. These are: the ability to listen, see and feel. Elementary students develop the ability to be more interested in a topic through the above methods.

Competition between students also arouses interest in the lesson. We encourage students during the lesson to increase their enthusiasm for the lesson if we encourage them to express themselves freely. Engaging a child's interest in English lessons increases the activity in the lesson, explains that the student will learn the lesson faster, and stimulates interest in the lesson. And through this we achieve a small goal, which is to teach children English quickly and interestingly. It is important that we study their psychology in the process of teaching teenagers and interact with each student according to his psychology. As much as a variety of games and competition between children can help make the lesson more interesting, we can help students quickly learn English words and numbers, animal names, fruit names, and the like. It is important not to bore the students. Therefore, we take a creative approach to each lesson and prepare separately for each topic. For example, today we want to move on

to a topic, we have an exercise on this topic too. When we prepare different pictures and lessons and do them together with the students, they also become more enthusiastic about the lesson.

On a practical note, culture teaching should allow learners to increase their knowledge of the target culture in terms of people's way of life, values, attitudes, and beliefs, and how these manifest themselves or are couched in linguistic categories and forms. More specifically, the teaching of culture should make learners aware of speech acts, connotations, etiquette, that is, appropriate or inappropriate behaviour, as well as provide them with the opportunity to act out being a member of the target culture. Equipped with the knowledge that such notions as "superior" or "inferior" cultures are nothing but sweeping generalisations emanating from lack of knowledge and disrespect to other human beings with different worldviews, learners can delve into the target language and use it as a tool not only to communicate in the country where it is spoken but also to give a second (or third) voice to their thoughts, thus flying in the face of cultural conventions and stereotypes. To this end, language educators should 'not only work to dispel stereotypes and pockets of ignorance...but...contribute to learners' understanding that begins with awareness of self and leads to awareness of others'

REFERENCES:

1. Armour-Thomas, E. & Gopaul-Nicol, S. 1998. Assessing Intelligence. Applying a Bio-Cultural Model. USA: Sage Publications.
2. Khaydarova N. A., Islomov B. The Importance of Teaching English for Specific Purposes and its Origin // Достижения науки и образования. - 2017. - № 5. - С. 46-47.
3. Khaydarova Nodirabegim Ahtamjonovna, Khaydarova Hulkar Ahtamjonovna Peculiar features of alternative assessment in teaching English as a foreign language // Достижения науки и образования. 2018. №5 (27). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/peculiar-features-of-alternative-assessment-in-teaching-english-as-a-foreign-language>
4. Khaydarova Nodirabegim Ahtamjonovna, Khaydarova Hulkar Ahtamjonovna Advantages of autonomy and its significance in learning foreign languages // Достижения науки и образования. 2017. №5 (18). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/advantages-of-autonomy-and-its-significance-in-learning-foreign-languages>
5. Khaydarova Nodirabegim Akhtamovna Advantages of role play technique in teaching speaking in EFL classes // Достижения науки и образования. 2018. №5 (27). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/advantages-of-role-play-technique-in-teaching-speaking-in-efl-classes>
6. Khaydarova Nodirabegim Ahtamovna The essence of motivation in teaching English as a foreign language // Достижения науки и образования. 2017. №4 (17). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/the-essence-of-motivation-in-teaching-english-as-a-foreign-language>

7. Khaydarova Nodirabegim Akhtamovna Essential use of role-play technique in overcoming communication barriers // Достижения науки и образования. 2018. №5 (27). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/essential-use-of-role-play-technique-in-overcoming-communication-barriers>
8. Zokirova Nargiza Savriyevna. (2021). Interpretation of Concepts of Human Dignity by Heroes in Utkir Khoshimov's Works. *Middle European Scientific Bulletin*, 11. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.11.468>
9. Ruziyeva N. FACE CONCEPT IN THE CATEGORY OF POLITENESS //European Journal of Humanities and Educational Advancements. - 2020. - Т. 1. - №. 4. - С. 15-20.

THE HISTORICAL ROOTS OF THE FEMALE IMAGE IN MODERN ENGLISH LITERATURE

*Irsaliyeva Madina Anvarbek qizi,
Lecturer of National University of
Uzbekistan after named Mirzo Ulug'bek*

We know that English literature has always been rich in writers who create the image of women. The feminist ideal was appeared in the late 19th century and had a reflective influence well into the 20th century. The first writer who used the term "new woman" in an influential article was Irish feminist Sarah Grand (1854-1943), she denoted to independent women seeking radical change, and in response the English novelist writer Ouida (Maria Louisa Rame) used the term as the title of a follow-up article. The term was further popularized by British-American writer Henry James, who used it to describe the growth in the number of feminist, educated, independent career women in Europe and the United States. Independence was not simply a matter of the mind: it also involved physical changes in activity and dress, as activities such as bicycling expanded women's ability to engage with a broader, more active world. Writer Henry James was among the authors who promoted the term "New Woman," a figure who was represented in the heroines of his novels—among them the title character of the novella “Daisy Miller” and it was serialized in 1878 and “Isabel Archer in Portrait of a Lady” was serialized during the years 1880-1881. The term New Woman always referred to women who exercised control over their own lives be it personal, social, or economic. This term was also a nickname given to Ella Hepworth Dixon, the English author of the novel “The Story of a Modern Woman”.

Later male modernist authors often used ordinary characters in their fiction while F. Scott Fitzgerald and Ernest Hemingway portrayed women as nonintellectual, sensual objects, and in 1939, John Steinbeck portrayed strong, nurturing mothers such as Ma Joad and Rose of Sharon in “The Grapes of Wrath” or healthy whores such as Dora Flood, the madam of Cannery Row. Male authors of this time often praised their female counterparts, but specifically as women writers. Meanwhile,

authors such as Edith Wharton were creating superior female characters more unlike than those of her male contemporaries.

Two lesbian modernist writers whose stylistic innovations represented human consciousness are Gertrude Stein and Djuna Barnes. Stein reflected the language to the the perceptions of three servant girls in her best work “Three Lives” in 1909. Rather than using a linear narrative for her encyclopedic family history “The Making of Americans” in 1925, she wrote according to the natural rhythms and repetitions of speech. “The Autobiography of Alice B. Toklas” which was written in 1933, perhaps Stein’s best-known work, presents a memoir of her life through the eyes of Toklas, her lifelong companion. Like Stein, Djuna Barnes used alternative language to make sense of the world while writing the work “For Ryder” a bawdy thriller through her family history, she used a mock-Elizabethan prose to criticize patriarchal authority.

If it is time to mention about postmodernism, of course, Kazuo Ishiguro’s works are the best choice to analyze. He has been a recipient of a number of awards and honours including Booker Prize in 1985. The female characters in the novels of Ishiguro show highly complex behaviours. Certain characters face serious oppression yet stand strong, while others lose their minds. Therefore, these characters could be understood properly only if they are studied under feminism. The ideology of equal status for women in social, political and economic spheres is broadly termed as feminism. The theories about problems faced by women due to gender bias in the fields of politics and sociology are classified under feminism. Furthermore, all movements and struggles aimed at the betterment of women’s lives were brought under the umbrella of feminism. It can be classified into three periods. The first feminist wave was in the nineteenth and early twentieth centuries, the second was in the period of 1960s and 1970s, and the third extends from the 1990s to the present.

It is interesting to note that a lot of women characters in the novels of Ishiguro resemble the stereotype of ‘Japanese women’. To begin with, in the novel “A Pale View of Hills”, the major characters Etsuko, Keiko, and the minor characters such as Sachiko and the wife of Hanada are greatly dependent on others. These women are real fighters in their life but they are unable to escape their fate throughout. Some of the women characters in Ishiguro’s novels face oppression at domestic and social level. The examples of these are the mother of Christopher Banks in “When We Were Orphans”.

To conclude it can be said that from the 19th century writers were able to portray women characters successfully. And those women exhibit qualities, they also keep the universal appeal, in the case of motherly nature exhibited by them. They are mostly ready to suffer for the sake of their children. Moreover, innovative images of womanhood became more common as the century progressed. Ishiguro pictured the agony of women and their mental strength to sometimes bear sufferings and at other times to overcome them.

THE LIST OF USED LITERATURE:

1. Bloom H. Gertrude Stein. New York: Chelsea House, 1986.

2. Finney, Brian. "Figuring the Real: Ishiguro's When We Were Orphans" CSULB 2001. Web. Accessed 12 Dec 2019.
<http://web.csulb.edu/~bhfinney/ishiguro.html>
3. ["The New Woman - Victorian Literature - Oxford Bibliographies-".](http://www.oxfordbibliographiesonline.com) Oxfordbibliographiesonline.com. Retrieved 18 December 2014.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ИЖОДИДА РАМЗЛАР ТАЛҚИНИ

*Тўраева Баҳор Баҳриддиновна,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Жаҳон адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

“Соҳил ёқалаб чопаётган олапар” қиссасида дунёнинг яралиши, денгиз ва куруқлик ўртасидаги кўп йиллардан буён давом этиб келаётган кураш, бир сўз билан айтганда, ёзувчининг олам ва одам ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари бадий ифодаланган. Қиссада воқеалар очиқ маконда, яъни денгизда содир бўлади ва етти кунлик замон қамровланади. Замоннинг тўғри чизиқли типи узлуксизлиги ва қайтарилмаслиги (абдийлиги) билан сюжет чизиқларини тизимлаштирган.

Поэтик рамзлар (қайиқ, она балиқ, кўк сичқон) орқали сюжет воқеалари мажозий маъно касб этган. Тагзамирида инсон ҳаёти курашлардан иборатлиги, қайиқ дунё тимсоли шаклида катта авлоднинг кейинги авлодга мероси эканлигини адиб образли тасвирлайди. Воқеалар кечими ҳад-худудсиз денгизда, жон талвасасида сувсизликдан ниҳоятда азоб чеккан тўрт нафар инсон (уч авлод вакиллари)нинг аянчли аҳволини ифода этган. Асар қаҳрамонларининг моҳияти, борлигини тушуниш ва тушунтиришда персонажларнинг нутқий мулоқоти асос вазифасини ўтайди. *“Ҳар бир одам, М.Бахтинга кўра, ўз овози, дунёқараши ва тасаввурларига эга бўлган мустақил субъект. Шунинг билан бирга инсон фақат одамлар билан, ўзи билан, дунё билан мулоқотдагина мавжуд. М.Бахтин ёзишича, “ҳаёт ўз табиатига кўра диалогик характерда... яшаи, демек - диалогда қатнашиш: муомала қилиш, эътибор қаратиш, масъуллик, келишув ва бошқалар...”*[2; 9]. Чингиз Айтматовнинг маҳорати шундаки, макон (Воқеалар фақат денгизда бўлиб ўтади) ва замонда (Ўтмишга назар солинмайди, келажакка мурожаат қилинмайди, вақт бир текис ҳаракатланади) турфалик бўлмаса-да, асар воқеалари китобхоннинг қалбини ларзага солади, ечимини - боланинг тақдири қандай яқун топишини сабрсизлик билан билгиси келади. Сюжет воқеалари макон ва замонда чекланганлиги боис сюжетнинг кескин конфликт асосида шиддат билан ривожланиши тақозо этилган. Қаҳрамонларнинг тўлқинлар билан олишуви ҳамда қалб зиддиятлари параллел қўйилган. Инсоннинг табиат кудрати олдида ожизлиги, фарқ бўлмаслик учун тўлқинлар билан шиддатли олишуви, қаҳрамонларнинг қалб кечинмалари, ички зиддиятлари қиссанинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Қисса ер юзининг ҳамма тарафини сув қоплаб олган, ҳали бирор парча куруқлик бўлмаган замонлар тўғрисидаги асотирдан бошланади. Лувр ўрдаги қай тарафга парвоз қилмасин, уя қуриш учун аввали-ю охири йўқ маҳобатли сувдан бўлак бирор парча ер йўқлигига ишонч ҳосил қилади. Ноиложликдан кўксидаги патларни юлиб, ўзига уя қурди ва бора-бора кенгайиб, ер ҳосил бўлди. Шундан буён денгиз - куруқликка, куруқлик - денгизга қарши жанг қилади. *“Рутубатли, изгиринли, қоп-қора тун қўйнида ҳайҳотдай ястаниб ётган Охота денгизи соҳилларида табиатнинг икки қудратли кучи - куруқлик билан денгиз ўртасида азалий, тинимсиз кураш давом этади: куруқлик денгизнинг асов тўлқинларига тўсқинлик қилишига интилади, денгиз эса куруқликка ҳужум қилишида тиним билмайди”* [1; 1]. Қисса азалий кураш тасвири билан бошланади. “Ер денгиз зарбаларидан билинар-билинемас титираётгани”, “денгиз билан қирғокнинг қутуриб олишаётгани” ва булар ўртасига тушиб қолган инсонга осон тутиб бўлмаслиги китобхонни асар воқеалари мобайнида рўй берилиши кутилаётган хавфдан огоҳ этаётгандек бўлади. Шимолда яшовчи нивхлар: Ўрхон бобо, Кириск, отаси Эмрайн ва тоғаси Милхуннинг нерпа овига боришлари асар сюжетини ташкил қилади. Адиб уч авлод вакилини қайиқда бирлаштиради: катта авлод вакили Ўрхон бобо, ўрта авлод вакиллари: Эмрайн ва Милхун ҳамда кичик авлод вакили Кириск. Ёзувчи Ўрхон бобонинг портретини тўлароқ тасвирлайди: *“Юзи қўнғир тус олган, озгин, кекирдаги туртиб чиққан, манглайи ва айниқса, бўйинларини тарам-тарам ажсин босган, қўллари ҳам йирик, суякдор панжа бўғинлари ёнгоқдай шишиб чиққан кекса овчи... Сочларига оқ оралаган, бутунлай оқ десаям бўлади. Қорайган юзида оқши қошлари кўзга аниқ ташланарди”* [1; 3]. Асарнинг кейинги ўринларида чолга Кирискнинг нигоҳи билан боқади: *“Унинг назарида Ўрхон бобо бутун умр худди ҳозиргидай кекирдаги туртиб чиққан, узун бўйинли, қўллари ўсимлик илдизларидай сертомир, ҳамма нарсани сезувчи, кўзлари мудом ёшланиб турган чол бўлгандай эди. Уни бошқача тасаввур қилиш мумкинми ахир?”* [1; 22] Эмрайнни *“гавдали ва дароз, кенг яғринли, серсоқол”*, Милхунни *“ғўлабирдан келган, дум-думалоқ ва чайир”*, дея таърифлайди. Асар экспозициясида Кирискнинг портретида ўн бир-ўн икки ёшлардаги қора кўз бола, ҳаяжондан юзида билинар-билинемас сепкиллар худди онасиникига ўхшаб, сиртига тепиб чиққан тасвири билан чекланилади. Воқеалар ривожидида муаллиф Кирискка онасининг нигоҳи билан яна бир бор разм солади: *“Онасининг айтишича, Кириск отасига жуда ўхшаб кетаркан. Катта бўлса, қуйиб қўйгандай Эмрайннинг ўзгинаси бўлади-қолади, дейди. Кирискнинг кўзлариям отасиники сингари қўйкўз, тишлариям отасиникидай мустаҳкам, олдинги иккита курак тиши бир оз туртиб чиққанди. Яна онасининг айтишича, катта бўлса, Кирискнинг ҳам отасиникидай қоп-қора ва дағал қалин соқоли бўларкан”*. Муаллиф воқеалар ривожидида портрет тасвирини образларнинг хатти-ҳаракатлари орқали бойитиб боради.

Бу ов Кирискка бағишланган бўлиб, у келажакда катта овчи бўлиши, каттаю кичикка ўлжаларни адолатли тарқатишининг дебочаси эди. Онаси овга

жўнатаётганда ёвуз кирнларни чалғитиш учун Кириск ўрмонга бориши ва олиб келган ўтини хўл бўлмаслигини уқтиради. Оталар билан болалар биргаликда овга чиқишларини жинлар ёқтирмаслиги; болаларга кирнлар зиён-заҳмат етказиб, майиб-мажруҳ қилиб қўйиши; шомоннинг ёш овчига ҳамиша хайрихоҳ, меҳрибон бўлинглар, деб Ер ва Сувга ёлвориши; Кирискнинг тақдирини осмондаги юлдузлардан бирига топшириб, болага ҳамиша паноҳ бўл, деб қилган дуо-илтижолари фожеанинг даракчиси сифатида китобхонни сергаклантиради. Ўрхон бобо ясаган қайиқлари ичида энг яхши қайиқ шу эканлиги ҳақида ўй суриб, “ёпирай, ишқилиб, бу охиргиси бўлмасин-да, деб беихтиёр кўнгли ғашланади. Чол “сен муносиб қайиқсан, ясаган қайиқларим ичида энг дилбарисан... Иним, тумшуғингда бошини ликиллашиб, жони ичига сиғмай ўтирган анави бола ҳам ўсиб, вояга етгунча кутгин, дея хаёлан қайиққа мурожаат қилишида ҳам ҳалокатга ишора бордек гўё.

Воқеаларга чол ва бола нигоҳи орқали назар солинади. Адиб бу ҳодисани шундай изоҳлаган: “Ўсмир оламини, инсонларни англаб етишга ҳаракат қилади. Қария – ўз тажрибалари билан менга кўмаклашади. Бола эса фикримни равшанроқ ифодалаб беради, баъзан чол айтолмаган томонларни очиб ташлайди. Улардан ҳар бири ўзларича айтмоқчи бўлган фикримни баён этишда ёрдам берадилар. Бироқ икковлари ҳам менинг бир бўлагим”.

Асарнинг семиотик калити – Соҳил ёқалаб чопаётган олапар денгизга овга чиққанлар учун маёқ вазифасини ўтагани учун ҳам ўз ўрнида қанчалик кучқудратга эга эканлиги, ҳамиша ўрнидан жилмай, денгизнинг ҳар қандай ҳамлаларига бардош бериб турганлиги, ҳатто болага яшаш учун умид чироғини ёққанлиги билан қиссанинг мазмун-моҳиятини тўла ўзида қамрай олган. Қайиқ ердан узоқлашганда, айниқса Олапар тўсатдан тўлқин мавжлари ортида кўринмай қолганида боланинг кўнгли қандайдир хавф-хатарни илғай бошлади. Китобхон ҳам, ўз навбатида, рўй беражак ноҳушликни сезади.

“Соҳил ёқалаб чопаётган олапар” қиссасида ёзувчи қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини кўз орқали тасвирлашга урғу беради. Кириск денгиз овига биринчи марта чиқаётгани сабабли ниҳоятда хурсанд эди: *“У бахтиёрлигини сира яширолмасди - қорамазиз таранг яноқлари ял-ял ёнарди, ҳаммадан ҳам унинг чақнаб, порлаб турган кўзларида қалбидаги қувонч ва гурур сезилиб турарди. Ўрхон бобо қисик кўзлари билан денгиз уфқига боқар экан, шодлигини яширолмай тоқатсизланаётган боланинг руҳиятини ҳам сезиб турарди . Чолнинг кўзларида майинлик балқиди - эҳ, болалик экан-да”* [1; 3].

Олапар кўринмай қолгандан сўнг қайиқнинг турли йўналишларига кўра қоянинг қайси томондалиги бўйича Ўрхон бобо боланинг зеҳнини синовдан ўтказди:

- *“Яхши, энди айтгин-чи, қандай аниқлаяпсан, ахир тўрт тарафимиз фақат сувдан иборат бўлса? - ўсмоқчилаб сўради Ўрхон бобо. - Шунини айтиб бера оласанми?*

- *Мени бошқа кўзим ҳам бор, - жавоб берди Кириск.*

- *Қанақа кўз у?*

- *Билмадим. Қорнимда бўлса керак. Ана шу қорнимдаги кўзим юмуқ турсаям кўраверади.*

- *Қорнида кўзи бор экан! - кулиб юборди ҳамма.*

- *Айтганича бор, - деди унинг гапини маъқуллаб Ўрхон бобо. - Одамда шунақа кўз ҳам бўлади. Аммо у қориндамас, боида бўлади” [1; 10].*

Нерпанинг жигарини еганда чанқоқлик ниҳоят даражада ортади, лекин денгизда кўп сув ичиш мумкин эмас, деган қатъий қоида бор. Кириск ҳали бола бўлса-да, буни яхши тушунади: *“Кўзинг айтиб турибди, тўймабсан. Майли, айтганинг бўлсин, сенга яна озроқ қуйиб берай. Жигар дегани жуда кучли нарса. Ердалигимизда челақлаб ичсанг ҳам бўлаверади, - деди Ўрхон бобо яна жилдиратиб чўмичга сув қуяркан” [1; 22].*

Асарда лувр ўрдаги ва Она балиқ ҳақидаги икки асотир келтирилган. Лувр ўрдаги ҳақидаги асотир сув ва қуруқликнинг қандай пайдо бўлгани тўғрисида ибтидоий тушунчалар маҳсули бўлса, Она балиқ асотирида шимолда яшовчи нивхлар ўзларини Она балиқдан тарқгани ва тотем сифатида унга топинишлари ифодаланган. Ўрхон бобо бир умр мафтун этган сирли тушларида Она балиққа етишиш илинжида тинимсиз ҳаракат қилади: *“Улар ақл бовар қилмас куч ва шиддат билан тунги океanning туб-тубидан чиқувчи ажойиб-гаройиб шуъла билан жимирлаётган уфқнинг тайинсиз ҳудуди томон интилишарди. Улар қаришларидан тиним билмай кўпириб келаётган ўркак-ўркак тўлқинларни гавдалари билан ёриб, гоҳ баландга, гоҳ пастга парвоз қилишдан чексиз лаззат олиб ўқдай учишарди. Уларнинг ёнгинасидаги ой эса шошилаётган тўлқинлар тизмасидан ортда қолмай кўзгу шуъласи янглиг бир ерда турмасдан иккаласининг изидан мудом кузатиб борарди. Шу лаҳзаларда ёлғиз ой билан ёлғиз улар - у билан Сув париси ва чексиз уммон кенглиги ҳоким эди борлиққа. Оламда фақат улару фақат уммон бор эди!” [1; 7].* Она балиқ инсоннинг ўзлиги тимсоли сифатида тасвирланган. Ўрхон бобо тинимсиз у ҳақида ўйлайди, ҳатто шу тушларини ўлгандан сўнг ҳам абадиятга дахлдор бўлишини, ўзи билан у дунёга олиб кетишини истайди.

Воқеалар кескин тус олиб, туман ичида қолган қайиқдагилар жуда ночор аҳволда қолишганди. Шиддатли тўлқинлар қайиқни номаълум манзилга элтиб ташлаган, ҳатто кекса денгизчи Ўрхон бобо ҳам табиатнинг бу номаъқулчилиги олдида ожиз эди. Эмрайн ва Милхун мақсадсиз эшкак эшишарди. Кириск эса онасининг ёнига, қариндош-уруғларининг ёнига, уйларига, ўчоқлари, жилғалари, ўтлоқларига тезроқ бориш истаги билан ёнарди.

Тўрт кунлик очлик ва ташналиқдан қийналган Ўрхон бобо Она балиқнинг даргоҳига боришга ҳамда у ерда абадий қарор топишга жазм этди. *Қайда сузиб юрасан, эй, Буюк Она балиқ? Қаҳрамоннинг ички зиддияти шу ўринда ёрқин тасвирланган: “Ўрхон ўзининг кимлигини билар, сўнгги бўсага олдида ўзининг қанчалик куч-қувватга, қадр-қимматга эга эканлигини яхши ҳис қиларди. Фақат биргина нарса, у ҳам бўлса совуқдан кўкариб кетган Кирискнинг кейинги кунларда ҳадеб чолнинг тинжисига ёпишиб олиб, унинг ҳимоясига, гамхўрлигига муҳтожлиги Ўрхоннинг ўйлаган хаёлларини амалга оширишдан тийиб турарди. У болага ич-ичидан ачинарди. Аммо худди фақат бола учунгина шундай қилиши*

зарур эди...” [1; 34]. Милхун ва Эмрайин ҳам ўзларини денгизга улоқтиришди. Фақат ташналик ва очлик азобидан кутулиш учун эмас, Кирискнинг ҳаётини бирозга узайтириш, уни сақлаб қолиш учун шундай йўл тутишди. Асар кульминациясида Эмрайиннинг икки ўт ўртасида қоврилиши, ички зиддиятининг кескин ҳолати ифодаланган: *“Агар сув тугаб, ажали етгудек бўлса, у қайиқда ўлсин, токи Ўрхон оқсоқол, Милхун ва энди шайланган отаси каби денгизга ўзини ташлашга мажбур бўлмасин. Бошқа йўл қолмаганди. Шафқатсиз тақдирга тан беришдан бошқа иложи йўқ эди... Аммо ўн бир яшар бола қуюқ туман ичида, ҳадсиз-ҳудудсиз денгизда бутун олам билан юзма-юз қолиб, ташналик ва очликдан аста-секин ўлиб кетишини ўйлаганида Эмрайиннинг юраги орқасига тортиб кетарди. Мана шунисига у асло рози бўлолмас, ҳаммадан ҳам шуниси эзиб юборарди. Шунда у: “Ўғлимни ёлғиз қолдириб кетолмайман, у билан бирга ўлганим маъқул”, деган фикрга ҳам борганлигини пайқаб қоларди...”* [1; 44]. Эмрайинга ниҳоятда оғир эди, ўғлининг тирик қолиши учун ўзини маҳв этса-да, ёлғиз денгиз ўртасида ташлаб кетишга кўнгли бўлмасди. Сидқидилдан фарзандини омон қолишини истаган отага коинот ҳам марҳамат кўрсатди. Зурриёдини шафқатсиз азобдан, кимсасизликдан асраб қолди.

“Соҳил бўйлаб чопаятган олапар” асари инсонга бўлган умиднинг ёрқин намунаси саналади. Болани – келажакни сақлаб қолиш учун, энг сўнги томчи сувни ичиб қўймаслик учун катталар бирин-кетин ҳалок бўлишади: агар катталар ўзларини келажакни – болани сақлаб қолиш учун қурбон қилишмаганда чанқоқликдан бола – келажак ҳам ҳалок бўларди. Сўнги томчи сув билан тирик қолган бола ўз манзилига – она маконига етиб боради. Бу инсон ва унинг елкасидаги масъулият ҳақидаги, баниолам ҳамда одам учун келажакни сақлаб қолиш ҳақидаги тимсолий хулоса, тимсолий ҳикмат эди” [3].

Авлодларнинг яшаши учун ўзларини ажал комига тутган оталар образи уч буюк сиймода умумлаштирилган. Балки адиб бу образлар орқали ўз отасини тасвирлагандир. Тўракул Айтматов ўзи Москвада қолиб, поездда хотини Наима хоним билан фарзандларини жўнатаётганда қалбида Эмрайиннинг ҳислари жумбушга келгандир. Поезд манзилга етгунга қадар тинимсиз кўзёши қилган, гўдаклик қалби билан отасини қайта кўролмаслигини сезган Чингиз Кирискда ўзининг қалб туғёнларини гавдалантиргандир: *“Отасига ёпишиб, унга ачиниб, кўзёшларини тиёлмай ҳиқиллаб ётган бола илгари ўзига маълум бўлмаган азалий фарзандлик меҳрини туйди. У ана шу ҳис-туйғуларни сўз билан ифода эта олмасди - булар унинг қалбига, қон-қонига, юрак тепишига сингиб кетганди”*.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Aytmatov Ch. Sohil yoqalab chopayotgan olapar. Qissa. Ruschadan Asil Rashidov va Mahkam Mahmudov tarjiması. –Т.: Adabiyot va san’at, 1984. –52 б.

2. Болтабоев Х. XX аср адабиётшунослигида диалогизм ва Михаил Бахтиннинг адабий-эстетик таълимоти // Филология масалалари. –Т.: 2016. №4. –Б. 8-15.
3. Назар Эшонкул. Чингиз Айтматов сабоқлари. <http://xs.uz/uzkr/post/chingiz-ajtmatorov-saboqlari>
4. Сафронов В. Лекции по системному анализу. Электронная версия / ru.wikipedia.org
5. Шундай бир адабиёт яратайликки... (Чингиз Айтматов ва Анвар Жўрабоев суҳбати) (1987) / <https://ziyouz.uz/suhbatlar/shunda-bir-adabiyot-yarata-likki-chingiz-a-tmatov-va-anvar-joraboev-suhbati-1987/>

DEFINITENESS AND INDEFINITENESS OF NOUNS IN ENGLISH AND UZBEK

*Mehmonova Yulduz Choriyevna,
A Lecturer of the Department,
Translation Studies and Language Education,
Bukhara State University*

In compared non-related languages, the indefiniteness of the noun is performed by the word groups of indefiniteness. It shows subject indefiniteness, indefinite substance, even indefinite concept, and etc. Lexico-semantic units of this group can have different structures.

Different languages have different ways of indicating the definiteness and indefiniteness of nouns. In English, as in most languages, the category of definiteness and indefiniteness is not a grammatical category of nouns. It is rather a semantic category that is mainly conveyed by means of two articles: the definite article the and the indefinite article a/an. This article is devoted to the expression of noun indefiniteness with lexico-grammatical parts of words in English and Uzbek languages. The expression of indefiniteness of the noun in the system of different languages with lexico-grammatical parts of words have been analyzed and its similarities and differences are identified. The main purpose of this paper was to indicate that, in spite of the difference in the ways they express the definiteness and indefiniteness which account for some of their functional differences, definite and indefinite nouns in English and Uzbek also show some similarities. When comparing languages, grammatical translation is considered, because through grammatical translation the basic form of grammatical equivalence is understood. When translating from one language to another, there is a clear similarity in the grammatical meaning introduced when comparing a sentence in one language with another. Due to this, the similarity makes it possible to distinguish common elements in the grammatical meaning of a sentence in both languages, as well as the interlinguistic system of meanings as grammatical categories corresponding to the compared languages.

Since typological categories are of different levels and interclasses, we study, too, the problem of articles has been raised many times by linguists. Some of them believe that the number “one” in Turkic languages has already been formed as an indefinite article (10).

But this problem requires special study. It is difficult to call the number "one" an article because of its similarity with non-existent languages.

It is not important for us to determine whether there is an article in the Uzbek language, it is important to distinguish all the means of expressing the category of indefiniteness, whether it is grammatical or not.

From the point of view of typological categories, the article serves as one of the many means of expressing indefiniteness, but it is not the only means of expressing indefiniteness.

Thus, the typological category of indefiniteness is broader than its traditional category, expressed in articles.

Definiteness and indefiniteness as a grammatical category concerns the contradiction between the general meaning and the specific meaning of the noun. Even though in English, the category of definiteness and indefiniteness is not a grammatical category, the concept is the same, albeit realised in different ways. In English, the category of definiteness and indefiniteness is mainly realised by means of two articles:

1. The definite article the, and 2. The indefinite article a/an

The definite article the indicates that a noun stands out from other nouns of the same class, whereas the indefinite article a/an indicates that a noun shares the same features and it is not distinguished from other nouns of the same class. The definite article the is used with a noun that has been mentioned before, and it is known or identifiable, whereas the indefinite article a/an is used with a noun that has not been previously mentioned in the context, and it is, therefore unknown. In English, articles are elements that mainly accompany the common nouns, even though some proper nouns make take them as well.

Both articles may be traced back to Old English. The definite article the is considered a weaker form of the demonstrative pronoun that, whereas the indefinite article a/an is considered a weaker form of the numeral one (Kabashi, 2000). Some grammarians also accept a third article which they refer to as “zero article”. This implies that, in their view, all common nouns should take articles, but even though “the presence of nothing” as opposed to “the absence of anything” is a very common concept in linguistics, there are disagreements concerning its operation (Berry, 2012). However, the matter posed here is whether the absence of the two articles a/an and the should imply the presence of the “zero article” only with common nouns, or it should also apply to proper nouns, considering the fact that they do not usually take articles.

In English, articles as indicators of definiteness and indefiniteness are, at first sight, seen as fairly simple and easily acquired determiners, but despite being the most frequently used determiners, with an immense role in the process of communication, they are the determiners that usually cause most of the difficulties to

the foreign speakers of the language. These difficulties are, among others, attributed to the fact that each of the articles has several functions, and this affects their proper use. It is precisely because of their function that Rumanjceva and Kalnioa (2003) refer to the definite article as an “individualising or limiting” article, whereas the indefinite article is referred to as a “classifying” article.

According to Palmer (2003), although “articles are the simplest adjectives of all”, their omission may be essential to the meaning of the noun. Dykes (2007, p.68) calls them “nothing words” as in her opinion they do not have a concrete meaning and do not present any image to the imagination, but she emphasises that their function is important. Therefore, the appropriate use of articles is imperative for all those who pretend to speak this language correctly. As we noted above, the article is a key marker of indefiniteness. In addition to the article, indefiniteness can be expressed using non-specific language units, such as nouns. A noun is a group of words that represent an object and express this meaning in the modifiable categories of number and conjugation, and the rod in the non-modifiable category (29, 460).

As mentioned earlier, the number of grammatical categories varies in different languages. The category of indefiniteness is only available in English. It should be noted that if the Uzbek language does not have the category of definiteness and indefiniteness, it should not be assumed that these meanings are not expressed in the Uzbek language. Because any meaning can be expressed in any language, but the means are not the same. A certain meaning can be expressed in one language by grammatical means, in another by lexical means, and in another by syntactic means.

CONCLUSION:

1. Indefiniteness is a category of different types, that is, typological means belong to different word groups: articles, nouns, numbers, rhymes, forms, connectives, modal words, and so on. Each category has its own characteristics, that is, some express the indefiniteness in the implicit way, while others express it in the explicit way. This proves that indefiniteness is common to all word groups.

2. In English the main marker of indefiniteness is the article, and in Turkish such a function is represented by the number "one". These ideas prove that the process of converting a number into an article in English has been completed, and in Uzbek this process is still going on.

3. In both languages being compared nouns and other word groups constitute the main group of means representing the category of indefiniteness.

4. Repetitive words in the languages being compared play an important role in the expression of the selected category.

REFERENCES:

1. BABAYEV M. T., BABAYEVA V. T., Sobirovna RAJABOVA S. STUDYING A FOREIGN LANGUAGE //E-Conference Globe. 2021. – С. 7-13.
2. Zokirova N S. (2020). TRANSLATOLOGY AND THE ANALYSIS OF ITS LINGUISTIC MECHANISM. European Journal of Humanities and Educational Advancements, 1(4), 8-10.

3. Salikhova Nodira Nurullayevna. (2020). THE KEY OF EFFECTIVE COMMUNICATION IS PRONUNCIATION. European Journal of Humanities and Educational Advancements, 1(4), 5-7.
4. Irgasheva Feruza Bakhtiyorovna. (2021). INTEGRATION OF LANGUAGE AND CULTURE INTO THE TRANSLATION PROCESS . CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE, 2(1), 32-34.
5. Bakhtiyorovna, I. F. . (2021). Translation of linguocultural peculiarities in hafiza kochkarova’s translations. Middle European Scientific Bulletin, 12, 247-249.
6. Косимова Нафиса К вопросу о прагматической целостности художественного текста // European journal of literature and linguistics. 2016. №3.
7. Imamkulova Sitora Anvarovna. (2021). Cognitive Interpretation of Degrees of Intensification. Middle European Scientific Bulletin, 11(1). Retrieved from <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/469>
8. Mehmonova Yulduz. (2021). LEXICO-GRAMMATICAL PARTS OF SPEECH EXPRESSING THE INDEFINITENESS OF THE SUBJECT. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 7(1), 323-327.
9. Narzullayeva Firuza. “English Phraseological Units With Somatic Components”. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE, Vol. 1, no. 1, Oct. 2020, pp. 29-31, <http://cajipc.centralasianstudies.org/index.php/CAJLPC/article/view/50>.
10. D.Sh.Islomov. (2021). The Definition of The Concepts of «Phoneme» and «Phonostylistics». Middle European Scientific Bulletin, 9.
11. Mukhtorova Maftuna Ilhomovna. (2020). JOHN STEINBEK’S “THE WINTER OF OUR DISCONTENT”: INTERPRETATION OF THE CHARACTER AND THE IMAGE OF THE WRITER. European Scholar Journal, 1(4),
12. Olimova D. Z (2020) The effectiveness of implementation of ICT in learning process . European Scholar Journal (ESJ) Vol.1 No. 4. Pp. 9-11.
13. Mr. Babayev Otabek Abdikarimovich. (2020). THE TRUE VALUES OF THE MAVLONO JALOLIDDIN MUHAMMAD RUMIY’S PHILOSOPHY IN RUSSIAN TRANSLATIONS. International Journal on Orange Technologies, 2(12), 68-71.
14. Djalolov F. F. “To the problems of complete assimilation of educational materials at schools” European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA) Vol. 1 No. 4, December 20

SOFOKLNING “SHOH EDIP” FOJIASIDA EDIP PSIXOLOGIYASI

*Qoryog‘diyeva Zulfizar Oybek qizi,
Toshkent viloyati Chirchiq davlat
pedagogika instituti talabasi
Ilmiy rahbar: f.f.n. N.Xolikova*

Afinalik yozuvchi Sofoklning ushbu asari bugungi kungacha saqlanib qolgan eng zalvorli, o‘lmas, nodir asardir. Muallif vafotidan yigirma asr o‘tgan bo‘lsa-da, u o‘z mashhurligini, qimmatini yo‘qotmagan. Sofoklning zamondoshlari va donishmand Arastu ushbu spektaklni “mualliflik mahoratining cho‘qqisi” deb hisoblaganlar. Bu asarni Asqad Muxtor 1958-yilda Moskva shahrida “Xudojestvennaya literetura” nashriyotida chop etilgan ruscha tarjimasidan o‘zbekchaga o‘giran. Bu asar o‘zbek tilidagi ilk va yagona tarjimadir. Shunday qilib, “Shoh Edip” tragediyasi 1979-yilda G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyotida chop etilgan. Ushbu asar taqdiri qudratli xudolar tomonidan boshqarilgan odamning baxtsizliklari haqidagi asardir.

Tragediyani nafaqat o‘zbek, balki dunyo adabiyotshunos va faylasuflari tahlil qilgan desak, adashmaymiz. Sofokl asarlari XIX-XX asrlarda o‘rganilgan. Gegel “Shoh Edip” asarini insoniyatning matriarxatdan patriarxatga o‘tish jarayonining o‘ziga xos ramzi deb baholadi. XIX asr mifshunosi Baxofen ham shu fikrni davom ettirib, “Edipning fojiasi uning onasiga - matriarxatga bo‘lgan muhabbatidadir” degan. XX asrning yirik faylasufi, ruhshunosi Freyd esa, Sofokl asarlaridan o‘z falsafiy qarashlari konsepsiyasini topdi. U hatto psixoanalitika faniga «Edip kompleksi», «Edipokompleks» degan atamalarni kiritdi. «Edip kompleksi» Freyd ta’limotining asosini tashkil qiladi.

Shoh Edip asari haqida Freyd shunday yozadi: «Shoh Edip» asari antik dunyo yunon tomoshabinini larzaga solishining asosiy sababi, e’tirof etilayotgandek, taqdiri azal bilan inson irodasi o‘rtasidagi to‘qnashuvdir... Edip kabi bizning ichimizda ham axloqqa qarshi mayl-istaklar mavjud va bu istak payti kelishi bilan asosiy istakka aylanishi mumkin. «Shu sababli, - deydi Freyd, - Edipning taqdiri - bu ilohiy hukm hodisasi emas, patologik hodisalar va bunday fojia har bir insonda sodir bo‘lishi mumkin» [2].

XX asrning mashhur faylasufi Erix From ham o‘z falsafiy konsepsiyasini asoslash uchun ko‘plab ustoz faylasuflar kabi «Shoh Edip» asariga murojaat etdi. From ham «Shoh Edip» qismatida insoniyat taqdirini, tug‘ilishi, yuksalishi va inqirozi ramzini ko‘radi. U asardagi taqdiri azal hukmi Shoh Edipning otasini o‘ldirib, bilmasdan onasiga uylanishi voqeasida emas, balki Shoh Edipning o‘zida yashirinligini, ya’ni Shoh Edip jamiyatdagi yashash uchun kurashayotgan inson obrazi sifatida namoyon bo‘lishini ta’kidlaydi.

Yunon yozuvchilari o‘z ijodiy asarlarida miflarga murojaat qilganlar. O‘zlarining uslublari, badiiy qarashlariga moslab voqealar rivojini istaganlaricha o‘zgartirib qo‘llashgan. Shuningdek, biz o‘rganayotgan “Shoh Edip” haqidagi mif ham Homerning “Odisseyasida ham mavjud edi. Sofokl esa, unga kuchli psixologik mahorat bilan badiiy ishlov beradi. Asar real muhitga shunchalik yaqin tarzda

yozilganki, voqealar rivojida, har bir qahramon qiyofasida, ularning ong osti kechinmalarida hayotiy haqiqatlarni ko'rishimiz mumkun bo'ladi. U qismat fojiasidan chinakam insoniy dramaga aylanadi.

Edip asarda juda uddaburon, dono (Fiva shahri ostonasida paydo bo'lgan Sfinks maxluqining hech kim topa olmagan topishmog'iga ham faqat ugina yechim topib, xalqni kulfatdan qutqaradi), fidoyi obraz sifatida namoyon bo'ladi. Uning timsolida ham o'sha davr koloriti namoyon bo'ladi, ya'ni har bir ishda ma'budlarga yuzlanib, ulardan to'g'ri yo'l va maslahat so'raydi. Xudolardan qo'rqish va ularga itoat etish barcha miflarda namoyon bo'ladigan hodisa edi. Edip juda adolatli edi. U xalq boshiga birdan tushgan ofatlarga sabab podshoh Layning qotili Fivada ekanligi va u jazolanmaguncha bu kulfatlar tugamasligini bilgach, shunday farmon beradi:

*“Man etilsin unga toat-ibodat,
Biron ostonaga qo'ymasin qadam;
Chunki shahrimizga kelgan qirg'inning,
Butun ofatlarning boisi o'sha!..
Bordiyu u mening xonadonimda
Biron panoh topsa men bo'lsam sabab,
Qasamyod etayki, birinchi galda
Meni qatl etsangiz roziman, rozi”* [1; 76].

Bu farmonga ko'ra, inson foni dunyoda qaysi pog'onada - xoh shoh bo'lsin, xoh oddiy fuqaro, hech kim o'z qilmishiga yarasha jazo olmay qolmasligi ta'kidlanadi. Edip juda mulohazakor, ehtiyotkor, sabrli shaxs hamdir. U qotilni izlash davomida hech bir voqeani nazardan qochirmaydi, ma'lumotlar va dalillarni sinchiklab o'rganadi. Qotilik sodir etilgan kun, o'sha voqeani bir necha yillar avval o'z boshidan kechirgan hodisaga aloqador bo'lib chiqishidan xavfsiraydi. Bashorat bekor bo'lib, otasi Polip o'z ajali bilan vafot etganini Korinflik elchidan eshitgach, biroz hotirjam bo'ladi, ammo rafiqasi Iokastaning bashoratlarga ishonmaslik kerak, deb o'z o'g'li qismati haqida aytganlari o'zining taqdiridagi bashorat bilan mos tushayotganligidan qo'rquvga tushadi. Lekin inson yashar ekan, unda hamisha umid, so'nggi ilinj tuyg'usi bo'ladi. Ayni shu umid tufayli, umrining oxirigacha taslim bo'lmaydi. Yozuvchi syujet ketma-ketligini mahorat bilan bir ipga teradiki, mudhish o'tmish va xavfli kelajak to'qnashuvi sodir bo'lib, barcha ishtirokchilar bir yerga jam bo'ladi. Elchi Edipni, aynan Lay o'limiga guvoh bo'lgan o'sha podachi qo'lidan olganligini va ma'budar la'natlagan o'sha shum taqdir sohibi o'zi ekanligini tushunib yetadi. Voqea shu yerga kelganda, kitobxon real hayot va mif o'rtasida chigallikka duch keladi. Ya'ni yunon mifologiyasidan xabardor bo'lmagan, jahon adabiyotiga endi kirib kelayotgan yoshlar, albatta, asardan mantiq izlashadi. Ular uchun eng qiyin narsa bu – Edipning onasi bilan nikohini “mifologik ravishda baholash” deb bilamiz. Shu o'rinda Freyd ta'limotining asosini tashkil qilgan "Edipokompleks"ga yuzlanamiz. Unga ko'ra, Edipning onasiga uylanishi ong osti hislarining namoyon bo'lishidir, chunki Freyd fikricha, har bir jins o'zga jinsga nisbatan, hatto o'z onasiga bo'lgan munosabatda ham shahvoniy mayl bilan munosabatda bo'ladi va ona-bola munosabatida ong osti jinsiy mayllari ustuvorlik qilishi haqida bayon eiltgan edi.

Na hayot va na adabiyot bu qilmishni yoqlamaydi. Javobni esa har kim o'z his-tuyg'ularidan izlashi kerak bo'ladi. Negaki Iokasta uni go'dakligida tarbiyalab, onalik muhabbati, rahm-shafqat bilan o'stirishi mumkun edi. Lekin uning o'z o'g'liga xotin ekanligi ma'lum bo'ladi. Biz bunday yakunni axloqiy jihatdan qabul qilishimiz mushkul, albatta. Ammo ushbu yakunda o'sha davr tomoshabinlari jinoyatni ko'rishmaydi, Edip Iokasta uning onasi ekanligini bilmasdi va hatto xudolar ham o'sha davrda o'zaro kurashlar tufayli otalarini o'ldirib, onalariga uylanishgan. Insoniyat ibtidosidan buyon odamlar bir birlarini o'ldirishgan va o'ldirishadi. Ota-onasini ham biror manfaat yoki jahl ustida ajal ostonasiga yuborganlar bo'lgan. Lekin o'z onasiga uylanish – bu g'ayrioddiy hodisa. Yechimi yo'q muammodir. Ba'zan badiiy asarda ko'tarilgan muammo ochiq qoladi. Asqad Muxtor - "Chinakam badiiy asar hamma vaqt javobsiz savoldir", degan edi. Balki ayni shu hol asarning ta'sirchanligini ham oshirgan omildir...

Chidab bo'lmas sharmandalik hissi Iokastani o'z joniga qasd qilishiga olib keldi. Edip esa vijdon azobida qiynaladi, yaqinlariga zarar bermaslik uchun ilohiy qahrg'azabni kutib o'tirmay, o'ziga o'zi hukm chiqaradi: ko'zlarini Iokastaning to'g'nog'ichi bilan jarohatlab, bu dunyo ne'matlarini ko'rish, xudolar yaratgan go'zalliklardan bahramand bo'lish, boqiy dunyoda ota-onasining yuzlariga qarashga loyiqmasman deb, o'zini shahardan badarg'a qilishlarini buyuradi. Qizlari bilan so'nggi vidolashuvida ularni na singlim, na qizim deya aytolmay, aka sifatida oxirgi marta xayrlashmoqchi bo'ladi. Edip o'z taqdirining ilohiy ssenariysini mantiqiy davom ettirib, o'zini jazolaydi. U xudolar o'yiniga yakun yasaydi. U shu paytgacha ularning o'ynlarida so'zsiz piyoda bo'lib kelgan edi va buni ham oxiriga yetkazadi. Edip xudolarni uni jazolash imkoniyatidan mahrum qiladi. Shunday qilib, u odamlar va xudolar orasida ma'lum bir erkinlika erishib, jinoyatni ham, jazoni ham bajarib, hech kimdan - na ma'budlar va na odamlar orasida qarzi qolmaydi. Farzandlari bilan xayrlashishni ixtiyor etadi. Qanday qismat bo'lishidan qat'iy nazar u ota edi va farzandlarining taqdiridan xavotirlanib, ularni tog'asi Kreonga omonat qoldiradi.

Bir qaraganda, o'quvchi taqdirni yoki Edipni ayblashga qiynaladi. Negaki u aslida o'zining kimligini bilmasdi va jinoyat sodir etayotgan vaqti ham bu hodisa tabiiy himoya instinkti tufayli hissiyotlar qurshovida sodir bo'lgandi, chunki bu har bir so'g'lom insonda bo'ladigan o'zini himoya qilish holati edi (Layni o'ldirib o'zini himoya qilishi). Biz bu fojiada yana bir narsaga e'tibor qaratishimiz kerak, ya'ni o'sha davrda bashoratga ishonish, xudolar hukmiga qarshi bormaslik har bir obrazga xos xususiyat bo'lgani holda, nega Lay chaqaloqdan qutulmoqchi bo'ldi. Balki u farzandiga mehr berib o'stirganida hammasi boshqacha bo'lgan bo'larmidi?! Balki uning farzandiga nisbatan bunday yo'l tutishiga o'sha davrda xalq orasida mashur bo'lgan Shoh Kronos afsonasida keltirilgan bashorat - Kronosning kun kelib farzandlari taxtini tortib olishidan qo'rqib, har bir tug'ilgan zurriyodini yeyishni boshlashi ham qaysidir ma'noda unga turtki bo'lgandir. Vaholanki, ma'budlar so'zi qonun edi. U ilohiy taqdirdan qochib bo'lmasligini yaxshi bilardi. Balki Layning o'zi shu go'dakni saroyidan uloqtirib, bashorat amalga oshishiga dastlabki qadamni qo'ygandir.

Ushbu xatolarning bosh sababidan faqat kuchli insonlargina o'zlarini saqlay oladilar. Bu insonlarni xato qilishlariga yo'l ochib beradigan va oxirida o'zlarini pushaymon qildiradigan narsa inson xarakteridagi "g'azab"dir. Edip ham qanchalik fidoyi, aqilli, dono bo'lmasin, u ham o'z g'azabiga qarshi ish ko'ra olmaydi. Bu yerda insonning ichki ruhiy olamidagi kontrastlik aks etadi. Bir inson qalbida yaxshi va yomon xulq o'zaro "kurashda" bo'ladi. Hatto bashoratchi Teresey unga podshohni o'ldirganini aniq ko'rsatsa ham, tan olmay, g'azablanib, uni haydab yuboradi. Yana Edip o'sha chorrahada behuda g'azabini jilovlay olmagan uchun o'zini qoralaydi. Shunday qilib, kitobxon oldida bir savol tug'iladi: Edip jinoyatlarida kim aybdor? Edipning o'zimi yoki ilohiy taqdir? Aslida "aybdor" tushunchasi Layga munosib. Hech qaysi ilohga ishonib farzandini tashlab yuborishning xojati yo'q edi. O'g'lini go'dakligida o'limga yuborgan ota o'z taqdirini o'zi hal qildi, shu bilan Edip emas, balki ota o'z o'g'lining qo'llari bilan o'zini o'zi o'ldirdi.

"Shoh Edip" haqidagi afsona bilan, albatta, bugungi kun nazariyasidagi axloqiy qarashlar mos kelishi qiyin. Shu sababdan ham bu asar kuchli psixologizm bilan yozilgan asar hisoblanadi. Har bir kitobxon o'qigani sari o'zi uchun yangidan yangi xulosalar chiqaradi. "Shoh Edip" bu - taqdirning ilohiyligi va uning muqarrarligi haqidagi asrlar davomida sharaflangan haqiqatning so'nmas ifodasidir.

Sofokl juda kuchli mahoratga egaki, uning tragediyalarini o'qigan kishi asardagi syujet ichiga tushib qoladi, fojidadagi voqealar kitobxonni hislar girdobiga tashlaydi, fikr va tuyg'ularni poklashga, xayot haqida o'ylashga undaydi. "Shoh Edip" dagi voqealar qanchalik dahshatli bo'lsa ham, hamma vaqt kuchli, yorqin taassurot qoldirib, insoniyatning yangi davr sahnalaridan tushmaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Sofokl. Shoh Edip. –T.: Adabiyot va san'at, 1979. –76 b.
2. <https://kh-davron.uz/kutubxona/multimedia/dunyo-adabiyoti-turkumi-sofokl.html>.

HOW TO MOTIVATE YOUNG LEARNERS TO READ STORIES AND FAIRY-TALES?

*Khaydarova Laylo Khamroyevna,
Bukhara city, Bukhara State University,
The department of translation and lingvodidactics*

The important source for language learning is definitely listening because language learners start to acquire their learning skills while they hear words, phrases and expressions of desired language. On the other hand, the language learners come into contact with printed words very early so reading "becomes the main source of expanding and strengthening the language".

Through reading other language skills can be developed. Reading text can be a fine example for further writing tasks, dialogues from the books can enhance the

learner's vocabulary needed for speaking or inspire the discussion. Grammar, punctuation and vocabulary can be taught by using reading strategies.

Ellis and Brewster present several reading strategies that can be strengthened by reading mind working with books. They are metacognitive strategies, such as planning, comparing, guessing the meaning of new words, self-assessment and self-correction, cognitive strategies including sorting, classifying, repeating, working with dictionaries or predicting and socio affective strategies that are developed through group and pair work.

Burnett and Myers underline the fact that motivation for reading is usually seeking for information or achieving another similar aim. So gaining comprehension skills is another benefit of reading. Harmer differentiated these comprehension skills according to the purpose the text is read. Young learners can scan the text to gain a piece of information and there is no need for careful reading. Skimming the text is similar in the sense that young learners should not read the text properly but only to get a general idea of what is about. Other two skills require reading in depth. Reading for pleasure is a slow activity that involves the reader into the text. Young learners should concentrate on the text when they read for detailed strategies to be able to understand the text or notice the language. These strategies are necessary for the process of development of critical reading.

Harmer also claims that reading is not a passive skill and that young learners should work with texts actively. They need to understand the meaning of the words, think about the message of the text and be able to agree or disagree with it. The reading texts should be therefore realistic and entertaining.

The idea that young learners should read more is agreed by many teachers and parents. The idea is right but there should be certain conditions created to improve the situation. Young learners should be encouraged and educated "into the habit of reading", which is the basic precondition for careful and purposeful reading. The teachers and parents should show them that reading strategy is a useful and pleasurable activity, that there is always a purpose for reading even if it is a mere pleasure and that reading cannot only educate the learner but also satisfy their needs. It is connected with the principles of the new curriculum that expresses the idea that everything the learner acquires in the learning process should be practical and useful for life.

To avoid considering reading as a difficult and boring activity, the children should become familiar with reading from a very young age. Storytelling is the fine example how children can be introduced into reading because they simply like narratives and linking the reading activity with stories they enjoy can encourage them "to develop enthusiasm for reading". Carefully selected stories are motivating for young learners because they show them that reading can be a pleasurable experience and what books can offer them.

Ellis and Brewster claim that it is better to start with reading in English after the children's mother-tongue literacy is developed. However, it does not mean that the reading skill cannot be expanded. The young learners can find examples of written English in their environment, such as signs or advertisements. They can "read" them

and together with picture dictionaries or flashcards they create the pre-reading stage of language learning. Followed by specific tasks (read and draw, read and color, read and match and others) their reading strategies are developed.

McRae suggests introducing reading texts into the language learning process after a few lessons because every new text invites young learner to the world of fantasy, imagination and discovery. Using these texts regularly means that they will be a normal and pleasant part of the lesson with one great benefit - while the texts in the textbooks are sometimes not appealing to the pupils, the teacher can choose the reading texts that suit their learner's needs and interests. For young learners that are used to reading frequently the reading activity can become a part of their life. This can be also achieved through school extensive reading projects that support the young learners' independent reading and help them overcome the possible difficulties they can face.

So, the encouragement to the learners to read from a young age leads to their acceptance of reading as an enjoyable activity and their willingness to read outside the classroom.

Children's literature is a term that is used to describe such literary texts written primarily for children. It also consists of fairy tales and stories that were written for adults but now they are considered as children's.

There are several characteristics of children's literature. It was mentioned before that children's literary texts are written for children. That means the topic should be interesting for children, the expressions and language used there should be familiar with them and "based on real children's speech". As young readers do not like long complicated descriptions, the stories should be dynamic enough to hold their attention.

Young learners identify themselves with the characters so they should be attractive for them – like their friends or someone who is admirable - and the borderline between good and bad characters should be clear. Game is an activity that is typical of childhood and it uses children's imagination and fantasy and their sense of humor – these are qualities that children expect from their books too. "Children perceive the world mostly through pictures, noises, smells and touches, not through mere words. Therefore they want these sensual elements to be present in the texts as well. They like books full of concrete imagination, they like picture books and texts with funny graphics"

Narrative, the telling of a sequence of events, is an essential part of human experience and a dominant form of entertainment in many people's lives.

Children's literature is a valuable source for developing children's enthusiasm for reading. Young learners can identify themselves with characters, enjoy a humorous, adventurous or dramatic plot and gain unconsciously certain knowledge of language. These opportunities are accessible even to very young learners. The relevant texts for them should contain the illustrations or other visual clues, should be simply structured with an easily comprehensible plot.

Using children's literature is obviously a vital part of teaching English as a foreign language. It can help expand their vocabulary, strengthen the language and

adopt the positive attitude to reading. Young learners like listening to stories, fairy tales, nursery rhymes and therefore using such literature are highly motivating. Their motivation can be regarded as intrinsic, simply because of the children's interest in reading and listening stories written for them. Another benefit of using children's literature is that it enhances the young learners' imagination and fantasy. According to Halliwell the authentic literary texts play the important role not only in the process of developing language-learning skills but also in the children's lives: Young learners delight in imagination and fantasy.... It is more than simply a matter of enjoyment, however. In the primary school, children are very busy making sense of the world about them. They are identifying pattern and also deviation from the pattern....In the language classroom this capacity for fantasy and imagination has a very constructive part to play.

Although teaching reading should be concerned with a real life, a teacher should be aware that the reality for young learners includes fantasy and imagination. The importance of imagination is that it stimulates children's usage of real language.

However, using literature in teaching reading depends on the teacher's knowledge and enthusiasm for it. The teacher, who is not familiar with children's literature, is not able to choose suitable text for young learners and use all opportunities the text offers. On the contrary, the teacher, who shows the children the own positive attitude to literature and reading, can promote reading as a satisfactory, enjoyable and involving activity that can be shared with others.

References:

1. Ruziyeva N. (2020). FACE CONCEPT IN THE CATEGORY OF POLITENESS. *European Journal of Humanities and Educational Advancements*, 1(4), 15-20.
2. Ruziyeva Nilufar Xafizovna (2021). The category of politeness in different linguocultural traditions. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL* 11 (2), 1667-1675
3. G'ayratovna, R. .M. . (2021). Semantics of euphemistic and dysphemic units. *Middle European Scientific Bulletin*, 12, 243-246.
4. Ruslan Rajabmurodovich Radjabov. (2021). THE FRENCH FUTURE: MODALITY IN ENGLISH. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(06), 60-67.
5. Sobirovich, S. R. (2021). Ethymological Doublets Between French Verbs And Their Use. *Middle European Scientific Bulletin*, 13.
6. Imamkulova Sitora Anvarovna. (2021). Cognitive Interpretation of Degrees of Intensification. *Middle European Scientific Bulletin*, 11(1).
7. Nurullayevna, S. N. . (2021). The techniques of explicit grammar instruction. *Middle European Scientific Bulletin*, 12, 281-284.
8. Narzullayeva Firuza. "English Phraseological Units With Somatic Components". *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, Vol. 1, no. 1, Oct. 2020, pp. 29-31,

9. Yulduz, Mehmonova. "Lexico-grammatical Parts of Speech Expressing the Indefiniteness of the Subject." JournalNX, vol. 7, no. 1, 2021, pp. 323-327.
10. Bakhtiyorovna, I. F. . (2021). Translation of linguocultural peculiarities in hafiza kochkarova's translations. Middle European Scientific Bulletin, 12, 247-249.
11. Irgasheva Feruza Bakhtiyorovna. (2021). INTEGRATION OF LANGUAGE AND CULTURE INTO THE TRANSLATION PROCESS . CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE, 2(1), 32-34.

**DINIY-AXLOQIY TARBIYA VA INSON RUHIY KAMOLATI
(AHMAD LUTFIY QOZONCHINING “BIR VIJDON UYG‘ONUR”
ASARI MISOLIDA)**

*To‘rabekova Malika Hakim qizi,
Toshkent viloyati Chirchiq davlat
pedagogika institute talabasi
Ilmiy rahbar: f.f.n. Xolikova Nodira*

“Bugun Allohning borligini va qudratini inkor qilish – ertaga insonni hisob va jazodan qaytarmaydi”.

Ahmad Lutfiy Qozonchi

Ushbu asarda insonlarga dindan xabar beruvchi, diniy bilimning inson hayotida tutgan o‘rni va hayotimizning asosiy mazmuni kamolotga erishish ekani, ota-ona o‘rtasidagi o‘zaro munosabat va farzand tarbiyasining inson hayotida qanchalar muhim ekani ibratli voqealar asosida hikoya qilinadi. Asar bosh qahramoni Sururibey Allohning borligiga ishonmaydigan, dindan yiroq va undan nafratlanuvchi, umrini ichkilikvozlik bilan o‘tkazadigan munofiq insondir. Uning turmush o‘rtog‘i Saodatxonim esa halol, pokiza, haqiqiy musulima ayol bo‘lsa-da, o‘z farzandiga tarbiya bera olmaydigan darajada ojiza edi. Sururibey o‘zining gunohlari ko‘pligiga qaramay, farzandini ham o‘zi kabi dindan nafratlanuvchi, ichkilikni sevuvchi inson qilib tarbiya qiladi. Albatta, bunday holatning natijasi ijobiy bo‘lmasligi ayni haqiqatdir. Buni Mahmudxo‘ja Behbudiyning “Padarkush yoxud o‘qimagan bolaning holi” dramasiidagi holat bilan solishtirish mumkin. Bu asarda ham otasi o‘z o‘g‘lini o‘qitishni, ilmli qilishni xohlamaydi. Farzandini o‘qitishni maslahat bergan domlanning ham, ziyolining ham maslahatlariga quloq tutmaydi, o‘z yo‘lini tutadi. Quyida dramadan bir parchani keltirib o‘tamiz:

“Boy: Men o‘g‘lumni o‘qutmoqg‘a o‘ylaganim yo‘q.

Domulla: Ajoyib, sabab nedurki, o‘qutmaysuz? Vaholanki, o‘qumoq qarz va ilm sababi izzati dunyo va sharofati oxiratdur...

...Domulla: Shariat ilmi va zaruriyati diniyani bilmoq uchun boyvachchani o‘qutmoq, albatta, sizg‘a lozimdir.

Boy: Shariat ilmni o‘qitmoqni lozim bilmayman, chunki ani mufti yo imom va muazzin qilmoqchi emasman, azbaski davlatim anga yetar” [2; 9].

Bu parchadan anglashiladiki, o'sha davr kishilari boylikni ustun qo'yib, ilm olishni keraksiz deb hisoblab, bu haqida o'ylab ham ko'rishmagan. Afsuski, bu eng katta xatolik edi. Go'yoki hamma narsani boylik bilan hal qilish mumkindek. Boyning "oxiratga bo'lsa, Xudoning qilgan taqdiri bo'lur" jumlasini ham uning dindand xabari yo'q, ilmsiz bir omi inson ekanligini yaqqol namoyon qiladi. Oxiratga bo'lgan munosabati go'yo bir buyumga bo'lgan munosabat kabi oddiy va hissiz. Bu esa ayanchli ahvol. Uning ilm olmagan farzandi yomon yo'llarga kira boshlaydi va oqibatda esa o'z otasining qotiliga aylanadi. Buning barchasiga ilmsizlik sabab edi. Jadid ma'rifatparvarlarining yetuk namoyandasi Abdulla Avloniy: "Ilm deb o'qimak, yozmakni yaxshi bilmak, har bir kerakli narsalarni o'rganmakni aytilur. Ilm dunyoning izzati, oxiratning sharofatidir. Ilm inson uchun g'oyat oliy va muqaddas bir fazilatdir. Zeroki, ilm bizga o'z ahvolimizni, harakatimizni oyina kabi ko'rsatur. Zehnimizni, fikrimizni qilich kabi o'tkir qilur" [1; 61] deganida shubhasiz haq edi. Ikkala asardagi bu o'xshashlik, albatta, insonlarni to'g'ri yo'lga boshlashi, farzand tarbiyasi borasida muhim va ibratli xulosa chiqarishi uchun yaxshi bir misoldir.

Sururibey va uning o'zi kabi tarbiyasiz farzandi Tumaybey musulima ayol Saodatxonimga jabr-zulm yetkazsa-da, bu azoblarning barchasiga u sabr qilar, besh mahal namozlarini o'z vaqtida ado etardi. Bu ayol barcha insonlar uchun sabr-u matonat timsolidir. Boshiga kelgan zulmlarga qaramay, u dinidan voz kechmaydi va oqibatda iymoni kundan kunga ortib borishi, albatta, kitobxonni lol qoldiradi.

Kun kelib Tumaybey juda yaxshi tarfaga o'zgaradi. Ammo u qanday qilib bu holatga kelishi, albatta, qiziq. Otasining vafotidan so'ng uning qabriga do'stlari bilan borgan Tumaybey bir cholga uchraydi. Chol ularning qabr boshida ichib o'tirganining guvohi bo'ladi va bu voqeadan juda qattiq ta'sirlanadi. Ularga o'z nasihatini aytadi: "Unutmaginki, u yer dunyo emas. U yerda dunyoviy qonunlar o'tmaydi. U yerda faqatgina Allohning aytgani bo'ladi, boshqa birovning hukmi o'tmaydi". Bu so'zlar yigitga qattiq ta'sir etgandi. Kechasi ham shu so'zlar qulog'i ostidan ketmadi, chunki ular oddiy so'zlar emasdi...

Shunday kun keladiki, yigitning hayotida juda kata o'zgarishlar yuz beradi. Masjidga kelib yonidagi insonlarga qarab u ham namoz o'qishni, Allohga ibodat qilishdek ulug' ishni boshlaydi. Shu tariqa sekinlik bilan o'zidagi yomon odatlarni kamaytirib, ezgu ishlar sari qadam tashlay boshlaydi. Yuzlari nurli, farishtasimon bir muftiy bu ishlarda unga maslahatlar berib, to'g'ri yo'lga boshlaydi. Yigitning gunohlari ko'pligiga qaramay, muftiy unga yordam beradi: "Alloh marhamatli, mehribon zot. Gunohkor bo'lsangiz ham samimiyat bilan duo qilib yolvorsangiz va qaytib bu yomonliklarni qilmasangiz, kechirilishingiz mumkin". Albatta, bu so'zlar teran ma'noga ega. Allohning marhamati shunchalar kengki, chin dildan tavba qilib, o'z gunohlari uchun afv etilishini so'ragan insonni mag'firat etadi. Ixlos qilgan insonni o'z murodiga yetkazadi.

Allohni tanigan va bunday baxtdan boshi osmonda bo'lgan yigit tezroq onasi yoniga shoshardi. Axir shuncha vaqt bunday baxtdan yiroq yurgan va chin soliha onasini doim haqorat qilib, uning ko'nglini vayron qilib kelgan edi. Albatta, o'z ishlaridan pushaymonlik hissi uni juda qiynab, qalbida vijdoni uyg'onib, onasiga ezgu xabarini yetkazish ilinjida uyga yetib kelganida ona Qur'oni Karimga bosh

qo'yib, farzandining quvonchini ko'rish baxtiga yetolmay vafot etgan edi. Bu holat juda ta'sirli edi... Saodatxonim hayotga kelib turmush o'rtog'idan, qolaversa, o'z farzandidan ko'rgani faqat jabr-zulm bo'ldi. U o'g'lining hidoyatga yetganini ko'rmasdan vafot etdi. Ammo uning barchaga o'rnak bo'lishga arzigulik tarbiyasi, go'zal sabri va diniga sadoqati bor edi. Abdulla Avloniy "Qur'oni Karim ichida ko'p yerda sabrni, sobirlarni madh qilmishdur. Shariati islomiyada janob Haq tarafidan kelgan balo va qazog'a sabr qilmoq farzi ayndur. Inson har bir ishni sabr va matonat ila yurutsa, maqsudiga tinch va rohatda borub yetar" [2; 63], - degan edi.

Zamonamiz yoshlari uchun asar qahramoni Tumaybeyning qilgan barcha gunohlari, tavbalari va shu bilan birga Allohning ko'rsatgan hidoyati bilan yangi hayot boshlashi yaxshigina o'rnak bo'la oladi va inson qanday holatda bo'lishidan qat'i nazar chin dildan qilgan duolari Alloh taologa yetib boradi. Allohning o'zi shu insonga to'g'ri yo'l ko'rsatadi. Albatta, Alloh kechirguvchi zotdir, Allohning karami keng ekanligiga ishonch hissi esa har bir insonni yanada baxtiyor qiladi. Zero, Alloh yagona, u mehribon va rahmlidir.

Asar tahlili orqali bu dunyoni faqat poklik, halollik, diyonat va mehr-oqibatgina saqlab qolishi mumkinligi yana bir karra o'z isbotini topgan. Sabru qanoat ramzi bo'lgan ona va gunohi azimga botgan ota o'rtasida ruhiy iztiroblarni yengib, kamolot yo'lga qadam otgan farzand jamiyatda ma'naviy sog'lom muhitni yaratuvchi yosh avlod sohibidir. Ahmad Lutfiy Qozonchi ushbu asari orqali har bir kitobxonni chuqur o'yga toldiradi. Yozuvchining mahorati shundaki, u dinning inson ruhiy kamoloti asosi ekanini real-hayotiy voqealar asosida tasvirlab bergan. Ommaviy madaniyatga og'ib ketayotgan zamonaviy yoshlar uchun bu kabi asarlar tengsiz badiiy qimmatga va axloqiy ahamiyatga ega.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yoxud axloq. Jadid adabiyoti namoyondalari. Odob-axloq kitobi. –T.: Yangi asr avlodi, 2016.
2. Behbudiy Mahmudxo'ja. Padarkush yoxud o'qimagan bolaning holi. –T.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2010.
3. Ahmad Lutfiy Qozonchi. Bir vijdon uyg'onur. –T.: Yangi nashr, 2019.
4. https://teletype.in/@mutolaa_sehri/qozonchi

V. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Шуъба раиси: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта ўқитувчи Паризод Туропова
Котиби: ўқитувчи Ғайрат Исроилов

QIYOSIY YONDASHUV – TALABALARDA TAHLIL KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISH YO‘LI

Karimova Yulduz Akulovna
JDPI dotsenti, f.f,nomzodi

“Yaxshi o‘qituvchi bo‘lish uchun nimani o‘qitsang – o‘shanga, kimni o‘qitsang o‘shalarga mehr qo‘ymog‘ing zarur”, – deydi mutafakkirlarimiz.

Bugun ta‘lim sohasida mehnat qilayotgan har bir inson “O‘zbekiston maktab ostonasidan boshlanadi” degan ulug‘ bir da‘vatning mohiyat-mazmunini chuqur anglamog‘i lozim. Bu borada oliy ta‘limda faoliyat ko‘rsatayotgan biz professor-o‘qituvchilarning mas‘uliyati yanada ulkanroq, zalvarliroq. Chunki biz Vatanimiz, ona yurtimiz boshlanadigan maktab uchun mutaxassislar o‘qitamiz, tarbiyalaymiz. Biz tayyorlagan shogirdlar, kadrlarimiz ertalik kunda shu ostonadan hatlab o‘tib, ichkariga kirishga, u yerning talab-ehtiyojlariga javob berishga nechog‘lik tayyorlar?!

Bu savollarga ijobiy javob berish zaminini bugun biz tashkil etayotgan darslarimizning mazmun-mohiyatidan, sifatidan qidirmog‘imiz lozim.

Oliy o‘quv yurtlarining filologiya fakulteti talabalariga mutaxassislik fanlarini o‘tishda ilg‘or pedagogik texnologiyalarni qo‘llash talabalarda fan asoslarini mukammal, chuqur o‘rganish uchun zamin yaratadi, mustaqil mushohadaga chorlaydi, nutqini sayqallashtiradi, dunyoqarashini kengaytiradi, eng asosiysi – izlanuvchanlikka o‘rgatadi. Metodist olimlarimizning fikricha, “adabiy ta‘lim jarayonida pedagogik hamkorlik bo‘lishiga erishish kerak. Adabiyot saboqlari teng huquqli hamkorliklarning birgalikdagi faoliyati bo‘lishi, ya‘ni o‘quvchilar ham, o‘qituvchi ham birday ishlashi va izlanishi lozim” [1].

Mana shunday bir samarali pedagogik hamkorlikni o‘rnatish maqsadida o‘zbek tili va adabiyoti yo‘nalishining III bosqichidagi Yangi o‘zbek adabiyoti fanidan Pirimqul Qodirovning badiiy tasvir mahoratini o‘rganishga bag‘ishlangan darsimizni kichik guruhlarda tashkillashtirishni o‘rinli deb bildik.

Bu dars o‘tilganga qadar talabalarga mavzuga tayyorgarlik ko‘rishlari uchun quyidagi adabiyotlar tavsiya etiladi.

Asosiy adabiyotlar:

1. N.Karimov va boshqalar. XX asr o‘zbek adabiyoti tarixi. –T.: O‘qituvchi, 1994.
2. Mirzayev S. XX asr o‘zbek adabiyoti. –T.: YAA, 2005.
3. Qodirov P. Yulduzli tunlar. –T.: Sharq, 2010.
4. Bobur Z.M. Boburnoma. –T.: O‘qituvchi, 2008.

Qo‘shimcha adabiyotlar:

1. Qodirov P. Qalb ko‘z gusi. –T.: Ma’naviyat, 2004.
2. Normatov U. Yetuklik. –T.: Adabiyot va san’at, 1982.
3. Zahiriddin Muhammad Bobur ensiklopediyasi. –T.: Sharq, 2014.
4. Vyurtle F. Andijon shahzodasi. –T.: O‘qituvchi, 2011.
5. Quronov D. va boshqalar. Adabiyotshunoslik lug‘ati. –T.: Akademnashr, 2010.
6. Sayyid S. Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur. –T.: O‘zbekiston. 2010.

“Yangilanayotgan milliy pedagogika o‘z oldiga ma’naviyati yuksak shaxslarni shakllantirish maqsadini qo‘ygan ekan, adabiy ta’limda badiiy tahlil hal qiluvchi ahamiyatga ega bo‘lishi shubhasizdir. Malakali badiiy tahlil bo‘lmagan joyda mo‘jizaviy asarning sehri, siri, jozibasi yo‘qqa chiqadi. Chunki uning zamiridagi badiiy va hayotiy ma’no payqalmay qolaveradi” [2].

Yuqoridagi fikrdan kelib chiqib, badiiy asar matni bilan ishlashni darsimizning markaziy masalasi deb hisoblaymiz. Pirimqul Qodirovning badiiy tasvir yaratish mahoratini “Yulduzli tunlar” romani asosida o‘rganar ekanmiz, qiyosiy tahlil metodini tanlash maqsadga muvofiqdir. Romanga Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma” tarixiy-memuar asari manba bo‘lib xizmat qilganligi uchun ham o‘rni bilan ikkala asarni qiyosiy o‘rganish, talabaga Pirimqul Qodirovning badiiy tasvir yaratish mahoratini yaqqolroq namoyon qiladi.

Adabiyotshunos olim Suvon Meli o‘zining “Baytda qiyos prinsipi maqolasida Mirzo Boburning nabirasi Akbarshoh va uning dono vaziri Birbal haqida bir rivoyat keltiradi: shoh qarshisidagi lavhga bir chiziq chizib, deydi: “Shunga qo‘l tekkizmasdan qisqartirib ber”. Birbal chiziq ostiga undan uzunroq chiziq tortadi va shohning talab-jumbog‘ini bajaradi.

Rivoyatdan kelib chiqib olim shunday fikr bildiradi: “Yonma-yon, yo ost-ust chizilgan ikki chiziq yoki shunday ikki misra tabiiy ravishda qiyos holatini paydo qiladi. Insonning zavqi tabiiysida qiyos hissi mavjud”.

Badiiy asarga qiyosiy yondashuv - adabiyotshunoslikda keng qo‘llanuvchi tadqiqot usuli. Ushbu usul mohiyati ikki yoki undan ortiq narsa-hodisalarni o‘zaro qiyoslab, ularning o‘xshash hamda farqli tomonlarini, bularni keltirib chiqargan omillarni aniqlash orqali muayyan ilmiy xulosa va umumlashmalar chiqarishdan iboratdir.

Darsning tashkiliy qismida, o‘qituvchi mavzuni e‘lon qilgach, talabalarni mavzuga, muammoga e‘tiborlarini to‘liq jalb qilish maqsadida yuqoridagi rivoyatni aytib berishi va qisqacha qiyosiy metodning mohiyatini yana bir bor tushuntirib, yuborishi (1-bosqichda “Badiiy tahlil asoslari” fani o‘tiladi) maqsadga muvofiq.

Doskaga qiyosiy tahlilni amalga oshirish algoritmi (G. Xalliyeva) chizmasi beriladi:



O‘qitishning faol pedagogik texnologiyalaridan hisoblangan guruhlarda ishlash so‘nggi yillarda Yevropa mamlakatlarida keng ommaviylik tusini olgan o‘qitish metodidir. Masalan, Daniyada odamlar ma‘lumot yoki kasbni guruhiy faoliyatda egallaydilar. To‘rt yoki olti nafar o‘quvchilarning biror bir muhim o‘quv tadbiriga ishtirok etishi va ularning hamkorlikdagi faoliyati bunday mashg‘ulotning samarasini belgilaydi. Guruhlarga berilgan topshiriq, vazifalar bosqichma-bosqich navbatlanishi lozim. Guruhlar bir jinsli (o‘g‘il bolalar, erkaklar yoki qiz bolalar va ayollar) bo‘lishi mumkin. Ta‘lim yo‘nalishi va pedagogik maqsad hamda vazifalardan kelib chiqib bunday guruhlar xususiy holat uchun shakllantiriladi.

Talabalarni besh nafardan besh guruhga bo‘lamiz.

Har bir guruh uchun topshiriq kartochkalari tayyorlangan. Kartochkada ikkitadan savol bo‘lib, navbat bilan guruhlar savollarga javob qaytaradilar.

1-guruh. Savollar:

1. Obrazli informatsiya olish nuqtayi nazaridan “Yulduzli tunlar” va “Boburnoma”ning birinchi jumlasini solishtiring. Fikringizni badiiy tilning eng muhim belgilovchi spetsifik xususiyatlari bo‘yicha asoslang.

2. 1494-yil voqealari bayonida Bobur “Darvesh Gov ismli kishi Andijon arboblari haqida behuda so‘z aytgani uchun qatl etildi. Bu siyosatdan butun el tinchib qoldi”, - deya ma‘lumot beradi (38-bet). Mana shu ma‘lumotni “Yulduzli tunlar”dagi talqiniga e‘tibor qarating. Nohaq o‘ldirilayotgan Darvesh Govning iltijolari tufayli endi taxtga chiqqan Bobur qalbida uyg‘ongan ruhiy iztirobni yozuvchi qanday tasvirlagan? Qora bulutning yopirilib kelishi, quyosh yuzining to‘silishi, qora bulutlar shamoli, oyning tutilishi kabi tasviriylikma‘nolarini Bobur taqdiri bilan qanday bog‘liqligi bor?

2-guruh. Savollar:

1. Romandagi faqat yozuvchining tasavvuriga qurilgan bobni aniqlang. Bu bobning romandagi o‘rni nimada deb o‘ylaysiz?

2. Quva ko‘prigining talafoti bilan bog‘liq tafsilotlarni har ikki asarda berilishiga e‘tibor bering. Yozuvchining badiiy zakovati va tasvir mahoratini misollarda tushuntiring.

3-guruh. Savollar:

1. “Boburnoma”da tarixiy shaxslar portreti yaxlit, izchil- shakl-shamoyili deb beriladi. “Yulduzli tunlar”da yozuvchi boshqacharoq yo‘ldan boradi? Nega shunday? Fikringizni biror tarixiy personaj, masalan, Umarshayx Mirzoning “Yulduzli tunlar”dagi portreti misolida tushuntiring.

2. 1506-yil voqealari bayonida Badiuzzamon va Muzaffar Mirzolar bilan uchrashishga borgan Bobur: “Avval menga Bog‘i Navda (Yangi bog‘) qo‘nim joy tayin qilgan edilar. Ertasi ertalab kelib Bog‘i Navda bir necha kun bo‘ldim. Uni munosib ko‘rmay, Alisherbekning uylarini tayin qildilar. Hirotdan ketguncha Alisherbekning uylarida edim”, - deydi. (195-bet). Bu holat “Yulduzli tunlar”da qanday tasvirlangan?

4-guruh. Savollar:

1. Romanga “Yulduzli tunlar”dan so‘ng ikkinchi nom Bobur deb sarlavha qo‘yildi. Asar Bobur hayotiga bag‘ishlangan tarixiy-biografik roman bo‘lishiga qaramay, nega bu nom kitobxon qalbiga singib ketmadi? “Yulduzli tunlar” nomini asar qahramonlari, sujeti bilan qanday bog‘lay olasiz?

2. “Boburnoma”da Bobur Umarshayx Mirzoning o‘limi haqida: Ushbu yili (1494) dushanba kuni, ramazon oyining to‘rtinchisida Umarshayx Mirzo jardan kabutarlar va kabutarxonasi bilan uchib, halok bo‘ldi. O‘ttiz to‘qqiz yoshda edi”, - deydi. (32-bet).

Umarshayx Mirzoning jardan qulab, halok bo‘lish sahnasi “Yulduzli tunlar” da qanday tasvirlangan?

5-guruh. Savollar:

1. Sizga nemis yozuvchisi F.Vyurtlening “Andijon shahzodasi” sarguzasht-qissasi o‘qishga tavsiya etilgan edi. aytingchi, nemis yozuvchisi Umarshayx Mirzoning o‘limi sabablarini qanday talqin qilgan. Ikki yozuvchining badiiy topilmalarida qanday mushtarak va farqli jihatlar bor?

2. “Boburnoma”ning badiiylik jihatlari qay o‘rinlarda ko‘rinadi?

O‘qituvchi guruhlar tomonidan berilgan javoblar, chiqarilgan xulosalarga izoh berib, ularni baholaydi.

“Xalqaro miqyosdagi tajribali olimlar, pedagoglar o‘quvchida badiiy asar o‘qishga rag‘bat uyg‘otishning samarali usullaridan biri pragmatik yondashuv ekanligini tasdiqlaydilar... pragmatikaning muhim elementlaridan biri amaliy faoliyatning ta‘lim va tarbiya jarayonidagi o‘rni, o‘quvchilar shaxsiy tajribalari va atrof-muhit bilan o‘zaro munosabatda o‘z bilimlarini rivojlantirib borish ko‘nikmasidir” [3].

“Yostiqday-yostiqday kitob yozib tashlayvergan bilan yozuvchi talantli bo‘lib qolmaydi”, – deganday Abdulla Qahhor, yostiqday-yostiqday kitoblarni o‘qib tashlagani bilan ham odam kitobxon sanalavermaydi. Moli ko‘payayotganidan zavqlanib, sandiqqa hadeb bisot to‘plashdan foyda yo‘q, vaqtida ishlatilmagan, foydalanilmagan matoh kun kelib eski va yaroqsiz narsaga aylanib qolishi yoki bir umr havo tegmay o‘sha sandiqda qolib ketishi mumkin.

Xuddi shunday hayotimizda o‘rni bo‘lmagan, anglanmagan, amaliyotga o‘z vaqtida tatbiq etilmagan, faqat badiiy informatsiya sifatida miyangizning

(qalbingizning emas), bir puchmog'ida yotgan asar va undan olgan taassurotlaringiz ham sizga keraksiz matoh. Haqiqiy kitobxon bilimlarni ishlatadi, tafakkurini charxlaydi, undan yangi g'oyalar, motivlar topib o'qish va uqishning hayotbaxsh kuchini his qiladi, badiiyat va hayot o'rtasiga oltin ko'prik qo'yadi.

Adabiy ta'limga pragmatik yondashuv o'quvchilarning ma'lum bir asardan olgan nazariy tushunchalarini, shu asar haqidagi taassurotlarini amaliy ko'nikma bilan barobar rivojlantirishni nazarda tutadi. "O'quvchining hayotiy tajribasidan tashqarida tashkillashtirilgan ma'lum vaqtni bekor o'tkazish bilan bir qatorda ularni tafakkur jihatdan cheklash, badiiy asarga yuzaki munosabatda bo'lish va oqibatda ta'limda kutilgan maqsadga erisha olmaslik kabi salbiy oqibatlarga olib keladi" [3].

Shu mulohazalarni nazarda tutgan holda kichik guruhlar bilan ishlash jarayonida "3X4" [4] texnologiyasidan foydalanishimiz mumkin. Guruhlar qoida bo'yicha shakllantirib bo'lingandan so'ng, o'qituvchi talabalarni mashg'ulotning maqsadi va o'tkazilishi tartibi bilan tanishtiradi va har bir kichik guruhga qog'ozning yuqori qismida topshiriq mavzusi yozilgan varaqlarni tarqatadi. O'qituvchi kichik guruh a'zolariga tarqatma materialda ko'rsatilgan mavzu bo'yicha faqat uchta gap yozishlari mumkinligini uqtiradi va aniq vaqt belgilaydi. Guruh a'zolari birgalikda mavzuga oid fikrlarini yoza boshlaydilar. Vazifa bir sidra bajarilgach, guruh a'zolari soat mili yo'nalishi bo'yicha joylarini o'zgartiradilar, ya'ni 1-guruh 2-guruhning, 2-guruh 3-guruhning va hokazo joyiga o'tadi. Yangi joyga kelgan guruh a'zolari shu yerda qoldirilgan tarqatma materialdagi fikrlar bilan tanishib, unga yana uchtadan o'z fikrlarini qo'shadilar.

Guruh a'zolari yana yuqoridagi kabi joylarini o'zgartiradilar, shu tariqa kichik guruhlar o'z joylariga qaytib kelgunlariga qadar joylar almashtirib, matnlarga o'z fikrlarini qo'shib boradilar. O'z joylariga qaytib kelgan guruhlar tarqatma materialdagi barcha fikrlarni diqqat bilan o'qib ularni umumlashtirib yaxlit bir matn holatiga keltiradilar. Har bir kichik guruhning mualliflik matnlarini guruh a'zolaridan biri taqdimot qiladi. O'qituvchi kichik guruhlar tomonidan tayyorlangan matnga izoh berib, ularni baholaydi, mashg'ulotni yakunlaydi.

Adabiy ta'limda pragmatik yondashuv talablaridan kelib chiqib talabalarga beriladigan matn mavzulari:

1. Bobur Mirzoning yaqin odami, yaxshigina harbiy salohiyatga ega No'yon Ko'kaldoshning sirli o'limi haqida muallif "Boburnoma"da yig'lab yozadi. Negadir shu ta'sirchan faktdan yozuvchi "Yulduzli tunlar"da foydalanmaydi. **Topshiriq:** "Yaxshi do'st ko'z qorachig'i kabi" mavzusida fikrlaringizni yozing.

2. Alisher Navoiy va Bobur Mirzo hayotda uchrashishga ulgurishmagan. Navoiyning vafotidan 4 yil o'tib Hirotga borgan Bobur Mirzo Navoiy istiqomat qilgan uyda bir muddat yashagan. Bu holat "Yulduzli tunlar"da chiroyli tasvirlangan. **Topshiriq.** Bobur Hirotga borgan payt Navoiy hayot bo'lganda, ularning suhbatida qanday kechardi? "Daho qoshida" mavzusida fikrlaringizni yozing.

3. Bobur sozanda Husayn Udiy haqida shunday yozadi: "Udni yoqimli chalib, ma'nili qo'shiqlar aytardi. Udning torlarini yakka qilib chalgan - shu. Aybi bu ediki, ko'p noz bilan chaldirdi. Shayboniyxon bir navbat soz chalishni buyuradi. Takalluf qilib ham yomon chaladi, ham o'z sozini olib kelmay, yaramas soz keltiradi.

Shayboniyxon buni fahmlaydi. Ziyofat paytidayoq bo‘yniga boplab musht tushirishlarini buyuradi. Shayboniyxonning olamda qilgan bir yaxshi ishi bo‘lsa, shudir. Zotan, juda to‘g‘ri ish qilgan. bunaqa nozik erkaknusxalarga bundan qattiqroq jazo kerak”. Bobur Mirzoning san‘atga, san‘atkorning ma‘naviy-axloqiy qiyofasiga, etiketiga bo‘lgan qarashlari bizning kunlarda nechog‘lik ahamiyatga ega? **Topshiriq:** “Shayboniyxonning to‘g‘ri ishi” mavzusida fikrlaringizni yozing.

4. Kim ko‘ribtur, ey ko‘ngil, ahli jahondin yaxshiliq,

Kim andin yaxshi yo‘q, ko‘z tutma andin yaxshiliq.

Hisorga ketayotgan Bobur Mirzo birin-ketin yuziga bekilgan qo‘rg‘onlarni, yaxshilikni qilishni ham, qaytarishni ham bilmaydigan qo‘rg‘onbegilarning nomardligidan kuyib: “Biz shahar va viloyatdan mahrum, borar-turarimiz noma‘lum edik”, - deydi 1500-1501-yil voqealar bayonida. Yuqoridagi mashhur g‘azalni shoir o‘sha payt yozadi. “Yulduzli tunlar” da Pirmqul Qodirov o‘zining badiiy niyatiga ko‘ra bu g‘azalni Boburning Samarqand taxtini qo‘lga kiritgan vaqtida, nisbatan hayoti osuda payti, shoir Binoiy bilan Navoiyning atrof-olamga qilgan yaxshiligi haqida suhbatlasha turib yozganday tasvirlaydi. Buni ham Pirmqul Qodirovning yaxshi topilmasi deyish mumkin. Chunki Navoiy va yaxshilik egiz tushunchalardir. **Topshiriq:** “Bori elga yaxshilik qilg‘ilki, mundin yaxshi yo‘q”, degan Boburning fikriga munosabatingiz. Fikrlaringizni “Bori elga yaxshiliq qilg‘il...” mavzusida qog‘ozga tushiring.

Yuqoridagi va keyingi topshiriqlarning natijasiga qarab, mavzuga umumiy xulosalar yasaladi, talabalar baholanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Husanboyeva. Tahlil – adabiyotni anglash yo‘li. –T.: Muharrir. 2013. 58-b.
2. Yo‘ldosh Q., yo‘ldosh M. Badiiy tahlil asoslari. –T.: Kamalak. 2016. 20-b.
3. Mirzayeva Z. Adabiy ta‘limda pragmatik yondashuv. Til va adabiyot ta‘limi jurnali. 2019. 8-son. 9-b.
4. Ishmuhammedova R., Abduqodirov A., Pardayev A. Ta‘limda innovatsion texnologiyalar. –T.: 2008. 34-b.
5. Karimov N.va boshqalar. XX asr o‘zbek adabiyoti tarixi. –T.: O‘qituvchi, 1994.
6. Mirzayev S. XX asr o‘zbek adabiyoti. –T.: YAA, 2005.
7. Qodirov P. Yulduzli tunlar. –T.: Sharq, 2010.
8. Bobur Z.M. Boburnoma. –T.: O‘qituvchi, 2008.
9. Qodirov P. Qalb ko‘z gusi. –T.: Ma‘naviyat, 2004.
10. Normatov U. Yetuklik. –T.: Adabiyot va san‘at, 1982.
11. Zahiriddin Muhammad Bobur ensiklopediyasi. –T.: Sharq, 2014.
12. Vyurtle F. Andijon shahzodasi. –T.: O‘qituvchi, 2011.
13. Quronov D. va boshqalar. Adabiyotshunoslik lug‘ati. –T.: Akadernashr, 2010.
14. Sayyid S. Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur. –T.: O‘zbekiston, 2010.

BOSHLANG‘ICH TA‘LIMDA O‘YIN-TOPSHIRIQLARDAN FOYDALANISH ORQALI O‘QUVCHILAR FAOLLIGINI OSHIRISH

*Jumaniyozova Muhabbat Xo‘sinovna,
UrDU dotsenti, f.f.nomzodi
Zakirova Maqsuda Atayevna,
UrDU o‘qituvchisi*

Yosh avlodni tarbiyalashda o‘z ona tilida aniq, tushunarli, ta’sirchan, chiroyli so‘zlashga o‘rgatish masalasi asosiy o‘rinda turadi. O‘quvchilarni savodli, o‘z fikrini to‘g‘ri va erkin bayon qila oladigan, nutq madaniyatiga ega kishilar qilib tarbiyalash vazifasi dastlab boshlang‘ich ta‘lim bosqichida amalga oshiriladi. Nutqni yaxshi egallagan, o‘z tilining imkoniyatlaridan keragicha foydalana oladigan o‘quvchi, albatta, boshqa o‘quv predmetlarini ham ancha oson va to‘liq o‘zlashtiradi, ularda bilim va madaniyatga bo‘lgan intilish kuchayadi.

Ona tilining boshlang‘ich kursida, asosan, nutqiy tadbirkorlikni rivojlantirish, orfoepik va imlo savodxonligini oshirish, so‘z va uning ma’nolari ustida ishlash, nutq sharoitiga mos ravishda so‘zdan to‘g‘ri va o‘rinli foydalanish malakalarini shakllantirishga alohida e’tibor beriladi. Ona tili ta’limi bolalarning tafakkur qilish faoliyatlarini kengaytirish, erkin fikrlay olish, o‘zgalar fikrini anglash, o‘z fikrlarini og‘zaki va yozma ravishda ravon bayon qila olish, jamiyat a’zolari bilan erkin muloqotda bo‘la olish ko‘nikma va malakalarini rivojlantirishga xizmat qiladi. Bu o‘rinda ona tili ta’limiga o‘quv fani emas, balki butun ta’lim tizimini uyushtiruvchi ta’lim jarayoni sifatida qaraladi [1].

Ona tili ta’limi standarti ko‘rsatkichlari bolani fikrlay olish, ifodalangan fikrni anglash va o‘z fikrini savodli, mantiqiy izchillikda bayon eta olishga o‘rgatish nuqtai nazaridan belgilanadi. DTS ko‘rsatkichlariga erishishda ona tili darslarida o‘quvchilar faolligini oshirish juda muhimdir. O‘quvchilarning faolligini oshiruvchi omillardan biri ona tili darslarida interfaol metodlarni qo‘llashdir. Bu masala ona tili o‘qitish metodikasining muhim vazigalaridan biridir [2].

Ona tilidan tashkil etiladigan ta’limiy o‘yinlar oldin egallangan bilimlarni faqat xotirada tiklashni va uni takrorlashni, shu egallangan bilimlarni qisman yangi sharoitda (notanish sharoitda) qo‘llashni va tamomila yangi sharoitda qo‘llashni talab etishi mumkin [3]. Dars mashg‘ulotlarida faqat bir xildagi o‘yin- topshiriqlar bilan cheklanib qolmay, balki ko‘proq ijodiylikka undovchi o‘yin – topshiriqlarga e’tiborni kuchaytirishga to‘g‘ri keladi. Zero, o‘quvchilarni fikrlashga, o‘ylashga, matn yaratishga o‘rgatmasak, hozirgi zamon darsiga qo‘yilgan muhim talab shaxsning rivojlanishiga erishib bo‘lmaydi.

“Tez top” o‘yini. O‘qituvchi o‘quvchilarga xalq maqollaridan namunalar aytadi. O‘quvchilar esa bunday maqollar qatorini davom ettiradi. Ulardan sanoq sonlarni aniqlaydilar hamda shu maqollarning ma’nolari ustida ish olib boradilar. Sonlarni o‘z ichiga olgan maqollarni belgilangan miqdorga yetkazib, ularning ma’nosini tushungan va izohlab bera olgan o‘quvchilar o‘qituvchi tomonidan rag‘batlantiriladi. Namuna: “Bir bolaga yetti mahalla ota-ona”, “Sanamay sakkiz

dema”, “Bir yil tut ekkan kishi, yuz yil gavhar teradi”, “Bir kalla - kalla, ikki kalla tilla”...

O‘quvchilarning imlo savodxonligini oshirish maqsadida “To‘g‘ri yozgan g‘olib bo‘lar, yaxshi ilmu tolib bo‘lar” o‘yin - topshirig‘idan foydalansa bo‘ladi. Bu o‘yinda o‘qituvchi ma‘lum bir sonlarni raqam bilan taxtaga yozadi va ularni imlo qoidasiga muvofiq yozishni talab etadi. Masalan, 1-2, 3-4, 5, 10 ta, 15 ta, 40, 55, 60 ta, 70-80 ta, 90, 100 va h.k.

Raqamlar bilan ifodalangan sonlarni so‘zlar orqali to‘g‘ri yozgan o‘quvchilar o‘yin sharti asosida g‘oliblikni qo‘lga kiritishlari mumkin.

Darsning noan‘anaviy shakllaridan yana biri “Topqirlar bellashuvi” darsidir. Bu darsni tashkil etish uchun sinf o‘quvchilari avvalo ikki guruhga ajratiladi. Guruhlar o‘rganilgan 3-4 mavzu doirasida oldindan savol va topshiriqlar tuzadilar. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining bilim saviyasini hisobga olib, bu topshiriqlar bevosita o‘qituvchi rahbarligida tuzilgani ma‘qul. Bellashuvda birinchi guruh ikkinchi guruhga va ikkinchi guruh birinchi guruhga savol va topshiriqlar beradi. O‘qituvchi qaytarilgan javoblarni tahlil qiladi va har bir guruhga ballarini e‘lon qiladi. Ko‘p ball to‘plagan guruh o‘yin g‘olibi sanaladi.

“Topqirlar bellashuvi” darsini har xil shakllarda o‘tkazish mumkin. Masalan, “So‘zlar olamiga sayohat”, “Gaplar olamiga sayohat”, “To‘siqlarni yengib o‘taman” va h.k. kabi.

O‘qituvchi kichik maktab yoshidagi o‘quvchilar bilan qaysi yo‘nalishda ish tutsa, ular tez shunga moslashadi. O‘quvchini fanga qiziqtirish, undagi qobiliyatni yuzaga chiqarish kichik sinf o‘qituvchisidan mohirlikni, o‘ziga xos uslubiyatni, bolajonlikni talab etadi. Shu sababli ona tili mashg‘ulotlarida o‘qituvchi nafaqat qayta xotiralashga asoslangan o‘quv topshiriqlardan, balki qisman ijodiy topshiriqlardan ham unumli foydalanishi lozim. Ijodiy topshiriqlar ustida ishlash bolalarning yoshi va bilim saviyasi oshgan sari asta-sekin murakkablashib boradi.

Bola ilk bor maktabga qadam qo‘ygan ekan, ma‘lum so‘z jamg‘armasi bilan keladi. U oilada, bog‘chada ko‘p so‘zlarni ishlatsa-da, hali ularning ma‘nosini chuqur anglamaydi. 8-9 yoshli bolalar esa bir yildan ziyodroq tajribaga ega bo‘lgan bolalar bo‘lib, ularda dars jarayonida mustaqil xulosalar chiqarish ancha tarkib topgan bo‘ladi. Ona tilini o‘rganish ularning nutqiy muloqot doirasini kengaytirishini, badiiy, ilmiy adabiyotlarni o‘rganishlariga keng yo‘l ochib berishini anglay boshlaydilar.

Ko‘rinadiki, boshlang‘ich sinf ona tili darslarida asosiy e‘tibor o‘quvchilarga tilning grammatik qurilishini emas, balki ularning so‘z boyligini oshirish, so‘zdan to‘g‘ri va o‘rinli foydalanish, fikrini sharoitga mos ravishda ifodalay olish ko‘nikmalarini kengaytirishga qaratilmog‘i zarur.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Uzviylashtirilgan Davlat ta‘lim standarti va o‘quv dasturi. –T.: 2017.
2. Qosimova K., Matchonov S. , G‘ulomova X., Yo‘ldasheva SH., Sariyev Sh. Ona tili o‘qitish metodikasi. –T.: Nosir, 2009.

3. Yoqubov Sh., Mustafouqlov R. Grammatik o‘yinlar orqali o‘quvchilarni faollashtirish// Yigirma birinchi asrda o‘zbek tili ta’limi masalalari. –T.: 2007. 42-b.

СЎЗЛАРНИНГ ШАКЛ ВА МАЪНО ҚИРРАЛАРИНИ ҲАМ ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Раҳмонқулов Абдуназар,
академик Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд давлат Университети,
ўзбек тили ва унинг таълими методикаси кафедраси mudiri,
филология фанлари номзоди*

Ҳозирги давримиз таълимнинг муҳим вазифаси таълимни глобаллаштириш, яъни таълим-тарбия жараёнига комплекс ёндашув ва болаларни ўта мураккаб ва ўзгарувчан ҳаёт сўқмоқларига тайёрлашга қаратилгандир. Ўзгарувчанлик аслан табиатга хос бўлиб кун ва тун алмашилиб турганидек ҳаётнинг доимий ҳамроҳи экан, инсон ҳам турғунлик, стабил ҳолатга эмас, балки ўзгарувчан, муттасил ривожланиш, тараққиётни тақозо этувчи ҳаётга тайёр бўлиб бориши ҳаёт талабидир. Айниқса, ҳозирги жадал ривожланаётган илму фан, техника ва технология, ахборот ва коммуникация воситалари ҳаётда енгиллик яратаётгани эътироф этилади, аммо ҳаётда барқарорлик, стабилликнинг тобора камайишига олиб келаётганини аналитик (башоратчилар) қайд этмоқда. Таълим жараёни ҳам ҳаётга мутобиқ бўлиши табиийдир. Бугун мактабларимиз замонавий умумпедагогик технологиялар, хусусий-методик янгиланишлар, таълимнинг техник воситалари билан етарли даражада таъминланган, жиҳозланган бўлса-да, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланувчи, таълимнинг янги мазмуни, усул ва воситаларини ишга солувчи ўқитувчилар фаоллик ва ташаббускорлик билан ижодкорлик кўрсатмаса, берилган имкониятлардан самарали фойдаланмаса, жиҳозу ускуналар, дастур ва стандартлар, дарсликлар ўзи ҳеч нарса бермаслиги аниқ.

Илғор педагогик технология, интерфаол усулларнинг моҳияти кенг камровли бўлиб, болаларни фаоллаштириш, қизиқтириш, ҳар бир ўқувчининг ақлий-зеҳний қобилиятини ривожлантириш учун имконият, вазият яратишни тақозо қилади. Нимани ўқитишдан ташқари қандай усулда ўқитиш ; ўқувчиларга фақат тайёр билимни бериш эмас, балки билим олишнинг йўллари ҳам (стратегияларини) ҳам ўргатиш талаб қилинади. Чунки мустақил ишлаб билим даражасини кенгайтириб бориш кўникмаси мактабдан кейинги ҳаёт даври учун ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Хитой ҳикматларида айтилганидек, оч кишига балиқ бериб тўйдириш бир савоб бўлса, унга балиқ овлашни ўргатиш минг савобга тенг экан.

Интерфаол усул ҳар бир ўқувчида ўз билими, қобилиятини кенг намоёништириш имконини беради. Ўқувчиларда яқка тартибда, жуфтликда, гуруҳларда ишлаш кўникмаларини шакллантириш, дўстона ўқув муҳитини яратиш учун ана шундай дарсларни ташкил эта олиш ўқитувчидан анча маҳорат, жиддий

изланиш, иждокорликн талаб қилади. Ушбу мақолада она тили таълимини юқорида айтилган талаблар асосида ташкил этишда кўл келадиган баъзи тавсиялар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида педагогик инноватсияларни кенг кўламда кўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияларидан бири ҳисобланади. Педагогик инноватсиялар кўламининг ортиб бориши, мамлакатлар модернизатсия жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўптилли таълим тизими она тили ўқитувчилари зиммасига улкан вазифалар юклайди. Она тилини мукамал ўрганиш иккинчи, учинчи тилни пухта эгаллашлари учун замин бўлиб хизмат қилиши лозим. Мустақиллигимиз 2-3 ўн йилликлар сари одимлаётган ушбу замонда ёшларимизнинг миллий тилда ўқитиладиган таълим муассасаларининг кўп тилли, ёки билингвиал таълим тизими асосида билим эгаллашлари келажакда уларнинг кўп маданиятли оламда ўз ўрнини эгаллашларига замин ҳозирлайди. Бу, айниқса, ҳозирги кўптилли, кўпмаданиятли оламда билингвиал таълимнинг муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Кўпмиллатли мамлакатлар қатори Тожикистоннинг маориф тизимиди иккитилли – билингвиал, учтилли ва ундан ҳам кўп тилли таълим тизими жорий қилинган.

Сўзлардаги омонимия ҳодисаси ҳақида дарсликларимизда етарли маълумот берилгани ҳолда, кўшимчалар ва сўз формаларидаги омоаффикслар (кўшимчалар омонимлиги) ҳақида ва омоформа (омошаклар) ҳақида маълумотлар кам. Ушбу мавзуларни онгли ўзлаширишлари учун ўқувчиларни интенсивлаштиришимиз зарур. Омонимлар луғатида ҳам асосан тил босқичидаги омолексемалар олиниб нутқ босқичида вужудга келувчи омоформаларга кам эътибор қаратилган [1; 8]. Ваҳоланки, шалкий тенгликни вужудга келтирувчи нутқда ажойиб тажнис санъатини вужудга келтиришда омоформаларнинг роли омолексемалардан сира кам эмас. Омоним сўзлар ва омоним (аффикслар) кўшимчаларни ўқитишда қиёслаш, таққослаш усулидан фойдаланамиз. Бу айниқса, маъно фарқлашга хизмат қилувчи урғу ўрнини белгилашда аҳамият касб этиб, урғу олувчи ва урғу олмайдиган кўшимчаларни билиб олишлари учун ҳам зарур. –ма омоним кўшимчасининг орфоэпик (айтилиш) ва график (ёзилиш)хусусиятларини ёритишда гуруҳлар эътиборига ҳавола қилиш учун қуйидаги кўргазмани тавсия этамиз : кузатайлик

Урғу олмайди	Урғу олади	Урғу олади
Феълнинг бўлишсиз шакли -ма	От ясовчи -ма	Сифат ясовчи -ма
Қайнат ма	Қатла ма ,	Қайнат ма шўрва
Тугма	Тугма	
Бура ма		Бура ма кўйлак
Қатла ма	Қатла ма	
Сузма	Сузма	
Босма		Босма нусха

Иккинчи гуруҳга юклама ва келишик шакллари омоформаларини қиёслаш вазифаси топширилиши мумкин:

<i>Омоформа лар</i>	<i>Юкламали шакл</i>	<i>Келишикл и шакл</i>	<i>Кичрайтир иш Эркалаш шакли</i>	<i>Равиш шакли</i>
-да	Ёз-да ...	Ёзда -		
-гина	Қизгина(қолди)айири б кўрсатиш,урғу олмайди		Қизгина – урғу олади	
-ча			Йигитча (кичрайтиш урғули)	Йигитча Урғу олмайди
- а	Тун-а			Туна (феъл) тонгни оттир,тун а (ўғирла)

Фақат урғуси ўрнига кўра фарқланувчи омоним, тўлиқ омоним сўзларни ҳам сўз туркумларини аниқлаб, маъноларини қиёслаб тушунтириш зарур.

<i>омоформа</i>	<i>Ўзак</i>	<i>Сўз туркуми</i>	<i>Маъноси</i>	<i>Қўшимча</i>
олма	Ол	Феъл	Қўлга киритиш	-ма буйруқ феъ. қ.часи,б-сиз
олма	олма	От	Мева тури	-
қарға	қарға	Феъл		
қарға	қарға	От		

Бундай шаклдош сўзларни қиёсан тушунтиришда сўз туркумларига эътибор берилади, ўзак ва негиз, қўшимчалар урғу ва маъно жиҳатларни комплекс таҳлилин аналга оширилиши талаб қилинади. Яъна бунда семантик таҳлил; луғавий муқоясавий таҳлил; луғавий маъно таҳлили; имловий-луғавий таҳлилилар бақамти эътиборга олишга ўқувчиларни ўргатиб боришимиз зарур бўлади.

Ўзи омоним сўзлар (омолексемалар) омоним аффикслари олганида яна устама омонимлик (омоформа) ҳосил қилади. Бундай омошаклларни ўзак ва аффиксларини ажратиб, уларнинг маъно томонини ҳам шарҳлаш керак. Бу топшириқлар ҳам мусобақа асосида ўтказилса яхши самара беради. Мисол учун :

Тўйинг куни тўйиб йиғладим (қўшиқдан). Кимлигим қўйинг, қўшиққа **тўйинг**.

<i>Омоформа омошаклар</i>	<i>ўзак</i>	<i>Сўз туркуми</i>	<i>Қўшимча тури</i>	<i>маъноси</i>
тўйинг	тўй	От	<i>-инг (эгалик,2-шахс, бирлик)</i>	Маросим,тантана
тўйинг	Тўй	Феъл	<i>-инг (шахс-сон 2шахс бирлик)</i>	Етарлича баҳра олинг ,истеъмол ..
кулинг	кул	От	<i>-инг (эгалик,2 шахс,бирлик ш.)</i>	Ёнгандан қолган модда
кулинг	кул	Феъл	<i>-инг (шахс-сон,2шахс бирлик)</i>	Ханда,табассум қилинг
қўйинг				
Қўйинг				

Яна сочинг, тилинг,ёринг, учинг, ёзинг, ёнинг, ўтинг каби омоформаларни ҳам таҳлил учун тавсия этиш мумкин.

Омонимларнинг турларини тушунтиришда қуйидаги таблицадан фойдаланиш мумкин :

<i>Белгилар/ турлар</i>	<i>тўлиқ омоним</i>	<i>Омограф</i>	<i>омофон</i>	<i>омоформа омошакл</i>	<i>нутқий омоним</i>
Талаффузи ва ёзилиши бир хил	+				
Талаффузи фарқли, ёзилиши бир хил		+			
Ёзилиши фарқли, талаффузда урғу ва олд қ.ёки орқа қ;каттик юмшоқлиги билан фарқланувчи			+	+	
Сўз ва сўз бирикувлари ўртасидаги шаклдошлик					+

Омоним турларини мисоллар орқали хотирага мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги сингари таблицалар тавсия этилади:

<i>Омоним турлари</i>	<i>Мисоллар</i>
Тўлиқ омонимлар	Ёз –фасл, ёз – хат, ёш-сифат, ёш-умр йили...

Омофонлар	Ёд- ёт, суд – сут,
Омографлар	Ток – ток, ис- ис, бўй – бўй, том – том
Омоформалар	Қарға – қарға, олма – олма, бўлиб – бўлиб

Омонимларни кўп маъноли сўзлардан фарқли ҳолда турли сўз туркумлари доирасида ҳам амал қилиши бўйича мисоллар билан тушунтириш учун қуйидаги таблитса тавсия этилади.

Омоним сўзлар	От	Сифат,	сон	Олмош	Феъл	Равиш	Богловчи
Ёр	+				+		
кўк	+	+					
кеча	+					+	
кеч					+	+	
дам	+						+
Оз					+	+	
кунда	+					+	
енг	+				+		
лакқа	+					+	
етти			+		+		
Уч	+		+		+		
Ё		+					+
Қўй,от	++				++		

Бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ва ўз қатлам сўзларимиз ўртасидаги омоним шакллар ҳам анчагина салмоққа эга. Уларни қиёсан тушунтиришимиз учун қуйидаги каби таблицалар тавсия этилади:

омолексем алар	ўзбекча	тожикча	арабча	Русча
Гап	Гурунг, Зиёфат	нутқ		
Дам	Лаҳза	ҳаво		
Даста	Тўда	соп		
доира	айлана	чолғу асбоб		
Дом	дарак	тузоқ		Уй
карам		карам(маҳсулот)	саховат	
Алиф			харф	Мой буёқ
Панд		Насихат, алдаш		
Пул	Муомала бирлиги	Кўприк, пул		
Пора	Бўлак, парча	Пул бериш		
Расм	чизма	сурат	одат	
Пар	Пат	пат		Буғ, жуфт

Рух		Юз, донаси	шаҳмат	кайфият	
-----	--	---------------	--------	---------	--

Сўзларнинг шакл ва маъно қирралари, шаклдош сўзлар ҳақидаги мавзулар ўтиб бўлингандан кейин машқлар учун мисол танланганда мумтоз ва замонавий шеърини матнларга мурожаат қилинади:

Қадимни фироқ меҳнати ё қилди
 Кўнглим ғаму андуҳ ўтида ёқилди
 Ҳолимни сабоға айтиб эрдим эй гул
 Билмадим сенга арз қилмади ё қилди

Биринчи сатрда Ё қилди арабча сўз ёй эгик ,эгди маъносини билдирган, иккинчи сатрда ёқ ўзагига –ил нисбат ва –ди замон кўшимчаси кўшилган, тўртинчи сатрда эса ё боғловчиси ва қилди феълнинг биргаликдаги талаффуз шакли нутқий (омофон) омонимларни вужудга келтириб тажнис санъатини юзага чиқармоқда.

Яна :

*Лаълидин жонимга ўтлар ёқилур,
 Қоши қаддимни жафодин ё қилур
 Мен вафоси ваъдасидин шодмен
 Ул вафо билмонки, қилмас ё қилур*
 (Навоий.)

*Кечди умру тушмади ул ёр ила
 Қўрқарам кўнглум бу ғамдин ёрила
 Бу вафосизликни сендан кўрмишам,
 Ўтиқодим қолмади ҳеч ёр ила.*
 (Лутфий.)

*Келур сел, кўкда гоҳо пайдо бўлса чақмоқ,
 Зарар қилгай тишида данакни тишида чақмоқ,
 Ёмондир икки ўртоқ ўртасида
 Уруштирмоқ учун бир-бирига чақмоқ.*
 (Чархий.)

*Кел, эй, дил қувончи ёна сан,
 Бу ишқ оловида ўзинг ҳам ёнасан
 Хазон янглиг юзинг ҳажрида саргайдим,
 Ўйқлабон демассан касалми ё на сан.*
 (З.Эшмухаммедов)

Она тили дарсларида тил билимларини бадиий санъатлар, бадиий тасвир воситалари устида ишлаш билан ҳам алоқадорликда олиб борилса фанлар интеграциясига ҳам амал қилинган бўлади. Бунда билим - аниқлаш, аташ, изоҳлаш, таҳлил қилиш кўникмалари – шуларга доир малакалар - ниҳоят, шу тил ҳодисасига нисбатан нутқий лаёқатнинг ҳосил бўлиши чизиғида бир неча дарсларда оз-оздан алоҳида босқич сифатида ўтказилиши башорат қилинган самарадорликни таъминлайди [2; 481-483].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи 1984. –Б. 8.
2. Мавлонова К . Ўзбек мактабларининг она тили таълимида инноватсия // Кўп тилли таълим тизимида она тили ўқитишни такомиллаштириш муаммолар „янгича кўз қарашлар ва ечимлао“ мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Чимкент: 2018 –Б. 481-483.
3. Дастури тавсиявӣ (замима ба маҷмуаи маводи методӣ оид ба тақвияти салошияти хониши хонандағони синфҳои ибтидоӣ). –Душанбе: 2019.

INNOVATION YONDASHUV ASOSIDA BOSHLANG‘ICH SINFLARDA ERTAKLARNI O‘QITISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH

*Ollaberganova Sanobar Xamidovna,
UrDU dotsenti, f.f.nomzodi
Pirova Shoxista Anvarovna, UrDU magistri*

Xalq og‘zaki poetik ijodi har bir millatning asrlar davomida yaratgan ma‘naviy merosining asl durdonalaridir. Boshlang‘ich ta‘lim yoshidagi bolalar tinglaydigan asarlarning katta ko‘pchiligini alla-qo‘shiq, ertak, topishmoq, maqol, tez aytish kabi xalq og‘zaki ijodi asarlari tashkil etadi. Bundan tashqari, yozuvchilar yaratgan asarlar kichik maktab yoshidagi bolalar uchun qo‘l keladi. Ammo shu narsani ham ta‘kidlab o‘tish kerakki, bolalar uchun ijod qiladigan qalam sohibi hayotdagi muhim, xarakterli voqea va hodisalarni badiiy obrazlar orqali bolalar nutqiga mos tilda, ularning yoshi, ruhiyati va saviyasiga muvofiq ravishda tasvirlashi lozim.

Bolalarga mo‘ljallab yaratilgan ertaklar sujetdagi yaxlitlik, tildagi soddalik, voqealar bayonidagi takroriylik xususiyatlari bilan ajralib turadi. Matnlar hajmi cheklangan bo‘ladi. Ko‘proq ma‘rifiy mazmundagi hayvonlar haqidagi ertaklardan tashkil topadi. Laylakning tumshug‘i uzunligi, burgutning erkinligi, bo‘rining vahshiyliги, otning sezgir jonivor ekanligi haqida ertaklar yaratiladi. Bola ularni eshitish bilan ham hayot tajribasini o‘zlashtiradi, ham sokin bir vaziyatda uyquga moyillik sezadi.

Xalq tomonidan yaratilgan ko‘plab ertaklarda bolalarning o‘ziga xos hayoti chetlab o‘tilmagan hatto turli yoshdagi bolalar uchun juda ko‘p maxsus ertaklar yaratilgan. Kichik maktab yoshidagi bolalarga ko‘pincha hayvonlar haqidagi ertaklar o‘qib, hikoya qilib beriladi.

Bu yoshdagi bolalarga tavsiya etiladigan ertaklarning hajmi qisqa, mazmuni sodda bo‘ladi. Avval eslatib o‘tganimizdek bu yoshdagi bolalar hali olam nima ekanligini bilmaydilar. Shuning uchun bu yoshdagi bolalarga tavsiya etiladigan ertaklar tabiat, hayvonot olami, do‘stlik, mehnat ahli, jamoa, odob-axloq to‘g‘risida bo‘lishi foydadan holi bo‘lmaydi. Bu davr bolalariga “Chivinboy”, “Qizg‘anchiq it”, “Tuyaqush bilan qoplon”, “Maqtanchoq quyon”, “Rostgo‘y bola”, “Arilarning g‘azabi”, “Tulki bilan turna”, “Sholg‘om”, “Qumursqa”, “Kaptar sovg‘asi” kabi ertaklarni o‘qib berish foydadan holi bo‘lmaydi.

Ota-onalar oldida turadigan ishlardan eng muhimi kichkintoylarni mehnatga muhabbat ruhida tarbiyalashdir. Bu tarbiyada alohida ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun han bolani yoshligidan boshlab bir ishga o'rgatish, kichkina vaqtidanoq unga bir yumush berib, ish qilishga odatlantirish lozim. Tili chiqib, u yerga, bu yerga yura boshlagan vaqtida ham bolaga biror ish berish lozim. Unga beriladigan bu ish ahamiyatsiz, hatto "ish" nomi berishga loyiq bo'lmasa ham, undan keladigan foyda zo'rdir. Chunki undan ishlar bolani ishni sevishga o'rgatadi.

Maktab yoshidagi kichik bolalarga tavsiya etiladigan ertaklarning ko'p qismi ona-Vatan, tabiat, ahloq odob, mehnat, o'qish haqida bo'lishi talab etiladi. "Zumrad bilan Qimmat", "Oltin tarvuz", "Dehqon bilan ayiq", "Non va tilla" (arab xalq ertagi), "Haqqung" (tojik xalq ertagi), "Danak" (qirg'iz xalq ertagi), "Qizg'anchiq Pak" (koreys xalq ertagi), "Kuch va topqirlik" (latish xalq ertagi), "O'tinchi yigit", "Bo'ri bilan echki" singari ertaklarni kichik maktab yoshidagi bolalar sevib o'qiydigan ertaklardir.

Bu yoshdagi bolalarga ko'proq ig'vo, g'iybat, munofiqlikdan yiroq bo'lgan ertaklar yoqadi. Negaki, yaxshi, mukammal tarbiya olgan bola boshqalarga hech bir ozor yetkazmasligi, takabburlik qilmasligini, hech kimga haqorat ko'zi bilan qaramasligini, rostgo'y bo'lishini kichkintoylar avvalgi davr bolalar kitobxonligida tavsiya etilgan ertaklar orqali bilib olishgan. Demak, u o'zidan kattalarga hurmatli, kichiklarga shafqatli va marhamatli, kular yuzli, shirin so'zli va xushmuomala bo'ladi. Va'dasiga vafo qiladi, omonatga xiyonat qilmaydi. Ig'vo, g'iybat munofiqlikdan o'zini saqlaydi. Ota-onasining hurmatini bajo keltiradi. Ularni o'zidan rozi bo'lishlari uchun harakat qiladi. Qarindosh-urug'laridan aloqasini uzmaydi, ishlardan, nojo'ya harakatlardan o'zini-saqlaydi. Mana shularga o'hshash go'zal bolalarni sevadi, e'zozlaydi. "Zumrad bilan Qimmat" ertagidagi Zumrad xuddi shunday xislatli obrazlardan biridir.

Kichik maktab yoshidagi bolalarga tavsiya etiladigan ertaklar hajm jihatdan kichkina, mazmuni sodda bo'lishidan tashqari rasm va buyoqlar bilan boy bo'lishi ham muhim. Ertaklar vositasida tabiat, ona-Vatan, hayvonot olamiga g'amho'rlik qilish, to'g'ri so'z, odobli bo'lish, kattalarni hurmat qilish, kichiklarni e'zozlash singari masalalar kichkintoylarning ong-tushunchalariga yetkazilishini ham ta'kidlash lozim.

Boshlang'ich sinflardagi ta'lim-tarbiyaning maqsad va vazifalari o'rganilishi lozim bo'lgan materialning mazmuni va tuzilishini belgilaydi. Bu jihatdan boshlang'ich sinflarda o'quvchilar ko'plab ertaklarni o'rganadilar. Shuning uchun 3-sinf "O'qish kitobi" darsligiga ko'plab ertaklar kiritilgan. Jumladan, 3-sinf o'quvchilari "Botir mergan va chaqimchi", "Halollik", "Donishmand yigit" kabi o'zbek xalq ertaklari bilan, shuningdek, "Ahillik - ulug' baxt" qirg'iz xalq ertagi va "Noahillik oqibati" hind ertagi bilan tanishadilar. Bu ertaklarini o'qitishda o'qituvchilar oldiga quyidagicha talablar qo'yiladi:

- 1) ertak matnlari asosida o'quvchilarda yaxshi o'qish sifatlarini hosil qilish;
- 2) o'quvchilarning matn mazmunini to'la tushunishlariga erishish;
- 3) ertakdagi obrazlarni bir-biridan farqlay bilishga o'rgatish;

4) o'quvchilarni voqea-hodisalarni, hayotiy faktlarni, fantaziyani to'g'ri tushunishga o'rgatish;

5) o'quvchilarning estetik zavq olishlariga erishish;

6) ertaklardagi qiyin so'zlarning to'g'ri tushunilishini ta'minlash;

7) o'z axloqiy sifatlarini obrazlarning axloqiy sifatlari bilan qiyoslab ko'rish orqali ma'lum xulosa chiqarishlariga erishish;

8) o'quvchilarning ertaklarni to'liq holda ikkinchi shaxsga aytib berishlariga erishish.

3-4-sinflarda ertaklarni o'rganishda quyidagicha maqsadlar ko'zda tutiladi:

1. Bolalarni barkamol inson ruhida tarbiyalash, ularda Vatanga, jamiyatga muhabbat hissini tarbiyalash.

2. O'quvchilarga xalq ertaklari materiallari bo'yicha davlat ta'lim standartlari asosida bilim berish.

3. O'quvchilarda ertak materiallarini o'qishga havas uyg'otish.

4. O'quvchilarning o'qish, og'zaki nutq malakalarini rivojlantirish.

Boshlang'ich sinflarda ertaklarni o'rganish o'qituvchidan darsda xilma-xil metodlarni qo'llashni talab etadi. Ertaklarni o'rganishda: a) O'quv materiallarini og'zaki bayon qilish metodi (hikoya qilish, tushuntirish); b) suhbat metodi; d) demonsratsiya, illyustratsiya va ekskursiya, og'zaki va yozma mashq hamda grafik ishlar metodidan foydalaniladi.

3-4-sinflarda ertaklarni o'rganishda quyidagi metodlardan foydalanish mumkin:

1. O'quvchilarda ertaklarga qiziqish hissini uyg'otish maqsadida, ularning leksik va sintaktik xususiyatlarini saqlagan holda, og'zaki hikoya qilib beriladi va shunday hikoya qilib so'zlash talab etiladi. Chunki ertak mazmunining o'quvchilarga to'la yetib borishi uchun o'qituvchi yoki o'quvchi uni mustaqil badiiy hikoya qilib berishi kerak.

2. Ertak hikoya qilib berilgandan so'ng, mustaqil o'qitiladi, o'qish jarayonida ayrim (tushunilishi qiyin) so'zlarga izoh beriladi.

3. Ertakning g'oyasi savol-javob yo'li bilan ochiladi.

4. Ertak suyujeti asosida rasmlar chiziladi.

5. Ertak qahramonlarining sifatlari hayotdagi ayrim kishilar xarakterlariga, sifatlariga solishtirib o'quvchilar xulosalarini mustaqil aytishlari o'quvchilardan talab etiladi.

6. Ertak mazmuni asosida o'quvchi aqliy faoliyatining rivojlantirilishiga doir mustaqil ish o'tkaziladi.

Bayon etilgan talablar, shubhasiz, o'quvchilar nutqining yanada boyishiga ijobiy ta'sir etadi. Ertaklarni o'qish, uni o'rganish o'quvchilar nutqini o'stirish bilan bog'liq holda olib boriladi.

O'quvchilarning lug'at boyligini o'stirish ishi o'quvchiga notanish so'zlarni tushuntirish, xalq iboralari, maqollarni nutqda qo'llash, predmetlarni turkumlarga ajratish orqali amalga ashiriladi.

Gap tuzdirish mashqi savollarga javob olish, nutqda xalq iboralari, maqollarni ishlatish asosida o'qiladi. Matn tuzish esa, rasmga qarab hikoya yozdirish, o'zgalardan eshitgan ertakni qayta aytirishdan iborat bo'ladi. Bayon

yoki insho yozish quyi sinflarda murakkab masala bo'lib, o'quvchilardan matn mazmunini to'la tushunishni, uning maqsad va g'oyasi haqida aniq tushunchaga ega bo'lishni talab qiladi. Ertaklarni o'rganish davrida o'quvchilarda har xil fikrning tug'ilishi mumkin. Ertakdagi ayrim qahramonlarning ba'zi o'quvchilarga yoqmasligi, ayrimlari juda ma'qul ko'rinishi mumkin.

Ayrim o'quvchilar esa shu ertakni jon-dillari bilan sevishini aytadi. Shunga ko'ra, ertaklarni o'rganishda o'quvchilar o'rtasida ikkilanishlar, noto'g'ri fikrlar tug'ilgani sezilsa, o'qituvchi bu fikrlarni o'rganib, ular uchun sinf muhokamasini (munozara darsini) tashkil etmog'i zarur. Chunki bunday suhbat-munozara ertakni chuqur o'rganishga, o'quvchilar qiziqishini, tasavvurini, fikrlash doirasini aniqlashga imkoniyat beradi. Bu sohada ham ko'rgazmalilikning roli kattadir. Ertaklarni o'rganishda ko'rsatmali materiallar o'qituvchi ishini osonlashtiradi. Turli rasm, portret, illyustratsiyalar o'quvchi ongidagi abstrakt tushunchalarni konkretlashtiradi. Ayrim tushunilishi qiyin bo'lgan xalq iboralarini tushunishga yordam beradi. Ayniqsa, 3-4- sinflarda ertaklarga rasmlarning berilishi ta'lim ishini osonlashtiradi.

3-4- sinf o'quvchilari ertaklarni tahlil qilish jaroyonida kishilardagi qanday sifatlar yoqdi? Nima uchun? Nima uchun jazolandi (yoki rag'batlantirildi)? Nima uchun ertakdagi ba'zi qahramonlarga tabiat ham yordam beradi, ba'zilaridan esa, yuz o'giradi? kabi savollarga javob berish uchun o'ylaydilar, ertak qahramonlarini xatti-harakatini muhokama qilish, uni baholashga o'rganadilar. Masalan, "Halollik" ertagida asosiy fikr ahil bo'lishga undash bolsa, "Botir mergan va chaqimchi" ertagida chaqimchilikning yomon odat ekanligi va u albatta, kishini halokatga yetaklashi o'z ifodasini topadi. Ertakni o'qib, tahlil qilganda, barcha ishlar uning mazmunini yaxshi idrok etishga, sujet rivojini, qatnashuvchi personajlarning xatti-harakati, o'zaro munosabatlarini to'g'ri tasavvur etishga yo'naltiriladi. Ertak ustida ishlashning oxirgi bosqichida "Ertakda sizga juda yoqqan joyini o'qing, nima uchun yoqqan joyini ayting. Hayotinggizda mana shu ertakga o'xshash voqealar bo'lganmi?" savol-topshiriqlar yordamida o'quvchilarning ertak xulosasini tushunishlariga erishiladi. Shu tartibda "Donishmand yigit" o'zbek xalq ertagini o'rganishni ko'rib chiqaylik. Ertakda bir donishmand cholning uchta o'g'li bo'lganligi, chol o'g'illariga turli shaharlarga borib qo'rg'on qurib kelishlarini tayinlaydi. To'ng'ich o'gil Farg'ona vodiysining shaharlariga boradi va u yerlarda katta uylar solibdi. O'rtancha o'gil bo'lsa, Buxoro, Samarqand tomonlarga borib, qo'rg'onlar qurdiribdi. Kenja o'gil dono va oqil ekan. U otam qo'rg'on quringlar deganda do'st-o'rtoq orttiringlar dedi, deb o'ylab har bir shahardan ko'plab do'stlar orttiribdi. Farzandlari qaytib kelgach chol ularning qilgan ishlarini ko'rmoqchi bo'ladi. Ikki o'glining qurgan va sotib olgan uylarning odamsiz, qarovsiz ekanligini ko'ribdi. Keyin kenja o'gil orttirgan do'st-birodarlari uyida mehmon bo'libdi. Shunda chol o'g'illariga qarab har bir shahardan orttirilgan do'st u yergabir qo'rg'on qurish bilan teng ekanligini aytibdi. Buni faqat kenja o'g'li tushunganini va u uning merosxo'r bo'lishini aytibdi.

Bu ertak o'quvchilarni do'st orttirishga, do'stlikning har qanday boylikdan ustun ekanligini tushuntirishga yordam beradi. Ertak g'oyasini ochishda savol-javoblar ko'maklashadi. Savol-javoblar umumlashtirilib, ertak mazmunini yanada chuqurroq

o‘zlashtirishlari uchun ertak matni yana bir marta o‘qitiladi. Shundan so‘ng ertak matnida uchraydigan ma‘nosi tushunilmaydigan yoki o‘quvchilar uchun notanish bo‘lgan so‘zlar ustida lug‘at ishi olib boriladi.

Boshlang‘ich sinflarda to‘g‘ri, tez, ongli va ifodali o‘qishga o‘rgatish vazifasi o‘quvchilarda ertakni tahlil qilish ko‘nikmasini shakllantirish bilan birga amalga oshiriladi. O‘qish malakalarini shakllantirish bilan matn ustida ishlashning o‘zaro bog‘liqligi ertakni tahlil qilishga qanday yondashishni belgilab beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Afzalov M. O‘zbek xalq ertaklari haqida. –T.: Fan, 1964.
2. Jalolov G‘. O‘zbek xalq ertaklari poetikasi. –T., 1976.

BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARINING IMLOVIY SAVODXONLIGINI OSHIRISHDA ORFOGRAFIK O‘YINLARDAN FOYDALANISH

*Jumaniyozova Muhabbat Xo‘sinovna,
UrDU dotsenti, f.f.nomzodi
Ahmedova Munisa Xo‘sinboy qizi,
UrDU BT va STI yo‘nalishi talabasi*

Respublikamiz xalq ta‘limi oldida turgan asosiy vazifa har tomonlama kamol topgan sog‘lom, qobiliyatli, o‘z Vatani va xalqiga sodiq insonlarni tarbiyalash va ularni voyaga yetkazishdan iboratdir. Bu ulug‘ maqsadni ro‘yobga chiqarish xalq ta‘limi tizimiga qarashli barcha xodimlar va keng o‘qituvchilar ommasidan o‘z ishiga ijodiy yondashish, har bir ishda yuksak samaradorlikka erishish, xilma-xil metodik usullarni o‘ylab topish hamda uni maktab hayotiga tadbiq etishni talab qiladi. Bunda o‘quvchiga bilim berish uchun har bir dars mazmunini boyitish, uni ilg‘or zamonaviy pedagogik texnologiyalar bilan qiziqarli tashkil qilish maqsadga muvofiq sanaladi.

Ruhshunoslarning aniqlashicha, o‘quvchilar o‘qituvchining oddiy tushuntirishi orqali egallab olgan ma‘lumotlarga qaraganda turli xil ruhiy kechinmalar orqali o‘zlari mulohaza yuritib mustaqil bajaragan ishlari vositasida o‘zlashtirilgan bilimlarini uzoq esda saqlab qoladilar. Chunki o‘quvchi mustaqil mashqlarni bajarishda faoliyat ko‘rsatib, ilgari olgan bilimlariga tayangan holda ko‘plab o‘quv materiallarini xayolidan o‘tkazadi. O‘xshash hodisalarni taqqoslaydi. O‘zicha mulohaza yuritib mustaqil hukm chiqaradi. O‘qituvchilarning tayyor holda bergan ma‘lumotida esa o‘quvchi fikrlash faoliyati to‘la ishga kirishmasdan to‘g‘ri javobni o‘zlashtirib oladi. O‘xshash hodisalarga duch kelishi bilan o‘qituvchi bergan bilimni amaliyotga taqbiq qilishda qiynalib qoladi. Davlat ta‘lim standarti va amaldagi maktab dasturlarida o‘quvchi egallashi lozim bo‘lgan materiallar ancha murakkab bo‘lib, bolalarning bu bilimlarni bosqichma-bosqich egallab olishlarini, kengaytirib va rivojlantirib borishlarini taqozo etadi.

Boshlang‘ich sinf ona tili dasturining asosiy maqsadlaridan biri - o‘quvchilar savodxonligini ko‘tarish, ularda imloviy malakalarni rivojlantirishdir. Bu vazifa juda

murakkab va mashaqqatli bo‘lib, bunda bolalarning psixologiyasi, sezgi a‘zolari, bilish darajasi va yoshini hisobga olmaslik mumkin emas. Shuning uchun ham bolalarga imlo o‘rgatishda ikki sohaga: psixo-fiziologik va lingvistik sohaga qat’iy e’tibor berish kerak.

To‘g‘ri yozuv malakasining shakllanishi uchun o‘quvchidan fikrlash faoliyati talab etiladi. Biror to‘g‘ri yozuv hodisasi o‘zlashtirish uchun o‘quv va yodda saqlashgina emas, balki analiz va sintez tatbiq etiladi. Bunda grammatik va imloviy hodisalarning o‘xshash va farqli tomonlarini aniqlash uchun taqqoslash usulidan foydalanish hamda so‘z va so‘z shakllarini ma’lum grammatik yoki grafik guruhlariga ajratish, muayyan tizimga solish, tushuntirish va isbotlash mashqlaridan hamda grammatik o‘yinlardan, xususan, orfografik o‘yinlardan foydalanish muhim o‘rin tutadi.

Imloviy savodxonlik o‘quvchilarda asta-sekin shakllanib boradi. O‘quvchilar qoidalarni turli xil mashg‘ulotlar: ko‘chirib yozuv, mashq ishlash, grammatik va orfografik tahlillar orqali o‘zlashtirib oladi. Ushbu qoidalarni o‘zlashtirib olishda ham bolalarning ixtiyoriy diqqatini bir nuqtaga to‘plash talab qilinadi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari o‘yinlarni yaxshi ko‘rish bilan birga, o‘yin orqali ba’zi grammatik-orfografik qoidalarni juda tez o‘zlashtirib oladilar va uni uzoq vaqt esda saqlab qolishadi. Shu bois ona tili darslarida orfografik qoidalarni o‘zlashtirib olishda turli xil o‘yinlardan foydalanish katta ahamiyat kasb etadi. Bunday o‘yinlardan ayrimlarini quyida keltirib o‘tamiz.

“Kim to‘g‘ri yozadi” o‘yini

Bu o‘yinni tashkil qilish uchun ma’lum bir orfografik qoidaga mos so‘zlar tanlab olinadi. So‘zlarning yozilishi bo‘yicha orfografik qoida takrorlanib o‘quvchilarning xotirasida tiklanadi. Har bir grammatik o‘yinni o‘tkazishda o‘qituvchi ma’lum bir orfografik qoidani mustahkamlashni nazarda tutadi. Sinf o‘quvchilari ikki guruhga bo‘linadi. Doskaga har bir guruhdan bittadan o‘quchi chiqariladi. O‘qituvchi avvaldan tayyorlab kelgan so‘zlarni yod aytib yozdiradi. Ikki o‘quvchi doskaga yozadi. Qolgan o‘yin ishtirokchilari esa mustaqil ravishda o‘z daftarlariga yozib boradilar. Agar o‘qituvchi tomonidan u va o unllilarining yozilishini mustahkamlash maqsad qilib qo‘yilgan bo‘lsa, shu qoidaga oid bitta so‘zni aytadi, o‘quvchilar doskaga yozib bo‘lgach, qolgan so‘zlarni ham xuddi shunday yod aytish bilan yozdiradi. Masalan, ***Tuxum, uzum, do‘stlik, bo‘ron, bo‘ston*** kabi. Doskaga yozilgan so‘zlar o‘qituvchi rahbarligida tekshiriladi. O‘quvchilar xatoga yo‘l qo‘yishgan bo‘lsa ular tuzatiladi. So‘zlarni to‘g‘ri yozgan o‘quvchilar har bir so‘z uchun bittadan ball oladi. Yashil rangli kartondan kvadrat usulida tayyorlangan shakl beriladi. Kim ko‘p kartochka olsa, o‘sha g‘olib hisoblanadi va rag‘batlantiriladi.

Xuddi shunday o‘yinni so‘z oxirida qator kelgan jarangsiz undosh tovushlarning yozilishi bo‘yicha o‘tkazish ham mumkin. Buning uchun ikki o‘quvchi ikki guruhdan doskaga chiqariladi. Ushbu orfografik qoidaga xos beshta so‘z aytiladi. Ikki o‘quvchi berilgan so‘zlarni ustun qilib doskaga yozadi. Qolgan o‘quvchilar shu so‘zlarni daftarlariga yozib boradi.

xursan
farzan

xursand
farzand

balan
ros
darax

baland
rost
daraxt

“To‘g‘ri yozdim, yulduz oldim” o‘yini

Bu o‘yin ham orfog‘rafik o‘yinlar sirasiga kiradi. Uni o‘tkazish usuli ham deyarli bir xil. O‘quvchilarning yozishi uchun beshta so‘z tanlab olinadi. Har bir so‘z uchun bittadan ball belgilanadi. Doskaning yuqori qismiga sakkiz qirrali yulduz osib qo‘yilgan. Qaysi guruh xatosiz yozsa sakkiz qirrali yulduzni oladi. O‘yinni boshlashda sinfdagi partalarning qatorlar soniga qarab ikki yoki uch o‘quvchi doskaga chiqariladi. O‘qituvchi o‘yin uchun tanlagan so‘zlarni aytib turadi. O‘quvchilar yozishadi. O‘yin shu tariqa ikki -uch marta takrorlanadi. Har marta o‘quvchilar doskaga chiqib yozishganda guruhlarining ballari yozib boriladi. O‘yinning yakunida qaysi guruh g‘olib deb topilsa o‘sha qatordagi o‘quvchilarning birinchi partasiga yulduzcha qo‘yiladi.

“Bilag‘on boshliqlar” o‘yini

O‘quvchilar odatdagiday ikki guruhga bo‘linadi. Har bir guruhning sardori belgilanadi. Ana shu guruh boshliqlari doskaga chiqariladi. Guruh boshliqlari odatda a‘lochi o‘quvchilar bo‘lishadi. O‘yinda o‘quvchilarning ana shu tomoni hisobga olinib, o‘nta so‘z doskaga yoziladi.

taassuf
mukammal
minnatdor
tanaffus
tashabbus

mitti
ikki
tabassum
xokkey
tennis

Yuqorida berilgan so‘zlarni har bir boshliq ustun shaklida yozadi. So‘zlarning yozilishi kuzatiladi. Xatolar guruh bo‘yicha hisoblanadi. Har bir guruhning boshlig‘i yo‘l qo‘ygan xatolarni sanaydi. Brinchi guruh boshlig‘i o‘nta so‘zdan ikkita xatoga yo‘l qo‘ygan bo‘lsa, unga sakkiz ball beriladi. Har ikkala guruh boshliqlari so‘zlarni tekshirib xatolarni sanab boradilar. To‘g‘ri yozilgan har bir so‘z uchun ball beriladi. Agar biror guruhning o‘quvchilari bitta ham xatoga yo‘l qo‘yishmagan bo‘lsa, u holda qo‘shimcha tarzda yana beshta so‘z yoziladi. Oxirida g‘olib guruh aniqlanadi va rag‘batlantiriladi.

“Kelishiklar kelishi” o‘yini.

Bu o‘yin kelishik qo‘shimchalarining to‘g‘ri ishlatilish va qo‘llashninishini o‘rganish va imlosini esda saqlab qolish uchun o‘tkaziladi. O‘quvchilar ko‘proq jo‘nalish va o‘rin payt (-ga va -da), tushum va qaratqich (-ni- va -ning) kelishigi qo‘shimchalarini almashtirib ishlatishadi. Buning oldini olish maqsadida quyidagicha grammatik o‘yin uyushtiriladi.

1. Bog‘ (-ga/-da) bordik.
2. Ish (-ga/-da) bormoqchimiz.
3. Mashina (-ga/-da) sayr qilmoqdamiz.
4. Mikrafon (-da/-ga) gapirmoqchi.
5. Doska (-da/-ga) chiq.

6. Qishloq (-ga/-qa/-da) bordi.

“So‘zning o‘rnini top” o‘yini

Atoqli otlarning bosh harf bilan yozilishi haqidagi o‘rganilgan qoidalarni mustahkamlash maqsadida ushbu o‘yin o‘tkaziladi. O‘yin orqali kishilarning ismi va familiyasi, o‘rin-joy nomlarining bosh harf bilan yozilishi mustahkamlanadi. O‘yinni o‘tkazish oldidan o‘quvchilarga kartochkalar beriladi. Kartochkalarda she‘riy parcha yoki gap yozilishi mumkin. Maskur matndagi bosh harflar bilan yoziladigan so‘zlar tushirib qoldiriladi.

O‘quvchiga yana ikkinchi kartochka beriladi. Unda tushurib qoldirilgan so‘zlar yozilgan. O‘quvchi tushurib qoldirilgan so‘zlarni gapning mazmuniga qarab nuqtalar o‘rniga qo‘yishi va o‘qishi kerak. Tushirib qoldirilgan so‘zni tog‘ri qo‘yib o‘qigan bola o‘yin g‘olibi hisoblanadi.

1-kartochka

... .. birinchi bo‘lib ona tilida

... (besh doston) yozdilar. U.... tug‘ilgan.

Tushirib qoldirilgan so‘zlar: “Hamsa”, Hirotda, Alisher Navoiy

2-kartochka

... o‘n ikki yoshida otasining taxtiga o‘tirdi ... nomli asar yozdi. U ... vafot etdi.

Tushirib qoldirilgan so‘zlar: “Boburnoma”, Bobur, Hindistonda.

O‘quvchilar bir-ikki marta o‘yinga qatnashib, ma’lum darajada ko‘nikma hosil qilishgandan keyin har ikkala kartochkaga ham boshqa so‘zlarni aralashtirib kiritish mumkin. Ba’zan har ikkala kartochkada tushirilgan so‘zlarni bir xil kartochkaga yozsa ham bo‘ladi. Bu o‘quvchini kerakli atoqli otni tanlab olishga o‘rgatadi. Qaysi o‘quvchi topshiriqni tez, to‘g‘ri bajarsa o‘yin g‘olibi bo‘ladi va rag‘batlantiriladi.

Xulosa qilib aytganda, boshlang‘ich sinflarda o‘quvchilarning orfografik malakalarini shakllantirish va ularni bosqichma-bosqich takomillashtirib borishda turli orfografik o‘yinlardan foydalanish juda muhim hisoblanadi. Ulardan o‘rinli foydalanish ona tili ta’limining samaradorligini ta’minlovchi omil bo‘ladi. Shuningdek, ular o‘quvchilarning mantiqiy tafakkur qila olish salohiyati, aqliy rivojlanishi, dunyoqarashi, kommunikativ savodxonligi va o‘z-o‘zini anglash salohiyatini shakllantirishga ham xizmat qiladi

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Boshlang‘ich ta’lim konsepsiyasi // Boshlang‘ich ta’lim. 1998. 6-son.
2. Qosimova K., Matchonov S., G‘ulomova X., Yo‘ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o‘qitish metodikasi. –T.: Nosir, 2009.
3. Uzviylashtirilgan Davlat ta’lim standarti va o‘quv dasturi. –T.: 2017.

О՛РТА МАКТАБДА ОУБЕК ИЖОДИНИ О՛РГАТИШДА ИҚТИБОСЛАРДАН ФОУДАЛАНИШ МЕТОДИДАН

*Salimova Dilnavoz Akmalovna,
JDPI dotsenti, f.f.f.d. (PhD)*

Адабий та՛лим жарайонида о՛қувчиларнинг ҳар томонлама билимини о՛стириш, уларни муостақил фикрлашга о՛ргатиш борасида педагогик технoлогийаларнинг амалий аҳамияти катта. Zero, “Fan va texnikaning mavjud yangiliklari ularni o՛quv dasturlari va darsliklari mazmuniga jadal kiritishni talab etadi va bu orqali talabalarning zamonaviy bilimlarini shakllantirishga zamin yaratadi. Zamonaviy o՛qitish texnologiyalarining joriy etilishi va turli metodik yondashuvlar esa, o՛z navbatida talabalarda ko՛plab fundamental tushunchalarning nisbatan yengil va mustahkam shakllanishiga yaxshi sharoit yaratadi” [1. B.15]. Milliy mafkuraning asosiy tamoyillari shakllangan hozirgi sharoitda XX asr o՛zbek adabiyotining ko՛plab namoyandalari ijodiga ham yangicha qarashlar asosida yondahishning zarurati tug՛iladi. Chunki, badiiy adabiyot inson ruhiyati, ma՛naviyati, dunyoqarashi bilan bevosita aloqador bo՛lgan jarayon sifatida millatning ijtimoiy-siyosiy va madaniy hayotida o՛z o՛rniga egadir. Adabiyot darslarida o՛qilgan asar bo՛yicha o՛quvchilarga tayyor xulosalar berilmasligi kerak, deb hisoblaymiz. O՛rganilayotgan badiiy asardan har bir tarbiyalanuvchi qalbdan ta՛sirlanishi, o՛zi istagan xulosaga kelishi lozim. Bunday maqsadni yuzaga chiqarish uchun o՛qituvchi ijodkor bo՛lishi, adabiyot darslari esa badiiy matnning joziba qudratini oshirishga qaratilmog՛i va buning natijasida o՛quvchilarning badiiy hodisadan zavqlana bilishga yo՛naltirilmog՛i muhim omillardan hisoblanadi. Badiiy asar bilan tarbiyalanuvchilar o՛rtasida asarni ko՛ngil mulkiga aylanishida va o՛quvchining hissiyotlariga ta՛sir etishida o՛qituvchi vositachilik vazifasini o՛taydi. Shu o՛rinda iste՛dodli shoir Oybek she՛riyati mavzusini o՛tishda qanday metoddan foydalanish mumkinligi to՛g՛risida ayrim mulohazalarimizni bildiramiz.

Umumta՛lim maktablarining 8-sinf adabiyot darsligida Muso Toḡmuhammad o՛g՛li Oybekning hayot yo՛li, “Na՛matak”, “O՛zbekiston” sherlari berilgan [4. B.124-130].

“Na՛matak” she՛rida ijodkor toshlar bag՛rini teshib, ko՛kka – Quyoshga bo՛y cho՛zgan na՛matak timsoli orqali insonning yashashga bo՛lgan intilishini ko՛rsatgan. Shu bilan bilan birga, tog՛ shamoli “belanchagida” tebranib “bir savat oq gul”larni quyoshga uzatgan na՛matak shoir nazdida tabiat mo՛jizasi bo՛lib qolmasdan, shuningdek, mehnat va ijod tantanasi sifatida ham tarannum etiladi. Yuksak qoya labida ungan bir tup na՛matak chayqalishidagi nafislik, mayin raqsiga xos fusunkorlik, yuzidagi yorqin tabassum, yanoqlaridagi ranginlik, nozik tabassumiga xos ma՛sumlik she՛rda obrazli ifodasini topgan. Ushbu she՛rni o՛qigan o՛quvchi shoirning yashamoqlik – olam go՛zalligini his qilmoq, undan bahramand bo՛lishdan iborat degan asosiy g՛oyasini na՛matak, quyosh va qoya o՛rtasidagi munosabatlar ifodasidan fahmlab oladi.

Darslikda she'ri tahlil qilish uchun uchta savol va topshiriqlar berilgan. Mazkur savollarga qo'shimcha tarzda yana savollar tuzib olish ham mumkin. Mazkur qo'shimcha savollarga o'quvchilar javob berib bo'lishgach, o'qituvchi ushbu savollarga mos tushuvchi javoblarni namoyish qiladi. Ya'ni slaydlarda Oybekning zamondoshlari xotiralaridan keltirilgan iqtiboslardan savol uchun moslarinin o'quvchilar e'tiboriga havola qiladi. Masalan, yurtimizda faoliyat yuritayotgan taniqli adabiyotshunos olim va tadqiqotchilarning "Na'matak" she'riga taalluqli bo'lgan fikrlari javob tariqasida har bir savoldan keyin yozib chiqilgan bo'ladi. Savol-topshiriqlarga bu kabi yondashuv yangicha, masalan, aqliy hujum usuli adabiyot darslariga mos tushuvchi noan'anaviylik bag'ishlaydi:

Savol-topshiriqlar:

1. *"Shamolning belanchagida nafis chayqalgan" bir tup na'matak holatidan ta'sirlangan shoir tuyg'larini izohlashga urining.*

...Tabiatni sinchkov ko'z bilan kuzatgan shoirgina o'z vatanida g'uncha yozayotgan har qanday gulning ajib go'zalligini "Na'matak" she'ri muallifi singari tasvirlay olishi mumkindir [2.B.29].

...Oybek domullo g'oyat emotsional, tabiat va insonlarni nafis va ta'sirchan muhabbat bilan sevguchi zot edilar. Fikrimcha, bu bepoyon yerlar uning hozircha ko'zdan nihon ne'matlari, sahro quyoshining tobi, mayin shamollarining yoqimli yemishidan mutaassir bo'lib, o'z tuyg'larini biror kishiga ifoda etmoqchi bo'lganlar (Qayumov. A. Xalq mehrini qozongan inson) [4.B.137].

2. *Quyoshga bir savat oq gul ko'targan qoyaning "viqor-la o'shshayishi" sababini anglashga harakat qiling.*

..."Na'matak"dagi *"viqor-la o'shshaygan qoya"* bilan nafis chayqalgan na'matak o'rtasidagi ma'no zidligi qoya va na'matakning harakatidagi qarama-qarshilikni kuchaytiradi. Bu bilan na'matakdagi ijodkorlik kuchini ulug'lash uchun *"viqor-la o'shshaygan qoya"* sifatlashini qo'llaydi va na'matakning intiluvchanlik holatini yuqori pog'onaga ko'taradi [6. B. 57].

...Shoir tabiatning qay nuqtasini qalamga olmasin, uning ko'nglida ana shu nuqta bilan hamohang jaranglaydigan torlar bor. Ya'ni, u masalan, *"Viqor-la o'shshaygan qoya labida quyoshga bir savat oq gul ko'tarib nafis chayqalayotgan na'matak"*ni kuylayotgandek bo'lib tuyulsa-da, aslida shoir na'matak kabi *"Vahshiy qoyalarning ajib ijodi"* – o'z ko'ngli, ko'nglidagi har qanday chirkinliklar dahshatlar qirg'inidan omon qolgan go'zal tuyg'u haqida gapirmoqchi bo'ladi. Chunki shoir o'ziga yoqqan narsalar – tushunchalar, qadriyatlar, tuyg'ular... doirasida ish ko'radi [7.B.17).

3. *She'ring qaysi satrlarida go'zallikning ezgulik yaratish xususiyati yaqqol namoyon bo'ladi?*

...Peyzaj tasviri Oybek she'riyatida muhim o'rin egallab, shoir falsafiy fikrlarini ifodalashda ishtirok etadi. Shoir tabiatning har qanday holatlaridan narca va hodisalardan go'zallik topadi. Shu go'zallikdan totilgan hayrat tuyg'usi esa Oybek satrlarida bo'y ko'rsatib, she'rlariga mislsiz latofat bag'ishlaydi [6.B.17).

4. *"Kumush qor"ning na'matak poyida "yum-yum yig'lashi" sababini ayting.*

...Mo'jizasimon guldasta – "Na'matak"ning har bir misrasi obrazlilikidan xabar beradigan, bir-biridan chiroyli bo'lib tushgan bir-birini to'ldiradigan va badiiy doston bo'ladigan she'rni faqat Oybek akagina yoza olishi va she'r shinavandalarini lol qilishi mumkin edi. Qarang, chindan-da, har misra obrazlashgan: nafis chayqaladi... shamolning belanchagida... quyoshga bir dasta gul... o'shshaygan qoya... umr o'tganidan yo xajr alamidan, yoki sevgi savdosidan, sevinchidan qor yum-yum yig'laydi... shamol injularin... boshida bir savat oq yulduz... mas'um salomlari... Ajoyib miniatyura! [4.B. 133].

5. *Tengsiz go'zallik namunasi bo'lmish nafis chechakning "vahshiy qoyalarning ajib ijodi" ekaniga e'tibor qiling.*

... Bundan qirq yil muqaddam 1936-yilning yozida "pushkinchilar maskani" – Chimyonda ijod etgan Oybek ana shu muazzam qoyalardan birida o'sgan bir tup na'matakni ta'rif va tavsif etgan edi. Metin tosh qatlamlarini teshib shamol belanchagida nafis chayqalgan bu na'matak Oybek xayolida vayshiy qoyalarning ajib bir ijodi bo'lib gavdalangan edi [2. B.14].

6. *She'rni yod oling.*

...Har gal na'matak guli terganimdan keyin Oybek akaning she'rini o'qiyman, o'qiyman-u xayollarga g'arq bo'laman. Bulutlar oshyoni qorli cho'qqilar maskanimdek tuyuladi mening. She'rni har o'qiganimda ko'z o'ngimda yangi-yangi manzaralar yuz ochadi. Chiroyli misralarni yurganimda ham, turganimda ham yodlayman:

*Quyoshga ko'tarib bir savat oq gul,
Nafis chayqaladi bir tup na'matak.*

U she'r emas, ohanrabo bo'lib qoldi menga. Oybek akaning mazkur she'ridan olgan taassurotim va na'matakka shaydologim izsiz ketmadi. 1964-yilda "Na'matak" nomli lirik poema yaratdim. Bu dostonchani yozishimga ilhom bergan Oybek akaning o'ziga va she'riga qulluq qilaman, yana she'rdagi ushbu misralarni takror-takror o'qish zavqidan o'zimni tiyolmayman:

*Yuksakda shamolning belanchagida
Nafis chayqaladi bir tup na'matak [4. B. 175).*

O'quvchilar javob tariqasida o'zlari bildirgan fikrlarini yuqoridagi ishtibohlar bilan solishtirib ko'radilar. Bunday vazifalar ularni mustaqil ravishda ilodiy fikrlashga undaydi. Olim va tadqiqotchilar asarlaridan, ilmiy maqolalaridan olingan ta'kidlarini e'tirof etgan holda o'zlari ham ushbu fikrlarga ergashadilar. Ehtimol, o'qituvchi tayyorlagan javoblar savollari bilan mos tushmagan holatlari bo'lishi mumkin, biroq o'quvchi ularga tayangan tarzda o'z farazlarini, taxminlarini, javoblarini bildira oladilar, qolaversa, javoblarni o'qish davomida yurtimizning adabiyotshunos olimlari haqida qisqacha ma'lumotga ham ega bo'ladilar. Ushbu mavzuning ma'naviy maqsadi ham ana shundan iboratdir.

Xulosa sifatida aytish joizki, she'riy matnni o'qituvchi bilan birga tahlil qilish davomida o'quvchilar ijodiy tafakkurining rivojlanishiga, she'rni yod olish topshirig'i nutqining o'sishiga zamin yaratibgina qolmasdan, noan'anaviy tashkil etilgan adabiyot darslarida o'quvchi asarning g'oyaviy-badiiy xususiyatlarini ochish davomida ruhiy taassuroti kengayadi, estetik fantaziyasi, mushohadasi boyiydi.

Shuningdek, yozuvchi-shoirilar bilan birga adabiyotshunos olim va tadqiqotchilarining soʻzlaridan iqtiboslar keltirish asnosida oʻquvchi ongida oʻrganilayotgan asarning adabiyotda, xalq qalbida tutgan oʻrni va ahamiyatining qay darajada ekanligi haqida maʼlum tasavvur hosil boʻladi. Bu esa oʻz oʻrnida oʻquvchining badiiy adabiyot haqidagi bilim saviyasini orttirib boradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR ROʻYXATI:

1. Begimqulov U. Pedagogik taʼlimda zamonaviy texnologiyalar//Pedagogik taʼlim. 2005. 6-son. –B.15.
2. Бать Л., Кошчанов М. Айбек. – М.: Советский писатель; 1979. –С. 29.
3. Karimov N. Pushkin va oʻzbek sheʼriyati. –Т.: Fan, 1988. –B.15.
4. Oybek zamondoshlari xotirasida. –Т.: Adabiyot va sanʼat, 1979.
5. Olimov S., Ahmedov S., Qoʻchqorov R. 8-sinf uchun adabiyot darsligi. –Т.: Adabiyot va sanʼat, 2019. – B. 124-130.
6. Sabirdinov A. Oybek sheʼriyatida soʻz va obraz. f.f.n. dis... –Т.: 1998. –B. 57.
7. Hamdamov. U. 30-yillar sheʼriyatida sof lirika muammosi. f.f.n. dis... avtoref. – Т.: 1997. –B.17.

FEʼL NISBATLARINI OʻQITISH USULLARI

*Jumayeva Feruza Uralovna,
JDPI dotsenti v.b., f.f.f.doktori (PhD)
Jumayev Anvar Oʻrol oʻgʻli,
Jizzax viloyati Zafarobod tumani
8-maktab oʻqituvchisi*

Bajaruvchining harakat va holat jarayonida qay darajada ishtirok etishini bildiruvchi feʼl shakllari nisbat shakllari sanaladi. Masalan, *supurdi* feʼlida *supurish* harakatini bajaruvchi shaxs aniq, *supurildi* feʼlida noaniq, *supurishdi* feʼlida birdan ortiq, *supurtirdi* feʼlida esa harakat boshqa shaxs vositasida bajarilgani ifodalangan. Nisbat shakllari feʼlning asos qismidan keyin qoʻshiladi. Feʼl 5 ta nisbat shakliga ega: aniq nisbat, oʻzlik nisbat, orttirma nisbat, majhul nisbat, birgalik nisbat. Feʼl nisbatlarini aniqlashda feʼl asosida ifodalangan harakat-holat hamda unga aloqador boʻlgan obʼekt va harakat bajaruvchisi haqidagi axborotlar muhim hisoblanadi. M.:

Feʼl nisbatlari	Harakat bajaruvchisi	Obʼekt	Harakat-holat	Nisbat qoʻshimchalari
Aniq nisbat	<i>Nasiba</i>	<i>kir</i>	<i>yuvdi</i>	-
Oʻzlik nisbat	<i>Nasiba</i>		<i>yuv/in/di</i>	<i>-n/-in/-l/-il</i>
Majhul nisbat	-	<i>kir</i>	<i>yuv/il/di</i>	<i>-n/-in/-l/-il</i>
	<i>Nasiba tomonidan</i>	<i>kir</i>	<i>yuv/il/di</i>	
Orttirma nisbat	<i>Nasibaga</i>	<i>kirni</i>	<i>yuv/dir/di</i>	<i>-t/-dir/-tir/-giz/-kiz/-qiz/- /-gʻiz/- gaz/- kaz/-</i>

				<i>qaz/- ir/-ar/- iz/- sat/ -it</i>
Birgalik nisbat	<i>Qizlar</i>	<i>kirni</i>	<i>yuv/ish/di</i>	<i>-sh/-ish</i>

Aniq nisbat

Bajaruvchisi aniq bo‘lgan harakat yoki holatni bildirgan fe‘l shakli aniq nisbat deyiladi: *o‘ylamoq, pishmoq, gullamoq, kulmoq, chanqamoq, o‘qimoq, otmoq, turmoq, varaqlamoq, uzmoq*. Aniq nisbatdagi fe‘llar tarkibida nisbat qo‘shimchasi bo‘lmaydi. Demak, tarkibida nisbat qo‘shimchasi bo‘lmagan fe‘llar aniq nisbatdagi fe‘llardir. Aniq nisbatdagi fe‘llarga nisbat qo‘shimchasini qo‘shish bilan o‘zlik, majhul, orttirma, birgalik nisbatidagi fe‘llar hosil qilinadi: *o‘qidi, o‘qitdi, o‘qishdi, o‘qildi*. Aniq nisbatdagi fe‘llar ishtirok etgan gapda harakat bajaruvchisi, ob‘ekt, harakat-holatni ifodalovchi bo‘laklar bo‘ladi yoki bu ma‘nolar gap mazmunidan anglashilib turadi. M.: *U bog‘da ishladi* gapida *u* bo‘lagi harakat bajaruvchisini, *bog‘da* bo‘lagi ob‘yektini, *ishladi* bo‘lagi harakat-holatni ifodalaydi.

O‘zlik nisbat

Bajaruvchining o‘zi ustida amalga oshadigan harakat yoki holatni ifodalaydigan fe‘l shakli o‘zlik nisbati deyiladi. O‘zlik nisbati shakli fe‘l asosiga *-(i)n, -(i)l* qo‘shimchalarini qo‘shish bilan hosil bo‘ladi.

Aniq nisbat + -n/-in/-l/-il → o‘zlik nisbat

M.: *taradi - tarandi, kiydi - kiyindi, qiynadi - qiynaldi, maqtadi - maqtandi*.

Unli bilan tugagan fe‘l asosiga o‘zlik nisbatining *-n* yoki *-l*, undosh bilan tugagan fe‘l asosiga esa *-in* yoki *-il* qo‘shimchalari qo‘shiladi. M.: 1. *Halima juda ozoda kiyinadi*. 2. *Sobir masalani yechishga qiynaldi*.

O‘zlik nisbatdagi fe‘llar ishtirok etgan gaplarda harakat bajaruvchisi va ob‘ekt ma‘nosi bitta gap bo‘lagida aks etadi. Harakat-holat bajaruvchining o‘z ustida amalga oshiriladi, ya‘ni boshqa buyumga o‘tmay, bajaruvchining o‘zida qoladi. Boshqa nisbatlar ishtirok etgan gaplarda esa obe‘ktini va harakat bajaruvchisini bildiruvchi bo‘laklar alohida-alohida beriladi. M., *Nasiba kirni yuvdi* gapida *yuvdi* so‘zi aniq nisbatdagi fe‘l, *Nasiba* harakat bajaruvchisi hisoblanadi, *kir* so‘zi esa ob‘ekt ma‘nosini ifodalagan va to‘ldiruvchi vazifasini bajargan. O‘zlik nisbatdagi fe‘l ishtirok etgan gaplarda harakat bajaruvchisi va ob‘ektini ifodalab kelgan so‘z, odatda, ega vazifasida bo‘ladi: *Nasiba yuvindi*. (*Nasiba* ega) Shu sababli o‘zlik nisbatdagi fe‘l ishtirok etgan gaplarda egadan so‘ng *o‘zi* so‘zini qo‘shib o‘qish mumkin bo‘ladi: *Nasiba (o‘zi) yuvindi*. Harakat bajaruvchisi aniqlovchi, to‘ldiruvchi vazifasida ham qo‘llaniladi: *Nasibaning tara/n/ishini aytdi*.

O‘zlik nisbatdagi fe‘llar ishtirok etgan gaplarda kesimga bog‘lanuvchi ob‘ekt ma‘nosidagi vositasiz to‘ldiruvchi qo‘llanilmaydi. Demak, *Nasiba (nimani) yuvindi* deb savol berib bo‘lmaydi, ya‘ni ega va kesim orasiga vositasiz to‘ldiruvchini qo‘shib o‘qib bo‘lmaydi. Ko‘pincha o‘zlik nisbatdagi fe‘llar ishtirok etgan gaplarda ega vazifasidagi so‘z harakat bajaruvchisi va ob‘ekt ma‘nolariga ega bo‘ladi. *Nasiba yuvindi* gapida *Nasiba* yuvinish harakatining bajaruvchisi va ob‘ekti ma‘nosiga ega.

Xulosalab va ta‘kidlab o‘tasizki, o‘zlik nisbatdagi fe‘llar ishtirok etgan gaplarda harakat bajaruvchisi va harakat tushgan ob‘ekt bitta gap bo‘lagi orqali ifodalanadi. Agar o‘zlik nisbatdagi fe‘l kesim bo‘lsa, harakat bajaruvchisi va harakat tushgan

ob'ekt ma'nosi egada ifodalanadi. M.: *Nasiba yuv/in/di*. Agar o'zlik nisbatdagi fe'l kesim vazifasida bo'lmasa, harakat bajaruvchisi va harakat tushgan ob'ekt ma'nosi egadan boshqa bo'laklarda ifodalanadi. M.: *Nasibaning tara/n/ishi* ma'lum.

Gap tarkibida o'zlik nisbatdagi fe'llarga bog'lanib keladigan vositasiz to'ldiruvchi bo'lmaydi, chunki harakat bajaruvchisining o'zi harakat-holat bajarilishi uchun ob'ekt bo'ladi. Ob'ekt ma'nosi umumiy yoki xususiy ma'noga ko'ra farqlanadi. M.: *Nasiba yuvindi* gapida umumiylik ma'nosi bo'lsa, *Nasiba tarandi* gapida aynan *soch* haqida axborot mavjudligi bois xususiylik ma'nosi yuzaga chiqqan.

O'zlik nisbatdagi fe'llarda ifodalangan harakat holat bevosita bajarilgan bo'ladi, ya'ni harakatning bajarilishi uchun kimdir yoki nimadir vositachi bo'lmaydi. M., *Barglar to'kildi. Barglar o'zi to'kildi* deyish mumkin, ammo *barglar* (kim tomonidandir, kimdir vositasida) *to'kildi* deb bo'lmaydi.

Majhul nisbat

Bajaruvchisi noma'lum bo'lgan harakat yoki holatni ifodalovchi fe'l shakli majhul nisbat deyiladi. Majhul nisbat shakli unli bilan tugagan fe'l asosiga *-n, -l*; undosh bilan tugagan fe'l asosiga esa *-in, -il* qo'shimchalarini qo'shish bilan hosil bo'ladi: *Sharifa xat yozdi. Xat Sharifa tomonidan yozildi*. Majhul nisbat fe'li harakat bajaruvchisining noaniqligini ifodalaydi va aniq nisbat to'ldiruvchisini gap egasi darajasiga ko'taradi. Shuning uchun majhul nisbatda asosiy e'tibor harakatning bajaruvchisiga emas, balki ob'ektga va nima qilinganligiga qaratiladi. M.: *binokorlar bu uyni tez qurdilar*. (aniq nisbat) *Bu uy tez qurildi* (majhul nisbat).

Aniq nisbatdagi fe'llar kesim vazifasida kelganda, kesim orqali ifodalangan harakatning bajaruvchisi ega vazifasida qo'llanadi. M.:

Harakat bajaruvchisi	Ob'ekt	Harakat-holat
<i>Munisa</i>	<i>hovlini</i>	<i>Supurdi</i>
Ega	to'ldiruvchi	Kesim

Majhul nisbatdagi fe'llar kesim bo'lganda harakat bajaruvchisini bildiruvchi bo'lak to'ldiruvchi vazifasida, ob'ekt ma'nosini bildiruvchi bo'lak esa ega vazifasida qo'llanadi:

Harakat bajaruvchisi	Ob'ekt	Harakat-holat
<i>Munisa tomonidan</i>	<i>hovli</i>	<i>supurildi</i>
to'ldiruvchi	ega	Kesim

Majhul nisbatdagi fe'llar kesim bo'lgan gaplarda ko'pincha harakat bajaruvchisi qo'llanilmaydi, noma'lum bo'ladi. M.: *Hovli supurildi*.

Majhul nisbat, asosan, o'timli fe'llardan va o'timsiz fe'lning orttirma nisbat shaklidan hosil qilinadi. O'zlik nisbat shakli esa o'timli fe'llardan ham, o'timsiz fe'llardan ham yasaladi. Majhul nisbatdagi fe'llarning yasalishi:

Aniq nisbat + -n/-in/-l/-il majhul nisbat

O'zlik nisbatdagi fe'llar ham shunday qo'shimchalar bilan yasaladi. O'zlik va majhul nisbat qo'shimchalari aynan bir xil, lekin ular harakat yoki holatning bajaruvchisi nuqtayi nazaridan farq qiladi. O'zlik nisbatida harakat-holat bajaruvchining o'z ustida amalga oshadi, majhul nisbatda esa bajaruvchi noma'lum bo'ladi. Solishtiring: *tarandi- taraldi, kiyindi -kiyildi*. Demak, o'zlik va majhul nisbat

shakllari harakatning bajaruvchisini aniq bildirish-bildirmasiligi bilan farqlanadi. O'zlik nisbatda harakat bajaruvchisi aniq bo'ladi. Majhul nisbatda esa noma'lum bo'ladi. Shuningdek, bevosita bajarilgan harakat-holatlar o'zlik nisbatda, kimdir yoki nimadir tomonidan bajarilgan harakat-holatlar majhul nisbatda bo'ladi. Shu sababli o'zlik nisbatdagi fe'llar oldidan *o'zi* so'zini, majhul nisbatdagi fe'llar oldidan *kim tomonidandir*, *kimdir tomonidan* so'zini qo'shib o'qish mumkin bo'ladi. M.:

O'zlik	Majhul
(o'zi) <i>bezandi</i>	(kimdir tomonidan) <i>bezaldi</i>
<i>kiyindi</i>	<i>kiyildi</i>
<i>ko'rindi</i>	<i>ko'rildi</i>
<i>surindi</i>	<i>surildi</i>
<i>tarandi</i>	<i>taraldi</i>
<i>urindi</i>	<i>urildi</i>
<i>yasandi</i>	<i>yasaldi</i>
<i>o'randi</i>	<i>o'raldi</i>
<i>maqtandi</i>	<i>maqtaldi</i>
<i>yopindi</i>	<i>yopildi</i>

Majhul nisbat shaklidagi fe'llar ishtirok etgan gaplarda harakat bajaruvchisi noma'lum, ob'ekt va harakat holat ma'nosi ma'lum bo'ladi. Harakat kim tomonidandir bajarilgan bo'ladi. Shuning uchun *kim tomonidandir* so'zini qo'shib o'qish mumkin bo'ladi. M.: *Kir yuvildi.* (kir kim tomonidandir yuvildi) Gap tarkibida harakat bajaruvchisini ifodalovchi bo'lak qo'llanilganda u to'ldiruvchi vazifasida bo'ladi. M.: *Kir Nasiba tomonidan yuvildi.* (Nasiba tomonidan - to'ldiruvchi)

Demak, o'zlik va majhul nisbat qo'shimchalari omonim bo'lib, ular leksik-grammatik xususiyatlariga ko'ra quyidagicha farqlanadi:

O'zlik nisbat		Majhul nisbat	
Harakat bajaruvchisi va ob'ekt bitta bo'ladi	Nasiba yuvindi. Nasiba bo'lagi bajaruvchi va ob'ekt ma'nosini bildiradi.	Harakat bajaruvchisi va ob'ekt boshqa-boshqa bo'ladi	Nasiba tomonidan kir yuvildi. Nasiba - bajaruvchi, kir - ob'ekt ma'nosiga ega
Harakat-holat bajaruvchining o'z ustida amalga oshirilgani uchun egadan so'ng <i>o'zi</i> so'zini qo'shib o'qish mumkin bo'ladi.	Nasiba (o'zi) yuvindi.	Harakat kimdir yoki nimadir tomonidan amalga oshirilgani uchun <i>kimdir tomonidan</i> yoki <i>kim tomonidandir</i> so'zlarini qo'shib o'qish mumkin bo'ladi.	Kir (kim tomonidandir) yuvildi.
Harakat	Nasiba	Harakat bajaruvchisi	Nasiba tomonidan kir

bajaruvchisi, odatda, ega vazifasida keladi.	yuvindi. (Nasiba ega vazifasida)	to'ldiruvchi vazifasida, ob'ekt ega vazifasida keladi.	yuvildi. (Nasiba tomonidan - to'ldiruvchi. Kir -ega)
Ko'pincha -n/-in shaklida qo'llanadi	Bezandi Tarandi	Ko'pincha -l/-il shaklida qo'llanadi	Bezaldi Taraldi
Ba'zan -l/-il shaklida qo'llanadi	Qiynaldi Yorildi	Ba'zan -n/-in shaklida qo'llanadi	Tinglandi. Belgilandi.

Ba'zi fe'llar ham o'zlik, ham majhul nisbat ma'nosiga ega bo'ladi. M.: *ochildi, yorildi, tashlandi*. Bunday fe'llarning ma'nosi gap tarkibida farqlanadi. M.: *Paxta ochildi*. (o'zlik nisbat) - *Eshik ochildi*. (majhul nisbat)

Orttirma nisbat

Bajaruvchining ta'siri bilan boshqa shaxs yoki narsa tomonidan bajarilgan harakat yoki holatni bildiruvchi fe'l shakllari orttirma nisbat shakli deyiladi. Orttirma nisbat shakllari: *-t, -dir, -tir, -giz, -kiz, -qiz, -g'iz, -gaz, -kaz, -g'az, -ir, -ar, -iz* kabi qo'shimchalar yordamida yasaladi. M.: *o'qit, o'tkiz, ichir, yozdir*.

Orttirma nisbat qo'shimchalari	
Qo'shimchalar	Fe'llar
<i>-t, -it</i>	<i>o'qit, ishlat, to'qit, to'xtat, kirit, qo'rqit.</i>
<i>-dir</i>	<i>oldir, yozdir, chizdir, yondir.</i>
<i>-tir</i>	<i>toptir, ayttir, bajartir, chaqirtir,</i>
<i>-ir, -ar, -iz</i>	<i>tushir, shoshir, ichir, uchir, qaytar, chiqar, oqiz, tegiz, tomiz</i>
<i>-giz, -kiz, -qiz -g'iz</i>	<i>yurgiz, ko'rgiz, turg'iz. ketkiz, yutqiz, tekkiz, tutqiz, turg'iz</i>
<i>-gaz, -kaz, -qaz, -g'az</i>	<i>ko'rgaz, yetkaz, tutqaz, yurg'az</i>
<i>-sat</i>	<i>ko'rsat</i>

Orttirma nisbatning *-t* qo'shimchasi unli tovush bilan tugagan fe'l asoslariga qo'shiladi. Masalan, *to'zg'i/t, ishla/t*.

Jarangli undosh bilan tugagan fe'l asoslariga *-dir*, jarangsiz va jarangli undosh bilan tugagan fe'l asoslariga esa *-tir* qo'shimchasi qo'shiladi.

-ir, -ar, -iz qo'shimchalari undosh bilan tugagan bir bo'g'inli fe'llarga qo'shiladi. Masalan: *shosh/ir, chiq/ar, oq/iz*.

-giz, -g'iz qo'shimchalari jarangli undosh bilan tugagan fe'l asoslariga, *-kiz, -qiz* qo'shimchalari esa jarangsiz undosh bilan tugagan fe'l asoslariga qo'shiladi. Masalan: *yut/qiz, ket/kiz, yur/g'iz*.

Bir fe'lga turli xil orttirma nisbat qo'shimchalarini qo'shish mumkin bo'ladi:

Aniq nisbat

tegmoq

uzaymoq

to'lmoq

ko'rmoq

Orttirma nisbat shakli

tegizmoq, tegdirmoq

uzaytmoq, uzaytirmoq

to'lg'izmoq, to'ldirmoq

ko'rgazmoq, ko'rsatmoq

Orttirma nisbatning bir o‘zakdan turli qo‘shimchalar bilan yasaluvchi shakllari ma’nodosh va vazifadoshdir. Ular bir-birini bemalol almashtira oladi, lekin ma’noda ma’lum farq bo‘ladi: *ichir - ichkiz*.

Orttirma nisbat shaklidagi fe’llarda quyidagi ma’nolar ifodalanadi:

1. Biror shaxs yoki narsa ta’sirida boshqa shaxs yoki narsa tomonidan bajarilgan harakat-holat ma’nosini bildiradi. M., *Nasiba kirni yuvdirdi*. *Yuvdirdi* fe’li Nasibaning ta’siri bilan biror bir shaxs tomonidan bajarilgan harakat-holat ma’nosini bildiradi. M., *Nasiba kirni (singlisiga) yuvdirdi*. Demak, yuvish harakati Nasiba ta’sida singlisi tomonidan bajarilgan yoki *Nasiba qiziga kirni yuvdirdi* gapida esa Nasiba ta’sirida qizi tomonidan bajarilgan harakat ma’nosi hosil bo‘ladi.

2. Biror shaxs yoki narsa vositasida bajarilgan harakat-holat ma’nosini bildiradi. M.: *yoz* (bevosita bajarilgan harakat) - *yozdir* (kimdir vositasida bajariladigan harakat). Bir fe’lga bitta yoki birdan ortiq orttirma nisbat shakli qo‘shiladi. Shunga ko‘ra ma’no o‘zgaradi. M., *yozdir* fe’lida bitta, *yozdirtir* fe’lida esa ikkita vositachi ma’nosi hosil bo‘ladi. Fe’lga nechta orttirma nisbat qo‘shimchasi qo‘shilsa, vositachi shunchaga ko‘payadi. M., *Onasi dedi: “Nasiba singlingga mashqni yozdir”*. *Ona* so‘zi harakat bajarishga undovchi shaxs ma’nosida, *Nasiba* - harakat bajarilishidagi vositachi, *singil* esa harakat bajaruvchisi. *Onasi dedi: “Nasiba mashqni yozdirtir”* gapida esa *Nasiba* - ta’sir etuvchi va vositachi shaxs ma’nosida, Nasibaning ta’sirida harakat boshqa shaxs vositasida bajartiriladi, ya’ni onasi Nasibaga aytdi, *Nasiba*, aytaylik, ukasiga aytdi, ukasi singlisiga aytadi yoki yordamlashadi, singlisi esa yozadi. *yozish* harakatining bajaruvchisi - singil deb taxminiy tahlil qilamiz. Demak, bir fe’lga orttirma nisbat shakli birdan ortiq qo‘shilishi mumkin. Shunga ko‘ra ta’sir etuvchi va vositachining miqdori ko‘payib boradi. M.:

1. *Yuvdi* (bevosita bajarilgan harakat)
2. *Yuvdirdi* (vositachi bitta)
3. *Yuvdirtirdi* (vositachi ikkita)

Demak, fe’l asosiga orttirma nisbat hosil qiluvchi birdan ortiq qo‘shimchalar qo‘shilishi mumkin. Masalan, *o‘qit - o‘qittir*, *to‘ldir - to‘ldirg‘iz*, *yozdir - yozdirtir*. Bunday holatda orttirma nisbat ma’nosi kuchayadi, ya’ni harakatni bajartiruvchi shaxs (vositachi, ta’sir etuvchi shaxs) ma’nolari ortib boradi. Harakatni bajartiruvchi shaxs - harakat tashabbuskori, sababchisi, vositachisidir. U harakatning bajarilishiga ta’sir etuvchi shaxsdir. Fe’l tarkibida nechta orttirma nisbat qo‘shimchasi bo‘lsa, shuncha harakatni bajartiruvchi shaxs ma’nosi anglashiladi. M., *Yuvdir* fe’lida bitta, *yuvdirtir* fe’lida ikkita harakatni bajartiruvchi shaxs ma’nosi hosil bo‘lgan. Qiyoslang:

1. *Suvni ich* gapida *ich* fe’li aniq nisbat shaklida bo‘lib, bevosita bajarilgan harakat-holat ma’nosiga ega. Gap mazmunida harakatni bajaruvchi shaxs ma’nosi bor. M., *Dilnoza suvni ich* gapida *Dilnoza* so‘zi harakatni bajaruvchi shaxs ma’nosini bildiradi. Gap tarkibida harakatni bajartiruvchi yoki vositachi shaxs ma’nosini bildiruvchi bo‘lakni qo‘llab bo‘lmaydi.

2. *Suvni ichir* gapida *ichir* fe’li orttirma nisbat shaklida bo‘lib, kimdir vositasida bajarilgan harakat ma’nosiga ega. Shu bois harakatni bajartiruvchi shaxs ma’nosini bildiruvchi bo‘lakni qo‘llash mumkin bo‘ladi. M.: *Sarvar, Dilnozaga suvni ichir*. Gap

mazmunidan ma'lumki, *Sarvar* - harakatni bajartiruvchi shaxs, harakat bajarilishidagi vositachi. *Dilnoza* - harakat bajaruvchisi. Demak, *Sarvar ichiradi*, *Dilnoza ichadi*.

3. *Suvni ichirtir* gapida *ichirtir* fe'li orqali harakatni bajartiruvchi shaxs va harakat bajarilishidagi tashabbuskor shaxs ma'nolari ifodalangan. *Sarvar (Dilnozaga) suvni ichirtir* gapida *Sarvar ichirtiradigan* shaxs, kimdir ichiradi (ichiradigan shaxs ma'nosi bor, ammo uni ifodalovchi bo'lak berilmagan), *Dilnoza ichadigan* shaxs hisoblanadi.

Aniq nisbatdagi fe'l orttirma nisbatga o'zgartirilganda, aniq nisbatdagi fe'lga bog'lanuvchi ega vazifasidagi so'z, orttirma nisbatdagi fe'l kesimning to'ldiruvchisiga aylanadi. M.:

1. *Bola suv ichdi*. (*bola* - ega vazifasida, harakat bajaruvchisi ma'nosini bildirgan)

2. *Bolaga suv ichirdi*. (*bolaga* - to'ldiruvchi vazifasida, harakat bajaruvchisi ma'nosini bildiradi)

Demak, aniq nisbatdagi fe'lga bog'lanuvchi ega vazifasidagi so'z harakat bajaruvchisini ifodalaydi. M.: *Bola suv ichdi* gapida *bola* so'zi harakat bajaruvchisini bildiradi. Ortirma nisbatdagi fe'lga bog'lanuvchi ega vazifasidagi so'z esa harakat tashabbuskori, sababchisi, vositachisi ma'nosiga ega bo'ladi. M.: *Onasi bolasiga suvni ichirdi* gapida *onasi* so'zi harakat tashabbuskori, sababchisi, vositachisi ma'nosini bildiradi.

Demak, harakatni bajartiruvchi shaxs ta'sirida harakatni bajaruvchi shaxs tomonidan bajarilgan harakat-holat ma'nosi orttirma nisbat shaklidagi fe'llarda beriladi. M.:

Harakatni bajartiruvchi shaxs	Harakat bajaruvchisi	Narsa oti	Harakat-holat
<i>Nasiba</i>	<i>singlisiga</i>	<i>Kirni</i>	<i>yuvdirdi</i>

Orttirma nisbat shaklidagi fe'l qatnashgan gaplarda ega orqali harakatni bajartiruvchi shaxs, to'ldiruvchi orqali harakat bajaruvchi shaxs ma'nosi anglashiladi.

Harakatni bajartiruvchi shaxs	Harakat bajaruvchisi	Narsa oti	Harakat-holat
<i>Sarvar</i>	<i>Dilnozaga</i>	<i>Suvni</i>	<i>ichirdi</i>
Ega	to'ldiruvchi	to'ldiruvchi	kesim

Birgalik nisbat

Birdan ortiq bajaruvchi tomonidan birgalikda bajarilgan harakat yoki holatni ifodalaydigan fe'l shakli birgalik nisbati deyiladi.

Birgalik nisbat shakli unli bilan tugagan fe'l asosiga *-sh*, undosh bilan tugagan fe'l asosiga esa *-ish* qo'shimchasini qo'shish orqali hosil bo'ladi. Masalan: *ishlashdi*, *kelishdi*.

III shaxs ko'plik son shaklidagi aniq nisbat fe'lga III shaxs birlik son shaklidagi birgalik nisbat fe'li ma'nodosh bo'lib keladi, ya'ni uchinchi shaxs ko'plikdagi shaxs-son qo'shimchasi (*-lar*) bilan birgalik nisbat qo'shimchasi (*-sh*, *-ish*) sinonim bo'ladi.

Sinonim	
yuvdilar (aniq nisbat)	yuvishdi (birgalik nisbat)
<i>yuv (asos)</i>	<i>yuv (asos)</i>

-di (zamon)	-ish (birgalik nisbat)
-lar (shaxs-son)	-di (zamon)

Fe'l nisbatlarini o'rganishda quyidagilarga ham e'tibor qaratiladi:

1. Fe'lga bir necha xil nisbat qo'shimchalari ketma-ket qo'shilganda bu fe'lning qaysi nisbatdaligi oxirgi nisbat qo'shimchasiga qarab belgilanadi. M.:

yuvintirishdi fe'li birgalik nisbatda {*yuv (asos)+in (o'zlik nisbat)+tir (orttirma nisbat)+ish (birgalik nisbat)+di (zamon)*}, *yozdirildi* fe'li majhul nisbatda.

2. O'timsiz fe'llarga qo'shib kelgan orttirma nisbat qo'shimchasi o'timsiz felni o'timli fe'lga aylantiradi. M.: *sakra* (o'timsiz), *sakrat* (o'timli). O'timli fe'llarga qo'shilgan o'zlik va majhul nisbat qo'shimchalari, o'timli fe'llarni o'timsiz fe'lga aylantiradi. M.: *yuv* (o'timli), *yuvin* (o'timsiz). Ortirma nisbatdagi fe'llar o'timli fe'llar, o'zlik va majhul nisbatdagi fe'llar esa o'timsiz fe'llardir.

3. Fe'l asosiga shakl yasovchi qo'shimchalardan dastlab nisbat qo'shimchalari, keyin boshqa qo'shimchalar qo'shiladi. M.: *kiy - kiyin - kiyintirdi, belgila - belgilat - belgilatmadim*. O'zlik va orttirma nisbat shaklidan keyin zamon, shaxs-son, mayl qo'shimchalari qo'shilishi yoki qo'shilmasligi mumkin. *Tarandim - taran, belgilatdim - belgilat*. Majhul va birgalik nisbat qo'shimchalaridan keyin fe'lga xos zamon, shaxs-son kabi qo'shimchalar qo'shilishi shart bo'ladi. M.: *Kitob o'qildi* gapidagi fe'lni *kitob o'qil* tarzida qo'llab bo'lmaydi yoki *bolalar kitob o'qishdi* gapidagi fe'lni *bolalar kitob o'qish* tarzida qo'llab bo'lmaydi.

4. Ayrim fe'llarga nisbat qo'shimchalari qo'shilganda tovush o'zgarishlari kuzatiladi. M.: *ay(i)r+il → ayiril, qay(i)r+il → qayril (tovush tushishi); de+il → deyildi, ye+ish → yeyishdi, de+ish → de(y)ishdi (tovush orttirilishi)*.

5. Birgalik nisbatning *-sh, -ish*, o'zlik nisbatning *-n, -in* qo'shimchalari fe'l o'zagi yoki fe'l yasovchi *-la* qo'shimchasi bilan yaxlitlanib, bir butunlik hosil qiladi. Bu qo'shimchalar fe'l o'zagi bilan yaxlitlansa, fe'lning ma'nosi o'zgaradi: *qaramoq-qarashmoq, ko'rmoq-ko'rishmoq, kelmoq-kelishmoq, tortmoq-torishmoq, chiqmoq-chiqishmoq*. *-sh* va *-n* qo'shimchalari *-la* fe'l yasovchi qo'shimchasi bilan yaxlitlansa, o'timsiz fe'l yasovchi *-lash* va *-lan* qo'shimchalari hosil bo'ladi: *go'zallashmoq, ommalashmoq, hazillashmoq, o'rtoqlashmoq; jonlanmoq, faxrlanmoq, odatlanmoq, harakatlanmoq, zavqlanmoq*. Ushbu so'zlar tarkibidagi nisbat qo'shimchasi ajratilmaydi, shu sababli bu fe'llar aniq nisbatdagi fe'llar deb tahlil etiladi.

6. Fe'l nisbatlari nutqda turli uslubiy ma'no ifodalash xususiyatiga ega bo'ladi. M., bosh nisbat o'rnida birgalik nisbat shaklidagi fe'ldan foydalanish hurmat ma'nosini hosil qiladi: *keldi-kelishdi, kelyapti-kelishyapti*. Bunda birgalik nisbatdagi fe'llar birlik ma'nosida qo'llangan bo'ladi. Bosh nisbat o'rnida majhul nisbatdan foydalanish kamtarlik ma'nosini hosil qiladi: *qaror qildim -qaror qilindi, bajardim-bajarildi, kiring-kirilsin*.

7. Fe'lning nisbat shakllari sintaktik tahlillar asosida quyidagicha farqlanadi:

Aniq, o'zlik va birgalik nisbatdagi fe'llar kesim vazifasida qo'llanganda, ular orqali anglashilgan harakat bajaruvchisi ega vazifasida bo'ladi. M.:

Aniq nisbat: *Nasiba yuvdi. Nasiba -ega* vazifasida.

O'zlik nisbat: *Nasiba yuvindi. Nasiba -ega* vazifasida.

Birgalik nisbat: *Ular yuvishdi. Ular - ega* vazifasida.

Majhul nisbatdagi fe'llar kesim vazifasida qo'llanilganda, u orqali anglashilgan harakat bajaruvchisi to'ldiruvchi vazifasida, ob'ekt esa ega vazifasida bo'ladi. M.: *Nasiba tomonidan kir yuvildi. Nasiba tomonidan - to'ldiruvchi.*

Orttirma nisbatdagi fe'llar kesim vazifasida qo'llanilganda harakat bajaruvchisini bildiruvchi so'z to'ldiruvchi vazifasida bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, D.Nabiyeva. Ona tili: Umumiy
2. o'rta ta'lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. –T.: Tasvir, 2012. –208 b.
3. F.Jumayeva Polisemem leksemalar doirasidagi sinonim va antonim
4. semalar tadqiqi. Monografiya. –T.: Qaqnus Mediya, 2019. –136 b.
5. A.Nurmonov, A.Sobirov, N.Mahmudov, N.Qosimova, Sh.Yusupova. Hozirgi o'zbek adabiy tili. 1,2,3-kitoblar. Akademik litsey va kasb-hunar kollejlarining I,II,III bosqich talabalari uchun darslik. –T.: 2014. –591 b.
6. M.Asqarova, R.Yunusov, M.Yo'ldoshev, D.Muhamedova. O'zbek tili
7. praktikumi. –T.: IQTISOD-MOLIYA, 2006. –304 b.

“G‘AROYIB US-SIG‘AR” DEVONI TARKIBIDAGI 5 - (“ILOHO, PODSHOHO, KIRDIKORO...”)
G‘AZALINING G‘OYAVIY-BADIIY
TAHLILI

*Sayliyeva Zarina Raxmiddinovna,
Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi
Jumayeva Shahrigul Shavkat qizi,
Buxoro davlat universiteti talabasi*

Ushbu g'azal Hazrat Navoiyning Hamd g'azallari ichidagi eng go'zal namunalaridan biri hisoblanadi. G'azal tili o'quvchiga g'oyat tushunarli va sodda. Hazrat Navoiy matla'dayoq o'zining buyuk so'z san'atkori va din bilimdoni ekanligini namoyon qilganlar. Ya'ni Allohning go'zal sifatlarini sanash orqali tanosub san'atini yuzaga keltirganlar.

*Iloho, podshoho, kirdigoro,
Sanga ochug' nihonu oshkoro.*

Ushbu baytda Navoiy Allohga Iloh, podshoh, kirdigoro deb murojaat qiladi. Alloh senga ochiq va yashirin (barcha narsalar) oshkor. Mazkur misralar orqali Navoiy Allohning bilguvchilik sifatiga ishora qilganlar. Alloh har bir insonning o'zida ekan bizning har bir qilayotgan ishimiz uning nigohida. Uning nazaridan qochib hech qayerga borib bo'lmaydi. U na zamon, na makon tanlaydi. Matla'dayoq o'quvchiga har bir qilayotgan amali Alloh nazarida ekanligi ochiq va ravshan bayon qilingan. Baytda tazod san'atini ochiq va yashirin so'zlari yuzaga keltirgan.

*Sabur ismi bila qilsang tajalliy,
Qilib Namrudg'a yuz ming mudoro.*

Matla'ning bevosita davomi sifatida ikkinchi baytda ham Alloh sifatlarini sanashda davom etiladi. Allohning 99 ismidan biri Sabur dir. Uning ma'nosi sabrli,

chidamli degani. Baytda keltirilgan Namrud talmehi o'quvchi e'tiborini tortishi tayin. Qator lug'at va izohlarda quyidagicha izohlangan. Namrud - Ibrohim payg'ambarini o'tga tashlagan afsonaviy podsho. Qator hadislarda ham musulmonlarga qarata sabrli bo'lish, o'z nafsini jilovlash, xususida so'z boradi. Mazkur baytda ham shunga hamohang fikrlar mavjud. Namrudga yuz ming iltifot qilib, Sabur isming bilan ko'rinish qil. Ya'ni o'z nafsini yo'lida yo'ldan adashgan g'ofil bandalariningni sabrga chorla. Namrud obrazi bu yerda g'ofil bandalarning umumlashma obrazidir. Sabrli inson hech qachon to'g'ri yo'ldan adashmaydi. Nafsni ham aynan sabr orqali yengish mumkin. Buni yaxshi anglagan Navoiy o'zining qator nasriy va nazmiy asarlarida bunga alohida to'xtalib o'tgan. Bu fikr tadrijiy tarzda rivojlantirilgan asar sifatida "Lison ut-tayr"ni ko'rsatishimiz mumkin. Asardagi qushlar sabr orqali nafslarini yengib, semurg'ni angladilar.

*Qachonkim zohir etsang «tanzi'-ul-mulk»,
Sikandarning bo'lub mag'lubi Doro.*

Mazkur bayt mazmuni talmeh san'ati orqali ochib berilgan. Mazkur takmehlar orqali tarixiy voqea o'quvchi ko'z o'ngida yaqqol namoyon bo'ladi. Allohning qudrati orqali xalq, zolim shohdan qutulib, ma'rifatli, odil, xalqparvar shoh qo'l ostiga o'tadi. Navoiyning boshqa asarlarida ham Iskandar odil shoh sifatida namoyon bo'ladi. Baytda Iskandarning Doro ustidan g'alaba qozonganligi ham Tangri inoyati ekanligi aytilgan. Baytdan chiqadigan xulosa shuki, dunyoda bo'ladigan har qanday yaxshi amallar yaratgan egam inoyati, yomon kunlar esa inson irodasini sunash uchun yuborilgan sinovdir. Shunday ekan yaxshi va yomon kunlarga birday shukrona aytmog' zarur.

*Yo'lung muhlik toshi yoquti ahmar,
Eshiging tiyra gardi mushki soro.*

To'rtinchi bayt badiiy jihatdan yetukligi bilan ajralib turadi. Baytda tashbehdan ustalik bilan foydalangan. Muhlik tosh, yoqut ahbar, tiyra gard, mushki soro kabilar tashbehni yuzaga keltirgan. Baytda Alloh yo'lida chekilgan dard- u zahmat buyuk ne'mat deb atalgan. Yo'lingning jon oluvchi toshi qizil yoqut, eshigingning qora tuprog'i mushk anbar kabidir. Ya'ni bu yo'lda jon berish ham muborakdur. Bu yo'lning qora tuprog'i lirik qahramon uchun mushk - anbar kabi yoqimli. Allohga erishish katta qiyinchiliklarni talab etadi. Navoiy mazkur bayt orqali bu yo'lga kirgan solik bandaga madad berib bu yo'lda sobit borishga undagan. Bu baytlarni o'qigan kitobxon Navoiyning badiiy mahoratiga yana bir marotaba tan beradi.

*Suho bo'lsa shabistonningda toli',
Bo'lub nuri quyoshdek olamoro.*

Lirik qahramon beshinchi bayt Allohning mo'jizalariga yana bir marta imyon keltiradi. Baytda qo'llangan suho (xira yulduz) quyosh bilan zid qo'yilgan, bir qaraganda ular o'rtasida mutanosiblik yo'qday. Lekin Buyuk Rabbimiz har narsaga qodir. Hattoki xira yulduzni ham quyoshdek porloq qilishga ham qodir. Baytda qo'llangan shabiston (qorong'u tun) insonning hayot yo'li ramzi. Allohim har bir bandasini baxtli qilish shabistonini quyosh nurlari bilan yoritish qudratiga egadir. Shunday ekan nega barcha birday baxtli emas? degan savolga quyidagicha javob berish mumkin. Inson dunyoga kelganda Allohning suyuqli bandasi sanaladi. Umri

oxirigacha shu maqomni saqlab qolish har kimning o‘z qo‘lida. Alloh ko‘rsatgan barcha farz-u amallarga rioya qilgan bandaning yo‘llarini doimo Rabbim o‘zi yoritgaydir.

Mazkur baytda aynan shu xulosalarga ishora qilingan. Bundan tashqari baytda tazod san’atini ham ko‘rishimiz mumkin.

*Navoiy nafs zulmotig‘a qolmish,
Sen o‘lmay Xizri rah chiqmoq ne, yoro?!*

Navoiy nafs zulmatida qoldi, sen bo‘lmasang Xizrga yo‘liqmoqdan nima foyda? Baytdagi Xizr talmehi tahlilta‘labdir. Xizr - afsonalarga ko‘ra “obi - hayot” (tiriklik suvi) ni izlab topgan va undan ichib doimiy barhayot payg‘ambar nomi. Kishilarga yo‘liqishi bilan mashhur. Xizr payg‘amparga yo‘liqqan har bir kishining niyatlari o‘z ijobatini topadi. Baytdagi Navoiy butun xalq obrazi. Ya’ni lirik qahramon ommaga qarata nafs zulmatida Xizr kabi uzoq umr ko‘rishdan ne foyda, deydi. Nafs changaliga tushgan insonning qalbida Alloh yashamas ekan Xizr payg‘ambar singari qanchalik uzoq yashamasin, baribir ham uning hayoti zulmatda qoladi. Bu bayt bugungi kunda ham dolzarbligi bilan ajralib turadi. Kundalik turmushimizda uchratadigan ba’zi bir kimsalar mol-u dunyo tashvishida kecha-yu kunduz yelib yugurishadi, ammo ularga berilgan umr juda qisqa ekanligini unutishadi. Odam Ato va Momo Havoning qismati bizga o‘rnak emasmi? Ular jannatda Alloh rafiqi edilar. Nafs qutqusiga uchib, jannatdan yerga quvildilar. Ammo Alloh kechiruvchidir, ularga o‘z uylariga qaytish imkonini ham berdi. Bu yo‘ldagi ilk qadam nafa tarbiyasidir. Biz ularning avlodi sifatida bu foniq dunyoda qilgan yaxshi amallarimiz bilan, boqiy dunyoda Rabbimiz jannatdan bir ko‘shk hozirlaydi. Mazkur bayt solik bandalarni ogohlantiruvchi chaqiriq sifatida yangraydi.

*Qiyomatda gunohin afv etarga,
Rasulingni shafi’ et, kirdgoro.*

Maqta bevosita Allohga murojaat bilan boshlanadi. Allohim, qiyomat kuni gunohlarni avf etishga Payg‘ambaringni himoyachi et. Baytdagi qiyomat so‘zi o‘quvchiga tushunarsiz tuyilish mumkin. “Navoiy asarlari lug‘atida” u quyidagicha sharhlanadi. Qiyomat – 1. mifga ko‘ra insonlar ning qayta tirilish kuni 2. Qo‘zg‘alon, g‘avg‘o, to‘palon. Diniy kitoblarda bu kun Alloh o‘zining Qahhor (qahrli) sifatini namoyon qiladi. Barcha o‘lganlar tirilib, bu dunyoda qilgan amallari yuzasidan savol-javob qilinadi. Shunda gunohkor bandalar va Alloh orasida vositachi, gunohkorlar himoyachisi Payg‘ambarimiz hisoblanadi. Birgina Payg‘ambarimiz Allohdan bandalar gunohidan o‘tishni so‘raydi. Payg‘ambarga berilgan “ shafi ul- muzannibin” sifati ham ayn an shunga ishoradir. Yuqoridagi fikrlarimizga hamohang tarzda shuni ham ta’kidlab o‘tmoqchimizki, Nosiruddin Rabg‘uziyning “Qissasi ul-Rabg‘uziy” asaridagi quyidagi misolni keltirmoqchimiz. Azroil alayhissalom Payg‘ambarimiz jonlarini olishga kelganda, jonlari bo‘g‘izlariga yetganda shunday deydilar: “ Ey Azroyil , bu kundin qiyomatga tegi maning ummatlarimga jon bermak, qattig‘liqi bor ersa ul qattig‘liqlarni manga yuklagil. Ul qattig‘liqlar manga bo‘lsun. Ummatlarimqa bo‘lmasin”. Navoiy o‘zini gunohkor banda sanab Allohdan ayni qiyomat kuni Payg‘ambarimizni o‘ziga himoyachi qilishini so‘raydi. Tahlil davomida shunga amin bo‘ldikki, bu g‘azal Navoiyning boshqa hamd g‘azallaridan badiiy va g‘oyaviy

jihatdan yetukligi bilan ajralib turadi. Asar misralaridagi har bir fikr bugungi kun uchun ham dolzarb sanaladi. Navoiyning boshqa asarlari singari ushbu gʻazal ham makon va zamon tanlamaydigan tuygʻular madhiga bagʻishlangan. Navoiy asarlarining yashovchanlik xususiyatlari ham aynan ana shundadir. Gʻazalning boshqa gʻazallardan yana bir farqi shundaki, taxallus maqtada emas, undan oldingi baytda qoʻllangan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR ROʻYXATI:

1. Navoiy Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Фаройиб ус-сиғар. –Т.: Фан, 1988. –616 б.
2. Navoiy асарлари луғати. Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. –784 б.
3. Рустамов А. Шоирнинг биринчи ғазали // Шарқ юлдузи. 1987. №3. –175-179-б.
4. Қуръони карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). –Т.: Чўлпон, 1992. –672 б.
5. Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. –277 б.
6. Ҳайитметов А. Navoiy даҳоси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1970. –173 б.
7. Ҳаққул И. Шеърят – рухий муносабат. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. –240 б.
8. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. –184 б.

O'QUV MASHG'ULOTLARI JARAYONIDA NEMISCHA SUFFIKSLAR YORDAMIDA SIFATLAR, RAVISHLAR VA FE'LLARNING YASALISHINI O'RGANISH

*Babayev Maxmud Tashpulatovich,
BuxDU o'qituvchisi*

Vikipediya ochiq ensiklopediyasida O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi ma'lumotlari asosida yoritilgan ma'lumotlarga murojaat etadigan bo'lsak **Suffiks** (lot. suffixus - qadalgan, biriktirilgan), so'ng qo'shimcha - affikslarning bir turi; so'z oxiriga qo'shiladigan, yangi so'z yoki so'z shakli yasaydigan qo'shimcha. Masalan, *suvchi*, *olmazor*, *onaxon*, *kitoblar* so'zlaridagi *-chi*, *-zor*, *-xon*, *-lar* qo'shimchalari Suffikslardir. Joylashish o'rniga ko'ra Suffiks affiksning infiks (so'z o'zagi urtasida bo'ladigan) va prefiks (so'z o'zagi oldidan qo'shiladigan) turlariga qarama-qarshi qo'yiladi.

Nemis tilida suffiksning o'zi so'zning aniq bir qismidir, masalan, otning rod ko'rsatgichi ko'pincha suffiks yordamida aniqlanadi. Nemis tilida o'zbek tilidan farqli ravishda uchta rod (mujskoy rod (männliche Geschlecht-Maskulina), jenskiy rod (weibliche Geschlecht-Feminina) va sredniy rod (sächliche Geschlecht- Neutra) otlarining borligi, bu otlarning har biri o'zi otdan oldin kelib uning rodini, sonini va

kelishigini ko'rsatib beruvchi artikllar yordamida qo'llanishini inobatga oladigan bo'lsak, ushbu artikllarning aniq va noaniq artikllarga ajratilishi, har bir roddagi otlar uchun alohida artikllarning qo'llanilishi (mujskoy rod otlari uchun ein/der, jenskiy rod otlari uchun eine/die, sredniy rod otlari uchun ein/das), artikllarning noto'g'ri qo'llanilishi so'zning ma'nosini o'zgartirib yuborishi nemis tilini o'rganuvchilar uchun ma'lum ma'noda qiyinchiliklar tug'dirishini inobatga oladigan bo'lsak, artikllarning nemis tili grammatikasidagi ahamiyati qanchaligi ma'lum bo'ladi. Nemis tilidagi suffikslarni yodlab olib, til o'rganuvchilar o'zlarini ko'plab nemis so'zlarining artikllari bilan yodlashdan qutqarishlari mumkin! Bundan tashqari, sifat suffikslari va fe'l suffikslari mavjud, ular sizga biror narsani, masalan, ma'lum bir so'zni qanday to'g'ri tushunish yoki hatto tarjima qilishni ham aytib berishi mumkin. Ushbu maqolada biz nemis suffikslarining xilma-xilligi va ularning maqsadini batafsil ko'rib chiqamiz.

Nega bu suffikslarning barchasini o'rganish kerak?

Avvaliga boshlang'ich maktab kursini va suffiksli so'zning ma'nosini esga olishimiz mumkin. Biz hammamiz maktabda suffiksning so'zning muhim qismi ekanligini, u ildizdan keyin joylashganligi va odatda yangi so'zlar hosil qilish, so'zning ma'nosini o'zgartirish uchun xizmat qilishini bilib olgan edik. Bu eng muhimi. Ya'ni, so'zning suffiks kabi bunday kichik, ba'zida sezilmaydigan qismi, umuman so'z yasash va xususan nemischa so'z yasash uchun juda muhimdir.

Suffikslar har qanday nutq bo'lagiga ma'lum bir semantik jilo beradi, shuning uchun ham suffikslarning ma'nosini bilib, lug'atsiz ham, butun so'z nimani anglatishini taxminan tushuna olish mumkin. Ha, bu tilni o'rganishda katta yordamdir, chunki siz so'zni ishlatishning stilistik nozikligini tahlil qilishni va mustaqil tushunishni o'rganasiz. Yuqorida aytib o'tilganidek, suffikslar har doim o'ziga xos funktsiyaga ega bo'lib, semantik rol deb ataluvchi funktsiyasi, bu rolning xususiyatlari suffiksning qaysi nutqqa tegishli ekanligiga bog'liq.

Sifat yasovchi suffikslar

Suffikslar yordamida sifatlar boshqa so'z turkumlaridan, ko'pincha otlardan, misol uchun **-ig** yoki **-lich** suffikslari yordamida yasalishi mumkin

der Mensch (odam, inson) - *menschlich* (odamiy, insoniy) yoki *die Freude* (quvonch) - *freudig* (quvonchli)

► Ba'zi bir suffikslar sifatlarga alohida ma'no berishi mumkin:

- Misol uchun **-isch** suffiksi *mamlakatlar va millatlar nomlaridan* sifatlar yasaydi.

Misol uchun, *russisch* (ruscha), *koreanisch* (koreyscha), *spanisch* (ispancha).

Boshqa sifatlarga u so'z o'zagiga qo'shib *inkor ma'nosini* beradi, misol uchun, *neidisch* - hasadgo'y (*der Neid* -hasad otidan yasalgan).

- **-er** suffiksi ko'pincha *biror-bir shaharga mansublikni* bildiradi, bunda ushbu suffiks yordamida yasalgan sifat ko'pincha bosh harfda yoziladi (bunda otning rodi ushbu sifatga ta'sir ko'rsatmaydi):

Berliner Strassen - Berlindagi ko'chalar

Moskauer Museum - Moskvadagi muzey

• **-bar** va **-sam** suffikslari ob'ektning *biror narsani qilish qobiliyatini* ifodalovchi sifatlar hosil qilish uchun ishlatiladi.

Bunda **-bar** suffiksi sifatlariga *passivlik* qobiliyatini, **-sam** suffiksi esa aksincha *aktivlikni* bildiradi. Taqqoslang:

die Steuer - soliq, *steuerbar* - soliqqa tortiladigan

brennen - yonmoq, *brennbar* - yoqilg'i

arbeiten - ishlamoq, *arbeitsam* - mehnatkash

die Erholung - xordiq, *erholsam* - dam olishga ko'maklashuvchi.

• Sifatlardagi **-voll**, va **-reich** suffikslari *sifatning to'liqligini* bildiradi. *der Eindruck* (taassurot) - *eindrucksvoll* (ta'sirchan)

die Abwechslung (o'zgarish) - *abwechslungsreich* (rangbarang)

• **-frei**, **-arm** va **-los** suffikslari *sifatning kamligi, yo'qligini* bildiradi. *der Sinn* (aql, ma'no) - *sinnlos* (ma'nosiz)

der Fehler (xato) - *fehlerfrei* (xatosiz)

E'tibor qiling! Nemis sifatlarining qo'shimchalari odatda urg'u olmaydi va urg'u ildizda qoladi.

• Nemis tilida boshqa tillardan o'zlashgan ko'plab xorijiy so'zlar mavjud. Bunday so'zlardan sifatarni hosil qilish **-ös/os**, **-abel**, **-ar/är**, **-al**, **-ell**, **-ent**, **-iv** suffikslari yordamida amalga oshiriladi.

Misol uchun: *muskulös* - mushakdor, *komfortabel* - qulay, *linear* - chiziqli, *zentral* - markaziy, *kulturell* - madaniy, *intelligent* - ziyoli, *aggressiv* - tajovuzkor.

Ravish yasovchi suffikslar

Bu yerdagi ma'lumotlar unchalik qiyin emas: nemis tilidagi ko'pchilik sifatlar ravishlardan deyarli farq qilmaydi, shuning uchun so'zning tuzilishi saqlanib qoladi, faqat tarjima va ishlatish xususiyatlari o'zgaradi. Ammo biz siz uchun ravishlarning o'ziga xos suffikslari bo'lgan alohida holatlarni tanladik:

• **-wärts** suffiksi (*yo'nalishni bildiradi*): *südwärts* (janubiy), *rückwärts* (orqaga)

• **-s** suffiksi: *tags* (kuni bilan), *rechts* (o'ngga), *abends* (kechqurunlari).

• **-ens** suffiksi: *wenigstens* (kamida), *bestens* (eng yaxshisi)

• **-lings** suffiksi (harakatning ma'nosi): *blindlings* (kor-ko'rona).

Fe'l yasovchi suffikslar

Yuqoridagilarga qo'shimcha ravishda, nemis tilida ko'p sonli fe'l yasovchi suffikslar mavjud. Bu suffikslar fe'llarning shakllanishida ishtirok etadi, so'zning kelib chiqadigan ildizining ma'nosini o'zgartiradi (bu ot yoki sifat bo'lishi mumkin), fe'llarga yangi ohanglar yoki yangi semantik ma'nolar beradi. Keling, fe'l suffikslarining bir nechta turlarini ko'rib chiqaylik:

• **-ern** va **-eln** suffikslari fe'llarga *harakatni takrorlash yoki taqlid qilish* ma'nosini beradi, misol uchun:

blättern - varaqlamoq (*das Blatt* - yaproq, varaq), *klingleln* - qo'ng'iroq chalinishi (*klingleln* - ovoz chiqishi), *flüstern* - shivirlamoq.

• **-igen** suffiksi biror-bir *harakatning natijasini* bildiradi:

fest (mustahkam) - *festigen* (mustahkamlamoq)

•-ieren, -isieren, -ifizieren kabi suffikslar (ko‘pincha o‘zlashgan so‘zlardan yasalgan) fe’llarga *inson tomonidan bajarilgan harakat* ma’nosini beradi:

phantasieren - fantaziya qilmoq (*die Phantasie* - fantaziya), *musizieren* - musiqa chalmoq (*die Musik* - musiqa), *modernisieren* - takomillashtirmoq, zamonaviylashtirmoq (*modern* - zamonaviy), *identifizieren* - identifikatsiyalamoq, aniqlamoq, (*identisch* - o‘xshash, bir xil).

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Ruziyeva N. (2020). FACE CONCEPT IN THE CATEGORY OF POLITENESS. *European Journal of Humanities and Educational Advancements*, 1(4), 15-20.
2. Ruziyeva Nilufar Xafizovna (2021). The category of politeness in different linguocultural traditions. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL* 11 (2), 1667-1675
3. G‘ayratovna, R. .M. . (2021). Semantics of euphemistic and dysphemic units. *Middle European Scientific Bulletin*, 12, 243-246.
4. Ruslan Rajabmurodovich Radjabov. (2021). THE FRENCH FUTURE: MODALITY IN ENGLISH. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(06), 60-67.
5. Sobirovich, S. R. (2021). Ethymological Doublets Between French Verbs And Their Use. *Middle European Scientific Bulletin*, 13.
6. Imamkulova Sitora Anvarovna. (2021). Cognitive Interpretation of Degrees of Intensification. *Middle European Scientific Bulletin*, 11(1).
7. Nurullayevna, S. N. . (2021). The techniques of explicit grammar instruction. *Middle European Scientific Bulletin*, 12, 281-284.
8. Narzullayeva Firuza. “English Phraseological Units With Somatic Components”. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, Vol. 1, no. 1, Oct. 2020, pp. 29-31,
9. Yulduz, Mehmonova. "Lexico-grammatical Parts of Speech Expressing the Indefiniteness of the Subject." *JournalNX*, vol. 7, no. 1, 2021, pp. 323-327.
10. Bakhtiyorovna, I. F. (2021). Translation of linguocultural peculiarities in hafiza kochkarova’s translations. *Middle European Scientific Bulletin*, 12, 247-249.
11. Irgasheva Feruza Bakhtiyorovna. (2021). INTEGRATION OF LANGUAGE AND CULTURE INTO THE TRANSLATION PROCESS . *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 2(1), 32-34.

“NUTQ USLUBLARI” MODULINI O‘QITISHDA ISHBILARMONLIK O‘YIN TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH AMALIYOTI

*Ibragimova Latofat Sunnatovna,
JDPI katta o‘qituvchisi*

Tilning lug‘at boyligini yetarli darajada bilmasdan turib madaniy nutq tuzish mumkin emas. So‘zlarning semantik strukturasi, undagi taraqqiyot, leksik

sistemadagi soʻzlarning bir-biriga munosabati kabi masalalardan boxabar boʻlmasdan turib, tilning behad boy soʻz xazinasidan konkret nutq uchun eng keraklisini tanlash mushkul. Bu xazinaning hayotini esa leksikologiya oʻrganadi. Nutq madaniyati soʻzlarni nutq uchun tanlashda ayni shu leksikologiyaning maʼlumotlariga tayanadi.

“Qor yigʻimi” oʻyini. Trener koʻrsatmasiga binoan uning oʻng yoki chap tomonida turgan ishtirokchilardan bittasi oʻz ismini aytadi. Ikkinchisi esa birinchi ishtirokchining va oʻzining ismini aytadi. Uchinchi ishtirokchi esa birinchi, ikkinchi ishtirokchining va oʻzining ismini aytadi. SHu tariqa oxirigacha davom etadi. Oxirgi ishtirokchi birinchi ishtirokchidan boshlab to guruh aʼzolarining hammasini va oʻzining ismini aytadi. Guruh aʼzolarining bir-biri bilan tanishishi ana shu tarzda amalga oshadi.

“Olma” oʻyini. Qatnashuvchilar davra qurib oʻtiradilar. Boshlovchi “Mening ismim... Men ...ni yaxshi koʻraman (xohlagan narsa yoki kishini aytishi mumkin)”, - deydi va olma (koptok)ni biron kishiga qarab otadi. Olma (koptok)ni ilib olgan ishtirokchi ham oʻz navbatida oʻzini shunday tanishtiradi va koptokni boshqa ishtirokchiga uzatadi. Oʻyin barcha ishtirokchilar oʻzlarini tanishtirib boʻlgunlariga qadar davom etadi.

Ishtirokchilar tanishtirish jarayonida aytilishi mumkin boʻlgan jumlar:

Men ...ni yaxshi koʻraman.

Bolalagimdan yaxshi koʻrgan ovqatim ... edi.

Men yoqtiradigan rang (gul yoki meva) - ...

“Ismlar - fazilatlar” oʻyini. Bu oʻyin guruh ishtirokchilarining kayfiyatini koʻtarish, ishtirokchilar oʻzlarini yaxshi his etishlari uchun tashkil qilinadi.

Har bir ishtirokchi biron-bir ismning birinchi harfi bilan boshlanadigan shaxsning ijobiy xarakter xususiyati, kishi fazilati nomini aytish lozim. (Masalan, Munis - doʻst, Firdavs - jannat va hakoza).

“Juftlik asosida tanishuv” oʻyini. Ishtirokchilar juft-juft boʻlib oʻn minut davomida bir-birlariga oʻzlari haqida maʼlumot beradilar. Keyin ulardan biri ishtirokchilar bir-birlarini tanishtirgunlariga qadar davom etadi.

1. Adabiy soʻzlashuv uslubini oʻrgatishga doir oʻyinlar

“Xushmuomalalik” oʻyini.

Materiallar: vatman qogʻozlari, markerlar.

Vaziyatlar:

1. Siz koʻp vaqt boʻladigan muhitda qanday muloqot (xulq-atvor) qoidalari qabul qilingan?

2. Bir-biringiz bilan qanday salomlashasiz, qanday minnatdorchilik bildirasiz?

3. Minnatdor ekaningizni qanday imo-ishoralar yordamida ifoda etasiz?

4. Noroziligingiz yoki eʼtirozingizni qanday imo-ishoralar yordamida ifoda etasiz?

5. Nima uchun yoshlar doirasida “rahmat” va “marhamat”, “minnatdorman” yoki “malol kelmasa” degan jumlar kam aytiladi?

Oʻyinni borishi:

1. Trener ishtirokchilar amalga oshiradigan vazifalarni quyidagicha tushuntirib beradi: keling, mashgʻulotimiz davomida munosabatlarning “xushmuomalalik” deb

atalmish yangi uslubini sinab ko‘ramiz. Avvaliga, xushmuomalalikka doir qoidalar ro‘yxatini ishlab chiqamiz. 5 daqiqa ichida har biringiz qoidalar jamiga kiritilishi kerak bo‘lgan takliflaringizni tuzib chiqasiz. Keyin ularni muhokama qilib, oxirgi (yakuniy) ro‘yxatni ovozga qo‘yamiz.

Bu xushmuomalalik qoidalari guruhda amal qilishi uchun jarimalar tizimini joriy etamiz, uni ham o‘zingiz ishlab chiqasiz. Sizga qoidalarni buzganlarga nisbatan qo‘llanadigan muayyan jazolarni o‘ylab qurish uchun yana 5 daqiqa beriladi.

2. Ishtirokchilar dastlab har birlari xushmuomalalik qoidalari va ularga amalga qilinmaganda beriladigan jarimalar tizimini ishlab chiqishadi.

3. Ishtirokchilar ixtiyoriy ravishda guruhlariga bo‘linadilar va o‘z qoidalari va jarimalar tizimini birgalikda muhokama qilishadi.

4. Muhokama tugaganidan so‘ng, guruhlardan bir a‘zo chiqib, o‘zlari ishlab chiqqan xushmuomalilik qoidalari va ularga amalga qilinmaganda beriladigan jarimalar tizimini taqdim etishadi.

5. Barcha guruhlarining taqdimotidan so‘ng, guruhlar tomonidan shakllantirilgan qoida va jarimalar tizimi orasidan eng asosiylari belgilanib olinadi va jadval ko‘rinishida rasmiylashtiriladi.

“Oliyjanoblik” o‘yini.

Materiallar: vatman qog‘ozlari, markerlar.

Vaziyat: Ma’lumki, garchi bu, bir qarashda, aksi bo‘lib ko‘rinsa ham, boshqalarga berar ekan, kishi bundan-da ko‘proq oladi. Boshqalar foydasiga qilingan har qanday tantilik xotirada anchagacha saqlanib qoladi. SHunga qaramay, har qanday odamda, oliyjanoblikka intilishlarni tutib taradigan, o‘zi uchun yashash istagi bo‘ladi. keling, shu ikki ibtidoni solishtirib ko‘ramiz.

O‘yinni borishi:

1. Trener dastlab ishtirokchilarning har biridan alohida o‘z orzularini yozishlarini so‘raydi.

2. So‘ngra o‘z orzulari yozilgan qog‘ozni yonidagi o‘rtog‘i bilan almashishadi. O‘rtog‘ining orzulari bilan tanishish jarayonida talaba quyidagi savollarga javob izlashi kerak: 1) do‘stingizning orzusi amalga oshishi uchun qanday yordam bergan bo‘lardingiz? 2) do‘stingizning orzularini amalga oshishi uchun nimalardan voz kecha olasiz? 3) do‘stingizning orzularini amalga oshishi uchun qanday maslahatlar bera olasiz?

3. Talabalar so‘ngra o‘z orzularini guruhda muhokama qilishadi. Ulardan har biri o‘z orzulari bilan do‘stlarining orzulari o‘zaro taqqoslanib, o‘xshashliklar aniqlangan diagrammani tuzishadi. So‘ngra guruhlar navbati bilan o‘z orzularini va ularni amalga oshirish maslahatlarini taqdimot qilishadi.

“Yordamchilar” o‘yini.

Vaziyat: Keling, so‘nggi marotaba kimga va nima uchun yordam berganimiz haqida bir-birimizga aytib beramiz. U Kim edi? Eng yaqin qarindoshingizmi, yaqin do‘stingizmi, balki u mutlaqo notanish kishidir?.. Xo‘sh, u kishini esladigizmi? Endi qanday sharoitda sharoitda ro‘y berganini eslang. U kishi o‘zi yordam so‘radimi yo bu sizning tashabbusingizmidimi?

Kim boshqalarga ko‘rsatgan beg‘araz yordami haqida gapirib berishga tayyor?

Hikoya davomida boshqa qatnashchilar soʻzlovchining gapirish uslubi, imo-ishoralari, tanaffuslariga va shu kabilarga eʼtibor qilib tinglashlari kerak.

“Bir-biri uchun” oʻyini.

Materiallar: vatman qogʻozlari, markerlar.

Vaziyat: Insonlar bir-biri uchun yaralgan. Bugun bu isbot talab qilmaydigan haqiqat. Agar kimningdir xohishi boʻlsa, bu fikrni muhokama qilishimiz mumkin.

Bu etyudning asosiy vazifasi guruhning har bir aʼzosi Sizga qaerda va nima naf keltirishi mumkinligi haqida oʻylab koʻrishdan iborat. Masalan, Siz “Mansur” ismini yozdingiz va qarshisida “U bilan biznes boshlasa, sayohatga chiqsa va futbol haqida gaplashsa boʻladi”, deb yozdingiz. “Sevara” ismi qarshisida esa “U bilan oila qursa, farzandlarni tarbiyalasa, teatr va sheʼriyat, albatta, taom tayyorlash sirlari haqida gaplashsa boʻladi”, deb yozdingiz. SHu tariqa, Siz guruhning barcha aʼzolari roʻyxatini tahlil qilib chiqishingiz kerak. Keyin katta davraga birlashib, bir-birimizni eshitib koʻramiz. Oʻylaymizki, “Men nimaga yararkanman?” degan savolga javob topish hammaga qiziq boʻladi.

“Hamma - baʼzilar - faqat men” oʻyini.

Hamma keng doira shaklida qoʻyilgan stullarga oʻtiradi. Oʻyin ishtirokchilari soni qancha boʻlcha, doirada shuncha stul boʻlishi kerak. Trener (murabbiy) oʻrtada turadi (stulsiz).

- Hozir men baʼzi talabalar haqida nimadir aytaman. Aytganlarim taalluqli boʻlganlar darrov oʻrnidan turadi va boʻsh qolgan stullardan birini egallashlari kerak boʻladi. Aytganim oʻzinga tegishli boʻlsa, men ham kimningdir stulini egallashim mumkin. Stulsiz qolgan talaba esa boshlovchi boʻladi. Boʻsh turgan stulga oʻtirib olish taʼqiqlanadi. Qani, sinab koʻramiz.

“Bugun yaxshi kayfiyatda uygʻonganlar...”

“Bugun oʻqishga kelganlar...”

“Sochiga tilla rang tasma bogʻlaganlar» (Faqat birgina qizga tegishli belgi tanlanadi. U oʻrnidan turganida, boshlovchi uning oʻrnini egallashga harakat qiladi).

Oʻyinga birinchi urinishdan keyin boshlovchi “kartalarni ochib tashlaydi”:

- Men uchta savol berdim. Birinchi holda ayrimlar javob qildi, boshqalar esa “Bu menga tegishli emas”,- deyishdi. Ikkinchi holda hamma javob qildi. Uchinchi holda faqat bir kishi. Bu oʻyin shunday nomlanadi “Hamma - baʼzilar - faqat men”.

Oʻyin shu tarzda davom etadi. Bu oʻyin yordamida talabalar bir-birlari haqida yangi maʼlumotlarni bilib olishga muvaffaq boʻladilar.

“Qadr-qimmat tuygʻusi” oʻyini.

Oʻyinni maqsadi: talabalarda oʻz-oʻzini namoyon etish, oʻz-oʻzini baholash va boshqalar bilan aks aloqaga kirisha olish koʻnikmalarini shakllantirish.

Materiallar: vatman qogʻozlari, markerlar.

Oʻyinni borishi:

1. Dastlab barcha talabalar bir varaq qogʻozga oʻzining alohida jihatlari roʻyxatini tuzishadi.

2. Soʻng trener ularning biridan oʻzining alohida jihatlari roʻyxatini oʻqib berishni soʻraydi.

3. Talaba o‘z ro‘yxatida yozilganlarini o‘qib bo‘lgach, trener boshqa talabalar orasidan mazkur talaba haqida fikr bildirishlarini so‘raydi, ya‘ni aks aloqa vaziyati vujudga keltiriladi.

Talabalar aks aloqa jarayonida quyidagilarga rioya qilishlari shart:

- 1) aks aloqani Sizdan biror talaba haqida so‘rashganlaridagina bering;
- 2) fikr va tuyg‘ularingiz haqida gapirayotib, ularni keltirib chiqargan aniq so‘z va xatti-harakatlarni tilga olib o‘ting;
- 3) boshqani xafa yoki haqorat qiladigan tarzda gapirmang;
- 4) baho bermang;
- 5) maslahat bermang: “Sening o‘rningda bo‘lsam,...”, “Sen ... qilishing kerak” kabi jummalarni ishlatmang.

4. Mazkur vaziyat so‘nggi ishtirokchi o‘z ro‘yxatida yozilganlarini o‘qib berib, unga aks aloqa ko‘rsatilguniga qadar davom etadi.

Texnologiyaning qadriyatli bosqichi baholovchi tavsifga ega bo‘lib, ijtimoiy xulq-atvor qoidalarini ichki qabul qilish va dunyoqarash tizimiga aylanishini ta‘mirleydi. Qadriyatli bosqichning muvaffaqiyati quyidagi pedagogik maqsadlarni amalga oshirishni talab etadi:

- 1) talabalarda ijtimoiy xulq-atvoriga barqaror munosabatlarni qaror toptirish;
- 2) ijtimoiy xulq-atvor ko‘nikmalarini talabalarining o‘zlari tomonidan doimiy baholab borilishi;
- 3) tashxis natijalarini tahlil etish va korreksion tadbirlarni tashkil etish.

Mazkur bosqichda “Men hech qachon ...maganman”, “Qadriyatlar” va “Mumkin emas” kabi o‘yinli texnikalardan foydalanish maqsadga muvofiq.

“Men hech qachon ...maganman” o‘yini.

O‘yinning maqsadi: ishtirokchilarda o‘zi haqida o‘ylash, o‘z yutuqlarini ko‘ra olish ko‘nikma va malakalarini shakllantirish.

Ishtirokchilar navbatma-navbat “Men hech qachonmaganman” degan jumladan iborat gap aytishlari lozim (masalan, “Men hech qachon sigaret chekmaganman”, “Men hech qachon o‘zimdanda kattalarga tik qarab gapirmaganman”, “Men hech qachon haqoratli so‘zlarni ishlatmaganman”, “Men hech qachon qizlar (yigitlar) bilan jamoat joylarida qo‘ltiqdashib yurmaganman” va h.k.). Qolgan ishtirokchilar esa, aytilayotgan gaplar, agar ular uchun noto‘g‘ri bo‘lsa barmoqlarini bukib boradilar. YA‘ni, masalan, biror ishtirokchi sigaret cheksa, bitta barmog‘ini bukadi, keyingi ishtirokchi tomonidan aytilgan gap ham uning uchun noto‘g‘ri bo‘lsa (ya‘ni u qizlar (yigitlar) bilan jamoat joylarida qo‘ltiqdashib yursa) yana bitta barmog‘ini bukadi va h.k. Jami o‘nta gap aytilganidan so‘ng kimningdir barmoqlaridan birortasi yoki bir nechtasi bukilmasdan qolgan bo‘lsa, o‘sha yutadi. Boshlovchi ishtirokchilarni oldindan aytilayotgan gaplar hayotiy bo‘lishi lozimligi va barmoqlarni adolatli bo‘kish lozimligi haqida ogohlantirishi kerak. O‘yin shu tarzda barcha ishtirokchilar bittadan gap aytgunlariga qadar davom ettiriladi.

So‘zlashuv uslubi til birliklarini tanlash va ularni qo‘llashning nisbatan erkin uslubidir. Bu uslub o‘z xususiyatlariga ko‘ra ikki turga: adabiy so‘zlashuv uslubi va oddiy so‘zlashuv uslubiga ajratiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. –Т.: ТДПУ, 2000. –52 б.
2. Karimov S. O‘zbek tilining badiiy uslubi. –Samarqand, 1992.
3. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. Ўзбекистон миллий кутубхонаси, –Т.: 2009.
4. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. –Т.: Ўзбекистон, 1992.

YUSUF XOS HOJIBNING “QUTADG‘U BILIG‘ DOSTONINI SEMINAR DARSİ USULIDA O‘RGANISH

*Rahmanova Nafisa Azatbekovna,
CHDPI o‘qituvchisi, Xalq ta’limi a’lochisi*

Zamonaviy adabiyot saboqlarida darsning shakliga ko‘ra muloqot darsi, muammoli dars, seminar darsi, muxbirlar darsi, ssenariyli dars, konferensiya darslari kabi o‘ndan oshiq turlari qo‘llaniladi. Bunday saboq turlari o‘quvchilarning faolligini oshirish, adabiyot faniga bo‘lgan qiziqishini yanada orttirish, kitobxonlik darajasini oshirishga qaratilgandir [1; 312-319].

Seminar darslari o‘quvchilarda mustaqil izlanish va javobgarlik hissini tarbiyalaydi. Adabiyot darslaridagi katta mavzular to‘liq o‘tib bo‘linganidan so‘ng mavzular o‘quvchilarga qayta bo‘lib beriladi. O‘qituvchi yordamida reja tuzilib, foydalaniladigan adabiyotlar ro‘yxati taqdim etiladi. Har bir o‘quvchi o‘z mavzusining mohiyatini ochib berganidan so‘ng sinfdagi boshqa o‘quvchilar so‘zga chiqib mavzuni to‘ldirishi mumkin bo‘ladi. Dars oxirida o‘qituvchi so‘zga chiqqan, fikrlarni to‘ldirgan, munosabat bildirgan har bir ishtirokchining faoliyatini tahlil qiladi va baholaydi [1; 313-314].

Professor B.To‘xliyev va olim Barno Abdurahmonovanning ta’kidlash- laricha, mumtoz adabiyotimiz namoyondalarining hayoti va ijodini o‘rganishda darsning seminar mashg‘uloti turidan foydalanish katta samara beradi. Bu usulni qo‘llashdan maqsad o‘quvchilarda notiqlik ko‘nikmasini shakllantirish, ko‘pchilik orasida o‘zini to‘g‘ri tutib so‘zlay olish madaniyatini o‘stirishdir [2; 34].

Ma’lumki, Yusuf Xos Hojibning ijodi umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 11-sinfida va akademik litseyning 2-bosqichida o‘rganiladi. “Qutadg‘u bilig‘ dostonini seminar shaklida o‘rganish quyidagi tashkiliy bosqichlardan iborat bo‘ladi: 1) o‘qituvchi mashg‘ulot uchun reja tuzadi; 2) shahar, litsey, maktab kutubxonasidagi mavzuga oid darslik, ilmiy adabiyotlar, vaqtli matbuotda va Internetda e’lon qilingan maqolalarni o‘rganib, foydalaniladigan adabiyotlar ro‘yxatini tuzadi va reja bilan birga o‘quvchilarga tavsiya etadi; 3) darsdan keyin qo‘shimcha mashg‘ulotlar tashkil etib, o‘quvchida to‘plangan ma’lumotlar ichidan keraklisini ajrata olish ko‘nikmasini shakllantiradi; 4) iqtidorli o‘quvchilar bilan birgalikda mavzuga oid slaydlar tayyorlaydi.

Mashg‘ulot taxminan quyidagicha olib boriladi :

I. Tashkiliy qism. O'qituvchi doskaga mavzu va seminar mashg'uloti rejasini yozadi.

Mavzu: Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig' dostoni

Reja:

1. "Qutadg'u bilig' - el-yurt madhiyasiga bag'ishlangan ilk turkiy doston.
2. Dostonning qo'lyozma nusxalari va ularning o'rganilish tarixi.
3. Dostonning tarkibiy qurilishi. Asarda ifodalangan she'riy shakl va janrlar tavsifi.
4. Yusuf Xos Hojibning davlat hokimiyati va odil shoh haqidagi fikrlari.
5. Yusuf Xos Hojibning ijtimoiy tabaqalar haqidagi fikrlari.

Mashg'ulotni Yusuf Xos Hojibning to'rtliklaridan misol keltirib, adib yashagan davr tavsifi, turkiy xalqlarning X - XII asrdagi yozma adabiyoti haqida ma'lumot berish bilan boshlash maqsadga muvofiqdir. O'qituvchi o'quvchilar e'tiborini Yusuf Xos Hojib, Mahmud Koshg'ariy, Ahmad Yugnakiy, Ahmad Yassaviy, Sulaymon Boqirg'oniy asarlarining turli yillarda chop etilgan nashrlariga, tarjimalariga qaratadi. Kitoblar taqdimoti slayd orqali namoyish etiladi.

II. Asosiy qism. Birinchi o'quvchi Yusuf Xos Hojib hayoti haqida ma'lumot beruvchi yagona manba uning "Qutadg'u bilig' dostoni ekanini ta'kidlab, dostonda keltirilgan ma'lumotlarga asoslanib, adibning hayoti va dostonning yozilish tarixi haqida ma'lumot beradi. Adibning doston yozishdan maqsadi qoraxoniylar davlati hokimiyatini mustahkamlash, yurt ichidagi ixtiloflarni bartaraf etish, hukmron doiralarning jamiyatdagi turli tabaqalarga munosabatini belgilash, ma'rifat va yurt obodligi uchun kurash, ma'naviy yetuk insonlarni tarbiyalash, yaxshi xulq va odobni targ'ib qilish edi [3;90-91]. Asar o'z davrida keng shuhrat qozongan, turli tillarga tarjima qilingan, chinliklar unga "Adab ul - muluk", mochinliklar "Oyin ul-mamlakat", mashriqliklar "Ziynat ul - umaro", eronliklar "Shohnomayi turkiy", turonliklar "Qutadg'u bilig' deb nom berganlar. Bu nomlarning barchasi kitobning davlat idora ishlari va axloq - odob masalalariga bag'ishlanganini ko'rsatadi. Misol tariqasuda "Tilning fazilati" bobidan misollar keltiradi [4; 14-17].

Ikkinchi o'quvchi dostonning bizgacha yetib kelgan uchta qo'lyozma nusxasi va ularning ilmiy tarzda o'rganilish tarixi haqida ma'lumot beradi. Asarning jahon turkiyshunoslari tomonidan ilmiy jihatdan o'rganilishi uning qo'lyozma nusxalarining topilishi tarixi bilan chambarchas bog'liqdir. Ilk qo'lyozmaning topilishi va uning Avstriya (Vena) ga olib ketilishi asarni o'rganish bilan dastlab Yevropa olimlarining shug'ullanishiga imkon berdi. Shunga ko'ra bu asarni dastlabki ilmiy tadqiq etishda A.Vamberi, A. Joubert va boshqa olimlarning xizmatlari katta.

V.V.Radlov asarning matnshunoslik va tilshunoslik jihatidan birinchi marotaba jiddiy o'rgandi, uning dastlabki nashrini, nemis tiliga tarjimasini amalga oshirdi. Umuman, asarni o'rganishda Ilminskiy, S.E.Malov, A.A.Samoylovich, V.V.Bartold, P.M. Melioranskiy, N.A.Yudaxin, N.A.Baskakov, Y.E.Bertels, A.N.Kononov, E.R.Tenishev, A.A.Valitova, I.B.Stebleva, G.F.Blagova singari olimlar munosib hissa qo'shganlar.

Yusuf Xos Hojibning asarini turk olimlaridan M.F.Kuprulizoda, R.R.Arat, A.Dilachar, Mehmet Karalar tadqiq etib, katta muvaffaqiyatlarni qo'lga kiritdilar.

O‘zbekistonda bu asarni o‘rganishning tamal toshini dastlab A. Fitrat qo‘ygan edi. Keyinchalik Abdurahmon Sa‘diy bu ishni davom ettirdi. Asarni o‘rganishda A.P.Qayumov, N.M.Mallayev, A.Aliyev, Xolid Rasullarning ham munosib hissalar bor. Bu boradagi eng katta muvaffaqiyatlar Qayum Karimovning nomi bilan bog‘liq. U asarning dastlabki ilmiy transkripsiya qilish prinsiplarini ishlab chiqdi, shu prinsip asosidagi tadqiqotini amalga oshirdi, o‘zbek tilidagi birinchi tadbilni yaratdi. Asarni filologik jihatdan o‘rganishda B.To‘xliyev va Q.Sodiqovlarning xizmatlari kattadir [4;8].

Bularning barchasi turkiyshunoslikda ”Qutadg‘u bilig‘shunoslik sohasi vujudga kelganini ko‘rsatadi. O‘quvchi dostonga bag‘ishlangan ilmiy asarlar, maqolalardan ayrimlarini slaydda namoyish etadi.

Uchinchi o‘quvchi asarning tarkibiy qurilishi haqida ma’lumot beradi. Xoqonga taqdim etilgan nusxaning tarkibi quyidagicha:

- 1.Nasriy muqaddima (38 satr);
- 2.She’riy muqaddima (77 bayt);
- 3.Fihristi abvob (bob sarlavhalari);
4. Muqaddimaviy boblar (390 bayt);
- 5.Asosiy qism (5896 bayt);
- 6.Xotima qismi (121 bayt).

“Qutadg‘u bilig‘ dostoni jami 6500 baytga 13000 misraga yaqin bo‘lib, 73 fasl - bobga bo‘lingan.O‘n bir bobi dostonning muqaddimasi hisoblanadi. Muqaddima hamd va na’t, ya’ni xudoga, payg‘ambarga va to‘rt xalifaga bag‘ishlangan an’anaviy boblardan tashqari , bahor tavsifi va Bug‘raxon madhi, 7 sayyora va 12 burj, til odobi va bilimning foydasi kabi masalalarga bag‘ishlangan boblarni o‘z ichiga oladi.

Dostonning asosiy qismi 12-bobdan, Kuntug‘di degan hukmdorning ta’rifi bilan boshlanadi. Har bir bob maxsus bir masalaga bag‘ishlanadi, boblar mazmunan o‘zaro bir - biri bilan bog‘lanib boradi,biri ikkinchisini to‘ldiradi. Masalalar qahramonlarning sarguzashtlari orqali emas, balki ular o‘rtasidagi suhbat va munozaralarda bayon etiladi.

Xotima qismi 2 qasida va 1 masnaviy bobdan iborat: “Yigitlikka achinib, qarilikdan shikoyat qilish” qasidasi (44 bayt), “Zamon buzuqligi va do‘stlar jafosidan yozg‘irish” qasidasi (40 bayt); muallifning o‘ziga o‘zi nasihat qiluvchi masnaviy bob (37 bayt).

“Qutadg‘u bilig‘ - turkiy xalqlar yozma adabiyotining ilk namunasi. Doston tarkibida tuyuq, to‘rtlik, qasida janrining namunalari ham uchraydi. O‘quvchi tuyuq, qasida janrlari haqidagi nazariy ma’lumotlar berib, “Bahor madhi” qasidasidan misollar keltiradi [4,11-13].

To‘rtinchi o‘quvchi Yusuf Xos Hojib davlat hokimiyati va odil shoh haqidagi fikr - mulohazalarini Kuntug‘di, Oyto‘ldi, O‘gdulmish va O‘zg‘urmish qiyofasida mujassamlashtirganini aytib o‘tadi. To‘rt majoziy obraz o‘rtasida savol - javob, munozara, suhbat asnosida muallif hayotning turli sohalariga oid o‘zining chuqur mulohazalarini bayon etadi. Doston Qoraxoniylar hukmdori uchun maxsus yozilgan pandnoma, qomus hisoblanadi. Adibning fikricha, bek - davlatning yagona hukmdori. Uning asosiy vazifasi mamlakatni idora etish, yurt osoyishtaligi va farovonligi uchun

kurashish, mamlakat uchun foydali bo'lgan qonunlarni ta'sis etish va amalga oshirish, ilm - ma'rifat ahllari, yetim - yesirlarni himoya qilish va boshqalardan iborat.

Bek oqil, donishmand, sergak va bilimli, tadbirkor va ezgu xulqli bo'lsagina bu vazifalarni amalga oshira oladi. Yusuf Xos Hojib Kuntugdi va O'gdulmish suhbatiga bag'ishlangan bobda shoh adolatli bo'lishi uchun uning atrofidagi amaldorlar ham sadoqatli, halol bo'lishi lozim degan fikrni ilgari suradi. "Kuntu'g'di va O'gdulmish munozaralari" bobidan parchalar keltiradi [4;47-60].

Beshinchi o'quvchi o'z nutqida O'gdulmish bulan O'zg'urmish o'rtasida bo'lib o'tgan suhbatga batafsil to'xtaladi. Chunki "Qutadg'u bilig' dostoni XI asrdagi Qoraxoniylar davrining ijtimoiy hayoti haqida keng ma'lumot beruvchi asar hamdir. Adib shahar va qishloq ahli, o'troq va ko'chmanchi xalq, dehqonlar, hunarmandlar, chorvadorlar, savdogarlar, olimlar, elchilar, qo'shin boshliqlari, munajjimlar, tush ta'bir qiluvchilar, tabiblar va boshqalar haqida so'zlab, ularning jamiyat hayotida tutgan o'rni, burch va vazifalari, xulq-atvori haqida o'git beradi. Hukmdor va amaldorlar ularga to'g'ri munosabatda bo'lsalar, yurt tinch, davlat mustaqil bo'ladi. Dostondan parchalar keltiriladi [4; 99-113].

III. Mavzuni mustahkamlash. Seminar mashg'ulotida qatnashgan - ma'ruza qilgan o'quvchilar mavzu bo'yicha guruhdoshlarining savollariga javob qaytaradilar. Qo'shimcha ma'lumotlar tinglanadi. Dars o'qituvchi tomonidan xulosalanadi va seminarda faol qatnashgan, rejaning har bir bandi uchun slayd tayyorlagan o'quvchilar rag'batlantiriladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Husanboyeva Q., Niyozmetova R. Adabiyot o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. –T.: Innovatsiya-ziyo, 2020.
2. To'xliiev B., Abdurahmonova B., Qutadg'u bilig'ni o'rganamiz. –T., 2005.
3. To'xliyev B., Karimov B., Usmonova K. Adabiyot 1-qism, 11-sinf uchun darslik-majmua. –T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2018.
4. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.: Юлдузча, 1990.

LEKSIKOLOGIYA MODULINI O'QITISHDA MUAMMOLI TA'LIM TEKNOLOGIYASIDAN FOYDALANISHGA DOIR INNOVATSIYALAR

*Dehqonova Lutfinisa Abdullayevna,
GulDU katta o'qituvchisi*

Keyingi vaqtda ta'lim jarayoniga zamonaviy pedagogik texnologiyalarni joriy qilish e'tibortalab masalalardan biri ekanligi ayon bo'ldi. Ta'lim berishda yangi o'qitish texnologiyalari va interfaol usullarini qo'llash orqali bo'lajak xodimlarning ijodiy fikrlash, mustaqil qaror qabul qila olish, yangi bilimlarni mustaqil egallash qobiliyatlarini yanada rivojlantirishga erishish mumkin bo'ladi. Chunki mamlakatimiz mustaqillikka erishgach, ana shu sharoitda faqat mustaqil fikrlash qobiliyatiga ega bo'lgan shaxsgina o'z muammolarini o'zi mustaqil ravishda hal qila

olishi mumkin va jamiyatda o'z o'rniga ega bo'la oladi. Bunday qobiliyat faqat mamlakat miqyosida faoliyat olib borayotgan umumta'lim maktablari, AL va kasb-hunar kollejlari yoki oliy ta'lim muassasalarida shakllantiriladi.

O'quvchilarning og'zaki va yozma nutqini rivojlantirishda muammoli ta'lim texnologiyalarining o'rni katta. "Leksikologiya" bo'limini o'qitishda muammoli ta'lim texnologiyalaridan foydalanib matn bilan ishlash hamda matn yaratish ko'nikmalarini shakllantirish borasida ma'lumotlar berilgan. Ta'lim jarayonida faollashtirishga qaratilgan "Tushunchalar tahlili", "Sinkveyn", "Insert", "Ikki qismli kundalik" texnologiyalaridan ma'ruza va amaliy darslarni o'tkazishda va boshqa interfaol metodlardan foydalanish albatta, ta'lim samaradorligini oshishiga xizmat qiladi hamda maktab o'quvchilariga mavzularni oson tushuntirishda samara beradi.

Binobarin, mamlakatimizning Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev shunday ta'kidlagan edi: "Bugun biz davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan yangilashda qaratilgan innovatsion rivojlanish yo'liga o'tmoqdamiz. Bu bejiz emas, albatta. Chunki zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda kim yutadi? Yangi fikr, yangi g'oyaga, innovatsiyaga ega davlat yutadi".

Bugungi kunda ona tili ta'limi oldida turgan masalalardan biri mustaqil fikrlaydigan shaxsni tarbiyalash masalasi ekan, aynan, ona tili darslarida o'quvchilarning mustaqil fikrlashi hamda o'z fikrini og'zaki va yozma bayon eta olish ko'nikmalarini leksikologiya bo'limi yordamida shakllantirish lozim bo'ladi. Bu jarayonni amalga oshirishda metodist olimlar tomonidan tavsiya etilayotgan matn bilan ishlash, muammoli vaziyat yaratish texnologiyalari, interfaol metodlardan foydalanish yaxshi samara beradi.

Ayni kunda mamlakatimizda yetuk mutaxassislar tayyorlashning sifatini yanada yaxshilash, uni yuqori pog'onaga ko'tarish bo'yicha bir qator pedagogik izlanishlar olib borilmoqda. Bu xildagi izlanishlarning aksariyatida pedagog olimlar, amaliyotchi va tadqiqotchilarning diqqat e'tibori o'qitish maqsadi va uning natijadorligiga erishishga, ta'limni takomillashtirish orqali sifatli o'qitishni tashkil etishga, shu bilan birga ilmiy asoslangan zamonaviy o'qitish texnologiyalarini ishlab chiqish va ularni ta'lim-tarbiya jarayoniga tatbiq etish uchun qaratilgan. Hozirgi kunda ham respublikamizda "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" talablarini amalga oshirish bo'yicha katta ishlar olib borilyapti. Amalga oshirilayotgan bu vazifalar o'z navbatida ta'lim muassasalarida talabalarning kasbiy bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirish yo'lida zamonaviy o'qitish texnologiyalaridan foydalangan holda, o'quv-tarbiya jarayoni samaradorligini hamda sifatini oshirish talablarini ko'ndalang qilib qo'yimoqda.

Kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, hozirgi kunda oliy ta'lim tizimida leksikologiya moduli ko'pchilik holatlarda avvalgi, an'anaviy ta'lim texnologiyalari asosida o'qitilib kelinyapti. An'anaviy o'qitish tizimidagi ta'limda ta'lim oluvchi pedagogik ta'sirlar ostida bilim oladi. Bunda talabaning faoliyati faol ijodiy xarakterga ega bo'lmaydi. Turli fanlarni o'qitishda yangi pedagogik, interfaol texnologiyalar, shu jumladan, muammoli vaziyatni tashkil etishga asoslangan ta'limning an'anaviy ta'limga qaraganda ancha yuqori darajada samara berishi kun sayin o'z tasdig'ini topyapti.

Muammoli o'qitish talabalarning dunyoviy bilimlardan boxabar bo'lish imkoniyatlarini, ijodiy qobiliyatlarini va amaliy ko'nikmalarini rivojlantirishi, ularning mustaqil fikr yuritish salohiyatini oshirishida yaqqol namoyon bo'lyapti. Muammoli o'qitish ta'lim mazmunining barcha to'rtta (bilim, ko'nikma, malaka, ijodiy faoliyat) komponentlarini o'zlashtirishga ijobiy ta'sirini o'tkazadi. Ana shu komponentlarni o'zlashtirish talabalarning mutaxassislik fanlaridan juda muhim bo'lgan holatlar, ya'ni muammoni ko'ra bilish, uni erkin ifodalay olish, mustaqil holda yechish yo'llarini izlab topish va uni hal etishga katta imkon berishi shubhasiz.

Bizning mamlakatimiz hozirgi kunda ko'pchilik sohalarda jahondagi eng ilg'or davlatlar bilan bimalol bellasha oladi. Chunki hukumatimiz tomonidan mamlakatimizning yanada gullab-yashnashi, ayniqsa, yoshlarni kelajakda yetuk mutaxassis sifatida shakllanishlari va o'z bilimi, mahoratini namoyon qilishi uchun barcha imkoniyatlar muhayyo qilingan. Ana shunday sharoitda ta'lim va tarbiya olayotgan yosh yigit va qizlar ular uchun yaratilgan bunday imkoniyatlardan samarali foydalanib, ertaga bugungi kundagi egallagan bilimlari, salohiyatini Vatan taraqqiyoti yo'lida safarbar etishi muhimligini anglab yetgan holda, shu maqsad sari intilib yashayapti.

Barcha sohalarda bo'lgani kabi ta'limda ham "novatsiya", "innovatsiya" hamda ularning mohiyatini ifodalovchi faoliyat to'g'risida so'z yuritiladi. Agar faoliyat qisqa muddatli, yaxlit tizim xususiyatiga ega bo'lib, faqatgina tizimdagi ayrim elementlarni o'zgartirishga xizmat qilsa, u novatsiya (yangilanish) deb yuritiladi. Bordi-yu, faoliyat ma'lum konseptual yondashuv asosida amalga oshirilib, uning natijasi muayyan tizimning rivojlanishiga yoki uni tubdan o'zgartirishga xizmat qilsa, u holda u innovatsiya (yangilik kiritish) deb ataladi.

Ta'lim innovatsiyalari ta'lim tizimini quyidagi asosiy o'zgarishlarga olib keladi:

- 1) o'qituvchi ish faoliyatining o'zgarishi;
- 2) talabani darsga bo'lgan munosabatini o'zgarishi;
- 3) o'qitish shakl, metod va vositalarining o'zgarishi;
- 4) ta'lim maqsadi va natijalarining o'zgarishi.

Innovatsion faoliyat - yangi ijtimoiy talablarning an'anaviy me'yorlarga mos kelmasligi yoki yangi shakllanayotgan g'oyalarning mavjud g'oyalarni inkor etishi natijasida vujudga keladigan majmual muammolarni yechishga qaratilgan faoliyat turi hisoblanadi. "Leksikologiya" bo'limini o'qitish jarayonida o'quvchilarning so'z boyligini oshirish, matn tuzish jarayonida so'z tanlash, so'zlarning shakl va ma'no munosabatiga ko'ra turlaridan unumli foydalanish, so'zlarning ma'nodoshlarini o'rniga qo'ya bilish, matn turiga qarab so'z tanlash, ilmiy va kasbiy atamalardan o'z o'rnida foydalana olish konikmalari shakllantiriladi.

Innovatsion faoliyat o'qituvchidan ilmiy izlanishlar, ishlanmalar yaratish, tajriba-sinov ishlari olib borish, fan-texnika yutuqlaridan foydalanish asosida yangi texnologik jarayon yoki yangi takomillashtirilgan mahsulot yaratishdan iborat. Bunday faoliyat pedagogning ruhiy, aqliy, jismoniy kuchini ma'lum maqsadga yo'naltirish asosida nazariy bilim, amaliy ko'nikma va malakalarni egallash, amaliy faoliyatni nazariy bilimlar bilan to'ldirib borish, bilish, loyihalash, kommunikativ nutq va tashkilotchilik mahoratini rivojlantirishni talab etadi.

Hozirgi kunda pedagoglarning innovatsion faoliyat, ko'nikma, malakalarga ega bo'lishlari muhim ahamiyatga ega. Pedagoglar tomonidan innovatsion faoliyat, ko'nikma, malakalarni o'zlashtira olishlarida ularning innovatsion yondashuvga ega bo'lishlari talab etiladi. O'quvchilarning mustaqil matn yaratish ko'nikmalarini shakllantirishda lug'atlardan foydalanish, bir fikrni ifodalashda takroriylikdan qochish, so'zlarning antonimlari, sinonimlaridan unumli foydalanish lozim. Demak, ona tili darslarida lug'atlardan foydalanishni yo'lga qo'yish, o'quvchilarning so'z zahirasini kengaytirish ona tili ta'limi oldidagi vazifalardan biri hisoblanadi.

O'qituvchilar ona tilini o'rgatishda o'quvchilarning matn yaratish jarayonida so'z tanlash va so'z qo'llash konikmalarini shakllantirishga doir amaliy ishlar, interfaol metodlardan foydalansalar bugungi kundagi kompetentli o'quvchini shakllantirishga xizmat qiladilar.

Pedagoglarda innovatsion yondashuvning qaror topishi ham murakkab jarayon bo'lib, u bir necha bosqichda kechadi.

1. Amalda mavjud bo'lgan innovatsiyalardan foydalaniladi.
2. Mavjud tizimga yangi g'oyalarni, usullarni kiritadi.
3. Yangi g'oyani amalga oshirish mazmunini, shakl va uslublarini tizimlashtiradi.
4. Pedagog o'qitish va tarbiyalashga oid o'z metodikasini yaratadi.

Xulosa qilib aytganda, innovatsion va interfaol ta'lim texnologiyalari ta'lim sifatini yaxshilash, samaradorligini yanada oshirish, o'qituvchi, talaba, talabalar guruhi, shuningdek, jamoa o'rtasida o'zaro hamkorlikni qaror toptirish, g'oyaviy va ruhiy birlikka erishish, yagona maqsad sari intilish, har bir ta'lim oluvchi (o'quvchi, talaba)ning ichki imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishda muhim ahamiyatga molik yo'nalishdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Jamolxonov H. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –T., 2002.
2. Ziyadova T. Matn yaratish texnologiyasi. –T.: Fan, 2008.
3. Muhiddinova X. O'zbek tilini o'qitishda zamonaviy yondashuvlar.

BOSHLANG'ICH TA'LIMDA O'QUV-BILUV FAOLIYATINI MOTIVLASHTIRISHDA STIMULNING O'RNI

*Xudaynazarova Dilora Gulmurod qizi,
JDPI o'qituvchisi*

“Stimulus” qadimgi grekcha so'z bo'lib, ma'nosi hozir qo'llaniladiganiga taqqoslaydigan bo'lsak, unchalik xayrli emas. Gap shundaki, qachonlardir ho'kiz va qoramollarni haydaydigan, uchi yo'nib o'tkirlashtirilgan uzun tayoqni shunday ataganlar. Bugungi kunda esa “stimullashtirish” – “insonni qandaydir faoliyatga yetaklash, turtkilash” degan ma'noda qo'llaniladi. Inson asli tabitan shunday yaratilgan: ichki yoki

tashqi turtki, eslatma bo'lmasa, hatto ba'zan majburlash bo'lmasa o'rnimizdan ham qimirlay olmaymiz.

Stimullashtirish borasida amalga oshirilgan nazariy tadqiqotlarning darajasi va salmog'i nihoyatda yuqori. Ammo shunisi achinarliki, amaliyotchi-pedagog juda ko'p miqdordagi konsepsiyalar, nazariyalar, g'oyalardan o'z faoliyati uchun yaroqlisini kamdan-kam topishi mumkin. Shu nuqtai nazardan qaraganda amaliyot metodlar quyuni ichida o'z yo'lini yo'qotib qo'ygan. Ammo, aytish joizki, ta'lim jarayoni samaradorligiga ijobiy ta'sir ko'rsatadigan omillar ichida stimullashtirish yetakchi o'rin egallaydi. "Nazarimda, o'z pedagogik faoliyatimning boshlanishida men juda ko'p xatolarga yo'l qo'yganman. Tabiiyki, ularni takrorlashni istamayman,- deb tan oladi taniqli amerikalik pedagog A.Dreyer, – men uchun eng qiyin muammo o'qishga motivlashtirish bo'lgan"[1;54].

Ehtiyojlar, motivlar, stimullar – bir dalaning hosilidir. Shuni ta'kidlash joizki, inson odatda, bir yo'la turli ko'rinishdagi ehtiyoj va motivlar ta'siri ostida bo'ladi hamda ulardan eng kuchlisiga mos ravishda harakat qiladi. Shunday bo'lishi ham mumkinki, bir nechta bir xil ta'sir kuchiga ega bo'lgan ehtiyoj va motivlar maydonga chiqib qolishi, ular orasida ziddiyat paydo bo'lishi mumkin. Shunday vaqtda kishi ular orasidan o'zi uchun ma'qul bo'lgan xatti-harakatlar yo'nalishini tanlashiga to'g'ri keladi. Insonning aynan u yoki bu yo'lni tanlashida hal qiluvchi rolni stimullar bajaradi. Demak, tanlashda, yo'nalishni aniqlashda, to'g'ri qaror qabul qilishda va kerakli yo'nalishda harakat qilishda stimullar yordamga keladi.

Ayni paytda zarur, ammo bajarish istagi kam bo'lgan stimullarni tanlash o'quvchidan katta kuch va sabotni talab etadi. Bu juda qiyn jarayon bo'lib, kichik bolalar u yoqda tursin kattalar ham buni bajarishga qiynaladilar. Ba'zan hissiyotlar aqldan ustunlik qiladi. Shunda o'quvchi ko'proq o'ziga jalb qilib turgan xulq-atvor yo'nalishini tanlash uchun bahona yoki chora izlaydi va uni topadi. Masalani yana to'g'ri tanlangan va qo'llanilgan stimullar hal etadi. Ma'lumki, qo'zg'otuvchi motivlar aniq mavjud bo'lganda bizning xatti-harakatlarimiz g'ayratliroq va izchil bo'ladi. Ta'sir ko'rsata oladigan motivlashtirish ba'zan o'quvchilar xatti-harakatlariga shu darajada ijobiy ta'sir ko'rsatadiki, birinchi qarashda bu kutilmagan natijaga o'xshab ko'rinadi. Motivlashtirish o'quvchilarni turli darajadagi xatti-harakatlarni bajarishga undaydi. Natijada turli shart-sharoitlarda turli xildagi motivlashtirish, turli xildagi o'zlashtirish ko'rsatgichlariga olib keladi.

Stimullashtirish sohasida o'quvchilarni o'rganish yangicha mazmun kasb etmoqda. Bugungi kunda mos stimullarni qidirib topish va to'g'ri qo'llash maqsadida o'quvchilarni o'rganish talab etilmoqda. O'quvchilar o'quv-biluv faoliyatini motivlashtirish, tashkil etish va boshqarishning oltin qoidalari Qoida: O'quvchilar nimani xohlashayotgani haqida o'ylang! Muayyan bir turdagi stimullarni tahlil etish uchun amerikalik professor G.Overstritning "Inson xulq-atvoriga ta'sir ko'rsatish" deb nomlangan kitobida keltirilgan fikrlarga e'tiborni qaratsak, foydadan xoli bo'lmaydi. G.Overstritning ta'kidlashicha, xulq-atvorimiz va

xatti-harakatlarimiz zamirida biz uchun eng qimmatli bo'lgan orzularimiz yotadi. Kimnidir u yoki bu ko'rinishdagi xatti-harakatlarni bajarishga undashni o'z oldigan vazifa qilib qo'yganlar uchun eng yaxshi maslahat shunday: avvalo o'z suhbatdoshingizni nimanidir qattiq istashga majbur qiling. Kimki buni uddalay olsa, butun dunyoni egallaydi, agar uddalay olmasa, yakkalanib qoladi.

Istaklarga tayaning. Bolalar nimani istashadi – bu o'qituvchining olidida turgan bosh masala bo'lib hisoblanadi. Agar biz sichqonni tutmoqchi bo'lsak, qopqonga qip-qizil bo'lib pishgan gilosni qo'ymaymiz, balki pishloq bo'lagini qo'yamiz, ya'ni bunda o'z istagimiz va ta'bimizga ko'ra emas, balki kemiruvchilarning ta'bidan kelib chiqib ish yuritamiz. Shuni mudom yodda tutishimiz va anglashimiz lozimki, faqat biz nimani istashimizgina muhim emas, balki bolalar nimani istashlari ham juda muhimdir. Uni sindirishga va qayta qurishga urinmang: u o'z xohish-istaklari uchun aybdor emas. Tarbiyaning tabiatga moslanganligi g'oyasini yodda tuting. O'qituvchining vazifasi – agar pedagogik maqsadlarga mos kelmasa, intilishlarning yo'nalishini o'zgartirish. Agar biz bolalarning chekmasligini istasagu, biroq o'quvchini chekish istagi tark etmasa, unga har qancha pand-nasihat qilsangiz ham foydasi bo'lmaydi. Bolalarni qo'rqitish uchun odatda ko'p misol qilib keltiriladigan “nikotindan o'lgan ot” sizga yordam bermaydi. Ammo siz o'quvchingizda musobaqada g'olib bo'lish, futbol jamoasiga qo'shilish yoki sinfdagi bir go'zal qizning nazariga tushish istagi borligini bilib qolsangiz, unga tushuntiringki, chekish bu borada muvaffaqiyatsizlikka uchrashiga sabab bo'lishi mumkin.

Qiziqishlar va mayllarni hisobga oling. Tushunish – kechirish demakdir, degan hikmat bor. O'quvchini agar o'qituvchi tushunmasa, kim tushunadi? O'quvchilar orasida hech narsaga qiziqmaydigani bo'lmaydi. Bu allaqachon hammamiz uchun ma'lum bo'lgan aksioma bo'lsa ham, hamon biz o'quvchilar qiziqishlarini hisobga olishni o'rganmaganmiz. O'qish-o'rganish va o'z-o'zini takomillashtirishning kuchli stimuliga nisbatan qiziqish uyg'otishning juda ko'p qo'shimcha vositalari borligini unutmaslik kerak.

O'quvchining niyatini bilishga harakat qiling. Niyat ehtiyoj asosida paydo bo'ladi. Masalan, o'quvchi fermer bo'lishni niyat qildi deylik. U har kuni xo'jalikda biror bir ish qilishni niyat qiladi. U hamma narsani o'ylab qo'ygan, rejalashtirgan, hatto vaqt byudjetidan bir qismini shu ish uchun ajratgan. O'ylab ko'ring, agar qo'pol ravishda uning rejalarini buzib qo'ysangiz nima bo'ladi. Agar o'qituvchi o'z ishlarini belgilab qo'ygan bolaga rejalarini o'zgartirib yuboradigan topshiriq bersa, u muvaffaqiyatsizlikka uchraydi. Shunday - ikki yo'ldan birini tanlash vaziyatiga tushib qolgan o'quvchining xulq-atvorida keskin o'zgarishlar paydo bo'ladi. O'quvchilarga o'z oldilariga qo'ygan niyatlariga erishishlari uchun yordam berish yo'lini qidiring. Gap shundaki, ko'pincha niyat vaziyatli motivlar ta'sirida vujudga keladi va o'quvchi bu niyatini amalga oshirishi uchun kuchi yetish-yetmasligi haqida o'ylab ham o'tirmaydi.

O'quvchining hurmatga sazovor bo'lish istagini rag'batlantiring. Hurmat-e'tibor qozonish istagi hamma odamda mavjud bo'ladi. Ko'pgina bolalar bilim uchun emas, balki e'tiborga tushish uchun o'qishga harakat qiladilar. Ularni yuqori darajadagi raqobat muhiti o'ziga tortadi. Agar bu stimul o'quvchi ongida ildiz otib, o'rnishib qolgan bo'lsa va ta'lim jarayoniga ijobiy ta'sir ko'rsatsa, undan to'g'ri foydalanishga harakat qilish kerak.

O'quvchi xatti-harakatlari oqibatini ko'rsating. Tadqiqotchi A.Gavrilova turli yoshdagi o'quvchilarga maxsus tuzilgan matnni o'qib, uni davom ettirishni topshiradi. Bu matnda bir bola o'ziga sovg'a sifatida berilgan kuchukcha o'zining oldingi xo'jayinini qo'msayotganligini sezib qoladi. Bu vaziyatda bolaning oldida ikki yo'l – kuchukchani o'z egasiga qaytarish yoki o'zida qoldirish shartidan birini tanlash turibdi. O'quvchilar matnni davom ettirib, bola bu kuchukchani oldingi egasiga qaytaradimi yoki o'zida qoldiradimi, shuni yozishlari kerak edi. Bu tajribada ishtirok etgan o'quvchilarning deyarli hammasi “bola kuchukchani o'zida qoldirishi kerak”,- deb yozishgan. O'quvchilarda qiyin ahvolda qolgan hayvonlargagina emas, hatto odamlarga nisbatan ham hamdardlik bildirish hissi yo'qligi aniqlangan. Bu nimadan dalolat beradi? Axloqiy jihatdan noqislikni, hissizliknimi? Faqat bunigina emas. Bizning o'quvchilarimiz o'zini birovning o'rniga qo'yib ko'rish, uning kechinmalarini his etishga o'rganmaganlar. Ular o'z xatti-harakatlarining oqibatlari haqida o'ylab ko'rish, unga baho berishga odatlanmaganlar. Agar pedagog vaqtda va ishonarli ravishda o'z o'quvchilarining ko'zini ochib qo'ysa, u o'quvchi xulqatvorini yaxshi tomonga o'zgartirishning qo'shimcha va samarali stimuliga ega bo'ladi.

O'quvchining qadr-qimmatini joyiga qo'ying. O'quvchida tashabbuskorlikni hamda unda bor bo'lgan barcha ijobiy fazilatlarni uning qadr-qimmatini joyiga qo'yish orqali rivojlantiring. Agar sharoit shuni talab qilsa, biroz yolg'on ishlatishdan ham qo'rqmang. Chunki aldash - bu kishiga aynan u o'zi haqida o'ylaganlarini gapirish demakdir. Siz ishlatgan bu beozor yolg'on tarbiyalanuvchida yangi kuch-g'ayrat oqimini paydo etishi mumkin.

O'quvchining yutuqlarini ma'qullang. “Obrazli qilib aytganda, yaxshi bajarilgan ish uchun bolaning yelkasidan qoqib qo'yish, uni sidqi dildan mehanatni davom ettirishga stimullashtiradi”,- deydi amerikalik pedagog A.Dreyer. Ma'qullovchi so'z, imo-ishora, xatti-harakatlarni faqat eng yaxshi o'quvchilarga emas, balki o'quv mehnatida o'z shijoatini namoish eta olgan barcha o'quvchiga nisbatan yo'llash talab etiladi. Shunday holatlar ham bo'lganki, o'qituvchining past o'zlashtiruvchi o'quvchiga bergan oqilona ma'qullovchi bahosi juda katta ijobiy ta'sir o'tkazgan.

Ba'zida o'quvchilaringizga nisbatan “kerak” degan so'zni ishlatib. Garchand bu stimul maktab amaliyotida uzoq vaqt davomida qo'llanib kelingan yagona stimul bo'sa ham, uning amal qilish imkoniyatlari hali ham cheklangani yo'q. Albatta, bu stimulga shaxsiy yo'nalish berish kerak (Sen

shunday qilishing kerak, Azizbek! Axir sen o'g'il bolasan!). O'quvchi qiyinchiliklarni yengib, xuddi kattalardek, matonatli kishilardek ish bajarganligidan zavqlanish hissini tuysin. Bundan tashqari, u topshiriqni bajarganligidan xursand bo'lishi va faxr-iftixor tuyg'usini his etishi kerak. Bular, albatta, "kerak" stimuliga qo'shimcha ravishda amalga oshiriladi.

Vaziyatdan foydalaning. To'g'rirog'i – qulay fursatni boy bermang. Gap shundaki, ko'pincha, stimolni hayotning o'zi, voqealarning rivojlanish jarayoni o'rtaga tashlaydi. Bu kutilmagan, to'satdan paydo bo'ladigan stimullar uzoq ishlab chiqilgan va puxta rejalashtirilgan stimullardan sirayam qolishmaydi. Faqat ularni tezgina payqab olish, ularga moslashish va ishning foydasiga yo'naltirish kerak bo'ladi, xolos.

O'quvchiga imkoniyat bering. "Bolaga, turmush o'rtog'ingizga yoki qo'l ostingizdagi xodimlarga u yoki bu faoliyatga nisbatan kaltafahm, farosatsiz, axmoq va layoqatsiz ekanligini aytsangiz, uni deyarli barcha stimullardan mahrum etasiz. Agar teskari usulni qo'llasangiz, ya'ni rag'batlantiruvchi, najotbaxsh so'zlarni aytishga qizg'anchilik qilmasdan, suhbatdoshingiz oldida turgan vazifaning hech qanday murakkabligi yo'qligiga uni ishontirsangiz, uning kuchiga va qobiliyatiga ishonishingizni, bu vazifani bajarish uchun unda ichki tuyg'u va kuch yetarli ekanligini uqtirsangiz, u ertalabgacha muvaffaqiyatga erishish uchun mashq qilib chiqadi",- deb maslahat beradi D.Karnegi. "Sen bajara olasan, sen bunga erishasan" degan stimul juda katta kuchga ega. Amerika maktablaridan birida psixologlar tomonidan "intellekt koeffitsiyenti"ni tadqiq qilish bo'yicha psixologlar tomonidan olib borilgan tajribalar bu stimulning qanchalik yuqori natija berishini asoslagan. Ular kutilmaganda butun sinfga o'tkazilgan tajribalarda bir nechta past o'zlashtiruvchi o'quvchilar yuqori natija ko'rsatganliklarini e'lon qiladilar. Natija kutilganidan ham ortiq bo'ldi: nazarga tushib tan olinganliklaridan ruhlangan o'quvchilar semestr so'ngida o'tkazilgan testlarda ishonch bilan qatnashib, haqiqatdan ham yuqori natijalarga erishdilar va a'lochilar safidan joy oldilar. O'quvchining ichida bor bo'lgan intilishga tayanib, shunday turtkini o'qituvchi beradi. Pedagogik adabiyotlarda o'quvchini faoliyatga undaydigan ko'pgina ana shunday usullar bayon qilingan. Qo'llaniladigan stimullarning ko'pchiligi situatsion xususiyatga ega bo'lib, ular o'quvchi shaxsiga tayanadi. Ammo o'quvchidagi o'z-o'zini yaxshi ko'rish xususiyati e'tibordan chetda qoladi. Shuni ham qo'shib, o'quvchini beixtiyor "Men ham boshqalardan kam emasman!" deyishga majbur qiling. Shunday qilingki, o'quvchi uning uchun g'amxo'rlik qilayotganligingizni sezsin va sizga ishonsin.

Yutuqlarini ko'rsating. Shubhasiz, tashkil etiladigan o'quv mehnati muvaffaqiyati uchun o'z o'quv-biluv taraqqiyoti to'g'risida (boshqalarga nisbatlangan holda) tasavvurlarining mavjudligi muhim ahamiyatga ega. Buning uchun ochiq reyting yoki V.Shatalov tajribasidan olingan "ochiq istiqbollari tizimi" eng yaxshi vosita bo'lib xizmat qiladi. Bu usulni qo'llaydigan pedagoglar o'quvchilarning o'qish sur'ati ancha oshganligini

kuzatganlar. Bu yerda hech qanday yashirin sir yo‘q – aksariyat odamlar o‘zlari haqida iliq gaplarni eshitishni yoqtiradilar: bir muddat ana shunday yoqimli so‘z, “o‘zlashtirish ekрани”, xalqchil reyting o‘z-o‘ziga ishonch va o‘zidan qoniqish hissini kuchaytiradi. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, o‘qituvchining rag‘batlantirishi, maqtovi o‘quvchi uchun qancha muhim bo‘lsa, undan keladigan teskari aloqa, ijobiy ma‘nodagi madad, qo‘llab-quvvatlash undan ham muhimroqdir.

O‘zaro raqobatni ehtiyotkorlik bilan boshqarib boring. Inson – har doim raqobat bilan yashaydigan mavjudot, bu haqiqatdan ko‘z yumib bo‘lmaydi. Zamon kishidan toblangan bo‘lishni, raqiblar bilan kurashga bardosh bera oladigan bo‘lishni talab etadi. Maktab o‘zaro raqobatni rag‘batlantirish kerakmi va qay darajada rag‘batlantirish kerak?- degan savolga qat‘iy javob topilganicha yo‘q. Ammo chet el, ayniqsa, Amerika maktab ta‘limi tajribasida o‘zaro raqobatni rag‘batlantirish kerak deb hisoblashadi va undan faol xatti-harakatga chorlovchi stimul sifatida foydalanishadi. Maktabda o‘zaro raqobat metodidan foydalanish bo‘lajak hayotiy vaziyatlarni yengib o‘tishnigina emas, balki mag‘lubiyatni ham mag‘rur qarshi olish, yutuqlardan shodlana olish sifatlarini shakllantirishga yordam beradi.

O‘quvchini maqtang. Bir bir qarashda oddiy stimulga o‘xshab ko‘rinsada, aslida uni qo‘llab, muvaffaqiyatga erishish uchun quyidagilarni e‘tiborga olish kerak bo‘ladi:

(Maqtov tasodifiy, vaziyatli bo‘lishi kerak, uni oldindan rejalashtirib yoki jadval asosida tayinlab bo‘lmaydi.) Uncha ko‘ngildagidek bajarilmagan, ayniqsa, yomon bajarilgan ishni ko‘kka ko‘tarib maqtamang.

(Maqtov ochiq va aniq yo‘naltirilgan bo‘lishi kerak. Minnatdorchilik qabul qilish har doim kishi uchun yoqimli, ammo umumiy, aniq shaxsga yo‘naltirilmagan qolip-andaza shakldagi yuzlab minnatdorchilik bildirilganda ham, baribir ataylab, aniq bir kishi uchun qo‘lda yozilgan bir og‘iz iliq so‘zning o‘rnini bosa olmaydi. Aynan, qaysi ishi uchun “rahmat” aytayotganligingizni, aynan qaysi xatti-harakati sizga ma‘qul bo‘lganligini aniq ko‘rsating.

(Shunday maqtangki, maqtovingiz chin dildan va ishonchli bo‘lsin. Bu o‘rinda mimika va qo‘l harakatlari ifodasidan o‘rinli va mohirona foydalanish juda muhimdir. Agar o‘qituvchi yozilgan insho unga ma‘qul bo‘lganligini aytayu, qosh-qovog‘i uyulgan, xo‘mraygan bo‘lsa, o‘quvchi uning gapiga ishonmaydi.

Ko‘ngliga tegmasdan tanqid qiling. Psixolog Yu.Krasovskiy tanqid ilmiy asoslangan, zamonaviy fan yutuqlari bilan qurollangan holda, savodli bo‘lishi kerakligini ta‘kidlaydi:

(tetiklashtiruvchi tanqid (“Hechqisi yo‘q. Kelgusi safar yaxshiroq bajarasan. Hozir esa uncha o‘xshamadi.”);

(gina-tanqid (“Bu nimasi? Axir men senga ishongan edim”));

(analogiya-tanqid¹² (“Sendek bo‘lganimda men ham xuddi shunday xatoga yo‘l qo‘ygan edim. O‘shanda o‘qituvchimdan rosa baloga qolgan edim”.);

(umidli tanqid (“Umid qilamanki, yanagi safar vazifani yaxshiroq bajarasan”.);

(shaxsi noma‘lum tanqid (“Sinfimizda o‘z vazifasini uddalay olmayotganlar ham bor, lekin ularning ismi-sharifini aytmaymiz”.);

(tashvishli-tanqid (“Men sodir bo‘lgan, ayniqsa, ..., ...o‘quvchilarimizdagi bu holatdan tashvishdaman”.);

(hamdardlik ohangidagi tanqid (“Men sening holatingni yaxshi tushunaman, ammo sen ham mening ahvolimni tushunishing kerak. Axir topshiriq bajarilmagan...);

(kinoyali tanqid (“bajardik, bajardik, axyri bajarib bo‘ldik. Ishmisan - ish. Faqat endi odamlarning ko‘ziga qanday qaraymiz?!);

(shama‘-tanqid (“Men xuddi senga o‘xshab yo‘l tutgan bir kishini bilar edim. Keyin unga juda yomon bo‘ldi...);

(yumshatuvchi tanqid (“Balki shunday bo‘lishiga faqat sen aybdor emasdirsan”.);

(tanqid-nadomat (“Nega buncha betartib bajarding? Nega vaqitida bajarmading?);

(tanqid-tanbeh (“Aytganday bajarmabsan. Yanagi safar yaxshiroq bajarishga harakat qil”.);

(tanqid-talab (“Ishni qayta bajarishingga to‘g‘ri keladi”.);

(konstruktiv tanqid (“Topshiriq noto‘g‘ri bajarilgan. Endi nima qilmoqchisan”.);

(tahlikali tanqid (“Men yanagi safar ham topshiriq shunday bajarilishi mumkinligidan tahlikadaman”).

O‘zaro kelishuvli shartnomaga o‘ting. Stimullashtirishning bu ko‘rinishi keyingi yillarda g‘arb mamlakatlari ta‘lim tizimida qo‘llanilmoqda. O‘quvchining ishbilarmonlik xususiyatiga qarab, o‘qituvchi ishchi shartnoma tuzishni taklif etadi. O‘quvchi berilgan topshiriqni talab darajasida bajarish majburiyatini, o‘qituvchi esa bajarilgan topshiriqni o‘z vaqtida va xolis baholash vazifasini o‘z zimmasiga oladi. Agar o‘quvchi topshiriqni belgilangan talabdan yuqori darajada bajargan bo‘lsa ham yoki o‘qituvchi nisbatan yuqori baho qo‘yganda ham shartnoma buzilgan hisoblanadi.

Noan‘anaviy yechimlarni izlang. Albatta, sinab ko‘rilgan qoidalar asosida ish ko‘rish ma‘qulroq. Ammo yangi qoidalarni ham kimdir qo‘llab, tekshirib ko‘rishi kerak-ku. Juda ehtiyotkorlik bilan harakat qilib ko‘ring.

O‘quvchiga o‘z sha‘ni va obro‘yini saqlab qolish uchun imkon bering. Maxsus psixologik tadqiqotlar mualliflari shuni e‘tirof etishadiki, ziddiyatli holatlarning 100 dan 99 tasida qanchalik nohaq bo‘lishmasin, odamlar baribir o‘zini mutlaqo aybdor deb hisoblashmas ekanlar. Juda soz! Insonning aynan ana shu zaif tomonidan foydalanamiz. Mayli, o‘quvchi o‘ylasinki, uning yomon baho olishida faqat o‘qituvchi aybdor. Mayli,

usharoitning noqulayligi, omadsizlikni ro'kach qilib o'zini oqlasin, uning xayollarini buzishga shoshilmaylik. Unga o'z sha'nini saqlab qolish uchun imkon beraylik.

O'quvchilaringizni yaxshi nom chiqarishga o'rgating. Yahudiylarning oilasidagi bola tarbiyasidagi o'ziga xoslik shundan iboratki, ular bolalarining juda kichkina yutug'ini ham e'tiborsiz qoldirishmaydi. Uni albatta, ta'kidlab, e'tirof etishadi. Shuningdek, na ona va na ota o'z bolasini hech qachon dangasa, qobiliyatsiz deb aytishmaydi. Ular hech tortinmay va har doim o'z bolalarini maqtashadi, shu yo'l bilan bolaga o'z idealiga qarab intilish uchun yo'l ochib berishadi. Yahudiylarning maktablarida pedagoglar o'quvchilarini yaxshi nom chiqarishlari uchun imkoniyat yaratib berishadiki, o'quvchilar bu ishonchni oqlashga harakat qiladilar. Yahudiylar ta'lim-tarbiyasining ko'p hollarda muvaffaqiyatga olib boruvchi siri ham balki shunda bo'lsa kerak.

Xulosa qilob aytadigan bo'lsak, bizning hozirgi zamon maktablarida qo'llaniladigan rag'batlantirish biz o'quvchida yuqorida keltirilganlardan kelib chiqib yondashak, oldimizga qo'yilgan maqsadga erishgan bo'lamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Дреер А. Преподавание в средней школе США. –М., 1986.

BOSHLANG'ICH TA'LIMDA SO'Z TURKUMLARINI O'RGANISHDA TA'LIMIY O'YINLARDAN FOYDALANISH (FE'L SO'Z TURKUMI MISOLIDA)

*Ro'zmetova Zulxumor Achildiyevna,
Xorazm viloyati Shovot tumani o'qituvchisi*

Boshlang'ich ta'lim o'quvchilar, asosan, tasavvur qilish orqali fikr yuritadilar. Ona tili qonun-qoidalari, hodisalari mavhum fikr yuritishni taqozo etadi. Shu tufayli ular ko'pincha o'ynash, jismoniy harakat qilishga intiladilar. Amaldagi o'quv dasturiga asosan o'yin mashg'ulotlari bugungi darslarning qurilishida tez-tez uchrab turadi. Chunki bolaga berilayotgan bilimni o'yinlar vositasida singdirish quruq qoida yodlash va surunkasiga mashq qildirishdan qiziqroq tuyuladi va o'tilgan mavzuning mustahkam esda saqlanishiga imkon beradi.

Ta'limiy o'yinlarni o'tkazish usullari xilma-xil bo'lib, uni maktab o'qituvchilari mukammal egallab olishlari va o'quvchilarning o'zini shunga o'rgatish zarur. Ta'limiy o'yinlar til materiallarini o'rgatishdagi qiyinchiliklarni bartaraf etishga yordam beradi. Bu o'yinlar bolalarning yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda amalga oshiriladi. Ta'limiy o'yinlar bolalarda mustaqillikni tarbiyalaydi. O'quvchilarni tez o'ylashga, mustaqil fikrlab javob berishga, zehnli bo'lishga, har bir ishda tashabbus ko'rsatishga undaydi. Faoliyat ko'rsatishga chorlaydi. Bu mashg'ulotlar bolalarning diqqatini bir yerga to'playdi. O'quvchilarda sog'lom

musobaqa ruhini tug'diradi. Bunday ta'limiy o'yinlar va ularda berilgan topshiriqlarni bajarish jarayonida o'quvchilarda jamoa bilan ishlash, o'ziga va o'z jamoasiga hamda o'zgalarga hurmat-e'tiborda bo'lish xislatlari shaklanadi. Bu o'yinlar o'quvchilarni faollik ko'rsatish, topqirlik, fahm-farosatli bo'lishga, dars jarayonida olgan nazariy bilimlarini amaliyotga taqbiq eta olishni talab qiladi. Ta'limiy o'yinlar o'rganilayotgan grammatik tushunchalarni tez va mustahkam o'zlashtirib olish imkonini beradi.

Bilim berishda ta'limiy o'yinlardan bilimlarni mustahkamlashdagina emas, balki ta'lim shakli sifatida ham keng foydalaniladi.

Boshlang'ich sinflarda fe'l so'z turkumini o'rganishda ta'limiy o'yinlardan o'z o'rnida foydalanish ta'lim samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Bu o'yinlarni mavzu o'rganilgach, darsning mustahkamlash bosqichida o'tkazish maqsadga muvofiq bo'ladi. Quyida 3-4-sinflarda "Fe'l so'z turkumi" mavzusini o'rganish darslarida qo'llaniladigan ta'limiy o'qinlardan namunalar keltiramiz:

"So'zlar zanjiri" o'yini

Ushbu o'yinni boshlang'ich sinflarning hammasida o'tkazish mumkin. U O'quvchilarning har bir so'zga, uning tuzilish tomoniga e'tibor berilishini taqozo etadi. O'yinni o'tkazish uchun istalgan bir so'z olinadi. Tanlangan so'z qaysi tovush bilan tugasa, keyingi so'z o'sha tovush bilan boshlanishi zarur. O'quvchilar kerakli so'zni tez topishadi va o'z ijodining natijasini birdan ko'ra oladi. Bu ularga ma'lum darajada zavq beradi. O'yin qiziqarli bo'lishi uchun bir qator o'quvchilar o'rtasida yoki alohida guruhlar orasida o'tkazilsa yanada yaxshi bo'ladi.

Bu o'yin fe'l so'z turkumini o'tishda quyidagicha o'tkaziladi: *Yugurdi, izla, alqamoq, qildi, ishondi, ilhomlan....*

So'zlar zanjiri o'yinini aniq mavzularda ham o'tkazish mumkin. Fikrlash faoliyati rivojlangan va so'z zahirasi boy bo'lgan o'quvchilar orasida bunday o'yinlarni o'tkazsa bo'ladi. O'quvchilar bu o'yinni bajarish bilan ma'lum bir so'z turkumi yuzasidan bilimlari ham mustahkamlanib boradi.

O'yinning ikkinchi varianti

Ikki o'quvchi bir vaqtning o'zida doskaga chiqadi va birinchisi "b" tovushi bilan tugagan so'zlardan, ikkinchisi esa "i" tovushi bilan tugagan so'zlardan so'z zanjiri tuzish o'yinini o'tkazadi. Qaysi o'quvchi bir daqiqa yozuvdan to'xtasa yengilgan sanaladi. Kim ko'p so'z topgan bo'lsa g'olib hisoblanadi. O'yinning shartiga ko'ra biron so'z ham qaytarib yozilmaydi.

1-o'quvchi: Borib, botib, baqirib, berib, boshlab.

2-o'quvchi: Keldi, intildi, izladi, ilgariladi, ishonmadi.

Bu o'yinni o'quvchilarni chaqqonlikka va ziyraklikka chaqiradi.

"Kim chaqqon" o'yini

Sinf o'quvchilari ikki guruhga bo'linadi. Har bir guruhdagi bolalar berilgan matndan o'qituvchi bergan topshiriqqa oid so'zlarni tanlab oladi. Birinchi guruhdagi o'quvchilar matndagi fe'l turkumiga oid so'zlarni, ikkinchi guruhdagilar sifat so'z turkumiga oid so'zlarni tanlab yozadi. Buning uchun o'qituvchi so'zlar yozilgan ko'chma doska yoki kartonni bolalarga ko'rsatadi. Har ikkala guruh ham ishga tushib ketadi, Qaysi guruh o'quvchisi tez va to'g'ri bajarsa o'sha guruh g'olib

hisoblanadi va rag‘batlantiriladi. So‘zlar: *Aytdi, shirin, keldi, baland, chopdi, katta, ishladi, kichik, tepdi, ko‘rkam, yig‘ladi, yoqutday, izladi, ko‘k, intildi, nordon va hakoza*. Agar o‘quvchilar o‘yinni to‘g‘ri bajarishsa har bir guruh juda ko‘plab fe‘lga oid so‘zlar topishadi.

O‘yinning ikkinchi varianti

O‘quvchilarda so‘zning lug‘aviy ma‘nosiga qarab ma‘lum turlarga ajratish ko‘nikmasini shakllantirilishi uchun ushbu o‘yin o‘tkaziladi. O‘qituvchi sinfning oldingi qismidagi stolga -15-20 kartochka yozib qo‘yadi. O‘quvchilar doskaga chiqariladi. Ular doskaga o‘qituvchi tomonidan yozib qo‘yilgan mavzulardan birini tanlaydi. 1. Harakatga oid so‘zlar. 2. Holatga oid so‘zlar o‘quvchilar kartochkadagi so‘zlarni o‘qib, o‘zlariga keraklilarini tanlab oladi. Bunday o‘yin o‘quvchilarni so‘zning asosiy belgisiga qarab turlarga ajratishga o‘rgatadi. Masalan, Harakatga oid so‘zlar: yurdi, chizdi, aytdi, bordi, keldi.

Holatga oid so‘zlar: uxladi, gulladi, tingladi, o‘yladi

“G‘alaba cho‘qqisi” o‘yini

Bu o‘yinni o‘tkazish uchun ikki o‘quvchi doskaga chiqariladi. Ularning har biriga bittadan unumli so‘z yasovchi qo‘shimcha beriladi. O‘quvchilarning berilgan yasovchi qo‘shimcha yordamida belgilangan miqdorda so‘z tuzishi va doskaga yozishi talab qilinadi. Bu o‘yinni ot, sifat, fe‘l so‘z turkumlari o‘tilganda uyushtirish mumkin. Fe‘l so‘z turkumini o‘rganish jarayonida o‘yinni qo‘yidagicha uyushtirish mumkin.

“Keragini tanlab tuz” o‘yini

Bu o‘yinni o‘tkazishdan asosiy maqsad grammatik qoidalarni o‘quvchilarning mustahkam va ongli egallab olishlarini ta‘minlash hisoblanadi. O‘quvchilar ushbu mashq orqali har bir so‘zga ehtiyotlik bilan yondashishga va ularni o‘z o‘rnida ishlatish ko‘nikmasini egallab olishadi.

1. Fe‘l nomini
2. Sifat sonini, tartibini
3. Son belgisini
4. Ot ish-harakatini

Ta‘limiy o‘yinlardan yana biri **“Quruvchi”** o‘yidir. Bu o‘yin o‘quvchilarni guruhlariga bo‘lib, darsda o‘tilgan “Shaxs va narsa harakatini bildirgan so‘zlar” mavzusini o‘tkazilishi mumkin. O‘qituvchi avvaldan darsga tayyorgarlik ko‘rib, qog‘ozdan yoki penoplast bo‘lakchalaridan “g‘ishtshalar” yasaydi va ularga savol yozilgan qog‘ozchalarni yopishtirib chiqadi. G‘ishtchalar soni o‘quvchilar soniga teng yoki ko‘p bo‘lishi kerak. Guruhlarga “minora” yoki “devor” qurilishi uchun joy ajratiladi. Har bir guruhdan bittadan bola chiqadi va “gishtcha” ni olib, savolni o‘qiydi. Agar bolalar savolga to‘g‘ri javob topsalar o‘zlarining “maydoncha”lariga “g‘isht”ni teradilar. Agar noto‘g‘ri javob bersalar, o‘qituvchi “g‘ishtcha”ni olib qo‘yadi. O‘yin shu taxlitda barcha o‘quvchilar bittadan “g‘ishtcha” olib bo‘lgunlariga qadar davom etadi.” Qurilish maydonchasi” da eng ko‘p g‘isht tergan o‘quvchilar guruhi g‘olib hisoblanadi.

Ko‘rinadiki, har bir ta‘limiy o‘yinda ma‘lum ta‘limiy maqsadga qaratilgan vazifa qo‘yiladi. Bu vazifa bolalarga bilim va ma‘lumot berishni ko‘zda tutadi. Har

bir ta'limiy o'yin bolalardan ma'lum vazifani bajarishni talab qiladi. Shu orqali ta'limiy o'yinlar dars samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Abdurahmonov M. Didaktik o'yinlarning ta'limiy ahamiyati // Xalq ta'limi tizimida boshlang'ich sinf o'qituvchilarining yangi avlodini tayyorlash muammolari. –T.:1996.176-b.
2. Yoqubov Sh. Xoliqova Sh. Grammatik o'yinlar o'quvchilarni faollashtirish vositasi // Ta'lim tizimida psixologik xizmat: muammolar, yechimlar. –Termiz: 2002. 84-86-b.

BADIIY MATN USTIDA ISHLASH – O'QUVCHI TAFAKKURINI BOYITISH VOSITASI SIFATIDA

*Raupova Sevara Abdurazzoqovna,
Hamid Olimjon va Zulfiya nomidagi ijod maktabi tarbiyachisi*

Eskirmas, to'zimas so'z sohiblaridan biri Abdulla Oripovdir. Uning ilk she'rlari xalq qalbida qanday aks-sado bergan bo'lsa, eng yangi satrlari ham shunday sehrli qudrat bilan jaranglab turibdi.

(Erkin Vohidov)

O'quvchilarning kommunikativ savodxonlik darajasini oshirish, ularni mustaqil va ijobiy fikrlashga yo'naltirish, fikr mahsulini to'g'ri, ravon, o'rinli ifodalashga o'rgatish ekan, uni amalga oshirishning ishonchli omillaridan biri - matn yaratishning samarali texnologiyasini ishlab chiqish, uni o'quv amaliyotiga izchil joriy etish, o'quvchini muammoli o'quv topshiriqlari orqali izlanish va kashf qilishga yo'naltirish, o'quvchi lug'at boyligini kengaytirish jarayonida nutqiy faoliyatini shakllantirish, (so'zning lug'aviy ma'nolarini sharhlash) fikr ifodalash (og'zaki nutq va matn yaratish)da so'zni tanib va tanlab ishlatishni talab qiluvchi o'quv topshiriqlari, nutqiy madaniyatni yuksaltiruvchi ko'nikma va malakalar tizimi bilan qurollantirishdir. O'quvchi so'z boyligini oshirishning, uning nutqiy zaxirasini boyitishning eng samarali usuli sathlararo hamda fanlararo aloqadorlikni yo'lga qo'yish (undosh so'zlar ustida ishlash, berilgan so'zning leksik - semantik qurshovi: qaysi so'zlar bilan ishlatilishi, xususiy belgilari miqdorini aniqlash, qaysi so'z turkumlari bilan ifodalanishi, ularning nomlari soni, sifati, holati, harakatini belgilash v.h.) dan iborat. Demak, o'quvchi nutqiy ko'nikmalarini takomillashtirishning asosiy omillari tafakkur mahsulini izchil, to'g'ri, ravon ifodalash, nutqiy vaziyat talabiga ko'ra mustaqil matn yaratish ko'nikmalarini shakllantirishdir. Umuman olganda, o'quvchi kommunikativ savodxonligini ta'minlash masalasi, ona tili ta'limida mustaqil matn yaratish ko'nikmalarini shakllantirish texnologiyasini ishlab chiqish va uni muntazam ravishda takomillashtirib borishni taqozo etadi. Buning uchun egallangan bilim, ko'nikma va malakalarning jadal amaliy tatbiqi, ya'ni mustaqil matn yaratish masalasi ona tili

darlarida o'rganilayotgan har bir mavzuning asosiy maqsadiga aylanishi lozim. Matn yaratishning mantiqiy davomi - matn ustida ishlash bilan esa matnning tili, mantiqiy va uslubiy shakllanganlik darajasi o'rganiladi, o'quvchining kommunikativ savodxonlik darajasi esa, matn yaratish mahoratini aniqlash jarayonida o'z yechimini topadi. Turli til hodisalari (so'z va iboralarni)ning ma'nosini to'liq anglash va uni xususiy nutqda qo'llashga intilish - ulardan nutqiy vaziyatga mosini tanlash o'z fikrini ixcham, aniq va ravon ifodalash malakalarining shakllanishi va rivojlanishiga zamin yaratadi. O'qituvchi o'z o'quvchilarining dars jarayonidagi ilmiy-amaliy faoliyatini samarali tashkil qilish - avvaldan rejalashtirilgan, aniq bir maqsadga - mustaqil matn yaratishga yo'naltira bilishi uchun har bir dars rejasi va dars mavzusi bayonini puxta o'rganib chiqishi, darslikdagi amaliy mashqlar yetarli bo'lsa, zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida darsni tashkil qilish, kamroq bo'lsa, yangi, qiziqarli mashq namunalarini tanlab, qo'shimcha mashg'ulot sifatida mavzuviy rejaga kiritishi, darsni o'zaro musobaqa ruhida olib borishi nihoyatda foydali. O'qituvchi doimiy ravishda o'z o'quvchilarini o'quv amaliyoti jarayonida o'rganganlari yuzasidan o'z xulosalarini aytib berishga undashi, ular tomonidan kiritilgan izlanuvchanlik ruhidagi ijodiy taklif va mulohazalarni, o'z "men"i, iqtidori, iste'dodini namoyish qilishga bo'lgan urinishlarini ijobiy tushunishi, bunday ijobiy-kashfiyotchilik harakatlarini rag'batlantirib borishi, ularga zaruriy shart - sharoit va imkoniyatlar yaratib berishi (monologik bellashuvlar (quvnoqlar va zukkolar klubi bellashuvi), turli shakl va mazmundagi (nutqiy mahoratni shakllantiruvchi) ko'rik-tanlovlar, debatlar), lozim bo'lsa, o'quvchi shaxsini ma'naviy jihatdan qo'llab-quvvatlashi zarur bo'ladi. O'qituvchi shu tariqa nafaqat o'quvchi bilimni, balki o'zidagi pedagogik mahoratni ham takomillashtira boradi: o'quvchi shaxsi, uning nutqiy darajasi haqida hukm va xulosa chiqarishga shoshilmaslik, o'z vazifasiga mas'uliyat hissi bilan yondashish, o'zida intellektual salohiyatni o'quvchi bilan baham ko'rish, o'zida bag'rikenglik, komil ustozlik fazilatlarini tarbiyalashga o'rganadi. Ona tili o'qituvchisining o'quvchi shaxsiga ana shunday ijobiy va ijodiy yondashuvigina, o'quvchilarda ilmga chanqoqlik, izlanuvchanlik, yangilik yaratishga intilish xislatlarini tarbiyalaydi, erkin va mustaqil fikrlashga, o'quvchi uchun juda muhim va zarur hisoblangan til hodisalarini tushunish, undan amaliy foydalanish bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalar hosil qilishga yordam beradi. Mustaqil matn yaratish jarayoni - belgilangan maqsad, egallangan bilim, ko'nikma va malakalar, o'z nutqiy imkoniyatlari doirasida harakatlanuvchi tasavvur, idrok, ong va tafakkurning uyg'unlashuvidir. O'quvchilarda mustaqil matn yaratish ko'nikmalarining shakllanishida topshiriqli mashqlar tizimidan foydalanish alohida ahamiyat kasb etadi. Shu maqsadda quyidagilarni tavsiya etamiz:

Psixologik test. Matn turini aniqlang. Matnni diqqat bilan o'qing. Savollarga javob berib, kichik javob matni tuzing.

Tuxumdan chiqdi-yu, keltirib uni
Shu loyqa hovuzga tomon otdilar.
Tashlandiq ushoq yeb o'tadi kuni,
Xor-u xas, xazonlar ustin yopdilar.

*Dunyoda ko‘rgani shu tor hovuzcha
Va mudroq tollarning achchiq xazoni.
Menga alam qilar, tilla baliqcha
Bir ko‘lmak hovuz deb bilar dunyoni* [Oripov A. 2019. b165.].

To‘g‘ri javobni belgilang. a) nasriy matn, b) nazmiy matn, v) ilmiy matn, g) badiiy matn, d) ma‘rifiy matn.

Muhokama uchun savollar:

1. Shoir tilla baliqcha deganda nima yoki kimni nazarda tutmoqda?
2. Ko‘lmak nima?
3. Shoirdagi alamning sababini tushuntiring.

“Sizingcha...” metodi. Siz tilla baliqchani o‘rnida bo‘lsangiz, muallifga nima deb javob qilgan bo‘lardingiz? Ushbu savolga o‘quvchilar o‘z qarashlarini bildirish orqali og‘zaki matn tuzadilar.

Ijodiy topshiriq. Dialogik matnni o‘z so‘zlaringiz bilan ixchamlab, daftaringizga yozing. (Matn ekranga chiqariladi).

Yigit:

*Bir falokat yuz berganda toshqin mahali,
Qizaloqni soy suvidan qilgandim xalos.*

Tarozibon: *...Savob degan narsa axir tasodif emas,
Yetmish ikki tomirdan u oqib kelgusi,
Qaysi kuni bir noshukur do‘zaxga ketdi,
Men o‘zim ham bir musht urdim, rostin aytganda.
Qurib ketgan, suyagiga yopishgan eti,
Qalbi to‘la hasad ekan – noshukur banda.*

[Oripov A. 2019.-165 b.]

Bugunning mohir pedagogi fanning yangi – yangi ifoda imkoniyatlarini izlab topishi va uni dars jarayoniga tatbiq etishi, o‘quvchilarning ijodiy tafakkur, hodisalarni kuzatish, anglash, qiyoslash, analiz va sintez, tanlash, guruhlash, yaratish kabi bilish qobiliyatlarini takomillashtirib, ularda milliy mafkura, mustahkam e‘tiqod, milliy dunyoqarashni tarkib toptirishga xizmat qilishi lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Oripov A. Tanlangan asarlar. –T.: Sharq, 2019. –784 b.
2. Vohidov E. Tanlangan asarlar. –T.: Sharq, 2018. –688 b.
3. Mavlonova K. Ona tili darslarida badiiy matnning til xususiyatlarini integratsiyalash asosida o‘rganish metodikasi. –T.: Mashhur-press, 2016. –208 b.

ADABIY TIL VA DIALEKT MODULINI O'QITISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR

*Xudoyqulova Shoxistaxon Valiyevna,
GulDU katta o'qituvchisi*

Bugungi kunda mamlakatimizda olib borilayotgan yangilanish jarayonlarida fan va ta'lim masalalarini tubdan isloh qilishga katta e'tibor berilmoqda. "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun hamda Kadrlar tayyorlash milliy dasturi bu boradagi harakatlarning asosiy tayanchi bo'lib xizmat qilgani holda pedagog xodimlar oldiga shunday talablar qo'yimoqdaki, unda ta'lim sohasida faoliyat yurituvchi mutaxassisning har tomonlama mukammal bo'lishi alohida e'tiborga olingan. Binobarin, mamlakatimizning Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev shunday ta'kidlagan edi: "Bugun biz davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan yangilashda qaratilgan innovatsion rivojlanish yo'liga o'tmoqdamiz. Bu bejiz emas, albatta. Chunki zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda kim yutadi? Yangi fikr, yangi g'oyaga, innovatsiyaga davlat yutadi".

Hozirgi davr o'qituvchisi nafaqat o'z fani doirasida chuqur bilimga ega bo'lishi, balki mavjud ilmiy-nazariy manbalardan olingan bilimlarni talabalarga yetkazish usullari va yo'llarini izlab topishi, o'quv jarayonini to'g'ri tashkil qilishi, turli manbalar bilan maqsadli boyitib borishi lozim. Bizga ma'lumki, o'zbek adabiy tili xalq shevalaridan o'ziga ozuqa oladi, kuch oladi. Shevalar bo'lmasa adabiy tilimizning kelajagi xavf ostida qoladi. Hayotiy ozuqa olib turadigan asos bo'lmasa, har qanday adabiy til vaqt o'tishi bilan o'lik tilga aylanishi tabiiy holdir. Shuning uchun ham sheva va lahjalar adabiy tilning asosiy hamda rivojlanish poydevori hisoblanadi. Adabiy til va sheva munosabatini o'rganish uchun eng zamonaviy ta'lim jarayonlarida qo'llanib kelinayotgan loyiha ta'lim texnologiyasi metodidan foydalanish masalasi tadqiq qilingan.

Yurtimiz mustaqillikka erishganidan so'ng davlatimiz miqyosida dunyo lol qoladigan darajadagi ishlar amalga oshirildi. Ta'lim sohasida ham tubdan o'zgarishlar yuz berdi. Bu o'zgarishlar ta'lim-tarbiya jarayonini muvaffaqiyatli amalga oshirishni taqozo qiladi. Chunki yurtimiz kelajagi ta'lim-tarbiyaga bog'liqdir. Yangi pedagogik texnologiyaga asosan har bir fanni o'tish jarayonida ilg'or pedagogik mahorat, malaka va ko'nikmalarga tayanib ish yuritish samarali natijalarga olib keladi. Kam vaqt sarflab, yuqori natijalarga erishish ta'lim-tarbiyaning asosiy maqsadidir. O'z ona tiliga befarq bo'lmagan, o'z tilini hurmat qilgan har qanday talaba adabiy til va shevalarning bir-biriga munosabatini ijodiy o'rganishlari kerak.

Har bir pedagog ta'limga bo'lgan munosabatini o'zgartirishi, dars samaradorligini oshirishda zamonaviy o'quv rejasi asosida ish ko'rishi muvaffaqiyat garovidir. Zamonaviy usulda o'qitish fan mavzularini izchil, mantiqan, didaktik talablar asosida rejalashtirishni talab etadi. Shuningdek, o'qituvchi talaba o'zlashtirishi lozim bo'lgan materialni qismlarga bo'lib o'qitishda ushbu qismlarning oson va ongli o'zlashtirilishiga imkoniyat beradigan didaktik vositalar, amalga oshiriladigan texnologiyalar, samarali metod turlari, amalga oshirish yo'sinlarini ham

loyihalashtirishi lozim. Ikkinchi tomondan, o'quv materiallari, mavzulari o'zlari aloqador bo'lgan fanning eng so'nggi yutuqlarini o'zida aks ettiradi.

Ta'lim jarayonida juda ko'plab innovatsion texnologiyalar qo'llanilmoqda. Ular ichida loyihalash ta'lim texnologiyasi alohida o'rin tutadi. Loyihalash ta'lim texnologiyasi talabalarda o'qishga bo'lgan qiziqishni kuchaytirishga olib keladi, ularda ijodiy izlanish, mustaqillik va tashabbuskorlikni yanada rivojlantiradi.

Loyihalash texnologiyasining asosiy maqsadi talabalarni turli hayotiy ma'noga ega bo'lgan muammolarni mustaqil hal qilishga o'rgatishga qaratilgan. Shu sababli ushbu texnologiya ijodiy izlanishga asoslangan turli muammoli metodlarni birgalikda qo'llash orqali o'quvchi va ularning jamoasini mustaqil faoliyatga yo'naltirishga qaratilgan. Bu texnologiya talabalarning bilim va ko'nikmalarini muammoni yechishga yo'naltirish va o'zligini anglatishga asoslanadi.

Til har bir millatning boyligi va bebaho mulkidir. Shuning uchun ham o'z tilimizni sevishimiz, ardoqlashimiz, mukammal o'rganishimiz, uni sof holda saqlashimiz, yanada rivojlantirishimiz, farzandlarimizni o'z ona tiliga muhabbat ruhida tarbiyalashimiz bizning jonajon Vatanimizga bo'lgan beqiyos muhabbatimiz ramzidir. Til aloqa vositasi sifatida avlodlarni avlodlarga, asrlarni asrlarga bog'laydi, chunki biz tasavvur qila olmaydigan o'tmish, ajdodlarimiz ruhi shu ona tilimizga singdirilgan. Muhtaram birinchi prezidentimiz aytganlaridek, "...O'zlikni anglash, milliy ong va tafukkurning ifodasi, avlodlar o'rtasidagi ruhiy-ma'naviy bog'liqlik til orqali namoyon bo'ladi. Jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga, avvalo, ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi. Ona tili - bu millatning ruhidir".

Shevalarimiz uzoq tarixga ega bo'lgani kabi, ayni vaqtda o'zbek adabiy tilining poydevori ham hisoblanadi. Poydevori, ya'ni doimiy boyish manbayi bo'lmagan tillar asta-sekin o'lik tillarga aylanadi. Bizning ona tilimiz bo'lgan o'zbek adabiy tili o'zbek xalq shevlaridan oziqlanib turgani uchun ham rivojlanib borayotgan tillardan biridir. Shularni hisobga olib shevalarimizni hududiy jihatdan farqlab, o'rganishni o'rinli deb bilamiz. "O'zbek dialektologiyasi" o'zbek shevalarini o'rganadigan fandır. Shevalar har bir milliy tilning asosini tashkil etadi va u milliy-ma'naviy qadriyatimiz hisoblanadi. Shuning uchun ham uni asrab-avaylash, qadrlash zarur. O'zbek shevalari o'zbek tilining mahalliy ko'rinishlari bo'lib, uni o'rganish fan uchun nazariy ahamiyat kasb etsa, bo'lajak til va adabiyot o'qituvchisi uchun amaliy ahamiyatga egadir. Bu fanni o'rganishdan maqsad o'zbek shevalarining eng muhim – fonetik, leksik, morfologik va qisman sintaktik xususiyatlari haqida talabalarga to'la ma'lumot berishdir. Bu esa quyidagi vazifalarni keltirib chiqaradi:

- talabalarga o'zbek dialektologiyasi bo'yicha tayanch bilimlarni berish va shu asosda tayanch tushunchalar to'g'risida tasavvur hosil qilish;

- o'zbek shevalarining fonetikasi, leksikasi va grammatik qurilishi haqida ma'lumot berish;

- shevalarni o'rganish usullari to'g'risida tushuncha berish va sheva vakillaridan ma'lum bir sheva xususiyatlarini yozib olish malakasini hosil qilishdir;

- adabiy til va sheva munosabatlari to'g'risida tushuncha hosil qilish; maktab, akademik litsey va oliy ta'limida dialektal xatolarning oldini olishga nazariy tayyorlash.

Milliy tilning quyi formalari bo'lgan mahalliy dialektlar va xalq shevalarining ham adabiy til bilan bog'liqlik jarayoni va o'zaro aloqasi doimiy hodisa sifatida davom etib turadi. Mahalliy dialektlar va xalq shevalarining qandaydir formalari doimo asta-sekinlik bilan adabiy tilga o'ta boradi, uni boyitadi.

O'z navbatida har bir adabiy til ham milliy tilning boshqa tillarga, xususan, uning quyi formalari hisoblangan mahalliy dialekt va shevalarga kuchli ta'sir ko'rsatib, ulardan bir qismini o'ziga moslashtiradi, bo'ysindiradi va o'ziga singdiradi. Lekin shu bilan birga, ayni vaqtda, adabiy tildagi ayrim so'zlar, ba'zi iboralar vaqtlar o'tishi bilan asta-sekin eskirib, iste'moldan chiqa boshlaydi. Ularning o'rni xalqning jonli tili hamda shu jonli tilning turli ko'rinishlaridan iborat bo'lgan mahalliy dialektlar va xalq shevalari tomonidan, yoki tashqi omil tomonidan to'ldirilib boradi.

Mahalliy dialekt va xalq shevalari milliy tilning quyi formalari hisoblanadi va ayni vaqtda ular adabiy tilning ichki rivojlanish imkoniyatlarini tashkil qiladi. Adabiy tilning yoki milliy adabiy tilning taraqqiyotiga xizmat qiluvchi ichki manba tayanch hisoblanadi. Shuning uchun ham mahalliy dialektlar va xalq shevalariga milliy adabiy tilning ichki manbai ichki taraqqiyot resurslari va tayanchi sifatida avaylab munosabatda bo'lish talab qilinadi.

Til to'g'risidagi ta'limotlardan bizga ma'lumki, mahalliy dialektlar va xalq shevalari har biri o'ziga yarasha grammatik qurilishi, o'ziga xos leksik tarkib va ichki imkoniyatiga ega bo'ladi. Ular ana shu imkoniyatlar asosida taraqqiy etadi va milliy adabiy tilga manba bo'lib xizmat qiladi. Ana shunday xususiyatlariga ko'ra mahalliy dialekt yoki xalq shevalaridan birortasi yoki bir guruhi alohida rivojlana borib, hatto milliy adabiy tilning yuqori formasi darajasiga ko'tarilishi, ya'ni adabiy tilga asos bo'lishi ham mumkin.

Milliy adabiy tilni rivojlantiruvchi ichki imkoniyatlarga tayanish zarur. Bu ichki imkoniyatlarga birinchi navbatda, uning zahiralari bo'lgan, xalq tili, xalq shevalari va dialektlari kiradi. Adabiy til bilan xalq tili va shevalari o'zaro doimiy aloqada bo'lib turadi va bir-biriga ta'sir ko'rsatadi. Xalq shevalari va mahalliy dialektlarni adabiy tilimiz bilan bog'lab o'rganish sohasida keyingi vaqtlarda anchagina jiddiy ishlar qilindi. Tilshunosligimiz uchun ana shunday ishlar benihoyatda zarur. Chunki u yoki bu dialektning, u yoki bu guruh shevalarining adabiy tilimizga qo'shgan hissi va inga beradigan imkoniyatlarini o'rganmasdan turib, shu shevalarning yoki adabiy tilimizning istiqbolini belgilash, uning kelajagini ta'minlash sohasida biror jiddiy ish qilish lozim. Masalaga shu nuqtayi-nazardan qaraganda bir qator tilshunos olimlarimizning xalq shevalarini tasniflash va ularni adabiy tilimiz bilan bog'lab o'rganish sohasida qilgan izlanishlarining ahamiyati tilshunosligimiz uchun beqiyos darajada kattadir. Biroq bu ishlarni nutq madaniyatini boyitish aspektida va yangi-yangi shevalar, dialektlar va xalq og'zaki ijodining til xususiyatlari bilan bog'lab o'rganishni davom ettirmoq lozim. Masalaga shu nuqtai-nazardan qaraganda, bajarilgan ishlar hali juda oz, lekin o'rganilishi lozim bo'lgan materiallar va adabiy tilimizni boyitishga xizmat qiluvchi hayotbaxsh manbalar juda ko'p. Ana shunday manbalardan bir qismi o'zbek tilining kam o'rganilgan dialektlari bilan bog'liq bo'lib, bu sohadagi materiallar faqat adabiy tilimiz uchun qimmatli baza bo'lib xizmat qiladi.

Xulosa qilib aytganda, milliy til, adabiy til va mahalliy shevalar orasida doimiy, o‘zaro munosabat va bog‘liqlik bo‘lishi bilan bir qatorda ular orasida ma’lum farqlar va o‘ziga xos chegaralar ham mavjudki, bunday farq va chegaralar haqida har bir tilshunos aniq tasavvurga ega bo‘lishi kerak. Mahalliy dialekt va xalq shevalari adabiy til bilan hozirgi vaqtda ham bevosita aloqada bo‘lishi, o‘zining ichki imkoniyatlari bilan adabiy tilning bazasi sifatida uning boyish, rivojlanish va mukammallashuvida muhim rol o‘ynashi mumkin. Shunday jarayon hozirgi o‘zbek va boshqa turkiy tillarda ko‘proq uchramoqda. Biz bunday vaziyat va jarayonning qadriga yetmog‘imiz va adabiy tilimizning kelgusida o‘z ichki imkoniyatlari asosida rivojlantirishda undan to‘laroq foydalanmog‘imiz lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyevning 2018-yil 5-iyundagi “Oliy ta’lim muassalarida ta’lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta’minlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Qarori. –T.: 2018-yil 5 iyun, ПҚ-3775-son.
2. Karimov I. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. –T.: Ma’naviyat, 2008. 31-b.
3. Ahmedova H. O‘zbek tili o‘qitishning zamonaviy texnologiyalari. –T.: 2012.
4. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. –T.: Universitet, 2006. –397 b.
5. Yo‘ldoshev J.G‘., Usmonov S. Ilg‘or pedagogik texnologiyalar. –T.: O‘qituvchi, 2004. –101b.

QO‘SHMA GAPLARNI O‘QITISHGA OID METODIK TAVSIYALAR

*Asrorova Mo‘mina Xasanovna,
JDPI 2-kurs magistranti
Ilmiy rahbar: Feruza Jumayeva,
JDPI f.f.f.doktori (Phd)*

Qo‘shma gap sintaksisi 9-sinf ona tili darsligining 2-bo‘limidan boshlab o‘tiladi. Bu mavzu maktab o‘quvchilari uchun o‘rganilishi ancha murakkab bo‘lgan mavzu sanaladi. Shu bois mazkur sintaktik qurilmani o‘quvchilarga o‘rgatishda darslikda berilgan ma’lumotlardan tashqari o‘qituvchidan ham yaxshigina bilim va mahorat talab etiladi. “Darsliklarimizda qo‘shma gaplar talqini ancha murakkab. U ikki va undan ortiq sodda gapning mazmun, grammatik shakl va ohang asosida birikuvidan tuziladi. Uning tarkibidagi sodda gaplar bir-biri bilan bog‘lovchilar, yuklamalar, ko‘makchilar, nisbiy so‘zlar, fe‘l shakllari va ohang orqali bog‘lanadi [1].

“Sodda va qo‘shma gaplar” mavzusida “Gap uchun muhim belgi kesimlikdir. Kesimning nechtaligi gaplarni sodda va qo‘shma gaplarga ajratishga asos bo‘ladi”[2.] deyilgan. “Kesim” gap markazi” degan talqinni o‘quvchilar ongiga singdirmay turib qo‘shma gaplar tasnifini puxta o‘rganib bo‘lmaydi [3].

Bu borada “Lisoniy struktura jihatidan qo‘shma gapning sodda gapdan farqi ma’lum darajada ravshan. Aniqrog‘i, sodda gapda shakllangan kesim bitta bo‘lsa, qo‘shma gapda u birdan ortiq boladi va birdan ortiq sodda gaplarning mazmun hamda grammatik jihatdan birikuvidan tashkil topadi [4]. “Shakllangan, ya’ni kesimlik shakllari (tasdiq, inkor, mayl, zamon, shaxs-son, ma’nolari)ga ega bo‘lgan kesim alohidabir hukmni ifodalaydi, muayyan gap markazini tashkil eta oladi. Shuning uchun ikki va undan ortiq shakllangan kesimli gaplar (lekin bunday gaplardagi kesimlar uyushiq bo‘laklar tarzida bo‘lmasa) qo‘shma gaplar sanaladi [5] fikrlarini keltirib o‘tish o‘rinlidir.

Masalan: Vazifamiz - o‘qish *-sodda gap*; Vazifamiz – o‘qish va izlanish – *qo‘shma gap*. Ushbu gaplarda kesimlik ma’nolarining hammasi: tasdiq, aniqlik (modal ma’no), hozirgi zamon, III shaxs ma’nolari aniqlanadi, lekin ular moddiy ko‘rsatkichlarga ega emas. Nol ko‘rsatkich orqali umumiy tarzda ifodalangan. Ana shu ma’nolar mavjudligi uchun ham u sintaktik birliklar gap sanaladi[6] Lekin Vazifamiz – o‘qish va izlanish hisoblanadi gapi sodda gap sanaladi. Chunki gap tarkibida ikki va undan ortiq atov birliklar (so‘z, ibora, so‘z birikmalari) bilan ifodalangan kesim bo‘lib, kesimni shakllantiruvchi vositalar faqat keying kesim tarkibida ifodalanib, barchasiga aloqador bo‘lsa, bunday ko‘p kesimli gap uyushiq kesimli gap sanaladi [7].

Shu o‘rinda, masalani oydinlashtirish o‘qituvchining zimmasiga yuklatiladi. Masalani hal qilish uchun FSMU metodidan foydalanish samaralidir:

Fikr - Ikki va undan ortiq shakllangan kesimli gaplar (lekin bunday gaplardagi kesimlar uyushiq bo‘laklar tarzida bo‘lmasa) qo‘shma gaplar sanaladi.

Sabab – Ushbu gaplarda har bir kesimda kesimlik ma’nolarining hammasi: tasdiq, aniqlik (modal ma’no), zamon, shaxs ma’nolari aniqlanadi.

Misol – Vazifamiz – o‘qish va izlanish.

Umumiy fikr – demak, sodda gapda shakllangan kesim bitta bolsa, qo‘shma gapda u birdan ortiq boladi va birdan ortiq sodda gaplarning mazmun hamda grammatik jihatdan birikuvidan tashkil topadi.

Qo‘shma gaplarda bog‘lovchi vositalarning qo‘llanilishi borasida inkor bog‘lovchisi *na’, na;* o‘xshatish -chog‘ishtirish bog‘lovchisi *go‘yo, go‘yoki, xuddi* [8]; ayiruv bog‘lovchisi *ham* yordamida bog‘langan qo‘shma gaplar mavzusini tushuntirishda ularning bog‘lovchi-yuklama ekanligini aytib o‘tish talab etiladi.

Na-na yordamchisi teng boglovchining bir turi sifatida inkor bog‘lovchisi sanalib kelgan. Tilshunos G‘.Abdurahmonov esa uni inkor bog‘lovchi deb atash bilan birga, yuklamalik xususiyatiga ham egaligini ko‘rsatadi. Haqiqatan ham, bu yordamchi ham bog‘lovchilik, ham yuklamalik vazifasini bajaradi. Bog‘lovchi vazifasida kelganda ayrim teng huquqli bo‘lak (komponent)larga inkor ma’nosini berib, ularni bog‘laydi: *Na so‘zlarida ma’no bor, na ishlarida hayo.* (O.). Bu yordamchi so‘z yuklama vazifasini bajarib, mazmunidan inkor anglashilgan gaplar tarkibida keladi va inkor ma’nosini ko‘rsatadi: *Raisning erkatoy o‘g‘li na o‘qiydi, na biror joyda ishlaydi.*

Go‘yo yordamchisi mazmunidan o‘xshatish yoki chog‘ishtirish ma’nosi anglashilgan sodda va qo‘shma gap tarkibida ishtirok etadi. Sodda gapda ko‘proq

yuklamaga yaqin turadi: *Tursunoy go‘yo qalbi bilan ashulaga jo‘r bo‘lar edi.* (A.Mux.). *Kampirning yuzida go‘yo kulgiga o‘xshagan bir narsa aks etdi.* (A.Qah.). *Go‘yo yordamchisi qo‘shma gapda sodda gap qismlarini biriktiruvchi grammatik vositaning biri sifatida xizmat qiladi, ya‘ni qo‘shma gapda sodda gapdagi vazifasidan farqli o‘laroq, faqat yuklamagina emas, balki bog‘ovchi-yuklama sanaladi: Ertaga nikoh bo‘ladi, go‘yo men uning xotini.* (Oyb.) *Shunday baqirdiki, go‘yo butun xona larzaga kelgandek bo‘ldi.* (A.Qah.)[9]

Ushbu masalani yoritishda mustahkamlash darslarida jadvallardan yoki “Venn diagrammasi” usulidan foydalanish samaralidir.



Bundan tashqari, o‘quvchilarga bog‘langan qo‘shma gap qismlarini bog‘lashda xizmat qiladigan *bo‘lsa* so‘zi yordamida gap tuzish vazifasi berilganda aksariyat o‘quvchilar, taxminan, *Maktabimizda tadbir bo‘lsa, men ham qatnashaman* ko‘rinishidagi gaplarni tuzadilar. Bunday gaplar qismlari shart mayli vositasida bog‘langan ergash gapli qo‘shma gap sanalishini tushuntirish lozim bo‘ladi. Ushbu holatda, agar *bo‘lsa* so‘zi birinchi qismning oxirida kelsa, ergash gapli qo‘shma gap, agar *bo‘lsa* so‘zi ikkinchi gapning tarkibida qiyoslanayotgan bo‘lakdan so‘ng kelsa, bunday gap bog‘langan qo‘shma gap hisoblanishini aytib o‘tish lozim bo‘ladi.



Xaritaning yakuniy idrok qismi o'quvchilar tomonidan to'ldirilib, xulosaviy qaror qilinadi va o'qituvchiga taqdim etiladi.

Egallangan bilimni yana ham mustahkamlash uchun o'quvchilarga o'qituvchi tomonidan audiomatn eshittiriladi. O'quvchilar tomonidan esa *bo'lsa* vositasida bog'langan qo'shma gap va ergash gapining kesimi *bo'lsa* so'zi bilan ifodalangan ergash gapli qo'shma gaplar ajratib beriladi.

Bundan tashqari, o'quvchilar bilan topqirlik mashqlarini bajarish ham samarali natija beradi. Bunday mashqlar o'quvchilarda nafaqat grammatik bilimlarni, balki ulardagi kognitivlikni ham oshiradi. Masalan, mantiqiy test topshirig'ining savoli qo'shma gap turining qaysi turiga mansubligini topish o'quvchida grammatik bilimni shakllantirsa, to'g'ri variantni belgilash orqali ulardagi kreativlik namoyon bo'ladi.

O'ylab top

Agar bosh bo'yin bo'lsa, qalpoq nima?

A) Yoqa
B) Bluz
C) Kekirdak
D) Shapka
E) Sharf

Daraxt - shox, kitob bo'lsa...?

A) Tana
B) Jild
C) Kutubxona
D) O'tin
E) Varaq

Bu yerda u yer bo'lsa, ular kimlar?

A) Shular
B) Ular
C) Boshqalar
D) Bizlar
E) Sizlar

Asbob - atvertka, daraxt bo'lsa...?

A) Chinor
B) Tokarlik dastgohi
C) Maymunjon
D) Taxta
E) Chinnigul



Formal sintaksis qo'shma gap tasnifida ko'p hollarda ularning nutqiy belgi-xususiyati, zohiriy alomatiga tayanadi. Substansial sintaksis tasnifi esa qo'shma gapning lisoniy mohiyatidan kelib chiqqan holda amalga oshiriladi. Shu bois qo'shma gaplar haqidagi mavzularni o'qitishda kommunikativ nutqiy jarayonda qo'llanilishi mumkin bo'lgan barcha sintaktik qurilmalar haqida imkon qadar kengroq ma'lumot berilishi lozim. Masalan, nutqda ravishdoshlar: -b(-ib), -guncha (-kuncha, -quncha), -gach (-kach, -qach); -sa ham, -sa-da birliklari vositasidagi qo'shma gaplardan juda ko'p foydalaniladi. *Bahor kelib, kunlar iliy boshladi* "sabab, payt munosabati; *Oyim kelgunicha, men hamma ishlarni bitirishim kerak*" payt munosabati; *Quyosh chiqsa ham, kun sovuq* - to'siqsizlik munosabati kabi ma'lumotlar ham darslikda berilsa, maqsadga muvofiq bo'ladi.

Ta'limning sifat va samaradorligini oshirish, o'quvchini mustaqil va mukammal bilim olishi uchun imkoniyat yaratish, uning dunyoqarashi va tasavvurini kengaytirish, fikrlash qobiliyatini o'stirish o'qituvchining intellektual salohiyatiga, dars jarayonida ilg'or pedagogik texnologiyalardan o'rinli va unumli foydalanishiga bog'liq. Shunday ekan, ta'lim-tarbiyaning muvaffaqiyatli kechishi uchun pedagog o'z kasbining ustasi, fidoyisi bo'lishi kerak. Shu ma'noda bugungi o'qituvchidan yurtimiz kelajagi uchun yangicha fikrlaydigan, ertangi kunga yangicha nigoh bilan qaraydigan, zamon bilan hamnafas komil insonni shakllantirish talab etiladi. Bunday mas'uliyatli vazifani bajarish uchun, avvalo, o'qituvchining o'zi keng va yuksak mahoratga ega bo'lmog'i lozim.

Xulosa qilib aytganda, o'quvchilarga faqat qoida yodlatish emas, balki shu yodlagan qoidalarini kundalik hayotda duch kelgan masalalarni hal qilishda qo'llay olish qobiliyatini shakllantirish hozirgi zamon ona tili o'qituvchisining asosiy vazifasi hisoblanadi. O'quvchining sof ona tilida ma'noli so'zlash odobini shakllantirish uning oldiga qo'ygan maqsadlaridan biri bo'lmog'i lozim. Qo'shma gap turlari haqida darslikda berilgan topshiriq va mashqlarni bajarishda har qanday grammatik birlikning semantik xususiyatlariga ham e'tibor berish kerak. Agar o'quvchi o'z nutqida qo'llagan lisoniy birlikning semantik xususiyatini bilsa, har qanday nutqiy jarayon uning uchun samarali kichadi. Zero, til ta'limining asosiy vazifasi o'quvchilarga faqat bilim berish emas, balki bu bilimlar orqali ularning til malakasini oshirish hamdir. Til bo'yicha egallangan bilim malakaga aylanmas ekan, u keraksiz bo'lib qolaveradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. To'xliyev B., Shamsiyeva M., Ziyodova T. O'zbek tilini o'qitish metodikasi. – T.: 2006. –B 163.
2. 9-sinf ona tili darsligi. N. M. Mahmudov, A. Nurmonov, A. Sh. Sobirov. –T.: 2019. –B 17.
3. To'xliyev B., Shamsiyeva M., Ziyodova T. O'zbek tilini o'qitish metodikasi. 2006. –B 164.
4. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –T.: 2009. –B 391.
5. Rasulova N. Ona tilidan ma'ruzalar. –T.: 2018. –B 126.
6. Rasulova N. Ona tilidan ma'ruzalar. –T.: 2018. –B 126.
7. Rasulova N. Ona tilidan ma'ruzalar. –T.: 2018 –B 82.
8. 9-sinf ona tili darsligi. Mahmudov N. M., Nurmonov A., Sobirov A. Sh. –T.: 2019. –B 71.
9. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Z. Yunusova, Abuzalova M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –T.: 2009. –B 277.

SHUHRAT IJODINI O'QITISHDA ZAMONAVIY TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

*Gulimoh Donaboyeva, JDPI 2-kurs magistranti
Ilmiy rahbar: Nodira Soatova, JDPI dotsenti, f.f.n.*

Ma'naviy qadriyatlarni shakllantirishda maktab adabiy ta'limining imkoniyatlari katta bo'lganligi uchun ham istiqloлга erishilgan kundan boshlab asosiy e'tibor uning samara beradigan usullarini ishga solishga qaratildi. Darhaqiqat, hozirgi ta'lim oldida turgan eng muhim vazifalardan biri o'quvchilarni mustaqil fikrlay oladigan qilib tarbiyalashdan iborat. Xususan, yoshlarda ijodiy tafakkur, ijodiy izlanish, mavjud imkoniyatlardan eng qulay va serunumini tanlay olish ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirish, ularni milliy qadriyatlarimiz, udum va an'analarimiz ruhida

tarbiyalashda adabiyot fanining tutgan o'rnini hamda imkoniyatlari benihoya katta. Shuning uchun ham "Maktabda adabiyot o'qitishning bosh maqsadi sog'lom, e'tiqodli, o'zga insonning tuyg'ularini anglaydigan, o'tkir hissiyotli, yuksak didli, axloqan barkamol, aqlan yetuk, o'z xatti-harakatlariga mas'ul bo'la oladigan komil insonning ma'naviy dunyosini shakllantirishdan iboratdir", – deb alohida ta'kidlanadi "Umumiy o'rta ta'limning "Adabiyot" o'quv dasturi"da [3;166].

Binobarin, adabiyot-inson ma'naviyati asoslarini tashkil etuvchi ruhiy qadriyatlarni shakllantirishga xizmat qiladigan san'at turi. Boshqa o'quv mashg'ulotlarida bilim berish ustuvor bo'lsa, adabiyotda bolaning ko'ngli bilan, tuyg'ulari bilan ishlanadi. Chunki chinakam insonlikning asosiy belgisi boshqa odamlarning holatini tushunish, ularga tuyg'udosh bo'la bilishdan iboratdir. Shu ma'noda biror o'quv predmeti yoki biror san'at turi adabiyotning o'rnini bosa olmaydi. Badiiy adabiyot o'quvchilarning hissiyotlarini shakllantirib, tuyg'ularini noziklashtirib, kechinmalarini teranlashtiradi. Biz quyida shoir, dramaturg va yozuvchi Shuhrat (G'ulom Alimov) hayoti va ijodi bilan yaqindan tanishish istagida bo'lgan umumta'lim va akademik-litsey va kollej o'qituvchilariga yordam, tavsiya sifatida havola etamiz.

Ma'lumki, adabiyot darslarida o'qilgan asar bo'yicha o'quvchilarga tayyor xulosalar berilmasligi kerak. O'rganilayotgan badiiy asarni har bir tarbiyalanuvchi o'z qalbidan, tafakkuridan o'zicha ta'sirlanish, o'zi istagan xulosaga kelishi lozim. Bunday holatni yuzaga keltirish uchun o'qituvchi ijodkor bo'lishi, adabiyot darslari esa badiiy matnning joziba qudratini oshishga qaratilgan bo'lishi va o'quvchilarni badiiy hodisadan zavqlana bilishga yo'naltirilgan bo'lishi maqsadga muvofiqdir. Badiiy asar o'quvchilarning ko'ngil mulkiga aylanishi, ularning hissiyotlariga ta'sir etishi uchun o'qituvchi badiiy asar bilan tarbiyalanuvchilar orasida vositachilik qiladi. Ushbu masalani bajarishda o'quvchi yoshlarni erkin, mustaqil fikrlashga o'rgatish ta'limning muhim vazifalaridan biri hisoblanadi. O'quvchi erkin fikrlashni o'rganmasa, berilgan ta'lim samarasi past bo'lishi muqarrar [2; 122-123].

Pedagogik texnologiyalar tadqiqotchilarning fikricha, axborot texnologiyasi bilan bog'liq hamda o'qitish jarayonida qo'llanishi zarur bo'lgan TSO, kompyuter, masofali o'qish yoki turli xil texnikalardan foydalanish deb belgilanadi. Bizning fikrimizcha, pedagogik texnologiyaning eng asosiy negizi, o'qituvchi va o'quvchi–talabaning belgilangan maqsaddan kafolatlangan natijada hamkorlikka erishish uchun tanlangan texnologiyalarga bog'liq deb hisoblaymiz, ya'ni o'qitish jarayonida, maqsad bo'yicha kafolatlangan natijaga erishishda qo'llaniladigan har bir ta'lim texnologiyasi o'qituvchi va o'quvchi o'rtasida hamkorlik faoliyatini tashkil eta olsa, har ikkalasi ijobiy natijaga erisha olsa, o'quv jarayonida o'quvchi – talabalar mustaqil fikrlay olsalar, ijodiy ishlasalar, izlansalar, tahlil eta olsalar, o'qituvchi esa ularning bunday faoliyatlari uchun imkoniyat va sharoit yarata olsa, bizning fikrimizcha, ana shu o'qitish jarayonining asosi hisoblanadi. Har bir dars, mavzu, o'quv predmetining o'ziga xos texnologiyasi bor, ya'ni o'quv jarayonidagi pedagogik texnologiya, yakka tartibdagi jarayon bo'lib, u o'quvchi – talabaning ehtiyojidan kelib chiqqan holda bir maqsadga yo'naltirilgan, oldindan loyihalashtirilgan va kafolatlangan natija berishiga qaratilgan pedagogik jarayondir.

“Fan va texnikaning mavjud yangiliklari o‘quv dasturlari va darsliklar mazmuniga jadal kiritishni talab etadi va bu orqali talabalarning zamonaviy bilimlarini shakllantirishga zamin yaratadi. Zamonaviy o‘qitish texnologiyalarining joriy etilishi va turli metodik yondoshuvlar esa, o‘z navbatida, talabalarda ko‘plab fundamental tushunchalarning nisbatan yengil va mustahkam shakllanishiga yaxshi sharoit yaratadi” [1;15-17].

Bugungi taraqqiyot bosqichida adabiyot darslariga ham talab kuchli bo‘lib, badiiy adabiyot o‘quvchilarning g‘oyaviy-siyosiy va axloqiy tarbiyasida yetakchi o‘rin tutib kelmoqda. Darhaqiqat, adabiyot o‘qitishdan bosh maqsad-sog‘lom e‘tiqodli, o‘zga insonning tuyg‘ularini anglaydigan, o‘tkir hissiyotli, yuksak didli, axloqan barkamol, aqlan yetuk, o‘z xatti-harakatlariga mas‘ul bo‘la oladigan komil insonning ma‘naviy dunyosini shakllantirishdan iborat.

Keyingi paytda ta‘lim tizimlariga ilg‘or pedagogik texnologiyalar, o‘qitishning innovatsion usullari shiddat bilan kirib kelmoqda. Lekin ulardan o‘rni bilan foydalangandagina ko‘zlangan natijaga erishish mumkin. Albatta, ta‘lim jarayonida yangi pedagogik texnologiyaning “Birgalikda o‘qiyimiz” texnikasi, “FSMU” texnologiyasi, “Insert”, “Zig-zag” metodi, “Tarmoqlash”, “Insert”, “Sinkveyn”, muammoli vaziyat yaratish, sahna darslari, “BBB” va hokazo interfaol usullardan o‘rni bilan foydalanish yaxshi samara beradi. Zamonaviy texnologiyalar o‘quvchilarning egallayotgan bilimlarini o‘zlari qidirib topishga, mustaqil o‘rganib, tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o‘zlari keltirib chiqishlariga o‘rgatadi. Shu bilan bir qatorda o‘qitish jarayonini oldindan loyihalashtirish imkonini beradi. Quyida yuqoridagi texnologiyalarning ayrimlariga to‘xtalamiz.

Dars shiori: Shuhrat – iste‘dodli shoir, mohir romannavis, tajribali tarjimon, qalami o‘tkir dramaturg.

I. “Birgalikda o‘qiyimiz” texnikasi: o‘quv guruhi kichik guruhlariga bo‘linadi. Har bir kichik guruh o‘rganilayotgan mavzuning biror sohasida ekspert bo‘ladi va boshqalarni o‘rgatadi.

“Birgalikda o‘qiyimiz” texnikasidan foydalangan holda guruhlarda ishni tashkil etish jarayonining tuzilishi

1. 5-6 talabadan iborat 3ta guruh tuziladi, ularga talabalarning takliflari asosida nom beriladi.

2. Har bir guruhga bitta topshiriq beriladi – umumiy mavzuning bir qismi, uning ustida butun o‘quv guruhi ish olib boradi hamda ularga ekspert varaqlari taqdim etiladi.

3. Har bir guruh ichida umumiy topshiriq taqsimlanadi.

4. Hamma yakka tartibdagi topshiriqni bajaradi.

5. Barcha guruh a‘zolarining mini-ma‘ruzalari tinglanadi. Umumiy natijani shakllantirishadi va uni taqdimotga tayyorlashadi.

6. Sardor guruh ishi natijalarini taqdim qiladi.

Guruhlarda ishlash qoidasi

Sherigingizni diqqat bilan tinglang.

Guruh ishlarida faol ishtirok eting, berilgan topshiriqlarga mas’uliyat bilan yondashing.

Agar yordam kerak bo‘lsa, albatta, murojaat qiling.

Agar yordam kerak bo‘lsa, albatta, yordam bering.

Guruhlar faoliyati natijalarini baholashda barcha ishtirok etishi shart.

Aniq bilmog‘imiz lozim:

A. Boshqalarga o‘rgatish orqali o‘zimiz o‘rganamiz.

B. Biz bitta kemadamiz: yoki birgalikda suzib chiqamiz, yoki birgalikda cho‘kib ketamiz.

Ekspert guruhlar ish natijalarini baholash mezonlari

Mezonlar	Maks. Baho	1	2	3	4	5
Axborotning to‘liqligi	5					
Axborotning grafik shaklda ifoda etilishi	5					
Guruhning faolligi	5					

ilova

Ekspert varag‘i № 1

O‘quv topshiriq

1. Shuhratning asl ismini aytib bering va y qaysi bilim yurtlarida o‘qigan?
2. Shoir va adib ijodida urush, vatan, tabiat, sevgi mavzular qanday yoritilgan?
3. Qanday balladalarini bilasiz?

Ekspert varag‘i № 2

O‘quv topshirig‘i

1. Shoir nechanchi yilda qatag‘on qilinib, qamoq lagerlarida bo‘lgan va qachon oqlangan?
2. Ijodkorning ilk asari nomini aytib bering?
3. Shuhrat qaysi komediyalarni yaratgan?

Ekspert varag'i № 3

O'quv topshirig'i

1. "Shinelli yillar" romani qachon yozilgan?
2. Shoirning qaysi dostonlarini bilasiz?
3. "Jannat qidirganlar" (1968) romani qaysi romanning mantiqiy davomi?

II. FSMU texnologiyasi

Ushbu texnologiya munozarali masalalarni hal etishda hamda o'quv jarayonini bahs-munozarali o'tkazishda qo'llaniladi, chunki bu texnologiya talabalarni o'z fikrini himoya qilishga, erkin fikrlash va o'z fikrini boshqalarga o'tkazishga, ochiq holda bahslashishga hamda shu bilan birga bahslashish madaniyatini o'rgatadi. Tinglovchilarga tarqatilgan oddiy qog'ozga o'z fikrlarini aniq va qisqa holatda ifoda etib, tasdiqlovchi dalillar yoki inkor etuvchi fikrlarni bayon etishga yordam beradi.

F – fikringizni bayon eting

S – fikringiz bayoniga sabab ko'rsating

M – ko'rsatgan sababingizni isbotlovchi misol keltiring

U – fikringizni umumlashtiring

1-guruh

Savol	Shuhrat ijodining XX asr o'zbek adabiyotida tutgan o'rni qay darajada?
(F) Fikringizni bayon eting	
(S) Fikringiz bayoniga sabab ko'rsating	
(M) Ko'rsatgan sababingizni isbotlovchi misol keltiring	
(U) Fikringizni umumlashtiring	

2-guruh

Savol	Shuhrat she'riyatidagi etakchi motivlar qaysi she'rlarida bo'rtib ko'rinadi?

(F) Fikringizni bayon eting	
(S) Fikringiz bayoniga sabab ko'rsating	
(M) Ko'rsatgan sababingizni isbotlovchi misol keltiring	
(U) Fikringizni umumlashtiring	

3-guruh

Savol	Shuhrat nasrining o'ziga xosligi nimalarda namoyon bo'ladi ?
(F) Fikringizni bayon eting	
(S) Fikringiz bayoniga sabab ko'rsating	
(M) Ko'rsatgan sababingizni isbotlovchi misol keltiring	
(U) Fikringizni umumlashtiring	

III. Insert usulidan foydalanib ishlash qoidasi

1. Berigan mavzu matnini o'qib, matnning chetiga quyidagi belgilarni qo'yib chiqing:

V – bilaman

+ - men uchun yangi ma'lumot

- men bilgan ma'lumotni inkor qiladi

? – noaniq (aniqlashtirish talab qiladigan) qo'shimcha ma'lumot.

2. Olingan natijalarni jadval shaklida rasmiylashtiring.

Mavzuga oid topshiriqlar	V	-	+	?
1. Shoirning birinchi sahna asari qanday nomlangan va bu asar qaysi teatr sahnasida qo'yilgan?				
2. Shuhrat qanday orden bilan mukofotlangan?				
3. Shuhrat qaysi shoirlarining she'rlarini o'zbek tiliga tarjima qilgan?				
4. Shuhrat nechanchi yili va necha yoshida vafot etgan?				

Yuqorida ko'rsatilgan metodlardan o'rinli foydalanish orqali o'quvchilar Shuhrat hayoti va ijodi haqida yetarlicha ma'lumot olib, ijodkorning XX asr o'zbek adabiyotidagi o'rni, lirikasi, poemasi va romanlarining tarbiyaviy ahamiyatini anglab yetishadi, shuningdek guruh bo'lib ishlashga o'rganishadi. Demak, yangi pedagogik texnologiyalarni darsda tadbiq etish, o'quvchilar bilimlarni egallash bilan birga ularni

matn bilan mustaqil ishlash, o'z fikrini erkin, ravon va sodda usulda bayon qila olish uchun qulay vositadir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Бегимкулов У. Педагогик таълимда замонавий технологиялар // Педагогик таълим. –Т.: 2005. 6-сон. –Б.15-17.
2. Соатова Н. Адабиёт дарсларида педагогик технологиялардан фойдаланиш / Таълим тизимида малака ошириш: Муаммолар, изланишлар, ечимлар. – Қарши: 2011. 122-123-б.
3. Таълим тараққиёти. –Т.: 1999. 1-махсус сон. 166-б.

**GAPDA SO‘ZLARNING BOG‘LANISHI. SO‘Z BIRIKMASI”
MAVZUSINI O‘QITISH BO‘YICHA BIR SOATLIK NAMUNAVIY DARS
ISHLANMASI**

*Jumayev Anvar O‘rol o‘g‘li
Jizzax viloyati Zafarobod tumani
8-maktab o‘qituvchisi*

Ushbu dars ishlanmasidan umumta’lim maktablarining ona tili darsida “Gapda so‘zlarning bog‘lanishi. So‘z birikmasi” mavzusini yangi pedagogik texnologiyalar asosida oqitishda foydalanish mumkin.

Darsning asosiy maqsadi: Ona tili darslarida yangi pedtexnologiyalar vositasida chuqur bilim berish, o‘quvchilarni hurfikrli, sog‘lom dunyoqarashli, vatanparvar, elim deb, yurtim deb yonib yashovchi komil insonlar qilib tarbiyalash.

Dars mavzusi: Gapda so‘zlarning bog‘lanishi. So‘z birikmasi

Darsning maqsadi:

- *ta’limiy maqsadi:* o‘quvchilarga gapda so‘zlarning bog‘lanishi, teng va tobe bog‘lanish, so‘z qo‘shilmasi va so‘z birikmasi haqida umumiy ma’lumot berish. Mavzuni qo‘shimcha ma’lumotlar bilan boyitib chuqur bilim berish.

- *tarbiyaviy maqsadi:* o‘quvchilarning ijtimoiy va ma’naviy tafakkurini rivojlantirish; o‘quvchilar o‘rtasida do‘stona munosabatlarni qaror toptirish.

- *rivojlantiruvchi maqsadi:* o‘quvchilarni mustaqil ishlash malakasini oshirish, yozma savodxonligini o‘stirish va ijodiy fikrlashga o‘rgatish.

Darsning uslubi: guruhlarda ishlash, bahs-munozara, ”Kim chaqqon”, “Murosali matn” metodlari.

Darsning jihozi: 8-sinf darsligi, didaktik tarqatmalar, test, kompyuter, oq qog‘oz va marker.

Darsning borishi:

- Tashkiliy qism: salomlashish, navbatchi axborotini tinglash.

- O‘tilgan mavzuni so‘rash. Darslikda berilgan savol va topshiriqlar orqali hamda uyga berilgan mashq asosida uyga vazifani so‘rash.

Yangi mavzu bayoni:

Yangi mavzuni o‘rganishda “NARVON” metodidan foydalaniladi.

N-- nazariy bilim pog‘onasi (yangi mavzuni tushuntirish)

A-- amaliy bilim pog‘onasi (yangi mavzuga doir mashqlarni bajartirish)

R-- rivojlantiruvchi bilimlar pog‘onasi (matn tahlili, matn tuzish)

V-- vazifa pog‘onasi (o‘quvchilarning kreativ va tanqidiy fikrlashini rivojlantirish)

O-- orttirilgan bilimlar pog‘onasi (qo‘shimcha adabiyotlardan foydalanish)

N-- natija pog‘onasi (o‘quvchilarning bilimini baholash)

O‘qituvchi: Bilimga chanqoq o‘quvchilar gapda so‘zlar bir - biri bilan ikki xil munosabatda bog‘lanadi. Bunday bog‘lanishlar sintaktik aloqani hosil qiladi.

Misol:

1. Teng bog‘lanish: olma va o‘rik

2. Tobe bog‘lanish: maktabning bog‘i

So‘zlar teng bog‘lanishi natijasida so‘z qo‘shilmasi hosil bo‘ladi. So‘zlarning hokim va tobe munosabatda bog‘lanishidan so‘z birikmasi hosil bo‘ladi.

O‘qituvchi: Aziz o‘quvchilar, har qanday ikki so‘z ham bir-biri bilan bog‘lanib so‘z birikmasini hosil qila olmaydi. Ular quyidagi shartlarga muvofiq bo‘lganda so‘z birikmasi hosil bo‘ladi:

1. Bog‘lanayotgan har ikki so‘z mustaqil so‘z turkumiga mansub bo‘lishi kerak.

M.: qizil gul (so‘z birikmasi. SIFAT+OT); onam uchun (so‘z birikmasi emas. OT+KO‘MAKCHI)

2. So‘z birikmasining qismlari mantiqan to‘g‘ri bog‘langan bo‘lishi kerak.

M.: uyda yashamoq (mantiqan to‘g‘ri) toshbaqada uchmoq (mantiqan to‘g‘ri emas)

3. Ikki so‘zni bog‘lovchi grammatik vositalar to‘g‘ri qo‘llanilishi kerak. M.: Samarqandda yashamoq (grammatik qo‘shimcha to‘g‘ri qo‘llanilgan) Samarqandga yashamoq (grammatik qo‘shimcha noto‘g‘ri qo‘llanilgan)

O‘qituvchi: O‘quvchilar, so‘z birikmalari hokim va tobe so‘zlardan iborat bo‘ladi. Tobe so‘z hokim so‘zni aniqlashtirib, izohlab keladi. So‘z birikmalarida hokim so‘zning qaysi so‘z turkumiga mansub ekanligiga ko‘ra so‘z birikmalari ikkiga bo‘linadi:

1. Otli so‘z birikmasi. Hokim so‘z fe‘l so‘z turkumidan tashqari barcha so‘z turkumlari bilan ifodalanadi. Masalan: o‘qdan tez, o‘quvchilarning beshtasi, chiroyli gul

2. Fe‘lli so‘z birikmasi . Bunda hokim so‘z fe‘l so‘z turkumi, uning turli vazifa

shakllari orqali ifodalanadi. M.: tez o‘qimoq, sekin yurmoq, chiroyli yashamoq. O‘qituvchi yangi mavzuni tushuntirib bo‘lgach, o‘quvchilar ikki guruhga ajratiladi. 1-guruh: “Zukkolar”, “Bilimdonlar”, “Kim chaqqon” metodini qo‘llash orqali o‘quvchilarning yangi mavzuni qay darajada tushunib olganligi sinovdan o‘tkaziladi. So‘zlar aralash holda berilib ulardan so‘z birikmalari tuzish so‘raladi. Masalan: oy, ovqat, katta, obod, yo‘l, gapirmoq, chiroyli, tog‘, shirin, qishloq... Ikkala guruhga ham 2 daqiqadan vaqt ajratiladi. Bu metod orqali o‘quvchilarning yangi mavzuni qay darajada tushunganligi, mantiqiy fikrlashi va tezkorligi sinaladi.

“Murosali matn” metodini qo‘llash orqali o‘quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatini va gapdan so‘z birikmalarini topa olish ko‘nikmasini oshirishga erishish

mumkin. O'quvchilar bu metod orqali so'z birikmalarini topish bilan birgalikda ma'nodosh so'zlarni to'g'ri qo'llash haqida ham bilimga ega bo'ladilar.

Zumrad va Qimmat

Zumrad ertalabdan basharasini yuvadi. Qimmat esa har kuni chehrasini o'yib, o'tiradi. Zumrad kulba vazifalari bilan band bo'lsa, Qimmat esa qattiq sado bilan ish buyuradi. Zumrad yaxshi qiz bo'lganligi uchun tong bo'roni sochlarini sekin o'ynatib o'tadi. Qimmat esa juda kech uyqudan bosh ko'taradi. Qimmatning ruxsori qursin.

Darsda mavzuni mustahkamlash maqsadida "Aralash-quralash", "Matnli topshiriq", "Charxpalak" metodlaridan ham foydalanish yaxshi samara beradi. O'qituvchi yangi mavzu bo'yicha o'quvchilarning tushunchalarini umumlashtiradi. Har bir o'quvchini darsda qatnashganligiga ko'ra baholaydi. Dars yakunida o'qituvchi uyga vazifa etib darslikdagi 61-mashqni topshiradi va uning qanday bajarilishi bo'yicha ma'lumot beradi.

MAHORAT SABOQLARI


(Taxmis asosida)

*Mirzabek Xadjiyev Qarshibay o'g'li,
JDPI 2-kurs magistranti
Ilmiy rahbar: Surayyo Eshokulova,
JDPI dotsenti, f.f.nomzodi*

Yangi O'zbekistonda mamlakat strategik rivojining bosh omillari belgilanar ekan, tarixiy, madaniy, adabiy va san'at asarlari, jumladan, she'riyat namunalarini o'rganish, tadqiq etish, ulardagi milliy va madaniy merosimizga oid g'oyalarni chuqur va atroflicha tahlil qilish yosh avlod ma'naviy kamolotida katta ahamiyat kasb etadi. Jamiyatda yuz berayotgan har qanday islohot, avvalo, badiiy adabiyot va madaniyatda o'z ifodasini topadi, zero, "*adabiyot va san'atga, madaniyatga e'tibor – bu, avvalo, xalqimizga e'tibor, kelajagimizga e'tibor*"dir [1]. G'azal, mustazod, qasida, ruboiy, tuyuq, chiston, fardlar xalqimiz badiiy tafakkuri mahsuli bo'lib, aruz tizimida yaratilgan ushbu ijod namunalari adabiyotimiz mavzu ko'lami va badiiyatini tashkil etishda o'ziga xos taraqqiyot bosqichlariga ega. Bu o'rinda o'zbek she'riyatida she'riy janr taxmis turiga asos solgan Alisher Navoiyning boy va rang-barang adabiy merosining o'rni beqiyos. Shu maqsadda ushbu maqola Alisher Navoiyning taxmis yaratishda o'ziga xos ijod qirralarini ilg'or xorijiy texnologiyalar asosida yoritish va ko'rsatmalar berishga qaratilgani ham ushbu kichik tadqiqotning dolzarb ilmiy muammo yechimiga bag'ishlanganini tasdiqlaydi.

Pedagog – o'qituvchilarning asosiy vazifasi talabalarga o'tilayotgan mavzuni sodda tushunarli qilib, turli xil o'qitish vositalari va usullaridan samarali foydalangan holda o'qitishni tashkil etish talab etiladi. Yuqorida oz bo'lsa-da ilg'or xorijiy texnologiyalar asosida amalga oshirgan ishlarimizning metodologik jihatlariga qisqacha to'xtalib, "*ming marotaba o'qigandan ko'ra, bir marta ko'rgan yaxshi*" –

degan aqidaga amal qilgan holda nazariy metodologiyaning amaliy ahamiyati qoʻllanilgan bir guruh misolida yanada aniqroq bayon etamiz:



I guruhga bir necha manbalardan foydalanib mavzu bo'yicha ma'ruza tayyorlash topshiriladi. Talabalar odatda seminar mashg'ulotlarida javob berish uchun ma'ruzalar tayyorlashadi. Buning uchun talabalarga ma'ruzalar tayyorlash yo'llari va imkoniyatlarini o'rgatish lozim. Ana shunday imkoniyatlardan biri – bu bir necha manbalardan foydalanib ma'ruza tayyorlash hisoblanadi. Mazkur ma'ruza javdval holatida tayyorlanib, talabaga javob berish uchun tayanch signal vazifasini bajaradi. Buning uchun talaba besh ustundan va materialning hajmiga qarab bir necha ustundan iborat oddiy jadval tuzadi. Yuqoridagi qatordagi ustunlarda axborotning turli manbalari nomini ko'rsatishadi: darsliklar (o'quv qo'llanma, monografiya), jurnal maqolalari, internet materiallari. Chap tomondan birinchi katakning har bir qatoriga talaba mavzuga tegishli yoki javob olinishi zarur bo'lgan savolni yozadi.

BIR NECHA MANBALARDAN FOYDALANIB MAVZU BO‘YICHA
MA‘RUZA TAYYORLASH

Savollar:		
Darslik, o‘quv qo‘llanma, monografiya	Jurnal maqolalari	Internet materiallari
Xalliyeva G. Ogahiy musammatlari. – T.: Mumtoz so‘z, 2019.	Yusupova D. Alisher Navoiy taxmisilari.	https://fayllar.org/2-taxmis-qazalni-beshlantirish-asosida-yaratiladigan-muxammas.html
Musammat haqidagi eng mukammal ta’rif va ma’lumot kimning asarida uchraydi?	Mumtoz adabiyotimizda o‘z g‘azallariga taxmis bog‘lash hodisasi Alisher Navoiygacha mavjudmidi? Bu holat Alisher Navoiydan keyin qay darajada davom etgan?	Lutfiy she’riyatining Alisher Navoiy ijodiga ta’siri haqida nimalarni bilasiz?
Musammatlarning mavzu doirasi haqida nimalarni bilasiz?	Alisher Navoiy o‘zining ilk taxmisini qachon bitgan va u kimning g‘azaliga bog‘langan?	Lutfiyning <i>“Ko‘kdadur har dam Fig‘onim ko‘rgali sen mohni”</i> , <i>“Ey soching shaydo ko‘ngullarning savodi a‘zami”</i> misralari bilan boshlanuvchi g‘azallariga kim muxammaslar bog‘lagan?
Muhammasning o‘zbek she’riyatidagi ilk namunalari kimning devonlarida uchraydi?	Nega Alisher Navoiy o‘zining ilk taxmisini Lutfiyning <i>“Laylatul me’rojning sharhi sochi tobindadur”</i> misrasi bilan boshlanuvchi g‘azaliga bog‘lagan?	Alisher Navoiyning turkiy tilda yaratgan she’rlari necha janrda bo‘lgan?
Tazmin va taxmisning farqini bilasizmi?	Nima uchun Alisher Navoiy ma’lum bir yoshdan so‘ng o‘z taxmislarini boshqa shoirlarning g‘azallariga	Muhammasnavislik, nechanchi asrdan boshlab tez rivojlangan?

	bog‘lamay, o‘zining g‘azallari asosida muxammas bitishni ma‘qul ko‘rgan?	
--	--	--

II guruhga ikki qismli kundaliklar tuzish. Ikki qismli kundaliklar talabalarga matn mazmunini o‘z shaxsiy tajribasi bilan chambarchas bog‘lash, o‘zining tabiiy qiziquvchanligini qondirish imkonini beradi. Ayniqsa, talabalar qandaydir adabiyotlarni o‘quv auditoriyasidan tashqari o‘qib chiqish topshirig‘ini olishganida ikki qismli kundaliklar foydalidir.

Ikki qismli kundalik uchun talabalar yozilmagan qog‘ozning o‘rtasidan tik chiziq o‘tkazib, uni ikkiga ajratishlari kerak. Qog‘ozning chap tomoniga matnning qaysi qismi ularga eng ko‘p taassurot qoldirganini qayd etishadi. Ehtimol, u qandaydir xotirani uyg‘otar, mavzuga yaqin ma‘lumotlarni, egallagan bilimlarini esga tushirar, yoki shunchaki taajjubga solar. Yoxud ularning shuurida keskin norozilik hissini uyg‘otar. O‘ng tomonida ular sharh berishlari kerak: ayni shu sitatani yozishga ularni nima majbur etdi? Ularga qanday fikrlar uyg‘otdi? Shu munosabat bilan ularda qanday savol tug‘ildi? Qisqasi, matnni o‘qirkan, talabalar vaqti-vaqti bilan to‘xtashlari va o‘zlarining qo‘shaloq kundaliklarida shunday belgilar qo‘yib borishlari kerak. Quyida olim D.Yusupovning “*Alisher Navoiy taxmislari*” (Sharq yulduzi. 2013. 2-son. –B. 143) nomli maqolasi asosida ana shunday ikki qismli kundalikka misol keltiramiz.

IKKI QISMLI KUNDALIK

Jurnal maqolalari	Fikr-mulohazalar
O‘z g‘azallariga taxmis bog‘lash mumtoz adabiyotimiz tarixida Alisher Navoiygacha kuzatilmagan. Navoiydan keyin esa bunday holat ba‘zi shoirlar, xususan Xiva adabiy muhiti ijodkorlarida ko‘rinadi.	Bizning fikrimizcha, nafaqat Xiva adabiy muhitida, balki Qo‘qon adabiy muhiti shoirlari ijodlarida ham taxmis yaratish an‘anasi kuzatiladi. Bunga Amiriy, Nodira, Uvaysiy, Furqat kabi Qo‘qon adabiy muhiti vakillarini ijodiga murojaat qilsak, ulug‘ salaflari Alisher Navoiyning an‘anasini davom ettirganlarining guvohi bo‘lishimiz mumkin. Ma‘lumki, o‘zbek adabiyotida Hofiz Xorazmiy ijodi bilan boshlangan muxammas yaratish an‘anasi Alisher Navoiy, Bobur, Mashrab, <u>Nodira</u> , <u>Uvaysiy</u> , <u>Furqat</u> , <u>Zavqiy</u> , <u>Muqimiy</u> kabi shoirlar she‘riyatida davom ettirildi [2;60]. Ushbu iqtibos yuqoridagi fikrimizni dalillaydi.
Mumtoz adabiyotimiz tarixida ijodkorning o‘z g‘azaliga taxmis bitish hodisasi kam uchraydi.	Olim D.Yusupovning fikriga qo‘shilgan holda shuni aytishimiz mumkinki, “Ogahiy XIX asr Xorazm adabiy muhitining yirik siymolaridan biri bo‘lib, Navoiydan keyin eng “ko‘p va xo‘b” she‘r aytgan shoirlardandir” [5]. “Ta‘viz ul-oshiqin” devonining yangi qo‘lyozma

	<p>nusxasida Ogahiyning 100 gʻazali (78 oʻzbekcha, 22 forsha), 2 mustazodi, <u>12 muxammasi (7 oʻzbekcha, 5 forsha)</u>, 3 musaddasi, 2 musammani (1 oʻzbekcha, 1 forsha), 1 tarjeʻbandi, 41 muammosi, 5 masnaviysi, 1 bahri taʻvili, 1 munojoti, 28 taʻrixi, 7 qasidasi mavjud boʻlib, bular nihoyatda nozik did egasi tomonidan koʻchirilganligi bilan ham qimmatlidir [2;27]. Muxammaslardan oʻzbek tilida yozilgan 7 tasi Munis (2), Fuzuliy, Feruz, Amiriy, Navoiy gʻazallari asosida yaratilgan boʻlsa, fors tilidagi 5 tasi Bedil (2), Amir (2) va Ogahiy gʻazallariga bogʻlangan [2;29].</p>
<p>Laylatul-meʻrojning sharhi sochi tobindadur, Qoba qavsayn ittihodi qoshi mehrobindadur. Matlaʼdayoq maʼlum boʻladiki, Lutfiy gʻazalining lirik qahramoni goʻzallikda tengsiz yor. Uning tunde qora sochi zamiriga meʻroj kechasining sharhi yashiringan, mehrobdek qoshi esa qoba qavsayn – ikki yoy oraligʻidagi masofani yodga soladi. Bu oʻrinda mavlono Lutfiy yor tasviri asnosida paygʻambarning meʻroj tunida Xoliq huzuriga koʻtarilishi va Yaratgan bilan rasul orasidagi masofa ikki qosh oraligʻidek yaqin boʻlganligi hodisasiga ishora qiladi. Gʻazalning keyingi baytlari ham yor goʻzalligi taʻrifi bilan davom etib, uning</p>	<p>Mazkur gʻazal naʼt mazmunida boʻlib, paygʻambarimiz Muhammad sollallohu alayhi va sallamning meʻrojga koʻtarilishlari bilan bogʻliq voqealar talqini bilan boshlanadi. Taxmisd ham gʻazaldagi naʼt mazmuniga toʻla amal qilinadi va talabga koʻra shoir uni mazmunan yanada kengaytirishga, lirik qahramon botiniy va zohiriy olami tavsifiga oid yangidan yangi tasvirlarni kiritib, maʼnaviy qiyofasini teranroq ochib berishga erishadi. Lutfiy gʻazal matlaʼsining birinchi misrasida talmeh sanʼatidan foydalanib, Islom tarixidagi mashhur hodisa – “Meʻroj” voqeariga ishora qiladi va uni Paygʻambar alayhissalom sochlari orqali sharhlaydi. Shoir taʼkidlashicha, “<i>Laylat ul-meʻrojning sharhi</i>” Paygʻambar alayhissalom “<i>sochi tobindadur</i>”. Lutfiy tomonidan keltirilgan bu sharhning maʼnosini teranroq anglash uchun hadislar va siyrat kitoblarida Muhammad alayhissalom sochlari haqidagi maʼlumotlarni oʻrganish lozim boʻladi. Hadislarda bu haqda: “...<i>Sochlari toʻlqin sifat: juda jingalak ham, juda yumshoq ham emas edi...</i>” – deya taʼkidlangan [6; 77, 81, 93]. “Qurʻon” va hadis boshqa diniy manbalarda tasvirlanishicha, Muhammad (s.a.v.) meʻroj tunida Alloh taolo huzuriga toʻgʻridan toʻgʻri koʻtarilmaganlar. “Meʻroj” safari dastlab “Masjid ul-aqso”ga yoʻl olishdan boshlanadi. U yerda namoz ado etilgach, osmon safari boshlanadi. Rivoyatlarda “meʻroj” safari yetti qavat osmonning har birida Muhammad alayhissalom oʻzlaridan oldin oʻtgan paygʻambarlar: Odam, Iso, Yahyo, Yusuf, Horun, Muso va Ibrohim alayhimussalomlar bilan uchrashuvlaridan soʻng “Sidrat ul-muntaho”ga yetib “qoba qavsayni av adno” maqomi bilan yakunlangani aytiladi. Shoir Meʻroj sharhi paygʻambar alayhissalom sochlarning tobi –</p>

shirin va jonbaxsh labidan salsabil (jannat bulog‘i) sargardon, Xizr va Iso Masihlar xijolatda ekanligi ta’kidlanadi. Shu tariqa g‘azal baytlari yor ta’rif-u tavsifi tarzida davom etadi.

jingalaklaridadir der ekan, bu ulug‘ safarning turli manzillarda to‘xtash orqali kechganligiga ishora qiladi. Chunki tasavvuf adabiyotida soch buramalari dunyo to‘siqlari sifatida ham talqin etiladi. Solik yor visoliga yetish uchun shu to‘siqlardan iborat manzillarni bosib o‘tishi kerak. Shuningdek, “*So‘fiylar ta’birlarida zulf hazrati Haq qudratining tajalliyot (jilolanishidan) iborat, chunki Haq jamoli kasarot (ko‘plik), taayyunot (voqelikda) yashirindir. Hazrati Haqning uzluksiz tajalliyoti jingalak va zanjir kabi halqalangan zulfga o‘xshatilgan*” [7;57]. Demak, shoir Payg‘ambar alayhissalom Alloh bilan uchrashish uchun dastlab Haqning uzluksiz tajalliyotini his etganliklari va turli dunyoviy to‘siqlarni bosib o‘tganliklariga ham ishora qilayotganligi ma’lum bo‘ladi.

Matla’ning “*Qoba qavsayn ittihodi qoshi mehrobidadur...*” misrasi iqtibos va talmeh san’atlariga asoslangan tasvir bilan boshlanadi. Unda ishlatilgan “qoba qavsayn” iborasi “Qur’on”dan olingan va “qoba” – “yaqinlashdi”, “qavsayn” – “ikki kamon miqdoricha” lug‘aviy ma’nosini bildirib, ikki obyekt oralig‘idagi masofa tushunchasini anglatadi.

Darhaqiqat, ayrim diniy adabiyotlarda, shuningdek, Navoiyning “Farhod va Shirin” dostonida ham mazkur iboraning yuqoridagi talqini ham uchraydi:

*Sururgach “Motag‘o” tufrog‘in ul bog‘,
Chekildi nargisiga kuhli “mo zog‘”.*

*Anga bu surma bo‘lg‘och qurratul-ayn,
Nasib o‘ldi maqomi “qoba qavsayn”* [8;21].

Bu ibora “Qur’on”dagi: “Fa kanat qoba qavsayni av adna” (Najm, 9) oyatida keltirilgan bo‘lib, tarjimada “Bas, (Muhammadga) ikki kamon oralig‘idek yoki (undan ham) yaqinroq bo‘ldi” [9;526] mazmunini anglatadi. Tafsilarda bu oyatda Payg‘ambar alayhissalom va Jabroil alayhissalom orasidagi uchrashuv haqida ekanligi aytiladi: “Ya’ni Jabroil farishta yana ham pastroqqa tushishda davom etib, Payg‘ambar alayhissalomga ikki kamon miqdoricha, balki undan ham yaqinroqqa keldilar. Bunday yaqinlik natijasida vahiyi yetkazish osonlashgan” [10;629]. Bu haqda yana quyidagi ma’lumot ham keltiriladi: “Mana bu joydin ham o‘tib, muborak qadamlari “Sidrat ul-muntaho”ga yetdi. Payg‘ambarimiz aytishlaricha, bu

	<p>narsa Allohning azamatlik qudratiga nishona bo‘lg‘udek, yemishlik ulug‘ bir daraxt ekandur... Jabroil (a.s.)ning maqomlari shu joyda edi. So‘ngra bu joydin yuqori raf-raf bilan uruj qilib, ul Holiqi a‘zam, Jabbori akram ulug‘ dargohiga yetdilar. “Qoba Qovsayni av adna» (eng oliy maqom) maqomiga erishdilar” [11;51]. Shoir talmeh san‘ati vositasida ikkala voqeaga ham ishora qilgan bo‘lishi mumkin. Shu o‘rinda yuqoridagi misraning yana bir jihatiga to‘xtalib o‘tish lozim bo‘ladi. Unda “birlashish”, “birlik” kabi lug‘aviy ma‘nolarni anglatuvchi “ittihod” [10;106] so‘zi ham ishlatilgan. Agar “qovs” so‘zi kamoning ip tortilgan ikki uchi ma‘nosini anglatishiga e‘tibor qaratsak, “qoba qavsayn ittihodi” birikmasini shoir kamoning ikkala uchi yaqinlashdi, birlashdi degan fikrni ifodalash uchun ishlatganini anglaymiz. Bunda shoir kamoning ikki uchi ma‘nosida Islom ta‘limotini insoniyatga yetkazib bergan ikki ulug‘ zot – Muhammad (s.a.v.) va Jabroil (a.s.)ni nazarda tutganligi, ular “Me‘roj” tunida bir-biri bilan juda yaqindan turib uchrashganlariga ishora qilgan bo‘lishi ham mumkin.</p>
<p>Navoiy taxmisning birinchi bandida Lutfiy g‘azali matla’sida keltirilgan komil go‘zallik ta’rifiga hamohang tarzda iqtibos san’atidan foydalanib, har bir misrada Qur’on oyatlaridan jumla keltiradi: <i>Sharbati “yuhyl izom” erni mayi nobindadur, Surayi “vashshams” tafsiri yuzi bobindadur, Sharhi “mozog‘ulbasar” nargislari xobindadur...</i></p> <p>Navoiy talqinida yorning labi o‘liklarni tiriltiruvchi toza sharbat, Qur’oni</p>	<p>Taxmisdan lirik qahramon ta’rifi yanada teranlashadi. Uning birinchi misrasi: <i>Sharbati “yuhyl-izom” erni mayi nobindadur...</i></p> <p>zamiriga singdirib yuborilgan ma‘nolar serqatlamligi bilan diqqatni jalb etadi. Buning uchun misrada qo‘llanilgan badiiy san‘atlar bilan tanishib chiqish zarur. Undagi sharbati “yuhyl izom” birikmasi metaforik xususiyatga ega bo‘lib, Qur’onning bir surasi yoki umuman “Qur’on” tushunchasini anglatsa, mayi nob – bebaho so‘zlar, bu o‘rinda ilohiy kalom ma‘nosida qo‘llangan. Shoir Qur’ondan iqtibos keltirish bilan bir paytda Islom ta‘limotidagi iymon tushunchasining eng muhim qirralardan biri – o‘limdan keyin qayta tirilishga ishora qilib, talmeh san’atidan ham mohirona foydalanmoqda. Misra mazmuni va undagi talmeh san’ati mohiyatini anglash uchun arabcha “yuhyl-izom” iborasi talqinini ham bilish kerak. Bu ibora “Qur’on”dagi “<i>Vazorobalana masalav va nasiya xolqohu qola may yuhyl izoma va hiya romim</i>” (Yosin, 78) oyatida uchraydi. Bu oyat: “<i>U Bizga “Chirib ketgan suyaklarni kim ham tiriltira olur?” – deb naql keltirdi-yu, (ammo) o‘zining (qanday) yaratilganini unutib qo‘ydi</i>” deb tarjima qilinadi</p>

<p>Karimdagi “Vash shams” surasining izohi uning yuzida aks etadi, “ko‘z aldanmadi” oyatining sharhi uning ko‘zlarida namoyon. Bu ta’rif Lutfiy qalamidan to‘kilgan soch va qosh ta’riflari bilan birlashib, mukammal go‘zallik tasvirining yorqin namunasi vujudga kelganligini ko‘ramiz [3].</p>	<p>[9;445]. Tafsir kitoblaridan birida esa bu gapni Payg‘ambar alayhissalomga mushriklarning kattasi Ubay ibn Xalaf aytganligi ta’kidlanadi [12]. Misrada talmeh san’ati orqali shu tarixiy voqeaga ishora borligi ko‘zga yaqqol tashlanib turibdi. Islom dinida o‘lgandan keyin qayta tirilishga ishonish iymonning eng asosiy shartlaridan biridir. Navoiy mazkur misrada “<i>yuhyil izom</i>” iborasini bejiz keltirmagan. Tarjima va tafsirlarga ko‘ra Qur’onning bu ibora ishlatilgan Yosin surasida bandalar o‘lgandan keyin qayta tiriltirilishi va barcha amallari yuzasidan hisob-kitob qilinishi masalasi atroflicha bayon etilgan. Taxmisning “<i>Sharbati “yuhyil-izom” erni mayi nobindadur...</i>” (“yuhyil izom” sharbati uning erni (labi) mayi nobidadir) misrasini shu jihatdan talqin etadigan bo‘lsak, unda bu masala Muhammad (s.a.v.) tomonidan ummatlarga qayta-qayta ta’kidlanganiga ishora qilinayotganini angalaymiz. Navoiy bunga alohida ahamiyat qaratgani bejiz emas. Misra zamirida shoirning islomiy qarashlariga xos eng muhim qirralaridan birini ham ko‘rish mumkin. U insoniyat uchun o‘lim qay darajada muqarrar bo‘lsa, qayta tirilish ham shu qadar muqarrarligini tan oladi va buni o‘z o‘quvchilariga ham yetkazishga harakat qiladi. Shoir qayta tirilish tushunchasining badiiy talqini orqali har bir insonga o‘z qilmishlari uchun javob berish vaqti borligini anglatishni, uni tan olmaganlar esa tiriklikda har qanday tubanlikdan qaytmasligini ta’kidlaydi. Inson ruhiyatining zukko bilimdoni bo‘lgan mutafakkir hayoti davomida ko‘pincha buning guvohi bo‘lganligi uchun ham ana shunday xulosa chiqarishi tabiiy bir hol edi.</p> <p><i>Surayi «vash-shams» tafsiri yuzi bobindadur...</i></p> <p>Misra mazmuniga ko‘ra shoir payg‘ambar alayhissalom yuzlari Shams (Quyosh) surasi tafsirida bayon etilgan degan fikrni ilgari surmoqda. Shuni ta’kidlash kerakki, Alisher Navoiy mazkur badiiy tasvirni yana bir necha asarida qo‘llaydi. Bu misrada Shams (Quyosh) surasi tafsiri Muhammad (s.a.v.) yuzlari bobida ekanligi ta’kidlanmoqda. Buning sababini quyidagi hadis asosida izohlash mumkin: “Abu Hurayra: “<i>Men Rasulullohdan ko‘ra chiroyli odamni ko‘rmaganman. Quyosh xuddi u kishining yuzidan balqigandek tuyulardi, kulganlarida yuzlaridan nur yog‘ilib, shu‘lasi devorlarga tushardi</i>”, deb eslaydi” [12].</p>
--	---

“Jobir ibn Samura (r.a.)dan rivoyat qilinadi: “Rasululloh (s.a.v.)ning boshlarining old qismi va soqollari moshguruch edi. Moylagan paytlarida bilinmay qolar edi. Boshlari to‘zib turganda bilinar edi. Ul zotning soqollari qalin edi”. Bir kishi: “Yuzlari qilich misoli edimi?” dedi. “Yo‘q. Quyosh va oy misoli edi. Dumaloq edi...” – dedi u (Muslim rivoyat qilgan)” [6;85].

Bu o‘rinda yana shuni aytish kerakki, shoir misra zamiriga Payg‘ambar alayhissalomning faqat ko‘rkam qiyofalarinigina emas, balki go‘zal ichki – ma‘naviy olamlari tasvirini ham singdirib yuborgan. Chunki tafsirlarga qaraganda, mazkur surada tashqi qiyofa haqida gap ketmaydi. Shoir ta‘rifining asl mohiyatini anglash uchun Qur‘ondagi Shams (Quyosh) surasi tafsiri bilan ham tanishib chiqish o‘rinlidir. Tarjima va tafsirlarda, mazkur surada Alloh quyosh, oy, kunduz, tun, osmon va undagi narsalar, yer va undagi narsalar, nafs va insonlarga qasamdan so‘ng o‘z nafsini poklagan kishilargina najot topishini ta‘kidlaydi va aksincha *“...u (nafs)ni (gunohlar bilan) ko‘mib, xorlagan kimsa esa (Allohning) rahmatidan noumid bo‘lur”*, [9;595] – deyiladi (Shams, 1-10-oyatlar). Surada payg‘ambarlari Solihni yolg‘onchiga chiqarib o‘z nafsini tiya olmagan Samud qabilasi halokati haqida ham xabar beriladi. Demak, shoir mazkur surani eslatish orqali Muhammad alayhissalomning faqat zohiriy portretlarini emas, balki yuksak insoniy fazilatlari va ma‘naviy-axloqiy qiyofalari, ya‘ni botiniy go‘zalliklarini ham tasvirlagan hamda kishilarni nafsni poklashga, ilohiy kalomni keltirgan bu ulug‘ zotga ergashishga chaqirgan.

Taxmisning uchinchi misrasi ham na‘t asarlarga xos tarzda Payg‘ambar alayhissalom tashqi qiyofalari – ko‘zlari ta‘rifiga bag‘ishlangan.

Misrada Qur‘oni karimdagi Najm surasining 17-oyatidan – *“Mazag‘ol basoru va maa tog‘o”* (Payg‘ambarning) ko‘zi (chetga) og‘gani ham yo‘q, o‘z haddidan oshgani ham yo‘q) [9;528] – iqtibos keltiriladi va u zotning yuksak insoniy fazilatlaridan – ko‘zni tiyish odoblari, hamisha rostgo‘y bo‘lganliklari, ya‘ni Me‘roj tunida ko‘rganlari barchasi haqiqatligi, zarracha ham yolg‘on gapirmaganlari ta‘kidlanadi. Shoir misrada o‘z fikrini dalillash uchun iqtibos – *“mozog‘al basar”*, talmeh – Me‘roj kechasida ko‘zlari bilan Jabroil alayhissalomni

va qalblari bilan Allohni ko'rganligi voqeasiga ishora va istiora – nargislari (ko'zlari) kabi badiiy san'atlardan unumli foydalangan [13].

III guruhga “xulosalash” (rezyume, veyer) metodi. Metodning maqsadi: Bu metod murakkab, ko'ptarmoqli, mumkin qadar, muammoli xarakteridagi mavzularni o'rganishga qaratilgan. Metodning mohiyati shundan iboratki, bunda mavzuning turli tarmoqlari bo'yicha bir xil axborot beriladi va ayni paytda, ularning har biri alohida aspektlarda muhokama etiladi. Masalan, muammo ijobiy va salbiy tomonlari, afzallik, fazilat va kamchiliklari, foyda va zararlari bo'yicha o'rganiladi. Bu interfaol metod tanqidiy, tahliliy, aniq mantiqiy fikrlashni muvaffaqiyatli rivojlantirishga hamda o'quvchilarning mustaqil g'oyalari, fikrlarini yozma va og'zaki shaklda tizimli bayon etish, himoya qilishga imkoniyat yaratadi. “Xulosalash” metodidan ma'ruza mashg'ulotlarida individual va juftliklardagi ish shaklida, amaliy va seminar mashg'ulotlarida kichik guruhlardagi ish shaklida mavzu yuzasidan bilimlarni mustahkamlash, tahlili qilish va taqqoslash maqsadida foydalanish mumkin.

Metodni amalga oshirish tartibi: trener-o'qituvchi ishtirokchilarni 5-6 kishidan iborat kichik guruhlariga ajratadi; trening maqsadi, shartlari va tartibi bilan ishtirokchilarni tanishtirgach, har bir guruhga umumiy muammoning tahlil qilinishi zarur bo'lgan qismlari tushirilgan tarqatma beriladi. Har bir guruh o'ziga berilgan muammoni atroflicha tahlil qilib, o'z mulohazalarini tavsiya etilayotgan sxema bo'yicha tarqatmaga yozma bayon qiladi, navbatdagi bosqichda barcha guruhlar o'z taqdimotlarini o'tkazadilar. Shundan so'ng, trener tomonidan tahlillar umumlashtiriladi, zaruriy axborotar bilan to'ldiriladi va mashg'ulot yakunlanadi.

Metodni amalga oshirish tartibi:



Trener-o'qituvchi ishtirokchilarni juftliklardan iborat 4 ta kichik guruhga ajratadi.



Trening maqsadi, shartlari va tartibi bilan ishtirokchilarni tanishtirgach, har bir guruhga umumiy muammoni tahlil qilinishi zarur bo'lgan qismlari tushirilgan tarqatmani beradi. Har bir guruh o'ziga berilgan muammoni atroflicha tahlil qilib, o'z mulohazalarini tavsiya etilayotgan sxema bo'yicha tarqatmaga yozma bayon qiladi.

“XULOSALASH” (REZYUME, VEYER)

1-guruh xulosasi:

Odatda, g'azalga taxmis bog'lanayotganda uning bandlari soni g'azal baytlariga mos holga keltiriladi. Lekin ba'zan shoirning xohishiga ko'ra, g'azaldagi ayrim baytlarga taxmis bitilmasligi, ya'ni ular qisqartirilishi mumkin. Aynan shu holat yuqoridagi taxmisda ham kuzatiladi. Taxmisga asos bo'lgan Lutfiy g'azali, aslida, hajman 7 baytdan iborat. Ammo taxmis bog'langanda uning ikki bayti qisqartirilib, 5 band holiga keltirilgan. Xususan, quyidagi ikki bayt Navoiy taxmisida uchramaydi:

*Xomayi qudrat-la bitganda ne mushafdur yuzi
Kim, malohat oyati majmu' aning bobindadur...*

*Ko'zlari har go'sha uyqudin qo'porur fitnalar,
Turfa maxmureki chandon fitnalar xobindadur.*

2-guruh xulosasi:

Buning bir necha sabablari bor. Yuqoridagi ikki baytga e'tibor qaratsak, ularda yuz va ko'z tasvirini ko'ramiz. Birinchi baytda yor yuzi qudrat qalami ila bitilgan Mus'haf, ya'ni Qur'onga nisbat berilsa, ikkinchi baytda uning ko'zlari uyquda ham fitna qo'zg'otuvchi maxmur (mast)ga o'xshatilmoqda. Alisher Navoiy o'z taxmisining birinchi bandidayoq yuz va ko'z tasvirining mukammal tarzidagi bayonini berib bo'lganligi uchun uni yana takrorlashga ehtiyoj qolmayapti va o'z-o'zidan endi bu ikki bayt mazmun jihatidan taxmis uchun ortiqcha ekanligi seziladi. Yana bir sabab qofiya talabi bilan bog'liq. Tushirib qoldirilgan baytlardagi qofiyalarga e'tibor qaratsak, ular "bobindadur" va "xobindadur" tarzida ekanligini ko'ramiz. Alisher Navoiy taxmisning matla' bandidayoq ushbu qofiyalardan foydalanganligi uchun ularni takror holda qo'llashni istamagan va shu tarzda taxmis 5 band holatiga kelgan [3].

3-guruh xulosasi:

Taxmisning qolgan to'rt bandi ham Lutfiy va Navoiy qalamlariga xos bir nazokat, fasohat, balog'at bilan bitilgan bo'lib, o'quvchilar qalbidan chuqur joy oladi. Alisher Navoiy so'zga, xususan, she'rga yuksak talabchanlik bilan yondashgan. U har bir janrning qonun-qoidalarini chuqur bilgani holda muxammas janriga ham ijodkor g'oyalarning ifodasi sifatida qaragan [4].

4-guruh xulosasi:

Ijod – sirli jarayon. Yuksak san'at namunasi bo'la oladigan ijodiy asarlarning yaratilishi muxlislar uchun hamisha qiziq bo'lib kelgan. Mazkur xulosalardan kelib chiqib aytish mumkinki, Alisher Navoiy muxammaslarining yaratilish xususiyatlarini tadqiq qilish shoirning ijod va ilhom hissiyotlari bilan bog'liq tasavvurlarni aniqlashtirishga yordam beradi. Shu nuqtayi nazardan "Alisher Navoiy bobomiz xotirasiga hurmat-ehtiromlar ko'rsatish, ul zotning tabarruk merosini o'rganish, yosh avlodimizga bezavol yetkazish" [14;113] barchamizning

burchimizdir.

Xulosa sifatida shuni ta’kidlash lozimki, interfaol ta’lim texnologiyalari ta’lim sifatini yaxshilash, samaradorligini oshirish, o’qituvchi, talaba, talabalar guruhi, shuningdek, jamoa o’rtasida o’zaro hamkorlikni qaror toptirish, g’oyaviy va ruhiy birlikka erishish, yagona maqsad sari intilish, har bir ta’lim oluvchining ichki imkoniyatlarini ro’yobga chiqarish, shaxs sifatida namoyon bo’lishi uchun zarur shart-sharoit hamda muhitni yaratishda katta imkoniyatlarga ega. Interfaol ta’limning eng muhim tarkibiy elementi bo’lgan interfaol metodlar o’z mohiyatiga ko’ra ta’lim maqsadlarni amalga oshirishda ma’lum darajada samaradorlikka erishishni ta’minlaydi. Eng muhimi o’qituvchi (tyutor)lar interfaol metodlarni tanlashda o’rganilayotgan mavzu, muammo yoki hal qilinishi lozim bo’lgan masalaga e’tibor qaratishlari lozim. Qolaversa, interfaol metodlarni qo’llashda talabalarning yoshi, psixologik xususiyatlari, dunyoqarashi, hayotiy tajribalari inobatga olinsa, dars samaradorligi yanada oshadi. Bu esa o’qituvchilardan kasbiy mahorat, malaka, bilim va sezgirlilik (intuitsiya)ga ega bo’lishni taqozo etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Mirziyoyev Sh.M. Adabiyot va san’at, madaniyatni rivojlantirish – xalqimiz ma’naviy olamini yuksaltirishning mustahkam poydevoridir // Xalq so’zi. – T., 2017 yil 4 avgust.
2. Xalliyeva Gulnoza. Ogahiy masammatlari. Monografiya. –T.: Mumtoz so‘z, 2019.
3. Yusupova D. Alisher Navoiy taxmisleri // Sharq yulduzi. –T.: 2013. 2-son. – B.143.
4. <https://fayllar.org/2-taxmis-gazalni-beshlantirish-asosida-yaratiladigan-muxammas.html>
5. http://nomtop.com/news/ogahiy_1809_1874/2021-06-27-14460
6. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Hadis va hayot. 19-juzv. –T.: SHARQ NMAK BT, 2007.
7. Komilov N., va boshqalar. Badiiy adabiyot va tasavvuf timsollari. –T.: TDSHI, 2010. – B. 57.
8. Alisher Navoiy. Farhod va Shirin. Yigirma jildlik MAT. 8-jild. –T.: Fan, 1989. – B. 21.
9. Shayx Abdulaziz Mansur. Qur’oni karim ma’nolarining tarjima va tafsiri. – T.: TIU NMB, 2016.
10. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Tafsiri hilol. 5-juzv. –T.: SHARQ NMAK BT, 2007. – B. 629.
11. Alixonto’ra Sog’uniy. Tarixi Muhammadiy. www.ziyouz.com, 2007. – B. 51.
12. Payg’ambar alayhissalomning sifatleri va go’zal axloqlari. <http://siyrat.uz/maqola/566>

13. <https://hidoyat.uz/>
14. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: O‘zbekiston, 2017. – B. 113.

KITOBXONLIKKA O‘RGATISH ORQALI BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARINI IJODIY FIKRLASHGA YO‘NALTIRISH

*Suyunova Diyora Husniddin qizi,
Navoiy davlat pedagogika instituti talabasi
Ilmiy rahbar: Ernazarova Manzura Saparbaevnaf. f.f.d. (DSc)*

Kitob – umr yo‘llarini yorituvchi so‘nmas nur, inson hayotiga mazmun baxsh etuvchi saodat manbai, unga har qanday vaziyatda ham hamroh bo‘luvchi sodiq do‘st. Insonning ma‘naviy kamolotini taminlashda kitob singari kuchli qudratga ega vosita yo‘q. Bugungi jamiyatimizda kitobxonlikni rivojlantirish, ayniqsa yoshlar o‘rtasida mutolaa madaniyatini rivojlantirishga davlat tomonidan alohida e‘tibor berilib, ko‘plab samarali ishlar amalga oshirilmoqda. Yaxshi kitob insonda vatanga muhabbat, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat tuyg‘ularini yuksaltirib, yaxshilik hamda ezgulikka undaydi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017- yil 13- sentyabr kuni qabul qilingan PQ- 3271 sonli “Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutoalasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ‘ib qilish bo‘yicha kompleks chora- tadbirlar dasturi to‘g‘risida”gi qarori ijrosi yuzasidan joylarda kitobxonlik, mutolaa madaniyatini targ‘ib qilishga qaratilgan tadbirlar tashkil qilindi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev kitob va kitobxonlik haqida bir qancha nutqlar so‘zlaydi. - Dunyodagi har qaysi davlat, har qaysi xalq birinchi navbatda o‘zining intellektual salohiyati, yuksak ma‘naviyati bilan qudratlidir. Bunday yengilmas kuch manbai esa avvalo insoniyat tafakkurining buyuk kashfiyoti- kitob va kutubxonalarda,- dedi Prezidentimiz.

“Ijod” so‘zining lug‘aviy ma‘nosi: “yaratish”, “yangilikni kashf etish” ma‘nolarini bildiradi. Ijodkorlik – faoliyatning turli holatlarida paydo bo‘ladi. Qiziqish, ilhom, intilish ijodkorlikning inson ongida eng oliy tarzda paydo bo‘lishidan, namoyon bo‘lishigacha bo‘lgan jarayonini o‘z ichiga oladi. Ijodkorlik o‘zida insonning mehnatda namoyon bo‘lgan qobiliyatini ifodalaydi. Bugungi kunda mustaqillik tufayli amalga oshirilayotgan ta‘lim islohotlari o‘z ichiga ijodiy yondashuvi, fan, texnika, san‘at, ishlab chiqarishning jadal rivojlanishiga o‘z hissasini qo‘shadigan yuksak malakali kadrlar tayyorlashga bog‘liq. Shunga ko‘ra, jamiyat taraqqiyoti talablaridan kelib chiqqan holda har bir o‘quvchini ijodkorlik ruhida tarbiyalash zarurdir [2; 5-7].

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini ijodiy fikrlashga o‘rgatish eng zaruriy usullardan biri hisoblanadi. Ijodiy fikrlash o‘quvchi ongining rivojlanishi va dunyoqarashi kengayishiga yordam beradi. Inson qancha ko‘p kitob o‘qisa, uning fikrlashi ham yuksalib boradi. O‘quvchilar o‘rtasida ijodiy fikrlashni shakllantirish ta‘lim sifatini ham oshiradi.

Ta'limiy faoliyatni tashkil etishda o'quvchilarning ijodiy fikrlashini shakllantirish usullarini qo'llash, ulardan unumli foydalanish ta'lim oluvchining bilim, malaka, ko'nikma, o'zlashtirish jarayonini qulaylashtiradi. Komil inson tarbiyasida o'z mustaqil fikriga ega bo'lish, ijodiy fikrlay olish muhim shartlardan biri hisoblanadi. Mustaqil va ijodiy fikrlay olish uchun ko'p kitob o'qish, o'qiganlarini mushohada qila bilish, ma'lum xulosalar chiqarish talab etiladi. Har bir sohada ijodiy fikrlovchi yangilik yaratishga ishtiyoqi kuchli insonlarga talab katta. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida bu jarayonlarga qiziqish, ularga intilish hissi tez o'yg'onadi [5; 24].

Boshlang'ich ta'lim davrida ijodiy faoliyatni shakllantirish imkoniyatlari kengroq bo'lib bolalarning ruhiy olami, diqqati, xotirasi, idrok etish darajasi, tafakkuri, his- tuyg'ulari shakllanadi. Ijodiy faoliyatni rivojlantirish uchun darslarda fantaziyani ishga solishga undaydigan dialoglar, individual izlanish talab etadigan bahs-munozara, suhbatlar uyushtirish, sodda modellashtirish, badiiy va texnik ijodiyot yo'nalishlarida kichik ishlanmalar yaratish o'z samarasini beradi. O'quvchi ijodkorligi uni muntazam ravishda mustaqil faoliyatga jalb qilish orqali rivojlantiriladi. Boladagi ijodiy fikr kurtaklari maktabda kamol topar ekan, uni mehr bilan parvarishlash, sayqal toptirish muallimning birinchi galdagi vazifasidir [3; 10-11].

Har bir fanning xususiyatidan kelib chiqib, darsda o'quvchilarni ijodiy fikrlashga o'rgatib borish muhim o'rin tutadi. Erkin va ijodiy fikrlash kishining muloqotga kirishishida, o'z fikrini erkin bayon qilishida, o'zganing fikrini to'ldirib, qo'shimchalar qila olishida, voqelikni idrok etib o'z qarashlarini ifoda eta olishida namoyon bo'ladi. Lekin ko'pchilik o'quvchilar o'zlari o'qigan, ko'rgan, eshitgan voqealarini o'zgalarga gapirib berish tugul, bu voqealarga ijodiy, erkin va mustaqil fikr bildirsa olmaydilar. Shuning uchun o'quvchilar ko'proq kitob o'qishlari va o'qigan kitoblari ustida bahs-munozaralar olib borishlari kerak.

Kitobxonlik orqali boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijodiy fikrlashga o'rgatish, ularni nutqini oshirish mumkin. Boshlang'ich sinf o'quvchilari ertak, hikoya o'qir ekan, ularda o'qigan asari yuzasidan tasavvur va fikrlar paydo bo'ladi. O'quvchilar asar qahramonlari haqida o'z fikrlarini bildiradilar. Bu ham o'quvchilarni ijodiy fikrlashga undaydi. O'quvchilarda ijodiy mustaqil fikrlashni shakllantirishda darslarda ko'proq suhbat, asar yuzasidan muloqot qilish, "Voqea haqida sizning fikringiz qanday?", "Siz qahramon haqida qanday fikrdasiz?", "Qahramon to'g'ri ish qildimi?" kabi savollar bilan o'quvchilarni bahs-munozaraga jalb etish juda muhim. Masalan: 2-sinf "O'qish" darsligidagi "Sayoq bola" hikoyasini olaylik. Hikoya tuflijon tilidan aytilgan bo'lib, Tojivoy ismli qahramon qatnashadi. Tojivoy yangi tufli oladi va uni uch-to'rt kun avaylab kiyadi. Kiyinchalik umuman tuflisiga e'tibor bermay qo'yadi, Tojivoy kir, iflos yo'llardan, ko'lmaklardan yurib tuflisini rasvo qiladi. Oqibatda, tuflisi Tojivoyda xafa bo'ladi. Bir kuni Tojivoy maktabdan qaytayotganda bir narsaga qoqilib, yuz tuban yiqiladi, tizzasi shilinib, kiyimlari kir bo'ladi. Shunday qilib u tuflisiga qilgan shavqatsizligi uchun jazolanadi. Bu hikoya yuzasida o'quvchilar har xil fikr bildirdilar. Aksariyat o'quvchilar Tojivoyning ishini ma'qulladilar. Lekin Tojivoyga o'xshagan o'quvchilar uchun saboq bo'ladi.

O'quvchilarda hikoya va ertak o'qigandan so'ng ularda har xil fikrlar paydo bo'ladi. Ular asar yuzasidan bir-birlari bilan bahslashadi, natijada ularning ijodiy fikrlashi shakllanib boradi [6; 39-41].

Shuning uchun ham umum ta'lim maktablarining vazifasi o'quvchilarni erkin, ijodiy fikrlashga, o'z fikrini asoslash va himoya qilishga o'rgatishdan iborat. Bu ishni boshlang'ich sinfdan boshlash zarurdir. Boshlang'ich sinf o'quvchilari juda qiziquvchan bo'ladi, ularni ijodiy fikrlashini, kreativligini shakllantirish zarur. O'qish darslarida o'quvchilarda ijodiy faoliyatni shakllantirishga mo'ljallangan turli ijodiy topshiriqlardan foydalanish o'quvchilarda mustaqil va ijodiy fikrlashga sharoit yaratadi. Ijodkorlik faoliyatini rivojlantirishda ta'limning bilishga oid qiziqishlarini rivojlantirishga qaratilgan motivatsion- qiziqarli tomonlariga ham ko'proq e'tibor berilishi lozim. O'quvchilar bilan olib boriladigan ishlarning xarakterli xususiyati ular psixikasining zaif tomonlariga sustlik bilan moslashish emas, balki o'quvchilar maksimal darajada faollashishi uchun ularning aqliy rivojlanishiga faol ta'sir ko'rsatish tamoyili bo'lmog'i kerak.

Ijodkorlikda o'quv natijalarini baholashga yondashuv o'zgacha. Tashqi berilgan natijalarga erishganlik natijasi emas, balki ko'p hollarda undan chetga chiqishlar tekshiriladi. Boshlang'ich ta'limda o'quvchilar ijodiy fikrlashini rivojlantirishda topishmoqlar xalq - og'zaki ijodining kichik va qadimiy janrining ta'lim- tarbiyaviy ahamiyati beqiyosdir. Topishmoqni topish, unga javob topish orqali o'quvchilar predmetlarning kelib chiqishi, uning inson hayotidagi o'rni va roli haqida tasavvurga ega bo'ladilar, ularning qiziqishi ortadi, ongi va tafakkuri o'sadi, fikrlash qobiliyati rivojlanadi, tabiat va hayvonot olamini sevish, ardoqlash kabi hissiyotlari tarbiyalanadi. Topishmoqlardan dars jarayonida foydalanish orqali, o'quvchilarning nutqi takomillashadi. Kitobxonlik orqali boshlang'ich sinf o'quvchilarini fikrlashini, ularning ijodkorligini oshirish mumkin. O'quvchilarga bir kitobni o'qishga topshirib, shu kitob yuzasida turli o'yinlar, savol - javoblar, musobaqalar tashkil etish o'quvchilarda kitobga bo'lgan qiziqishini oshiradi va ijodiy fikrlashga undaydi.

Sinfdan tashqari o'qish darslari samaradorligini ta'minlovchi vositalardan foydalanish, o'qitishning noan'anaviy usullarini qo'llash juda muhimdir. Sinfdan tashqari o'qish darslarida uyushtirilgan o'yinlar ko'ngilochar mashg'ulot bo'lmasdan, ta'limiy xarakterga ega bo'lishi, o'quvchini ijodiy fikrlashini oshirishga, asar yuzasidan ta'limiy va tarbiyaviy xulosa chiqarishga qaratilishi lozim.

Yosh avlod shaxsida komil insonga xos fazilatlarni shakllantirishda boshlang'ich ta'limda sinfdan tashqari o'qish darslarining mazmunini va tashkil etish shakllarini zamon talablari darajasiga ko'tarish, hozirgi "tez sur'atlar bilan o'zgarib borayotgan, insoniyat hozirga qadar boshidan kechirgan davrlardan tubdan farq qiladigan o'ta shiddatli va murakkab bir zamonda" yashayotgan, axborotlar oqimining ko'pligi ta'sirida ancha dunyoqarashi kichik yoshdagi bolalar ehtiyojini hisobga olib, ularga yondashish zarur.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari sinfdan tashqari o'qish darslarida badiiy asarlarni o'rganish jarayoniga interfaol usullarni tadbiiq etish orqali matn mazmunini o'zlashtirishni, badiiy asar tilini tahlil qilish, badiiy vositalarni o'rganish, asar mazmunini qayta hikoyalashni, ijodiy fikrlashni o'rganadi. Kitobxonlikni tashkil

etish, ayniqsa boshlang'ich ta'limda fikrlash, boshqalar fikrini tinglash, mulohaza yuritish, ulardan eng muhimlarini ajrata olish, fikrlarni umumlashtirish va xulosalashga o'rgatadi. Shuning uchun boshlang'ich sinf o'quvchilari o'rtasida kitobxonlik tanlovlarini o'tkazish, sinfdan tashqari o'qish darslarini tashkil etish orqali ularni ijodiy fikrlashini shakllantirish lozim [4; 10-11].

Kitob o'qish - inson tafakkurining ozuqasidir. Bu haqda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev shunday dedi: - "Kitob o'qigan, o'zini ustida ishlagan odamda qanot bo'ladi. U befarq bo'lmaydi. Uning kuchi bilimida bo'ladi. Shuning uchun hech kimni pisand qilmaydi. "Kattalar"ga xushomad qilmaydi. Uning bilimi bor, ilmi bor. Mana nima uchun kitob o'qinglar deymiz. Kitob o'qisangiz savol berishni bilasiz". O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning "Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ib qilish qilish bo'yicha chora - tadbirlar dasturi to'g'risida"gi qarori e'lon qilindi. Ma'naviy hayotimizni yuksaltirishda kitobxonlik asosiy o'ringa ega. Kitob mutolaasi har bir o'quvchining ongining rivojlanishi va shakllanishiga ulkan hissa qo'shadi [1; 3-4].

Bundan ko'rinadiki, boshlang'ich sinf o'quvchilarini kitobga, adabiyotga bo'lgan qiziqishini yanada shakllantirish zarurdir. Boshlang'ich ta'limda tutgan o'rni K.Qosimova, H.Abdullayev, Q.Abdullayeva, S.Matchanov, M.Pirnazarov, M.Mirqosimova kabi o'zbek olimlarining, so'nggi yillarda esa pedagogika fanlari nomzodi B.Ma'qulovanning "Boshlang'ich sinflarda sinfdan tashqari o'qishning mazmuni va uni tashkil etish", pedagogika fanlari doktori Q.Husanboyevaning "Adabiy ta'lim tizimida mustaqil fikrlash muammosi" ishlarida mustaqil ta'limning, ijodiy fikrlashning rivojlanishi, xususan, o'qish ta'limidagi o'rni va roli o'rganiladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijodiy fikrlashida kitobxonlik alohida e'tiborga loyiqdir. Kitob o'qigan bolaning fikrlashi, dunyoqarashi, ma'naviy barkamolligi tez rivojlanadi. Shuning uchun, asosan, boshlang'ich sinf o'quvchilarini kitobga bo'lgan qiziqishini oshirish, badiiy kitoblarni ko'proq o'qitish zarurdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoyev Sh. Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ib qilish bo'yicha kompleks chora – tadbirlar dasturi to'g'risida. –T.: 2017. 13 - sentabr. PQ - 3271 - son.
2. Adizov B. Boshlang'ich ta'limni ijodiy tashkil etishning nazariy asoslari. –T.: 2003. 74 b.
3. Boltayeva Sh. O'quvchining ijodiy olami. Boshlang'ich ta'lim. 2018. 2-son. 10-11-b.
4. Matchanov S. Boshlang'ich sinf o'qish darslarida ilg'or pedagogik texnologiyalardan foydalanish. –T.: 114 b.
5. Xodjayeva M. O'quvchilarda ijodiy tafakkurni shakllanturish usullari. Boshlang'ich ta'lim. 2020. 9-son. 24-b.

6. G'affarova T., Nurullayeva Sh., Mirzahakimova Z. O'qish kitobi. 2-sinf uchun. –T.: 2018. 176 b.

**TA'LIM QARAQALPAQ TILINDE ALIP BARILATUG'IN
MEKTEPLERDE BASLAWISH KLASS OQIWSHILARININ' SO'YLEW
KOMPETENSIYALARIN RAWAJLANTIRIW**

*Kamalova Nilufar Тулеумурат кизи,
Nawayi mamleketlik pedagogika instituti studenti
Ilmiy basshi: f.f.d. (DSc) Ernazarova M.S.*

Ha'r bir ma'mleketin' rawajlaniwi, g'a'rezsizligi, ma'nawiy o'siwi, a'lemnin' en' rawajlang'an ma'mleketler qatarinan orin aliwi- bilimli, joqari intellektual intali, qa'lbine ha'm an'ina iygilkli pa'ziyetlerdi sa'wlelengen jaslarg'a baylanisli easplanip, ha'r tarawdan jetik ha'm ba'rkamal, Watan tag'diri ushin sitqi dilden xizmet etetug'in, pidayi, iymanni a'wlatti o'siriw, oqitiwdi sipati ha'm mazmuni ta'repinen joqari pag'analarg'a alip shig'iw da'slep oqitiwshi ha'm ta'rbiyashilar moynina sharapli ha'm a'sirese ha'zirgi waqta juwapkerli waziypa ju'kleydi.

O'zbekistan Respublikasi huquqiy demokratik ja'miyet quriw jolinda barar eken, o'z puqaralarinin', a'sirese, jan'a ja'miyet quriwg'a bel baylag'an, o'sip kelip atirg'an jas a'wladin' barkamal bolip o'siwine ayiriqsha itibar qaratip atir. Barkamal shaxs ta'rbiyasini sho'lkemlestiriw ba'rshe memleketler ha'm socialliq ja'miyettin' za'ru'rli talabi ha'm tiykarg'i ma'qseti bolip kelgen. Bu'gingi ku'nde "Perzentlerimiz bizden de ku'shli, bilimli, dana ha'm a'lbeste baxtli boliwleri sha'rt!" degen o'mirlik shaqiriwlar ha'r birimizdin', ata-analar ha'm ken' ja'miyetshilikтин' an'i ha'm kewlinen orin iyelegen. Ha'zirgi ta'lim rawajlanawlari jag'dayinda da barkamal a'wlad ta'rbiyasi haqqinda aytar ekenler: "Biz jaslarg'a baylanisli ma'mleket siyasatin hesh awispastan, aniqliq penen dawam ettiremiz. Tek g'ana dawam ettirimiz, ba'lkim bul siyasatti en' alding'i waziypamiz sipatinda bu'gin zaman talap qilip atirg'an joqari da'rejege ko'teremiz. Jaslarimizdin' g'arezsiz pikirleytug'in, joqari intellektual ha'm ma'nawiy oyina iye bolip, ja'ha'n ko'leminde o'z ten'leslerine hesh qaysi tarawda bos kelmeytug'in insanlar bolip kamal tabiwi, baxtli bolivi ushin ma'mleketimiz ha'm ja'miyetimiz bar ku'sh ha'm imkaniyatlarin jumsaymiz" [2; 14] dep ayiriqsha aytip otkenler.

Kadrlar tayarlaw milliy da'stu'ri O'zbekistan Respublikasinin' "Ta'lim tuwrisinda" g'i nizamliliqtin' qag'iydalarina say, milliy ta'jriybenin' analizi ha'm ta'lim sistemasindag'i, ja'ha'n ko'leminde tabislar tiykarinda tayarlang'an ha'mde joqari uliwmalig ha'm ka'sip-o'ner ma'deniyatina, do'retiwshilik ha'm socialliq belsendilikke, social-siyasiy o'mirge g'rexsiz tu'rde alding'a jiljitiw ha'm sheshiwge ilayiq kadrlardin' jan'a a'wladin qa'liplestiriwge jo'neltirilgen" [3; 20].

Baslawish ta'lim processi balanin' logikalig oylay aliw qa'siyeti, intellektual rawajlaniwi, du'nyag'a ko'z qarasi, kommunikativ sawatxanlig'i ha'm o'z-o'zin an'law qa'biyletin qa'liplestiriwge, fizikalig salamat boliwg'a, materialliq barliq gozalliqarin seziniwge, gozallig ha'm na'ziklikten zawiqlana aliwg'a, milliy u'rip-

a'detlerdi o'zinde sin'diriv ha'm ardaqlawg'a u'yretdi, Kishi jastag'i oqiwshilarda usi bilim ha'm ko'nlikpelerdin' boliwi onin' normasinda bilim alip atirg'anin bildiredi.

Ha'zigi ku'nde baslawish ta'limnen alding'i ta'lim esaplang'an mektepke shekemgi ta'limge da ayiriqsha itibar qaratilip kelinbekte. Bu'gingi ku'nde ha'rbir jas a'wladtin', jasi kishi balalardin' mektepke da'slepki qa'demlerin taslamastan aldin maektep haqqindag'i ko'nlikpe ha'm ko'z qaralarin qa'liplestiriv ma'qsetinde mektepke shekemgi mekemelerdi rawajlandiriv, sanin ko'beytiw, xaliqqa sapali xizmet ko'rsetiw, ha'rbir balanin' baslawish klasqa barmastan aldin mektepke shekemgi ta'lim tarawinda bilim aliwina, ta'rbiyalaniwina u'lken itibar qaratilip atir. Sebebi balalar baqshasinda ta'rbiyalanbag'an balanin' du'nyag'a degen ko'z qarasında, pikirlewinde, oylaw qa'biletinde, ta'rbiyasinda kemshilikler boladi, Al, mektepke shekemgi ta'limge barmag'an bala menen barg'an balanin' arasinda aspan menen jerdey pariqli boladi, Mektepke shekemgi ta'lim tarawinda bilimli, bala ta'rbiyalaw, oqitiw pedagogikasi, psixologiyasi tuwrali arnawli bilim ha'm ta'jriybege iye qa'niygeler bilim berip, ta'rbiyeleydi. Qa'niygeler balardin' oylaw qa'biletin, sana sezimin, so'zlik baylig'in, so'ylew ma'deniyatin, ta'rbiyasin ha'r tu'rli oyinlar, metodlar, ko'rgizbeli qurallar arqali qa'liplestirip, rawajlantirip baradi.

So'zlik jumisi processinde (ha'm basqa so'ylew waziypalardi orinlaw processinde) pedagog balalardi so'ylewin aniqlaw, du'risliq, bir tegisligi, an'latiwshanlig'i siyaqli sipatlari a'melge asiwina erisiwi kerek. Balalarda piker bildiriv ushin so'ylewshinin' niyetin aniq sa'wlelendirivshi leksik qurallardi tan'lap aliw qa'siyetin qa'liplestirivge ayiriqsha itibar qaratiliv lazim.

Balalar menen so'zlik islerin du'zetetug'in, pedagog to'mendegilerdi esapqa aliw lazim:

- Leksikani du'ziwdin' temag'a tiykarlang'an principi;
- Semantik qa'siyeti (balani so'z ma'zmuni menen tanistiriv);
- So'zlerdi birlestirivdin' associativ metodi.

Leksika islerinin' ba'rshe tu'rlerin basqa so'ylew waziypalar menen o'zara baylanisli so'zli o'yinlar, shinig'iqlar, do'retiwshilik waziypalar formasinda o'tkiziv ma'sla'ha't beriledi.

Leksik mazmundag'i oyinlar ha'm shinig'iqlar - so'ylewdin' maznuni jaqtan rawajlantirivdin' kerekli sha'rti esaplanadi. Olarda ha'r tu'rli predmetler ha'm obyektlerdi salistiriv, tu'rli uliwmalik qa'siyetler ha'm funksiyalardi ajrativ u'lken a'himiyetke iye. Waqiyani aytip berivdan alding'i so'zlik shinig'iqlari balalardin' so'ylewinin' aniq ha'm obrazli so'zler ha'mde frazeologizmlar menen bayitip bariwg'a ja'rдем beredi [4; 146].

Kishi jastag'i balalar o'zi ertek, qiziqli hikayalar, saxnali ko'rinisler, ko'rgezbeli qurallarg'a qizig'adi. Sol siyaqli metodlar balalardin' o'tilip atirg'an sabaqlarg'a qizig'iwshilig'in asiradi, so'ylew ma'deniyatin o'siredi.

So'ylewdi rawajlantiriv- balanin' jeke ta'rtiptegi psixologik processinde tiykarig'i orindi iyelewshi socialliq-tariyxiy ta'jriybeni o'zlestirivge baylanisli quramali ha'm ko'p belgili process bolip esaplanadi [4; 159].

Balalar ana tilinde so‘ylewin u‘yretiw ta‘jriybesinen belgili, ayiriqsha dawislar artikulatsiyasin o‘zlestiriv bala ushin en‘ qiyin waziypa esaplanadi. O.I.Soloveva so‘ylewdin‘ dawis ma‘deniyatin ta‘rbiyalawg‘a baylanisli islerdin‘ tiykarg‘i jo‘nelislerin belgiler eken, “ pedagog aldinda balalarg‘a so‘zlerdegi dawislardi taza, da‘l aytiw, so‘zlerdi oris tilinin‘ orfoepiya qag‘iydalarina muwapiq tu‘rde du‘ris aytiw, aniq aytiwdi (jaqsi diksiya) u‘yretiw, olardan ma‘nisli so‘ylewdi ta‘rbiyalaw waziypalari turatug‘inlig‘in” aytip o‘tedi [7; 50-51].

Jas na‘lshe baslawish klaslarga kelgen waqitlarinan baslap mektepke shekemgi ta‘lim orinlarinda alg‘an bilimlerin dawam ettiriledi. Baslawish klaslardag‘i da‘slepki da‘wirinde-aq qaysi biri maktepke shekemgi ta‘lim orinlarina barg‘ani, qaysi biri barmag‘ani aniq bilinip turadi ha‘m qabillaw da‘rejesi da ha‘r tu‘rli boladi. Mektepke shekemgi bilimdi alg‘an bala oqiwinda, so‘ylewinda mashqalalar sezilmewi mu‘mkin, al barmag‘anlarinda bolsa mashqalalar payda boliwi mu‘mkin.

Baslawish ta‘lim processi balanin‘ logikalik oylay aliw qa‘siyeti, intellektual rawajlanawi, du‘nyaga ko‘z qarasi, kommunikativ sawatxanlig‘i ha‘m o‘z-o‘zin an‘law qa‘biyletin qa‘liplestiriwge, fizikalik salamat boliwg‘a, materialliq barliq gozalliqarin seziniwge, gozalliq ha‘m na‘ziklikten zawiqlana aliwg‘a, milliy u‘rip-a‘detlerdi o‘zinde sin‘diriw ha‘m ardaqlawg‘a u‘yretedi, Kishi jastag‘i oqiwshilarda usi bilim ha‘m ko‘nlikpelerdin‘ boliwi onin‘ normasinda bilim alip atirg‘anin bildiredi. Biraq ayirim jag‘daylarda oqiwshilar biliminde bosliqlar ju‘zege keledi. Bul bosliq, a‘lbette, o‘z-o‘zinen payda bolmaydi. Payda bolg‘an bosliqlardi joq etiw, olar u‘stinde islesiw pedagog aldina qoyilatug‘in maqset boliwi kerek. Bala mektepke belgili da‘rejede so‘ylew da‘rejesi ha‘m ta‘jiriyesi, o‘zinin‘ so‘zlik qori menen keledi. Bul o‘z do‘geregindigiler menen piker alisiwdin‘ na‘tiyjesinde qa‘liplesken. Mektepke keliw menen balada qatnas jasaw jag‘dayi o‘zgeredi.

Burin qollanip ko‘rmegen terminlerden paydalaniwg‘a tuwra keledi. Sonliqtan mektepke, kelgen ku‘ninen baslap onin‘ so‘ylewin rawajlandiriv waziypasi ku‘n ta‘rtibinde turadi. Sabaqliqta ko‘rsetiliwine qarag‘anda mektepke da‘slep kelgen balalar u‘sh min‘nan jetti ming‘a shekem paydalanbaydi. Oni qorshag‘an ortalik o‘zgeredi. Bala oqitiwshinin‘, joldaslarinin‘ qadag‘alawinda boladi . Sonin‘ na‘tiyjesinde onin‘ so‘ylewi belgili izge tu‘sedi. Oqiwshi bug‘an ko‘nligip kete almaydi. Sonliqtan oqitiwshi balada bolatug‘in bunday o‘zgeshelikti eske ala otirip jumis sho‘lkemlestiredi. Piker alisiw, sorawg‘a juwap beriw, erkin so‘ylep u‘yreniw, joldaslari menen baylanis jasawlarina jol-joba berip baradi.

Balanin‘ ku‘ndelikli sabaq dawaminda so‘ylew tiline qanday talap qoyilsa, jazba tiline da sonday da‘rejede talap qoyiladi. Baslawish klass oqiwshilari oqiw, so‘ylew tiline qarag‘anda jaziw tiline qizig‘adi. A‘lbette, da‘slepki da‘wirde so‘ylew tiline qarag‘anda jazba tili tili a‘stelik penen qa‘liplesip rawajlanadi. Jaziwdi u‘yreniw, ha‘ripti, buwin, so‘zdi, ga‘pti jaziw a‘stelik penen rawajlanip, bala sanasinda qa‘liplese baslaydi. Bul da‘wirde oqiwshi ha‘mme waqt oqitiwshi pedagog ta‘repinen qadag‘alanip baradi. Da‘slepki da‘wirlerde bala oqitiwshinn‘ qadag‘alawina ko‘nbewi, qabillamawi mu‘mkin, biraq keyin waqtin‘ o‘tiwi menen u‘yrenip, ko‘neligip baslaydi.

Oqitiwдин' barisinda oqiwshilarda so'yewdin' dialog, monolog ha'm t.b. tu'rleri ushirasadi. A'sirese, olar oqig'anin qayta aytip beriw, qadag'alag'ani boyinsha so'ylep beriw, yadlap aytip beriw, su'wretler boyinsha so'ylep beriw, yadlap aytip beriw, su'wretler boyinsha ha'r qiyli jumis islew ha'm t.b. ko'birek qollanilatug'in jumis tu'rleri. Bul jag'daylar oqiwshilardin' so'yew tilinin' izge tu'sip, rawajlanip bariwinin' tiykarg'i sebepshisi boladi.

Oqiwдин' barisinda bag'darlamaliq material u'stinde izbe-iz (olardin' jasin, ta'jriybesin, uqibin eske ala otirip) so'z, ga'p u'stinde jumis alip bariw menen g'ana olardin' til baylig'in rawajlandirip bariwg'a mu'mkinshilik boladi [6; 35].

Oqiwshilardin' biliminin' rawajlanishi oqiwдин' barisinda a'ste-a'ste iske tu'se baslaydi. Sebebi ha'r ku'ni oqiw jumisi dawaminda du'ris so'yew ko'nlikpeleri qa'liplesip baradi, so'yew materiallari esaplang'an ga'p, so'z endi analiz obyektine aylanip baradi.

Tema boyinsha jumis islew oqiwshilardin' biliwin, tu'sinigin g'ana izbe- izlikte salip qoymay, olardin so'zlik qorin da bayitip baradi. Bunday etip jumis islew a'lipbenin' maqsetine baylanistirip alip barilsa g'ana jaqsi na'tiyje beredi. Ma'selen, sayaxatqa bariw isin alip qarayiq. Bul belgili bir maqsetke baylanisli alip bariladi. "Bag'da neler o'swedi?", Maqseti - oqiwshilardi bag'da o'setug'in miywe ag'ashlari menen tanistiriw, u'yrengen ha'ribine ko'nligiwin keltirip shig'ariw ha'm oqiwshilardin' til baylig'in rawajlandirildi dawam etiw, o'simliklerge su'yispenshiligin ta'rbiyalaw h.t.b. Temalarg'a baylanisli (haywanlar dau'nyasi, zooparkte, gu'zdegi adamlardin' miyneti h.t.b) sayaxatlardi oqitiwshi tez-tez o'tkerip turiwi oqiwshilardin' oqiwin, biliwine, bilgenin turmis penen baylanistirip bariwina jag'daylar tuwdiradi. A'sirese, balalarg'a adamlardin' tu'rmisi, ku'n ko'risine baylanisli so'zlerdi turaqli tu'rde u'yretip bariw, olardin' so'zlik qorinin' bayip bariwina mu'mkinshilik tu'wdiradi ha'm turmisti u'yretip baradi. Oqiwshinin' ha'r bir u'yrengen so'zinin' ma'nisin tu'sinip bariwina oqitiwshi g'amxorliq jasawi tiyis.

Sawat ashiw sabaqlarinda balanin' tilin o'siriwдин' tiykarg'i waziypasi - oqig'anin so'yewinde, su'wretlerge qarap turip aytip bergende, o'z-ara so'yleskende balalardi duris ga'p du'ziwge, a'debiy tildin' normasinda so'yley biliwge u'yretdi. Bul oqitiwshinin' is jobasina baylanisli alip bariladi. Mektepke kelgen ku'nmen baslap, a'lipbedegi su'wretke qarap sorawlarg'a juwap beriwden baslaydi da, keyin o'zleri ga'p du'ziw, so'ylep beriw usag'an ko'nlikpeler aladi. Da'slep belgili bir tema berip, sol tuwrali so'yletip u'yretiwdenbaslawg'a boladi. Bular a'piwayi temalar boliwi tiyis. Misali, u'lken tu'wrali bir ga'p ayt. Apan' tuwrali bir ga'p ayt. Kitap oqiw tuwrali bir ga'p ayt ha'n t.b.

Oqiwshilardin' baylanisli so'yewi- bul oqiwshinin' qadag'alawi, eslewi, o'zlerinin' oulag'ani, so'ylegeni, qosiq, qisqa tekstler boyinsha ta'sirli aytip beriw. A'lbeste, buni ske asiriwda oqitiwshinin' Bergen sorawi, jobasi jetekshi orin tutadi. Ma'selen: Gayrat ne islep atir? Gayrattin' ne islep atirg'ani tuwrali aytip ber. A'lipbedegi su'wretti ko'rsetip, bala menen qzg'a o'zin' at qoyip, ne islep atirg'anin aytip ber. U'yin'izde qanday oyinlar oynaytug'inin'iz uwrali so'ylep ber. Baylanisli so'yewge u'yretiwde tematikaliq su'wretlerdin', multimediya, multfilmnerdin' a'himiyeti ulli [5; 39].

So‘ylewge baylanisli qa‘telerdi du‘rislaw ha‘m olardin aldin aliw oqitiwshi basshilig‘inda klass topariri belsendiligine baylanisli. Bular:

- Oqiwshilardin‘ jazba jumis da‘pterine so‘ylew qa‘telerin belgilew ha‘m du‘rislaw;

- Tekserilgen bayan yaki shig‘armani analiz qiliw ushin qa‘te tabiw ha‘m du‘rislawdi oqiwshilar hu‘kmine qaldiriw (sabaqtin‘ 2-bo‘limi 15-20 minut ajiratqan jag‘dayda;)

- Jazba jumislardan birin (hikaya jaziw, bayan ha‘m shig‘arma) o‘tkeriwden aldin struktura tekstin til jaqtan puqta u‘yreniw:

- Grammatik tema o‘zlestirilip atirg‘anda, qa‘tenin‘ aldin aliw ushin tiykar boliwin oqiwshilarg‘a tu‘sindiriw;

- Ayirim individual qa‘teler u‘stinde islewdi sabaqtan tisqari waqta o‘tkeriw, tekseriw, du‘rislaw.

Qa‘te du‘rislawdin‘ en‘ tiykarig‘i sha‘rti oqiwshi o‘zi jol qoyg‘an qa‘tenin‘ du‘ris variantin o‘zlestirip aliw. Sonda ol qa‘tenin‘ kelip shig‘iwin tu‘sinedi. Baslawish ta‘limde qa‘teler u‘stinde islew ha‘m olardi jo‘nge saliw ta‘limiy-tarbiyalig‘ xarakterdegi shinig‘iw bolip, oqiwshilardin‘ so‘ylew ma‘deniyatin qa‘liplestiriwde tiykarig‘i basqish esaplanadi [5; 168].

Ha‘zirgi ku‘nde ha‘r bir baslawish klaslarda so‘ylew ma‘deniyati, so‘ylew kompetensiyalarin rawajlantiriwga ayiriqsha itibar qaratilip kelmekte. Sebebi, bizdin‘ ertengi ku‘nimiz, keleshegimiz usi jas a‘wladtin‘ qolindi, jas a‘wladimiz bolsa bilimli, ta‘rbiyalig‘, sawatli boliwi menen birge so‘ylew uqiqlilig‘i, so‘ylew ma‘deniyatina da iye boliwi kerek. Sebebi, adamnin‘ so‘ylew tili onin‘ qanday ekenligin ko‘rsetedi.

Biz O‘zbekistandi rawajlang‘an ma‘mleketke aylantiriwdi maqset qilib qoyg‘an ekenbiz, bug‘an tek g‘ana jedel rawajlaniwlar, ilm-pa‘n ha‘m inovaciya menen erise alamiz. Ol ushin, birinshi orinda, tola g‘ayrat penen maydang‘a shig‘ayug‘in, strategic piker juritetug‘in, bilimli ha‘m ta‘jribeli jan‘a a‘wlad kadrlarin ta‘rbiyalaw lazim. Sol ushin da baqshadan baslap joqari oqiw ornina shekem- ta‘limnin‘ ba‘rshe buwinlarinda reformalaw basladiq. Shig‘is oyshilarinin‘ aytqaninday, “ En‘ ulken bayliq - bul aql-zakawat ha‘m ilim, en‘u‘lken miyras- bul jaqsi ta‘rbiya, en‘ u‘lken jarlilig‘- bul bilimsizlik”!

Sol sebepli ha‘mmemiz ushin zamanago‘y bilimlerdi u‘yreniw, aniq bilim ha‘m joqari ma‘deniyat iyesi boliw u‘zliksiz o‘mirlik aylaniwi kerek [1; 13].

PAYDALANILG‘AN A‘DEBIYATLAR:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojatnomasi. –T.: Tasvir, 2020. –13 b.
2. Mirziyoyev Sh. Erkin va farovon demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. –T. : O‘zbekiston, 2017. –14 b.
3. Kadrlar tayarlaw Milliy da‘stu‘ri. –T. : Sharq, –20 b.
4. Babayeva D.R. Nutq o‘stirish nazariyasi va metodikasi. –T. : Barkamol fayz media, 2018. –146 b

5. Ernazarov G'. Boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodika. –T.: Ilm Ziyoy, 2017. –B. 9-209.
6. Pirniyazova A.Q., Pirniyazov Q., Bekniyazov Q. Baslawish klaslarda ana tili oqitiw metodikasi. –T. : Sano-standart, 2018. –B.19-47.
7. Соловьева О.И. Методика развития речи и обучения родному языку в детском саду. 3-нашр. –М., 1996. –С. 50-51.

BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QISH DARSLARIDA "O'QISH KITABI" DARSLIGI MATERIALLARI ASOSIDA O'QUVCHILARGA TILNING LUG'AT TARKIBI YUZASIDAN BILIMLAR BERISH

*Yusupova Sayyora Davlatboyevna,
Xorazm viloyati Urganch shahri o'qituvchisi*

Milliy yuksalish yo'lidan borayotgan Vatanimizda ta'lim-tarbiya ishlariga alohida e'tibor qaratilgan. Xususan, "Ta'lim to'g'risida"gi Qonunda yosh avlodni tarbiyalashning asosiy istiqbol va yo'nalishlarini belgilab berilgan.

Boshlang'ich ta'lim yurtimiz kelajagini buyuk davlat darajasiga ko'taradigan ijodkor shaxsni shakllantirishda mustahkam poydevor rolini o'ynaydi. Bunda boshlang'ich sinf o'quvchilariga ta'lim-tarbiya berishdagi muhim vazifalarning asosiy qismi o'qish darslarida amalga oshiriladi. Sinfdagi o'qish jarayonida o'quvchilar mard, to'g'ri, mehnatsevar, kamtar va mehribon kishilar haqida tasvvur hosil qiladilar; zamondoshlarimiz huquqlari va burchalarini tushunib oladilar. Bularning hammasi bola shaxsining shakllanishiga yordam beradi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutqini o'stirishda o'qish darslari alohida o'rin tutadi. Ularda badiiy asar tilining lingvodidaktik tahlilida o'quvchilar faolligini ta'minlashda muhim ta'limiy ahamiyat kasb etadi. Lingvodidaktik tahlil jarayonida o'quvchilarning lug'ati boyidi, badiiy tasvir vositalarini o'zlashtirishlari natijasida nutqining ta'sirchanligi oshadi. Shuningdek, o'quvchilarni ma'naviy-ma'rifiy jihatdan tarbiyalashda badiiy adabiyot kata e'tiborga molik.

Keyingi yillarda ona tili ta'limi sohasida adabiy tilning boy imkoniyatlaridan keng foydalangan holda o'quvchilarning og'zaki va yozma nutqini to'g'ri, savodli qilib shakllantirishga e'tibor kuchaydi. 1-sinflarda "Ona tili va o'qish savodxonligi" fani joriy qilindi.

Boshlang'ich sinf, xususan, 3-4-sinf "O'qish kitobi" darsliklarida ilmiy-ommabop asarlar, xalq og'zaki ijodiga mansub asarlar, hikoya, masal va she'rlar matnida o'quvchilar nutqiga kiritish zarur bo'lgan leksik birliklar, badiiy til vositalari yetarli darajada. Shu bois ular ustida ishlab borish orqali o'quvchilar nutqini boyitib borish maqsadga muvofiq bo'ladi. Chunki kishining lug'ati qanchalik boy va rivojlangan bo'lsa, uning nutqi ham shunchalik boy bo'ladi; o'z fikrini aniq va ifodali bayon etishiga keng imkoniyat yaratiladi. Shuning uchun lug'atning boyligi, xilma-xilligi, harakatchanligi metodikada nutqni muvaffaqiyatli o'stirishning muhim sharti hisoblanadi.

O'quvchi lug'atining boyishiga, birinchi navbatda, uni o'rab olgan muhit, tabiat, kishilarning hayoti, o'qish faoliyati, kattalar va tengdoshlari bilan bo'lgan muloqotlari asosiy manba vazifasini bajaradi.

Bola tabiat va insonlar bilan munosabatda bo'lishi natijasida so'z, ibora tasviriy ifoda, maqol, hikmatli so'zlarni o'rganadi, ularni o'z so'zlariga aylantiradi.

Badiiy asarlar o'quvchilar lug'atini va nutqini boyitishda eng ishonarli manba hisoblanadi. O'qish darslarida badiiy asarlar bilan tanishish, tahlil qilish jarayonida o'quvchilar lug'ati ma'lum mavzular bo'yicha ham boyib boradi.

Masalan, yil fasllariga oid mavzular bilan tanishish jarayonida tabiatdagi o'zgarishlar, qushlar, jonivorlar, hayvonot olami, dov-daraxtlar, maysa-giyohlar bilan bog'liq tushunchalari shakllantirilsa, ma'naviyat, yaxshilik va yomonlik, do'stlik mavzularidagi asarlarni o'rganish orqali insoniy munosabatlar, axloq-odob yuzasidan muayyan xulosalarga keladi.

Matnni o'qish jarayonida so'zning ma'nosi tushuntirilmaydi. Agar unga zarurat sezilsa, o'quvchilar diqqati matn mazmunidan chalg'itilmay, qisqa izoh berib o'tib ketiladi.

Ko'chma ma'noda ishlatilgan so'zlar matn o'qilgandan keyin tushuntiriladi. Chunki ularning ma'nosi matn mazmunidan yaxshi tushuniladi.

Bundan ko'rinib turibdiki, o'quvchilarning o'rganishi ko'zda tutilgan bilimlarni egallashlarida, ularni amaliyotda qo'llashlarida tilning lug'at boyligini o'zlashtirishlari va uni o'z mulklariga aylantirishlari muhimdir.

Boshlang'ich ta'limda lug'at ustida ishlashning umumiy yo'l-yo'riqlari, yo'nalishlari, manbalari haqida metodik tavsiyalar ishlab chiqilgan bo'lsa-da, ularni hali qoniqarli ahvolda deb bo'lmaydi.

Lug'at ustida ishlash uchun maxsus dars ajratilmaydi. U barcha predmetlarni o'rganishda, asosan, ona tili va o'qish darslarida darslik materiallarini o'rgatish bilan bog'liq holda olib boriladi.

O'qish darslarida lug'at ustida ishlash o'quvchilar nutqini o'stirishga, savodxonligini shakllantirishga, so'z boyligini boyitishga, nutq madaniyatini yuksaltirishga qaratilganligi sababli bu ish maktablarda 1-sinfдан boshlanadi va butun o'quv jarayonida davom ettiriladi.

Maktabda nutq o'stirishning muhim vazifalaridan bin lug'at ustida ishlashni yaxshilash, tartibga solish, uning asosiy yo'nalishlarini ajratish va asoslash, o'quvchilarning lug'atini boyitish jarayonini boshqarish hisoblanadi.

Maktabda lug'at ustida ishlash metodikasi to'rt asosiy yo'nalishni ko'zda tutadi:

1. O'quvchilar lug'atini boyitish, ya'ni yangi so'zlarni, shuningdek, bolalar lug'atida bo'lgan ayrim so'zlarning yangi ma'nolarini o'zlashtirish. Ona tilining lug'at boyligini bilib olish uchun o'quvchi o'z lug'atiga har kuni 8-10 ta yangi so'zni, shu jumladan, ona tili darslarida 4-6 so'zni qo'shishi, ya'ni shu so'zlar ma'nosini o'zlashtirishi lozim.

2. O'quvchilar lug'atiga aniqlik kiritish. Bu o'z ichiga quyidagilarni oladi: 1) o'quvchi puxta o'zlashtirmagan so'zlarning ma'nosini to'liq o'zlashtirish, ya'ni shu so'zlarni matnga kiritish, ma'nosi yaqin so'zlarga qiyoslash, antonim tanlash yo'llari bilan ularning ma'nosiga aniqlik kiritish; 2) so'zning kinoyali ma'nosini, ko'p

ma'noli so'zlarni o'zlashtirish; 3) so'zlarning sinonimlarini, sinonim so'zlarning ma'no qirralarini o'zlashtirish; 4) ayrim frazeologik birliklarning ma'nosini o'zlashtirish.

3. Lug'atni faollashtirish, ya'ni o'quvchilar ma'nosini tushunadi-gan, ammo o'z nutq faoUyatida ishlatmaydigan nafaol lug'atidagi so'zlarni faol lug'atiga o'tkazish. Buning uchun shu so'zlar ishtirokida so'z birikmasi va gaplar tuziladi, ular o'qiganlarni qayta hikoyalash, suhbat, bayon va inshoda ishlatiladi.

4. Adabiy tilda ishlatilmaydigan so'zlarni o'quvchilar faol lug'atidan nafaol lug'atiga o'tkazish. Bunday so'zlarga bolalarning nutq muhiti ta'sirida o'zlashib qolgan adabiy til me'yoriga kirmaydigan, ayrim adabiy asar va so'zlashuv tilida qo'llanadigan sodda so'z va iboralar, sheva va ijtimoiy guruhga oid so'zlar kiradi. Adabiy til me'yori degan tushunchani o'zlashtirgach, o'quvchilar yuqorida izohlangan so'zlar o'rniga adabiy tildagi so'zlardan foydalana boshlaydilar. Adabiy tilga oid malakalari mustahkamlangan sayin shevaga, jargonga oid so'zlar, so'zlashuv tilida ishlatiladigan sodda so'z va iboralar o'quvchilarning faol lug'atidan chiqib keta boshlaydi.

O'quvchilar lug'ati quyidagi manbalar asosida boyitiladi va takomillashtiriladi: Atrof-muhitni: tabiatni, kishilarning hayoti va mehnat faoliyati, bolalarning o'yini va o'qish faoliyatini, kattalar bilan munosabatni kuzatish. Tabiat qo'yniga, turli joylarga, muassasalarga ekskursiya vaqtida bolalar narsa va hodisalarni kuzatish bilan ko'pgina yangi nom va iboralarni o'rganadilar. Bu ekskursiyalar yuzasidan o'tkazilgan suhbat vaqtida ularning bilimi chuqurlashtiriladi, ayrim so'zlar ma'nosiga aniqlik kiritiladi.

Bolalar mustaqil o'qishga o'rganganlaridan keyin ular lug'atiga kitob, gazeta, jurnal materiallari katta ta'sir qiladi. Shuning uchun ham sinfdan tashqari mustaqil o'qish va unga rahbarlik shakllari o'quvchilar lug'atini boyitishning, nutqini o'stirishning eng muhim manbalaridan hisoblanadi.

Maxsus mashqlar yordamida grammatika va imloni o'rganish darslari ko'pgina so'z va atamalarni o'zlashtirishga yordam beradi, o'quvchilar predmet, belgi, harakat, sanoq, tartib ifodalaydigan so'zlarni bilib oladilar. Bu darslarda o'quvchilar lug'ati tartibga solinadi, so'z turkumlarini o'rganish jarayonida guruhlanadi, so'z tarkibi, so'z yasalishi, so'zlarning o'zgarishini o'rganish bilan esa lug'atga aniqlik kiritiladi; ular o'rgangan so'zlaridan o'z nutqlarida foydalana boshlaydilar, natijada lug'atlari faollashadi. O'quvchilar lug'ati maxsus lug'aviy-mantiqiy mashqlar yordamida ham boyiydi, tartibga tushadi.

Ko'rinadiki, boshlang'ich sinf o'qish darslarida "O'qish kitobi" darsligi materiallari asosida o'quvchilarga tilning lug'at tarkibi yuzasidan bilimlar berib borish ularning nutqlari o'sishiga, nutq madaniyatini egallashlariga katta yordam beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Qosimova K., Matchonov S., G'ulomova X., Yo'ldasheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o'qitish metodikasi. –T.: Nosir, 2009.
2. Uzviylashtirilgan Davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi. –T.: 2017.

**BOSHLANG'ICH SINFLARDA DIKTANT O'TKAZISHNING
NAZARIY-METODIK ASOSLARI**

**Saidova Rahila Aminovna,
Xorazm viloyati Xiva tumani o'qituvchisi**

Boshlang'ich ta'limda ona tili mashg'ulotlari bolalarda ijodiylik, mustaqil fikrlash, ijodiy fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og'zaki, yozma shakllarda to'g'ri, ravon ifodalash ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirish, til sezgirligini tarbiyalashga xizmat qilmog'i lozim. Zero, ona tilini o'rgatish natijasida o'quvchilarda o'z fikrini grammatik to'g'ri, uslubiy aniq, mazmunli, ohangga rioya qilib ifodalay olish va uni imloviy to'g'ri yoza olish ko'nikmalari shakllantiriladi. Bu vazifa o'quv predmeti sifatida o'zbek tilining o'ziga xos xususiyati bo'lib, o'quvchini shaxs sifatida shakllantirishga yo'naltirilgan umumta'lim vazifalari bilan bog'liq holda amalga oshiriladi.

Boshlang'ich sinflarda o'rganish uchun tilni ongli egallashga va o'quvchilarda grafik va orfografik malakalarni shakllantirishga zamin hisoblangan bilimlar tanlangan. Fonetika va grafika sohasida o'quvchilar so'zning tovush tarkibini, unli va undosh tovushlarning o'ziga xos xususiyatlarini, so'zda tovushning ma'noni farqlashdagi ahamiyatini to'g'ri tushunishga imkon beradigan bilimlarni o'zlashtiradilar, shuningdek, ularga so'zning tovush va grafik shakli o'rtasidagi nisbat (bog'lanish) ni ongli aniqlash, so'zni to'g'ri yozish imkoniyati yaratiladi.

Boshlang'ich sinflarda o'quvchilarning orfografik malakalarini shakllantirishda diktantning alohida o'rni bor. Diktant lotincha dicto (dikto) so'zidan olinib, aytib bermoq, so'zlamok, gapirmok ma'nolarini bildiradi. Diktant, odatda, o'qituvchining aytib turishi bilan amalga oshiriladigan yozma ish turidir.

Diktant yordamida orfografik, grammatik nazariy bilimlarni o'quvchilar qisqa vaqt ichida (diktant yozish jarayonida) yozuvga tatbiq qila bilishlari talab qilinadi, bu esa o'quvchilarning aqliy faoliyatlariga bog'liq holda yuzaga chiqadi. O'quvchilar yozayotgan so'zlari imlosini diktant yozish davomida idrok qila olishlari, shu vaqtning o'zida o'rganilgan nazariy bilimlarni xotiraga keltirib, yozuvda qo'llay bilishlari zarur. O'quvchilar shundagina xatosiz yoza olishlari mumkin. Bu esa o'quvchilardan puxta bilim, avtomatik ko'nikma talab qiladi. Turli ko'rinishdagi diktantlar o'quvchilarga so'zlarni avtomatik ravishda mustaqil, to'g'ri xatosiz yozishni o'rgatishda o'qituvchiga imkon beradi.

Ma'lumki, diktantning turli ko'rinishlari o'quvchilarga orfografiya va grammatikadan berilgan nazariy bilimlarni mustahkamlash, bu nazariy bilimlarni yozuvda qo'llay bilishda, o'quvchilarning yozuvidagi nuqsonlarni va uning yuzaga chiqish sabablarini aniqlashda o'qituvchiga yordam beradi. Diktant orqali o'quvchilarning ba'zi bir grammatik mavzularni qay darajada o'zlashtirganliklari ham aniqlanadi. Demak, ilg'or o'qituvchilar diktantdan keng foydalanmoqdalar, hayotga uni tobora chuqurroq olib kirmoqdalar. Binobarin, o'quvchilarga berilgan orfografik bilimlarni mustahkamlash, bir yoki bir necha mavzu yuzasidan ularning olgan bilimlarini diktant vositasida sinab ko'rish mumkin. Demak, diktant vositasida

ham o'quvchilarga orfografik bilim beriladi, ham berilgan orfografik bilimlar sinab ko'riladi.

Ta'limiy diktantlar biror orfografik-grammatik mavzuni mustahkamlash, bola ongiga singdirish va bu nazariy bilimni yozuvda qo'llay olishga o'rgatish uchun xizmat qiladi. Bunday diktantlar sinfda o'qituvchi va o'quvchilarning faol ishtirokida o'tkaziladi: diktant yozishdan avval mustahkamlash ko'zda tutilgan biror mavzu yoki bir necha mavzu o'quvchilarga eslatiladi, zarur bo'lgan so'zlar imlosi ko'rsatiladi, o'quvchilar bu so'zlarni xato yozmasliklariga o'qituvchi ishonch hosil qilsa, u so'zlarni yozishga ruxsat beradi. Ayrim hollarda esa diktant yozish davomida o'quvchilarga imlosi noma'lum bo'lgan so'zlarning yozilishini o'qituvchidan so'rab olib, so'ng yozish yoki yozib bo'lgandan so'ng bu so'zning imlosini o'qituvchi yordamida aniqlab olish va o'z xatosini shunga qarab tuzatish huquqi ham beriladi, Ishni bu xilda tashkil qilish o'quvchilarni xatosiz yozishga o'rgatadi, ularning orfografik sezgirligini oshiradi, o'quvchi xotirasida so'zlarning xato shakli mustahkamlanib qolishidan saqlaydi.

Ta'limiy diktantlarning sinash xarakteri ham bor. O'qituvchi suhbat jarayonida o'quvchilar bilimidagi nuqsonlarni, yozuvda yo'l qo'yilishi mumkin bo'lgan xatolarni aniqlashga ham imkoniyat topadi, bu nuqsonlarni darhol bartaraf qilish uchun tadbiriy choralar izlaydi.

Ta'limiy diktantni o'qituvchi turli sharoitda va turli maqsadlarda o'tkazadi: yangi mavzu o'tib bo'lingach, diktant yozdirish mumkin. Bu holda o'qituvchi imlosi bolalarga notanish bo'lgan har bir so'zning yozilishini doskada ko'rsatish, uning imlosini og'zaki izohlash, bu so'zning yozilishini ayrim o'quvchidan hozir o'tilgan grammatik mavzuga bog'lab izohlab berishni talab qilish bilan o'quvchilarga eslatib, so'ng yozdiradi. Bu xil diktant yangi mavzuni mustahkamlovchi mashq vazifasini bajaradi.

Diktantning bu ko'rinishini yozish jarayonida o'quvchilar grammatikadan olgan nazariy bilimlarini yozuvga mustaqil tatbiq qilishga odatlanadilar, bunda o'quvchilar mustaqil fikrlashga, biror imlo qoidasi haqida o'zicha hukm chiqarishga majbur bo'ladilar. Bu o'quvchilarning ongli bilim olishlariga zamin yaratadi. Ba'zan esa avval o'rganilgan bir necha dars davomida turli yo'llar bilan bolalarga singdirilgan biror mavzuni yana ham puxtaroq mustahkamlash, shuningdek, o'quvchilar bilimidagi bo'sh tomonlarni aniqlab olish va uni tuzatish uchun metod izlash maqsadida ta'limiy diktantdan foydalanish mumkin. Bunda o'qituvchi o'quvchilarni ko'proq mustaqil fikrlashga, o'z xatosini izlab topishga, o'rganilgan nazariy bilimni bironing yordamisiz yozuvga tatbiq qilishga yetaklaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Boshlang'ich ta'lim konsepsiyasi // Boshlang'ich ta'lim. 1998. 6-son.
2. Umumiy o'rta ta'limning Davlat Ta'lim Standarti va o'quv dasturi (Boshlang'ich ta'lim). –T.: 2017.
3. Qosimova K., Matchonov S., G'ulomova X., Yo'ldasheva SH., Sariyev Sh. Ona tili o'qitish metodikasi. –T.: Nosir, 2009.

**“O‘ZBEK SHOIRALARI IJODIDA TATABBU’ AN‘ANALARINI
O‘QITISHDA QIYOSIY-TAHLILIIY METODDAN FOYDALANISH**

*Zarnigor Shamsiyeva,
JDPI 2-kurs magistranti*

Ilmiy rahbar: Surayyo Eshokulova, JDPI dotsenti, f.f.n

Adabiyot fani badiiy asarlarning uslubiy, janriy, g‘oyaviy-mavzuviy va adabiy tur borasidagi xilma-xilligidan kelib chiqib, ko‘p qirrali ilmiy, ilmiy-uslubiy, ta‘limiy va tarbiyaviy masalalar bo‘yicha bahs yurituvchi ijtimoiy fanlar sirasiga kiradi. Adabiyot darsi mashg‘ulotlarining maqsadi o‘quvchilarni badiiy asar mutolaasiga o‘rgatish, uni tushunish, his qilish, talqin va tahlil qila olish ko‘nikmalarini shakllantirishga qaratilmog‘i lozim. Badiiy so‘z san‘atini anglash esa, har bir insonning individual ruhiy va intellektual xususiyatlari bilan bog‘liq ravishda kechadigan jarayondir. Bu jarayonda yozuvchi va o‘quvchining dunyoqarashida o‘zaro singishish, muayyan darajada muvofiqlik kuzatilsagina kutilgan natijaga erishish mumkin. Shu ma‘noda, adabiyot fani dars mashg‘ulotlarining ishtirokchilarida erkin fikrlash ko‘nikmalari, jamiyatda bo‘layotgan hodisalarga nisbatan o‘z mustaqil pozitsiyasi, badiiy asarga xos bo‘lgan millatning etnografiyasi, an‘ana va qadriyatlarini, tarixi, mentaliteti bilan bog‘liq tushunchalar muayyan darajada shakllangan bo‘lishi lozim [3; 5].

Demak “...adabiyot o‘qituvchisi har bir kitobxon o‘quvchi qandaydir yangi, hali ma‘lum bo‘lmagan tomonlarini ochishi mumkin bo‘lgan badiiy matnni tadqiq qilishi lozim bo‘ladi. U, shuningdek, o‘quvchilarga xos badiiy idrokni ham tadqiq qilishi kerak, bu esa inson estetik faoliyatining umumiy qonuniyatlarini aks ettirib doimo individual, binobarin, nimasi bilandir takrorlanmas xarakterga ega bo‘ladi” Adabiyot muallimi har bir mashg‘ulot uchun o‘rganilajak asarni tadqiq qilishi, undagi shakl va mazmun birligida ifoda etilgan poetik fikrni mutaxassis sifatida idrok etish barobarida badiiy matn vositasida tarbiyalanuvchilarda estetik didni rivojlantirish, ularning ma‘naviyatini shakllantirish, shaxslik sifatlarini qaror toptirish bo‘yicha ham izlanishi kerak bo‘ladi. “Agar olimning vazifasi murakkab butunlik bo‘lmish badiiy asar mohiyatiga kira bilish bo‘lsa, maktab tahlilining vazifasi nafaqat asarning obyektiv mazmunini ochish, balki uning yordamida har tomonlama rivojlangan o‘quvchi shaxsini shakllantirishdan iborat. Shuning uchun bir butunlikdan iborat bu ikki vazifa yechimini ta‘minlovchi vositalarni topish lozim” [5; 26-27]. Shu o‘rinda, ijodkorlarning nazm namunalarini o‘qitishda qiyosiy-tahliliy metoddan foydalanish ta‘lim jarayonini samarali bo‘lishini ta‘minlaydi deb hisoblaymiz. Quyida biz o‘zbek shoirlaridan Uvaysiy va Nodira ijodida tatabbu’ an‘analarini o‘qitish bo‘yicha o‘z fikr-mulohazalarimizni berib o‘tmoqchimiz.

Avvalombor, Uvaysiy va Nodira nazmiyati haqida qiyosiy jadvalni hukmingizga havola etamiz:

Jahonotin Uvaysiy (1779-1845)	Nodira (1792-1842)
<p>Uvaysiy 4 devon tuzganligi ma'lum. Lekin bu devonlarning asl qo'lyozmalari topilmagan. Uvaysiy mumtoz o'zbek she'riyatining barcha janrlarida ijod qilgan. Navoiy, Fuzuliy va boshqaning asarlariga muhammaslar bog'lagan. Shoiraning adabiy merosida 269 g'azal, 29 muxammas, 55 musaddas, 1 murabba, chiston, 3 doston, tugallanmagan bir manzuma bor. Ijodining g'oyaviy mavzu doirasi teran va ko'p qirrali.</p>	<p>Mohlaroyimning (taxalluslari: Nodira, Komila va Maknuna) to'la bo'lmagan o'zbekcha devoni O'zbekiston Fanlar akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanadi (inv.№ 4132). Devonga Nodiraning 109 (yoki 1704 misra) g'azali kiritilgan. Nodiraning o'zi yozgan debochada tarjimayi holiga oid ba'zi muhim ma'lumotlar berilgan. XIX-asrda ko'chirilgan, hozir O'zbekiston Fanlar akademiyasi Tarix muzeyi arxivida saqlanayotgan devonda Nodiraning "Komila" taxallusi bilan yozgan 19 (328 misra) g'azali borligi aniqlangan. 1962-yilda Namanganda shoiraning mukammal devoni topilgan. O'zbekiston Fanlar akademiyasi Alisher Navoiy nomidagi davlat adabiyot muzeyida saqlanayotgan (inv. № 313) bu devon shoiraning merosini to'liq qamrab olgan, deyish mumkin. Bunda shoira yozgan debocha mukammal berilgan. Devonda shoiraning "Nodira" taxallusi bilan yozgan 180 she'ri jamlangan (shulardan 136 tasi o'zbek tilida, 44 tasi tojik tilida). Jumladan, 11 muxammas, 2 musaddas, 1 musamman, 1 tarji'band, 1 tarkiband va 1 firoqnoma ham bor. O'zbekiston Fanlar akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida Nodiraning "Maknuna" taxallusi bilan yozilgan, 333 g'azaldan iborat bir devoni mavjud (inv. № 7766). Bugungi kunda biz Nodiraning o'zbek va fors-tojik tillarida yaratgan 10 ming misraga yaqin lirik merosiga egamiz.</p>
<p>Uvaysiy o'z asarlarida yuksak</p>	<p>Nodira she'riyatining asosini</p>

<p>odamiylikni, shu odamiylikni qalb to'rida avaylovchi vafodor yorni ulug'laydi, uni Quyosh bilan qiyos qiladi. Quyosh har tong ufqdan bosh ko'tarib, o'zining otashin nuri bilan olamga, odamlarga o'z mehr va shafqatini sochadi. Shoira yor va oftob tashbihlaridan qarshilantirish san'ati orqali eng go'zal tuyg'ular silsilasini yaratadi. Uning lirik qahramoni mushohadakor donishmand, vafoli oshiq.</p> <p>Shoira adabiyotda taraqqiyparvar namoyandalarning qarashlari asosida maydonga kelgan inson taqdiri, shaxs erki va ma'rifatparvarlik g'oyalarida latif va dilkash asarlar yaratgan, asarlarida insonni e'zozlash, odamlarni tabiat va hayot noz-ne'matlaridan bahramand bo'lishga undash, do'stlik, vafo va sadoqat haqidagi ulug'vor niyatlarini Qur'on oyatlari, hadislar va tasavvufiy talqinlar bilan asoslagan holda ijodiy barkamollikka erishgan [10].</p>	<p>lirika tashkil etadi. Nodira muhabbat, sadoqat va vafo kuychisidir. U go'zallik va sadoqatni, Sharq xotin-qizlarining dard-alamlari, oh-u fig'onlarini kuyladi. Shoira o'zini ishq oynasi deb atar ekan, bu oynada insonning hayotga umid bilan qarashi, ezgu istaklari va orzusi aks etgan. U muhabbat Alloh tomonidan insonlar qalbiga solingan mangu yog'du ekanligini kuyladi.</p> <p>Shoira himmat, sabr, qanoat, nomus, hayo kabi xislatlarni ma'rifat, ya'ni Xudo vasliga erishishni yaqinlashtiruvchi manzillar sifatida qayd etadi, odam ana shu sharaflil xislatlarni o'z ruhiga mukammal singdirib olishi va uni sobitqadamlik bilan ko'ngil ganjinasida asramog'ini obrazli qilib tasvirlaydi. Odamzod shu sifatlardan mahrum bo'lar ekan, u riyo yo'liga kirib ketadi.</p> <p>Nodira o'z ijodida dunyoviylik bilan bir qatorda tasavvufning naqshbandiya yo'nalishiga asoslangan bir butunlik orqali insonning jamiyat va tabiatga munosabatini ham, ilohiy muhabbat yo'lidagi ruhiy dunyosini ham juda go'zal va jonli misralarda ifodalab beradi. Nodira she'rlarida islom ruhi, tasavvuf ta'limi va hayot falsafasini chuqur idrok etgan holda hayotga hamma vaqt umidbaxsh nigoh bilan qaraydi va undan yaxshilik urug'ini qidiradi [11].</p>
--	---

Ilm ahliga ma'lumki, tatabbu' bitish, bu – musobaqa, uning shartiga ko'ra, tatabbu' o'zidan oldin yaratilgan g'azalning mavzusini, shaklini, ya'ni ko'lamini, vaznini, qofiyalanish tizimi, qofiya shakli, radifini takrorlashi, shu bilan birga, eng muhimi, yangi, original asar bo'lishi kerak.

Uvaysiy va Nodira ham o'zbek mumtoz adabiyotidagi mashhur, ustoz shoirlar ijodiy maktabidan bahra olgan adibalardir. Shoirlar devonlaridagi ko'plab she'rlarida bunday adabiy ta'sir izlari ko'zga tashlanadi.

Shuni ta'kidlash lozimki, bu davr adabiy jarayonida salaflar she'riyatiga tatabbu'navislik uch yo'nalishda rivojlangan:

- o'zbek mumtoz shoirlari, xususan, Lutfiy, Navoiy, Bobur, Mashrab, Ogahiy, Amiriy va Huvaydo she'rlariga tatabbu' bog'lash;
- fors-tojik shoirlari, xususan, Hofiz, Jomiy va Bedil she'rlariga tatabbu'navislik;
- ozarbayjon shoiri Fuzuliy she'riyatiga tatabbu' bog'lash shaklida rivoj-u ravnaq topgan.

Bu uch yo'nalishdagi tatabbu'navislik Qo'qon adabiy muhitida ham, shuningdek, Xiva va Buxoro adabiy muhitlarida ham izchil davom ettrildi. Biroq, alohida qayd etish lozimki, bu davrda ham barcha adabiy muhitlarda Alisher Navoiy g'azallariga tatabbu' bog'lash g'oyatda faol bo'ldi. Buni barcha shoirlar va hatto shoirlar ijodida ham yaqqol kuzatish mumkin. Shulardan biri, bu davrda faol ijod etgan va hatto shoira Mohlaroyim Nodiraga ustozlik qilgan Jahon otin Uvaysiydir. Uvaysiy ijodida Lutfiy, Navoiy, Fuzuliy va Mashrab an'analari izchil davom ettirdi [4;137-142].

Alisher Navoiy "*Majolis un-nafois*"da Lutfiyga baho berar ekan, umrining so'ngida "o'tob" radifli she'r yozgani va unga barcha zamondosh shoirlar tatabbu' bog'laganlari haqida so'zlaydi: "oxir umrida radifi "o'tob" she'ri(ni) ayttikim, zamon shuarosi barcha tatabbu' qildilar; hech qaysi (shoir) matla'ni oncha ayta olmadilar va ul matla' budurkim:

*E, zi zulfi shab misolat soyaparvar o'tob,
Shomi zupfat ro ba joyi moh darbar o'tob* [7;61-62].

Nasriy bayoni: Zulfi tunga o'xshash bo'lib, go'yo quyosh (yuzing) uning soyasida parvarish topadi. Qizig'i shundaki, tunda oy bo'ladi, ammo zulfi tuni bag'rida quyosh.

Navoiy fikridan ma'lum bo'ladiki, Lutfiyning "o'tob" radifli g'azaliga deyarli barcha zamondosh shoirlar tatabbu' bog'lagan. Shoir g'azalini fors-tojik tilida, ramali musammani mahzuf vaznida yaratgan. Qo'qon adabiy muhitida o'ziga xos o'ringa ega Uvaysiyning devonida ham "o'tob" radifli bir g'azal uchraydi. Unda shoira qiyos mahorat egasi ekanligi yaqqol namoyon bo'ladi. U oddiy tabiat hodisasi - quyoshning tongda sharqdan chiqib, shomda g'arbgga botishini asariga asos qilgan. Undan chuqur falsafa topishga erishadi. Shoira uning qismatida o'z taqdirining ramzini ko'radi. Mumtoz adabiyotda quyoshning diydor izlab samoda kezishi g'oyasi an'anaviy. Ammo. Uvaysiy an'anaviylikning yangicha talqinini yaratadi:

*Charx zarfiga suyub og'zin, yutar har kunda son,
Shom vaqtida shafaq bilgurdi xunbor o'tob* [9, 63].

O'tob botayotganida shafaqning qizarishini shoira husni ta'lil san'ati vositasida o'ziga xos izohlaydi: Zarf - idish. Quyosh charx idishiga og'zini bosib, diydor ilinjida azoblanib, kun bo'yi qon yutadi. Shomda esa maqsadiga yetolmay, iztirobdan qon yosh to'kadi. Shafaqning qizarishi, shoira fikricha, ana shundan. Mazkur baytda shoira quyosh timsoli vositasida oshiq ruhiy holatini ifodalar ekan, uning zamiriga zamon nokisliklaridan ko'ngliga yeg'gan zaxm-u jarohatlar tasvirini ham singdirib

yuboradi. Asarda ularga ishora sezilib turadi. Shoira keyingi baytlarda quyoshni majnunvor oshiq sifatida tasvirlaydi. Shu bilan o‘ziga taskin, tasalli beradi, go‘yo:

*Men nechuk Majnun kabi rasvoyi olam bo‘lmayin,
Charx o‘za ruxsori mo‘yingga giriftor oftob?!*

Osmondagi oftob hamki, mahbuba husniga giriftor ekan, shoira lirik qahramonning ishq ko‘yidagi jununlari tabiiy hol ekanligini ta’kidlaydi. Mazkur g‘azalda, yuzaki qaraganda, shoira quyoshning harakatini, oddiy tabiat hodisasini tasvirlayotgandek ko‘rinadi. Ammo, ziyrak kitobxon uning zamirida chuqur ijtimoiy va irfoniy ma’nolar mujassamligini sezishi qiyin emas. Avvalo, quyosh - oshiq ramzi. Oshiqning quyosh timsolida sintezlanishi uning mohiyatini chuqur izohlash va anglash imkonini yaratadi. Zero, quyosh o‘zi “qon yutadi”, “azoblanadi”, “kechakunduz yo‘l bosib diydor izlaydi”.

Oqibatda u yonib, butun olamga nur ulashadi, jahonni nurga o‘raydi, o‘zi ham nurga aylanadi. Bu holat oshiqqa ham xos xususiyatdir. Ikkinchidan, oftob va falak timsoli vositasida shoira chuqur ijtimoiy g‘oyalarni, insoniy munosabatlarni ham ifodalab beradi:

*Do‘st deb tuttum etokin ul falaki g‘addorning,
Shatta urdi, ketti Mag‘rib, topti ozor oftob.*

Shoira mazkur misralarda do‘stlik va u bilan bog‘liq vafo tushunchasi haqida mulohaza yuritadi. Bu tasvir ortida biz lirik qahramon ko‘nglidagi zamona zarbalarining ifodasini sezamiz. Oftob taqdiriga qismatdoshlik kechinmalari tasvirini his etamiz. Mashhur masalnavis Ezopning xojasi Hasan o‘z shogirdlariga qarata: “Ey muhtaram talabalarim, falsafa ilmi yolg‘iz muhokama va mulohazalardangina iborat deb o‘ylamang. Yo‘q... ko‘pincha, so‘zsiz falsafa so‘z bilan ifodalangan falsafadan ustunlik qiladi. Bu fikrim ifodasini, chunonchi, raqqoslar harakatida ko‘rish mumkin. Ularning qo‘llari muttasil harakat qilib, voqea-hodisalarning tub ma‘nosini ifodalaydi va bu bilan sizning ko‘z oldingizda so‘zsiz falsafaning chinakam qiyofasini namoyon qiladi”, - deya ta’lim bergan edi. Mahoratli, faylasuf shoira Uvaysiy ijodiga xos muhim xususiyatlardan biri ham xuddi shunday mohiyatga ega. U o‘z asarlarida ifodalamoqchi bo‘lgan fikr-g‘oyalarni faqat so‘zlar bilangina bayon etmaydi. Balki turli ramzlar, timsollar orqali ishoralar berib, o‘quvchining mantiqiy fikrlashiga, yakuniy xulosalar chiqarishiga ham imkon qoldiradi. Chunki Olam va tabiatning o‘zi dono, faylasufdir. Uni kuzatish va o‘rganish bizni chuqur ma’nolarni anglash, ma’rifat hosil qilish sari yetaklaydi. Shoira mazkur mahorat qirralarini talqin etganimizda “oftob” radifli g‘azalida ham to‘la namoyon bo‘lganligini kuzatamiz. G‘azal maqtasida oshiq va oftob taqdiri yana bir bor muqoyasalanadi. Oftobning qismati oshiq uchun, go‘yo ibrat maktabi vazifasini bajaradi. Shu o‘rinda shoira timsol yaratish mahorati yaqqol namoyon bo‘ladi. U quyoshni zarralar boshidagi dastor sifatida tasvirlaydi. Bu tasvir shaklan mutanosibli bilan ham, mohiyatan yor va oshiqning maqomini belgilab berishi bilan ham muhimdir:

*Uvaysiy, boshing o‘zra ko‘y xurshid tal‘at yorni,
Bilmadingmu, zarralar boshinda dastor oftob?!*

Oftob maqomidan kelib chiqib, lirik qahramon o‘zi uchun yakuniy hukm chiqaradi: Yorning maqomi eng yuksakda. Eng aziz narsani boshiga ko‘tarish

insonga xos xususiyat. Shunday ekan, quyosh yuzli yorni bosh ustida e'zozlash lozim. Mazkur baytda yor va oftob, oshiq va zarralar parallel qo'yiladi. Bu parallelizm zaminiga chuqur irfoniy ma'no singdirilgan. Ya'ni bular shaklan ikki ko'rinishda bo'lsa-da, mohiyatan yagona xilqat. Zarralar - oftob; oshiq - yor demakdir. Ular birlashgandagina bir-birini to'lg'azadi va mukammal yaxlitlikka erishadi. Uvaysiyning shoirona mahorati, ayniqsa, mazkur chukur mazmunli, umumlashtiruvchi hukmda namoyon bo'ladi. G'azal matnida oddiy tabiat hodisasi tasviridan iboratdek ko'ringan ifodadan shoira hikmatomuz, falsafiy - irfoniy xulosa chiqaradi: Ya'ni oftob va zarralar yagona mavjudot. Oftob zarralarga, zarralar esa oftobga teng. Oshiq va yorda ham yagonalik mujassam. Oshiq - zarra, yor - oftob kabidir. Demak, oshiqning ham, quyoshning ham maqsadi bir nuqtada tutashadi. Har ikkalasining ham riyozatli yo'li - o'zini izlash yo'li ekanligi ma'lum bo'ladi. So'nggi misralarda shoira ishoralar orqali ana shunday ma'noni nazarda tutadi [1;269-271].

Uvaysiyning "Gila", "Kokuling", "Tushdi o't", "Isi" singari Navoiy g'azallariga bog'lagan tatabbu'larida ham ishqning shunday so'fiyona badiiy talqinlarini ko'rish mumkin. Ularda Uvaysiy Navoiyning mazmun va shaklga doir an'analarini ijodiylik bilan rivojlantirgan.

Navoiyning "Oqibat" radifidagi tatabbu' g'azallari o'zining badiiy qimmatini, g'oyaviy mundarijasining mukammalligi bilan ajralib turadi. Navoiyning "Badoyi' ul-bido'ya" devonida quyidagi ikkita "Oqibat" radifidagi g'azallari o'rin olgan bo'lib, ularning birinchisi quyidagicha boshlanadi:

*Ohkim, ul oshno begona bo'ldi oqibat,
Hajridin behudlig'im afsona bo'ldi oqibat* [6;92].

Ulug' shoirning ikkinchi g'azali esa quyidagi misralar bilan boshlanadi:

*Yoshurun dardimni zohir qildi afg'on oqibat,
Asrag'on rozimni yoydi seli mujgon oqibat* [6;98].

Har ikki g'azal ham to'qqiz baytdan iborat bo'lib, ular aruz vaznining ramal bahridagi sho'x vaznlardan birida yozilgan. Ularda Navoiy uslubiga xos ramziylik va falsafiylik o'z ifodasini topgan bo'lib, asar qahramonlari ham ilohiy ishq yo'lidagi solih oshiqqlar. Ularda visolga tashnalik, yorga e'tiqod hissi yaqqol ifoda etilgan. Ularning tanlagan yo'li juda og'ir va mashaqqatlardan iborat. Birinchi g'azalda hajr azoblaridan qalbi alamzada va o'rtangan oshiq oxir oqibatda xalq malomatlariga qolib, xaloyiq orasida afsona bo'lib, hatto devona nomini olgan.

Navoiyga izdoshlik qilgan shoirlar safida shoiralarning ham borligi quvonchli holdir. O'zining ikki tildagi dilbar g'azallari bilan mumtoz adabiyotimizda munosib o'rin egallagan shoira Nodira hisoblanadi. Shoira Navoiy va Mashrab an'analarini davom ettirib yaratgan tatabbu' g'azallari ham mavjud. Shulardan biri shoira Navoiyning "Oqibat" radifidagi tatabbu'si ham o'zining mazmun mohiyati va poetik qimmatini bilan o'zgacha salohiyat kasb etadi. Tatabbu' asar yaratish bilan bog'liq bo'lgan murakkab talablarni zukkolik bilan anglab, unga amal qilgan shoira Nodira bu yo'lda xiyla muvaffaqiyatlarga erisha olganligi tatabbu'da to'la aks etgan:

*Vasl uyin obod qildim, buzdi hijron oqibat,
Seli g'amdin bu imorat bo'ldi vayron oqibat.
Qildi choki piyrahan dog'i dilimni oshkor,*

*Qolmadi ko'nglimda zaxmi ishq pinhon oqibat.
Ahd-u paymonlar qilib erdi: «Vafo qilg'um», – debon,
Ayladi tarki vafo ul ahdi yolg'on oqibat.
Orzu qildim: «Tutarmen», – deb visoli domanin,
Pora bo'ldi hajr ilgida giribon oqibat.
Zohido, ishq-u muhabbat ahlini ma'zur tut,
Yor ko'yida na bo'ldi Shayx San'on oqibat?
Baski, qon bo'ldi yurokim gavhari ashk o'rniga,
Qatra-qatra ko'zlarimdin tomda marjon oqibat.
Ohkim, bo'ldi yana subhi nashotim shomi g'am,
Chehra pinhon etti ul Xurshidi tobon oqibat.
Garchi bor erdi musaxxar devlar farmonida,
Poymoli xayli mo'r o'ldi Sulaymon oqibat.
Nodira, bulbul kabi to nola insho ayladim,
Navbahor o'tti, xazon o'ldi guliston oqibat [8;91].*

Nodira ham o'z tatabbu' g'azalida ustozlar an'anasini davom ettirib, badiiy san'atlardan o'rinli va unumli foydalangan. Bu esa lirik qahramon ruhiyatni chuqurroq anglashga xizmat qilgan. Shoira yuqoridagi birinchi baytda talmehli qofiyani poetik ifodaga olib kiradi. Shu lahzadayoq she'rxon xotirasida yor ishqida ne malomat-u mashaqqatlarga muhtalo bo'lgan ilohiy dil sohibi bo'lgan shayx San'on qismati gavdalanadi. Muhimi shundaki, shoira lirik qahramonining ishq ham zohidona ishq bo'lmay, balki shayx ishqiga monand haqiqiy ishqqa mansubligi zukkolik bilan badiiy ifodaga kuchgan. Mazkur ikki xil ishq tasviri ifodasida tazod san'ati vujudga kelgan.

Keyingi baytda esa sharq nazmiyotidagi an'anaviy quyosh poetik obrazining ifodalanishi asarga o'ziga xos joziba bergan. Taniqli navoiyshunos Yo. Is'hoqov o'rinli qayd etganidek: “*Ma'lumki, traditsiyada “quyosh” (ma'shuqa husniga nisbatan ham, may jamoliga nisbatan ham, olam-borliqqa nisbatan ham) doimo ijobiy ramz sifatida ishlatilgan*”. Agar masalaga shu nuqtayi nazardan yondashsak, Nodiraning ham quyosh poetik obraziga murojaat etishi shunchaki tasodif bo'lmay, balki g'azal ibtidosida oshiq qalbidagi hijron iztiroblari unga shafqatsiz azoblar bergan bo'lsa, g'azal inithosida quyosh obraz vositasida o'z o'rnini vasl quvonchlariga berganligiga nozik ishora qilingan. Shu bilan birga, quyoshning yuz ko'rsatishi orqali she'riy san'atlardan biri – tashxis (jonlantirish) yuzaga kelganki, bu hol asar badiiyatiga o'ziga xos go'zallik baxsh etgan. Nodira tatabbu'da ustoz shoirlar asarlaridagi orifona g'oyalarga alohida e'tibor berganligining guvohi bo'lamiz. Shoira ustozlar fikrlarini faqat shunchaki takrorlab qolmasdan, balki turli ramz, poetik simvol va she'riy san'atlar orqali yanada boyitdi.

Nodiraning “Oqibat” radifidagi g'azalida ham salaflari ijodidagi mavjud ramziylik to'liq saqlangan bo'lib, uning lirik qahramoni ham solih-oshiq. Tatabbu' g'azalidagi lirik qahramon ham Haq oshig'i. U har qancha urinib, “vasl uyin obod qilish”ga ahd-u paymon qilmasin, hijron deb atalmish “seli g'am” bu imoratni vayron etadi. Solihning ko'ngli hijron azoblari tufayli visol uyin vayronasiga aylangan. Uning qalbidagi “zaxmi ishq”dan pinhonalik qolmay o'z niyatlarini oshkora aytishga

bel bog‘laydi. Unga vafo haqida ahd-u paymonlar qilib, oxir oqibatda “tarki vafo” qilgan “ahdi yalg‘on”lardan qalbi iztirobga tushadi. Undaylar shoira nazdida subutsiz va oqibatsiz kimsalar bo‘lib, Haq ishqidan bexabar va benasib kishilardir. Ularning ishlari doimo dilozorlikdir. Lirik qahramon timsolidagi solih katta umidlar bilan visol etaklarini tutishga harakat qiladi. Ammo u bu yo‘lda qancha urinmasin, uning intilishlari va istaklari “hajr ilgida” pora-pora bo‘ladi.

Yuqoridagi baytda Shayx San‘on obrazining tasviriga tortilishi lirik qahramon niyatlarini she‘rxonda yanada oydinlashtirishga yordam beradi. Muhimi, tasvirning shu nuqtasida solihning ishqiy zo‘hidona ishq emasligi ma‘lum bo‘ladi. Shuning uchun ham lirik qahramon zo‘hidlardan “ishq-u muhabbat ahlini ma‘zur tut” ishni so‘rab, o‘z niyatlarini yor ishqida ne ko‘ylarga tushgan [Muhabbatni ixtiyor etgan] Shayx San‘on taqdiriga ishora etish orqali ifoda etadi. Tasvirning shu o‘rinda she‘rxonga yana bir haqiqat-solih ishqining qat‘iyligi, u ilohiy jamol maftuni ekanligi ma‘lum bo‘ladi. Hijron azoblaridan lirik qahramonning dili shikasta. Uning hijron azoblaridan qon bo‘lgan yuragi “gavhari ashk” o‘rnida ko‘zlaridan marjon bo‘lib oqadi. Ammo uning niyatlari ham sarobga aylangan emas. Doimo visol orzusida. Faqat shu shirin tuyg‘ugina unga umid bag‘ishlaydi. Hattoki, tonggi quvonchlarini “shomi g‘am” bulutlari egallab olgan bir paytda zarrin quyosh pinhona bo‘lsa-da, o‘zining husni jamolini unga ko‘rsatadi. Quyosh poetik obrazning tavirga olinishi muhim badiiy estetik vazifani bajarishga qaratilgan bo‘lib, go‘yoki u o‘zining sahiy nurlari ila vayronaga aylangan oshiqning shikasta ko‘ngliga taskin va tasalli berganday bo‘ladi. Eng muhimi, nur solihni vasl koshonasi tomon yetaklayotganiga va uning qalbi ilohiy nurdan bahramand bo‘lishiga nozik ishoralar qilingani seziladi. Poetik tasvir g‘azal tadrijida yanada kengroq ma‘no kasb etib boradi.

Ayniqsa, Sulaymon payg‘ambar va chumolilar haqidagi rivoyatga ishora qilingani g‘azalda poetik fikr hamda g‘oyaviy niyatga yanada o‘ziga xos falsafiy mazmun va she‘riy joziba baxsh etadiki, bu tatabbu‘ g‘azal mundarijasining yanada kengayishiga xizmat qilgan. G‘azal maqta‘sida esa ramziylik yanada yuksak poetik cho‘qqiga ko‘tarilgan. Unda inson umrining foniyligi, umr gulistonining mangu emasligi, qachonlardir uning ham xazon bo‘lishi muqarrarligi alohida ta‘kidlangan. Shoira bu bilan kishilarni umidsizlikka emas, balki yashashga, hayoti, insonni sevishga, Allohdan in‘om etilgan hayot deb ataluvchi ne‘matdan bahramand bo‘lishga da‘vat etayotganligi ma‘lum bo‘ladi.

Demak, inson o‘z umrini bemazmun va besamar, behuda o‘tkazmasdan insonga o‘xshab yashamog‘i, yashaganda ham shoira ta‘kidlaganidek, “muhabbat ixtiyor etib” oshiqlik maqomini egallash lozimligiga undash mavjud ekanligiga ishonch hosil qilamiz [4;91-102].

Tatabbu‘ an‘analarini o‘qitishda qiyosiy-tahliliy metoddan foydalangan holda o‘zbek shoiralari ijodi bo‘yicha quyidagi xulosalar berishimiz mumkin:

Jahonotin Uvaysiyning “oftob” radifli tatabbu‘ g‘azali	Nodiraning “oqibat” radifli tatabbu‘ g‘azali
Uvaysiy she‘riyatidagi har bir timsol keng kamrovga ega. Yuzaki qaraganda, oddiy ko‘ringan obrazlar, tabiat	Navoiyga tatabbu‘ bog‘lagan Nodira ham ustoz g‘azallaridagi mavjud timsol va she‘riy san‘atlarni shunchaki

hodisalari vositasida shoira chuqur falsafiy-irfoniy mohiyatni ifodalashga erishadi.	o'zlashtiribgina qolmay, balki uning o'zi ham yangi poetik timsollar bilan birga, boshqa she'riy san'atlarga ham murojaat qila olgan, bu muhim badiiy qimmatga ega.
Shoira an'anaviy poetik timsollarga noan'anaviy ma'nolarni yuklaydi. Ularni yangi ramziy ma'nolarda qo'llaydi. Yangi ma'no qirralarini kashf etadi.	Tasavvufdagi naqshbandiylik ta'limotini o'z ijodida asosiy g'oyalardan deb hisoblagan mutasavvif shoir Navoiy asarlaridagi orifona g'oyalar Nodira asarlarida ham o'ziga xos poetik ramz va ranglarda ifodaga ko'chganligi mavjud haqiqatlardan biridir.
Uvaysiy va Nodira she'riyatidagi bunday teranlik va yuksak mahorat maqomi, albatta, Lutfiy va Navoiy kabi ulug' ustozlar ijodiy maktabi saboqlarining natijasidir.	

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Adizova I. Ijodiy maktab saboqlari // Alisher Navoiy va XXI asr. Xalqaro ilmiy nazariy anjuman. –T.: 2019. 9-fevral.
2. Adizova I. Muhabbat ixtiyor et... // O'zbekiston adabiyoti va san'ati. 1993. 7-may.
3. Botirova Sh. Adabiy ta'lim klasteri. Mnografiya. –T.: Ishonchli hamkor, 2021. - 170-b.
4. Fayzulloyev B. O'zbek she'riyatida tatabbu tarixi va mahorat masalalari (XVII-XIX asrlar va XX asr boshlari g'azalchiligi asosida). –T.: Tamaddun, 2021. – 170-b.
5. Kadirov V. Umumta'lim maktablarida mumtoz adabiyot namunalarini o'qitishning ilmiy-metodik asoslari. Pedagogika fanlari doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan dissertatsiya ishi. –Namangan: 2019. – 297-b.
6. Navoiy A. Mukammal asarlar to'plami. 20 tomlik. 1-tom. –T.: Fan, 1987.
7. Navoiy A.. MAT. 13-jild. Majolisun-nafois. –T.: Fan, 1997.
8. Nodira. Devon. –T.: Fan, 1963.
9. Uvaysiy. Devon. –T.: Fan, 1959.
10. <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/uvaysiy/>
11. <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/nodira/>

“FURQAT HAYOTI VA IJODIY MEROSI” MAVZUSINI O‘QITISHDA MUAMMOLI TA’LIM METODIDAN FOYDALANISH*Xayrullayeva Maftuna,**JDPI talabasi**Ilmiy rahbar: N.I.Soatova, JDPI dotsenti, f.f.nomzodi*

Muammoli o‘qitish ta’lim mazmunining komponentlarini bilim, ko‘nikma, malaka, ijodiy faoliyat o‘zlashtirishga ijobiy ta’sir etar ekan, bular talabalarni maxsus fanlar uchun juda muhim bo‘lgan holatlar, ya’ni mustaqil muammoni ko‘rish, uni ifodalash, yechish yo‘llarini topish va yechishga imkoniyat beradi. Muammoli ta’lim metodi adabiyot ta’limida qo‘llanilishi o‘qituvchidan ta’limga yangicha yondashishlarni, rejalashtirishlarni, noan’anaviy innovatsiyalarni talab etadi.

“Furqat hayoti va ijodiy merosi” mavzusini o‘qitishda muammoli ta’lim metodidan foydalanish to‘g‘risida so‘z yuritishdan oldin, muammoli ta’lim haqida to‘xtashni lozim ko‘rdik.

Talabalarda ijodiy izlanish, kichik tadqiqotlarni amalga oshirish, muayyan farazlarni ilgari surish, natijalarni asoslash, ma’lum xulosalarga kelish kabi ko‘nikma va malakalarni shakllantirishga xizmat qiladigan ta’lim muammoli ta’lim deb ataladi.

Muammoli ta’limning ilk g‘oyalari amerikalik faylasuf psixolog va pedagog J.Dyui (1859-1952 yy.) tomonidan asoslangan. U 1894-yilda Chikagoda o‘qitish o‘quv rejasi bo‘yicha emas, balki o‘yin va mehnat asosida olib boriladigan tajriba maktabini tashkil etgan. XX asr boshlarida Djon Dyui darsda o‘qituvchi emas, talaba faol bo‘lmog‘i lozim deb chiqdi. U kitobdagi bilimlarni yozdirish va quruq yod oldirish hech narsaga olib bormaydi, aksincha, talabalarni o‘qishdan sovutib, tafakkurini zanglatadi deb ta’kidlagan. Djon Dyuning ta’lim tarbiyaga qo‘shgan asosiy hissasi – bu “aql yuritishning to‘liq jarayoni”dir.

Muammoli ta’lim turlari: Bilimlarni muammoli bayon qilish (muammoli ma’ruza). Muammoli ma’ruza – o‘qituvchi tomonidan talabani muammoli vaziyat, muammoli masalani hal etishga yo‘naltirish orqali unda bilish faoliyatini oshirishga yo‘naltirilgan ma’ruza.

Muammoli topshiriqlarni hal qilish (muammoli amaliy mashg‘ulot)= Muammoli bayon, evristik suhbat, muammoli namoyish, izlanishga asoslangan amaliy mashg‘ulot, ijodiy topshiriq, xayoliy muammoli tajriba, muammo farazlarini shakllantirish, masalalarni muammoli yechishning optimal variantlarini tanlash, muammoli vazifa, muammoli o‘yin.

Kichik ilmiy tadqiqotlarni olib borish (muammoli tajriba)= Muammoli TT – talabalarda ijodiy izlanish, kichik tadqiqotlarni amalga oshirish, muayyan farazlarni ilgari surish, natijalarni asoslash, ma’lum xulosalarga kelish kabi ko‘nikma va malakalarni shakllantirishga xizmat qiladigan ta’lim texnologiyalari.

Muammoli ma’ruzaning o‘ziga xos xususiyatlari: o‘quv materiali muammoli savollar, vazifalar, vaziyatlarni qo‘llash bilan bayon etiladi. Bilish jarayoni ilmiy izlanish, suhbat, tahlil, turli fikrlarni taqqoslash orqali boradi;

O‘quv mashg‘ulotining yetakchi didaktik maqsadi: Muammoni belgilash va uni yechimini topishini shakllantirish.

Muammoli o'qitish samaradorligining asosiy sharti: O'qitish jarayonida muammoni yechishga talabalarning qiziqishini uyg'otadigan yetarli motivatsiyasini ta'minlash; Talabalarga tavsiya qilinayotgan muammoli vaziyatlarni murakkablik darajasini ta'minlash; Muammoli vaziyatlarni yechish mobaynida olinadigan axborotlarni talabalar uchun zarurligi; Pedagogning talabalar aytgan fikrlarga, farazlarga e'tibor qilingan va ularni rag'batlantirishga qaratilgan samimiy muloqotlari;

Muammoli ta'limning asosiy tushunchalari: muammo; faraz; muammoli vaziyat; muammoli savol; ijodiy vazifa; mustaqil ish; muammoli vazifa;

Pedagogik texnologiyaning asosiy jarayonlari: Tashkil etish; Hamkorlikda ish yuritish; Takomillashtirish; Tahlil qilish; Qiyoslash; Umumlashtirish; Xulosa chiqarish; Boshqarish; Nazorat etish; Baholash.

Muammoli vaziyat metodi: Ta'lim oluvchilarda muammoli vaziyatlarning sabab va oqibatlarini tahlil qilish hamda ularning yechimini ularning yechimini topish bo'yicha ko'nikmalarini shakllantirishga qaratilgan metoddur.

“Muammoli vaziyat” metodining tuzilmasi: Muammoli vaziyat tavsifi beriladi; Guruhlar muammoli vaziyatning kelib chiqish sabablarini aniqlaydilar; Guruhlar muammoli vaziyatning oqibatlari to'g'risida fikr yuritadilar; Guruhlar muammoli vaziyatni yechish yo'llarini ishlab chiqadilar; To'g'ri yechimlar tanlab olinadi;

Muammoli vaziyat tavsifi beriladi: “Furqat 1891 yilning mayida Toshkentdan chiqib, Samarqandga, iyulning o'rtalarida Buxoroga yo'l oladi, o'ning oxirlarida Buxoroning Kogon temir yo'l vokzalidan poyezdga o'tirib, Marv, Ashxobod, Boku, Botum orqali ikki oycha yo'l bosib, sentyabrning oxirlarida Istanbulga yetib keladi va kuz va qishni shu shaharda o'tkazadi. Furqat Istanbuldan Yunoniston (Gretsiya)ga o'tdi, Bulg'oriya (Bolgariya)da bo'ldi. 1892 yilning may–iyun oylarida Arabistonga borib haj ziyoratini o'taydi. Shu yilning 25 avgustida Hindistonda bo'ldi, 10 sentyabrda Bombeyga yetib keldi. Bu yerda 6 oy chamasi yashaydi. 1893 yilning 20 martida Kashmirga keladi, undan Tibet va Xo'tan orqali Yorkentga o'tadi va shu yerda umrining oxirigacha yashab qoladi. Shoirning ikki yarim yillik safari Yorkentda yakunlanadi. Yorkentda qariyb 16 yil umr kechiradi. 1909 yilda Yorkentda muhojirlikda vafot etdi”. Nima ucnun Furqat o'z vatanida yashmadi, bunga sabab nima deb o'ylaysiz?

Guruhlar muammoli vaziyatning kelib chiqish sabablarini aniqlaydilar: 1) Shoirning chor Rossiyasi mustamlaka siyosatini ochiqdan-ochiq qoralab asarlar yozgani; 2) Furqat ma'rifatparvarlik faoliyatining Vatan va millat manfaatlariga asoslangani. 3) Rusiya mustabid siyosati Turkiston xalqlari hayotining barcha siyosiy, iqtisodiy va ma'naviy jabhalarini birday iskanjaga olgani ma'lum. Tabiiyki, millatparvar ziyolilar, jumladan Furqat ham bunga befarq qaragan emas. 4) Aprelov degan mustamlakachi generalni hajv qilganligi uchun quvg'in qilingan deyiladi. 5) Furqat yirik shaxs ekanligi, uni yurtda yashab, ijod qilishligi rus davlatining “qudratini” uzoq saqlanishligiga g'ov bo'lishi mumkin degan hadikda qolgan N.P. Ostroumovning taz'yiqli va ta'qibiga ko'ra Vatandan chiqib ketishga majbur bo'lgan.

Guruhlar muammoli vaziyatning oqibatlari to'g'risida fikr yuritadilar:

1) “Tarixda shunisi aniqdirki, Furqat o'tilmog'i yoki qamalmog'i turgan gap edi.

o‘z mudhish taqdirini anglagan shoir qochishga majbur bo‘ldi” (G‘afur G‘ulom).

2) Bizningcha, shoirning rus ilmi va madaniyati haqidagi she‘rlari rus davlatining obro‘cini oshirish maqsadida emas, balki Yevropa va rus madaniyatini o‘z foydamizga xizmat qildirish zarur degan xulosani targ‘ib qilish niyatida yozilgan asarlar edi. Xususan shoirni o‘zi “Ahvoloti”da yozadi: “O‘z nafimiz uchun Rusiya xalqi umrig‘a mulohaza qilmoq lozimdir”.

3) Tabiiyki, N. Ostroumov Furqatning donish va yuqori saviyali shaxs ekanligini juda yaxshi bilgan, shuning uchun ham shoirni Turkistonda yashashligi unga “xavf” bo‘lib tuyulgan. 4) Ostroumov arxividan topilgan Furqat maktubiga Ostroumov 3 tilda viza qo‘ygan ekan: “Bunday shoirdan sahroda daydib yurgan it yaxshidir”. Ushbu holatni oydinlashtirish uchun shoirning birgina “Munojoti musaddas” ni tahlilga tortamiz.

*Zulmatni girdbodi tegdi, huyunda qolduk,
To‘foni hayrat, eyki, g‘arqi jununda qolduk,
G‘aflat ila o‘tub umr, kulgu- o‘yunda qolduk,
Kuffor bandi ichra sonsiz tugunda qolduk,
Rahm aylag‘il, Xudoyo, bechora, xastalarga,
Ranjuru zoru mahzun, ko‘ngli shikastalarga.
Qoziyu mufti, a‘lam doim hazinu ma‘yus,
Din posini tutay deb zindoni hamda mahbus,
Bechoralar na qilsun bo‘lsa siyosati Rus,
Qo‘ymaydi bir tarafdin xalq ichra nangu nomus,
Rahm aylagil, Xudoyo, bechora, xastalarga,
Ranjuru zoru mahzun, ko‘ngli shikastalarga.*

Furqat “Zulmat girdbodi, quyun, to‘foni hayrat, g‘arqi junun” kabi timsollar, “Kuffor bandi ichra sonsiz tugunda qolduk” obrazli tasviri vositasida rus mustamlaka siyosatining mohiyatini butunlay fosh etadi. Musaddasning keyingi misralari ham istibdod iskanjasida qolgan yurt taqdiriga kuyinish hissi bilan yo‘g‘rilgan. Ushbu misralarda mustamlaka siyosatining adolatsizlikka, zulmga asoslangani, hatto qozi, mufti, a‘lam kabi huquq posbonlarining o‘zlari ham haqsizlik girdobida qolgani ifodalangan.

Zero, bu istibdod siyosati millat hayotining barcha jabhalarini birday asoratga olgani, milliy istiqbolga, nurli istiqbolga eltadigan barcha yo‘llarning batamom to‘sib qo‘yilgani bugun hech kimga sir emas. Binobarin, “...rus ma‘muriyati qonunlarni o‘zi istaganicha o‘zgartirib, mahalliy aholining iqtisodiy, ijtimoiy, diniy va siyosiy erkinliklarini naq 50 yil davomida poymol etib kelgan”i ham buning dalilidir.

BLITS so‘rov: Furqat hayoti va ijodini o‘rganish muammosi: Nima uchun Furqat ijodida hijron motivlari kuchli? Shoir ijodiga Vatandan ayro tushganligi qanday ta‘sir ko‘rsatgan? Furqatni iztirobiga sabab bo‘lgan omillar nima? Furqat ijodini o‘zbek xalqiga ta‘siri nimalarda yaqqol ko‘rinadi? Milliy uyg‘onish davri Furqat ijodiga qanday ta‘sir ko‘rsatgan? O‘zbek adabiyoti taraqqitida Furqat ijodini o‘rni qanday?

Furqatning ijodiy merosi, shoirning hayot yo‘lini shu tarzda o‘rgatish yoshlarimizni milliy ruhda tarbiyalashda, ularga vatanparvarlik tuyg‘ularini

singdirishda dasturilamal bo‘lib xizmat qiladi.

ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ “ШУМ БОЛА” АСАРИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАСИ

*Йўлдошбеков Анваржон Алишер ўғли,
ТДЮУ талабаси*

Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” асари адабиётшунослар томонидан кенг ўрганилган. Мазкур ишларда қиссанинг ғоявий-бадий тадқиқи, қаҳрамонлар тасвири, ёзувчи маҳорати жуда ажойиб ёритилган. Асарда яна бир бош масала мавжудки, буни ўрганиш орқали Ғафур Ғуломнинг ҳуқуқий қарашлари, ёзувчининг жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятига қўшган ҳиссасини билиш мумкин. Буни эса асарни ҳуқуқшунос нигоҳи остида ўқиш ососида ҳал этиш мумкин.

Ёзувчи “Шум бола”да иккинчи жаҳон уруши арафасида нафақат Ўзбекистон балки, Марказий Осиёда жойлашган Шўро ҳокимияти сиёсий бошқарувида бўлган давлатларнинг ўша даврдаги қиёфаси, маҳаллалардаги ҳаёт тарзи, сиёсий жараёнлар, иш ва ишсизлик, қашшоқлик ва унинг юзага келиш сабабларини ўзига хос тарзда ёритишни мақсад қилган.

Асардаги ёлғиз она сиймосида биз ўша давр аёли ва оналарнинг ёлғиз болаларни боқиши ва уларнинг ҳуқуқларини ўзгалар томонидан поймол бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Бунинг асосий сабаби ўша даврдаги она ва бола ҳуқуқларнинг мавжуд эмаслигидир.

Энг ачинарлиси шуки, “Шум бола” асарини ўқиб таҳлил қилар эканмиз, қаровсиз қолган асар бош қаҳрамони образида ўша даврдаги вояга етмаганларнинг салбий хулқ-атворга эга бўлган шахслар домига тушиб қолиши натижасида, уларга бўладиган қалтис муносабатлар орқали адиб болаларнинг оғир турмуш шароитини моҳирона кўрсатиб берган.

Ғафур Ғуломга ўша даврнинг сиёсий-ижтимоий ҳолатини ёритиб беришда рамзий образ Шум бола зарур эди. Ёзувчи айнан Шум бола тили билан юрагидаги халқ қайғусини чиқариб бера олган, ҳамда Россиясининг Туркистонни эгаллагандан сўнг ижтимоий тузум, жамият, ҳуқуқ, сиёсат, ахлоқдаги ўзгаришларни ўқувчига етказиб бера олган.

Асарни ҳуқуқий таҳлил нуқтаи назаридан ўрганадиган бўлсак, аввало, вояга етмаган болаларнинг ўша даврда саёқ юриб кўча, бозор кезишлари, ўз бошларидан турли хил саргузаштларни ўтказишлари кўрсатилган. Бу эса ўз навбатида, ўша вақтда болаларнинг майда безорилик, ўғрилиқ, фирибгарликка аралашиб қолишига сабаб бўлган. Инглизларда қуйидаги ибора мавжуд: “Poverty is the mother of crime”, яъни жиноятнинг асосий келиб чиқиш сабабларидан бири - бу етишмовчиликдир.

Асар давомида Шум бола оталарнинг кундалик юмушларини санаб ўтар экан, **“оталаримизнинг ўзига иш топилмаганда, бизга иш қаёқда дейсиз”** иборасини қўллаб ўтади. Бундан кўриниб турибдики, оталарнинг топаётган

кундалик иш ҳақлари уларнинг турмуш кечирishiга базўр етган. Хаттоки, оталар ўз фарзандларига пул орттириб уларни бирор устозга шогирдликка ҳам бера олмаган. Натижада саводсиз, хунарсиз болаларнинг сони ортган.

Шунингдек, асарда Шум бола: **“Сарибойнинг эшигида бир ою ўт тўққиз кун ишлаган эканман. Ҳалигача берган йигирма икки тийин чойчақасини босиб қолиб, қаёқдаги сасиган, қурт тушган олмалардан икки пуд олмани битта чипта қопга солиб берди”**-дейди. Асардан келтириб ўтилган парчага назар ташлайдиган бўлсак, биргина вояга етмаган боланинг оғир меҳнатга жалб қилиниши, унинг кунда калтакланиши бир томондан ёш авлоднинг кадрсизлангани кўрсатса, иккинчи томондан вояга етмаганлар меҳнатининг ҳимояланмаганлигининг ёрқин далилидир.

Бундан кўриниб турибдики, Шўро даврдаги вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликлар ёки уларнинг турли гуруҳларга кўшилиб қолиши ҳолати фақатгина етишмовчилик билан эмас, балки жамиятдаги вояга етмаганларга бўлган эътиборнинг етишмаслиги, шу билан бирга, етим болалар муҳофазаси ва уларнинг келажаги учун қайғурилмаганлиги сабаб бўлган.

Бугунги кунда, давлатимиз томонидан вояга етмаганлар сиёсатида катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг билим олишлари учун шароитлар яратилмоқда, вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланмаслик ва келажакда уларнинг юрт корига ярайдиган инсон бўлиб етишишлари учун кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Бунинг ёрқин далили сифатида, ёшлар таълимига оид турли қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши, ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларнинг маҳаллалар, Ёшлар ишлар агентлиги томонидан кафиликка олиниши, қолаверса боқувчисиз, кўмакка муҳтож, темир дафтарга кирган оила фарзандларига ҳар томонлама кўмаклашиш, уларнинг ўсиб-улғайиши, таълим олишлари учун давлат томонидан кўплаб шароитлар яратилмоқда. Албатта, бу каби ислохотларнинг амалга оширилиши бугунги кунда асар қаҳрамони каби Шум болаларнинг кўпайишининг олдини олиши шубҳасиздир.

Умуман, биз ёш ҳуқуқшунослар улуғ адибларнинг асарларини ўқиб, улар кўрсатган камчиликларга эътибор қилишимиз, жамият тараққиёти, айниқса, ҳуқуқ соҳасидаги камчиликларни тўғри англаб, уларнинг олдини олишга интилмоғимиз лозим. Зеро, улкан истеъдодлар сўзининг остида сўз бўладики, уни илғаш ва шу орқали муаммоларга ечим излаш лозимдир.

UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA UVAYSIY HAYOTI VA IJODINI O'RGANISH

Ahmedova Charos, JDPI talabasi

Ilmiy rahbar: N.I.Soatova, JDPI dotsenti, f.f.nomzodi

Mumtoz adabiyotimizning Alisher Navoiy, Boborahim Mashrab, Nodira, Muhammad Rizo Ogahiy, Turdi Farog'iy kabi so'nmas yulduzlari qatorida Jahon Otin Uvaysiy yulduzi ham charaqlab turibdi. Uning hayot yo'li, “Uvaysiyman”

gʻazali hamda chistonlari umumtaʼlim maktablarining VII sinfida ikki soat davomida oʻrganiladi.

Uvaysiy ijodi tasavvuf taʼlimoti bilan uzviy bogʻlangan boʻlib, dars mashgʻuloti mazkur sinf oʻquvchilari uchun ancha murakkab kechadi. Oʻqituvchi shularni hisobga olgan holda oʻz darsini taxminan quyidagi reja asosida tashkil qilsa, maqsadga muvofiq boʻladi.

Oʻqituvchi birinchi darsga Jahon Otin Uvaysiyning tarjimai holi va “Mehnat-u alamlarga muhtalo Uvaysiyan” gʻazalini oʻrganishni moʻljallasa, uning rejasi taxminan quyidagicha boʻladi:

1. Shoironing hayot yoʻli haqida maʼlumot.
2. “Mehnat-u alamlarga muhtalo Uvaysiyan” gʻazalini ifodali oʻqish, sharhlash va tahlil qilish.
3. Gʻazal matni asosida tasavvuf haqida tushuncha berish.
4. Gʻazalning qofiya va radifini sharhlash.
5. Darsni nazorat savollari vositasida mustahkamlash.

Oʻqituvchi shoironing hayoti va ijod yoʻlini maʼruza metodi va suhbat asosida bayon qiladi. Darsning dastlabki qismidayoq oʻquvchilar diqqati shoira taxallusiga qaratilgani maʼqul. Shunga koʻra u oʻquvchilarga: “Shoirlar oʻzlariga taxallusni qanday maqsadda tanlaydilar? Jahon Otin oʻziga taxallus tanlaganda nimani nazarda tutgan deb oʻylaysiz?” degen savollar bilan murojaat qilsa, ular mustaqil fikrlab, baʼzi shoirlar tugʻilgan joyiga nisbat berib taxallus tanlashini, Uvaysiy esa yozgan sheʼrlarining tabiatidan kelib chiqib tanlagan boʻlishi mumkinligini aytadilar. Shu tariqa ular dars mashgʻulotining faol ishtirokchilariga aylanishlari mumkin.

Oʻqituvchi oʻquvchilarning fikrini toʻldirib taxallus zamirida juda katta maʼno, masʼuliyat borligini, masalan, Maxmur – Allohning ishqidan mast darvesh maʼnosini anglatasa, Muqimiy-Muqim (bir joyda yashovchi), Furqat-ayriliq, judolik maʼnolarini anglatishini aytadi. Navoiyning ham ikki xil taxallusi borligini eslatib, oʻquvchilardan ularning maʼnosini soʻrashi ham mumkin.

Jahon Otin taxallusida ham maʼlum bir maqsad va maʼno mavjud. Bu haqda oʻquvchilarning qoʻlidagi darslik-majmuada yetarlicha maʼlumot berilgan [1;233-234]: Oʻqituvchi shoira hayoti va ijodiga bagʻishlangan matnning ikkinchi bandidan uchinchi bandiga qadar oʻzi oʻqishi yoki biror oʻquvchiga ifodali oʻqitirishi mumkin.

Shundan soʻng oʻqituvchi quyidagi jadvaldan foydalangan holda shoironing hayot yoʻli toʻgʻrisida qisqa maʼlumot beradi:

Jahon Otin Uvaysiyning hayoti va yaqinlari toʻgʻrisida maʼlumotnoma

XVII asr 1789-yil	Jahon Otin Margʻilon shahrida Childuxtaron mahallasida ziyoli oilada dunyoga keldi.
Otasi - Siddiq	Oʻzbek va tojik tillarida sheʼrlar yozgan ijodkor.
Onasi Chinni bibi	Maktabdor, otin qizlarga dars bergan.
Akasi Oxunjon	Xonanda va sozanda boʻlgan.

Turmush o'rtog'i- Hojixon	Erta vafot etgan.
Farzandlari: Quyoshxon, Muhammadxon	Beva Uvaysiy ham ota, ham ona bo'lib tarbiyalab voyaga yetkazgan.
1822-yil	Amir Umarxon vafot etgan.
1822-yil	Umarxon o'rniga o'g'li Muhammad Alixon taxtga o'tirgan. U Uvaysiyning o'g'li Muhammadxonni Qashqar urushiga jo'natgan.
1842-yil	Buxoro amiri Nasrullo Qo'qonni bosib olib, Nodirabegimni, uning o'g'li va nabiralarini qatl ettirgan.
1850-yil	Jahon Otin Uvaysiy Marg'ilonda vafot etgan.

Mazkur ma'lumotlar asosida o'quvchilarda Uvaysiyning hayoti va Nodirabegim huzuridagi adabiy-ijodiy faoliyati haqida tasavvur paydo qilinadi.

Ma'lumki, har bir adibning hayot yo'li uning ijodi bilan uyg'unlikda davom etadi. Chunki hayotdagi u yoki bu hodisa ijodkor hissiyotiga kuchli ta'sir qiladi. Bu esa yangi bir asarning paydo bo'lishiga, boshqacha aytganda yozuvchining yozishiga turtki bo'ladi. U hodisa goh shodlik kechinmalariga bog'liq bo'lsa, goh g'am-anduhlardan, hayotning shafqatsizligi tufayli nolishlardan iborat bo'ladi. Bunday hodisa Jahon Otin Uvaysiyning taqdirini ham chetlab o'tmadi.

Uvaysiy hayoti va ijodiy faoliyatining eng yorqin kunlari Nodirabegimning ko'rsatgan hurmati va iltifoti sabab Umarxon saroyida o'tgan. Saroydagi adabiy muhit shoiraga iste'dodini namoyish qila olish imkonini bergan. Amir Umarxon vafotidan so'ng esa Nodirabegim boshiga tushgan kulfatlar Uvaysiyning ham qora kunlariga aylandi. Taxtga o'tirgan Muhammad Alixon Uvaysiyning o'g'li Muhammadxonni Qashqar urushiga yuboradi. Bu yangi xonning shoiraga nisbatan yaxshi munosabatda bo'lmaganidan, hatto onasi Nodirabegimning o'gitlariga bee'tiborligidan darak beradi. Bu iztirobli voqealar Uvaysiyning hasbi hoi tarzida yozilgan "Sog'indim" radifli g'azalida o'z ifodasini topgan.

O'qituvchi Uvaysiyning tarjimai holini o'rganish jarayonida uning asarlaridan shoiraning shaxsiyatiga bog'liq o'rinlarga o'quvchilar diqqatini qaratsa, dars samaradorligi yanada ortadi.

Uvaysiy ijodini o'rganishga rejalashtirilgan ikkinchi soatda "Anor", "Yong'oq", "Kun va tun" chistonlari o'rganiladi. Rejaga ko'ra, avval shoiraning hayoti va ijodidagi favqulodda holatlar savol va topshiriqlar asosida so'raladi. O'quvchilarning javobi hulosalangach, yangi mavzu e'lon qilinadi.

Bu dars quyidagi reja asosida o'rganiladi:

1. "Anor" chistonini ifodali o'qish va tahlil qilish.
2. "Yong'oq" va "Kun va tun" chistonlarida Uvaysiy mahoratining namoyon bo'lishi.

3. O'tilgan mavzuni mustahkamlash.

O'qituvchi o'zining kirish so'zida darslikdagi ma'lumotlar asosida

o‘quvchilarda chiston haqida tasavvur uyg‘otadi. Chiston nimaligini, uning topishmoqdan qay jihatlar bilan farqlanishini, hajrni cheklanganligini misollar asosida tushuntirgach, chiston ilk bor Alisher Navoiy tomonidan yaratilganini aytib, Uvaysiy bu janrni yanada taraqqiy ettirganini ta’kidlaydi. Shundan so‘ng “Anor” chistoni ifodali o‘qiladi va tahlil etiladi. Tahlilda o‘quvchilar e’tibori chistondagi jumboqni topish uchun anorga xos xususiyatlarga qaratiladi: a) tashqi shakli - gumbazsimon ekanligi; b) ichki tuzilishi - gulgunpo‘sh (qizil kiygan, bag‘ri qon) qizlar yuziga parda tortilgani; v) uni ko‘rish uchun shaklni - gumbazni yorish kerakligi.

Bu belgilar asosida VII sinf o‘quvchilari chistonning javobini osongina topadilar. So‘ngra o‘qituvchi o‘quvchilarga “Chiston mazmunida qanday ijtimoiy hayot tarzi ifodalangan?” degan savolni bersa, o‘quvchilarini mustaqil mulohaza yuritishga undagan bo‘ladi. Savolning javobi taxminan quyidagicha bo‘lishi mumkin:

Uvaysiy xon saroyida yashagani sababli haramdagi kaniz qizlarning turmush tarzini, armonlarini yaxshi bilgan. Tutqunlikdagi kanizaklarning ruhiyati anor donasidek “bag‘ri qon” tashbehi yordamida ifodalangan. Bu hayotdagi nohaqliklarga shoira tomonidan mohirlik bilan qilingan ishoradir. Shoiraning keyingi “Yong‘oq”, “Kun va tun”, chistonlarida bunday ishora bo‘lmasa ham tazod san’atidan foydalanib, tabiatdagi o‘zgarishlar orqali o‘ziga xos, tabiiy poetik manzara yaratilgan.

Dars so‘ngida o‘quvchilarning har uchala chistondan olgan taassurotlarini va egallagan bilimlarini mustahkamlash uchun quyidagi nazorat savol-topshiriqlaridan foydalaniladi:

1. Qanday asar chiston deb ataladi?
2. “Anor” chistonining o‘ziga xos xususiyatlarini izohlang?
3. “Anor”ning qofiyalarini aniqlang?
4. “Yong‘oq” va “Kun va tun” chistonlar: “Anor”dan qaysi jihati bilan farqlanadi?
5. Chistonlardagi yashirin va ochiq belgilarni izohlang?
6. “Kun va tun”dagi mahbub timsolini izohlang.

Shundan so‘ng o‘quvchilarning dars davomidagi faoliyati va mazkur mustahkamlovchi savol-topshiriqlarga bergan javoblariga tayanib ularning bilimlari baholanadi. O‘quvchilarga uy vazifasi sifatida buyumlarning ma’lum belgilariga asoslangan holda chiston yaratish vazifasi va Uvaysiy chistoniarni yod olishni topshirish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Yo‘ldoshev Q. va boshqalar. Adabiyot. 7-sinf uchun darslik-majmua. –T.: Sharq, 2009.

HAMID OLIMJON IJODI BO‘YICHA AYRIM MULOHAZALAR

To‘xtameshova Xadichbonu, JDPI talabasi

Ilmiy rahbar: P.I.Turoпова,

JDPI katta o‘qituvchisi, f.f.f.d. (PhD)

O‘zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidentining Vatanimiz mustaqilligining mustaqilligining 13 yilligi arafasida “O‘zbekiston ilm-fani va madaniyati rivojiga ulkan hissa qo‘shgan marhum fan, adabiyot va san‘at arboblari mukofotlash to‘g‘risida”gi farmoniga asosan, O‘zbekiston fani va madaniyati rivojiga beqiyos hissa qo‘shgan, butun hayotini el-yurt ravnaqi, xalqimiz ma’naviyatini yuksaltirishga baxsh etgan vatandoshlarimiz qatori o‘zbek xalqining asl farzandi, otashin shoir, yetuk dramaturg, mohir tarjimon, jamoat arbobi Hamid Olimjon ham “Buyuk xizmatlari uchun” ordeni bilan mukofotlangan edi. Bu e’tirof butun O‘zbekiston adabiy jamoatchiligi qatori Jizzax vohasi xalqi qalbini ham minnatdorchilik tuyg‘ulariga to‘ldirib yubordi. Xususan, xalq shoiri Abdulla Oripov:

*O‘rik gullaganmish kechagi tunda,
Bahor mujdasi bu, yayragin, ey-jon,
Sizni qutlayotir do‘st-yorlar bukun,
Qutlar O‘zbekiston - mag‘rur egib bosh ...
Yaxshiyam boqiydir dilbar she‘riyat,
Samandar misoli o‘lim bilmas jon.
Minnatdor yurt sizni qutlaydi faqat,
Qutlug‘ bu ayyomda, ustoz Olimjon...*

-deb yozganida istiqlol yillarida ham Hamid Olimjon ijodi mangu barhayot ekanligini uning asarlari barkamol avlodni tarbiyalashda va yuksak malakali kadrlar tayyorlashda katta ahamiyatga ega ekanligi ko‘z oldiga keltirgan bo‘lsa ajab emas.

Darhaqiqat, Hamid Olimjon ijodiyoti hozirgi zamon o‘zbek she‘riyatining shakllanishi, yangicha tasvirlar, ohanglar va obrazlar tizimi bilan boyishida alohida ahamiyat kasb etadi. Hamid Olimjon o‘zbek xalq og‘zaki ijodi va mumtoz adabiyoti, qardosh xalqlar adabiyoti, zamonaviy Sharq va G‘arb she‘riyatidan oziqlangan, ularni yaxshi bilgan. Uning she‘riyati, shuningdek, o‘z davri, yashayotgan muhit adabiyotidan ham ta’sirlangan. Shoir asarlarida qayd qilingan she‘riyat izlarini turli shaklda ko‘rishimiz mumkin. Ularda oshkora va yashirin fikrlar ko‘p uchraydi. Shu bois Hamid Olimjon asarlarida adabiy-estetik ideal deganda ana shu jihatlarga e’tibor qaratish lozim bo‘ladi.

Hamid Olimjon ijodi XX asrning birinchi yarmida – o‘zbek adabiyotining eng murakkab tarixiy jarayonlarni boshidan kechirayotgan bir davrda o‘sib ulg‘aydi va kamoliga yetdi. Shu bois qayd qilganimizdek, uning maqola va badiiy asarlarida ana shu davr chizgilarni uchratishimiz mumkin. Shoir yashagan davr sho‘rolar hukumatining ayni siyosiy qatag‘onlarni avj oldirgan davr edi. Sho‘ro hukumati yangi adabiyotni yaratish, bu boradagi qarashlarini tezroq joriy qilishga intilgan. Ijodkorlarga o‘z siyosiy talablarini ham ko‘ya boshlagan. N.Karimov Hamid Olimjon bilan bir davrda yashab ijod qilgan Usmon Nosir ijodi xususida so‘z yuritib, uning davr talablari bilan yozilgan “Paxtakor” nomli adabiy montajining yaratilish sababini

quyidagicha izohlaydi:

*“Tonglar otib,
Tonggi qizilliklar
Dilni oldi
Muhabbat soldi...
Boylar, amirlardan
Ketdi burd,
Gul-lolalar ochdi,
Yurt...*

O‘tmish manzaralari tasviridan keyin o‘qilgan bu monolog yosh tinglovchilarga ayniqsa manzur bo‘lgan. Navqiron shoirning paxta uchun kurash mavzuida yozilgan bu asari maorif rahbarlari tomonidan ham yaxshi qarshi olingan. Usmonjonning zamonaviy mavzularda davrning siyosiy talablari bilan yozilgan bunday asarlari uning iste’dodiga bo‘lgan rasmiy ishonch va umidni oshiradi” [1;70].

Usmon Nosir ijodiga xos bo‘lgan jihatlar bevosita Hamid Olimjon asarlariga ham daxldor deb aytishimiz mumkin. Hamid Olimjon ijodida ham bu singari davrning siyosiy talablari bilan yuzaga kelgan she’r va maqolalari uchraydi. Xususan, shoir Mayakovskiy bilan bo‘lgan uchrashuvidan keyin ijodida Mayakovskiy asarlarining ta’siri sezila boshlagan. “1930 yilda Pedakademiyaning Abramov bul’varidagi binosi bitmagan, shu vajdan akademiyaning yig‘ilishlari bilim yurtining zalida o‘tkazilar va bu zalda mafkuraviy kurashga bag‘ishlangan yig‘ilishlar tez-tez bo‘lib turar edi. 1930 yilda bo‘lib o‘tgan shunday yig‘ilishlarning birida partiya va hukumat rahbarlari ham qatnashdilar. Asosiy dokladdan so‘ng bir necha notiqalar chiqqach, yig‘ilish yanada qizg‘in tus oldi. Daf’atan yig‘ilish raisi Hamid Olimjonga so‘z berdi. Ola-g‘ovur tinib, minbardan otashqalb shoirning yoniq chehrasi ko‘rindi. U zalni bafurji kuzatib, shoshmay-netmay, tabassum bilan so‘zga og‘iz juftladi. U odatda rasmiy yig‘inlarda ham nutq so‘zlamay, she’r o‘qir edi. Bu safar ham shunday bo‘ldi. U ana shu yig‘in munosabati bilan yozilgan “Mudofaa kunlarida” she’rini o‘qidi.

Bas,

Odamlar

qattiq-qattiq

yerga botsin –

Traktorlar tavg‘o boshlab

yerni yorganday.

Bos, tarixda

ulkan

ulug‘

qadamlar

otsin-

Yenggan sinf

Zafarlarga to‘rib borganday.

Bu – Mayakovskiyning “So‘l marsh”i ta’sirida yozilgan she’r”, deb e’tirof etadi N.Karimov [3;52].

“Navoiy – o‘zbek tilining yaratuvchisi” nomli maqolasida Hamid Olimjon Firdavsiy, Shekspir, Balʼzak, Lev Tolstoy, Pushkin kabi ijodkorlarning asarlari jahon adabiyoti tarixida qay darajada o‘rin tutsa, Alisher Navoiy asarlari ham ularnikidan kam emasligini bildiradi. O‘z navbatida Navoiy asarlarida ko‘tarilgan g‘oya maqsad-mohiyati, shaxs tarbiyasidagi umuminsoniy ahamiyatini belgilovchi bir nechta jihatlarini sanab o‘tadi [5;157].

“Navoiy va zamonamiz” maqolasida buyuk alloma kuylagan ideallar barcha zamonlar uchun o‘lmas ekanligini ta’kidlaydi. Jumladan, “Adolat temasi umr bo‘yi buyuk mutafakkirning hamrohi bo‘lgan edi. Zo‘r dono kining fikriga ko‘ra, xalq tinch va osoyishta yashamog‘i uchun, mamlakatning buzg‘unchilikdan, vayronlikdan qutqarmog‘i va har xil bema’ni urush va janjallardan xalos bo‘lmog‘i uchun dunyoda adolat hukmronligi yuzaga kelmog‘i lozim edi...”

Navoiyning fikriga ko‘ra, mamlakatda ilmdan, hikmatdan xabardor bo‘lgan, aqlli, dono o‘lgan yo‘lboshchi, podsho idora qilmog‘i va uning shiori adolatparastlik bo‘lmog‘i kerak edi. Uning ko‘p asarlari – “Farhod va Shirin”, “Mahbub ul-qulub” va ayniqsa, “Saddi Iskandariy” dostonida yuu problema asosiy o‘rinni oladi” deydi. Hamid Olimjon adolat borasidagi idealining ifodachisi sifatida “Saddi Iskandariy” dostonida Iskandar obrazi orqadi ideal hukmdor sifatida ko‘radi va aytganlarini shoirning dostonida tarannum etgan estetik idel mag‘zini ifodalovchi:

Shohki ish adl ila bunyod etar,

Adl buzuvq mulni obod etar,

-misralari orqali dalillaydi [5;227-236].

Bu bilan Hamid Olimjonning Navoiy ijodi misolida o‘zbek adabiyotining asrlar davomida kuylangan ideallarini ko‘rsatib bergan; Navoiy adabiy-estetik idellarini tahlil qilish orqali o‘z adabiy-estetik idellarining ham ularga hamohang kangligini inkor qilmagan.

Uning adabiy-estetik ideallari ko‘p asrlik turkiy xalqlar og‘zaki ijodi sarchashmalariga borib ulanishi, uzviylikini “Mardlik, muhabbat va do‘stlik dostoni” nomli maqolasida bilishimiz mumkin. Maqolada “Alpomish” dostonining o‘zbek, qoraqalpoq, qozoq, turkman kabi turkiy xalqlarning birligi, birlik va hamjihatlik borasidagi ideali ifodachisi ekanligini ta’kidlaydi. Bu bila birga “Go‘rug‘li” turkumidagi dostonlar ham ana shunday xarakterga ega ekanligini aytib o‘tadi. Xususan, “Xalq doimo yaratadi. Xalq o‘z boshidan eng qora kunlarni kechirib turgan vaqtda ham yaratadi – ijod qiladi...”

...Xalq qahramonlar haqida, bahodirlar to‘g‘risida, uzoqni yaqin, mushkulni oson qiluvchilar haqida kuylar edi. Bu qo‘shiqlardan esa haqiqiy epos maqdonga kelar edi. Bu dostonlarda xalqning chin turmun va kurashi o‘nlaracha rasmiy tarixiy kitoblarga qaraganda real – rost ko‘rsatadi”, deb yozadi[5; . 166-167.

Shoirning ajdodlari asrlar davomida kuylagan sevgi-muhabbat borasidagi ideallarini “Zaynab va Omon” poemasi misolida ko‘ramiz. “Zaynab va Omon” poemasi yangi sovet davrining “Farhod va Shirin”i edi”, deb e’tirof etadi N.Karimov [3; 91]. Asar uchun o‘sha davrda dongdor paxtakor sifatida tanilgan Zaynab Omonovanning taqdiri asos qilib olingan. Hamid Olimjon poema orqali sevgi borasidagi ideallarining zamonaviy talqinini taqdim qilgan:

*Bu sevgida yo‘l boshlar vafo,
Ham vafoni yemirmas jafo;
Bunda aslo qaro kun yo‘qdir,
Bunda motamsaro kun yo‘qdir.*

Shoir bu misralar Zaynab va Omon sevgisi misolida sevgining eng yuksak ko‘rinishi qanday bo‘lmog‘i kerak degan savollarga o‘z ideallarini taqdim etish orqali javob bergan. Albatta, sevgining bu singari zavo bilmas ko‘rinishi bo‘lishini barcha zamon qalam ahli ham, o‘quvchilari ham istaydilar. Sevgining ideal ko‘rinishda bo‘lishi, bu boradagi ijodkorlarning qarashlari o‘quvchi idrokiga tezroq ta‘sir qilishi, tezroq qabul qilishi uchun adabiy qahramonning hayotdagi prototipining bo‘lishi tajribasi adabiyotimiz tarixida ko‘plab uchraydi. Sharq xalqlari adabiyotida mashhur “Layli va Majnun”, “Yusuf va Zulayxo”, qissasi bunga misol bo‘la oladi.

Hamid Olimjonning “Zaynab va Omon” poemasini ham ana shunday qissalar sirasiga kiritish mumkin. Uning salaflari asaridan farqli jihati shundaki, ijodkor o‘z zamondoshi hayot yo‘lini poemasning asosi qilib olgan. Shu bilan birga unga zamon ruhi ham seziladi:

*Dovonlarni oshdi amallar,
Yashashdagi churuk tamallar.
Asosidan bir-bir buzuldi,
Vodiy bo‘ylab kolxoz tuzuldi,
Anor xola oilasi ham,
Kolxoz sari qo‘ydilar qadam.*

Garchi ijodkor poemada zamon ruhini aks ettirishga intilgan bo‘lsa ham, uning markazida inson omili, uning ruhiyati, muallifning sevgi-muhabbat borasidagi ideallari o‘z aksini topgan.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, Hamid Olimjon hozirgi zamon o‘zbek she‘riyatini yangicha shakl, yangicha tasvirlar, ohanglar va obrazlar tizimi bilan boyitdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Каримов Н. Усмон Носир. –Т.: Шарқ, 1993. –Б. 70.
2. Каримов Н. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати. –Т.: Фан, 1964. –Б. 91.
3. Каримов Н. Ҳамид Олимжон. –Т.: Ёш гвардим, 1979. –Б. 52.
4. Туропова П. Адабий-эстетик идеал категориясининг трансформацияланиш жараёни (Жиззах адабий муҳити мисолида) // П.Туропова–Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2019.
5. Ҳамид Олимжон. Асарлар мажмуаси. Бешинчи том. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. –Б. 157.

SO‘Z MA‘NOSI USTIDA ISHLASH ORQALI BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARINI IJODIY FIKRLASHGA O‘RGATISH

*Suyunova Diyora Husniddin qizi,
Navoiy davlat pedagogika instituti talabasi
Ilmiy rahbar: f.f.d. (DSc) Ernazarova M.S.*

So‘z- ma‘lum ma‘no bilan bog‘langan va morfologik shakllangan tovush yoki tovushlar birikmasidir. Tilning narsa-hodisalar, jarayonlar va xususiyatlarni nomlash uchun xizmat qiladigan eng muhim struktur-ma‘noviy birligi ham so‘z deb yuritiladi [6; 282- 283].

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida ijodiy tafakkur, ijodiy izlanish, tushunarli va ta‘sirchan, chiroyli so‘zlash, mavjud imkoniyatlardan eng maqbulini tanlash, tilimizning boy imkoniyatlaridan nutq sharoitiga qarab to‘g‘ri, o‘rinli va samarali foydalanish malaka va ko‘nikmalarini singdirish, ularni milliy qadriyatlarimiz, udum va an‘analarimiz ruhida tarbiyalashda ona tilining tutgan o‘rni va imkoniyatlari benihoya kattadir. Darhaqiqat, ona tili orqali boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida ijodiylik, mustaqil fikrlash, fikr mahsuli og‘zaki va yozma shakllarda tog‘ri, ravon ifodalash ko‘nikmalarini shakllantirish lozim. Mashg‘ulotlarida asosiy e‘tibor o‘quvchilarga tilning grammatik qurilishini emas, balki ularning so‘z boyligini oshirish, so‘zdan to‘g‘ri va o‘rinli foydalanish, fikrini sharoitiga mos ravishda ifodalay olish ko‘nikmalarini kengaytirishga qaratishimiz zarur. A.Hamroyev ta‘kidlaganidek, boshlang‘ich sinf ona tili ta‘limiga kognitiv-pragmatik usul elementlarini kiritish o‘quvchilar tafakkuri va mustaqil fikrlash layoqatlarini o‘stirish, ta‘lim jarayoni samaradorligi bolalar o‘zlashtirishining sifatini yaxshilashga olib keladi [3; 39- 42].

Boshlang‘ich ta‘lim umumiy o‘rta ta‘limning asosiy poydevori sanalib o‘quvchilarning kelajakda komil inson bo‘lib voyaga yetishini ta‘minlovchi asosiy ta‘lim bosqichi hisoblanadi. Shuning uchun bugungi kunda, boshlang‘ich ta‘lim muassasalari uchun katta e‘tibor qaratilyapti. Bo‘shlang‘ich ona tili darslarida ijodiy fikrlashni oshirish, nutqiy tadbirkorlikni rivojlantirish so‘z va uning ma‘nolarini ustida ishlashga alohida e‘tibor beriladi. O‘quvchilarning o‘rganishi uchun tavsiya etilgan har bir mavzu, ularning yosh xususiyatlari va ona tilini o‘rganish imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda berilishi hamda ta‘lim samaradorligini ta‘minlovchi metod va usullarini to‘g‘ri tanlay olishi kerak.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini nutqini rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlaridan biri so‘z ustida ishlashdir. So‘zlarning ma‘nosini tushuntirish o‘quvchilar lug‘atini boyitadi, nutqini o‘stiradi. Boshlang‘ich sinflarda o‘qitiladigan fanlarning atamaları ham tushuntirilishi lozim bo‘lgan so‘zlar qatoriga kiritiladi. So‘zlarning ma‘nosini tushuntirish mazkur so‘z anglatgan tushunchani yaxshi fahmlashga yordam beradi. So‘zning ma‘nosini tushuntirish juda ko‘p vaqt olmasligi va darsning asosiy mavzusidan o‘quvchilar diqqatini chalg‘itmasligi kerak.

O‘qish kitoblaridagi matnlarda birinchi marta uchragan, bolalar ma‘nosini bilmaydigan ayrim so‘zlar matnni o‘qishdan oldin tushuntiriladi. Matnni o‘qish jarayonida so‘z ma‘nosini tushuntirishga chek qo‘yish kerak. Agar biror so‘zni

matnni o‘qish vaqtida tushuntirish zaruriyati tug‘ilsa, matn mazmunidan o‘quvchilar diqqatini chalg‘itmagan holda, shu so‘z ma‘nosi qisqacha tushuntiriladi.

O‘quvchiga yangi so‘z ma‘nosini tushuntirish, uning so‘zni to‘g‘ri tushunishiga erishish zarur. Buning uchun esa o‘qituvchi so‘z ma‘nosini tushuntirish usullarini bilishi va ulardan o‘rinli foydalanishi lozim. Boshlang‘ich sinf ona tili va o‘qish kitobida uchraydigan o‘quvchilar uchun tushunarsiz so‘zlar mazmuniy xususiyatiga ko‘ra turlichadir. Shuning uchun bu so‘zlarning ma‘nosini tushuntirishda ularning xususiyatiga mos ravishda eng samarali usulini tanlash lozim.

Ta‘limni ijodiy tashkil etish muammosining pedagogik jihatlari B.R. Adizovning “Boshlang‘ich ta‘limni ijodiy tashkil etishning nazariy asoslari” nomli doktorlik dissertatsiyasida keng o‘rganilgan. U ta‘limni ijodiy tashkil etishni kompleks muammo sifatida ajratib, uning tarkibini mantiqiy tahlil qilishga alohida e‘tibor qaratgan. B.R. Adizovning yozishicha, ijodiy ta‘limni tashkil etish – bu o‘quv materiali bilan o‘quv faoliyatini o‘rtasidagi aloqalarni yuzaga chiqarishdir [1; 15-18].

So‘zlarning ma‘nolarini tahlil qilish va o‘rganish jarayonida boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining ijodiy fikrlashi o‘sadi va nutqi rivojlanadi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari “Ona tili” va “O‘qish” darsliklarida berilgan ba‘zi bir so‘zlarning ma‘nosi tushunmaydi, natijada matnlar tushunarsiz bo‘ladi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga so‘zlarning ma‘nolarini tushuntirishda rasmlardan foydalanish mumkin. Masalan, “O‘qish” kitobidagi qaysidir matnni o‘qitmoqchi bo‘lsak, shu matn ichidagi notanish so‘zlarning ma‘nosini rasmlar orali tushuntiriladi, keyin matn o‘qiladi. Shunda bolalar matn mazmuniga yaxshi tushunadilar. Darsliklarda uchraydigan “raketa”, “chang‘i”, “muz”, “alla”, “sharshara” kabi so‘zlarni rasmlar orqali ma‘nosini tushuntirish mumkin.

1-sinf “O‘qish” darsligidagi “Musavvir” hikoyasida ham boshlang‘ich sinf o‘quvchilari uchun tushunarsiz bo‘lgan so‘zlar mavjud. 1- sinfga qadam qo‘ygan yosh bolalar ko‘p so‘zlarning ma‘nolarini tushunmaydilar. Biron bir hikoya yoki matn o‘qiganida ularga notanish bo‘lgan so‘zlarning ma‘nolarini bilmasa matn mazmuni tushunarsiz bo‘lib qoladi. Bu hikoyadagi “rasm”, “dasht”, “uloqchi”, “toychoq”, “non”, “podshoh”, “paxta”, “humo qushi”, “quyosh”, “daryo”, “oy”, “yulduz” so‘zlarini rasmlar orqali tanishtirib, ularning ma‘nosi izohlansa hikoya bolalarga ancha tushunarli bo‘ladi. Bu hikoyaning sarlavhasi “Musavvir” deb nomlangan ekan, 1-sinf o‘quvchilari uchun sarlavha nomi ham notanish bo‘lishi mumkin. Bu so‘zni boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga rasm orqali yoki “musavvir” so‘zining sinonimlarini keltirish orqali ham tushuntirish mumkin. Masalan, “ musavvir” so‘zining sinonimi “rassom” bo‘lsa, o‘quvchilar rassom so‘zini tez tushunishi va xotirasida qolishi mumkin [7; 95- 96].

3-sinf “O‘qish” darsligida berilgan hikoya va matnlar ichida o‘quvchi uchun notanish so‘zlar qo‘llangan. Agar o‘quvchi o‘qiyotgan hikoya va matnidagi notanish so‘zlarning ma‘nosini bilmasa, ularning o‘qishga bo‘lgan qiziqishi ham pasayadi. 3-sinf “O‘qish” darsligida berilgan “Kumush fasl” hikoyasida qatnashgan “oltin kuz”, “dov-daraxt”, “bog‘-u rog‘”, “paxsa devorlar”, “zovur”, “shox”, “sim- yog‘och”, “bulut”, “qarg‘a”, “qor”, “ayoz”, “qorbobo”, “chana”, “qorbo‘ron” so‘zlarini ham

rasmlar orqali ma'nosi izohlansa hikoya mazmuni o'quvchiga tushunarli bo'ladi [5; 72- 73].

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijodiy fikrlashga o'rgatish, ularning dunyo qarashini o'zgartirish, tafakkurini rivojlantirish o'qituvchi uchun asosiy vazifa hisoblanadi. Jamiyat a'zolarining ijtimoiy faolligi ularning ilmiy salohiyati hamda ilmiy dunyo qarashi bilan belgilanadi. Hozirgi davrda taraqqiy etgan davlatlarning iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy va madaniy ravnaqi fan taraqqiyoti bilan chambarchas bog'liqdir. Kadrlar tayyorlash milliy modelida fanning tabiat va jamiyat to'g'risidagi fundamental va amaliy tadqiqotlarni rivojlantirish, yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini ilmiy jihatdan ta'minlash, infrastrukturasi vujudga keltirish, mamlakatimiz ilm- fanining jahon ilm-faniga integratsiyasini tashkil etish kabi vazifalar belgilab berilgan. Bunday dolzarb vazifalar tizimida yosh avlodni mustaqil va ijodiy fikrlashga o'rgatish masalasi alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki ta'lim sohasidagi islohatlar faqat malakali kadrlar tayyorlashga xizmat qilib qolmay, balki fuqarolik jamiyatining ilmiy salohiyatini rivojlantirishga ham qaratilgandir. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijodiy fikrlashga o'rgatish metodlaridan biri so'z ma'nos ustida ishlash metodidir. So'zlarning ma'nolarini o'quvchilarga tushunarli tarzda yetkazib berish orqali ularni ijodiy fikrlashi rivojlanadi. Bolaning nutqi maktab ta'limiga tayyorgarlik bosqichida kattalar bilan muloqatga kirishib kishilarning fikrini uqib olish va to'g'ri idrok qilish darajasida shakllanib boradi. U eshitgan va ko'rganlari to'g'risidagi ma'lumotlarni tushuna oladi. O'zidagi axborotlarni muayyan tartibda bayon qila oladi. Shunday qilib unda fikrlash bosqichi paydo bo'ladi.

“Ona tili” darsliklarida berilgan matnlardagi so'zlar ustida ishlash orqali ham boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijodiy fikrlashga o'rgatish mumkin. O'quvchilarning so'z boyligi qancha boy bo'lsa, ularning ijodiy fikrlashi ham yuqori bo'ladi. Masalan: 3-sinf “Ona tili” darsligida berilgan “Nutq-gaplar orqali ifodalanadigan fikr. Nutq gaplardan, gap esa so'zlardan tuziladi” bu qoidada “nutq” so'zining ma'nosi izohlangan. Boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun tushunarli tarzda izohlangan. Bu qoidani o'qituvchi o'quvchilarga aniq va ravon qilib tushuntirishi, ularning ongiga singdirishi kerak. Shunda o'quvchilar “nutq” nima ekanligini yaxshi anglab oladilar [2; 4- 5].

Boshlang'ich sinf o'quvchilariga birinchi bo'lib alifbo o'rgatiladi. Lekin, ular “alifbo”so'zining ma'nosini bilmaydilar, bu so'z ular uchun notanishdir. 3-sinf “Ona tili” darsligida “alifbo”so'ziga ta'rif berilgan. “Tartib bilan berilgan barcha harflar alifbodir. Alifboda 26 ta harf va 3 ta harflar birikmasi bor.” Bu qoidada “alifbo”so'zi izohlangan. Bu qoida orqali o'quvchilar “alifbo” so'zining ma'nosini bilib oladilar. Natijada ularning dunyoqarashi, fikrlashi rivojlanadi [2; 12- 13]

4-sinf “Ona tili” darsligida ham boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun tushunarsiz bo'lgan so'zlar ma'nolari bilan izohlangan. Masalan: “tug'ro-gerb”, “qopqa-darvoza”, “alp-bahodir, pahlavon”, “xarsang-katta tosh”, “olqish- maqtash, ulug'lash”, “garmsel-issiq, yoqimsiz, zararli shamol”. Bu so'zlarning ma'nosi boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun notanish hisoblanadi. Shuning uchun har bir notanish so'zlar ma'nolari bilan izohlanib keltirilgan. Bu o'quvchilar uchun foydali hisoblanib, ularning tafakkurini, so'z boyligini oshiradi. Agar o'quvchilar ko'proq

o'zlariga notanish bo'lgan so'zlarning ma'nolarini o'rgansa, hikoya, ertak, badiiy asar o'qiganda ularning mazmuniga yaxshi tushunadilar [4; 3- 15].

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining ijodiy va mustaqil fikrlashi ularning dunyoqarashini o'zgartiradi. Insonning tafakkuri qanchalik mustaqil bo'lsa, u shunchalik tashabbuskor bo'ladi. Odamning fikrlashi qanchalik erkin bo'lsa, u shuncha izlanuvchan, ijodkor bo'ladi. Shakllanib kelayotgan yosh avlodning ruhiy, aqliy, jismoniy imkoniyatlariga qarab ish tutilsa, bolada o'z xatti- harakati uchun javobgarlik hissi paydo bo'ladi. U o'z fikri, qarashiga ega bo'ladi. Fikr kishisi hamisha o'z qarashlarini asoslaydi, kerak bo'lganda himoya qiladi. Shuning uchun yurtimizda mustaqil, ijodiy fikrlovchi shaxslardan iborat barkamol avlod tarbiyasiga alohida e'tibor qaratilmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Adizov B.R. Boshlang'ich ta'limni ijodiy tashkil etishning nazariy asoslari. –T.: 2003. –74 b.
2. Fuzailov S., Xudoyberganova M., Yo'ldosheva SH. Ona tili. –T.: O'qituvchi, 2019. –152 b.
3. Hamroyev A. Boshlang'ich sinf ona tili ta'limi jarayonida kognitiv-pragmatik usul elementlaridan foydalanish xususida. Pedagogik mahorat. 2014. –140 b.
4. Ikromova R., X. G'ulomova X., Sh. Yo'ldosheva SH., D. Shodmonqulova D. Ona tili. O'qituvchi, –T.: 2017. –190 b.
5. Umarova M., Xamrakulova X., Tojiboyeva R. O'qish kitobi. –T.: O'qituvchi, 2019. –283 b.
6. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. –T.: Davlat ilmiy nashriyoti, 2000-2005. G'affarova T., Shodmonov E., Estiturdiev G. O'qish kitobi. –T.: Sharq, 2019. –128 b.

МУНДАРИЖА

I. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Шуъба раиси: Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси доценти, филология фанлари номзоди Юлдуз Каримова

Котиби: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта ўқитувчи Мурод Жўраев

1.	Шоира Дониярова. Бадий талқинда шахснинг тириклай ўлиш изтироблари	3
2.	Almaz Ülvi. Abdulla Qədiri və Azərbaycan	6
3.	Зулфия Пардаева. Роман стилистикасида сажъланиш	15
4.	Шоира Ахмедова. Бухоро тарихига бағишланган шеърлар ҳақида	19
5.	Баяндина С. Актуальные проблемы исследования функционирования государственного языка в регионах республики Казахстан	23
6.	Абдусамад Эрмухамедов. Эркин Воҳидов ижодида тарих ҳақиқати ва талмиҳ	27
7.	Дилрабо Қувватова. “Наъматак” шеърининг онтологик таҳлили	30
8.	Абдурайим Туробов. Қўшма сўз - микросинтагматик муносабатлар объекти сифатида	32
9.	Фания Ахмедшина. Гендерные стереотипы и сексизм в языке	35
10.	Зокир Раҳимов. Тарихий романчилик тараққиётида Одил Ёқубов ижодининг ўрни	39
11.	Масрур Раҳимжанов. Ўзбек тилида иш юритиш терминологиясининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи	42
12.	Адиба Давлатова. Бадий тафаккур ривожда халқ оғзаки ижодининг ўрни	46
13.	Махина Абдувахабова. Фольклор дискурси ҳақида	50
14.	Олимжон Абдуллоев. Абдулла Ориповнинг истиқлол даври шеърлятида яқин ўтмишга муносабат (“Монолог” шеъри мисолида)	53
15.	Абдижаббар Усманов. Ўзбек тилида -ма аффиксининг фаоллавушига доир	57

16.	Мадина Матякубова. Бардавом адабий муштараклик	60
17.	Surayo Eshonkulova, Zarina Axtamova. Koshki yorimni uyquda bir ko'rsam edi!	68
18.	Shahnoza Almatova, Maftuna Abdullayeva. Tog'ay Murodning "Otamdan qolgan dalalar" romanida qo'llangan iboralarning xususiyatlari	73
19.	Абдували Эшқобилов. Прагматик адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари: адабий восита таъсиридаги ҳатти-харакатлар тадқиқи масаласига доир	75
20.	Суюнов Баходир. Термин ва тилдаги бошқа лексик birlikлар талқини масаласи	79
21.	Шохрух Қосимов. Адабиётшунослик ва публицистиканинг тарихан муштараклиги масаласи	84
22.	Салима Жумаева. Миллий таълим тизимида "Қобуснома" асарининг тарбиявий аҳамияти	86
23.	З. Ибадильдина. Вторичные тексты в процессе обучения русскому языку как иностранному	91
24.	Shoxida Siddiqova. Ko'chirma gaplarda gender xususiyatlari	94
25.	Зиетой Абдувалиева, Алибекова Зилола. Зулфия шеъриятида модал сўзларнинг лингвостилистик кўринишлари	97
26.	Adizova Nilufar. Erkin Vohidov dostonlarida frazeologik birliklarning qo'llanishi	99
27.	Xanifaxon Xamdamova. "Rustamxon" dostonining matn tahlilida statistik usulni qo'llash haqida	103
28.	Гулҳаё Ҳайдарова. Собир Абдулла, Чархий ва Ҳабибий ғазалларида тасвир ва талқин масалалари	107
29.	Хуршид Махаммадиев. Навой асарларида тикиш-бичишга оид лексикалар	112
30.	Дилшод Исломов, Умида Хайруллаева. Ўзбек тили фонетикаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари	116
31.	Gulhayo Eshniyozova. Halima Xudoyberdiyeva she'riyatining sintaktik xususiyatlari tahlili	118
32.	Акмал Абдуллаев. Тошкент вилояти топонимлари лингвокультурема сифатида	121
33.	Сапура Нейматова. Матонатда назари йўқ эди	125

34.	Odilbek Ashirov. Matnning lingvopragmatik tahlilida olmoshlarning tutgan o‘rni	128
35.	Масрур Рахимжанов., Донохон Олимова. “Қайнона” ва “Келин” терминларининг этимологияси хусусида	131
36.	Нафиса Ҳамроева. Тилнинг серкирралиги ҳақида	134
37.	Масрур Рахимжанов., Ойгул Мамажонов. Лисоний қиймат ва уни тиклашга доир	137
38.	Моҳидил Рабиева. Эвфемизм ва фразеологизм дихотомияси	139
39.	Азамат Холиқов. “Маҳбуб ул-қулуб” асарида сўз қудрати ва нутқ одоби масалалари талқини	144
40.	Elmira Djurakulova. Shoyim Bo‘tayevning “Shox” romanida kompozitsion vositalar ifodasi	148
41.	Abdurahim Ibragimov. Sintaktik konstruksiyadagi komponentlarning o‘ziga xos joylashuvi bilan farqlanuvchi figuralar inversiya	151
42.	Feruza Abdujalilova. Frazeologik chatishmaalarning tilimizdagi xususiyatlari	155
43.	Дилора Худайназарова. Бадий асар таҳлилида сарлавҳаларнинг ўрни	157
44.	Ғайрат Исроилов. Саккокий ғазалларида тарихий образлар тасвири	160
45.	Shoxista Axmedova. Tarixdan anglangan o‘zlik	164
46.	Вазира Султонова. Стилистик фигураларнинг бадий нутқ шаклланишидаги ўрни ҳақида	166
47.	Nargiza Ashirmatova, Iroda Abdurashidova. Hamid Olimjon ijodida xalq og‘zaki ijodining o‘rni	169
48.	Gulchehra Karimova, Gulmira Abdullayeva. Ogahiyning “Ta’viz ul-oshiqin” devonidagi go‘zalliklar	172
49.	Gulandom Qodirova. Abduqayum Yo‘ldoshevning “Timsohning ko‘z yoshlari” qissasida yangi inson konsepsiyasi	174
50.	Nigora Shuratjonova. Abdurahmon Jomiyning adabiy-estetik qarashlari	177
51.	Шаҳноза Каримова. “Сабъаи сайёр”да сафар мотиви	179
52.	Nurali Tursunqulov. Murodxon dostoni syujeti	183
53.	Ulug‘bek Hamdamov. “Qisasi Rabg‘uziy” asarida xabar janri	187

54.	Davlat Usanov. Badiiy asarda davr va shaxs ruhiyati masalasi (Tog‘ay Murod ijodi misolida)	190
55.	Shohsanam Ahmadova. Qanoat xazinasini	192
56.	Ruxsorabonu To‘ymurodova. Undov so‘zlarning badiiy matnlarda ishlatilishi	195
57.	Rayxona Baxtiyorova. Betakror o‘zlik va she’riyat	198
58.	Mavludaxon Nematova. Erkin Vohidov she’riyatida ma’nodosh so‘zlarning qo‘llanilishi	202
59.	Islom Mustafoev. Adabiyot - o‘zlikni anglash manbai	204
60.	Aziza Ergasheva. Bir asar tahlili xususida	205

**II. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ
УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ.**

Шуъба раиси: филология фанлари номзоди, доцент Зухра Мамадалиева

Котиби: Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси Гулбаҳор Қурбонова

1.	Жалолиддин Жўраев. Бадий Андижоний ва унинг филологияга оид асарлари хусусида	209
2.	Сунатулла Сойипов. Равзат уш-шуҳадо достонининг қуруми	214
3.	Жамолиддин Жўраев. Алишер Навоий асарларида қўлланилган поэтик деталлар	218
4.	Жасурбек Маҳмудов. Футувватномалар ҳақида мулоҳазалар	221
5.	Баҳриддин Умурзоқов. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғли Фахруддин Алий Сафий ва унинг ҳаёти, фаолияти, илмий-адабий мероси	227
6.	Шерали Қўлдашев. Мулла Шамсиддин Шавқийнинг “Тарихи Шавқий” асари	233
7.	Жалолиддин Жўраев., Садокат Хасанова., Искандар Олимжонов. Мулло Абдуллоҳ Усматий ва “Шарҳул Илос” асари қўлёзма ҳақида	238
8.	Rayxon Rasulova., Umidaxon Jumanazarova. Beruniyning "Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar" asarining adabiyotimizdagi o‘rni	242

9.	Сурайё Дўстова. “Тазкирай шуаро” кўлэзма нусхаларида “асарнинг ёзилиш сабаби” қиёси	248
10.	Raухon Rasulova., Yulduz Jovliyeva. Ibn Sinoning “Науу bin уақзон” асаридаги фалсафий қарашлар ва мажозий тинсollar тавсифи	251
11.	Камолиддин Жўраев. “Лайли ва Мажнун” типидаги достонлар қиёсий тадқиқи	254
12.	Noila Abdurashidova. Zaruriy ehtiyoj!	259

III. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Шуъба раиси: филология фанлари номзоди, доцент Усмонжон Қосимов

Котиби: ўқитувчи Шоҳиста Аҳмедова

1.	Almaz Ülvi. Abdulla Qədiri: tənqid, təhlil və şərhlər	262
2.	Usmon Qosimov. Til va adabiyot-yuksak tafakkur va kamolot ko‘zгusi	266
3.	Умрзоқ Жуманазаров. Қаҳҳор бахшининг “Алишер Навоий Самарқандда” достони талқинига доир	270
4.	Erhan Giray. O‘zbek adabiyotining Turkiyada o‘rganilishi	276
5.	С.Алтыбаева. Художественный образ в историко-культурной ретроспективе	280
6.	Азимидин Насиров. Тарихий муҳитнинг бадиий талқини	283
7.	Марҳабо Қўчқорова. Янги нашр (Эркин Аъзам. “Танланган асарлар. 5 жилдлик”нинг 2 жилди нашрига тақриз)	287
8.	Мўмин Ҳошимхонов. Алишер Навоий таъбида нафсоний шаҳват ва руҳий лаззатга майлнинг чекланганлиги хусусида	293
9.	Бахтиёр Файзуллоев. Садриддин Айний – адабиётшунос	303
10.	Давронова Шоҳсанам. Абдулла Орипов шеърятаида аёл ва она образлари талқини	307

11.	Абдуҳамит Тангиров. Тарихий асарларда эпизодик образ яратиш санъати	310
12.	Nodira Soatova., Muhammadjon O‘razaliev. Adib ifoda uslubi va mahorati. (<i>O‘tkan kunlar misolida</i>)	313
13.	Jumagul Suvonova. Hozirgi adabiy jarayon va poetik uslub muammosi	318
14.	Сурайё Эшонқулова. Бир ғазалда кўнгил шарҳи (Нодира ғазали мисолида)	328
15.	Zamira Kabulova. O‘zbek she‘riyatida badiiylik va ijodkor mahorati	332
16.	Шаҳноза Алмаматова. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида ўхшатишнинг бадий-лисоний имкониятларидан фойдаланиш маҳорати	334
17.	Маърифат Ражабова. Алишер Навоий лирикасида лўли образининг бадий талқинлари	338
18.	Мўмин Ҳошимхонов. Бобораҳим Машрабнинг дидактик қарашлари	340
19.	Gulchehra Qo‘uliyeva. Muhammad Alining “Ulug‘ saltanat” tetralogiyasining birinchi kitobi “Jahongir mirzo” romani haqida mulohazalar	344
20.	Гулнара Эшчанова. Изтироблар лаззати	348
21.	Шаҳноза Алмаматова. Абдулла Қаҳҳорнинг окказионал ўхшатишлардан фойдаланиш маҳорати	350
22.	Муродулла Жўраев. “Шоҳи сўзана” комедиясида юмористик характер	354
23.	Тўлқин Кенжаев. Фитратшунослик – истиклол даври ўзбек жадидшунослигининг янги босқичи сифатида	357
24.	Ойбек Барзиев. Соғинч мавзуси билан боғлиқ анъанавий поэтик туркумлар. (<i>Миллий уйғониш даври водий шеърляти мисолида</i>)	363
25.	Феруза Шукурова. Идейные и духовные искания героев романа «Бунт и смирение» Улугбека Хамдама	366
26.	Зиёдиллахон Ғозиев. Эски тузум даврида миллий фалсафий меросга нисбатан бирёқлама муносабат оқибатлари	372
27.	Zebo Sabirova. Badiiy adabiyotda obraz masalasi	376
28.	Рафаэль Ахмедов. Литературно – стилистические приёмы «Очеловечивания» образа робота в рассказах Айзека Азимова	379

29.	Dilfuza Rasulmuxamedova. Erkin Vohidov ijodi va dramaturgiya janri	382
30.	Насима Қодирова. Эссе яратишда мунаққид маҳорати	385
31.	Gulzina Tulishova. XX asr o‘zbek adabiy tanqidchiligi rivojida Ozod Sharafiddinov ilmiy faoliyatining o‘rni va ahamiyati	390
32.	Sobirjon Bazarov. Ramziy-majoziy talqini xususiyati	392
33.	Gulbahor Qurbonova. Yozuvchi mahortini ochishda qiyosiy tahlilning o‘rni	396
34.	Sayyora Norboyeva. O‘tkir Hoshimovning “Ikki eshik orasi” romanida ijodkor badiiy mahorati	399
35.	Нигора Кирйигитова. Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасида мазмун ва бадий санъатлар уйғунлиги	403
36.	Фариза Махмуджонова. Бадий матнда прагматик муносабатларнинг ифодаланиш турлари	407
37.	Dilfuza Faxritdinova. Ma’rifiy romanchilk taraqqiyoti haqida mulohazalar	412
38.	Mohigul Danabayeva. Shaxs begonalashuvi: sabab va oqibatlarning badiiy talqini (<i>Said Ahmadning “Qorako‘z majnun” hikoyasi misolida</i>)	414
39.	Sitora Oltmishova. Zebunniso lirikasiga chizgilar	417
40.	Гулнора Шодиева. Фарҳод Мусажоннинг образ яратиш маҳорати	420
41.	Feruza Nazarova. Asqad Muxtor hikoyalarida ruhiy evrilishlar talqini	424
42.	Malika Karimova. Abdulla Abduhamidov. Abdulla Oripov she’riyatining asosiy xususiyatlari	427
43.	Тоҳирхон Ғозиев. Мутафаккир Махдуми Аъзам тасаввуфий қарашларида комил инсон ва уни тарбиялаш масалалари	429
44.	Ҳулкар Неъматова. Сафарнома жанрининг туғилиши ва такомил ҳақида айрим мулоҳазалар	432
45.	Erkin Ochilov., Shaxnoza Mavlyanova. Poetik ifodaning xalqona tarzi	436
46.	Ойжон Холтўраева. Автобиографик дostonларнинг адабиётда тутган ўрни ва жанр хусусиятлари	438

47.	Юлдуз Турсунқулова. “Алпомиш” достонида туш мотиви талқини	442
48.	Дилбар Суюнова. Шойим Бўтаевнинг “Шўродан қолган одамлар” асарида образ яратиш	446
49.	San’at Shomurodov. Mustaqillik davri tarixiy romanlarida yangicha milliy tafakkur	449
50.	Qosimov Mirjalol. Isajon Sulton ijodiga bir nazar	453
51.	Ойжон Холтўраева. Шароф Рашидов ижодининг чексиз қирралари	455
52.	Dildora Safarova. Abduqayum Yo‘ldoshevning “Sunbulaning ilk shanbasi” qissasida badiiy xarakter	459
53.	Sanobar Nurbekova. “Ikki eshik orasi” va “Tushda kechgan umrlar” asarlarida urushning inson hayotiga ta’siri	461
54.	Севинч Алиева. Лукмон Бўрихоннинг “Тун қаъридаги шуъла” ҳикоясида бурч масаласи	463
55.	Sayyora Tog‘ayeva. Majoziylik va badiiylikning dialekti birligi	464
56.	Мухаммадқодир Тошпўлатов. “Шеър билан овутма, сўзга сиғмайман”. (Бехзод Фазлиддин шеърлятида Дунё, Рух ва Вақт образлари бадийляти)	467
57.	Barno Eshmurzayeva. Zulfiya Qurolboy qizi asarlarida inson ruhiyati tasviri	475
58.	Dildora Yorbulova. Tog‘ay Murodning “Oydinda yurgan odamlar” asarida maqol qo‘llash mahorati	476
59.	Dilnoza Sadullayeva. Xonlik zulmiga qarshi ko‘tarilgan bosh	479
60.	Shohjahon Meliqulov. Adabiy asarlarda din syujeti (“Muvozanat” romani misolida)	482
61.	Mustafoyev Islom. Adabiyot – o‘zlikni anglash manbayi	485

IV. АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Шуъба раиси: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент в.б. Дилнавоз Салимова

Котиби: катта ўқитувчи Соҳиб Бойсинов

1.	Улуғбек Ҳамдамов. Кафка ижодида инсон ва давр фожиаси	487
2.	Муқаддас Тожибоева. Мумтоз адабий манбалар XX аср ўзбек адабиётининг собит асоси ва вориси сифатида	490
3.	Дилором Ходжиметова. Элни эрка шоирлари	495
4.	Н. Сыздыкбаев. Неомифологизм в литературе рубежа XX-XXI веков(к постановке проблемы)	497
5.	Nilufar Ruziyeva. Discursive approaches to politeness	501
6.	Abdulhamid Abduvaiyev. Forscha so‘zlar tarkibida qo‘llanilgan -ak affiksi haqida ayrim mulohazalar	505
7.	Parizod Turolova. The power of artistic thinking	508
8.	Aytac İsmayilli. Azərbaycan ədəbiyyatında lirik poema janrının inkişaf xüsusiyyətləri (Nəbi Xəzri yaradıcılığı əsasında)	511
9.	Xurshid Ubaydullayev. Turli tillardagi frazeologik birikmalarni o‘zbek tiliga tarjima qilish xususida	514
10.	Nilufar Ochilova. Ingliz tili idiomalarida “Ot” obrazi tahlili	517
11.	Дилшод Исломов. Дилноза Абдурахмонова. Француз тили стилистиканинг объектлари, фонетика билан боғлиқ томонлари ва олимларнинг илмий қарашлари	520
12.	Моҳира Отабоева. Бадий таржимада таржимон ёндашуви масаласи	524
13.	Sanobar Vozorboyeva. The importance of culture in teaching foreign languages	527
14.	Madina Irsaliyeva. The historical roots of the female image in modern english literature	530
15.	Баҳор Тўраева. Чингиз Айтматов ижодида рамзлар талқини	532

16.	Yulduz Mehmonova. Definiteness and indefiniteness of nouns in english and uzbek	537
17.	Zulfizar Qoryog‘diyeva. Sofoklning “Shoh Edip” fojiasida edip psixologiyasi	541
18.	Laylo Khaydarova. How to motivate young learners to read stories and fairy-tales?	544
19.	Malika To‘rabekova. Diniy-axloqiy tarbiya va inson ruhiy kamoloti (Ahmad Lutfiy qozonchining “Bir vijdon uyg‘onur” asari misolida)	548

**V. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА
ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ**

Шуъба раиси: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
катта ўқитувчи Паризод Туропова
Котиби: ўқитувчи Ғайрат Исроилов

1.	Yulduz Karimova. Qiyosiy yondashuv – talabalarda tahlil kompetentligini shakllantirish yo‘li	551
2.	Muhabbat Jumaniyozova., Maqsuda Zakirova. Boshlang‘ich ta’limda o‘yin-topshiriqlardan o‘quvchilar faolligini oshirish	557
3.	Абдуназар Раҳмонқулов. Сўзларнинг шакл ва маъно қирраларини ўқитишда интерфаол усуллардан фойдаланиш	559
4.	Sanobar Ollaberganova., Shoxista Pirova. Innovatsion yondashuv asosida boshlang‘ich sinflarda ertaklarni o‘qitish metodikasini takomillashtirish	565
5.	Muhabbat Jumaniyozova., Ahmedova Munisa. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining imloviy savodxonligini oshirishda orfografik o‘yinlardan foydalanish	569
6.	Dilnavoz Salimova. O‘rta maktabda Oybek ijodini o‘rgatishda iqtiboslardan foydalanish metodidan	573
7.	Feruza Jumayeva., Anvar Jumayev. Fe‘l nisbatlarini o‘qitish usullari	576
8.	Zarina Sayliyeva., Shahrigul Jumayeva. “G‘aroyib us-sig‘ar” devoni tarkibidagi 5 - (“iloho, podshoho, kirdikoro...”) g‘azalining g‘oyaviy-badiiy tahlili	584
9.	Maxmud Babayev. O‘quv mashg‘ulotlari jarayonida nemischa suffikslar yordamida sifatlar, ravishlar va fe‘llarning yasalishini o‘rganish	587

10.	Latofat Ibragimova. “Nutq uslublari” modulini o‘qitishda ishbilarmonlik o‘yin texnologiyalaridan foydalanish amaliyoti	590
11.	Nafisa Rahmanova. Yusuf xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” dostonini seminar darsi usulida o‘rganish	595
12.	Lutfinisa Dehqonova. Leksikologiya modulini o‘qitishda muammoli ta’lim texnologiyasidan foydalanishga doir innovatsiyalar	598
13.	Dilora Xudaynazarova. Boshlang‘ich ta’limda o‘quv-biluv faoliyatini motivlashtirishda stimulning o‘rni	601
14.	Zulxumor Ro‘zmetova. Boshlang‘ich ta’limda so‘z turkumlarini o‘rganishda ta’limiy o‘yinlardan foydalanish (fe‘l so‘z turkumi misolida)	608
15.	Sevara Raupova. Badiiy matn ustida ishlash – o‘quvchi tafakkurini boyitish vositasi sifatida	611
16.	Shoxistaxon Xudoyqulova. Adabiy til va dialekt modulini o‘qitishda innovatsion texnologiyalar	614
17.	Mo‘mina Asrorova. Qo‘shma gaplarni o‘qitishga oid metodik tavsiyalar	617
18.	Gulimoh Donaboyeva. Shuhrat ijodini o‘qitishda zamonaviy texnologiyalardan foydalanish	622
19.	Anvar Jumayev. “Gapda so‘zlarning bog‘lanishi. So‘z birikmasi” mavzusini o‘qitish bo‘yicha bir soatlik namunaviy dars ishlanmasi	628
20.	Mirzabek Xadjiyev. Mahorat saboqlari (Taxmis asosida)	630
21.	Diyora Suyunova. Kitobxonlikka o‘rgatish orqali boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini ijodiy fikrlashga yo‘naltirish	642
22.	Nilufar Kamalova. Ta’lim qaraqalpaq tilinde alip barilatug‘in mekteplerde baslawish klass oqiwhilarinin’ so‘ylew kompetensiyalarin rawajlantiriv	646
23.	Sayyora Yusupova. Boshlang‘ich sinf o‘qish darslarida “O‘qish kitobi” darsligi materiallari asosida o‘quvchilarga tilning lug‘at tarkibi yuzasidan bilimlar berish	651
24.	Rahila Saidova. Boshlang‘ich sinflarda diktant o‘tkazishning nazariy-metodik asoslari	654
25.	Zarnigor Shamsiyeva. “O‘zbek shoiralari ijodida tatabbu’ an‘analarini o‘qitishda qiyosiy-tahliliy metoddan foydalanish	656

26.	Maftuna Xayrullayeva. “Furqat hayoti va ijodiy merosi” mavzusini o‘qitishda muammoli ta’lim metodidan foydalanish	665
27.	Анваржон Йўлдошбеков. Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” асарида вояга етмаганлар ҳуқуқий масаласи	668
28.	Charos Ahmedova. Umumta’lim maktablarida Uvaysiy hayoti va ijodini o‘rganish	669
29.	Xadichbonu To‘xtameshova. Hamid Olimjon ijodi bo‘yicha ayrim mulohazalar	673
30.	Diyora Suyunova. So‘z ma’nosi ustida ishlash orqali boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini ijodiy fikrlashga o‘rgatish	677

“ФИЛОЛОГИЯНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ”
мавзусидаги
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
(1-5-шуъбалар)

Муҳаррир: Шоира Дониярова
Мусахҳих: Сурайё Эшонқулова
Саҳифаловчи: Исмоил Жўраев

Нашриёт қоғози №АІ 242, 27.09.2020 й. Офсет қоғози. Босишга рухсат этилди
30.11.2021. Формати 84x108 1/16. Гарнитура «Times New Roman». Босма табоқ
43.0. Адади 100 нусха. Буюртма №33